Буюк шоир ва мутафаккир, атоқли давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоийнинг бебаҳо ижодий-илмий мероси нафақат халқимиз, балки жаҳон адабиёти тарихида, миллий маданиятимиз ва адабий-эстетик тафаккуримиз ривожида алоҳида ўрин тутади. Улуғ шоир ўзининг шеърий ва насрий асарларида юксак умуминсоний ғояларни, она тилимизнинг беқиёс сўз бойлиги ва чексиз ифода имкониятларини бутун жозибаси ва латофати билан намоён этиб, ер юзидаги миллионлаб китобхонлар қалбидан муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллади.

Жонажон Ватанимиз «Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари» деган бош тамойил асосида тараққиётнинг бутунлай янги босқичига қадам қўйиб, янги Уйғониш даври – Учинчи Ренессанс пойдеворини яратаётган бугунги кунда Алишер Навоийнинг безавол адабий мероси мисолида ўзбек адабиёти ва маданиятини чуқур ўрганиш ва оммалаштириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚАРО ЖАМОАТ ФОНДИ

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ НАВОИЙШУНОСЛИГИ

ЎТТИЗ ЖИЛДЛИК

“TAMADDUN”
ТОШКЕНТ – 2021

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚАРО ЖАМОАТ ФОНДИ

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ НАВОИЙШУНОСЛИГИ

ЎН БИРИНЧИ ЖИЛД

*** *** ***

Иброҳим ҲАҚҚУЛ

НАВОИЙГА ҚАЙТИШ

Мир Алишер Навоий таваллудининг
580 йиллиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси
давлат мустақиллигининг 30 йиллигига бағишланади

ВАСИЙЛИК КЕНГАШИ

Бекзод Мусаев, Абдурашид Жўрабоев, Абдуғафур Қирғизбоев, Беҳзод Йўлдошев, Озодбек Назарбеков, Абдуқодир Тошқулов, Шерзод Шерматов, Абдулазиз Комилов, Иброҳим Абдураҳмонов, Минҳожиддин Ҳожиматов, Низомиддин Маҳмудов, Иномжон Мажидов, Шуҳрат Сирожиддинов, Гулчеҳра Рихсиева, Сирожиддин Саййид, Олимжон Ўсаров

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Баҳром Абдуҳалимов, Муҳаммаджон Имомназаров, Ваҳоб Раҳмонов, Муслиҳиддин Муҳиддинов, Иброҳим Ҳаққул, Боқижон Тўхлиев, Нусратулло Жумахўжа, Қосимжон Содиқов, Султонмурод Олим, Шуҳрат Ризаев, Дилором Салоҳий, Афтондил Эркинов, Нурбой Жабборов, Жаббор Эшонқул, Каромат Муллахўжаева

ИЖОДИЙ ГУРУҲ

Олимжон Давлатов, Дилнавоз Юсупова, Феруза Тўрахўжаева, Акмал Фармонов, Диёра Абдужалилова, Ирода Эшонхонова, Орифжон Олимжанов

ИБРОҲИМ ҲАҚҚУЛ

НАВОИЙГА ҚАЙТИШ



МУАЛЛИФДАН

Жаҳон бадиий тафаккурининг беназир сиймоларидан бири, мутафаккир ва мутасаввиф шоир Алишер Навоийнинг кўлами жуда кенг ва фавқулодда теран ижод оламига дадил кириб борилгани сайин ҳар бир ҳақиқатнинг туб моҳиятига етиш ҳамда уни ўз номи билан аташ эҳтиёжи кучайиб боради. Шеърият султони асарларини ўқиб-ўрганишдан кўзланадиган бош мақсад ҳам ана шудир.

Собиқ совет давлати ҳукм юритган даврларда Навоийнинг кўп қиррали илмий-адабий меросини тадқиқ, тарғиб ва нашр қилишда кўп хайрли ишлар амалга оширилди. Буни унутмаслик ва эришилган натижаларни қандайдир ғараз юзасидан инкор ҳам этмаслик керак, албатта. Айни пайтда адабиётшуносликнинг бошқа тармоқлари каби навоийшунослик ҳам мустабид бир давлат сиёсий мафкураси ва у белгилаб берган синфийлик, партиявийлик қоида ва талабларига асосланганини эсдан чиқармаслик зарур. Ана шунда дин, тасаввуф, қадим Шарқ фалсафаси ва соф миллий моҳиятдан ажралган навоийшунослик фақат кенг ўқувчилар оммасини эмас, балки Навоийни ҳам тарих саҳнасидаги Навоийдан йироқлаштириб юборгани равшанлашади. Шунда навоийшунослик ўтмиши сохта чечанлик, ғайриилмий бир ғайрат билан баҳс юритиладиган соҳа эмаслигига ҳеч шубҳа қолмайди.

Хуллас, навоийшуносликдаги чекланиш ва ҳар турли ноқисликларни назарда тутиб, аср бошида “Навоийга қайтиш” номи билан бир мақола эълон қилгандик. Бироқ вақт етиб у Навоий ҳаёти ва ижодиётидан баҳс юритиладиган беш мустақил китоб ёзиш ниятига йўл очишини хаёлга ҳам келтирмаганмиз. Аллоҳга шукрки, ният ҳар қалай юзага чиқди. “Навоийга қайтиш”нинг биринчиси, иккинчиси, учинчиси, тўртинчиси китобхонлар ҳукмига ҳавола қилиниб, бешинчиси чиқиши арафасида тўрт китоб бир муқовада чоп этиладиган бўлди. Олдинда ҳали сўнгги, яъни бешинчи китобни тугатиш турибди. Аллоҳ таоло умр ва куч-қувват бериб, шу мақсад ҳам руёбга чиқса, айни нашрга тегишли ҳар қандай холис танқидий фикр-мулоҳаза, албатта, қабул қилинади.

Мумтоз адабиётимизни ўқиб-ўрганиш зарур. Лекин Навоийни чуқур билиш ҳаммасидан зарур. Чунки Навоийни англаш ҳаёт, адабиёт ва инсониятнинг энг мураккаб, энг долзарб масала ва муаммоларини тушунишга кенг йўл очади. Шу маънода, Навоий шахси ва шеъриятига, хусусан, ёш авлоднинг қизиқишига оз бўлса-да, ҳисса қўша олган бўлсак, ўзимизни муваффақият соҳиби, деб ҳисоблаймиз.

Дўрмон, 2021

МУҚАДДИМА

Билган – гапирмайди, гапирган – билмайди, деган қоидага риоя қилинса, Навоий ижоди билан боғлиқ баҳс-мунозаралар бошқача кечади. Бир замонлар Алишер Навоийнинг даҳосига шубҳа билан қарашлар бўлган. Лекин бундай иштибоҳлар туман янглиғ тезда барҳам топган. Рус ёки грузин зиёлисидан Пушкин ёки Шота Руставелининг буюклигини исботлашни талаб қилиб кўринг-чи! У сизга ё ажабланиб қарайди, ёки устингиздан кулади. Ахир, бу зотларнинг иккиси ҳам ўз юрти ва миллат тарихида юксак ўрин эгаллашини билмаган, тасаввур этмаган рус – русми, грузин – грузинми? Муҳаммад алайҳиссаломнинг пайғамбарлигини исботлаш ҳеч бир мусулмоннинг хаёлига келмаганидек, Навоийнинг улуғлигини кўрсатувчи қўшимча далил излашга ҳожат йўқ. Алишер Навоийнинг буюклигини билмаслик ўзбек миллатининг маданияти тарихи, миллий-маънавий куч-қуввати ва жаҳон бадиий тафаккурига қўшган буюк ҳиссасини англамаслик билан баробар. Алишер Навоийнинг улуғ сиймоси ул зотнинг руҳонияти, беназир шахсияти ва сўзни санъат даражасига кўтарган ижодкор эканлиги билан белгиланади. Унинг шу замонда – янги асрда ҳам замонавий шоир сифатида ёдга олинаётгани беҳикмат бўлмаса керак.

Навоийни бошқа халқларга танитмоқ учун эмас, ўзимиз яхши билишимиз учун кўпроқ ташвишланишимиз зарурга ўхшайди. Очиғини айтганда, биз ҳали Навоий ижодиётини керакли ва арзийдиган даражада ўқиб-ўрганганимиз йўқ. Эҳтимол, шунинг учун ҳам илм, ижод ва санъат аҳли Навоий ижодиёти хусусида умумий, икки томчи сувдай бир хил баландпарвоз таъриф ва тавсифларни такрорлашдан асло хижолат чекмайди.

Гёте 1831 йили рус адибларидан бирига «Сиёсат ва реализм, адабиёт ҳамда санъатдаги гўзалликни сўндирди» деган экан. Улуғ олмон шоири бунда сўзнинг илоҳий гўзаллиги ва моҳиятини назарда тутган бўлса керак. Шўро замонларида мумтоз адабиётимизга бирёқлама ва юзаки муносабат бизда ҳам худди шундай ҳолатни юзага келтирди. Шу боис эндиликда Навоийни пухта билиш учун жуда жиддий ва махсус тайёргарлик кўриш тақозо этилади. Акс ҳолда шоир ижодининг асл моҳияти кашф этилмасдан қолаверади.

Буюк ёзувчи ва шоирлар ҳаётида ижодий эркинлик ҳамиша муҳим аҳамият касб этган. Даҳо санъаткорлар, энг аввало, ана шу эркинликнинг куч-қуввати ва фалсафасига таянади. Шу боис ҳам ҳақиқий санъаткорнинг ҳаёт тарзи, руҳоний-ғоявий олами бошқаларникига ўхшамайди. Навоий шахсияти ва ижодий олами ҳам бундан мустасно эмас.

Дарҳақиқат, сўз ва фикр эркинлиги ҳақиқатни тўғри акс эттиришнинг тамал тоши, дейиш мумкин. Ҳар қандай озодлик ўзининг асл қиёфасини сўз ва фикрдагидек намоён эта олмайди ёки тасдиғини топа олмайди. Алишер Навоий ҳамма нарсани эркинлик ва вобасталикда талқин қилган, инсон қисмати билан боғлиқ ҳар қандай ҳақиқатнинг истиқболини тафаккур ҳурлигида кўрган. Демак, туйғуда, руҳда, кўнгил ва тафаккурда эркинликни қарор топтирмай туриб, Навоий асарларининг асл маъно-моҳиятини чақишга уриниш бефойда. Илм, илҳом, кашф ва ҳурлик завқи – ҳазрат Навоийнинг ғоя ва тимсоллари, мажоз ва ҳақиқат дунёсига киришнинг асосий йўли, дейиш тўғрироқ бўлади. Чунки дастлаб ишқ, дард ва армон сир-асрорлари очилиб, сўнгра маърифат ва гўзаллик сабоқлари бошланади.

Хуллас, Навоий асарлари ғояларини тарғибу ташвиқ қилишдан олдин уларнинг маъно-моҳиятини тўғри англаб олиш лозим. Навоийни билиш – бошқа, уни англай олиш – бошқа. Навоийни англайдиганлар кўпайсагина навоийшуносликда аҳвол кескин ўгаришига мен тўлиқ ишонаман.

Ёш авлод фақат Навоий асарларидан эмас, умуман, мумтоз адабиётимиз чашмаларидан бебаҳра қолаётгани жуда ташвишланарли. Аҳвол шу зайлда давом этаверса, яқин беш-ўн йилда ўтмиш адабиётимизга мутлақо эҳтиёж сезмайдиган, басирати кўр, демакки, гўзаллик туйғусидан маҳрум, моддий дунё ғам-ташвишидан бошқасини тан олмайдиган ёшларнинг бутун бир авлоди вужудга келиши ҳеч гап эмас. Энг ёмони, бундай ўспиринлар мустақил фикр, адабиёт, санъат, маънавият, маърифатнинг инсон тақдиридаги қиммати, яшашдан асосий мақсад нима эканлиги тўғрисида бош қотириб ўтиришни ортиқча ташвиш деб билади.

Ҳазратнинг ўзи «Ҳайрат ул-аброр» достонида бежиз бундай демаган:

Сирри ҳақиқатдин ўлуб баҳравар,
Айла басират кўзи бирла назар.

Биз ёшларга басират сир-асрорларини етарли даражада тушунтириб, умуман, дунёга басират кўзи билан боқишни ўргатмагунимизча улар Навоий шеъриятининг туб моҳияти ва гўзаллик сирларини мушоҳада қилишдан ожиз бўлиб қолаверади. Бу дунёда билмаган нарсани билгандай бўлиб кўриниш, маҳдудлик ва хабарсизликдан хотиржам тортишдан ортиқ гумроҳлик йўқ.

Шоирнинг ижод намуналарини ўрганишга рағбат, ул зотнинг қуёшдек порлоқ шахсиятини севиш ва ижодига муҳаббат уйғотиш лозим деб ўйлайман. Тан олиш жоизки, халқимиз орасида Навоийсиз ҳам ҳамма нарсага ақлимиз етади, Навоийни ўқиб-ўрганмасак-да, англаш керак бўлган ҳақиқатларни биламиз, деган ўй-хаёл билан ўзига таскин берадиган кимсалар оз эмас. Биз ҳали ўтмиш тарихимиз ва адабиётимизни идрок қилиш борасида иллат ва ноқисликларнинг барчасини тўлиқ тушуниб олганимиз йўқ. Демоқчиманки, Навоий сабоқларига амал қилмасдан туриб, жаҳолат, нодонлик, авомлик, мутелик ва ёвузликнинг илдизларини қуритиш мумкин эмас. Ёшларга Навоийни англаш йўллари кўрсатилса, улар билиш зарур бўлган барча ҳақиқатларни билиб олади. Навоий сўзларини тўтидай такрорлаш билан, ғоя ва мақсадларини тушунмасдан ортиқча билағонликка бериладиган ёшларни маърифатли инсонлар деб бўлмайди.

Мана, ўттиз йилдан буён Мир Алишер Навоий ижодини баҳоли қудрат ўқиб, ўрганиб, талқин этаман. Мен Навоийнинг муҳибиман. Ана шу муҳиблик – мени руҳлантирувчи, чарчоқлик ва чорасизликлардан муҳофаза қилиб, доимий равишда ёзиб-чизишга ундовчи бир асос. Ушбу китоб Навоий шеъриятининг баъзи долзарб масалаларига бағишланган мақолалар ва шеър шарҳларидан таркиб топган. Агар улар Навоий шеъриятини пухтароқ англаш ва мушоҳада этишда ўқувчиларга озроқ ёрдам берса, демак, биз мақсадга эришган бўламиз.

НАВОИЙГА ҚАЙТИШ

Мана беш юз йилдан ортиқ муддатки, Алишер Навоий халқ фахри, тилимизнинг байроқдори, шеърият мулкининг султони, маданият ва маънавиятимизнинг порлоқ қуёши бўлиб келмоқда.

Навоийга ўхшаш доҳий шоирлар тасодифан дунёга келмайди. Бунинг учун жуда яхши шаклланган ижтимоий-маданий муҳит ва ривожланган иқтисодий-сиёсий шароит зарурдир. Навоий ўн бешинчи аср фарзанди. Лекин унинг ижодий шахсияти Амир Темур асос солган буюк салтанат билан, шу салтанатдаги маърифий-маънавий кўтарилишлар билан чуқур боғлиқ. Амир Темур Мирзо Улуғбек тақдирида қанчалик муҳим ролни бажарган бўлса, темурийзода Ҳусайн Бойқаро ҳам Навоийнинг Навоий бўлишида алоҳида ҳисса қўшган. Шунинг учун Амир Темур ҳукмронлиги даврларида шаклланган ва ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ҳаётнинг, деярли, барча жабҳаларида ибратли натижалар берган давлатчиликдаги Бирлик туйғуси Навоийни кўп илҳомлантирар эди. «Хуросон ва Мовароуннаҳр тарихида, - деб ёзганди академик Иззат Султон, - «Темур ва темурийлар даври» деб аталмиш палла Навоийнинг таҳсин ва ғурурини уйғотар эди, чунки бу давр «турк улуси» зодагонларининг ҳокимият бошига келиши ва миллий маданият ҳамда адабиётнинг тараққиёти даври бўлди. Зотан, Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг бу давр тарихи гениал шоирнинг бунёдга келишига замин ҳозирлаган ва Навоий ўз тақдири ва тарихий миссияси билан бу давр орасида узвий, чамбарчас алоқа борлигини сезар эди». Шу боисдан ҳам Навоий фикри очиқ, руҳонияти соғлом, тўғрилик, ростлик ва ҳақиқатни умр моҳияти деб билган эл учун ижод қилиш заруриятини чуқур ҳис этган. Сўз билан одамни алдаш, сўз билан ёлғонни ҳақиқатга айлантиришга уриниш миллат манфаати учун катта зиён ва кечирилмас қабоҳат эканлигини Навоий ҳар нарсадан ортиқроқ тушунган. Улуғ шоир бутун ижодиёти мобайнида ***«Сўзда, Навоий, не десанг, чин дегил»***, деган талаб ва шиоридан мутлақо чекинмаган. Бу – ижод тажрибасида жуда сийрак учрайдиган ҳодиса.

Навоий ўн бешдан зиёд шеърий шаклларда қалам тебратган. У ғазал, рубоий ва бошқа турдаги шеърларида инсонга хос жамики гўзал ҳис-туйғулар, эзгуликка чорловчи маъноларни тасвирлаб берган деса, муболаға бўлмайди.

Навоийнинг ўзбек тилида илк маротаба «Хамса» яратиши чинакам ижодий жасорат эди. «Хамса» - беш улкан достонни ўз ичига олган мукаммал асар. Ҳар достоннинг ўзи бир оламдирки, ундаги ғоялар, ҳақиқатлар, неча ўнлаб қаҳрамонлар тақдири инсоният қалбини абадулабад завқлантиришга қодир.

Алишер Навоийнинг буюклиги ва халқимиз тарихидаги хизматлари мутафаккир шоирлиги билангина белгиланмайди, албатта. Навоий бадиий ижод жабҳасида қанчалик тенгсиз бўлса, илмда, яъни олимликда ҳам шунчалик беназир. Навоийнинг тилшунослик, адабиётшунослик, тарих ва тасаввуфшуносликка бағишланган асарлари ҳанузгача ўзининг илмий қимматини бой бергани йўқ. Тилимиз, адабиётимиз муаммоларини ҳал қилишда бу нодир тадқиқотларга қайта-қайта мурожаат қилишимиз, айниқса, ёш авлод улардан пухта хабардор бўлиши зарур.

Алишер Навоийнинг ҳаёти, адабий, илмий меросини ўрганиш олижаноб меҳнат. Унинг таржимаи ҳоли, меросига қизиқиш XV асрдан бошланган. Навоий асарлари ўз замонасидаёқ моҳир хаттотлар томонидан қайта-қайта кўчирилиб, халққа етказилган бўлса-да,

навоийшунослик йигирманчи асрда янгича шаклланди. Албатта, шўро даврида Навоий асарлари нашри ва тадқиқи бўйича кўп ишлар қилиниб, маълум ютуқларга эришилган. Аммо улар эркин ёки озод бир миллатнинг талаб ва эҳтиёжларини қондира олмасди. Чунки, Навоий тўғрисида баҳс юритган ҳеч бир олим шўро мафкураси томонидан белгиланган чизиқдан четга чиқа олгани йўқ. Айтиш зарур бўлган фикр-мулоҳазаларнинг аксарияти тадқиқотчиларнинг кўнглида қолиб кетганлиги энди сир эмас. Шоирнинг айрим асарлари нега мустақиллик замонигача тўлиқ нашр этилмади? Улуғ шоир ижодиётининг ирфоний моҳияти, илоҳий ҳақиқатлари хусусида, деярли, баҳс юритилмаган? Бунинг сабаблари мушоҳада қилиниши лозим.

Ёшларимиз Навоийни қанчалик чуқур ва пухта билса, маърифат, эзгулик, комиллик сирларини ўшанча кенгроқ эгаллайди. Навоийнинг сўзлари дилига ўрнашган одам, ўзи истасин-истамасин одамийлик шарафи ва куч-қувватини идрок этади. Навоий сабоқларига амал қилган киши ўз-ўзидан халқ дарду ташвишларини енгиллатишга бел боғлайди, фикрни – фикрсизликка, илм-маърифатни – нодонликка ва жаҳолатга қарши қурол ўрнида ишлатади. Навоийни етарли даражада билиш – адолат, диёнат ва имон-эътиқоднинг кучига ишонч демак. Кўнглида шу ишонч ғолиб бўлган одамлар сони жамиятимизда қанча кўпайса, инсоний муаммолар ҳар қалай камайиб боради. Энг муҳими, диний ҳаётдаги маҳдудлик ва чалғишлар ёш авлод онгидан тезроқ барҳам топади. Бунга сира-сира шубҳаланмаслик лозим.

Алишер Навоий мумтоз адабиётимизнинг марказий сиймоси. Туркий адабиётнинг энг илғор ва безавол ютуқлари шоир шеъриятида мужассамлашган. Буни Озарбойжоннинг беназир шоири Муҳаммад Фузулий, туркман классиги Махтумқули, қозоқ оқини Абай, қорақалпоқ ёзма адабиётининг асосчиларидан бўлмиш Бердақнинг эътирофларидан ҳам англаш мумкин. Демак, Навоий ижоди қардош халқлар билан бўлган асрий алоқалар, дўстлик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва янги поғоналарга кўтаришдаги ўзига хос муҳташам асосдир. Навоий ва Жомий ўртасидаги устозу шогирдликни эса ҳар қанча ибрат қилиб кўрсатса, ўшанча кам. Чунки бундай ҳодисалар кўҳна тарих учун ҳам камёбдир.

Хуллас, кейинги йилларда биз Навоийнинг тилимиз, маданиятимиз, адабиётимиз ривожидаги тарихий хизматларини нисбатан чуқур англай бошладик. Навоийнинг қудратли шахсияти, бетакрор ижодиёти, ижтимоий, сиёсий фаоллиги, бунёдкорлик ғайрати хусусидаги тасаввурларимиз нисбатан ўзгарди.

2

Алишер Навойнинг ғазалларидан бирида шундай гап бор:

Дедим: назм аҳлининг сархайли ким бўлғай, деди ҳотиф:
Навоий бўлғай, улким сен тилайдурсен агар бўлғай.

Ўша ҳотиф – ғойибдан овоз бергувчи адашмаган: Навоий ҳақиқатда ҳам шоирларнинг сардори, барча давр туркий шеъриятнинг султонидир. Алишер Навоий шеърияти санъаткорликнинг буюк мактаби. Унинг ижод тажрибаларига таяниб адабиёт тараққиёти ҳақида мулоҳаза юритиш ёки «Шоир ким, унинг асосий ҳунари нима?», - деган сўроққа аниқ жавоб топиш мумкин. Мен Навоий яшаб ижод қилган даврни гоҳо ўзимча хаёлан тасаввур айлаб, Ҳазрат шеъриятининг ўқувчилари, мухлисларини кўз олдимга келтиришга уринаман. Улар кимлар? Энг аввало, шоирлар, ижодкорлар – гўзаллик ва шеъриятнинг сир-асрорини ҳам, қадр-қимматини ҳам англай оладиган кишилар. Кейин илм аҳли – Навоийга олимларнинг – шоири, шоирларнинг – олими деб қараган, Навоийни илм-фанннинг толмас

муҳофизи, буюк маърифатпарвар ўлароқ эъзозлаган олиму уламолар. Яна бир тоифа: Навоий асарларида фалсафанинг энг мураккаб, энг долзарб муаммолари шеър тили ила гўзал талқин қилинишига тан берган файласуфлар…

Хуллас, Алишер Навоий шеъриятидан баҳрамандлик кўнгил эҳтиёжи бўлиб қолган мусаввирлар, муғаннию ҳофизлар, давлат ва ҳокимият соҳиблари, ҳақ йўлчилари – дарвеш, фақир, ориф ва ошиқлар, мадраса талабалари, дин ва шариат вакиллари, косиблар, ҳунармандлар, деҳқонлар...

Эҳтимол, бу қайдлар кимгадир эриш туюлар. Лекин эриш туюлмаслиги керак. Оддий китобхонни қўя турайлик. Шоир – шоирнинг, ёзувчи – ёзувчининг ёзган нарсасини ўқимай қўйган замонда ўқувчининг дид, савия ва ички талаблари, деярли, унутилган бир даврда, кўпчиликнинг Навоийга қизиқиш сабаблари тўғрисида ўйласа асло зарар қилмайди.

Дарвоқе, бундан бир неча йил аввал матбуотда «Навоий хослар шоири», деган бир фикр айтилган эди. «Хослар» - алоҳида тоифа демак. Одатда аҳли тасаввуфга хослар дейилади. «Аъхос» - хосларнинг хоси, «хос» - саралланган кишилар жамоаси, «авом» - саводсиз ёки саводи паст оддий халқ, «аъом» - авом даражасига ҳам кўтарилмаганлар гуруҳи. Булар тасаввуфий истилоҳлар. Шунинг учун на тасаввуф нуқтаи назаридан, на илм, савия, маданият мезонига кўра Навоийни «хос»лар шоири дейиш ҳақиқатга мувофиқ келмайди. Навоий шоҳнинг ҳам, гадонинг ҳам, ошиқнинг ҳам, орифнинг ҳам – ҳамма-ҳамманинг шоири. Навоий шеъриятидан ким нимани ахтарса, шуни топади. Фикран ва руҳан ким нимага талабгор бўлса, унда барчаси мавжуд. Ҳатто золим ва жоҳил, нодон ва гумроҳ ҳам Навоий шеърларидан шифо топади. Чунки Навоий шеъриятида битта бош мақсад бор – Комиллик. Битта сарбон туйғу мавжуд – Камолот туйғуси. Асосий биргина нур қайноғи бор – Ишқ.

Бўлмаса ишқ икки жаҳон бўлмасун,
Икки жаҳон демаки, жон бўлмасун.

Икки жаҳоннинг ҳам мазмун-моҳият ва саодати шу ишқда.

Комиллик тўғрисида сўз юритилган айрим қадимий китобларни ўқиганда, комиллик мақоми замин одамига насиб этмайдиган бир нарсага ўхшаб туюлади. Тўғри, комил инсон мартабасига юксалиш машаққатли – риёзат ва заҳматни талаб этадиган иш. Тасаввуфий мазмундаги комиллик шартлари янада оғирроқ. Лекин Навоий масалани мураккаблаштирмайди. Аксинча, ҳар қандай мураккаблик ва қийинчиликни осон ҳал қилиш йўли ёки усулларини кўрсатади. Шулардан бири, эҳтимолки, биринчиси, комиллик даъвосини дилдан супуриб ташлаб, ноқисликка нигоҳни қаратиш, яъни ўз нуқсонларининг мушоҳадасига киришиш:

Ноқис улдурким, ўзин комил дегай,
Комил улким нуқсин исбот айлагай.
Ўз камолидин демас аҳли камол
Аҳли нуқсон ичрадур бу қилу қол.
Сенки нуқсон ичра комилсен, басе,
Олим айтиб ўзни, жоҳилсен басе.

«Нуқсон ичра комил»лик дегани нима? Бу – нафс дастидан халос бўлмаган ўзлик. Навоийнинг комиллик маслаги нафс ҳукмронлигидан бутунлай озод янги бир руҳоний «Мен» салоҳиятига асосланади. Инсоннинг иймони ва виждонини ана шу «Мен» ўз

тасарруфига олмагунча, у ҳеч қачон комиллик завқига етиб боролмайди. Ҳурлик, эзгулик, ҳақиқат тўғрисидаги иддаолар шунчаки қуруқ гап бўлиб қолаверади. Шарқнинг буюк шоирларидан бири «Аллоҳни жуда очиқ кўришни истасанг, «Мен»ни жуда очиқ кўришни ўрган», деганда нафс учун «ўлган», руҳ учун ҳаёт бошлаган ўша янги «Мен»ни эътиборда тутган.

Навоий бир ғазалида:

Руҳ раҳмоний эрур, нафс эрур шайтоний,
Иккисин бир-бирига қўшмоқ эмастур машрут, -

дер экан, худди шу «Мен» тақдири учун жавобгарликка чорлагандир. Инсон қисмати ва маънавиятида тасаввур этиб бўлмас ўзгариш, ғаройиб янгиланишлар ижодкори бўлмиш ушбу «Мен» хусусида сўзлашимизнинг яна бир сабаби бор.

Азизиддин Насафий «Комил инсон» номли китобида ёзади: «Билгилки, комил инсон қуйидаги тўрт нарсага мукаммал шаклда эга бўлган инсондир. Уларнинг биринчиси, яхши сўз, иккинчиси, эзгу фаолият, учинчиси, гўзал ахлоқ, тўртинчиси, илм». Бу тўрт нарсага эришган киши комил бўлиши мумкин, бироқ ҳурлик шавқини қўлга кирита олмас экан. Сабаб? Чунки у ҳали тарк ва фано ҳолининг мададига муҳтождир. Чунки у яхши ахлоқ, яхши амал ва илмда нечоғлик илгарилаган бўлмасин, тўла маънода кўнгул тозалиги ва осудалигини қўлга киритиб билмаган. Хўш, нима қилиш керак? Фано ҳолидан нажот кутиш лозим. Навоий ғазалларидан бирида ёзади:

Дединг: «Фано недур?» Мухтасар дейин: «Ўлмак!»
Ки шарҳин тиласанг юз рисола бўлғусидур.

Бизда фано шарҳида ҳатто бирор рисола ҳам йўқ. Шунинг учун ўша мухтасар шарҳ: «Ўлмак, йўқ бўлмак»дан бошқасини, деярли, билмаймиз. Ҳолбуки, Навоий девонларидаги неча юзлаб байтлар, бутун бошли ғазаллар фано талқинига бағишланган. Мана ўша байтлардан айрим намуналар:

Кирсанг фано тариқиға девонавор кир,
Ул важҳдинки, ақл бу йўлда ақиладур.

ёки:

Фано майхонасида қил гадолиғ,
Десангким, бўлмайин султонға муҳтож.

Фано тариқининг бош талаби ва туб моҳиятини шундай шарҳлаш мумкин: инсоннинг ихтиёр ва иродаси – унинг сифатлари, бошқача айтганда, шахснинг сифатлари унинг ихтиёр ва иродасини ифода этади. Лекин ўзининг башарий иродаси билан у Ҳақдан ажралган. Яъни, ирода ўртадаги ҳижоб. Демак, инсон ўз-ўзича ожизлик, ноқислик, кучсизликларини бутунлай енга олиш имкон ва иқтидорига эга эмас. У фоний нарсадан кечиб, боқийга эришмоғи лозим. Ҳақ иродаси ҳам азалий, ҳам қудратли. Илоҳий ирода эгаси бўлиш эса, юқорида айтганимиз, одамнинг барча махлуқотлардан буюклиги ва устунлигини намойиш этадиган қудратли «Мен»нинг туғилиши. Шу учун ҳам Навоий:

Дема жоми фано ичра эзилмиштур ажал заҳри,
Навоий жон бериб, ул жомни чекмакдур армоним,-

деб ёзган.

Маълумки, комил инсон тушунчасини тасаввуфга биринчи бўлиб Муҳйиддин ибн Арабий олиб кирган ва назарий жиҳатдан асослаб ҳам берган. Унингча, «Инсони комилдан юқори мукаммал бир мавжудлик йўқдир. Бу дунёда «Инсонлар орасида камолга етишмаганлар ҳайвони нотиқ – улар фақат сувратда инсондирлар, холос». Бу фикрлар беихтиёр Навоий бобомизнинг бир қитъаларини хотирга келтиради:

Аҳли маъни гуруҳида зинҳор,
Ҳеч ор айлама гадолиғдин.
Ким буларга гадолиғ ортиқдир,
Аҳли суратға подшолиғдин.

Демак, «аҳли маъни» – комил инсонлар, «аҳли сурат» – комиллик насиб қилмаган кимсалар. Навоий шеърияти эса комиллик фазилати ва ҳақиқатларининг мислсиз бир бадиий қомусидир.

3

Тасаввуфга бағишланган мўътабар китобларда такрор-такрор келтириладиган бир ҳикоят бор: нақл қилинишича, Шайх Самъуннинг мажлисида бир одам унинг ёнига келиб ўтириб ундан «Муҳаббат недур?» - дея сўрабди. «Бугун бу масалани тушунмоққа қодир бирор-бир кимса йўқдур», - дебди Самъун. Шунда унинг ёнига бир қуш келиб қўнибди. Шайх қушни тиззасига олиб, «Муҳаббатни англаган бирор жонзот бўлса, мана шу қуш эрур», - дебди-да, унга юзланиб сўз бошлабди: «Сўфийлар ишқ ва муҳаббатда шу, шу... даражаларга юксалдилар. Шундай, шундай сирларни мушоҳада этдилар...» сингари бир қанча гапларни айтибди. Самъун ишқ ҳақида шу қадар таъсирли гапирибди-ки, бир пайт унинг тиззасидаги қуш ўлик ҳолида ерга қулаб тушибди. Ва бу ҳол мажлис аҳлини ҳайрону лол этибди. Ҳазрат Навоийнинг айрим ғазалларини ўқиганимда мана шу ҳикоят тез-тез ёдимга келаверади. У ғазалларнинг сир ва таъсир қувватини таърифлаш қийин. Баъзан уларнинг башар хайлига мўлжалланганлигига ақл ҳам унча бовар этмайди. Чунки Навоийнинг аксарият ғазаллари, ақлусти бир туйғу ва завқи руҳоний ила битилган.

Нажмиддин Кубронинг таъкидлашларича, «Муҳаббатнинг интиҳоси ишқнинг ибтидоси эрур. Муҳаббат қалб учун, ишқ эса руҳ учундир». Шунингдек, Ҳақ сифатларининг мушоҳада этилишига муҳаббат, Ҳақ феъллари нурининг идрокига ишқ ва Ҳақ зот нурининг мушоҳадасига унс дейилмиш.

Навоий:

Хилвате топиб, сени жисмим аро жон айласам,
Балки жон хилватсаройи ичра меҳмон айласам,

деган мисраларни ёзганида қарилик фаслига етган ва руҳида унс ҳоли ғолиб эди. Буни байтнинг умумий мазмунидан, хусусан, хилват орзусидан илғаш қийин эмас.

Хилват – халқдан узоқлашиб, улардан айри яшаш учун бирор-бир гўшага чекиниш демак. Тасаввуфий маънода хилват ёки узлатдан кўзда тутилган асосий мақсад ёмон ахлоқдан ажралиш, тубан ишлардан воз кечиш, қалбни жилолантириб, руҳни ҳузур ва фароғатга етиштириш. Бу узоқ давом этадиган ҳодиса эмас. Лекин шу қисқа муддатда

маъшуқа ошиқнинг жисми аро жонга айланиши мумкин. Навоий эса ошиқлар учун доимий орзу бўлиб келган ёр ила хилват хусусида сўзлаётир. Аммо бу хилват моҳияти тамоман бошқача. Чунончи: ошиқ ёрни жисми ичра жон этиб «хилват саройи ичра меҳмон» қилиш билан кифояланмасдан, «танда жон янглиғ» уни жон бағрида пинҳон тутмоқчи:

Хилват элдин ёшурун, хилват аро тан ёшурун,
Танда жон янглиғ сени жон ичра пинҳон айласам.

Маълумки, жон форсий сўз бўлиб, руҳ, кўнгил, тириклик нафаси сингари маъноларни ифодалаган. Тасаввуф ва тасаввуф адабиётида жон тушунчаси жуда кенгайтирилиб, калима таркибига янги маънолар киритилган. Масалан, эндигина сайри сулук йўлига кирган дарвешларга мавлавийлар «жон» дейишган. Кўп тариқатларда эса жондан мурод меърожи маънавий бўлган. Бундай юксалиш ҳолидан йироқ шеърхон висолни яшириш, махфий сақлаш учун «жон пардаси»ни имкони бўлгани қадар ҳар томонга осиш ёки қандай осишни умуман тасаввур қила олмайди:

Анда ҳам жон пардасин ҳар сари осиб сатр учун,
Васлинг ихфосин нечаким, бўлғай имкон, айласам.

Хўш, бу гаплар кимга қаратилган ва уларнинг ҳақиқатини ким тўғри англай олади? Ўзлик масаласида бош қотирмаган, ўзликдан кечиш йўл-йўриқларидан бехабар ҳеч ким. Мосиводан (Ҳақдан бошқа ҳаммасидан) бутунлай фориғ бўлиб Ҳаққа боғланган чин ошиқ ёки ориф мана бу байтда гап нима тўғрисида эканлигини тез ва хатосиз билиб олади:

Чу бу хилват ичра не ўзлук эрур маҳрам, не мен,
Ҳар не номаҳрам дурур, ўздин паришон айласам.

Аслида «Ўзлук» ҳам бир мен. Аммо Навоий шундай бир «хилват»дан баҳс юритаётирки, унда ўзликдан нисбатан ажралган, аниқроғи, ишқ оташида тобланган иккинчи «мен» ҳам ёрга тўла маҳрам бўлишга қодир эмас. Бироқ, «ҳар не номаҳрам» бўлса, барча-барчасини ўздин йироқлаштиришга қасд қилган худди ана шу «мен» ғазалнинг бош қаҳрамонидир. Нафс ва нафсоний майллар унга ағёр бўлганидек, Ҳақдан йироқ қолганлар ва воқиф бўлмаганлар ҳам ағёрдир. У ишқ изҳорига тил нечоғлик ожиз деб билса, ҳижрон дарди шарҳида ҳам «безабонлиғ» «усули»ни танлайди:

Дафъ ўлуб ағёр, топсам бор ул хилват аро,
Безабонлиғ бирла шарҳи дарди ҳижрон айласам.

Тасаввур қилингки, ошиқнинг хилватга дахлдор ва байтма-байт таъкидланиб келинган, деярли, барча истак ёхуд хоҳишлари рўёбга чиқди. У энди мутлақ фориғ ва сокин одам. Бундай ҳолнинг ҳикмати нима? Биринчи ҳикмати, лаҳза мазмуни, лаҳза сурурини ўзида мужассамлаштирган ва лаҳза нуридан мунаввар ҳолга соҳиб бўлиш. Зеро, боқий умр асрори «бир лаҳзалик ушбу ҳол аро» яширидир. Шу боис ҳам ошиқ ҳеч иккиланмасдан, ***«Умри боқий топқамен, бир лаҳза ушбу ҳол аро»***, дейди. Иккинчи ҳикмат, ошиқлик камолини белгиловчи бехудлик ёки беҳушлик «мақоми»га кўтарилиш. Бу мақомда тил ишқ асрорига маҳрам эмаслигини англаган ошиқ бир умр жамол завқи ила нафас олишни истайди:

Умри боқий топқамен, бир лаҳза ушбу ҳол аро,
Ўзни бехуд, кўзни рухсорингға ҳайрон айласам.

Сиртдан қаралганда, ғазал мақтаъсидаги фикр олдинги байтлардаги гаплар билан мантиқан унча боғланмайди. Чунки ўқувчи ишқ тарки иқрорини хаёлга ҳам келтирмайди. Аксинча, султоний бир ҳолга етишган ошиқликнинг истиқболига ўзича инонгиси келади. Аммо ғазалда талқин этилган «хилват» туйғусини ҳамма ҳам идрок қилишга қодир эмас. Айниқса, ўздин кечиб, ҳайрат водийсига етган «бехуд» ошиқ аҳволига кўпчилик бошқача нигоҳ билан қараши табиийдир. Шоир масаланинг шу жиҳатини ҳам ҳисобга олади ва ишқ йўлидан чекинишга асло иложи йўқлигини шундай тарзда баён этади:

Эй Навоий, дема иқрор айла ишқи таркини,
Ким инонғай, гар ўзумга буйла бўҳтон айласам.

4

Одатда, орифона ғазалларда ҳаёт воқеа-ҳодисотлари ва инсон қисматига чуқур нигоҳ ташлаш, каттадир, кичикдир, ҳар бир нарсани фано ва бақо ҳоли ила мушоҳада қилишга даъват этилади. Алишер Навоийнинг:

Даврон гулию гулшани хориға арзимас,
Гулгун майи балойи хумориға арзимас, -

байти билан бошланган ғазалининг бирор бир байтида ҳам маъқулланган, эътироф этилган, қадрлашга лойиқ кўрилган нарса, ҳодиса ёки ҳақиқат йўқ ҳисоби. Ҳамма-ҳаммаси учун битта хулоса, битта ҳукм: «Арзимас!»

Бир ёқлама қараш, ёруғликни ҳисобга олмай, зулматни инкор айлаш Алишер Навоийга бутунлай ётдир. Даврондан ҳар қанча нолимасин, даврни ҳар қанча айбламасин, одам фарзанди ўз даври ва давронидан ажралиб яшай олмайди. Бундай умрнинг маъниси ҳам, кераги ҳам йўқ. Қолаверса, давр ва замонда ҳамма нарса ёмон дейиш ақлдан эмас. Навоий буни ҳам шу қадар мукаммал билганки, бир ғазалида:

Давр ичинда фитна ҳам кўп, хўб ҳам беҳад, валек
Бўлмағай мингдин бир ул сарфитнаи давронча хўб, –

дея ўқувчини даврон макр-ҳийлаларидан ғафлатда қолмасликка чақирган. Демак, ёмонни билиш яхшини қадрлашга хизмат этмоғи керак. Ёки аксинча. Ана шунда:

Минг йил киши жаҳон элига қилса шоҳлиқ,
Бир дам алар иҳонату ориға арзимас –

лигини чуқур тушунишда қийинчилик сезилмайди. Тарих не-не жаҳонгирлар мисолида шоҳлик, салтанат ишқи ҳам бақосизлигини кўп бора исботлаган. Навоий шоҳликни дунёга боғланиш ва дунё ишқининг энг олий шакли ўлароқ тилга олган. Ва шоҳ нақадар адолат ила ҳукм юритмасин, тожу тахт халқу халойиқ ори ва қадрининг бир дамлик камситилишига арзимаслигини ҳаққоний таъкидлаган. Шу ўринда бир муаммога аниқлик киритиш зарурга ўхшайди.

Ғазалнинг замирида тарки дунё туйғусига даъват бор. Шарқ мутафаккирлари, айниқса, тасаввуф ва тасаввуф адабиёти вакиллари тарки дунё ҳақидаги фикр-қарашларини ҳамиша очиқ-ойдин ифодалаганлар. Шўро мафкураси тасаввуф ва мумтоз шеъриятнинг айнан тарки дунёчилик тушунчаларига кескин қарши чиқди ва уларни тамоман инкор этди. Бу тўғрими, нотўғрими?

Моддиётчилик маъносида нисбатан тўғри, аммо маънавий-руҳий камолот нуқтаи назаридан нотўғри. Дунё ва олам ўзига хос бир ҳукмрон – ҳокими мутлақ. Одам фарзанди, у билан муроса қилишга, унинг талаб, истаклари билан ҳисоблашишга мажбур. Бундан у ҳамиша ҳам ютқазавермайди. Балки, эл-юрт манфаати ва тараққиёт учун ҳисса қўшади. «Ҳар не қадар бу оламнинг ҳол ва ишлари ўткинчи бўлса ҳам, - дейди Азизиддин Насафий, - алдансак ва алданмасак ҳам бу дунёга эҳтиёжимиз бор. Шу эҳтиёж туфайли нокаслар билан суҳбатлашиш, бехабарлар билан бирга бўлишга мажбурмиз». Тасаввуф, зоҳиран дунё билан алоқани узмай, одамларга нафи етадган ҳеч бир ишга қўл силтамаган ҳолда, ботинан дунёпараст бўлмаслик, нафс «аркон»лари билан фоний дунёга боғланмаслик йўл-йўриқларини белгилаб берди. Шу учун тасаввуф бошқа кўп касб, ҳунарлар қатори, ҳатто тижоратни ҳам қўллаб-қувватлади. Бу ҳақда улуғ юртдошимиз Абубакр Муҳаммад бин Исҳоқ Бухорий Калобозий ёзади: «Сўфийлар зироат, тижорат ва ҳунармандлик каби шариат мубоҳ айлаган йўллар билан мол топиш ҳалол деган нуқтаи назарда ҳамфикрдурлар. Аммо мол топганда ҳушёр бўлиш, қаллоблик қилмаслик ва ва шубҳали нарсалардан қочиш шартдир. Уларга кўра, меҳнат қилиш ва пул топишдан мақсад ёрдам қўлини чўзиш, бировларнинг мол-мулкига кўз олайтириш ҳиссиннг илдизини қуритиш, пулни халқ учун харж айлашни ният этиш ва қўшниларга ғамхўрлик туйғусидир». Бундан ортиқроқ мурувват, бундан зиёд холис ният ва олий туйғуни тасаввур этиш мумкинми? Алишер Навоий бир ғазалида:

Замона аҳлиға гарчи ўюнчилиқдур иш,
Енгар ҳам охир аларни замонанинг ўюни, –

дейди. Бугуннинг тили билан айтганда, бу байтда замонасозлик найранги, шахсий ғараз ва иддаоларни кўзлаб замонга мослашиш ҳолати қораланган. Навоий буни ўз номи билан «ўюнчилиғ», деб атайди. Бироқ бундай ўюнчилиғни енгиб, «ўюнчи»ларни забун этадиган бошқа бир катта ўйин бор. Бу – замонанинг ўйини.

Инсон шуни билиш, шу шафқатсиз ўйиндан ўзини четга олишда кўпинча ожизлик қилади. Ва гоҳо хаёлга келмас дунёсеварлик машғулотларида қўли баландлигини кўз-кўз қилмоқ истайди. Ахир, манқалга оддий ўтин ёқса бўлади-ку! Йўқ, халқдан ажралган дунёдор «манқал»ига рангдор, хуш ҳид таратувчи ёғоч ёндиради:

Манқалда уду сандал агар айласанг ўтун,
Бир лаҳза дуд бирла шарориға арзимас.

Бундаги «манқал» бир тимсол. Ҳозирги даврда «манқал»нинг шакллари ўзгариб, турлари кўпайган, албатта. Камёб, қимматбаҳо «ёғоч»га ҳорисликчи? Ақл бовар қилмас даражада кучайиб, кенг томир ёзиб кетган. «Дуд» ва «шарор»дан андиша ҳисси пасайган десак, ҳақиқатдан кўз юмган бўламиз.

Тўғри, инсон дунёга бир марта келади. Елдай ўтадиган шу қисқа умрни эркин, ҳар қандай қарамлик ва муҳтожликдан фориғ, яйраб ўтказшга у тўла ҳақли.

Даҳр боғинда неча кунким тириксан, айтқил,
Ким яна топмоқ эмас маълум бу бўстон каби.

Навоийнинг бу ўгитлари нақадар донолик ва ҳаётсеварлик билан айтилган. Лекин ақлни таний билиш чоғлариданоқ билмоқ керакки, ҳаёт бўстонида айш қилиш – нафсоний ва шаҳвоний қувватларга эрк бериш дегани эмас. Мол-мулк йиғиш пойгаси, мартаба баландлиги, «тотлиғ-тотлиғ» емоқ, «турлик-турлик» кийиб, ҳашаматли қасрларда роҳатланиб яшаш – булар ҳам умр моҳиятини акс эттирмайди. Навоийга кўра, тириклик айши, аввало, нафсни руҳга таслим айлаш, ишқ, маърифат, гўзаллик нури ила кўнгулга зийнат беришдир. Шундагина инсон дунё фатҳи учун лашкар тортмоқ «сипоҳ гарди ғубориға» арзимаслигини ҳам, одамлар орасидаги бир фурсатлик нифоқу жанжаллар асрларга чўзилган умр фароғатини буткул йўққа чиқариш эҳтимолини ҳам англаб одим ташлайди:

Юз қарн олам аҳли аро айламак нишот,
Бир дам алар нифоқу ниқориға арзимас.

Навоий шеърларини киши қанча кўп ўқиб, маъно маоҳиятини қанча кўпроқ англай бошласа, фикр-мушоҳада меҳнатидан ўшанча ҳузурланадиган, руҳнинг қудрати ва сеҳрига ортиқроқ ишонадиган бўлиб бораверади. Аста-секинлик билан бўлса-да, тубан майллар, қаҳрли туйғулар, саёз ва қиймати ҳаминқадар тушунчалар қалбдан чекина бошлайди. Энг муҳими, сиз ўз ғафлатингиз «чегара»сини кўриш, Навоий талаб қилганидек, ноқисликларингиз исботидан чўчимайдиган ҳолга кўтарилишга уринасиз. Бу умидбахш уриниш жараёнида ўзингизча бир нарсанинг ҳақиқати ва моҳиятини аниқроқ, теранроқ кашф этишга жаҳд қиласиз. Бу – фано ҳоли, фано йўли ва фақру фанолик орзуси эрур. Чунки, Навоий қайта-қайта фано хусусида сўзлайди, фано сирларини шарҳлашдан, фано водийсига сайр этишга чорлашдан тўхтамайди. Фикр юритганимиз ғазал мақтаъида ҳам ўқиймиз:

Киргил фано йўлиға, Навоийки, даҳри дун,
Бу умри бесаботу мадориға арзимас.

Навоий дунёқарашида комилликни кафолатловчи ҳол – фано ҳоли, дилни яйратувчи, толиқишлар, ториқишлар, жабр-жафолардан халос этгувчи маскан – фано майхонаси, Ҳақ висолига етказгувчи йўл – фано йўли.

Абу Наср Саррожга кўра, фано, нафснинг ёмон сифатлардан халос бўлиши ва покланиши. Фано уч турлидир: биринчи, қулнинг ўз нафси ва сифатларидан фано бўлиб, Ҳақ сифатларига эга бўлиши. Бу – фанои афъол. Иккинчиси, қулнинг Ҳақни билиш билан Ҳақнинг сифатларидан ҳам фано бўлиши. Бу – фанои сифот. Учинчиси – қулнинг Ҳақ борлиғига фанолиги, яъни фанои зот. Фанои афъол шартларини бажаришнинг ўзиёқ инсон ахлоқини гўзаллаштиради. Чунки Ҳужвирий айтмоқчи, жаҳолат фано бўлгач, илм боқий бўлади, ғафлат кетгач – маърифат, меҳр ва муҳаббат муқимлашади. Навоийнинг кўрсатмаси бўйича, фано расмин забт айлашни истаган киши зинҳор-базинҳор нафс ила руҳни қориштирмаслиги зарур:

Гар фано расмин қилмоқ тилар эрсанг мазбут,
Нафс ила руҳни зинҳорки қилма махлут.

Хуллас, шоир фано тариқига зўр ишонч билан қарайди. Шу тариқ орқали, хирқа, тасбиҳ, мусалло каби воситаларсиз ҳам ишқ ва руҳ илмини эгаллаб, висолга восил бўлишни алоҳида таъкидлайди:

Фоний ўлғил, тиласанг васлки, бу йўлда эрур,
Хирқау дафтару тасбиҳу мусалло офат.

5

Алишер Навоий таваллудининг беш юз йигирма беш йиллиги тантанали нишонланган йили биз талаба эдик. Ўшанда Навоий асарлари билан бирга Навоий ҳаёти, ижодига бағишланган кўп нарсалар босилган эди. Биз уларни иложи борича назардан четга қолдирмаслик ва топиб ўқишга ҳаракат қилардик.

Айниқса, «Ўзбекистон маданияти» газетаси, «Гулистон», «Шарқ юлдузи», «Ўзбек тили ва адабиёти» журналларида чиққан ижод намуналарини, албатта, ўқирдик. Ўшанда «Гулистон» журналида марҳум шоир Собир Абдулланинг бир туркум шеърлари чоп этилиб, биттаси Алишер Навоийга бағишланган мадҳия эди. Шеърдаги бошқа бирор сўзни ҳам ҳозир эслай олмайман, лекин мана бу тўрт мисра ҳанузгача хотирдан чиқмайди:

Билмак Навоийни – бу зўр маърифат нишони,
Билмак Навоийни – бу юксакка элтар они.
Билмак Навоийни – бу ўз нафъи, йўқ зиёни,
Билмак Навоийни – бу ойнаи жаҳони.

Ёшлик тасаввури билан, демак, Навоийни билиш маърифат, юксаклик ва жаҳонни кўриш «ҳужжати» деган хулосага келганман. Лекин Навоий ижодиётининг моҳият ва руҳоният оламига кириш, гўзаллик сир-асрорини баҳоли қудрат англаш осон эмаслигини, рости ўйлаб ҳам ўтирмаганмиз.

Навоийни англаш «мақоми»га етиш том маъноси ила бир саодат. Фақат бунга ғоятда секинлик билан, ниҳоятда кўп мутолаа ва мушоҳада ила, муълум бир ҳаёт тажрибасига эга бўлиш билан эришилади. Демоқчимизки, Навоий ижодиётини шошилиб ёки кундалик ҳаёт ташвишларига кўмилиб ўрганиш жуда қийин. Навоий ҳазратларининг ижод қасрларига кириш – муқаддас бир ибодатгоҳга, улкан бир санъат масканига киришдек махсус тайёргарликни талаб қилади. Навоийнинг руҳонияти шу қадар баланд, Навоийнинг тафаккур дунёси шу даражада теран ва маҳобатли.

Навоий меросини ўқиб-ўрганиш бундан ўн йиллар муқаддам ҳам алоҳида тоифа ёки гуруҳнинг эҳтиёжи эди. Бугун энди бутун бир миллатнинг эҳтиёжига айланиб бораётир. Демак, миллат тафаккур меҳнатини зиммасига олмоқчи. Руҳоният учун қайғурмоқчи, ўзлигини танимоқчи ва Ватан билан бир жону тан бўлиб яшамоқчи. Бундан ҳар қанча қувонса арзийди.

«Навоийни бугун яхши ўрганмоқ керак!» – дейилганда, «Кеча нега яхши ўрганилмади?» – деган саволга ҳам жавоб топиш керак бўлади. Шу маънода баъзи фикрларга диққатни қаратмоқчимиз.

Алишер Навоий ғазалларидан бири шундай байт билан бошланади:

Кийик чарми заиф эгнимга мажнунлуғ нишони бас,
Жунун тоши синуқ бошим уза қуш ошёни бас.

Байт мазмунини унча қийналмасдан тушунса бўлади. Шеър қаҳрамонининг ташқи сувратини ҳам тасаввур этиш осон: «кийик чарми»га ўранган заиф бир вужуд. «Жунун тоши» устидаги яраланган бош. Бу ғариб бош соҳибининг бирдан-бир орзуси мажнунлик ҳолига эришиш ва «қуш ошёни»ни манзил айлаш. Демак: «нишон»дан ва «ошён»дан мурод – мутлоқ ҳурлик истагини билдириш. «Кийик чарми» ҳам, «қуш ошёни» ҳам орзуга ишорат. Лекин кўп қатори «заифлик» ва «синиқлик» нималигини билсак-да, шахсан мен, ҳолат ўлароқ уни идрок қила олмайман. Биринчидан, бундай ҳолнинг сирини билмайман. Иккинчидан, бунақа ҳолатни яшамаганман. Шунга қарамасдан, байт мазмунидан кўнгилга бир енгиллик инади. Негадир айнан «қуш ошёни» ибораси дилимга ёқимли эшитилади. Энг муҳими эса орзиқтирувчи бир кайфиятдир. Бу кайфиятнинг номи руҳоний ҳурлик. У қандай туғилади ва унга қандай эришилади – бу энди муаммо.

Алишер Навоийга кўра, агар кўнгилда ишқ оташи ёнмаса, кофирлик билан мусулмонликда фарқ қолмайди. Ишқ бўлмаса зуҳду тақво қуруқ даъводир:

Ишқ кўнглунгга солиб дард, они қон этмиш,
Ол кисват била кофирни мусулмон этмиш.

Яъни, ишқ кўнгулга дард солиб уни қон этмиш. Лекин шу қон кўнгил либоси бўлганлиги туфайли кофир мусулмонга айланмиш.

Албатта, бунда назарда тутилган «кофир» – нафс. Уни мусулмон айлаш «тажриба»си эса соф тасаввуфий тажриба. Бу «тажриба»нинг талаб, эҳтиёж, шарт ва мажбуриятларини инобатга олмай, Навоийнинг руҳ, кўнгул, фано, бақо, ҳурлик ҳақидаги фикр ва тасвирларини умуман тўғри мушоҳада этиб бўлмайди, Чунки, Навоийнинг лирик қаҳрамони Ҳақни ички ўлароқ нафсда мушоҳада айлагани учун у ниҳоятда кучли руҳий, ҳиссий салоҳият соҳибидир. Унинг кўнгил ва руҳ оламига яқинлашишнинг бир неча йўли бор. Шулардан бири – тасаввуф.

Тасаввуфни қоралаш, унинг ҳақиқатларини нотўғри талқин қилиб, мутасаввифларни бадном айлашни шўро мафкураси равнақи учун бел боғлаб хизмат қилган олимлар бошлагани йўқ. Бу иш ўнинчи асрлардаёқ бошланган. Тасаввуфдаги Ҳақ нарса ботил сифатида кўрсатилгач, Калобозийнинг айтишича, «тасаввуф ҳақиқатини биладиганлар бир гўшага бекиниб, билганларини бошқалардан сир тутганлар. Оқибатда халойиқ кўнглида тасаввуфга нисбатан нафрат уйғониб, кўнгиллар сўфийлардан совиган.

Шўро даври адабиётшунослигида Навоий ижодиётини имкони бўлгани қадар тасаввуфдан узоқлаштириш ёки ажратиш нуқтаи назари ҳукмронлик қилган бўлса, қайта қуриш ва ошкоралик замонидан сўнг бунга мутлақо тескари ҳаракат бошланди. Яъни, Навоийнинг, деярли, ҳар бир шеъридан тасаввуфий маъно ахтариш, қандай қилиб бўлса ҳам ирфоний ҳақиқатларни «кашф» этиш умумий бир интилишга айланди. Кечагина тасаввуфга ёт бир назар билан қараган ёки бу таълимотнинг куч-қуввати ва мавқеи билан ҳисоблашишни истамайдиган олимлар ҳам тасаввуф ҳақида ижобий фикр-мулоҳазаларини баён қилишга киришдилар. Мустақилликдан кейин сўфийлик ва тариқатлар тарихи, тасаввуф ва адабиёт муаммолари эркин ўрганишга киришилди. Тасаввуфни пухта тадқиқ этмасдан мумтоз адабиётни текшириш самара бермаслиги равшанлашди. Бу ҳодиса баъзи навоийшуносларга ҳам ички бир енгиллик бахш этди. Чунки улар айнан ўша шўро мафкураси талабларини ифодалайдиган ва тасаввуф маслаги Навоий дунёқараши учун ҳам, шеърияти учун ҳам ҳал қилувчи аҳамият касб этмаган, деган ҳукм ва баҳоларининг тасдиғини кўргандай бўлишди. Ҳолбуки, айрим саёз ва шошма-шошарлик билан амалга оширилган ишлардан ташқари кўпчиликнинг диққатини ўзига

жалб этган ва Навоий ижодиётига янгича қарашни тасдиқлашга қодир тадқиқотлар ҳам яратилди. Тўғри, бу ишларниг ўзига яраша нуқсон ва камчиликлари бор. Дастлабки уриниш ва изланишлар учун бунинг ажабланадиган жойи йўқ. Биз истаймизми, истамаймизми, навоийшуносликда маълум бир саёзлик, якранглик ва турғунлик кўзга ташланиб турибди. Уни бартараф этиш осон эмас. Бунинг учун биринчи навбатда Навоий шеъриятининг руҳоният ва туйғулар оламига қарашларни тубдан ўзгартириш лозим, янгича тадқиқ усул ва йўлларини жорий этишга уриниш керак. Навоий шеърларида санъаткорлик билан тасвирланган маъно ва тимсолларнинг зоҳирий «қатлам»лари хусусида баҳс юритиш билан чегараланмасдан, уларнинг ботиний «қатлам»ларини ҳам очиш лозим. Буни эса тасаввуфий илмга эга бўлмасдан юзага чиқариш жуда-жуда душвордир. Албатта, юқорида қайд этилганидек, Навоийнинг ҳамма шеъридан тасаввуфий моҳият излаш ва уларни атайин тасаввуфлаштириш тамоман номақбул ишдир. Айни пайтда, шуни ҳам унутмаслик керакки, Навоийнинг аксарият шеърларида тасаввуфнинг ё зиёси, ё сафоси, ё маъноси ёки истилоҳ ва тимсоли эркин ўрин эгаллаган. Буни ҳам инкор этиб бўлмайди. Фақат ишқ, фақат ҳақиқатда эмас, ахлоқ-одоб, руҳ, тафаккур, маърифат, шахс тарбияси ва дунёга муносабат масалаларида ҳам тасаввуф Навоий дунёқарашини машъалдай ёритиб турган. Гап бунда Навоийнинг нақшбандийлик тариқатини расман қабул қилганлиги ва инсон қисматига доир бир қанча ахлоқий, маънавий ва фалсафий муаммоларни ушбу тариқат талаб ва кўрсатмалари бўйича ёритганлигида эмас, албатта. Навоийнинг тасаввуфга ёндашуви ва бу таълимотдан кўзда тутган мақсади – шахс ва миллат тиқдирига масъул, юрт тараққиётига сув ва ҳаводай зарур тушунчаларнинг истиқболи учун ёниб курашган, ҳақиқатни фақат таниш эмас, ҳақиқатни севиш салоҳиятини ҳам кўзлаган мутафаккир санъаткорнинг ёндашув ва мақсади эди. Навоийнинг тасаввуф чашмаларидан чуқур баҳраманд бўлганлигини исботлаш учун ташқаридан «ҳужжат» ахтаришга эҳтиёж йўқ: улар шоир ижодиётиниг ўзида мавжуд. Тасаввуфий тажрибада туйғу ва ҳаяжон фавқулодда муҳим рол бажарган. Фано мақомида толиб-матлуб ёки ошиқ-маъшуқ бирлигини акс эттирган завқу-сурурнинг асоси ҳаяжон унсуридир. Зеро, ишқ сурури ва ёруғ туйғулардан маҳрум ошиқнинг йўли таҳликалидир.

Жалолиддин Румийда шундай байт бор:

Илмро бар тан занӣ, море бувад,
Илмро бар дил занӣ, ёре бувад.

Яъни: Илмни танга сингдирсанг, илон бўлади. Илмни дилга жо этсанг, ёр бўлади. Навоий меросини ҳар томонлама теран ва ҳаққоний ўқиб ўзлаштиришда, ҳеч шубҳасизки, илм керак. Лекин у илон тимсолидаги илм бўлмаслиги лозим. Ақл, юрак, руҳ ва илмни ҳамжиҳат - уйғунликда ишлата олган одам Навоийнинг ижод гулшанига ортиқча қийинчилик сезмай, яйраб кириб боради ва сўнгги нафасигача ундан ажралмайди.

ТАСАВВУФ ВА НАВОИЙ ШЕЪРИЯТИ МУНОСАБАТИГА ДОИР

Тарихдан маълумки, тасаввуф бизнинг адабиётимиз, санъатимиз ва мусиқамиз тараққиётига алоҳида таъсир ўтказган таълимотдир. Шунингдек, тасаввуфнинг шахс тарбияси ва камолоти жабҳасидаги хизматлари ҳам кўп жиҳатдан ибратли эрур. Покистоннинг файласуф шоири Муҳаммад Иқбол таъкидлаганидек. «Ихлосли ва ҳақиқий моҳиятга эга бир жараён бўлган тасаввуф муассасасининг юзага чиқиши, ҳеч шубҳа йўққи, мусулмонликда диний тажрибанинг такомили ва тўғри тараққий топишида муҳим омил бўлган»[1]. Шу боисдан ҳам «мутасаввифларнинг метафизик қарашлари бизнинг тушунча ҳаётимизда янгилик ва юксалиш манбаи эканлиги эътибори ила бағоят фойдалидирки, уларни ўзимизнинг қарашларимиз билан муқояса қилиб яхши натижаларга эришишимиз мумкин»[2].

Дарҳақиқат, тасаввуф аҳлининг ташқи дунё билан ички дунёни ажратмаслик, ахлоқ, қалб ва руҳ тарбияси орқали инсонда қудратли бирлик туйғусини яратиш тажрибалари ҳамма замонлар учун ибратли.

Тасаввуф ва тариқатлар тарихига чуқурроқ назар ташланса, тасаввуфнинг бошқа дин ва ҳар турли ноқис фалсафий оқимлар таъсиридан холи, соғлом ва илғор фикрларга тўла таянган даври - илк сўфийлар даври эканлиги равшанлашади. Араб олими Абдуқодир Маҳмудга кўра бутун тарих мобайнида юзага чиққан тасаввуфий ҳаракатлар учга ажралади:

1. Салафий тасаввуф. 2. Сунний тасаввуф. 3. Фалсафий тасаввуф.

Салафий тасаввуф Муқотил бин Сулаймон (вафоти 150/767) билан бошланиб, Имом Молик (вафоти 179/795) томонидан юқори чўққисига кўтарилган. Сунний тасаввуф аҳли байт ва Жаъфар Содиқ (а. 148/765) воситасида юзага чиққан. Ҳорис Муҳосибий (в. 243/857) ва Жунайд Бағдодий (в. 297/909) ила шаклланган. Имом Ғаззолий (в. 505/1111) уни такомилга эриштирган. Ғарб фалсафаси ва шиа - ботиний қарашларга ўрин берган фалсафий тасаввуфнинг туғилиши ва равнақи Суҳравардий Мақтул (в. 587/1191), Ибн Арабий каби мутасаввиф ҳамда олимларнинг номлари билан боғлиқ. Бу ҳаракатлар, ҳеч шубҳасизки, бир-биридан фарқланадиган, айни пайтда бир-бирини инкор айлайдиган нуқтаи назар ва тушунчаларга ҳам эрк берган. Натижада тасаввуф ва тариқатлар фикрий ихтилоф, амалий инкор ва нуфуз талашувлар майдонига айланган. Сунний тасаввуфга қарши шиддатли кураш авж олдирилган. Сунний тасаввуф тарихи ва ҳақиқатлари мукаммал бир тарзда ёритилган «Таъарруф» китобининг муаллифи Калобозий ёзади: «Ниҳоят, тасаввуфдан маъно кетди, исм қолди. Ҳақиқат пинҳон бўлди, шакл зоҳирга чиқди... Тасаввуфни қабул қилганликларини тилларида иқрор этганлар, хулқ-атворлари ва амаллари билан бу йўлни инкор этдилар. Тасаввуфни халққа тушунтириш ҳолатидагилар бу йўлнинг ҳақиқий моҳиятини яшириб, тасаввуфга алоқаси йўқ нарсаларни тасаввуфга киритдилар ва унга нисбат бердилар. Шу тарзда бу йўлдаги ҳақ нарса ботил ўлароқ кўрсатилди...».

Бундай шароитда тасаввуф тўғрисида холис сўзлаш, унинг ҳақиқатларини асл ҳолида халққа тушунтириш ёки тарғиб қилиш, албатта, мумкин эмас. Оқибатда тасаввуфга нисбатан нафрат уйғонди. Лекин ҳеч қандай душманлик ва ғаразли ҳаракатлар моҳияти соф, ҳақиқатлари инсон камолотига қаратилган тасаввуф ҳаракатини тўхтата олмади. Санъат, шеърият, мусиқа тасаввуфга қанот бағишлади.

---

[1] Иқбол М. Исломда диний тафаккурнинг янгидан ташаккули. – Истанбул, 1999. 15-бет.
[2] Фидон М. А. Тарихий шаклланиш жараёнида сўфийлик. – Истанбул, 1997. 84-бет.

Шуни унутмаслик керакки, тасаввуф қанчалик мураккаб бўлса, шунчалик зиддиятли, баъзан оқ билан қорани ажратишга унча имкон бермайдиган бир таълимотдир. Шу боис баъзилар уни кашфу каромат сотиш деб англашса, айримлар аҳвол ва муроқаба билан чекланувчи бир «илм» деб билишган. Бир қисм одамларнинг тасаввурида тасаввуф қандайдир хусусий одат ва тақлид иши бўлса, бошқа бировлар унга тараққиёт учун зарарли ва жамият ҳаётидан узоқлашувга чорловчи узлатпарастлик деб қарашган. Тасаввуф деганда сир ва ғайб олами билан алоқани англовчилар ҳам кам бўлмаган. Маълум бир гуруҳ кишилар эса ваҳдати вужуд ва ваҳдати шуҳуд назариялари билан фалсафий рангга бўянган тушунчаларни қабул қилиб, чинакам тасаввуф ана шудир, деган қатъий хулосада туриб олишган. Ҳолбуки, чинакам тасаввуф, Шарқнинг кўп буюк санъаткорлари қатори Алишер Навоийнинг ҳам диққат-эътиборини ўзига қаратган тасаввуф мутлақо бошқадир. У ишқ, маърифат, руҳоният тасаввуфи, том маъноси ила комиллик тариқидир.

Айрим тасаввуфшунослар сўфийликни уч жабҳада тадқиқ этишни тавсия қилишган. Шулардан бири - таассурий-руҳий тасаввуф. Бу ишқ ва жазбага таяниш тажрибаси бўлиб, алоҳида нуфузга эга. Чунки шайтон ҳам бир замонлар солик бўлган, бироқ ҳеч вақт муҳаббат ва ишқ ҳиссиётларига соҳиб бўлмаган экан. Демак, жазба ила ёниб ишқ асирига айланганда у йўлдан озиб, абадий лаънатга учрамасди. Зеро, ич туйғулари ишқдан бегона соликнинг йўли ҳамиша таҳликали. Тасаввуфнинг энг катта хизмати ҳам ишқни инсон ҳаётининг туб асоси ва руҳониятининг нури деб эътироф этганлигидир. Алишер Навоийга кўра ҳам, агар кўнгилда ишқ оташи ёнмаса, кофирлик билан мусулмонликда фарқ қолмайди. Ишқ бўлмаса, мусулмонлик ҳам, зуҳду тақво ҳам қуруқ даъводир.

Хуллас, ишқ ва комиллик моҳияти тасаввуфдан четга сурилди, дейлик. Тасаввуф Навоий учун тириклик, гўзаллик, боқийлик руҳини бой берарди. Тасаввур этингки, тасаввуфда маърифат ва тафаккур завқи бўлмаган. Навоий бундай тасаввуфга яқин ҳам бормаган бўларди. Инсон руҳининг сир-асрорларини кашф қилишда Навоий тасаввуфдан кўп нарса ўрганган. Бу ҳақиқатга тўла иқрор бўлиш учун, ҳеч бўлмаганда. Навоий ўқиган тасаввуфга доир илмий, тарихий, адабий манбаларнинг маълум бир қисми билан танишмоқ лозим.

«Хамсат ул-мутаҳаййирин» хотимасида Навоий устози Абдураҳмон Жомий хизматида «таълим ва истифода» юзидан ўқиган ўндан зиёд китоб рўйхатини келтирадики, уларнинг аксарияти тасаввуф ҳақида. Булар: «суфия машойих истилоҳила битилган» «Лавоеҳ» ва «Лавомеъ», «Шарҳи рубоиёт», «Нафаҳот ул-унс», Хожа Муҳаммад Порсонинг «Қудсия»си, Хожа Абдуллоҳ Ансорийнинг «Илоҳийнома»си ва б. Мана ўша хотимадан бир парча: «Яна ҳазрати шайх-ул машойих фахр ул-миллат вад-дин Ироқийнинг «Ламаот»идурким, Ҳазрати Махдум ул китобни бу фақирға сабақ айтурда айтур эрдиларким, «Бу китобни нодон ва беандом таврлиғ ва номаҳвор равишлиқ элининг кўпроқ машғуллиқ қилғони хавос аҳлида бадном қилғон эрмишким, баъзи ўқимас эрмишлар. Бу жиҳатдин бу китобнинг хўблуқлари яшурун қолғон эрмиш». Асру изҳор хушҳоллик ва сурур қилурлар эрди, шарҳ битмагига доғи бу боис бўлди». Шунингдек, Навоий Ҳужвирий, Имом Қушайрий, Суҳравардий, Имом Ғаззолий, Ибн Арабий каби ислом алломаларининг асарларини ҳам пухта билган. Навоийнинг тасаввуф билан алоқасини белгилашда бундай фактларга жиддий қараш керак. Навоийшуносликда худди шу жиҳат етарли даражада инобатга олинганича йўқ.

Навоий ижодиётининг тасаввуф билан боғланишларини исботлашга ташқаридан «далил» ахтаришга эҳтиёж йўқ: улар шоир ижодиётининг ўзида мавжуд.

Маълумки, Вақт – бу ортда қолган ўтмиш елдай илгарилаётган замон ва ҳар турли орзу-умидлар ила олдинга чорлайдиган келажак. Давр, замон ва тарих Вақтнинг энг катта ўлчамларидир. Лаҳзалар соатларга, соатлар кунларга, кунлар ой ва йилларга айланаркан,

уларнинг ҳаракат тарзида тўхташ эмас, эврилиш ҳосил бўлади. Лаҳза мазмуни ва кучини англай олмаган, умр лаҳзалари ҳодиса даражасига юксалишини билмаган инсон ҳеч пайт соат, кун ёки йил зиёси ила кўнгилни мунаввар эта олмайди. Зеро, Вақт мазмуни ва сири ташқи бирликда эмас, Шахснинг руҳи ва дилида яширинган. Вақт туйғуси, вақт маърифати – барча маърифат ва самовий туйғуларнинг тамали эрур.

Инсон умри Вақтнинг бир қисми ва парчаси. Вақт аслида ибтидо ва интиҳоси номаълум сўнгсизлик демак. Дунёдаги, деярли, барча мавжудлик шу сўнгсизликка тобе, унинг муросасиз ҳукмига таслим. Чуқурроқ мушоҳада этилса, вақт чегараси, вақт бирлиги, вақт мезони деган тушунчалар ҳеч пайт одамга тўла-тўкис қувонч бермайди. Вақт учқурлиги ва тасарруфи ҳақида ўйлар экан, ҳатто энг калтафаҳм кимса қалбида ҳам бир маҳзунлик пайдо бўлади. У истасин, истамасин, шахсий ҳаёт маънисини ғалат англаганлигидан, ички ёлғон ва такаббурлигидан, зоҳирпарастлик ва тафаккур маҳдудлигидан, албатта, хижолат чекади. Ўзликни идрок қилиш ва ўзлик тўғрисидаги нотўғри қарашлардан қутилиш кўпинча ана шундан бошланади. Тақдирдан шафқат ва мурувват тилаш мумкин. Бироқ Вақтдан шафқат ва мурувват тилаб бўлмайди. Шарқ алломалари Вақтни кескир қиличга ўхшатишган. Бу «қилич»дан ўзингизни қанча кўпроқ муҳофаза этсангиз, ақл таҳликага ўшанча ортиқроқ ён беради, риё, қўрқув ва мунофиқлик ботқоғига ботиш хавфи ўшанча кучаяди. Ва булар охир-оқибатда қалб таназзулига сабаб бўлади.

Вақтга фақат маънавий-руҳий ҳаракат ва маърифий фаолият ила юзлашиш лозим. Хуллас, Вақт олдидаги масъуллик у билан алоқа ўрнатишнинг ўзига хос «мақом»ларини эгаллашни талаб қилади. Шу маънода тасаввуф аҳлининг фикр-қарашлари ва ҳаётий тажрибалари жуда ибратли. Ибратлиси шундаки, улар вақтнинг энг «кичик» бирлиги ҳисобланмиш дам ва лаҳзанинг мазмунига алоҳида аҳамият бергандирлар. Шарқнинг кўп буюк санъаткорлари сингари Алишер Навоийнинг Вақтга доир қарашлари, муносабат тарзи ва ундан кўзда тутган мақсадлари ҳам тасаввуф маслаги билан чуқур алоқадордир.

Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир асарида Ҳазрати Баҳоуддин Нақшбандниг шундай фикрлари келтирилган: «Нафасни зое кетишга йўл қўйманг ва бундан эҳтиёт бўлинг: «Ман заййиъа вақтаҳу фа вақтаҳу мақтун» – «Ким вақтни зое қилса, бас, у вақт душманидур». Ва уни идрок қилишга интилиш лозим. Айтдиларки, ҳар ким ўз вақтидаги вазифасини адо қилиш билан машғул бўлса, уни «соҳиб ул-вақт» – «вақт соҳиби» дейдилар… Бу вақт соҳиби вақтнинг тасарруфидан қутулган, балки уни ўз тасарруфига олган бўлади, яъни ҳар бир вақтни энг муҳим ва авло ҳолга сарф этади. Уни «Абул-вақт солик» - «Вақт отаси бўлган солик», дейдилар. «Ибн ул-вақт» – «Вақт ўғли» шундай соликки, ҳол унга ҳужм ва ғорат қилувчи тарзда рўй беради ва тасарруфи билан соликни ҳолатдан узоқлаштиради, ўз ҳукми остида бўйсундиради».

Тасаввуф нуқтаи назарида нафас уч маънони англатади: 1. Тирикликни таъминловчи нафас, яъни ҳаво; 2. Дам, фурсат, лаҳза; 3. Муршиддан етадиган файз ва ишқ ўтида ёнган қалбнинг фараҳланиши. «Рисолаи Қушайрий» муаллифининг таърифлашича, нафас соҳиби ҳол соҳибидан кўра нозиктаъб ва кўп покизадир. Вақт эса васл соҳибларига, ҳол руҳ соҳибларига, нафас эса сир соҳибларига хосдир. Демак, қалб соҳиблари вақтга, руҳ соҳиблари ҳолларига, сир соҳиблари нафасга лоқайд бўлишлари мумкин эмас. Навоийнинг Вақт, Ҳол ва Нафас баҳсидаги анча-мунча фикр-туйғулари мана шу уч асосга таянади. Тасаввуфда Вақт – ўтмиш (мозий) билан келажак (мустақбал) ўртасидаги замон бирлиги ҳисобланади. Бу ҳақида Алишер Навоий «Маҳбуб ул-қулуб»да ёзади: «Ўтган рўзгор адамдур. Келмагандин сўз айтқон аҳли надамдур (пушаймон ва афсус этувчилар) ва ҳол муғтанамдур (ғаниматдур). Бир турк бу маънида дебдурким: «Дам бу дамдур».

Байт:

Мозию мустақбал аҳволин такаллум айла кам,
Не учунким, дам бу дамдур, дам бу дамдур, дам бу дам».

Навоий «бир турк» деганда кимни назарда тутган – буни аниқ айтиш қийин. Лекин ўша турк Нажмиддин Кубронинг «Фавойиҳ ул-жамол» номли рисоласидаги мана бу фикрлардан хабардор бўлган бўлиши керак: «Вақт кескир бир қиличдир. Агар кескир бўлмасайди, англаб, идрок этиб улгургунингча сени кутарди. Ҳолбуки, у кескир бир қилич ҳаракати ила ҳукмини адо айлар. Сўфий «Ибн ул-вақт» эрур. У кечмишга ҳам, келажакка ҳам боқмас. Чунки унинг мозий ёки мастақбалга кўз тикиши, айни дамдаги вақтини беҳудага сарф қилиши демакдир…» Лекин шуни ҳам эсдан чиқармаслик керакки, айни дамдаги вақтини беҳуда сарф қилмаган киши ўтмишга қул бўлиб қолмаганидек, келажакдан ҳам бир хатар сезмайди. Шу боис Алишер Навоийнинг лирик қаҳрамони Вақт ҳақиқати ва шодликларини мозий ва келажакдан эмас, ҳассос ва нурли ирфоний маънилар қалбдан бош кўтарган «лаҳза», «нафас», «фурсат» ва «дам»лардан ахтаради. Унда ҳатто «харобот» орзуси ҳам «лаҳза» кайфияти ва ҳукмига тобедур:

Кел бир дам, эй ҳариф, харобот сориким,
Май важҳидир бу хирқа била жилсонимиз.

Навоий вақтнинг энг кичик бирлиги – «дам», «лаҳза», «фурсат»ларга шу даражада катта мазмун бағишлайдики, давр ва замоннинг ранжу қийноқларидан ўзни муҳофаза қилишда «Дам бу дамдур» тушунчаси гўё дахлсиз бир қалқон сифатида кўзга ташланади:

Десанг замона ситезини ҳар замон кўрмай,
Замонни хуш туту қилма замона бирла ситез.

Кейинги сатрдаги «замонни хуш тут» – ўтаётган ҳар дамни хуш кечир, ҳар лаҳзанинг шукронаси билан яша, мазмунини ифодалайди. Зеро, ирфоний ҳаёт - илоҳий файз ва илҳом ҳадя этилажак ҳаётдурки, уни ғанимат тутмоқ керак:

Бу дамни тут ғаниматким, келур дамдин асар йўқтур,
Не дамким ўтти, худ андин киши топмас нишон ҳаргиз.

Албатта умрнинг лаҳзасини ғанимат сезиб хуш ўтказиш – бу донолик ва донишмандликнинг асосий хусусиятларидан эрур. Умуман олганда, ушбу хусусият ва фазилат халқимиз дунёқараши учун хос бўлган. «Алпомиш» достонидаги қуйидаги сўзлар бунинг бир далили бўлмоғи мумкин:

Дам бу дамдур, ўзга дамни дам дема,
Бошинг эсон давлатингни кам дема.

Дарҳақиқат, инсоннинг боши омон, кўнгли хотиржам экан – бундан ортиқ давлат, бундан зиёд саодат йўқ. Ҳар нафаси, беҳуда ўтмаган ҳар дами учун у Аллоҳга ҳар қанча шукрона айтса арзийди. Лекин «Дам бу дамдур» ҳақиқати тасаввуфда нисбатан бошқача ва теранроқ мазмунга эга. Шунинг учун ҳам Навоий шеърларида бу ҳақиқатга қайта-қайта

тўхталади ва уни гоҳ ахлоқий, гоҳ ишқий, гоҳ ирфоний-фалсафий оҳангларда талқин қилиб беради. «Ғаройиб ус-сиғар» девонидаги ғазаллардан биридаги мана бу мисраларда нафас олинаётган ҳар бир дамдан ғофил қолмаслик орифликнинг талаби ўлароқ таъкидланган:

Чу мозий ўттию мустақбал ўртада эрмас,
Сенгаки ҳол эмас муғтанам не ҳол ўлғай.

Бу дамни ориф эсанг яхши тутки, жоҳил иши,
Етишмагангаву ўтганга қийлу қол ўлғай.

Яъни: мозий ўтди. Келажак ҳали илгарида. Айни фурсатдаги ҳолингни ғанимат билмасанг, бу қандай ҳол бўлади? Агар ориф эрсанг ҳар бир лаҳза ва нафасингни яхши қадрла, яхши ўтказ. Етиб келмагану ўтиб кетган ҳақида сўзлаш жоҳилнинг ишидир.

Маърифат аҳлининг умумий иқрорига кўра руҳни уч нарса доимий равишда кучсизлантириб ғусса ва мусибатга гирифтор этар экан: 1. Мозийпарастлик ҳасрати. 2. Ҳолда жараён этувчи шубҳалар. 3. Келажакка ишончсиз қараш ёки ундан қўрқиб эҳтиётда яшаш.

Албатта, инсон ўтмишдан ажралиб ёки кечган кунларини унутиб умр ўтказа олмайди. Зеро, мозий билан боғланиш ўтмишдаги воқеа-ҳодисотларни билиш, улардан у ёки бу маънода сабоқ олиш ақл ва хотира талаби эрур. Бироқ ўтган даврга муносабат ва тарихий ҳиссиёт чуқур илм, кенг мушоҳада ва маърифат зиёсидан юзага келиши лозим. Акс тарзда ўтмиш инсоннинг фикрий эркинлиги, шахсий камолотигагина эмас, балки умум тараққиётга ҳам зарар етказмоғи мумкин. Энди аҳли ҳақиқат қарашларига келсак, улар меъёрдан ошган, кераксиз хаёл, бесамар орзуга айланган мозий ва мустақбал андишасини Аллоҳ билан ориф алоқасига бир ҳижоб деб ҳисоблашишган. Бу парда барҳам топмас экан, на қалб, на руҳ самовий парвози ва саёҳатида олий мақомларга юксала олмаганидек, ишқ ва ҳақиқат завқ-шавқларини ҳам тўлиқ эгаллай олмайди. Жалолиддин Румий ҳазратлари «Мозий ва мустақбал Аллоҳдан ҳижобдур, пардадур», - деганларида масаланинг худди шу томонини эътиборда тутганлар.

Демак, дам ва фурсатнинг сири, маъноси, қудратини кашф қилмоқ учун ҳол хусусида қайғуриш, ҳолнинг туб моҳиятини пухта билиш зарурдир. Алишер Навоий шеъриятининг ботиний оламига кириш ва сўз билан ифодалаш қийин бўлган маъноларини ўзлаштиришнинг жуда нозик ва муҳим нуқталаридан бири ҳам мана шудир.

Навоий фақат лирик шеърларида эмас, достонларида ҳам инсон тақдири ва камолотига дахлдор бир қанча мураккаб муаммоларни ҳал қилишда ҳол, нафас, лаҳза «фалсафа»сига асосланади. Улуғ мутафаккир «Ҳайрат ул-аброр» достонининг ўн саккизинчи мақолотида инсон умрининг фанолиги, у туғиларкан, албатта, бу дунёни бир кун тарк айлаши, бас шундай экан, ўлимни ўйлаб мотамга берилмасдан, ҳаётини ишқ ила, фойдали иш ила шод ўтказишини таъкидлаб яна ёзади:

Умрки хориж дурур ўтган иши,
Ҳар неки ўтти анга етмас киши.
Келмаганидин доғи оқил демас,
Не десун ул ишники, маълум эмас...
Мозию мустақбалинга бўйла ҳол,
Ҳолинга ҳам неча хаёли маҳол.

Ҳолки бўлди санга бир ону бас,
Анда не ғамгинлик этарсен ҳавас.

Таъбир жоиз бўлса, бу ҳикматли мисраларда инсон онгини покловчи, яъни онг ва идрокни кераксиз «юк»дан фориғ этувчи бир қувват бордир. Ўтган иш – ўтди, у такрорланмайди. Бўладиган иш – ҳали олдинда. Буни муаммога айлантириб, олдиндан ташвишга чўмишга ҳожат йўқ. Муҳими, кечаётган фурсатни бой бермаслик, айни шу вақт, шу дам талабларини бажаришда чалғимаслик. Ҳол маърифати инсонни шунга чорлайди. Шу маърифатни эгаллаган шахс беҳуда азобга берилмайди, бесамар машмашаларга бош қўшмайди.

Ҳолини у латифлаштирганидек, ҳол уни озод айлайди. У табиий равишда ҳар нафасини қадрлайди, ҳар нафаси учун жавобгарликни хотирдан чиқармайди. Ва Навоийнинг:

Ҳар нафасинг жавҳари эрур нафис,
Ким сенга ул бир нафас эрур анис, -

деган сўзлари шундай зотларга тегишли. Ушбу фикр-мулоҳазаларини ифодалаганда ҳеч шубҳасизки, Навоий ўзи мансуб нақшбандийлик тариқатининг асосий шартларидан бири – «Ҳуш дар дам»га ҳам таянган. Ҳуш – ақл, дам – нафас. Нақшбандийликда нафас назорати ва мазмунига алоҳида аҳамият берилган. Чунки нафасларни назорат қилиш дунё ишларида адашмаслик учун ҳам, ҳақ тажаллилари учун ҳам ниҳоятда зарур. Бу ҳақида «Ҳайрат ул-аброр»да Навоий ёзади:

Ҳар нафасинг ҳолидин огоҳ бўл,
Балки анга ҳуш ила ҳамроҳ бўл...
Ғафлат агар бўлса бу ишдин, даме
Ким, йўқ анингдек кишига мотаме.

Биз огоҳлик ҳақида кўп гапирамиз. Лекин инсонни ёвузлик ва жаҳолатдан муҳофаза этгувчи ҳақиқий огоҳлик «ҳар нафас» ҳолидан огоҳлик эканлигига унча эътибор қилмаймиз. Ҳолбуки, Навоий қаҳр, ғазаб ва жоҳилликлардан покланган, илоҳий сифат ила сифатланган ҳол ва нафасни:

Бас муни анфоси муқаддас дегил,
Балки муқаддас дема, ақдас дегил, -

дейди.

Навоийнинг «нафас» хусусидаги фикрлари бир-биридан мазмунли ва рангдор. Шу жиҳатдан мана бу байт алоҳида диққатга молик:

Эй Масиҳим, мен қатили ишқмен, тургуз мени,
Бир нафас, дедим қабул этким, нафаснинг жони бор.

Бу байтда ишқ дардидан ҳалок бўлган ошиқ маъшуқасини Ҳазрати Исо ила тенг кўриб, мени ўз нафасинг ила турғизгил, дея илтижо этаётир. Аммо у тилаётган умр муддати унча кўп эмас, бор-йўғи – «бир нафас». Шу бир нафаснинг мислсиз қуввати ва файзига у ишонади.

Ҳужвирийнинг ёзишича, «тавҳид аҳлининг вақтлари иккидур. Бири фақат фоқо (муҳтожлик) ҳолида, иккинчиси важд ҳолида. Буларнинг бири васл маҳалидаги вақт,

икинчиси фироқ ва ҳижрон маҳалидаги вақт». Навоий лирик қаҳрамони орзу айлаётган «бир нафас» эса висолга дахлдор вақтдир. Хўш, «нафаснинг жони бор» деган фикрда қанақа маъно ёки мақсад яширинган? Ёрни ишонтириш учун айтилган бу гап муршидга тегишли. Буни Муҳаммад Фузулий шундай шарҳлайди: «Билки, инсон борлиғининг камоли икки вужуддан иборатдур. Инсоннинг нафсини у икки кайфият камол нашъасига тўғри етказур. Аввалгиси зоҳирий вужуд. Унинг мабдайи атодур. Иккинчиси маънавий вужуддирки, унинг маншайи йўл соҳиби бўлмиш муршиднинг ҳидоятидир. Комил бўлмоқ даражаси кейингисига боғли эканлигидан муршид атодан муқаддамдир.

Қитъа (арабчадан таржима):

Илм бир руҳдурки, муршид ўз нафасин файзидан
Талаб аҳлининг ўлик баданларига еткизар.
Талаб аҳлининг ҳаёти муршид нафаси файзидан,
Шунга кўра дерларки: «Нафаснинг жони бордур».

Демак, Навоий байтида талқин этилган тириклик қувватининг бир қаноти ишқ бўлса, иккинчи қаноти маърифат.

«Кашф ул-маҳжуб»да шундай сўзлар битилган: «Вужуд учун руҳ нима бўлса, вақт учун ҳам ҳол худди шудир. Вақт мутлақо ҳолга муҳтож эрур. Чунки вақтнинг сафоси ҳол ила бўлур... Ҳол вақтга бирлашгач, бутун замонлар вақтга айланур. Унинг учун завол жоиз бўлмас».

Тасаввуфга доир қадимий манбаларда қайд этилишича, Муҳаммад алайҳиссалом пайғамбарлик мартабасига етишганларидан сўнг ҳар мақом соҳиби учун бир ҳол пайдо бўлган. Ҳол нима? Абу Наср Саррож ҳолни «лаҳзада туғилиб, қалбда ризо, тафиз ва шунга ўхшаш сифатларни барқарорлаштирадиган аҳволдир», дейди. Нажмиддин Кубро ҳол, мақом, вақт ва улар орасидаги фарқдан сўзлаб, жумладан, бундай деб ёзадилар: «... инсондаги куч-қувват ва тоқат мол ҳамда ҳол ила юзага келур. Ҳол шаҳват, ёки руҳнинг қуввати эрур. Мол эса фақат нафс ва шаҳватни таквия этувчи бир нарсадир. Табиат эътибори билан Ҳол жуда қувватли бир куч ва тоқатдир».

Шу учун руҳ ва юракнинг мушоҳада қуввати ва қувончини акс эттирувчи ҳол, Навоий наздида ҳам, энг яхши амалдан-да устун ва шарафли саналган. Чунки кўнгли зариф, руҳи латиф, ахлоқи гўзал, маънавий ҳаёти жўшқин ҳол соҳиблари ишқ ва ҳақиқатнинг юксак чўққиларини эгаллашга мушарраф бўлишган. Улардан бир қисми ҳолига маҳкум – талвин эгалари, яна бошқа тоифалари ҳолига ҳоким – тамкин соҳиблари саналган. Талвин соҳибларининг ҳоллари шундай ғаройиб, ўзгарувчан, хилма-хил маънавий-руҳий ва психологик ҳодисаки, буни сўзда таърифлаш ёки ифодалашнинг сира иложи йўқ.

Навоий тасаввурида Ҳол ва Вақт ҳиссий идрок ва завқий мушоҳаданинг бир меърожи эди. Ана шунинг учун улуғ шоир шеъриятидаги кўпдан-кўп фикр ва туйғулар бевосита Ҳол даражалари (хавф, ражо, ҳузун, истиқомат, сидқ, ҳаё ва ҳоказо) ва уларни навбатма-навбат эгаллаш натажаси ўлароқ талқин қилингандир.

ИШҚ ВА КОМИЛЛИК ЖАЗБАСИ

Шарқ тарихида жавонмардлик, тасаввуф, маломатийлик каби бир неча қудратли таълимотлар ҳукм сургани яхши маълум, албатта. Бу таълимотлар бири иккинчисига йўл очиб, бири иккинчисини суяб ва бойитиб, гоҳида нималарнидир ислоҳ қилиб тараққий этишган. Бунда тасодифий ҳаракат йўқ. Биринчидан, уларнинг ҳаммаси ҳам ислом дини

заминида юзага келган, ислом маърифати ва ҳақиқатларига таянган. Иккинчидан, бош мақсад жуда яқин бўлган, яъни Инсон тақдири, унинг ижтимоий-маданий ҳаёти, эркинлиги, маънавий-руҳий камолоти ҳисобланган. Энг муҳими шундаки, ушбу таълимотларнинг ҳар бири ҳам ўз-ўзича инсоннинг ботиний оламига, айниқса, қалби ва руҳига чуқур кириб боришга алоҳида аҳамият берган. Бу ҳам табиий. Чунки Нажмиддин Кубро «Фавоиҳ ул-жамол» рисоласида ҳаққоний таъкидлаганидек, «фақат қалб ва руҳ – ёлғиз ана шу иккаласи Ҳақни излаган. Унга осий бўлмаган ва Унинг амрига зид бир иш қилмаган, Ҳақ талабида куч сарф этган икки ҳақ эрур»[1]. Шунинг учун Шарқда Қалб ва Руҳ илми барча илмларнинг манбаи, Руҳ ва Қалб мушоҳадаси Ўзликни билишнинг бош майдони деб белгиланган. Шахснинг ҳоли, қалби, руҳоният сирларини ўрганиш ва ўргатишни зиммасига олганлиги сабабли ҳам тасаввуф «илми ботин» дейилган.

Бугун ҳаммага маълум сабабларга кўра, шўро замонида тасаввуфни эркин ва зарур даражада ўрганишга имкон бўлмаганди. Мустақилликдан кейин аҳвол бутунлай ўзгарди. Энди тасаввуфни ҳам, тасаввуф адабиётини ҳам дадилроқ ўрганаётирмиз. Бироқ дадиллик, тезкорлик бўлса-ю, билим, малака, масъулият етишмаса, бу ҳам янги муаммолар, янги-янги камчиликларни юзага келтирар экан. Мумтоз адабиётимиз, жумладан, Алишер Навоий ижодиётини текширишдаги аҳвол ҳозир тахминан ана шундай.

Сўфийликка алоқаси борми, йўқми, бундан қатъи назар, ўтмишда яшаб ижод этган ҳар бир шоирнинг асарларини тасаввуфлаштириш, беш-ўнта диний-тасаввуфий истилоҳ ва ибораларни илиб олиб зўрма-зўракилик билан уларнинг муаллифларига сўфийлик ёки мутасаввифлик «либоси»ни кийдириш умумий бир пойгага айланиб қолди, деса хато бўлмас. Очиғини айтиш керак, бу анча хавфли жараён. Ҳатто бора-бора кулгига сабаб бўладиган истиқболсиз уриниш. Шу маънода атрофга ҳам мундоқ назар ташлаб, илмдаги фойдали ва фойдасиз тажрибалар устида мулоҳаза юритсак асло зарар қилмайди. Мана, усмонли турк олими Метин Ақар нима деб ёзади: «Бугун ҳар бир шеърга тасаввуф нуқтаи назари ила қараш истагида бўлганлар адабиётимизнинг халқдан ажралишга, санъаткорларни унутилиш ва англанмасликка маҳкум қилмоқдалар. Бу йўлдаги ҳаракатлар шунга бориб етдики, ҳатто Хожа Насриддиннинг фикрлари ҳам тасаввуфга кўра шарҳ этилмишдир...». Қарангки, бизда ҳам унчалик ортда қолиш бўлмабди. Чунки Насриддин Афандини тасаввуфга алоқадор қилиб кўрсатувчи фикр-мулоҳазалар матбуотда аллақачон босилди. Эътибор қозониш, донг таратиш, илмий даража олиш ёки «ким ўзар»га ёзилган мақола ва тадқиқотлар одамларнинг тасаввуфга қизиқишини бир қадар совутиб бўлди. Энди бебаҳо хазинамиз – мумтоз адабиётдан йироқлашувга, санъат дунёси ва санъаткорлик меҳнатига, хусусан, ёшларнинг эътиборсиз бўлишига йўл қўймаслик зарур. Ахир, адабиётшуносликдаги якранглик ва саёзлик шўро тузуми давридагидан ҳам ошиши эҳтимолдан холи эмас. Бунинг олдини олиш учун нима қилмоқ керак? Аввало, тасаввуф ва тариқатлар тарихи, тасаввуф фалсафаси, назарияси ва эстетикасидан яхши хабардор бўлмоқ лозим. Зеро, тасаввуфга – тасаввуф, адабиётга – адабиёт деб қарай олиш ҳам оддий ишмас. Бунга эса тасаввуфга доир жуда қимматли бир неча манбаларни таржима қилиб чоп этмасдан эришиш қийин.

Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» асарида энг кўп тилга олинган ва иқтибослар келтирилган китоблардан бири Али бин Усмон Жўллобий Ҳужвирийнинг «Кашф ул-маҳжуб»идир. Бу нодир асар фақат тасаввуфшунослик жиҳатидан эмас, балки Шарқ тасаввуф адабиётини тадқиқ этишда ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Демоқчимизки, тасаввуф ҳеч бир

---

[1]Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. Истанбул, 1996. 123-бет.

маънода ва ҳеч бир зайлда адабиёт манфаатларига дахл қилмаслиги, унга соя ҳам ташламаслиги керак. Тўғри, адабий меросини тасаввуф заминидан ажратиш мумкин бўлмаган бир неча ижодкорларимиз бор. Лекин улар барибир шоир-санъаткор. Айтайлик, Машрабнинг фикр-савияси, қалб мушоҳадаси, руҳи ва гўзаллик завқига ҳеч бир сўфи ёки қаландар яқин ҳам бора олмаган. Фақат буюк шахси эмас, Машраб шеърияти ҳам такрорланмас. Бу шеъриятни тариқат ақидалари ёки тушунчалари «девори» билан ўраш, уни, албатта, халқдан ва ҳаётий-руҳоний таъсирларидан ажратиш демак. Бундан ким ютадию, ким ютқазади? Буни жиддий ўйлаш керак. Соф тасаввуф адабиёти вакиллари бизда бармоқ билан санарли. Бас шундай экан, адабиётни тасаввуф ортидан эргаштириш, унинг фаолияти ва ютуқларини ёлғиз сўфийликка тиркаш ташаббусига чек қўйиш жоиз. Алишер Навоий ижодиётига келадиган бўлсак, унда учрайдиган ҳар бир тасаввуфий истилоҳ, образ, рамз, ҳаттоки ишоратларнинг маъно ва сирларини имкон қадар яхши билишга интилиш ҳам қарз, ҳам фарз. Зеро, Навоийнинг фикр, туйғу, руҳ ва санъат дунёсига эркин кириб боришнинг йўлларидан бири ҳам ана шу. Навоий асарларида учрайдиган у ё бу тасаввуфий истилоҳ, рамз ҳам баъзан маълум бир ҳақиқатни чуқур билиш, унга тамоман бошқача қарашга йўл очади. Масалан, Алишер Навоий асарларини кўздан кечирсангиз «мажзуб» деган сўзга тез-тез дуч келасиз. Бу сўз, хусусан, «Насойим ул-муҳаббат»да кўп учрайди. Лекин асосий нарса ушбу калиманинг кўп ёки кам учрашида эмас, балки «Насойим»даги бир қанча ривоят ва ҳикоятларда мажзубнинг кимлиги, мажзублик ҳолати, ҳақиқати, асосий фазилати нималардан иборатлигини ёритишдадир. Мажзуб – жазба одами. Жазба эса кўпинча сулукка боғлиқ бўлмаган ва сулукдан олдин пайдо бўладиган ҳолат. Шунинг учун мажзублик йўли инсонни тариқатдаги қатъий талаб ва қоидалардан фориғ этгувчи ўзига хос имтиёзларга ҳам эга эди. Нажмиддин Кубронинг «Ҳақ таолонинг мажзуб ва маҳбубларидин» бўлмиш Бобо Фараж билан учрашгандан кейинги ҳодисаларни хотирланг. Бобо «давот ва қаламни» ташлаб, илм таҳсилини тўхтатмагунча Куброни таъқиб этаверади. Чунки у илми ладуний ва мажзублик кашфининг ҳар қандай таҳсилдан юксак ҳамда самарали эканлигига тўла-тўкис ишонган. Албатта, ўзининг ҳоли, танлаган йўли, кўзланган мақсадига нисбатан қаралганда Бобо Фараж талабида ҳақ бўлган.

«Насойим»дан ўрин ажратилган мажзубларнинг аксарияти туркий қавмларга мансуб «Бобо»лар ва «Ота»лардир. Диққатни тортадиган яна бир жиҳат шуки, бу мажзублар фақат тасаввуф аҳли ёхуд фуқаронинг эмас, салтанат соҳиблари, давлат арбоблари, олим ва ижодкорларнинг ҳам ихлосу эҳтиромларига сазовор бўлишган. Бобо Сангу тўғрисида Навоий ёзади: «Замон мажзубларидан эрмиш. Соҳиби ботин киши эрмиш. Андхуд қасабасида бўлур эрмиш. Темурбек Хуросон мулки азиматиға юруганда Андхудқа етганда машҳурдурки, Бобо хизматиға борғандур. Ўлтурғондин сўнгра Бобо илайида бир суфрада яхна эт эркандур. Қўйнинг яхна тўшин олиб, Темурбек сари отибдур. Темурбек ғояти ақлу закосидин дебдурки, Хуросонни ер юзининг кўкси дебтурлар. Ани Бобо бизга ҳавола қилди...»[1]. Дарҳақиқат, ишорат тилида изҳор этилган шу башоратдан илҳомланиб Амир Темур кўп ўтмай Хуросон мулкида зафар қозонган экан.

Бобо Али Маст Нисоий билан Султон Ҳусайн Бойқаро орасида ҳам айнан шунга яқин ҳодиса бўлган. «Насойим»да ўқиймиз: «Шоҳ Абулғозий аввал салтанат доиясида Бобо (яъни Бобо Али Маст Нисоий – И.Ҳ.) назариға етибдурлар. Илтифот назари топибдурлар ва Астробод азиматидаким, Саъдлу Ҳусайн устига юрубдурлар, Бободин рухсат тилай келибдурлар. Бобо дебдурки, «бору бор» ва умидворлиғ била борибдурлар. Астрободға етиб, душанба куни зил-ҳижжа ойининг ўн иккисида уруш бўлуб, аъдоға ғолиб бўлубдурлар»[2].

---

[1] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 17-том. – Тошкент, 2001. 427-бет.
[2] Алишер Навоий. Кўрсатилган китоб, 447-бет.

Ҳирот маданий муҳитида мажзубларнинг нуфузи юқори бўлганлигини кўрсатувчи далил ва маълумотлар «Насойим»да кўп. Булар орасида бевосита Навоий ва шоирнинг падари бузруквори Ғиёсиддин Кичкина билан алоқадорлари ҳам бор. Масалан, Навоий Бобо Сариғ Пўлот ҳақида, «Бу фақир била кўп улфати бор эрди»[1], деса, Бобо Шиҳоб тўғрисида, «Бу фақир била улфати бор эрди, қошимға келур эрди»[2], дейди.

Тасаввуфга доир махсус асарлар, айниқса, маноқибномаларга диққат билан назар ташланса, сўфий, дарвеш ёки маломатийларга нисбатан мажзубларга бошқача бир қараш, алоҳида бир ишонч ва ҳурмат устивор эканлиги осон англашилади. Бунга асосий сабаб нима? Асосий сабаб, жазба кучи ва имкониятидир. Жазба сўзининг луғавий маъноси – жазб этиш, тортиш, жалб қилиш демак. Истилоҳий маъноси эса Ҳақнинг қулини ўзи томонга тортиши, илоҳий тажаллиларга сайри сулуксиз етишишдир. Шундай жазба соҳиби мажзуб дейилади. Абу Ҳафс Шаҳобиддин Умар Суҳравардийнинг таъриф беришича, «Мажзуб – сайри сулуксиз, риёзат ва мужоҳаданинг қийинчиликларини қаршиламагани ҳолда, қалб ила Аллоҳ орасидаги ҳар турли унуттирувчи пардаларга барҳам бера олган кишидир»[3]. Шу маънода мажзуб аввал илоҳий зотни мушоҳада қилади. Қобилият даражасига кўра унга бир қанча сирлар кашф бўлади. Бунинг орқасидан сифати илоҳия ва асмо сир-асрори очилади. Сўнгра коинот моҳиятини бутун нозиклари ва мураккабликлари билан билишга эришилади. Хуллас, у «тавҳид манбасига тамоман ғарқ бўлганлиги учун ўз зотини Ҳақнинг ягона зотида, сифотини унинг сифотида, феълини унинг феълида кўради... Руҳ кўзи зотнинг жамол мушоҳадасига тикилгани замон, ашёнинг орасини ажратувчи ақл нури қадим зот нури ғалабасидан зоил бўлади»[4]. Жазба ва ишқ оташида ёниб Ҳаққа талпинган мажзуб энди Ҳаққа чекинган чин ошиққа айланади. Шундай қилиб, солик энг охирда етган жойга мажзуб илк бошдаёқ етади. Соликнинг ҳоли Аллоҳга вуслат учун ашё ила мушоҳада. Мажзубники эса ашёни Аллоҳ ила мушоҳададир. Мажзубнинг жазбаси маҳв ва фано билан, соликнинг сулуки эса саҳв ва бақо билан охирга етади. Солик пастдан юқорига, мажзуб юқоридан пастга сайр айлайди. Жазба сулуксиз, сулук жазбасиз бўлмас, деган фикр шунга бир ишоратдир.

Баъзан илмда важд ва жазба ҳоли айни бир нарса, деб қаралади. Буни тўла маъқуллаб бўлмайди. Важда солик ёки ошиқ истаги, хоҳиш ва иродасининг қайсидир даражада ўрни бўлади. Жазбада бундай эмас. Унда инсоннинг ихтиёрига боғлиқлик йўқ. Жазба Аллоҳнинг севган ва энг танланган бандасига эҳсони. Ҳаммаси кутилмаганда ва ногоҳоний тарзда рўй беради: ишқ оташи нафс ва қалбдаги ҳижобларни ёндириб юборади. Руҳ ҳақиқат қайноғидан илҳомланиб парвоз бошлайди. Ҳақ тажаллиларининг мушоҳадасидан кўнгил беҳад фараҳланади. Ҳол завқи ила инсон беихтиёр ўзини унутади. Вужуди, нафси, ҳис-туйғулари, хуллас, бутун борлиғига тегишли шуурни бой берган ошиқ маълум бир муддат фикр ва тушунчаларидан ҳам ажралади.

«Шундай валилар ҳам борки, - дейди Нажмиддин Кубро, - Ҳақ таоло уларни жазба билан қурб даражаларига эриштиради – уларда сайру сулук ва мужоҳадага муҳтожлик бўлмайди»[5]. Бундай валилик умуман мақбул кўрилган. Лекин сулуксиз мақсадга эришилганлиги боис мажзуб валиларга ҳам иршодга рухсат этилмаган. Шайхлик мақомига соҳиб бўлмоғи учун сулук йўлини улар босиб ўтмоғи шарт деб ҳисобланган[6]. Навоий мансуб бўлгани

---

[1] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 17-том. – Тошкент, 2001, 427-бет.
[2] Ўша китоб, 452-бет.
[3] Ўша китоб, 451-бет.
[4] Абу Ҳафс Суҳравардий. Авориф ул-маориф (санасиз), 11-бет.
[5] Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт, 88-бет..
[6] Суравардий. Кўрсатилган асар, 111-114-бетлар.

нақшбандийлик тариқатида ҳам жазба ва сулук мавқеи, деярли, тенг эди. Бу ҳақиқатни тасдиқлайдиган муҳим далиллардан бири Нақшбанд ҳазратларининг Хожа Муҳаммад Порсо таърифидаги «Мақсуд бизнинг зуҳуримиздин анинг вужудидур ва анга икаласи тарийқ билаки, жазба ва сулук бўлғай, тарбия қилибмен»[1], - деган эътироф сўзларидир.

Мажзублар наздида, пайғамбаримизнинг меърожлари жазба тимсоли эди. Улар Нур «нарвони» билан ниҳоятда қисқа фурсатда Ҳақ даргоҳига юксалиш ва ирфонни эгаллашга шак-шубҳасиз ишонишган. Мажзублар ҳамма нарсани Ҳақ нури ила кўриб, мушоҳада этганликлари учун илоҳий нур ошиғи бўлишган. Алишер Навоий Дарвеш Баширни «мажзуб ва соҳиби каромоту мақомот эрди», дейди. Унинг кашф ва каромотини зоҳир этувчи бир воқеани ҳам нақл этади: Бир кун бир жамоа шаҳардан ташқарига саёҳатга чиқадилар. Қуёш ботиб қаронғу бўлгунча дашт кезадилар. Қайтишда йўлдан адашадилар. Ногаҳон йироқдан бир дарахт узра порлаётган нурни кўриб шу томонга қараб юрадилар. «Эмдиким, етдилар, кўрдиларки, Дарвеш Башир ўлтирибдур ва бу ёруғлик андин зоҳир бўладур... Ул ёруғлиғ била йўлни топдилар ҳар қайси ўз уйларига бордилар»[2], - дейди Навоий. Албатта, кўпчилик учун бу ҳодиса ғайритабиий ва ишончсиз бўлиши эҳтимолдан йироқ эмас. Чунки мажзубларнинг руҳоният нури ва кароматларига иштибоҳ билан қараш ёки ишонмаслик ўтмишда ҳам бўлган. Бундан ташқари, зоҳидлар, обидлар, сўфилар, дарвешлар жамоасида бўлгани сингари мажзублар сафида ҳам ёлғон даъво қилувчилар, содда, авом одамлар ишончини эгаллашга бел боғлаган риёкорлар, сохта кароматчилар йўқ деб бўлмасди Буни Абдураҳмон Жомийнинг «Нафаҳот-ул унс» муқаддимасида мажзубларга ўхшашга ҳаракат қилувчилар тўғрисида махсус тўхталганлигидан ҳам билиш мумкин. Лекин ҳақиқий мажзубларда ҳеч вақт сохтакорлик ёки алдовга мутлақо зарурият сезилмаган. Аксинча, ҳиссий-руҳий идрок ва олдиндан билиш қувватининг зўрлиги билан улар ҳар қанақа шубҳа ва ишончсизликка тезда барҳам берганлар. Шахсан Навоийнинг ўзи ҳам бунга иқрор бўлган ва шундай бир ҳодисани ёзиб қолдирган: Кунлардан бир кун Навоий бир киши билан кетаётганда шериги ундан «Нечук Бобо Пирийнинг ёнидан ўтмайсан. Сабаб недур?» – деб сўрабди. «Бу жиҳатдинки, фаҳш сўкар, манга хуш келмаски, анинг фаҳшин эшитгаймен», - дея жавоб берибди Навоий. Шунда шоирнинг ҳамроҳи, «Бобонинг каромати бор дейдилар. Олдидан ўтгил. Каромат соҳиби бўлса, сени сўкмайди», дебди. Навоий бу таклифга кўнибди. Воқеа баёни давомида шоир: «Агарчи имтиҳон эрди, аммо ул дегандек илойидин ўтдим, сўкмади. Одатининг хилофи – дуо қилди»[3], - дейди.

Мажзублар Ҳақдан бошқа ҳеч нима билан қизиқмас, Ҳақдан ўзга ҳеч кимдан қўрқмаганлар. Уларнинг бор-йўқ бойлиги ишқ ва ҳақиқат бўлган. Шунинг учун улар том маъноси ила эркин яшашган, ҳар қандай шароит ва вазиятда ҳам тўғри сўзлашдан чўчишмаган. Зеро, мажзубликда комилликнинг тамали – тўғрилик, куч-қуввати эса Ҳақ севгиси ва ҳақиқат эди. «Насойим»даги икки ҳикоят бу жиҳатдан алоҳида диққатга молик. Улардан бири Бобо Ҳасан Турк отли мажзуб ҳақида: Бир қиш кечаси. Қор ёққан. Ҳаво жуда совуқ. Бобо Ҳасан қалбида жазба бошланади. Яланғоч ҳолда у ташқарига чиқади. Совуқ тунда бехуд кезади. Тонгга яқин жазбаси таскин топади. Ана шундагина совуқ таъсирини сезади. Иттифоқо, ҳаммом гулханидан ўт ёруғи кўринади. Бобо Ҳасан исиниш ниятида ўша жойга боради. Аммо қўлида кафча, ўт ёндираётган гулхантоб Бобо ҳар қанча талаб қилмасин, унга жой

---

[1] Алишер Навоий. МАТ. 17-том, 226-бет.
[2] Алишер Навоий, МАТ, 17-том, 365-366-бет.
[2] Алишер Навоий. Кўрсатилган асар, 450-бет.

бўшатмайди. Шунда у қизиб турган кафчани тортиб олиб гулханчининг бошига урганида у дарҳол жон таслим қилади. Эртасига Бобони жиноятчи сифатида Шоҳруҳ Мирзонинг ҳузурига олиб борадилар. Бўлган воқеа арз қилинади. Сўнг: «Шоҳруҳ Мирзо сўрабдурки, Бобо, сени дейдурларки, бировни ўлдурубсен? Андоқмудур? Дебдурки, ҳов, андоқдур. Мирзо сўрабдурки, нечун ўлдурдунг? Дебдурки, мунчани сен ўлдурдунг, бировни дағи мен ўлдурдум...»[1].

Асло кутилмаган бу гап Шоҳруҳ Мирзони гўё тил тишлатибди. Марҳумнинг ворисларини рози қилиб, Бобога кетиш учун рухсат берибди. Албатта, бу ўринда одам ўлдириш – мажзубликми, мажзублик – қотилликми, деган бир савол туғилмаслиги керак. Чунки Бобо Ҳасан гулхонтоб ёнига борганида жазба уни тарк этган эди. Жазба ҳоли давом қилганида, эҳтимол, у бир бечоранинг умрини завол қилмасди. Аммо шоҳ олдида ҳам титрабқақшамасдан мажзублик эркинлиги ва шижоатига унинг содиқ қолиши - бу, жуда муҳим. Шунингдек, бунда мажзубликнинг хос бир «имтиёзи»ни ҳам назардан соқит этмаслик лозим. Бу – мажзубнинг фавқулодда бетарафлиги, ҳеч қандай шахсий манфаатлар билан қизиқмаслиги ва Аллоҳга яқинлик ҳолига тегишли. Шайх Жамолиддин Лур, Навоий таъбири билан айтганда, «қувваи жазба»си зўр мажзублардан ҳисобланган. У кўпинча мажзублик ҳолидан ажралолмаганлиги туфайли шатх сўзларни айтар экан. Ниҳоят, шариат уламолари уни кофир деб эълон қилиб ўлимга фатво беришибди. Лекин икки тасаввуф шайхининг «Ул мажзубдур ва мағлуб, анинг қатли жойиз эмас»[2], деган кўрсатмаси боис подшоҳ Отабек Абубакр Жамолиддин Лурни ўлимга ҳукм қилмаган экан. Бобо Али Пойи Ҳисорий қатлига доир воқеа баёни орқали эса мажзубни ўлдириб бўлмас, деган маъно таъкидланган.

Энди юқорида белгиланган иккинчи ҳикоятга қайтсак. Султон Маҳмуд Сабуктегин бир қиш фаслида бошқа диёрлар ишғоли учун ҳарбий юриш бошлайди. Ҳаким Саноий эса буни мадҳ айлаб қасида битади. Доим чоғирнинг қуйқасини ичганлигидан Лойхўр дея танилган бир гулханчи мажзуб бор экан. Бир куни Саноий гулханхона эшигига яқинлашганда шу маҳжуб ила соқийсининг шундай суҳбатини эшитибди: «Бир аёғ тўла қилиб берки, Ғазнавий Маҳмудғинанинг кўрлукига ичай». Соқий: «Маҳмуд подшоҳи исломдур ва ғозий кишидур. Нечун мундоғ дегайсен?» дебди. Лойхўр эса Маҳмуднинг босқинчилиги ва ҳорислигини қоралаб бўлиб, «Яна бир аёғ тутки, Саноий деган шоирнинг кўрлигига ичай», - дебди. Соқий: «Саноий фозил ва латиф табъ киши. Нечук бу навъ дегайсен?» – дея эътироз билдирганда Лойхўр: «Агар ул латиф табъ бўлса эрди, бир ишга машғул бўлғай эрди, анинг бир иши ярағой эрди. Бир неча газофни бир қоғозға битибдурки, анинг ҳеч ишига ярамас ва билмаски, ани не иш учун яратибдурлар»[3], - дебди. Ана шу аччиқ, аммо ҳақ фикр таъсирида Саноий «ғафлат мастлиғи»дан бедор бўлиб, сулукка кирган экан.

Ҳеч шубҳасизки, ҳамма чин мажзублар каби Лойхўр ҳам басиратга таянган. Саноийнинг эшик ёнига келишини ҳам, тинглаган гаплари унга қандай таъсир ўтказишини ҳам бу мажзуб аниқ билган. Акс ҳолда у сўзни беҳуда исроф қилмаган бўлурди.

Мажзублик завқи билан шоирлик завқи ўртасида маълум бир яқинлик борлиги учун баъзи мажзублар шеър ҳам ёзишган. Шулардан бири Мир Муфлисий. У асли Машҳаддан бўлган. Илм таҳсилига берилиб кўп вақтини меҳнат ва риёзат оғушида ўтказган. Шеърий салоҳияти ҳам ёмон бўлмаган. Аммо жазба етишгач, у ақлдан ажралган. Қизиғи шундаки, мажзуб Муфлисий билан, ақл-ҳуши ўзига қайтган Муфлисий орасидаги фарқланиш аниқ

---

[1] Алишер Навоий. Кўрсатилган асар, 450-451-бетлар.
[2] Алишер Навоий. Ўша асар, 343-бет.
[3] Алишер Навоий. Ўша асар, 457-458-бетлар.

кўриниб турган. Навоий «Мажолис ун-нафоис»да буни шундай қайд этади: «Ҳуши борида яхши абётлар айтиб эди. Аммо жунун вақтида бу байтни кўп ўқур эрдиким:

Балои маргу андуҳи қиёмат,
Чу чанбар сохт моро нахли қомат»[1].

(Мазмуни: Ўлим балоси ва қиёмат қайғуси қоматимиз дарахтини чанбардек эгиб қўйди).

Жазба вақтидаги айрим зоҳирий ҳаракат, сўз ва қилиқ ёки иддаолар жинниликка ўхшаб кетиши мумкин. Навоийнинг Мир Ҳайдар Мажзубга доир илк мулоҳазаларини ўқиганда ҳам шундай фикр хаёлдан ўтади. Бироқ бу ўринда ҳам Навоий «Гоҳеки ўз ҳолиға келса эрди, уламо билан улум баҳсин андек қилур эрдиким, барча мусаллам тутар эрдилар»[2], - дея изоҳ беришни унутмайди.

Зеро, улуғ шоир мажзублик ҳоли сир-асрорини чуқур билган, мажзубларга беписандлик Ҳаққа мақбул бўлмаслигини инобатга олган. Абдулкарим Қушайрий мажзубнинг ботиний аҳвол-руҳиясига тўхталиб, илоҳий бир муомалани мустасно этганда, қолган ҳамма пайт мажзуб Аллоҳ иродаси билан идора қилинишини, эски ҳолига қайтишида унинг на шахсий ғайрати, на хоҳиш-иродаси таъсир ўтказишга қодир эмаслигини ёзади[3]. Мажзубнинг энг буюк ва дахлсиз руҳоний қудрати ҳам мана шунда.

Ҳеч шак-шубҳа йўқ: сайру сулук инсоннинг башарий «Мен»ини нафс ва шайтонга тобеликдан қутқарадиган хосиятли йўл. Бу йўл ниҳоясига етиша билган киши ахлоқ-одобда, феъл ва сифотда, фикр ва иродада фавқулодда холис янги Ўзликка эришади. Суҳравардий буни жисмоний туғилишдан кейинги – иккинчи, янги маънавий туғилиш деб таърифлайди[4]. Ҳақиқат аҳли томонидан «қиёмати суғро» («Кичик қиёмат») деб ҳам аталган иккинчи маънавий туғилишда ошиқнинг ҳоли – унинг сулуккача бўлган, риёзат, мушоҳада, покланиш машаққатларига ҳали киришилмаган ҳолидан кескин фарқ қилади. Унинг ахлоқий, ҳиссий ва фикр ҳаёти аввалгисига бутунлай ўхшамайди. Бунда муршиднинг хизмати ва ҳиссаси беқиёсдир. Лекин гап шеър ва шоирликка келиб тақалганда, масалага анча кенг ва ўзгачароқ тарзда қараш заруриятини ҳам ҳисобга олиш керакка ўхшайди. Чунки шеърият ҳам такрорланмас бир маънавий «сайру сулук»дир. Шеъриятда ҳам иккинчи, яъни янги маънавий туғилишсиз улуғ шоир қад ростлолмайди. Бизнинг назаримизда, ҳақиқий шоирлик билан мажзубликда моҳиятан ўхшашлик бор. Илоҳий Гўзалликнинг ўзига тортиш ва жазб этиш қудратига беихтиёр таслим бўлиш ҳоким. Мана, «Исо нафаслиқ ринди Шероз» буюк Ҳофизни олиб кўрайлик. У бирор бир тариқатга мансуб бўлмаган. Иродат қўлини ҳеч бир пирга чўзмаган. Аммо жонбахш сўз ва ифодалари аҳли тасаввуф табиатига шунчалик уйғун келганки, кўплар бундан таажжубланишган. Навоийнинг ёзишича, ҳатто Хожагон тариқатидан бир мўътабар зот «ҳеч девон Ҳофиз девонидин яхшироқ эмас, агар киши сўфий бўлса. Бу фақирға андоқ маълум бўлубдур ва машҳур мундоқдурки, ҳазрат Мир Қосим қ.с. аларнинг девонини «Қуръони форсий» дер эрмишларки, Каломуллоҳ оёти маънисидин мамлу ва асрору нукотидин машҳурдир», - деган экан. Демак, ўз-ўзидан равшанлашаётирки, дил ва руҳоният фотиҳи Хожа Ҳофиз ҳаётда ҳам, ижодда ҳам тариқатгамас, шаффоф дил, улвий ҳол соҳиби ўлароқ жазба ва ишққа суянган. Фақат ҳузури илоҳияга кўтарилган,

---

[1] Алишер Навоий. МАТ. 13-том. Тошкент, 1997, 36-бет.
[2] Ўша асар, 35-бет.
[3] Абдулкарим Қушайрий. Рисолаи Қушайрий. Истанбул, 1991, 213-бет.

нур ва латоиф ошиғи бўлган шоиргина Ҳофизга эргашиб ёниши ва ёзиши муқаррардир. Бир неча машҳур шайхлар, жумладан Нажмиддин Кубро ҳазратлари ҳам Аллоҳга элтувчи йўлларнинг адади яратиқларнинг адади қадар беҳисоблигини махсус таъкидлашган. Шу йўллардан бири – жазба ва мажзублик. Бу йўл – ишқдан ҳолга, ҳолдан қалб ва руҳга, руҳдан Ҳаққа йўналтирувчи ҳуррият йўли. Жазба «тажриба»си ила Ҳаққа восил бўлганлар – Аллоҳ лутфи эҳсони ва инояти ила комилликнинг олий мақомини эгаллаган, инсон тақдири, қадр-қиммати ва эркинлигини тамасиз шарафлаган зотлардир. Шунга кўра ҳам, Навоий мажзублик ҳолоти, хислат ва имтиёзларидан сўз юритган. Навоийнинг ишқ ва жазба тариқати сифатида эътироф этилган нақшбандийлик тариқатини танлашида ҳам ҳали очилмаган, илмда ҳали махсус ўрганилмаган сирлар борга ўхшайди. Хуллас, доҳий шоиримизнинг жазба завқи ва ёлқини аксини топган шеърларига бошқача кўз қараш ила ёндашиш, кўпроқ кўнгил ҳоли ва руҳ манзаралари тасвирланган бу шеърларни янги усулларда тадқиқ қилиш мақсадга мувофиқдир. Ана ўшанда Навоийнинг «Ўз ҳолига саргаштаву ҳайрон» бўлиш ҳиссиётларининг маъно-моҳиятини англаш, таҳлил этишдаги тахминбозлик ва ўзбошимчаликлар барҳам топади, деб ўйлаймиз.

МАНСУР ҲАЛЛОЖ ВА АЛИШЕР НАВОИЙ

Машҳур мутасаввиф ва ижодкор Абул Муғис Ҳусайн бин Мансур Ҳалложнинг қисмати инсоният тарихидаги энг қайғули қисматлардан. Айрим сўфийларни ҳисобга олмаганда, ўз замонасида уни дин ва шариатга мансуб деярли ҳеч бир тоифа хуш кўрмаган, қўллаб-қувватламаган. Чунки Мансурга яқинлик, унинг фикр-қарашларига хайрихоҳлик ўзини ўзи бало ва кулфатларга гирифтор қилиш билан теппа-тенг бўлган. Тарихий маълумотларда қайд этилишича, Диноварда Ҳалложнинг бир мактуби ҳукумат одамларининг қўлига тушади. Хатнинг бошланишиёқ ўқиганларни дарғазаб қилади. Муаллиф ҳақида қатъий қарорга келиш учун уни Бағдодга этиб, Ҳалложга кўрсатадилар. «Ҳа, бу менинг хатим», – дейди у. Сўнг ундан: «Сен билан фикрдош бошқа кишилар ҳам борми?» – дея сўрашганда у «Албатта, бор. Ибни Ато, Абу Муҳаммад ал-Журайрий, Абубакр Шиблий», – деб бир неча кишининг номини тилга олади. Маъмурлар шу зотлар билан бориб суҳбатлашишганда, Журайрий мактубдаги сўзларни ўқиб: «Бу қатлни вожиб айлайдиган бир куфр», дейди. Шиблий эса «Буни айтганга қарши туриш зарурдир», дея ўзини четга тортади. Ибн Ато Ҳалложга маслакдошлигини яширмасдан гапирганлиги боис вазир Ҳомид ибн ал-Аббоснинг қаҳрига учраб, қатл этилади. Аммо орадан ҳеч қанча фурсат ўтмай, вазир ҳам ўлади

Тарихдан маълумки, Мансур Ҳалложнинг ҳаёти ва ирфоний фаолияти зулм, жаҳолат, фикрий зўравонлик хуруж айлаган бир даврга тўғри келган эди. Ал-Мутаваккил халифалик мартабасига эришганидан сўнг «нақлчи» уламонинг давлат миқёсида катта нуфуз соҳиби бўлишлари билан кўп иш ва ҳаракатлар ағдар-тўнтар бўлиб кетганди. Халифа жаҳмия, қадария, мутаъзилия сингари оқимларга қарши курашда ўша уламоларнинг ёрдамига таянади. Натижада, ҳадис олимлари каломчилар устидан тўла зафар қозонишади. Давлатнинг қўли етадиган ҳамма жойдан улар қувилади. Халифа эса бутун вилоят ва ўлкаларга амру фармонлар юбориб, калом илми билан машғул бўлувчиларнинг барчасини ўлимга маҳкум этилишини эълон этади. Унинг бу сиёсати ўзидан кейин келган ҳукмдорлар томонидан давом эттирилиб, ниҳоят, IX асрнинг охирги ўн йиллигида фалсафа ва калом китобларини сотиш тўла тақиқланади. Олдинлари жомеъларда, омма йиғиладиган умумий жойларда фаолият кўрсатувчи халқ воизларининг чиқишларига ҳам барҳам берилади. Бироқ ушбу тадбирларнинг ҳеч бири ижтимоий беқарорлик ва сиёсий зиддиятларнинг ўртадан кўтарилиши-

га ёрдам беролмасди. Ал-Мутаваккилнинг вафотидан токим 954 йилда бувайҳийларнинг Бағдодда иқтидорга соҳиб бўлгунларига қадар кечган вақт мобайнида сиёсий беқарорлик ва чиқишлар кучайиб борганди. Қарматийлар ҳаракатининг бошланиши эса давлат учун катта хавф туғдирган офатнинг айни ўзи саналарди. Халифага уюштирилган суиқасддан кейин улкан миқёсли шубҳа ва таъқиб муҳити яратилдики, номи «қора рўйхат»га тушган тариқат арбобларидан бири Мансур Ҳаллож эди. Унинг номи ушбу рўйхатдан четда қолиши асло мумкин эмасди. Зеро, Эрон олими Атоулло Таддин қайд қилганидек, «Ҳаллож Аббосий халифалиги даврини жабр ва зулмкорлик, ахлоқий-маънавий емрилиш даври деб биларди». Шунинг учун унга нисбатан қўйиладиган айблар ҳам ниҳоятда жиддий ва кўпчиликни ғазаблантирадиган бўлмоғи табиий эди.

Абу Райҳон Берунийнинг хабар беришича, Ҳаллож одамларни «дастлаб имом Маҳдийга даъват этиб, Маҳдий Дайландаги Толиқон шаҳридан чиқади, деб даъво қилган»лиги учун уни Бағдодга олиб келиб, зиндонга ташлашади. «Ниҳоят у ҳийла ишлатиб, зиндондан халос бўлди. У найрангбоз ва ҳунарманд, ҳар бир одамнинг эътиқод ва мазҳабига қараб, у билан аралашиб кетадиган киши эди. Кейин у ўзига муқаддас руҳ жойлашганини даъво қилди ва ўзини худо деб атади...»

Чиндан ҳам фақиҳлар Ҳалложни нубувват ва илоҳийлик иддаосида айблашса, мутаъзилия вакиллари ҳуққабозликда, имомийя мансублари зиндиқликда қоралашганди. Шариат арбоблари назарида у ўлим жазосига маҳкум кофир эди. Аммо ўз даври ва замонасидан кўп илгарилаган, халқни аёвсиз талаган ва эзган Аббосий халифаси амалдорларининг қилмишларини жасорат ила фош айлаган буюк бир ориф ва Ҳақ йўлчисининг ўлими шариат вакиллари учун эмас, балки сиёсат пешволари учун зарур эди. Усмонли турк тадқиқотчиси Я.Н. Ўзтуркнинг сўзлари билан айтганда, «Ҳалложнинг қотили шариат эмас, сиёсатдир. Шариатни тамсил этганлар, ушбу жиноятга шунчаки восита қилинганлар».

Ҳалложнинг ҳаёт чоғларида юзага чиққан мунозара ва тортишувлар унинг вафотидан сўнг ҳам қизғин давом этган. Айниқса, тасаввуфга ва аҳли тариқатга ёмон нигоҳда қаровчилар Ҳалложнинг ҳол ва ҳақиқатларини таҳқирлаш билан чегараланмасдан, унинг асарларини ҳам тамоман йўққа чиқаришга уринганлар. Шулардан бири Ибн Таймийя бўлиб: у «Мен Ҳалложга нисбат берилган бир қанча асарлар, рисолалар ва парчаларни кўрдим, ҳеч шубҳасизки, уларнинг барчаси Ҳаллож учун тўқилган нарсалардир», дейди. Ҳолбуки, Мансур Ҳаллож назмда ҳам, насрда ҳам эътиборга молик асарларни мерос қолдира олгандир.

Шарқнинг кўп мутафаккир санъаткорларида, жумладан, Алишер Навоийда ҳам инсон қалби ва кўнглини ҳатто Каъбадан-да улуғ ва муқаддас билишга чорловчи фикрлар бор. Навоий «Ҳайрат ул-аброр»да:

Каъбаки оламнинг ўлуб қибласи,
Қадри йўқ андоққи, кўнгул каъбаси, –

дейди. Бироқ бундай фикрни биринчилардан бўлиб айтиш ва теранликдан кўра саёзликни хуш кўргувчи кимсалар онгига сингдириш биз ўйлаганчалик осон кечмаган. Ҳаллож: «Ба жойи адойи ҳаж, назари зиёрати Каъбаи дил кофи аст» – «Ҳаж зиёрати ўрнида дил Каъбасини зиёрат қилиш кифоя», – дегани учун Бағдодда ғавғо қўзғалган. Уни қарматийларга издошлик қилиб, Каъбани вайрон этишга ундаётир, деб айблашган. Салтанат вазирларидан бири шу гапи учун Ҳалложни бемалол қатл айлашга кўрсатма берган.

Ҳалложнинг адабий мероси, албатта, пароканда ҳолда қолиб кетган. Анча муддатлргача уларни эркин ўқиш ва тарғиб қилиш имкониятлари ҳам чекланган. Лекин унинг шо-

гирдлари, мухлис ва тарафдорлари уларнинг тақдирига бефарқ қарашмаган. Асрлардан асрларга олиб ўтишга эришишган.

Алишер Навоийнинг Ҳаллож асарлари билан бевосита танишлиги, уларни тўлиқ шаклларда ўқиган ёки ўқимаганлиги ҳақида қатъий бир гапларни айтиш қийин. Аммо Ҳаллождан баҳс юритилган ёхуд бевосита унга бағишланган асарлардан Навоийнинг хабардорлиги шубҳасиз. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, улардан айримлари Ҳалложнинг тасаввуфий ҳаёти, фикр-қарашлари ва ҳоли масаласида тахминий ҳамда асоси суст мулоҳазалардан халос бўлишда Навоийга яқиндан ёрдам берган. Масалан, шундай китоблардан бири, эҳтимолки, энг биринчиси Абужўлоб Ҳужвирийнинг «Насойим»да тилга олинган «Кашф ул-маҳжуб» отлиғ асаридир.

Ҳали ёшлик чоғлариданоқ Ҳужвирий Мансур Ҳалложнинг ҳаёти, шахси ва ҳол сирлари билан қизиққан. Унинг мактуб ва шеърларини тўплаган. Рисола ва мавъизаларини ахтарган. Бу ҳақида унинг ўзи шундай дейди: «Ҳалложнинг порлоқ рамзли шеър ва асарлари бордир. Фуру (шўъбалар, тармоқлар) хусусида мукаммал сўзлари мавжуд. Мен унга оид эллик парча асарни Бағдодда ва шаҳар атрофида кўрдим. Айримларини эса Ҳузистон, Форис ва Хуросонда қўлга киритдим... буларнинг баъзиси жуда кучли, айримлари ниҳоятда заиф, яна бири ғоятда содда, бошқа бирлари эса кўп тубан ва аҳамиятсиз эди». Ҳужвирий Ҳалложнинг фикрларини шарҳлаш учун «Минҳож уд-дин» номли махсус асар яратади. У илк дафъа икки Ҳаллож бўлганлигини, улардан бири Бағдодли Мулҳид Ҳасан бин Мансур Ҳаллож, иккинчиси Ҳусайн бин Мансур Ҳаллож эканлигини маълум қилади. Ҳужвирийнинг эътирофи бўйича, Ҳаллож тўғрисида ихтилофга берилган мутасаввифлар, дини, мазҳабини қоралаш мақсади ила уни тарк этмаганлар. Балки ҳол ва ҳол сирлари сабабидан уни тарк ва танқид қилганлар. Хуллас, Ҳужвирий ҳалложшунослик йўлида жиддий изланишлар олиб боради ва «Китоб фи шарҳи каломил Ҳаллож» номли китобини ёзади. Умуман, у Ҳалложга қўйилган қатор айб ва туҳматларни қатъиян рад айлайди.

Ҳужвирий ёзади: «... зоҳирбин баъзи кимсалар уни (яъни Ҳалложни – И. Ҳ.) кофир дейишмоқда, уни рад ва инкор этишмоқда. Ҳолларини эса гуноҳга, ҳуққабозлик ва сеҳрбозликка нисбат беришаётирлар. Улар Ҳусайн Мансур Ҳаллож билан Ҳасан бин Мансур Ҳалложни бир-биридан фарқлай олмаётирлар. Кейинги Ҳаллож Бағдодли бир маҳдуд бўлиб, Муҳаммад бин Закариёнинг устози, Абу Сайид Қарматийнинг йўлдоши эди».

Ҳасан бин Мансур Ҳалложнинг издошлари Бағдод ёнида бир жамоат ташкил қилиб, унга «ҳалложий» номини беришган ва Мансур Ҳалложга боғлиқлик даъвоси ила ўзларининг зиндиқликларини оқлаш ғарази учун унинг сўзларидан далил сифатида фойдаланишган экан.

Ҳужвирий ўзининг номдор замондошларидан баъзиларининг Мансур Ҳалложга юксак назар билан қараганликларини ҳам баён этиб ўтган. Унингча, Истаҳрий Ҳалложни аввал зуҳдда катта ютуққа эришган, сўнг қадам-бақадам ишқда илгарилаган, хайрли ишлар билан шуғулланиб, нафсоний лаззат бахш этувчи нарсалардан ўзини тийишга қодир шахс, деб ҳисоблаган. Муроқаба мақомига юксалган Мансур «башарий сифатлардан тамоман фориғ бўлгач, Ҳазрати Исода бўлганидек унга ҳам Аллоҳнинг руҳи ҳулул этган, шундан кейин у ўзига ўзи итоат айловчи феълини – Аллоҳ феъли, ҳар қандай амрни – Аллоҳ амри деб билувчи қурб мақомига кўтарилган»лигини таъкидлаган.

Ҳужвирийнинг Ҳалложга муҳаббати қанчалик юқори бўлмасин, уни сонсиз-саноқсиз ғанимлари ва асоссиз таънаю маломатлардан нечоғли қатъият ила муҳофаза этмасин, у барибир ҳақиқатни хаспўшламасдан ошкор қилишга содиқ қолади. Ҳужвирийга кўра, Ҳалложнинг ҳамма сўз ва фикрларига тобе бўлиш, уларни тўғрига чиқариш мақбул эмас. «Чун-

ки Мансур ҳолида тамкин соҳибимас, билъакс мағлуб ва мажзуб эди... ҳолида фитналар ҳам мавжуд эди». Шунингдек, ҳеч бир асосга кўра, унинг йўли тўғрилик талабларига тўла-тўкис мувофиқ келмаганидек, ҳолида бир барқарорлик ҳам бўлмаган. Ҳол ва ҳиссиёт қарорсизлиги ила муршидлик вазифасини бажариш ва бошқаларни ўзининг ортидан эргаштириши душвор бир ишдир.

Алишер Навоий масаланинг бу жиҳатларига юзаки қараши, албатта, мумкин эмасди. Бундан ташқари, Навоий Мансур Ҳаллож ва унинг мусулмон оламида бир ғавғо қўзғаган «Анал-ҳақ»чилик тушунчасига баҳо беришда ўзи мансуб бўлган Хожагон – нақшбандия тариқати арбоблари фикрларидан тамоман четлашиши ҳам қийин эди.

«Ҳазрати Абдулқодир Гилонийнинг манқабалари» китобида маълумот берилишича, Гилонийдан Мансур Ҳаллож ҳақида сўраганларида, «У бир қанот эди, даъво туфайли кенг узайганди, шариат қиличи уни қирқиб ташлади», – деган эканлар. Шайх Умар ал-Баззоз эса Абдулқодир Гилоний тилидан мана бундай фикрларни нақл этади: «Ҳусайн ал-Ҳалложнинг аёғи куйганди. Ул асрда унинг қўлидан тутиб тўхтатадиган кимса (бир вали) йўқ эди. Агар мен унинг замонида яшаганда эдим, қўлидан ушлаб, уни омон сақлаган бўлурдим. Чунки қиёматга қадар аёғи куйган ҳар бир муридим, аҳбобим ва биродарларимнинг қўлидан ушлагувчи халоскоридурмен...».

Худди шунга ўхшаш гап ва эътироф Хожагон тариқати вакиллари орасида ҳам мавжуд бўлган. Масалан, Хожа Али Рометанийнинг «Агар ер юзида Хожа Абдулхолиқ фарзандларидан бири бўлса эрди, Мансур ҳаргиз дорга осилмас эди», – деган гаплари машҳурдир. Айрим манбаларда ушбу фикр тўғридан-тўғри Абдухолиқ Ғиждувоний тилидан нақл этилиб, «Агар Ҳаллож замонида менинг муридларимдан бирортаси бўлсайди, Ҳаллож асло дорга осилмасди», тарзида берилган. Аслида Хожагон шайхларининг Ҳалложга нисбатан ўрта бир йўл тутганликлари, яъни уни на қўллаб, на қоралашга уринмаганликлари Юсуф Ҳамадонийдан бошланган. Шайх Ҳазратлари «Агар Ҳусайн бин Мансур ҳақиқатни етарли даражада билсайди «Анал-ҳақ» ўрнида «Анал-туроб» (Мен тупроқман)» дерди, – деган экан. Бу фикрларда Ҳалложнинг сайри сулукда бир жойда тақалиб қолиб, янада юқори мартабаларга юксала олмаганлигига ишорат бор. Аммо Ҳалложнинг ҳолини камситиш йўқ.

Ҳалложга душманлик билан қараган Ибн Таймийя «Ҳалложнинг ҳолларини билган Аллоҳ валиларидан ҳеч бири уни буюк дея қабул этмаганлар ва ҳурмат ҳам қилмаганлар», – дейдики, бу мутлақо нотўғри ҳукм. Бу ўринда Шайх Абусаид Абулхайрнинг «Насойим»дан жой олган «Ҳаллож улвий ҳолдадир ва анинг замонида машриқдан мағрибгача анингдек йўқ эрди», – деган сўзларини эслатиш кифоя.

Гап шундаки, Навоий Мансур Ҳаллож ҳақида кўп юксак баҳо ва эътирофлар мавжудлигини билгани ҳолда ҳеч бир ўринда, жумладан, «Лисон ут-тайр»да ҳам ўзининг ахлоқий-маърифий позициясини ўзгартирмайди ва унга киритилган ҳикоятда Ҳалложнинг шон-шуҳрати, тасаввуф оламидаги мавқеига мувофиқ бир воқеа тасвирини беради. Унинг мухтасар мазмуни шундай: Мансур Ҳаллож тавҳидда баланд бир мартабага кўтарилгач, тез-тез «Анал-ҳақ» сўзини такрорлайди. Дин арбоблари буни «аҳли яқин» шевасига тўғри келмайди, дея унга насиҳат қилади. Сулук аҳли ҳам унга эътирозларини изҳор айлайди. Аммо у буларга парво этмайди.

Мастроқ чун тушмиш эрди жом анга,
Йўқ эди бу нағмадин ором анга.

Иттифоқо, кунлардан бир кун унда турфа ҳол воқеъ бўлади. Меърожда пайғамбар етишган тавҳид ҳоли ҳақида фикрга толиб, ўзича хулосалар чиқаришга уринади. Уни «бу андиша помол» айлаб, «ажзу ҳайрат илкида лол» қолдирганда:

Ким Расулуллоҳ анга бўлди аён,
Мушкили ҳаллин бу навъ этти баён.

К-эй фузул айвонида ўлтурғучи,
Лофи ваҳдатдин «Анал-ҳақ» урғучи.

Билмадингким, ул сифат олий буруж,
Ким мен айлаб эрдим ул оқшом уруж.

Онда менликнинг хаёли йўқ эди,
Балки бу лафз эҳтимоли йўқ эди.

Элтган ул эрди, бошлағон ҳам ул,
Истағон ҳам ул, бағишлағон ҳам ул.

Сен ажаб кўтаҳназарлиқ айладинг,
Бўйла ерда бебасарлиқ айладинг.

Хуллас, Расулуллоҳ ҳазратлари Ҳалложга ҳам танбеҳ, ҳам тавҳид моҳиятини изоҳлаб берадилар.

Эҳтимол, ушбу ҳикоятнинг пайдо бўлишида «Нафаҳот ул-унс»дагига ўхшаш бирор китобдан жой олган воқеа туртки бўлгандир. Эҳтимол, у улуғ шоир хаёлотининг маҳсулидир. Нима бўлишидан ва қандай бўлишидан қатъи назар, Ҳаллождек мураккаб тақдирли, ҳоли тақдиридан ҳам зиддиятли, таърифу таҳқирлар қуршовидаги бир шахс хусусида Навоий ҳақиқатни айтиш йўлини топган.

Алишер Навоий асарларини синчиклаб кўздан кечирилса, улуғ шоир ҳеч бир ўринда Мансур Ҳаллож шаънига ортиқча мақтов сўзлари айтмаганлиги ва унинг маслагини очиқ-ойдин қўллаб-қувватламаганлиги равшанлашади. Ҳатто «Насойим»да ҳам «Нафаҳот ул-унс»дан ўрин олган Ҳалложга доир фикр-мулоҳазаларнинг каттагина қисмини Навоий қисқартириб таржима қилган.

Ушбу мулоҳазалар «Демак, Навоий дунёқараши ва шеъриятига Мансур Ҳаллож таъсир ўтказа олмаган экан-да», – деган хулосага йўл очиши табиий. Кучли ва фавқулодда бир маънавий-руҳий, фикрий-ижодий ҳодиса ўлароқ кўзга ташланиб турувчи таъсирнинг йўқлиги аниқ, албатта. Буни Навоийнинг «Анал-ҳақ» ғоясини очиқ-ойдин қўллаб-қувватламаганлиги ёки унинг талқин ва тарғибига алоҳида аҳамият бермаганлигидан ҳам билиш мумкин. Аммо бу – Навоий ижодиётига Мансур Ҳаллож таълимоти ва асарлари бутунлай таъсир ўтказмаган, дегани эмас. Алишер Навоий «Насойим ул-муҳаббат» асарида «Мавлоно Жалолуддин Румий қ. с. сўзларида манқулдурки, Шайх Мансур Ҳаллож нури юз эллик йилдин сўнгра Шайх Фаридуддин Аттор руҳиға тажалли қилди ва онинг мураббийси бўлубдур», – дейди. Мансур Ҳалложнинг кўнглида порлаган ишқ ва маърифат ёлқини Мавлоно Румийни ҳам ўзига жалб айлаган эди. Мавлоно «Девони Кабир»дагина эмас, «Маснавий»-сидаги неча ўнлаб мисраларда ҳам Ҳалложни баланд оҳангларда мадҳ этади. Агар Аттор ва

Румий Навоийнинг улуғ устозларидан эканлиги, «Лисон ут-тайр» достони бевосита Аттор ижодиётининг илҳоми ила яратилганлиги инобатга олинса, ушбу фактнинг ўзиёқ Ҳаллож ва Навоий мавзуси сунъий ёхуд асоссиз эмаслиги ўз-ўзидан равшанлашади. Албатта, бир қатор Шарқ шоирлари сингари Аттор ва Румий ҳам Мансур Ҳалложнинг илоҳий ишқ йўли ила олий ваҳдат туйғусига соҳиб бўлганлигидан илҳомланганлар. Уларнинг кўнглида ҳам Ҳалложга содиқликни акс эттирувчи ва ишқда шижоат, фидойилик рамзи бўлиб қолган «дор севгиси» анча чуқур илдиз ёзганди. Лекин Ҳаллож илоҳий ишқ майидан сармастлик ҳолатларини, мушоҳада ва муроқаба асносида юзага келган маъноларни гўзал шаклларда ифодалашга қодир истеъдодли шоир ва адиб ҳам эди. Унинг «Китоб ут-тавосин» асари умуман насрда битилган тасаввуф адабиётининг энг диққатга молик намуналаридандир. Ўн бир бўлимдан таркиб топган ва ҳар бир бўлими «тасин» дея аталган мазкур китоб Ҳалложнинг фикр дунёси, ирфоний қарашлари борасида анча кенг ва аниқ тасаввур ҳосил қилади. Хусусан, унинг Ҳазрат Пайғамбар мадҳ этилган, Аллоҳ ва шайтон мунозараси ёритилган ва маърифат таърифи берилган саҳифалари мутасаввиф ижодкорлар томонидан қизиқиб ўқилиши билан бир қаторда, уларни ривожлантиришга ҳам у ёки бу даражада туртки берган. «Анал-ҳақ» иборасини Ҳаллож қачон ва қаерда тилга олган?» – деган сўроққа ҳозиргача аниқ бир жавоб йўқ. Айрим тадқиқотчилар Ҳаллож «Анал-ҳақ» демаган. Унинг ўлимига «Тавосин»даги: «Агар Уни танимасангиз асарларини танинг. Ана ўша асар менман. Мен ҳақман. Ва мен Ҳақ-ла ҳақ ўлароқ абадий давом этажакман», деган сўзлари сабаб бўлганлигини айтилган. Демак, Ҳалложнинг мухолиф ва ашаддий ғанимлари унинг асл мақсадини бузиб талқин қилишган. Унинг маърифат баҳсидаги мулоҳазалари билан танишган ва «Мен кўп ҳайрон қолурмен: баданидаги бир қилнинг қандай қилиб қора ёки оқ бўлишини билмаган, борлиғни яратиб камолга етказганни қандай билмоғи мумкин?» деган сўзларини ўқиган киши Ҳалложнинг худолик даъвосидан йироқ эканлигига ҳар қалай шубҳа қилмайди.

Бугина эмас, Мансур Ҳаллож шеъриятида ҳам ўз сўзини – янги сўзини айта олган ва юқори натижаларни қўлга кирита олган шоир эди. Шарқу Ғарб тадқиқотчилари буни бир овоздан эътироф этишган. Ғарблик таниқли шарқшунос ва тасаввуфшунос олима А.Шиммел ёзади: «Ҳалложнинг шеъри тасаввуфий кечинмаларнинг ниҳоятда нозик ва жонли бир ифодасидир. Уларнинг тили жуда нафис. Ҳаллож шеърларида энг кўп қўлланилган, тимсоллар қадаҳ ва шароб, ҳилол, маст этувчи тасаввуфий шодлик косаси, маъшуқа, жон қуши кабилардир... Ҳалложнинг, деярли, барча шеърлари теран диний ва тасаввуфий маъно ҳамда сирларга тўлиғдир». Саноий, Яссавий, Аттор, Румий каби мутасаввиф ижодкорларнинг асарларини ана шу тимсол, маъно ва сирли ҳиссиётлардан ажратиб тасаввур этишнинг асло имкони йўқ. Шундай экан, Навоийни Ҳаллож адабий меросига боғлайдиган «ришта» ва «ҳалқа»ларнинг бўлиши ҳам шубҳасиз. Бу энди махсус тадқиққа лойиқ бошқа мавзу.

МАЪРУФ ВА ОРИФ

Тасаввуф адабиётини дунёга машҳур қилган омиллардан бири ва энг муҳими – адабиётда яралган бош қаҳрамонлардир. Илмда қайд этилишича, Ғарбда XII асрдан кейин «Ҳур тушунча» деган тасаввуфий ҳаракат ташкил этилиб, у сўфиёна ва орифона фикру туйғуларни ўзлаштириш ҳамда тарғиб этишда катта натижаларга эришилган экан. Янада конкретроқ қилиб айтиладиган бўлса, инглизларда XV асрлардан эътиборан «дарвеш», «сўфий» атамаси кенг татбиқ қилинган. Тасаввуф тадқиқотчиларининг умумий эътирофларига кўра, «Орифнинг қалби Арш ва курсидан ҳам кенг бўлмоғи муҳаққақдир. Зеро, Арш

ва курси ва буларнинг ичидагилар олами жисмонийдур. Қалби солимнинг руҳи инсонийдурки, у амри Раббоний эрур... Ориф бирор-бир қавм ёхуд миллатнинг эмас, жаҳоннинг султонидур». Ориф – Аллоҳни таниган, билган ва Ҳақ маърифатини мукаммал эгаллаган зот, яъни илоҳий файз одами. Абу Туроб Нахшабийдан орифнинг фазилатлари ҳақида сўрашганда: «Ҳеч бир нарсадан кирланмайдиган ва ҳамма нарсани ўзи ила поклайдиган кишидир ориф», деган экан. Абу Наср Саррожнинг таъкидлашича, «Мўмин билан орифнинг орасидаги фарқ шундайдир: Мўмин Аллоҳ нури ила боқар, ориф эса Аллоҳнинг ўзи ила назар ташлар. Мўминнинг қалби бордир. Орифники йўқ. Мўмининг кўнгли зикри илоҳий ила ором олур. Ориф эса Аллоҳдан бошқа ҳеч нимадан роҳатланмас». Мана шунинг учун ҳам ориф Шарқ тасаввуф адабиётида марказий мавқелардан бирини эгаллагандир. «Зоҳид бўлма, обид бўлма, ориф бўл». Бу туркий адабиётнинг асосий ғоявий даъватларидан эди. Ва бунинг ёрқин исботини Алишер Навоий ижодида ҳам кузатиш мумкин. Навоий шеъриятида орифга хос фазилат, хусусият ва орифона маънолар тасвири кенг ўрин ишғол этган. Бу тўғрида навоийшуносликда айрим умумий фикрлар айтилган бўлса-да, махсус ўрганилмаган.

Ибн Синога кўра, «борлиғининг сиррини ва илоҳий сирга оид ҳақиқат нурларини идрок этган ва шу мақсад ила тушунчасини жабарут оламига қаратган шахсга ориф» дерлар. Ориф охират завқи ва мукофоти учун эмас, «валилик ишоратларини англамоқ учун» Аллоҳга юз бургандир. Орифлар наздидаги маънавий-руҳий ҳаракат уч босқичдан иборат. Биринчиси – ирода ҳоли, иккинчиси – риёзат, учинчиси – диққати таксиф учун ўзни ҳилмлаштирмоқ. Тасаввуфда «ирфон» самимий ва давомли бир илоҳий суҳбат маъносини ҳам билдиради. Шу сабабдан Сулаймон Боқирғоний:

Суҳбатлиқ орифларга жоним бериб,
Суҳбатсиз нодонлардан қочғим келур, –

деган. Орифнинг ибрати, энг аввало, тарки даъво, тарки такаллуф, тарки ҳубби мосиво (ғайрни севмак) ва тарки тасаллуф (тилёғламалик ва ялтоқланиш)га эришишдадир. Борликда фоний бўлиб, Ҳақнинг борлиғида тирилмоқ идеали билан яшаганлиги учун ҳам орифнинг ҳолатларида шошқинлик, бесаранжомлик, шикоят ва тангдиллик мутлақо кўзга ташланмайди. Ориф мушоҳадага бериларкан, ёлғиз Аллоҳнинг ҳаёт, илм, ирода, қудрат, камол сингари сифатларини билиш билан чекланмайди, балки бутун борлиқ – коинот ва инсонийлик сирларидан ҳам огоҳликка етишади. Бу ҳам бежиз эмас. Тасаввуфда тариқат аҳллари учун турли мақом ва вазифалар белгиланган. Энг охирги мақом орифлар мақоми – сиём (парҳез), қиём (қойим туриш) ва муроқаба бўлиб, уларнинг устози Муҳаммад алайҳиссаломдир. Бу ерда муроқаба ҳақида алоҳида тўхталишнинг имкони йўқ. Лекин орифнинг муроқабаси Холиққа давомли назару бошқасини кўрмоқни унутиш эканлигини эслатиб ўтиш керак, албатта.

«Орифлар самови мажмаисида кўнгиллар тарвиҳи (роҳат ва сокинлиги) учун уч нимага муҳтождурлар, дейди Алишер Навоий, равойиҳи таййиба (тавба латофати ва хушбўйлиги), важҳи сабиҳ (сабаб ёки йўл гўзаллиги), сурати малиҳ (ҳол ва кайфият чиройи)».

Ориф кўнглини поклик камолига етказар экан, унинг Руҳ ва хаёлот оламида эврилиш юзага келади. Ва бунинг таъсири табиат дунёсига бориб боғланади. Чунки ориф ниҳоятда кучли, ниҳоятда нурли ҳиссиёт соҳиби. Ибн Синонинг айтиши бўйича, ориф сирли ёхуд ғайбий бир нарсадан сўзласа, табиат олами бағрида, албатта, шу нарсанинг изоҳи мавжуд бўларкан. Шунинг учун Аҳмад Яссавийнинг «Ориф ошиқ жон мулкида алам тортса, Ўн сакиз минг қомуғ олам ғулғул бўлур» деган гапларига шунчаки шоирона бир муболаға, деб

қарамаслик керак. Ориф қисмати ва орифлик салоҳиятига доир мазкур ҳақиқатлар турли шаклларда Навоий шеъриятида ҳам талқин этилган. Шоир бир ғазалида ёзади:

Саҳфаи хотирда, эй ориф, керактур ёру бас,
Софийи ваҳдатқа хошоки хавотир қотма кўп.

Бу – хотира кўзгусини поклаш ва кўнгил нигоҳини ёлғиз Ҳаққа қаратишга даъват бўлиб, унинг замонавий талқини бундай: орифлик – ташқи дунё ахборот ва маълумотларидан воз кечиб, кўнгилни илоҳий алоқа ва маълумот манбаига айлантириш ҳамда ваҳдат мақомига кўтарилишдир.

Тасаввуфда хавотир етти турга ажратилган. Булардан, айниқса, нафс, шайтон тарафидан қалбнинг қўлга олиниши ва ақл жиҳатдан қалбга етказилган хутур жуда ёмондир. Булар тўла барҳам топмоғи лозим. Ана шунда орифликнинг бошқа бир шарти ўз-ўзидан амалга ошади. Чунки орифликда беҳуда баҳс ва эътирозга ўрин йўқ.

Фақр кўйида мусаллам тут неки қилсанг истимоъ,
Ориф эрмас ҳар кишиким қилса ирфон бирла баҳс.

Хуллас, орифнинг кўнгли файз ва ганж билан нечоғлик бойиб, мушоҳада ва муроқаба йўли билан комиллашиб бормасин, унинг вазифаси сира дам урмасдан, буларни яширин тутмоқдир. Шу маънода Навоий орифни қуёш нур тўкса-да, ўзгариш кўзга ташланмайдиган азим дарёга қиёслайди:

Эрур орифға ганжи файз етса,
Иши дам урмайин они ёшурмоқ.

Қуёш акси тушуб дарё ичинда,
Не мумкиндур онинг сувин тошурмоқ.

Ориф маъруфи висолига интиларкан, мақомдан мақомга, ҳолдан ҳолга кечгани сайин унинг сийратида ўзгариш ва янгиланишлар содир бўладики, алал-оқибатда у завқ ва ҳайрат тузоғига тушган қушга ўхшаб қолади. Шундан сўнг унинг сўзга, тилга муносабати тубдан ўзгаради. Буни инобатга олмаслик таҳлил талқинларда ҳар турли хато ёки нотўғри хулосаларга сабаб бўлиши муқаррардир. Мана, бир характерли мисол.

Адабиётшунос Султонмурод Олимов «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида (1991 йил 7 июнь) босилган «Эл нетиб топқай мениким...» номли мақоласида Алишер Навоийнинг:

Онглаким, сўз ўзга, маъни ўзгадур,
Маъни онгмас шоғил улким сўзгадур, –

байтидаги фикрни Навоийнинг «бутун ижодига дахлдор бир фикр» дея янглиш ҳукм чиқаради ва ёзади: «Демак, шеърда сўз бошқа-ю маъни бошқа, кимки фақат сўз билан машғул бўлса, у маънини англамай қолар экан. Сўзни англадик, маънисига етдик, дейлик. Лекин бу билан ҳам иш битмайди-да...»

Аввало, шуни унутмаслик керакки, шеърда ҳеч қачон сўз бошқа-ю, маъни бошқа бўлмайди. Сўзнинг полифоник табиати бу – бошқа нарса. Агар шеърда сўз бошқа-ю, маъни ўзга

бўлганида улуғ Жалолиддин Румий «Сўз мендан юксак туради, мен сўзга бўйсунаман», демасди. Агар шундай бўлганида Хоразмий «Зоҳиру ботин хабари сўздадур», дея кафолат бермасди. Фақат сўз билан машғул бўлиш – маънони англашга монелик қиладиган бир ишга айланганда Навоийнинг ўзи сўз ва маъни бирлиги ҳақида такрор-такрор гапирмас ва «Ул киши сўз баҳрида ғаввосдур, Ким гуҳари маъни анга хосдур», деб ёзмасди. Мақолада келтирилган байт «Лисон ут-тайр»нинг «Қушларнинг фано хусусидан бақо васлига еткони» деб номланган қисмидан олинган. Ва ўша байтдан олдинги сатрларда бундай дейилади:

Кимки бу маънидин огоҳ ўлди, бил –
Ким кесилди онга сўз айтурға тил.

Бу маъни – фанодан бақога етган солик ҳолатига тегишли маъни. Шоир «Ким кесилди онга сўз айтурға тил», деганда тариқатнинг тўрт муҳим шартларидан бири – тарки қийлу қол ҳолини назарда тутаётир. Бу ҳолатда ориф – сукут соҳиби. Ҳикматнинг боши сукутда деб билганлиги ва шунга амал қила олганлигидан ҳам у офати лисондан тамоман халосдир. Сукут одобига эришиш ва амал қилиш умуман тасаввуфдаги муҳим талаб бўлганлиги учун Румийнинг машҳур «Маснавий»сида бунга махсус боб ажратилган. Бу тўғрида Аҳмад Афлокийнинг «Маноқиб ул-орифин» асарида қимматли маълумотлар мавжуд. Қолаверса, Навоий айни шу масаладан баҳс этганлиги учун ҳам сал кейинроқ «Шарт буким, онглағон шарҳ этмагай. То тилдин бошқа офат етмагай», деган таъкид сўзларини битган. Бундан ташқари, байтдаги маъни ҳам биз ўйлаган «мазмун» ёки «фикр»га айнан тўғри келмайди. Орифнинг муроди фаврий эмас, тадрижий жазба натижасида ҳосил бўлади. «Шу жазба, дейди Муҳаммад Фузулий, инсонни суратдан маънига еткариб, унинг назаридаги хаёлий шакллар ва мавҳум нақшларни орадан суриб, уни ҳақиқий мақомга юксалтиради». Тасаввуф бизда узоқ йиллик танаффусдан сўнг энди эркин ва кенгроқ ўрганилаётган соҳа. Шунинг учун, айрим хатоликлар, мунозарали фикрлар содир бўлиши мумкин. Лекин бунда шеърий матн моҳиятини тўғри ҳамда теран тушунмасдан назарий фикр айтиш, катта умумлашмалар чиқаришдан ниҳоятда эҳтиёт бўлишимиз шартдир.

Маълумки, ҳамма замонларда тасаввуфни динга, динни тасаввуфга қарам қилиш ёки қарама-қарши қўйишга уринишлар бўлган. Орифнинг маслаги айни шундай бирёқламалик ва маҳдудликдан озоддир. Ориф учун тасаввуф дин бўлмаганидек, динсизлик ҳам эмас, балки диндорни ҳам, динсизни ҳам Аллоҳ ишқи ва илоҳий Гўзалликка восил этадиган бир жабҳадир. Дунёдаги барча динларнинг ўз муқаддас китоблари мавжуд, улар ўз масжидлари, черковлари, бутхона ва ибодатхоналарига эга. Тасаввуфда дини, ирқи, мазҳаби, миллатидан қатъи назар, олам халқини бирлиштирадиган ягона ибодатгоҳ бор. Бу – тасаввуфий ҳаётнинг бош манбаи – Дил ва Кўнгил аталмиш Аллоҳ тахтидир. Тасаввуфда Забурга ҳам, Тавротга ҳам, Инжил ва Қуръони каримга ҳам Тавҳид мақомларини англатувчи рамзий маънолар бағишланган. Чунончи: Инжил исмлар тавҳиди, Забур феъллар, Қуръон зот тавҳидига тимсол эрур. Қуръон зот оламидан тажалли топган китоб бўлганлигидан унинг қадри бағоят баланд. Мавлоно Румий бир рубоийсида «Етмиш икки миллат сиррини биздан тингланг. Биз икки юз мазҳаб аҳли ила бир пардада сўзлашадиган найга ўхшаймиз», деса, Юнус Эмро: «Етмиш икки миллатни бир кўз ила кўрмаган, Шарънинг авлиёси эса-да, ҳақиқатда осийдир», дейди. Навоийнинг орифона шеърларидаги мазмун ана шу умуминсоний тушунчаларга ҳамоҳангдир. Шоир лирик қаҳрамонининг «Шайх Санъон киби дин» таркин этиб:

Буту тарсо қошида сажда қилиб,
Куйдуруб мусҳафу боғлаб зуннор,
Яна муғ дайриға кирдим сармаст,
Май тут, эй муғбачаи бодапараст, –

дея сўзлаши оддий эътироф эмасди. Ҳар қандай дин ёки мазҳабда хусусий жиҳатлар мавжудлиги маълум, албатта. Тасаввуф бундай хусусийликларга барҳам берган ва шу эҳтиёж туфайли Шарқ шеъриятини Шайх Санъонга ўхшаш қаҳрамонлар ва бир қанча ўзига хос поэтик образ ҳамда тимсоллар билан бойитган. Тасаввуф шеъриятида, шунингдек, Алишер Навоийнинг юзлаб ғазалларида – «зуннор» хизматга, яъни «қулликка белни маҳкам этмоқ», «куфр» Ҳақ сиррини махфий сақламоқ, «тарсо» дунёдан этак силкиб, илоҳий ишқ баҳрига ғарқ бўлган киши, «бутхона» орифлар мажлиси ва ҳоли аҳадиятдан ҳузурланиш тимсоли эканлигини айтиш кашфиёт бўлмайди. Аммо ўз вақти-замонида бундай тимсолларни шеърда дадил татбиқ этиш ва улар орқали орифнинг ҳар турли фикр-қарашларини тасвирлаш фақат кашфиёт эмас, шижоат ҳам бўлган. Зоҳирий томондан қаралганда, орифлар бутпарастлик байроғини баланд кўтарган, бутга имон келтиришда намуна кўрсатган кишилар. Аслида уларнинг тушунчасида «бут» ишқ ва ваҳдат рамзи. Ахир, ашёлар борлиқнинг зуҳури экан, бут ҳам ўша ашёлардан бири, холос.

«Эй оқил инсон, – дейди Маҳмуд Шабустарий, – яхшилаб ўйла. Тавҳид юзасидан бутнинг ёлғонлиги йўқ. Билгилки, унинг яратувчиси ҳам қодир Худодир. Неки Ҳақдан яралса, у ҳақиқатдир... Агар мусулмонлар бут нималигини англаганларида эди, дин бу – бутпарастлик эканлигини билган бўлурдилар...Ахир, Аллоҳ хоҳиш этмаса, ким ҳам бутнинг юзига чирой бахш этар ва ким бутпараст бўла оларди?»

Албатта, ҳеч ким. Мана шунинг учун Навоий шеърларида тарсопарастлик ва бутпарастлик ғояси изчил ва кенг тарғиб қилинган. Мана шунинг учун Навоий «риёий Каъбадан» «дайри фанони» устун қўйиб:

Риёву Каъбадин дайри фаноға
Кириб гар бутқа зоҳир қилдим имон.
Мени ёзғурма, эй шайхи риёий,
Ки гар кофир эдим, бўлдим мусулмон, –

деган эди. Биз Навоий қитъалари таҳлилига бағишланган бир мақоламизда «Бадиий ижоддаги диний «тажриба» диндорлик тажрибасидан бутунлай фарқланади. Адабиётни диннинг тарғиботчиси деб биладиганлар, албатта, янглишадилар», деганимизда Навоий шеъриятининг айни шу орифона моҳиятига асосланган эдик. Афсуски, дин алломалари буни «динга Оврўпоча қараш», «тасаввуфни дин деб тушуниш»га йўйишди ва танқидни фикрий зўравонлик қуролига айлантиришди.

Инсоният цивилизацияси тараққиётига кучли таъсир кўрсатган таълимотлардан биттаси, ҳеч шубҳасиз, Суқрот яратган Қалб концепцияси ҳисобланади. Бу таълимотдан Суқрот инсоннинг ақидапарастлиги, ўз-ўзидан қаноатланиши ва мағрурликка қарши тўхтовсиз курашида фойдаланган эди. Шарқда бундай вазифани ўз зиммасига олган ва ўзидан-ўзи мамнунлик, мағрурлик ҳамда худпарастликка доимо ботиний қарши яшаган, гоҳо очиқ курашган кишилар дарвешлар ва орифлар бўлган. Уларнинг тушунчасида кибр – инсоннинг ўз жони ва имонига зулм ўтказиши, зулмнинг ҳар қанақа хили эса Ҳақ қаҳрига учрамоқдир. Шу ўринда бир ҳақиқатни алоҳида таъкидлаш лозим кўринади. Жаҳондаги барча динлар ва диндорлар у ёки бу даражада ҳокимият, сиёсат ва султонларга хизмат қилганлар. Дин

ва сиёсат ўртасидаги яқинлик баъзан яхши натижалар берган бўлса, баъзан жуда салбий ишга айланган. Фашизм тарихи билан қизиққан кишиларга аёнки, иккинчи жаҳон урушида Бенито Муссолинининг ғалабаси учун Рим папаси Аллоҳга тиловатлар уюштирган. Гитлер давлат тепасига чиқиб босқинчилик жангларини авж олдиргач, Олмониядаги черковларда унинг заволини тилашганми? Йўқ, бу одамхўр жаллоднинг бутун дунёга ҳоким бўлишини Тангри таолодан қўллаб-қувватлашни сўрашган. Афсуски, шунга яқин қайғули ҳодисалар Шарқда ҳам содир бўлган. Аммо Шарқдаги ҳақиқий ориф ёки дарвеш бирор-бир золим шоҳни шарафламаган, зулмни қувватлаб, мустабид ҳокимларнинг қўғирчоғи бўлмаган. Мана шунинг учун ҳам адолатли шоҳлар ориф зотларни миллатнинг маънавий руҳий таянчи ва пешволари деб билишган, уларга катта эҳтиром кўрсатишган.

Инсоннинг бахтими, бахтсизлигими – буни ҳамма вақт қатъий белгилаш қийин-у, аммо, туйғу, ҳолат, кайфиятлари каби инсон «Мен»лиги ҳам тез ўзгарувчандир. Бунинг сабабларини чуқур мушоҳада қилган бир тасаввуфшунос бундай дейди: «Инсоннинг индивидуал «Мен»га эга бўлмоғи беҳад қийин. Бунинг ўрнига, кўп ҳолларда ўзаро алоқасиз, келиштириб бўлмас, бир-биридан йироқ юзлаб ва минглаб майда «мен»лар мавжуд бўлади. Ҳар бир дақиқа, ҳар бир вазиятда инсон «мен» деб ўйлайди. «Мен» деб сўзлайди. Бироқ ҳар гал бу «Мен» бир-биридан фарқланувчидир… Яъни инсон бу – кўпликдирки, унинг номи легион эрур». Легионичиликнинг ўзбекча ифодаси – оломончилик. Оломончилик эса нафсу тама, шуҳрату хусумат, жаҳолату зўравонликнинг аянч аскарчаси сифатида турланиб, парчаланиб, майда ақидаларга ёпишиб яшаш, руҳоний қиёфасизликка кўникиш, риё ва мунофиқликдан азоб чекмаслик демак. Орифнинг энг буюк фазилати ва ҳамма замонлар учун бир хилда ибратли хислати ана шу оломончиликка тамоман зид равишда инсоний Моҳият бутунлиги ва Маслак мукаммаллигига эриша олганлигидир. Сўз ва иш мувофиқлиги, фикр ва эътиқод бирлиги маъносида орифдан ҳар қанча ўрнак олса, ўшанча кам. Нақл борки, Сирри Сақатий бир кун сабр ҳақида сўзлар экан, чаён унга ниш ура бошлабди. Мусоҳиблари «Ҳай, нега уни ўлдирмайсан?» – дейишса, у «Уялдим, чун сабр ҳақида сўзлаётган эдим», – деган экан. Мана шундай одамлар бўлишган тасаввуф аҳли. Алишер Навоий «Элнинг одоби хушроқ эрур олтундин», дейди. Орифлар хулқ ва одоб олтинга қиёс қилиб бўлмас даражада қимматли ва шарофатли бойлик эканлигини намойиш эта олган Аллоҳпарастлардир.

ТЕРНИНГ СИРИ

Бундан икки йил муқаддам босилган «Бир байт талқини» деб номланган мақоламизда Алишер Навоийнинг машҳур «Қаро кўзум…» ғазалининг байтларидан бири хусусида баҳс юритган эдик. Ўша ғазалнинг мана бу байтига энди диққатни қаратмоқчимиз:

Юзида терни кўриб ўлсам, эй рафиқ, мени,
Гулоб ила юву гул баргидин кафан қилғил.

Ошиқлик нима хаёлларга йўл очмайди дейсиз? Лекин бундай гўзал ва хаёлий бир орзуни шеърга кўчириш ҳамма шоирга ҳам насиб этавермайди. Камдан-кам шоир ўлимни эслаб, ҳаёт ва тириклик қудратига ўқувчини иқрор айлай олади. Эҳтимол, шу учун ҳам «Қаро кўзум…»нинг айрим шарҳларида ушбу байтга кенгроқ тўхталиб «юз», «тер», «гулоб», «гул барги» атрофида турли мулоҳазалар илгари сурилган.

Атоқли шоир Эркин Воҳидов уни шундай талқин қилади: «Мен-ку ёрнинг гул юзидаги гулобдек терни кўриб ўлсам, ўйламангки, бу гул, бу гулобни мен ортиқ кўрмакни истамай-

ман. Билъакс, мени гулоб билан ювинг, гул баргидан кафан қилингки, сўнгги йўлимда ҳам ёр хаёли менга ошно бўлсин». Бу жумлаларда байт мазмуни билан боғланмайдиган ёки маънони сохталаштирадиган сўз йўқ. Аммо ғазал қаҳрамони кўзлаган мақсад ва моҳиятни ёритишда «қўшиб ёзиш» бор. Зеро, ошиқнинг «Мени гулоб билан ювинг, гул баргидан кафан қилинг» деган илтижоси «Сўнгги йўлимда ҳам ёр хаёли менга ошно бўлсин», дегани эмас.

Профессор Н.Комилов «Қаро кўзум...» талқинига бағишланган мақоласини «Ишқни оловлантирган сув» деб номлаган. Ва табиийки, бунда ёр юзидаги тер ила алоқадор ҳаётий ва мажозий ҳақиқатлар эътиборга олинган.

Н.Комилов «тер», «гулоб» истилоҳлари моҳиятига кенгроқ ёндашади. Ҳатто гулоб тайёрлаш хусусида ҳам қизиқарли маълумотлар беради. Унинг дастлабки хулосаси эса мана бундай: «Шоир тасвирига кўра, ёр юзи – гул ва ундаги тер томчилари – гулдан олинган гулоб. Ажиб дилрабо сурат, боз устига ташбеҳланувчи сўзлар яширин равишда, истиора тариқасида келтирилиб, завқли санъат яратилган». Бу шарҳларидан қаноатланмаган олим кетма-кет саволлар қўяди: «Масалан, нима учун ёр юзида терни кўрганда ўлиш керак? Терда яна қандай ҳикмат бўлиши мумкин? Балки унда биз илғамаган бошқа мажозий маънолар бордир?»

Булар ўринли ва табиий саволлардирки, уларга тўғри жавоблар топмасдан байтда яширинган маъно ва туйғуни аниқлаш мумкин эмас.

Н. Комилов «тер» замиридаги ҳикмат ва мажозий ҳақиқатни комил инсонларга хос ҳаё ҳолатига мувофиқлаштиради ва умумий хулоса чиқариб ёзади: «Хулласи калом, еттинчи байт мазмунини бундай изоҳлаш мумкин: «Ёр юзида терни, яъни вафо ва ҳаё аломати – висолга розилик нишонаси ҳамда покиза қалб сафосини кўриб, шу қувонч ҳаяжони ичра жон берсам, эй дўст, мени ёрнинг гул юзидаги тер томчиларидан ҳосил бўлган муборак сув – гулоб билан ювгин-да, ўшал гул юзни эслатувчи гул баргларига ўраб кўмгин...».

Тадқиқотчининг таъкидлашича, «Мазкур байт мазмунида Навоийнинг ҳаётсеварлигини, ҳаёт ошиғи эканини ҳам англаш қийин эмас: гул ва гулоб тириклик рамзи, гулоб билан ювиб ўраш шу маънода кишига абадий ҳаёт бағишлаш, демак».

Бу изоҳларда аниқлик киритиш лозим бўлган айрим жиҳатлар бор: чунки инсон юзидаги «муборак сув», яъни тер сел бўлиб оққанида ҳам ўлган кишини ювиб бўлмайди. «Тер» «гулоб»ни, «гулоб» «тер»ни эслатса-да, айнан «гулоб билан юв», деган гап мантиққа мувофиқроқ. Иккинчидан, агар биз «тер» ва «гул», «гулоб» ёки «ҳаё»нинг мажозий маъносига асосланадиган бўлсак, унда бошқа фикр, бошқа хулосаларни билдиришга тўғри келади.

Филология фанлари доктори Н. Жумахўжага кўра ҳам, мазкур байт «ниҳоятда қизиқарли ва сеҳрли моҳиятга эга». «Сатрлар силсиласидаги сеҳр» номли китобида у ёзади: «Бизнингча, бу байтга (яъни «Қаро кўзум...»нинг еттинчи байтига – И. Ҳ.) шундай маъно бериш мумкин: илгари вақтда гулоб тайёрлаш ва уни истеъмол қилиш одат тусига кирган бўлиб, гулобни турли усуллар билан тайёрлаганлар. Шулардан бири гулни бир идишга қуйиб тагига ўт ёқиб, уни буғлатиб, терлатган ва ўша гул тери томиб-томиб бошқа идишга тушаверган, кейин у гулоб сифатида истеъмол қилинган. Навоий бу ерда маҳбуб юзини гулга ўхшатар экан, унинг хижолатдан ёки уятдан терлаган пайтини гулнинг гулоб олишдаги терлашига ўхшатади. Бу ниҳоятда гўзал манзара бўлганлиги учун, агар ана шундай ҳолда сенинг юзингни кўриб, бунга тоқат қилолмай ўлиб кетсам, гулоб билан ювиб, гул баргидан кафан қилгин, демоқчи».

Бизнингча, Алишер Навоий «тер», «гул» ва «гулоб» ҳақида сўзлаганда на гулоб тайёрлаш «технологияси»ни, на гулни қандайдир бир идишга тиқиб, «тагига ўт ёқиб, уни буғлатиб, терлатишни» ва на пажмурда гулдан томчилаган терни хаёлга ҳам келтирмаган. Бун-

дай ҳодиса Навоийдай ҳаётсевар, тириклик руҳи ва гўзалликларига беҳад содиқ шоирни илҳомлантирмаслигига шубҳаланмаслик лозим. Шу ўринда Навоийнинг қалб ва руҳ оламини чуқур тасаввур этишга яқиндан ёрдам кўрсатадиган бир масалага аниқлик киритиш лозимга ўхшайди.

Имом Ғаззолийга кўра, худди намозга ўхшаб, илоҳий ишқ сир-асрорини ҳам беш ҳис (басира – кўриш, самиа – эшитиш, ломиса – сезиш, шомиа – ҳид билиш, зоиқа – таъм билиш) билан билиб ёки идрок этиб бўлмайди. Бунинг учун олтинчи туйғу зарурдир. «Беш туйғу билан ҳосил бўладиган завқ, дейди Имом Ғаззолий, ҳайвонларга ҳам хосдир ва ҳайвонлар ҳам бу завқлардан бебаҳра эмасдурлар. Беш туйғу ила идрок этишдан беҳад устун бўлган ва кўнгил ила мушоҳада қилинадиган (яъни олтинчи туйғу ила – И. Ҳ.) илоҳий нарсаларнинг завқи жуда чексиз бўлур…»

Бизнингча, Навоий ғазалларининг кўпчилиги, жумладан, «Қаро кўзум…» ҳам олтинчи туйғу маҳсули. Бундай шеърларнинг илоҳий ва ирфоний моҳиятини тўла-тўкис кашф айлаш бугуннинг одами учун беҳад мушкул бўлганидек, мукаммал таҳлил ва талқинларини яратиш ҳам имкондан ташқаридаги бир ишдир. Масалан, «Қаро кўзум…»га доир шарҳ ва талқинларнинг ўзини олайлик. Ғазалнинг ботиний, яъни тасаввуфий мазмуни тўғрисида гапирилгани сайин тахмингўйлик ортиб борган.

«Ушбу байт (таҳлил қилинаётган байт назарда тутилган – И. Ҳ.*)* мазмунини фақат дунёвий маънода тушунадиган бўлсак, дейди Н. Жумахўжа, унинг ботиний маъносидан кўз юмган бўламиз. Чунки бу ғазалда сўфиёна мазмундаги ошиқ-маъшуқ муносабатлари ҳам мужассам. Тажалли таълимотига кўра, маъшуқ (яратувчи)нинг висолига етишиш, у билан бирлашиш ошиқ (яратилмиш) учун чинакам висол (ваҳдати вужуд) олий бахтдир. Хуллас, мазкур байтда дунёвий мазмундаги висол билан Навоий пантеизмидаги висол онлари бир йўла тажассум топган».

Булар ниҳоятда тахминий ва асоси бўш гаплар. Тажалли – кўриниш, зуҳурланиш, ошкор бўлиш, жилваланиш дегани. Тасаввуфда эса ғайбдан келган ва кўнгилда жилваланган нурларга «тажалли» дейилади. Тажаллини зоҳир этувчи ғайблар, тажалли турлари, ҳақиқат ва натижалари тўғрисидаги қарашларда тариқатлар орасида фарқлар бор. Айниқса, ваҳдати вужуд аҳлининг тажаллига муносабатлари бутунлай бошқача. Бундай мураккаб масалалар хусусида сўзланганда, ҳеч бўлмаса, уларнинг моҳияти ва муҳим хусусиятларини тўғри илғаб кейин хулосалар чиқарилгани мақбул.

Бундан ташқари, бизда яқин-яқингача ваҳдати вужуд пантеизмга тенглаштирилиб, аниқроғи, буларнинг ҳар иккаласи бир тушунча сифатида талқин қилиниб келинди. Аслида бу нотўғри фикр бўлган. Чунки қадимги Миср, Ҳинд, айниқса, Юнон файласуфларининг ақида ва тушунчаларини ўзида мужассамлаштирган пантеизм нафсоний ақлнинг маҳсулидир. Тасаввуф эса моҳият эътибори билан нафсга бутунлай қарши. Ваҳдати вужуд тасаввуфнинг фалсафий йўналишини зуҳурлантирган бўлса-да, у нафсга қарши курашни кейинга сурмаган. «Ваҳдати вужуд ва Ибн Арабий» номли қимматли бир тадқиқот муаллифи Исмоил Эртуғрул пантеизмнинг асосчиси Спиноза билан ваҳдати вужуд тарафдорлари қарашлари ўртасидаги фарқлардан баҳс юритиб шундай хулосани баён этади: «Спинозага кўра, Аллоҳ ила олам айни бир нарса бўлганлигидан, агар олам йўқ бўлса, албатта, Аллоҳнинг ҳам йўқолмоғи лозим бўлур. Ҳолбуки мутасаввифлар тушунчасида олам Жаноби Ҳақнинг вужудида зоҳир, бироқ ҳар дам янгиланиш, ўзгариш, эврилишга маҳкум бир қанча фоний ва йўқ бўлувчи сувратлардан иборат эрур.

Булар унинг асмо ва сифатларининг мазҳарлари бўлса-да, Аллоҳ зот эътибори ила улардан мустағнийдир. Олам йўқолса, у зоти сифати ила яна боқий бўлур».

Алишер Навоий ғазалиётида неча ўнлаб шеърий тимсоллар қатори «гул», «гулоб», «тер» ҳам турли маъноларда татбиқ этилган.

Масалан, шоир баъзи ғазалларида «гул»га боқий гўзаллик, маъшуқа рамзи сифатида мурожаат этса, айрим ўринларда ундан илоҳий маърифатга ошнолик, ирфон завқига эришиш маъносида фойдаланади. Шунга яқин гапни «тер» ҳақида ҳам айтиш мумкин. Мана бу тасвирларга эътибор беринг:

Ҳар ён ул юзда тер оқиздингму,
Ё оқар меҳр чашмасидин су.
Қолди холинг тер остида ёхуд,
Дамин асрар сувга чўмиб ҳинду.

Бундай сатрлар киши хаёлини шу даражада сеҳрлайдики, уларда ботиний бир маъно борлигини ҳатто ўйлаб ҳам кўргинг келмайди. Лекин зарурат ва эҳтиёж туғилганда ўйлаш керак. Акс ҳолда мутафаккир шоиримизнинг:

Ерга сочқан тер фано даштида солик жабҳаси,
Гавҳари мақсудидин ҳар дам нисоредур яна, –

каби байтларининг мазмун-моҳиятини тўғри англаш ҳам, шарҳлаш ҳам мумкин эмас.

Хўш, ушбу байтдаги «тер»дан муддао нима? Нечун уни соликнинг мақсад гавҳари нишонаси ўлароқ қабул этиш керак? Бу саволларга ишонарли жавоб қайтармоқ учун бир қадар олдинга, яъни тер «тарихи»га назар ташлаш лозим бўлади.

«Муҳаммад алайҳиссаломнинг мўъжизалари» китобида ўқиймиз: «Ўн иккинчи мўъжиза: Муборак пешоналари эрдики, андин терлари томғон эрди, дарҳол ул тикан гул бўлди. Онҳазрат саллаллоҳи алайҳи васалламнинг терларини асҳоб юзларига суртор эдилар, токи хушбўй бўлғайлар». Ҳазрати пайғамбар ҳаётлари, шахсият ва фазилатлари билан ниҳоятда чуқур қизиққан Навоий бу мўъжизадан, албатта, хабардор бўлган. Ёр юзида терни кўриш ва унинг мўъжизавий қудратига ишончнинг туб асоси – мана шу. Бу – бир жиҳат. Масаланинг сарвари коинот Муҳаммад Мустафога тегишли бошқа томони ҳам бор.

Имом Ғаззолий «Иҳёи улум ид дин»нинг ўнинчи китобида Расули акрамнинг ўлим ҳолатларини баён этиб, бунинг бевосита гувоҳи бўлган ҳазрати Ойшанинг шундай сўзларини келтиради: «...Ўшанда ҳеч ким сас чиқаражак аҳволда эмасди. Ўрнимдан турдим ва бориб Расули акрамнинг бошларини бағримга олдим, сўнг кўкракларига қўлимни қўйдим. Шу фурсатда қисқа бир ҳиқичоқ тутди. Кейин юзларидан инжу донаси каби терлар тома бошлади. Терни артдим Бундай гўзал ва хушбўй бир ҳид бўлганлигини тасаввур қилиш мумкин эмасди. Ҳушларига келгач:

Онам, отам Сизга фидо бўлсин, бу терлар не эди? – дедим. Расули акрам дедилар:

Мўминнинг жони тер ила, кофирники эса ҳайвоннинг жони каби оғиз ва бурун тешикларидан чиқар...».

Демак, «тер» бир рамздурки, у орқали маънавий-руҳий моҳият илгари сурилган. Навоий байтида эса комиллик ҳоли ва жозибасига ишорат этилган бўлиб, Ҳазрати Муҳаммад алайҳиссалом ҳақидаги юқорида келтирилган маълумотлар ҳам инобатга олинганлиги эҳтимолдан йироқ эмас.

ТЕРАНЛИК САДОСИ

Шеърият тарихи, энг аввало, Гўзаллик ва Руҳоният тарихи. Шеърият тарихи бу – ирфон ва ҳақиқат, диёнат ва эзгулик тарихи. Шеъриятга ошнолик – инсонга хос барча яхши ва ёмон, нурли ва нурсиз ҳолат ва кайфиятлардан огоҳлик демак. Шеърият инсонни ўзининг кўнгли, хотироти ва маънавий фаолияти учун масъул бўлишга ўргатадиган беқиёс муаллим ва мураббийдир. Ана шу ҳақиқатларни теран англаган ва уларнинг истиқболи учун истеъдоди ва меҳнатини аямаган шоирнинг номи ҳам, асарлари ҳам барҳаёт бўлади. Алишер Навоий бобомиз худди шундай шоирларнинг султонидир.

Ҳазрат бир ўринда:

Олам элидин кимга муқаррар бўлди,
Бу мартабаким, манга муяссар бўлди, –

демишлар.

Дарҳақиқат, Навоий эришган руҳий ва ижодий мартаба, Навоий юксалган санъаткорлик мақоми бармоқ билан санарли даҳоларга насиб айлаган. Шунинг учун ҳам Навоий халқимизнинг энг эъзозли, энг ишончли ва энг севимли шоири бўлиб келган. Тўғри, Навоийнинг санъат оламига кириш, турли шакллардаги асарларининг туб моҳиятига етиб, ақл ва кўнгилни улардан баҳраманд этиш осон эмас. Аммо, биз ҳар қандай сусткашлик ва қийинчиликни енгиб, шу ишни севимли машғулотга айлантирмоғимиз шарт.

Етти ёшдан етмиш ёшгача ҳар бир ўзбек билиши керакки, Навоийнинг бетимсол шахсиятини севмасдан, Навоийнинг муҳташам ижодиётини етарли даражада ўрганмасдан, буюк шоир шеъриятини дунёга танитган порлоқ ҳақиқатларга таянмасдан миллат сифатида биз олий мақомларга кўтарила олмаймиз. Навоийни англаш бизнинг учун маънавий, ахлоқий, фикрий асос ва руҳоний истиқбол масаласидир. Ёшларимиз Навоий адабий меросига кўз нурларини нечоғлик кўп сарфласа, кўнгил кўзлари шунчалик равшанлашади.

Навоий шеърияти – яхши кунда ҳам, оғир кунда ҳам инсон қалбини суяйдиган, ҳар қандай ҳолатда ҳам кишига йўл кўрсатадиган шеърият. Навоийга ворис бўлган, унинг жонбахш сўзларидан илҳомланган халқ фикран қолоқлик, руҳан саёзликка ён бермоғи мумкин эмас. Шарқдаги ориф шоирларнинг эътирофларига кўра, агар ишқ бўлмасайди, инсондаги барча гўзал фазилатлар яширин қолар ва ошкор бўлмасди. Ишқ нафсни зоҳид айлайди. Шу боис руҳ самога юксалади. Самовий ҳислар эса инсон фарзандини малакка яқинлаштиради. Мана шунинг учун Навоий ишқни барча нафис ва ҳаётбахш туйғуларнинг сарбони ўлароқ мадҳ этиб, ижодиётида ишқ ва муҳаббат илҳомига асосланган.

Нодонлик, жаҳолат, зулм, зўравонлик ва ақидапарастликни Навоий сўз ва фикр қуввати билан яксон қилади. Чунки Навоий дунёқарашида ишқ ва адолат ажралмас тушунчалардир. Умуман, жаҳондаги кўп улуғ ижодкорларнинг фикр-қарашлари ёки орзу ва умидлари адолат тушунчаси атрофида бирлашади. Навоий адолатни «олтун тарозу» мутлақо дахлсиз бош қонун деб таърифлайди ва адолат жомини шу қадар шавқ билан улуғлайдики,

Адл аёғини тутки, бўлиб шод ичай,
Одил давронни қилиб ёд ичай, –

сатрларини ўқиган зукко шеърхон дил-дилдан одил даврон шодликларига беихтиёр ташналик сезади. Бу ҳам табиий, албатта. Инсон фарзандининг адолатга чанқоқлиги ва

садоқатида илоҳий мазмун яширинган. Ахир, Аллоҳнинг асмои ҳусна – гўзал исмларидан бири ҳам ал-Адл эрур. Модомики, Аллоҳ таоло кўп адолатли бўлиб зулм ва золимликни кечирмас экан, демак, бирор кори ҳолда бандасига адолатдан чекиниш ҳуқуқи йўқдир. Навоий адолат ғоясини ахлоқий, маънавий, сиёсий ва фалсафий жиҳатлардан бадиий талқин қилганда масаланинг ана шу моҳиятига алоҳида аҳамият берган эди. Навоий кўп асарларида, хусусан, «Садди Искандарий» достонида адолатли давр ва муҳитда инсоннинг инсонлик шарафи нечоғлик юқори кўтарилиши, одамлар онгида маҳдудлик, кўнглида қўрқоқлик офати жой топмаслиги ғоятда ишонарли ва таъсирли оҳангларда тасвирлаб берилган. Искандар, адолат қўлини баланд кўтаргач, ҳатто бозор ишларида ҳам мутлақ тўғрилик жорий этилиб, охир-оқибатда кийик ҳам арслондан қўрқмай осойиш яшаши ҳақида шоир:

Адолат қўлин тутди андоқ баланд
Ки, тобти омон арслондин кийик, –

дейди. Албатта, мутафаккир шоирнинг тенглик ва адолатга доир фикр ва истаклари ҳаётга нисбатан кўпроқ хаёлотдан туғилган. Аммо адолат ва шафқат устуворлик қилган жамиятда ҳақсизлик мазлумнинг бағрига найза санчмаслиги ва ошига оғу қўша билмаслиги аниқдир. Адолат қуруқ гапга айланиб қолмаслиги учун эса «ҳақни ботилдан» фарқлашни уддалай олиш лозим:

Ҳақни ботилдан бировким қилди фарқ,
Адли бирла равшан этти ғарбу шарқ.

Буни ҳаммадан талаб қилиш мумкин эмас, албатта. Баъзан «ҳозирги даврларда ёлғон, алдов, шафқатсизлик кучайиб кетди. Одамлар бир-бирини аёвсиз алдайди, имкони етгуни қадар бири бирига панд беради», деган нолиш ва эътирозларни эшитишга тўғри келади. Бинобарин, бундай эътироз ва нолишларда жон бор.

Биз Навоий ижодиётини чуқур билмаймиз. Чунки Навоий шахсияти билан етарли тарзда қизиқмаймиз. Тан олиш керак, Навоийнинг қалби билан мулоқотга киришиш, улуғ шоирнинг дард ва армонга тўлиғ Кўнгил ҳолларини идрок этишга жиддий ҳаракат қилмаймиз. Шунинг учун Навоийдай буюк зотнинг ўзи ҳақида:

Фосиқ мену кофири ниҳони,
Каъба сафари эрур манга ҳайф.
Ўзни буки яхши кўргузурмен,
Биллаҳки, менга калисо ҳайф, –

деган муросасиз фикр ва эътирофлари бизга тушуниксиз бўлиб қолаверади. Ҳолбуки, инсон нафсга қарши кураш бошламасдан «ўзни яхши кўргазмак» иштиёқидан кеча олмаганидек, комилликнинг машаққатли йўлига юз буришнинг бош талабларини ҳам аниқ белгилашнинг уддасидан чиқолмайди. Навоийнинг сўзлари дардли. Бироқ бу дард ҳар қандай кўнгил оғриғига шифодир. Акс ҳолда у:

Жаҳон ичра ҳамдард кам бўлса тонг йўқ
Ки, бедард кўп, лек дард аҳли камдир, –

демаган бўлурди. Демак, Навоий кўнглининг бир «очқич»и ёруғ ва ҳассос дард эрур. Тўғри, Навоийга бир ҳамдардлик нигоҳи билан инсон қисматини ва дунё ҳақиқатларини мушоҳада қилиш ҳаммага ҳам насиб бўлавермайди. Лекин, шунга интилишнинг ўзиёқ ҳар бир шеърхон сийратида ижобий эврилиш ҳосил қилиши шубҳасиздир.

Тасаввуф дейилганда бугун ҳар ким ўз савияси, билими ва нуқтаи назари мезонида фикрлайди. Бироқ бу фикр ва мулоҳазаларнинг аксариятида умумий бир ўхшашлик бор. Ушбу ўхшашлик эса илмнинг тасаввуфдаги мавқеи ва тасаввуфнинг илм-фан тараққиётидаги хизматларини тўла инобатга олмасликдир.

Маълумки, дин ва шариат аҳли орасида фалсафани инкор этиб, файласуфларни кофирликда айблаганлар кўп бўлган. Бундай жоҳилларнинг овози бугун ҳам эшитилиб турибди. Уларга нима дейиш керак? Навоий эъзозлаган улуғ Шайх Муҳиддин ибн Арабийнинг, «Файласуфларни динсизликда айбламанг... Ҳар айб соҳиби фалсафани севар. Фалсафа илмсизлик ва зулматни қувар», деган ҳикматли фикрларини эслатиш зарур. Алишер Навоий ана шундай ирфоний кенглик ва эркинлик учун ҳам тасаввуфни севган, тасаввуфий ахлоқни – гўзал ахлоқ деб тан олган, тасаввуф аҳлининг нафс ва шайтон васвасаларидан холи, ишқ нуридан мунаввар осуда ва камтарона ҳаётларини бошқаларга ибрат этиб кўрсатган.

Хуллас, Алишер Навоий шеъриятининг таркибида гўё ҳамма нарса илоҳийлашган, олий ва такрорланмас сифатини топган. Эҳтимол, шунинг учун ҳам улуғ санъаткорнинг ҳар бир мисраси, ҳар бир сўзидан теранлик садоси янграб турибди. Бу – абадий САДО эрур.

ОҚИЛЛИК ВА ҒОФИЛЛИК

Алишер Навоийнинг «Назм ул-жавоҳир» асари рубоийлар мажмуасидан иборат. Муаллифнинг эътирофига кўра, ундаги шеърларнинг «ҳар нуктасида бир тарона» нақш этилиб, «анинг зимнида» маъно гавҳарлари яширингандир. Хўш, булар қандай тароналар? Биз бу асарнинг қайси томонларига эътибор қилиб, маъно дурларидан қайсиларига аҳамият бера олмадик? «Назм ул-жавоҳир»га оид илмий ишларда, асосан ахлоқий-дидактик қарашлар аксини топган тўртликлар тўғрисида мулоҳаза юритилган. Айрим тадқиқотларда ундаги ҳикматларнинг аксарияти «диний-тасаввуфий мафкура билан» мустаҳкам боғлиқлиги тилга олинса-да, улар таҳлил қилинмаган. Шундай камчилик бизнинг «Ўзбек адабиётида рубоий» (1981) китобимизга ҳам хосдир.

Хондамир «Макорим ул-ахлоқ»да «Назм ул-жавоҳир»ни таржима асар деб айтади. Бу ҳақда Навоийнинг ўзи ёзади: «Ҳазрат Алининг «Наср ул-лаолий»сини ва унинг форсий назмга солинган нусхасини ўқиганим сари менда ана шу асарни туркий тил била ораста қилсам, ...то андин турк улусига ҳам ҳаззи шофи ва баҳраи вофи муяссар бўлғай...». Шунингдек, муқаддимада «бурунғи мутаржим назм этганидек, ҳар нуктани бир рубоий била адо» қилингани ҳам гапирилган.

Аҳмад Яссавий «айтғон сўзи раҳмоний» Ҳазрат Али тўғрисида бундай дейди:

Ҳиммат нури дилида, мавлом ёди тилида,
Зулфиқори илгида шери худо Алидур...

Душманларга муқобил, бўлди кофирга қотил,
Қилғон ботилни зойил шери худо Алидур.

Раҳмат қилғай биру бор, ҳар не қилса эрки бор,
Хожа Аҳмадга мададкор шери худо Алидур.

Ҳазрати Алининг тасаввуф аҳли орасида нуфузи зўр бўлган. Илоҳий ишқ шайдоларининг кўпчилиги уни «шери худо» ҳисоблаб, ўзларига мададкор билганлар. А.Кримскийнинг таъкидлашича, сўфийлар Ҳазрат Алининг ваҳдат вужуд руҳидаги ҳадис ва шеърларини ўқиб, уларнинг мажозий талқинлари билан изчил шуғулланганлар.

«Назм ул-жавоҳир» Султон Ҳусайн Бойқарога бағишлаб ёзилган.

Хўш, Навоий шоҳга жавобан асар яратмоқ учун нега айнан «Наср ул-лаолий» таржимасини танлаган? Содиқлик, донолик, жасурлик, диний камолотда донг таратган ҳазрат Алининг асари бўлганлиги учунми? Ёки «шери худо» шоҳимизга мададкор бўлсин деган ички бир мақсад кўзда тутилганми? Лекин бунда бошқа бир ниятни ҳам мушоҳада қилиш зарургa ўхшайди.

Маълумки, Алишер Навоий дарвешнинг тахтга чиқишини эмас, шоҳнинг дарвеш бўлмоғини орзу қилган. Унинг идеалида: «Шоҳ агар дарвешваш эса, шаҳдур, Шоҳу дарвеш ишидин огоҳдур». Шоир ғазалида Ҳусайн Бойқаро шундай шоҳ сифатида таърифланади:

Шоҳға шаҳлиғ мусалламдур, агар бўлғай мудом
Шоҳлиғ таркин қилиб, дарвеш ўлур ният анга.

Мумкин эрмас шаҳлар ичра бўйла ниятлиғ, магар
Шоҳи Ғозийким, муяссар бўлди бу давлат анга.

Шоҳлар дарвешию дарвешлар шоҳики, бор
Шоҳлиғ сурат анга, дарвешлик сийрат анга.

«Наср ул-лаолий»дан олиниб рубоий шаклида ифодаланган ғояларнинг аксарияти ичдан покланиш, сийратда дарвешлик ҳиссиётларини тарбиялашга хизмат қилган. Бу – масаланинг бир жиҳати. Унинг иккинчи муҳим томони ҳам бор. Бу – Алишер Навоийнинг «Қуръон»га муносабати. Алишер Навоий «Қуръон» ва унинг тафсирларини мутолаа қилишдан вақтини аямаган. «Наср ул-лаолий»ни назмга солиш Навоийга «Қуръон» ва тафсирлар мутолаасидан туғилган таассуротларни ифодалашда қулай имкон ҳамда восита эди. Шунинг учун муаллиф «Назм ул-жавоҳир»ни таржима асар деб характерлаган бўлса-да, уни камида эркин таржима деб қабул қилиш лозим. Чунки ундаги кўп рубоийда Навоийнинг умумшеъриятига хос фалсафийлик, донишмандлик, теранлик, сўз ва тасвирда моҳирлик каби фазилатлар зоҳирдир. Навоий, кимга нисбат берилишидан қатъи назар, сўзнинг аълосидан адноси, яъни тубан ва саёзини жуда нозик фарқлаб, «фойдасиз хас ва хашаки» сўзлар билан келишувчиларни қўллаб-қувватламаган. Демоқчимизки, Ҳазрати Али ҳадис ва ҳикматларига таяниб рубоийлар битиш оддий ижодий ҳодиса эмасди.

Буюк даҳолар, алломалар барча асрларда ҳам башарият қайғуларига малҳам сўзни ахтарганлар. Шоҳу гадонинг онг ва юрак хасталикларини баб-баробар тузатадиган жонбахш сўзлар, афсуски, ғоятда сийрак яратилган. Навоийнинг бу тўғрида ўйламаслиги мумкин эмасди. Мана, шу йўналишдаги бир фикр:

Олам эли ичра гар гадо, гар шаҳ эрур,
Не дардки, ул кўнгли аро ҳамраҳ эрур.

«Қуръон»ни тиловат этсун гар огоҳ эрур,
Эл кўнглига чун даво каломуллоҳ эрур.

Эл кўнглига каломуллоҳ даво бўлмоғига Навоий шубҳаланмаган. Бу ерда бир нарсани аниқ фарқлаш керак. Шоир «Қуръон» тиловатини кимга тавсия қилаётир? Огоҳ одамга: «Қуръон»ни тиловат этсун гар огоҳ эрур». Ақлий, ахлоқий, руҳий огоҳлик эса кўр-кўрона тақводорликка зиддир. Навоий ўзлигини англамаганларни кўз олдига келтириб:

«Қуръон»ни эрур муждаи жонни ўқумоқ,
Йўқ, йўққи, ҳаёти жовидоний ўқумоқ.

Бил, кўнгулга истасанг шифони ўқумоқ,
Ким, келди кўнгул шифоси они ўқумоқ, –

деб бежиз мисралар тузмаган. Албатта, ушбу фикрлар ҳар бир комил мусулмоннинг кўнглига таъсир ўтказган.

«Ҳақни туйган кишилар Ҳақ ила тўқ», дейди Юнус Эмро. «Ҳақ ила тўқ» зотлар учун «Жаҳона Ҳақ тўлиғдир...». Навоий ҳам «туну кун кўнгил муроди Ҳақ» бўлган ишқ эли тўғрисида:

Юз ҳар сориким, кетурса ҳоди ҳақдур,
Хуш вақти анингки, эътимоди ҳақдур, –

деган. Худди шундай кишилар «Дунё сори ҳирс ҳар ямондин ортиқ» деб билишган. Худди шундай зотлар «Хуштурур бу жаҳонда бенишонлиқ кишига, Фақр аҳли йўлида нотавонлиқ кишига», дея фақру фанолик йўлига чорлаб, одамларга донолик «тўн»ларини таклиф этишган: «Кий хирқаи фақру, хотирингни тиндур».

Жаҳл аҳли била кимгаки улфат бўлғай,
Ул улфат юз минг офат бўлғай.

Жаҳл аҳли сафига қўшилиб «юз минг офат»га йўлиқмасликнинг битта зарур чораси – «фақр аҳли била» суҳбат тузмоқдир. Чунки бу суҳбатларда камолот сари юксалишнинг шарт ва машаққатлари мушоҳада қилиниб, дунё зиндонидан Руҳни озод айлаш сирлари очилади.

Одам фарзанди устим бут, қорним тўқ бўлсин деб, тиниб-тинчимайди. Бу табиий эҳтиёж. Бироқ айни пайтда нотабиий эҳтиёж ҳамдир. Тўқликка ўчликдан ҳорислик, қаноатсизлик томир ёзади. Шукр неъматидан маҳрум, тамагир кимсага «Кўнглунгни арит борча ямон хислатдин», демоқ бефойда. Унга «Тўқлуқ чу кўнгулни қатиқ айлар, оч ўл», дейиш керак. Фақр аҳли дунёқарашида «очлик» мана бундай моҳиятга ҳам эга:

Гар кисса аро тўла жаҳон моли эса,
Хушроқ андин агар кўнгил холи эса.

Жаҳон молидан холи кўнгил «ҳирс офатини нафс ҳавоси» билиб, дунёга дунёни сотиб яшамайди.

«Сўфийлар демишларки, дейди Муҳаммад Фузулий, шайтон инсон табиатидан иборат бўлиб, шаҳватларга мойиллик кўрсатур. Агар инсонни нафс тобе этса, тўғри йўллардан

озур, агар уни ўзига у бўйсундирса, бутун таҳликалардан қутилур». «Назм ул-жавоҳир»да шу масала ҳам талқин этилган. Шоирнинг қатъий тавсиясига кўра, «шайтон йўлидин» чекининш учун Ҳаққа юз буриш зарур:

Шайтон йўлидин айла ҳазимат зинҳор,
Қилғил раҳмон сори азимат зинҳор.

Шайтонни енгиш – шижоат ва тўғрилик ғалабаси. Бироқ айни шу шижоат қўрқувга ҳам эрк беради. Бу – Худо олдидаги қўрқув. Илоҳий қудрат қаршисида ҳамма нарса кучсиз ва таслимдир. Ҳақдан чўчишни худосизлар жаҳолат ҳисоблашади. Тўғри, «олам фисқ»ларидан бехабар омий тақводорларнинг Тангридан қўрқишлари гумроҳлик. Абдураҳмон Жомий:

Тарсгарй зи Худо оқилй аст,
Лекин аз ғайри Худо ғофилй аст, –

дейди. Яъни: Худодан қўрқиш оқилликдур. Лекин Худодан бошқасидан қўрқиш ғофиллик эрур. Тасаввуф Аллоҳдан бошқа ҳеч ким ва ҳеч нимадан қўрқмасликка чорлар экан, оқилликни ёқлайди, орифликни кўзлайди.

Ҳар бир одамнинг ичида таҳлика «майдон»и, қўрқув «саҳро»си бўлади. Бу «майдон» ва «саҳро»даги қўрқувларнинг илоҳдан қўрқувга алоқаси йўқ. Буни аниқ билиш керак. Жоҳилнинг Тангридан чўчишидан не самара, у ўз жаҳолатидан қўрқсин, шуни тушунсин. Нодон ўлгунча ҳам Ҳақ қаҳрини идрок этолмайди. У ўз ваҳшийлигидан ҳазар этсин. Ёлғончи – Худонинг душмани дейилади. Лекин у алдов ва риё илдизини бағридан суғуриб ташламас экан, наинки Худонинг, элу юртнинг ҳам ғаними бўлиб қолаверади. Шунинг учун Алишер Навоий:

Ҳақ ваҳмидин улки йиғламоқ фан қилғай,
Ул ашк анинг кўзини равшан қилғай, –

деганида изтироб нури дилни равшанлаштиришини назарда тутган эди.

Ёдингға ўлум кирмаги мотам санга бас,
Ўлмакни яқин айламагинг ғам санга бас.

Ўлимни ёддан чиқарма. Уни эсласанг умри равонинг қайга шошаётганлигини ўйлаб маҳзунлашасан. Бу сатрларда инсон қалбини мурод йўлига олиб чиқадиган Ғам назарга олинган. Навоий ғазалларидан бирининг матлаъини ўқиймиз:

Эй кўнгул, келким бало базмида жоми ғам тутай,
Ўз қатиқ ҳолимға ўлмастин бурун мотам тутай.

«Бало базми» нима? Ғам жоми-чи? «Ўлмастин бурун мотам тутай» дейилганда қандай ҳолат кўзда тутилган? Рубоий байти билан ғазал матлаъини мантиқан қиёсланг. Маъноси сизга унча маълум бўлмаган истиоравий иборалар мазмун касб этади. «Бало базми» бу «ёдингға ўлум кирмаги», ўлмасдин бурун мотам тутиш – ўлмакни яқин кўриш, жоми ғам –

тушкунлик ва бадбинликка берилмасдан нурли хаёлларни собит этиб, «Ғамдин дурур ўзни шод топмоқ», дея умр ўтказишдир дейсиз.

Тирик инсонда ўлим тажрибаси йўқ. Бундай «тажриба»ни фақат тасаввур қилиш мумкин. Лекин тасаввур – реаллик эмас, ўйланган, хаёлда яралган нарса бўлади. Ўзгаларнинг ўлим «тажриба»си тирик киши учун бамисоли сароб, ўлим ҳодисасининг на илоҳий сирларини оча олади, на уларга ишонтира олади. «Ғафлат майининг ҳамиша дилтанги» бўлиб қолмаслик учун тасаввуф бу «жумбоқ»ни фано сайри воситасида ҳал этишга ўргатади. «Хуш вақти фано базми борғонинг» мисрали рубоий шу тўғрида.

Диннинг шакли бор ва руҳи бор. Диннинг шакли асосан ахлоқ ва ақл тарбиясига хизмат қилади. Диннинг руҳи эса илоҳий гўзаллик ҳамда озодликка чорлайди. Инсон учун бу Руҳ чинакам ҳурлик нажоти. Борлиқ – оламнинг кўрки, абадият, меҳр-шафқат сирлари ана шу Руҳ орқали очилади. Бу руҳ ҳеч қачон ва ҳеч қандай вазиятда ёмонликни ёқламайди, бағритошликка йўлламайди, ўзгаларнинг кулфат ёки бахтсизликларига бефарқ қарашга ўргатмайди.

Бизда ҳануз бадиий ижоднинг диний моҳиятига ёхуд диннинг бадиий ижоддаги ролига мутлақо эътибор берилмаган. Ҳолбуки, бу масала бир неча ўн йиллармас, бир неча асрларга дахлдор. Дин на санъат, на адабиёт, на фалсафа – буларнинг ҳеч қайсисига муҳтож бўлмаган. Лекин том маънодаги адабиёт, санъат, фалсафа диннинг руҳига ҳамиша эҳтиёжманд бўлган. Бадиий ижоддаги диний «тажриба» диндорлик тажрибасидан бутунлай фарқланади. Масалан, Алишер Навоийнинг кўпгина ахлоқий, ижтимоий, маънавий қарашлари ислом таълимоти билан чуқур боғлиқ. Лекин шунга қарамасдан, Навоийнинг ижод тажрибаларини фақат диний мезонда баҳолаш, ёки уни диний ақидаларнинг тарғиботчиси сифатидагина улуғлаш асло мумкин эмас. Чунки, Навоийнинг илҳоми ҳам, санъаткорлик меҳнатлари ҳам диний тушунчалар доирасига сиғмайди. Тоат-ибодатга берилмоқ учун на истеъдод, на ижодкорлик зарур, комил мусулмонлик бўлса – бас. Диндор нимани яратади? Аввало ўзини. Унинг энг мукаммал «асар»и – ўзи. У шу ишни тоза эътиқод билан уддалай олмаса, ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам ижобий таъсир ўтказа олмайди. Ижодкор-чи? У ўзини комиллаштириш баробарида дунё учун ўлмас асарлар яратади. Ижодда ҳам ўзига хос диний йўл мавжуд. Бунда илоҳийлик, руҳонийлик самовий ва қудратлидир. Сўз сеҳрини теран идрок қилган ҳар бир улуғ ёзувчи ва шоир ўзича «диндор». Алишер Навоийнинг «Назм ул-жавоҳир»даги динга доир фикрлари устида мулоҳаза юритганда масаланинг ана шу жиҳатларини ҳам, албатта, инобатга олмоқ шартдир.

«АЙЛА БАСИРАТ КЎЗИ БИРЛА НАЗАР...»

Шарқ ва Ғарб халқларининг дини, дунёқараши, ишонч-эътиқоди бир-биридан қанчалик фарқланса, эстетик идроки ва шеърияти ҳам тахминан худди шундай фарқланишга эга. Ҳатто, камчилик ва нуқсонларда ҳам бу фарқланиш ўзини кўрсатади. «Россиянинг қуллиги қисман шундаки, деган эди Александр Герцен, у шеъриятни моддий қувватдан ахтаради ва яратади...»

Бош ва етакчи асос ўлароқ моддий куч-қувватга суяниш эса маънавий-руҳоний ҳаёт завқини, кам деганда, четга суради. Шарқ шеъриятига кучли қизиқиш пайдо қилган улуғ немис шоири Гёте 1831 йили рус адибларидан бирига «Сиёсат ҳамда реализм адабиёт ва санъатдаги гўзалликни сўндирди», дейиши ҳам бежиз эмас эди.

Ғарбда маълум бир муддат мобайнида эстетик туйғу – ёрдамчи туйғу, аниқроғи, эстетика ахлоқнинг чўриси ёки кичик бир синглиси деган нуқтаи назар ҳукмронлик қилган.

Албатта, Россияда ҳам аҳвол кейинчалик ўзгарган. Шунинг учун Н.В. Гоголнинг ҳеч иккиланмай, «Пушкин фавқулодда ҳодиса, эҳтимолки, рус руҳининг ягона ҳодисасидир…», деган фикрини Ф. Достоевский каби адиблар ҳам қўллаб-қувватлашган.

Шу нуқтаи назардан Шарқ шеъриятига қарасак, ҳар бир улкан шоир ижодини руҳоний ҳодиса сифатида таъриф-тавсиф этиш мумкин. Лекин буни ҳамма вақт ҳам ҳаёт билан мустаҳкам боғланган, журъат ила воқелик муаммолари ёритилган ва реал инсон қисматидан озиқланган ғоявий-эстетик ҳодиса деб бўлмайди. Шарқ шеъриятида илоҳий ишқ ғояси ҳамма замонларда ва ҳамма шоир ижодиётида ўзини оқлай олган, дейиш тўғри эмас. Самовий майл ва хаёлларга ортиқ даражада берилиш, айрим ҳолат, кайфият ва тушунчалар ифодасидаги «қолиплашув» бу шеъриятнинг оёғи заминдан узилгандай таассурот туғдиришига сабаб бўлган. Айнан шу хусусда холис ва ҳаққоний фикр юритиладиган бўлса, тасаввуф маслаги, тасаввуф мавзулари бадиий ижод равнақига фақат фойда эмас, балки зиён етказганлигини ҳам тан олишга тўғри келади.

Шу ўринда эътиборли бир фактни эслатиш жоиз кўринади. Маълумки, буюк рус адиби Л.Н. Толстой бир неча дин, жумладан, ислом таълимоти билан қизиққан. У тасаввуфдан ҳам анча яхши хабардор эди. Толстой рисолаларидан бирида илоҳий ишқдан сўз очиб, инсоннинг барча бахтсизлик, кулфат ва мусибатларига шу ишқ барҳам бера олади, деган қарашни илгари суради. Шунда С.И. Мунтьянов исмли бир фуқародан адиб мана бундай сўзлар битилган мактуб олади: «Мен сизнинг фикр-мулоҳазаларингизга қўшила олмайман. Сиз фақат ишқ билан яхши ҳаётга, саодатга етишмоқ мумкин, деб ёзасиз. Йўқ, Лев Николаевич, ҳақиқий ишқ ҳақида қачон гапириш мумкин, қачонки, яхши тарбия кўрилса, қачонки, тўқчилик-тўкинчлик бўлса. Бутун умринг гумроҳлик ва қашшоқликда кечса, қонхўрлар, ҳукмронлар сенга қул деб қарашса, бундай аҳволда ишққа ҳеч эҳтиёж йўқдир».

Асрлар мобайнида бизнинг оддий одамларимизда худди шундай муносабат, холис эътироз ва қатъият етишмаган. Чунки юрт ва миллат дардидан йироқ ижодкорларнинг илоҳий ишқ баҳсидаги якранг, турғун фикрлари ва тахайюл мавҳумоти омма онгига оғули таъсирини ўтказган. Мана шу ахлоқий-маънавий буҳрон басират ва басират идрокига доир қарашларга алоҳида эътиборни юзага келтирган.

Басират сўзининг луғавий маъноси кўнгил кўзи, ичдан кўриш, фавқулодда сезгирлик салоҳияти демакдир. Агар фақат шундай шарҳ ва изоҳларга таяниб, айтайлик, Алишер Навоийнинг «Муншаот» асаридаги «…кўзларин басират шамъи ёритғонлар дунё сори кўз солмайдурлар ва кўнгулларин ҳидоят зилоли оритғонлар олам меҳрини зарраи кўнгилга олмайдурлар», деган фикрлари талқин қилинадиган бўлса, тўрт-беш жумла умумий ва тахминий мулоҳазадан нарига ўтиб бўлмайди. Ваҳолонки, Навоий биргина басират калимаси билан комиллик матлаби учун шарт ва зарур саналган ҳам назарий, ҳам амалий ҳақиқатларни ифодалаган.

Шарқ шоирларидан бири:

Басират аҳли нишон истамаски, кавну макон,
Нишон ила тўлиғдир, бенишон ила тўлиғдир, –

дейди. Бу байтдан басират аҳли борлиқ – оламда яшаб, бирор далил-нишон талаб қилмайди. Чунки улар кўринадиганни ҳам кўради, кўринмайдиганни ҳам кўради, деган хулоса келиб чиқади. Ушбу хулоса, Навоий «кўзларин басират шамъи ёрутқонлар дунё сори кўз солмайдурлар» деганда тарки дунёчиликни эътиборда тутмаганлигини англашга яқиндан ёрдам беради.

Айрим мутасаввифлар, айниқса, Имом Ғаззолий инсоннинг зоҳирий – ташқи кўзига муқобил бир ботиний – ички кўзи ҳам бор бўлиб, унга «қалб кўзи», «маънавий кўз» дейилади, деган фикрни баён этган. Бошқа бир олимга кўра эса, «Басират қалб кўзи, басор жасадни кўриши. Басират фақат ички маъно моҳиятни, басор эса ёлғиз ҳис этилган нарсаларни кўра олади. Басират фақат латифни, басор кашф (қалин, тиғиз)ни, басират қадимни, басор кейин яралганни кўради».

Умуман олганда, Шарқ оламида басират ғафлатга тушмай, ҳис-туйғуга берилмай ҳақиқатни мукаммал идрок айлаш, келажакни олдиндан кўриш салоҳияти, қудсият нуридан ёришган кўнгил қудрати деб тан олинади. Тасаввуфдаги тамал тушунчалардан бири бўлган басират ўз-ўзидан кашф этилмаган, албатта. Мутасаввифлар бунда, энг аввало, Қуръони карим оятларидан илҳомланган.

Басират муаммоси билан махсус машғул бўлган олимларнинг эътирофи бўйича мистик-психологик сирларни ўзлаштиришда туйғу аъзоларига таянадиган ташқи кўриш қуввати унча иш бермайди. Нафислик, гўзаллик ранглари билан бурканган ушбу сирларни билишда басират қудратидан фойдаланиш зарурки, бу «Зумар» сурасидаги қуйидаги оятларда очиқ-ойдин таъкидланган: «Аллоҳ мушоҳадаси учун Сизга Роббингиздан кўнгил кўзлари (басар) келмишдир. Ким шу кўзлар ила кўрса ўзига фойда, ким кўр бўлса, ўзига зиён».

Энг катта ва асосий фойда эса илоҳий нурдан ёришган кўнгил кўзи ила ашёнинг асли ва моҳиятига етишишдир. Басират масаласида нисбатан бошқача фикрлар ҳам билдирилган. Абдулкарим Қушайрий машҳур рисоласида «Аслида басират ва нур дейилмиш нарса маърифатдир. Расулуллоҳ (с. а. в.)нинг «Мўмин Аллоҳ нури ила назар айлар», ҳадиси худди шу маънода англашилиши керак», дейди. Ибн Арабий бу нурни «нафси нотиқа билан руҳ орасида жой олган нуроний бир жавҳар», дея таърифлайди. Фикр ва талқинларда нечоғлик фарқ кўзга ташланмасин, Навоий басиратнинг мавжудлигига ҳам, куч-қуввати ва имкониятларига ҳам қатъиян инонган. Ва шундай ишонч туфайли:

Сирри ҳақиқатдин ўлиб баҳравар,
Айла басират кўзи бирла назар, –

деб ёзган.

Сулаймон Улутоғнинг изоҳлашича, «Нафсга кўра, нарсаларнинг шакллари ва сувратини кўрадиган кўз не бўлса, Қалбга кўра, басират ҳам шудир». Шунинг учун мумтоз шоирлар фақат ҳақиқат ёки моҳиятни эмас, гўзалликни, хусусан, ёрнинг ҳусну жамолини ҳам басар, яъни басират қуввати ила кўрмоғи керак, дейишган. Бу тўғрида Навоийнинг кўрсатмаси мана бундай:

Ёрингни танир ишига маҳорат айла,
Диққат ила ҳолига басорат айла.

Очиғини эътироф этадиган бўлсак, бугунннинг одами учун басират тушунчаси – шахсий тажрибадан узоқ ва тахминий бир тушунча. Тасаввуф аҳлининг маълумотларига таяниб айтилса, басиратнинг очилиши учун кўп ранж ва азиятларни бўйинга олиб кўнгилни поклаш, руҳни жилолантириш лозим. Басирати тўла-тўкис очилган киши – маънавий қайта туғилишга эришган киши бўлиб, уни «Шайхул ғайб» дерлар. Негаки, у ғайб сирларидан ҳам огоҳ яшайди. Унинг ботин оламида қаҳр, нафрат, ҳасад, худпарастлик каби иллатлардан

ному нишон қолмайди. Эҳтимол, шу боисдан ҳам Мавлоно Румий «Кўзни юмгил кўзга айлансин кўнгил» дегандирлар. Басиратни тадқиқ этган ғарб олимлари, эҳтимол, бунга биздан кўра кўпроқ ишонишгандир.

«Янги олмон психологияси бизга айтурки, дейди машҳур Покистон шоири Муҳаммад Иқбол, ақлий фаолият диққат ила назардан ўтказилса, бунда соф ва табиий ҳислар силсиласидан кўра «басират» кайфияти кўпроқ юзага келиши равшанлашур».

Чунки, замон, макон, инсон муносабатларини аниқ белгилашда, ҳақиқат ва моҳиятни хатосиз аниқлашда басират қуввати ва имкониятлари ғарб олимларида маълум ишонч ҳосил қилган. Натижада фаннинг ўзга соҳа вакиллари ҳам уни текширишган. Ана шунда айримлар томонидан фақат метафизикавий атама деб қаралган басират, чини билан қалбда мавжудлиги исботланган. Бу хусусда хорижда нашр этилган «Тасаввуф ва модерн илм» номли китобда икки анотомист олим қалбда мутасаввифлар тавсифини берган кичик бир нуқтани аниқлашгани ҳақида маълумотлар битилган. Тиббиёт илмида мазкур «нуқта» баъзан уни кашф айлаган ўша икки тадқиқотчининг номи билан, баъзида эса «Sinoatrial Node» деб тилга олинар экан. Кўз билан кўриб бўлмайдиган, ёлғиз микроскоп кўриш мумкин бўлган ва юракнинг юқори қисмидан жой олган мазкур нуқта қалбнинг ғайриоддий ҳаракатини таъминлаш билан бирга, узлуксиз равишда вужудга иссиқлик қуввати ва нур етказиб тураркан. Демак, Имом Ғаззолийнинг «Ақлдан нарида ўзга бир давра бордурки, унда бошқа бир кўз, яъни басират очилур. Басират ила инсон ғайбни кўрур, келажакда воқе бўлажак ҳодисаларни, ақл англашга ожиз бўлган айрим нарсаларни англай олур», дейиши тахминий гап бўлмаган. Шунинг учун ҳам Алишер Навоий ҳеч иштибоҳсиз басиратга инонган, борлиқ-оламнинг ички моҳияти, гўзаллик ва ҳақиқат сирларини тўғри, адашмасдан англамоқ истасанг, *«Айла басират кўзи бирла назар»*, дея даъват этилган.

Улуғ мутафаккир шоир қандай қилиб басират кўзи очилишига эришган, шундан сўнг завқ ва мушоҳадада қандай юксакликларга кўтарилган, руҳий ҳаётида қанақа гўзал эврилишлар ҳосил бўлган, шеъриятидаги қайси туйғу, қайси маъно ва ҳолатларни бевосита басиратга нисбат бериш зарур – булар энди бошқа мавзу, махсус тайёргарлик ила ўрганиладиган ҳам мураккаб, ҳам ғоятда қизиқарли масалалардир.

ЯНА ҚОРА РАНГ ТАЛҚИНИ ҲАҚИДА

Айрим мақола ва фикр-мулоҳазалар ҳисобга олинмаганда, ўзбек мумтоз шеъриятида ранг рамзлари ва маънолари муаммоси ҳали махсус тадқиқ қилингани йўқ. Ранглар ва уларнинг рамзий маъно-моҳиятидан баҳс юритиш осон эмас, албатта. Чунки ранглар у ёки бу халқнинг уни қуршаб олган олам, ижтимоий-маданий ҳаёт, урф-одат, маросим, адабиёт ва санъатга доир қадимий қарашлари билангина эмас, балки, космогоник, мифологик, диний-илоҳий тушунча ва тасаввурлари билан ҳам боғланиб кетган. Шунингдек, одамларнинг дунёқараши, яшаш шароитлари, диний ҳаёт йўлларининг ўзгариши билан рангларга муносабат, кўзланган мақсадлар ҳам ўзгариб, баъзан бутунлай янгиланиб борган. Масалан, қора ранг ва қоронғулик «Авесто»да оқ – ёруғликнинг зидди ўлароқ таъриф ва тавсиф этилгани яхши маълум. Унда қоронғуликнинг ёмонлик, ёвузлик сифатида бошланғич қуввати – илк манбаи Ахримандир. Лекин олис ўтмишда оқ рангга нисбатан ҳам шунга яқин муносабатлар ҳокимлик қилган. Баъзи халқларда, жумладан, туркий қавмларда ҳам оқ ранг мотам, мусибат ҳатто қурғоқчилик аломати ҳисобланган. Озарбойжон олими М. Саидовнинг ёзишича: «Олтойликларда оқ ранг мотам рамзидир. Манбалар Чинда яшаган турк тилли солорлар учун оқ рангнинг бошқа маънолар билан бир қаторда, мотам тим-

соли бўлганлигидан ҳам хабар берадилар. Фақат туркийларда эмас, бошқа айрим халқларда ҳам кўк ва оқ мотам, қайғу рамзи саналган»[1].

Албатта, вақт ўтиши билан аҳвол ўзгарган. Буни қора ранга муносабатларнинг ўзгаришидан ҳам англаш қийин эмас. Чунки қадимда туркийларнинг дунёқараши ва фикр оламида оқ рангга қараганда қора ранг эътиборлироқ мавқега эга эди. Шу боис уларнинг диний инончларида қора сўзи кўпроқ ўрин эгаллаган.

Рус тилшунос олими А. Кононов қора сўзининг маъноларини тадқиқ этиб, ушбу сўз билан «катта», «йирик», «муҳташам», «улуғ», «қудратли», «кучли», «покиза», «мусаффо», «қуруқлик», «ер», «зулмат кўки», «шимол» каби мазмунлар ифодаланганлигини кўплаб мисоллар воситасида изоҳлаб берган[2]. Унинг келтиришича, А. Жаъфар ўғли «Китоби Дадам Қўрқут»даги қаҳрамонларнинг номидаги қора сифатлашини жасорат ва кучлилик синоними, деб таъкидлаган.

Хоқония шоҳлари қора деб аталишини (Буғро Қора Хоқон дейилгани каби) Маҳмуд Қошғарий шарҳлаб қолдирган. Кейинги пайтларда, ҳатто, Қошғар этнониминиг юзага келиши ҳам қора калимасига бориб тақалишини англатадиган изоҳлар баён этилди. Қорақалпоқ олими Д. Айтмуродов ёзади: «Қошғар топонимини Э.М. Мирзаев қуйидагича изоҳлайди: «Қошғар – нефрит тоши, нефрит тоғи; «қаш» – нефрит, «ғар» – тош.

Бизнингча, «Қошғар» топонимининг иккинчи қисми «ғар», «қар» аслида охирги «а» товуши тушиб қолган «қора» сўзи бўлиб, қора маъносини билдиради»[3].

Ушбу факт ва далиллар қора (рангига ҳам) алоҳида бир диққат билан қарашни тақозо этади.

Бундан ўн йиллар муқаддам Алишер Навоийнинг «Сабъаи Сайёр» достонидаги илк ҳикоят охирроғидан ўрин олган:

Қора ранг элга тожи торакдур,
Ким бу ранг ичрадур, муборакдур[4]*, –*

байтидаги фикрга таяниб, қора рангнинг муборак ва муқаддаслик хусусиятларини (албатта, салбий маъноларни назардан соқит қилмаган ҳолда – И. Ҳ.) мухтасар шаклда ёритишга уринган эдик[5]. Бу ишда тарихий, мифологик, диний ва адабий далилларга суянилиши табиий, албатта. Айниқса, Низомий Ганжавийнинг «Ҳафт пайкар» достонидаги «Бе мусибат сиёҳ пўши кардан» «Мусибатсиз қора кийинмоқ» мисраси бизни масалага чуқурроқ қараш ва байтни айрим навоийшунослар шарҳлаганидек, «Қора ранг – ёшлик рамзи. Кимнинг боши қора бўлса – унга бу муборакликдир, негаки ёшлик – элнинг «тожи торак»и демак», деб эмас, бошқача мазмунда талқин қилишга ундаган эди.

Орадан икки-уч йил ўтгач бизнинг бу талқину таҳлил, фикру мулоҳазаларимизни гўё йўққа чиқарувчи мақола эълон қилинди. Педагогика фанлари доктори С. Очилнинг бу мақоласи «Таҳлил, илм ва адолат ёхуд талқинларда теранлик бўлса» деб номланган[6].

Мақолада маъқулланган, яъни тасдиқ маъносидаги бирор-бир жумла ҳам топилмайди – ҳаммаси инкор. Баъзи мисолларда ғалат тушиб қолган сўзлар ҳам катта бир айб даража-

---

[1] Саидов М. Кўк, оқ, қора рангларнинг эски инончлар ила алоқаси. // Озарбойжон ФА Хабарлари, 1978, 2-сон.
[2] Кононов А.Н. Семантика цветообозначений в тюркских языках // Тюркологический сборник. – М., 1978. – С. 161–170.
[3] Айтмурадов Д. Тюркские этнонимы. – Нукус, 1986. – С. 112.
[4] Алишер Навоий. Мукаммал асрлар тўплами. Йигирма жилдлик. 10-жилд. – Тошкент, 1992. – 176-бет.
[5] Ҳаққулов И. Қора ранг – муборак ранг. // Занжирбанд шер қошида. – Тошкент, 1989. – 36–45-бетлар.
[6] Очил С. Орзулар кўкидаги шафақлар. – Тошкент, 1993. – 331–342-бетлар.

сида баҳоланган. Майли, буларга изоҳ бериб ўтирмайлик-да, муаллифга ниҳоятда муҳим ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб туюлган масалаларга тўхталайлик.

Биз, туркийларда бир замонлар қора рангли байроқлар бўлганлиги, Эргаш Жуманбулбул куйлаган «Далли» достонидаги бир байтда шунга ишорат борлиги ҳақида сўзлаб, «Қорабош туғ» (қора рангли байроқ) – бошини ўлимга тиккан мард, жасур жангчилар байроғини билдириб, айни ўринда эронийларнинг байроғига қарши тикланган туркий туғдир»[1], деган хулосани айтганмиз. Тарихда нима кечган бўлса – кечган, уни ўзгартириб ҳам, айнан такрорлаб бўлмайди. Аммо билиб-билмасдан тарих воқеа-ҳодисалари устидан бутунлай қора тортиш ақлдан эмаслигини ҳам унутмаслик зарур. Қуйидаги жумлаларни бунинг ёрқин исботи, дейиш мумкин: «Далли» достонидаги: «Гўрўғлининг зарбига, сиёсатига сияҳпўшлар, қизилбошларнинг титрашига келсак, бу ерда «қизилбош» ҳам «сияҳпўш» ҳам бир халқ, яъни босқинчи эронликларга алоқадор. Туркларда эса қорабош туғ ҳеч қачон бўлмаган. Шунга қарамай, уни И. Ҳаққулов бошини ўлимга тиккан жасур жангчиларга зўрма-зўраки олиб бориб тақайди. Аслида оқ, қора бош туғ – эрон лашкарларига дахлдор бўлиб, туғларнинг ҳар хил рангда экани лашкарларнинг жуда ҳам кўплигини, шундай бўлса-да, Гўрўғли улардан қўрқмай, жангга кирганини англатади»[2].

Бу гаплар эртак деса – эртакка, ҳақиқат деса – ҳақиқатга ўхшамайди. Эрон олими Абдулжамил Қазвиний 1161–1165 йиллар орасида ёзган «Китоб ун-нақа» номли асарида эронлар қора байроқ соҳибидурлар деган фикрларга жавоб тариқасида, «Шиа ҳукмдорлари яшил, оқ ва бошқа рангли байроқ соҳибидурлар. Аммо Аббоснинг шиори ва хусусий ранги бўлмиш қорани ишлатмаслар», деб таъкидлаган экан[3]. Чунки Ҳазрати пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг оқ, яшил, қора рангдаги уч байроқлари бўлиб, уларнинг яшили – Усмон бин Аффонга, оқи – Саъд ибн Аббодаи Ансорийга, Макка фатҳидан кейин – Ҳазрати Алига, қораси эса – Аббосга берилган. Ҳижрий 200 йилда Маъмун Имом Али Розийни ўзига халифа этиб тайинлагач, Аббос ўғиллари қабул қилган қора рангни бутунлай тақиқлаб, алавийларнинг, яъни Али авлодининг ранги сифатида яшил рангни қабул айлаган.

Қора ранг аббосийлар орасида юксак нуфуз топганлиги фақат шарқда эмас, ғарбда ҳам яхши маълумдир. Рангшунос олима Л.Н. Миронованинг: «Аббосийлар сулоласига мансуб халифалар қора рангли кийим кийишни хуш кўрганлар Уларнинг байроғи ҳам қора рангда бўлган»[4], деган сўзлари бунинг бир далили бўлиши мумкин.

Аббосий халифалардан «Машрулик» (шариатга боғлиқлик) фармонини олган Турк сулолаларида ҳам ҳокимият (ҳукмронлик) байроғи қора эди[5]. Шунингдек, «Ғазнавийларда, салжуқийларнинг издоши ҳисобланмиш Онадўли салжуқийлари ва Хоразм шоҳларида ҳам ҳукмдор байроқларининг қора рангда бўлиши, умуман олганда, салжуқий ҳукмдорларнинг аббосийлар билан маънавий муносабатларини акс эттирган»[6]. Қолаверса, Жаҳонгир Искандарнинг байроқларидан бирининг қора рангда эканлиги Шарқ мусаввирлари томонидан тасвирлаб қолдирилганки, бу ҳам «қорабош туғ»нинг мардлик, жасурлик байроғи, дейилишини қувватлайди.

Бас, шундай экан, қандай қилиб туркларда ҳеч қачон «қорабош туғ» бўлмаган» дейиш мумкин?

С. Очил «илм», «адолат», «теранлик» деган сўзларни сарлавҳага чиқаради-ю, лекин, минг афсуски, ўзи илмий холисликка яқин ҳам бора олмайди. Акс ҳолда мана бу гаплар билан

[1] Ҳаққулов И. Занжирбанд шер қошида. – Тошкент, 1989. – 43-бет.
[2] Очил С. Орзулар кўкидаги шафақлар. – Тошкент, 1993. – 341-бет.
[3] Қаранг: Инон А. Туғ – Байроқ (Санжоқ). // Турк култури. – Анқара, 1966. 46-сон. – 71-бет.
[4] Миронова Л.Н. Цветоведение. – Минск, 1984. – С. 71–72.
[5] Ганж Р. Турк инончлари ва миллий урф-одатларида ранглар. Анқара, 1977. – 42-бет.
[6] Кўпрулу М.Ф. Байроқ // Ислом қомуси

қоғоз қоралашга эҳтиёж сезилмасди: «Энди форсий манбаларнинг баъзиларини кўриб чиқайлик. Эрон олими Муҳаммад Муиннинг «Ҳафт пайкар» ҳақидаги китобида ранглардан биринчиси сифатида қора рангни кўрсатади (аслида бу таъкид бизники – И. Ҳ.). Чунки Шарқ хамсанавислигида Баҳромнинг биринчи кун кирадиган қасри қора рангда бўлиб, ўша кун шанбага тўғри келади. Шанба қадимги мифологияга кўра, олам тугал яратилган кун бўлиб, у Зуҳал сайёрасига нисбат берилади (?).

Демак, қора бу ўринда ҳам муқаддас ва мубораклик маъносини билдирмайди. Қолаверса, Муҳаммад Муиннинг биринчи бўлиб қора рангни кўрсатишини ва Зуҳал сайёрасига қора тошлардан ҳайкал тикланишини ўқувчига илмий янгилик сифатида кўрсатишнинг ўзи кулгили»[1].

Албатта, ўқувчидан ўқувчининг фарқи бор. Холис китобхон «Дамашқий «Наҳубат улдаҳр»да рангларни «сайёраларнинг ҳайкали» деб таърифлаган экан. Унингча, қора рангли тошлардан Зуҳалга ҳайкал тикланган бўлиб, у ранги қора, сочи оқиш ҳиндуга ўхшаркан», деган сўзларни «илмий янгилик» эмас, бир маълумот сифатида қабул қилади. Кулги қўзғайдиган жиҳат эса бошқа: очиғини айтганда, С. Очилнинг Эрон олими асарини кўрганлигига, кўрганда ҳам ўзи уни ўқий олганлигига шубҳамиз бор. Чунки унда мифологик тасаввур билан тасаввуфий қарашлар бир-биридан жуда аниқ ажратиб ифодаланган. Ахир Дамашқийнинг Зуҳалга доир фикри рамзий мазмунга эга-ку! Бизга шу рамз мақбул келган. Шу рамзни масаланинг моҳиятига эътиборни тортадиган «кўрсаткич» деб билганмиз. Зуҳал хусусида батафсил изоҳ берилган китоблар ҳам бор. Мана Абулкарим Жилий машҳур асарида нима деб ёзган: «Еттинчи қат кўк Зуҳалнинг самосидир. Унинг жавҳари шаффоф бўлса-да, лайли музлим (симсиёҳ тун) каби қорадир.

Жаноби Ҳақ Зуҳални ақли аввалнинг нуридан яратган. Ва унинг манзилини манзили афдол этган. Сиёҳликда ранг пайдо этмиш, сиёдат (улуғлик) ва юксаклигига ишорат эрур. Шунинг учун ақли аввални олими акмалдан бошқаси билмайди. Зуҳал самовотнинг хосиятлиси ва маконларнинг аълосидир»[2].

Энди қутбларни ранглар билан белгилаш масаласига келсак. Қора ранг – шимолнинг, қизил – жанубнинг, яшил – шарқнинг, оқ – ғарбнинг рамзи деган маълумот – ўттизинчи, қирқинчи йиллардаёқ фанда хрестоматик бир маълумотга айланган.

Масалан, венгер олими проф. А. Алфулди, олмон туркиётчиси И. Л. Гиртаутас ҳам диққатни жалб этишган. Буни билмагани учунми ёки бошқа сабаб туфайлими, С. Очил рус этнографи Л.П. Потаповнинг 1977 йилда чиққан ва биз қўлга ҳам олиб кўрмаганимиз китобини қалқон қилиб: «И. Ҳаққулов Л.П. Потаповнинг ана шу маълумотини (қутб рамзларига доир дейилмоқчи – И. Ҳ.) тўла ўзлаштириб олган. Аниқроқ қилиб айтганда, кўчирмакашлик қилган», – дейди Лекин бу ҳукм ҳам уни қаноатлантирмайди ва яна ёзади: «Шу кўчирма орқали И. Ҳаққулов туркий халқларнинг қадимий тарихи, этнографияси ва фольклори ҳақида ҳали кўп нарса билмайдиган ўқувчилар олдида ўзини билимдон ва зукко олим қилиб кўрсатишни мақсад қилиб олган, шекилли. Аслида у шу ўринда ўзгалар фикрини кўчириб юрувчи ва ўзиники сифатида тақдим этувчи «адабиётшуносдир»[3]. Аввало, «ўзгалар фикрини кўчириб юрувчи ва ўзиники сифатида тақдим этувчи киши «Қадимги туркларнинг дунёқарашида тўрт уфқ ва тўрт жиҳат ранглар воситасида тайин этилгани маълум, албатта», деб ёзмасди[4].

---

[1] Очил С. Кўрсатилган китоб, 337-бет.
[2] Абулкарим Жилий. Инсони комил. – Истанбул, 1998. – 391-бет.
[3] Очил С. Орзулар кўкидаги шафақлар. – Тошкент, 1993. – 337–338-бетлар.
[4] Ҳаққулов И. Занжирбанд шер қошида. – Тошкент, 1989. – 39-бет.

Иккинчидан, ушбу ҳақиқат «туркий халқларнинг қадимги тарихи, этнографияси ва фольклори» ҳақида кўп нарса биладиган тадқиқотчилар томонидан янада кенг ва чуқурроқ ёритиб берилган. Модомики, гап «қутб» ҳақида экан, мусулмон оламида қайта-қайта мурожаат этилган «Диёри зулмат» ёхуд «оби ҳаёт» тушунчасини назардан ўтказайлик.

«Диёри зулмат» қоронғулик ўлкаси демак. Нақл ва ривоятларга кўра, ана шу ўлкада «оби зиндагони», «оби жовидони», «айн ул-ҳаёт», «наҳр ул-ҳаёт», «Хизр суви», «Искандар суви» таъбирлари билан тилга олинган оби ҳаёт, яъни тириклик суви мавжуд бўлиб, ундан ичган киши абадий ҳаёт саодатига эришади. «Диёри зулмат» шимолда тасаввур этилганлиги, шимол эса бевосита қора ранг билан алоқадорлиги боис туркийлар бунда ўз назарларига содиқ қолганлар. Шунга кўра улар «шимол билан вобаста нима бўлса, қора калимаси билан ифода этганлар. Масалан, Ўғуз достонида шимолда ўтирган Итбароқ номли қавмнинг терилари ҳам қора эди. Шимолдан эсган шамол ҳам «қора шамол» эди»[1].

Туркларнинг эски диний инончлари бўйича қамлар (дин йўлбошчилари) Тангри билан бевосита алоқа ўрнатиш даражасида руҳонияти кучли кишилар бўлишган. Илк қам ва улуғ яратувчининг тимсоли ҳисобланган жуфт бошли Бургут эса Қора қуш дейилган. Қамларнинг руҳларини ташиган ва улар билан самовий сайр қилгувчи қушга Қорабадоқ номи берилган[2].

Бизнинг назаримизда, тасаввуф тарихида «Қора» лақаби билан шуҳрат топган валийлар, дарвешлар маълум бир маънода қамларга ворисдирлар. Чунки «Абу Сиёҳ, Қора Вали, Занги ота, Қорача Аҳмад каби Қора ва Занги авлиё типи ниҳоятда эътиборлидир. Авлиё илоҳиётчилар орасида ҳам қоралар бор эди. Сўфийлик «қора» хотинлар ўртасида ҳам тарқалгандир»[3].

Демак, С. Очилнинг «комил инонч билан айтамизки, туркий халқларда қадимда ҳам, кейин ҳам қора ранг муқаддас ва муборак бўлган эмас»[4], деган қатъий хулосаси мутлақо асоссиз ва ишончсиз дейишга ҳақлимиз.

Хуллас, туркий қавмлар исломгача ва исломдан кейин ҳам қора рангдан салбий маъно, ҳолат ва ҳодисаларни характерлашда нечоғлик кенг фойдаланишган бўлмасин, ҳақ аҳли, маъно ва ишқ соҳибларидан ҳеч бир киши моҳияти илоҳияда қора рангнинг муқаддаслигига шубҳа қилмаган. Ҳатто, Шарқ шеъриятида такрор-такрор ишлатилган «қора кўз» (чашми сиёҳ), «қора зулф» (зулфи сиёҳ), «қора хол», «қора бало» сингари ўнлаб истиоравий ибора ва ташбеҳлар ирфоний ҳақиқатлар ифодаси учун ҳам хизмат эттирилган. Бунга бир қадар ишонч ҳосил қилиш учун йирик мутасаввиф олим Иброҳим Ҳаққий Бурсавийнинг мана бу фикрлари билан танишмоқ кифоя деб ўйлаймиз: «Сиёҳ (қора) зилли ҳақиқатга ишоратдурки, ул нур ул-анвор оламидур. Агарчи нури сиёҳ (қора нур) дерларки, мунтаҳаюл анвор эрур. Шу боис Расулуллоҳ (с. а. в.) фатҳи Макка куни қора дулбанд ила ҳозир бўлдилар. Чунки Каъба зоти аҳадиятга ишоратдур. Зот эса сиёҳдур. Зеро, кунҳи идрок бўлинмас ва ул мақомга восил бўлган яна алвони сифатдан тажарруд этиш билан восил бўлур. Шу сабабдан соликларнинг кўпчилиги қора або (жундан тўқилган қора тўн – жанда, хирқа – И. Ҳ.) киюрлар»[5]. Қора або (хирқа) кийганлар сияҳпўш ҳам дейилганки, улар тариқатга янги кирган соликлар бўлишган. Бу йўлда маълум бир даражада илгарилаганларнинг хирқаси мовий (кўк) ва сайри сулукни ниҳоясига етказганларники оқ рангда бўлган. Тасаввуф жараёни кенг тараққий топган ўлкаларда қора хирқали толиблар, яъни сияҳпўшларнинг

---

[1] Ўгал Б. Турк маданияти тарихига кириш. 6-жилд. – Анқара, 1984. 431-бет.
[2] Қофасўғли И. Эски турк дини. – Анқара, 1980. 20–21-бетлар.
[3] Улутоғ С. Сўфий нигоҳида аёл. – Истанбул, 1995. 91–93-бетлар.
[4] Очил С. Орзулар кўкидаги шафақлар. 336-бет.
[5] Иброҳим Ҳаққий Бурсавий. Китоб ул-анвор. – Истанбул, 1999. 117-бет.

сони анча кўпчиликни ташкил қилган. Буни Алишер Навоийнинг қуйидаги қитъасидан ҳам англаш мумкин:

Не деб Журжонга борди ул сияҳбахт,
Қора тўн бирла солиб кўнглига жўш.
Ки бор ул пеша аҳлидин анингдек,
Қаёнким кўз солурлар, юз сияҳпўш[1].

Бу қитъага «Сияҳпўш азизнинг Журжонға борғаниға таажжуб қилурким, анда сияҳпўш кўптур», деб сарлавҳа қўйилган.

«Сияҳпўш азиз» иборасига қаралганда, Журжонга борган киши биз ўйлайдиган маънода сияҳбахт – бахти қора эмас. Чунки тасаввуф аҳли «сияҳкор», «сияҳрў» деганда сайри сулукда йўлда қолган ва йўлдан чалғиганларни назарда тутишган. Журжонга равона бўлган «сияҳбахт»га қайтсак, у тариқатга киришдан қандайдир зоҳирий мамнуният сезган ва ўзига бино қўйганлигини яшира олмаган. Журжонга боргач, юзлаб Ҳақ ошиқларини кўриб, ўз аҳволидан хижолат чеккан кишидир. Ажабмаски, Навоий «Сабъаи сайёр» достонидаги биринчи мусофир томонидан нақл этилган ҳикоят қаҳрамонлари Фаррух ва Ахийни ҳам ана шундай кимсаларга ибрат қилиб кўрсатган бўлса.

Маълумки, Алишер Навоий фақр маслагига зўр ишонч билан қараган. Улуғ шоир фақр ҳолларини алоҳида иштиёқ билан тасвирлайди, комиллик мақомларини фақр эътиқоди ва тажрибаси ила алоқадорликда кўрсатишга аҳамият беради. Бу бежиз эмас, албатта. Улуғ шайхлардан бири шундай деган экан: Соликни Ҳаққа восил айлайдиган йўллар кўкдаги юлдузларнинг сонидан ҳам кўп эди. Энди ўша йўллардан фақат фақр қолди. Зотан, йўлларнинг энг тўғриси ҳам ана шудир»[2].

Фаррух ва Ахий фақр йўлидан чекинмаганликлари, фақрнинг «шом ранг либос»и талабларига тўла риоя қила олганликлари учун ҳам мақсад манзилига етишганлар. Улар ҳиммат, мурувват ва футувватда гўё бир-бирлари билан мусобақага киришгандай кўринсалар-да, олий матлабга эришиш ҳоллари бита – фақр. Навоий буни бутун ҳикоят давомида гоҳ очиқ, гоҳ рамз ва ишоратлар орқали таъкидлаб боради. Ҳикоятда, хусусан, «Қора либос» («Қора палос» ҳам дейилган) алоҳида маъно қимматига эга.

Ҳинд ҳукмдори Жасоратхоннинг ўғли Фаррух «Лутфи ила хулқи ҳадди ғоятсиз, фаҳму идроки худ ниҳоятсиз», «илму камол аро моҳир» шаҳзода эди. Шунга қарамай, у қари отасининг истагига ён бермасдан тожу тахтни қабул қилмайди. Зеро:

Фақр этиб эрди кўнглини машғул,
Айламас эрди салтанатни қабул.

Фаррух тушда кўрган паривашни ахтариб кўпчилик билан йўлга чиққач, ғурбат машаққатларини торта-торта бир манзилга етадилар. Шунда у уйқуга чўмган ҳамроҳларига мактуб қолдириб, улардан ажралади ва ёлғиз ўзи ишқ сафарини давом эттиради. Шу тунда у:

Эгнидин солди шоҳвор либос,
Кийди ўрниға шом ранг палос.

[1] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 6-жилд. – Тошкент, 1990. 519-бет.
[2] Рисолаи Қушайрий. 445-бет.

Бу либос қора рангли хирқа эди. Эътиборлиси шундаки, худди шу либос шарофатидан Фаррухга мурод эшиклари очилади. Фаррухнинг ишқ ва покликда собитлигига тан берган Ахий ақл бовар этмас ишни амалга оширади: ўз суюкли хотинини талоқ қилиб, унга никоҳлаб беради. Бироқ ўзга диёрга уларни кузатаётганда, ёдгорлик учун Фаррухдан ўша «қора либос»ни тилаб олади:

Ёдгор истади палосин анинг,
Тилаб олди қора либосин анинг.

Албатта, шаҳзода маъшуқа Ахийнинг жуфти ҳалоли эканлигини билмасди. Акс ҳолда Ахийнинг қилган ишига асло кўнмас, гўзал бир аёлнинг кўз ёш тўкиб, ғам-ғуссага ботишига ҳам имкон бермасди. Фаррух дўстининг хотинидан бор ҳақиқатни эшитиши билан:

Сен ҳам эмди шукуфта дил бўлғил,
Манга ики жаҳон сингил бўлғил, –

дея, уни сингил ўрнида қабул айлайди. Ёридан жудо бўлгач, оғир изтироб ва руҳий қийноқларни кўнглидан кечирган Ахий туҳматга ҳам гирифтор этилади:

Ки: «Ахий мамлакат қилурға хароб,
Яна бир шоҳға ясаб асбоб,
Шоҳнинг шаҳридин узотибдур,
Ўзни душманлар ичра қотибдур», –

деган айбнома билан ҳибсга олинади. Кўп ўтмай, у ҳибсхонадан қочишга муваффақ бўлади. Ва Фаррух диёри сари сафар қилади. Йўл заҳматидан ҳориб, «Бир бузилғон ҳисор» ичида хаставу беҳол ётган Ахийга омад кулиб боқади: шаҳар атрофида сайр қилиб юрган Фаррух:

Ул бузуқ сори чунки солди назар,
Қилди ўз ҳоли хотириға гузар.
Сўрди ул ёнки: «Не ғариб эркин
Ки, бу меҳнат анга насиб эркин?»
Ўз палосини ошно кўрди,
Нотавоне палос аро кўрди.

Ахий ҳушига келгач, икки дўсти содиқ зор-зор йиғлаб қучишиб, ҳол сўрашдилар. Шоҳ қасрига олиб борилган Ахийга кўп ҳурмат-эҳтиром кўрсатилади. Узоқ муддат ўтмай тантанали маросим ўтказилиб, ёри Ахийга қайта никоҳлаб берилади. Маҳбубасидан:

Шоҳнинг иффату мурувватини,
Покравлиғ фанида қувватини, –

эшитган Ахий неча кун беҳушу беҳол юради. Ниҳоят хотиржам ва бахтиёр ҳаёт бошланади. Ахий «зарбофт хилъат» кийиб, шоҳ ёнидан ўрин эгаллайди, аммо хайр-хосиятли ўша қора либосини кийишни ҳам канда қилмайди:

Уйга киргач қаро палоси эди
Ки, сафарда анинг либоси эди.

Тенгри шукридаким, тили эди лол,
Тоат айлар эди кийиб қаро шол.

Нақл этилишча, Иброҳим Халилуллоҳ оловга ташлангани замон Аллоҳ ҳукми билан Жаброил жаннатдан бир кўйлак келтириб, унга кийдирган ва шу кўйлак туфайли у оловда ёнишдан халос бўлган экан. Бу кўйлак дастлаб Ҳазрати Исҳоққа, сўнгра Ёқуб алайҳиссаломга мерос ўтган. Юсуф пайғамбар уни кийгани учун қудуқдан омон чиққан. Аҳли тасаввуф хирқада ана шу кўйлак сирларини илғаб, унга маънавий маънолар берганлар.

Ҳужвирийнинг таъкидлашича, хирқанинг бели сабрни, икки ёни – хавф ва ражони, икки олди – қабз ва бастни, белбоғи – нафсга қарши курашни, ёқаси – яқинни (шубҳасиз илмни), астари – ихлосни тамсил этган. У яна ёзади: «Хирқа сафват (порлоқлик), фақр ва тариқат мақомларининг барини ўзида мужассамлаштирган бир либосдир. Бу либосдан кечиш ва узоқлашиш ҳамма нарсадан узоқлашиш демакдир»[1]. Зеро, хирқа кийиш Аллоҳни таниш шартларидан бири ҳисобланганки, «қора хирқа ёпинган сўфий ўз қалби ва вужудини тўлатўкис Аллоҳда тасаввур этмоғи лозим бўлган»[2]. Бундай тахайюл ва яқинлик инсон ахлоқини нечоғлик покласа, кўнгли ва руҳини ўшанча гўзаллаштиради. Нафси аммора мағлуб этилган муҳитда бераҳмлик, нодонлик, риёкорлик, кибр, қаҳр каби юзлаб ҳайвоний ва шайтоний сифатлар ўз-ўзидан барҳам топади. Мана шунинг учун Фаррух ва Ахийдан ўрнак олиб, «қора кўйлак» киймак одатга айлантирилган:

Чунки шаҳ хилъати қаро бўлди,
Қора киймак улус аро бўлди.

Мана шунинг учун Алишер Навоий поклик, садоқат, мурувват ва камолотдан далолат берувчи фақр либосини ёқлаб:

Қора ранг элга тожи торакдур,
Ким бу ранг ичрадур муборакдур, –

деган ва буни тариқат одоби, нақшбандийликдаги фақру фано шартларидан ажратиб талқин қилиш шоир кўзлаган ҳақиқатга асло мувофиқ келмайди.

Яна шуни ҳам инобатга олмоқ зарурки, Навоий ушбу эътирофи билан ҳамма «қора шол»дан либос кийсин, сияҳпўшлик барча учун умумий урфга айланмоғи керак мазмунидаги бир ниятни кўзлагани йўқ. Балки «қора ранг», «қора либос» рамзига асосланиб, сўфиёна ҳаёт имтиёзи ва имкониятларига, тасаввуфий ахлоқ куч-қувватига кўпчиликнинг нигоҳини қаратгандир. Чунки тасаввуф, айниқса, фақр тариқи – ишқ ва маърифат, тафаккур ва хоксорлик инсонни шу дунёда жаннатга восил этувчи мунаввар бир йўл эрур. Бу жаннат эса ошиқ, ориф ва фақирнинг кўнгил оламидир.

Дарвоқе, баъзи тариқатларда нафсдаги покланиш ва ўзгаришлар ранг воситасида аниқланган. Бу ранглар: мовий, сариқ, қизил, қора, яшил, оқ ва рангсизлик. Қора ранг – нафси мутмаина (тинган, яхшиликка бош эгган нафс)нинг ранги бўлиб, у Аллоҳнинг изни

[1] Али бин Усмон Жуллобий Ҳужвирий. Кашф ул-маҳжуб. – Исломобод, 1990. – С. 66–67.
[2] Курбанмамадов А. Эстетическая доктрина суфизма. – Душанбе, 1987. – С. 42–43.

ва руҳнинг нури ила нурланган, ёмон нарсаларни тарк айлаб, гўзал ахлоққа тобе нафсдир. Унинг сифатлари: Ибодат, Риёзат, Қилъати таом (кам овқатланиш), Таваккул, Тафаккур ва Аъмоли хайр[1]. Демак, бунда ҳам қора ранг мубораклик хоссасига эга ва нафснинг сиёҳ рангга бурканиши эзгу ишларнинг гарови эрур.

Илмда, жумладан, Ҳазрат Навоий ижодиётини ўрганишда баҳсу мунозара керак. Ҳатто зарур ҳам, аммо ҳар қандай баҳс ёки фикр алмашув, энг аввало, билим ва беғаразликка таянмоғи шарт. Навоий ижодиётига доир ҳар қанақа баҳс янги фикрга йўл очиши, ҳали кашф этилмаган ҳақиқатларни янада теранроқ тадқиқ қилишга рағбатлантириши лозим. Буни асло унутмайлик.

АНГЛАШ ЗАКОВАТИ ЁХУД ФИТРАТНИНГ «НОҲАҚ»ЛИГИ ХУСУСИДА

Бизнинг айрим адиб ва адабиётшуносларимиз ҳаётга яқин бўлиш, ҳаёт ҳақиқатларига содиқлик тўғрисида кўп гапиришади. Аммо тўла маънода ҳаётга яқинлик қийинлигини, ҳаёт ҳақиқатларини теран англаш ва ҳаққоний ифодалаш учун улкан шижоат зарурлигини ҳамма вақт ҳам ҳисобга олишмайди улар. Даврлар, замонлар, тузумлар ёки фикр-қарашлар ўзгараверади, ҳаёт ва воқеликнинг муросасиз қиёфаси деярли ўзгармайди. Шунинг учун фақат собир ва иродали шахсгина қаҳри қаттиқ ҳаётнинг силтов ва синовларига бардош бериш қандоқ қийинлигини аниқ англайди. Истеъдодли ижодкор учун эса бу энг асосий мушоҳада манбаларидан бири.

Ҳаётдан марҳамат кутиш яхши. Унинг марҳаматсизликларини «марҳамат» ўрнида қабул айлаш ундан ҳам фойдали. Зеро, худди шу марҳаматсизлик одамларни кучли ва кучсиз, ғайратли ва ғайратсиз, некбин ва бадбин, қўрқоқ ва жасурга ажратади. Инсон воқелик қаршисида қачонки ожиз қолса, қулларча қақшаб-қалтираса, ҳеч пайт у ҳаёт мазмунини чуқур кашф этолмайди, ҳеч вақт одамга ўхшаб бошини кўтариб яшолмайди. Ҳаётдан керакли нарсани ахтариш ва энг олий қадрият, энг нурли ҳақиқатларни талаб қилиш инсоннинг ҳам ўзига ишончини қувватлантиради, ҳам келажакка умидини мустаҳкамлайди. Бундай фикр-қарашдаги Шахс учун таҳлика ва хавф-хатарлар оралаб илгарилаш, маҳрумият ва мағлубият зарбаларига дучор бўлиш, ёлғизлик ва ёлғизланиш изтироблари асло ваҳимали эмас. Чунки у ҳамма нарсадан ортиқ Ҳаққа, Ақл ва Кўнгилга таянади. Ундаги мардлик ва ўктамликда хаёлий бир мусаффолик, табиий улуғворлик зуҳур этади. Қодирий ва Чўлпонда шундай бўлган. Абдурауф Фитрат худди шундай яшаган ва ижод қилган. Бу беназир санъаткорларнинг ёлғиз ижодиётига эмас, балки қудратли Шахсига қаттиқ боғланишимизнинг сирларидан бири ҳам ана шунда.

Ҳаёт улуғ истеъдодларни синовлардан қандай ўтказишини билиш нечоғлик мубҳам бўлса, буни башорат қилиш янада мушкул. Бироқ бир ҳақиқат аниқ: ҳақиқий талантларнинг буюклигини исботлаш ва эътироф этишда ҳаёт ғирромлик қилмайди. Аксинча, иғво, уйдирма ва найрангбозликларни охир-оқибатда у фош айлайди. Шу маънода ҳаёт ва вақтга тенглашадиган ҳакам йўқдир. Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Усмон Носирларга нисбатан қанақа айбномалар тўқилганлиги бугун ҳаммага аён. Ўша баҳайбат айблов ва ҳукмларнинг қоп-қора булутлари ичида ҳам улар юлдуздек чарақламаганда Қодирий Қодирий, Чўлпон Чўлпон... бўлармиди?

Мана, Фитратни олайлик ва неча ўн йиллар мобайнида унга қарши отилган ғанимлик ва маломат тошларини бир жойга жамладик, дейлик. Тоғ бўлмаса ҳамки, ҳар қандоқ кишини

[1] Хулусий Х. Мезон ун-нуфус. – Истанбул (санасиз). 33-бет.

ҳайратлантирадиган баланд бир тош кўргазма қад кўтаради. Фитрат ҳақида яқин-яқинларгача битилган танқидлар эринмасдан тўпланса, бир неча жилдли китоб бўлади. Хуллас, Аҳмад Яссавий, Боқирғоний, Сўфи Оллоёр, Беҳбудий, Чўлпон сингари буюкларимиз қатори Фитрат ва унинг бой меросини қўшқўллаб элимизга қайтарган Истиқлол бўлди.

Мустақилликдан сўнг Фитрат домланинг илм ва ижод жабҳасидаги буюк хизматларига яраша давлат ва умумхалқ миқёсида ҳурмат-эҳтиром кўрсатилди. Қисқа бир муддатда Фитратнинг илмий ва бадиий меросидан маълум бир қисми ўқувчиларга етказилди. Хусусан, Фитрат асарларининг олдин бир жилд, кейин икки жилдда чоп бўлиши илмий-маданий ҳаётимиздаги муҳим ҳодисалар силсиласидан жой олди. Лекин фитратшунослар бажариши ва ҳал қилиши лозим бўлган катта вазифалар ҳали олдинда.

Маълумки, Абдурауф Фитрат фақат шоир эмас, балки улкан шеършунос. Фақат драматургмас, такрорланмас адабиётшунос, тилшунос, санъатшунос ҳамдир. Фитратнинг истеъдоди ва ижоди йигирманчи асрда камол топди, худди шу асрда унинг умри қурбон ҳам бўлди. Фитратнинг ўз асри даҳолари сафидан ўрин эгаллашига эса ҳеч қандай ёвуз куч монелик қила олмади.

Умуман, даҳолик қандай белгиланади, мезонлари қанақа ва уларни ким қандоқ қабул қилади бизнингча, бунда ягона бир фикр ва қоида йўқ. Бўлиши ҳам мумкин эмас. Акс тарзда бир даҳо иккинчи даҳони инкор этишига тарих гувоҳлик бермасди. Ёки бир халқ даҳо дея бошига кўтарган ижодкор асарларини бошқа миллат вакиллари ўқиб-ўрганишга умуман қизиқмаслигини қандай изоҳлаш мумкин?

Абдурауф Фитрат ҳеч қачон даҳолик даъвосида бўлмаган, ҳеч вақт даҳолигини ўйламаган. Бироқ у ҳақиқий даҳоларга хос буюк Шахсият соҳиби, юксак истеъдод эгаси эди. Ундаги ишчанлик, илм ва ижоднинг бир қанча тармоқларида фавқулодда зеҳният ва дид билан фаолият кўрсатиш, мутафаккирлик камдан-кам даҳоларга насиб айлаган фазилатлардир. Фитрат Шарқ адабиётининг чинакам билимдони, беназир тадқиқотчиси бўлган. Зеро у динни, тасаввуфни, Шарқ халқлари тарихи, фалсафаси, мусиқа ва бадиий ижодини ҳавас қиларли миқёсда эгаллаган. Бир сўз билан айтганда, мумтоз адабиётни ўрганмоқ учун зарур саналган иқтидор ва зукколик Фитрат домлада мавжуд бўлган.

Албатта, Фитратнинг илмий ишларида баҳс ва мунозарага ундайдиган ўринлар, айрим бир камчиликлар йўқ эмас, бор улар. Бироқ шундай ўринлар хусусида баҳс юритилганда ҳам Фитратнинг «панжасига панжа урмоқ» осонмаслиги эсдан кўтарилмагани мақбул.

Филология фанлари доктори, профессор Ҳ. Болтабоев Фитратнинг «Адабиёт қоидалари» қўлланмасига ёзган сўзбошисини шундай фикр билан бошлайди: «Навоий даврининг нуктадон мунаққидларидан бири Зайнуддин Восифийнинг нақл қилишича, ҳазрат Мир Алишер Навоий «шеършуносликни шоирликдан ҳам улуғ сифат» деб қадрлаган эканлар». Фитрат худди шунақа шеършунослардан.

Фитратнинг шеършунослиги моҳиятшунослик, руҳониятшунослик, нафосатшунослик ва маҳоратшуносликнинг бир уйғунлашувидир.

Фитрат шеър таҳлилига киришганда тил ва тарих, илм ва фалсафа хизматга шайлиги доимо сезилади. Унинг хаёллари шеърдан тарихга, тарихдан шеърга, воқеликдан фалсафага, фалсафадан яна гўзаллик илоҳаси шеърга шавқланиб парвоз қилади. Шеърнинг ички сирларини у ниҳоятда нозик фаҳмлайди, зарур ўринларда шеърни бемалол сўзлатади.

«Адабиёт қоидалари»даги илмий шарҳ ва таҳлилларни қўя турайлик, танланган шеърий мисолларнинг ўзиёқ Фитратнинг қандай шеършунос эканлигини кўрсатувчи «ҳужжат». Уларнинг кўпчилиги Навоий, Бобур ва Чўлпоннинг ўлмас сатрлари. Қўлланмада Алишер Навоийнинг ғазал, туюқ, таржиъбандлари, «Мезон ул-авзон», «Маҳбуб ул-қулуб», «Муншаот» асарларидан кетма-кет намуна ва иқтибослар келтирилган. Унинг «Услубнинг умумий,

хусусий ҳоллари» дея номланган фаслида эса ҳазрат Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достонидан олинган 25 байт, яъни эллик сатрнинг ғоявий-бадиий хусусиятлари ёритиб берилган. Бу ҳам, албатта, Фитратнинг шеър танишдаги зукколиги ва Навоий санъаткорлик мақомини жуда баланд, деб билганлигидандир. Унингча, «Навоийнинг шоирлиги, санъаткорлиги ҳамма чиғатой шоирларидан юқорида туради». Аммо қўлланмада баъзи ўринлар учрайдики, улар юза қаралганда Навоийга «жиндек» тегинишдек бўлиб туюлмоғи шубҳасиз.

Фитрат «Қайтиш (Ружуъ)» санъатининг хусусиятини изоҳлаб, ружуъдан маҳорат билан фойдаланишнинг намунаси ўлароқ, Навоийдан ҳам қўйидаги уч байтни танлайди:

«Кўнгул аро ҳушдин хабар йўқ,
Не ҳушки, кўнглидан асар йўқ.

Ҳар бир монғишида бир латофат,
Йўқ, йўққи, сочиб жаҳонға офат.

Азм айла сабо ул гули хандонимға,
Не гулки, қуёшдек моҳи тобонимға».

Қайтиш санъати талаби нуқтаи назаридан қаралса, ушбу байтларнинг бири иккинчисидан гўзал, иккинчи сатрлардаги фикр ҳаммасида ҳам олдингисидан кучли ва таъсирли. «Шундай бўлмағач, қайтишнинг маъниси қолмайдир», дейди Фитрат ва фикр исботи учун яна Навоийдан мисол келтиради. Унингча: «Навоийнинг:

Бўлмаса ишқ, икки жаҳон бўлмасун,
Икки жаҳон демаки, жон бўлмасун, –

деганидағи қайтиш мана шундай кераксиз қайтишлардандир.

Чунки, бу «икки жаҳон бўлмасун» деганига рози бўлмай, «йўқ жон бўлмасун», дейдир. Ҳолбуки, иккинчи фикри биринчи фикридан кучсиздир».

Бу «кучсиз»ликнинг асосини Фитрат негадир шарҳламайди. Нима учун? Мен буни ўша давр шеърхонларининг илми ва савиясига ишончдан бўлса керак деб ўйлайман. Чунки ўтган асрнинг йигирманчи йилларида мумтоз шеъриятни «анъанавий» бир йўсинда ўқиш, ундаги ирфоний маъно ва тимсол мазмунларини ҳам чуқур англаб, ўзларича талқин қилиб биладиган шеърхонлар ҳозиргига нисбатан кўп эди. Хусусан, Яссавий, Румий, Саъдий, Ҳофиз, Бедил, Машраб каби шоирларнинг шеърларини ўқиб суяги қотган китобхон бир-икки жумла гап ёки ишоратдан мақсад ва моҳиятни илғай олган. Афсуски, бундай шеърхонлик тажрибалари ҳам тарихга айланиб қолди. Истанг, истаманг, бизнинг мумтоз шеъриятни ўқиш ва тушуниш малакамиз бугун бошқача. Ўтмишда яшаб ижод этган буюк санъаткорларимизнинг асарларини қўлга олиб фикрга толиш, улардаги маъно ва туйғу тасвирларидан завқланиш учун, очиғи, бизда илм ва ишқ етишмайди. Биз, асосан, шахсий тушунча, тасаввур ва тахайюлларимизга мувофиқлаштириб англаймиз уларни. Натижада йўқ жойдан муаммо яратилади. У ёки бу масала юзасидан ноўрин ва нотўғри фикр-хулосалар ҳам илгари сурилади.

Мен ҳам биламан, Фитратнинг юқорида келтирилган танқиди кўпчиликка ёқмайди. На илож? Фитрат хатога йўл қўйган бўлса, буни далиллар билан асослаш ва исботлаш керак. Навоий фойдасига ҳал бўладиган ҳар қандай иш таҳсинга лойиқ.

Шу йил «ЎзАС» газетасининг 16 август сонида филология фанлари номзоди, заҳматкаш олим дўстимиз Сувон Мелининг бир мақоласи чоп этилди. «Ҳазиллашманг даҳо билан ёхуд ким ҳақ Фитрат ёки Навоий?» деб аталган мазкур мақола муаммони узил-кесил ҳал этишга бағишланган. Сарлавҳаданоқ муаллифнинг масалага тамоман ўзгача ёндашганлиги ва бир қадар ҳакамликни ҳам зиммасига олганлиги билинади. Сувон Мели мушоҳада тарзи ва талқинларининг ўзига хослиги билан танилган олим бўлиб, мақолалари ўқувчиларни бефарқ қолдирмайди. Бу гап «Ҳазиллашманг даҳо билан...» мақоласига ҳам тегишли.

Филология фанлари номзоди А. Холмуродовнинг «Тарихий тамойилга таяниб...» номли мақоласидаги («ЎзАС», 2002, 15 ноябр) қўйидаги гаплар бунга бир далилдир: «Ҳазиллашманг даҳо билан...» мақоласидаги чўнг мақсад ҳар қандай юксак санъат асаридаги арзимасдай туюлувчи бирор-бир детал ёки персонаж, бир сўз ё тимсолнинг ортиқча эмаслигини, аксинча, аксарият ҳолларда асар ғояси айнан шундай «арзимас нарсалар» орқали тўла очилишини далиллаб кўрсатишдир. Ва С. Мели бу мақсадни мақоласида амалга ошира билган».

Чиндан ҳам шундайми?

Мақоланинг қарийб ярмини ташкил этган «Қирол Лир» трагедиясидаги Масхара образи билан боғлиқ мулоҳазаларнинг аҳамиятини таъкидлар экан, А. Холмуродов ҳеч қанақа саволга ўрин қолдирмайдиган хулосасини ҳам ёзади: «Муҳими, мақола муаллифининг ҳазрат Навоийнинг «Бўлмаса ишқ...» байти, Фитрат домла ёзганларидек, «кераксиз қайтишлардан» бўлмай, зимнида улуғвор маъно жо бўлган чўнг теософик фикр» эканлигини исботлаб бергани, исботлаш жараёнида келтирилган далилларнинг ишончлилиги ва изчиллигидадир».

«Чўнг теософик фикр» қандай бўлиши ва бу таъбирнинг Навоий байтига қай даражада дахлдорлигини А. Холмуродовнинг ўзи мустақил равишда ўйлаб кўрганмикан? Йўқ. Ҳатто «Ҳайрат ул-аброр»нинг ишқ таърифидаги тўққизинчи мақолотини ўқиб бундоқ мағзини чақишга ҳам уринмаган. Модомики, Навоий ва Фитрат баҳс мавзуига айланган экан, мақола ўқиб, мақола ёзишдек журъаткорликдан сақланиш зарур эди.

Эҳтимол, Сувон Мели ҳақдир? Балки у кўзланган мақсадни мақоласида тўла амалга ошира олгандир?

Келинг, яхшиси мақоладаги мавзуга бевосита алоқадор фикрларни бир кўздан кечирайлик. Фитрат домла «кераксиз қайтишлардандир», деб белгилаган байтни назарда тутиб муаллиф дейди: «Ушбу қўшмисра «Хамса»нинг концептуал мужаррад достони «Ҳайрат ул-аброр»нинг тўққизинчи мақолотидаги «Ишқ ўти таърифидаким...» деб бошланадиган бобидан. Унда ҳазрат Навоий уч ҳодиса ишқ, икки жаҳон ва жон муносабатини бадиий тадқиқ саҳнига қўяётир. Фикримизча, нафақат достон, балки бутун «Хамса»даги таянч нуқталардан бири бўлмиш мазкур байтда улуғ шоир нега «жон»ни «икки жаҳон»дан юксак мавқега қўймоқда? Нега «жон»ни махсус санъат ружуъ орқали таъкид ила ишққа вобаста этмоқда «Бўлмаса ишқ... жон бўлмасин»? Шунинг учунки, «жон» бирламчи, «икки жаҳон» жондан кейин, унга тобе».

Бир қарашда ушбу мулоҳазалардаги мантиқ жуда жойида ва яхши. Фақат уларнинг Навоий байтидаги мантиқ билан боғлиқ эмаслиги яхши эмас.

Биринчидан, Навоий «Хамса»нинг илк достонидаги ўша байтда «уч ҳодиса ишқ, икки жаҳон ва жон муносабатларини бадиий талқин саҳнига» қўяётгани йўқ. Балки дунёнинг яралишига сабаб бўлган ишқнинг оламшумул моҳияти ва қудратини идрок этишга ақл эмас, Кўнгул қодирлигини таъкидлаган, холос. Аслида гап ишқ ва кўнгул муносабати ҳақидадир:

Қайдаки ишқ ўти бўлуб шуълакаш,
Ақл ўлуб ул ўт уза хошокваш.

Ғайри кўнгул хиттаи маъмураси,
Ким куюбон бўлди бу ўт кўраси.

Қайси кўнгулники, макон этти ишқ,
Ўтдин ани лаълға кон этти ишқ.

Бўлмаса ишқ, икки жаҳон бўлмасун,
Икки жаҳон демаки, жон бўлмасун.

Қани бунда «жон»нинг «икки жаҳон»дан юқори мавқега қўйилгани? Бундан ташқари, бу ўринда Навоий «жон» бирламчи, «икки жаҳон» ундан кейин, унга тобе деган қарашдан йироқ бўлган.

Сувон Мели мақолотдаги бош мақсадни аниқ ва тўғри англамаганлиги боис Навоийнинг бир ғазалидаги:

Ҳажр ўлумдин талх эмиш, мундин сўнг, эй гардун, мени
Айлагил жондин жудо, қилғунча жонондин жудо, –

байти мазмунини ҳам ўзича англайди ва: «Лекин бундай бўлмайди. Бундай бўлиши мумкин эмас. Негаки жононга шунчалик шаҳд билан талпинган «мен» ва «жон»ни «гардун» ҳам аяйди ҳойнаҳой», дея ғирт замонавийлаштирилган ҳукм чиқаради. Ҳолбуки, «Адабиёт қоидалари»даги икки жумла гапни муаммо даражасига кўтаришдан аввал, ҳеч бўлмаганда, «Айлагил жондин жудо қилғунча жонондин жудо» мисраси замиридаги яширин маънони топиш зарур эди. Ана шунда, «жон» нафақат «икки жаҳон» балки ўн саккиз минг оламнинг кўзгуси. Кўзгусигина эмас, бор қилувчиси, борлигининг оқловчиси...» каби «фалсафий» мулоҳазаларни тўқишга иштиёқ дарҳол сўнарди.

Маълумки, жон калимаси форсча бўлиб руҳ, равон (ҳаракатланувчи) нафс маъноларини англатади. Ирфоний мазмунда эса жон илоҳий нафас, Ҳақ тажаллилари, боқийлик сифоти демакдир. Гап шундаки, Шарқ шеърияти намуналари ўқиб-ўрганилаётганда ёки талқин қилинганда мазкур маълумотлар билан чегараланмай «жон» ва «жонон»га доир шарҳ ва талқинлардан ҳам батафсилроқ хабардор бўлиш лозим бўлади. Тасаввуфда «жонон» сўзи Раб, Аллоҳ, Аллоҳнинг қайюмият сифатлари мазмунларини акс эттиради. Шу сифатдан алоқаси узилган борлиқлар мавжудликдан ажралиб дарҳол йўқ бўлиб кетади. Ҳақиқий ошиқлар жондан эмас, жонондан жудо бўлишни мусибат ҳисоблашлари шундан. Бу нуқтаи назар Фузулийнинг мана бу байтида аниқ ифодасини топган:

Ё Раб, манга жисму жон керакмас,
Жонон йўқ эса жон керакмас.

Ошиқликда вужудни назарга илмаслик мумкиндир. Жондан нега бунчалик осон кечмоқ керак? Чунки жон ҳам тан сингари инсоннинг моддий борлиғи эрур. Жонини севганлар моддиётга тутқун, яъни дунёга тобе бўлганлардир. Жонга, демакки, моддага боғланиб қолганлар аҳли касратдурларки, улар илоҳий ишқ завқ-шавқидан бенасиб қолганлар. Ишқ жондамас, балки ошиқнинг кўнглида тажалли айлайди. Шу боис кўнгул ойнаси бутун бў-

лиши шарт. Чин ошиқликнинг олий аъмоли ҳам жонни минг парча этиб, руҳни тан қафасидан озодликка чиқаришдир. Унгача на дард, на ғам тинчлик бермайди. Бу ҳақиқат ҳам Фузулий томонидан жуда гўзал акс эттирилган:

Жону тан ўлдукча мандин дарду ғам эксик эмас,
Чиқса жон, хок ўлса тан на жон керак, на тан манго.

Унда ошиққа нима керак? Бу саволга Навоий ғазалларидан биридаги мана бу фикрлар жавобдир:

Хуштурур жону жаҳон жонон била, жонон агар
Бўлмаса жон ийлаким, ўлмас жаҳон, зиндон эрур.

Маълум бўлаётирки, Навоий «жон», «жаҳон» ва «жонон» муносабатини бадиий талқин қилишда Ваҳдати вужуд маслагига асосланган. Ва на жонни, на жаҳонни шу илоҳий вужуддан айри ҳолда тасаввур этмаган.

Шарқдаги ориф ва мутафаккирлар жонни бир неча турга ажратиб тавсиф қилишган. Ҳожи Бектоши Валининг мақолотида ўқиймиз: «Эй азизим! Жонлар дерсан, жон неча хилдир? Жон тирилди дерсан. Жон олдин ўликмиди? Ўлик қандоқ тирилар?»

Ориф, саволинг қонунийдир. Эшит: Жон икки турлидир. Бири жон, яна бири жонон: (Эй Муҳаммад), сиздан руҳ жон ҳақида сўрайдилар. Айтинг «Руҳ ёлғиз Парвардигорим биладиган ишлардандир» (Қуръон: 17, 85-оят).

Бошқа бир нуқтаи назардан жон уч турда таърифланур:

Биринчи жонга жисмоний руҳ дейилурки, вужудни тирилтирар тикан санчилгани ва қил тортилганини сезар.

Иккинчи жонга маош руҳи, яшаш руҳи дейилур. Ер, ичар, очиқар ва сувсар.

Учинчи жонга руҳи равон дейилурки, вужуд бедор бўлиши билан уйғонар...»

Анча кенг тарқалган нуқтаи назарга кўра, икки турли жон бўлиб, биринчиси, барча жонзотларда мавжуд ва ҳар бир жонлининг тириклигини таъминлайдиган қудратдир. Унга «ҳайвоний жон» дейилган. Иккинчи жон ёлғиз инсонга ато этилган илоҳий жавҳардир. Нур ва қудратдан иборат бу жавҳарга руҳ дейилган.

Худди шу жойда Навоий байтига қайтиш эҳтиёжи туғилаётир:

Бўлмаса ишқ, икки жаҳон бўлмасун,
Икки жаҳон демаки, жон бўлмасун.

Шу икки жаҳон қандай жаҳон? Маълумки, чин ошиқликда уч асосий марҳала бор. Шулардан биринчиси, Тарк, яъни тарки дунё, тарки уқбо ва таркни ҳам тарк қилишдир. Шунга кўра моддиёт тамсили бўлмиш «икки жаҳон»дан кечишга ишқ аҳлида тараддуд бўлиши мумкин эмас. Бас шундоқ экан, иккинчи мисрадаги «жон» ҳам Ваҳдатдан айри қолишга маҳкум «ҳайвоний жон» ўткинчи мавжудликдир.

Сувон Мелининг мақоласи охиррофидаги «Жонон билан якпора, якжиҳат жон» ҳақидаги мулоҳазалари тўғри. Лекин уларни мазкур байтдаги «жон»га нисбат бериб бўлмайди. Акс тарзда Фитрат иккинчи мисрадаги фикрни биринчи мисрадагига қараганда «кучсиздир», демаган бўларди.

Фитрат ҳазрат Навоий ижодиётини «ипидан игнасигача» меҳру муҳаббат билан ўрганган, устозининг қатор асарларини, жумладан, «Мажолис ун-нафоис»ни такрор-такрор

назардан ўтказган. Менимча, Фитратнинг шеършуносликдаги биринчи устози Навоий. У Навоийнинг адабий-танқидий қарашларидан сабоқ олган ва илҳомланган. Ахир, Навоий энг буюк салафларининг асарларида назарга чалинадиган етишмовчиликларни ҳам дадил айтган-ку! Қолаверса, Фитрат Навоий билан ҳазиллашиш ёки мутафаккир шоир ижодидан камчилик излашни хаёлга ҳам келтирмаган. Инсоф юзасидан буни тан олиш керак. «Фитрат билган «кучсиз»ликни Навоий билмаганми?» деган савол туғилиши, табиий. Навоий жуда яхши билган.

Санъат завқи, қалбдан қуюлиб-ёғилиб келаётган байтлардаги оҳанг сеҳри, қофиялардаги мусиқий уйғунликлар ижодкорга баъзан мантиқ «тарозуси»ни эсламасликка изн беради. Вазн сўзларнинг ёлғиз «сафдош»лигини эмас, сасдошлигини ҳам таъминлашга хизмат қилади. Шунда маънан ва мантиқан муносабатга киришув натижасида сўзларнинг табиатида ўзгариш ва янгиланиш ҳосил бўлганлиги ҳам осон кузатилади. Вазн ила «занжирланган» сўзлар мазмунан бир-бирига қанчалик зид ёки тескари бўлмасин, мутлақ зайлда шоирнинг ҳукмга тобелашувдан ташқари бир-бирларини қўллаш, ўзаро «тил топишиш» ва ягона бош мақсад учун ҳаракат қилишга ҳам мажбур бўладилар.

Энг асосийси, кашф ҳолатларида қалам тебратган санъаткор борки, айтарли ҳаммасининг ижодида танқид қилишга тил бормайдиган жузъий нуқсонлар учрайди. Бизнингча, Фитрат ҳам масалага бошқа бир миқёс бермаган. Бор-йўғи биргина сўз мазмунига эътироз этган, холос

ШАРҲ ВА ТАҲЛИЛ

«КИЙИК ЧАРМИ ЗАИФ ЭГНИМГА...»

Кийик чарми заиф эгнимга мажнунлуғ нишони бас,
Жунун тоши синуқ бошим уза қуш ошёни бас.

Дамингни асра, эй Исоки, ранжим даъфиға ҳар кун,
Ғизо ул ой қиличи захмининг бир қатра қони бас.

Сену ҳайвон суйи, эй Хизр, тутқил тарки жонимким,
Манга ёр олдида ўлмак ҳаёти жовидоний бас.

Шаҳу иззат саририким, агар будур жаҳон жоҳи,
Манга идбор кўйида мазаллат хокдони бас.

Ғанию кўнглида пинҳон дирам фикрию ишқ ўти
Менинг кўнглумда куйдурган неча доғи ниҳоний бас.

Санга кавсар суйию лаҳни Довудийки, дайр ичра
Муғанний нағмаси бирла манга жоми муғоний бас.

Ҳаводис дафъиға шаҳ кўк ҳисори узра гар чиқсун
Ки, фақр аҳли учун дайри фано дорул-амони бас.

Фиғонким, лутфу қаҳрига тафовут йўқни ҳам англаб,
Фано аҳлиға жаврин қилмади бу дайри фоний бас.

Навоийдек ўлар ҳолимда деманг ҳуру жаннатдин,
Сезинг барчаки, бу ovораға бир кўрмак они бас.

Маълумки, инсон фарзанди учун дунёда ҳурликдан олий саодат йўқ. Шеъриятдаги энг гўзал ҳиссиётлар ҳурлик завқи ёки ҳурлик ҳолатларида туғилган. Инсон нима учун комил бўлишни мақсад қилиб белгилаган? Нима учун у тинимсиз равишда комиллик йўлида ранж ва заҳмат чекиб келади? Бунинг жавоби битта: тўла маънода эркин бўлиш учун. Фикрда, ишда, яшашда ҳурликни қўлга киритиш - комилликнинг тамали ана шу. Баландпарвозроқ эшитилса ҳам айтиш керакки, эркинлик йўли - маъно ва маънавият, ҳақиқат ва руҳоният йўли. Фақат ҳурлик маслагига соҳиб одамгина Аллоҳ амру фармойишларини тўғри англаш ва Ҳақни ботилдан ажратишга қодирдир. Эркинлик чиройли гап эмас, балки амалий тажриба эрур. Азизуддин Насафийнинг таъкидлаб ёзишича, «Ҳур бўлмиш комил инсон саккиз нарсада мукаммалликка эришмоғи лозим. Булар: яхши сўз, болиғ (балоғатли) фикр, тўғри фаолият, гўзал ахлоқ, маърифат, тарк салоҳияти, узлат, қаноат ва ҳомул (мажҳуллик) дир. Ана шу саккиз унсурни ўзида мукаммаллаштирган киши комил ва озод, етук ва ҳурдир». Оддий кўринган бу саккиз «унсур»нинг биринчисидаёқ одам ўзининг ожизлиги, ахлоқ ва фаолиятда, албатта, ноқисликка ён беришни намойиш қилади. Демак, ҳурлик деганда,

энг аввало, фикр салоҳияти, ахлоқ гўзаллиги, тўғри амал ва маърифат даражаси назарда тутилмоғи шарт. Зеро, фикр-савияси паст, маърифатсиз кимсанинг ҳурликка талпиниши хосиятсиздир. Онг ва қалб ҳаётидаги кўп ожизликлар эрк масаласини беҳад тор англашга бориб тақалади. Алишер Навоийнинг ҳар бир ғазалида шундай маҳдудликка қарши ботиний исён бор. Навоий кўп ғазалларида ҳурлик моҳиятига таяниб фикр билдиради, ҳурлик маслаги шаклланган лирик «Мен»нинг сўз ва ҳолатларини кутилмаган тимсол, ташбиҳ, мажозлар воситасида тасвирлайди. Илк дафъа «Бадоеъ ул-бидоя» девонидан ўрин олиб, «Хазойин ул-маоний» тартиб берилганда «Ғаройиб ус-сиғар»га киритилган «Кийик чарми заиф эгнимга мажнунлиғ нишони бас» мисраси билан бошланадиган тўққиз байтли ғазал шундай шеърлардан бири. Унинг илк байтини ўқишданоқ сезгир шеърхон гап нима ҳақидалиги, нима учун шоир заиф вужудига «мажнунлуғ нишони» ўлароқ айнан «кийик чарми»ни ўйлаётганлигини осон илғайди. Зеро, кийик - тўла маънодаги эркинлик тимсоли. Шу боис ҳам «кийик чарми» заррача бўлсин, «мажнунлуғ нишони»га монелик қилмайди.

Мажнун - жунун калимасидан пайдо бўлган. Жунун эса, аслида яшириниш, беркиниш демак. Тасаввуфда илоҳий ишқдан сармаст бўлиш, ақлу ҳушдан бегоналик ҳолига жунун дейилган. Жунун камоли - ишқ ва эркинлик камоли. Ҳеч бир давр ва замонда жамият жунун камолини қувватламаган, қувватлаши мумкин ҳам эмас. Чунки «Жунун тоши синуқ бошим уза қуш ошиёни бас», деган даражага кўтарилган кишининг бу орзуси аҳли жамият учун тушуниксиздир.

Ҳамма замонларда ҳам оддий одамлар жамоаси кечишни эмас, эришишни, узлатни эмас, ҳамжиҳатликни, мутлақ ҳурликни эмас, ўзаро боғлиқликни маъқуллайди. Бунда ҳур ва озод бўла олиш, чинакамига ҳур ва эркин яшаш ҳамманинг ҳам қисматига битилмаганлигини олдиндан билиш керак. Юнус Эмро бир шеърида «Менда бир Мен бордир, «Мен»дан ичкари» - дейди. Аслида ҳақиқий ишқ ва ҳурлик соҳиби ўзликдан юксак кўтарилган ана шу «Мен»дир. Навоий бошқа бир ғазалида:

Танимга чоклар очти, не айб, агар ўлсам
Ки, руҳ булбулининг лойиқи эмас бу қафас, –

деганида худди ўша «ичкари»даги «Мен»нинг ҳукмини ифодалаган. Бу «Мен» ҳамма нарсага бошқача қарайди, ҳамма нарсани мутлақо ўзгача кенгликларда идрок айлайди. Масалан, унинг нурга муносабатини олайлик. Кўзнинг нури кўради, бироқ кўрсатмайди. Ой, қуёш, юлдуз ёки оловнинг нури кўрсатади, аммо кўрмайди. Фақат Ҳақ Таолонинг нури ҳам кўради, ҳам кўрсатади. Демак, Хақ нури ила кўриш, билиш ва мушоҳада айлаш ошиқни ҳатто айрим набилар ва расулларга муҳтожликдан ҳам халос қилишга қодир. Қуйидаги байтлардаги мурожаатларда шундай ҳақиқат яшириндир:

Дамингни асра, эй Исоки, ранжим дафъиға ҳар кун,
Ғизо ул ой қиличи захмининг бир қатра қони бас.

Маълумки, Исо Руҳуллоҳ ўзининг нафаси билан ўликни ҳам тирилтирган. Ғазал қаҳрамони эса Исо дами - нафасини гўё назарга илмайди. Яъни, «Менинг ранжим шифоси учун маъшуқам қиличи захмининг қатра қони кифоя», дейди. Навбатдаги байт маъноси ҳам шунга ўхшаш:

Сену ҳайвон суйи, эй Хизр, тутқил тарки жонимким,
Манга ёр оллида ўлмак ҳаёти жовидоний бас.

Бундоқ қаралганда, Хизрга насиб этган оби ҳаёт - абадий тириклик учун нақд нарса. Навоий тасвиридаги ошиқда бунга ҳам иштиёқ йўқ. У ҳаёти жовидонийга ўлим орқали эришмоқчи. Ёр олдидаги бу «ўлим» ҳам поклик, ҳам вафо, ҳам руҳни равшан этгувчи маърифий тириклик мазмунига эга. Бунда бошқа ҳақиқат ҳам бор, албатта. Хизрнинг олами - олами висол. Тасаввуф истилоҳида Хизр баст (ёлвориш, рижо)дан киноятдир. Ушбу ғазал алоҳида диққатга молик қаноат ва тарк туйғуси билан битилган. Шу боис унда кўпчиликка унча қизиғи йўқ бирор нарса учун, кўпчиликни қизиқтирувчи иккинчи бир нарса инкор этилиб борилади. Шоҳлик тахти ва иззати кимни ўзига жалб қилмайди, дейсиз? Жаҳоннинг катта амал ва баланд мартабаларига очиқ кўз ила қарай олган, ҳурликнинг афзалликларини тўғри баҳолашга қодир киши, ҳеч шубҳасизки, ғазал қаҳрамонининг «Агар жаҳоннинг амалу мансаблари шу бўлса, менга бахтсизлик кўйида хорлик хокдони бас», дейишига асло эътироз билдирмайди:

Шаҳу иззат саририким, агар будур жаҳон жоҳи,
Манга идбор кўйида мазаллат хокдони бас.

Ошиқ кўнгли - холис кўнгил. Холислиги шундаки, унда ишқдан ўзга ҳеч бир нарса ўрин топмайди. Чунки ошиқнинг бойлиги ҳам, давлати ва салтанати ҳам ишқдир. Ғанийликда эса бундай бирлик бўлмайди. Истанг-истаманг, «дирам фикри»дан фориғ бўлиш мушкулдир. Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтайлик. Моддий бойликнинг ўз-ўзича ҳеч қандай зарарли жойи йўқ. Лекин бойликка ҳавасдан - ҳирс, ҳирсдан ҳасрат туғилиши муқаррар. Ҳамма гап мана шу кулфатдан ўзини муҳофаза эта олишда. Мол-давлатга қул бўлмаган одам дунёпарастлик ҳирсига берилмайди. Навоий кўнглидаги «доғи ниҳоний»ни софлик, воҳид мақсаддан чалғимаслик мазмунида талқин этиб, дейди:

Ғанию кўнглида пинҳон дирам фикрию ишқ ўти,
Менинг кўнглумда куйдурган неча доғи ниҳоний бас.

Тасаввуф одоби бўйича тарки дунё қилган киши тарки уқбога ҳам эришмоғи лозим. Жаннат хаёлидан йироқлик ўз-ўзидан воқе бўлмайди. Балки дийдорталаблик эҳтиёжини ифодалайди. Ва солик бутун борлиғи ила «Ҳар не қилсанг, ошиқ қилғил парвардигор», дея ёлворади.

Нақл қилинишича, Ҳазрати Довуд куй чалиб, қўшиқ айтганда энг хушовоз қушлар унинг елкасига келиб қўнишаркан. «Лаҳни Довудий» Довуд нағмаси Довуд пайғамбар куй ва қўшиқларининг бениҳоя гўзал ва таъсирбахшлигига ишоратдир. «Дайр» - инсоният олами. «Жоми муғоний» - ориф ва авлиёлар жоми. Навоий навбатдаги байтда «Эй жаннатпараст, кавсар суви ҳам, жаннат эшигини очувчи лаҳни Довудий ҳам сенга бўлсин, менга ҳаёт гулшани ичра муғанний оҳанглари-ю, орифу авлиёлар суҳбатидан файз етса бас», деган фикрни илгари сурган:

Санга кавсар суйию лаҳни Довудийки, дайр ичра
Муғанний нағмаси бирла манга жоми муғоний бас.

Шоҳ ва фақир тазоди мумтоз адабиётимиз учун бир анъанага айланган. Бунда шоҳлик салтанатидан фақирлик салтанати ҳамиша устун қўйилади. Фақр икки маънони акс эттиради: биринчиси – камбағиллик, йўқсиллик, бойликка муҳтожлик. Иккинчиси – инсоннинг ҳар жиҳатдан Аллоҳга эҳтиёжмандлик сезиши. Шу маънода кўп мол-давлатга эга кишилар ҳам фақир дейилади. «Рисолаи Қушайрий»да ёзилишича, фақр авлиёнинг шиори, асфиёнинг (соф кишиларнинг) зийнати ва Ҳақ дўстларининг хислати эрур. Шу боис Ҳақ халқни фақирлар воситасида кўрур. Фақирликнинг ҳурмати ва баракотидан халқу халойиқнинг ризқини оширар. Фақир – барча ёмон феъллардан қутулиб, яхши хислатлар ила ғанийлашганлиги учун фано ҳолига содиқдир. Навоий шундай фикр-қарашларга асосланиб фақру фаноликни улуғлайди:

Ҳаводис дафъиға шаҳ кўк ҳисори узра гар чиқсун
Ки, фақр аҳли учун дайри фано дорул-амони бас.

Фақир билан сўзлашганда, севги ва муҳаббат тили билан сўзлашмоқ керак. Чунки фақир ишқни Аллоҳга восил этадиган бош ва дахлсиз йўл ҳисоблайди. У фано филлоҳ мақомига кўтарилгач ўзини дунёвий ва ухровий бир борлиқ сифатида кўрмайди. Ана шунда у «Ҳуру жаннат» орзусини хаёлга ҳам келтирмайдиган даражада маънан юксалади. Навоий кавсар суви билан бошланган фикрни гўё хулосалаб ғазал мақтасида ҳар нарсадан Ҳақ жамолини устун кўришни таъкидлайди:

Навоийдек ўлар ҳолимда деманг ҳуру жаннатдин,
Сезинг барчаки, бу ороға бир кўрмак они бас.

Тасаввуфда ўткинчи дунё ва дунё билан алоқадор ҳар қандай тобеликлардан қутулиб маънавий ҳурриятга етишган кишига Озод дейилган. Мухтасар таҳлил этганимиз ғазалда ҳам Ҳазрат Навоий Озод шахс фикр-қарашларини акс эттирган. Ҳурлик ва эркинлик тушунчаларининг асл моҳияти ва талабларини пухта билиш учун бундай ғазалларга қайта-қайта мурожаат этиш зарурдир.

«ЖУД ЭМАС КЎП БАЗЛ УЧУН...»

Жуд эмас кўп базл учун кўп мол қилмағлиғ ҳавас,
Ким берур кўптин кўп, оздин оз ани бил жуду бас.

Разл тақдим этса йўқ аҳли сафоға ҳеч бок,
Суға не нуқсон, гар анинг устида ер тутса хас.

Ёр исидур ком келтурсин сабо ёхуд шамол,
Дўст тақририға ровий хоҳ Бузар, хоҳ Анас.

Тожварлар оқ уйида сокин ўлса аҳли ишқ
Уйладурким булбулу ҳудҳудға бўлғай бир қафас.

Корвони дард ила қатъ эт муҳаббат даштини
Ким, нидое муждайи васл айлар анда ҳар жарас.

Сурма ул шабхез аёғи гардин, этким кечалар,
Итча йўқ кўйида гар худ шаҳна бўлсун, гар асас.

Дайр пири журъасин гар тутса бизга муғбача,
Нақди жондин ўзга ўтрусида йўқтур дастрас.

Эй Навоий, ишқ сиррин ким ҳавас қилса, дема
Ким, эшитмакка бу сўз лойиқ эмас ҳар булҳавас.

Бу ғазал Алишер Навоийнинг «Наводир уш-шабоб» девонидан ўрин олган. У Шарқ ўқувчиси учун яхши таниш бўлган «жуд» сўзи билан бошланади. Жуд-жўмардлик, сахийлик, мутлақ хайр-эҳсон соҳиби бўлиш демак. Биринчи мисрадаги «базл» калимаси ҳам маъно эътибори билан жудга яқин. Базл чин дилдан бахшиш айлаш, харжлаш дегани. Базл бирор бир нарсани кимгадир кўнгил хушлиги ила ҳадя этишни талаб қилса-да, у жўмардликдан паст, саховатдан юқори ҳисобланган. Чунки саховат соҳиби молнинг бир қисмини бериб бошқа қисмини сақласа, базл гуруҳига мансуб кишилар мол-мулкининг кўпини ўзгаларга тарқатиб оз қисмини ўзига олиб қолишган. Базли нафс ва исори нафс – фидокорлик, энг яхши ва қимматли нарсасини ҳам ҳадя этишга қодирлик эрур. Бироқ ҳамма ишнинг меъёри ва чегараси бўлганидек, базлда ҳам чегара ва меъёр бўлган. Ҳазрат Навоий базл учун кўп мол сарфлашни жўмардлик деб тушунган, аслида жўмардлик – бу кўп бўлса – кўп, оз бўлса – оз нарса бериш талаби билан ҳисоблашмайдиган ва шу йўл билан халқ ўртасида довруғ таратишни кўзлагувчи «олийҳиммат»ларга қарата:

Жуд эмас кўп базл учун кўп мол қилмағлиғ ҳавас,
Ким берур кўптин кўп, оздин оз ани бил жуду бас, –

демишлар. Ахир, футувват ҳам, саховат ҳам ҳеч бир тарзда кўз-кўз қилинмаслиги, ҳимматнинг замирида қандайдир бир ғараз яширин бўлмаслиги керак.

Одамларнинг қисмати ҳар хил бўлганидек, хулқи ҳам ҳар хил. Бир тоифа кимсалар бўлади, азбаройи табиатидаги майдалик ёки тубанлик туфайли ўзларича тинмай илгарилаш, дунё ишларида қандайдир юқори даражани эгаллашга интилишади. Кўпинча бунга эришишади ҳам: бойлик деса бойлик, мартаба деса мартаба – ҳамма-ҳаммаси муҳайё. Одамлар бўлади, табиатидаги юксаклик ва маънавий виқор ғимирлашга, елиб-югуриб, эгилиб-букилиб ўтар дунёнинг ўткинчи ишларида муваффақиятларга етишувга сира имкон бермайди. Бойлик ва мол-мулк бир бутга дўнган, бойликка сиғиниш бут мавқеига кўтарилган замонда бундай одамларнинг аҳволини англовчилар ниҳоятда кам учрайди. Чунки зоҳирбинлик ва сувратпарастлик майллари «мис»ни «тилло»дан фарқлашга имкон бермайди.

«Билсанг, жўмардлик тўрт турлидир» – дейди Ҳожи Бектоши Валий, – биринчиси, мол жўмардлиги – бу бадавлатларга хос. Иккинчиси, тан жўмардлиги – бу ғозийларга хос. Учинчиси, руҳ жўмардлиги – бу ошиқларга хос. Тўртинчиси, кўнгил жўмардлиги – бу орифларга хос». Чинакам жўмардлик ошиқлик ва орифликдаги жўмардликдир. Халқу халойиқни эса мол жўмардлиги ўзига мафтун қилади. Фикр-савияси ўртача ёки ундан паст

кишилар содиқ бир ошиқ, фақир бир орифдан кўра ўзича ҳиммат «камари»ни белга боғлаган бир разилни олқишлашни мақбул кўради. Бу – кеча ёхуд бугун юзага қалқиб чиққан ҳодиса эмас, албатта. Агар шундай бўлганида эди, Алишер Навоий жуд ва базл ҳақидаги фикрни:

Разл тақдим этса йўқ аҳли сафоға ҳеч бок,
Суға не нуқсон, гар анинг устида ер тутса хас, –

дея давом эттирмасди. Дарвоқе, разл кимсанинг олийҳимматлик ролини бажариши унинг паст ва ярамаслигини яшира олмайди. Билъакс, аҳли сафо – ботин софлигини қўлга киритган зотлар, улар нечоғлик фақир, нечоғлик муҳтожлик исканжасида яшамасинлар, маънан ва моҳиятан барибир дахлсиздурлар. Ҳатто разл тақдим этган нарса ҳам аҳли сафога зиён кўрсата олмайди. Навоий бу ҳолатни устидаги хас-хашакдан нуқсон етмайдиган сувга қиёслайди.

Шарқ алломаларидан бирининг эътироф этишича, «Мавжуд ҳар бир киши бир қуш бўлиб Ҳазрати Сулаймон ила суҳбатлаша олур. Ҳар бири «Биз киммиз?», «Яратилишимиздаги ҳикмат недур?» – дерлар. У ҳамманинг дилини билар, барчанинг ҳикматини англар... Сулаймон хушбўй ҳиднинг ёки гўзал жамолнинг завқини орзу этар-да, бурнини унга яқинлаштирса барчасидин буйи Худони туяр». Сафо аҳли Сулаймон ила суҳбатдош бўлишга қодирдирларки, улар ҳам «ёр иси»дин завқланиб, кўнгилни фараҳга буркарлар. Бироқ бунда мужда, гул ва чечакларнинг очилишини таъминловчи сабо – тонг насими орқали етадими ёки шиддатли шамол ила келадими – бунинг аҳамияти йўқ. Зеро, худди Анас бин Моликдек Абу Зарр ал-Қифорийнинг ҳам Ҳазрати пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом тўғрисидаги фикр ва нақллари қимматлидир:

Ёр исидур ком келтурсин сабо ёхуд шамол,
Дўст тақририға ровий хоҳ Бузар, хоҳ Анас.

Умуман олганда, Навоий ғазалларини талқин қилиш осон иш эмас. Чунки уларнинг туб моҳиятига етиб бориш қийин. Рамзийлик, шартлилик ва мураккаб образли тасвир деярли ҳар бир ғазал учун хос хусусият бўлганлиги сабабли сўз мазмуни очилса, туйғу тўлқинлари тутқич бермайди, туйғуга диққат қилинса, руҳий оҳанг ва манзаралар назардан четлашади...

Хуллас, шарҳ ва талқинда қанақа йўл ёки усул танламанг, аллақандай жўнлик, саёзлик сизни таъқиб этгандай бўлаверади. Ғазаллардаги диний-тасаввуфий, мажозий ибора ва тимсоллар бамисоли бекик «қулф»: уни очмоқ учун тайёр «калит» йўқ. Масалан, юқоридаги байтдаги «сабо» калимасини олайлик. Сабо – тонг ели, гул ва чечакларнинг очилишини таъминловчи насим, дедик. Бу сўз айни пайтда (истилоҳий маънода) руҳоний оламнинг Шарқдан эсгувчи ва хайрга васила бўладиган маънавий шабадалар мазмунига ҳам эга. Шунинг учун тасаввуф шеъриятида «сабо» ўзига хос бир мавқега эга. Навоий ғазалида ҳам бу калима маънавий шабада ҳақиқатини акс эттиради. Акс ҳолда кейинги байтдаги муҳаббатга доир фикр «ёр иси» хусусидаги гап билан мантиқан боғланмасди:

Тожварлар оқ уйида сокин ўлса аҳли ишқ
Уйладурким, булбулу ҳудҳудға бўлғай бир қафас.

Сўфийлардан бири демишки, муҳаббатнинг икки шакли бордир: бири иқрор, иккинчиси важд. Биринчи хил муҳаббат ҳам халқ, ҳам хавос (хос кишилар) учун хосдир. Иккинчи тур муҳаббат исбот йўли ила бўладиган важддир. Важд ҳолидаги муҳаббат соҳиби на ўзини,

на халқни, на сабаблар ва на ҳолларни билади. Чунки бундай ҳолатда у Аллоҳга мансуб нарсаларни томоша қилиш ҳоли ичига ғарқ бўлур. Бундай ошиқ учун «тожварлар оқ уйи» чиндан ҳам қафасдир. Зеро, унинг руҳида ва кўнглида бир булбул оҳ чекади. Аслида «муҳаббат дашти»ни «корвони дард ила қатъ» айлаш мана шудир:

Корвони дард ила қатъ эт муҳаббат даштини
Ким, нидое муждайи васл айлар анда ҳар жарас.

Жарас – қўнғироқ. Карвон туясидаги қўнғироқ. Навбатдаги байтда «шаҳна» ва «асас» деган сўзлар бор. Булардан бири тунги соқчи, иккинчиси – кундузги қўриқчи маъносини билдиради. Ишқ йўлидаги эҳтиёт – эҳтиётсизлик, эҳтиётсизлик эса эҳтиёт эрур. Шу боис, ошиқнинг энг севимли иши жонбозлик. Бунга эса кўпинча пири комилдан етган файз орқали эришилади. Бу ҳақиқатни шоир юксак бир орзу ўлароқ шундай талқин қилгандир:

Дайр пири журъасин гар тутса бизга муғбача,
Нақди жондин ўзга ўтрусида йўқтур дастрас.

Охирги байтда Навоийнинг кўп ғазалларида тилга олинган бир иборага дуч келамиз. Бу – «ишқ сирри». Ишқ сирри шундай бир латифликки, унга етишишдан кўра, уни пинҳон сақлаш кўп куч ва масъулиятни талаб этади. Чунки ҳар қандай кимса ҳам ишқ асрорини фаҳмлашга лойиқ эмасдир:

Эй Навоий, ишқ сиррин ким ҳавас қилса, дема
Ким, эшитмакка бу сўз лойиқ эмас ҳар булҳавас.

«НАВБАҲОР АЙЁМИ БЎЛМИШ...»

Навбаҳор айёми бўлмиш, мен диёру ёрсиз,
Булбул ўлғандек хазон фасли гулу гулзорсиз.

Гоҳ сарв узра, гаҳе гул узра булбул нағмасоз,
Ваҳки, менмен гунгу лол, ул сарву гулрухсорсиз.

Тонг эмастур гар диёру ёрсиз озурдамен
Ким, эмас булбул гулу гулзорсиз озорсиз.

Равза ашжори ўтундур, гуллари жонимға ўт,
Мумкин ўлса анда бўлмоғлиғ даме дилдорсиз.

Май чу бердинг зулф ила банд эт мени, эй муғбача
Ким, хуш эрмас муғ била ичмак қадаҳ зуннорсиз.

Топмадуқ гулранг жоми бехумор, эй боғбон,
Ваҳки, бу гулшан аро гул бутмас эрмиш хорсиз.

Аҳли зуҳд ичра Навоий топмади мақсадқа йўл,
Вақтингизни хуш тутунг, эй жамъким, хамморсиз.

Бу ғазал Алишер Навоийнинг йигитлик даври ижодига мансуб. Арузнинг рамал баҳрида битилган. Етти байтдан таркиб топган. Мазмун-моҳияти ила ошиқона ғазаллар туркумига киради. Зеро, унинг бош қаҳрамони – ошиқ. Фикр-туйғулар ҳам ошиқ тилидан акс эттирилган. Илк байтдан англашилишича, шеър навбаҳор фаслида, илк баҳор таассуротларидан туғилган. Лекин шеър қаҳрамони ўзини «хазон фасли»да гулу гулзорсиз қолган булбул ҳолатида тасаввур айлайди. Негаки, у ёру диёридан йироқда. Кўнглида кўклам ҳавоси ва уйғонишларини эмас, кузнинг нафаси ва ҳазинлигини ҳис этади:

Навбаҳор айёми бўлмиш, мен диёру ёрсиз,
Булбул ўлғандек хазон фасли гулу гулзорсиз.

Табиат, албатта, инсон кайфиятлари билан ҳисоблашмайди. Аммо ҳар қандай фаслда ҳам инсонга ўзининг ҳолати ва қисматини теран мушоҳада қилишга имконият яратади. Биринчи байтдаги булбулга доир гап тасаввур ҳосиласи эди. Аслида эса ошиқ – шоирнинг нигоҳи «гоҳ сарв узра», «гоҳ гул узра» қўниб учиб сайраётган булбулга қадалган. Қарангки, кўнгил ва руҳни завқлантирадиган шу манзара ҳам унинг ғамига ғам, аламига алам қўшади:

Гоҳ сарв узра, гаҳе гул узра булбул нағмасоз,
Ваҳки, менмен гунгу лол, ул сарву гулрухсорсиз.

Қиёс – инсонни гоҳ қийнаса, гоҳ суяйди. Қиёс – баъзан муросасизликка чорласа, баъзан тамкин ва тасаллига ундайди. Қиёс – гоҳида чорасизлик сабабларини кўрсатса, гоҳида иродани синашга кўниктиради. Мана шу мантиққа кўра, ошиқ «Ёру диёр»дан айрилиқ туфайли озурда бўлишнинг ажабланадиган ери йўқ. Чунки гулу гулзорсиз булбул ҳам озор тортмасдан яшай олмайди» деган донишмандона бир хулосага келади:

Тонг эмастур гар диёру ёрсиз озурдамен
Ким, эмас булбул гулу гулзорсиз озорсиз.

Ҳижрондан бутун борлиғи эзилган ошиқ ҳар қандай азоб ва қийноққа чидаши мумкин. Фақат ёр висолида ноумид бўлмаслиги керак. У дийдор умидидан ажралса – ҳамма нарсадан ажралади. Ҳатто жаннат истаги ҳам сўнади ёки тамоман тескари мазмун касб этади:

Равза ашжори ўтундур, гуллари жонимға ўт,
Мумкин ўлса анда бўлмоғлиғ даме дилдорсиз.

Яъни: Агар дилдорсиз бир дам жаннатда бўлишга тўғри келса, унинг дарахтлари мен учун қуруқ ўтину, гуллари жонимни куйдирадиган оловдан бошқа нима эмасдир. Жоннинг жонон бўлиши – равзаи ризвон, ундан айролик – азоб.

Маълумки, Алишер Навоий ғазалиётида мажозий ишқ билан илоҳий ишқ ўртасида қатъий бир чегара йўқ. Улуғ шоир ишқий кечинмалар тасвирини яратар экан, кўпдан-кўп ғазалларида, аввало, мажозий ишқ ҳақиқатларига таянади. Инсонни севиш сирлари ва илоҳий имтиёзларини очиб беради.

Навоийнинг аёлга муҳаббатини тор ва бирёқлама англамаслик лозим, албатта. Навоий бир ёр ёки маъшуқа муҳаббатидан баҳс юритаркан, айни пайтда бутун аёл зотига, ундан инсониятга, инсоният орқали эса Аллоҳга бўлган ишқни изҳор этади. Ва ҳеч вақт аёллик салтанатини инсонийлик шарафига, инсонийликни – илоҳийликка зид қўймайди. Навоий учун инсоний ишқнинг ҳосиласи – Аллоҳ севгиси бўлганидек, ҳақиқий ишқнинг меваси – олам ва одамга муҳаббат эрур. Бу мувофиқлик юқорида талқин қилинган байтларда ҳам кўзга ташланади. Шунинг учун навбаҳор ҳақидаги бир «хабар» табиий равишда «гул-гулзор», «ёр – диёр», «булбул – ошиқ», «васл – ҳижрон» тўғрисидаги тасвир ва таърифлар билан уйғунлашади. Ташбеҳ ва тимсоллар мутаносиблигидан эса кўз ва кўнгилни яйратадиган жонли манзара яралади. Лекин тўртинчи байтга келганда моҳиятан ўзгариш, тўғрироғи, юксалиш бошланади. Буни сезгир ўқувчи «Равза ашжори ўтиндур, гуллари жонимға ўт» сатриданоқ осон илғайди. Дарҳақиқат, кейинги мисрада тилга олинган «Дилдор» энди фақат замин гўзали эмас. Балки олий гўзаллик рамзи ҳисобланмиш Ёри азалдир. Агар ушбу ҳақиқат эътиборга олинмаса, асосан, тасаввуфий маъно ва тимсоллардан таркиб топган навбатдаги байтнинг асл мазмуни очилмасдан қолаверади:

Май чу бердинг зулф ила банд эт мени, эй муғбача
Ким, хуш эрмас муғ била ичмак қадаҳ зуннорсиз.

Байтдаги фикр айнан қабул қилинадиган бўлса, у бундайдир: Эй мажусийларнинг ибодатхонасида май ташувчи бола, майни-ку бердинг, энди зулф билан банд айла. Белга зуннор боғламасдан оташпараст билан қадаҳ кўтариш яхши эмас.

Хўш, бу билан шоир нима демоқчи? Оташпарастликни улуғлаб, уларнинг инонч-эътиқодига даъват қилмоқчими? Йўқ, албатта! Тасаввуфнинг имтиёзлари ва рамзий тимсолларидан фойдаланиб бутунлай ўзга мақсадни ифодаламоқчи. Чунончи: байтда тилга олинган «май» биз билган ёки кўрганимиз ичимликмас, завқ ва жазбадир. «Зулф» нима? Тасаввуфий моҳият бўйича зулф – эришилиши бағоят мушкул бўлган ғайбий ҳақиқат, ишқдаги энг юқори имкон даражаси, «муғбача» - содиқ мурид, чин ошиқ. «Зуннор» - Ёри азалга етишмоқ учун белга хизмат камарини маҳкам боғлаш белгиси. «Муғ» - пири комил. «Қадаҳ» - унинг файзи илоҳий нурлари порлаган кўнгли.

Демак, Навоий кўзда тутган маъно қуйидагичадир: «Эй муриди солик, менинг дилимда ишқ завқини ҳосил қилдинг, энди ғайбий ҳақиқатга асир қил мени. Пири комил ҳузурига боғлагилки, унга таслим бўлмасдан дийдор талаб қилмоқ хуш эмасдур».

Алишер Навоий бошқа бир ғазалида фахр ила:

Ҳусни васфида сўзум тутти бари оламни,
Муршиди ишқ манга айлагали талқин сўз, –

дейди. Буюк шоир қатор ғазалларида, жумладан, таҳлил қилинаётан ғазалда ҳам «муршиди ишқ»ни «боғбон» дея номлайдики, у кўнгил боғи ва руҳ гулшанининг боғбони эрур:

Топмадуқ гулранг жоми бехумор, эй боғбон,
Ваҳки, бу гулшан аро гул бутмас эрмиш хорсиз.

Ирсоли масал усулида ва алоҳида таъкид ила айтилган бу гапдан муддао нима? Биринчидан, чин ошиқ ҳоли ва маънавий-руҳий эҳтиёжини ёритиш. Иккинчидан, ишқ гулшанининг қуруқ зуҳду тақво саҳроси ила асло ўхшаш эмаслигини қайд этиш. Учинчидан,

сўнгги байтда умумлаштирилажак фикрга мустаҳкам мантиқий асос ҳозирлаш. Шарқ шеъриятининг кўп буюк шоирлари қатори Алишер Навоий ҳам зуҳд ва зоҳидлик йўлини қатъиян инкор этади. Ҳолбуки, тасаввуфнинг шаклланишида зуҳд маслаги сезиларли таъсир ўтказган. Илк зоҳидлар ибрат олса арзийдиган бир қанча фазилат соҳиблари бўлишган. Навоий бундан бехабар эдими? Йўқ, ҳамма-ҳаммасидан хабардор ҳолда буюк бобомиз зоҳидликни ёқламаганлар. Ҳожи Бектоши Валининг ёзишича, «зоҳидларнинг ибодатлари кеча-кундуз Тангрини зикр этмак… Қўрқув ва умид ичида яшамак ва бу дунёда охират учун яроғли ишларни амалга оширмоқдир. Лекин зоҳидлар эришган ютуқларига мамнунлик ва дунё ишларига тамоман масъулиятсизлик ила қўл силтаганликлари сабабли ўзларининг йўлларига ўзлари тўсиқ қўйганлар. Натижада даъво аҳли даражасидан нарига кўтарила билмаганлар». Ҳожи Бектоши Вали таъкидалаганларидек, зоҳидларга «Қаёндан келиб қаёнга кетишларини билиш насиб этмаган, ҳидоят эшиги ҳам очилмаган»дир. Шунинг учун Навоий зоҳидни ишқ гулшанида пайдо бўлган «тикан»га қиёслайди:

Аҳли зуҳд ичра Навоий топмади мақсадқа йўл,
Вақтингизни хуш тутунг, эй жамъким, хамморсиз.

Бизнингча, улуғ мутафаккир шоиримизнинг сўзлари бугун ҳам катта тарбиявий аҳамиятга эга. Зуҳди тақво қачон ўзини тўла-тўкис оқлайди? Қачонки, кўнгилда меҳр ва муҳаббат, руҳда илоҳий ҳақиқат нурлари порласа. Қачонки, зоҳирий даъволарга қул бўлиб, диннинг ботиний маъно ва завқларидан йироқлашилмаса. Қачонки, ишқ илоҳий сир-асрорларнинг хазиналарини босқичма-босқич очиб борса.

«ТЕНГРИ ХАЛҚ ЭТМИШ МЕНИ ГЎЁ…»

Эй кўнгул, бир навъ ўлубмен аҳли давриндин малул
Ким, эрурмен кимки андин яхши йўқ, андин малул.

Ҳажр агар будур, нетай мен жонни, жон нетсун мени
Ким, эрур ҳар лаҳза мендин жону мен жондин малул.

Тенгри халқ этмиш мени гўё малолат чеккали
Ким, даме йўқким, эмасмен халқи нодондин малул.

Неча диним узра титрай дилраболар кўйида,
Эй мусулмонлар, бўлубмен кофиристондин малул.

Истасанг мақсад, қадам қўй, таън тошидин не бок,
Каъба топти бўлмағон хори муғилондин малул.

Эй кўнгул, фикрингни қилким, дўсту душманлар юзун
Кўрмас эрди, бўлмаса сен зори ҳайрондин малул.

Эй муғанний, тут «Ироқ» оҳангию кўргуз «Ҳижоз»
Ким, Навоий хотири бўлмиш «Хуросон»дин малул.

Машҳур мутасаввиф шоир Юнус Эмронинг шеърларига шарҳлар битган алломалардан бири шундай дейди: «Бу фақиру ҳақир, дўстлар илтимосига кўра Юнус Эмро ҳазратларининг тўққиз шеърларини шарҳу баён этишга киришиб саккиз ой мобайнида қоғозга кўмилиб паришон яшадим. Лекин «Қилинган иш дўстлар талабига мувофиқ бўлдими ёки йўқми?» - деган бир иштибоҳ бор эди менда. Бир кеча Юнус Эмро ҳазратларини туш кўрдим. Бу фақирга илтифот кўрсатиб дедилар: «Менинг ул сўзларимга ёзган шарҳ ва айтган маънийи латифни фуқаро ва толиблардан дариғ тутмағилки, бир манфаат кўрсинлар».

Албатта, заҳмат чекиб, узоқ изланиш ва билим билан ёзилган шарҳ ёки талқин бефойда бўлмайди. Лекин мумтоз шеъриятимиз намуналарини, хусусан, ирфоний моҳиятдаги шеърларни шарҳлаш барибир жуда қийин. Чунки уларда фикр ва оҳанг ҳам, тимсол ва тасвир ҳам руҳ, ҳол ва кайфиятга бўйсундирилгандир.

Шориҳ ёки талқинчи шеър мазмунини энг аввало ҳол ва кайфият тили билан ўқиб, руҳан машоҳада эта олмаса, ўқувчини ишонтириб ҳам, эргаштириб ҳам билмайди. Эҳтимол, эргашишнинг кераги йўқдир. Аммо қизиқиш зарур. Ана шу қизиқишдан шеърга янгича бир қараш, муносабат, у ё бу жиҳатни чуқурлаштириш майли туғилиши мумкин.

Яқинда бир талаба менга «Домла, ўтмиш шоирларимиз йиғи ҳақида нега бунча кўп ёзишган? Қайси шоирнинг шеърини ўқиманг, албатта, у ё «йиғладим» ё «йиғларман» дейди. Йиғида ҳам бир меъёр бўлиши керакми, йўқми?», деб савол берди. Бу – кулги ва шодликка ўчликдан эмас, моҳиятни англаш истагидан туғилган савол бўлганлиги учун мен масалани тарихан, яъни дин ва тасаввуф билан боғлиқликда изоҳлашга ҳаракат қилдим.

Кулгидан-кулгининг, шодликдан-шодликнинг фарқи бўлганидек, аламдан-аламнинг, йиғидан-йиғининг ҳам фарқи бор. Биз, албатта, буни фарқлашимиз ва фарқларини пухта англашимиз лозим. Бурсали Иброҳим Ҳаққий ёзади: «Кўз ёшининг мақбул ва манзури ишқ туфайли сел бўлиб оққанидир. Дунёвий ва нафсоний ниятлар учун тўкилган кўз ёшининг Аллоҳ олдида ҳеч қандай қиймати йўқдир... Авом ила хавоснинг йиғиси орасида кўп фарқ бордир. Зеро, ҳар кимнинг йиғлаши илм ва тушунчасига кўра... Хуллас, йиғлашни айблаб ва йиғлаганни рад қилган жаҳолатга таслим бўлиб, хавоснинг ҳолини авомга ўхшатган бўлур». Дарвоқе, мумтоз шеъриятимиз марказида турган инсон, у ошиқ ёки ориф бўладими, дарвеш ёки ринд бўладими, бундан қатъи назар, ҳеч қачон моддий ва нафсоний истак, орзу-умид ва ғаразлар учун маҳзунлашмаган, ғусса чекмаган, кўз ёш тўкишни тасаввур ҳам қилмаган хос кишилар вакилидир. Биз истаймизми, истамаймизми, Навоий шеъриятини ўқиганда масаланинг худди шу жиҳатига алоҳида эътибор қаратишимиз, улуғ шоир тасвирларидаги ниҳоятда олий ва самовий ҳолат ёки туйғуларни ерга қориштиришдан сақланмоғимиз зарур. Бу дунёда кимда малул бўлмайди дейсиз? Ким қайғу тортмайди. Ким ғамгин ва хафа бўлмайди? Бироқ Навоийдаги мана бу малуллик тамоман ўзгадирки, шоир уни дард, ҳасрат ва сир ўлароқ кўнгилга изҳор айлаган:

Эй кўнгул, бир навъ ўлубмен аҳли давронидин малул
Ким, эрурмен кимки андин яхши йўқ, андин малул.

Бу байтда малул – қайғу ва ҳасратда ёнишнинг сабаби, унинг сифат ва даражаси («бир навъ») ва чегараси (яхшиларнинг энг яхшисидан ҳам малол етиш) аниқ ифодаланган. Аммо ўша «бир навъ»нинг мазмун-моҳияти нимадан иборат, у қандай изтироб ва қийноқларга ишорат қилади? Буни тўғридан-тўғри тавсифлаш қийин. Зеро, у аҳли даврон феъл-атвори ва аҳли давронга холис муносабатдан қайноғланган надомат эрур. Донишмандлар демишларки, дунё мол-мулки, лаззат ва шодликлари билан одамларни

ўзига тобе қилиш учун яралгандир. Шу боис ишққа, завқ ва маърифатга доир бўлмаган сўзларни тасаввуф аҳли «дунё каломи», деб билганлар ва бундай сўзларни гапирмаслик, имкон қадар тингламасликка ҳаракат қилганлар. Шу маънода улуғ шоир, мутасаввиф ёки алломаларнинг дилига ранж етказишда аҳли дунё билан аҳли даврон деярли тенгдир.

Маълумки, руҳ-жоннинг асли нурдир. Ҳақ қудрати бўлмиш ушбу қудсий қудрат Аллоҳнинг амри билан вужудга кирган. Лекин жон танда боқий қолмайди. У маълум бир муддатдаги саёҳатдан сўнг асл манзилига қайтади. Энг буюк ҳижрон ана шу оралиқдаги айриликдир. Ҳақиқий ошиқлар ишқни – жон, жонни – ишқ деб билганликлари боис ўлимни фақат вужудга алоқадор ҳисоблаганлар. Бу ҳақда Юнус Эмро:

Тан фонийдир жон ўлмас, чун кетса ортга қайтмас,
Ўлса агар тан ўлур, жонлар ўлгувчи эмас, –

дейди. Навоий «ҳажр агар будур» дея жон ва «мен», «мен» ва жон орасидаги озурдалик «можаро»сидан хабар берганда, ҳажр калимасининг диний-тасаввуфий мазмунига урғу берган:

Ҳажр агар будур, нетай мен жонни, жон нетсун мени
Ким, эрур ҳар лаҳза мендин жону мен жондин малул.

Бугунги ўқувчида «Жон билан талашиб, жондан безиб шундай аҳволда яшашнинг нимаси ибратли?» - деган савол туғилиши мумкин. Агар ошиқ халқи жонини Азроилга эмас, Аллоҳга таслим этур, худди кўнгил сингари жон ҳам маъшуқ ҳайронидур, ҳақиқий ишқ – бу жон завқи ва фидойилиги, деган қараш ҳисобга олинса, шоир кўзда тутган ички мақсад ўз-ўзидан бир қадар равшанлашади. Кейинги байтдаги «халқи нодон» биринчи мисрадаги «аҳли даврон»га гўё изоҳдир:

Тенгри халқ этмиш мени гўё малолат чеккали
Ким, даме йўқким, эмасмен халқи нодондин малул.

Инсондаги ҳар қандай норозилик ва саркашликнинг ҳам интиҳоси бор. Шундай интиҳо «даргоҳ»ларидан бири сабр бўлса, иккинчиси кўникиш. Кўникишнинг ҳам ўзига яраша қийинчиликлари ва ёмон жиҳатлари бўлса-да, кишини алданиш, субутсизлик ва ялтоқланишдан муҳофаза этади. Инсон ўз аҳволига, зоҳирдан етадиган бало ва офатларга сокин нигоҳ ила боқадиган бўлади. Ҳеч шубҳа йўққи, Навоий «Тангри мени малолат чекмоқ учун одам қилиб яратди», - деган қарорга келгунча авомлик билан ҳам, нодонлик билан ҳам, жаҳолат ва золимлик билан ҳам кўп юзма-юз келган. Ва бирор дам осудалик топмагач, ғайриихтиёрий равишда «Тенгри халқ этмиш мени...», деган хулосага тўхталган.

Дунё бир синов майдони. Бунда ҳамма нарса синалади ва синовдан ўтказилади. Жумладан, ишқ ва эътиқод ҳам. Маълумки, мутасаввифлар севгини расмий ва умумий диндан фарқланувчи бир дин – дин ул-ҳубб деб билганлар. Юнус Эмро:

Ғайридир бу миллатдан бу бизнинг миллатимиз,
Ҳеч динда топилмади дину диёнатимиз, –

деганда мазкур тушунчага асосланган. Алишер Навоий ҳам бир қанча шеърларида дин сўзини шу маънода татбиқ қилган. Ошиқнинг «дилраболар кўйида» дин узра титраши, аслида ишқ узра титрашини ифодалайди. Мусулмонларга мурожаат эса дин ул-ҳубб – севги динининг сир-асрорлари билан ҳисоблашмайдиган зоҳирбинларга қаратилган:

Неча диним узра титрай дилраболар кўйида,
Эй мусулмонлар, бўлубмен кофиристондин малул.

Бу фикр навбатдаги байтда янада чуқурлаштирилган. Чунончи: Кўзланган олий мақсадга етмоқ истасанг, таъна тошларига аҳамият берма. «Хори муғилон»дан малул бўлмаган Каъбани топмоққа ҳам қодирдир, дейилади унда:

Истасанг мақсад, қадам қўй, таън тошидин не бок,
Каъба топти – бўлмағон хори муғилондин малул.

«Муғилон» – муғлар маскани. Муғ – оташпараст демак. Тасаввуфда содиқ мурид, ошиқ мазмунини акс эттиради. Демак, илоҳий ишқ йўлида дину мазҳаб деган гап – нисбий гап, демоқчи шоир.

Нақл қилинишича, Аллоҳ таоло ақлни яратгач ундан «Мен кимман?» - деб сўрабди. Ақл жим қотганича, ҳеч нарса дея олмабди. Сўнгра Тангри ақлнинг кўзини ваҳдоният нури билан ёритибди. Ақл кўзини очибди ва «Сен Аллоҳсан, Сендан ўзга илоҳ йўқ», дебди.

Хуллас, ақлга Аллоҳни Аллоҳ ила танишдан ўзга йўл бўлмаган экан. Кўнгул эса ишқ ила Ҳақ висолига етишур. Шунинг учун илоҳий ишқда ҳам, мажозий ишқда ҳам кўнгулнинг имкони ва мавқеи юқоридир. Навоийнинг яна бир карра кўнгилга мурожаат этиб:

Эй кўнгул, фикрингни қилким, дўсту душманлар юзун,
Кўрмас эрди, бўлмаса сен зори ҳайрондин малул,-

дейиши ҳам бежиз эмас.

Навоийнинг илоҳий ишқ ҳақида битилган байтларига хос бир фазилат бор: уларни ўқиркансиз, ҳеч қачон ҳақни халқдан, халқни ҳақдан айру тасаввур эта олмайсиз. Инсон ва муҳит, инсон камоли ва абадият сирлари ҳақида янги-янги мушоҳадаларга имкон топасиз. Ғазал мақтаъсида ҳам шоир гўё «Ироқ» ва «Ҳижоз» куйларини тинглаб, кўнгилга тасалли топиш истагини билдирса-да, охирги мисрани ўқиб унинг Хуросон муҳитига муносабатини осон англаб оласиз:

Эй муғанний, тут «Ироқ» оҳангию кўргуз «Ҳижоз»
Ким, Навоий хотири бўлмиш «Хуросон»дин малул.

«ЭЙ КЎНГУЛ, КЕЛКИМ...»

Эй кўнгул, келким, бало базмида жоми ғам тутай,
Ўз қатиқ ҳолимға ўлмастин бурун мотам тутай.

Йиғлабон бошимға оҳим дудидин чирмаб қаро,
Мотамим эл сўнгра тутқунча, ўзум бу дам тутай.

Олам аҳлиға неча қилдим вафо, кўрдум жафо,
Эй кўнгил, кел-келки, тарки жумлаи олам тутай.

Эмдиким, ишрат сурудидин очилманг, эй кўнгул,
Навҳа оҳангин тузуб, бир дам сени хуррам тутай.

Мастлиғдин ўзга йўқ дардим иложи, соқиё,
Май кетурким, ҳам ичай, бир лаҳза они ҳам тутай.

Қўйғил, эй носиҳки, муғ дайрида ўз аҳволима,
Масти лояъқил ёқам йиртиб суруди ғам тутай.

Чун жаҳон бирла жаҳон аҳлиға йўқ эрмиш вафо,
Эй Навоий, мен фано сарриштасин муҳкам тутай.

Маълумки, йигитлик фасли – инсон умрининг энг гуллаган, ҳаётга шодлик, умид билан нигоҳ ташлайдиган, унча-мунча ғам-қайғуни кўнгилга яқин йўлатмайдиган бир фасл. Йигитлик умр баҳори ва уни баҳор гўзалликларидан ажратиб бўлмаслиги учун ҳам Мирзо Бобур:

Баҳор айёмидур дағи йигитликнинг авонидур,
Кетур, соқий, шароби нобким, ишрат замонидур, –

деб ёзган эди. Аввал «Бадоеъ ул-бидоя», сўнгра эса «Ғаройиб ус-сиғар» девонидан ўрин олган Алишер Навоийнинг юқоридаги ғазали ҳам шоирнинг йигитлик даврида ёзилган. Бироқ унда «шароби ноб» эмас, «жоми ғам», қувонч эмас, хаёлга келавермайдиган «мотам» хусусида сўз юритилган. Айтиш керакки, ғазалнинг руҳи оғир ва қайғули. Оддий шеърхон нари борса ғазалнинг бир-икки байтидан сўнг ўқишни тўхтатиши мумкин. Ахир, одам «ўз қатиқ ҳолиға ўлмасдан бурун» мотам тутадими – йўқми, бундан қатъи назар, вақт-соати етганда у ўлади. Бас, шундай экан, тирикликни ғанимат билмай, унинг шодликларидан дилни яйратмай ўлим хаёлларига берилиб оҳ-воҳ қилиш нега керак?

Гап шундаки, Навоий ғазалининг мазмун моҳиятини тўғри англаш ва талқин этиш учун, энг аввало, шоир кўзда тутган ирфоний мақсаддан хабардор бўлмоқ керак.

Биринчи байтни ўқийлик:

Эй кўнгул, келким, бало базмида жоми ғам тутай,
Ўз қатиқ ҳолимға ўлмастин бурун мотам тутай.

Шоир бунда кимга мурожаат этаётир? Кўнгилга. Чунки, кўнгил ошиқнинг суянган тоғи, ишонган боғи. У ўз кўнглининг ҳукми ила яшайди. Унинг измидан нари кетолмайди. Энди у ўзи учун одатий маросим бўлиб қолган «бало базмида» кўнгилга ғам қадаҳини тутмоқчи. Зеро, унинг ҳоли ниҳоятда оғир. Шу қадар оғир ва қайғулики, ўлимини кутмасдан ўзи учун мотам ҳам тутмоқчи. Бу гаплар юракка ёмон таъсир ўтказиши табиий, албатта. Лекин Навоий замонидаги шеърхон, хусусан, ҳақ ошиқлари ва орифлар қалбида ушбу сўзлар ҳасрат эмас, шодлик бағишлаган.

«Бало базми» қандай базм, дея ўзингизга бир савол бериб кўринг. Дафъатан жавоб тополмайсиз. Бало сўзининг луғавий маъноси – офат, мусибат, фалокат, бахтсизлик, азоб,

ғусса демак. Бало калимаси худди шу маъноларда ҳам Навоий шеърларида кенг ишлатилган. Шу билан бир қаторда, улуғ шоир шеъриятида бало ирфоний ҳақиқатлар ифодаси учун ҳам хизмат эттирилган. Демак, матндаги асосий ғояга асосланиб бу сўзнинг рамзий-мажозий мазмуни ҳисобга олинмаса, зоҳирий маъно ботиний маъно учун бир «парда» эканлигига диққат қилинмаса, хато мулоҳаза ва хулосаларга кенг йўл очилаверади. Навоийнинг бошқа бир ғазали матлаъида ўқиймиз:

Бало дашти аро Мажнун менингдек кўрмамиш даврон,
Қуюндек ҳар замон бир кўрмаган водийда саргардон.

Бу байтдаги «бало дашти» моддий-жисмоний ҳаётга дахлдор азоб-уқубат ёки кулфат мазмунида қабул қилинса, ғазал қаҳрамонининг аҳвол-руҳиясини тўғри шарҳлаш имкони бой берилади.

«Бало» - истилоҳий мазмунда ошиқлик ҳолининг камоли учун ҳақнинг содиқ қулига азият етказиши, оғир қийинчиликлар билан синовдан ўтказиши, яъни илоҳий имтиҳондир.

Шу боис қулдаги «бало» нақадар кўп ва қудратли бўлса, унинг Ҳаққа яқинлиги шу қадар ортади, деб ўйланган. Зеро, «авлиёнинг либоси, асфиёнинг (покланганларнинг) бешиги ва анбиёнинг ризқи балодир». Шу учун ҳам қадим китобларда, «Ҳақнинг шундай дўстлари бордурки, бир лаҳза балосиз қолсалар, неъматдан маҳрум бўлганлар каби оҳ ва фарёд чекурлар», дейилади. Шарқ шоирларининг завқ-шавқ ила балодан такрор-такрор баҳс юритишлари, сидқ ила Аллоҳдан бало тилашларининг замини ҳам ана шунда. Фузулий ёзади:

Ё Раб, балойи ишқ ила қил ошно мени,
Бир дам балойи ишқдин қилма жудо мени.

«Балойи ишқ ила» ошно киши учун ночорлик, бағри чоклик, кўз ёши тўкишлар мусибат эмас, балки мақсад манзилига яқинлашув ҳисобланади. Акс ҳолда Навоий «бало базми»дан шавқланиб сўзламасди. Энди иккинчи мисрага келсак: «Ўз қатиқ ҳолимға ўлмастин бурун мотам тутай».

Ҳазрати пайғамбарнинг «Ўлмасдин бурун ўлинг!» деган машҳур ҳадислари бор. Бунда, албатта, жисмоний ўлимга эмас, нафсни енгишга даъват қилинган. Бу «ўлим» башарий ноқислик ва ожизликлардан фориғ бўлган янги бир маънавий туғилиш, илоҳий ирода соҳиби бўлиш мазмунига эга. Тасаввуф шеърятида бу ҳақда ниҳоятда кенг баҳс юритилган. Шу маънода Аҳмад Яссавий ҳикматларидан бирини келтириш мумкин:

Ихлосимни кўруб маъшуқ қўлум олди,
Файзу футуҳ тўла бериб йўлға солди.
Бўйнум эгиб моумонлик яксон қилди,
Туфроқ бўлуб ўлмас бурун ўлдум мано.

Инсоннинг иккинчи маънавий туғилишидан олдинги ҳаёти, ундан кейинги ҳаётидан бутунлай фарқ қилади. Шунинг учун у олдин кечган умридан кўп афсуслар чекади, пушаймонликларини сўзлашдан мароқланади. Зулматдан ёруғликка чиққан одамга ўхшаб, ғафлат, нодонлик пардалари билан бурканган башарий «мен»и билан гўё видолашади. Ўзича унга мотам тутади. Худди шу эҳтиёж сабабли Навоий ҳам:

Йиғлабон бошимға оҳим дудидин чирмаб қаро,
Мотамим эл сўнгра тутқунча, ўзум бу дам тутай, –

деган эди. Бундай ҳолатда фикр-қарашлар, ички изтироб ва азоблар тамоман ўзгаради. Инсон ўзини бошқа бир нигоҳда кўриб, олий бир мақсадларда сийратини тафтишдан ўтказади. Саломатликни – маломатда кўради. Руҳий ҳаётдаги шиддатли эврилиш, гўзаллик туйғусининг фавқулодда ўткирлашуви уни дунёдан йироқлаштиради. Деярли ҳамма нарса кўнглида азоб қўзғайди. На ўзидан, на дунё ва аҳли дунёдан қониқади. Шунинг учун:

Олам аҳлиға неча қилдим вафо, кўрдум жафо,
Эй кўнгул, кел-келки, тарки жумлаи олам тутай,-

дейиш нечоғлик табиий бўлса, ишқ баҳрига чўмиш, комил бир муршид қўлидан «май» - ишқ шаробини ичиб мастликка берилиш шунчалик заруриятга айланади. Аммо лаҳзаларда кечадиган ва юз очадиган фараҳли ҳол ошиқ кўнглига зоҳирий шодлик бағишламайди, аксинча, уни мисли кўрилмаган ғам-ғуссадан туғилажак қувонч оҳанглари бағрига тортади:

Эмдиким, ишрат сурудидин очилманг, эй кўнгул,
Навҳа оҳангин тузуб, бир дам сени хуррам тутай.

«Мастликдин ўзга йўқ дардим иложи, соқиё» дейди ғазал қаҳрамони. Ҳақиқатан ҳам шундай. Унинг эркинлиги ва ҳуррияти мана шу «мастлик»да. У ҳушёрликда билмаганини шу мастликда англаган, «Соқий» ҳиммати ва марҳамати ила ўзининг ишқ ва маърифатдан туғилган ва ҳар қанча ибрат олса арзийдиган янги «Мен»ини топган. Бу – ишқ доялик қилган шундай бир шахсиятки, у тош отганга гул отади, қаҳрга меҳр билан жавоб бера олади. Ҳар қанақа ғанимликни дўстлик билан таслим айлайди. Жаҳон ва жаҳон элининг вафосизлиги бошига бало бўлиб ёғилганида ҳам «фано сарриштасин», яъни вафо маслагин маҳкам тутишга доимо содиқ қолади:

Чун жаҳон бирла жаҳон аҳлиға йўқ эрмиш вафо,
Эй Навоий, мен фано сарриштасин муҳкам тутай.

«ДЕСАМ: БУ СУ ТУЗАТУР ФИКР ҚАСРИНИ...»

Кўнгул уйига ғаму ғусса селидин не қусур
Ки, бода лойи била қилмишам они маъмур.

Бировни мумкин эмас тийра айламак қайғу
Ки, солмиш ўлғай анга жоми бода ламъаси нур.

Хуш ул майеки, эмастур сафову лавн ичра
Тамуғ ўти била жаннат суйиға ул мақдур.

Десам: бу ўт кул этар ғусса хирманин - не ажаб?
Десам: бу су тузатур фикр қасрини - не қусур?

Жаҳон ғамию узум бодаси гумон қилманг
Ки, зоҳир аҳлиға бу маъни этти буйла зуҳур.

Валек аҳли ҳақиқатқа май эрур ваҳдат,
Ғам ушбу касрат эрурким, қилур кўнгулга хутур.

Ичилса соқийи тавфиқ илгидин ул май,
Кўнгул бу ғамдин эмас шубҳаким, бўлур маҳжур.

Манга бу май била бир жом келтур, эй соқий
Ки, кўнглум ул ғам аро бўлмиш асру кўп ранжур.

Маломат аҳлига, эй пири дайр, аёғ тутсанг,
Бу навъ қўйма Навоийни бир йўли мастур.

Шеърият - бутун борлиқнинг, заррадан коинотга қадар бўлган мавжудликнинг бадиий ифодаси. Унда тафаккур кучи билан етиб бўлмайдиган сўз сеҳри, қудратини ҳис қилиш, инсоннинг ич-ичида, қалбининг энг тубида яширин сирлар ҳақиқатини кўриш мумкин. Шеъриятда ҳамма нарса ғайритабиий, бироқ табиийдан кўра аълороқ бўлиши мумкин. Бу эса шоирнинг истеъдоди, қаламининг кучига боғлиқ.

Мир Алишер Навоий чин маънода сўзга жон киритган, ҳақиқатни сўз кўзгусида акс эттирган шоир. Буюк шоир ижодида ҳар қандай сўз янги-янги маъно қирраларига эга. Навоий ғазалларидаги сўз жилоси ва сеҳри кишини мафтун этмай қўймайди. Навоий баъзан бутун ғазал мазмунини очишда биргина сўз ёхуд тимсолни «калит» қилиб олади. Бу «калит» воситасида адашмай, тўғридан-тўғри шоир қалбининг сирхонасига кириш мумкин.

Шундай «калит»лардан бири кўнгил сўзидир. Бу калима улуғ шоир ижодида кўп учрашидан ташқари, унинг фикр-қарашларини ифодаловчи юксак ғоявий-бадиий тимсол даражасига ҳам кўтарилган. Навоий шу биргина тимсол орқали башарият, абадият, илоҳиёт ҳақидаги теран мушоҳадаларини баён этган.

Шоирнинг «Кўнгул эвига ғаму ғусса селидин не қусур...» деб бошланувчи ғазалида ҳам инсон маънавий-руҳий камолотининг бешиги, завқий идрок, илоҳий мушоҳада майдони бўлган кўнгил ҳақида сўз боради. Ғазалда кўнгил хусусиятлари, унинг тириклик қувватидан баҳс этилади:

Кўнгул уйига ғаму ғусса селидин не қусур
Ки, бода лойи била қилмишам они маъмур.

Ғазал ирфон ва маърифат соҳиби бўлган ориф тилидан баён этилган. Унда ошиқона ғазаллардаги сингари ҳижрон, айрилиқ шиддатидан бехуд ошиқ тимсолини эмас, балки ўз ҳолини мушоҳада этиш, тафаккур кучи билан нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятини англаш салоҳиятига эга бўлган шахсни кўрамиз. Бу шахс кўнгил уйига етгувчи «ғаму ғусса селидин» ҳеч қўрқмайди. Агар кўнгилга бу «селдин» нуқсон етса ҳам «бода лойи» билан уни қайтадан обод этмоққа қодир. Байтдаги ғаму ғусса - ошиқнинг маъшуқа учун тортган изтиробларига ишорат. Бу изтироблардан кўнгилга офат етиши мумкин. Бироқ «бода лойи» - илоҳий иноят, илоҳий ишқ шавқи уни қайта таъмир этади.

Бировни мумкин эмас тийра айламак қайғу
Ки, солмиш ўлғай анга жоми бода ламъаси нур.

Аввало, байтдаги «жоми бода»ни изоҳласак: у маърифат бодаси ва илоҳий нурларнинг тажаллилари билан тўлиб-тошган пирнинг қалби. Шоир шундай зот қалбининг нуридан баҳраманд ҳар қандай кўнгилга қайғу дахл этмаслигини ва ундан қоронғулик чекинишини таъкидлайди. Чунки бу нур инсон маънавий ўзлигининг ҳақиқати. Бу ҳақиқат кўнгил кўзгуси - илоҳий файз соҳиби воситасида равшанлашади. Зеро, Мавлоно Жалолиддин Румий айтганидек, ташқи кўринишимиздан завқ олиш учун кўзгуга муҳтож бўлганимиз каби, ички оламимизни ўрганиш ва тарбиялаш учун ҳам бир валийнинг файз ва талқинларига, яъни бизни тарбия қиладиган, ўзимизга ўзимизни таништирадиган кўнгил кўзгусига муҳтожмиз. Шоир ҳам байтда айнан мана шу маънони назарда тутгандир.

Хуш ул майеки, эмастур сафову лавн ичра
Тамуғ ўти била жаннат суйиға ул мақдур.

Илоҳий ишқ, илоҳий иноят бўлган майнинг ранги тиниқ бўлмаса ҳам у дўзах ўти билан жаннат суви қудратига тенг, - дейди шоир. Чунки дўзах ўти инсонга қанчалик азоб етказса, ишқ оташи-да ундан қолишмайди. Жаннат суви кишига нечоғли тириклик бахш этса, ишқда ҳам шу қадар боқийлик топиш мумкин. Чунончи, ишқ сарбони бўлмиш Мажнун балою азобларга гирифтор бўлиб, оқибатда ишқда абадийлик топган эди. Ишқнинг бу ҳолларидан зорланган Юнус Эмро ҳам «Кел, кўр мани ишқ найлади», деб ёзади.

Навоий олдинги фикрларга ҳамоҳанг тарзда кейинги байтда шундай дейди:

Десам: бу ўт кул этар ғусса хирманин - не ажаб?
Десам: бу су тузатур фикр қасрини - не қусур?

Энди шоир ишқ сўзини май тимсоли билан эмас, бошқача тарзда ифода этади. Бунда ишқнинг юқорида баён этилган хусусияти асосдир. Яъни, бу ўт - ишқ «ғусса хирманин» кул этса, бу сув (ишқ) фикр қасрини тузса не ажаб?! Хўш, ишқ «ғусса хирманин» қандай кул этади? Байтда ғусса - дунёвий қайғулар маъносида келган. Ишқ кўнгилга макон тутар экан, ундан бу қайғулар ўз-ўзидан четлашади. Демак, ишқ ўти бу «хирман»ни кул қилади. Ишқ туфайли ошиқ ўз-ўзини англай бошлайди. Кўнгил ҳолига назар солади, бу эса «фикр қасрини» тузатишдир.

Жаҳон ғамию узум бодаси гумон қилманг
Ки, зоҳир аҳлиға бу маъни этти буйла зуҳур.

Шоир шунгача ифода этган фикрларига ушбу ўринда гўё изоҳ киритади. Чунончи: мен тилга олган ғамни жаҳон дарди, бодани эса узумнинг суви, деб ўйламанг. Буни зоҳир аҳли - ашёнинг фақатгина ташқи томонини кўриб хулоса чиқарадиганларгина шундай тушунади, - дейди.

Кейинги байтда эса ботин аҳли - нарса ва ҳодисаларнинг ички моҳиятини, ҳақиқати ва сабабларини кашф йўли ва қалб кўзи билан кўрадиганлар буни қандай тушуниши баён этилади.

Валек аҳли ҳақиқатқа май эрур ваҳдат,
Ҳам ушбу касрат эрурким, қилур кўнгулга хутур.

Демак, зоҳир аҳли учун узум суви бўлган бода «аҳли ҳақиқат» учун ваҳдатни ифода этар экан. Ваҳдат - тасаввуфга доир рисолаларда шарҳланишича, Парвардигорни яккаю ягона вужуд деб билмоқ ва шу Бирликка интилмоқдир. Тавҳид илми уч хилдир: бири - Ҳақнинг ўзига йўналган Ҳақ илми, яъни Унинг яккаю ягоналиги илми; иккинчиси - халққа йўналтирилган Ҳақ илми, яъни Унинг тавҳид ҳақидаги ҳукмлари ва бандаси кўнглига тавҳидни етказиш илми; учинчиси - халқнинг Ҳаққа йўналган тавҳиди, яъни кишиларнинг Худо ваҳдониятига етишиш илми.

Аҳли ботин учун кўнгилга хатар солувчи ғам бу касрат. Касрат - кўплик олами бўлиб, Бирлик (Ваҳдат)нинг зиддидир. Касрат олами ўз-ўзича яшай олмайди, у ваҳдат оламининг аёнлашуви, инъикоси.

Ичилса соқийи тавфиқ илгидин ул май,
Кўнгул бу ғамдин эмас шубҳаким, бўлур маҳжур.

Соқийи тавфиқ - муршиди комил, пири тариқат. Яъни, қалби илоҳий файз ва муҳаббатдан тўлиғ бўлган комил инсон тарбиясида бўлиш, унинг суҳбатидан баҳра олиш кўнгилдан ёр изтиробини эмас, шубҳани йироқ этади. Шубҳа - ишқ душмани. У барҳам топгач, кўнгилда ишонч уйғонади. Кўнгилда ишонч ҳиссининг уйғонишига сабаб «май» эканлигини англаган шоир:

Манга бу май била бир жом келтур, эй соқий
Ки, кўнглум ул ғам аро бўлмиш асру кўп ранжур, -

дейди. Май сирининг ҳақиқатига етган лирик қаҳрамон тариқат шайхидан «май» билан «жом» келтиришни сўрайди, токи кўзгуга боқиб ўзлигини англасин. Май - ишқ, жом – ориф қалбининг тимсоли. Кўнгилнинг «ғам»и эса шуларга етмоқдир. Чунки, у ишқда жуда кўп азият, ранж тортган. Кўнгил эса шу дардларга илоҳий ишқ нури ёғилиб турган пири комил қалбидан малҳам топмоқчи.

Маломат аҳлиға, эй пири дайр, аёғ тутсанг,
Бу навъ қўйма Навоийни бир йўли мастур.

Маломат аҳли - нафсни қийнаш ва хорлаш билан иллатлардан қутилиб маънан юксалган кишилар. Пири дайр - комил йўлбошчи. Аёғ - қадаҳ, маънавий ҳол, шавқ, жазба, байтда эса илоҳий ишқ тўла висол маъносида келган. Шоир: «Эй шайх, илоҳий ишқ тўла висол қадаҳидан маломатийларга тутганда Навоийни ҳам хотирдан чиқарма», - дейди. Бу билан шоир ўзини ҳақиқий маломатийларга хайрихоҳлигини ҳам акс эттирган, дейиш мумкин.

Хуллас, мутафаккир шоир тилга олган «бода», «дўзах ўти», «жаннат суви», «соқий» ва «ғам»лардан мақсад инсон маънавий ҳаёти, тирикликнинг бош асоси бўлган кўнгилга юз буриш, унинг сир-асрорларини кашф қилишдир. Чунки кўнгил ҳолини тўғри англаб етган кишининг туйғу ва фикрлари, хаёл ва орзулари бағоят юксак бўлади. Зеро, инсонлик шарафи ҳам шу билан қимматли.

«ЖУНУН ВОДИЙСИҒА МОЙИЛ...»

Жунун водийсиға мойил кўрармен жони зоримни,
Тилармен бир йўли бузмоқ бузилған рўзгоримни.

Фалак бедодидин гарчи мени хокий ғубор ўлдум,
Тилармен топмағайлар тўтиёлиғқа ғуборимни.

Шак эрмас партаве тушкач уйи ҳам, рахти ҳам куймак,
Чу гўристон гадойи сермагай шамъи мазоримни.

Деманг қай сори азм эткунг, манга йўқ ихтиёр, охир
Қазо илгига бермишмен инони ихтиёримни.

Туганди ашки гулгун, эмди қолмиш заъфароний юз,
Фалак зулми бадал қилди хазон бирла баҳоримни.

Диёрим аҳли бирла ёрдин бошимға юз меҳнат,
Не тонг бошим олиб кетсам қўюб ёру диёримни.

Ёмон ҳолимға бағри оғриғай ҳар кимсаким, кўргай
Бағир парголасидин қонға булғанған узоримни.

Ҳаётим бодасидин саргаронмен асру, эй соқий,
Қадаҳқа заҳри қотил қуй, дағи дафъ эт хуморимни.

Жаҳон таркин қилмай чунки тинмоқ мумкин эрмастур,
Навоий, қил мени озод ўртаб йўқу боримни.

Бу ғазалда шоир ўзининг севимли қаҳрамони Мажнунга издош. Чунки «ғавғойи жунунға мубтало» Мажнун «Ҳушумни жунун ели совурди», дея эътироф қилган. Гап шундаки, ғазалдаги лирик «мен»нинг ақлу ҳуши ҳали «жунун ели»дан бутунлай соврилмаган. Унда ҳозирча «жунун водийсиға» майл пайдо бўлган. Унинг «Жунун водийсиға мойил кўрармен жони зоримни», деган сўзларини тинглаб, мойиллик сабабини ҳам дарҳол англаймиз. Демак, бу – жоннинг зориқишидан туғилган истакдир. Иккинчи сатр зорлик шиддатига тоқат қила олмаслик даражасига етган ошиқнинг тилагини ифодалайди:

Тилармен бир йўли бузмоқ бузилған рўзгоримни.

Бузилганни яна бузмоқдан не самара? «Бузилғон рўзгор»ни бир йўли тузмоқ мумкин эмасми? Йўқ, жунун маърифати бунга ўргатмайди.

«Жунун – мастликда ниҳоят, дарвешликда бидоят эрур. Жунун шундай огоҳликдурки, унда киши ўзлигидан бехабар бўлмоғи керак», дейди Саййид Жаъфар Сажжодий. Жунун – тасаввуфда ваҳдат майидан мастликнинг ниҳояти. Навоий назарда тутган «жунун водийси»,

бизнингча, дарвешликка дахлдордир. Чунки ғазалнинг биринчи байтида ўзликдан кечмоқ нияти таъкидланган, холос.

Фалак бедодидин гарчи мени хокий ғубор ўлдум,
Тилармен топмағайлар тўтиёлиғқа ғуборимни.

Бу мисраларни шоир Эркин Воҳидов бундай шарҳлайди: «Яъни, золим одамлар мени тириклигимда хўрладилар, қадримга етмадилар. Вақт келарки, менинг одамларга кўргазган меҳру садоқатим, фидойилигим аён бўлар. Кишилар менинг қадримга етарлар, мозорим хокини кўзларига тўтиё қиларлар. Лекин тириклигимда бедодлик қилганлар мен дунёдан ўтгач ўкинмоқлари бенаф, кўзларига тўтиё қилмоқ учун ғуборимни топмағайлар». «Фалак бедодидин» шикоят, албатта, шундай мулоҳазаларни илгари суришга имкон беради. Аммо бу фикрлар байтнинг зоҳирий мазмунига тегишли бўлиши мумкин. Унинг ҳақиқий маъноси эса бошқачадир.

Фалакнинг зулму адолатсизлигидан жисми хоки ғуборга айланган шоир, «Тилармен, топмағайлар тўтиёлиғқа ғуборимни», дейди. Бу гаплар кимга қаратилган? Энг аввало, ишқ аҳлига.

Абул Ҳасан Ҳарақоний «Нур ал-улум»да ишқ туфайли ғойиб ўлмоқни учга ажратади: аввалгиси, ўзингни англасанг, Худо ҳам сени билса ва кишиларни сийрак кўрсанг. Иккинчиси – сен бўлсангу, маъшуқ бўлса. Учинчиси – ҳамма бўлса-ю, сен бўлмасанг.

Навоийнинг навбатдаги тилаги шу сўнгги ғойиблик, яъни ваҳдати вужуд билан тамоман бирлашмоқдир. Ваҳдати вужуд назариясининг асосчиси Ибн Арабийга кўра, борлиқда Аллоҳдан ўзга ҳеч нарса йўқ, сўнгсиз шаклларда тажалли этадиган ёки кўринадиган ягона ҳақиқат – Аллоҳ бор. Бу Ҳақиқатни майдонга келтирган ёхуд яратган бирор сабаб бўлмаганидек, унинг аксидан бошқа зуҳурланмиш нарса ҳам йўқ. Тасаввуфда илоҳий жамол тимсоли – Нур. Агар Худо ўз аксини кўрсатса – олам нур ва ёруғликка чулғанади. Навоий бу Нурнинг оламшумул қудратини улуғлаб дейди:

Шак эрмас партаве тушгач уйи ҳам, рахти ҳам куймак,
Чу гўристон гадойи сезмагай шамъи мазоримни.

«Шамъи мазор» – жаҳондаги барча нарсани ўтга ғарқ этувчи самовий порлоқликка нисбатан кичик бир ёруғлик рамзи. Бироқ, инсон руҳи «шам»га қиёсланадиган бўлса, унинг шуъласи Ҳақ нурига сингиб кетишга қодир. «Гўристон гадойи» – умумлашма образ. Шоир унда инони ихтиёрини «қазо илкига» топшириш сирларидан бехабар ғофилларга муносабатини изҳор қилган. У дашти фанога равона бўлишни кўзлагани учун ҳам ихтиёрсиз. Кейинги уч байтда «ўлим»га ризолик сабаблари шарҳланади. «Ашки гулгун»нинг тугаши, «заъфарони юз» билангина қолиниши – булар ҳақиқий ошиққа хос камолот белгилари. Бу ҳолатга эришган кишига фалак зулм ўтказиши, аҳли диёр ғанимлик назари билан қараши табиий. Мажнун қисматини хотирланг. Уни ким тушунди? Деярли ҳеч ким. Одамлардаги гумроҳликни фалак авж олдирмаганида Мажнун дашту саҳроларга бош олиб чиқиб кетармиди? Қаттол фалак ҳамиша кўнглида «руҳи қудсий» нузул қилган ошиқларнинг «хазон бирла баҳорини» бехато ажратиб берган. Улар гўёки хазон фарзандлари. Хазон япроғи янглиғ сарсон-саргардонлик учун дунёга келгандай. Шоир ёмон ҳоли, тилинган бағир қонига беланган юзини кўрган кишининг кўнгли оғришини эътироф этса-да,

барибир ёру диёридан қочишга қатъий аҳд қилади:

Диёрим аҳли бирла ёрдин бошимға юз меҳнат,
Не тонг, бошим олиб кетсам, қўюб ёру диёримни.

Қисмат майи аччиқ ва тахир, деган гап бор. Бу бода соқийи азал – Худо томонидан ато этилади. Шунинг учун Навоий ўша соқийга мурожаат қилиб, тақдир қадаҳига «заҳри қотил қуй», яна хуморимни тарқат дейди:

Ҳаётим бодасидин саргаронмен асру, эй соқий,
Қадаҳқа заҳри қотил қуй, дағи дафъ эт хуморимни.

Навоийнинг нуқтаи назарида дунёдан кечиш – «заҳри қотил» ичиб кун кечиришдай гап. Бу аччиқ заҳарни сипқормагунча, жаҳонни тарк этиб бўлмайди. Тарки жаҳон қилмагунча, тиним ва хотиржамлик, қаноат ва дервешликка эришиш мумкин эмас:

Жаҳон таркин қилмай, чунки тинмоқ мумкин эрмастур,
Навоий, қил мени озод ўртаб йўқу боримни.

Охирги сатрда ийҳом санъати ишлатилган. Уни «Йўқу боримни ўртайдиган бир наво қилғилки, мен бутунлай озод бўлай», маъносида англаса ҳам бўлади. Бу куйнинг ижрочиси Худодир. Бу илоҳий наво инсон Руҳини ҳақиқий озодлик мақомига кўтаради. Худди шу наво ишқ аҳлини жунун водийсига чорлайди:

Жунун водийсиға мойил кўрармен жони зоримни...

«СЕН ЎЗ ХУЛҚИНГНИ ТУЗГИЛ...»

Сен ўз хулқунгни тузгил, бўлма эл ахлоқидин хурсанд,
Кишига чун киши фарзанди ҳаргиз бўлмади фарзанд.

Замон аҳлидин уз пайванд, агар десанг биров бирла
Қилай пайванд боре, қилмағил ноаҳл ила пайванд.

Кўнгул комини қўй, гар худ менинг девона кўнглумни
Топарсан уйла юз парканду сол ҳар итга бир парканд.

Эшитмай халқ пандин, турфаким панд элга ҳам дерсен,
Қила олсанг, эшитгил панд, сен ким, элга бермак панд.

Бу фоний дайр аро гар шоҳлиғ истар эсанг, бўлғил
Гадолиғ нониға хурсанду бўлма шаҳға ҳожатманд.

Бўлиб нафсингға тобиъ, банд этарсен тушса душманни,
Сенга йўқ нафсдек душман, қила олсанг ани қил банд.

Шакарлаблар табассум қилғанин кўргач кўнгул берма
Ки, бедилларни аччиғ йиғлатур охир бу шаккарханд.

Жаҳон лаззотини ширин кўрарсен, лек бандингдур,
Гирифтор ўлма, воқиф бўлки, қайду қанд эрур монанд.

Кўнгулдин жаҳл ранжи дофии гар истасанг, бордур
Навоий боғи назми шаккаристонида ул гулқанд.

Мир Алишер Навоий Самарқандда туриб, олис Ҳиротда яшаётган устози Сайид Ҳасан Ардашерга ёзган шеърий мактубида фахрия мазмундаги шундай сўзларни битган эди:

Фалак кўрмади мен киби нодире,
Низомий киби назм аро қодире,
Не назм дер эрсам мени дарднок
Ки, ҳар ҳарфи бўлғай анинг дурри пок.

Дарҳақиқат, Навоий нодир истеъдод соҳиби эди. Навоий ижодининг бошланиш босқичларидаёқ, даҳо санъаткорларга хос энг ноёб ва қайтарилмас фазилатларни намойиш эта олганди. Улуғ шоир, қандай шеър ёзмасин, «Ки ҳар ҳарфи бўлғай анинг дурри пок», деганида асло муболаға қилмаганди. Унинг йигитлик даврларида ёзган «Сен ўз хулқунгни тузгил, бўлма эл ахлоқидин хурсанд» мисраси билан бошланадиган «Бадоеъ ул-бидоя» девонидаги ғазалининг ҳам ҳар сўзи алоҳида қимматга эга ўзига хос теран пандномадир. Ғазал ўз хулқ-атвори хусусида чуқур ўйламайдиган, аниқроғи, ўзига-ўзи танқидий қарай билмайдиган кимсаларга мурожаат билан бошланади. Маълумки, эл ахлоқининг камоли, бевосита шахс хулқининг тузалиши ва камол топишига боғлиқ. Бу эса ҳар бир кишининг зиммасига масъулият юклайди.

Абу Наср Саррожнинг айтишича, ахлоқ-одобда инсонларнинг уч даражаси бордир. Биринчиси, дунё аҳли - буларнинг адабларининг асоси фасоҳат, балоғат, нафосат илмларини эгаллаш эрур. Иккинчиси, дин аҳли - булар ахлоқ-одобда риёзат ила нафсни ислоҳ айлаш, шаҳват ва орзуларни тарк қилишга алоҳида аҳамият беришлари лозим. Учинчиси, хос хусусият аҳли - булардан қалб поклигига эришиш, сирни пинҳон сақлаш, аҳдга вафо этиш, вақтларини муҳофаза қилиш, хавотирга берилмаслик талаб этилган. Албатта, Навоий ғазалининг матлаъсидаги фикр оддий одамга, яъни дунё аҳли вакилига қаратилган.

Шоир илгари сурган бош мақсадни далиллаш учун кўпроқ оддий одамларнинг онгида ўрнашиб қолган, «Бировнинг фарзанди бировга фарзандлик қилмайди», - деган гапга суянади:

Сен ўз хулқунгни тузгил, бўлма эл ахлоқидин хурсанд,
Кишига чун киши фарзанди ҳаргиз бўлмади фарзанд.

Бунда ахлоқ фарзандга қиёсланиб, уни фарзанд янглиғ тарбиялаш зарурлиги ҳам таъкидлангандир.

Иккинчи байтдаги, «Замон аҳлидин уз пайванд» - «замон аҳлидан алоқани узгил» деган талаб қандайдир ғалати эшитилади. Аммо шоир, умуман олганда, замон аҳли билан яқинлашувни инкор этаётгани йўқ. У аҳилликни билмайдиган, замон зайлига

қараб турланиб, тусланаверадиган субутсиз зотлардан узоқлашишга чорлаётирки, бу ҳам ахлоқсизлик жабридан фориғ бўлишнинг муҳим бир шарти саналади:

Замон аҳлидин уз пайванд, агар десанг биров бирла
Қилай пайванд боре, қилмағил ноаҳл ила пайванд.

Кўнгил йўли - энг тоза, энг нурли ва шарафли йўл. Кўнгил орзулари энг гўзал ва энг умидли орзулар эрур. Чунки кўнгил - маънавий-руҳий ҳаёт тамали ва ғайбий мукошафа бешиги. Лекин инсон кўнгил номи билан гоҳо ҳар турли хато ва адашишларга эрк беради. Кўнгил амридан ҳавоу ҳавас завқини фарқлай олмайди.

Навоий «кўнгул комини қўй», деганда масаланинг шу жиҳатини назарда тутади. Аммо шоирнинг «девона» кўнгли - бу бошқа кўнгил. У ишқнинг зўри ва шиддатидан парчаланган. Унинг ҳар бир парчасининг бир итга раво кўрилиши - бу ҳам содиқлик ва вафо белгиси:

Кўнгул комини қўй, гар худ менинг девона кўнглумни
Топарсен уйла юз парканду сол ҳар итга бир парканд.

«Кўнгил» истакларига бўйсунганлар одатда бошқаларнинг фикр-мулоҳазалари билан ҳисоблашмасликка мойил бўладилар. Эшитишга эмас, гапиришга, иқрор бўлишга эмас, инкор айлашга уринадилар. Бундай ҳолатда ҳатто панд-насиҳатларга ҳам назар-писанд қилинмайди. Бу, хусусан, ёшликда ва «нафс тавсани»га минганда, кибр ва ғурур бандаларида кўпроқ кўзга ташланади. Қуйидаги сўзлар Навоий замонида қандай аҳамиятга эга бўлган бўлса, бугун ҳам худди ўшандай қимматга эга:

Эшитмай халқ пандин, турфаким панд элга ҳам дерсен,
Қила олсанг эшитгил панд, сен ким, элга бермак панд.

Хўш, бундай моуманлик ва саркашликка сабаб нима? Бош сабаб, нафс ва тама. Тамадан покланган киши - қаноат тожини кийган киши. Навоий:

Бу фоний дайр аро гар шоҳлиғ истар эсанг, бўлғил
Гадолиғ ониға хурсанду бўлма шоҳға ҳожатманд –

дер экан, ҳақиқатда ҳам инсонни шоҳлик мақомига кўтарувчи қаноатни улуғлайди. Зеро, нафсни мағлуб этгувчи бир қалқон ҳам қаноат.

Энди нафс ҳақида. «Нафс» сўзи - бирор нарсанинг мавжудлиги, ҳақиқати, зоти ва ўзлиги деган маъноларни ифодалайди. Оддий халқ орасида «нафс» калимаси турли маънода қўлланилган бўлиб, гоҳо улар бир-бирига зид мазмунларни акс эттирган. Масалан, бир тоифа нафсни руҳ деб тушунса, яна бошқа бир гуруҳ мурувват, одамийлик, мавжудлик қуввати дея англаган. Тасаввуф аҳлининг қарашлари эса буларнинг бирортасига ҳам мувофиқ келмайди. Уларнинг умумий нуқтаи назари бўйича, нафс (нафси аммора) барча ёмонлик, чиркинлик ва гуноҳларнинг доияси эрур. Жунайд Бағдодий «Куфрнинг асоси - нафснинг муроди эрур» деса, Абу Сулаймон Дороний «Нафс ҳам хоин, ҳам ғаним эрур. Энг яхши амал унга қарши курашмоқдир» дейди. Навоий ҳам нафсни душмандан-да хавфли душман, ғанимни банд айлаш мумкин, лекин нафсни таслим этиш беҳад душвор, дея таъкидлайди:

Бўлуб нафсингға тобиъ, банд этарсен тушса душманни,
Сенга йўқ нафсдек душман, қила олсанг ани қил банд.

Сиртдан қаралганда, бу гапларнинг кейинги байтдаги маънога унча алоқаси йўққа ўхшайди. Бироқ «шакар лаблар табассуми»га асир айлаб, кейин йиғлатгувчи аслида маккор нафсдир:

Шакарлаблар табассум қилғанин кўргач кўнгил берма
Ки, бедилларни аччиғ йиғлатур охир бу шаккарханд.

Жаҳон лаззатлари чиндан ҳам тотли. Шу боис жаҳондан меҳр ипини узиш беҳад қийин. Чунки бу ўткинчи дунё инсон фарзандини суяб - аврайди, авраб - сеҳрлайди. Турфа-турфа қувончу шодликларга йўл очиб ўзига таслим айлайди. Бироқ «дунё маним» деган, жаҳон молин йиққанларга ҳам у барибир вафо қилмайди. Ҳамма-ҳаммаси бир тушга ўхшаб ўтади-кетади. Шунда инсон ҳавас ва ғурурларга тобе бўлганлигини, уни моддий манфаат ва ҳузур-ҳаловат алдаганлигини тушунади. Ва бағрида афсус, надомат, ҳасрат ўтлари ёнади. Навоий воқифликни шундай фожеанинг олдини олгувчи чора ўлароқ талқин этгандир:

Жаҳон лаззотини ширин кўрарсен, лек бандингдур,
Гирифтор ўлма, воқиф бўлки, қайду қанд эрур монанд.

Бу дунёнинг ишлари баъзан жуда ғалати: ширин-аччиққа дўнади, қувонч ғам-ғуссага сабаб бўлади, хатарсиз кўринган нарсалардан гоҳо бошга бало тошлари ёғилади ва ҳоказо. Нега шундай? Негаки, одам фарзанди «нафс ила дунёга дил» бериш не оқибатларга олиб боришини билиш ва риёзат чекиб чуқур мушоҳада юритишга ҳеч пайт белни маҳкам боғламайди. Тўғрироғи, бунга кўпчиликнинг қуввати ҳам етишмайди. Ана шу қувватсизликдан ғафлат, жаҳолат, зулм, риё, адоват сингари ўнлаб бало ва офатлар юзага қалқиб чиқади. Булар орасида жаҳл ва жаҳолат энг хавфлидир. Эҳтимол, жаҳл илдизини туб-тубидан қуритишга шернинг қуввати етмас. Эҳтимол, жоҳиллик назм боғи «шаккаристони» деган тушунчани умуман тан олмас. Балки Ҳазрат Навоийнинг:

Кўнгулдин жаҳл ранжи дофии гар истасанг, бордур,
Навоий боғи назми шаккаристонида ул гулқанд, –

деган тавсиялари шунчаки шоирона бир гап бўлиб туюлар. Аммо ҳар қандай эҳтимол ва тахминдан фориғ бир ҳақиқат шуки, Навоий шеърияти - кўнгилни покловчи, кўнгилдан жаҳл ва ғазаб, қаҳр ва зулм ранжларини дафъ айлашга қодир шеърият. Буни биз қанча яхши билсак, маънавий ҳаётимиздаги ишлар ўшанча тез ўнгланади ва энг қийин жумбоқлар ҳам ўшанча осон ечимини топади.

«ЛАБИНГДИН ХАСТА ЖОНКИМ БЎЛДИ БЕТОБ...»

Лабингдин хаста жонким бўлди бетоб,
Эмас бетоб, анга эрур шакархоб.

Ёшимдин обрўюм борди, билдим
Ки, равнақсиз қилур олтунни сиймоб.

Қошинг ҳажрида ҳар наълики кессам,
Келур пайваста, жоно, шакли меҳроб.

Қилич боғи белинг қучқон ҳасаддин,
Кўзумга аждаредур шакли қуллоб.

Кўзум оллидадур лаълинг хаёли,
Эмас кирпикларим остида хуноб.

Фироқ илги фиғон жон риштасидин,
Чиқарур, тордин андоққи мизроб.

Фалак бошингға қоплаб ит терисин,
Сен ани жаҳлдин деб кишу санжоб.

Ажаб йўқ, одамилиғни унутсанг,
Ўзунгни буйла ит чармида асроб.

Навоий, ранж кўрма, оғзин истаб
Ким, ул бир жавҳаредур – асру ноёб.

Алишер Навоий девонларида маъно ва образли ифодалари осон тушуниладиган ғазаллар ҳам кўп. Бундай шеърларни шарҳлашга унча эҳтиёж йўқ, албатта. Айтайлик, «Лабингдан хаста жонким бўлди бетоб, Эмас бетоб, анга эрур шакархоб», деган фикрда мураккаблик сезилмайди. Бу ўринда шоир татбиқ этган бадиий санъатни қайд қилиб ўтиш мумкин. Биринчи сатрда «хаста жон»нинг бетоблиги лабдан деб белгиланган. Иккинчи сатрда шу мантиқ инкор этилади. Ва бетоблик аслида шакархоблик, яъни ширин уйқу, дея ўзгартирилади. Бу фикрий қайтиш санъатининг номи ружуъ дейилган.

Ёшимдин обрўюм борди, билдим
Ки, равнақсиз қилур олтунни сиймоб.

Бундаги илк сатр алоҳида олинганда, уни «Ёшлигимдан обрўдан айрилдим, билдим», мазмунида ҳам англаса бўлади. Лекин асл муддао «Йиғлашимдан обрўсизландим»дир. Кейинги қатордаги гап тамсилий моҳиятга эга. Тамсил - мисол келтириш. Шоир симобнинг олтинга салбий таъсир ўтказишини шунчаки эслатмайди. Бу орқали аҳволи руҳиясининг нега шундайлигини асослайди.

Қилич боғи белинг қучқон ҳасаддин,
Кўзумга аждаредур шакли қуллоб.

Қилич боғи белни қучганлиги рост. Лекин буни ҳасадга тақаш ишончсиз. У, эҳтимолки, рашкнинг лофидир. Балки шунинг учун оддий боғлағич ва қилич ошиқ назарида

қўрқинчли аждарга айланади. Навбатдаги байт «фироқ илги» деган истиоравий ибора билан бошланади. Нохун танбур торларидан қандоқ оҳанг чиқарса, «фироқ илги» ҳам жон ипларидан ўша усулда фиғонлар чиқаради:

Фироқ илги фиғон жон риштасидин,
Чиқарур, тордин андоққи мизроб.

Мазкур ғазалнинг яна уч байти бор. Аммо шу уч байтдан иккитасининг маъносини тугал билмоқ учун бошқа ёзувчининг асаридан ўрин олган бир ривоятни эслатмоқ зарурдир.

Чингиз Айтматовнинг «Асрга татигулик кун» романи чиққандан сўнг манқурт деган сўз тез-тез такрорланадиган бўлиб қолди. Манқуртлик - қуллик. Аммо қўрқинчли қуллик. Манқуртлик тарихи романда бундай нақл қилинган: Ривоятга кўра қадим замонларда жунгжанглар деб аталган босқинчилар ўтган экан. Жунгжанглар туркий халқларнинг ҳам ерларини босиб олишибди. Жунгжанглар асир олинган жангчини ё қул қилиб ўзга ўлкаларга сотиб юборишар ёки уларга нисбатан беҳад оғир жазо чоралари қўллар эканлар. Бу жазо бошга териқалпоқ тортиш бўлиб, бунга одатда асосан ёш кишилар маҳкум қилинар экан. Қоида бўйича маҳбусларнинг сочлари аввал тақир қирилар, сўнг янги сўйилган туянинг бўйин териси бошларига қалпоқча шаклида қопланар, бу азобга гирифтор қул ё ўлиб кетар ёки бир умрга хотирасидан ажралиб, ҳеч нимани эслай олмайдиган манқуртга айланаркан. Ўзининг кимлиги, авлод-аждоди, болалиги, одамлигини буткул ёддан чиқарган манқурт фақат хўжайинига бош эгишу, унинг буйруқларини бажаришдан нарига ўта олмаскан. Унинг қорни тўйса – бас. У хурсанд. Унинг бошини хўжайин силаса – кифоя. У хотиржам. «Қулдор учун энг даҳшатли нарса - қулларнинг исёни. Ҳар бир қул сиймосида исёнкорлик руҳи яширинган. Ёлғиз манқурт бундан мустасно, исён кўтариш, бўйин товлаш унга бутунлай ёт». Шунинг учун манқуртга энг оғир ва ҳақоратли ишларни бажартираверишмумкин. У топшириқ кутиб яшайди. Ҳукм этилса, бўлди: манқурт жаллодликка ҳам тайёр. Унинг ваҳшийлиги чексиз-чегарасиз. Чингиз Айтматов Найман онанинг манқурт ўғли томонидан қандай ўлдирилганлигини батафсил тасвирлаб берганки, бунда манқуртликнинг моҳияти бутун даҳшати билан очилгандир. Инсоннинг инсонлигини бошқарадиган асосий қудрат Хотира бўлса-ю, шундан уни жудо этишса? Қандай бедодлик? Хуллас, манқурт воқеаси юракни ларзага солади. Ва беихтиёр кетма-кет саволлар туғилади. Шу саволлардан бири мана бундай: «Чиндан ҳам тарихда одамларни хотирасизлантириш ҳодисаси бўлганми? Бўлган бўлса қайси даврларда?» Бу саволга аниқ жавоб қайтариш қийин, албатта. Лекин ўтмишда шундай ёвузликлар амалга оширилганлиги ростга ўхшайди. Акс ҳолда Алишер Навоий мана бундай деб ёзмаган бўлурди:

Фалак бошингға қоплаб ит терисин,
Сен они жаҳлдин деб кишу санжоб.

Ажаб йўқ, одамилиғни унутсанг,
Ўзунгни бўйла ит чармида асроб.

Бу сатрларда Чингиз Айтматов ифодалаган ўша машъум ҳақиқат - манқуртлик моҳияти тўғрисида сўзлаган. Навоий манқурт сўзини ишлатмаган. Бироқ хотирасиз махлуқнинг кимлигини унга гўё тушунтирган. Навоий тасвиридаги манқуртнинг бошига «ит териси»

қопланган. Аммо у жоҳиллиги туфайли уни бошқа жонзотлар, яъни сув ҳайвонлари қундуз ва санжоб териси деб фаҳмлаётир. Унинг одамлигини эсдан чиқаришга ажабланмаслик керак. «Ит чармида»ги манқурт ёвузлигида хотиржам, энди бемалол яшайверади. У ҳар қандай эзгуликка тиш санчади. Чингиз Айтматовнинг «Манқурт худди ит каби фақат эгасини танийди. Бошқалар билан иши йўқ», деган фикрлари Навоий айтган манқуртга ҳам тўла мос келади. Навоийда босқинчи ўрнида фалак қилмиши сўзланган. Аслида ғаддор фалак барча ёмонлик ва ёмонларнинг дояси. У одамни одамийликни унутишга мажбур қилади. У инсонни жаҳл отига миндириб, қўлига ғазаб ва қаҳр «қиличи»ни тутқазади... Навоий ғазал матлаъини ошиқона фикр билан бошлаган. Оғир таассуротлар уйғотувчи юқоридаги сатрлардан сўнгги мақтаъда шоир яна ишқий гапга диққатни тортади:

Навоий, ранж кўрма, оғзин истаб
Ким, ул бир жавҳаредур – асру ноёб.

Ғазалдаги «лаб», «қош», «бел», «оғиз» кабилар тасаввуфий маънолар тасвири учун ҳам татбиқ этиладиган тимсоллардир. «Лаб» - илоҳий сўз мазмунини англатса, «қош» - қусурлар туфайли ошиқнинг маънавий-руҳий пасайиш, сустлашиш ҳолатини акс эттиради. «Бел» эса сайри сулук асосида ошиқ ва маъшуқ орасидаги муносабатларга ишоратдир. Илоҳий сўздан инсон ҳеч қачон «шакархоб» ҳолига тушмаслиги инобатга олинса, «лаб»да сирли бир ҳақиқат яширинмаганлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Шунга яқин фикрни «қош» ва «бел» тимсоллари хусусида айтса хато бўлмас. Аммо охирги байтдаги «оғиз»да илоҳий бир талаб бор. Чунки бу образ бир маънода «ҳақнинг каломи» деган қарашни ифодалаган. Чунончи, шоир илоҳий ишоратлар ва Ҳақ каломини энг ноёб «жавҳар» ҳисоблайдики, унга эришмоқ йўлидаги ранжни ҳам қувонч ўрнида қабул этади. Лекин, бизнингча, ғазалдаги энг муҳим ва ибратли нуқта манқуртлик моҳиятининг ёритилишидир.

«ТОПМАДИМ АҲЛИ ЗАМОН ИЧРА...»

Топмадим аҳли замон ичра бир андоқ ҳамдаме
Ким, замон осибидин бир-бирга айтишсоқ ғаме.

Кимки даврон соғаридин дам-бадам хуноб ичар,
Ғам йўқ ар ҳар дам ғамин айтурға топса ҳамдаме.

Чарх узукнинг ҳалқасидур, лек ҳар кавкаб анга,
Қатл учун остида қилғон заҳр пинҳон хотаме.

Йўқ фароғат даҳр ароким, шомдин сочин ёйиб,
Ёғдуруб ашкин, тутар ҳолингға ҳар тун мотаме.

Гар будур олам, кишига мумкин эрмас анда ком,
Ҳақ магарким ком учун боштин ёротқой оламе.

Йўқ вафо жинси бани одамда, бўл навмидким,
Сен вафо кўрмак учун халқ ўлғуси йўқ одаме.

Нукта нозук бўлди асру, бўлғай эрди кошки,
Шаммае бу рамздин зоҳир қилурға маҳраме.

Дарди захм ўлмиш ичу тошим, қадаҳ қуй оғзима,
Соқиё, кўксума лойидин доғи ёқ марҳаме.

Давр аро суҳбат бу янглиғдур, Навоий, тонг эмас,
Нолаю фарёди бирла гар тузар зеру баме.

Мир Алишер Навоийнинг девонларида шундай ғазаллар борки, ғоя ёки фикр миқёси ва салмоғи жиҳатидан улар ҳатто бутун бошли достонни эслатади. Баъзан узун бир маснавий ёхуд достонга сиғдириш қийин бўлган ҳақиқатни Навоий ғазалда шундай санъаткорлик билан ифодалайдики, бундай ғазални неча қайта ўқиманг, маъно-моҳиятини барибир тўлатўкис англаб, мушоҳада этиб билмайсиз. Навоийнинг «Наводир уш-шабоб» девонидаги ушбу тўққиз байтли ғазални ўқиган сезгир шеърхон бу масалада ҳеч пайт саёзликка ён бермаслик зарурлигини бир қадар яхши фаҳмлайди.

Ғазалнинг илк байтини ўқиймиз:

Топмадим аҳли замон ичра бир андоқ ҳамдаме
Ким, замон осибидин бир-бирга айтишсоқ ғаме.

Шарқда бирор-бир улуғ шоир бўлмаганки, ёр, дўст, меҳр, вафо, садоқат ҳақида гап борганда «Топдим», деган бўлса. Деярли, барчаси дарду алам ила «Топмадим», деган. Ҳақиқатда ҳам кўнгилга маҳрам бир ёр, таъбига мувофиқ бир мусоҳиб топиш шунчалик қийин кечганми? Осон кечганида, албатта, Навоий «Меҳр кўп кўргуздум аммо меҳрибоне топмадим», деб ёзмаган бўлурди. Ёки Муҳаммад Фузулий «Йўқ даҳрда бир мувофиқи таъби зариф», деб бошланадиган рубоийсида, нокас, паст, номард суҳбатдошлар билан шарафли вақтларимни бефойда ўтказдим, дея фарёд чекмасди:

Фарёдки ножинс мусоҳиблар ила
Бефойда ўтди авқоти шариф.

Навоий қитъаларидан бирида «аҳли маъни» эшигида гадолик қилишни «аҳли сурат»га подшоҳ бўлишдан баланд қўяди. Булар шоирона сўзлар эмас, балки «аҳли маъни», «аҳли дил», «аҳли сафо», «аҳли завқ», «аҳли ишқ», «аҳли ваҳдат» деб аталмиш зотларнинг ҳаётда сафи кенг бўлсин, деган бир орзунинг ифодасидир.

Хўш, Навоий назарда тутган ҳамдам ким? Ғазал қаҳрамони замон озори ва ранжлари тўғрисида қандай киши билан ҳасратлашмоқчи?

Кимки даврон соғаридин дам-бадам хуноб ичар,
Ғам йўқ ар ҳар дам ғамин айтурға топса ҳамдаме.

Демак, даврон қадаҳидан «дам-бадам хуноб» ичган кишига ҳамдам бўлгувчи ҳам ғамкаш, ҳам басирати очиқ, ҳам дунёни танигувчи кишидир.

Замон инсон бошига ранж, озор, дард ёғдиради. Даврон ўз қадаҳидан дам-бадам хуноб ичиради. Чархи даввор нима қилади? У қаттоллик ила машғулдир. Чунки у узукнинг ҳалқасига ўхшайди. Ундаги ҳар бир юлдуз ва сайёра эса қатл учун заҳар яширинган узукнинг айни ўзидир:

Чарх узукнинг ҳалқасидур, лек ҳар кавкаб анга,
Қатл учун остида қилғон заҳр пинҳон ҳотаме.

Бас, шундоқ бўлгач, шўрлик инсон бу даҳри дунёда фароғат топиб, осуда кун кечириши мумкинми? Эҳтимолки, у ўз қисмати ва аҳволининг сирларини тўғри идрок этолмас. Бу ёруғ дунёга нимага келди, нимага эришди, бахти нима, бахтсизлиги нима? Балки, бундай саволларни у хаёлга ҳам келтирмас. Бироқ унинг бошига тушган савдо ва қийинчиликлар даҳрни тебратадиган даражададир:

Йўқ фароғат даҳр ароким, шомдин сочин ёйиб,
Ёғдуруб ашкин, тутар ҳолингға ҳар тун мотаме.

Оламнинг умумий манзараси ана шу. Одамнинг толеи ҳам шунга мувофиқ. У елади, югуради. Гоҳ шод, гоҳ ғамга чўмиб яшайди. Топгани йўқотганига, елиб-югургани кўпинча лаҳзалик осудалигига арзимайди. Уни ҳеч ким алдамаганда ҳам ўзини-ўзи алдайди. Бўлмаса умр «юк»и жуда оғирлашади.

Ҳазрати Пайғамбаримиз бир ҳадисларида «Мўминнинг фаросатидан қўрқингиз, чунки у ҳамма нарсани Ҳақ нури ила кўради», деган эканлар. Оламга Ҳақ нури ила боққан шоирнинг нигоҳи янада ўткир ва қамровлидир. Буюк шоир дунёнинг асл моҳияти ва қиёфасини билишда алданмайди. Бироқ ҳамма шоир учун ҳам алданмаслик алданмасликнинг гарови бўла олмайди, албатта. Шеъриятнинг ҳамма вақт ҳам шеърхонга дунё тўғрисида тўғри тасаввур бера билмаслигининг бир сабаби ана шу. Шунинг учун айрим шоирларнинг дунёсеварлиги дунёни бутун мураккаблиги ва зиддиятлари ила таниш ёки идрок айлашда ўқувчига ҳеч қанақа фойда етказмайди. Навоийда эса аҳвол бутунлай бошқача. Ҳар бир нарса ва ҳодисага инсон манфаати ва қисматини кўзлаб баҳо берган мутафаккир шоир одамни ўкситиб, мурод-мақсадга етишга имкон бермайдиган олам ҳақида мана нима дейди:

Гар будур олам, кишига мумкин эрмас анда ком,
Ҳақ магарким ком учун боштин ёротқой оламе.

Дейликки, Ҳақ бошдан бошлаб янги бир олам яратди. Одамсиз олам руҳсиз вужуддай бир гап. Лекин инсон ўзгармас ва янгиланмас экан ҳамма кулфат, ҳамма мусибат бошқадан оёққа қалқиши муқаррардир. Чунки фожеанинг илдизи одамда:

Йўқ вафо жинси бани одамда, бўл навмидким,
Сен вафо кўрмак учун халқ ўлғуси йўқ одаме.

Бу мисралардаги фикр ва ҳукм олдинги байтдагига нисбатан ҳам кескин, ҳаттоки қалтисдир. Тўғри, Навоий жаҳон аҳлидан вафо кутмаслик кераклиги ҳақида шеърларида қайта-қайта гапиради. Бунинг туб сабабларини изоҳлайди. Ўзига хос кўрсатмалар беради. У бир қитъасида демиш:

Агар оқил эсанг, узгил жаҳон аҳлидин улфатким,
Алардин жуз жафо келмас, агар юз йил вафо қилсанг...

Жаҳон аҳлидан алоқани узиш фирор туйғусига эга ва тарк мақомига кўтарилган киши учун ҳеч қийин эмас. Аммо вафо бадарға қилинганлиги туфайли бани одамни айблаш ва «халқ» дейишга, халқ бўлишга арзигулик бирор одам ҳам топилмайди, дейиш сўфийларнинг сакр ҳолидаги шатҳиётларини эслатади. Навоий буни гўё пайқаб, ҳар турли инкор ва эътирозларни инобатга олганлиги учун навбатдаги байтни «нукта нозук бўлди асру» деган «изоҳ» билан бошлайди. Нукта – нозик сўз, таъсирбахш маъни, латиф фикр дегани. Навоий эса «нукта»нинг асру нозиклашувини рамзга боғлайди. Ва кошки эди озгина бўлса ҳам шу рамздан сўз очадиган маҳрам топсам, дейди:

Нукта нозук бўлди асру бўлғай эрди кошки,
Шаммае бу рамздин зоҳир қилурға маҳраме.

Шуни ҳам эътиборда тутиш керакки, Навоий «Сен вафо кўрмак учун халқ ўлғуси йўқ одаме», деганда халқ сўзини биз бугун англайдиган маънода эмас, одамлар тўдаси, жамоат, кўпчилик киши мазмунида ишлатган. Вафо сўзининг луғавий маъноси яхши маълум бўлса-да, истилоҳий мазмунидан кўпчилик хабардор бўлмаслиги мумкин. Бу сўз тасаввуф луғатларида, «Қулнинг зиммасига олган омонат ҳукмини ботин ва зоҳирда адо этиши. Кенгликда ва торликда ҳам Ҳаққа самимият ила садоқат кўрсатиш. Ишқни муҳофаза айлаш, аҳдни бузмаслик. Бошқаларнинг камчиликларидан кўз юмиб, хатоларини кечириш», - деб изоҳланган. Бизнингча, Навоий рамз тилини англайдиган маҳрамдан сўзлаганда ишқ ва сир аҳлини тасаввур этган. Шу тоифанинг вафо маслагига таянган. Кейинги байтдаги маъно буни тўла тасдиқлайди:

Дарди захм ўлмиш ичу тошим, қадаҳ қуй оғзима,
Соқиё, кўксима лойидин доғи ёқ марҳаме.

Тасаввуфда «шароб» - муҳаббат, ишқнинг ибтидоси мазмунига эга. «Жом» ёки «қадаҳ» - Ҳақ ошиғининг қалби. «Соқий» - пири комил, шайх. Байтдаги ботиний мазмун шундай: Муҳаббат азоби «ичу тошим»ни абгор айлади. Эй пири комил, файзингни дариғ тутма, ишқ йўлига йўллагил мени. Бағримдаги захмларнинг табиби ҳам фақат сенинг ўзинг ва сўзингдир.

Навоий ғазал сўнгида «Давр аро суҳбат», деган жумлани ишлатади. Бизнингча, ушбу ғазал давр ва даврон, олам ва замон, одам ва маънавий-руҳий буҳрондан баҳс этувчи теран бир фалсафий суҳбатдир. Навоий бошқа бир ўринда «Насли одам бўлмади ҳаргиз муҳаббат мазҳари», дейди. Мана шу нарса ўқувчини оғир туйғулар гирдобига тортгувчи фикрларнинг туғилишига асос бўлган:

Давр аро суҳбат бу янглиғдур, Навоий, тонг эмас,
Нолаю фарёди бирла гар тузар зеру баме.

«МЕНИ МЕН ИСТАГАН ЎЗ СУҲБАТИҒА...»

Мени мен истаган ўз суҳбатиға аржуманд этмас,
Мени истар кишининг суҳбатин кўнглум писанд этмас.

Не баҳра топқамен андинки, мендин истагай баҳра,
Чу улким, баҳрае ондин тилармен, баҳраманд этмас.

Нетай ҳуру пари базминки, қатлим ё ҳаётимға,
Аён ул заҳр чашм айлаб ниҳон, бу нўшханд этмас.

Керакмас ой ила кун шакликим, ҳусну малоҳатдин,
Ичим ул чок-чок этмас, таним бу банд-банд этмас.

Керак ўз чобуки қотилваши мажнуншиоримким,
Бузуғ кўнглумдин ўзга ерда жавлони саманд этмас.

Кўнгул уз чархи золидин, фирибин емаким, охир
Ажал сарриштасидин ўзга бўйнунгға каманд этмас.

Ул ой ўтлуғ юзин очса, Навоий, тегмасин деб кўз,
Муҳаббат тухмидин ўзга ул ўт узра сипанд этмас.

Алишер Навоийнинг «Бадоеъ ул-васат» девонига киритилган етти байтли бу ғазал бирмас, икки «Мен» («Мени мен истаган») билан бошланади. Шарқда, айниқса, тасаввуф таълимотида «Мен»га диққатни тортиш ёки урғу бериш унча мақбул кўрилмаган. Чунки Қуръони Каримга кўра, шайтон «Мен Одамдан яхшироқман», Фиръавн эса ўз қавмига «Мен сизларнинг энг устун парвардигорингиздирман», - деганида айнан «Мен»лик даъвосига берилган. Мансур Ҳалложнинг ҳам «Анал-Ҳақ»ида «Мен» биринчи ўринда туради ва бу унинг қатлига сабаб бўлганлиги маълум. Гап шундаки, Фиръавннинг «Мен»и билан ошиқ мутасаввифнинг «Мен»и бир-биридан бутунлай фарқ қилади. Бу фарқ тадқиқотчилар томонидан шундай шарҳланган: «Фиръавн фақат ўзини кўриб Менини йитирмиш, Мансур ёлғиз Менни кўриб ўзини унутмиш, яъни Миср ҳоқонининг «Мен»и кофирликнинг, Халложники Аллоҳ раҳматининг ифодаси бўлмиш». Шу маънода инсон «Мен»и дейишга тўла ҳақлидир.

Фақат бугина эмас, албатта. Оламнинг асл моҳияти ва асоси инсондир. Зеро, инсон Тангри мазҳарларининг энг устуни эрур. Борлиқларнинг ҳар бири Аллоҳнинг бир оти ёки сифатининг мазҳари бўлса, барча борлиқларнинг ниҳояси инсондир. Шунинг учун у Аллоҳ сифатларининг жамики тажаллийсига мазҳар. Коинот бир жасад бўлса, одам унинг руҳи. Лекин ҳамма инсон ҳам бу ҳақиқатни тўлиқ англаш ва ўзининг илоҳий моҳиятини идрок этишга қодир эмас. Тасаввуфдан баҳс этилган бир «Суҳбатнома»да (Навоий ҳам «аҳли маъни» вакили, яъни ориф ёки пири комил суҳбатига етишиш орзусини ифодалаган) дейилмиш:

Мо Худойи олам одам ёфтем,
Инчунин одам вале кам ёфтем.

Мазмуни: Биз Оламнинг Тангрисини одам ўлароқ топдик. Аммо бу хил одамни жуда кам топдик.

Аллоҳнинг барча сифатларини ўзида акс эттириб – ўзининг изофий борлиғидан кечиб Тангри борлиғи ила яшаш учун фавқулодда қобилият ва салоҳият соҳиби бўлиш керак. Шарқда бундай зотларни комил инсонлар дейишган. Валийлар, орифлар, чин маънодаги фақир, дарвеш ва ошиқлар ана шундай кишилар бўлишган.

Сулаймон Боқирғонийнинг:

Суҳбатлиғ орифларға жоним бериб,
Суҳбатсиз нодонлардан қочғим келур, –

деган сўзлари ушбу тоифага мансуб зотлар ҳақидадир. Бундоқ қаралганда, Навоий ҳам суҳбат ва «суҳбатсиз»лик, интилиш ва қочиш (ёки рад айлаш) дан баҳс юритган:

Мени мен истаган ўз суҳбатиға аржуманд этмас,
Мени истар кишининг суҳбатин кўнглум писанд этмас.

Нечун бундай? Шеър қаҳрамонини суҳбатида эъзозга лойиқ кўрмаган киму, унинг кўнглига йўл топишга номуносиб кимса ким?

Бу саволларга ҳар ким ҳар хил жавоб топиши мумкин. Албатта, доно нодон суҳбатидан қочганидек, жоҳилнинг гап-сўзларини оқил назарга илмайди. Ва бу табиий ҳол. Шу маънода Навоий:

Не баҳра топқамен андинки, мендин истагай баҳра,
Чу улким, баҳрае андин тилармен, баҳраманд этмас,-

деганда тўла ҳақдир.

Халқимизда «Бўйимдек бўй топдим, кўнглимдек кўнгил топмадим», деган бир гап бор. Дарҳақиқат, тил ошнолиги осон, дил ошнолиги қийин. Моддий дунё талаб ва манфаатлари атрофида одамлар тез бирлашишади. Руҳоният, Маънавият, Маърифат ва Маслак «майдон»ларидачи? Шарқ мутафаккирлари аҳли дил - маъно эрларининг ҳаётга қараши, дунёни идрок этиш тарзи аҳли сувратга нисбатан буткул ўзгача ва оғирроқ кечишини кенг изоҳлаб беришган. Айрим улуғ алломалар бу масалага шу қадар теран назар ташлашганки, гоҳо фикр ва ҳукмларида кескинлик зоҳир бўлишидан ҳам чўчишмаган. Масалан, комил инсон табиати ва ҳақиқатларини бениҳоя чуқур тадқиқ қилган Азизиддин Насафий бир ўринда ёзади: «Қатъий ўлароқ шуни билгилки, инсонларнинг кўпчилигида инсонлик қиёфаси бўлган билан инсонийлик маъноси йўқдир... Бунга мутлақо ажабланма. Ҳар бир шаҳарда ҳам жисман, ҳам маънан инсонлик шарафига лойиқ саноқли кишилар бордир. Қолганларида суврат бўлган билан улар маънидан маҳрумдирлар». Авомлик тўлқини донолик ҳаракатига қараганда қамрови кенг ва «юпатувчи»дир. Акс ҳолда султонул орифин дея тан олинган Аҳмад Яссавий бобомиз:

Нодонлардан қочиб ер остига кирдим мано, –

демасдилар. Бундай зиддият жуда узоқ тарихга эга ва ҳеч қачон барҳам топмайдиган бир ҳодиса. Шу боис ўзини танишга астойдил киришган, ўзининг нуқсон ва камчиликларини

рўйи рост кўришга қодир ҳар бир миллат тараққиёт учун доимий равишда тўсиқ бўладиган ушбу ҳодисага юзаки муносабатда бўла олмайди. Чунки бу бевосита миллатнинг сифати ва сифат юксалишларига дахлдорки, бунда, хусусан, илм ва ижод аҳлининг нигоҳи ва овози алоҳида аҳамият касб этади.

Яна ғазалга қайтсак:

Нетай ҳуру пари базминки, қатлим ё ҳаётимға,
Аён ул заҳр чашм айлаб ниҳон бу нўшханд этмас.

Бу сўзларни ўқиган шеърхон «суҳбат» билан «базм» ўртасида бир яқинлик топади. Ва ўз-ўзидан, «Олдинги байтлардаги фикр ҳам ошиқ ва маъшуқа муносабатларига тегишлидир», деган хулосага келади. Умуман олганда, бу хулосага эътироз билдирмаслик керак. Чунки севганни севмаслик, севмаганга содиқ қолишга уриниш муҳаббат дунёсидаги ғаройиб ҳодисалардандир. Қолаверса, ошиқнинг «ҳуру пари базми»дан ўз маъшуқасининг суҳбат мажлисини устун қўяётганлиги шундоқ сезилиб турибди. Лекин ғазалнинг дастлабки байтлари ошиқдан кўра ориф ва маломатмашраб кишиларни ортиқроқ завқлантиради.

Навоий ғазалида ёр севгиси комил инсон ишқи билан уйғунликда талқин этилган бўлиб, қуйидаги инкор сўзлари ҳам шу мақсадга хизмат қилади:

Керакмас ой ила кун шакликим, ҳусну малоҳатдин,
Ичим ул чок-чок этмас, таним бу банд-банд этмас.

Кейинги байт маъшуқа васфига бағишланган: у «чобуки қотилваш»гина эмас, «мажнуншиор» ҳамдир. Унга содиқ ошиқ бўлиш учун жунун йўлини танлаш ва жунун майидан маст бўлмоқ лозим. Зеро, у «бузуғ кўнгул»дан ўзга ҳеч жойда жамол кўрсатмаганидек, «жавлони саманд» ҳам этмайди:

Керак ўз чобуки қотилваши мажнуншиоримким,
Бузуғ кўнглумдин ўзга ерда жавлони саманд этмас.

«Бузуғ кўнгул»га ҳокими мутлақ маъшуқа бўлгач, бошқа ҳеч нарса ундан ўрин топмайди. Ва у маккор даҳр - «Чархи зол»нинг фириб ва найрангларига алданмайдиган даражада комиллашади. «Чархи зол»нинг эса охир-оқибатда инсонни ўлим тузоғига илинтиришдан ортиқ мақсади йўқдир:

Кўнгул уз чархи золидин, фирибин емаким, охир
Ажал сарриштасидин ўзга бўйнунға каманд этмас.

Бу ҳукм - кўнгул ҳукми. Муҳаббат куч-қувватига суянган кўнгул ҳикмати эрур. Сўнгги байтда бу ҳақиқатнинг гўё исботи талқин этилган.

Халқимизда «кўз тегмасин» дея ёки «кўз тегиш»нинг олдини олиш учун исириқ тутатиш удуми бор. Шу удумга асосланиб шоир ёзади:

Ул ой ўтлуғ юзин очса, Навоий, тегмасин деб кўз,
Муҳаббат тухмидин ўзга ул ўт узра сипанд этмас.

Тасаввур этингки, моҳчеҳра малак ошиққа юзини кўрсатди. Ёр гўзаллиги ошиқни шу даражада ҳайратга солганки, унинг хаёлига келган биринчи иш исириқ тутатиш бўлган. Чунки, маъшуқага кўз тегмаслиги керак. Бунда ўт ёқишга ҳам ҳожат йўқ: ёрнинг юзида олов порлайди. Фақат «ул ўт узра» ташланадиган нарса сипанд эмас, муҳаббат тухмидир. Хўш, нима у муҳаббат тухми? Ҳужвирийнинг шарҳлашича, муҳаббат «ҳибба» сўзидан олинган бўлиб, луғавий маъноси устига тупроқ тортилган уруғ демакдир. Ҳаётнинг асли ва асоси ана шу уруғда яширинганидек, инсоннинг диний, маънавий, руҳий, ахлоқий ҳаётининг илдизи ва туб моҳияти ҳам муҳаббатдадир. Худди шу сабабдан ҳазрат Навоий «Муҳаббат тухмидин ўзга ул ўт узра сипанд этмас» деганлар.

СИРНИНГ БОТИН СИРЛАРИ

Дўстлар, маҳрам деб элга роз ифшо қилмангиз,
Бошингизға юз бало куч бирла пайдо қилмангиз.

Фош қилмангиз роз, чунким асрай олмай қилдингиз
Ўзгалардин асрамоқ боре таманно қилмангиз.

Ишқ асрориға тил маҳрам эмастур зинҳор
Ким, кўнгулдин тилга они ошкоро қилмангиз.

Чун кўнгулдур қалбу тил ғаммоз, махфий розни
Жон ҳаримидин бу иккига ҳувайдо қилмангиз.

Чун кўнгул тил бирла маҳрам бўлмади, ҳожат эмас
Айтмоққким, элга они нукта имло қилмангиз.

Саҳв этиб, чун роз дуррин сочтингиз, нозим бўлуб,
Оҳнинг дудин саҳобу кўзни дарё қилмангиз.

Чок-чок айлаб кўнгулни, тилни айлаб юз тилим,
Ташлаб итларга аларнинг ёди қатъо қилмангиз.

Менда ҳижрон дардию йўқ сабр, бори дўстлар,
Чорае гар қилсангиз, жуз жоми саҳбо қилмангиз.

Чун Навоий ишқ розин асрай олмай қилди фош,
Отини роз аҳли тумморида иншо қилмангиз.

Алишер Навоийнинг тўққиз байтдан таркиб топган ушбу ғазали улуғ шоирнинг кексалик чоғларида яратилган ва «Бадоеъ ул-васат» девонига киритилган. Эҳтимол шунинг учун ҳам ғазалнинг илк мисраларини ўқишданоқ, шеърхон катта ҳаёт тажрибасига эга донишманд ўгитларини тинглаётгандай бўлади. Ва, беихтиёр, ҳар кимга ишониб, ҳар кимни дилга яқин олиб сирдош бўлмаслик ҳақида ўйлай бошлайди. Хусусан, матлаъдаги «Бошингизга юз

бало куч бирла пайдо қилмангиз», деган огоҳлантирувчи гап «маҳрам деб элга роз ифшо» айлашнинг оқибати хусусида жиддий ўйлашга ундайди.

Бошланган фикр, албатта, давом топиши керак. Шоир уни мантиқан чуқурлаштириб дейди:

Фош қилмангиз роз, чунким асрай олмай қилдингиз
Ўзгалардин асрамоқ боре таманно қилмангиз.

Бу маъно бевосита тил одоби билан ҳам боғлиқ. Яъни байтда тилни асраган сирни ҳам асрай олур, деган мазмун аксини топган. Зеро, тилни тийиш талабларини билмаган киши ҳеч қачон сир сақлаш лаёқатига соҳиб бўла олмайди. Байтдаги таъкид ҳам жуда тўғри: ахир, ўзи асрай олмаган нарсани асрамоқни бошқа бировлардан талаб қилиш ақлдан эмас.

Бу олам ўзига хос улкан бир сирхона. Каттадир, кичикдир, жонлидир, жонсиздир, ҳар бир нарсанинг бу оламда ўз сир-асрори бор. Лекин барча сирлар орасида ишқ асрори мустасно мавқега эга. Ишқ сирлари қанчалик гўзал ва жозибали бўлса, шунчалик ниҳоясиздир. Ишқнинг ибтидоси ҳам сир, интиҳоси ҳам сир, унинг илоҳий моҳиятида сирлар яширин. Бунда сирни тўла-тўкис ошкор этиб бўлмайди. Балки сирни сирга улаб, қалбан сирдан сирга кўчиб яшалади. Ана шунда бирин-кетин ҳақиқат ва маърифат қулфлари очилади. Ана шунда инсон кўнглида том маънодаги маънавий янгиланиш ҳосил бўлади.

Бундоқ қаралганда, сир сўзининг луғавий маъноси оддий: ўзгалардан яширин тутилган бирор иш, бекитилган нарса, ёки пинҳон сақланган гапга сир дейилади. Аммо бу сирнинг биз тушунган, биз шарҳлаган мазмуни. Тасаввуф таълимоти ва адабиётидан яхши хабардор аждодларимиз сир калимасининг луғавий маъноси билан бир қаторда, эҳтиёж юзасидан истилоҳий мазмунлари хусусида ҳам мушоҳада юритишган. Навоий ғазалининг навбатдаги байти сирнинг энди истилоҳий моҳиятини ҳисобга олишни шарт қилиб қўяди:

Ишқ асрориға тил маҳрам эмастур зинҳор
Ким, кўнгулдин тилга они ошкоро қилмангиз.

Аслида «ишқ асрорига тил маҳрам» бўла олади. Маҳрам бўла олганлиги сабабли ошиқ аҳли дарди ва ошиқона орзу-истакларини тили билан изҳор қилиб келишган. Ишқ сирлари кўнгилдан тилга кўчганлиги туфайли қанчадан-қанча гўзал байту ғазаллар яралган. Қанчадан-қанча достон ва манзумалар битилган. Шунинг учун «Ишқ асрорига тил маҳрам эмастур зинҳор» деган ҳукмни оддий ўқувчи тўлиқ қабул эта олмайди. Қабул қилганда ҳам юзаки, яъни ҳақиқатни чуқур англамасдан хулоса чиқаради. Демак, шеърий матн талабини англаб сир тушунчасини кенгроқ қараш лозим бўлади. Чунки сир тасаввуф адабиётидаги асосий истилоҳлардан бири бўлиб, унинг таркибига янги маъно киритилган. Албатта, тасаввуфий бир маънони Навоий ғазалида ахтариб топиш учун эмас, ғазалдаги бош ғояни хатосиз белгилаш, таҳлил ва талқинда саёзлик ва ўзбошимчаликка эрк бермаслик учун ҳам ўша истилоҳий мазмун ёки унга тегишли маълумотлардан хабардор бўлмоқ лозим. Акс ҳолда бемалол ёлғон тўқиш, бағоят жўн қарашларга асосланиб «илмий» шарҳлар битиш жуда осонлашади.

Тасаввуф истилоҳида сир ҳам руҳга ўхшаб вужуд бағридаги бир латифликдир ва у мушоҳада жойи ҳисобланади. Абулкарим Қушайрийнинг ёзишича, аҳли тасаввуф «сирнинг руҳдан жуда латиф, руҳнинг эса қалбдан жуда шарафли эканлигига» ишонч билдиришган.

Уларнинг нуқтаи назарида, ҳур, покиза, тўғри кишиларнинг қалблари сирларнинг мазҳаридир. Чунки ҳур шахснинг қалбида туғилган сир ҳеч пайт ташқарига чиқмас. Мана шунинг учун Навоий ишқ сиррига тил маҳрам бўлолмаслиги ҳақида гапирган. Тил маҳрам бўла олмагач, табиийки, ишқ асрорини ошкор этишга сўзнинг ҳам куч ва имконияти етишмайди. Навоий бу тўғрида «Бадоеъ ул-бидоя» девонидаги ғазалларидан бирида мана нима дейди:

Сирри ишқимни тилармен шарҳ қилмай англасанг
Ким, эмас ишқ оятига маҳрами асрор лафз.

Шу ўринда савол туғилиши мумкин: хўш, на тил, на сўз билан шарҳлаб бўлмайдиган ўша сир қандай пайдо бўлади? Уни қандай тасаввур айлаш лозим? Тасаввуфга бағишланган қадимий манбаларда бундай саволларга жавоблар мавжуд. Масалан, Шаҳобиддин Умар Суҳравардий «Авориф ул-маориф» асарида шундай дейди: «Нафс тасфия ва тазкия этилгач, руҳ нафснинг қоронғулик ва ёмонликка йўналтирувчи таъсиридан халос бўлади. Натижада Ҳаққа қараб қурбият мақомларига юксала бошлайди. Шунда қалб ҳам муқимлашгувчи ҳолатидан ажралиб руҳга томон йўналар, ундан келадиган амр ва ишоратларни қабул айлашга бошлар. Ўзининг сифатларига қўшимча ўлароқ бошқа олий сифатга етишар. Қалбдан ҳам мусаффо ва шарафли ушбу сифатни англаш қийин бўлганлиги учун унга сир номи берилмишдир». Ҳазрат Навоийнинг:

Чун кўнгулдур қалбу тил ғаммоз, махфий рознн
Жон ҳаримидин бу иккига ҳувайдо қилмангиз,-

дея ҳатто кўнглига ҳам ишончсизлик билдиришларининг туб сабаби мана шунда.

Тасаввуфда сир икки турга ажратилган: Биринчиси – Ҳаққа оид сир. Иккинчиси – халққа оид сир. Ҳаққа оид сир ёлғиз Ҳаққа аён, бошқага мутлақо ошкор қилинмайдиган сир. Халққа оид сир эса Ҳақ билан қул ўртасидаги сир. Буларнинг ҳар иккаласи ҳам зоҳир қилинмаслиги керак. Чунки улар чин ошиқларга, хусусан, валийларга ишониб топшириган. Абулкарим Қушайрийнинг эътирофи бўйича, «Олимлар илмни тарқатишга мажбурдирлар, валилар эса сирларни яширишга. Агар олимлар илмнинг далилларини пинҳон тутадиган бўлсалар, жаҳаннам оташида ёнурлар. Валилар эса ўзларига топширилган сирларни ошкор айлайдиган бўлсалар ўша сирлардан маҳрум этилурлар».

Шундай воқеалар ҳақиқатда бўлган ҳам. Масалан, Ибн Арабийнинг мана бу сўзларини бир далил ўлароқ қабул қилиш мумкин: «Ҳижрий 594 йилда Фес шаҳрида бўлганимда Аллоҳ менга бир сир берди. Мен бу сирни ҳар кимга ошкор эттим. Чунки унинг ўзгаларга айтиб бўлмас сирлардан эканлигини билмасдим. Шу туфайли севгилимдан озор чекдим, яхшигина огоҳлантирилдим...» Навоийнинг лирик қаҳрамони ҳам севгилидан озор чекмаслик, ҳам орифлик маслагига қарши бормаслик учун кўнгил ва тилнинг ожизликларини фош қилиш билан кифояланмасдан, шўрлик кўнгилни чок-чок этиб, тилни эса юз тилим айлаб улардан батамом озод бўлишни кўзлайди:

Чок-чок айлаб кўнгулни, тилни айлаб юз тилим,
Ташлаб итларга аларнинг ёди қатъо қилмангиз.

Шарқ шоирларининг дунё билан муносабатлари кўпинча Кўнгилга тобе бўлганликлари, Кўнгилни Ҳақ тахти деб билганликлари туфайлидир. Бу гап Навоийга ҳам тегишли. Шунинг

учун таҳлил этилаётган ғазалдаги кўнгилга доир фикр ва баҳоларни тўғри маънода англамаслик керак. Чунки шоир тил ва кўнгилга «Чун кўнгулдур қалбу тил ғаммоз», дея «айб» қўяр экан, зинҳор-базинҳор қаллоб, фирибгар, сотқин каби салбий мазмунларни назарда тутган эмас. Балки руҳга нисбатан ҳам сирнинг латифлиги, мушоҳадага кенг имкон очиши ва кўнгилдан ҳам юксак мақомда туришини шоирона ифодаларда таъкидлашни кўзлаган, холос. Сир масаласида маломатийлар сўфий ва мутасаввифлардан ҳам илгарилаб, «Ҳол» Аллоҳ ила қул орасидаги сирдир, уни асло ошкор айламаслик керак, деб қарор қилишган. Шу боис улар «ҳол»ни юзага чиқарадиган ҳар қандай ҳаракат, жумладан: зикр ва самоъ, важд, ҳаяжонга берилишдан мутлақ тарзда ўзларини тийишган. Навоий маломатийларнинг фикр – қараш ва талабларини ҳам мукаммал билган. Шунга қарамасдан, алал-оқибат ўзини ишқ дарди дурларини асрашни уддасидан чиқмаган нозимлардан ҳисоблаб дейди:

Чун Навоий ишқ розин асрай олмай қилди фош,
Отини роз аҳли тумморида иншо қилмангиз.

Бу дунёда сирнинг тур ва «тармоқ»лари беҳисоб. Биров билганини сир сақласа, биров билмаганини сир тутишга уринади. Кимдир ҳақиқатни сир сақласа, кимдир ёлғонни. Кимнингдир кўнглига сир меҳр-муҳаббат уруғини сочса, яна кимнингдир бағрида адоват ва ҳасад ўтини ёқади. Сир қай бир зотларни ўзаро яқинлаштирса, бошқа бировларни бир-биридан узоқлаштириши мумкин. Лекин ишқ сири энг латиф, энг нозик ва энг ҳаётбахш ҳис-туйғуларнинг манбаидир. Ана шунинг учун ҳам шеърхон Навоийнинг «Ишқ розин асрай олмай» ошкор қилишини чин дилдан қувватлайди ва нафс сири, тариқат сири, ҳақиқат сири, тажаллиёт сири кабилар хусусида кўпроқ мушоҳада қилишни истайди.

«ТАСАВВУФ РИЗО АҲЛИДИН ЯХШИ АХЛОҚ...»

Бировга мусаллам тариқи тасаввуф
Ки, зотида мавжуд эмастур тахаллуф.

Тасаввуф ризо аҳлидин яхши ахлоқ,
Эрур истилоҳоти зебу такаллуф.

Тасаввуф эмас зуҳду тақвою тоат
Ки, анда риё йўл топар бетаваққуф.

Эрур маҳз тақвою лекин риёсиз
Убудият сарфу айни талаттуф.

Не эл қавлу феълиға андин таадди,
Не Ҳақ амру наҳйиға андин тасарруф.

Ўзин уйла беихтиёр англабонким,
Не қолиб тараддуд анга, не таассуф.

Қилиб Ҳақ вужудида маҳв ўз вужудин,
Навоий, муни бил тариқи тасаввуф.

Мусулмон оламида энг кўп тилга олиниб, энг кўп баҳсу мунозараларга сабаб бўлган ва жуда кўп таърифлар битилган иккита калима бўлса, шунинг биттаси тасаввуф сўзидир. Бу калима Шарқ чегарасини кесиб Ғарбга ҳам ўтган. Ва Ғарб олимларидан бири аҳли тасаввуфнинг тасаввуфга берган таърифларини бир жойга жамлаб, уларнинг сўфийликка муносабатлари бир-бирига ўхшаш келмаслигини кўриб ҳайрон қолган.

Дарҳақиқат, тасаввуфни англашда маълум бир фарқлар бўлганидек, тасаввуф тажрибасида ҳам баъзи номувофиқликлар бор. Шу боис ҳам айрим шоирлар ўзлари мансуб ёки хайрихоҳ тариқат талабларига таянган ҳолда тасаввуфга шеърий таърифлар битишган. Алишер Навоийнинг «Фавойид ул-кибар» девонидан ўрин олган юқоридаги ғазал ҳам худди шундай шеърлардан бири.

Академик адибимиз Ойбекнинг таъкидлашича, Навоий даврида тасаввуф «юксак аристократия муҳитида ғоят катта эътибор қозонган. У вақтнинг кўп акобир ва аъёнлари, шоирлар ўзларини тасаввуфга мансуб деб билганлар». Айниқса, эркин ва мустақил фикр соҳибларини тасаввуф йўли ўзига мафтун этган. Шунга қарамасдан, тасаввуф оммавий бир йўл бўлмасдан, нафсни енгиб, дунёни таниб, маънавий йўлчиликда охирги манзилгача етиб бора оладиган хос ошиқларнинг яшаш тарзи, маърифат ва ҳақиқат майдони эди. Бизнинг назаримизда, Навоий тасаввуф талқинига махсус шеър бағишларкан, масаланинг ана шу жиҳатларини ҳам эътиборга олган эди. Буни ғазалнинг илк байтиданоқ илғаш мумкин:

Бировга мусаллам тариқи тасаввуф
Ки, зотида мавжуд эмастур тахаллуф.

Яъни: кимгаки тасаввуф йўли ёки маслаги мусаллам бўлган бўлса, унинг шахсида ва сулук одоби бўйича ҳаракат қилишида ҳеч қандай ихтилоф бўлмаслиги зарур.

Нақл қилинишича, бир зот Ҳазрати Муҳаммад алайҳиссалом ёнларига келиб, «Эй Аллоҳнинг расули, «Дин нимадир?» - дея сўраганда, пайғамбар «Дин гўзал ахлоқдир», – деб жавоб қайтарибдилар. Савол берган киши Аллоҳ расулининг ўнг ёнларига ўтиб яна «Эй ҳабиби Аллоҳ, дин недур?» – деб сўрабди. «Дин гўзал ахлоқдур», - деган жавоб такрорланибди. Ҳалиги кимса энди пайғамбарнинг орқаларига ўтиб, «Эй Аллоҳнинг расули. «Дин нимадур?» – деганда, Ҳазрати Муҳаммад Мустафо «Англамасмусен, дин ғазабланмасликдур», - деган эканлар. Айни шунга ўхшаш қараш, яъни тасаввуфни гўзал ва комил ахлоқ деб билиш тариқат вакиллари ўртасида кенг тарқалган. Шайх Абул Ҳасан Нурий, «тасаввуф – русум ҳам эмас, улум тарзи ҳам эмас, балки яхши ахлоқдур», - деса, Каттоний «Тасаввуф – бу ахлоқ демак. Ахлоқан ким сендан илгариласа, тасаввуфда ҳам илгарилаган бўлади», – дейди. Абу Усмон ал-Мағрибийга кўра эса, «Яхши ахлоқ Аллоҳдан рози бўлмоқдур».

Алишер Навоий:

Тасаввуф ризо аҳлидин яхши ахлоқ,
Эрур истилоҳоти зебу такаллуф, –

деганда, юқоридаги каби фикр-қарашларни гўё умумлаштиради ва яхши ахлоқ асосини Аллоҳдан ризолик сифатида белгилайди. Чунки ризо ҳолини яшай олган ва ризо мақомига юксалган киши учун зоҳирий бир даъвонинг ҳеч қанақа қиммати қолмайди.

Навбатдаги байтда янада муҳим фикр илгари сурилган:

Тасаввуф эмас зуҳду тақвою тоат
Ки, анда риё йўл топар бетаваққуф.

Аслини олганда, зуҳд охират йўлчиларининг шарафли мақомларидан ҳисобланади. Абдулло Ансорий тасаввуфга бағишланган «Сад майдон» рисоласида зуҳдни учга бўлади: аввал дунёдан, сўнг оммадан, ниҳоят ўздан зуҳд. Унингча, дунёдан зуҳднинг нишонаси – ўлимни хотирдан чиқармаслик, қаноатли бўлиш, дарвешлар суҳбатидин баҳрамандлик.

Ўздан зуҳд эса инсоннинг ўз ичидаги ёвузлик, кучсизлик ва мунофиқликларни аниқ билишидир. Хўш, Навоий «зуҳду тақвою тоат»ни нега тасаввуфдан ажратаётир? Чунки, тасаввуф учун бош асос ишқ, завқ, илоҳий гўзалликдан туғилган самовий ҳиссиётлардир. Шу боис, ҳақиқий тасаввуф аҳлида зоҳид ва обидлардаги ички турғунлик, маънавий-руҳий ҳаракатсизлик мутлақо кўзга ташланмайди. Улар дунёни доимо ҳаракатда ва янгиланишда идрок этадилар. Энг муҳими, тақвою тоат соҳибларида учрайдиган риё ёки ботиний кибр тасаввуфда илдиз-илдизи билан қурийди:

Эрур маҳз тақвою лекин риёсиз,
Убудият сарфу айни талаттуф.

Маълумки, инсоннинг фикрига зуғум қилиш – унинг онги, маслаги ва қалбига тажовуз қилиш демак. Кишининг феълига озор бериш – унинг қадри, ғурури ва фазилатларини менсимаслик билан баробар. Тасаввуф муомала-муносабатда «эл қавлу феълиға» зўру зулм етказишни ҳақ томонидан ман этилган амрларга қарши бориш, яъни гуноҳи азим ҳисоблайди. Бу ҳақиқатларни мутафаккир бобомиз қуйидаги шаклда баён этганлар:

Не эл қавлу феълиға андин таадди,
Не Ҳақ амру наҳйиға андин тасарруф.

Тасаввуфда тўрт турли хотира хусусида фикр юритилади. Булар: шайтоний, нафсоний, малакий ва раҳмоний хотира. Раҳмоний хотира – инсонни чалғитмайдиган, устувор ва безавол хотира. Қалб барча хавотир ва ўткинчи орзу-ю ташвишлардан фориғ бўлгач, раҳмоний хотира инсон хотиржамлигининг бир манбаига айланади. Кераксиз тараддудлар барҳам топиб, афсусларга жой қолмайди. Бу эса соликнинг камолот босқичларидан юқори кўтарилиб, ишқ манзилига яқинлашганидан нишонадир. Ғазал охирида тасаввуфнинг туб моҳияти ва асосий шарти ҳақида бундай дейилган:

Қилиб Ҳақ вужудида маҳв ўз вужудин,
Навоий, муни бил тариқи тасаввуф.

Бу фикр – ваҳдати вужудга эришилажак мақомга берилган ниҳоятда гўзал таъриф. Унга етишган толиб ёки ошиқ дунёдаги барча нарсаларнинг пайдо бўлишини ягона бир вужуд туфайли деб билади. Бу вужуд қачонлардир ишқ ва жабарут оламида яширин бўлган ва ўзининг мавжудлигини зоҳир айлаган Аллоҳ таолодир. Зеро, бу Вужуднинг борлиғи – ишқ, ботини нур эрур. Шу Вужуд бўлмаса, ишқ ҳам, мавжудот ҳам бўлмасди. Демак, дунёдаги барча борлиқлар ишқ туфайли ва ишқ учун яратилган. Оламнинг жони эса шу Вужуд сийратидаги нурдан иборат. Ҳақ вужудида ўз вужудин маҳв этиш дегани, ана шу ишқ, ана шу нурга фоний бўлишдир. Тасаввуфнинг сўнгги манзили ҳам мана шу.

«КЎНГЛУМНИ ҒАМУ ДАРД ИЛА ҚОН АЙЛАДИ ИШҚ...»

Кўнглумни ғаму дард ила қон айлади ишқ,
Кўз йўлидин ул қонни равон айлади ишқ.
Ҳар қатрани билмадим қаён айлади ишқ,
Бедил эканим буйла аён айлади ишқ.

Ўтмишдаги орифлардан бири «Кўнгил бўлмаса, ишқ қаерни ватан айлар? Ишқ бўлмаса кўнгил нима ишга ярар?» - деган экан. Шунинг учун ҳам кўнгил ҳаётини ишқсиз, ишқ камолини кўнгилсиз тасаввур этиб бўлмайди. Булар бир-бирига шу қадар яқин, шу қадар бир-бирига ҳамнафас ва ҳамқадам. Фақат ишқ - ҳоким, кўнгил - тобеликка маҳкум, ишқ - ўт-аланга ёқар, кўнгил - шу оловда ёнар. Унинг толеи шу: ёниш, лекин кулга айланмаслик, дард, алам, ҳасрат оташида тинимсиз тобланиш ва завқ-шавқдан тонмасликдир. Навоийнинг «Бадоеъ ул-бидоя» девонига мансуб ушбу рубоийси ҳам ишқ ва кўнгил ҳақидаги митти бир шеърий «ҳикоят»дир. Ундаги «бош қаҳрамон» - Ишқ. Чунки ошиқ кўнглини «ғаму дард ила қон» айлаган, «ул қонни» кўз йўлидан равон оқизган, «ҳар қатрани» беиз қаёнларгадир пинҳон этган ва ниҳоят «бедил»ликни аён этган шу раҳмсиз Ишқдир. «Қон», «равон» сўзлари кўнгил ва кўз аҳволини аниқ гавдалантиради. «Бедил»ликка тегишли эътироф эса ўқувчида фикр қўзғайди. Табиийки, бу фикр-мулоҳазалар фақат кўнгилга эмас, ишққа ҳам дахлдор бўлади.

Умуман олганда, ишқ масаласи – Навоий шеъриятидаги жуда мураккаб, мунозарали ва серқирра масала. Уни англаш ва ҳал қилиш осонга ўхшаб кўринса-да, моҳиятига етиб бориш осон эмасдир. Шунинг учун юқоридаги рубоийга ўхшаш шеърларни тадқиқ ёки таҳлил қилганда, уларнинг мазмун-моҳиятига имкон қадар кенгроқ ёндашиш, ишқ турлари (мажозий, руҳоний, илоҳий ишқ)ни эътиборга олган ҳолда мулоҳаза юритиш керак бўлади. Чунки, ишқ калимасига асосланиб қайси бир тадқиқотчи Навоийни фақат мажозий муҳаббат куйчиси ўлароқ танитишга уринса, бошқа бирлари уни сўфий шоирлар даврасига қўшишга рағбат айлаши мумкин. Бундай «мусобақа» кундан-кун ёрқинроқ кўзга ташланиб бораётир. Аҳвол шунга еттики, ҳатто улуғ шоирнинг оддий бир инсон сифатида қачонлардир қай бир қизни яхши кўрганлигини тубдан инкор этувчи фикрлар ҳам ўртага ташланди. Гапимиз асоссиз бўлиб қолмаслиги учун бир мисол келтирайлик. Бундан бир неча йил олдинроқ босилган бир рисолада шундай фикрлар ёзилган: ««Лисон ут-тайр» достонидаги бир байт навоийшуносликда бевосита шоирнинг шахсий ҳаётига боғлаб талқин қилинди. Бу қўш мисрада Навоий ўз ишқини шарҳ айлайдиган бир достон ёзиш нияти борлигини айтган:

Бир неча кун умрдин топсам омон,
Шарҳи ишқим назм этай бир достон.

Байтдаги «ишқим» сўзига учиб, айримлар Навоий ҳам қай бир қизни севган, бу ҳақда ўз таржимаи ҳоли билан боғлиқ достон ёзмоқчи бўлган, бироқ унинг орзуси ушалмай қолган, деган хулосани илгари сурадилар. Фикр фанда қатъийлашди. Уни ҳозирча ҳеч ким рад этган эмас».

Илмда рад қилинадиган фикр бор, рад қилинмайдиган фикр бор. Агар қайси навоийшунос «ишқим» сўзига «учиб» Навоий ҳам қайсидир бир қизни севган, айни Шайх Санъон ҳикоятининг охирроғида ўзининг ишқ тарихидан ҳикоя қилувчи бир достон яратишни ай-

тган, деган хулоса чиқарган бўлса, демак, ниҳоятда тўғри хулосани илгари сурган. Чунки, Навоий «қай бир қиз»ни севмаганда, ўша маъшуқа ишқи билан куйиб-ёнмаганда, бу қадар ҳассос, бу қадар ҳаётсевар санъаткор мақомига кўтарила олмасди. Бизнинг бу ҳақиқатга заррача шубҳамиз йўқ. Халқ тасаввурига ҳам тўла ишонамиз. Чунончи, халқ ривоятларидаги Гули тимсоли осмондан олинмаган, балки, маълум бир ҳаётий-тарихий асосларга эга бўлган.

Иқтибос келтирилган фикр муаллифи бунга ҳам қарши чиқади: «Балки Гулининг ҳаётдаги асли (прототипи) бўлгандир? Йўқ! Масалага «Лисон ут-тайр»нинг ўзидан келиб чиқиб ёндашсак, аён бўладики, Навоий «ишқим» деганда биз тушунган маънодаги оддий севгини, яъни ўзининг бирон қизга муҳаббатини эмас, аксинча, маънавий, яъни кенг маънодаги ишқни, янада аниқроқ қилиб айтсам, Ҳаққа-тангрига ишқини кўзда тутган.

Биз ҳанузгача, Навоий ишқ ҳақида ёзганда ёлғиз инсоннинг инсонга бўлган муҳаббатини назарда тутган, Навоий куйлаган ишқ – ҳақиқий ишқ эмас, дунёвий ишқдир, деган бирёқлама ҳукмлардан қутула олганимиз йўқ». Навоийнинг ишқи фақат ҳаққа - тангрига тегишли дейиш, юмшоқ қилиб айтганда, олдингига нисбатан ҳам ортиқроқ бирёқламалик ва маҳдудликдир. Қолаверса, Навоийни улуғлаш эмас, камситиш бу! Тўғри, баъзи «радикал» сўфийлар махлуқ (яратилган нарса) муҳаббат Холиқ ишқига ҳижоблик қилади, шу боис, фақат Ҳақ ишқига ғарқ бўлиш лозим, деган ақидага таянишган. Аммо тасаввуфнинг туб моҳиятини теран билган, инсоннинг бу дунёдаги ўрни ва мавқеини мукаммал мушоҳада қилган ҳеч бир тариқат арбоби ёки мутасаввиф ижодкор мажозий ишққа таҳқир нигоҳи ила қарамаган. Шу маънода жуда характерли бир ҳодисага эътиборни қаратмоқчимиз.

Муҳиддин ибн Арабий ҳаж зиёратига борганда Макинуддин Исфаҳоний номли бир зот билан танишади. Исфаҳонийнинг Шамсуннизом деган ёш қизи бўлиб, унинг тенгсиз гўзаллиги, ҳаё ва малоҳати Ибн Арабий кўнглига ниҳоятда кучли таъсир ўтказади. Арабий бу бокира дилбарнинг гўзаллигини мадҳ айлаб шеърлар битишдан ўзини тия олмайди. Ниҳоят, ўша шеърлар «Таржимон ул-ашвоқ»номи билан алоҳида тўплам қилинади. Уни ўқиган мухолифлари Шайхи Акбар, яъни Ибн Арабийни ҳақиқий ишқ моҳиятига қарши иш қилганликда айблайдилар. У эса бу иддаоларни бутунлай рад этади. Шамсуннизом мадҳ этилган шеърлардаги юксак ҳиссиётлар, илоҳий сирлар, маънавий гўзалликлар ва мислсиз сифатларнинг барчаси рамз ёки тимсоллар эканлигини шарҳлаб беради.

Шу зайлда «Таржимон ул-ашвоқ» учун ёзилган янги шарҳлар китоби дунёга келади. Ибн Арабий бу ҳақда шундай дейди: ««Таржимон ул-ашвоқ»даги шеърларни ўқиган Ҳалабнинг айрим олимлари мени қаттиқ танқид қилдилар. Ҳолбуки, Низомийга бағишланган шеърлар илоҳий файзлар, руҳоний кашфлар, юксак яқинликларга ишорат этар. Мен илоҳий сир, раббоний маърифат, руҳ асрори, ақлий илмлар, шаръий талабларни ғазал ва ташбеҳ тилида ифодалаганман... «қош», «кўз», «киприк», «юз», «яноқ», «тер» ва аёлнинг бошқа гўзалликларини таърифу тавсифлаган бўлсам, бу билан Ҳақдан етган асрор ва нурларга ишорат этганман, улвий ва қудсий сифатларни тилга олганман».

Бошқа бир ўринда Ибн Арабий қатъий қилиб, «...хотин-қизларнинг қадрини ва уларнинг сирларини (нозикликларини) англаган кимса, уларни севишда зоҳидлик қилмас, билъакс, аёлларни севмак, орифлик камолидандир», - дейди.

Алишер Навоийнинг ҳам ишқ йўли – худди мана шундай йўл: замин гўзалларини севишга, эъзозлашга, уларнинг ишқига мубтало бўлишга чорловчи йўлдир. Навоийнинг турли жанрларда ёзилган неча минглаб байтларда гўзалларнинг сочи, қоши, кўзи, юзи, хол ва ёноғи, хат ва лаби, қадди-қомати мадҳ этилган. Масалан, шоир бир рубоийсида:

Кўз бирла қошинг яхши, қабоғинг яхши,
Юз бирла сўзинг яхши, дудоғинг яхши.
Энг бирла менгинг яхши, сақоғинг яхши,
Бир-бир не дейин, бошдин аёғинг яхши, -

дейди. Албатта, бундай мисраларни ўқиш жуда ёқимли ва улар кўз, қош, қабоқ, юз, сўз ёки хол, хат гўзаллигидан бошқа бир нарсани хаёлга келтиришга унчалик имкон бермайди. Бироқ рамз ва тимсол даражасига кўтарилган ушбу «унсур»ларда бир-бирини инкор этмайдиган икки мақсад акс эттирилган. Биринчиси, гўзаллик ва нафосатда ёрнинг тенгсизлигини кўрсатиш. Иккинчидан, шу гўзаллик ва нафосат, айни пайтда, илоҳий сифатлар, қудсий файзларга бир мазҳар эканлигини кашф қилиш. Шунинг учун бундай мақсад инсонга қараш ва муносабатни тубдан ўзгартиради, яъни инсонийлик моҳияти – илоҳийлик моҳиятидан айри эмаслигини, илоҳий сифатларни зоҳир этиш фақат инсонга ато қилинганлигини англашга кенг йўл очади. Бунда башар манфаатларига зид келадиган, уни чеклайдиган ҳеч қандай мантиқ йўқ. Аксинча, соч, қош, кўз, юз кабилар орқали ифодаланган ички маънолардан огоҳ бўлиш ёр гўзалликларига ишончни мустаҳкамлабгина қолмасдан, тасаввурда янги фикрий ҳаракат ва имкониятлар ҳосил қилади. Ошиқ учун бу ўзига хос бир эврилиш нуқтасидурки, унга юксалмасдан ҳеч бир ошиқ севгида худбинлик, нафсонийлик ва қўпол-лик офатларидан фориғ бўлолмайди. Тасаввуф аҳлининг мажозий севгига, Навоий сўзлари билан айтганда «жисмоний лаззат ва шаҳвоний нафс билан чегараланади»ган муҳаббатга паст назар билан қарашларининг бош сабаби ҳам ана шунда. Уларга кўра, мажозий ва табиий деб аталмиш башарий севгида ошиқ маъшуқани фақат ўзининг нафси, худбинлиги, лаззати учун севар ва жисмоний манфаатларга тобе бўлар. Шунинг учун у авом севгисидир. Авом фикри ва ҳаракатларида алоҳида бир хосият бўлмаганидек, севгисида ҳам маънавий-руҳий хусусият йўқдир. Бундай паст даражадан қутилишнинг бирдан-бир йўли эса руҳоний ишқ мартабасига кўтарилиш эрур. Шарқ шоирларида, жумладан, Алишер Навоийда ҳам «Ишқ агар комилдурур, ошиқ қилур маъшуқни», – деган фикр бор. Бу фикрни қандай маънода қабул қилиш керак? Бунда гап руҳоний севги ҳақида. Руҳоний севги мажозий муҳаббатдан баландга юксалиш ва ҳақиқий ишққа яқинлашиш мартабаси ҳисобланади. Бу мартабага эришган инсон учун асосий муддао маъшуқанинг кўнглини забт айлашдурки, ўртада ҳеч қандай хусусий мақсад қолмади. Чунончи, ошиқ дастлаб бутун борлиғи ила маъшуқасини севар, унинг кўнглига ўзини таслим этар, охир-оқибатда эса унинг ишқи билан юзма-юз қолиб, ишққа ўзини бутунлай фоний қилар. Бундай ишқ руҳий камолот ва кўнгил поклигининг гаровидир. Мажнуннинг Лайлига ишқи – ана шундай ишқ. «Лайлонинг Мажнуни руҳоний ишқ мақомига етишганди. Чунки, у нима тўғрисида гапирмасин, «Лайло, Лайло!» - дея фарёд чекарди. Зеро, ўзини Лайло учун фано бўлганлигига инонарди», – дейди Ибн Арабий. Бу ишқнинг тамали ҳам, олий чўққиси ҳам поклик, покбозлик ва руҳоний ҳузур-ҳаловатдир. Демак, Мажнуннинг ишқи – илоҳий эмас, руҳоний ишқ. Аллоҳнинг ердаги халифаси бўлмиш инсонга йўналган ишқдир. Унинг руҳи самовий юксакликларга сайр этаркан, бунинг илҳомчиси, энг аввало, Лайли эрур. Мажнун ишқининг комиллиги туфайли ошиққа хос бир қатор сифат ва фазилатлар Лайлида намоён бўлади. Навоий бир рубоийсида:

Ё кошифи асрори ниҳон бўлса киши,
Ҳаллоли румузи осмон бўлса киши.
Ё ошиқи зору нотавон бўлса киши,
Девонаву расвойи жаҳон бўлса киши, -

дейди. Мажнун «ошиқи зори нотавон», «девонаву расвойи жаҳон» бўлган киши. Унинг ҳуррияти ҳам, ибрати ҳам ана шунда. У Ҳаққа фано бўлишнимас, ишққа фанолик тариқини танлаган. Фақат Мажнунга ўхшаш, ёки Мажнунга издош ошиқларгина «Кўнглумни ғаму дард ила қон айлади ишқ...», дейишга ҳақлидирлар. Чунки, уларнинг дили ҳам, дини ҳам, имон-эътиқоди ҳам Ишқ ва Гўзалликдир. Шу боис «бедил»лик уларга қисмат эрур.

«ЙЎҚ ДАҲРДА БИР БЕСАРУ СОМОН МЕНДЕК...»

Йўқ даҳрда бир бесару сомон мендек,
Ўз ҳолиға саргаштаву ҳайрон мендек.
Ғам кўйида хонумони вайрон мендек,
Яъники, алохону аломон мендек.

Тасаввуфда талвин ва тамкин деган истилоҳлар бор. Талвин – ҳолдан ҳолга ўтиш, тамкин эса етишган жойга ўрнашиш, муқим аҳволни эгаллаш демак. Талвин ҳол соҳибларининг, тамкин ҳақиқат ва камол арбобларининг сифати. Сўфийлардан бири «Қурбнинг (яқинлик), ҳақиқатнинг аломати талвиндир. Чунки талвин қодир Аллоҳ қудратининг зуҳури ва ундан ғайрат топиш ҳодисаси эрур», - деган экан. Ишқ ва муҳаббат йўлида сайр этган киши талвин соҳиби ўлароқ, ҳолдан ҳолга юксалади, сифатдан сифатга янгиланади, манзилдан манзилга парвоз қилади. Бу ўзига хос ва ҳеч такрорланмас бир қалб саёҳати – маънавий йўлчиликдирки, уни сўз билан англатмоқ душвор.

«Вужуд учун руҳ нима бўлса, вақт учун ҳол ҳам худди шундайдир. Вақт мутлақо ҳолга боғлиқдир. Чунки вақтнинг сафоси ҳол ила бўлур...»,- дейди «Кашф ул-маҳжуб» муаллифи. Шунинг учун аҳли ишқ маълум бир «манзил»гача ҳолга алоҳида аҳамият беришган, ҳол ҳар кун ўзгарганда «Кейингиси аввалгисидан кўп гўзал, кўп сафолидир», - деган қаноат билан яшашган. Шарқнинг бирор-бир буюк шоири йўққи, ҳол «водий»ларига сайр айлаб, ҳол завқи ила кўнгилни поклаб камолга етиштиришга интилмаган бўлсин. Ҳол сирларига алоҳида назар ила қарашнинг бошқа муҳим жиҳати ҳам бор. Чунки тасаввуфда Ҳаққа борадиган йўл учга ажратилган: биринчиси мақом, иккинчиси ҳол ва учинчиси тамкиндир. Ҳазрати Муҳаммад алайҳиссаломгача бўлган барча пайғамбарлар мақом кошифлари ҳисобланган. Расулуллоҳнинг келишлари билан ҳар мақом эгаси учун бир ҳол ҳам пайдо бўлган. Шу боис, мутасаввиф шоирларга ҳол мутлақ тарзда илоҳий моҳият билан боғлиқ ва ажралмас мазмунга эга. Завқ, сурур, ғам, ҳузн, алам -- буларнинг ҳаммаси битта сўз билан «ҳол» деб аталган. Инсон ҳол йўли ила гўзаллик ва юксакликка интиларкан, табиий равишда у руҳини моддий олам қўполликларидан муҳофаза айлайди, руҳни шодлантирадиган даражада нафисликни севади. Айни пайтда бу ҳолат уни ёлғизлантиради. Ҳатто ўртача фикр тарзи ва савия билан ҳам идрок этиб бўлмайдиган бундай ёлғизлик аслида бирлик ҳиссиётларини ифодалайди. Ана шунда ваҳдат ҳоли заминида ҳеч кимга ўхшамайдиган, ҳеч кимни камситиб ёки таҳқирламайдиган янги «Мен» тузилади. Ишқдан тузилган бу «Мен» ҳақида Жалолиддин Румий ҳазратлари бир рубоийларида шундай деганлар:

Ман як жонам, ки сад ҳазораст танам,
Лекин чи кунам, чу банд дорад даҳанам?
Дидам ду ҳазор халқ, к-он ман будам,
З-он жумла надидам якеро, ки манам.

Мазмуни: Мен юз минг танаси бор битта жонман. Лекин не қилайки, оғзимда банд бор - боғлиқ у. Икки минг халқни кўрдим, улар мен эдим. Бироқ уларнинг орасида бирортасини ҳам кўрмадимки, у менга ўхшаса.

Алишер Навоийнинг рубоийсида ҳам ҳеч кимга ўхшамайдиган, ботиний ҳаёти бағоят ибратли ана шундай шахс кайфият ва ҳолати тасвирланган. Зеро, у ўз ҳолининг ҳайрони. У шу ҳолга етишиб, шу ҳол «мақоми»га кўтарилгунча, қанча риёзат чеккан, қанча машаққат ва савдоларни бошдан ўтказган. Рубоийнинг тўртала мисрасида ҳам шунга ишорат бор. Аммо бу бор-йўғи ишорат. Ҳақиқат эса бошқа. Агар бунда юқорида изоҳи берилган тамкин ҳоли назарга олинмаса, шеър қаҳрамони ўқувчи тасаввурида ниҳоятда ҳазин, кулфат ва ҳасратдан ортиқ даражада эзилган бир кимса қиёфасида гавдаланиши шак-шубҳасиздир.

Навоийни «Саргаштаву ҳайрон» этган ҳол оддий нарса эмас: қалб тасфияси, хотир балоғати ва маънавий завқдан юзага келган Ҳақ туҳфаси ва ҳадясидир. Абдулкарим Қушайрийга кўра ҳол ошиқнинг хоҳиш-иродаси ва интилишига боғлиқ бўлмасдан қалбда туғиладиган нашъа-ҳузур, ғам-қайғу ва ҳаяжондирки, Алишер Навоийнинг энг гўзал ва таъсирбахш рубоийлари ҳол ҳақиқати ва манзаралари тасвирига бағишланганлиги ҳам тасодиф эмас.

Йўқ даҳрда бир бесару сомон мендек,-

мисрасидаги «даҳр» сўзини кўпчилик дунё, олам, замон ёки давр маъносида англайди. «Бесару сомон» ибораси ҳақида эса бундай деб бўлмайди. Чунки, у паришонлик, кучсизлик, ожизлик, йўқсиллик сингари ҳолатларни акс эттиради. Навоий назарда тутган ҳолат дунёга тобеликдан фориғ бўлган ва дунё билан орани бутунлай «очиқ» қилишга эришган ҳур одамнинг ҳолати. У ночорликдан, забунликдан эмас, жунун шавқи ила «Йўқ даҳрда бир бесару сомон мендек», дегандир. Бироқ у бу ўринда даҳрга танқидий муносабатини билдираётгани йўқ. Аксинча шу даҳр шарофатидан ҳол завқига етишиб, ўз ҳолидан мамнунлигини таъкидламоқда:

Ўз ҳолиға саргаштаву ҳайрон мендек.

Ваҳдати вужуд маслагидаги кишилар даҳрга таҳқир кўзи билан қарамаганлар. Уларга кўра, Аллоҳ Даҳр номи билан ҳам исмланур. Ибн Арабий ёзади: «Даҳр, борлиғи сўнг бўлмаган нарсадан иборат эрур. ...азал ва абад даҳрга хосдир. Даҳр бўлган Аллоҳдир. Аммо бу сўздан маъруф (билинган) замон тавақҳум этилмас».

Агар бу изоҳ инобатга олинса, Фузулий ҳам «Йўқ даҳрда бир мувофиқи таъби зариф», деганда даҳрнинг илоҳий моҳиятини назардан қочирмаганлиги ўз-ўзидан ойдинлашади. Биз «ғам», «дард», «ҳасрат» сўзларининг мазмунини асосан моддий дунё воқеа-ҳодисалари билан боғлиқликда қабул қилишга ўрганиб қолганмиз. Бундай англаш мазкур сўзларнинг мазмун-моҳиятини жуда торайтириб, уларнинг сарҳадлари қайси жойгача узайишини тасаввур этишга имкон бермайди. Ҳолбуки, илоҳий идроки шаклланган ҳар бир Шарқ шоири ғам камлигини – энг катта ғам, бедардликни - энг улкан дард ўлароқ талқин этганки, Навоий ҳам «Кўнгул ичра ғам камлиги асру ғамдир», дейди. Шу маънода рубоий қаҳрамони учун «ғам кўйида» хонумондан ажралиш кулфат ҳам эмас, фожиа ҳам. У «Кимнингки зоҳири обод бўлса, ботини вайрондир», деган ҳақиқатни ниҳоятда теран билади. Ғам уни ишқ асрорига ошно айлаб, барча фоний нарсаларга фано нигоҳи ила боқиб, тавҳид «май»идан сархуш қилмаганда:

Ғам кўйида хонумони вайрон мендек,
Яъники, алохону аломон мендек,-

демаган бўлурди. Навоий бошқа бир шеърида «Хонумон таркин қилиб бечоралиғ кўнглим тилар», – дейди. Ишқ аҳли наздида ана шу «бечоралиғ»дан мақбулроқ чора йўқ. Рубоийда эса худди шу орзуни қўлга киритган ошиқнинг мухтасар ҳасби ҳоли тасвирланган.

«САБР АРЧИ КИШИГА РАНЖ АФЗУН АЙЛАР...»

Сабр арчи кишига ранж афзун айлар,
Охир киши фолини ҳумоюн айлар.
Сабринг нечаким кўнгулни маҳзун айлар,
Ҳам сабр сени зафарга мақрун айлар.

Алишер Навоийнинг ушбу рубоийси улуғ шоирнинг «Назм ул- жавоҳир» асаридан ўрин олган. Тўртликда сабр ва унинг хусусияти ҳақида баҳс юритилган. Сабр – чидам, бардош, тоқат айлаш демак. Тасаввуфий тушунчада, сабр – инсонинг яхши ва ёмон барча ҳоллар Аллоҳдан эканлигини англаши ва унга рози бўлиши. Яхши ҳоллар учун шукр, ёмон ҳоллар учун шикоят қилмаслик сабрнинг шартларидандир.

Маълумотларга кўра, Аллоҳу таоло Қуръони Каримнинг тўқсондан ортиқ ерида сабрни зикр этган, бир қанча ахлоқий фазилат ва хусусиятларни сабрга боғлаган, маънавий рутбалар ва эзгуликларни сабрнинг самараси айлаган. Дарҳақиқат, Қуръони Каримдаги сабрга доир ҳар бир оят шуларни тўла тасдиқлайди. Энг муҳими эса «Сод» сурасидаги «Албатта Аллоҳ собирлар билан биргадир», - деган илоҳий эътирофдир.

Мана шунинг учун ҳам Шарқ мумтоз адабиётида, хусусан, тасаввуф шеъриятида сабрга алоҳида аҳамият берилган. Зеро, «сабр шундай бир кучли нарсадурки, шаҳватни иффатга, ғазабни шижоатга, шиддатни ҳилмга, манманликни тавозеъга, ёмонликни яхшиликка айлантирмакка қуввати етар» (Абдулла Авлоний).

Сабрнинг бундай ўзгартирувчилик ва янгиловчилик қудрати ёхуд имкониятлари комил инсонлар томонидан теран идрок этилган. Сабр тўғрисида гапириш бошқа, том маъноси ила собир бўлиш – бу бошқа. Сабр учун, энг аввало, ақл ва маърифат зарур. Ақл ва маърифатга асосланмаган сабр шунчаки чидаш, иродани синаш ва фикрсизлик кўникмасидан ўзга бир нарса эмас. Шайх Абу Абдуллоҳ Ҳафифнинг таснифига кўра, сабр қилувчилар уч хилдир: 1.Мутасаббир, яъни зўрма-зўракилик билан сабр этувчи, сабрда бесабрликка ён берувчи. 2.Собир – сабрли, сабрга содиқ киши. 3.Саббор – кўп сабрли. Алишер Навоий ҳам бошқа бир тўртлигида сабур, яъни саббор ва собирни улуғлаб, ҳар кимки:

Чун бўлди сабур тенгри додига етар,
Собир киши оқибат муродига етар, –

дейди. Ҳеч шубҳасизки, собирликда ҳам, сабурликда ҳам ўзига хос ранж, машаққат ва қийинчиликлар бор. Кўнгилни маҳзунлик, ожизлик рутубатларидан поклаб, зафарга эришмоқ учун собирлар уч нарсани амалга оширганлар. Булар: нафс ва худпарастликни енгиш; Қазога ризо; Ва яхшидир ёмондир, оғирдир, енгилдир Аллоҳ раво кўрган ҳамма нарсани ишқ ила қабул айлаш. Алишер Навоий «Сабр арчи кишига ранж афзун айлар»,

деганида, асосан, нафсдан юзага келадиган ёки нафси амморага тегишли ранж ва азиятларни эътиборда тутган.

«Сабрнинг икки тури борлигини билмоқ лозим, - дейди Абулкарим Қушайрий - улардан бири – обидларнинг сабри, иккинчиси – ошиқларнинг сабри. Обидлар сабрининг энг гўзал кўриниши – сабрнинг шикоятдан бутунлай фориғ бўлиши. Ошиқларнинг энг гўзал сабри – изтиробдан холилиги». Навоий ҳам шикоятдан, ҳам изтиробдан фориғ сабрни ёқлаган. Чунки фақат шундай ҳолга етишган кишидан Тангри мадад ва марҳаматини дариғ тутмайди. Фақат шундай кишигина мақсадга эришиб, ўзгаларга намуна бўла олади.

Сабр фақат инсонга хос фазилат. Бироқ бу фазилат доимо бир-бирига зид ёки мухолиф қувватларнинг ғолиблигидан юзага келади. Кулфат ва мусибат асносидаги сабр – бу ироданинг иродасизликдан устун келиши демак. Айрилиқ ва ҳижрондаги сабрда ишқнинг кучи ҳокимдурки, ошиқни забунлик ва чорасизликдан муҳофаза қилур. Шу маънода илм ва маърифатга эмас, жаҳолат ва нодонликка, адолат ва диёнатга эмас, зулм ва зўравонликка сабр айлаш энг кечирилмас ожизлик ва гуноҳкорлик саналади.

Биз сабр деганда кўпинча, қийинчилик ва кулфатларга бардошли бўлишни англаймиз. Аслида сабрнинг мушкили бой-бадавлатлик, шодлик ва омад чоғларидаги сабр ҳисобланади. Бу ҳақида Имом Ғаззолий ёзади: «Ҳақиқий ҳунар, офият ва тўқчиликда сабр қилишни билишдир. Бунинг сабри, улардан шодланиб, кўнгил бермаслик. Ҳамма-ҳаммаси кишининг қўлида омонатлигини ва бир онда йўқ бўлишини билмакдир. Шунинг учун фоний дунёнинг ҳеч бир нарсасига кўнгил бермаслик лозим… Йўқсилликда сабр, бир жиҳатдан мажбурий эрур. Бироқ бой-бадавлатликда сабр тамомила ирода ишидир…»

Чунки айнан бой-бадавлатлик ҳолатида нафс инсонни тез ва кўп йўлдан оздириб, ўзига таслим этади. Нажмиддин Кубро ҳазратлари сабрни «нафснинг истакларидан бамисоли бир ўлик янглиғ узоқ турмоқ», - дея таърифлаб яна бундай дейдилар: «сабр…нафсга қарши бориб, унинг талаб ва истакларини бажармаслик, истамайдиганларини эса бажаришдир. Масалан, нафс ваҳдатни истамас, аксинча, касрат ва турланишни талаб айлар. Шунинг учун аҳли ҳавоу ҳавас вакиллари бир қиёфада юра олмаслар».

Ана энди Навоийнинг рубоийсига кенгроқ нигоҳ ташлаб асл моҳиятини белгилаш мумкин. Хўш, шоир шеърда сабрнинг фойда ва аҳамияти ҳақида сўзламасдан, унинг ранж ва кўнгилга маҳзунлик етказишига нега эътиборни қаратган? Чунки тасаввуфда сабрнинг тамали нафсга қарши бориш. Нафсга қарши турмоқ учун эса нафсни таниш лозим. Нафси шум ўзини танишдан чўчимайди. Зеро, унинг инсонни авраш, йўлдан оздириш, маҳзунликка чулғаш имконлари ҳаддан ортиқ кенг. Уни ҳатто илм билан таслим айлаш жуда қийин кечади. Шунинг учун Атоуллоҳ Искандарий «Нафсдан норози бўлган бир жоҳил билан дўстлашувинг нафсидан рози бўлмиш бир олим билан дўст бўлишдан кўп карра хайрлидир», - дейди. Хуллас, Навоий ахлоқий тушунча ва безавол фазилат ўлароқ сабрнинг назарий аҳамиятидан эмас, амалий натижасидан баҳс юритган. Шоир тасвирида сабр ақл ва ахлоқ ҳунаригина эмас, нафс тасфиясининг ҳосиласи бўлмиш бир кўнгил ҳолидир. Демак, сабр зафари алалоқибатда кўнгул зафари ҳисобланади.

Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» китобида шундай бир ривоят бор: нақл этилишича, Сирри Сақатий бир кун муридларига сабр ҳақида сўзлар экан, бир чаён келиб унга ниш санча бошлабди. Айтдиларким: «Нечун уни ўлдирмайсиз?» Айтдиким: «Уялдим, чун сабр хусусида сўзлаётган эдим». Қиссадан ҳисса шулким, сабрда сўз ва амал, ҳол ва ирода заррача бўлсин бир-биридан ажралмаслиги ва йироқлашмаслиги зарурдир. Ана шунда собирлар пайғамбарларга ворислик мақомига етишурлар. Ана шунда:

Ҳар кимки фалак зулму инодига етар,
Сабр айлаган охир эътиқодига етар.

«РИЁИЙ КАЪБАДИН ДАЙРИ ФАНОҒА...»

Риёий Каъбадин дайри фаноға
Кириб, гар бутқа зоҳир қилдим имон.
Мени ёзғурма, эй шайхи риёий,
Мен гар кофир эдим, бўлдим мусулмон.

Алишер Навоий бу қитъани қарилик чоғларида ёзган ва у «Бадоеъ ул-васат» девонига киритилган. Амалга ошириладиган ишда маълум бир мақсад бўлганидек, шеър ёзишда ҳам мақсад бўлади. Мақсад қанча аниқ, қанча теран шаклланса, шеърнинг таъсир даражаси ўшанча баланд, ўшанча фойдали бўлади. Ушбу қитъани ёзишдан кўзланган ният - риёни қоралаш, риё аҳлига муносабат билдириш. Риё - иккиюзламачилик, ёлғонни рост кўрсатишга уриниш, носамимийлик, у ёки бу моддий манфаат учун маккорлик қилиш. Риё барча яхши ва гўзал фазилатларнинг кушандасидир. Риё жой топган юракда албатта ҳасад ва хусумат бўлади. Риё ҳар қандай одамни мунофиқликка ён беришга, тўғриликдан йироқлашиб, алдов ва мунофиқлик йўлига киришга мажбур этади. Қайси жойдаки, одамлар ўртасида ихтилоф, келишмовчилик, ишончсизлик, манманлик ва бўҳтон бош кўтарса, ўша ерда риё бор. Аллоҳнинг расули риёни «яширин ширк» деб баҳолаган эканлар. Зеро, риё ва дин, риё ва имон бир-бирига мутлақо қарши тушунчалардир. Сўзида, амалида ва ҳолида риё аралашган кимсаларнинг тили дилига, зоҳири ботинига ҳеч қачон мувофиқ келмайди. Ана шунинг учун маломатийлар ибодатни, зуҳд ва тақвони ёки бошқа ижобий ҳолларни кўз-кўз қилмасдан риёни билиш ва риёга қарши курашишга даъват этганлар. Уларга кўра, инсон риёнинг ҳар қандай турини томиридан қуритиб ихлос соҳиби мақомига кўтарилмагунча диний ҳаётда ҳеч нарсага эриша олмайди. Эришганда ҳам маҳдудлик ва зоҳирпарастликдан нарига ўтмайди.

Илк дафъа сўфий лақаби билан танилган Абу Ҳошим Сўфийнинг нуқтаи назари бўйича, ихлосга эришишдан кўра риёдан қутилиш кўп мушкулдир. У риёни шу қадар чуқур тадқиқ қилганки, тасаввуф аҳли орасида «Абу Ҳошим бўлмаса эди, риёнинг яширин сирлари очилмасди», деган эътироф кенг тарқалган.

Албатта, сўфийлар ҳам, маломатийлар ҳам риёдан баҳс юритганда Қуръони Каримдаги фикр ва кўрсатмаларга асосланганлар. «Бақара» сурасининг 264-оятида буюрилмиш: «Эй мўминлар, молини одамларга кўрсатиш учун берадиган, Аллоҳга ва охират кунига ишонмайдиган кимсага ўхшаб, берган садақаларингизни миннат ва озор билан йўққа чиқарманг! Зеро, унинг (риёкорнинг) мисоли худди бир устини чанг-тупроқ қоплаб олган силлиқ тошга ўхшайдики, унга шаррос қуйган ёмғир текканда қаттиқ-силлиқ тошлигича қолдирган. (Ундай риёкор) мунофиқлар яхши амаллар қилдик, деб ҳисоблайдилар, аммо қиёмат кунида топган ва сарфлаган дунёларидан ҳеч нарсага эга бўлмайдилар. Аллоҳ кофирларни ҳидоят қилмайди». Бу ояти каримада риёкорнинг «устини чанг-тупроқ қоплаб олган силлиқ тошга» қиёсланиши бежиз эмас. Чунки силлиқлик, тилёғламачилик риёнинг биринчи талабларидандир. Бундан ташқари, риёда ҳилм ўрнини қаттиқлик эгаллайди. Аҳмад Яссавий «Кўнгли қаттиқ халойиқдин қочдим мано», деганда куфр ва риё аҳлини назарда тутган.

Навоийнинг қитъаси «Риёий Каъбадин...», деган ибора билан бошланади. Очиғини айтганда, бу ибора бир қадар ғалати эшитилади. Чунки Каъба муқаддас даргоҳ. Қуръони Каримда айтилганидек, «Албатта одамлар ибодат қилишлари учун қурилган биринчи уй Маккадаги Муборак ва бутун оламлар учун ҳидоят (маёғи) бўлган Каъбадурки, унда мақоми Иброҳим (яъни, Каъбани қуришда Иброҳим алайҳиссалом оёқлари остида бўлган харсанг тош, у тошдан ҳанузгача Иброҳим пайғамбарнинг оёқ излари кетмаган) ва унга кирган одам ҳар қандай хавф-хатардан омон бўлиши (каби) очиқ оят-аломатлар бордир...» (Оли Имрон: 96-97) Риё ва риёкорлик сидқ ва ихлосни очиқ инкор этмайди. Аксинча, энг муқаддас туйғу ва тушунчалар номи ила иш юритади.

Чин мусулмонга нисбатан риё аҳлининг Каъба зиёратига интилиши балки устунроқ бўлиши ҳам мумкин. Бироқ бундан ҳеч фойда чиқмайди. Навоий худди шу ҳолатни инобатга олиб ва худди шундай тоифадаги кимсаларга қарата «Риёий Каъбадин» қочиб «дайри фаноға» кириб «бут»га сиғинганлигини сўзлайди. Хўш, бу гапни қандай қабул этиш керак: бутпарастлик маъносидами? Йўқ, албатта.

Дайр сўзи бир неча маънони билдиради. Булар: бутхона, майхона, зовия, инсонлик олами; ориф ва авлиёлар тўпланадиган жой. «Дайри фано» - ўзликдан кечганлар олами. Унда «бут»дан мурод нима? Бут сўзининг луғавий маъноси – санам. Бу сўз севгили, маъшуқ, матлуб мазмунида ҳам қўлланилган бўлиб, футувват аҳли «фато» (йигит)ни бутчироқ, ишқ жамоаси ошиқни бутпараст ўлароқ қабул этганлар. Тасаввуфда эса бут - бу ваҳдад, илми илоҳийга ортиқ даражада иштиёқ сезган орифнинг кўнгли демак. Шундай қилиб, Навоий риёдан дин ва иймонни ажрата олмаганларга комил орифнинг маърифатини қарши қўймоқда. Шоирнинг ишонч-эътирофига кўра, агар инсон орифлик йўлини танласа, орифи комилнинг кўнгил нуридан файз олса, у гарчи кофир эса-да, мусулмон бўлиши шубҳасиздир. Бундай ҳолатда ҳатто риёкор шайхнинг ёзғиришидан ҳам ҳеч қандай зиён етмайди:

Мени ёзғурма, эй шайхи риёий,
Мен гар кофир эдим, бўлдим мусулмон.

Риё аралашган ҳеч бир ишда холислик бўлмайди. Риё дунё ишларини чигаллаштиради, одамларни билиб, кўриб туриб бир-бирига ёлғон сўзлашга, бир-бирини алдашга илҳомлантиради. Мана шу учун ҳам риёнинг шакл-шамойили ва сирларини билиш, энг хавфли душман сифатида ҳар ким унга қарши кураша олмоғи керак. Маломатийлар ўзининг қилган ишларига эътиборни тортган кимсани ғофил, қилган ишларидан қаноатланган ёки қувонганни риёкор, деб баҳолашган. Шу боис Боязид Бистомий «Инсонлар ичида Аллоҳ ила орасида энг қалин парда тортилган кимсалар учдир: илми туфайли олим, ибодати боис обид, зуҳди туфайли зоҳид даъвосида бўлганлар»,-дейди. «Риёий Каъба» ичида димиқиб қолмаслик учун ҳам буни англаш лозим.

«ЧУ РАЗЛ ҲАВСАЛАСИЗДУР... »

Чу разл ҳавсаласиздур, не тонг, агар ногаҳ,
Етишса мукнат анга, аржуманд тутқай ўзин.
Чу сукр боиси нисён эрур ажаб эрмас
Ки, жоҳ ани маст айлагай, унутғай ўзин.

Инсон хулқ-атворини чуқур билиш, унинг ҳолини, аҳволидаги ўзгаришларни яхши англаш билан бевосита боғлиқдир. Алишер Навоий қитъа жанридаги шеърларида ахлоқ-одоб, таълим-тарбия масалаларига диққатни жалб этса-да, аслида уларнинг аксариятида ҳолнинг сирлари, ижобий ёки салбий ҳолларнинг ақл ва ахлоққа кўрсатган таъсирлари ҳам тадқиқ этилади. Разл - паст, тубан, ярамас табиатли кимса дегани. Разолатга ўч, разиллик йўлидан юрган одамда ҳеч вақт очиқ ва мардона бир ҳаракат бўлмайди. У ниятини яшириш, пайт пойлаб кун ўтказишга маҳкум. Ана шу сабабларга кўра ҳам Навоий разлни ҳавсаласиз дея таърифлайди. Лекин бу алдамчи ҳавсаласизликдир. Тасаввур қилинг, бир пасткаш баландроқ бир амал ёки мартабага эришди. Нима бўлади? Унда биринчи кўзга ташланадиган кайфият иззатталаблик бўлади. Яъни, Навоий айтмоқчи, ўзни «аржуманд» тутади.

Одамлар орасида «Амал ҳар қандай кишини ўзгартиради», деган қараш бор. Аслида эса бу саёзлик, ожизлик, ҳавойилик, хусусан, разилликнинг юзага қалқишидирки, бунда амални айблаш ўзини унча оқламайди. Мансаб ва мартаба ўзни унутишга, «Ким эдингу, ким бўлдинг», деган савол хусусида бош қотирмасликка имкон беради. Бу эса мастлик ҳолатидан деярли фарқланмайди. Буни кўп маротаба кўрган, кузатган Навоий ёзади:

Чу сукр боиси нисён эрур ажаб эрмас
Ки, жоҳ ани маст айлагай, унутғай ўзин.

«Нисён» - ўзни унутиш. Ўткинчи дунё омадлари юз очганида тубан кимсалар ўзларини аржуманд этсалар бундан ажабланманг. Чунки улар ким эканликларини дарҳол эсдан чиқарадилар. Баланд амалу мартаба «шароби»дан маст бўлганлар, албатта «унутғай ўзин», дейди донишманд шоир. Бу гап фақат ўтмишнинг эмас, бугуннинг ҳам энг муҳим ва долзарб гапидир.

«ФИСҚ – КУФРИ НИҲОНИЙ ДЕМАК... »

Фосиқ мену кофири ниҳони,
Каъба сафари эрур манга ҳайф.
Ўзни буки яхши кўргузурмен,
Биллаҳки, менга калисо ҳайф.

Алишер Навоийнинг қитъа жанрига мансуб ушбу тўртлиги «Наводир уш-шабоб» девонидан ўрин олган. Унга шундай сарлавҳа қўйилган: «Ўзининг куфри ниҳонийсин ошкоро ва фисқи пинҳонийсин пайдо қилғани». Демак, бу шеър яширинни ошкор қилиш, ошкор қилинганни эса эътироф айлаш эҳтиёжидан туғилган. Гап шундаки, бундай ошкораликка юз буриш ва фавқулодда мардоналик билан ўзининг сийратига назар ташлаш ёки ўзининг устидан ўзи ҳукм чиқариш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Шунинг учун шеърнинг илк сатридаги «Фосиқ мену кофири ниҳони», деган сўзлар билан танишган оддий ўқувчида бир қадар ғалати ҳолат пайдо бўлиши мумкин. Чунки инсон табиатида ўзининг айб ва ахлоқий камчиликларига иқрор бўлишдан кўра, уларни яшириш, қандай қилиб бўлса ҳам ноқисликларини хаспўшлаш истаги доимо устунликка эришиб келган. Шеърнинг умумий мантиғи ана шу истакни тубдан инкор этади. Чунончи, унда энг, аввало, фисқ қораланган. Фисқу фужурга кўнгилдан ўрин берган кимсаларга фосиқ дейилади.

Навоийнинг эътирофи бўйича, фисқ ҳам куфр, фосиқ эса уни ниҳон сақлагувчи кимса. Бундай ҳолатда ҳатто «Каъба сафари»дан ҳам фойда етмайди.

Ғарбда пайдо бўлган эксизтенциализм таълимотининг таниқли вакилларидан бири бўлган Жан Поль Сартр мақолаларидан бирида, «Бизни инсоннинг тубанлигини таъкидлашда, ҳамма жойда унинг ёқимсиз, қабиҳ томонларини кўрсатиб, кўп ёқимли ва гўзал жиҳатларига эътибор бермаслик, инсоннинг ёруғ томонларидан юз буришда айблайдилар», дейди. Шунга яқин айб Шарқда маломатийлик деб ном олган маслак вакилларига ҳам қўйилган. Чунки улар ҳам қандай фазилатларга соҳиб бўлиш ҳақида эмас, асосан қайси қусур ва ноқисликлардан халос бўлиш хусусида баҳс юритишган. Бироқ бу иш инсон тақдирига жуда чуқур қараш, яхши фазилатларнинг равнақи бевосита ёмон ахлоқни-да танишга боғлиқ, деган эҳтиёж билан амалга оширилган. Шу маънода Навоий қитъасидаги лирик қаҳрамон бир маломатий қиёфасида кўзга ташланади, ва фосиқликнинг илдизини «ўзни яхши кўргазмоқ», яъни худпарастликда, дея таъкидлайди:

Ўзни буки яхши кўргузурмен,
Биллаҳки, менга калисо ҳайф.

Ўзни яхши кўрсатиш, сиртдан қаралганда оддий ҳаракат ёхуд табиий интилишга ўхшаб туюлиши мумкин. Лекин у кўпинча ва кўп вазиятларда ужб ва риёдан юзага келади. Риё жой топган кўнгил борки, ҳеч истисносиз барчаси диний туйғу ва соғлом эътиқоддан йироқлашади. Акс ҳолда Навоий ҳазратлари:

Биллаҳки, менга калисо ҳайф,-

деб ёзмасдилар.

Диний ҳаёт талаблари - осон ва осонлик билан амалга ошириладиган талаблар эмас. Диний ҳиссиёт камоли учун кўп ранж чекиш лозим. Чинакам диндор - ўзлигини таний олган, раҳмоний хислатлар нимаю, нафсоний хусусиятлар нима - буларни бехато фарқлайдиган ва амалга оширадиган, тоат-ибодатидан ортиқча мамнуниятга берилмайдиган кишидир. Инсон фарзанди сўзда, амалда (ишда) ва ҳолда риёдан қутилганда эди, олам аллақачон гулистонга айланган бўларди. Бироқ ҳеч қачон, бунақа бўлмаган, бўлиши ҳам душвор. Негаки уни доимий равишда ғафлат ва ҳавоу ҳавас таъқиб этади. Доимий равишда у маънодан кўра даъвога таслимдир. Навоийнинг қитъаси ана шулар ҳақида жиддий фикр юритишга чорлайди. Бундай мушоҳада айниқса бугун ҳар қачонгидан кўра зарур ва ниҳоятда аҳамиятлидир.

«ПОКЛАР ЖОНИ БЎЛУР ОЗУРДА...»

Поклар жони бўлур озурда тазвир ашкидин,
Кўзгу рухсори нечукким, занг тутқай нам била.
Ростлар кўнглини айлар тийра нодон ёвадин,
Шамъни ул навъким, жоҳил ўчургай дам била.

Поклик - зеҳн ва идрок тиниқлиги. Маънавий поклик - ахлоқ зиёси. У - ҳиссиёт ўткирлиги, кўнгилнинг ҳар турли ғуборлардан тозаланиши. Покиза юракда Руҳ шаффофлиги, англаш

туйғулари ҳам ғоятда юксак бўлади. Унинг ўзига хос маъюслиги, сезгирлиги бор. Қитъанинг биринчи сатрида «поклар жони»нинг ҳийла ёки фириб кўз ёшларидан озор чекиши сўзланган. Шоир бу озурдаликни нам туфайли «кўзгу рухсори»нинг занглашига нисбат беради. Айтайлик, бирор нодоннинг пойма-пой алжирашлари тўнка табиатли иккинчи бир гумроҳга ёмон таъсир кўрсатмас. Аммо бундай вайсақилик «ростлар кўнглини» тийра айлай олади. Бу эса жоҳилнинг «дам била» шамни ўчиришига ўхшайди. Ҳа, нодоннинг нафаси ҳам совуқ, дил ёруғлигига зиён етказувчидир.

«ИЛМИ ДИН КАСБ ҚИЛКИ...»

Илми дин касб қилки, суд эрмас,
Чарх мушкилларини ҳал қилмоқ.
Лекин ул илм доғи нафъ этмас,
Билибон бўлмаса амал қилмоқ.

Ҳадислардан бирида: «Аллоҳ таолодан фойдали илм сўрангиз ва бефойдасидан сақланингиз», дейилган. «Чарх мушкулларини» ҳал қилмоққа ёрдам бермайдиган илмларни ҳазрат Навоий бефойда илм деб ҳисоблаганлар, ва бундай илм билан машғул бўлмоқни мақсадга айлантирмасликка чақирганлар. Бундан мурод, қайси шакл ва қай жиҳатдан бўлмасин, фанга, охир-оқибатда халққа фойда етказишдир. Ҳаёт ва онг тараққиётига хизмат қилмаган илм - илмсизликдан ўзга нарса эмас. Тараққиёт учун эса билишнинг ўзигина кифоя этмайди: билимга яраша амал ҳам керак. Элу юртга илмдан етадиган наф - бебаҳо. Бу маънавий фойданинг ўрнини бошқа ҳеч нима тўлдира олмайди. Шунинг учун ҳазрат Навоий алоҳида урғу билан:

Лекин ул илм доғи нафъ этмас,
Билибон бўлмаса амал қилмоқ, -

деб ёзган эдилар. Билган нарсани биламан, билмаганни билмайман дея олиш - мана шу ҳақиқий билим. Билим даражасига мувофиқ амал ва ҳаракат - бу, чин олимга хос фазилат саналади.

«МУРУВВАТ БАРЧА БЕРМАКДУР...»

Мурувват барча бермакдур, емак йўқ,
Футувват барча қилмоқдур, демак йўқ.

Маълумки, шеърни чуқур англаш, шеър воситасида фикран сайр этишнинг биринчи шарти сўзнинг маъно ҳақиқати ва маъно ўзгаришлари ёки янгиланишларини яхши билиш ҳисобланади. Шеърхон у ёки бу сўз ва иборанинг мазмун тарихини нечоғлик пухта англаса, шеър билан мулоқотга киришиши ўшанча осонлашади. Бутун бошли шеърнинг тўғри талқини баъзан бир ёхуд бир неча сўзнинг маъноси, яъни туб ҳақиқатини кашф айлай олишга боғлиқ бўлиб қолади. Ана шунда маълум бир сўз ёки истилоҳнинг матнлар тизимидаги маъно бойиши, мантиқий теранлашуви, бошқача бир ранг ва оҳангда зуҳурланишини

кўриб ҳайрон ҳам қолиш мумкин. Бизнингча, Алишер Навоийнинг «Фавойид ул-кибар» девонига киритилган юқоридаги фардидаги икки бош сўз: «Мурувват» ва «Футувват» ҳақида ҳам шундай дейиш лозимдир. Чунки фарднинг мазмун-моҳиятини теран англаш, айнан шу икки калиманинг маъносини имкон қадар тўлиғ билишни талаб қилади.

Мурувват яхшилик қилмоқ ва яхшиликни севиш, мардлик, одамгарчилик ва сахийлик демак. Аллоҳ дўстларининг лутф ва эҳсонларига ҳам мурувват дейилган. Бундан ташқари, дўстларнинг айб ва қусурларидан кўз юмиш, фақат мақбул ишларни қабул айлаб, номақбулларини рад этиш ҳам мурувват.

Хатоий авлиёуллоҳнинг эшикларини мурувват эшиги деб ҳисоблайди:

Эранлар эшиги, мурувват эшиги,
Сидқ ила кирганлар маҳрум қолмас.

Умуман, мурувват соҳиби шижоат ва фидойилиги, холислик ва марҳамати билангина эмас, оқил ва донишмандлиги, мушоҳада ва хоксорлиги билан ҳам бошқаларга ўрнак бўла олгувчи кишидир. Нажмиддин Кубро ҳазратлари «Ҳиммат жамъиятнинг меваси, ҳатто жамъият сиридир», - дейдилар. Ана шу «мева»нинг «дарахт»и мурувват аҳлидурки, уларсиз ҳеч қачон ҳимматнинг асрорини мукаммал англаб бўлмайди.

«Мурувватнинг замини нима?» - дейилса, ҳеч иккиланмасдан, ахлоқ қуввати ва кўнгул ҳиммати, дейиш лозим бўлади. Зеро, мурувватда ҳеч қанақа иккиланиш, тараддуд заррача бўлсин, бирор-бир мақсад ёки ғаразни кўзлаш бўлмайди. Ҳамма иш мутлоқ тарзда холис бажарилади, кимга нима берилса, фақат кўнгил ҳиммати ила ҳадя этилади.

Чин маънодаги мурувватли одам энг охирги бурда нонини ҳам ўзи емаса емайди, аммо зарурат бўлганда уни муҳтож кишига беришдан ўзини асло тўхтата олмайди. Шунинг учун Навоий:

Мурувват барча бермакдур, емак йўқ, –

дея саховат ва олижанобликнинг ҳамма кўринишларини «барча бермакдур» иборасида мужассамлаштирганлар. Мурувват ва футувват калималарининг фард бошида кетма-кет келтирилишида ҳам таносибий бир талаб бор. Чунки мурувват камолисиз футувватни тасаввур қилиб бўлмайди: футувватни бир жисм десак, мурувват унинг руҳи ва ёрқин зиёси.

Футувват йигитлик, мардлик, фидокорлик мазмунидаги арабча бир сўз. Футувват аҳлига жавонмардлар дейишган. Хуросон ва Туркистонда футувват маслагидаги кишилар жавонмард номи билан фаолият кўрсатишган ва машҳур бўлишган. Жавонмардликда ҳамма яхши ва эзгу ишлар асосан ёшликка боғланади, ёшлик куч-қуввати, ёшлик самимияти ва фидойилигига ниҳоятда зўр ишонч билан қаралади.

Айрим тадқиқотчилар жавонмардлик таълимоти ва ҳаракатининг юзага чиқишини Қуръони Каримнинг «Каҳф» сураси ўн учинчи оятидаги мана бу сўзлар билан боғлашган: «Дарҳақиқат, улар Парвардигорларига иймон келтирган ва биз иймонларини зиёда қилган йигитлар (фатий, фато)дир». Бундай йигитлар мусулмон оламида Аллоҳ амрларига тўла-тўкис риоя айлаш, зоҳиран ва ботинан ахлоқни гўзаллаштириш, фақиру фуқароларга беғараз ёрдам кўрсатишлари билан донг таратишган.

Маълумки, инсоният учун энг хайрли, энг тўғри, энг ҳаётбахш йўл футувват йўли. Футувватга бағишланган қадимий ва мўътабар манбалардан бўлмиш Абу Абдураҳмон

Суламийнинг «Китоб ал-футувват»ида таъкидланишича, ҳатто набий ва пайғамбарлар ҳам жавонмардлик ишқи ва ахлоқи шарофатидан олий саодат ва мақомларга эришганлар: «...Футувват ишқи ила Нуҳ кўп ингради ва назарида футувват нури порлади. Иброҳим Халилуллоҳ футувват билан ном чиқариб бутпарастликнинг зарарини исбот айлади... Футувват боис Юсуф йўлларнинг энг гўзалидан одим ташлади... Футувватни Довуддан Сулаймон олди, инсу жинслар Сулаймон амрига тобе этилди... Исо футувватла ёрқин бир нур бўлиб порлади, Руҳ ва Масиҳ унвонини олди. Футувват шарофатидан Муҳаммад алайҳиссаломга очиқ фатҳ берилди...» Эҳтимол, ана шу ҳақиқатни аниқ англаганликлари учун ҳам аҳли футувват фикрий биқиқлик, диний маҳдудликлардан фориғ бўлишгандир.

Нақл қилинишича, Абу Ҳафс Ҳаддод бир масжидга тўпланган машҳур шайхлар ҳузурига ташриф буюриб, фасиҳ бир арабий тил билан нутқ ирод этибди. Шунда ундан «Футувват недур?» - деб сўрашибди. «Аввал сизлардан бирортангиз футувват нелигини сўзланг» - дебди Абу Ҳафс. Ўша йиғинда иштирок этаётган Жунайд Бағдодий «Менимча, футувват қилган яхшиликлар ва нафсни унутмак, яъни қилган ишларини «Мен қилдим», дея ўзига нисбат ва иснод этмасликдир», - дебди. Буни эшитган Абу Ҳафс «Шайх кўп гўзал сўзлади», - дея яна илова қилибди: «Менга кўра, футувват инсоф қилмоқ, аммо инсоф тилашни тарк қилмоқдир». Бу фикр ўшанда футувват ҳақида ҳали ҳеч ким айтмаган фикр ўлароқ эътироф этилган экан. Баъзи бировларда «Бу гапларнинг Навоий фардига нима алоқаси бор?» - деган бир савол пайдо бўлиши мумкин.

Биринчидан, Навоийнинг шеъри жавонмардлик ҳақида тасаввури саёз ўқувчига эмас, футувват тарихи, маслак ва қонун-қоидаларидан зарур даражада бохабар, яъни «қатра»да «дарё»ни кўришга қодир китобхонга мўлжалланганки, бунда илм ва маълумот ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Буни, албатта, ҳисобга олиш шартдир. Иккинчидан, Навоий «Футувват барча қилмоқдур, демак йўқ», деркан, ўз ҳукмида Абу Ҳафс Ҳаддод, Жунайд Бағдодий сингари футувватнинг моҳиятини гўзал ва таъсирли ифодаларда таърифлаган алломаларнинг қарашларига таянганлигини кўрсатади.

Шеър ўқувчига маълум, у аввалдан биладиган гапларни қофиялаштириб қайтадан унинг диққатига ҳавола қилиш эмас. Шеър бир маънода шеърхоннинг илми, диди, идрок ва фаросати олдида масъулият сезиш, унинг зеҳнига ишонч ҳам демак. Ана шу масъулият ва ишонч мумтоз шеъриятимиз вакилларида ниҳоятда баланд бўлган. Шу боис, улар шеър ёзиш салоҳиятини шеър ўқиш, шеърни англаш қобилиятидан ажратишмаган. Бошқаларнинг дид ва савияси билан ҳисоблашмоқ учун ижодкор, энг аввало, ўзининг дид ва савияси хусусида куйиниши зарурлиги Навоийнинг деярли ҳар бир сўзи ва сатридан шундоқ сезилиб туради. Бундан ҳар қанча ўрганса, ҳар қанча ибрат олса арзийди. Қолаверса, бадиий ижод учун бағоят аҳамият касб этгувчи бу иш шеърдан йироқлашган ёхуд шеърдан ҳафсаласи пир бўлган ўқувчининг шеърга қизиқишини қайта жонлантиришга ёрдам кўрсатиши ҳам эҳтимолдан йироқмас.

Хуллас, Алишер Навоий ўнлаб ғазалларда акс эттирса бўладиган моҳиятни бор-йўғи бир мисрага сиғдиради. Шу биргина мисра ўқувчини футувват хусусида янада кенгроқ, яна ҳам кўпроқ нарса билиш эҳтиёжини кучайтиради. Ҳар бир шеърхон ўз фикр-савияси доирасида футувват амалиётининг сирларини очишга уринади. Жавонмардлик таълимотининг буюк вакилларидан бири Паҳлавон Маҳмуд:

Гар дар сафи мо мўрчаи гирад жой,
Он мўрча шеър гардад аз давлати мо, –

яъни: агар бизнинг сафимиздан чумоли ўрин олса, ул заиф чумоли бизнинг давлатимиз файзидан шеърга айланади, дейди. Футувват инсонни ахлоқий кучсизлик, маънавий ожизлик, фикрий қулликдан халос этгувчи ана шундай қудратли таълимотдир.

Дарвоқе, мафкура билан меҳнатни, руҳ дунёси билан амалий фаолиятни, Ҳақ ишқи билан халқ ишини бирлаштириш жавонмардлик муассасаларининг улуғ тарихий хизмати эди. Жавонмардлар зулм ва зўравонликка қарши адолат ва шижоатни, жаҳолат ва ғафлатга қарши ақл ва ҳақиқатни оёқлантира олганликлари боис халқ уларга ишонган ва суянган.

Мансур Ҳалложнинг «Китоб ут-тавосин»ида ғалати бир гап бор. У ёзади: «Иблис ва Фиръавн ила футувват хусусида баҳслашдим. Иблис шундай деди: «Сажда этсайдим агар футувват мендан узоқлашарди». Фиръавн айтди: «Мен ҳам Унинг расулига инонсайдим футувват мақомидан тушардим». Мен дедим: «Сўзимдан ва даъвомдан қайтсам эдим, футувват водийсидан ташқари отилардим».

Иблис, ўзидан бошқасини ғайр кўрмагунча «Ман ундан устунман» деди. Ва Фиръавн, қавми ичидаги ҳақ ила ботилни ажратадиганни танимагунча, «Сизнинг учун мендан бошқа ҳеч қандай илоҳ йўқдир», - деди. Мен дедимки, «Агар Уни танимасангиз, асарларини танинг. Ўша асар менман. Мен ҳақман. Ва мен Ҳақ ила Ҳақ ўлароқ абадиян давом этажакман».

Демак, ҳамма ҳам футувватни даъво айлаши, футувватдан сайраши мумкин. Бироқ, футувват биринчи навбатда нафсни енгиш ва моумонликдан тамоман йироқлашмоқ, Ҳақни инсондан, унинг яратиқларидан ажратмасликдир. Ана шунда инсон «Футувват барча қилмоқдир, демак йўқ», - деган оламшумул бир ҳақиқатни кашф айлашдан ҳам, бор куч-қуввати ила унга амал қилишдан ҳам ўзини чеклай олмайди. Жавонмардлик ишқи ва тушунчаларининг Навоий шеъриятидан кенг ўрин ишғол этганлигига бир сабаб ҳам мана шунда бўлса керак.

СЎНГСЎЗ ЎРНИДА

Алишер Навоий мумтоз адабиётимизнинг марказий ва бош сиймосидир. Навоий шеърияти туркий адабиётнинг энг баланд, энг нурли чўққисини ташкил этади. Чунки Ҳазрат Навоий қадимдан бошлаб ўзи яшаётган давргача бўлган туркий адабиётнинг барча ғоявий-бадиий ютуқларини безавол ижодиётида мужассамлаштира олганди. Шунинг учун Навоийнинг сўз, фикр ва туйғу тасвирлари ўқувчи қалбига бошқача таъсир ўтказади. Навоий асарларини ўқиган одам, ўзи истасин, истамасин ҳақиқат мушоҳадасига эҳтиёж сеза бошлайди ва олам ҳодисотларини ҳам зоҳиран, ҳам ботинан чуқур билишга интилади. Ва табиий равишда комиллик сирларини кашф айлашга ҳаракат қилади. Шунда унинг кўз ўнгида икки муаззам йўл очилади. Булардан бири – Ҳақ йўли, иккинчиси – Халқ йўли. Навоий бу йўлларнинг бир-биридан ажралмаслиги ва ажратиб бўлмаслиги, Ҳақ ишқи Халқ ишқини доимо қувватлантиражагини бехато кўрсатиб берганлиги билан ҳам буюкдир. Шу боис Навоий сабоқларини англаган ва уларга амал қила олган кишининг қалби ишқ нури, маърифат зиёси билан равшанлик топади, у тарихий бир туйғу ила инсонлик ва инсонийлик шарафини белгилайдиган асосий тушунчалар ҳақида мустақил фикр юритади. «Фавойид ул-кибар»даги мана бу байтларга диққат қилинг:

Гар одаме малак ўлсаки, қилмасин таъриф,
Агар киши десаким, етмагай хижолат анга.

Ёмонни демаким, излол этар экан шайтон,
Дегил: фасодда мундин етар залолат анга.

Билурки, рўзи анга Ҳақ берур, ўзидекнинг
Бўлур чу бандаси, боис эрур разолат анга.

Демаки, илмда келмиш малакдин ул афзун
Ки, девдин дағи афзун эрур жаҳолат анга.

Ушбу байтлардаги мухтасар маъно бундай: Агар одамни малак ўрнида кўрсанг ҳам уни ортиқча мақтама. Чунки бу таъриф сени жаҳолатга дучор этиши мумкин. Ёмонни шайтон йўлдан оздирган деб ўйлама. Аксинча: ёмон кимсанинг фисқу фасоди шайтонга залолат етказади. Кимда ким Ҳақ иноятини унутиб, ризқ-рўзи учун ўзидек бир кимсанинг қулига айланса, билгилки, ўша кимса разилдир. Илм-маърифат соҳиблари малакдан ҳам юксалишига ишонгил. Аммо айни шу инсон фарзанди жаҳолат ва ёвузликда девни йўлда қолдиришини эсдан чиқарма.

Ҳеч шубҳасизки, бу ҳикматли фикрлар шеърхонни инсон ҳақида саёз ўйлаш, инсон табиатига юзаки назар ташлашдан муҳофаза этади. Агар инсон – инсонни билишда, инсонга баҳо беришда адашмаса, дунёни англашда, бу бераҳм дунё мушкулотларини бартараф қилишда унчалик адашмайди. Навоийнинг қатор шеърлари ўқувчини мана шу шафқатсиз ҳақиқатга ишонтиради.

У ёки бу халқнинг диний, фалсафий, маърифий ёки ахлоқий қарашларида фарқ ва тафовутлар бўлганидек, комиллик тушунчаларида ҳам фарқланишлар кўзга ташланиб туради. Жуда олис ўтмишда, яъни 716 йилда тахтга чиқиб буюк ва қудратли бир туркий давлатни барпо этган Элтариш ўғли Билга Ҳоқон кўп ўтмай ҳокимият марказида муҳаташам

Будда ибодатхонасини қуришни режалаштиради. Унинг қайин отаси ва донишманд вазири Тунюқуқ бунга қарши чиқиб, «Агар Буддага маъбуд қурдирсанг халқимизни итоатгўйлик, мутелик ва мискинликка чорлашга бош бўлурсен. Бу эса жасур ва курашчи эл руҳига мувофиқ келмайдиган ишдир», дейди. Шундан сўнг Билга Ҳоқон ўз ниятидан воз кечади. Қадимги туркий халқлар тарихнинг турли даврларида монийлик, буддавийлик, насронийлик, яҳудийлик каби динларнинг таъсирига берилиб, ҳатто оммавий равишда бу динлардан баъзиларини қабул қилган бўлсалар-да, тўғрилик, ватансеварлик ва ҳурликка ташналик туйғуларини улар ҳеч қачон бой бермаганлар. Аксинча, шу фазилатлари билан бошқа миллат ва элатларга ибрат кўрсатиб келганлар. Демоқчимизки, Навоий мард ва жасур боболаримизга хос миллий хусусият ва фазилатларни асарларида фавқулодда жозибали оҳангларда ифодалаб берган.

Олимларнинг эътирофлари бўйича ҳинд, юнон, чин тушунча тизимидан фарқли ўлароқ, туркий халқлар фикр ва тушунча системасида миллат севгиси, Аллоҳ қўрқуви ва тўғрилик доимий равишда устуворлик қилиб келган. Зеро, Навоий нуқтаи назарида ҳам юрт ва миллат севгиси, Аллоҳ олдидаги масъулият, тўғрилик шахс камолининг дахлсиз шартлари эди. Мана шу туфайли ҳам биз Навоийни билишда ҳафсаласизлик қилмаслигимиз шарт ва зарурдир.

НАВОИЙГА ҚАЙТИШ

(2-китоб)

МИЛЛАТ ВА МАНГУЛИК ТИМСОЛИ

Эйким, бори шеър аҳлиға сен хон янглиғ!
Шеъринг бори шеърларға султон янглиғ...
Заҳириддин Муҳаммад Бобур

Башарият нигоҳини ўзига қарата билган санъаткорлар жаҳон адабиёти майдонида ҳам унчалик кўп эмас. Зеро, бундай даҳолар бадиий ижодда мавқе қозониши ҳамон фақат адабиётда эмас, миллат фикр ҳаёти, қалб дунёсида фавқулодда ўзгариш ва янгиланишлар юзага келиши муқаррардир. Буни Шарқда ҳам, Ғарб халқлари адабиёти ва ҳаётида ҳам такрор-такрор кузатиш мумкин. Беш ярим асрдан ортиқ муддатки, Алишер Навоийни халқимизнинг фахри, тилимиз байроқдори, шеърият мулкининг султони, маданият ва маънавиятимизнинг сўнмас қуёши сифатида эъзозланишининг бош сабаби ҳам мана шунда.

Албатта, Навоийга ўхшаш доҳий шоирлар тасодифан дунёга келмайди. Бунинг учун яхши шаклланган ижтимоий маданий муҳит ва ривожланган иқтисодий-сиёсий шароит зарур. Навоий ўн бешинчи аср фарзанди. Лекин унинг ижодий шахсияти ва дунёқараши жаҳонгир Амир Темур асос солган улкан салтанат билан, ундаги беқиёс маърифий-маънавий кўтарилишлар билан мустаҳкам боғлиқ эди.

Амир Темур донишманд олим ва ҳукмдор Мирзо Улуғбек тақдирида қанчалик муҳим ролни бажарган бўлса, темурийзода Ҳусайн Бойқаро ҳам Навоийнинг Навоий бўлишида алоҳида ҳисса қўшган. Шунинг учун Амир Темур ҳукмдорлиги даврларида шаклланган ва ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маданий турмушнинг деярли барча тармоқларида ибратли натижалар берган давлатчиликдаги бирлик, аҳиллик, ташаббускорлик ва бунёдкорлик туйғуси Навоийни кўп илҳомлантирганди. Академик Иззат Султонга кўра эса, «Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг бу давр тарихи гениал шоирнинг дунёга келишига замин ҳозирлаган ва Навоий ўз тақдири ва тарихий миссияси билан бу давр орасида узвий, чамбарчас алоқа борлигини сезар эди». Шу боисдан ҳам фикри очиқ, миллий-маданий савияси баланд китобхон учун ижод қилиш эҳтиёжини Навоий бошданоқ теран ҳис этганди. Энг муҳими, мутафаккир шоир бутун ижодиёти мобайнида «Сўзда, Навоий, не десанг, чин дегил», деган талаб ва даъватдан ҳеч чекинмай қалам тебрата билди. Бу ижод тажрибасида бағоят сийрак учрайдиган ҳолат.

Маълумки, адабиёт тилга таянади. У ёки бу жанрдаги бадиий асарда бизга ҳаяжон бағишлайдиган гўзал ва самовий ҳис-туйғулар, тафаккуримизда бир янги дунё яратган хаёллар, таассурот ёки таъсирлар фақат ва фақат сўз орқали юзага чиқарилади. Мусиқада оҳанг, расмда ранг, меъморчиликда тош нима бўлса, адабиётда ҳам сўз худди шудир. Ҳис қилиш, англаш, тенгсиз бир хаёл кучига соҳиб бўлмоқ, шубҳасиз, муҳим. Аммо ҳис-туйғу, кайфият, дард, армон ва кечинмалар тасвирида энг мувофиқ сўзларни топиб, танлаб шеър яратиш учун, аввало, тил санъаткори бўлиш лозимдир. Навоий қўлга киритган ижодий ютуқларнинг бош сабаби унинг тил санъаткори ўлароқ ўзбек тилининг гўзаллиги ва ифода имкониятларини очишда беҳад илгарилаб кетганидир.

Сўз ва ҳаёт, маъно ва воқелик, ҳақиқат ва талант муносабатлари нуқтаи назаридан баҳс юритиладиган бўлса, Шарқ мумтоз шеърияти, ростини айтганда, Ғарб ўқувчисига ҳаётдан анча ажралган, китобий, қонун-қоидалари қолиплашган якранг бир шеърият бўлиб кўринади. Дарҳақиқат, нуқул ишқ-муҳаббатни куйлаб, юзинг ой, кўзларинг юлдуз, ўзинг қуёш

дея аёлни осмону фалакка кўтариб мадҳ этилса-ю, лекин унинг ичкаридаги аҳвол руҳияси, ҳасрат ва армонлари билан умуман қизиқилмаса, буни қандай изоҳлаш мумкин? Ёки турмушнинг санаб саноғига, айтиб адоғига етиб бўлмаган бир ижтимоий, иқтисодий ва ахлоқий муаммоларини кўриб, англаб туриб, умумий тарзда нуқул дунёни ёмонлаш, тарки дунё қил, дейишдан нарига ўтилмаса, бу ҳам ғалати бир кўникма. Даҳо ижодкор шунинг учун ҳам даҳоки, у бадиий ижоддаги кўпдан-кўп нуқсон ва камчиликларга бирданига барҳам берганидек, Навоий ҳам туркий адабиётни қисқа бир муддатда мисли кўрилмаган тараққиёт босқичларига олиб чиқди ва:

Не мулк ичраки, бир фармон йибордим,
Анинг забтиға бир девон йибордим,

дейишга у тўла ҳақли эди. Шунингдек, унинг:

Турк назмида чу мен тортиб алам,
Айладим ул мамлакатни якқалам, –

деган сўзларида ҳам зарра қадар бўлсин, муболағага эрк берилмаганди.

Дарҳақиқат, тўрт мустақил девондан таркиб топган «Хазойин ул-маоний» куллиётининг дунёга келиши, алоҳида-алоҳида беш гўзал достонни ўзида бирлаштирган «Хамса»нинг яратилиши туркий адабиёт тарихидаги бутунлай янги ҳодиса эди. Ундаги ҳар достоннинг ўзи бир оламдирки, шоир илгари сурган ғоялар, ҳақиқатлар ва неча ўнлаб қаҳрамонлар образи шахс кўнглини абадул-абад илҳомлантиришга қодир. Чунки «Хамса»даги марказий масалалардан бири, балким энг биринчиси, юрти, халқи, дини, давлатига содиқ комил шахсни вояга етказишга диққатни тортишдир.

Алишер Навоийнинг буюклиги ва миллат тарихидаги хизматлари фақат шоирлиги билан белгиланмайди, албатта. Навоий бадиий ижод жабҳасида қанчалик тенгсиз бўлса, илмда, яъни олимликда ҳам шунчалик беназирдир. Унинг «Муҳокамат ул-луғатайн», «Мезон ул-авзон», «Насойим ул-муҳаббат» каби тилшунослик, шеършунослик, тарих ва тасаввуфшуносликка бағишланган китоблари ҳанузгача ўзининг илмий-таълимий қимматини бой бергани йўқ. Тилимиз, тарих ва адабиётимиз муаммоларини тўғри ҳал қилишда бу нодир тадқиқотларга, хусусан, ёш авлод қайта-қайта мурожаат қилиши зарурдир. Шуни таъкидлаш жоизки, ёшларимиз Навоий ёдгор қолдирган адабий-илмий меросни қанчалик чуқур ва пухта билса, маърифат, ҳуррият, журъат ва жасорат сир-асрорини ўшанча теранроқ эгаллайди. Дилига Навоий сўзлари ўрнашган одам, ўзи истасин-истамасин, одамийлик шарафи, ҳаёт завқ-шавқи ва комиллик куч-қудратини кенг идрок этади. Навоий сабоқларига амал қилган киши ўз-ўзидан халқ дарду ташвишларига шерик бўлишга бел боғлайди. Фикрни-фикрсизликка, илм-маърифатни нодонлик, гумроҳлик ва жаҳолатга қарши қурол ўрнида ишлатади. Мутафаккир бобомизнинг таъкидлашларига кўра эса:

Ҳақни ботилдин бировким қилди фарқ,
Адли бирла равшан этти ғарбу шарқ.

Хуллас, Навоийни меҳр ва ихлос ила етарли даражада билиш дину диёнат, имону эътиқод, мурувват ва шафқат кучига ишонч демак.

Ана шунинг учун ҳам Навоийни англаш «мақоми»га кўтарилиш ҳар бир юртдош учун том маъноси ила маънавий бир шараф ва саодат. Бунга фақат муттасил қунт, изчил мутолаа ва мушоҳада билан, маълум бир ҳаёт тажрибасига соҳиб бўлиш орқали эришилади. Навоий ҳазратларининг ижод қасрларига кириш муқаддас бир ибодатгоҳга, муҳташам бир санъат кошонасига киришдек махсус тайёргарликни талаб қилади. Навоийнинг руҳонияти шу қадар юксак, Навоийнинг тафаккур дунёси шу даражада хосиятли.

Навоий ўша Навоий, Навоийнинг ижоди ўша ижод, яъни орадан қанча вақт ва замон ўтган бўлмасин, шеъриятимиз султонининг шахсиятида ҳам, ижодиётида ҳам ҳеч нарса ўзгармаган. Аммо Навоийга бизнинг қарашимиз, Навоий асарларини ўрганишимиз сезиларли зайлда ўзгарди. Ватан мустақиллиги ва истиқлол мафкураси бизга Навоийни эркин, асл моҳиятини бузмай ўқиб-ўрганиш ҳамда куч-қувват етгуни қадар кашф қилишга кенг имкон берди.

Шарқ мумтоз адабиёти нафақат маъно ва туйғуда, балки тил ва ифодада ҳам анъанавийлик қонун-қоидаларига асосланганлиги маълум. Шунга қарамасдан, Навоий адабиётни ҳаёт билан ҳамнафас қилиб, унинг нигоҳини инсон тақдири ва кўнгил кечинмаларига қаратди. Навоий девонларидаги юз-юзлаб дилбар ғазаллар, кўркам рубоийлар, бир-биридан сермазмун қитъалар ва бошқа жанрлардаги шеърларни ўқиган ўқувчи инсоннинг завқи, қайғу ва армони, ишонч-эътиқоди, хаёл ва туйғуларини Навоий самимий ва мукаммал тасвирлаганлигига асло шубҳаланмайди. Бу йўлда сўз ва мазмун дейсизми, вазн, қофия, тимсол ёки тасвир усулларими, оҳанг ва рангми – ҳамма ҳаммасидан Навоий бағоят моҳирлик билан фойдаланган. Шунинг учун шоир шеъриятида турфа-турфа фикрлар, туйғулар, суврат ва манзаралар, ранг ва оҳанглар бирикиб, уйғунлашиб кетган. Табиат ва дунё уйғунликларини буюк санъаткорлар ҳеч қачон рангу бўёқлардан айри тарзда тасаввур этишолмайди. Уларнинг фикр ва мушоҳада йўли, айни пайтда, ранг ва оҳанг йўли ҳамдир. Алишер Навоий шеъриятига муҳиб бўлган ўқувчи, биринчидан, борлиқ ва воқелик гўзалликларига муқобил равишда улуғ шоирнинг кўнгил дунёси ҳам хилма-хил рангларга бойлигини англаса, иккинчидан, инсон ҳолати, кайфият ва маънавий-руҳий интилишларини акс эттиришда айтарли бирор бир ранг ёки бўёқ Навоийнинг нигоҳидан четда қолмаганлигига ишонч ҳосил қилади. Табиатдаги ҳар бир нарса, ҳар қайси мавжудлик ўзининг хусусий рангига соҳиб бўлганидек, Навоий шеърларидаги сўз, маъно ва ҳақиқатлар ҳам ўзига хос ранг ҳамда бўёқлари билан жилоланиб туради. Айниқса, ошиқона шеърларида у шоир-мусаввир сифатида ранглар дунёсига ниҳоятда теран кириб боради, чиройи, тафти ва таъсири билан бири иккинчисидан ажралиб турадиган ранглар латофатини ҳар гал янгидан кашф этиб беради.

Навоий турли жанрдаги шеърларида нафс, руҳ, кўнгил, ақл тўғрисида кенг фикр юритади. Бу фикр-мушоҳадаларнинг замирига қаралса, ҳар қандай ранг у оқми, қорами, қизил, кўк, сариқ ёки бошқами инсон моҳияти ва ҳолатларини очиш учун бир восита бўлганлиги ўз-ўзидан равшанлашади. Яшил ва сариқ ранг диний-ирофоний нуқтаи назарда бир ҳол ё маънони тамсил этса, оқ, қора ва қизил ўзга бир ҳақиқат ва кайфиятга ишорат этган. Шунга кўра Навоийнинг:

Хилъатин то айламиш жонон қизил, сариғ, яшил,
Шуълайи оҳим чиқар ҳар ён қизил, сариғ, яшил...

Орази, холинг била хаттинг хаёлидин эрур,
Кўзларимнинг оллида даврон қизил, сариғ, яшил, -

каби байтларини тўппа-тўғри қабул этмаслик зарур. Зеро, яшил Ҳақ йўлида камолга етишувга ишорат бўлса, қизил ва сариқ шунгача эришилган ҳол сувратидан далолатдир. Бундан ташқари, қизил ранг руҳнинг қувватланиши, сариқ унинг нафс устидан тўла ғалаба сафоси билан бирлашуви маъноларини ифодалаган. Демак, Навоий шеъриятида ранг маъносининг ўзига хос сирли ва нозик жиҳатлари мавжудлигини билиш ҳам мутафаккир шоир асарларини саёз англашдан сақланишда ўқувчига ёрдам беради. Шу ўринда XX аср бошларидан буён турлича қараш ва тортишувларга сабаб бўлиб келаётган бир масала Навоий ижодиётининг тасаввуф таълимотига дахлдорлиги хусусида мухтасар тўхталиб ўтиш зарурга ўхшайди.

Навоийни даҳрий фикр-қараш тарафдори қилиб кўрсатишга уриниш нечоғлик бемаъни ва бесамар бўлган бўлса, уни сўфийлар гуруҳига қўшишга уриниш янада зўракиликдир.

Навоий бутун ижодиёти мобайнида миллат ва Ватан дарду ташвишлари билан нафас олган, шахс эрки, ҳақиқат ва адолат тантанаси учун курашган халқпарвар санъаткор эканлигини ҳеч ким инкор қилолмайди. Туркий халқлар бадиий тафаккури ва умуминсоний тушунчаларини Навоий энг баланд, энг ёрқин босқичга кўтариб, тарих саҳнасида мутафаккир, файласуф, аллома ва беқиёс шоир сиймосида мангуга қад ростлаганди. Шу ҳақиқатнинг ўзиёқ Навоийга сўфийлик ёрлиғини ёпиштириш мумкин эмаслигига тўла-тўкис кафолат беради. Бундан ташқари, давр, замон ва тарих буюк Навоий зиммасига юклаган инсоний ва ижодий вазифа, соф тасаввуфий маъно ва қарашларни шеър орқали тарғибу ташвиқ қилишга нисбатан жуда кўп маротаба долзарб, жуда кўп карра масъулиятли эди. Ҳеч шубҳасиз, Навоийнинг тасаввуф таълимотига қизиқиши теран кечган. Буюк шоир шафқатсиз ҳаёт қарама-қаршиликлари ва инсон қисматига дахлдор ниҳоятда мураккаб, чигал муаммоларни ҳал қилишда тасаввуф мафкурасига таянганлиги, ундан нажот кутганлигини сира-сира инкор этиб бўлмайди. Шунга қарамасдан, Навоий шеърияти тараққиёти учун тасаввуф ёрдамчи, янада аниқроғи, бир восита вазифасини бажарган. Тасаввуфнинг мавзу тармоқларини умумий ва қисқа тарзда, нафсни ислоҳ қилиш, ёмон ва тубан ахлоқий хусусиятлардан покланиш, касратдан кечиб вахдатга етишиш, комиллик мақомида ҳусни мутлақ висолига восил бўлиш, деб белгилайдиган бўлсак, булардан бирортаси ҳам Навоий назаридан четда қолмаганлигини эътироф этиш лозим бўлади.

Навоий шеъриятида тафаккур ва маърифат, ишқ ва руҳоният, комиллик ва ҳуррият тасвирлари мисли кўрилмаган баландликларга кўтарилган. Буни шоирнинг туркий ва форсийдаги шеърий девонлари ҳам, достонлари ҳам тўла тасдиқлайди. Навоий тасаввуфни, биринчи галда, инсонни хулқий ноқислик, жаҳолат ва худпарастлик, риёкорлик ва ақидапарастлик тузоғи ва оғусидан муҳофаза қилиб, инсонга ўзлигини танитадиган, яъни илоҳий-ишқий манзил ва мақомларга кенг йўл очувчи бир маслак деб билди. Бунда, албатта, нақшбандийлик тариқати талаб ва одоб шартлари ҳам аҳамият касб этганди.

Хулласи калом, Навоий шеъриятидан ким нимани ахтарса, шуни топади. Фикран ва руҳан ким нимага талабгор бўлса, унда барчаси мавжуд. Ҳатто золим ва жоҳил ҳам бу шеъриятдан шифо топади. Чунки Навоий шеъриятида битта бош мақсад бор комиллик. Асосий биргина нур, зиё манбаи бор ИШҚ:

Бўлмаса ишқ, икки жаҳон бўлмасун,
Икки жаҳон демаки, жон бўлмасун...

Жону жаҳонни ёритувчи ана шу ишқ Навоий шеърларининг қадр-қийматини кўкларга кўтаргандир.

Навоий яшаган асрдан токим бугунги замонгача ўзбек адабиётининг юксалишига ҳисса қўша олган бирор-бир ёрқин истеъдод йўққи, Навоий ижодиётидан таъсирланмаган ва ўрганмаган бўлсин – уларнинг ҳамма-ҳаммаси улуғ санъаткор мактабидан сабоқ олиб, буни турли шаклларда изҳор ҳам қилиб келишган. Дарҳақиқат, Навоий нафаси теккан сўз ва маъно, Навоий санъатидан илҳомланиб яратилган шеърнинг ранги ҳам, оҳанг ва ифодаси ҳам ўзгача бўлиши юз йиллар мобайнида исботланиб келинганлигининг энг намунали мисоли Заҳириддин Муҳаммад Бобур шеъриятидир.

Навоий наинки ўзбек, умуман, туркий адабиётнинг марказий сиймоси. Буни Озарбойжоннинг оташнафас шоири Муҳаммад Фузулий, туркман классиги Махтумқули, қозоқ оқини Абай, қорақалпоқ ёзма адабиётининг асосчиларидан бири Бердақ каби қалам соҳибларининг эътирофларидан ҳам англаш мумкин. Демак, Навоий ижодиёти қардош халқлар билан бўлган асрий алоқалар, дўстлик муносабатларини мустаҳкамлаш ва янги босқичларга кўтаришда ўзига хос мустаҳкам асос вазифасини ўтаган. Шу маънода Президент Ислом Каримовнинг: «Таъбир жоиз бўлса, оламда туркий ва форсий тилда сўзловчи бирон-бир инсон йўққи, у Навоийни билмаса, Навоийни севмаса, Навоийга садоқат ва эътиқод билан қарамаса», деган сўзлари айни ҳақиқатдир.

Алишер Навоийнинг бадиий ва илмий меросини ўқиб ўрганиш илгарилари, асосан, зиёли ҳамда мутахассислар эҳтиёжи чегарасида кечган бўлса, бугун энди Навоий орзу қилган мустақил давлат ва эркин миллат эҳтиёжига айланиб бормоқда. «Навоийни бугун ҳам, кейин ҳам жуда яхши билиш лозим!» - дейилганда, «Кеча, яъни шўро давлати ҳукм юритган пайтларда нега яхши ўрганилмади?» деган саволга ҳам холис жавоб қайтариш керак. Зеро, Навоий каби санъаткорлар ижодиётини мукаммал билиш ва бор ҳолича оммага етказиш учун биринчи галда миллатнинг тафаккури, тили, дини, тарихига қараши эркин бўлиши зарур. Мустабид шўро салтанати бунга қачон имкон ва имтиёз берган? Сўнгги нафасигача у буларга зимдан душманлигини тўхтатмаганлиги учун навоийшуносликда ҳам ҳамиша бир чалалик, бартараф этишга асло имкон берилмаган бир чекланганлик ҳукм суриб келган.

Тўғри, шўро ҳокимияти замонида бобокалон шоиримизнинг алоҳида тўплам ва асарларидан ташқари томликлари, 1986-2003 йилларда эса йигирма жилдлик «Мукаммал асарлар тўплами» нашр этилди. Буларнинг бариси навоийшунос олимлар меҳнати ва тортган заҳматлари туфайли амалга оширилган. Бу – энди бир тарих. Уни эса ўзгартириб бўлмайди, ўтганга холис баҳо бериш лозим. Холис баҳодаги асосий бир жиҳат шуки, совет давлати ва сиёсати Навоий асарларини жафокаш ўзбек халқи ҳар жиҳатдан қаноатланарли ва етук савияда ўқиб-ўрганишдан манфаатдор эмас эди... Шунингдек, шоирнинг:

Ўз вужудингға тафаккур айлагил,
Ҳарне истарсен, ўзунгдин истагил, -

каби сўз ва чорловларини ҳаққоний мушоҳада этишга ҳам имкон берилмасди. Бугун ҳаммаси ўзгариб, таъқибу тазйиқлар барҳам топди ва бир неча асрлардан кейин тарихда биринчи марта озод мамлакат, эркин илмий-маданий муҳитда Алишер Навоийнинг барча китобларини ўзида жамлаган кўп томликни чиқаришга киришилди.

БАДИИЙ МАТН ВА ТАҲЛИЛ МУАММОЛАРИ

Шоирлик аслида шеърни шеъриятга алоқаси йўқ нарсалардан тозалай билишдир. Чунки шеърнинг гўзаллиги, аввало, ана шу мусаффоликда акс этади. Шеърдаги софлик-туйғу ва тушунчадаги софлик демак. Шеър билан шеърхон орасидаги давомли ички алоқа шундан бошланади. Тўғри, бевосита матнга диққатни қаратиш, уни тадқиқ ва таҳлил қилиш адабиётнинг барча муҳим жиҳати, ўзига хос ҳолатларини ёритишга тўла-тўкис имкон беролмайди. Аммо у адабиёт илмини умумий, бир ёқлама, гоҳо фаросатсизларча тўқилган фикр-мулоҳазалардан ҳимоялаши шак-шубҳасиз. Зеро, ҳақиқий адабиёт санъаткорлик завқи ила яратилган асардан бошқа бир нарса эмас. Унинг билан тўғридан-тўғри муносабат ўрнатишгина шахсий таассурот ва тасаввурни юзага келтиради. Бироқ ҳеч қандай адабий матн, муайян бир усул, тушунча ва ҳақиқатга таянилиб ўқилмагунча, ўз-ўзидан туйғу ва фикр уйғотолмайди.

Мукаммал асар матнини табиатга қиёслаш мумкин. У ҳам ўзига хусусий саволлар билан мурожаат қилинганда, фақат ва фақат ана шундай ҳолатда ўқувчига сир-асрорини кенг очади. Шунда матн таҳлили аталмиш усулнинг афзалликлари, кўп нарсани юза ва чала билишдан ниҳоятда фойдали экани ҳам равшанлашади. Бундан ташқари, энг гўзал, энг оригинал адабиёт намуналарини ўжарлик ва ўзбошимчалик чангалидан қутқазишнинг бир чораси ҳам матн таҳлилидир. Тарихий-қиёсий ё биографик методда бажарилган илмий ишларнинг афзалликларини қадрлаш, яхши жиҳатларини, албатта, ривожлантириш керак. Қуруқ инкорчилик, ёқимсиз бир чечанлик билан илмда ҳеч нимага эришиб бўлмайди. Шу билан бирга, илм-фанда очиқлик, янги изланишлар зарурлигига бепарво қолмасликжоиз. Бизда поэтик матн тадқиқи дейилганда, асосан, ғоя ва мазмундан баҳс юритиш, вазн, қофия, бадиий санъатлар хусусида сўзлаш тушунилади. Рости гап, бу бир қадар жўн қаноат ва қолиплашган тажриба. Ҳолбуки, чинакам таҳлил ва талқин матнда мавжуд ҳамма нарсани, ҳаттоки, ҳарф товушлари, оҳанг, ранг товланишларини ҳам маънолаштириш, муаллифнинг шахсий ҳолат, кайфият, руҳоний сезимлари билан алоқадорликда ёритишни талаб қилади. Ахир, давр руҳи, замон нафаси, жамият дарди ҳам дастлаб ижодкор шахсига таъсирини ўтказиб, ундан сўнг асарларига кўчади. Шарқлик буюк шоир ва адиб борки, деярли ҳаммаси ўзининг нафс ва характерига бир санъат асари янглиғ сайқал бериб, уни бутун шахсият ҳолига кўтарган. Мутасаввиф санъаткорлар учун бундай шахсият орзуси инсоннинг башарий иродасини илоҳий ирода мақомига юксалтириб, уларни ўзаро бирлаштира олишдир. Бундан инсон ҳеч нима ютқазмайди ва ҳеч қанақа зиён ҳам кўрмайди. Аксинча, вужудидаги кучсизлик, чиркинлик ва ёвузликлардан бир йўла қутулади.

Ажабланарли жойи шундаки, ҳанузгача бизда кенгроқ ўйлаб ҳам кўрилмаган бу мураккаб муаммо, Ғарб шарқшунослигида ўтган асрнинг биринчи ярмидаёқ ўрганила бошланган. Диққатга молик иш сифатида улкан инглиз олими ва румийшуноси Рональд Никольсоннинг «Тасаввуфда илоҳий шахсият тушунчаси» номли тадқиқотини эслатиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу асар ҳақиқатда катта меҳнат ва билимдонлик билан ёзилган. Унинг Мансур Ҳаллож, Имом Ғаззолий ва Жалолиддин Румийга бағишланган фасллари кишида кўп мулоҳаза, мушоҳада уйғотади. Аммо араб алломаси, Никольсоннинг содиқ шогирди Абул Аъло Афифий устозининг китобларидан бирига ёзган мазмундор сўзбошисида ўша тадқиқотнинг асосий камчилиги тўғрисида, «Муаллиф, бутун куч-қувватини, христиан

илоҳиётидан олинган шахсият тушунчасини умумлаштириш ва унинг муқобилини тасаввуфдан топишга сарф қилган. Ҳолбуки, христиан нуқтаи назари билан, ислом нуқтаи назари ўртасида жуда катта фарқ бор», дейди. Айнан шу фарқ билан ҳисоблашмагани туфайли Алишер Навоий лирик қаҳрамонлари дунёқараш ва шахсияти ёритилган айрим тадқиқотларда шеърий матндаги асл моҳият ва ҳақиқатга ҳеч мувофиқ келмайдиган фикр-қарашлар илгари сурилган. Бунинг бош сабаби эса матннинг ғоявий-бадиий таркибини тўғри ва теран мушоҳада этмасдан, рус адабиётшунослигидаги илмий-назарий тушунча ва хулосаларни унга татбиқ қилинганлигидир. Бунақа тажриба эҳтимол ўша замонларда зарур бўлгандир. Ҳозир эса унга ҳеч зарурият йўқ. Шахс ва шахсият комиллигини Навоий қандай англаб, қанақа миқёсларда талқин қилган бўлса, илмда худди шундай тарзда кўрсатиш лозим, вассалом.

Модомики, гап шахсият ҳақида экан, ижодий шахсиятга дахлдор бир ҳақиқатга ҳам тўхталиб ўтиш ортиқчалик қилмайди. Чунки, хусусий услубга эга бўлиш бу хусусий бир шахсиятга эга бўлиш демак. Масалага кенгроқ ёндашилса, ижодий шахсиятни ёрқин намоён қиладиган аломат, туйғу ва тушунча эмас, балки услубдир, деган хулосага келинади. Ижодкор мавзу, завқ, гоҳо хаёлларнинг маълум бир қисмини бошқалардан олмоғи мумкин. Бу унинг улуғлигига асло монелик этмайди. Улкан санъаткорлар кўп мавзуларни ўзгалардан ўзлаштиргани адабиёт тарихидан яхши аён. Ҳамма гап, у ёки бу ғояни қандай шаклда англатиш, қандоқ ҳарорат ва моҳирлик ила тасвирлаш, яъни услубдадир. Шунинг учун ижодиётида қатор ўхшашликлар мавжудлигига қарамасдан, Алишер Навоийнинг буюк ва қудратли шахсияти, услуби барча салафлари, замондош қаламкашлардан ажралиб туради. Унинг руҳий ҳаёти, шеърни руҳнинг тили, мусиқаси ҳолига етказиш маҳорати бутунлай ўзгача. Навоий шеърлари таҳлилида шуларни ёритишга уриниш зарур. Афсуски, кўпинча, бунга яқин ҳам борилмайди. Сабаб нима? Сабаб кўп. Биз улардан фақат айримларига эътиборни қаратмоқчимиз.

Мавлоно Жалолиддин Румийга кўра, «тадқиқ» бир ноқисликнинг тазаҳҳури саналади. Шу боисдан гўзаллик текширилмайди, қуруқ ва совуқ бир мантиқ билан чайналмайди, балки кашф этилади. Бу алоҳида диққатга лойиқ фикр.

Ғарб психологлари «эстетик туйғу» деб номлаган туйғуни Шарқ шоирлари одамнинг ўзида бўлмаган ёки унинг табиатига бегона гўзалликтуйғусини йўқдан бор қилиш эмас, аксинча, инсонда мавжуд гўзаллик ҳиссиётини уйғотиш, онг ва идрок остидаги латифликларни ҳаракатлантириш, деб билишган ва ёзилган ҳар бир асар шунга мўлжалланган. Демак, хулоса аниқ: инсон моҳиятда гўзаллик туйғусига молик бўлмаса, санъат асари қаршисида у ҳеч ким. Адабиёт ва дин, фалсафа ва бадиий ижод, санъаткорлик ва тарихнавислик алоқаларини бехато фарқлашга ҳатто илм ҳам унга кўмак беролмайди. Мукаммал бадиий матн йўқ жойда адабиёт йўқ. Адабиёт ва санъаткорлик йўқми, демак у бошқа бир нарса. Уни ўз номи билан аташ, ўз характер хусусиятларига мувофиқ усулларда тадқиқ қилиш керак. Жуда кўп соҳа вакиллари хусусий мақсадлари йўлида адабиётдан фойдаланишга уринишган. Жумладан, дин ва тасаввуф арбоблари ҳам. Вазн ва қофиядан бўлак шеъриятга асло алоқаси бўлмаган диний-тасаввуфий асарлар бадиий матн мезонлари бўйича баҳоланмаса, мумтоз адабиётимизни хас-хошокдан асраш яқин йилларда жуда қийинлашиб қолади. Чунки бир хато ҳеч кутилмаган ўзга бир хатога ҳамиша замин ҳозирлаб, йўл очади. Биз истаймизми, истамаймизми, Шарқ адабиётида инсонни дунёга таҳқир ва нафрат кўзи билан қарашга чорлаган, бандanинг ожизу нотавонлигидан баҳс этиб, тафаккур ва ҳурлик

шуурини сўндиришдан ором топган қаламкашлар бўлган. Диний бир бадбинлик ва маҳдудлик излари ўзбек адабиёти тарихида ҳам назарга ташланади. Бундан ташқари, ботинийлик тушунчалари суқилиб кирган тасаввуф тармоқлари ва фалсафий тасаввуф ошуфтаси бўлиб қолганлар ҳабибийлик, воқифийлик, авлиёийлик, ҳолия, илҳомия каби тариқатлар тарғиб этган мақсад ва ҳаракатлар инсон ахлоқи, маънавий мақсадларига нечоғлик мувофиқ келишини, албатта, ўйлаб олишлари керак. Акс ҳолда бир найрангдан қутулиб, ғайриихтиёрий равишда бошқасига тутилиш ҳеч гапмас.

Шўро давлатининг қитмирлик ўйинларидан бири Шарқ мумтоз адабиёти, санъати ва мусиқаси маъно-моҳиятини тарихий руҳи ва нафасига мувофиқ тарзда англашга тўсиқ қўйгани эди. Шу маънода иккита мисол келтирмоқчимиз. Дунёвий адабиёт деган тушунча ўзбек адабиётшунослигига қандай ва нима мақсадда олиб кирилган, деган саволга, бизнингча, бугун ҳеч ким аниқ жавоб беролмаса керак. Дунёвий адабиёт тушунчаси ҳам, атамаси ҳам дастлаб олмонлар орасида пайдо бўлиб, кейин бошқа ғарб ўлкаларига тарқалган. Дунёвий адабиёт, завқ ва ҳузур манбаи бўлмиш моддий ва зоҳирий оламни идеаллаштириб, ҳаётнинг дин билан, илоҳиёт билан алоқасини бутунлай узиш ғоясини илгари сурган. Шу нуқтаи назардан қаралганда, дунёвий адабиёт дегани бу мумтоз шоирларимизнинг моддий дунёга муносабати. Ундан туғилган қалб ҳақиқатлари ва энг эътиборли ирфоний, ишқий ҳиссиётларини инкор этиш дегани. Модомики, шундай экан, Навоий ғазалиёти билан туркий тилда қалам тебратган устозлари шеъриятини ғоявий-бадиий вобасталикда тўғри талқин қилиш мумкинми? Бунинг иложи йўқ. Шунинг учун илоҳий ишқ завқи ва ҳолатлари тасвирланган ғазаллар таҳлили хатолар билан тўлиб-тошгандир. Аммо адолат юзасидан баҳоланадиган бўлса, бошқа жойлардаги аҳвол янада ёмон. Масалан, тасаввуфий маслак ва илоҳий ишқ сирларини ёритишга уринган бир китоб муаллифи Жон Белдек: «Илоҳий ишқ мавзусидаги шеърларни хато англаш ва нотўғри шарҳлаш юз йиллардан буён давом этиб келади. Ҳозирги кунда ҳам аҳвол аввалгидан фарқланган эмас», дейди. Бу гапга ишонмоқ лозим. Алишер Навоийда шундай бир байт бор:

Фиғонки, ишқ ҳадиси дақиқ эрур андоқ
Ки, қосир ўлмиш ани англамоқдин идроким.

Кўнгли муҳаббат оташида ловиллаб ёнган Навоийки, ишқ асрорини англашда қосирликни тан олган экан, ишқнинг туб моҳиятини ёритиб берувчи ҳол илмини четлаб, нима учун биз хаёлга келган гапларни ёзаверишимиз керак? Мустақиллик даври навоийшунослиги ўзини-ўзи муҳофаза қиладиган даражада билим, ўзини-ўзи хато ва камчиликлардан қутқазадиган савияда ўткир дид ва мушоҳадага эришмоғи шартдир. Бу қуруқ даъват эмас, албатта.

Иигирманчи аср бошларида мумтоз шеърият олтин тахтидан қулатилгач, асрий ҳақ-ҳуқуқини ҳам у бой берган эди.

Унга қандай муносабатда бўлишни эса сиёсат белгилаб бергани ҳеч кимга сир эмас. Партиявийлик, синфийлик, дунёвийлик каби ғоялар шундан яралган. Даҳрийлик маслаги адабиётни дин ва тасаввуфдан йироқлаштирувчи хоҳлаган фикр мулоҳазани айтишга изн берган. Бугун бизда мафкуравий қўрқув ёки тазйиқ йўқ. Классик адабий меросимизни энди шошилмасдан, эркин, теран ўрганишга йўл очилган. Лекин имконият ва имтиёзлардан тўла-тўкис фойдаланиш учун гоҳ талант ва илм чуқурлиги, гоҳо қилаётган ишимиз-

га танқидий қараш етишмаётганга ўхшайди. Ваҳоланки, Навоийнинг биргина байтини ҳар жиҳатдан ўрганиб, зоҳирий ва ботиний маъноларини, санъатини қойиллатиб талқин этиш, ўнлаб ғазалларга битилган саёз таҳлиллардан афзалдир.

Машҳур француз адиби ва мунаққиди Поль Валерининг эътирофи бўйича: «бадиий матннинг қиймати, ҳар шахсга кўра алоҳида бир тафсирга имкон бера олишидадир». Дарҳақиқат, асосан, шахсий бир фаолият ва ифода тарзининг ҳосили бўлган адабий асар ҳар бир ўқувчига айри-айри таъсир ўтказиши табиий. Айни бир матннинг ўзга муҳитда, ўзгача бир усулларда амалга оширилган талқинлари, айтайлик, бизникидан фарқланмайди деёлмаймиз. Аммо бир ҳақиқат аниқ: шеърда туйғу ва маъно фақат тил, шакл ва услуб орқали таъсирли бир мақомга келтирилади. Шу боисдан таҳлилда биринчи галда тил руҳи ва сўз ҳаётига диққат-эътибор доимо ўзини оқлайди. Оқлагани шуки, рамз, мажоз, тимсоллар ҳам тил измидан четга чиқиб кетолмайди. Донишманд Хоразмий: «Зоҳиру ботин хабари сўздадир», деганда тўла ҳақ эди. Тасаввуф ва тасаввуф шеъриятидаги ўзига хос янгиликлар ҳам, аввало, тил кўмагида жорий қилинган. Хуллас, тасаввуф тарих майдонида қад ростлаб, ўз тилини шакллантиргач, юзлаб истилоҳ ва калималар қатори ғам, алам, ғариб, ғурбат, васл, ҳижрон, дард, бало, сир каби кўпдан-кўп сўзлар ҳам олдингисидан тамоман бошқа мақсад ва маъноларда ишлатилган. Навоийда шундай ғазаллар ва:

Кўнгул ичра ғам камлиги асру ғамдур,
Алам йўқлуғи дағи қаттиқ аламдир, -

каби юзлаб байтлар борки, уларнинг тўғри таҳлил ва талқини учун ҳатто тасаввуф луғатлари ҳам ёрдам беролмайди. Бошқа чора, бошқа йўл топишни Навоийнинг ўзи кўрсатади. Биз эса Навоийнинг ўзига қаттиқ суяниб, Навоий шеърларини талқин қилишга ҳамиша ҳам амал этолмаймиз.

Алишер Навоий асарларини ҳаққоний тарзда тадқиқ этиш, хатою камчиликлардан сақланишнинг асосларидан яна бири, албатта, тарих, айниқса, Навоий даври тарихидир. Улуғ шоирнинг турли шаклдаги шеърлари, насрий асарларида тарихий воқеалар, кундалик ҳаёт ҳодисалари, у ёки бу ижтимоий тоифага мансуб шахслар ҳақида ҳам етарлича баҳс юритилган. Булар ўшанда замонавий маъно касб этган бўлса, секин-аста тарихий қийматни акс эттирган ва шеърдан тарихга ёки тарихдан шеърга бир йўл излаш эҳтиёжини юзага келтирган. Албатта, Навоий асарларида ифодаланган тарихий ҳақиқатларнинг ҳаммасини тўғри аниқлаб, ана ундан кейин матн талқини ва таҳлилига киришиш жуда қийин. Лекин имкон даражасида бунга интилмаслик қандай асоссиз, хаёлий фикр-мулоҳазаларга бошлашини ҳам унутмаслик керак. Шу маънода характерли бир масалага тўхталсак. Маълумки, соқийнома аталмиш жанр Шарқ шеъриятида, хусусан, форс-тожик поэзиясида шуҳрат топган. Шу боисдан соқийноманинг шаклланиш ва тараққиёт тарихи Эронда, Тожикистонда махсус ўрганилиб, мақола ва китоблар чиқарилган. Навоийгача бирорта ҳам ўзбек шоири бу жанрда асар ёзмаганлиги илмда қайд этилган. Навоий ҳам бор-йўғи битта соқийнома яратган. Аммо бадиий ижодда сон эмас, сифат, мисра ва қофия тизими эмас, балки моҳият ва маҳорат аҳамиятга эгалигини Навоийнинг соқийномаси тўла тасдиқлайди. Қарийб беш юз байтдан иборат бу асар «Хазойин ул-маоний»нинг сўнгги девони «Фавойид ул-кибар»га киритилган. Бир неча навоийшуносларимиз уни ўрганиб, ўз хулосаларини ҳам билдирганлар.

Илм аҳли орасида, соқийнома ёзишдан асосий мақсад бу фоний дунёдан кетган энг яқин кишиларни хотирлаш, ғам-андуҳни унутиб, вақтни ғанимат билиб, умрни ардоқлашга чорлашдир, деган қараш анча барқарорлашган. Хориждаги айрим шарқшунослар, жумладан, Е.Э.Бертельснинг фикрлари ҳам шундай бўлган. Навоий соқийномаси ҳам бир ёднома-хотира талабидан туғилган ижод намунаси сифатида ўрганилган. Ҳолбуки, уни ёзишда Навоийнинг илҳомчиси хотира ва тахайюл эмас ҳар кун аччиқ-чучугини тотган, шодлик ва қувончни шоирдан қизғаниб, ғаму ғуссани фаровон айлаган ҳаётнинг айнан ўзи эди.

Тарихий маълумотларга кўра, 1485 йилда Султон Ҳусайн Бойқаронинг синглисига уйланган Олтин Ўрда хони Аҳмадхон (Кичик Муҳаммад)нинг ўғли Баҳодир Султон сингиллари билан Ҳиротга меҳмон бўлиб келади. Ҳусайн Бойқаро уларнинг шарафига «чингизийлар усулида» катта бир анжуман, яъни қурултой ташкил қилади. Шоҳона зиёфат берилиб, қимиз ва май тортилади. Қадимий куй-қўшиқлар янграйди. «Соқийнома»да Навоий бу ҳақда шундай деган:

Соқиё, май туту қўйғил сўзни,
Хон қурултойиға еткур ўзни.

Соф май жом аро гар дилкашдур,
Тўстуғон ичра қимиз ҳам хушдур.

Эй йиров, сен ҳам ишингни кўргуз,
Ётуғон бирла улуғ йирни туз...

Албатта, соқийнома ва унинг талқинига тегишли мулоҳазаларимизни атрофлича баён қилиш имкони йўқ ҳозир. Бироқ унинг ёзилиш тарихи ва маъно-моҳиятини аниқ белгилашга хизмат этувчи яна бир фактни изоҳлаш зарурдир. Гап шундаки, Навоий ўзининг гўзал ва фавқулодда таъсирли бу асарини Бойқаронинг жияни, яъни Баҳодир Султонга бағишлаб яратган эди. Ундаги мана бу сўзлар олис Дашти Қипчоқдан ташриф буюрган навқирон хонга қаратилгандир:

Шаҳға меҳмону, азизу дилбанд,
Ҳам қариндош, яна ҳам фарзанд.

Кўрки, сен ким сену қайдин келасен,
Қайси мулк ичрасену ким биласен.

Ҳеч шаҳ топмади бир хон сендек,
Бу улус кўрмади меҳмон сендек.

Хулласи калом, масала қўйиш, муаммо санаш унча қийин эмас. Уларни зўриқмай бажаришга қодир куч ва имконият бўлмаса бу оғир.

Баъзан шеър таҳлили ва талқинини мураккаблаштиришга не ҳожат бор, деган савол аралаш эътирозлар эшитилиб қолади. Талқинни атайлаб мураккаблаштириш, таҳлилда ўтлаб кетиш, албатта, сунъийлик, албатта, бемаънилик. Бундай иш гоҳо ақл қосирлиги ёки

қалб хасталигидан ҳам далолат беради. Лекин аслда таҳлилнинг мақбул ё номақбул эканига шеърнинг ҳам роли бор. Ҳар қандай тадқиқотчи яроқсиз шеърни яхши ва фазилатли этиб кўрсатишга нечоғли кўринмасин, барибир ҳеч натижага эришмайди. Бунинг акси бўлса-чи? Жаҳондаги бир қанча шеършуносларнинг эътирофлари бўйича, шеър камида икки маъно қатламига эга бўлмоғи керак. Бундан ташқари у оддий, дейлик газетадаги хабардан фарқланмоғи лозим. Таассуфки, биз газета хабаридан фарқланмайдиган шеърларни ўқийвериб, классикларимиз тажрибаларидаги кўп маънолилик сирларини очишга умуман уринмай қўйганмиз. Ваҳоланки, оғзаки тилга қараганда юксак, оҳангдор ва сербўёқ бўлган шеър тили сўзларнинг асосий маъноларидан кўпроқ ён маъносига суяниши, шу тарзда калима илк мазмунидан узоқдаги бир маъно қийматига ҳам эриша олишини улар амалда қайта-қайта исботлаб кетишган. Маънонинг бешиги ҳам, эшиги ҳам илм-маърифат. Муҳаммад Фузулий туркий девонининг дебочасида: «Илмсиз шеър асоссиз девордир. Асоси йўқ девор беэътибордир», деб ёзган. Навоийнинг олимлигини шоирлигидан, шоирлигини мутафаккирлигидан, мутафаккирлигини буюк ва бетимсол шахсиятидан ажратиб кўринг. Кўз ўнгингизда тамоман бошқа шоир пайдо бўлади. Ҳазрат Навоийнинг ижод олами, хусусан, санъатхонасига эркин ва ишонч билан интилишнинг бош йўли ҳам илм, ирфондир.

ШЕЪРИЙ МАТН ВА ОБРАЗ МАЪНОДОРЛИГИ

Шарқ мумтоз адабиёти моҳиятга интилувчи, инсон кўнглини, унинг маънавий дунёсини ҳамма нарсадан устун қуювчи бир адабиёт. Модда ва моддийликдан кўра маъно ва маънавийликка эътибор доимо унда юксак бўлган. Туйғу, фикр мушоҳада ва тасвир – буларнинг бари Шарқ адабиётида, аввало, мазмун ва моҳиятга асосланади. Диний-илоҳий ҳақиқатларни билиш ва ўзлаштириш йўли бу ҳам маъно йўли. Эски адабий матнлар билан танишганда сўзнинг баъзан ўнлаб маъно-мазмуни билан қизиқишга тўғри келади. Агар шундай қилинмаса, айни бир ижодкор улардан қандай мақсадларда фойдалангани ҳам, матндан матнга кўчган сайин сўздаги маъно ўзгариши ёки янгиланиш сабаблари ҳам очилмасдан қолаверади. Алишер Навоий соқийномасида ёзади:

Меҳрибонлар қани, аҳбоб доғи!
Ҳамнишинлар қани, асҳоб доғи!

Барча ғурбатқа хиром айладилар,
Хулд боғини мақом айладилар[1].

Ғурбат дейилганда, асосан, эл-юртдан жудолик, айрилиқ ҳасрати, қандайдир ғавғо ва азоб-уқубат каби маънолар тушунилади. «Барча ғурбатқа хиром айладилар» дейилганда эса, ғурбат сўзи нариги дунё, яъни охират мазмунида қўлланилган.

Кишики васл тилар, ғурбат ихтиёр этсун,
Ул орзуға бурун тарки хонумон яхши[2].

Бу байтдаги «ғурбат» энди бутунлай бошқа моҳиятга эга ва ўлим ёхуд охират тушунчасига унинг алоқаси йўқдир.

Маълумки, тасаввуф психологиясига кўра сўфий, дарвеш ва орифлар учун ғурбат ҳаётини яшаб, ғариблик изтироби ва қийинчиликларини кўнгилдан кечириш муҳим ҳисобланган. Чунки мусофирлик ва мусофирликдаги ҳаёт, тажрид, тафрид деб аталган ёлғизлик ҳолатларини чуқур идрок қилишга имкон берганидек, инсонни ёлғон дўстлик, сунъий улфатчилик ва бетайин манфаатлардан йироқлаштиради. Энг муҳими, ғариб бўлган киши шон-шуҳрат, манманлик тузоқларидан ҳам қутулиб, ўзи билан ўзи юзма-юз қолади. Бу эса ўзини англаш, илгарилаш ва комилликни истовчи кўнгил учун гўзал фурсатдир.

Тасаввуфда икки хил саёҳатдан баҳс юритилган. Бири вужуд саёҳати, иккинчиси қалб саёҳати. Булар моддий ва маънавий саёҳат ҳам дейилган. Абдулкарим Қушайрий сўфийларнинг аксарияти сулукларининг бошида ва ёшлик чоғларида кўп сафарга чиқиб, сўнгра узлатга чекинганлари тўғрисида сўзлаб, Жунайд Бағдодийнинг қуйидаги мулоҳазаларига эътибор қаратади: «Тавҳиди сўфийя шундайдир: қадим бўлганни ҳадис бўлгандан ажратиш, Ватанни тарк айлаш (моддий ва маънавий маскан, мақом, мавқе ва ҳоллардан йироқлашиш), нафс севган ва тилаган нарсалардан алоқани узиш, маълумни ҳам, мажҳулни ҳам четга суриб, буларнинг барчасининг жойига Аллоҳни иқома этмоқдир»[1].

Навоийнинг васл орзусини тарк ва ғурбатга вобаста тарзда ифодалашида ҳам Бағдодий шарҳлаган тавҳидга ишоратни сезиш қийин эмас. Бундан ташқари, шоирнинг «ғурбат ихтиёр этсун» деган чорлови замирида висол истаган киши ғариб бўлсин, ғариблик мақомига кўтарилсин мазмунидаги фикр ҳам мавжуддир. Улуғ шоир «Садди Искандарий» достонида:

Навоий, чу ғурбатда сен шод бўл,
Ватан ёди ранжидин озод бўл!

Агар Шарқу Ғарб ўлса манзил санга,
Не ғам, ком агар бўлса ҳосил санга[2], -

дейди. Одам ғурбатда, яъни эл-юртидан йироқларда юриб, ғарибликда ҳам шод-хуррам кун кечириши мумкинми?

«Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш...» мисраси билан бошланадиган машҳур рубоийни таҳлил қилган олимларнинг деярли барчаси ушбу саволга мантиқан «Йўқ! Ҳеч мумкин эмас!» дея жавоб қайтаришган. Мана, мактаб дарсликлардан бирида ғурбат тушунчаси қандай ёритилган: «Ҳар бир инсон, жонзот ўз Ватани, ўз тупроғида азиз, ардоқли... ўз юртидан ажралиш фожиа. Инсон фақат ўз ватанида ўзини ғариб, бечора сезмайди... Бу тўрт мисра замирига (яъш рубоийга дейилмоқчи И.Ҳ.) шоир олам-олам маънони жо этиб, Ватансизлик инсон учун оғир азоб эканини, ҳар қандай шароитда ҳам ўз ерига содиқ қолиш одамни бахт-саодатга элтишини таъкидламоқчи бўлади»[3]. Энди юқори синф ўқувчиларига мўлжалланган фикрларни ўқиймиз: «Ушбу рубоийда эрк туйғуси ва ватандан узоқ («ғурбат») да бўлган киши, яъни «ғариб»нинг ҳоли ифода этиляпти. Шоир ғурбатдаги ғарибнинг қувноқ бўлиши, бегона элнинг унга шафқат ва меҳрибонлик кўрсатиши мумкин эмаслигини

[1] Рисолаи Қушайрий. Анқара, 1991. 476–477-бетлар.
[2] Алишер Навоий. Садди Искандарий. Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. 11-жилд. Тошкент, 1993.423-бет.
[3] Аҳмедов С., Қўчқоров Р., Ризаев Ш. Адабиёт (Умумий ўрта таълим мактабларининг 6-синфи учун дарслик-мажмуа). Тошкент, 2005. 189-бет.

тасвирлайди. Бу фикрни таъсирлироқ қилиш учун рубоийнинг сўнгги икки сатрида психологизм асосига қурилган гўзал бир қиёс келтиради...»[1].

Бунақа фикр-мулоҳазаларни ғурбат, ғариб, қуш ва қафас сўзлари учрайдиган ҳар бир шеър тўғрисида айтавериш мумкин. Лекин Навоий шеъриятида ушбу икки калима (ғурбат ва ғариб)нинг луғавий мазмунидан кўра истилоҳий маъносига кенг ва теранроқ қараш шартдир. Чунки уларнинг ҳар иккаласи ҳам шоир дунёқараши ва ижодиётининг туб моҳиятини англашга хизмат қиладиган «калит» истилоҳлардан саналади. Акс ҳолда Навоийнинг:

Ғурбат ичра истар эрдим кезибон ёру диёр,
Чунки топтим, истамак ғурбат эрур беҳад ғариб[2]*, -*

каби байтларини англаш, тўғри талқин қилиш йўли ўз-ўзидан тўсилади ва ким қандай хоҳласа, матнни шундай тушуниб, қандай истаса, шу тарзда таҳлил ва талқин яратишига эрк берилади. Бизнингча, навоийшуносликдаги энг катта бир нуқсон ҳам ана шу.

Бундоқ қаралганда, «Ғурбатда ғариб...» рубоийси тўғрисида айтилмаган гап қолгани йўқ. Ўнлаб олимлар уни таҳлил қилиб, ҳар турли фикр-мулоҳазаларни илгари суришган. Лекин ҳақиқий шеър учун ҳеч бир шарҳ, таҳлил ва талқин охирги сўз ёки хулоса бўлолмаганидек, аввал англанмаганни англаш, ҳануз ёритилмаган маъно қирраларини ёритишга ҳам асло монелик кўрсатмайди. Худди шу эҳтиёж туфайли биз рубоийга қайта мурожаат қилиб, уни нисбатан батафсилроқ таҳлил этишга уриндик.

Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,
Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш.
Олтун қафас ичра гар қизил гул бутса,
Булбулға тикандек ошён бўлмас эмиш[3]*.*

Рубоий ҳақиқатда содда, самимий ва фавқулодда таъсирли бир оҳангда битилган. Бирорта ҳам ҳаракатсиз, рангсиз сўз йўқ, ҳаммаси жонли, ҳаммаси юксак туйғу ва моҳиятга қаратилган. Рубоийнинг, айниқса, ватан ва ватансеварлик эътиқодига нисбат берилиши, кўп тадқиқотчиларни мақола ва китобларида уни четлаб ўтмасликка рағбатлантирган, десак хато бўлмас. Аввало, бевосита шу шеърдан баҳс юритган айрим навоийшуносларнинг фикр-мулоҳазаларига тўхталиб ўтсак. Устод А.Ҳайитметовга кўра, мазкур рубоийни Навоий: «ёшлиги охирларида, гоҳ Машҳадда бир бурчакда, гоҳ Ҳиротда бир бузуғда ҳеч бир кимсанинг ёрдамисиз яшаб юрган йилларда» ёзган[4].

Орадан бир неча йил ўтгач ёзилган «Буюк шоирнинг йигитлик манзумалари» номли мақоласида олим бундай дейди: «...Навоий биринчи бор давлат хизматига киргандан кейин кўп ўтмай 1457 йилда Абулқосим Бобур вафот этади. Мамлакатда яна ўзаро феодал низолар бошланади. Бу вазиятда Навоий Машҳадда қолиб, у ердаги мадрасаларнинг бири-

[4] Қосимов Б., Тўхлиев Б., Йўлдошев Қ. Адабиёт. 10-синф учун дарслик. Тошкент, 2004. 194-бет.
[1] Алишер Навоий. Бадоеъ ул-васат. Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. 5-жилд. Тошкент, 1990.40-бет.
[2] Алишер Навоий. Ғаройиб ус-сиғар. Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. 3-жилд. Тошкент, 1988. 573-бет.
[3] Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. Тошкент, 1961. 61–62-бетлар.

да илм ўрганишда давом этади. Навоийнинг ўзи туғилган она шаҳри Ҳиротдан, қавму қариндошларидан узоқ Машҳадда кечирган йиллари анча машаққатли бўлган бўлса керакки, у «Мажолис ун-нафоис»да у йилларни эслаганда ўзини «ғариб» деб атайди...» Хуллас, домланинг таъкидлашича, илк девонга кирган ўша рубоий айни «шу вақтларда ёзилган бўлса ажаб эмас»[1].

«Илк девон»ни махсус тадқиқ этган атоқли навоийшунос Ё.Исҳоқов, энг аввало, рубоийнинг ёзилган вақти ва жойини аниқлашга эътиборни тортар экан, «ғурбат» ва «ғариб» сўзларига асосланиб, қуйидагиларни ёзади: «Шеърдаги «ғурбат» сўзидан кўриниб турибдики, бу шеърни у (Навоий дейилмоқчи И.Ҳ.) ўз ватани Ҳиротда эмас, балки ғурбатда, мусофирликда, демак, Машҳадда ёзган бўлиши керак. Навоийнинг ўзи ҳам Машҳадда Абулқосим Бобур вафотидан кейин ёлғизликда моддий жиҳатдан ниҳоятда қийналганлиги ҳақида «Мажолис ун-нафоис» асарида сўзлаб ўтади...»[2] Ё.Исҳоқов тадқиқининг ўзига хослиги шундаки, унда рубоийнинг илк варианти билан «Хазойин ул-маоний»дан ўрин олган вариантидаги фарқлар, яъни иккинчи сатрдаги «рафиқу меҳрибон», «шафиқу меҳрибон», «қадаҳ», «қафас» сўзи билан ўзгартирилиш сабаблари атрофлича изоҳлаб берилган.

«Бу рубоий, дейди Ё.Исҳоқов мулоҳазаларини якунлаб, шоирнинг интим кечинмаларини акс эттирувчи оддий лирик шеъргина бўлиб қолмай, балки чуқур сиёсий руҳ билан суғорилган фалсафий фикрларни ўзида мужассамлаштирган ихчам фалсафий тезис ҳамдир»[2].

Шеър ўқувчида қанча кўп мушоҳада уйғотса, ғоявий асосини ҳаёт ва инсон қисмати билан боғлашга нечоғлик кенг имкон берса, ўшанча яхши ва фойдалидир. Шу маънода академик шоир Ғафур Ғулом нақл қилиб қолдирган бир ҳикоятни хотирлаш ҳам ҳеч зиён қилмайди. «Ривоятга кўра, Ҳири Руд ва Инжил наҳри қапталидаги сўлим бир қишлоқда Сафарбой деган бир чўпон яшаган экан. Унинг гўзал қизи бўлиб, довруғи Ҳусайн Бойқаро саройигача етиб борибди». Хуллас, ҳуснда якто шу бокира қизни олиш учун подшоҳ ҳазратлари Сафарбойга киши жўнатибди. У эса совчиларга мана нималар дебди: «Қизим тўрт этаги осмон билан туташиб ётган шу бепоён яланг қирларнинг озод ғизолидай дашт қизидир. Албатта, у муҳташам, аммо катта қалъа деворлари билан ўраб олинган димиқда яшолмайди...

Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,
Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш.
Олтун қафас ичра гар қизил гул бутса,
Булбулға тикандек ошён бўлмас эмиш, -

деб ҳазрати Алишер Навоий бекорга айтмаганлар. Мен ўз эрки булбулдай қизимни Бойқаронинг сунъий гуллари ўсган, олтинланган сарой қафасида сил бўлиб ўлишини истамайман»[3].

Эҳтимол, бунақа воқеа-ҳодиса ҳаётда ҳеч қачон содир бўлмагандир. Содир бўлганда ҳам Навоийнинг рубоийси эсланмагандир. Гап бунда эмас. Асосийси, рубоийда эрк ва эркинлик руҳининг ифодаланиши ва ҳар бир кишини шунга илҳомлантиришдир. Одамни ана у тутқун ва қул, мана бу ҳур ва эркин дейиш нисбий гап. Инсон туғилиб ўсган диёрида ҳам ўзини ғурбат қучоғида, ёлғиз ва ғариб ҳис қилиши мумкин. Покистоннинг буюк шоири Муҳаммад Иқбол бир тўртлигида: «Ман андар Машриқу Мағриб ғарибам» «Мен Машриқу

[1] Ҳайитметов А. Навоий даҳоси.Тошкент, 1970.49-бет.
[3] Ўша китоб. 134-бет.
[4] Ғафур Ғулом. Адабий-танқидий мақолалар. 1-жилд. Тошкент, 1971. 112 - 113-бетлар.

Мағрибда ҳам ғарибман», деса бошқа бирида бундай дейди:

Ғарибам дар миёни маҳфили хеш,
Ту худ гў, бо ки гўям мушкили хеш.
Аз он тарсам, ки пинҳонам шавад фош,
Ғами худро нагўям бо дили хеш[1].

Мазмуни: «Ўзимнинг яқинларим орасида ҳам ғарибман. Сен ўзинг айт: ичимдаги қийноқ ва қийинчиликларни кимга изҳор қилай. Яширин сирим ошкор бўлишидан қўрқаман. Шунинг учун ўзимнинг ғам-ғуссамни ҳатто ўз дилимга ҳам айтмайман».

Навоийнинг рубоийси худди шунақа аҳволдаги зотлар қалбига ҳам таъсир ўтказиб, бир тасалли бағишлаганини тасаввур этиш қийин эмас. Чунки ғурбат кайфияти ва ғариблик ҳолининг миқёси биз билганга нисбатан кенг ва бағоят терандир. Дарвоқе, бир жиҳат ҳаёлдан кўтарилибди. Ўспирин Навоий рубоийни ёзишда бирор-бир салафидан таъсирланмаганми? Ахир, ғурбат ва ғариблик мавзусида ёзишни шарқлик даҳо санъаткорларнинг айтарли барчаси қойиллатишган. Масалан, Ҳофиз Шерозий ғазалларидан бирида:

Ғами ғарибиву ғурбат чу барнаметобам,
Ба шаҳри худ раваму шаҳриёри худ бошам[2], -

дейди.

Мазмуни: «Кимсасизлик ва юртдан жудолик ғам-ғуссасига тоқат қилолмайман. Қани эди ўз шаҳримга борсаму унинг подшоҳи бўлсам».

Буюк Саноий эса булбул қисматига гўё шарҳ битиб:

Булбул ба қафас асиру зоғон ба чаман,
Семурғ ғарибу каргасон аҳли ватан, –

булбул қафасда қийналиб, тутқунлик азобидан эзилиб яшайди. Зоғларни қара, гулшан ва чаманларда яйраб юришибди. Шўрлик Семурғ ҳам ғариб, ватансиз, ўлимтикхўр қушлар юрт соҳибларидир, дея таъкидлайди.

Бундай байт ва теран ифодалар Навоийни бефарқ қолдирмаганлиги шубҳа туғдирмайди, деб ўйлаймиз. Бироқ устод А.Ҳайитметов «Ғурбатда ғариб...» билан Ибн Яминнинг «Ҳирот подшоси Мунзиддин Ҳусайн саройида беш йилдан ортиқ асирликда» ётган вақтида ёзган қуйидаги рубоийси орасида ўхшашлик мавжудлигини сўзлаган:

«Ғариб агар чӣ вазири шаҳаншаҳон бошад,
Ҳамиша майли дилаш сўйи хонумон бошад.
Агар чӣ саиди шоҳон бувад нишемани боз,
Вале ба коми дил боз ошъён бошад.

Мазмуни: «Ғариб, мусофир одам жаҳон подшосининг вазири бўлса ҳам, унинг қалб тилаги ҳамиша ўзининг уй-жойи. Лочин доим подшоҳларнинг елкасида ўлтирса ҳам, унинг юрак орзуси ўзининг ошёни».

[1] Муҳаммад Иқбол. Пайғоми Шарқ. Душанбе, 1987. С. 268.
[2] Ҳофизи Шерозий. Куллиёт. Душанбе, 1983. С.414.

«...Ушбу икки рубоийда (яъни Ибн Ямин ва Навоий рубоийларида И.Ҳ.) лочин ва булбул образлари, «ошён» тушунчаси марказий ўрин тутади ҳамда шеърнинг асосий ғояси шулар орқали очилади»[1].

Бу хулоса умуман тўғри ва ишонарли. Аммо Навоий рубоийсидаги «ошён» тушунчаси Ибн Ямин тўртлигидан фарқланганидек, «лочин» ва «булбул» образларидан кўзланган маъно ҳам бир-бирига айнан ўхшамайди.

Навоий «Фавойид ул-кибар»даги ғазалларидан бирида ёзади:

Ғарқи муҳити ишқинг эди жон ила кўнгул,
Ул дамки, руҳ эмас эди тан бирла ошно[2].

Мазкур байт дин, тасаввуф, фалсафа манбаларига таяниб батафсил шарҳланса, ҳеч лофсиз «Руҳ ва вужуд» номли бир қизиқарли китоб дунёга келади. Ва унинг аҳамиятини Муҳаммад Фузулийнинг «Матлаъ ул-эътиқод» асаридаги мана бу сўзлар жуда аниқ изоҳлайди, деб ўйлаймиз: «Ҳар ким руҳнинг бадандан қандай жой олишини, руҳ билан баданнинг бирлашиш ва фарқланиш жиҳатларини билса, Тангрининг ҳам борлиқларда қандай зуҳурланишини, Тангри ила борлиқларнинг айният ва фарқли томонларини билар ва шу тарзда «Нафсини билган Раббини ҳам билур» деган ҳақиқатга эришгай»[3]. Зотан, руҳнинг аслий ва азалий ватанидаги ҳаёти бир тарих бўлса, «тан уйи»га киргандан кейинги қисмати тамоман ўзга бир саргузаштли тарих. Бу «тарих» турли дин ва таълимотларда турлича талқин қилинган. Афлотунга кўра, руҳ дунёга инмасдан аввал Худо билан бирга яшаб, ундан ҳеч ажралмаган. Кейин дарёдан ажралган томчига ўхшаб Яратгандан айрилиб, бу кўлкалар дунёсига келган. Яъни тан қафасига кириб, бир соянинг маҳбусига айланган. Шу боис ундан чиқиш, қутулиш ва аслий ватанига қайтиб, Худога қовушиш ҳасратида фарёд чеккани чеккан.

Монийлик динига кўра, руҳ жасад билан бирлашгач, қоронғуликка тушиб, асир бўлади. Аммо Тангрининг лутфи иноятн бўлмиш ақл ва илм уни қутқаришга қодирдир. Зеро, инсон ақл ва илм йўли билан тўла поклангач, ғурбатдан халос бўлиб, асл Ватанига қайтади. Ислом сўфий ва мутасаввифларининг тасаввурида ҳам вужуд бир қафасни, руҳ эса унга қамалган қушни (кўпинча булбулни) тамсил этади. Қушнинг асосий орзу ва интилиши қафасни тарк қилиб, ўз «ошён»ига қайтиш бўлганидек, руҳники ҳам азалий юртга етишиб, соф моҳиятига такрор қовушмоқдир. Ҳақ ошиқлари учун бир идеал мақомига кўтарилган бу ҳақиқатни Навоий мана бундай сўзлар билан ҳам ифодалаган:

Ўздин қутул, Навоию мақсадға етки, қуш
Етмас чаманға, бўлса қафас ичра мубтало[4].

Байтдаги «қуш», «қафас» образи рубоийда қўлланилган «булбул» ва «қафас» мазмунини янада кенгроқ англаб, мушоҳада юритишга яқиндан ёрдам беради. «Қуш», яъни «булбул» руҳ, «қафас» вужуд ўрнида қабул этилса, «ғурбат» ва «ғариб» сўзларининг истилоҳий маъ-

[1] Ҳайитметов А. Ҳаётбахш чашма. Мақолалар. Тошкент, 1974. 90 - 91-бетлар.
[2] Алишер Навоий. Фавойид ул-кибар. Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. 6-жилд. Тошкент, 1990. 8-бет.
[3] Муҳаммад Фузулий. Асарлар.Бешжилдли.5-жилд.Баку 1985.118-бет.
[4] Алишер Навоий. Фавойид ул-кибар. Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. 6-жилд. Тошкент, 1990. 8-бет.

носи билан ҳам жиддийроқ қизиқиш заруриятга айланмайдими? Биз «Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас...» номли мақолада шу саволга жавоб қайтариш ва рубоийнинг «иккинчи маъно қатлами»ни имкон қадар очиб беришга урингандик[1]. Мақоладаги талқинга устоз олимларимиздан бирлари матбуотда эътироз билдирган бўлса, бошқа бир тадқиқотчи уни ўзича қўллаб-қувватлаган. Аммо ҳеч ким ғурбат тушунчаси ва ғариб образининг тасаввуф адабиётидаги мавқеи, маъно қирралари, образли ифода тарзи билан ҳанузгача махсус қизиқмаган. Бу ишни амалга ошириш фақат Навоий рубоийсининг ботиний моҳиятини билиш учун керакми? Йўқ, албатта.

Ғурбат ва ғариб тасаввуф ва тасаввуф адабиётидаги энг кўп қўлланилган асосий истилоҳлардандир. Хожа Аҳмад Яссавийнинг «Ғариблиғда ғурбат ичра қолдим мано» мисрасидагидек, бошқа сўфий ва мутасаввиф шоирлар томонидан кўп пайт улар ёнма-ён ишлатилган. Бунинг ҳам ўз сабаб ва талаблари бўлган, албатта.

Ғурбат ва ғариб калималари турмушдан динга, диндан тасаввуфга, тасаввуфдан бадиий ижодга ўтар экан, моҳият нуқтаи назаридан улардаги боғланиш ортса ортганки, камаймаган. Дастлаб одамларнинг ҳар турли айрилиқ, ранжу уқубат ва маҳзун ҳолатларини акс эттирган бу сўзларнинг маъно «таркиби»га тасаввуф фалсафасининг илоҳий борлиқдан ғурбатга тушиш фикри қўшилгач, уларнинг мазмуни бойиб, таъсири жуда кучайиб кетган.

Маълумки, ҳар бир улуғ санъаткорнинг ўзи севган ва қайта-қайта қўллайдиган сўз, ибора ёки тимсоллари бўлади. Шуларга таяниб ҳам унинг ҳаётда нималарга алоҳида аҳамият бериши, аҳвол-руҳияси, шодлиги ё ҳасрати ҳақида маълум тасаввур ҳосил этиш мумкин. Навоий учун ирфон ва кўнгил кучи билан ўзлаштирилган сўзлардан бири «ғариб» эди. Улуғ шоир ҳатто шеърлари ва уларнинг маъниси хусусида фикр юритганда ҳам шу сўзга суянади:

Назмим ичра ғариб маънилар,
Ғурабо хайлидан нишонадурур.

Анда ҳар байт неча маъни ила Байт эмаским, ғарибхонадурур.

«Навоий чиройли сўз ўйини орқали, деб ёзади атоқли навоийшунос А. Абдуғафуров шу тўрт мисрадагина {яъни юқоридаги қитъада дейилмоқчи -И.Ҳ.) «ғариб»ни уч маънода ишлатади. Биринчи мисрада «гўзал», «камёб», иккинчи мисрада «ғариблар», «мусофирлар», «бечоралар» ва ниҳоят тўртинчи мисрада «ажойиб», «қизиқ» маънолари мавжуд»[2].

Ёки мана бу байтни олайлик:

Тут ғариб ун била паймона манга,
Кўргузуб хулқи ғарибона манга[3].

«Ғарибун» - яхши ва ёқимли сўз, овоз, чиройли муносабат, олийжаноблик демак. «Хулқи ғарибона» эса гўзал, мафтункор ахлоқдир. Байтни «ғариб» ва «ғарибона» сўзларисиз кўз олдингизга келтиринг, соқийга мурожаат шунчаки таъсирсиз бир гап бўлиб қолади. Хўш, ғариб сўзининг сеҳр ва жозиба сири нимада?

---

[1] Ҳаққул И. Тасаввуф ва шеърият. Тошкент, 1991.116 - 123-бетлар.
[2] Абдуғафуров А. Навоий сатираси. 1-китоб. Тошкент, 1966.194-бет.
[3] Алишер Навоий. Фавойид ул-кибар. Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. 6-жилд. Тошкент, 1990. 503-бет.

Озарбойжон олими О.Охундов тўғри изоҳлаганидек, аввало, унинг маъносида такрорланмас бир лиризм мавжуд. «Ғариб сўзини у ёки бу образ ва нарса учун эпитет ўлароқ ишлатилса, худди бир қоидага ўхшаб ўша объектга дарров ҳусни рағбат уйғонади»[1]. Масалан, шом эмас, «шоми ғарибон», яхши ё чиройли қисса эмас, балки «ғариб қисса» дейилгани замон қизиқиш ўзгариб, ўзгача тус олади. Шунингдек, ғариб сўзининг мусофир, бечора, кимсасиз, мушфиқ, мададга муҳтож каби маънолари билан бирга, ўзгаларга ўхшамайдиган инсон, дунёни билишда илгарилаган, турмушнинг ўткинчи, майда-чуйда ташвишларига ҳеч парво қилмайдиган шахс, деган маъноси ҳам бордир. «Ғарибу хоксорнинг қадри олий бўлганин англа», дейди ўтмиш шоирлардан бири. Ислом оламида ғарибга эҳтиром, ғариблик ҳолини қадрлаш пайғамбаримиз (с.а.в.) Ҳадиси шарифларига бориб тақалади. Расулуллоҳ бир кун муборак қўлларини Ибн Умар (р.а.)нинг елкасига қўйиб: «Дунёда ё бир ғариб ёки йўлчи каби яшагил», деган эканлар. Ғариблик ҳоли ва ҳақиқатини изчил идрок этиш ва ҳақиқий ғарибни шарафлаш ана шу пайтлардан бошланган бўлса, ажаб эмас. Ғариб, энг аввало, нимага яқинлаб, нималардан йироқлашишни, кимга суяниб, кимлардан алоқани узиш зарурлигини мукаммал англай билган кишидир. Дунё чин ғарибни йўлдан оздиролмаслиги ва унинг пойига бош уришини теран англагани сабабли ҳам Навоий ҳазратлари Муҳаммад (с.а.в.)нинг ўша ҳадисларини шеърга айлантирган эди:

Деди Ҳазрати муҳфизи коинот,
Ангаким, эди ҳузнин ўкситгучи
Ки, дунёда бўлғил нечукким,
ғариб Ва ёхуд анингдекки, йўл ўткучи[2].

Хуллас, Пайғамбар (с.а.в.)нинг эътирофлари бўйича, «Аллоҳнинг энг севимли қуллари ғариблардир». Ахлоқ, тафаккур, маънавий-руҳий мушоҳадада юксалиб, сезиларли тарзда бошқалардан фарқланмаганда ғариб тўғрисида, албатта, бундай дейилмасди. Лекин Аллоҳ муҳаббатига лойиқ ҳамма кишини ҳам халқ таниб, тан олганми? Сўфий, дарвеш, фақир, ғариб, ориф ё ошиққа нисбатан бундай савол ўртага ташланмайди. Чунки уларда тан олиш ё тан олмаслик, ўзгаларга ёқиш ёки ёқмаслик деган муаммо йўқ. Дунё ва аҳли дунё назарга илсин ё илмасин, ғарибга бу зарра қадар ташвиш туғдирмайди. Унда нима учун:

Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш, -

дейилган? Ўз танлаган йўли, маслаги ва интилишларига собитлиги учун эл-юрт, ёр-биродарлардан йироқликни зоҳирий ғурбат, маконсиз, замонсиз Ҳақ даргоҳидан айрилиқни ботиний ғурбат дейдиган бўлсак, ғарибни ғариб ўлароқ қайта яратиб, илоҳий ирода ва ноёб фазилатлар соҳибига айлантирадигани кейинги «ғурбат»дир. Абдураззоқ Кошоний ёзади: «Ғурбат айрилиқ, жудолик демак. Бу айрилиқ нафснинг ҳайвонликдан, табиий кўникма, шаҳвоний орзулардан, касрат мартабаларидан, жисмоний-шайтоний чиркин ҳоллардан ботин мартабасига, хотиржамлик ҳукмлари, малакий-руҳоний хулқларга етишиш пайтида юзага келади»[3]. Албатта, бу ғурбат нафс билан курашиш, нафси амморага қарши матонат

[1] Охундов О. Тил эстетикаси. Баку, 1985. 206-бет.
[2] Алишер Навоий. Фавойид ул-кибар. Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. 6-жилд. Тошкент, 1990. 526-бет.
[1] Тасаввуф луғати. 418-бет.

ила жангга киришиш ва ундан ажралиш ғурбати. «Шу боисдан у Ҳақни излаш ғурбати дея номланган. Ҳазрати Пайғамбар «Ҳақни талаб этмоқ ғурбатдир», демишлар», дейди Кошоний. Унингча, «Ғурбат валиликнинг бир даражаси», деб қаралгани туфайли ҳам «сўфийлар ғурбат калимаси орқали кўп муҳим фазилатларга ишорат қилишган».

Ибн Арабий «Футуҳот ул-Маккийя» асарида ғурбат калимасига алоҳида тўхталиб, унинг уч маъносини шарҳлайди. Унга кўра, ғурбатнинг биринчи маъноси «мақсадга эришмоқ учун ватандан айрилмоқ... Сўфийлар ғурбат деганда қалбнинг Аллоҳга интилишини назарда тутадилар»[1]. Бундай ҳолатга етишган кишининг аҳли дунёдан ўзини айри ҳис қилиши, элнинг унга «шафиқу меҳрибон» бўлолмаслигининг ҳеч ажабланадиган жойи йўқ. Ахир, жоҳиллар орасида олим, ғофил, фосиқ ва риёкорлар даврасида оқил, ёвузлар қаршисида фақирнинг ғариблиги асрлар мобайнида айтиб келинади-ку! «Ғариблик мартабасига юксалган киши, деб ёзади Абдулкарим Жилий, ҳар нарсадан ҳам йироқ, ҳам ҳар нарса ила яқин эрур. Бошқалар бундай одамнинг ҳолини англай олмагани учун эл орасида ғарибдир»[2]. Чунки Абдуллоҳ Ансорийга кўра: «ғурбат майдонидан тавҳид майдони пайдо бўлур»ки, бу бирлик ҳолининг чўққисидир.

Инсон умри руҳоний оламдан борлиқ оламига, ундан яна охират дунёсига муборак бир сафардир. Бу моддий оламда у боқий қолмоқ учун эмас, балки ҳақиқий Ватани бўлмиш малакут оламига қайтиш учун туғилади. Шу сабабдан ҳам унинг ҳаёти ва тақдир йўли бир ҳижрат, бир сафар, бир хотира мазмунига эгадир. Кўз очиб-юмгунча ўтиб кетадиган бу оламга инсон мусофирот бўлиб келган. Шунинг учун руҳ доимо аслий Ватанни қўмсаб, энг шаффоф, энг нурли маънавий ҳоллар орқали унга ғариблигини эслатиб туради. Акс ҳолда, Бобур Мирзодай улкан бир салтанат соҳибининг кўнглида:

Руҳимни чу тан уйига келтурдинг пок,
Мундан бори элтма касофат бирла, -

деган бир ташвишли орзу пайдо бўлмасди. Руҳнинг «латофат бирла» яратилганини билиш, танни унга ошиқ бўладиган даражада софлаштириш инсонни сайри сулукка илҳомлантирган туб моҳият ана шу. Тасаввуфдаги ҳол ва мақомлар мутлақ тарзда бир-бирига боғлиқ, бири иккинчисининг равнақига йўл очади. Масалан, ғариблик ҳолини англамай, ёки яшамай, фақр ҳолини мушоҳада қилиб бўлмаганидек, фано ҳоли камолини ҳам фақрсиз тасаввур этиб бўлмайди. Аммо фақр ё дарвеш дейсизми, ориф, абдол ёхуд ошиқ дейсизми буларнинг ҳаммасида ғурбат ва ғариблик ҳоли бўлган.

Нақл қилинишича, Зуннун Мисрий бир чўли биёбонда асирга ўхшаб таҳликали ҳолда кетаётганида бир аёлга учрабди. Аёл ундан «Сен кимсан?», деб сўрабди. «Бир ғарибман», дебди у. Шунда аёл: «Аллоҳ ила бирга бўлган ҳеч кимсада ёлғизлик ва ожизлик бўлурми?» деган экан. Дарҳақиқат, ваҳдат майидан қониб, тавҳид «либоси»ни кийган ғарибда касрат ҳиссиётлари тамоман барҳам топади ва дунё аҳли, кўпинча, билмайдиган, билса-да, назарга илмайдиган шу ғариб инсон руҳи, унинг тафаккури ҳамда камолотининг буюк муҳофизидир.

«Ўзбек тили ва адабиёти» 2009 йил, 2-сон.

---

[2] Суод ал-Ҳаким. Ибн ал-Арабий луғати. Истанбул, 2004.13-бет.
[3] Жи л и й А. Комил инсон. Истанбул, 1998. 35-бет.

НАВОИЙ ШЕЪРИЯТИДА СЎЗНИНГ ОБРАЗГА АЙЛАНИШ АСОСЛАРИ

Бадиий ижод тарихидан яхши аёнки, бирор-бир даҳо санъаткор ҳам ўз миллати ёки башариятнинг фикр ва туйғу дунёсини тўлиқ қамраб ололмайди, яъни асарларида у фақат одамлар қалбида кечган фавқулодда ҳолатлар, алоҳида бир ҳаёт лаҳзаларини ифодалаб беради. Аммо шунда ҳам чинакам шоир ҳеч қийналмай шеърни миллий тил, бутун шахс руҳи юксаклигига кўтаради. Аслида шеър ёзишдан асосий муддао ҳам шу. Зеро, ҳар қайси гўзал шеърнинг ҳароратли ҳавоси, ёрқин оҳанги, товуш товланишларию такрорланмас ранг ва бўёқлари бўладики, буларсиз шеър шеър эмас. Бироқ улардан ҳеч бири ўз-ўзидан юзага қалқиб чиқмайди, ҳамма-ҳаммасида тилга ва сўзга таянилади. Айни пайтда, ҳис, хаёл, дард манзаралари ҳам сўзда аксини топади.

Шуни инобатга олиш керакки, бадиий матн таркибидан ташқарида образ ва образлилик деган нарса йўқ. Чунки сўзларнинг ўзаро жонли алоқаси, фикр, туйғу ва оҳангда бир-бирини қўллаши фақат матн ичида кечадиган жараёндир. «Образ мураккаб қурилма», деган қараш бор. Унинг мураккаблиги шундаки, гоҳо биргина сўз ё ибора ўз таркибига бир неча фикр ва тушунчани мужассамлаштиради.

Тасаввур қилайликки, қадимда яшаб ўтган туркигўй бир шоир мумтоз шеърият сир-асроридан бутунлай бехабар шеърхонга: «Менинг маъшуқам шу қадар гўзалки, унинг қоши камон, киприги ўқ ва найза, ғамзаси қилич, кўзлари эса жаллод ёки яғмочи», дея мақтанган бўлсин. Бу мақтов ва таърифларни эшитган ҳалиги киши гап ҳусн мадҳидами ёхуд ҳарбий сафарбарлик тўғрисидами, деб ҳайрон қолиши эҳтимолдан йироқ эмас, албатта. Ваҳоланки, ҳарб майдонларида тинимсиз от сурган, кураш ва матонат туйғусини ҳар нарсадан юксак кўрган бутун бошли халқ учун бундай ташбеҳ ҳамда қиёсларнинг ажабланадиган жойи йўқ эди.

Хорижлик тадқиқотчилардан бирининг таъкидлашича: «ўтмиш адабиётидаги англанмайдиган жиҳат фақат калималарнинг бугун бизга бегоналигида эмас, балки унда акс эттирилган ҳаёт, талқин қилинган тушунчаларнинг биздан йироқлашганидадир». Асосий муаммо мана шунда. Буни тўғри ҳал қилмаслик адабиётшуносликдаги барча чалғиш ва хатоларнинг тамалини ташкил этади. Гапимиз қуруқ бўлиб қолмаслиги учун мисолларга мурожаат қилсак.

Алишер Навоий салафлари шеърларида ҳам, унинг ўз ижодида ҳам «аёқ» (идиш), аёқчи-соқий мазмунидаги сўзлар тез-тез учрайди. Шоир ғазалларидан бирида:

Ғам ғизоси орасинда қани туркона аёғ,
Тура ойини била томса тўқуз, оқса ўтуз, –

дейди.

Бу байтни тахайюл ёхуд тахмин билан шарҳлаш мумкин эмас. Шунинг учун унинг иккинчи мисрасини профессор А.Абдуғафуров ва филология фанлари номзоди С.Жумаева тарихий, илмий манбаларга суянган ҳолда яхши шарҳлаб беришган[1]. Аммо «туркона аёғ» қандай идиш, у нима сабабдан аёқ (аёғ) дейилган? Бизда ҳанузгача бу тўғрида бирор-бир

[1] Қаранг: Абдуғафуров А. Тура ойини била // Ўзбек тили ва адабиёти, 2001.2-сон. 22–25-бетлар; Жу м а е в а С. Ўзбек мумтоз шеъриятида рақам рамзлари ва уларнинг маъно талқини. Тошкент: Фан, 2010. 60 - 61-бетлар.

сўз айтилмаган. Лекин «аёқ» калимаси сингари «туркона аёғ» ибораси замирида туркий халқларнинг эски давр тарихига доир қандайдир сир борлигини пайқаш қийин эмас. Аждодларимиз маданиятини тадқиқ қилган олимларнинг маълумотига кўра, қадимда турклар ҳайвонларнинг териси, шохи, суяги ва жунларидан бағоят гўзал санъат асарларини яратганлар. Масалан, ҳўкизнинг болдир суягидан қимиз сақлаш учун чиройли суроҳийлар ясашган. Қимиз ва асал шароби ичиш учун эса туянинг оёқ суягидан қадаҳлар ясалганки, ана шуларга аёқ дейилган. Ф.Д. Лессингнинг изоҳлашича, мўғулларда ҳам аёқ деб номланган идиш бўлган, ундан тахтга чиқиш маросим-зиёфатларида ҳам фойдаланилган[1]. Навоийнинг: «Аёқчи, тўла айла чини аёқ, Эрур бизга сўзнинг чини иштиёқ», байти мазмуни кейинчалик чиннидан ҳам «аёқ» аталмиш идишлар ихтиро этилганидан, бинобарин, «аёқчи» калимасидан кенгроқ фойдаланилганидан далолат беради.

Мумтоз адабиёт мухлисларининг онг ва хотирасида ўрнашиб қолган бир ибора бор: бу «яғмои турк». Мавлоно Атоий ёзади:

Чину Мочину Хўтанда кўзларингтек раҳмсиз,
Бехато қон тўккучи бир турки яғмо кўрмадик.

Бехато қон тўкадиган кимса, албатта, раҳм-шафқатдан узоқ бир жаллод бўлиши табиий. «Турки яғмо» эса ўз-ўзидан нохуш кайфият уйғотади. Лутфий ғазалларидан бирида ўқиймиз:

Бузди қора черик била кўнглум вилоятин,
Ул кўзки, турклардек иши таламоқ эрур.

Мазкур байтни шарҳлаган атоқли олим Ҳоди Зариф бундай дейди: «Темурийлар ва Олтин Ўрда хонларининг қора чериклари вилоятларни қамал қилиб, бузиб юрганларини ва бу қўшинда туркий халққа мансуб бўлган сипоҳлар таловчиларга бошлиқ бўлганларини, бундай ножўя ҳаракатларнинг XV асрда давом этиб турганини эсга олинса, ҳаётдаги реал ҳодисаларни лирик ғазалга сингдиришда Лутфийнинг интилиши дарҳол кўзга ташланади»[2].

Бу гапларнинг бари тўғри. Туркий қавмларнинг жанговарлиги, ўзаро яғмогарлик қилиш билан бирга, ўзга халқлар заминига ҳужум уюштириши буларни ҳеч инкор этиб бўлмайди. Демак, «яғмои турк» ҳавасга асло арзимайдиган салбий ҳодиса. Моддий воқеа-ҳодисаларни маънавий ҳодисаларга нисбат бериш одамда алоҳида бир қизиқиш пайдо қилганидек, сўз ва ифоданинг таъсир қувватини ўзгартириб юборади:

Яғмо солурға ҳар тараф отланди ул ситамгар,
Кўнглум вилояти сари бу турктоз экинму?

Байтдаги «турктоз», «яғмои турк» тушунчасига ишорадир. Навоий бу сўзни ҳамма жойда зўр иштиёқ ва мароқ билан ишлатганини «Лисон ут-тайр»даги қуйидаги байт ҳам тасдиқлайди:

[1] Лессинг Ф. Д. Мўғулча-туркча луғат. 1-жилд. Анқара, 2003. 37-бет.
[2] Ҳоди Зариф. Фозиллар фазилати. Тошкент, 1969. 54- 55-бетлар.

Нозанин чун келди айлаб турктоз,
Айлабон ул хастаға зоҳир ниёз.

Туркларнинг яғмогарлиги хусусида форс-тожик адабиётининг Саъдий, Жалолиддин Румий, Ҳофиз, Камол Хўжандий, Абдураҳмон Жомий каби буюк истеъдодлари ҳам гапиришган. Жомий ёзади:

Турки яғмогаре, ки мегўянд,
Шак надорам дар ин яқин, ки туи.

Мазмуни: «Турки яғмогардан баҳс юритишади, унга сендан яқини йўқлигига мен ҳеч шубҳаланмайман».

Гап шундаки, на туркийда ёзган, на форсийзабон санъаткорларда «яғмои турк», яъни «турк босқинчилиги» ҳодисасига салбий муносабат ва нафрат сезилмайди. Хўш, бунга сабаб нима? Илк ва асосий сабаб яғмои турк дейилганда қадим замонларда босқинчилик, кимларнингдир юртини ғорат қилиш эмас, балки туркий халқлар ҳаётидаги алоҳида диққатга молик бир ҳодисанинг халқлар қалбида мароқ уйғотганлигидадир.

Буюк форс шоири Ҳофиз Шерозийнинг: «Агар он турки шерозй ба даст орад дили моро...» мисраси билан бошланадиган машҳур ғазалида «хони яғмо» иборасини қўллайди:

Фиғон, к-ин лўлиёни шўхи ширинкори шаҳрошўб,
Чунон бурданд сабр аз дил, ки туркон хони яғморо.

Мазмуни: «Бу, шаҳарга ғавғо солувчи алдоқчи ва фитначи шўх маҳбубалар дастидан дод улар турклар улкан «дастурхон»ни яғмо қилганлари каби дилдан сабрни ҳам шундай тортиб олдилар».

«Хони яғмо» маросимининг анча қадимий тарихга эгалигини тасдиқловчи далиллардан бири «Китоби Дада Қўрқут»нинг ўн иккинчи ҳикоятидаги Самур Қазонхоннинг мол-мулкини қандай яғмолатишига доир қуйидаги сўзлардир: «Қазонхоннинг одати бу эдики, қачон уйини яғмолатса (яъш хазинасига йиғилган мол-мулкни адолат юзасидан турли қабила вауруғ вакилларига талон-торож қилдирса дейилмоқчи И.Ҳ.) ҳалолини қўлига олиб, уйидан ташқарига чиқарди. Шундан сўнг хонадонидаги бор-йўқ нарсасини яғмо эттирарди».

Маҳмуд Кошғарий эса «канч1уу» сўзига «хонларнинг тўйларида ёки байрамларида талош учун ўттиз газ баландлигида қилинган минорадай дастурхон» деб изоҳ беради[1].

«Хони яғмо»га бағишлаб махсус мақола ёзган турк олими Абдулқодир Инон ушбу маросимни Маҳмуд Кошғарий қорахонийлар саройида кўрган бўлишини тахмин қилган ва бу маросимнинг мўғул истилосидан кейин Ўрта Осиё ҳукмдорлари томонидан давом эттирилган ё эттирилмаганлиги хусусида тарихий асарларда фикр учрамаслигини ҳам қайд этиб ўтган[2]. Аммо нима бўлишидан қатъи назар, «яғмои турк», «хони яғмо» иборалари Шарқ шеъриятида ҳиммат, саховат, фавқулодда мардлик мазмунларини ифодалаш билан бир қаторда, мана бундай «туркона» байтларнинг яратилишига ҳам йўл очган:

[1] Маҳмуд Кошғарий. Девонулуғотит-турк. Штом.Тошкент, 1963. 443-бет.
[2] И н о н А. Мақолалар ва тадқиқотлар. 1-жилд. Анқара, 1987.646 - 647-бетлар.

Гар Навоий кўнгли мулки бўлса вайрон, айб эмас
Турктози ишқ ул кишварни яғмо айламиш.

Сўзнинг тимсол мақомига юксалиши ёки истилоҳ ва ибораларнинг образлилик хусусиятларини илғамаслик ҳар турли кераксиз баҳсу муноқашаларга сабаб бўладики, улардан тегишли хулоса чиқариш лозим. Бундан бир неча йил муқаддам таниқли навоийшунослардан бири «Сабъаи сайёр» достонидаги:

Қора ранг элга тожи торакдур,
Ким бу ранг ичрадур, муборакдур, -

байтини «Қора ранг ёшлик рамзи, кимнинг боши қора бўлса, унга бу муборакликдур, негаки ёшлик элнинг тожи тораки», дея талқин қилган эди. Орадан унча кўп вақт ўтмай «тожи торак»дан кўзланган мақсад бутунлай ўзгалигини англатувчи бошқа таҳлил эълон этилди. Дастлабки талқинни далил-исботсиз қўллаб-қувватлаган айрим олимлар худди шу зайлда кейинги талқинни ҳам инкор қилишди[1]. Ваҳоланки, алоҳида бир калима ё ибора фақат бир ижодкор томонидан ишлатилмайди. Фарқли ўринларда уларнинг учраши тадқиқотчини наинки шошқалоқлик, балки хатодан ҳам сақлайди. Абдураҳмон Жомий шеърларидан бирида ёзади:

Тораки торики дарвеш фориғ аз тожи зараст,
Камтарин тарк аз кулоҳи торакаш тарки сар аст.

Бунда ҳам худди «Сабъаи сайёр»дагидек, давлат ва салтанат соҳибларининг безакдор тожларидан тамоман фарқланадиган дарвешлик тожи хусусида фикр юритилган. Бу тож дунёни тарк этган дарвешга ишорат тарзида «тожи торик» қора тож ҳам дейилган. Машҳур тарихчи З.В. Тўғоннинг ёзишича, Қозон хони Маҳмуд Аминхон жангда Москва князини мағлуб этганини эшитган Муҳаммад Шайбонийхон уни олқишлаб:

Ислом бошинга тожи торак бўлсин,
Ўрис лашкарини қирмишсен, ўғлим.
Ёринг тун-кун Тангри таборак бўлсин,
Сенга ғозилик муборак бўлсин, -

деган бир тўртлик ҳам ёзиб жўнатади[2]. Демак, «тожи торак»нинг ҳам «тожи торик»нинг ҳам «қора ранг ёшлик рамзи, кимнинг боши қора бўлса, унга бу муборакликдир» деган гапларга алоқаси йўқ.

Маълумки, ўтмишда, айниқса, Навоий даврида шоир шеър воситасида ўқувчининг маънавий талабларини қондириши, унга ғойибона муаллимлик қилиб, дунё ҳақида, оламнинг ҳаракат ва шакл-шамойили хусусида, Ер ва Кўк, Коинот ва Хилқат, Кечмиш ва Келажак, Гўзаллик ва Севги, Ҳаракат ва Сукунат, Ақл ва Бахт, Ўлим ва Ҳаёт... тўғрисида, буларнинг сабаби, моҳияти ҳақида шеърхонга аниқ ва сиқиқ маълумот бериши керак бўлган. Бунинг учун эса шоирнинг ўзи хилма-хил илм соҳаларидан, айниқса, тил, тарих, дин, жуғрофия,

[1] Қаранг: Ҳа ққул И. Навоийга қайтиш. Тошкент, 2007. 98 - 111-бетлар.
[2] Тўғон А.З.В. Бугунги Туркистон ва яқин тарих. Истанбул, 1981.133-бет.

фалсафа, астрономия каби илмлардан бохабар бўлиши лозим саналган. Биз кейинги пайтларда бадиий адабиётнинг ана ўша иккинчи, яъни «илмий» функцияси бўлганлигини айтарли унутдик. Мана, тасаввуфни олайлик. Тасаввуф нима ўзи?

Тасаввуф, энг аввало, ислом оламидаги фикр ихтилофларидан пайдо бўлган бир тушунча тизими, ўзига хос илм ва тажрибадир. Ана шу илм ва тажриба билан Навоий жиддий қизиққан. Лекин буюк шоир ҳеч қачон сўфийлик маслаги ва ҳолини ҳаёт завқи, тириклик қувончу қайғуларидан афзал ҳам, юксак ҳам кўрмаган. Тасаввуф тили бутунлай бошқа бир тил. Ундаги сўз ва истилоҳларнинг аксарияти ўзининг дастлабки мазмунидан ташқари, иккинчи бир маъно билан бойитилган. Тасаввуф ва тасаввуф тили Навоий шеъриятида ҳам сўзнинг маънодорлиги ва образ қиёфасига эришувини таъминлайдиган асослардан биридир. Бунда хусусан Муҳйиддин Ибн Арабий асос солган ваҳдати вужуд таълимоти заминида яралган калима ва терминларнинг маъно-моҳиятини билиш алоҳида аҳамият касб этади.

Тасаввуф фалсафа ўрганган масалалар ичида фақат вужуд баҳси билан машғул бўлган. Ваҳдати вужуд тушунчасининг мағзини англаган киши, биринчидан, Шарқнинг улуғ мутафаккир шоирлари, жумладан, Алишер Навоийга ҳам пантеист атамасини қўллаб бўлмаслигини очиқ-ойдин фаҳмлайди. Иккинчидан, сўз ва истилоҳлардаги маъно эврилишлари у ёки бу ўринларда уларнинг луғавий мазмунига суяниб қолмасликни талаб қилишини тушунади. Турк олими И.Ф.Эртўғрулнинг ёзишича: «Мутасаввифлар азоб калимасини луғавий маъносига ва шариатга терс бир тарзда ишлатиб, узубат (тотлилик) ўзагидан яратганлар. Бу ҳолатда азобда машаққат, жафо ва жазо йўқдир. Улар жаҳаннамдагилар сув ичидаги балиқ сингари неъмат ичидадирлар, дейдилар»[1]. Навоий шеъриятида луғавий маъносига тескари мазмунда қўлланилган калималар ҳам оз эмас. Буни билмаслик Навоий дунёқараши ва эътиқодига зид мулоҳазаларни баён этишга йўл очган. Албатта, соддани мураккаблаштириш ақлдан бўлмаганидек, мураккабни жўнлаштириш ҳам тўғримас. Навоийнинг мана бу байтларига эътибор беринг:

Тажарруд тариқин бил муғтанам,
Тақайюд ғулусидин ўлғил йироқ.
Навоий, ўзунгни қил ул навъ фард
Ки, ўзлукни ҳам сол ўзунгдин йироқ.

Шоир шеърхонни ғанимат билишга чорлаётган «тажарруд тариқи» - юзаки қаралса, ҳамма нарсадан кечиб, ёлғизланиш йўли. Чунки тажаррудда алоқасизлик, сўққабошлик, танҳоликдан ўзга бир мазмун йўқ. Кейинги мисрадаги гап ҳам буни тасдиқлайди. Аммо шоир назарда тутган тажрид қалбни мосиводан тозалаш, ичдаги қарама-қарши фикр ва қарашлардан покланиш, фақат Ҳақ ризосини ўйлаб, мақом, мартаба соҳиби бўлиш фикрини ҳатто хаёлга ҳам келтирмасликдир.

Хуллас, тажрид ва фардлик биргина ният янги ўзликни камолга етказиш учун онг ва ахлоқдаги кўп чиркин иллат ҳамда ноқисликлардан фориғ бўлиш, бошқача айтганда, шахсиятни улардан «тоқлаштириш»дир. Навоий шеърияти ҳаёт ва давр, юрт ва миллат тақдири билан қанчалик табиий, нечоғлик мустаҳкам боғланган бўлса, унинг дин, фалсафа, тасаввуф билан алоқаларида ҳам сунъийлик йўқ. Таҳлил ва талқинларда айни шу ҳақиқат-

[1] Эртўғрул И.Ф. Ваҳдати вужуд ва Ибн Арабий. Истанбул, 1991.255-бет.

дан чекинмасликка уриниш лозим. Навоийшуносликда эса сўнгги пайтларда аввалгига нисбатан бошқача бир ўзбошимчалик, ниманидир қўллаш ё инкор этишда кўр-кўроначилик майлига берилиш кўзга ташланмоқда.

Шарқ шеърияти тадқиқида, XX аср бошларидан эътиборан, синфийлик, партиявийлик, оммавийлик деган тушунчаларга таянилиб, хоҳлаганча унга муносабатда бўлиниб, уни сиёсатга мақбул тамойилларда ўрганиш тажрибаси жорий этилган. Бу фикр Навоий ижодиётига ҳам тегишли. Ўтган асрнинг 40-йилларида озарбойжон халқининг улкан шоири Самад Вурғун шундай деган экан:

«Мен Навоийни дарёга қиёсладим ва дедимки, бизнинг айрим олимларимиз унинг соҳилларида тахта қайиқларда сузишни хоҳлайдилар. Менинг ўйлашимча, бу муаззам дарёга замонавий илм ва маданият асосида ясалган муҳташам бир кема билан кириш лозимдир...»[1]

Бу кема ҳанузгача барпо этилган эмас. Лекин бундай умидбахш орзуга етишмоқ учун тахта қайиқларда сузиш мусобақаларига ҳам бефарқ бўлмаслик керак. Қадим даврларда фикрнинг зеҳнда шаклланишига «ижод», пешма-пеш ҳаракатланишига «тартиб», маълум бир жиҳатдан тўғрилигига «ҳақиқат», ҳар томондан ростлигига эса «саломат» дейилган экан. Бизнингча, Навоий ҳақида ёзганда, буларнинг ҳаммасига бирин-кетин эришишни кўзлаш зарур. Токи Навоий дунёқараши, маънавий-руҳий ҳолат ва ижод намуналари тасдиқламайдиган хато, гоҳо буткул ҳавойи тадқиқотчиликларга чек қўйилсин.

«Ўзбек тили ва адабиёти», 2011 йил 1-сон.

НАВОИЙ ШЕЪРИЯТИДА СЎЗ ВА МАЪНО

Бадиий ижодда Кун ва Тун, Яхшилик ва Ёмонлик, Шодлик ва Ғам, Тириклик ва Ўлим тазоди ниҳоятда қадимийдир. Шу зиддият бутун табиийлиги, мантиқий-ҳиссий мураккаблиги билан ўз ифодасини топмаса, адабиётда, албатта, саёзлашув, турғунлик, фикрий номутаносиблик юзага келади.

Адабиёт қачон руҳий қашшоқлик, сохта чечанлик офату балоларидан ўзини қутқазади? Қачонки, ҳақиқатни ҳақиқат, ёлғонни ёлғон сувратида, қайғуни қайғу, шодликни эса шодлик рангида кўрсата олса; қачонки, нурни, ёруғликни шарафлаб, зулмату қоронғиликдан кўз юммаса, бахтни бахтсизликдан ажратиб, хурсандликни мусибатга тобе кўрмаса. Мана шунда адабиётга қараб ҳаётни, ҳаётга ҳамнафас бўлиб адабиётни билишгина эмас, унга суяниш, суяниб, ундан тўхтовсиз ўрганиш мумкин. Адабиётнинг илк вазифаси энг холис, энг керакли фикрни ёзиш, кераклидан кераксизни ажратишда ўқувчига ёрдам бериш ва йўл кўрсатишдир. Шу маънода адабиёт наинки шодлик, балки ғам-аламнинг ҳам моҳир талқинчиси ҳисобланади.

Шарқ мумтоз шеъриятининг умумий мазмун-моҳияти ёки ҳис-туйғу олами уч-тўрт калима билан таърифланадиган бўлса, ҳеч шубҳасизки, аввало, Дард, Ғам, Алам деган сўзлар хаёлга келади. Ҳажр, ҳижрон, айрилиқ каби сўзлар ушбу калималарга мантиқан боғланиши билан қайғу ва ҳасрат тушунчасининг кўлами янада кенгаяди. Рамз, мажоз, ташбеҳ ва тимсоллар мазмуни билан қизиқсангиз, ҳамма нарса бунда ҳам ғам-ғуссага тобедай туюлади.

[1] Иқтибос Ж.Нагиеванинг «Озарбойжонда Навоий» (Баку, 2001. 244-бет) китобидан олинди.

Ошиқни мумтоз шоирларнинг жуда кўпчилиги парвонага ўхшатгани маълум. Парвонанинг қисмати (ибрати ҳам) эса шам атрофида айлана-айлана охири ўзни оловга уриш, яъни куйиб кул бўлиш. Аслини олганда, бу қайғули бир ҳодиса. Аммо ундан кўнгил, негадир, ҳеч чўкмайди. Аксинча, парвонанинг ҳоли ва толеи шеърхон шуурида сирли, орзиқтирувчи алақандай иштиёқ уйғотади. Шу маънода Фузулийнинг мана бу сўзлари ҳеч вақт ҳеч кимда эътироз туғдирмаган бўлса керак:

Ишқ расмин ошиқ ўрганмоғи керак парвонадин
Ким, ёнар кўрганда шамнинг оташи сўзонина.

Жонини жононага бермоқ камоли ошиқнинг,
Бермаган жон эътироф этмак керак нуқсонина.

Булбулнинг аҳволи руҳияси парвонаникидан ҳам азобли ва қийноқлироқдир. Туну кун гул ишқида булбул нола қилади, айрилиқ, ҳижрон азоб-уқубатига чидолмай эзилиб, ўртаниб фарёд чекади. Бу ҳолатҳам кўнгилни шавқлантириб, руҳни кўтарса кўтарадики, ноумидликка, тушкунлик чоҳига тортмайди.

Ўтмиш шеъриятидаги бош лирик қаҳрамон бўлган ўша Ошиқ ҳолини энди кўз олдимизга келтирайлик: бошдан-охир нолаю фарёд, ғам ва андуҳ. Ҳар сўзидан унинг гўё мусибат, оҳ-воҳ таралади. Фақат шум рақибдан эмас, у дунё ва аҳли дунёдан, давр ва замондошларидан ҳам нолийди. Айтайлик, ҳасби-ҳолини англатганда, ошиқнинг кўп такрорлайдиган сўзлари ҳаммага деярли ёд бўлиб кетган: «ажралдим», «куйдим», «йиғлайман», «топмадим» ва ҳоказо. Гап шундаки, ошиқ баъзан ҳатто ўлим, мотам, мусибат тўғрисида гапирганда ҳам ўқувчининг некбин ва ҳаётий туйғуларига бир шикаст етмаганидек, қалбига ёмон таъсир ҳам этмайди. Бунинг туб сабаблари нимада? Бу саволга жавоб бериш, очиғи, осон эмас. Бунинг учун мумтоз матнларни англаш ва ҳис қилиш, таҳлил ва талқиндаги чалкашлик, аниқроғи, ғайриилмий тажрибалар қандай пайдо бўлиб, қандай асосда давом этганлигини аниқлаш ҳам зарур бўлади. Шу ўринда оташин шоир Ҳамид Олимжоннинг мана бу мисраларини ёдга олиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз:

Шоирларни кўп ўқиб чиқдим,
Билмаганим жуда қолди кам.
Ўқиб чиқдим, чувалди фикрим,
Кўраверіб ҳаммасида ғам.
Фузулийни олдим қўлимга,
Мажнун бўлиб йиғлаб қичқирди.
Ва Навоий тушиб йўлимга
Фарёд билан ўрнидан турди...

Хуллас, қадим Шарқ шеъриятида дард, ҳасрат, изтироб оҳанглари асрлар мобайнида устуворлик қилиб келганки, бундан кўз юмишнинг ҳеч иложи йўқ.

«Муборактар з-ғам чизе набошад» – «Ғамдан гўзал ва муборакроқ бирор нарса йўқдир», деган Мавлоно Жалолиддин Румий ғам ва изтиробни фалокат эмас, саодат, илоҳий бир лутф сифатида қабул қилгандир. «Девони кабир»да ҳам «Маснавий» ва бошқа асарларида

ҳам Мавлоно изтиробни инсоннинг балоғати, комиллик мақомларини эгаллаш учун бир восита, гоҳо эса имтиҳон эканини баён этган. Унингча, ғам ва изтиробни Аллоҳ севган бандасига насиб этади. Шунинг учун агар ғам элчиси ташриф буюрса, инсон қадрдон бир дўстдай уни қаршилаши керак:

Расули ғам агар ояд бар ту
Канораш гир ҳам чун ошной...

Ҳофиз Шерозий эса бир рубоийсида дардпарстлик ва ғамсеварликни ҳадди аълосига кўтариб, бундай дейди:

Ман ҳосили умри худ надорам жуз ғам,
Дар ишқ зи неку бад надорам жуз ғам.
Як ҳамдами бовафо надидам жуз дард,
Як муниси ғамхор надорам жуз ғам.

Мазмуни: «Умримнинг ғамдан бошқа бир ҳосили йўқ, Ишқда ҳам ғамдан бўлак яхшию ёмоним йўқ. Дарддан ўзга бир вафоли ҳамдам тополмадим, Менинг яккаю ягона муниси ғамхорим ҳам ғамдир».

Масаланинг тарихий-ирфоний асослари ва туб моҳияти билан чуқурроқ қизиқмаган киши ўтмишдаги айрим шоирларнинг ғампарастлигидан ажабланади. Фузулийнинг Мажнунини бир эсланг: дунёга ҳали келар-келмас унинг бир «водийи ғам» эканини фаҳмлайди:

Ул дамки, бу хокдона душди,
Ҳолини билиб, фиғона душди.

Шу фиғону фарёд уни бир «изтироб қаҳрамони» («ғамнинг ҳарифи») бўлишга шавқлантиради:

Билдимки, сенинг ғамингни чўқдур,
Ғам чекмага бир ҳариф йўқдур.
Келдимки бўлай ғаминг ҳарифи
Ки, тажриба қил мени заифи.
Ҳар қайда ғам ўлса қилма эҳмол,
Жамъ айла дили ҳазинимға сол.
Ҳам бер менга ғам емак камоли,
Ҳам олами ғамдан айла холи.

Бир ёнда «ҳар қайда ғам бўлса», барисига дил эшигини очиб, ғам чекиш камолини орзу айлаш, иккинчи томонда «олами ғамдан» бутунлай фориғ бўлиш – буни қандай тушунмоқ керак? Ғам ошиқ учун бир маҳак тоши кабидир, ишқ йўлида унинг нақадар бардошли ва иродали эканини доимо ғам ичга сиғдиролмайди. Ғам ва андуҳ ошиқнинг энг вафоли, энг эски дўстидирки, унга тасалли беради ва бир кун барча қийноқ ҳамда азиятлар охирига

етишига уни иноитиради. Ғам, алам инсонни фалак қафасидан халос айлаб, комиллашувига ёрдамчилик қилади. Дард ва алам маъшуқадан келгани учун ошиққа бағоят қадрли. Хуллас, ошиқ ғамни бир либос сингари кийиб, кўз ёшлари билан ғам қиссасини ёзади. Атойининг:

Ошиқ кишининг хотири ғамнок керактур,
Жон пираҳани дилбар учун чок керактур, -

дея таъкидлаши ҳам бежиз эмас эди. Алишер Навоий рубоийларидан бирида:

Қисқорди ҳаёти ғам ичин ёрғоннинг
Умри узун ўлди ранжи қисқорғоннинг,

яъни, ичини ғам-андуҳ тилиб-тилкалаган кимсанинг умри, албатта, қисқаради, ранжу азоби камайган одамнинг ҳаёти эса узаяди, дейди. Аслида дахлсиз ҳақиқат ана шу. «Темирни занг, одамни ғам емиради» деган гап-тўғри гап.

Ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маданий нуқтаи назардан Шарқ халқлари ўтмиш тарихига холис баҳо беришга уринсангиз, бири биридан баттар ҳақсизлик, зўравонлик ҳамда ёвузликларга юзлашаверасиз. Моддий ночорлик биргина қашшоқликнинг ўзи қанчадан-қанча кишилар дилини ҳасратга кўмиб, қанақа кулфат, қанақа қийинчиликларга уларни гирифтор этганини ҳеч биров аниқ айтиб ҳам, таърифлаб ҳам беролмайди. Демак, адабиёт инсон тақдири ва қадр-қиммати учун қанча чуқурроқ куйиниб, нақадар дадилроқ сўзлаган бўлса, ғам-аламга ўзини ўшанча ошно ва ҳузнли сезган. Шу маънода классик адабиёт воқеликдан анча ортда қолгани, бадиий ижоддаги анъанавийлик йўли ҳаёт йўллари билан деярли кесишмаганлигини ҳам таъкидлаш жоиз.

Машҳур рус адиби Ф.Достоевскийнинг «Хўрланганлар ва ҳақоратланганлар» романида «Изтироб ҳаммасини тозалайди», деган фикр бор. Адибнинг бошқа романида «Изтиробда ғоя бор... Изтироб бу ҳаётнинг ўзи!» дейилади. Демак, изтироб четга сурилса, ҳаёт ўзгариб, бир бўшлиқ пайдо бўлади.

Буддавийлик динига кўра эса, изтиробдан қутулиш зарур. Бунга эришишнинг бош шарти яшаш истагини сўндириб, бахт ва бахтиёрлик умидини тарк айлашдир. Будданинг таснифи бўйича, «туғилиш изтиробдир, хасталик изтироб, севган нарсадан ажралиш азоб, сени севганлар билан бирга бўлиш изтироб, ўлим изтироб...» Хуллас, айри-айри ва ўзаро зиддиятли борлиқларнинг барчаси ғам-ғусса, қайғу ва изтироб манбаидир. Бундай ҳолатда шахс комиллиги ва бутунлиги тўғрисида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас. Нафс ва нафсоний ҳаётни жуда чуқур ва изчил тадқиқ қилган тасаввуф таълимоти чинакам ғам ва кадар нима, қувонч ва шодлик нима буларни фарқлаш ҳамда янги тушунчаларни жорий айлаш учун ўзига хос бир қарашни илгари сурган. Абулҳасан Ҳарақоний «Ғам ила ҳузн тилагил... Кўз ёшинг оқсин. Аллоҳ йиғлаганларни севар» деса, Ҳасан Басрий «Ғам бир султон эрур, эгаллаган жойини ўзгаларга беришни истамайди» дейди. Энди бу ғам ва алам кундалик турмушга тегишли, унинг қийноқ ёки машаққатларидан юзага келувчи ғам-ғусса эмасди.

Абдулкарим Қушайрийнинг ёзишича, «Сўфийлар ҳузн баҳсида фикр баён этиб, «Охиратга тегишли ғам, андуҳ яхши, гўзал, дунё билан алоқадор ғам ва ҳасрат ёмон, чиркиндир»

дея умумий хулосага келганлар»[1]. Мутасаввиф шоирлар, айниқса, илоҳий ишққа тегишли дард, ғам ва изтиробни инсоннинг фалак қафасидан халос бўлиб, комиллик мақомларини эгаллашида йўлчилик вазифасини бажаришига тўла ишонишган. Навоийнинг Мажнун тилидан «Кўнглум ғам ила тўқ айла, ё Раб» дейиши, «Фарҳод ва Ширин»да:

Тўло қилғай ғами ишқингжаҳонни,
Жаҳонни қўйки, тўққуз осмонни, –

дея хулоса билдиришига сабаб ана шудир.

Улуғ шоир ғазалларидан бирида «Кўнглум ичра дарду ғам аввалгиларға ўхшамас» деганидек, ошиқ ғамга, ғаму ҳасрат ошиққа талпинади. Зеро, шу ғам, шу изтироб ошиқнинг энг вафоли, энг сезгир дўстидир. Навоийшуносликда масалаланинг ана шу томони эътиборга олинмагани боис, ирфоний шеър матнлари моҳияти ғалат тушунилиб, Навоийнинг ижтимоий-сиёсий воқеликка муносабати, бош лирик қаҳрамони фикр-қарашлари билиб-билмай синфийлик ва партиявийлик йўл-йўриқлари бўйича ёритилган. Натижада, энг олий фикр-тушунчалар, руҳоний ҳис-туйғулар ифодасидан ҳам ўтмиш даврларни қоралаб, ҳар турли айбномалар тўқиш учун фойдаланилган. Мана, «бало» деган сўзни олайлик. Бундоқ қаралганда, шарқлик ошиқ учун ғам, қайғу, ҳасрат ва мусибат «водий»сида яшашнинг юксак бир даражаси балога иштиёқ ёхуд балопарастликдир. Бало офат, фалокат, мусибат, ғам-ғусса, ҳасрат, ташвиш сингари ўнлаб маъноларни ифодалайдиган бир сўз. Шу маъноларда мумтоз шеъриятда у жуда кенг ва фаол қўлланилган. Лекин тасаввуф ва тасаввуф адабиётида бало сўзи янги маъно билан бойитилиб, бутунлай бошқа бир мазмун ва ирфоний мақсадда фойдаланилган. Чунончи: бало ҳолнинг ҳақиқий мазмун-моҳиятини юзага чиқариш учун Ҳақнинг қулини азият берувчи, қийин ва оғир бирор машаққат билан синовдан ўтказиши демак[2]. Абу Саид Харроз «Фақир бало билан муродига етишгай», дейди. Фақат фақир эмас, ошиқ, ориф, сўфий ва дарвеш ҳам балони муродга етишиш воситаси, деб билган. Жунайд Бағдодийнинг эътирофи бўйича, «Аллоҳ руҳда балони зоҳир қилгани замон фардият ҳоким бўлади... Ишқ завқи ила тўлиб-тошган руҳ нафсга ҳеч аҳамият бермай, янги ҳаётда яшай бошлайди. Сўнг шундай бўладики, бало унга фақат завқ ва қувонч бағишлайди... Бало остида ошиқ ҳеч букилмайди ва қийналмайди». Зеро, қулдаги «бало» нақадар кўп, нечоғли қудратли бўлса, унинг Ҳаққа яқинлиги шу қадар ортади, деб ишонилган. Шу боисдан ҳам Алишер Навоий:

Айламакдин танға андуҳу бало тошин ҳисор,
Жонима хайру саломат хайлини душман қилай, -

деб ёзган.

Умуман, балодан йироқлашиш ишқ аҳлини ҳалокатли бир ғам-ғуссага гирифтор этган. «Кашф ул-маҳжуб»да таъкидланганидек, «Аллоҳнинг балосига рози бўлган бало ичида бало берганни кўради, уни томоша ва мушоҳада этиш орқали азобу машаққатга чидашдан завқланади»[3]. Ирфон аҳлига хос бу завқ ҳоли сўз билан ифодаланганда ўзгаларга чинакам бир мусибат ёки кулфат туюлиши табиий.

---

[1] Рисолаи Қушайрий. Истанбул, 1991. 278-бет.
[1] Абу Наср Саррож. Ал-Лумаъ. Истанбул, 1996. 345-бет.
[2] Ҳужв и р и й. Кашф ул-маҳжуб. Истанбул, 1996. 539-бет.

А. Ҳайитметов домланинг таъкидлашларича, «жамиятдаги ҳамма бойликларни ўз қўлида тўплаган, ҳаётда фақат ўз манфаатини кўзлаган, жамиятнинг барча соҳаларида ҳукмрон мавқени эгаллаган, қилич ва қамчи билан иш юритган ҳоким синф вакиллари ўрнатган ва тоқат қилиб бўлмайдиган ёмон аҳвол гоҳо Навоийни мана бундай ўта оғир ва даҳшатли фикрларга йўллаган:

Эй кўнгул, келким, бало базмида жоми ғам тутай,
Ўз қатиқ ҳолимға ўлмастин бурун мотам тутай.
Йиғлабон бошимға оҳим дудидин чирмаб қаро,
Мотамим эл сўнгра тутқунча, ўзум бу дам тутай»[1].

Дарҳақиқат, шоир-ошиқнинг ўта ғамгин аҳвол-руҳияси ёритилган бундай сўзлар шеърхонда ёмон таассурот уйғотади, албатта. Аммо «бало базми», «жоми ғам», «ўлмасдан бурун ўлиш» каби иборалардан кўзланган ички мазмундан хабардор киши мазкур мисраларни бутунлай бошқача тарзда қабул қилиши муқаррар»[2].

Хуллас, мутасаввиф санъаткорлар нуқтаи назарида алам, изтироб, азоб, бало орзунинг йўлдоши эди. Ғам-аламнинг қадр-қиммати ва аҳамияти баландми ёки юксак орзу-умидникими, буни фарқлаш кўпинча қийин бўлади. Имом Ғаззолий ҳақиқий ишққа тегишли алам ва ҳасратнинг охиратда илоҳий томошадан туғиладиган латиф туйғулар билан барҳам топишини қайд этади. Сўфийларнинг доимо бир ўлим умиди билан яшашининг туб сабаби ҳам шунда. Чунки ўлим Аллоҳ висолига етишишнинг шартларидандир.

Мансур Ҳалложга кўра, Аллоҳ инсоннинг Унга боғланишини тажрибадан ўтказиш учун уни изтироб денгизига отган. Бу уқубат ва изтироб нақадар катта бўлса, Аллоҳ севгиси, Унга яқинлик ҳисси ўшанча ортар эмиш. Ҳаллож шеърларидан бирида мана нима дейди:

Сени истарман, эй руҳим, сени,
Тилагим савоб эмас, ҳасрат ва азоб.
Етиштирдинг ҳар ниятимга, эй Мавло, мени,
Ягона орзум қолди: вужудимдаги тотли изтироб[3].

Ҳаллож ушбу фикрида шу қадар илгарилаб кетганки, охир-оқибатда, жаҳаннам изтиробини шодлик, ҳузур ва мукофо, дея қабул қилганлиги учун Аллоҳга энг яқин махлуқ Шайтон ва Фиръавндир, деган хулосага келган. Лекин чин ошиқлик дард ва изтироби бутунлай бошқача. Айнулқуззот Ҳамадоний буни шундай шарҳлайди: «Ошиқ, вақт бўлурки, ишқдан шу қадар ғам, ғусса, дард ва ҳасрат чекарки, на вусулга майли бўлади, на ҳижрон азобини сезади, чунки на вусулдан унга шодлик келгай ва на фироқ азият бера олгай. Унинг бутун борлиғини ишқ ишғол этар»[4].

Шарқ тафаккурида ҳам, Ғарб тушунчасида ҳам ишқнинг қадим феномени айрилиқ, яъни ҳижрондир. Ишқ шу айрилиқнинг ғам, алам, зориқиш ва азобга айланиши демак. Бу ғам ва аламнинг одатий ҳаёт тарзига тегишли ғам-ғуссага ёки дунёвий бирор нарсага дахлдор

[1] Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. Тошкент, 1961. 226-бет.
[2] *Қаранг:Ҳаққул И. Навоийга қайтиш. Тошкент, 2007.146- 149-бетлар.
[3] Яшар Нурий Ўзтурк. Ҳалложи Мансур ва асарлари. Исганбул, 1996.381-бет.
[4] Айнулқуззот Ҳамадоний. Мусаннафот. Жилди I. Теҳрон, 1377 ҳ/ш. С. 101.

ҳасратга алоқаси бўлмай, аксинча, фанолик, ҳурлик, шодликка қаратилган умидбахш ҳиссиётдир. Худди мана шу ҳақиқатдан воқифлик бўлмаса, кўнгли буткул фано ўти билан ёнган ва фардоният завқ-шавқини ҳар нимадан юксак кўрган ошиқнинг психологик қаноатларини акс эттирувчи Навоийнинг мана бу фикрларини ҳеч вақт тўғри шарҳлаб бўлмайди:

Кимки ошиқ бўлса, зору хастаҳол ўлмоқ керак,
Рашкдин олам элига бадхаёл ўлмоқ керак.
Васл топмоғлиғки, ишқ аҳлиға амредур маҳол,
Кечаву кундуз иши фикри муҳол ўлмоқ керак.
Шавқ аро гаҳ мўядин бўлмоқ керак, андоққи, мўй,
Ҳажр аро гаҳ ноладин, андоққи, нол ўлмоқ керак.
Васл мумкин йўқ, вале ҳижронда ҳар дам юз бало
Мундоқ офат мубталоси моҳу сол ўлмоқ керак...

Навоийга кўра, инсонни камолот босқичларига юксалтирадиган ва ўзини англашга йўл очадиган шодликнинг пойдевори ана ўша ғам ва балодир. Уни фаҳмламай, унга боғланмай туриб, эркинликка етишмоқ душвордир:

Ғамдин айларлар эранлар шодлиғ,
Бу муқайядлиғ дурур озодлиғ...

Буни қандай тушуниш ҳамда тушунтириш керак? Энг аввало, дард, бало, ҳузн сингари калималарнинг истилоҳий мазмуни шўро адабиётшунослигини умуман қизиқтирмаганлигини билиш зарурдирки, аксарият олимлар мазкур калималардан ижтимоий, сиёсий, ахлоқий уйдирмалар тўқиш ва ўтмишни айблаш ёки қоралаш учун фойдаланишга уринишган. Ваҳоланки, тасаввуф адабиётида тез-тез қўлланиладиган ғам-ғусса, алам, қайғу, ҳузн, бало аслида энг буюк шодлик ва севинчни ифодалайдиган сўзлар бўлган. Алишер Навоийнинг:

Яна бало чоқинин ишқ телба жонима урди,
Фано қуюни етибон кулумни кўкка совурди, -

сингари сатрлари мазмунини айнан қабул қилиб, тахминий гапларни илгари сурмаслик керак. Чунки инсон фақат комиллик мартабасига кўтарилгандан кейин ҳақиқий ҳижрон дарду ғамини ҳис айлай биладиган ҳолга етади. Бу ғам эса унинг Аллоҳ ила муштарак бир ҳасрат туйғусида бирлашувининг ифодасидир. Ошиқ коинотда Аллоҳ тазаҳҳури ва тажаллисини, яъни севгилининг гўзалликларини тўла-тўкис шаклда эмас, жузъий тарзда кўради. Маъшуқи азални янада яқиндан, янада кўпроқ кўролмаслигидан туғилган ҳасрат ва интизорлик шеъриятда ғам, алам, бало сўзлари билан акс эттирилган. Акс ҳолда, Алишер Навоий инсон руҳини сўлдириб, умр гулини қовжиратадиган ғам-ғуссаю алам ва ҳасратни ёқлаб:

Кўнглум ичра ғам камлиги асру ғамдур,
Алам йўқлуғи дағи қаттиқ аламдур, -

деб ёзмасди.

Сўз ва маъно тазоди дейиш мумкин бўлган мазкур ҳодисани айрим Ғарб тадқиқотчилари турлича асослар орқали ёритишга уринишган. Низомий «Лайли ва Мажнун»ининг инглизча нашрига сўзбоши ёзган Р.Телпкекнинг бир хулосаси бўйича, «Ошиқларнинг ғам-ғуссаси заиф инсон характерини парчалаб, фоний дунёга боғланиб қолганларни ўзидан озод айлайди»[1]. Улардан яна биринг эътирофи бўйича, Ибн Арабийнинг ўзига хос тушунчалари орасида асмои ҳуснани билмасликдан юзага келган илоҳий ҳузн тўғрисидаги фикр ҳам жой олган. Илоҳий нафс ўлароқ ўзини кўрсатган бу Ҳузн айни замонда бир марҳамат ҳамдир. Одам авлодининг Аллоҳга бўлган ҳасрат ва қўмсаши, Аллоҳнинг алоҳида-алоҳида парчаларига бўлган ҳасрати билан монанддир. Шунинг учун инсон маънавий ва руҳий ҳаётида ушбу ҳузннинг аҳамияти ниҳоятда муҳимдир. Зеро, «атеизм ҳам, фанатизм ҳам айни ўша илоҳий ҳузннинг йўқлигидан пайдо бўлган»[2]. Алишер Навоий шеъриятида аксини топган узлуксиз бир ҳузн, Ғам ва Аламдаги теранлик ушбу фикрларнинг асоссиз эмаслигини қўллаб-қувватлайди. Бу ҳолат ва ҳодисани махсус тадқиқ айлаш нафақат навоийшуносликда, умуман, мумтоз шеъриятимиз тадқиқу талқинида янгиликларга йўл очиши шубҳасиздир.

«Ўзбек тили ва адабиёти» 2011 йил, 4-сон

НАВОИЙНИНГ ВАҲДАТ ТУШУНЧАСИ ВА ПАНТЕИЗМ

Шарқ мумтоз шеърияти, аслини олганда, тавҳид, яъни бирликка асосланган шеъриятдир. Диний, тасаввуфий ва фалсафий фикр-қарашлар ифодасида бу шеърият тавҳид тушунчасидан ҳеч четлашмаган. Мумтоз шоирларнинг ишқ ва ирфон йўлидаги завқ-шавқи ҳам охир-оқибатда тавҳид ёхуд ваҳдат идеалини ифодалайди. Аммо тавҳид сир-асрорини сўз билан баён этиб бўлмаганидек, ваҳдат моҳиятини изоҳлашга уриниш ҳам бефойдадир. Бу ҳақда Навоий бир ўринда:

Нуктайи тавҳидни билган қила олмас баён,
Ким баён қилдим деса, билгилки, қилмайдур билиб, -

деса, бошқа бир ўринда:

Сирри ваҳдат нуктасидур бас дақиқ, эй порсо,
Май қуёши ламъаси бирла магар топқай вузуҳ, -
(«Наводир уш-шабоб» 106-ғазал)

дейди. Навоийнинг тушунтириши бўйича, тавҳид ва ваҳдат ҳолининг камоли илоҳий майдан қониқишдирки, унинг энг содда ва безаксиз «қадаҳ»и кўнгилдир:

Кўнгул ваҳдат майинингжоми эрмиш,
Бу соғар сода яхши, йўқ мунаққаш.
(«Наводир уш-шабоб», 255-ғазал)

[1] Иқтибос Ч.С.Сасонионнинг «Низомийнинг «Лайли ва Мажнун» поэмаси» китобидан олинди (Баку, 1985.110-бет).
[2] «Юнг психологияси ва тасаввуф» (Мақолалар тўплами). Истанбул, 1997. 116-бет.

Ирфон аҳлига кўра, ҳар кишининг ваҳдат ёки тавҳид ҳақидаги фикр-қараши унинг истеъдоди ва қобилияти даражасида бўлади. Масалан, авом дунёга қарайди, бироқ айтарли ҳамма нарсани маънидан холи фақат суврат ҳолида кўради. Хавос (хос кишилар) маъни ва шаклга бирликда қарайди. Ошиқ эса яна ҳам юксалиб, моҳиятига нигоҳ ташлайди.

Фақат шакл, яъни сувратни кўришдан нари ўтолмайдиган кимсалар «ҳайвони нотиқа» даражасида қолади. Маъно ва сувратни вобасталикда кўра олгувчилар инсон мартабасига юксалади. Моҳиятни кўриб, ёлғиз уни мушоҳада этувчилар раббонийлик мақомига кўтарилади. Мавжуд борлиқ ва нарсаларнинг шаклига қарашдан ўзгасига кучи етмайдиганлар ҳеч нимани аниқ ва чуқур билишолмайди. Шу боисдан бу тоифа на ҳаёт, на охират хусусида тайинли фикр айтишга қодир эмас. Хуллас, олам ва одам, халқ ва холиқ бирлигидан сўз юритувчилар ботин билан зоҳирни, маъно билан сувратни теппа-тенг кўра билган зотлардир. Шуларнинг маслак ва тажрибаларига таяниб айтиладиган бўлса, инсон ақли аслида Ваҳдатга ошиқдир. Яширин бир овоз гўёки инсон кўнглига «Ваҳдат», яъни «Бирлик ақл ва ашёнинг энг олий қонунидир», дея шивирлаб туради. Чунки азалда бутун коинот, ашё ва инсон Тангри «зоти»да бирликда бўлгани сингари, абадда ҳам касрат (кўплик, мосиво) олами барҳам топиб, ҳамма нарса яна Аллоҳ билан бирлашиб кетади. Асос эътибори ила «касрат»да ваҳдатни кўрган, «нишон»дан «бенишон»га йўл олиб, кўнгил ичидаги «Султон»ни кашф қилган шоирлар худди шундай Бирлик ҳоли ва орзусидан ҳам баҳс юритишган. Ушбу мулоҳазаларнинг энг ёрқин тасдиғи ва далили Алишер Навоий «Лисон ут-тайр» достонидаги:

Бир бўлу бир кўру бир де, бир тила,
Майл қилма мунда иккилик била, -

деган чорлов сўзларидир. «Зеро, бунда «ваҳдат» бирлик ҳолига эришган кишининг кўзи «Бир»ни кўриши, қулоғи «Бир»ни эшитиши, тили «Бир»ни сўзлаши, қалби «Бир»ни тилаши ифодаланган»[1].

Навоийнинг нуқтаи назарида, бундай бирлик ҳолига етишиш шоир томонидан ишқ аҳли орасига олиб кирилган «янги расм»дир:

Бир кўрмагу ўлмак била, эй хаста Навоий,
Ишқ аҳли орасинда янги расм киюрдинг.

Лекин бу «янги расм»ни қайсидир шайх ё дин арбобидан эмас, балки харобот пиридан ўрганмоқ жоиз: [1]

Асрори ваҳдат иста харобот пиридин
Ким, шайх ваъзу панди фусуну фасонадур.
(Ўша девон, 186-ғазал).

Шўро даври адабиётшунослиги учун хос бўлган бир «усул» Навоий шеъриятидан ўзларининг мақсадларига мувофиқ келадиган шеър ва байтларни олиб, мутафаккир шоирнинг дунёқараши, диний-фалсафий тушунчаларини акс эттирадиганларини кўриб-кўрмаганга

[1] Жумаева С. Ўзбек мумтоз шеъриятида рақам рамзлари ва уларнинг маъно талқини. Тошкент, 2010. 89-бет.

солиш бўлган. Ваҳоланки, Навоий жуда кўп ғазал ва байтларида тавҳид ҳамда ваҳдатдан сўз юритган. Бу ҳам мутлақо табиийдир.

Аҳмад Форуқи Сирҳиндий Имоми Раббонийнинг айтишича, Ҳақ ошиқларига сайри сулук пайтида тавҳид икки тарзда зуҳур айлайди: 1. Тавҳиди вужудий (ваҳдати вужуд). Бу мартабада солик «борлиқни бир дея билади» ва шунга қатъиян ишонади. Аллоҳдан бошқасини йўқ деб билиб, тажаллийларни ҳам хаёл сифатида қабул қилади. 2. Тавҳиди шуҳудий (ваҳдати шуҳуд). Бу мартабада солик «борлиқни бир» тарзида кўради, аммо Аллоҳ борлиғини кўриб, бошқа борлиқлар мавжудлигини ҳам инкор этмайди[1].

Илмий адабиётларда очиқ-ойдин эътироф қилинганидек, Навоийга кучли қизиқиш уйғотган таълимот ваҳдати вужуд эди. Бунга биринчи сабаб тасаввуфий тушунчанинг кенг тарқалиши ва умуминсоний шон-шуҳратга эриштирган жиҳатлардан бири ваҳдати вужуд, деб қаралгани ҳамда тасаввуфнинг туб мазмун-моҳияти ваҳдати вужудда, дея англангани бўлса, иккинчи бир сабаб Навоий мансуб нақшбандийлик тариқатининг йирик вакиллари, жумладан, Абдураҳмон Жомийнинг Ибн Арабий асарларига фавқулодда эътиборидир.

«Жомий ва Навоий ижодида, дейди профессор А.Абдуқодиров, Ибн Арабий таълимоти маъқулланган ва изчил ривожлантирилганлиги сабабли улар талқинидаги ваҳдати вужуд зоҳирий ва ботиний мазмунга эга бўлди. Чунончи, унда зоҳиран ҳамма Унда тарзидаги исломий фикр олға сурилса-да, ботинан ҳамма Удир сифатида Аллоҳ ва оламнинг, бошқача айтганда, Ҳақ ва халқнинг бирлиги, яхлит бир бутунлиги исбот этиларди»[2].

Шу ўринда «вужуд» сўзини изоҳлаш зарурга ўхшайди. Ваҳдат аҳли ушбу калима орқали бутун борлиқларни юзага чиқарган ва унинг билан қойим бўлган ҳақиқатни назарда тутиб, шундай дейишган: Вужуд (борлиқ) бирдир. У тааддуд – ажралиш, тажаззи – парчаланиш, инқисом – бўлинишни қабул қилмайди. Вужуд (борлиқ)нинг ҳукм ва тасарруфи бутун коинотга нуфуз айлаб, таъсир ўтказувчидир. Дунёда нима мавжуд бўлса, барчаси унга тобедир, унга боғлиқ ва унинг билан оёқда туради. Хуллас, ваҳдат соҳиблари вужуд деганда зоти улуҳиятни англаб, Ҳақ учун мазкур сўзнинг бир сифат бўлишини ҳақиқий эмас, мажозий ва шартли деб билишган.

Шу моҳиятни назарда тутиб, Навоий ёзади:

Сафҳаи хотирда, эй ориф, керактур ёру бас,
Софийи ваҳдатқа хошоки хавотир қотма кўп.
(«Наводир ун-ниҳоя», 80-ғазал)

Ваҳдат софлиги ишқдаги поклик демак. Ишқ ваҳдат ҳолини қувватлантирганидек, ваҳдат ҳам ҳақиқий ишққа қанот бағишлайди.

Маълумки, сўфий ва мутасаввифлар коинотнинг яратилишини Ишқ билан боғлиқликда шарҳлашган. Чунончи: Аллоҳ «Вужуди мутлақ»-мутлақ гўзаллик, «хайри мутлақ» – мутлақ яхшилик ва ҳиммат соҳиби ҳам Аллоҳдир. Ҳеч қандай макон ва замон пайдо бўлмасдан, ишқ ҳамда жабарут оламида Аллоҳ ёлғизлик(тоқлик) да яшарди. Табиийки, Унга қарайдиган бир кўз, важдга келадиган бир кўнгил керак эди. Чунки гўзалликнинг дастлабки ва асосий бир сифати ўзини намоён айлашдир. Тасаввуф аҳлининг «Ман яширин хазина эдим, кўринишни истадим», ҳадисини худди шу мазмунда изоҳлашлари ўша ишончдан туғилган. Хул-

[1] Имоми Раббоний. Мактубот. I жилд. Истанбул (санасиз). 347-бет.
[2] Абдуқодиров А. Навоий ва ваҳдатул-вужудтаъяимоти.Хўжанд, 1995. 13-бет.

лас, Аллоҳ ўзининг гўзаллигини намоён айлашни хоҳлайди. Хўш, бу тажалли қандай тарзда воқе бўлган экан? Ҳар бир нарса унинг зидди билан аниқ-тиниқ англашилиши аён. Вужуд яъни борлиқнинг зидди йўқлик адам; ҳусн ва гўзалликнинг акси хунуклик ва чиркинлик; хайрнинг тескариси эса шаръ ёмонлик. Аммо буларнинг бирортаси ҳам ҳақиқий бир борлиқ эмас, балки тасаввуфда айтилган бир ваҳм, хаёлий кўлкалардир. Кўриниш, тажалли этмоқ учун улар маълум замон оралиғида юзага чиқишган ҳамда тажалли шакли қуйидагича бўлган: Адам йўқлик, вужуд борлиқ билан қаршилашгач, борлиқ бир ойнада акслангандек, бошқасида бир соя ва хаёл каби кўринади. Ҳам вужуддан, ҳам адамдан улуши бўлган бу хаёлга «вужуди мумкин» дейилганки, «ҳодисалар олами» шудир. Кўз билан кўрадиганимиз «кўлка борлиқ» ҳам худди шу. Навоий дунёқарашининг ўзак нуқтасини ташкил этган ана шу фикр-қараш шўро даври навоийшунослигида бутунлай бошқача талқин қилинган.

Дарвоқе, ваҳдати вужуд таълимотининг ўзига хос мураккаб ва зиддиятли томонлари бўлганки, бундан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Бироқ унинг шубҳа ва эътироз туғдирмайдиган асосий ҳақиқати пайғамбарлар ҳамда уларнинг вориси бўлмиш валиларнинг китоб ва суннатга асосланган мукошафаларининг маҳсули эканлигидир. Ваҳдати вужуд маслагида «бирлик» илм ва ишқдир. Ҳақ ошиғи ҳақиқий борлиқнинг бир тана экани, унинг ҳам Ҳақ ва Ҳақ тажаллиларидан иборатлиги, Аллоҳдан ташқарида ҳеч бир нарсанинг чинакам бир вужуди йўқлигига тўла ишонч ҳосил қилади.

Ваҳдати вужуд маънавий юксалиш, руҳий тажриба билан эришилиши боис қалбнинг маънавий сайри пайтида майдонга келади. Қалбда севги ва ишқ қанот ёзгач, мосиводан у тозаланиб, Ҳақнинг асмо, сифот ва нурларига ойна бўлади. «Оламда яккаю ягона ҳақиқий вужуд Аллоҳдир. Ашё ва коинот Унинг исми, феъл, сифатларининг турли хилдаги тажаллисидан иборат эрур», деган хулосага келинади. Имом Раббонийга кўра, ваҳдати вужуд тушунчаси сакр (маънавий сархушлик) ва муҳаббатнинг зўрлигидан туғилган»[1].

Ваҳдати вужуд таълимотига тўхталганда, уни қабул қилган ва ёқлаганлар қатори унга кескин қарши чиқиб, уни тубдан инкор қилишга уринганлар ҳам кўп бўлганлигини унутмаслик зарур.

Шулардан бири ва энг муросасизи Ибн Таймия эди. Бу маслакни у Исломнинг тавҳид тушунчасига бутунлай тескари деб билди[2]. Ибн Таймияга ниҳоятда таҳликали туюлган жиҳат ваҳдати вужуднинг яхши-ёмон, хайр-шарни ажратишга изн бермаслиги эди. Чиндан ҳам ваҳдати вужудчиликда оламда ёмонлик, чиркинлик, душманлик деган нарсалар йўқ. Зеро, буларнинг барчаси мутлақ вужудга ҳеч алоқасиз, инсоннинг нафсу ҳавосидан пайдо бўладиган бир сояга ўхшаш мавжудликлар, янада аниқроғи, мосиво ва касрат кўлкаларидир.

Ваҳдати шуҳуд назариясининг асосчиси Имоми Раббонийга эса ваҳдати вужуд жуда тор бир йўл бўлиб кўринган. Мактубларидан бирида у ўз давридаги сўфийлардан аксарияти ваҳдати вужудчи бўлганлиги, аммо улардан асосий қисми кашф йўли билан эмас, балки ё тақлид ёхуд қуруқ ўрганиш ёхуд зиндиқлик ва мулҳидлик орқали ушбу тушунчани қабул қилиб, шариатга юзаки муносабатда бўлишганлигини сўзлаган. «Улар (яъни муқаллид ва йўлдан озган сўфийлар И.Ҳ.) бу ҳоллари ила, дейди Имоми Раббоний, ҳар нарсани Ҳақдан кўрарлар, ҳатто ҳар мавжудликни Ҳақ ўрнида тасаввур этарлар. Бу ҳийла ила улар ўзларини Исломдан йироқлаштирмишлар...»[3]

---

[1] Имоми Раббоний. Кўрсатилган асар. 290-бет.
[2] Қаранг: Тиблавий М.С. Ибн Таймияда тасаввуф. Истанбул, 1989. 109 - 112-бетлар.
[3] Имоми Раббоний. Ўша асар, 153-бет.

Исломдан четлаштирадиган ёки мусулмонликнинг зиёнига ишлайдиган ҳар бир ҳаракат ва тушунча ғарблик олим ҳамда ижодкорларнинг аксарияти томонидан қўллаб-қувватланган. Тақлид ё зиндиқлик юзасидан ваҳдати вужуд даъвосида бўлган сўфийларнинг, айниқса, «ҳар мавжудликда Ҳақни кўришлари» пантеизмнинг «ҳар нарса Аллоҳдир», деган ақидасига мувофиқ келарди. Ғарб пантеизмининг асосчиларидан бўлган XVII аср материалисти Спинозанинг қаноати бўйича, Аллоҳ ва олам айни мавжудлик эканлигидан олам агар йўқликка юз тутса, Аллоҳ ҳам йўқолмоғи лозим. Ҳолбуки, мутасаввифлар наздида, олам Ҳақнинг вужудида зоҳир, бироқ ҳар он, ҳар лаҳза янгиланиш ва ўзгаришга учрайдиган фоний, йўқ бўлувчи сувратлардан иборат. Булар Унинг асмо ва сифатларининг мазҳарлари бўлса-да, зот эътибори билан Аллоҳ улардан мустағний эрур. Олам йўқ бўлса ҳам, зотий сифати ила Ҳақ яна боқий қолади.

Энди масаланинг биз учун асосий жойини сўзласак. Шарқнинг энг буюк ижодкорларини пантеист дейиш Овруподан бошланган ва собиқ шўро жумҳуриятларидаги таниқли олим, шоир, ёзувчилар томонидан айтарли бир тарзда такрорланиб, давом эттирилган. Бу ҳолни бизда ҳатто бугун ҳам кузатиш мумкин ва бунга мисол ҳам жуда кўпдир. Шу маънода «Ўзбек тили ва адабиёти» журналида босилган бир мақолага эътиборни қаратмоқчимиз.

Мазкур мақола улкан шарқшунос Е.Э.Бертельснинг бундан ярим аср муқаддам ёзилган бир мақоласи талқинига бағишланган бўлишига қарамай, унда академик Ойбек, хусусан, В.Й.Зоҳидов тадқиқотларига ҳам алоҳида аҳамият берилган. Буюк адибимиз Ойбекнинг «Навоий дунёқараши масаласига доир» номли мақоласини назарда тутиб, муаллиф ёзади: «Ушбу мақолада навоийшуносликда илк маротаба шоир фалсафий қарашларининг асосини пантеизм (таъкид бизники И.Ҳ.) ташкил этади, деган фикр изчил илгари сурилади ва кейинчалик академик В.Й.Зоҳидов томонидан кенг кўламда ривожлантирилади»[1].

Тўғри, Навоийни биринчи бўлиб пантеистлар сафига қўшган устод Ойбек эди ва у юқорида номи айтилган мақоласида Навоийнинг фалсафий фикр-қарашларини Спинозаники билан қиёслаб орадаги ўхшашлик ва фарқларни қайд этгач, пролетар доҳийларидан бирининг таълимотига таяниб шундай хулоса чиқаради: «Ф.Энгельснинг «Идеалистларнинг системалари руҳ ва материянинг қарама-қаршилигини пантеистик равишда келиштиришга тиришиб, борган сари кўпроқ материалистик мазмун билан тўлдирганлар», деган сўзлари Навоийнинг фалсафий позициясига ҳам татбиқ қилиниши мумкин»[2].

Ўшанда шундай дейиш эҳтимол зарур бўлгандир. Балки шунақа хулоса Навоий ва навоийшунослик фойдасига хизмат қилишига ишонилгандир. Нима бўлмасин, Навоий ижодиёти зиёнига Ойбек атайин битта ҳам сўз айтмаган. Лекин адибнинг Навоий «фалсафий қарашларининг асосини пантеизм ташкил этади», деган ҳукми туб моҳиятда умуман тўғри бўлмаган.

Гап ўз-ўзидан В.Зоҳидов тадқиқотларига бориб тақалаётир. Улардан бири ҳақида А. Эшонбобоев мақоласида ўқиймиз: «Мир идей и образов Алишера Навои» китоби 1961 йили нашр этилди ва республикамиз ҳамда собиқ Иттифоқ илмий доиралари томонидан илиқ кутиб олинди. Тожик файласуфи Мусо Ражабов «А. Джами ва таджикская философия XV века» тадқиқотида ўзбек олими монографияси хусусида ижобий фикр билдирган. Шунингдек, озар олимаси Зумрад Гулизода қизи ҳуруфийлик ва Қосим Анворга оид моногра-

[1] Эшонбобоев А. Е.Э.Бертельснинг «Алишер Навоий дунёқарашига доир» мақоласи ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. 2010. №3. 29-бет.
[2] О й б е к. МАТ. ХШ том. Тошкент, 1979. 206-бет.

фияларида кўп ўринларда В.Й.Зоҳидов китобидан иқтибос келтиради ҳамда олимни шоир дунёқарашининг асосий нуқталарини тўғри ёритган, деб ҳисоблайди»[1].

Бу фикр ва маълумотлар ўтган асрнинг саксонинчи йилларида ёзилганда ҳам бошқа гап эди. Чунки Шарқ алломалари ва мумтоз шоирлари ижодиётини марксизм-ленинизм таълимотига таяниб ўрганиш ва баҳолашга ҳали муносабат холис бир изга тушмаганди. Айтмоқчимизки, ягона сиёсий маслакка суяниб, илм-фанни умумий битта мақсадга йўналтирган тадқиқотчиларнинг В.Зоҳидов асарларини қўллаб-қувватлаши ва уларни мақташи ҳам табиий ҳолдир. Масалан, Мусо Ражабов Жалолиддин Румий, Маҳмуд Шабустарий, Абдураҳмон Жомий қатори Алишер Навоийни ҳам улкан пантеист деб баҳолаган экан, бунинг асло ажабланадиган жойи йўқ[2].

Академик В.Зоҳидовнинг тадқиқотларида ўрганса, ибрат олса арзийдиган фазилат ва ўринлар бор. Фақат шуларни аниқ билиб, илмий аҳамиятини холис белгилаб, сўнг гапириш керак.

Қанчалик аччиқ бўлмасин, В.Зоҳидовнинг мақолалари ва Навоий ҳақидаги рус ҳамда ўзбек тилида босилган китобларида улуғ шоир дунёқарашининг бош нуқталари тўғри ёритилмаганини бугун айтиш ва сабабларини очиш лозим. Муҳтарам олимнинг «Нақшбанд пантеизм, идеалистик монизм позициясида турган», «Навоий ўзининг муайян маънодаги реалистик пантеизмини ишга солди, ривожлантирди», «Навоий билан сўфизм орасида, асосан, биргина масалада умумийлик бордир. У ҳам бўлса ваҳдати вужуд пантеизмидир» каби хулосаларини қўллаб-қувватлаш тарихий ва ирфоний ҳақиқатга зиддир.

Ҳеч қанақа хато ё чалғитиш илм-фанда ўз-ўзидан пайдо бўла қолмайди улардан кўпчилигининг «ижодкор»лари, муҳофиз ва баъзан ашаддий тарғиботчилари бўлади. Шунинг учун «асосчи»ни унутиб, давомчиларни танқид қилиш ё айблаш инсофга мувофиқ келмайди.

Аввало, шуни таъкидлаш лозимки, ваҳдати вужуд билан пантеизм орасидаги алоқа хусусида, ҳатто, ислом олимлари қарама-қарши фикр-мулоҳазаларни илгари суришган. Бироқ ваҳдати вужуднинг пантеизмдан бутунлай фарқланишини аниқ далиллар билан исботлаган тадқиқотчилар ҳам бўлган. Шулардан бири «Ваҳдати вужуд ва Ибн Арабий» номли ниҳоятда мазмундор бир китобнинг муаллифи Исмоил Эртуғрулдир.

Аҳмад Авни Қўнуққа кўра эса, ваҳдати вужудни пантеизм билан қориштириш хатосининг сабабкори шарқшунослар бўлган. Шундай шарқшунослар ва уларнинг Туркиядаги издошларига кескин муносабат билдириб, Ҳамдий Ёзар мана нима дейди: «Айрим жоҳил ва мулҳидлар, пантеизм, иттиҳод ва ҳулул назариясини ваҳдати вужуд дея таърифлаб, «Ло илоҳа илло ҳу» дейиш, «Ло мавжуда илло ҳу» демак эканини айтиб, буни «Ҳар мавжуд Удир» мазмунида шарҳлайдилар. Ҳар нарсанинг моворасида Аллоҳни кўриш ўрнида, ҳар мавжудликни Аллоҳ ўлароқ кўришни истарлар...»[3]

Ваҳдати вужуд «фанофиллоҳ» аталмиш ҳолнинг воқе бўлишидан майдонга келган бир «илми шуҳуд» – мушоҳада илми. Пантеистларнинг илми эса жисмоний туйғулар ила суфлий оламдан олган билимларини далил ўрнида қабул айлаб, борлиқнинг бирлигини ҳис қилишдан иборатдир[4].

---

[1] Эшонбобоев А. Кўрсатилган мақола.
[2] Раджабов М. Абдурахман Джами и таджикская философия XV века. Душанбе, 1968. С. 119.
[3] Ҳамдий Ё. Ҳақ дини Қуръон тили. 1-жилд. Истанбул, 1971. 576 - 577-бетлар.
[4] Исмоил Ф.Э. Ваҳдати вужуд ва Ибн Арабий. Истанбул, 1991. 65 - 75-бетлар.

Бас, шундоқ экан, пантеизмни ваҳдати вужуд билан айни ҳодиса, деб баҳолаш қачон ва қайси шарқшунослар томонидан бошланган?

Шуни ҳам инобатга олиш жоизки, пантеистик фикр қарашларнинг у ёки бу унсур, белги ва кўринишлари Чин, Ҳиндистон, Эрон, Юнонистон каби ўлкаларда жуда қадим даврларда-ёқ мавжуд бўлган. Шу маънода олим ва тадқиқотчилар тўрт турли пантеизм бўлганлигини эътироф этишган[1].

Ваҳдати вужуд улардан бирортасига ҳам мувофиқ келмайди. Тасаввуф аҳлининг «тавҳид» таълимоти Қуръони каримдаги «Аласту би-роббикум» «Мен Сизларнинг Раббингиз эмасми», сўровига асосланади. Уларга кўра, инсон ва умуман башариятнинг бутун ҳаёти ана ўша илоҳий аҳдни бажо айлаш ва «азалий ватан»га қайтиш ҳодисасидан иборат. Ваҳднинг охирги босқичи «камол ва ниҳоя» ҳам мана шудир. Бу тўғрида Навоий ғазалларида мароқ билан гапиради:

Мени усрук кўрубон жомим ушатма, эй шайх
Ким, бу янглиғ мени маст этган эрур жоми аласт.

Ёки:

Тонг эмас бўлса Навоий маст то шоми абад
Ким, азал субҳида бўлмиш қисмати жоми аласт.

(«Ғаройиб ус-сиғар», 88-77-ғазаллар)

«Жоми аласт»дан сипқорилган ваҳдат майи ошиқ ё орифни қанчалик маст ва беҳуш айламасин, ваҳдати вужуд таълимотидан баҳс юритишнинг икки йўли бор, деб белгиланган. Биринчиси, фикр ва назар йўли. Иккинчиси, завқ ва шуҳуд йўли. Биринчи йўл кўпчилик мутафаккирга очиқ бўлган. Завқ ва шуҳуд йўли эса фақат ўзига хос усул билан маърифат мартабаларини босиб ўтиб, ўша файзга мазҳар бўла олган зотларга мансубдир. Зеро, ҳар ким ҳам ишкдан ё ошиқ ҳолидан баҳс юритиши мумкин. Бироқ ишқ дарди ва лаззатини ёлғиз чин ошиқларгина кўнгилдан кечириб, теран англашга қодирдир. Шуни ҳам эътироф этиш жоизки, Ғарб тадқиқотчилари орасида кўнгли илоҳий ишқ оловида ёнган шарқлик ошиқ ҳоли ва дард-аламларини тўғри тушуниб, фикр юритган айрим тадқиқотчилар пантеизмдан ваҳдати вужуднинг кескин фарқланишига ҳам диққатни қаратишган. Масалан, инглиз олими Е.Х.Уинфильд 1880 йилда Маҳмуд Шабустарийнинг машҳур «Гулшани роз» асари таржимаси нашрига ёзган сўзбошисида ислом ва христиан мистицизмида ҳам пантеистик тамойиллар мавжудлигига қарамасдан, уларга асло бир нуқтаи назар билан ёндашмаслик зарурлигини ҳам таъкидлаган экан[2]. Румийшунос ўлароқ бутун жаҳонга танилган ва тасаввуфни ҳам чуқур билган Р.Никольсон эса пантеизмнинг ваҳдати вужуд билан тенглаштирилишини кескин инкор қилган[3].

Сал олдинроққа назар ташлаб айтиладиган бўлса, Гегелнинг «Фалсафа тарихи» китобидаги «восточные поэты преимущественно пантеисты, это их обычный способ рассмотрения вещей», деган фикрларидан кейин ҳеч суриштирмай, Шарқ сўфий ва мутасаввиф шоирлари дунёқарашини пантеистик таълимотга нисбат бериш умумий удумга айланган. Бироқ,

[1] Қаранг: Фарид Ком. Ваҳдати вужуд ва пантеизм // «Ибн Арабийда Борлиқ тушунчаси». Истанбул, 1992.19-бет.
[2] Азимов К.А. Азербайджанскиеммслителиочеловеке.Баку, 1986.С. 138.
[3] Қаранг: Никольсон Р.А. Тасаввуфнинг маншаи масаласи. Истанбул, 2004.140-бет.

пантеизм билан ваҳдати вужудни мувофиқлаштириб бўлмаслиги, пантеизмдаги «иттиҳодия» Аллоҳ билан оламнинг қориштирилиши ислом ваҳдати вужудчилари учун ётлиги инобатга олинмаганидек, ваҳдати вужуд диний-руҳоний бир тажриба маҳсули, пантеизм эса назариётчилик эканлиги ҳам назардан четга сурилган.

Шу ўринда «Тасаввуф таълимотини махсус ўрганиб, тасаввуф адабиёти дарғалари ижодиётидан Гегель етарли даражада хабардор бўлганми?», деган табиий бир савол туғилади.

«Калом фалсафаси» билан жуҳуд файласуфи Моисей Маймонид асарлари орқали танишганидек, тасаввуф билан ҳам Гегель ўзи яшаётган замонгача бўлган Ғарб шарқшунослиги эришган натижа ва айрим таржималар воситасида бохабар бўлган, холос. Шунинг учун олмон файласуфининг умуман Шарқ мумтоз шоирлари тўғрисидаги фикри ҳам, Мавлоно Румийни пантеизм томонидан улуғлаши ҳам мустаҳкам ва ишончли асосга эга эмас эди. Чунки Гегелнинг «ҳеч иккиланмай Шарқнинг энг буюк мутасаввифини (Румий назарда тутилаётир И.Ҳ.) пантеист дея баҳолаши шошқалоқликдан бошқа бир нарса эмасди. Бу баҳо ҳар қанча ижобий ва мақтовли кўринмасин, Мавлононинг Аллоҳ ва ваҳдатга доир тушунчасини тўғри ифодалолмайди. Зеро, Аннемария Шиммель тадқиқотларидан ҳам англашилганидек, Румий асло пантеист эмасди»[1].

Пантеистик фалсафага кўра, модда ва руҳ бир-биридан айри ҳамда мустақил бир борлиққа соҳиб бўлмасдан, барча борлиқларнинг ягона сабаби бўлган олий бир жавҳарнинг сифатлари ва кўринишларидир. Бу олий асос, шуур ва эркинликка эга эмас. У зарурий борлиқдир, унинг мажбурийлигини билиши, ҳурриятидир. Демак, у олий асос ёки жавҳар ғайри шахсийдир, яъни шахсиятсиздир. Шунга кўра, Аллоҳнинг оламдан айри ва мустақил бир шахсияти йўқдир. Шу боисдан пантеизм шахсият тушунчаси ва эркинлигини қабул қилмайди[2]. Ҳатто унда Тангрининг ўзига қизиқиши ва эътибори йўқдир. Ваҳдати вужудда эса бунинг тамоман тескариси: Тангрининг шахсияти бор. У ҳамма нарсани кўради, эшитади, билади. Ҳисобга олади...

Бошқа ҳаммаси четга сурилиб, худди мана шу фарқ инобатга олинганда ҳам, Навоийни пантеистлар сафига қўшиб бўлмаслиги кундай равшанлашади.

“УЛ ҚУЁШ ОҚ УЙДАЮ, МЕН...”

Алишер Навоийнинг илм-фан, адабиёт, санъат, маданият гуллаб яшнаган шаҳар муҳитида яшаб, ижод этганлиги ҳаммага маълум. Ўн бешинчи асрдаги қадим Ҳирот қурилиш ва маъмурликда, ободлик ва кўркамликда Навоийнинг илҳомига илҳом қўшадиган даражада гўзал бир шаҳар эди. Буюк шоиримизнинг қайси асарига мурожаат қилманг, унда Ҳирот даҳо фарзандининг она шаҳрига меҳр-муҳаббати, марҳамат ва ҳимматини ҳис этасиз. Ҳирот мавзуи Алишер Навоийни қайта-қайта илҳомлантиришга қодир мавзу эди. Навоий шу шаҳарда истиқомат қилиб, кўп бора хаёлан мозийга саёҳат айлаб, чексиз-чегарасиз дашт ва саҳроларда кун кечирган эски туркий қавм ва элатларнинг ҳаёт тарзи, маданияти, давлатчилик тажрибалари каби масалаларни ҳам мушоҳададан ўтказган. Албатта, мутафаккир шоирнинг кўнгли бундан бирда қувонса, бирда ғам-ғуссага чулғанганки, буни тасаввур қилиш мумкин.

---

[1] Ўзга н С. Мавлоно ва Гете. Истанбул, 2006.47-бет.

[2] Қаранг: Исмоил Ф.Э. Ваҳдати вужуд ва Ибн Арабий. 73 - 90-бетлар; Сунар Ж. Ваҳдати шуҳуд ва ваҳдати вужуд масаласи. Анқара, 1960; Эрда м Ҳ. Пантеизм ва ваҳдати вужуд муқоясаси. Анқара, 1990.

Маълумки, кўчманчилик ҳаёти жуда қадимий бўлганидек, унинг тарихига доир фикр-қарашлар ҳам эскидир. Машҳур ислом муаррихи ва тарих фалсафачиси Ибн Халдунга кўра, одамлар бадавий кўчманчи, ҳазарий маданий деб номланган икки турли жамиятда яшашган. Бадавийларнинг ҳаёти кенг чўлу саҳроларда кечган бўлса, ҳазарийлар давлат ташкилотлари тузиб, обод ва кўркам шаҳарларда истиқомат қилишган. Айрим олимлар зарур даражадаги шарт-шароит бўлмагани боис саҳройилар, жумладан, туркий қавмлар ҳам маданийлашувдан бенасиб қолишган дейишса, бошқа бирлари, хусусан, айрим Оврупо олимлари янада «илгарилаб», кўчманчи халқларни «тарихдан маҳрум», «маданияти турғун» жамият вакиллари сифатида баҳолашган. Ҳолбуки, туркий халқларнинг олис тарихига назар ташланса, наинки ахлоқ, урф-одат, маданият, балки давлат қурилиши ва сиёсатда ҳам улар ўзига хос ибратли натижаларга эришганлиги тўла равшанлашади. Ҳатто ўтмишга мансуб бадиий ижод намуналари кўздан кечирилганда ҳам, ўша тарихдан хабар берувчи сўз, атама, белги ва ишоратларга тез-тез дуч келасиз. Алишер Навоийнинг адабий мероси шу жиҳатдан ҳам тенгсиз бир хазина ёки улкан бир қомус деса, ҳеч муболаға бўлмайди.

Мана, уйсозлик маданиятини олайлик. Туркий уруғлар узоқ замонларда асосан ўтов, чодир, олачуқ деб номланган ва кўчиб яшаш талабларига тўла-тўкис жавоб берадиган уйларда кун ўтказишган.

Бу уйлар фақат ташқи кўриниши, қурилиш ўзига хосликлари билан эмас, дид, маданият, ҳунармандлик нуқтаи назаридан ҳам бошқа халқларнинг диққат-эътиборини жалб эта билган. Улкан қадимшунос олим Баҳоуддин Ўгалга кўра, энг эски Чин манбаларидан бирида хитойлик бир шаҳзоданинг туркийларга мансуб «қирмизи юнг газмоллар билан бурканган қуббали чодир» таърифланган шеъри сақланиб қолган экан. Туркий ҳукмдорлардан баъзилари умрининг кўп қисмини чодирларда ўтказганлиги ҳақида ҳам маълумотлар бор. Шулардан бири Хоразмшоҳ Жалолиддин Мангуберди бўлган. «Ҳодисаларнинг завқи ила Жалолиддин тўхтовсиз ҳаракат ҳолида яшарди. Шунинг учун унинг ҳаёти саройга қараганда кўпроқ чодирда ўтган эди», дейилади бир китобда[1]. Шу чодирларда «хони хос» дейилган катта зиёфат йиғинлари ва ҳар турли мажлислар ўтказилган.

Олима Анвара Ҳаметованинг ёзишича эса, Амир Темур ҳам ўз ҳаётининг катта қисмини чодир ва ўтовларда кечирган: «Айниқса, узоқ давом этган жангларда бутун бошли салтанати, қўшини, бозору ҳаммомлари ва ҳунармандлари билан ана шу ўтовларда кўчиб юрган, маросимлар ўтказган... Мазкур кўчма уйлар ўзига хос тузилиши, нафис дид билан безатилиши, шунингдек, гилам шойилардан ясалган деворлари, йўлаклари, умуман, тайёрланиш техникаси, қопламаю безаклари ва жиҳозланиши билан испан элчиси Клавихони ҳам лол қолдирган эди».

Улкан туркиётчи Л.Н.Гумилёв эса «Қадимги турклар» китобида Хитойнинг улкан шоири Бо Цзюйи ёзган «Мовий ўтов» номли шеърини келтиради. Унда ўқиймиз:

Йиғмишлар минглаб қўйдан жун,
Юзлаб урчуқлар қилибди бутун...

Олимнинг таъкидлаши бўйича, «Хитой шоири тасвирлаган ўтов, бу ўртача таъминланган кўчманчининг яшаш жойидир». «Ипак қопламаларга бурканган», «олтин тусли ва зар

[1] Тонари О. Хоразмшоҳлар.Анқара, 1993.120-бет.

суви югуртирилган» ўтовлар бошқа. Шунингдек, олим ўтовнинг «мовий» дейилишини, бу ранг туркийларнинг рамзи эканлигини таъкидлаш, деб тахмин қилади. Ўша шеърнинг қуйидаги мисралари ўқилса, ўтов хусусидаги тасаввур етарли даражада равшанлашади, деб ўйлаймиз:

Кунчиқарнинг мовий осмони остида,
Йигит ўтов тикди қирчин майса устида...
Қуюн ҳам бузолмас ўтов пинагин,
Йўқдир унда на токча, на бурчак.
Ичи иссиғу, ором олар юрак...
Совуқда қалқон кигиз-девор,
Бўрон ҳам тўпиққа келмас,
Бунда бахши бир четда ўтирар,
Бунда оловда ўйинчи ўйнар...
Ўтовга ҳасад қилур роҳиб ҳам
Қарзга ботган оддий соҳиб ҳам.

«Қўрқут ота китоби»да баён этилишича, хонлар хони Бойинтирхон ҳар йили бир бора катта тўй қилиб, Ўғуз бекларига зиёфат берар экан. Тўйдан аввал у бир ерда қора, бир томонда оқ, яна бир ёқда қизил ўтову чодирлар тиклатиб, ўғли борларни оқ уйга, қизи борларни қизил уйга, фарзандсизларни қора уйга киритиб, дастурхон ёздирар экан. Вақт ўтиши билан бошқа халқлар сингари туркий қавмларнинг ҳам рангларга муносабати ўзгариб, у ёки бу ранг учун белгиланган маъно-мазмунларда ҳам янгиланишлар юзага келган. Аммо оқ ранг учун бунақа ўзгариш ва янгиланиш деярли бўлмаган. Бир замонлар ўзга қавм ва уруғлар устидан ҳукмронликка эришган элга туркийлар оқ ва оқ суяклар дейишган. Зеро, оқ калимаси ҳурлик, мустақиллик ва ҳокимликни тамсил айлаган. «Оқ ўрда» дейилганда хон, подшоҳ саройи, яъни давлат маркази тушунилган. «Оқ уй»нинг маъно-мазмуни эса анча кенг ва хилма-хилдир.

Хон, бек, ҳар турли мансаб соҳиблари, бой-бадавлат кимсалар кун ўтказадиган даргоҳлар ҳам оқ уйлар бўлган. Улар ўзининг кўрки, маҳобати ва яшашга жуда ўнғайлиги билан ажралиб турганлиги учун бўлса керакки, Алишер Навоий оқ уй ҳақида қайта-қайта тўхталиб, ҳам шеърий, ҳам насрий асарларида ҳар турли фикрларини баён қилади. Шоир «Фавойид ул-кибар» девонидаги бир ғазалида (595-ғазал) қиш фаслидан сўз юритиб:

Бу фасл аро хуш эрур оқ уй ичра бода ўти,
Бу ўт ёрурға муғанний оғзиға олмоқ най, -

дейди. Демак, совуқ қиш кунларида оқ уйда ўтириш вужудга қанча роҳат ва ҳузур бағишласа, унда ўтказилган йиғин ва гурунгларда ичилган май, тингланган куй-қўшиқлардан дил янада ортиқроқ шавқланиб кетади.

«Муншаот»даги мактублардан бирида битилган қуйидаги мулоҳазалар оқ уй, наинки қувонч ва шодлик фурсатларида, балки ғам-андуҳли дамларда ҳам инсонга бир тасалли, тамкинлик берадиган маскан бўлганлигини хаёлдан ўтказишга ундайди: «Ул қатор теваким, ҳижрон кунида ашким қаторидан намуна бўлғай ва ул оқ уйким, фироқ айёмида сиришким селоблари ҳубобидин нишона бўла олғай етти. Ул бири раҳмат малойикидин ашраф (раҳ-

мат фаришталарига қараганда ҳам шарофатли), бу бири саодат сипеҳридин арфаъ (яъни оқ ўтов саодат осмонидан ҳам кўра юксак) кўринди:

То фалак бухтилари тузгай қатор,
То тўлин ой оқ уй этгай ошкор.
Сарбонингға ул ўлсин боркаш,
Бу бири фирошингга хиргоҳваш».

Оқ уйга Навоийнинг қизиқиши ва эътибори каби уни қайта-қайта эслатиши ҳам асосли эди. Оқ уйни халқ яратувчилик маданияти ва санъатининг ўзига хос намунаси ўлароқ қабул қилмаганида, «Муҳокамат ул-луғатайн» китобида, эҳтимолки, у мана бундай деб ёзмасди: «Бир мутааййин нимаким оқ уйдур, анга хиргоҳ от қўйуптурлар. Аммо ани ажзосини кўпини турк тили билан айтурлар. Андоққи, тунглук ва узук ва тўвурлуғ ва басруғ ва чиғ ва қанот ва кўзанак ва уғ ва боғиш ва бўсаға ва эркина ва ало ҳазал-қиёс».

Филология фанлари доктори, тилшунос Э.Умаров ушбу сўзларга асосланиб, «биринчидан, Навоий оқ уй ва унинг қисмларини яхши билибгина қолмай, унда яшаган», иккинчидан, «уни қуриш ва тиклаш» ишларида бевосита иштирок этган»[1], дея тахмин қилади. Бўлиши мумкин. Аммо шоир хотирасида оқ уй ишқ-муҳаббат уйи, малаксиймо маъшуқа яшайдиган бир беқиёс даргоҳ мақомига кўтарилгани шубҳасиздирки, бунинг нодир далили «Наводир уш-шабоб»даги 591-ғазалдир. У шундай байт билан бошланади:

Ул қуёш оқ уйдаю, мен музтарибмен ҳар сари,
Ўйлаким, фонусдин парвона қолғай ташқари.

«Ул қуёш» ҳусни малоҳатда тенгсиз ёр. Оқ уй атрофида изтироб туфайли чарх уриб айланаётган кимса жафокаш ошиқ. Унинг ҳоли ичкари киролмай ташқарида, яъни фонусдан узоқда қолган парвонага ўхшайди. Айнан парвона бунда бежиз тилга олинаётгани йўқ. Чунки нур ва оловга ошиқ парвона ўзини ўтга уриб, кулга айланганидек, шўрлик ошиқ ҳам оқуй ичида бепарво ўтирган дилбарга жонини қурбон этмоқчи:

Садқаси бўлмоқ эрур мақсуд мен саргаштаға,
Оқ уйи давриға буким айланурмен ҳар сари.

Оқ уй атрофида айланаверишдан ҳеч натижа чиқмайди. Унга кириш имконини ўйлаш керак. Аммо имкон йўқ. Ҳатто оқ уйнинг туйнуги ҳам тувурлуғ кигиз парда билан ёпилган. Фақат «сабо фарроши»гина уни очиши мумкин:

Ичкари ул гул тувурлуғни кўтармаслар, нетай
Эй сабо фарроши, бир лутф айлабон ул ён дари.

Ошиқнинг қаноати бўйича, «тувурлуғ» кўтарилса, «чиғ»дан ўзни ичкари олиш осонлашади:

[1] Умаров Э. Алишер Навоий асарларида «оқуй» атамаси//Ўзбектили ва адабиёти. 2005. №1. 31 - 32-бетлар.

Парда кетгач, мен заифи зорға осон эрур,
Йўлларидан чиғнинг солмоқ ўзумни ичкари.

Шамъ ёнганда хонадаги барча нарса равшан кўрингани сингари хиргоҳ ҳам ёр жамолининг нуридан мунаввардир. Ана шу «маҳи хиргаҳнишин» муҳофазаси учун қараганинг орасидан кўзанаклар (тешиклар) эмас, балки ошиқнинг кўзлари термулиб турибди:

Эй Навоий, ул маҳи хиргаҳнишин ҳифзи учун,
Кўзанак эрмаски, ҳар сари тикилмиш кўзлари.

Ўзга бир ғазалда эса ёрнинг ажиб киприкларидан кўнгулда оқ уй бино қилиш орзуси таъкидланган:

Кўнгулда ўқларидин оқ уй айласам, не ажаб
Ки, кўнглум ичра ватан қилди моҳи хиргоҳи.

У ёки бу воқеа-ҳодиса тасвирланганда, бир кун улар кўпроқ тарихий хотира «мулки» сифатида эсланишини ҳеч бир шоир ё ёзувчи ўйлаб ўтирмайди. Бироқ замонга вақт таъсири ва ҳукмини ўтказганидек, давр ва замон ҳам мозий сарҳадларидан ортда қолган нарсаларни олдинга қараб судрамайди. Бевосита инсон ва миллат қисматига боғлиқ тарих эса қай бир даражада бўлмасин, авлодларда қизиқиш уйғотади. Акс ҳолда ўтмиш билан келажак, аждодлар билан авлодлар орасидаги ахлоқий, маданий, маънавий алоқаларда узвийлик, вобасталик бўлмас, ҳар авлод ўзи билганича яшаб, боши адашиш ва таназзулдан чиқмасди.

«Энг эски даврлардан, яъни инсон фарзанди озиқ-овқатини таъминлаш учун заминга боғлангандан буён кўчманчилик ва ўтроқлашув ўзаро юзлашиб келган. Кўп нарса уларни ўзаро ажратиб, бир-бирларини камситишга ҳам сабаб бўлган»[1]. Туркийларнинг ўтроқлашиши ва шаҳар маданиятига ўтишлари осон кечмаган. Лекин уларнинг кўчманчилик даврларидаги маданий ҳаётларида ҳавас қилса арзигулик, эсласа кўз-кўз қилгулик нарсалари ҳам кам бўлмаган. Навоий таърифлаб, тасвирларини чизган оқ уй худди шулардан биттаси эди. Эҳтимол, шу боисдан ҳам ўтов, чодир, хиргоҳ аталмиш ўша уйларнинг умри жуда узоққа чўзилгандир.

ТАМАЛСИЗ ТАЛҚИН ҒАЛАТДИР

Бу дунёда айтарли ҳамма мавжудлик ўзгаради. Ўзгариш бу ё янгилик ёки эскириш демак. Аммо бунда бир жиҳатни, албатта, эътиборда тутмоқ зарур: ҳамма «эски» аҳамиятсиз бўлмагани сингари, барча «янги» ҳам фойдали бўлавермайди. Айниқса, илм-фан ва ижод оламида бунақа ҳодисага тез-тез дуч келинган. Масалан, узоқ ва яқин ўтмишда тил, тарих, фалсафа, адабиёт мавзуида ёзилган айрим китобларни ўқинг: факт ва далил дейсизми, маълумот ва мулоҳаза дейсизми, ҳаммаси тўлиб-тошиб кетган. Ҳатто айрим муаллифлар ҳақида «Бу зот оёқли кутубхона эмасми?», деган хаёлга ҳам борасиз. Кўп нарсани билиш,

[1] Жан -Паул Роукс. Ўрта Осиё:тарих ва маданият. Истанбуя, 2006.37-бет.

маълумот жамлаш, албатта, яхши. Лекин англаш бўлмаса, ўзига хос мушоҳадага етиб борилмаса, қолганлари умри қисқа янгиликларга қўшилиб-қоришиб кетаверади.

Дарвоқе, хорижий ўлкалардаги тажриба, қўлга киритилган ютуқлардан илмда хоҳлаганча фойдаланиб, исталган қадар уларга таяниш мумкин. Фақат бу ишда ҳам юзакилик, аллақандай қолипсозлик бўлмаслиги керак. Тўғри, тафаккур, руҳ, қалб, эрк, ҳақиқат, фано ва бақо каби умуминсоний тушунчалар эътиборга олинса, дунёдаги барча адабиёт яхлит битта адабиёт, дейиш жоиз бўлади. Бироқ ирқ, миллат, дин, эътиқод, дунёқараш, яшаш шарт-шароитлари ва бошқаларда жиддий ё жузъий тафовутлар мавжуд экан, адабиётда ҳам катта ё кичик фарқланишлар бўлиши муқаррар. Шунинг учун Данте, Шекспир, Гёте, Пушкин ёки Толстой санъатхонаси эшигини ҳеч қайси бир Шарқ шоирининг ижод «калити» билан очиб бўлмагани каби мумтоз адабиётимиз намуналарини тадқиқ қилишда Ғарб адабиётшунослиги тажриба ва тушунчалари ҳам мувофиқ тушавермайди. Боз устига, шўро замонида ўзбек адабиётшунослигида илдизланган тақлидий тадқиқотчилик классик матн таҳлилида ғайриилмий фикр-мулоҳазаларнинг кўпайиб боришига сабаб бўлганини ҳам эсдан чиқармаслик лозим. Зеро, хатодан тўғри хулоса чиқариш галдаги хато ва нуқсондан сақланишнинг синалган бир чорасидир. Бизда эса эски камчилик ва чалғишларни хотирлатадиган аҳвол, бот-бот бўлса ҳамки, кўзга ташланаётир. Янада аниқроқ қилиб айтганда, таҳлил ва талқинларда четдан ўзлаштирилган назарий фикр ва ақидаларни зўрма-зўраки тарзда мувофиқлаштиришга уринилмоқда. Тадқиқотчи Аъзам Қозихўжанинг «Мулоқот мақоми» («Шарқ юлдузи», 2010. 1-сон) номли мақоласи шу гапнинг бир далилидир. Таъкидлаш жоизки, уни ўқий бошлаган оддий ўқувчи ҳам муаллифнинг Навоий ижодиёти ва шахсияти борасида кутилмаган фикр айтишга бел боғлаганини осон пайқайди. Навоийшунослик учун янгилик ҳаракати бугун жуда керак. Бундан ташқари, ўртага ташланаётган фикр-мулоҳаза ҳаммага маъқул келиши ҳам шарт эмас. Мавзу моҳияти тўғри аниқланиб, мушоҳадада илмийликка суянилса бас. Тахмин ва уйдирма ўз-ўзидан четга сурилади. «Мулоқот мақоми»да худди шу ҳақиқат унутилган, дейиш мумкин. Аввало, унда тилга олинган «катта замондаги диалог» масаласига тўхталсак. Ўтмишда ҳам, кейин ҳам бизнинг ижодкорларимизда «катта замон», деган тушунча бўлмаган. Шу нуқтаи назардан қараганда, рус олими Бахтин ихтиро қилган бир назарияни Навоий шеъриятига қўллаш камида ғалати кўринади. А.Қозихўжа ҳукмига кўра эса, «Навоий ижоди йигирманчи асрда Бахтин томонидан кашф этилган катта замондаги диалог, тиллар аро мулоқот назарияларига мос келади». Майли, шундоқ бўлган ва бўлсин ҳам дейлик. Аммо на Навоий, на унинг салафлари осмонда яшаб, само кезиб қалам тебратмаган-ку! Уларда ҳам вақт, замон, макон туйғуси бўлган. Улар ҳам замон ва маконга доир илмий-назарий, диний-ирфоний қарашларга суянишган. Дастлаб ана шулар тўғрисида фикр юритилиб, сўнгра тасаввуф заминида юзага чиққан ва бадиий ижоддан ҳам кенг ўрин эгаллаган «вақт», «дам», «они доим» назарияси моҳиятига диққат қилинганда ёки нақшбандийликнинг асосий қоидаларидан ҳисобланмиш «Ҳуш дар дам», «Вуқуфи замоний» иборалари мазмуни билан қизиқилганида, Навоийни «катта замон диалог»чисига айлантиришнинг кераксизлиги шундоқ билинарди-қоларди. Бу масаланинг бир томони. Унинг иккинчи асосий жиҳати ҳам бор. Хўш, «катта замон», «катта замондаги диалог»нинг ўзи нима? Достоевский асарларига таяниб, Бахтин уларни қанақа ғоявий-бадиий миқёсда шарҳлаган? Мақолада ана шу саволга қаноатланарли бир жавоб қайтарилганда эди, Навоий ижодиётига дахлдор умумий мулоҳаза ва салладор калималар ўрнини эҳтимолки бошқа сўзлар, ишонарли иборалар эгаллар эди.

Бахтиндан кейин атоқли олим Е.Э.Бертельсга ўтгач, унинг навоийшуносликдаги хизматларини яхши баҳолаб, «Навоий ва Аттор» мақоласидаги «бир нуқта»га муаллиф анча кенг тўхталади. Бир нарсани мен унча тушунмайман: Навоий даври ва ундан кейинги асрларга мансуб илмий ёхуд бадиий бирор асарда «Навоий сўфий эди. Сўфийликда мана бундай ҳолат ва фазилатлар билан донг таратганди», деган бир гап ёзиб қолдирилмаган. Албатта, Навоий тасаввуфнинг улкан муҳиби бўлган, тариқат тарбиясига умид билан қараган, ҳақиқий сўфий, дарвеш, фақирларни қадрлаган. Ирфоний маслак зиёси, орифона завқ-шавқ, илоҳий ишқ гўзаллиги мутафаккир шоир шеъриятининг таркиб-таркибига сингиб кетган. Сўфийлик ва Навоий ижодиёти мавзусида такрор-такрор сўзлаш мумкин. Аммо сўфийлик тарихи ва тажрибасини бутун мураккабликлари билан билган сайин Навоийни сўфийлар сафига қўшиб бўлмаслиги кундай равшанлашади. Айниқса, шоир яшаб, ижод этган даврга келиб сўфийларга ишонч кескин пасайган ва уларнинг қаллоблиги, жаҳолати, илм-фан, маданият тараққиётига зарар етказаётган тушунчаларини фош айловчи кўплаб танқидий асарлар ёзилган. Шундай асарлардан бири Аҳмад бин Ҳасан Зайниддин қаламига мансуб бўлиб, китобининг муқаддимасида у сўфийларнинг шариатни менсимай қўйишгани, илмни фойдасиз бир амал, деб тушунтиришганини таъкидлаб, ўз замонидаги аксарият сўфийлар «ҳайвон ва ҳашаротга ўхшаб қолган»ликларини ёзади. Абулҳай Кошоний эса кўпдан-кўп сўфийларнинг қалби ишқ ва ирфон билан эмас, балки жаҳолат, гумроҳлик билан тўлганлиги, хусусан, уларнинг халққа таъсир ўтказиш мақсадидаги кароматфурушликлари ҳинд кофирларининикидан ҳам ёмонлигини баён этади. Султон Ҳусайн Бойқарога салтанат тожини кийдириш маросими ўтказиларкан, аллома Муҳаммад Боқир Мажлисий ундан барча сўфийларни Исфаҳондан ҳайдаб чиқаришни ўтиниб сўраган экан.

Сўфийлар танқиди алоҳида бир тарих. Уни махсус ўрганмай, мамлакат ва миллат ўтмишида сўфийликдан етган фойда, зиён ва зарар нималардан иборатлигини ҳар жиҳатдан аниқ билмай туриб, сўфийпарастликка берилиш маҳдудлик баробарида хавфли ҳаракат ҳамдир. Ҳар бир тарихий ҳодиса қандай бўлган бўлса, ўша ҳолда, ўша моҳиятда ўрганилиб, тўғри баҳоланмас экан, чала ҳақиқат урчийверади. Чала ҳақиқатнинг оқибати эса аён. Шу маънода Бертельснинг билағонлиги ва донишмандлигига тан бермасдан илож йўқ. Сирт-дан жўн ва фарқсиздай кўринадиган муаммони у тўғри ҳал қилиб берган. А.Қозихўжа буни тушуниб-тушунмасдан, олимнинг «Навоий сўфий эмас, мутасаввиф» деган фикрини инкор айлашга киришиб кетади. Унингча, «сўфий билан мутасаввиф сўзлари айрича маъно» касб этмайди. Нима учун? У ёзади: «Бу сўзлар (яъни сўфий ва мутасаввиф И.Ҳ.) истилоҳда ажратиб ишлатилган дейилса, жавобимиз шуки, тасаввуфга оид мўътабар манбаларнинг бирортасида ҳам тасаввуф аҳли сўфий билан мутасаввифни ажратмаганлар. Моҳиятан бир нарса ҳақида сўзлаётган икки сўз хусусида қасддан маъно қидирмаганлар. Бу сўзлар муқобил сифатида ўрин алмашиб келаверган».

«Тасаввуфга оид мўътабар манбалар»га тегишли таъкид қанча ажаблантирган бўлса, қуйидаги гаплар мени ўшанча ҳайрон қолдирди: «Тасаввуф ва мутасаввифлар тўғрисида кўплаб мақолалар эълон қилган Иброҳим Ҳаққул ҳам сўфий ва мутасаввиф сўзларини бир хил маънода қўллайди». Қачон ва қайси жойда, буни аниқ айтиш ва кўрсатиш керак эди. Ҳолбуки, ҳеч пайт сўфий билан мутасаввифни Иброҳим Ҳаққул айни мазмунда ишлатмаган. Чунки орадаги фарқ турли китобларда изоҳланганлигидан у хабардор бўлган.

А.Қозихўжа фикри бўйича эса, «Сўфий ва мутасаввиф сўзини ажратиб кўрсатган биргина манба маълум. У Бобурнинг «Бобурнома» асари...» Йўқ, асло бундай эмас.

Маълумки, Абдулкарим Қушайрийнинг «Рисолаи Қушайрий», Ҳужвирийнинг «Кашф ул-маҳжуб» асарлари тасаввуфга бағишланган эски ва энг қимматли манбалардандир. Қушайрийнинг шарҳлашича, мутасаввифлар зуҳҳод ва уббод (зоҳидлар ва обидлар)дан сўнг майдонга чиққан тоифадирлар. Улар Аллоҳга суяниб, ўзларини жаҳолат, ғафлат мусибатларидан сақлашга уринганликлари учун мутасаввиф номини олишган. «Бу гуруҳнинг (мутассавифларнинг дейилмоқчи И.Ҳ.) буюклари, дейди Қушайрий, -ҳижрий икки юзинчи йилдан аввал ушбу ном билан шуҳрат қозонишган». Ҳужвирийнинг таърифу тавсифи янада аниқ ва конкретроқдир. Унингча, «сўфий вусул соҳиби». Илоҳий ишққа ғарқ бўлганлиги боис, у Аллоҳдан ғайри барча нарсалардан йироқдир. Мутасаввиф эса «усул соҳиби». У ўзини қийнаб, азият чекиб, нафсни тозалаш орқали софликка етишишни зиммасига олган киши. Булар орасида яна бир тоифа кимсалар пайдо бўлганки, «фузул соҳиби», яъни кераксиз ишлар билан шуғулланувчи кимсалар, деб қаралган бундай зотларга мустасуф номи берилган. Сўфийликдан ҳам, мутасаввифликдан ҳам хабарсиз бундай кишиларда мол ва мартабага эришиш, дунё манфаатларига кўз тикишдан ўзга бир қайғу бўлмаган.

Алишер Навоий тасаввуфга доир мўътабар манбалар, жумладан, Қушайрий, Ҳужвирий, Суҳравардий китобларидан ҳам яхши хабардор эди. Сўфийнинг бош мақсад ва матлаби нима, мутасаввифнинг «усул»и орқали қандай ботиний муаммолар ҳал қилинган, улуғ шоир буларни мукаммал англаган. Е.Э.Бертельс, «Навои воспринял всю моральную сторону суфизма, поставил перед собой в виде идеала его конечнью цели, но не порвал с той средой, в которую его забросила судьба. Он бьш восторженным поклонником суфизма, суфием в душе, знатоком этого учения, но суфием-практиком он не стал» (Суфизм и суфийская литература. М„ 1965. С. 418), деганда «ҳақиқий воқеликни бузиб» эмас, аслида қандай бўлса, худди шундай ёритган. Бу фикрни тасдиқлайдиган, Қозихўжа томонидан, афсуски, ҳатто тилга олинмаган яна бир далилга диққатни қаратсак. Модомики, илм-фан фикрий вобасталик, мантиқий изчиллик йўли экан, сени қизиқтирган мавзуда олдин ўртага ташланган фикр ва хулосалардан кўз юммаслик шартига ҳам риоя қилиш керак бўлади. Бундан анча йиллар муқаддам фалсафа фанлари доктори, навоийшунос Малик Орипов «Шарқ юлдузи»журналида Е.Э.Бертельсни қўллаб, «Навоий сўфийми ёки мутасаввифми?» деган мақола чиқарганди. «Ғойиблар хайлидан ёнган чироқлар» номли тўплам (Тошкент, 1994)га киритилган мазкур мақолани, «сўфий» билан «мутасаввиф» орасида фарқ борлиги кўрсатилганлиги учун ҳам, академик Алибек Рустамов қайта нашрга лойиқ, дейди (Ўша китоб, 217-бет).

«Навоий сўфийми ёки мутасаввифми?», деган сўроққа ишончли жавоб бериш учун М.Орипов шўро сиёсати ва мафкурасига алоқаси йўқ, дунё танийдиган тасаввуфшуносларнинг асарларига ҳам мурожаат қилади. Мақолада ёзилишича, «Адабиётшунос олим Муҳаммад Фуод Кўпрулизода «Турк адабиётида илк мутасаввифлар» номли китобида мутасаввиф шоирларни, жумладан, Алишер Навоийни ҳам сўфий шоирлардан ажратиб қарайди. «Ислом Қомуси»да «Алишер Навоий» ва «Чиғатой адабиёти» мақолаларида Навоий сўфий эмас, мутасаввиф эди, деб алоҳида таъкидланади» (Кўрсатилган китоб, 221-бет). Турк олими М.Ф.Кўпрулизодани ҳам Ғарб шарқшунослари сафига қўшиб, «сиёсат парракчаси», деб бўладими?..

Буюк аллома Абубакр Муҳаммад бин Исҳоқ Калободийнинг ёзишича, «сўфийлар ватанларини тарк айлаганликлари учун «Ғурабо» (ғариблар), юртма-юрт, диёрма-диёр кезганликлари боис «Сайёҳин» (сайёҳлар), саҳроларда юриб, зарурат чоғида мағораларда яшаганликлари туфайли айрим мамлакат аҳолиси томонидан «Шикафтийя» дея номланган» экан. Яна бир жойда уларга «Сўъийя» (очлар) дейилса, бошқа бир томонда «Фуқаро» (фақирлар) дейилган.

Ҳамма нарсадан юз ўгириб, Навоий қачон ватанни тарк қилган? Қачон хирқа кийиб юртма-юрт кезган? Дашту саҳроларда толиқиб, қайси сўфийлар билан мағораларда ҳамнафас яшаган?..

Тасаввуф – бугун биз учун яшалмаган ҳол, амалиёт билан бевосита боғланмаган илм, ранжу риёзатдан йироқ бир хотира тажрибасидир. Сўфийлик ва сўфий тўғрисида илҳомланиб сўзлашларимизнинг яна бир сабаби нафс, руҳ сир-асрорини зарур даражада билмаганлигимиздир. Сўфий оламга қараб чопмайди, Навоий сўзлари билан айтганда, оламдан қочади. Унинг гўзаллик, шодлик ва саодат ахтарган дунёси ботини. Илми ҳол илми. Ибн Халдуннинг таърифлашича, сўфийлик дунёни тарк айлаб, Аллоҳга йўналиш ва халқу халойиқни қизиқтирган нарсалардан бутунлай йироқлашишдир. Бир кун, бир ҳафта ўзимизни шу аҳволда тасаввур қилиб кўрайлик, куч ва рағбатимиз қани нимага етади? Бас шундоқ экан, ўзи бошдан кечирмаган, аччиғу ширинини тотмаган, ибтидою интиҳосидан мутлақо бехабар ҳолда зиддиятли, қийноқли бир жараённи кўкларга кўтаришнинг қандай аҳамияти бор? Ҳамма бир овоздан Навоийни сўфий, дея эътироф этди дейлик Навоийнинг шахсида, ижодида ҳанузгача яширин ётган нима очилиб, фавқулодда ёришиб кетади? Чалғиш, чекланиш, тарихий ҳақиқатни бузишдан ўзга ҳеч нима.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси,
2009 йил, 6 февраль.

МАЪНО ВА ТАФАККУР ЗИЁСИ

Сўз онингдурурким, талабгоридур,
Анингдур гуҳарким, харидоридур.
Алишер Навоий

Маълумки, Шарқ мумтоз адабиёти дин билан ислом заминида дунёга келган тасаввуф таълимоти билан мустаҳкам ва узвий алоқадорликда тараққий топган. Бу адабиёт дин ва тасаввуф заминидан ажратилса, наинки адабиётлик хусусияти ва фазилатлари, балки умумминсоний мазмун-моҳиятидан ҳам тубдан йироқлашади.

Буюк озар санъаткори Ҳусайн Жовид XX аср авлодини «мустабид авлод», деб атаган эди. Унингча, ушбу асрда ақл кашф этган қонун-қоидалар башариятнинг маънавий-руҳий ҳаётига фараҳ ва севинч олиб кела олмаган. Жамият яратган қонун-қоида, урф-одатлар инсониятни маҳкумият ва тобеликнинг оғир, эзувчан тазйиқидан, қалбни танҳолик азобидан қутқаришга қодир эмасди. Дарҳақиқат, башарият ҳаётда бош кўтарган ёмонлик, разолат ва зиддиятлардан қутулиш учун маълум бир зайлда хаёлга тутқун бўлганди. Охири кўринмас турғунлик олами, совуқ ва аччиқ ҳақиқатларни унутиш, ёддан чиқариш учун тахайюл яккаю ягона тасалли воситасига айланиб қолганди. Шу тарзда воқеликка ёндашув эса ўзўзидан фақат алданиш, кўникишга йўл очарди. Аммо аксарият кишилар бу фожианинг туб сабабини мушоҳада этолмасди. Чунки ўшанда ярим илмий, ярим мафкуравий бир хомхаёлга дўнган «келажак» тушунчасидан диний моҳият четлатилганди. Бу энди инсон тақдиридаги бағоят машъум бир бўшлиқ эди. Турк шоири Тавфиқ Фикрат «Инонмоқ эҳтиёжи» шеърида айнан шу кулфатдан баҳс юритиб, шундай деганди:

Бари бўшлиқ: замин бўш, осмон бўш, қалбу виждон бўш..
Бу ёлғизлик, бу бир ғурбатки, ўхшар ғурбати қабрга;
Инонмоқ... Шу бир оғуши руҳоний бу ғурбатда...

Дин туйғусини бой берган шоир ерни ҳам, самони ҳам, қалб ва виждонни ҳам бўм-бўш кўради ва шу бўшлиқ бағрида ўзини ёлғиз ҳис айлайди. Ахир, ичида яшаётган оламда инсонга маъни бағишлаб, уни муқаддас маъноларга илҳомлантирадиган, энг аввало, Тангридир. Диний моҳиятдан ажралган коинот, Фикрат ҳаққоний таъкидлаганидек, «касофатдан иборат бир модда олами» шаклига киради. Натижада, инсон олий ҳақиқатнинг бир зарраси ни ҳам кўролмайди. Дин ва диёнат йўлига нечоғлик тўсиқ қўйилмасин, мумтоз адабиётимиз халқимизни маънавий-ахлоқий бало-қазолардан асраб-авайлашга яқиндан ёрдам берганди. Чунки унда дин, Ҳақ ишқи ва ирфон барқарор, демакки, барҳаёт эди. Ҳар қанча нотўғри талқин қилиб, ёлғонлар тўқилмасин, айтайлик, Навоийни улуғ Нақшбанд шахсияти ва нақшбандлик маърифатидан ажратиш мумкин эмасди. Навоий фикр-қарашларининг фавқулодда баланд мақомга юксалишига асосий бир сабаб ҳам ана шу. Навоийда шундай бир байт бор:

Эр эсанг мақсуди асли кўзлагил,
Ҳар неким сўзларсен ондин сўзлагил.

Дарҳақиқат, бу дунёда нима қийин асл мақсадни аниқлаш ва англаш қийин. Чиндан ҳам бунинг учун маърифат ва тафаккур паҳлавони бўлиш керак. Ана шунда одам ўзидан бошқа бир нимани эмас, одамликни талаб қила бошлайди. Худди шу маънода Навоий бобомиз айтган қуйидаги фикр ҳеч эскирмайдиган дурдона фикр:

Нетарсен тилаб ҳар ажойибқа йўл,
Ажойиб эрур сенда, огоҳ бўл!

Лекин инсонни зоҳирий гўзаллик барибир кўпроқ қизиқтириб, ботиндаги ажойиботларни кашф қилишга нисбатан ташқи дунё гўзалликлари уни ортиқроқ сеҳрлаган. Инсониятнинг фикр ҳаётидаги адашиш, хато ва нуқсонларнинг узлуксиз такрорланишига бир сабаб ҳам эҳтимол мана шудир. Башарият оламни билишда нақадар илгарилаган бўлмасин, ўзини англашда, айтайлик, асрдан асрга илдамлаб кетгани йўқ. Мағораларда топилган расмларни кўрган буюк мусаввир Пикассо «олис замонларга қараганда, бугун биз жуда илгарилаганмиз деб айтолмаймиз», деган. Чунки инсон санъат усуллари ёки техникаси билан эмас, руҳи билан чинакам санъат яратади. Санъаткорлик инсоннинг ўзидаги бир имкониятдир. Одамийлик «санъати» ҳам шундай. Асосий муаммо ичкарида ҳал этилмаса, зоҳирий ва зоҳирдан ўтказилган энг ижобий, энг кучли таъсирлар ҳам инсонни ғафлат домидан қутқазолмайди. Шунинг учун Навоий ғафлат ичида хуш кўринганни яхши деб, огоҳлик мақомига юксалгач, сўнгра пушаймон ема дейди:

Ғафлат аро хуш кўрубон хуш дема,
Воқиф ўлуб, сўнгра пушаймон ема.

Зеро, нафс ва руҳ йўли бир бўлмагани сингари, ҳақ ва халқ йўли ҳам тўла монанд эмас:

Сен агарчи бир улусқа шоҳсен,
Тенгри йўлунда вале гумроҳсен.

Нақл қилинишича, олимлик иддаосида юрган бир кимса бир дарвешдан «Нима учун кўк хирқа кийиб юрибсен?», деб сўрабди. Дарвеш унга жавоб берибди: «Пайғамбардан уч нарса мерос қолди. Бири фақр (Аллоҳга маънавий муҳтожлик И.Ҳ.), иккинчиси илм ва учинчиси қилич. Қилич султонларнинг қўлига ўтди, лекин уни улар ўз ўрнида ишлата олмадилар... Уламо илм эгаллади, бироқ илмга амал қилолмадилар. Фақир ва дарвешлар фақрни танлашди. Аммо уни бой бўлиш воситасига айлантирдилар. Мана шу уч тоифанинг бошига тушган мусибат учун мен кўк либос кийиб юрибман».

Агар ўша дарвешдан шеър ва шоирлик хусусида сўрашганда, «Шеър-ку, пайғамбардан мерос қолмаган, лекин шоирларнинг ҳоли ҳаммасидан ҳам баттар», дейишини тахмин қилса бўлади. Чунки азбаройи манфаат ва шуҳратпарастлик туфайли қофия «бозори»ни қизитиб юборган, шахсияти паст қаламкашлар сони даврлар кечган сайин кўпайиб борган. Румий, Жомий, Навоий, Фузулий каби буюк санъаткорлар шеъриятни сохтакорлик, назирабозлик ва ўғрилик офатларидан муҳофаза этишга ҳар қанча уринишмасин, кўзланган натижага умуман яқин ҳам келинмаган. Ёлғончи, мадҳиябоз шоирлар оддий одамларни

шунчалик бездиришганки, шеър бу макр, ҳийла, хушомад ва каззоблик тимсоли, деган қарашлар ҳам пайдо бўлган.

Масалан, туш таъбирига бағишланган эски китобларда, инсон тушида шеър ўқиса, ёлғон бир ишга шоҳидлик беради, агар шеър ёдласа, диний ҳаётдаги ноқислик ва мартабадан ажралишга далолат эрур; кимнингдир шаънига мадҳия тўқилса, ўша одам бойлигидан ажралиб қашшоқлашади, дея таъбир этилган экан. Бундай фикр-қарашларга уйқу ва туш сирларидан кўра ташқи воқелик, янада аниқроғи, шеъриятда ёлғон ва риёкорликнинг авж олиб кетиши сабаб бўлган.

«Шоир ким? Шеър нима?», деган савол Шарқ адабиёти тарихида жуда кўп маротаба ўртага қўйилган. Айниқса, «маъно» атрофидаги баҳсу мунозаралар охир-оқибатда «шеър» ва «назм» бир-биридан айри нарсалар, деган хулосага олиб келган. Бинобарин, бошқалар томонидан идрок қилинмаган маъно тераниликларини ҳис айлаб, шуларни янгича шаклларда ифодалай билган кашфи очиқ киши шоир, акс ҳолда, вазн ва қофияли сўз сўзласа ҳам, у «нозим»дир дейилган. Шеър калимасининг луғавий маъноси шуур айлаш, фаҳмлаш, ҳис этиш, сезги ила билиш мазмунларини англатгани учун ҳам шеър билан шуур орасида бевосита алоқа мавжудлиги таъкидланган. Алишер Навоий шу боисдан маънига асосланган завқни, шуурни янгиловчи моҳиятни шеърда биринчи ўринга қўяди:

Назмда ҳам асл анга маъни дурур,
Бўлсун анинг сурати ҳарне дурур.
Назмки, маъни анга марғуб эмас,
Аҳли маоний қошида хуб эмас.

Маъни дейилганда биз, асосан, сўзнинг мазмуни, фикр, тушунча ёки ғояни англаймиз. Ҳолбуки, мумтоз шоирлар ижодида маъни руҳ, илоҳий ва ирфоний ҳақиқат, дунёнинг яралишига тегишли бош моҳият каби мазмунларни ҳам ифодалаган. Шуни назарда тутиб, Султон Валад «Маориф» китобида «Бутун олам маънига ошиқдир. Шу билан бирга «Биз сувратга ошиқмиз» ҳам дерлар. Бу хатодир. Улар маъни ошиғидирлар, суратнинг улар наздида ҳеч бир қиймати йўқдир», деган эди. Ҳаммадан қийини ва мураккаби маъно йўлига кириш, моҳият ошиғи бўлишдир. Ҳужвирийнинг таъкидлашича, маъни идроки ва мушоҳадаси учун яратилганлардан бошқа кишилар бу ишни уддалаши жуда мушкул. Ҳужвирий буни, энг аввало, икки хил ҳижоб, яъни ҳижоби райни ва ҳижоби ғайни билан алоқадорликда шарҳлайди. Ҳижоби райни қалби қора, кўнгли сиёҳ бўлиш демакки, бундан ҳеч қачон қутулиш мумкин бўлмаганидек, унинг соҳиблари учун маъно эшиги ва йўллари доимо бекикдир. Шундай кимсаларнинг шоирлик даъвосида елиб-югуриб мавқе талашишини энди бир тасаввур қилинг. Уларнинг онг ва идроки нафсу ҳавога қарамликда авомникидан айтарли фарқланмайди. Ёзса, кўпчилик билган ёки ундан-бундан ўқиб ўзлаштирилган фикрлардан бошқа бир нимани ёзолмайди. Юзта назмбознинг асарларини бир жойга жамланг, туб моҳиятда битта ҳам янгилик тополмаймиз. Ҳаммаси олдиндан аён, зерикарли ва руҳониятдан маҳрумдир.

Шарқ адабиёти адолат, шафқат, ҳуррият соғинчи билан тўлиб-тошган бир адабиёт. Меҳр-муҳаббатдан воқелик яратиш, ҳаёт ва тақдир зулматини орзу нури билан ёритишга уриниш унинг асосий хусусиятларидандир. Бу адабиёт зулм ва зўравонликни умумий шаклда қоралаб, инкор этган. Айни пайтда ўзининг энг иқтидорли намояндаларини ҳам

баъзан зулм ва ҳақсизликка бош қўшиш, золим ҳукмдорларни мақташдек уятсизликдан ҳимоя қилолмаган. Афсуски, кўпинча шундай бўлган. Кўп пайтларда бадиий ижод моддий манфаат бозорига айланиб қолган: истеъдод сотилган, шеър сотилиб, диёнат ва тўғрилик, мартаба, мавқе, роҳат-фароғатга «айрибош» қилинган. Шарқдаги исталган бир халқ адабиёт тарихини кўздан кечиринг, бунга неча ўнлаб далил топасиз.

Алишер Навоий дунёнинг асосий ҳақиқат ва ҳодисотларини битта тебранмас ўлчов билан баҳолайди. Бу ростлик ва тўғрилик. Унингча, инсоний қиёфа дегани ҳам ростликнинг шахсдаги тазаҳҳуридир. Ёлғон эса кишининг юзинимас, юзсизлигини намоён айлайди:

Агар сўзи чиндур – кўринур юзи,
Кўрунмас юзи – бўлса ёлғон сўзи.

Тўғриликдан ажралиб ёки тўғриликнинг кўзига чўп суқиб яшашдан кўра, одамман деб бош кўтариб юрмасликни Навоий афзал билади:

Бировким эрур ростликдин йироқ,
Анингдек киши бўлмағон яхшироқ.

Ҳеч бир буюк шоирнинг фикрий-ахлоқий истаклари билан давр ва жамият ўз вақтида ҳисоблашмаган. Энг ёлғизлик ҳолатларида ҳам шоир буни билмоғи, ўзгаларга нечоғли ноҳақ кўринмасин, изтиробдан асло чекинмаслиги лозим. Навоий бир байтида ўтиб кетган ва ҳали етиб келмаган кундан гапириб ўтирма, униси ҳам йўқлик, буниси ҳам бир йўқлик дейди:

Бурунғи куну тонгладин урма дам
Ки, ул бир адамдур, бу доғи адам.

Накди нима? Нақди инсон нафас олиб турган ҳар бир дам, ҳар бир лаҳза, умрни сарҳисоб этгувчи соатлар, одамни ғафлат панжасидан қутқазолмай чинқираётган кун. Шуни англаган киши ҳақиқатда вақт «кескир қилич»дан ўзга бир нима эмаслигини чуқур фаҳмлайди. Энг асосийси, умр мазмунини ҳар турли тўқнашув ва адашувлар тўлқин уриб ётган ҳаётдан, воқелик билан чамбарчас боғлиқ туйғу ва тушунчалар оламидан ахтаради, илм, иқтидор, маърифат ва ҳақиқатга таянади.

Ёшлар тарбияси бу мактаб, илм-фан ва комилликка ғамхўрлик демак. Мактаб таълим-тарбия ва илм ўчоғига айлантирилмас экан, навқирон авлодга қараганда ёши улуғлар бундан кўпроқ зарар тортади. Яъни:

Чу ёшларға боғланса мактаб йўли,
Бўлур гум улуғларға мазҳаб йўли.

Ёки Навоийнинг мана бу сўзларини олайлик: «Ёрлиқ қайда кетди ёронлар?! Йўқ мусулмонлиқ, эй мусулмонлар!»

Дўстлик, меҳр-муҳаббат, шафқат ва мурувват ўртадан кўтарилса, мусулмонликнинг нима қиймати ё аҳамияти қолади? Қуруқ гап, нафсоний найрангларга ким инонади? Наво-

ий ҳамма жойда, ҳамма кори ҳолда сўз ва фикрнинг исботи ўлароқ фаолиятга урғу беради. Ҳар қандай ёмонликка қайсидир гўзал фазилат, хислат ёхуд амални қарши қўяди:

Сен агар зоҳир эттинг итликни,
Мен санга кўргузай йигитликни.

Бундай сўзлардан кўнгил яйраб кетади, ўзини ҳурмат қилган одам «итлик», йиртқичлик, ҳасад ҳужумларини қандоқ бартараф айлаш зарурлигини бехато англайди.

Биз Алишер Навоийнинг «Хамса»си ва «Лисон ут-тайр» достонидан олинган баъзи байтлар атрофида фикр юритдик. Уларда бундай шоҳбайтлар жуда кўп ва маъно-моҳияти бир-биридан гўзал. Биргина байт гоҳо бир олам таассурот уйғотиб, кишини ҳеч ўйланмаган мулоҳаза ва мушоҳадаларга чорлайди. Зулм ва золимлик офатлари ҳақида кўп ўқиб, кўп эшитганмиз. Лекин «Садди Искандарий» достонидаги мана бу байт зулмнинг энг мудҳиш ва ҳалокатли таъсиридан хабар беради:

Анинг ҳукми бошимғау жонима,
Вале зулмдин кирмасун қонима.

Жоҳил, гумроҳ бандалар қилган иш, албатта, яхши бўлмайди. Аммо оқил ва доно киши шулардан ҳам зиён эмас, фойда кўради. Яъни улар юрган йўлдан юрмайди, улар қилган ишларга ҳеч қўл урмайди. Шунда ёмонлик яхшиликка хизмат қилади:

Неким қилди жоҳилки, эрди ёмон,
Тутуб акси, топтим ёмондин амон, –

дейди мутафаккир шоир.

Хуллас, Навоийни ўқиш фикр ва туйғуга қанот бағишлайди, билмаганни чуқур билиш, англанмаганни теран мушоҳада қилишга кенг йўл очади. Инсон тақдирига мутафаккир шоир нигоҳи билан қаралса, ҳақиқат ўз-ўзидан ҳар турли майда-чуйда нарсалардан тозаланиб, ярқираб, нур таратиб кўрина бошлайди. Бу эса энг асосийсидир.

«Нақшбандия» журнали, 2009 йил, 1-сон.

ШЕЪР ТАРИХИ ВА ҲАҚИҚАТ УЙҒУНЛИГИ

Шеър ёзилган вақт ва санани кўрсатиш мумтоз шеъриятда одатга айланмаган. Бир жиҳатдан бу мақбул иш. Дард ва юрак қони билан ёзилмаган шеърнинг дунёга келиш пайтини аниқ билдинг нима ё билмадинг нима, бунинг алоҳида бир аҳамияти йўқ. Лекин улуғ санъаткор яратган шеърлар хусусида ҳамма нарсани атрофлича билгинг, аниқлагинг келади. Афсуски, мумтоз шеъриятда бундай қизиқиш ва уринишларга «йўл» кўпинча ёпиқдир. Оқибатда эса шеърни муаллиф таржимаи ҳоли, маънавий ҳаёти, дунёқарашидаги ўзгаришлар билан боғлашга мустаҳкам асос топилавермайди. Ана шунда ўз-ўзидан девон тузиш масаласи юзага чиқади. Девон тартиб берилган сана аниқ кўрсатилган бўлса яхши. Акс ҳолда баҳсу мунозарани тўхтатиш осон кечмайди. Алишер Навоий «Бадоеъ ул-бидоя» девонининг тузилиш вақтига доир мубоҳаса бунинг характерли бир мисоли бўлиши мумкин.

Маълумки, Ҳусайн Бойқаронинг тахтга чиқиши, «Бадоеъ ул-бидоя» дебочасидаги айрим мулоҳазалар ва унинг қадимий қўлёзма нусхаларига таяниб, рус шарқшунослари Е.Э.Бертельс, С.Л.Волин ва бошқалар девон 1469-1482 йилларда тузилган, дейишган. Илк бора мазкур муаммони махсус ўрганган атоқли фольклоршунос Ҳоди Зарифнинг хулосаси эса бошқа. «Бадоеъ ул-бидоя»нинг тузилган йилини аниқлашга доир» деб номланган мақоласини Ҳоди Зариф шундай сўзлар билан тугатган: «Бадоеъ ул-бидоя»нинг тузилиши ва унга «Дебоча»нинг ёзилиши 1471 йил бўлмоғи керак, деган фикрдамиз; девонни Султон Ҳусайн учун кўчирилишига ҳам бир неча ой кетганлигини эътиборга олиб, балки 1472 йилга ҳам тўғри келади, деган бир фикрни билдириш у қадар қийин бўлмаса керак.

Ўйлаймизки, бу масалани жиддийроқ ўйлаб кўриш, биргаликда атрофлича текшириш натижасида қатъий бир фикрга келиш» лозим[1]. Аммо Ҳоди Зариф ўртага ташлаган ва улуғ шоирнинг «ўн бир лирик жанрдаги асарларининг умумий хронологиясини белгилашда катта аҳамиятга молик»[1] масалада уни деярли ҳеч бир тадқиқотчи қўллаб-қувватламади. Айни пайтда ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари охиригача бу борада ҳақиқатга яқин бирор янги фикр ҳам айтилмади. Академик Иззат Султонга кўра, Ҳусайн Бойқаро «тахт устига келишининг биринчи йилларидаёқ Навоий ундан шеърларини йиғиш ҳақида буйруқ олган эди. Навоийнинг ўзи томонидан тузилган девонларнинг биринчиси бўлган «Бадоеъ ул-бидоя» ана шундай майдонга келган эди»[2]. Шунингдек, олим девон дебочаси 1469-1481 йиллар орасида ёзилган деган тахминни ҳам маъқуллайди[3]. Шу зайлда у Ҳамид Сулаймоннинг Алишер Навоий асарлари ўн беш жилдлигига ёзган «Навоий асарларининг манбалари ва нашри ҳақида» номли мақоласидаги маълумотни[4] тўғри, деб ҳисоблайди. «Ўзбек адабиёти тарихи» II жилдининг дастлабки қисмида мазкур девоннинг тартиб берилиши 1472-1476 йиллар деб кўрсатилса[5], унинг «Алишер Навоийнинг лирик мероси» деб номланган фаслида 1469 йилдан кейин дея қайд қилинган[6]. Навоийшунос Ёқубжон Исҳоқов «Навоий поэтикаси» китобида Ҳоди Зариф фикрини эслатиб ўтса-да, адабиёт тарихида айтилган

---

[1] З а р и ф Ҳ. Фозиллар фазилати. Тошкент, 1969. 94-бет.
[3] Султон И. Навоийнинг қалб дафтари. Тошкент, 1969. 343-бет.
[4] Ўша китоб. 404-бет.
[5] Алишер Навоий. Асарлар.Ўнбештомлик. 1-том.Тошкент, 1963.37-бет.
[6] Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томлик. 2-том. Тошкент, 1977. 65-бет.
[7] Ўша китоб. 85-бет.

«Бадоеъ ул-бидоя» 1469 йилдан кейин тузилган» деган хулосани ўзгартирмайди[1]. Ҳоди Зариф текширишларидан сўнг, орадан қарийб қирқ йил ўтгач, филология фанлари доктори, профессор Абдурашид Абдуғафуровнинг «Бадоеъ ул-бидоя»нинг тузилиш санаси» номли мақоласи эълон қилинди. Унда маълум бир томондан Ҳоди Зариф фикр-қарашлари ривожлантирилган бўлса-да, олим қатор янги далил ва маълумотларга таяниб: «Хуллас, бизнинг фикримизча, Навоий ўзининг биринчи расмий девонини 1478-79 йилда тузган»[2], дейди. А.Абдуғафуровнинг хулосаси ҳақида биз бу ўринда узил-кесил бир фикр айтмоқчи эмасмиз. Фақат адабий далиллардан бири олимнинг фикрмулоҳазаларига ишонч билан қарашга асос бўла олишини таъкидламоқчимиз, холос.

«Бадоеъ ул-бидоя»да Ҳусайн Бойқаро саройида вазирлик мартабасигача кўтарилган, замонасининг энг бой-бадавлат сармоядори, шу билан бирга, беҳад маккор, фитнабоз зотларидан бўлган ва умри тасаввурга сиғмас фожиа билан якун топган Низомулмулкка бағишлаб битилган бир шеър бор. Тўрт байтли ушбу қитъада Низомулмулкнинг қандайдир сирли қилмиши боис шарманда ва бадном бўлганлиги фош этилган. Мана ўша шеър:

Соҳиби аъзам Низомулмулк, чунким бўлди азл,
Ҳажвлар қилди Уторуд чархи кажрафторни.
Чун ҳаводис тундбоди эсди, барбод айлади,
Йўққи муҳру дафтару зелуча йўқу борни.
Банду тутқунлуқ бас эрмас эрдиким, беморлиғ
Бир йўли солди аёқдин ул фақири зорни.
Келтурурлар сўрғали девонға они хожалар,
Воқиан бу навъ сўрғай дўстлар беморни[3].

Қитъа мазмунидан англашилаётирки, нечоғли ҳийлагар ва айёр бўлмасин, ўзи ҳеч кутмаган бир тарзда Низомулмулк тумшуғидан илиниб, обрў-эътибор, мартаба ва мавқедан ажралиб, хору залил аҳволга тушган. Ўзининг ашаддий душмани ҳолатига ҳам Навоий барибир ачинади ва:

Банду тутқунлуқ бас эрмас эрдиким,
беморлиғ Бир йўли солди аёқдин ул фақири зорни, –

дейди. Хўш, соҳиби аъзам Низомулмулкнинг омад, ютуқ, шон-шуҳратини ерга қориштирган ушбу воқеа қандай воқеа эди ва у қачон содир бўлган эди?

« Бу қитъа (яъни юқоридаги қитъа И.Ҳ), ўз мазмунига кўра, дейди А.Абдуғафуров, Низомулмулкнинг биринчи таназзули – ҳукмрон қаҳрига учраши муносабати билан ёзилган. Академик В.В.Бартольднинг Мирхонд ва Хондамир маълумотлари асосида ёзишича, бу воқеа 1478 йилда юз берган». Умуман қаралганда, мазкур мулоҳаза ҳақиқатга анча яқин. Шунинг билан бирга, унда тўла ишонишга монелик қиладиган нуқталар ҳам бор. Масалан, шеърнинг сўнгги байтини олайлик:

---

[1] Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси.Тошкент, 1983.10-бет.
[2] Абдуғафуров А. Қалб қаъридаги қадриятлар, 57-бет.
[3] Алишер Навоий. Бадоеъул-бидоя. Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. 1-жилд. Тошкент, 1987. 638-бет.

Келтурурлар сўрғали девонға они хожалар,
Воқиан бу навъ сўрғай дўстлар беморни.

Агар ўшанда Низомулмулк чиндан ҳам «ҳукмрон қаҳрига» йўлиққанда, масала тез ҳал бўлиб, албатта, у жазосини олар, хожалар томонидан сўроқ ва тафтиш қилишга ҳожат қолмасди. «Воқиан бу навъ сўрғай дўстлар беморни», деган таъкид ҳам бунда бошқа бир сир мавжудлигидан далолат беради.

Бандасига хос риё ва мунофиқлик ҳолини эринмай ўрганган аллома Ҳорис бин Муҳосибий турли ижтимоий табақага мансуб иккиюзламачиларни бир неча гуруҳга ажратади. Унингча, уларнинг бир жамоаси ўлкада улкан мавқе ва шуҳрат соҳиби бўлиш учун мансаб кетидан қувиб, мақтов ва эҳтиромга бурканишни кўзлайдиган, худди шу ғараз ила ҳукмдорларга танилиш, улар ишончини қозониб, яширин орзу-истакларини рўёбга чиқариш фурсатларидан усталик билан фойдаланувчи кимсалардир. Низомулмулк шунақа кишиларнинг ҳам энг қуви ва тажрибалиси эди. Бироқ шуни ҳам эслатиш керакки, В.В.Бартольд баъзи тархий манбаларга суяниб Низомулмулк шахсиятига хос бир қатор фазилатларни тилга олади ва Муҳаммад Исфизорий ўзининг Ҳирот тарихи мавзусидаги китобини унга бағишлаганини ёзади[1].

Низомулмулк қанчалик олижаноб, саховатпеша, фақирпарвар қиёфада кўринган бўлмасин, бир ҳақиқат жуда аниқ: у Ҳиротда Навоийга қарши тиш қайраган, шоирнинг қадамини ўлчаб, ортидан фисқу фужур тарқатишни мақсад қилиб олган амалдорларнинг пешволаридан эди. Ўз манфаати, шон-шуҳрати йўлида у ҳамфикр ва ҳамтовоқларини ҳам аямасди.

Устод Садриддин Айнийнинг ёзишича, Низомулмулк саройда Мажидиддин қўл остида фаолият юргизаётган пайтларда яширин равишда подшоҳга ундан мудом арз ва шикоят қилган. Охири султонга у Мажидиддиннинг хиёнаткорлигидан огоҳлантирувчи ариза киритади. Ҳусайн Бойқаро эса уни Мажидиддиннинг ўзига беради. Шундан сўнг Мажидиддин ишга киришиб, Низомулмулкнинг ўғиллари, амалга қўйган яқинларини бирин-кетин қамоққа тиқиб, мол-мулкларини мусодара эттиради ва рақибини тамоман обрўсизлантириш ниятида шаҳардаги катта чорсунинг бошида бир кун мобайнида уни боғлатиб қўяди[2]. Лекин Навоий қитъасининг ёзилиш тарихи, бизнингча, Низомулмулк ҳаётидаги ўзга бир қаллобликка дахлдор. Ўзининг пайғамбар наслига мансублигини исботлаш иштиёқида у сохта бир шажара туздиради ва уламо ҳамда шайх ул-исломдан уни тасдиқлатиб олади. Иш янада пишиқ, яна ҳам ишончли бўлишини ўйлаб, буюк шоир Абдураҳмон Жомийдан шажарага имзо чекишни илтимос қилиб, унинг ҳузурига одам жўнатади. Жомий эса илтимосни рад этиб, Низомулмулкка қуйидаги тўртликни ёзиб юборади:

Онро, ки бувад нури наби дар башара,
Ҳожат набувад ба тўли арзи шажара.
В-онро, ки зи рух натобад ин нури сара,
Шажара надиҳад бағайри лаънат самара[3].

Мазмуни: «Кимнинг юзида пайғамбар нури жилваланса, шажарани қуролу қалқон айлашга ҳеч ҳожат сезилмайди. Ва чеҳра ўша мусаффо нурдан маҳрум бўлса, шажара лаънат-

[1] Бартольд В.В. Сочинения. Том II (Ч. 2). Работь! по отдельнмм проблемам истории Средней Азии. М., 1964.
[2] А й н и й С. Куллиёт. Жилди 11 (1). Душанбе, 1970. С. 318.
[3] Абдураҳмон Жомий. Осор. Иборатаз8жилд.Жилди дуюм. Душанбе, 1983. С. 563.

дан ўзга бир самара бермайди». Оқибат айнан Жомий айтгандек бўлади: сир очилади. Қаллоблик бошига маломат ва лаънат олиб келган Низомулмулк диний маҳкамага тортилади. Зеро, бу каби сохта шажара ва васиқалар, аввало, бойлик орттириш учун, кейин ўз мазҳабини кўтариш ғаразида, ниҳоят насаб эътибори ила юқори туриш даъвоси билан тартиб берилган.

Яна Жомий рубоийсига қайтсак. Бу шеър шоирнинг «Фотиҳат уш-шабоб» девонидан ўрин олган. Девоннинг дастлабки нусхаларини кўздан кечирган киши уларда уни учратмаслиги ва шу боис бошқача фикрга бориши муқаррар. Таниқли жомийшунос Аълохон Афзаҳзоднинг маълумоти бўйича «Фотиҳат уш-шабоб»ни Жомий уч бора янгидан тартиб берган[1]. Охирги таҳрир ва тўлдириш ишлари эса Ҳусайн Бойқаронинг таклифи билан 1479 йил амалга оширилган ва Низомулмулкка бағишлаб ёзилган рубоий ана шунда девонга киритилган. Навоийнинг қитъаси Жомий рубоийсидан сал кейин ёзилгани инобатга олинса, «Бадоеъ ул-бидоя» ҳам 1479 йилда тузилган, дейишга тўғри келади. Албатта, Низомулмулк ҳам бўш келадиган ва осонлик билан таслим бўладиган кимсалардан эмасди. У мушкул вазиятдан қутулгач, Жомий ва Навоийга қаратилган иғво, туҳмат, хусумат ҳужумларини зимдан кучайтириб юборган. Бунда у ўзини шоир ҳисоблаб юрган гумашталарни ҳам ишга солганлиги, бироқ дили, фикри очиқ одамлар уларнинг гапларини эътиборга олмаганлигини қадимий баёзлардан биридаги мана бу рубоий ҳам ҳар қалай тасдиқлайди:

Коҳию Ғизолий он ду лояъқили маст
Дар ғийбати Жомию Навойи зада даст,
Дар даҳр касе ба мисли эшон нагузашт,
Коҳий, чу хас асту ҳам Ғизолий чу саг аст.

Мазмуни: «Коҳий ва Ғизолий деган икки ақлсиз маст Жомию Навоийни ғийбат қилиш билан машғулдирлар. Дунёда улар каби ҳеч нокас яшаб ўтгани йўқ. Коҳий дегани бир хас бўлса, Ғизолийси итнинг айни ўзидир».

Американинг файласуф адиби Ральф Эмерсон ёзади: «Агар одам бузилса, унинг тили ҳам, албатта, бузилади. Қачонки, инсонни олий ва покиза ҳис-туйғулар эмас, балки молпарастлик, кайфу сафога ташналик, моддий қудрат соҳиби бўлиш, шон-шуҳрат орзуси бошқарса, унинг қалби самимиятни йўқотади, фикр-қарашлари мустақилликдан ажралади. Қачонки, самимийлик ва ростлик ўрнини иккиюзламачилик ва ёлғон эгалласа, киши иродасизлик офатига йўлиқади»[2]. Навоийга беҳад ҳасад ва шафқатсизлик билан ташланган кимсалар ана шунақа маънан афтода, иродасиз зотлар эди. Навоий улар билан мансабу мартаба, мулк ва обрў-эътибор талашганми? Йўқ, албатта. Мутафаккир шоир деярли бутун ҳаёти мобайнида амал ҳирсига ён бермаган. Қандай қилиб бўлса ҳам, расмий мақомдаги вазифани қабул этмасликка уринган. Амирлик мансабига тайинланиш тўғрисидаги буйруқни қабул этишдан ҳам у аввал бош тортганлиги маълум.

«Вақфия»да: «Илгимдин келгунча зулм тиғин ушотиб, мазлум жароҳатиға интиқом малҳамин қўйдим», дейди Навоий. Зулм қиличини синдириб, мазлум кулфати ва ҳақ-ҳуқуқи учун интиқом олмоқ Навоий душманларининг йиртқичлигини ошириб-тоширган асосий сабаблардан эди. Ҳолбуки, Навоий бу дунёнинг ғанимликка чорловчи майда манфа-

[1] Афсаҳзод А. Рўзгор ва осори Абдураҳмони Жомий. Душанбе, 1980. С. 129 -131.
[2] Эмерсон Р. Эссе. М., 1986. С. 38.

атларини сира-сира назарга илмаган. Навоий фақат Мажидиддин ё Низомулмулкка эмас, Е.Э.Бертельс сўзлари билан айтганда, «давлат вазифасини шахсий бойлик тўплаш воситаси деб билган барча мансабдорларга қарши курашган»[1]. Бу курашда ҳамма вақт ҳам ғолибликка эришилмаган ва эришилиши мумкин ҳам эмасди. Ҳаёт ва умр тажрибаси буюк шоирни кўпдан-кўп қийинчилик, зиддиятли ҳолатларга кўникиш ва уларни борлигича қабул этишга ўргатганди.

Эй Навоий, гар десанг, кўп инжимай давр аҳлидин,
Ҳар не дерлар, ё қилурлар қилмағил парво, басе.

Баъзан бепарво бўлишдан ўзга чора ҳам йўқ эди. Низомулмулкнинг 1490 йили яна вазирлик лавозимини эгаллаши, ҳеч шубҳасизки, Навоийни қувонтирмаган. Лекин даҳри дун ўйинларини тўла-тўкис англаб етгани боис бундан у ортиқ ранж ҳам чекмаган. Фақат «Хазойин ул-маоний»ни тузаётганда Низомулмулк ҳақидаги қитъани девонларидан ҳеч бирига киритмаган.

Нур зулмат ва қоронғилик бағрида порлоқлик касб этганидек, Навоий шахсиятининг улуғлиги ва куч-қуввати ҳам душманлар билан курашда ниҳоятда ёрқин кўринади. Чунки душман ва душманлик муаммосини теран талқин қилган Жалолиддин Румийнинг эътирофи бўйича, ғаним бўлмаса, шижоат руҳи сўнади.

Дарҳақиқат, ҳар аду дорийи туст
Кимёву нафеъу дилжўйи туст, –

яъни: «Ҳақиқатда ҳар бир душман сенинг дорию дармонинг, юрагингга тасалли ва мадор бағишлайдиган кимё шулардир», дейди Мавлоно. Навоий ҳам айни шундай нуқтаи назар соҳиби бўлганлиги боис юрт, миллат, дин, илм-фан, адабиёт қайғуси билан яшаган ҳеч кимсага душман бўлмаган ва душман қиёфасида кўринмаган ҳам. Лекин улуғ шоирнинг ғарибона хулқини англайдиганлар жуда сийрак бўлган. Буларнинг барчасини ҳисобга олиб, Навоий бир ўринда шундай деган эди:

Тут ғариб ун била паймона манга,
Кўргузуб хулқи ғарибона манга...
Юзланиб шавкату жоҳу иқбол,
Қисматим бўлди басе мансабу мол.
Ҳар не эл қилди талаб, мен топтим
Барчадин силкиб этак, кўз ёптим[2].

Шоирнинг сермулоҳаза, зийрак замондошлари қандай ўйлаган, буни билмаймиз, аммо тўрт байтли ўша шеър Навоийнинг башоратидан бир нишонадир. Уни ўқиганда, ўз-ўзидан ҳар хил фикр, оғир мулоҳазалар туғилади. Айтайлик, Ҳусайн Бойқаро Навоийнинг Низомулмулкка муносабатини холис баҳолаб, вақтида унинг кимлигини билганида, Мўмин Мирзо қатл этилмасмиди? Мўмин Мирзо ўлдирилмаганда, ота болага, бола отага қилич

[1] Бертельс Е.Э. Избраннме трудь!. Навои и Джами. М., 1965. С. 110.
[2] Алишер Навоий. Фавойид ул-кибар. Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. 6-жилд. Тошкент, 1990. 503-бет.

қайраб, оға-инилар тахт талашиб қон тўкмаганида гуллаб-яшнаган қудратли бир салтанат парчаланиб кетмасмиди? Маълум бир маънода буларнинг бари Низомулмулкнинг касофати, подшоҳнинг одам танишдаги қатъиятсизлиги ва кечикишидан содир бўлган эди. Навоийга кимлардир чоҳ қазиган ва унга ўзи қулаган. Лекин улар орасида дорга осилиб, териси шилингани эса «соҳиби аъзам» Низомулмулкдир.

“Ўзбек тили ва адабиёти», 2010 йил 1-сон

ТАФАККУР ВА ТАСАВВУР ЧЕЧАКЛАРИ

Шарқ мумтоз адабиёти, аввало, Моҳият адабиёти. Бу адабиёт маънога толиб, руҳониятга ошиқ. Шунинг учун унда моддадан кўра маънога эътибор доимо баланд бўлган. Фикр, туйғу, мушоҳада, изланиш ва ифода – буларнинг барчаси ўтмиш адабиётида, аввало, маъно ва моҳиятга асосланади. Илоҳий ҳақиқатларни англаш, уларни эркин ўзлаштириш йўли бу ҳам маъно йўли. Ҳатто айрим мутасаввиф ижодкорлар руҳни ҳам вужудга ҳаёт бағишловчи бир маъно деб билишган. Уларга кўра, маънисизлик зулматини маъни нури билан бартараф айлаш, ақл, ахлоқ ва қалбдаги бўшлиқларни маъно билан тўлдириш, тафаккурни фақат ва фақат маъно дурлари билан бойитиш маънавий туғилиш ва ўсиб улғайиш дегани мана шу ҳисобланади. Зеро, инсоннинг асили ва комили ҳам аҳли маънига мансуби. Шуни назарда тутиб Алишер Навоий:

Аҳли маъни гуруҳида зинҳор,
Ҳеч ор айлама гадолиғдин, -

деган. Аҳли маъни шу даражада қадрли, шу қадар мўътабардир. Акс ҳолда у:

Ким дедим, узлат эшигин очқомен,
Даҳри бемаъни элидин қочқомен, -

демасди. Аслида даҳр бемаъни бўлмайди: унинг ҳар бир ҳаракати, ранги ва оҳангида маъни бор, ибрат бор. Уни маънисиз кўрсатадиган ёки бемаъниликка маҳкум этадиган одамдаги гумроҳлик, жаҳолат ва маҳдудликдир. Булар моҳиятни бузадиган, ақл-идрок қийматини ерга қориштирадиган иллат ва ноқисликлардир.

Аё нодон, маъно бўл деб айди, билдим,
Ондин сўнгра чўллар кезиб, Ҳақни сўрдим, -

дейди Хожа Аҳмад Яссавий. Бу гапнинг замирида илоҳий моҳиятингни бил, Ҳақ ва ҳақиқатдан ғофил яшашни умр ҳисоблама, деган мазмун яширинган.

Алишер Навоий бир тилда эмас, балки икки тил – туркий ва форсийда тафаккур оламини сайр айлаган, бебаҳо маоний хазинасини яратган санъаткордир. Шоир «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида «олти мингдин абъёти адади кўпроқ» форсий девонида «кўп турлик дилкаш адолар (ифода ва тасвирлар) ва дилпазир маънолар» мужассамлашганини айтган бўлса, бошқа бир асарида бундай дейди:

Форсий назм ичра чун сурдум қалам,
Назмнинг ҳар синфини қилдим рақам.

Файз еткоч ул маонийдин манго
Топти белгу назми Фонийдин манго...

Навоий форс-тожик тилида ёзилган шеърларида гарчи Фоний тахаллусини танлаган бўлса ҳам, унинг қалби боқийлик файзи, боқий сўз ва моҳият илҳоми билан тўлиб-тошган эди. Шунинг учун ҳам мутафаккир шоир Румий, Ҳофиз, Саъдий, Жомий сингари даҳолар изидан бориб, форсий шеъриятга ўзининг муносиб улушини қўшиш шарафига эришган эди. Буни «Девони Фоний»даги ғазал, рубоий, қитъа, хуллас, Навоий қалам тебратган ҳар бир жанр ўзича тасдиқлашга қодирдир. Мана, қасида жанридаги шеърларни олайлик. Шоирнингфорсий тилда яратилган қасидаларини эътибордан четга суриб, унинг қасиданавислик майдонидаги хизматларини баҳолаш мумкин эмас. Зеро, «Ситтаи зарурия» ва «Усули арбаа» туркумидаги қасидалар мазмунан бири-биридан теран, мушоҳада ва тасвирда мусобақалашадиган даражада гўзалдир. Навоийнинг ўзи таъкидлашича, «Ситтаи зарурия»даги «Руҳ ул-қудс» деб номланган илк қасида Аллоҳ ҳамдига бағишланган бўлса, кейингиси, яъни «Айн ул-ҳаёт» «Мустафо мадҳи сарчашмаси файзидан томчилар»дир. Демак, булар Ҳақ ишқи ва сарвари олам Муҳаммад алайҳиссалом муҳаббатидан яралган ва бошдин-охир сидқу ихлос, эътиқоду самимиятдан туғилган асарлар эди.

Хайриятки, дунёда жонни роҳатлантириб, кўнгилга куч мадор бағишлаб., моҳият эътибори ила руҳни, имонни асраб авайлайдиган илоҳий тушунча ва калималар бор. Инсонни шулар Ҳақ ва ҳақиқат йўлларига бошлайди, шулар ахлоқ ва қалб хасталикларини даволайди, бандасини шулар куфру гуноҳдан халос айлайди. Ахлоқда, тафаккурда ва руҳониятда уларга суянилмаса, улардаги маъно-моҳият сир-асрори тўхтовсиз равишда кашф этиб борилмаса, одамзод ихтиёрий равишда ўзини азоб-уқубат, кулфат ва бадбахтликларга гирифтор этаверади. Қуръони карим ҳар бир ҳақпараст, маърифатсевар инсон учун умид ва муҳаббат, қисмат ва саодат қомуси. Унда таъкидланишича, Муҳаммад алайҳиссалом энг улуғ ахлоқ соҳиби, Ҳақ элчисидир. У коинотнинг сабаби, хилқатнинг аввали, нубувватнинг хотами эрур. Мусулмон оламида бирор бир атоқли ё машҳур зот йўққи, Ҳақ таолонинг охирги пайғамбари ва ҳабиби Муҳаммад алайҳиссаломнинг шариати, яъни муборак йўлидан четлашган бўлсин. Чунки бу йўл -тўғрилик, адолат, муҳаббат ва комиллик йўли. Расулуллоҳни севмасдан, ўзини шу севгига фидо қилмасдан илоҳий ишқ завқига етишмоқ душвордир. Пайғамбаримизга муҳаббат бу мутлақ холис ва соф муҳаббат. Бу фақат ақлий бир севги эмас, балки кўнгил ва руҳ ишқи. Навоий «Айн ул-ҳаёт»да шу ишқ туғёни тўлқинларини ўзига хос самовий миқёсда манзаралаштиради ва бу ишқдан бенасиб нафс бандалари хусусида, жумладан, шундай дейди:

Девмардум, яъни бозор аҳли юлғичликучун,
Шайланиб, очгай дўкону суди савдо айлагай.
Олди-сотди айлашаркан, жўш уриб инсофлари,
Бўрёнинг қийматин бир халта тилло айлагай.
Қозихона аҳли кофирлар синиқ дирҳамни деб,
Юз мусулмон мулкини олмоққа фатво айлагай.

Дунҳиммат, пасткашлар азбаройи нафси шум,
Ўзгаларнинг эшигида ўзни расво айлагай.

Мутасаввифларнинг эътирофи бўйича, қалбнинг илм билан тўлиши денгизга ўхшайди. Чунки Расулуллоҳнинг қалби илм ва ҳидоят билан тўла, долғали бир денгиз эди. Илм ва ҳидоят, унинг қалб денгизидан нафсига ўтгач, илм ҳарорати юзага чиқиб, нафснинг сифатлари ўзгаради, табиати буткул баркамоллашади.

«Пайғамбаримиз (с.а.в.) «Сиз дунё ишларини мендан кўп яхши билурсиз», деркан дунёни халққа изофа этди ва нафсини дунёга дахлдор даврадан чиқарди», дейди Абу Наср Саррож. Навоий эса ушбу ҳақиқатни тушунган ва унга амал қилишни зиммасига олган кишиларни назарда тутиб:

Гар кўнгил жамъи висол бўстони сари бурса юз,
Тонг эмаским, тарки дунё, тарки уқбо айлагай, -

деган эди.

Одам умри гўзаллик ва чиркинлик, яхши ва ёмон, мағлубият ва муваффақият каби зиддиятли, бири иккинчисига мувофиқ келмас тушунча ёхуд ҳақиқатлар меҳварида айланади. Инсон ҳаммасидан кўпроқ ўзини билиш ва танишда адашгани боис, нима оқ, нима қора, нима тўғри, нима нотўғри – буларни вақтида фарқлай олмайди. Ҳақ билан яқиндан боғланолмаганлиги учун нафсдан у узоқлашолмайди. Нафсу ҳаво таъсиридан қутулиб билмаган ақл эса кундан кунга майдалашиб, соҳибини манфаат, тама қўғирчоғига айлантиради. Ички ҳаётдаги чалғишлар, бузилиш ва айнишлар нима? Улардан қутулишнинг асосий чоралари қанақа? Безавол бир саодатга эришиш мумкинми, йўқми? Кимга суянганда ва кимдан ибрат олганда одам хато қилмайди, фалокатга йўлиқмайди?

«Қут ул-қулуб» («Қалблар озуқаси») ва «Минҳож ун-нажот» («Нажот йўли») қасидаларида худди шундай саволларга зўр жавоблар бор.

Ҳаёт ва олам ҳеч қачон бир жойда тўхтаб ёки турғунлашиб қолмайди: табиатдаги ҳар бир нарсада ўзига хос бир ҳаракат, ички ва ташқи ўзгариш бўлади. Шунинг учун тун бағрида кун туғилади, ойлар ўзаро ўрин алмашиб, фасллар ўзгаради. Фасл янгиланар экан, инсон табиати ва ҳолатларида ҳам, албатта, ҳар турли эврилишлар юзага келади. Алишер Навоий «Фусули арбаа», яъни тўрт фасл, деб номланган ва Баҳор, Ёз, Куз, Қиш тасвирларига бағишланган қасидаларида, аввало, ана шу ҳақиқатга асосланади. Улуғ шоир ҳар қайси фасл сийрати ва сувратини жуда ёрқин очиб берадиган ҳодиса ҳамда манзараларни бири иккинчисини такрорламайдиган турфа ранг ва оҳангларда жонлантиради. Бу эса Султон Ҳусайн Бойқаро мадҳига бағишланган сўзларнинг самимий ифодаланишида ҳам алоҳида аҳамият касб этган, дейиш, мумкин. Навоий Бойқаро таърифида:

Ҳашамат чўққиси сенга муяссар бўлди чун,
Арш ҳам пойингдадир магар, етолмайин хуноб, –

каби юксак фикрларни ёзар экан, айни пайтда қаҳратон қиш азобларига чидаб кун кечираётган ночор одамларнинг аҳволини ҳам назардан четда қолдирмайди:

Камбағал шўрлик қалтирар, кўнглида шавқи олов,
Мисоли майхўр бошида ҳавойи кайфи шароб.

Қашшоқ, бечораҳол гўё қулоғи том битган,
Елкаси ёпишиб икки қулоғига, ҳижоб.
Жисмида титрашдин ўзга ҳаёт нишони йўқ
Гўё ўликка жон соларкан, титратур Ваҳҳоб...

Қайси бир йўл ва қайси бир тарзда бўлмасин, Навоий барибир ҳақиқатни айтади, кўнгли халқ аҳволининг шаффоф кўзгуси эканини барибир билдиради. Навоийнинг форсий қасидалари фавқулодда юксак фикр мақомида яратилган. Айниқса, «Ситтаи зарурия»даги қасидалар фалсафий-ирфоний мушоҳаданинг теранлиги, руҳоний завқнинг чек-чегарасизлиги ва ёрқинлиги билан ўқувчини ҳайратлантиради. Уларнинг меҳр ва ихлос билан ўқилишига ҳамда таржима қилинишига асосий сабаб шунда бўлса керак, деб ўйлаймиз. Навоий ўзбек тилида «Ҳилолия» деб аталган битта қасида ёзган. Қолганлари форсийда битилган ва мутафаккир шоир уларда қасиданавислик маҳоратини бекаму кўст намоён айлаган. Ушбу қасидалар илк бора Навоийнинг йигирма жилдлик Мукаммал асарлар тўпламида насрий таржималари билан бирга нашр этилди. Кейинчалик Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол ўн қасиданинг шеърий таржимасини амалга ошириб, «Фоний гулшани» номи остида алоҳида китоб ҳолида нашр эттирди. Уларни ўқиш насрий таржимага нисбатан ўзгача фикр ва таассурот уйғотиши, энг муҳими, Навоийнинг санъатхонасига яқинлаштириши шубҳасиздир. Бу хайрли иш тўхтаб қолмаслиги керак. Чунки Навоий форсий шеъриятининг ҳажми ҳам, миқёси ҳам салмоқли. Ундаги турли лирик жанрда ёзилган шеърларнинг ўзбекчалаштирилиши Фоний Навоийнинг форс-тожик тилида ижод қилган даҳо шоирлар сафидаги мавқеини яқиндан билишга хизмат қилади.

ШОҲБАЙТ - ЭНГ ПОРЛОҚ БАЙТ

Не назмики, ўтлуғ кўнгулдин чиқардим...
Алишер Навоий

Ҳақиқий шеър бир мўъжиза, дейишади. Мўъжиза яратиш асосан даҳо санъаткорлар қўлидан келади. Бунга эса фақат талант ёки илҳом билан эришиб бўлмайди – кўп изланиш, қаттиқ заҳмат чекиш, тер тўкиб, меҳнат қилиш ҳам зарур. «Мен шеър ёзишдан олдин, дейди улуғ бир шоир, узоқ фикрлайман. Шеър ёзганда худди чинакам муҳандис ёки меъмордай меҳнат қиламан... Баъзан бир сўз учун ҳафталаб изланган пайтларим бўлган». Дарҳақиқат, шоирлик иши муҳандис ва меъморникидан қийноқлироқ бўлса бордирки, енгил эмас. Буни улкан талантлар чуқур тушунган ва бошдан кечирган. Агар тазкира ва баёзлар варақланса, неча юзлаб номларга дуч келинади. Лекин улар орасида шеърлари вақт синовларидан ўтиб, шеърият мухлисларига манзур бўлганлари бармоқ билан санарли. Манбалардан маълумки, Муҳаммад Фузулий ўз замонида шоир ўлароқ тан олинмай, иқтисодий тангликлар ичида яшаган бир даврда юз-юзлаб шоирлар давлат ҳимоясида роҳат фароғатда кун кечиришган. Улардан қай бирлари бугун эсланиб, қайси бирларининг шеърлари ўқилади? Вақт шафқатсиз ва одил ҳакам. Мисни тиллодан, ёлғонни ҳақиқатдан ажратишда вақт ҳеч адашмаган ва адашмайди ҳам. Шоирга замон ва замондошлари берган баҳо шунинг учун ҳам аксарият ҳолларда ўзини оқламайди. Ҳар қандай қофиябознинг шеър дея кўкларга

кўтарилган нарсалари ўзи ўлмасдан бурун ўлади. Шеърнинг узоқ яшаши ёки яшай олмаслиги фақат ва фақат шеърнинг ўзига боғлиқ. Туғилишида тама, ёлғон, риё, сунъийлик аралашмаган бўлса, шеърдаги ҳар бир сўз, ҳар бир ташбиҳ ва тимсол соф руҳий қувватга асосланса, ифодада атайинлик, сохта пафос сезилмаса бундай шеър ўлмайди. Шеър шоир яшаган давр ва замоннинг ўзгарувчан ва ўткинчи ҳавосини эмас, у туғилиб вояга етган заминнинг нурдай тоза, ҳаётбахш нафасини акс эттирмоғи керак. Фузулий «Маним шеърим олтин эмас, кумуш эмас, инжу ва лаъл ҳам эмас, тупроқдир...», деганда нақадар ҳақ эди. Шеър қийматини ҳеч қандай моддий бойликка тенглаштириб бўлмаслигининг бош сабаби ҳам ана шунда. Ўзини таниган шоирнинг на зар, на тилло, на амалу обрўга сотилмаслиги худди шундан. Шоирнинг шоирлигини кўрсатувчи шаффоф кўзгу бу шеър. Шеърдан бошқа ҳеч нима шоирдан ёдгор қолмайди. Сўз ва мисра устида тер тўкаркан, у дунёда ҳеч кимга насиб қилмайдиган дуру гавҳар топади. Айтайлик, мукаммал бир байт гўё уни шоҳлик султонлик мақомига кўтаради. Ахир, шоҳбайт яратишга эришган шоирни сўз ва кўнгил шаҳаншоҳи демаслик инсофданми? Ҳамма шоирдан ҳам шоҳбайт қолмайди. Баъзан бутун бошли бир девон ёки шеърлар тўпламини варақлаб, бирорта ҳам шоҳбайтга дуч келмаслик мумкин. Ва аксинча, шундай девонлар борки, ундаги байтларнинг қай бири шоҳбайт эмас, дея ўйлайсан. Аллоҳга шукрки, Навоий ва Бобурдан, Машраб ва Огаҳий... дан бизга шунақа китоблар мерос қолган.

Йигирманчи аср аввалларида Шарқ мумтоз шеърияти ўзининг асрий нуфузи ва таъсирини бой бермаганида, албатта, уни англаш, ботиний сир-асрорини билиш, беқиёс фазилатларини кенг ўзлаштириш ҳам бошқача бўлурди. Биз бугун матлаъ деганда асосан ғазалнинг илк байти – бошланма мисраларини тушунамиз. Ҳолбуки, матлаъдан кўзланган ички мақсад ҳақиқий мушоҳада, ҳақ назари ила мавжудлик оламини текшира олишга эришиш бўлган. Матлаъ «тулуъ» сўзидан олинган. «Тулуъ» арабчада нурнинг (қуёш, ой) чиқиш, кўриниш жойи, деган мазмунни билдиради. Матлаъ тозалиги нисбатида англаш кучининг юксалиш мартабаси деб ҳисобланган боис шоир ғазалнинг илк байти тақдирига алоҳида масъулият билан қараган. Ва мушоҳада кучини, аввало, айни шу байтда кўрсатишга уринган. Шоҳбайтлар кўпинча матлаъга тўғри келиши ҳам бежиз эмас. «Байт» сўзининг арабча луғавий маъноси хона, мисра эса эшик дегани. Билими, дид ва савияси паст киши ана шу «эшик»дан ичкари киролмайди. Демак, «хона» хусусидаги тасаввур ва таассуротлари ҳам тахминдан нари ўтмайди. Мумтоз шеъриятимиз, хусусан, унинг тасаввуфий тармоғини англаш, талқин қилишдаги бу нуқсон ва ночорлик ҳанузгача давом этиб келмоқда.

Эски шеършуносликда, ўзига хос тугал бир маънони ифодалаган ва иккинчи бир мисрага тобеликдан қутулган тоқ мисра «озода» деб аталган. Ғазалнинг гўзал байтига «Байт ул-ғазал», мутлақ суратда энг гўзал байтига эса «Шоҳбайт» дейилган. Маъноси бошқача бир байт билан хотималанган байтга «Байти марҳун» номи берилган.

Шоҳбайт шакл ва мазмун жиҳатидан шеърдаги байтларнинг энг зўри, энг таъсирлиси. Шарқнинг даҳо санъаткорлари шеъриятида шоҳбайтлар дурдай терилиб, олмосдай товланиб туради. Улардаги маъно ва мазмунни бундайроқ шоир бутун бошли китобида ҳам акс эттиролмаган. Мавлоно Жалолиддин Румий ғазалларидан биридаги мана бу шоҳбайтни олайлик:

Чу одами ба яке мор шуд бурун зи биҳишт,
Миёни каждуму морон амон зи кужо.

Мазмуни: одам бир илон касофатидан жаннатдан четлаштирилди. Чаён ва илонлар орасида энди омонлик қаёнда.

Бу байтда ишорат этилган тарих – ниҳоятда қадимий тарих. Нақлга кўра, илон дастлаб тўрт оёқли гўзал бир ҳайвон бўлиб, жаннатда посбонлик қилар экан. Шайтон уни авраб, жаннатга киради, Одам Ато ва Момо Ҳавони йўлдан оздиради. Шунинг учун Аллоҳ илонни оёқларидан жудо қилиб, судралиб юришга маҳкум айлайди. Хўш, кейинчи? Табиатда бўлгани сингари Одам қавми орасида ҳам инсон қиёфасидаги илон, чаёнлар пайдо бўлади. Улар шу қадар кўпаядики, Румийнинг хулосасига кўра, фоний дунёда қўрқмасдан, таҳликасиз яшаш хомхаёлдан бошқа бир нима бўлмай қолади. Ушбу байтдаги тарих, тимсол, маъно ва мақсад инсонни ғафлатга берилмай ҳушёр яшашга чорлаши билан ҳозир янада ибратли. Бундай байтларнинг айтарли ҳар бири тафаккур, мушоҳада, моҳиятдан туғилгани учун уларни шунчаки ўқиб, тезгина эсдан чиқаришнинг сира иложи йўқ.

Азизиддин Насафийнинг ёзишича, «Моҳиятлар мавжудотнинг ҳақиқатлари ва улар мавжудотдан бошқадир... Барча моҳиятлар покиза ва мужаррад эрур. Моҳиятлар олами бағоят кўркам ва заҳматсиз бир оламдир... Зеро, унда ғавғо ва тафриқа йўқ. Заҳмат ва маънавий хасталик, қўрқув ва ҳузн ҳам йўқ». Алишер Навоий мана шу оламнинг «граждани» ва буюк вакили. Мутафаккир шоир маънан шу оламда кезиб, ана шу олам роҳат-фароғати оғушида яшаб, вужуд дунёсига нигоҳ ташлайди, унга муносабатларини билдиради. Шу ўринда бир нарсани алоҳида қайд этиб ўтиш зарурга ўхшайди. Навоийнинг аксарият ғазалларида, шу жумладан, шоҳбайтларида замон ва аҳли замон, давр ва даврон эли, дунё ва дунё аҳли, олам ва олам вакиллари тўғрисида кескин танқидий гаплар ифодаланган. Уларни ўқиган киши шоирни моддий оламга ва одам қавмига нафрат ё норозилик билан қаровчи бир ижодкор қиёфасида тасаввур қилиши ҳеч гап эмас. Аслида Навоийнинг мақсад-муддаоси мутлақо бошқа.

Румийнинг эътирофи бўйича, дунё дегани бу қасру иморат, молу давлат, оила ва аҳли аёлмас, балки Ҳақдан йироқлик, ундан айри яшашдир. Навоий қоралаган ва инкор айлаган олам ҳам Ҳақ ва инсон орасига парда тортган, одамни маъно-моҳиятдан йироқлаштириб, нафс тузоғидан қутулишга эрк бермайдиган бир оламдир. Шу боисдан унда ростликмас, эгрилик, вафо-садоқат эмас, жавру жафо, дарду диёнатмас, бедардлик ва субутсизлик ҳоким. Навоий ана шундай қиёфасиз, маккор, бераҳм дунё ва аҳли дунёга қарши бўлган. Бунга тескари равишда шоир маъно олами ва унга мансуб дин, илм, маърифат, ҳақиқат, адолат аҳлини улуғлагандирки, буни, албатта, инобатга олиш лозим.

Шарқ шеъриятида шоҳбайтга тез-тез дуч келинади. Мирзо Бедил шундай байтларидан бирида:

Дили мўре агар ба дард ояд,
Бо фалак ғолиби набард ояд, –

яъни: чумолининг юрагида агар дард қўзғалса, фалак билан жангга киришиб, у ғолиб бўлишга бел боғлайди, дейди. Чумолига дард шер қувватини бағишлашига қанчалик ишонилса, дардсизлик, беғамлик инсонни чумолидан ҳам ожиз, нотавон бир махлуққа айлантиришига шунчалик иқрор бўлмоқ керак. Навоий шеъриятида шунинг учун Дардга ишонч, Дард одамини шарафлаш бир изчиллик касб этган.

Устод Мақсуд Шайхзода Навоийни ғазал мулкининг султони, дея таърифлаган эди. Шоир ғазалларида шоҳбайтларнинг кўплигига асосий бир сабаб Навоийнинг чиндан ҳам ғазал мулкининг султони эканлигидир. Уларни ўқиганда сўздан сўз учқурроқ, маънидан-маъни ёлқинлироқ, оҳангдан-оҳанг маҳобатли, тасвирдан-тасвир рангдор ва жозибали бўлишига тўла ишонч туғилади. Шеъриятга доир суҳбат ва аҳли маърифат гурунгларида ўқилиб, кўпчиликни қойил қолдирган ва бир неча талқинларга илҳомлантирган байтлар ҳам шоҳбайтлар бўлган. Шоҳбайтни куй ва қўшиқнинг авж пардасига қиёслаш мумкин. Чунки шеърдаги қолган байтларга қараганда шеърхоннинг онг ва идрокига кучлироқ таъсир ўтказиб, баъзан у хотирага бир умрга ўрнашиб қолади:

Халқдин ҳар ярамас келса хуш улким, Ҳақға
Деса бўлмас: менинг учун яна бир халқ ярот.

Навоийнинг бундай байтлари бир ўқишда ёдланмаслиги мумкин, аммо маъно эсда узоқ сақланиб қолиши, шубҳасиз. Бунинг бир сири бевосита сўз қисматига ҳам тегишли. Мисра, баржаста мисра ё озода хусусида гапириладими, матлаъ, ҳусни матлаъ ёки бадиий санъатлар тўғрисида фикр юритиладими, бундан қатъи назар, шеърнинг ҳаёти ва тақдирини, аввало, сўз ҳал қилади. Керакли сўз ёки иборани ўз ўрнида қўллаш, фикр ила бир қаторда туйғу, ҳолат, руҳий манзаралар воситасида сўзни сўз билан алоқага кирита билиш – бу зўр ҳунар. Хоразмийнинг «Зоҳиру ботин хабари сўздадир», дейиши тасодифий эмас. Зеро, муносабат, маъно, дард, ҳақиқат барча-барчасининг тилмочи сўздир. Шеърият тили шу туфайли ҳам ранг, оҳанг, суврат тили. Ундаги гўзал сас, товуш ва садолар шунинг учун ҳам табиат мусиқаси қадар жонли, сеҳрли ва хилма-хил. Шоҳбайтлардаги ушбу хусусият ва фазилатларни ҳам назардан четда қолдирмаган мақбул, деб ўйлаймиз.

НАВОИЙ ШЕЪРИЯТИДА ФАНО ТАЛҚИНЛАРИ

Бадиий ижодда ҳақиқат қанча ёрқин ранг ва оҳангда тасвирланиб, моҳият нечоғли гўзал манзараларда акс эттирилган бўлса, унга шунчалик эҳтиёт ва масъулият билан қараш керак. Акс ҳолда, энг олий ҳақиқат ёки фавқулодда теран моҳият ҳам жўн ва умумий бир нарсага айланиши муқаррар. Жўнлик эса гўзаллик мушоҳадасининг кушандаси. Дид, савия пастлиги ва якравлик илм-фан учун сохтакорлик, зўрма-зўракиликдан бошқа бир нима бермайди. Афсуски, буни фаҳмлай оладиган ва шунга тан бера биладиганлар илм аҳли орасида жуда камчил. Бир пайтлар эстон адибларидан бири: «Мен бу яқин ўртада нимани тушунмаслиги ва нима қўлидан келмаслигини мардона тан олган бирор олимнинг танқидий мақоласини учратганим йўқ», деган эди. Хусусан, мумтоз адабиёт тадқиқотчиси шу хусусида ўйлаши лозим. Чунки англамаслик хавфи, бадиий матн сир-асрорига тўлиқ етиб боролмаслик ҳаммадан кўра уни кўпроқ қийнайди ва таъқиб этади. Умуман, мумтоз адабиётни тушуниш ва тўғри талқин қилиш доимо ўзига хос қийинчилик, муаммо ва мунозараларни туғдириб келган. Бу жиҳатдан тасаввуфий ижод намуналари тадқиқида аҳвол янада мураккаблашган.

Сўфиёна шеърнинг ўзига хос хусусиятлари, махсус услуби, ғоявий-бадиий тушунча ва бунинг ифодаси учун таъсирчан тасвир усуллари, яхши шаклланган мажоз ва рамзлар ти-

зими мавжуд бўлган. Буни «илми русум аҳли», яъни кашф, ҳол ва илҳом сирлари мушоҳадасидан маҳрум, фақат зоҳирий ҳақиқат ва далилларга суяниб иш юритадиган олимлар баъзан билишни ҳам хоҳлашмаган. Натижада фақат мутасаввиф шоирларгина эмас, балки ирфоний шеърият тадқиқотчилари томонидан ҳам кескин танқидий фикрлар билдирилган. Масалан, Ибн Арабий ҳақиқий ишқ, ҳол ва маърифат завқини идрок айлашга ожиз олимлар тўғрисида бундай дейди: «Улар ёлғиз ўз билганларига уйғун бўлганни қабул қилиб «Бу тўғридир», дея тасдиқ этурлар, ўз нуқтаи назари ва илмларига мувофиқ келмаганни эса рад айлаб, инкор этарлар... Аслида бу инкорчилар келтирган далилларнинг тамали мустаҳкам эмасдир. Бироқ шунга қарамай, улар шахсий фикр-қарашларини энг мукаммал, дейишдан сира чекинмаслар» («Фано рисоласи», 57-бет).

Ибн Арабий «Таржимон ул-ашвоқ» («Орзуларнинг таржимони») номли асаридаги рамз ва мажозларни тушунишда қийинчилик ва чалкашликлар бўлишини ҳисобга олиб, шунингдек, ундаги шеърлар мазмунини тўла равишда мажозий ишққа боғламасликлари учун ушбу китобига ўзи ҳатто махсус шарҳ ҳам ёзади.

«Бизнинг шеърларимизнинг ҳаммаси,-дейди буюк аллома, хоҳ маҳбубга алоқадор ҳасби ҳол билан бошлансин, хоҳ бир мадҳия бўлсин ва хоҳ аёл жамоли сифатларидан баҳс этилсин, хоҳ ирмоқ, ер, ой, қуёш, юлдуз номлари ила тўла бўлсин, буларнинг замиридаги асосий моҳият маорифи илоҳийдир. Яъни биз бир нарсани рамз этармиз, луғзлаштирармиз, аммо бундан кўзда тутганимиз бошқа нарсадир».

Тўғри, Навоий «тасаввуфдан сут эмган» шоирлар қаторига кирмайди. Аммо буюк мутафаккир шоирнинг мутасаввифлиги наинки ислом тасаввуфи, балки унинг шеъриятдаги бир неча улуғ вакиллари тажрибаларини ниҳоятда синчковлик билан ўрганиш, уларнинг маслак, мафкура ва дунёқарашларидаги асосий фарқланишларни ёрқин билишни ҳам талаб этади. Бизда эса бундай малака ҳанузгача шаклланмаган. Шунинг учун Навоий шеърда «маъно» деганда нимани назарда тутган, қандай мақсадлар учун маъно сўзини ишлатган ҳатто ана шулар ҳам илмда қаноатланарли даражада ҳал этилган, деб бўлмайди. Натижада, буюк шоирнинг:

Иста йиртуқ жанда кийганларда маъни махзанин
Ким, бу янглиғ ганжўлур ул навъ вайронлар аро, –

сингари байтлари ҳақида ё умумий ёки саёз ва тахминий фикрмулоҳазаларни баён этишдан нарига ўтилмайди. Ваҳоланки, биринчи галда маъно-моҳият сирларидан шавқланиб, «маъно махзан»ларида пинҳон ётган ҳақиқатларни кашф этишга уриниб Навоийнинг санъат дунёсига йўл очиш мумкиндир. Маъно дейилганда биз, одатда, фикр, ғоя, тушунча, мазмунни англаймиз ва шулар асосида мулоҳаза юритамиз. Аҳли ирфон эса буларни бир рўё деб билишган. Уларга кўра, маъно, энг аввало, вужудга ҳаёт бағишловчи руҳ. Маъно янгиланиши бу руҳдаги янгиланиш демак. Калободийнинг ёзишича, «Руҳ бадандаги бир маъно эрур ва бадан сингари махлуқдир» («Таъарруф», 100-бет). Бошқа бир тоифа сўфийлар нуқтаи назари бўйича, Аллоҳ билан қул орасидаги бир ҳолнинг кашф этилишига маъно дейилади. Аҳмад Яссавий:

Ё илоҳим, рўзи қилса, маъно олғил,
Маъно сўраб олған Ҳақни тобди, дўстлар, -

деганда худди ўша ҳолга диққатни тортган. Абу Наср Саррож эса йўқлик ва борлиқ орасидаги сирни маънога нисбат беради. Хуллас, маъно калимаси шунга ўхшаш ўнлаб мазмун ва ҳақиқатни қамраб олганки, қадимда буни шеършунослар сингари зукко шеърхонлар ҳам яхши билишган.

«Маъно идроки ва мушоҳадаси учун яратилганларни истисно қилганда, аслида маъно йўлини эгаллаш бағоят қийиндир», дейди «Кашф ул-маҳжуб» муаллифи. Бу қийинчиликни у, энг аввало, икки турли тўсиқ ҳижоби райни ва ҳижоби ғайни билан алоқадорликда талқин қилади. Унингча, ҳижоби райни қалбнинг қорайиши, кўнгилнинг сиёҳликка бурканишидирки, биринчидан, ҳеч пайт ундан қутулиб бўлмайди. Иккинчидан, бундай кимсалар учун маъно эшиги ва йўллари доимо бекикдир. Шунинг учун маънони фақат сиртдан англаш ва унинг зоҳирига ёпишишдан бўлак бир иш уларнинг қўлидан келмайди. Навоий буларни «аҳли суврат» дейди. Суврат чегараланган, маъно эса чексиз-чегарасиздир. Суврат ўткинчи, маъно боқий. Ана шу боисдан ҳам Навоий бутун умид ва маънавий фароғатни аҳли маънига қаратадики, улар аҳли фанонинг муқарраби ёки айни ўзидирлар:

Аҳли маъни гуруҳида зинҳор,
Ҳеч ор айлама гадолиғдин -
Ким, буларға гадолиғ ортуғдур
Аҳли сувратқа подшолиғдин.

Навоий талантли шоирларнинг ҳам энг талантлиси. Навоий фақат ёзишдамас, валоят ва орифликда ҳам ўзгаларга ўхшамайди. Султон Валаднинг қуйидаги сўзлари ушбу ҳақиқатни англашга яқиндан ёрдам беради, деб ўйлаймиз: «Авлиёнинг шеъри, энг аввало, тафсири Қуръондир. Зеро, авлиё ўзларидан фано бўлиб, Ҳақ ила бақо бўлгандирлар. Уларнинг тирикликлари ва фаолият кўрсатишлари Ҳақдандир... Аксарият шоирларнинг шеърлари эса фикр ва хаёл маҳсулидир. Авлиёнинг шеъри шоирларнинг ўйлаб топилган, ёлғон, таъма, муболаға ила тўқилган шеърларига ўхшамайди. Лекин валий шоирларнинг шеърларини ҳам улар ўзларининг шеърларидай, деб тасаввур қиладилар. Билмасларки, ҳақиқатда авлиёнинг феъллари ва сўзлари Яратувчидандир, яратилмишнинг унда жойи йўқ...» («Ибтидонома», бб-бет).

Хондамирнинг Навоий ҳақида:

Аз ақли ту ҳақоиқи тибён мубаййин аст,
В-аз қавли ту дақоиқи Қуръон муфассир аст, -

деган сўзлари юқоридаги гапларнинг айни бир тасдиғига ўхшайди.

Албатта, Навоий ҳеч қачон валийликни даъво қилмаганидек, ҳеч вақт сўзи ва шеърининг илоҳий робитасига урғу ҳам бермаган. Аммо у ўздан фано бўлиб, Ҳақ ила бақоликка эришиш ҳоли, майл ва изтиробларини шеърларида бутун мураккаблиги ила талқин қилган. Бунга ишонч ҳосил этиш учун Навоийнинг фано тўғрисидаги ва бевосита фано тушунчаси билан алоқадор фикр-мулоҳазаларини тадқиқ ва талқин этиш етарлидир. Фақат бунинг учун ишни фанонинг тасаввуф таълимотидаги мавқеи ва маъноларини чуқурроқ билишдан бошлаш лозим бўлади[1].

[1] Қаранг: Ҳаққул И. Занжирбанд шер қошида. Тошкент, 1989; Шу муаллиф. Та- саввуф ва шеърият. Тошкент, 1991.

Озарбойжон файласуфи Мирза Фатали Охундов Жалолиддин Румий ҳақидаги мақоласида «на ҳинд философлари, на ислом файласуфлари фано тушунчасининг мағзини оча олган»ликларини таъкидлайди. Дарҳақиқат, фано, яъни ўзликдан кечиб, бутун борлиққа қўшилиб кетиш ғояси дастлаб Будда томонидан илгари сурилган. «Инглизлар Ҳиндистонни мустамлакага айлантириб олганларидан сўнг Ғарб файласуфлари фанонинг асл мазмунини талқин этишга жиддий интилсалар-да, бунинг имконсизлигини тушундилар», дейди Фатали Охундов («Избранные философские произведения». С. 260). Бу фикрга ишонса бўлади. Зеро, фанонинг туб ва хилма-хил мазмуни динда эмас, тасаввуф заминида очилади.

Фанонинг тарихи, асл моҳияти ва илмий-назарий, фалсафий-ирфоний талқинларини билиш тасаввуф сир-асрорини зарур даражада англаш билан қарийб тенг туради, деса муболаға бўлмайди. Бу эса Шарқ тасаввуф адабиётига киришни анча осонлаштиради. Фано ва бақо калимаси зоҳир илми вакиллари орасида бир маънода, тасаввуф аҳли томонидан бошқа мазмунларда қўлланилган. Жонли халқ тилида бу дунёда нима ўткинчи, нимаики бебақо бўлса, ҳаммаси фано ва фонийликка нисбат берилган, бунинг тескарисини тасдиқлайдиган нарса ёки ҳақиқатлар бақо ва боқийлик ўлароқ қабул қилинган.

Адабиётшунос олим, хусусан, тасаввуф адабиёти тадқиқотчиси фано муаммосини фақат адабий материаллар, яъни бадиий матнга таяниб ҳал қилишга ҳар қанча уринмасин, тахминий фикр-мулоҳаза ва талқинлардан бошқа ҳеч қанақа натижага эришолмайди. Бу даъвони тасдиқлайдиган далиллар кўпайиб кетди. Улардан айримлари наинки адабиёт, балки тириклик ва инсон манфаатлари учун ҳам фойдасиз. Ахир, Навоий ижоди учун фақат илоҳий-тасаввуфий таълимот асос бўлмаганидек, шоирнинг адабий-бадиий мероси эмас, диний-ахлоқий фалсафаси муҳим, деган хулосани биз ҳеч пайт тўғри, дея олмаймиз. Ҳамма нарсанинг ўз ўрни, мезони ва мувозанати бўлади. Булар бузилса, моҳият бузилади, ҳақиқат зиён топади. Яна бир мулоҳаза. Жаҳон ва рус адабиётшунослигини имкон етгани қадар билиш, уларнинг тажрибаларидан сабоқ олиш керак. Лекин бошқа халқ, бошқа дин, бошқа дунёқараш ва бадиий мушоҳадага асосланган адабиётга доир илмий-назарий фикрларни мумтоз адабиётимиздан олинган мисоллар билан мувофиқлаштириб, «янгилик» яратишга уринмаслик лозим. Бу ҳам тамали бўш, ҳар турли илмий терминлар билан қанчалик хаспўшланмасин, истиқболсизлиги сезилиб турадиган бир илмбозликдир. Узоққа бормасдан, фанонинг ўзини олайлик. Бу масалани холис ва ҳаққоний ёритиш учун, биринчи навбатда, Шарқ олимларининг қаламига мансуб асарларга мурожаат этиш зарур. Бу ўринда Жунайд Бағдодийнинг фано назариясига оид рисоласи, Калободийнинг «Таъарруф», Қушайрийнинг «Рисолаи Қушайрий», Ҳужвирийнинг «Кашф ул-маҳжуб» асарлари сингари ўнлаб китобларни эслатиб ўтиш мумкин. Бу қадимий манбаларни тилга олишдан яна бир мақсад: улардаги фикр ва талқинлар билан танишмасдан туриб, фано тушунчаси Европа шарқшунослигида кўпинча нотўғри ёритилганлиги, христиан, хусусан, ҳинд мистикасига дахлдор мулоҳазалар билан у бузиб шарҳланганлигига иқрор бўлишнинг иложи йўқдир. Аммо инсоф юзасидан, бундай чалғиш ва хатолар тарихан Шарқдан бошланганлигини ҳам қайд этиб ўтиш жоиз. Ҳужвирий «Кашф ул-маҳжуб»да бу ҳақида махсус тўхталиб, фанонинг ботиний маъносини англашда хатога йўл қўйган жоҳил сўфийларни танқид қилади. Бу хато қараш неча ўн йиллардан буён бизда такрорланиб келаётган, сўнгги пайтларда субъектив мулоҳазалар билан бойитилган бир даъво, яъни фанофиллоҳ мақомида инсон ўзининг шахсини бутунлай маҳв айлаб, Аллоҳ ила бирлашиб кетади, деган сафсатанинг айни ўзи-

дир. Аслида, инсон ўз зотидан кечиб, башарий бурчини бир четга суриб, Аллоҳ вужудига сингиб кетолмайди. Ҳақ ёки маърифат йўлчиси халқ ишқини камолга етказиш, халққа том бир холислик, содиқлик иштиёқида хизмат қилиш маслаги ила Ҳаққа интилади. Бир жиҳатдан, фано ошиқ ва ориф учун мақсад эмас, восита ва тажриба усулидир. Шу восита ва усул билан у ўзининг ахлоқини поклайди, руҳини тарбиялайди тафаккур меҳнатини янги босқичларга кўтаради, энг асосийси, башарий иродасига хос кучсизлик ва ожизликлардан қутулади. Шунинг учун ҳам Навоий ғазалларидан бирида:

Кўнгул фано кунжидин зўр бозу истарким,
Вужуд панжасини англамиш бағоят шах, -

дейди ва фанонинг кучига алоҳида урғу беради. Тарихий маълумотларга кўра, илк маротаба Абу Саид Харроз фано ва бақодан баҳс юритиб, ўзининг тариқи, табиатидаги барча сирни шу икки калимада мужассамлаштирган экан. Умуман, мутасаввифлар ва тасаввуф адабиёти вакиллари фано ва бақодан сўз очиб, талқинга киришганда, албатта, Қуръони каримга асосланишган. Қуръоннинг бир неча суралари, жумладан, «Наҳл» сурасидаги: «Сизларнинг ҳузурларингиздаги нарсалар фоний, Аллоҳ даргоҳидаги нарсалар боқийдир», мазмунидаги оятлар фано ва бақо назариясининг тамалини ташкил этади. Бунда фақат умумий тарзда ўткинчидан абадийни фарқлаш ёхуд ажратиш майли эмас, балки яхшидан ёмонни, ожизликдан куч-қувватни, маънавий тубанликдан юксакликни, бир сўз билан айтганда, барча ноқисликлардан комилликни бехато фарқлаш истаги ҳам ўзининг ифодасини топган. Чунончи, абадиятни ўткинчиликдан ахтариш, фанолик шавқи ила боқийликни қўлга киритиш матлаби, Шарқ мумтоз адабиётининг сирли ва қизиқарли нуқталаридан бири бўлганлиги боис ҳам Навоий «менга ишрат ери кунжи фано бас», деган.

Абу Наср Саррожнинг таърифлашича, фано нафснинг ёмон сифатлардан халос бўлиши ва покланиши. Юзага келган гўзал ҳолга таслим бўлиш ёки унга тўсиқ бўлмасликдир («ал-Лумаъ», 334-бет). Навоий ҳам ўнлаб байтларида фанони айни шу мазмун ва мақсадда талқин қилади, фоний бўлиш, яъни нафсни поклашни ишқ ва висолнинг олий йўли сифатида тарғиб этади:

Фоний ўлғил, тиласанг васлки, бу йўлда эрур,
Хирқаву дафтару тасбеҳу мусалло офат.

Баъзи тадқиқотчилар фанони бир неча босқичга ажратиб тавсифлашган. Биринчиси, хулқдаги фано. Бу – ахлоқни нафсоний ва ҳайвоний завқ, лаззат ҳамда орзулардан халос айлаш. Иккинчиси, қалб ва руҳдаги фано. Бу қалб ҳаётини бузадиган, руҳ латофатини емирадиган ҳис, туйғу, кайфиятларга барҳам бериш. Учинчиси, сирдаги фано. Бу ишқ камолига халақит берадиган ҳамма даъво ва иддаолардан кўнгилни форғ айлаш. Мана шулардан ҳар бирининг натижа ва ҳосиласи комилликдирки, Навоий деярли барча шеърларида бунинг жуда ибратли ва хилма-хил образли тасвирларини яратган. Навоий, ҳеч шубҳасизки, фано мавзуининг мураккаблигини ҳам, уни тушунишдаги фарқланишларни ҳам, айрим тариқатларда унинг ўлим билан чуқур боғланганлигини ҳам яхши билган. Шунинг учун мутафаккир шоир «Фавойид ул-кибар» девонидаги бир ғазалида:

Дединг: «Фано недурур?» Мухтасар дейин: «Ўлмак!»
Ки, шарҳини тиласанг, юз рисола бўлғусидур -

дер экан, масалага тор қарамаслик, юз рисолага сиғиши мумкин бўлган фикр-мулоҳазалардан хабардор бўлмоққа ҳам чорлаган эди. Чунки улуғ шоир девонларидаги фанога тегишли маъно ва туйғулар, «фано туфроғи», «дайри фано», «фано майи», «фано майхонаси», «фано қуюни», «фано шоми», «фано мулки», «фанонинг фаноси», «фанойи мутлақ», «фанойи ишқ» сингари ўнлаб истиоравий иборалар мазмунини таҳлил ва талқин этиш учун ҳам бир эмас, бир қанча мўътабар манбаларга қайта-қайта мурожаат этиш лозимдир. Биз эса асосан луғатлардаги шарҳ ва изоҳлар билан чекланганлигимиз туфайли Навоий талқинларидаги фано ва фанолик сирларини моҳиятга мос равишда кўрсатиб беролмадик.

Фанонинг ҳам фаносин истагил васл эрса комингким,
Бу йўлда восил ўлмакнинг тариқи ушбудур ушбу, -

дейди Навоий. Бундаги «фанонинг фаноси» нимани англатади? Ўлим ёки Аллоҳга ўзни қурбон этишними? Бошқа нарсани – буюк бир завқ ичида қолган инсоннинг алам ва андуҳлардан тўла-тўкис йироқлашиш орзусини акс эттиради. Фанофиллоҳ мақомига етишиш -ҳаётга, инсоннинг ўз ҳамжинслари хизматига қайтишининг янги йўли. Бунда инсон шу даражада покланиб, орифлик, холислик, меҳр-мурувват хислатларини шу даражада камол топтирганки, бундай зотлар учун ХИЗМАТ энг олий матлаб, муҳтожларнинг оғирини енгил қилиш икки дунё саодати. Калободийнинг ёзишича, «Бундай кишилар ўзгаларни тарбия ва идора айлаш салоҳиятига соҳибдурлар. Чунки улар фано ҳолидан бақо ҳолига кўтарила билганлар. Буҳолдаги тасарруфлари нафс туфайли эмас, Ҳақнинг сифатлари биландир». Ана шу боисдан ҳам Алишер Навоий инсон эрки, ҳуррияти, шахснинг ўз сўзи, иродасига ҳоким бўла олиш иқтидорини фано ва фанолик номи билан боғлиқликда талқин қилади:

Фано майхонасида қил гадолиғ,
Десангким, бўлмайин султонға муҳтож.

Фано ҳоли – инсоннинг ўз ботинида шакллантириладиган амалий дарвешлик. Бу дарвешликнинг тариқатга мансуб дарвешликдан фарқли ва афзал жиҳатлари кўп. Биринчидан, бунда дунёга таҳқир назари билан қаралмайди, одамлардан қочиб, узлатга чекинилмайди. Балки ўзидаги нафсоний, шайтоний ва ҳайвоний ҳирслар таҳқирланади, шулардан қочилади. Иккинчидан, қанчалик қийин ва машаққатли бўлмасин, инсон «қиёмати суғро» кичик қиёмат, дея аталган иккинчи маънавий туғилиш, яъни тама, риё, нафсу ҳаводан буткул халос бўлган, фақат илму-маърифатга суянадиган янги қудратли «мен»ига эришади. Учинчидан, олам ишқ, маърифат ва ҳақиқат нури билан мушоҳада этилади. Шу маънода фано ҳоли ташқи таъсирларга берилмаслик, маломатда саломат бор, деган тушунчага амал қилиш ҳолидир.

Фано ва бақо доимий равишда Навоийни қизиқтирган, инсон қисмати, ҳолати ва камолоти хусусида янги-янги фикрларни илгари суришга илҳомлантирган бир тушунча. Буни махсус тадқиқ этиш навоийшунослик учун ҳам фойда, ҳам янгилик бўлиши шубҳасиз.

«Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 2006,1-сон

«РУҲ РАҲМОНИ ЭРУР...»

Алишер Навоийнинг ғазалларидан бирида шундай гап бор:

Дедим, назм аҳлининг сархайли ким бўлғай, деди ҳотиф,
Навоий бўлғай, улким сен тилайдурсен агар бўлғай.

Навоий ҳақиқатда ҳам шоирларнинг сардори барча давр туркий шеъриятининг султонидир. Алишер Навоий шеърияти санъаткорликнинг буюк мактабигина эмас, ҳақиқий мезони ҳамдир. Навоий ижод тажрибаларига таяниб адабиёт тараққиёти ҳақида мулоҳаза юритишимиз ёки «Шоир ким, унинг асосий ҳунари нима?» – деган сўроққа аниқ жавоб топмоғимиз мумкин. Мен гоҳо Навоий яшаб ижод қилган даврни ўзимча хаёлан тасаввур айлаб, Ҳазрат шеъриятининг ўқувчилари, мухлисларини бирма-бир кўз олдимга келтиришга уринаман. Улар кимлар? Энг аввало, шоирлар, ижодкорлар Гўзаллик ва шеъриятнинг сир-асрорини ҳам, қадр-қимматини ҳам чуқур англай оладиган кишилар. Кейин илм аҳли, Навоийга олимларнинг шоири, шоирларнинг олими, деб қараган, Навоийни илм-фаннинг толмас муҳофизи, буюк маърифатпарвар ўлароқ эъзозлаганлар. Яна бир тоифа: Навоий асарларида фалсафанинг энг мураккаб, энг долзарб муаммолари ҳам шеър тили ила бағоят гўзал тарзда талқин қилинишига тан берган файласуфлар. Хуллас, Алишер Навоий шеърияти гулшанидан баҳрамандлик кўнгил эҳтиёжи бўлиб қолган мусаввирлар, муғаннию ҳофизлар, давлат ва ҳокимият соҳиблари, Ҳақ йўлчилари дарвеш, фақир, ориф ва ошиқлар, мадраса талабалари, дин ва шариат вакиллари, косиблар, ҳунармандлар, деҳқонлар...

Эҳтимол, бу қайдлар кимларгадир эриш туюлар. Лекин эриш туюлмаслиги керак. Оддий китобхонни қўя турайлик. Шоир шоирнинг, ёзувчи ёзувчининг ёзган нарсасини ўқимай қўйган замонда, ўқувчининг дид, савия ва ички талаблари деярли унутилган бир даврда, кўпчиликнинг Навоийга қизиқиш сабаблари тўғрисида ўйласа асло зарар қилмайди.

Дарвоқе, бундан бир неча йил аввал матбуотда «Навоий хослар шоири», деган бир фикр айтилган эди. «Хослар» алоҳида тоифа, демак. Одатда аҳли тасаввуфга хослар дейилади. «Аъхос» хосларнинг хоси, «хос»-сараланган кишилар жамоаси ёки маъни эранлари, «авом» саводсиз ёхуд саводи паст оддий халқ, «аъом» авом даражасига ҳам кўтарилмаганлар гуруҳи. Булар тасаввуфий истилоҳлар. Шунинг учун на тасаввуфий нуқтаи назардан, на илм, савия, маданият мезонига кўра Навоийни «хос»лар шоири дейиш ҳақиқатга мутлақо мувофиқ келмайди. Навоий шоҳнинг ҳам, гадонинг ҳам, ошиқнинг ҳам, орифнинг ҳам ҳамма ҳамманинг шоири. Навоий шеъриятидан ким нимани ахтарса, шуни топади. Фикран ва руҳан ким нимага талабгор бўлса, унда барчаси мавжуддир. Ҳатто золим ва жоҳил, нодон ва гумроҳ ҳам Навоий шеърларидан шифо топади. Чунки Навоий шеъриятида битта бош мақсад бор комиллик. Битта сарбон туйғу мавжуд комиллик туйғуси. Асосий биргина нур манбаи бор ишқ:

Бўлмаса ишқ икки жаҳон бўлмасун,
Икки жаҳон демаки, жон бўлмасун.

Нега? Негаки икки жаҳоннинг ҳам мазмун-моҳияти ва саодати шу ишқ-у ошиқликдадир.

Комиллик тўғрисида сўз юритилган айрим қадимий китобларни ўқиганда, комиллик мақоми замин одамига насиб этмайдиган бир юксакликка ўхшаб туюлади. Тўғри, комил инсон мартабасини эгаллаш сермашаққат риёзат ва назоратни талаб этадиган иш. Тасаввуфий мазмундаги комиллик шартлари янада оғирроқ. Лекин Навоий масалани мураккаблаштирмайди. Аксинча, ҳар қандай мураккаблик ва қийинчиликни осон ҳал қилиш йўли ёки усулларини кўрсатади. Шулардан бири, эҳтимолки биринчиси, комиллик даъвосини дилдан супуриб ташлаб ноқисликка нигоҳни қаратиш, яъни ўз нуқсонларининг мушоҳадасига киришиш:

Ноқис улдурким, ўзин комил дегай,
Комил улким, нуқсин исбот айлагай.
Ўз камолидин демас аҳли камол
Аҳли нуқсон ичрадур бу қилу қол.
Сенки нуқсон ичра комилсен, басе,
Олим ойтиб ўзни, жоҳилсен, басе, –

дейди шоир. «Нуқсон ичра комил»лик дегани нима? Бу нафс панжасидан халос этилмаган ўзлик. Навоийнинг комиллик маслаги нафс ҳукмронлигидан бутунлай озод янги бир руҳоний «Мен» салоҳияти ва қудратига асосланади. Инсоннинг имони ва виждонини ана шу «Мен» ўз тасарруфига олмагунча, у ҳеч қачон комиллик завқига етиб боролмайди. Ҳурлик, эзгулик, ҳақиқат тўғрисидаги иддаолар шунчаки қуруқ гап бўлиб қолаверади. Шарқнинг буюк шоирларидан бири «Аллоҳни жуда очиқ кўришни истасанг, «Мен»ни жуда очиқ кўришга ўрган», деганда нафс учун «ўлган» руҳ учун ҳаёт бошлаган ўша янги «Мен»ни эътиборда тутган. Навоий бир ғазалида:

Руҳ раҳмони эрур, нафс эрур шайтони,
Иккисин бир-бирига қўшмоқ эмастур машрут, -

деркан, худди шу «Мен» тақдири учун жавобгарликка чорлагандир. Инсон қисмати ва маънавиятида тасаввур этиб бўлмас ўзгариш, ғаройиб янгиланишлар ижодкори бўлмиш ушбу «Мен» хусусида сўзлашимизнинг яна бир сабаби бор. Азизиддин Насафий «Комил инсон» номли китобида ёзади: «Билгилки, комил инсон қуйидаги тўрт нарсага мукаммал шаклда эга бўлган инсондир. Уларнинг биринчиси яхши сўз, иккинчиси эзгу фаолият, учинчиси гўзал ахлоқ, тўринчиси илм». Бу тўрт нарсага эришган киши комил бўлиши мумкин, бироқ ҳурлик шавқини қўлга кирита олмас экан. Сабаб? Чунки у ҳали тарк ва фано ҳолининг мададига муҳтождир. Чунки у яхши ахлоқ, яхши амал ва илмда нечоғлик илгарилаган бўлмасин, тўла маънода кўнгил тозалиги ва осудалиги, фориғлик ва холисликни умр мазмуни даражасига кўтармоққа қодир эмасдир. Хўш, нима қилиш керак? Фано «тажриба»сига таяниш, фано ҳолидан нажот кутиш лозим. Навоий ғазалларидан бирида бундай дейди:

Дединг: «Фано недурур?» Мухтасар дейин: «Ўлмак!»
Ки, шарҳини тиласанг, юз рисола бўлғусидур.

Бизда фано шарҳида бирор рисола ҳам йўқ. Шунинг учун ўша мухтасар шарҳ: «Ўпмак, йўқ бўлмак»дан бошқасини деярли билмаймиз. Ҳолбуки, Навоий девонларидаги неча юз-

лаб байтлар, бутун бошли ғазаллар фано талқинига бағишланган. Мана, ўша байтлардан айрим намуналар:

Кирсанг фано тариқиға девонавор кир,
Ул важҳдинки, ақл бу йўлда ақиладур.

Ёки:

Фано майхонасида қил гадолиғ,
Десангким, бўлмайин султонға муҳтож.

Фано тариқининг бош талаби ва туб моҳиятини шундай шарҳлаш мумкин: инсоннинг ихтиёр ва иродаси унинг сифатлари, бошқача айтганда, шахснинг сифатлари унинг ихтиёр ва иродасини ифода этади. Лекин ўзининг башарий иродаси билан у Ҳақдан ажралган. Яъни ирода ўртадаги ҳижоб. Демак, инсон ўз-ўзича ноқислик, ожизлик, кучсизликларини бутунлай енга олиш имкони ва иқтидорига эга эмас. У фоний нарсадан кечиб, боқийга эришмоғи лозим. Ҳақ иродаси ҳам азалий, ҳам қудратлидир. Илоҳий ирода эгаси бўлиш эса, юқорида айтганимиз, одамнинг барча махлуқотлардан буюклиги ва устунлигини намойиш этадиган қудратли «Мен»нинг туғилишидир. Шунинг учун ҳам Навоий:

Дема жоми фано ичра эзилмиштур ажал заҳри,
Навоий, жон бериб, ул жомни чекмакдур армоним, -

деб ёзган.

Маълумки, комил инсон тушунчасини тасаввуфга биринчи бўлиб Муҳйиддин Ибн Арабий олиб кирган ва назарий жиҳатдан асослаб ҳам берган. Унингча, «Инсони комилдан юқори мукаммал бир мавжудлик йўқдир. Бу дунёда, инсонлар орасида камолга етишмаганлар ҳайвони нотиқа улар фақат сувратда инсондирлар, холос». Бу фикрлар беихтиёр Навоий бобомизнинг бир қитъаларини хотирга келтиради:

Аҳли маъни гуруҳида зинҳор,
Ҳеч ор айлама гадолиғдин
Ким, буларға гадолиғ ортуғдур,
Аҳли суратға подшолиғдин.

Демак, «аҳли маъни» – комил инсонлар, «аҳли сурат» – комиллик насиб қилмаган кимсалар. Навоий шеърияти комиллик фазилати ва ҳақиқатларининг мислсиз бир бадиий қомуси. Биз энди унга мутлақо бошқача қараб, мутафаккир бобомизнинг шеър ва достонларини чуқур ва ҳаққоний ўқиб ўзлаштирмоғимиз зарур.

“Ўзбекистон овози» газетаси, 2001 йил 8 февраль

«НЕ КЕЛМАК АЁН БУЛДИ, НЕ КЕТМАГИМ...»

Навоий дин нуқтаи назаридан улуғ илоҳиётчи, яъни Художўй, фикр эътибори билан буюк мутафаккир, мутлақо эркин мушоҳадали Шахс, ижодкорлик маъносида эса санъаткор. Дин, тафаккур, санъат – булар Навоий шахсида ҳам, шеъриятида ҳам бир-биридан ажралмайди. Навоий ҳеч вақт яхшиликни ҳақиқатдан, ҳақиқатни гўзалликдан ажратиб талқин этган эмас. Навоийда ҳақиқат фақат ГЎЗАЛЛИК орқали юз очади.

Мана, дин масаласини олайлик. Дин боқий таълимот. Диннинг абадияти ҳам, оламнинг абадий дини ҳам Аллоҳ ишқидир. Шунинг учун ориф одам ҳар бир улуғ диннинг «пойтахти»да Худо ҳокими мутлақлигини яхши билади.

Навоийнинг динга муносабатидаги бош нуқталардан бири, балким, биринчиси ана шудир. Навоий Руҳоният оламига йўл очувчи, бутун шеърияти давомида Аллоҳни идеал мавжудлик сифатида тасвирлаган санъаткордир. Эҳтимол, шу боисдан ҳам Навоий шеърларининг таркибида барча нарса илоҳийлашган. Шоир мисраларидаги «тимсол» ва «белги»лар ҳам Аллоҳдан хабар етказиб туради. Навоий шеъриятидаги Нур ҳусни мутлақ нуридир. Навоий ижодиётида ислом динининг таъсир қудрати ва улар ўртасидаги руҳий, ахлоқий, маърифий боғлиқликлар узоқ вақтлар давомида сохталаштирилиб, нотўғри талқин этиб келинганлиги ҳаммага маълум. Афсуски, ушбу масалани ўрганиш ҳозир ҳам тўғри ва кенг йўналишини топгани йўқ. Мен бир мақоламда «...Алишер Навоийнинг кўпгина ахлоқий, ижтимоий, маънавий қарашлари ислом таълимоти билан боғлиқ. Лекин шунга қарамасдан, Навоийнинг ижодий тажрибаларини диний мезонда баҳолаш ёки уни диний ақидаларнинг тарғиботчиси сифатида улуғлаш мумкин эмас. Чунки, Навоийнинг илҳоми ҳам, санъаткорлик меҳнатлари ҳам диний тушунчалар доирасига сиғмайди», деган фикрни айтган эдим. Ўшанда дин вакилларидан бири бунга жиддий эътироз билдириб, танқидий мулоҳазаларини матбуотда эълон қилди. Мен бу ерда мулоҳазага киришмоқчи эмасман. Қолаверса, Навоийни диндорликдан «қутқариб» қолиш ниятим ҳам йўқ... Демоқчиманки, ижод ва ижодкорлик психологиясини чуқур билмасдан туриб, санъат қонуниятлари, айниқса, унинг дунёни образли идрок этиш эҳтиёжларини ҳисобга олмай, Навоийнинг умуман динга муносабатини ҳаққоний баҳолаш мумкин эмас. Бунинг учун узоқдан далил-исбот ахтаришга ҳожат йўқ. Агар дунёни билиш масаласига диний томондан қарайдиган бўлсак, инсон дунёни тўлиқ билишдан ожиз. Уни батамом билиш эса Аллоҳга хосдир. Бироқ инсонга ҳам Аллоҳнинг илмидан зарра янглиғ бўлса-да, берилганлиги маълум. Шунинг учун инсон ҳам ўзига яраша нималарнидир билиш салоҳиятига эга. Лекин бу билиш мутафаккир инсонларни, аксарият, қониқтирмайди. Шунинг учун ҳам Навоий ҳаётда ўзини қийнаган барча муаммолар, изтироб ва дардларга, айтайлик, тўла-тўкис жавоб топганида:

Қуёш йўққи, бир зарра моҳиятин
Топа олмади саъй ила фикратим.
Не келмак аён бўлди, не кетмагим,
Не мабдаъ яқин бўлди, не ражъатим.
Не касби улум этти ҳал мушкилим,
Не тутти илик тақвою тоатим, –

дермиди? Алишер Навоий ҳақиқат ахтарувчигина эмас, балки унинг ижоди образли ҳақиқатнинг энг юксак намунаси, яъни мислсиз Маърифат тажассумидир. Қайси жиҳатдан ёки қайси нуқтаи назардан Навоийга мурожаат этмайлик, мана шу моҳият доимо эътиборда турмоғи шарт.

Бизнинг классик адабиётимиз ҳозирги замон масалаларига бугунги ёзувчи, шоирларнинг асарларига қараганда аниқ, теран ва таъсирчан жавоблар бера олади. Шу жиҳатдан ҳам Навоийга тенг келадиган санъаткор йўқ. Навоий туркий тил, туркий руҳият ва туркий тафаккурни шундай юксак чўққиларга кўтарганки, буни фақат орзу қилиш мумкин.

Қушқа юнг маскан аро хушроқ дурур озодлиғ,
Бўлғанидан банд аро сайёди ипак доми била, -

дейди шоир бир ғазалида. Ҳатто қушга ҳам қарамлик ва кишанни раво кўрмаган шоирнинг инсон эрки ҳақидаги қарашларини энди ўзингиз тасаввур қилаверинг. Октябрь инқилобидан сўнг қуллик, қарамлик, қўрқоқлик, мутелик қон-қонимизга сингиб борган сайин биз Навоийнинг эркинлик фалсафаси, чинакам инсоний ҳурлик тасвирланган фикр-у туйғуларидан йироқлашдик. Биз Навоий олдида гўё бахтимизни, ҳурлигимизни кўз-кўз этдик. Лекин зулм ва истибдод соат сайин бизнинг нодонлик ва жоҳиллигимизни кучайтирди, фикрий ва маънавий ҳалокат гирдобига тортди. Хулоса шуки, Навоийни бошқача ва қайтадан ўқиб-ўрганмоқ керак. Ана шунда қилинган анча ишлар нурсиз, ҳатто, аянчли бир тарих бўлиб қолажак. Бу эса халқимизнинг ақлан, руҳан янги тарихга одим ташлаётганидан бир нишона бўлажакдир.

АЛИШЕРНИНГ ТУҒИЛГАН КУНИ

Дунёнинг гўзаллиги, завқ-шавқи инсон билан. Одамсиз олам ташландиқ бир маскан. Унда на файз, на қувонч ва сурур бўлади. Шунинг учун қанақа шарт-шароитда яшаб, қандай қийинчиликлар гирдобида вояга етмасин, инсоннинг туғилиши барибир қувончли ҳодиса. Ҳатто йўқсиллик ёки ўксиклик қўли билан вужуди йўргакланганда ҳам. Донишманд шоир Ғафур Ғулом:

Туғилган кунимни эслай олмайман,
Ташаккур айтилса арзигули тонг, –

деганда нақадар ҳақ эди.

Эндигина дунёга келган чақалоқ йиғиси нимадан хабар беради? Бахтданми, бахгсизликданми, мардликданми ё жасоратданми, қўрқоқлик ёхуд хиёнатданми буни ҳеч ким билмайди. Қисматида унинг нима битилган: эл-юрт қайғусида куйиб-ёниб яшашми ёки нафс ва шайтон қўғирчоғига айланиб, ўз қавмига кулфат келтиришми буни ҳам ҳеч кимса аниқ башорат этолмайди. Аммо бир нарса ҳақиқат. Энг нодон кимса ҳам бир доно, оқил фарзанд кўришни орзу қилади. Ҳеч қайси каззоб ва муттаҳам болам ўзимга ўхшасин, менинг изимни боссин демайди. Ақл ва тафаккур, диёнат ва тўғриликнинг безаволлиги ҳам ана шунда. Ҳақиқат нури шунинг учун сўнмайди. Ростлик шунинг учун енгилмайди.

Ном танлаш, фарзандларига исм қўйиш – бу ҳар бир миллатнинг юксак мурод-мақсади, тарихга муносабати, келажакка не умид ила қарашига дахлдор ишдир. Ўзбеклар орасида Муҳаммад, Жалолиддин, Темур, Бобур каби номлар нега кенг тарқалган? Нега бизда Алишер энг азиз, энг севимли исмлардан? Чунки ҳар бир ота-она фарзандининг ана шу буюк зотларга ўхшаши ва улар ҳаётидан ибрат олишини истайди. Орзуга эса айб йўқ...

Биз Алишер деганда ҳам, Навоий деганимизда ҳам юракда фахр-ифтихор туйғуси уйғонади. Биз Навоий туғилган кунни халқимиз маданий-маънавий ҳаётидаги унутилмас сана сифатида қадрлаймиз ва нишонлаймиз. Чунки бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас.

Маълумки, Алишер ҳижрий йил ҳисоби билан ўн еттинчи рамазон ойи 844 товуқ йили милодий ҳисоб билан 1441 йил 9 февралда Ҳиротнинг Боғи Давлатхона деган мавзеида таваллуд топган. Алишер туғилган хонадон Ҳиротнинг энг обрўли, аслзода ва маърифатли оилаларидан эди. Бу оилага Алишер олиб келган қувонч, Алишер билан бирга туғилган орзудан келажакда илм, ирфон ва адабиёт оламида қандай кашфиёт, одамзод ақл-идрокини ҳайратга солгувчи қандоқ мўъжизалар пайдо бўлишини ҳали ҳеч ким хаёлга ҳам келтирмасди.

Алишер туғилган кун. Бу Шарқда худди Низомий, Мавлоно Румий, ҳазрат Абдураҳмон Жомийга ўхшаб ва бетимсол бир даҳо кўз очган қутлуғ кун. Энг хосиятли кун.

Алишер туғилган кун. Бу-худди Данте, Шекспир, Гёте, Пушкин ва Толстой бобоники каби башарият хотирасида ҳеч ўчмас, инсоният мавжуд экан, қайта-қайта эсланаверадиган шарафли сана.

Алишер туғилган кун чин маъноси ила шеърият ва тафаккур байрами. Шу куни каттаю кичик боғча боласидан бошлаб, кексаларимизгача ҳамма-ҳамма навоийхонлик Навоий хонлик қилади. Минг-минглаб юртдошларимиз тилида Алишер Навоийнинг исми шарифи, дурдона фикрлари, шоҳбайтлари такрорланади. Қани эди бутун йил мобайнида шундай бўлса. Навоийни тушунадиган, севадиган, ҳаётни, замон ва келажакни мутафаккир бобомиз орзу этгандай мушоҳада этишга қодир ўзбекнинг сони янада ортса. Ижодкорларимиз, олимимиз Навоийга ворисликни чуқур билса... ўзлигини танишда ҳам, миллат туйғуси равнақида ҳам ўзбек ҳеч пайт ҳеч қайси халқдан камлик сезмасди. Чунки Навоий асарлардаги теран сўзлар, энг аввало, нафсу ҳаво, кибру риё оташини сўндиради. Навоийни ўқиш кишини ҳеч тенги йўқ мақом – ишқ ва одамийлик мақомига юксалишга илҳомлантиради. Бу эса энг асосийсидир.

«Халқ сўзи» газетаси, 2008 йил 8 февраль

ШАРҲ ВА ТАЛҚИНЛАР

«ПАРИМ БЎЛСА, УЧУБ ҚОЧСАМ...»

Парим бўлса, учуб қочсам улустин то қанотим бор,
Қанотим куйса учмоқдин, югурсам то ҳаётим бор.
Чиқиб бу дайрдин, Исоға невчун ҳамнафас бўлмай,
Биҳамдиллаҳ, тажарруд бирла ҳиммatдин қанотим бор.
Халойиқ суҳбатидин минг ғамим бордурки, муфт ўлғай,
Агар минг жон бериб билсамки, бир ғамдин нажотим бор.
Чекиб ағёрдин юз жавру, тортиб ёрдин минг ғам,
Не ўзга халқдин ғайрат, не ўзумдин уётим бор.
Кечиб кўздин ёзай бир хатки, даҳр аҳлиға кўз солмай
Бу дамким, кўз саводидин қора, кўздин давотим бор.
Тилар кўнглум қуши анқодин ўтса нари юз водий,
Мунунгдек сайр этарга Қофдин ортуқ саботим бор.
Навоий, билки, шаҳ кўнгли манга қайд ўлмаса, биллаҳ,
Агар кавнайнға хошок чоғлиғ илтифотим бор.

Бу ғазал «Хазойин ул-маоний»нинг илк девони «Ғаройиб ус-сиғар»дан ўрин олган (133-ғазал). Ирфоний руҳдаги ушбу шеърда сайри сулукдаги «фирор» – «қочиш», тарк айлаш ҳолидан сўз юритилган. Аммо унда илгари сурилган фикр ва истаклар тўғри маънода тушунилса, шоирнинг ўқувчига етказишни кўзлаган асосий мақсади умуман очилмай қолаверади. Шунинг учун бундай ғазаллар таҳлилида шарҳ ва изоҳга ҳам кенгроқ ўрин ажратилади.

Айрим ғарб олимлари ва уларга эргашган ўзбек олиму ёзувчилари халқимиз мустақилликни қўлга киритгунига қадар тасаввуфни ташқи дунёдан узилиш, қочиш, янада аниқроғи, оламни тарк айлаш ҳаракати, деб қоралашган. Уларга кўра, наинки Ўрта Осиёда, балки бутун Ислом дунёсида тасаввуф сиёсий, иқтисодий ва маънавий таназзул билан бирликда майдонга чиққан. Баъзи олимларимиз тасавввуфни бир тушкунлик, мискинлик фалсафаси дея баҳолашган. Ваҳоланки, инсоннинг ташқи дунё билан алоқадор ҳирс, ҳавас ва нафсоний орзуларидан воз кечиб, ўзининг сийратига йўналиши, тушкунлик ёхуд мискинлик билан изоҳланадиган бир нарса эмас.

Бир қанча шарқшунослар тасаввуфнинг келиб чиқишини эски Юнон, Ҳинд, Эрон, Христиан динларига элтиб тақайдилар. Бу қарашни тўла маъқуллаш тўғри эмас. Чунки тасаввуфнинг туб замини ва бош асоси Исломдир. Бу фикр, аввало, Қуръони каримга тегишли бўлса, иккинчидан, Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.)нинг шахсий ҳаёт тарзлари ва ҳадисларига алоқадордир.

Дунёнинг фанолигини билиш, шу боисдан унга кўнгил бериб, бутга айлантирмаслик, ўтар дунё юмушлари одамни Аллоҳдан йироқлаштиришига ишонч аслида булар тасаввуфдаги исломий асослар эди.

Хорижлик баъзи олимларнинг фикр-хулосалари бўйича, ташқи борлиқ зоҳирий оламни инкор айлаш туркий адабиётга Эрон йўли орқали Ҳиндистондан кириб келганлиги эҳтимолдан унча холи эмас. Буддизм инсоннинг беш туйғу аъзоси билан идрок қилинадиган

зоҳирий оламни бир ваҳм деб ҳисоблаган. Дарвоқе, бутпарастлар инсон бахт-саодатини йўқликдан ахтаришган.

Бироқ тасаввуфдаги фано ва таркидунёчилик тушунчасининг бунга деярли алоқаси йўқ. Шарқ шоирларининг дунё баҳсидаги шеърларини ўқиб, бир хулосага келинса, дунё инсоннинг эрку ихтиёрини чеклаб-чегаралаб ташлайдиган муҳташам бир қафас. Оламда қанча ёмон, нодон, тубан ва ёвуз кимсалар бўлса, барча-барчасининг раҳнамоси, муҳофизи, «иш бошқарувчи»си шу маккор дунё. Алишер Навоийнинг кўрсатмасига кўра, «дунё аҳли дунлари»дан қутулишнинг бирдан-бир чораси, барча чиркин қилғиликларнинг «доя»си ўша нобакор дунёдан бутунлай қутулишдир:

Кимки дунё аҳли дунларидин тилар бўлғай халос,
Шарт эрур аввал видоъи дунёйи дун айламак.
(«Наводир уш-шабоб», 333-ғазал).

Мавжуд дунё ичида яшаб, ундан муносабатни узиб, воз кечиш ҳазилакам машаққат эмас. Лекин тасаввуфда бунинг «хилват», «узлат», «уруж» деган «тажриба» йўллари топилган.

Навоий бир ғазалида:

Муҳандисе топаю эгнима қанот ясатай,
Учуб ҳавосида қушлар аро ўзумни қотай, -

дейди.

Албатта, қанот ясаб, қушлар сафида одамни парвоз эттирадиган муҳандис ҳаётда умуман бўлмаган. Бироқ Исо алайҳиссаломнинг уружи руҳоний сайри сафар соҳибларига инсон қанотсиз ҳам кўкка кўтарила олади, деган бир ишончни пайдо қилган. Шунинг учун шоир:

Парим бўлса, учуб қочсам улустин то қанотим бор,
Қанотим куйса учмоқдин, югурсам то ҳаётим бор, -

дея қушга айланиб халқу халойиқдан йироқлашиш орзусини изҳор этар экан, айни пайтда Исо Масиҳ ила ҳамнафас бўла олиш сабабини ҳам изоҳлаб ўтади:

Чиқиб бу дайрдин Исоға невчун ҳамнафас бўлмай,
Биҳамдиллаҳ, тажарруд бирла ҳимматдин қанотим бор.

Ҳар қандай буюк санъаткорнинг шеърида сўз ё ибора унинг ўзи ифодалашни кўзлаган фикр ва туйғудан баъзан бир неча ҳисса кўпроқ маъно ва ҳисни акс эттиради. Чинакам шеърнинг ғоявий-бадиий таркибида ҳамиша нималардир сир бўлиб, қандайдир маъно яширин қолишининг бир сабаби ана шу. Бу сир ва «пардаланган» маънони энг зукко шеършунос ҳам тўла ёритиб беролмайди. Чунки сўзнинг мажозий моҳиятини барча ранги ва оҳанг товланишлари билан ўқувчига етказиш, ҳар қанча уринмасин, унинг қўлидан келмайди. Ҳақиқий шеър матн таркибига бирданига бир неча рамзий мазмунларни мужассамлаштирганлиги туфайли ҳам уни ҳар ким ҳар хил қабул қилади ва билим-савияси да-

ражасида таҳлил ё изоҳлашга уринади. Тасаввуфий шеър матнига келганда аҳвол янада мураккаброқ. Лирик қаҳрамоннинг «Чиқиб бу дайрдин, Исоға невчун ҳамнафас бўлмай», деган гапи орифлик ҳолини фаҳмлайдиган кишида бирор эътироз туғдирмайди. Тахайюл ва тасаввур бандасини Аллоҳ даргоҳига етказганда, кўнгил қуши нега Исонинг ёнига кўтарилмасин?

Бу саволга «Кўтарилади...», дея нуқта қўйиш ҳам мумкин. Унда Навоий таъкидлаган «тажарруд бирла ҳиммат» масаласи очилмай, шарҳ ё талқин бошқа томонга бурилиб кетади. «Навоий асарлари луғати»да тажарруд алоқасизлик, четлашиш, ҳамма нарсадан кечиш, ёлғизлик мазмунида изоҳланган. Агар шу изоҳга таяниладиган бўлса, шоир кўзда тутган «қанот»нинг бири ёлғизлик, иккинчиси, ҳиммат, дейиш ло

Ул қуёш васлин тиларсен, бўл мужаррад, негаким,
Кўкка Руҳуллоҳни еткурган анинг тажридидур.

Яъни: маъшуқи азал висолига етишишни истасанг, уйланмай якка-ёлғиз бўйдоқ яша. Чунки Ҳазрати Исони Аллоҳга юзлаштирган унинг ёлзим бўлади. Ёлғизликка юз бериш, сўққабош яшаш, ҳамма нарсадан алоқани узиш, бировга яқин йўламаслик шуларнинг бари ёлғизлик дегани бўлади. Навоий Исойи Руҳуллоҳни эслаганда, мужаррад, тажрид, тажарруд сўзларини тез-тез тилга олади:

ғизлиги эди. Олимлар орасида юқоридаги каби байтларни худди шу мазмунда шарҳлаганлар ҳам бор.

Хўш, Навоий олий висол ё камолга етишишни истасанг, эл-юртдан ажралиб, оила қурмай, бола-чақасиз танҳоликда кун ўтказгил, деб тарғибу ташвиқ қилиши мумкинмиди? Йўқ, албатта! Мавлоно Румийнинг ўғли Султон Валад «Маориф» китобида ёзади: «Бир инсон башарий сифатлардан қутулиши билан, яъни «ўлмасдан бурун ўлимга етишиши» ҳамон денгизга юзлашган бир малакка айланади. Албатта, бу мартабага юксалган зотлар ҳам еб-ичади, ухлайди ва оила қуради. Чунки Ҳазрати Пайғамбар ҳам «Никоҳ суннатимдир», деб айтганлар».

Поклик, тоқлик маъносида Навоийнинг Ҳазрат Исога бир ўхшашлиги бўлса-да, лекин Пайғамбар суннатига қарши ҳатто шунчаки имо-ишорат ҳам буюк шоирнинг хаёлидан кечмаган. Навоий қайси жанрдаги шеърида тажрид, мужаррад ё тажарруд калимасини ишлатмасин, истилоҳий мазмунга асосланган.

Тасаввуфий истилоҳда тажрид шаҳватдан йироқлашиш, кўнгил ва руҳга қарши ҳар қанақа тубан даъвони тарк айлаш, мосиводан қутулиш демак. Тажрид олами, аслида севмоқ, севилмоқ, қалбни ишқ-муҳаббатдан бошқа ҳамма нарсадан халос айлаб, илоҳий мушоҳада билан яшаш. Тасаввуф шайхларидан бири «Тажрид Ҳақнинг ҳар нарсадан айрилиб тоқ қолиши ва қулнинг ҳам ўзига тегишли ҳар нарсадан узоқлашувидир», дейди. Демак, ошиқнинг тажрид ҳоли мосиводан тамоман йироқлашиб, Аллоҳга яқинлашуви, илоҳий тажаллийларни томоша айлаши эди. Энди ҳиммат хусусида. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да ҳиммат икки маънода шарҳланган: 1. Бировга қилинадиган яхшилик, марҳамат, ёрдам, саховат, олижаноблик. 2. Бирор ишни бажариш учун астойдил ҳаракат қилиш; тиришқоқлик.

Тасаввуфда бу калима ҳам хусусий маъно билан бойитилган. Ибн Арабий уни комил инсон қалбидаги илоҳий қувват, сидқ (ҳақиқий сезги) мазмунида ишлатиб, туғма ва кейин ўзлаштирилган ҳиммат дея иккига ажратган. Шунингдек, аҳли маърифат ҳимматни оламдаги ҳар бир ҳаракат ва ўзгаришнинг сабаби бўлмиш яширин куч-қувват деб ҳам билишган.

Шундай қилиб, улуғ шоирнинг тажарруд билан ҳимматга алоҳида урғу беришида ўзга бир мақсад ва ҳақиқат «парда» ортига олинган экан.

Ҳақиқий ишқ аҳлининг иқрори бўйича, «Қай ерда тинчлик бўлса, Ҳақ ила бирлик бўлар». Халойиқнинг ўткинчи манфаатларга дахлдор машмаша ва ғавғолари ана шу хаёлий бирликка халал беради.

Халойиқ суҳбатидин минг ғамим бордурки, муфт ўлғай,
Агар минг жон бериб билсамки, бир ғамдин нажотим бор.

«Халойиқ суҳбатидин минг ғам» исканжасида қолган киши нажот тилаши табиий. Аммо бу «минг ғам»дан биттасида ҳам нажот йўқ.

Чекиб ағёрдин юз жавру тортиб ёрдин минг ғам,
Не ўзга халқдин ғайрат, не ўзумдин уётим бор.

Биринчи мисрада гап ёр ва ағёр ҳақида. Ағёр -душман ёки ғаним. Ундан юз жавр келган бўлса, дўст минг ғам ёғдирган. «Рақиб», «ағёр» деганда салбий қиёфадаги бир нобакор инсон тўғрисида ўйлашга биз кўникиб қолганмиз. Ваҳоланки, тасаввуф адабиётида «рақиб» ва «ағёр» ҳақидаги фикрларнинг кўпчилиги нафсга доирдир.

Юнус Эмро бир шеърида «Тўрт кишидир йўлдошим...», дейди. «Ул тўртнинг бири жон, бири дин, бири имон». Хўш, охиргисичи? Мана, эшитинг:

Бири нафсимдур душман,
Анда савашиб қолдим...

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам «Шаҳвату нафс қавий душмандур», «Нафс ёғийсини мағлуб этгил», нафс «Душманедур агарчи ўтру эмас, Лек бир лаҳза сендин айру эмас», дея огоҳлантирган.

Навоийнинг «Чекиб ағёрдин юз жавр...»дейиши, бу ўринда, «нафси золим»га тегишли. Нафсни енгиш «ўзлик иморати»ни бузиш дегани. Акс тарзда «Не ўзга халқдин ғайрат, не ўзимдин уётим бор», дейиш даражасида баландлаш имконсиздир.

Кечиб кўздин ёзай бир хатки, даҳр аҳлиға кўз солмай
Бу дамким, кўз саводидин қора, кўздин давотим бор.

Нега кўздин кечиб «бир хат» ёзиш керак? Фақат «даҳр аҳли»ға кўз солмаслик учунми? «Жон кўзи» Ёрни кўриб, «Дил ондин хабар» бергач, ҳусн шавқи жон ичидан жой олиб, «кўнгилни арш» айлайди. Бу ботин кўзнинг очилишидирки, шоир айтмоқчи, «Ботин кўздир Дўстни кўрган, Бу зоҳир кўз ёбондадур...» Навбатдаги байтда айтилган истак эса янада шиддатлироқ:

Тилар кўнглум қуши анқодин ўтса нари юз водий,
Мунунгдек сайр этарга Қофдин ортуқ саботим бор.

Бу икки мисрада фано водийсига сайр эътиборда тутилган. Чунки анқо қушидан ҳам «нори юз водий»га ўтишга аҳли фаногина қодирдир. Бир ўринда Навоийнинг ўзи бунга гувоҳлик ҳам берган:

Уруж истар эсанг, бу дайр ичинда фоний ўлғилким,
Малак узра қадам босиб ўтар аҳли фано густох.

Демак, анқо манзилидан ҳам юз водий нари сайр этарга шеър қаҳрамонининг саботи етарли.

Ғазалнинг сўнгги байтини ўқиймиз:

Навоий, билки, шаҳ кўнгли манга қайд ўлмаса, биллаҳ,
Агар кавнайнға хошок чоғлиғ илтифотим бор.

Ниҳоят, бош муддао айтилди: шоҳнинг кўнгли шоирга мойилмас. Шунинг учун икки дунёга ҳам «хошок чоғлиғ» унинг илтифоти йўқ. Ушбу ғазал шоирнинг йигитлик пайтида яратилганига таяниб, профессор А.Ҳайитметов ўша шоҳ ҳақида шуларни ёзганлар: «Навоийга душманлик назари билан қараб, Ҳиротда унга кун бермаган золим Абу Саид эди. Унинг даврида Навоий Ҳиротда ниҳоятда қийналиб, бир пулга зор бўлиб, туришга уйи, ейишга овқати йўқ ҳолда яшайди... Ҳиротдаги хушомадгўй феодаллар подшонинг Навоийга муносабатининг ёмонлигини билиб, унга нисбатан яхши қарамаганлар. Натижада, шоир юқоридаги ғазалда (биз таҳлил қилганимиз ғазал назарда тутилган – И.Ҳ.) тасвирланган аҳволга тушган ва охири Ҳиротдан кетиб қолган». Ғазалдаги умумий руҳ, мистик кечинмаларнинг бағоят қуюқлиги, сўз, оҳанг ва ифодадаги маҳзунлик шундай хулоса чиқаришга асос беради. Аммо ғазалнинг туйғу ва маъно таркиби бошқа мулоҳазаларни илгари суришга ҳам монелик қилмайди.

Ғазалларидан бирида Навоий шоҳга мурожаат этиб, ўзни «ўздин улуғроқ шоҳга ҳожатманд» бўлишга чақирган. Бу шоҳ Аллоҳ. Ғазал хотимасида шоҳи оламдан марҳамат кутилаётир. Мутасаввиф шоирнинг икки дунёни ҳам хошок қадар назарга илмаслик ҳолини бир золим подшоҳга муносабат ила чекланса, ғазалдаги илоҳий-фалсафий моҳият ўз-ўзидан йўққа чиқади.

Югурма ризқ учун, не етса Ҳақдин англаким, комил
Не келтургил демиш, не ғайбдин етганни қайтармиш.

Навоий энг мушкул аҳволда ҳам шу эътиқодга содиқ қолганлиги ва Тангридан бошқасидан қўрқиш, шафқат ё марҳамат тилашни гумроҳлик ҳисоблагани шак-шубҳасиздир.

«ҚАРО КЎЗУМ КЕЛУ...»
(бир байт таҳлили)

Алишер Навоий шахсиятда беназир Инсон, шеъриятда такрорланмас санъаткор. Навоийнинг деярли ҳар бир сўзи ва сатрида англаш ҳаяжони, гўзаллик ва нафосат завқи ёлқин-

ланиб туради. Улуғ шоирнинг шеърлари қанчалик пухта ўрганилиб, нечоғли ҳаққоний ҳис этилса, ўқувчининг мушоҳада имкони ва имтиёзи ҳам ўшанча кенгайиб, бойиб боради. Навоийнинг ижод йўли, энг аввало, Кўнгул ва Руҳоният йўли. Навоий ҳаётга кўнгил нигоҳи билан назар ташлар экан, маъно, туйғу, таассурот, тасвир ҳамма-ҳаммасини ё дард, ё изтироб ёки ҳолат орқали, албатта, кўнгилга боғлайди. Унинг «Не назмики ўтлуғ кўнгулдин чиқордим...», дейиши ҳам шунчаки гап эмасди. Бундоқ қаралганда, Навоий ҳам ўтмишда яшаб, ижод этган шоирларга ўхшаб анъанавий мавзу ва усулларда қалам юритган. Лекин энг эски фикр, энг кўп такрорланган маъно ва тимсоллар ҳам Навоийнинг ўша ўтлуғ кўнгли нафасидан янгиланган, руҳоний қуввати туфайли ўзгача жозиба касб айлаган. Масалан, кўз тимсолини олайлик. Кўз инсон вужудининг гўзал аъзоси, гўзалликнинг характерли бир белгиси. Инсоннинг ич оламига ҳам, зоҳирий дунёга ҳам бориладиган барча йўллар кўздан бошланади. Кўнгил ойнаси ҳам кўздир.

Халқ оғзаки ижодиётида, мумтоз шеъриятимизда кўз таърифига бағишланган неча юзлаб байт, бир-биридан жозибадор қиёс ва ташбиҳларни учратиш мумкин. Кўзнинг биргина сифати қаролиги орқали ошиқликнинг қанчадан-қанча кайфият ва ҳолатлари ёритилиб берилган. Ошиқнинг хаёлини ўғирлаган, қалбга сеҳр оловини ёққан, ҳижрон ва айрилиқ кунларида умид юлдузи бўлиб порлаган, хоҳласа жаллод ўлароқ жон олган худди ўша қаро кўзлар бўлган. Севгилининг кўзи ҳамиша сеҳр кучига соҳибдир. Унинг айнан қаролиги ишқ аҳлини нима офату балоларга мубтало қилмаган дейсиз? Навоий рубоийларидан бирида мана нима деб ёзган:

Лаълингни қилиб нуктасаро, эй қоракўз,
Ишқ аҳли ҳаётиға яро, эй қоракўз.
Чекма яна сурма кўз аро, эй қоракўз,
Эл қониға қилма кўз қаро, эй қоракўз.

Сеҳр-у жоду, ноз-у ишва, ҳаё ва назокат «гулшани» бўлмиш зебо кўз, чашми шаҳлога ақл, руҳ, кўнгил ва хотир ҳам шайдодир. Шайдолик эса ҳаракат ва олий мақсадга интилиш демак. Навоийнинг кўз ҳақида кўп ёзиши, кўз тимсолига қайта-қайта мурожаат қилишининг туб сабабларидан бири мана шудир. Аммо асосийси эмас. Навоий мажоз ва тимсол сифатида кўздан илоҳий ишқ, ирфоний ҳақиқатлар моҳиятини ёритиш учун ҳам ниҳоятда моҳирлик билан фойдаланган. Шоирнинг машҳур «Қаро кўзум» ғазали шу фикрнинг жуда ёрқин бир далилидир. Мана ўша ғазал матлаъси:

Қаро кўзум, келу мардумлуғ эмди фан қилғил,
Кўзум қаросида мардум киби ватан қилғил.

Инсон кимнидир қаттиқ соғиниб, соғинч қўмсашга дўнганда, унинг юрак қаъридан хаёлий мурожаат отилиб чиқади. Шунда вақт, масофа, айрилиқ деган нарсаларда гўё ҳеч қиймат қолмайди. Яъни тасаввур ва тахайюл воқеликдан устун келади ва одам кўнгил тилидан ўзга бир тилда гаплашишни истамайди. Шу маънода Навоийнинг байтида дил-дилдан марҳамат тилаш, ёлвориш, дийдорталаблик ҳоли уйғунлаштирилгандир. Биргина сўз билан буни ёр чорлови, деса ҳам бўлади.

«Мардумлуғ», «фан», «мардум» калималарини айтмаса, байтдаги қолган барча сўзлар кўпчиликка тушунарли. «Навоий асарларининг изоҳли луғати»да мардумлиғ: 1. Одамлик, инсонлик; сахийлик, ҳиммат, ҳимматлилик, одамгарчилик. 2. Кўзда ўрнашиш, кўз олдида туришлик. Мардум: 1. Одамлар, кишилар; 2. Қарочиғ деб изоҳланган. Фан сўзининг қўшимча маъносига ҳам изоҳ берилган. Демак, луғатга мурожаат қилган ўқувчи Навоий сўзларини тахминан мана бундай мазмунда қабул этади: «Эй гўзал ёрим (ёки, эй азиз дўстим), одамийлик марҳаматига амал айлаб, мени ҳам энди бир сўроғла. Мен сенинг дийдорингга шу қадар муштоқманки, келгилда кўзум қарочиғида одамга ўхшаб қарор топгил. Токи жудолик, меҳрсизлик жафосини мен бошқа тортмай». Шеърхонга ана шу моҳият: одамнинг одам учун зориқиши, кўз кўрмагунча, кўнгилни тинчитиш қийинлигини англаш муҳимдир. Қолгани завқ, савия, билим даражасида ҳал бўлаверади. Мабодо хатога йўл қўйиб, ниманидир у нотўғри тушунса ҳам бундан кўпчиликка зиён етмайди. Аммо шеършунос чалғиса, неча юзлаб кишилар чалғиши, ёлғон ва уйдирма онгдан онгга ўтиб давом топиши мумкин. Наинки шоир, балки ўқувчи манфаати учун ҳам бу ёмон, албатта. «Қаро кўзум» шарҳи ва талқинига бағишланган қатор мақолалар эълон қилинди. Улар орасида ғазал ниҳоятда жўнлаштирилгани ҳам, ақл ва мантиққа тамоман мувофиқ келмайдиган фикр-мулоҳазалар қалашиб кетганлари ҳам бор. Филология фанлари доктори Н.Жумахўжа «Қаро кўзум...» ғазалининг қиёсий таҳлили» номли мақоласида «Қаро кўзим» ундалмаси дунёвий маънода «севикли, гўзал маҳбуба, ёр», «дўст»ни англатса, «илоҳий мазмунда у Аллоҳни ифодалайди», дейди. Наҳотки, шу гап рост бўлса? Мана бу сўзларни ўқиб, ўқувчи нимага ишониб, нимага эътироз билдиришни ҳам билмай қолади: «Сўфий учун ўз нигоҳида, қорачиғида илоҳий нур жилваланиши, оламни шу муборак нур орқали кўриши олий бахт, Ҳақ васлига муяссарликдир. Сўфийнинг илоҳий маъшуқни «кўзум қаросида мардум киби ватан қилғил», дея чорлаши асл моя билан бирлашиш, қовушиш, уни ўзига сингдириб, ўзи унга сингиб кетиши ваҳдати вужуд истагидир»[1].

Лоф десангиз бу лофга, сафсата десангиз сафсатага ўхшамайди. Аммо унда лоф билан сафсата, тахмин билан уйдирма қўшилиб-қоришгани аниқ. Аниқлиги шундаки, сўфийлик тарихи мобайнида «қаро кўз» ибораси мазмунан Аллоҳни ифодалайди, дейилмаган. Ҳеч биров юқоридаги сингари сунъий мулоҳазалар тўқиб, «кўз»ни ўзича идеаллаштирмаган ҳам. Аксинча, тасаввур бўладими, таърифу тавсиф бўладими ёки бошқасими – барида ақл ва ҳақиқатга мувофиқлик талабидан чекинилмаган.

Имом Ғаззолий «Мишкот ул-анвор» («Нурлар қандили») асарида кўзнинг асосий хусусият ва фазилатлари билан бир қаторда, унинг қусурларидан ҳам баҳс юритади. Улардан биринчиси, кўз бошқани кўради, аммо ўзини кўролмайди. Иккинчиси, кўз ўзига яқинни ҳам, узоқни ҳам кўришга қодир эмас. Учинчиси, кўз парда ортини кўриб билмайди. Тўртинчиси, кўз ашёнинг ташқарисини, яъни уст томонини кўради. Бешинчиси, кўз борлиқларнинг ҳаммасини эмас, айримларинигина кўришга қодир. Олтинчиси, товушлар, ҳид ва лаззатлар, хуллас, идрок туйғулари кўз учун бутунлай бегона. Ва ниҳоят, кўз каттани кичик, торни кенг кўргани боис унинг хатолари кўп бўлади. Бас шундоқ экан, қайси сўфий кўз ёки кўз қарочиғи воситасида «асл моя билан бирлашиш, қовушиш»ни ўйлаган дейсиз? Ахир, бу шўрлик сўфийнинг устидан кулиш ва таҳқирлашга асос бўладиган бир бемаънилик-ку! Мумтоз шеъриятда қўлланилган сўз, ибора ва атамаларнинг истилоҳий, рамзий-мажозий

[1] Жумахўжа Н. Сатрлар силсиласидаги сеҳр. Тошкент, 1996. 22-бет.

маъноларини эски илмий, тарихий, адабий манбаларга таянмасдан, у ё бу шоир яшаган давр одамларининг фикр-қарашлари билан ҳисоблашмай, уларни биз тўғри изоҳлашга эришолмаймиз. Акс тарзда шарҳ ва талқинлар шеърхонни адабий матн моҳияти ва гўзаллигидан йироқлаштиради, холос. Бир қудсий ҳадисда Аллоҳ номидан «Мен қулимнинг кўргувчи кўзи бўлурмен ва ул қул менингла кўрур», дейилган. Бу ва бунга монанд фикрлар зинҳор-базинҳор кўзни Аллоҳ ила мувофиқлаштиришга изн бермайди.

«Кўз қуёшга тикила бошладими, дейди Маҳмуд Шабустарий, қамашади, қораяди, ҳеч нимани кўрмай қолади. Аммо сен шуни билгилки, қоронғулик Тангри Таоло зотининг нуридир. Обиҳаёт ана шу қоралик ичида эрур». Қора рангнинг, Алишер Навоий сўзлари билан айтганда, муборак ранг ҳисобланиши, соч, қош, кўз, холнинг қоралигини таъкидлаш ё таърифлаш иштиёқининг замини ана шундадир. Аллоҳ ва инсон муносабати, бирлиги, илоҳий васл ҳолатлари ҳақида, тўғрими, нотўғрими, буни зарур миқёсда ўйлаб кўрмасдан гапирувчилар кўпайиб қолди.

Ваҳоланки, сайри сулук йўлларини кечиб ўтган орифларнинг эътирофига кўра «Аллоҳ қалбларга кирмайди. Қалблардан жой оладигани Аллоҳга имондир. Уни тасдиқдир, тавҳид ва маърифатдир». Навоий «Қаро кўзум, келу мардумлуғ эмди фан қилғил», дея мурожаат ва даъват айлаган Шахс дин, маърифат, ишқ аҳлининг пири комили эди. Шоир бу улуғ зотдан «мардумлуғ» тилаганда ундан етадиган безавол файз, бақо қулфларини очадиган маслак ва маърифат нурини назарда тутганди. «Кўзум қаросида мардум киби ватан қилғил», дейилгани билан ҳеч ким, ҳеч қачон бировнинг кўзига кириб олиб, муқим ўрнаша қолмайди. Шунинг учун кейинги мисрадаги фикрни тўппа-тўғри тушуниб, «Ватан» сўзида «ботинан қўним, сукунат, ҳаракатсизлик, истиқомат» маъноси мавжуд демаслик керак. Негаки, ўтмишда калиманинг қуйидаги каби истилоҳий изоҳлари ҳам берилган: «Ватан қулнинг ҳол билан энг охирда эришгани ва қарор топгани (маънавий) юртдир. Зеро, «Киши фалон ҳолга етди, фалон мақомга юксалди» дейилади. Жунайд шундай дегандир: «Аллоҳнинг шундай қуллари бордурки, бир қанча мақом (ватан)ларда кезурлар...»[1] Демак, Навоий қўллаган «ватан» сўзида «сукунат», «ҳаракатсизлик»ка ҳатто ишорат ҳам йўқ. Ишқ ва маърифат аҳли онгидан Аллоҳ оламга комил инсон кўзи билан қарайди ва борлиқни унинг нигоҳи билан кўради, деган тушунча муқим ўрин эгаллаган. Шу боис Ибн Арабий «Аллоҳни фақат ўзининг кўзи билан кўришга умид қилган кимса жоҳил ва пардаланмишдир», дейди. Маърифат ва орифлик тарбияси шу жоҳиллик, шунақа ҳижоб офатидан қутулиш учун жуда-жуда зарурдир. Биринчидан, инсон кашфу каромат иддаоларидан халос бўлади. Иккинчидан, назар ва мушоҳадада адашувлардан сақланади. Навоий эса комилларнинг сарвари, энг буюк муршидларнинг ҳам маҳбубига қарата, «Кўзум қаросида мардум киби ватан қилиғил», дейдики, бу «Эй ҳабибларнинг ҳабиби, дунёга сенинг муборак кўзларинг билан қараш менга ҳам насиб айласин», дегани бўлади. Ғазалнинг навбатдаги байтида шу орзу янада ёркинлаштирилади. Биз эса айтилган фикр-мулоҳазалар билан ҳозирча чекланамиз.

«Моҳият» газетаси, 2010 йил 8 февраль

[1] Абу Наср Саррож Ал-Лумаъ. Истанбул, 1996. 360-бет.

«ГАР ҚИЛСА КИШИ ҚИЛИБ ГУНОҲЕ, ТАВБА...»

Гар қилса киши қилиб гуноҳе, тавба,
Ул журмға бўлса узрхоҳи тавба.
Қилмоқ неча гоҳ журму гоҳе тавба,
Бу журм ила тавбадин, илоҳи, тавба!

Инсон қалби ва руҳининг кирланиши ёхуд хулқдаги бузилишга, кўпинча гуноҳ сабаб бўлади. Гуноҳкорлик азобларнинг азоби. Виждонни бузадиган бир хасталик. Аллоҳ тақиқлаган ишлар билан машғул бўлиш, юрт, миллат, шахс манфаатига зид ҳирсу ҳаракатларга берилиш гуноҳнинг бош асоси. Гуноҳ бу ё шайтонлик ё ҳайвонликка таслим бўлмоқ, баъзан билиб, гоҳида билмай, яъни ғафлатда қолиб, разиллик ва риёга йўл қўйиш. Гуноҳ ва гуноҳкорлик хусусида Шарқ мутафаккирлари тўховсиз мубоҳаса юритишган. Улардан айримлари гуноҳдан инсон табиатига етадиган зарарлар деб қуйидагиларни кўрсатиб ўтишган: 1. Гуноҳ одамни фойдали илмдан маҳрум этади ва у қалбда маърифатдан туғилажак нурнинг заволи эрур. 2. Гуноҳкор кимса ҳеч бир ваҳшатга ўхшамайдиган бир таҳлика ичида яшайди. 3. Гуноҳга қул киши қайси ишга қўл урмасин, албатта, иши юришмайди. Лекин у бунга айнан гуноҳ тўсиқ бўлаётганини фаҳмлолмайди. 4. Гуноҳ панжасидаги юракдан доимий равишда бир қоронғулик ва зулмат аримайди. 5. Гуноҳ руҳ ва имонни заифлаштириб, ақлни ҳам бузади. Ва ниҳоят қашшоқлик, хору зорликка гирифтор айлайди.

Нафс мавжуд экан, ҳеч шак-шубҳасиз, гуноҳ хавфи бўлади. Аммо билиб-билмай, англаб-англанмай қилинган катта-кичик, очиқ-яширин гуноҳ учун ҳар бир оқил одам ўзига-ўзи ҳисоб бера билиши, қандоқ бўлмасин, гуноҳ чангалидан қутулиш чорасини ўйлаши шарт-дир. Чораларнинг чораси эса меҳрибон Аллоҳ томонидан белгиланган -тавба.

Тавба сўзи қайтиш, воз кечиш, гуноҳдан тозаланиб, Ҳаққа юз буриш, йўл қўйилган хато ва ёмон ишлардан пушаймонлик маъносини англатади. Исёндан итоатга, гуноҳдан савобга, хатодан тўғрига, мунофиқликдан ростликка бориш тавбанинг асл моҳиятини ифодалайди. Айтайлик, гуноҳ «лаззати»га ғарқ бўлган кимсага Аллоҳ марҳаматини аямасдан бир куч бағишласа-да, гуноҳини тан олиб, у тавба қилса, буни сўз билан тўла-тўкис ёритиб беришнинг ҳеч иложи йўқ. Чунки бу вужудда томир ёзган ёмон ҳислар, тубан хулқларни таг-туби билан йўқотиш дегани. Ҳамма ҳам бунинг қийноқ ва азобларига бардош беравермайди. Хуллас, тавба-тазарру ботинан тозаланиш, қай бир тарзда ҳатто маънан янгидан туғилишга ўхшаш бир ҳодиса. Лекин тавбага яна ёлғон, риё ва макр аралашсачи? Гуноҳдан тавбага, тавбадан яна гуноҳга қайтилаверсачи? Бу ҳолатни кўп кўрган, кузатган Навоий рубоийда:

Бу журм ила тавбадин, илоҳи, тавба, -

деган бир қизиқтирувчи фикрни айтади. Чиндан ҳам «тавбадин, илоҳи, тавба» жумласи кишини мулоҳазага ундайди.

Зуннун Мисрийнинг таъкидлашича, халқнинг тавбаси айб ва гуноҳдан, авлиёники ғафлатдан, набиларнинг тавбаси ўзгалар қўлга киритган нарсаларга эришмоқдан ожиз эканликларини кўришдан ҳосил бўлар экан. Демак, Навоий рубоийда халойиққа хос тавбани назарда тутган ва айни пайтда уларнинг тавба тазарруси самимиятдан узоқ бўлиши

мумкинлигини урғулаган. Шоир бунда орифларнинг фикрларига ҳам суянган. Масалан, машҳур шайхлардан бир нечаси «Тавба – тавбадан тавба айлашдир», дейишган. «Бунинг маъноси, дейди Калободий, Робианинг мана бу сўзлари мазмунига мувофиқ келур: «Аллоҳдан авф тилармен» дейиш самимиятимнинг озлигидан истиғфор айлармен, деганидир».

Самимият пастлиги бир ноқислик бўлганидек, самимиятсизлик ҳам бир гуноҳ. Диндорлик иддаосидаги ҳийла, найранг, каззоблик самимиятсизликдан туғилади ва урчийди. Тилида бир бошқа, дилида бошқа бир одам, яъни «қўшқиёфали» кимсаларнинг турланиб-тусланишига Навоий ҳеч тоқат қилолмаган. Шунинг учун ҳам шоир ўзга бир рубоийсида гуноҳ ва исёнга мубтало бўлмаслик, нафс ғавғосини чеклаш, кибру риёсиз тоат-ибодат енгил иш эмаслигини дард билан ифодалаб берган:

Йўқ тоат ила кибру риёниму дейин?
Яхши демак ўзни бу балониму дейин?

Дарвоқе, ҳавойилик ила «ўзни яхши деб билмак», «бегуноҳ ҳисобламак» барча гуноҳларнинг сарбони ва посбонидир.

«Ё РАБКИ, ФАНО БАЗМИДА...»

Ё рабки, фано базмида хос айла мени,
Фақр аҳлиға соҳиб ихтисос айла мени,
Ё дохили зумрайи хавос айла мени
Ё ранжи авомдин халос айла мени.

Алишер Навоий девонларидаги юзлаб шеърларда фано ва фақр деган сўзга қайта-қайта дуч келинади. «Фано» ҳам «фақр» ҳам мутафаккир бобомиз учун айтиш ёки ёзиш билан тугатиб бўлмайдиган фикр ва тушунча хазинасига ўхшайди. Кўпгина Шарқ шоирлари сингари фақр деса, Навоийнинг кўнглида қувонч ва шодлик қанот қоқади; фано деса руҳи яйраб-яшнайди.

Навоий фақирлик маслагини қанчалик улуғласа, фано ҳолини ўшанча юқори шарафлайди. Бунга асосий сабаб нима? Бу сўзларнинг бир қатор луғатларда изоҳланган мазмунларига асосланиб айтиладиган бўлса, на фақрда, на фанода ибрат ва ҳавасга арзигулик ҳаётий бир маъно топилмайди. Масалан, «Навоий асарлари луғати»да фано калимаси: «1. Йўқ бўлиш; тугалиш; ўлиш; бақосизлик. 2. Ўзликни йўқотиб, бутун борлиқдан кечиб, илоҳиётга сингиш (тасаввуфда)» деб изоҳланган бўлса, фақр: «1. Камбағаллик, йўқсиллик; 2. Дунёдан кечиш», дея шарҳланган. Модомики шундай экан, рубоийнинг илк мисрасидаги «фано базми» иборасини оддий шеърхон «йўқолиш, ўлиш, ўзликдан қутулиш» мазмунида англашга мажбурдир. Демак, унинг нигоҳида Навоий ўз-ўзидан ўлимни, тирикликнинг умуман бақосизлигини ёқловчи бир шоир қиёфасида гавдаланади. Ёки:

Фақр аҳлиға соҳиб ихтисос айла мени, –

сатрини олайлик. Луғатдаги изоҳга, асосланилса, фақр аҳли»ни камбағал, қашшоқ, дунёга қўл силтаган кимсалар гуруҳидан бошқа бир жамоа сифатида тасаввур қилолмайсиз.

Наҳотки, Навоий ночор, йўқсил одамларнинг энг олдинги қаторида бўлиш ва қашшоқлик билан фахрланишни орзу этган бўлса? Ҳеч қачон бундай бўлмаган ва бўлиши ҳам мумкин эмас эди. Камбағаллик ва қашшоқлик инсонни нақадар хору зор айлаб, не-не азобу уқубатларга гирифтор этишини Навоий ҳаммадан кўра яхшироқ англаган.

Лекин халқ орасидаги авомлик, нодонлик ва гумроҳлик Навоий қалбида дард қўзғаб, уни эзганлиги бу рост, албатта. Аслини олганда, мазкур рубоийнинг ёзилишига асосий сабаб ҳам ана шу дарддир. Шоир авом ранжидан халос айлаш учун Аллоҳга илтижо қилиб бири иккинчисига йўл очиб, бири бошқасини қўллаб-қувватловчи уч орзуни изҳор этади.

Булардан биринчиси, фано ҳолида энг баланд даражага кўтарилиб, руҳий шодлик ва фароғатга эришиш:

Ё рабки, фано базмида хос айла мени.

Фано тасаввуфдаги асосий ва ниҳоятда мураккаб истилоҳлардан бири. Мутасаввиф шоирлар уни неча ўнлаб маъноларда қўллаб, бири иккинчисига ўхшамайдиган, гоҳида эса кескин фарқланадиган мазмунларни илгари суришган. Қадимги тасаввуфшунос олимлардан Абу Наср Саррожга кўра, фано ва бақо моҳиятан ўзаро боғлиқ истилоҳлардир. У ёзади: «Фано ва бақо, авом даражасидан хавос (хос кишилар, маърифат соҳиблари) мартабасига кўтарилишни кўзлаган аҳли тавҳиднинг сифатига дахлдор икки номдир. Бошланғичда фано ва бақо истилоҳлари шундай тушуниларди: илмнинг ўртага чиқиши бақо, жаҳолатнинг барҳам берилиши фано. Қулнинг ўрганган илми ва маърифат асосида иноятиилоҳийга мушарраф бўлиш туйғусининг воқеланиши бақо, ўзининг ҳаракатларини кўришдан фоний бўлиш фано».

Демак, Навоий кўзда тутган «фано базми» бу ҳам хулқий покланиш, ахлоқни гўзаллаштириш «тажриба»си, ҳам илм ва маърифат чўққисини эгаллаш саодати, ҳам тавҳид ҳоли соҳиби бўлишдир.

Буюк шоирнинг:

Фақр аҳлиға соҳиб ихтисос айла мени, -

деган илтижосига келсак, бунинг замиридаги ҳақиқат яна ҳам жозибалироқдир. Аммо тасаввуфда бўлганидек, дин ва адабиёт тарихида фақр сўзи кўп хато ва нотўғри талқинларга дучор этилганлигини ҳам унутмаслик керак. Умуман, фақрда йўқсиллик маъноси бўлгани билан ҳеч бир мумтоз шоиримиз уни қашшоқлик, афтодалик тарғиби учун ишлатмаган. Фақр дарвешнинг ҳеч бир нарсага боғланиб, тақалиб қолмаслик шуурига кўтарилиши, Аллоҳдан бошқа ҳеч ким, ҳеч нимага муҳтожлик сезмаслиги, деганидир.

Иброҳим бин Аҳмад Хавосс айтади: «Фақр шараф кийими, пайғамбарлар либоси, солиҳлар ризқи, муттақийлар тожи, мўминлар зийнати, орифлар давлати, итоаткорлар қўшки, гуноҳкорлар зиндонидир. Гуноҳларга кафорат, савобларга пешводир. Фақр даражаларга юксалтирувчи, мақсадга етиштирувчи эрур. Фақр-эзгу амал соҳибларининг шиори, муттақийларнинг йўли ҳисобланади».

Фақрнинг шунча сир-асрорини англаган ҳар қандай киши фақр аҳли орасида зўр нуфуз қозонишни орзу қилмай нима қилади? Шу боисдан Шақр мумтоз шеъриятининг деярли ҳар бир йирик вакилининг кўнглида фақр ишқи жўш урган ва фақирликни шахс камолотининг дахлсиз мақоми ўлароқ эъзозлаган.

Ҳақ ошиқлари – дарвеш, ориф, абдол, аҳли фақр булар ўтмишда «зумрайи хавос», яъни хос одамлар жамоаси дейилган. Булар ўзларининг гўзал хулқ-атвори, илм-маърифати, айниқса, тўғрилиги, файз соҳиблиги билан халқ орасида зўр обрў-эътиборга эга бўлишган. Бундай зотларга тенглашиш камдан-кам кишиларга насиб бўлганлиги учун кўпчилик уларнинг даврасига қўшилиб суҳбатларидан баҳра олишга интилишган. Навоий ҳам буни оломондан ёғилажак азиятдан қутулишнинг бир чораси, деб таъкидлаган:

Ё дохили зумрайи хавос айла мени.

Ҳақиқий рубоий илм ва маърифат, тафаккур ва мушоҳада шеъри. Рубоийни илм ва мушоҳада кишиси бошқа миқёсда тушунади, билими паст, фикр йўли тор кимса ўзга бир тарзда қабул қилади. Айтайлик, юқорида келтирилган рубоийнинг моҳиятига етиб боролмаган ўқувчи мана бу рубоийдаги маънонинг, ҳам мағзини чақолмайди:

Бир айбға гарчи халқ қилғай мансуб,
Фақр аҳлидин изтироб эмастур маҳсуб.
Сидқ эрса худ этмак керак ўз феълини хўб,
Кизб эрса маломат дағи бордур матлуб.

Бу оламда қандайдир камчилик ёки нуқсондан бутунлай холи бандани учратиш жуда қийин. Хоҳ ёши катта, хоҳ кичик бўлсин, ҳар кимда ўзига яраша бир қусур кўзга ташланиши мумкин. Лекин кўп ҳолларда одамнинг ўзи буни пайқолмайди. Айримлар эса била тура айбини яширишга ё тан олмасликка уринишади ва охир-оқибатда зоҳири билан ботини, айтгани билан амали ҳеч мувофиқ келмас, ашаддий каззоб, риёкорга айланиб қолишади. Ахир, касални яшириб бўлмаганидек, ёмон хулқ, нафсоний майлларни ҳам хаспўшлашнинг ҳеч иложи йўқ: биров кўрмаса уларни бошқа кимдир сезади, кўради. Хўш бундай пайтда нима қилиш лозим? Навоий бу саволга тасаввуф қаҳрамонларининг энг пешқадами фақир мисолида жавоб беради. «Фақирлик менинг фахрим эрур». Пайғамбаримизнинг бу сўзларига содиқ бўла билган ҳар бир фақир ақл-идроки, камтарлик ва хоксорлиги, нафс «жилови»ни қўлга маҳкам ушлай ола билганлиги билан алоҳида ажралиб турган. Бироқ фақр одоби эришилган ахлоқий-маънавий хислатларга бино қўйиш, кўпчиликнинг муносабатини назарга илмасликни мутлақо маъқулламаган. Навоийнинг рубоийсида таъкидланишича, халқ-у халойиқ қандайдир айб ёхуд нуқсон юзасидан фақр аҳлини қоралашса, бундан асло ранжимаслик керак. Фақир таъна-маломатдан эмас, мақтовдан чўчиши лозим:

Фақр аҳлидин изтироб эмастур маҳсуб.

Танқиднинг тўғри ё нотўғрилигини аниқ билиш бу бўлак масала. Агар қўйилган айб туҳмат ва бўҳтон бўлмаса, сира оғринмай унга тан бериш ва кечиладиган ноқисликдан кечиш зарур. Танқид мабодо ёлғон ва асоссиз бўлса-чи? Бунинг ҳам оғринадиган томони йўқдир. Зеро, «Маломатда саломат бор» деб бежиз айтилмаган. Бундан ташқари, фақр соҳиблари маънавий салтанатни саховат, вафо, фано ва ризодан айри кўрмасликлари жоиз:

Ким истаса салтанат, саходур анга шарт,
Ҳар ваъдаки айласа, вафодур анга шарт.

Ким фақр талаб қилса, фанодур анга шарт,
Оллиға неким келса, ризодур анга шарт.

«Тошкент оқшоми» газетаси, 2010 йил 5 февраль

«КИМ БЎЛСА БУ МОТАМКАДАДЕК...»

Ким бўлса бу мотамкададек олам аро,
Сайр айласа ғамсиришлик одам аро,
Гар одам эрур бўлса керактур ғам аро,
Оламда эса, бўлса керак мотам аро.

Олам ва одам муносабати, одам ва олам орасидаги алоқа дунё адабиётидаги энг эски мавзу, айни пайтда бағоят мураккаб муаммо. Айниқса, мумтоз Шарқ адабиётида олам ҳақида илиқ бир фикр билдирган, дунёга розилик нигоҳи билан қараб, уни шарафлаган ижодкор деярли учрамайди, ҳаммаси гўё келишиб олгандай оламга кўнгил боғламаслик, бераҳм ғанимдан қочгандай ундан қочишга чорлашган. Бу анъанавий нуқтаи назар кўп жиҳатдан, албатта, ўзини оқлаган, бутун ҳаёти мобайнида бирор бир ёруғлик кўрмаган миллионлаб мазлумларнинг дилига бир тасалли бағишлаган. Ижтимоий тенгсизлик, сиёсий зўравонлик, иқтисодий ночорлик муҳитида яшаган киши учун олам кенглик ва эркинликдан маҳрум бир зиндон ё қафасга айланишини оқил ва одил ҳеч кимса инкор этолмайди. Лекин Шарқ мутасаввиф санъаткорлари наздида асосий кулфат ва фожиа бу эмас, балки Аллоҳ ва инсон ўртасида парда тортувчи, қулни Ҳақдан йироқлаштириб, тўғри йўлдан оздирувчи нарсалардир. Дунё ва дунёсеварлик «мафкураси»нинг ёмон томони мана шу. Ана шу жойда одамлар икки қутбга ажратилган. Бири аҳли дунё, иккинчиси, аҳли маъно, ёки охират аҳли. Шўро замонида мумтоз шеъриятимиз намуналарини ғалат англаш ва нотўғри талқин қилиш «охират аҳли» тушунчаси мазмун-моҳиятини тўғри англамай, бузиб кўрсатишга олиб келди. Шунинг учун охират аҳли дейилганда, кўпчилик оламни тарк қилиб, ҳаётга таҳқир билан қаровчи ва ижтимоий шуури сўник кимсаларни кўз олдига келтирган. Ваҳоланки, улар дунёга нафс воситасимас, маърифат, ҳақиқат асосида муносабат ўрнатиб, вафоси вафосизлик, ростлиги риёкорлик, диёнати диёнатсизликдан тозаланмаган аҳли дунёдан ёвдан қочгандай қочишган. Ҳатто бир шоир ёзганидек:

Аҳли дунё суҳбатинда ичган шароби нобдин,
Ит ялоғи ичра ичган қип-қизил қон яхшидир, -

деб билишган. Онг ва идроки ёруғ Шахс кўргиси келмайдиган нокаслар башарасини кўрмаса, айтишни хоҳламайдиган гап-сўзларни айтмаса, азбаройи мажбуриятдан ҳеч жойга қадам қўймаса, фақат ва фақат кўнгил суядиган иши билан машғул бўлса, унга жаннат ана шу. Аммо бундай «жаннат» ҳеч кимга насиб этмаган, буни ўйлаш ҳам хомхаёлдир. Тирикмисан, ҳар қандай ҳолатда тириклар муомала-муносабат талабларига риоя қилишга мажбурсан. Халқнинг бир вакилимисан, сенга ёқадими, йўқми, сенга дўстми, душманми, бандан қатъи назар, элдан қочиб, бекиниб яшашга ҳаққинг йўқ. Нечоғли ранжу озор, бало ва кулфат

етмасин, оламни қоралаш, ундан шафқат тилаш ирода сустлиги ёки мўртлигидан ўзга бир нима эмасдир. Навоийнинг рубоийси худди шу ҳақда.

Мотамкада қайғу ва мотам жойи. Навоий оламни мотамхонага қиёслаётир. Унингча, тўрт томонидан нохушлик ёпириладиган бу оламда кун кечиришнинг энг ўнғай чораси бедардлардан йироқлашиш. Зеро, улар ҳам дунё аҳлининг типик вакиллари бўлиб, ғам-ғуссадан йироқ, «Кўзи ёшлиларнинг ҳоли»ни фаҳмлолмайдиган «ҳайвони нотиқа» сўзлагувчи бир махлуқдирлар. Навоий «ғамсириштлик» дилида ғам ҳоким бўлганлар билан ҳамнафас, ҳамдард яшашни етарли ҳисобламайдиган одам ва ғам, олам ва мотам калималарини қориштириб, синоним сўзлар мақомига кўтаради.

Одам қалбини ғам-ғуссага ғарқ айлаб, оламда ўзини нуқул мотамхонада яшаётгандай ҳис этса, бундай ҳаёт зериктириб ё толиқтириб ташламайдими кишини? Бу саволга жавоб беришдан аввал Навоийда ғам, алам тушунчаси нима мақсадни ифодалаган ва у бугунги давр одамларининг фикрқарашларига қанчалик мос ва мувофиқ келади дастлаб мана шуни аниқлаштириш керак. Иккинчидан, буюк шоир маънавий-руҳий ҳаётида нега шодлик ва қувончдан кўра дард, алам ва ғамнинг куч-қувватига ортиқроқ суянган бунинг сир-синоатини ёритиш лозим. Бунда эса Ҳазратнинг, бу жаҳонда шодлик ва хурсандликни орзу қилган қай бир киши орзусига эришди, юз йилда гар яхшилик, эзгулик пайдо бўлса, унинг ёнида албатта юз нохушлик, юз кўнгилсизлик ҳозиру нозирдир мазмунидаги рубоийсини ҳам назардан четда қолдирмаслик зарур:

Ким кўрди экин жаҳонда оё хушлуқ,
То бир киши айлагай таманно хушлуқ.
Юз йилда агар бир ўлса пайдо хушлуқ,
Омодадурур ёнида юз нохушлуқ.

«ҚЎРҚУТМА МЕНИ ТАМУҒДИН...»

Қўрқутма мени тамуғдин, эй зоҳиди ях,
Жаннат манга бўлғуси дебон урма занах
Ким, дўзах анинг ёди била жаннат эрур,
Жаннат бори сенинг биладур дўзах.

Зоҳид – зуҳд тариқи ва маслагига мансуб киши демак. Машҳур инглиз шарқшуноси Р.Никольсоннинг ёзишича, исломда тасаввуфнинг илк кўриниши зуҳд ва вараъ шаклида пайдо бўлган. Сўфий сўзи эса дастлаб адабиётларда маълум бир зоҳидлар гуруҳига берилган ном сифатида қўлланилган. «Ҳижрий II асрда,-дейди Никольсон,-зуҳд ҳаракати эркин ва кенг тарқалган бир ҳаракат ҳолига келган. Шу зайлда мингларча мусулмон эркак ва аёл, қалбларида охират азоби ва қиёмат кунининг қўрқуви чуқурлашгач, алоҳида тарзда ёки кичик гуруҳлар ҳолида хотиржамлик бағишловчи бир диний ҳаётни яшаш орзуси ила одамлардан узоқлашдилар». Шу тариқа зуҳд осонлик билан тасаввуфга айланган эди. Умуман, зуҳд талабларига риоя этмасдан, тариқат ҳаётида илгарилаш мушкул. Зуҳд нафс-у ҳаво, кибр-у риёнинг қанотини қайирадиган бир ирода қудрати. Ҳалол ва ҳаромни фарқлаш, сабр, қаноат юксакликларини эгаллашда зуҳдга тенглашадиган «тарбиячи»ни тасаввур қилиш

қийин. Яҳё бин Муознинг айтишича, «Шу уч хислатга соҳиб бўлмаган, умуман, зуҳднинг ҳақиқатини қўлга киритолмайди. Биринчиси, фақат Аллоҳ учун амал, иккинчиси, моддий бир тамага ён бермай сўзлаш, учинчиси, нафсни моддиёт ила залил этмасдан азиз бўлиш». Жунайд Бағдодийга кўра эса «Зуҳд қўлда йўқ нарсанинг кўнгилда ҳам йўқлигидир». Лекин зуҳднинг маъно-мазмунини ҳамма ҳам бир хилда тушунмаганлиги боис зоҳидлар орасида охират орзусига ғарқ бўлиб, дунёдан бутунлай юз бурганлар ҳам бўлган. Буларнинг фақат дунё ишларигамас, дин, маърифат тараққиётига ҳам зарари етган. Тоат-ибодатдан бошқасини тан олмай, бутун фикри-зикри жаннатга қаратилган ва одамларни дўзах, жаҳаннам азоблари билан қўрқитган бундай кимсалар Шарқ шоирлари томонидан кескин танқид қилинган.

Қўрқутма мени тамуғдин, эй зоҳиди ях,
Жаннат манга бўлғуси дебон урма занах...

Навоийнинг бу сўзлари наинки турқи, балки феъл-атвори совуқ, жаннатпарастлик даъвоси ила қанчадан-қанча кишиларни бездирган ана ўша зоҳидлар ҳақидадир.

Ким, дўзах анинг ёди била жаннат эрур,
Жаннат бори сенинг биладур дўзах.

Шоир бу байтда Аллоҳ хаёли ва дийдорини ҳар нарсадан муқаддас билиб, зоҳиднинг ақидасига қарши шундай деган: Эй зоҳид, ўзинг тасаввур этган жаннату дўзах тўғрисидаги сафсаталарингни йиғиштир. Илоҳий жамол тажалли айлайдиган ҳар қандай жой бу жаннат. Сен каби кимсалар билан юзлашадиган жаннат жаннат эмас, дўзахнинг айни ўзидир. Тазодли бу фикрни Навоий навбатдаги рубоийсида бошқача сўз ва тимсоллар орқали ифодалаб берган:

Зоҳид санга ҳур, манга жонона керак,
Жаннат санга бўлсун, манга майхона керак.
Майхона аро соқи-ю паймона керак,
Паймона неча бўлса тўла, ёна керак.

«ТО ДАШТ БАҲОР БИРЛА РАНГИН БЎЛҒАЙ...»

То дашт баҳор бирла рангин бўлғай,
Гулзор нигорхонайи Чин бўлғай.
Даштузра сенга салтанат ойин бўлғай,
Гулзор аро тахт устида таскин бўлғай.

Баҳор фасли ва баҳор гўзалликларидан илҳомланиб шеър ёзмаган шоир топилмаса керак. Фақат борлиқ-оламда эмас, балки инсон руҳи ва кўнглида ҳам баҳор кучли ўзгариш, янгиланиш пайдо қилади. Баҳор завқи, кўклам шавқи юракда қанчадан-қанча безавол туйғулар, ҳаётбахш ҳисларни жонлантириб юборади. Бу фаслдаги орзиқиш ва интилишлар умидбахшдир. Ҳар баҳорда инсон сийратида гўё дарахт гуллайди, гул очилиб, қушлар

сайрайди. Баҳор куй-қўшиқлари бирлик, шукроналик куй-қўшиқлари. Улар карахтлик ва руҳсизликни қувади. Қишнинг қаҳри ва совуқ зарбаларидан қутулган кимсасиз саҳрою биёбонлар ҳам ям-яшил либосларга бурканиб, лолазорларга айланади. Навоийнинг рубоийси билан танишган киши шуларни ўйлайди, ўзига ошно баҳор манзараларини хаёлдан ўтказади.

Дашту саҳролар баҳор ранглари билан чулғанганда, дейди шоир, гулзорлар Хитой рассомларининг сувратхоналарига ўхшаб қолади: ҳар бир гулда, чечакда бир чин маҳвашнинг зеболигини илғашинг мумкин. Эй баҳор ошиғи, кўнгилни дашту биёбон кенгликларига туташтириб, ўша жой, ўша манзилларда яйраб кезиш, қувнаб вақт ўтказишни катта давлат, тириклик салтанати деб билгил. Юракка таскин-тасаллини эса гулзордаги «тахт»да кечган осуда дамларингдан изла:

Дашт узра сенга салтанат ойин бўлғай,
Гулзор аро тахт устида таскин бўлғай.

Навоийнинг бошқа бир қатор рубоийлари каби ушбу рубоийсини ҳам сўз ва сўзнинг ранг товланишлари билан чизилган бир кўркам суврат, деса бўлади. Унда баҳор қучоғидаги дашт, турфа гуллар ғунча ёзган гулзор, баҳор ошиқлари кайфияти энг нозик чизгилари ила тасаввурда жонланиб келади.

«ОЛЛИМДА ТАБИБИ ЧОРАСОЗИМ ҲАМ ЙЎҚ...»

Оллимда табиби чорасозим ҳам йўқ,
Ёнимда рафиқи дилнавозим ҳам йўқ.
Теграмда аниси жонгудозим ҳам йўқ,
Бошимда шаҳи банданавозим ҳам йўқ.

Алишер Навоийнинг элимиз орасида машҳур ғазалларидан бири «Меҳр кўп кўргуздим, аммо меҳрибоне топмадим», деб бошланади. «Топмадим» улуғ шоирнинг ҳолати, муносабати ва иқрорини акс эттирадиган бош сўзлардан бири. Ошиқ уринмаса, изламаса, «ранж чекдим», деёлмайди. Навоий вафо ва садоқатдан сўз очадими, меҳр-шафқатдан баҳс юритадими ёки дўстликдан гапирадими, кўп пайтда «Топмадим!», дейди. Юқорида ўқиганимиз рубоийдаги таъкид «йўқ, йўқ»лардан кўзланган асосий мақсад ҳам «топмадим, топилмади» демоқдир.

Кимлигидан қатъи назар бировнинг олдида дардига дармон бўлгувчи бир табиб, кўнглини кўтара оладиган дўст, атрофида жони ачийдиган меҳрибон сирдош, қошида мард бир муҳофиз топилмаса, унинг қисмати албатта куйинишга, боринги, ачинишга лойиқ. Аввало, шундай кишиларнинг ҳаётда мавжудлиги, ҳатто, кўплигидан ҳеч кўз юмиб бўлмайди. Демак, ўзининг аҳволи руҳияси орқали шоир ўзгаларнинг аҳволига ҳам диққатни тортган. Чунончи, шафқат, мурувват, ҳиммат ва маънавий ҳимояга муҳтож ғариб-у ғураболарни ҳеч унутманг, демоқчи бўлган. Рубоий қаҳрамонининг нияти аслида бу эмас. Бандanинг бандага муҳтожлик «босқич»ларидан у аллақачон ўтиб кетган.

Ўтмиш даврларда Ҳақ йўлчиларига ошиқ, дарвеш, фақир, ориф, мискин, қаландар дейилган. Шулардан бирортаси ҳам дунё аҳли ёки «аҳли сурат» сафидан «табиби чорасоз», «рафиқи дилнавоз», «аниси жонгудоз» ва «шаҳи банданавоз» топилади ёки топилса эди, деб умид қилмаган. Аксинча, бунақа умидворликларни илдиз-илдизидан қуритишга уринишган. Навоийда ҳам шундай. Ғазалларидан бирида шоир аҳли замон алоқа ва улфатчилигидан шу қадар узилганманки, ҳатто, баъзида ўзим билан ўзим ҳам келишолмайман дейди:

Бўлмиш андоқ мунқатиъ аҳли замондин улфатим
Ким, ўзум бирла чиқишмас ҳам замоне суҳбатим.

Башарий ироданинг кучсиз ва мўртлигини чуқур англаб, илоҳий ирода соҳиби бўлишга етишмоқ орифликнинг илк шартларидандир.

«МАСЖИДҚА НЕЧА АҲЛИ РИЁДЕК ЕТАЙИН...»

Масжидқа неча аҳли риёдек етайин,
Ё ринд киби азимати дайр этайин.
Мақсуд топилса яхши, йўқса нетайин,
Бошимни олиб қай сари эмди кетайин.

Маълумки, ҳар бир мусулмон учун масжид муқаддас даргоҳ ва муборак саждагоҳдир. Масжидга қатнаб намоз ўқиш, наинки онгу ахлоқда, балки қалб ва руҳониятда ҳам фавқулодда холислик ҳамда покизаликни талаб қилади. Лекин масжидга қатнашнинг ўзи ҳали дилдаги ниятнинг тозалигига кафолат бўла оладими? Йўқ, албатта. Ёлғончи, ҳийлагар, гумроҳ ва риёкор кимсалар намозхонлар орасида ҳам учраши сир эмас. Навоийга кўра, аҳли риё уларнинг энг хавфлисидир. Шу боисдан улуғ шоир рубоийни риё ва риёкорлик ҳолини очишга бағишлаган. Бундоқ қаралганда, шеърда аҳли риё тўғридан-тўғри қораланаётгани йўқ. Уларнинг ҳолига бир ўхшашлик сезилгани учун шоир ўзини айблаётир:

Масжидқа неча аҳли риёдек етайин.

Бу ботиндаги ҳийла ва риёни сезиб-сезмай, қачонгача масжидга бориб келайин, дегани бўлади. Одатда, ҳолат зиддияти ҳам одамни йўл излашга ундайди. Иккинчи бир ният шундан туғилган:

Ё ринд киби азимати дайр этайин.

Ринд дунёни севадиган, ҳаёт завқ-шавқига кўнгил боғлаган киши. Қалбдаги «бўшлиқ»-ни у май ва шароб билан тўлдиришни истайди. Дайр калисо, бутхона демак. Бу сўз мажозан «майхона» ўрнида қўлланилган. Аммо зинҳор-базинҳор риндни ароқхўр, дайрни ароқхона деб ўйламаслик керак. Чунки Навоий бундай нарсани хаёлга ҳам келтирган эмас. Дайрдан мурод Ҳақ ошиқларининг кўнгли. Риндлар қониб-қониб ичадиган «май» эса илоҳий ишқ.

Рубоий қаҳрамони бир жамоадан ажралиб, иккинчи тоифа маъно аҳли сафига қўшилмоқчи. Шу тарзда асл мақсадга эришилсаку, яхши. Эришилмаса-чи? Унда нима бўлади? Бу саволларга очиқ-ойдин жавоб беришнинг иложсизлиги сўнгги мисраларни ўқиганда равшанлашади:

Мақсуд топилса яхши, йўқса нетайин,
Бошимни олиб қай сари эмди кетайин.

Инсон қисматига дахлдор шундоқ чигаллик ва мушкулотлар борки, на дин, на тариқат, на илм-фан уларни тўла-тўкис ҳал этиб бера олади. Айниқса, фикр одами ўзини ўзи чуқур англашга киришганда, иккиланиш, изтироб, ўз шахсидан қаноатланмасликдан бўлак бир қаноат тополмайди. Бинобарин, «Бошимни олиб қай сари... кетайин», деган мазмундаги бир туйғу унинг қалбида ҳамиша қалқиб туради. Фикр турғунлиги ва маҳдудлигидан қутулишга уринишнинг битта асосий чораси ҳам мана шу.

«ЭЛНИНГ АДАБИ ХУШРОҚ ЭРУР ОЛТУНДИН»

Ўзбек мумтоз адабиёти кўҳна Шарқ маданиятининг муҳим бир қисми ва энг гўзал ойнасидир. Уни эски мадраса тизими, хонақоҳ завқи, сарой ҳаёти ва кундалик воқеликдан ажратишнинг ҳеч имкони йўқ. Ўз миллатининг тарихи, маданияти ва маънавиятини чуқур англашни истаган ҳар бир шахс классик адабиётни севиши, уни етарли даражада билиши лозим.

Бизнинг мумтоз адабиётимиз «маркази», яъни пойтахгини Алишер Навоий ижодиёти ташкил этади, деса асло хато бўлмас. Олис бир вилоят ёки кентдан келиб, пойтахтга мослашиш ва унинг ички ҳаётини пухга англаш қанчалик қийин бўлса, Навоийнинг ижод олами сир-асрорини ўзлаштириш янада машаққатлидир. Агар мендан «Навоийни билишнинг энг осон ва ўнғай йўли нима?», деб сўрашса, мен, албатта, «Навоийни, энг аввало, Навоийнинг ўзи орқали тушуниш, унинг бетимсол шахсидан ижодиётига томон бориш», деб жавоб берган бўлардим. Бу нима дегани? Тайёр, ҳеч биров эътироз қилмайдиган мавзуларда ёзиш, кўпчилик ўрганиб, кўникиб кетган тушунчаларга диққатни қаратиш бундан осон иш йўқ. Аммо айтарли ҳар бир фикрни бевосита ўзининг шахси ҳамда ҳолати билан вобасталикда ёритиш, сўзни китобийлик, ясамакорлик офатидан бутунлай қутқазиш ҳазилакам ҳунар эмас.

Шарқ адабиёти ўқувчиси якранглик, такрорбозлик, жўн ёки қуп-қуруқ ақл ўргатишлардан баъзида безиб кетган. Буюк санъаткорлар, жумладан, Алишер Навоий шеърхон кўнглидан йўл топишда, ҳеч бўлмаганда оҳанг ва ифодани янгилаш эҳтиёжи ила қалам тебратган.

«Сўз боғи ажаб гулистонедурким, дейди Навоий «Назм ул-жавоҳир» муқаддимасида, анда жонбахш атрлиқ ашжори мавзун ва руҳпарвар ройиҳолиқ раёҳини гуногун кўпдурур ва лекин фойдасиз хасу хошоки, балки зарарлиқ хори ҳалоки ҳам бордур».

Навоий сўз боғини фойдасиз хас-у хошок, ҳатто зарар етказувчи хор-у алафлардан тозалашга ҳамиша алоҳида аҳамият бериб, сўз ва маънининг порлоқ инжуларини авлодларга мерос қолдирган. Бу жиҳатдан мутафаккир шоирнинг фикрлаш ва танлаш салоҳиятига ҳам тан бермасликнинг иложи йўқ.

Мусулмон оламида мардлиги, жасорати билан бир қаторда донишмандлиги ва ақлий заковати билан ҳам шуҳрат таратган шахсиятлардан бири, ҳеч шубҳасизки, Ҳазрат Алидир. Бу улуғ шахс ҳақида Жунайд Боғдодий шундай деган экан: «Аллоҳ ундан рози бўлсин, Амир ул-мўминин Ҳазрат Али, агар ҳарб ишлари билан машғул бўлмаса эди, тасаввуф илмимизга доир жуда кўп сирларни бизга ўргатарди. Чунки у илми ладун берилган зот эди... Ҳазрат Алининг маъно, ишорат, лафзи тавҳид, маърифат ва имон хусусларда алоҳида бир ўрни, сўфийлардан аҳли ҳақойиққа тегишли гўзал хислатлари бордир».

Мана шу сабабдан ҳам Ҳазрат Алининг наинки дин ва шариат, балки тариқат, маърифат, сиёсат аҳли орасида ҳам нуфузи баланд бўлган. Навоийнинг шоҳ ва шоир дўсти Ҳусайн Бойқарога бағишлаб ёзилган «Назм ул-жавоҳир» асарида Ҳазрат Алининг икки юз элликдан зиёд ҳикматли сўзлари рубоий шаклида талқин этиб берилган. Уларнинг айтарли ҳар бирида рубоий жанрига хос бош фазилат ва етакчи хусусиятлар ўз аксини топганлгини алоҳида қайд қилиш лозим.

«Назм ул-жавоҳир» ўзига хос бир ахлоқ-одоб мажмуаси. Ундаги тўртликлардан бири «Элнинг адаби хушроқ эрур олтундин», деб тугалланади ва аксарият шеърлар айнан шу ҳақиқатнинг ростлиги, дахлсизлигини тасдиқлайди.

Маълумки, ёшларни яхши тарбиялаш учун, аввало, катталарнинг ўзи тарбия кўрган бўлиши зарур. Ота-онадаги ахлоқий иллат ёки маънавий ноқислик фарзандда кучайса кучаядики, сусаймайди. Шунинг учун нафсни таниш, нафс тарбиясига алоҳида эътибор қаратиш кўп ёмон феъл-атвордан фориғ яшашга яқиндан ёрдам беради. Нафс калимаси руҳ, жон, қон, жасад, бирор нарсанинг зоти, жавҳари; ҳамият, қийнаш, уқубат каби хилма-хил маъноларда қўлланилган. Тасаввуф ва тасаввуф адабиётида нафс образлаштирилган ва илон, ит, тулки, арслон сингари қатор жонзотлар қиёфасида тасвирланган. Аслида нафс инсоннинг ҳирс ва ҳиссиётларидир. Ҳирс ва шаҳват эса инсонни ҳеч пайт тинчитмайдиган, ҳар қанча уринган билан бутунликка имкон бермайдиган майл ва қувватдир. Одам майдалашдими, ўзигамас, ўзгага суянади, Аллоҳданмас, бандасидан нажот тилайди. Шуларнинг ҳаммасини умумлаштириб, Навоий мана нима дейди:

Нафс амрида ҳар нечаки толпинғайсен,
Кўп гарчи бутунлик тиласанг, синғайсен,
Ком истаю неча элга ёлинғайсен,
Нафсингға хилоф айлаким, тинғайсен.

Нафс хуружига қарши туришнинг шартларидан бири қиллати таом кам овқатланиш, меъёридан ортиқ еб-ичишга ружу қўймасликдир:

Ҳар кимгаки кўп таом емак фандур,
Билгилки, нажосатқа тани маскандур,
Қорнинг била дўст бўлмасанг аҳсандур,
Невчунки эр ўғлиға қорин душмандур.

Бундай фикрларнинг маъно-мазмунини инсон қанча эрта англаса, қанча вақтли унга амал қила бошласа, у ўшанча ютади. Зеро, таомга ҳорислик, қорин кўзи билан дўст танлаш ҳам ғурур, ҳам мардликнинг заволидир.

Хожа Аҳмад Яссавий ҳикматларидан бирида «Кўнгли қаттиқ халойиқдан қочдим мано», деган гап бор. Кўнгли қаттиқ, бағритош ҳеч бировга ачинмайдиган дегани. Бундай кимсалардан четлашишни кўпчилик билади, албатта. Аммо кўнгилнинг қаттиқлашувига сабаб нима – буни ҳамма ҳам ўйлаб кўравермайди. Навоийнинг кўрсатмаси бўйича, кўп ейдиган ҳорислар даврасига яқин бормай, парҳезкор кишилар билан ўтириб-туриш керак. Чунки кўнгил нозиклиги шундайларга хосдир:

Ким қалби дақиқ эрур, анга муҳтож ўл,
Тўқлуқ чу кўнгулни қатиқ айлар, оч ўл, -

дейди донишманд шоир.

Навоий мажмуадаги рубоийларидан яна бирида:

Қисқорди ҳаёти ғам ичин ёрғоннинг,
Умри узун ўлди ранжи қисқорғоннинг, -

яъни, ичини ғам-ғусса тилка-пора қилган одам ҳаёти, албатта, қисқаради, ранж-у ҳасрати камайган одам умри эса узаяди, дейди. Аслида ҳаётдаги бор гап ва нақд ҳақиқат мана шу. «Темирни занг, одамни ғам кемиради», деган фикр тўғри фикр. Бироқ инсондаги Аллоҳ иноят айлаган яна бир фазилат шуки, у ғамни шодлик ила бартараф эта олганидек, йўқликда ўз мавжудлигини намоён қилиб, меҳнат-машаққат ичида мурод-мақсадига етишади:

Ғамдин дурур ўзни шод топмоқ билгил,
Бетўшалиқ ичра зод топмоқ билгил,
Меҳнат ародур кушод топмоқ билгил,
Ранж ичрадурур мурод топмоқ билгил.

Мағзини чақиб, бундай гапларни дилга сингдириш ёшларда ўзига ишончни қувватлантиради. Хуллас, «Назм ул-жавоҳир»ни ўқиш ва мукаммал англашга уриниш катта-ю кичик учун кони фойдадир.

«Тошкент оқшоми» газетаси, 2011 йил 9 февраль

АДАБИЙ СУҲБАТЛАР

«ҲАР КИШИ КОМИЛ ЭРУР...»

– Иброҳим ака, Алишер Навоий халқимиз маънавияти ва адабиётини куёшдек ёритиб турувчи даҳо зотдир. Унинг ҳар сатри «Ўтлуғ кўнгул»дан сачраган бир чўғ. Беш ярим аср олдин ёзилган фикрлари гўё ҳозир айтилгандек долзарб, юракка яқин, самимийлиги билан қалбимизни мавжлантирса, мантиқий мушоҳадалари руҳимизни қувватлантиради. Шу боис Навоийни англаш ўзлигимизни англаш билан баробар. Кўпчилигимиз эса аҳли донишлар айтганларидек, дунёдаги барча одамлар каби ўзимиздан эмас, бошқалардан нур излаб яшаймиз. Бу хатти-ҳаракатимиз билан эса нурдан узоқлашиб бораверамиз. Навоий ана шундай нур манбаи. Мустақиллик маънавиятимиз осмонини қора булутлардан тозалаб, мутафаккир бобомиз меросини миллат фахр-ифтихори сифатида ўзимизга қайтариб берди. Ана шу буюк меросни ўрганишга эса давлат миқёсида аҳамият берилаётир. Айниқса, шоирнинг «Эл нетиб топғай мениким, мен ўзимни топмасам...»деган ўлмас фикрлари мустақил юрт фуқаролари учун дастуруламал бўлмоқда. Менимча, Навоийнинг улуғлигини унинг бетакрор шахсиятидан излаш керак. Суҳбатимизни шоирнинг комиллик тимсолига айланган беназир шахсиятидан бошласак.

Бадиий ижод оламида нима кўп -сир кўп, жумбоқ кўп. Масалан, кимгадир Аллоҳ истеъдод беради-ю, уни нега журъат ва жасоратдан қисади бу осон изоҳланмас бир сир. Кечагина китоблари кўзга суртиб ўқиладиган ёзувчи ёки шоирдан кўпчилик нечун бирданига қўлни ювиб, қўлтиққа уради бу ҳам – бир жумбоқ. Инсоний қиёфа билан, ижодий қиёфанинг номувофиқлигига сабаб нима бу ҳам баҳс юритишга арзирли муаммо ва ҳоказо. Бир нуқтаи назарга кўра, катта адабиётни фақат катта талантлар яратади. Бошқа бир қараш буйича эса, катта адабиёт яратиш бу йирик Шахсларнинг қўлидан келадиган ишдирки, талант ҳар қанча улкан ва ёрқин бўлмасин, мўрт ва кучсиз ижодий шахсият узоққа боролмайди. Чунончи, у тез фурсатда ҳаётнинг турли кўчаларига бурилиб, сурилиб, охири ўртамиёначилар «дарғаси»га айланади. Аччиқ ва ёқимсиз туюлсада, шу гап тўғри. Чунки хоҳланг, хоҳламанг, истеъдод табиатида ўзига бино қўйиш, «биринчи»ликка интилиш ва имтиёзпарастлик бўлади. Шахс бундай қилолмайди. У эришганидан осон кечади, кечганидан ортиғини тез топади. Лекин нима топмасин ва нимани қўлга киритмасин, барини ҳақиқат истиқболига бағишлайди. Бўлмаса, у маънан тўхтайди. Ҳеч бировга насиб қилмаган ички ғаройиботлардан ажралиб, ҳамма қатори бир бандага айланади.

Навоий рубоийларидан бирида ёзади:

Ким бўлса бу мотамкададек олам аро,
Сайр айласа ғамсириштлик одам аро,
Гар одам эрур бўлса керактур ғам аро,
Оламда эса, бўлса керак мотам аро.

«Мотамкададек олам» қайғули, мотамхонага монанд олам. Бунда нафас олиш, сайр этишнинг ўзи азоб. Лекин бу камлик қилганидек, шоир ўқувчини «ғамсиришт» ғам-алам чекувчи, ғуссакашлар орасига киришга даъват этмоқда. Сабаб нима? Одам билан ғам эгизак тушунча:

Гар одам эрур бўлса керакдур ғам аро.

Одамни оламга боғлайдиган «робита» эса мотамдир: «Оламда эса, бўлса керак мотам аро». Бу гап, бу кўрсатма кишини эзиб, қувончларни сўлдириб ташламайдими? Йўқ! Аксарият ҳолларда дунёнинг бақосиз шодлик ва қувончлари маънавий-руҳий интилишларни сусайтириб, фикр-ҳаракатларини тўхтатади. Ғам, ҳасрат, қайғу эса илгарига, яъни шодликка интилиш, одамларни олам мусибати ва мотамларидан халос айлаш учун моҳиятда фаоллашувни талаб қилади. Шу боисдан Навоийнинг буюк қудратли Шахси ғам-алам денгизи ғаввосини эслатади. Шунинг учун бошқалар қайғу, ҳасрат қўлида янчилиб, тушкунлик, ноумидликка ем бўлиб кетмаслигини кўзлаб шоир:

Кўнгул ичра ғам камлиги асру ғамдур,
Алам йўқлуғи дағи қаттиқ аламдур, -

дейди. Биз Навоий шахсининг тебранмас асосларини билишни хоҳласак, ишни ана шундай байтлар тадқиқидан бошламоғимиз зарур:

Хуш ул дардким, юзланур лаҳза-лаҳза,
Хуш ул ғамки, хотир аро дам-бадамдур.

«Лаҳза-лаҳза» юзланиб турган шу дард, «дам-бадам» янгиланиб борган ғам-у андуҳ Навоий Шахсини замон ва жамиятнинг ахлоқий, маънавий, руҳоний, маданий «барометр»и даражасига олиб чиққан.

– Тўғри айтдингиз, улуғ санъаткорларнинг кўнгли дунёвий ва ҳаётий ҳақиқатлар кўзгуси. Унда инсоний гўзал туйғулар билан бирга давр нафаси ҳам акс этиб туради. Буюк Навоийнинг кўнгли эса самимият уммонига ўхшайди. Унга яқинлашганинг сайин инсонийликнинг нақадар улуғ рутба эканлигини англаб етасан ва дунёга кўнгил кўзи билан қарай бошлайсан. Навоий «Ҳайрат ул-аброр» достонида алоҳида тасвирлаган кўнгил нима ўзи? Юракми, қалбми ёки Яратганнинг инсонга иноятими?

– Озарбойжон халқининг буюк шоири Насимий бир шеърида:

Арши раҳмон деди наби кўнгулга
Чунки кўрди кўнгулда жондир сўз, –

дейди. Шарқ шоирларининг кўнгулга умумий қарашлари ва берган баҳолари ана шундай баланд. Агар уларнинг кўнгул таъриф-у тавсифларига бағишланган шеърлари бир жойга жамланса, олам ва одамнинг барча нозик сир-асрори кўнгулда-ю, шоирлик шуларни сўз билан ифодалаш экан-да, деган хулосага келиниши шубҳасиздир.

Дарҳақиқат, кўнгул маънавий ҳаётнинг бош манбаи, руҳоният ойнаси. Кўнгул завқи ҳамма завқ-шавқдан юксак туради. Унинг дарди, армони, ҳасби ҳоли ўзгачадир. Кўнгулга чап бериш қисматга, ростликка чап бериш демак. Кўнгул сайри дунёдаги сайри саёҳатнинг энг маънилиси ва гўзалидир. Инсон чини билан ўз кўнглини тушуна билса, одамийлик шарафини ҳам, парчаланмас илоҳий моҳиятни ҳам жуда яхши англайди. Дунёнинг кераксиз шовқинлари, зарарли ва заҳарли товушларидан ўзимни асрайман деган киши, албатта, кўнгул овозини тинглай олиши керак. Кўнгул измида юриш – хосиятли ва покиза қадам

мана шу. Лекин бу қийин ҳаракат. Ўтмишда яшаб, ижод этган буюк шоирларнинг нола-ю фиғонларини эшитинг чор тарафдан худди кўнгул фарёди, кўнгул ҳайқириқларини тинглагандай бўласиз.

Шоир руҳи қачон сўлади? Кўнгул қуввати ва ёлқини сўлганда. Навоийнинг ўз шеърлари «ўтлуғ кўнгулдан» туғилганини таъкидлаши бежиз эмас.

Бир таснифга кўра, илм аҳли қадимда уч тоифага ажратилган: биринчиси, фақат зоҳирни, яъни кўзга кўриниб, қўл билан ушланадиган нарсаларни англайдиганлар. Иккинчиси, фақат ботинни кўзга кўринмас ҳақиқатни тушунадиганлар. Учинчиси, ҳам зоҳирни, ҳам ботинни билгувчилар. Абдураҳмон Жомийнинг қайд этишлари бўйича, кейинги гуруҳга мансуб олимларнинг сони ҳар асрда тўрт-бешга етса ҳам катта гап экан. Тил орқали англаш ҳол ва кўнгул билан англашга уйғунлашмаса, Навоий сингари даҳо санъаткорларнинг қалб, юрак, руҳ, басират, латоиф ва кўнгулга тегишли фикрларини тўғри қабул қилиб бўлмаганидек, талқинлар ҳам нотўғри ё саёз бўлади.

Шу маънода мумтоз шоирларнинг мана бундай сўзларини инобатга олмоқ шартдир:

...Аҳли ҳолга, аҳли ҳол шеъри берур завқу сафо,
Аҳли зоҳир сўзини ҳол аҳли буҳрон айламас.
Шуаронинг диллари Ҳақнинг хазинаси эмиш,
Лек муқаллид сўзлари ушшоқни ҳайрон айламас.
Аҳли ҳолнинг қалбига илҳом берур шеъри Худо,
Аҳли зоҳир сўзлари иршоди ирфон айламас...

Хуллас, Навоийдек ўз ҳолига ўзи «саргаштаву ҳайрон» шоирнинг кўнгул таърифидаги гапларини бехато англаш ва талқину таҳлил қилиш, албатта, ботин илми сирларини ўрганишни ҳам талаб этади. Акс тарзда ўзимиз нимани билмасак, хаёлга нима келса, шуни Навоийга нисбат бериб юраверамиз. Зеро, илмдаги кўрлик, лақмалик ва ўжарлик жуда хавфлидир. Шошқинлик, бефаросатлик, вайсақиликдан юзага келажак шу хавфга ён бермаслик учун Навоийнинг мана бундай сатрлари устида бош қотириш керак:

Улки маънидин хабар топти яна дам урмади,
Англамон аҳли жадал ичра не қилу қол экин?

– «Хамса» гўё устма-уст қўйилган беш тоғ... Ҳар пояси бутун бир умрни қамрайди. Навоий азамат ҳамлалар билан ҳаммаси бўлиб икки-уч йил ичида бу тоғнинг чўққисига чиқди. Ойбек домла эътироф этганларидек, Алишер Навоийниниг «Хамса»си улкан тафаккур уммони, бетакрор фикр ва гўзал инсоний туйғулар қомуси. Ана шундай улкан мерос ҳар биримизга чексиз фахр-ифтихор бағишлайди. Аммо бармоқ билан санарли навоийшунослардан бошқа ҳеч биримиз бу улкан уммондан тўлалигича баҳраманд эмасмиз. Ҳолбуки, маънавият ва маърифат гулшани ҳисобланмиш бу улкан асар, ёшимиздан қатъи назар барчамизга бирдек ибрат ва ҳикмат мактабидир. Ўқиб тушуниш қийин бўлган «Хамса»ни халққа мукаммал етказишнинг бутун йўллари ва имконлари кўп-ку. Масалан, кино санъати (ёки театр) орқали. Ҳиндлар ўзларининг «Маҳобҳорат» ёки “Рамаяна»дек улкан достонларини кино қилиб дунёга тарқатганларида, нега энди биз «Хамса»ни кўп серияли фильм сифатида талқин этолмаймиз. Тўғри, бу фақат киночиларнинг қўлидан келадиган иш эмас,

эзгуликка навоийшунослар, ёзувчилар ташаббус, ҳомийлар саховат кўрсатишлари зарур. Ахир бизда Баҳодир Йўлдошевдек санъат ва адабиётни нозик ҳис этадиган бетакрор истеъдод соҳиблари, режиссёрлар бор-ку? Ишонаманки, Баҳодир ака «Садди Искандарий»ни саҳналаштириб, бу борадаги чексиз имкониятларини намойиш этдилар. УзР ФАнинг Тил ва адабиёт институти Мумтоз адабиёт бўлими мудири сифатида бу муаммо сизни ҳеч ўйлантирганми?

– Нега ўйламайин – ўйлаганман. Баҳодир аканинг ўзи тўғрисидаги сўзларимни эшитиб, ажабланишингиз мумкин. Баҳодир Йўлдошев ҳақиқатда беназир санъаткор ва Шахс. Кўнгилдан баъзан қанақа оғир кайфият, қандай маҳзун ҳиссиётлар кечмайди, дейсиз? Худди шунақа дамларда мен баъзан негадир Баҳодир Йўлдошевни эслаб кетаман. «Шу одам борку», дейман. «Бир тоза ижодий шахсият бундан ортиқ бўлмас», деб ўйлайман. Ҳолбуки, биз тез-тез учрашмаймиз. Гурунглашмаймиз. Бироқ Баҳодир ака кўнгул мусоҳиби эканини кейинги вақтларда доимо сезиб, билиб тураман. Нега? Бунинг бир сабаби Баҳодир аканинг Навоийни чуқур тушуниши, албатта.

Биласизми, Навоий ижодиётининг туб моҳиятини биз ҳар томонлама тўғри ва теран англай олмаганимиз боис «Хамса» қаҳрамонларини ҳам бошқача қиёфада тасаввур қиламиз. Табиийки, илмий талқинлар ҳам шунга мувофиқ бўлган. Мана, Фарҳодни олайлик. У ким ўзи? Жавоб тайёр: Хитой подшоҳининг ўғли, яъни Чин шаҳзодаси. Бу фикр бошимизга ўрнашиб қолган. Мактаб ўқувчисидан бошлаб то малакали навоийшуносгача ҳамма-ҳамма шу хусусда қайта-қайта гапиради. Аммо Фарҳодда дини, дунёқараши, урф-одати, давлатчилик анъаналари туркий халқларникидан кескин фарқланадиган Хитой халқига хос нима миллий хусусият ва фазилат ёки руҳоний сифатлар бор? Тарихда қайси Хитой ҳукмдори, гўдаклигидаёқ фарзандига Қуръони каримни ўқитиб ўргатган, умуман, таълим-тарбия, муомала-муносабат ва маданиятда мусулмончиликни афзал билган – булар ҳақида жиддий мулоҳаза юритиш ҳатто хаёлга ҳам келмайди. «Хамса»даги чин, арман, юнон, араб деган сўз ва тушунчалар бир рамздир. Уларни тўппа-тўғри мазмунда қабул қилиш бу «Хамса» сатрларидан ўзбек ўқувчиси қалбига тошиб келадиган завқни бошқа бир «ўзан»га буриб юборишдай гап. «Хамса», айниқса «Лисон ут-тайр» достони хусусида биз Баҳодир Йўлдошев билан анча гурунглашиб, айрим жумбоқларга жавоб топгандай бўлганмиз.

Менимча, агар «Лайли ва Мажнун»ни Баҳодир Йўлдошев саҳналаштирса, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, достон гўё янгидан туғилади, замонавий асарлардан ҳам ортиқроқ даражада қизиқиш уйғотади. Бунга сабаб нима? Аввало, дид ва савиянинг юксаклиги. Энг муҳими эса том маънодаги ишқ-жунун ҳиссиётининг Баҳодир акага бегона эмаслиги.

Аминахон, улкан талантни қучоқ очиб кутиб олиш ҳам, ҳар қандай вазиятда уни асраб-авайлаш ҳам, бор куч-ғайрати ила унинг ижод қилишини таъминлаш ҳам оддий ва осон иш эмас ва бу ишни қойиллата билган миллатга ҳар қанча ҳавас ила қараса арзийди. Навоий бобомиз ўнлаб олим-у адиб, шоир-у фузалоларни ўз ҳимояларига олиб, ҳиммат, саховат, меҳр-у муҳаббат қўли билан бошини силамаганларида, биз бугун уларнинг бебаҳо асарлари нари турсин номларини ҳам билмаслигимиз мумкин эди.

Энди киночилар билан навоийшунослар ҳамкорлигига келсак, Навоий китобларини кўнгул кўзи ила ўқиб, тушунадиган ва яйраб мушоҳада этишга қодир киночини учратиш қийин. Навоийга бағишлаб ва Навоий асарлари асосида фильмлар яратиш тадоригида ўтказилган йиғинларда неча маротаба қатнашган бўлсам, ишончсизлик ҳар гал олдингидан

ортган. Бугун ўзбек киноси анча яхшиланиб, миллий руҳ ўзини кўрсатаётир. «Хамса»га ихлосманд режиссёрлар балким топилиб қолар.

«Ҳидоят эгаси шараф ва ҳурматнинг қайтиш жойи дин-у давлат эгаларининг сараси, мулк-у миллат эгаларининг етакчиси, равнақ берувчи, салтанат устуни, подшоларни қўлидан етакловчи, хоқон давлатининг умиди, султон ҳазратларининг дўсти, ҳақиқат ва дин низоми амир Алишерга..... « Ҳусайн Бойқоро Навоийга йўллаган мактубларини ҳамиша ана шундай бошлаган экан. Содиқ дўсти эътироф этгандек, Навоий уни ҳамиша эзгуликка бошлаган. Шоирнинг ўзи ёзиб қолдирганидек , "Қўлимдан келгунча зулм тиғини қайтариб, бечораларнинг жароҳотига малҳам қўйдим. Қўлимдан келмаганини Ҳусайн Бойқародан илтимос қилдим».

Айтинг-чи, бу икки зотни бир-бирига ҳамкор-у ҳамфикр қилган нарса Навоийдаги ақл-тафаккурми ёки Ҳусайн Бойқародаги яхшиликка интилиш, дўстга садоқатми? Янада аниқроқ айтадиган бўлсак, Навоий дўсти Ҳусайн Бойқаросиз ҳам буюк шоир ва давлат арбоби бўла олармиди?

– Инсоният тарихида шундай бир саодатбахш воқеа-ҳодисалар бўладики, улардан бирини иккинчисидан ажратиб баҳолаш қийинчилик туғдиради.

Бойқаро ва Навоийнинг болаликдан дўст тутиниши, салтанат, халқ, илм-фан, маданият ва санъат ишларида ҳамкор-у ҳамнафас бўлишлари ана шундай ҳодисалардан эди. Навоий бўлмаса Бойқарога бўлак бир шоир, Бойқаро бўлмаса Навоийга ўзга бир ҳукмдор топиларди, дейлик. Унда нима бўларди? Бириси бошқа шоир, иккинчиси эса тожу тахт ғавғоларидан боши чиқмаган бошқа подшоҳ ўлароқ тарихда из қолдирарди. Бундан, албатта, юрт ва миллат ютқазарди. «Шарафнома» номли китоб муаллифи, тарихчи Шарафхон Бидлисийнинг ёзишича, Ҳусайн Бойқаро олимларга шахсан ўзи ҳомийлик қилган, толиби илмларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаган. Ҳиротнинг Хиёбон мавзеида улар учун қурдирган мадраса ва саройларга тенг келадигани Эрон ва Туронда ҳам топилмаган. Ҳиротдаги ўн икки минг талаба, шоир, хаттот ва бошқа соҳа вакиллари амир, вазир ва давлат ҳисобидан маблағ билан таъминланиб турилган. Энди Мирзо Бобурнинг «Аҳли фазл ва аҳли ҳунарға Алишербекча мураббий ва муқаввий (мададкор, ҳомий) маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлғай», деган гапларини эслайлик. Подшоҳ маърифатпарвар, боз устига шеър, шоир, адабиёт қадр-қимматини тушунадиган қалам соҳиби; энг яқин мусоҳиби, вазири аъзам илм, адабиёт, санъат, ҳунар аҳлидан мол-давлатни сира аямайдиган буюк мутафаккир ижодкор нега мамлакатда тафаккур ва маърифат нури барқ урмасин? Нега олим илмга, ижодкор адабиётга, зиёли – ҳақиқатга қўл силтасин?

Тўғри, кўнгил истаган эркинлик ва хотиржамликни Навоий саройдан топмаган. Бойқаро билан муносабатлари ҳам доимо рисоладагидек бўлмаган. Лекин на сарой муҳити, на Ҳусайн Бойқаро табиатидаги ғалати ўзгариш ва салбий тебранишлар Навоийни адл ва инсоф, ҳақиқат ва ростлик, шафқат ва мурувват йўлидан асло чалғита олмаган. Чунки Навоийда инсонийлик ғурури шоирлик виқори билан тўла равишда уйғунлашган эди. У инсоннинг ўзи сингари махлуқ – иккинчи бир инсонга малайлик қилиш, қуллуққа қўл қовуштириш ва хушомад айлашига бутунлай қарши эди;

Кимки махлуқ хизматиға камар
Чуст этар – яхшироқ ушалса бели.
Қўл қовуштурғуча бу авлодур
Ки, анинг чиқса эгни, синса или.

Чун хушомад демакни бошласа кош
Ким, тутулса дами, кесилса тили.

Шеърдан кўра қарғишга ўхшаб қолган бу сўзлар бел букиб таъзимчиликка, шакаргуфторлик этиб хушомадга ривож берувчилардан Навоийнинг нақадар жирканганини аниқ ва равшан кўрсатиб турибди.

– Машҳур муаррих Хондамир «... Унинг (Навоийнинг) эҳсонидан бир қатрасини ерга тўксалар, лола ўрнига ҳар зарра тупроқдан Жамшид жоми униб чиқар эди», деб ёзиб қолдирган. Мирзо Бобур эса «Аҳли фазл ва аҳли ҳунарға Алишербекча мураббий ва муқаввий маълум эрмас...», дея лутф этади. Ҳақиқатан ҳам, зоҳиран ва ботинан пок бўлиб, эзгулик учун яшаш Навоийнинг умр мезони ҳисобланган. "Ҳомийлар ва шифокорлар» йилида улуғ зотнинг қайси фазилат ва ўгитларини муштарийлар эътиборига ҳавола этган бўлардингиз?

– Навоийни ўқиб-ўрганиб, мен атроф-муҳитга қарайман, воқеликдаги ҳар турли ҳодисотларни кузатиб Навоий асарларини ўқийман. Навоийнинг шоирлик, мутафаккирлик ҳолини мушоҳада қилиб, баъзан уни бугунги шоир ё адибнинг ҳолига қиёслайман. Ана шунда Навоийни мен идеаллаштирмаяпманми, замин фарзандига унча хос бўлмаган аллақандай фазилатларни Навоийга нисбатан бераётган йўқми, деган бир иштибоҳ ҳам пайдо бўлади. Яна ҳазратнинг китобларини қўлга оламан. Айниқса, шеърларини, у ёки бу шеър бағрида чарақлаб ётган шоҳ байтларни қайта-қайта нигоҳдан ўтказаман. Гоҳо мана бундай байтларга дуч келинганда тўлқинланиб кетаман:

Эр эрсанг, бўл сулбким, не мода бўлғунгдур, не нар,
Ўзни гар юз қатла олам аҳлидек нармода эт.

Сулб бўлиш табиатан мустаҳкам, эгилиб-букилмайдиган бўлиш. Яъни нафсни қийнаб, иродани обдон чиниқтириш. Демак, эрлик ва эранлик нар-модаликдан фарқланувчи теран ва қудратли бир туйғу. Шу туйғу хотинлик майли ва ҳисларини эркак вужудидан суғириб ташлайди, уни чинакам мардлик ва ҳиммат мақомига кўтаради. Ва у ўзини «олам аҳлидек» нармода айлаш гоҳ силлиқ, гоҳ назокатли, гоҳ ширинзабон, гоҳида хушомадгўй, такаллуфбоз қиёфада турланиб-тусланишдек қаллобликдан халос этади. Чунки эркак қатъиятли, жафокаш, эркин бўлса, хотинмижоз, қўрқоқ, латтачайнар, худнамолар сони ҳам камайиб кетади. Навоий бир байтида:

Мени киши демаса эл, малул невчун ўлай
Киши ҳисобида мен ҳам ўзумни чун санаман, –

деганида, табиати беҳад бўш, эрлик лафзидан бенасиб зотларга ҳам муносабатини билдирган. Шунинг учун ҳомий деган киши, энг аввало, мардлик, тўғрилик, камтарлик, фидоийлик, холислик-бир сўз билан айтганда, ИНСОНЛИК шарти ва талабларига, ҳар қалай риоя қила билиши керак. Акс ҳолда бир пасткаш, қаллоб, ўғри ва риёкор пулдорнинг «ҳиммат»и сал-пал ўзини таниган, умри ҳалол луқма ейиш билан ўтган ҳар қандай одамга малол келади сиртдан у хурсанд бўлиб кўринса-да, ичдан зил кетади, ўксиклик устига ўксиклик, армон устига армон минади. Навоий шуларни ҳам назарда тутиб:

Кимки бир кўнгли бузуғнинг хотирин шод айлагай,
Онча борким, Каъба вайрон бўлса, обод айлагай, -

деган. Аслида-ку мен муштарийлар эътиборига Навоийнинг:

Тамаъ этма, кўп ўлса эл моли,
Кўрмайин Ҳақ хазинасин холи -

сўзларини ҳавола қилган бўлурдим. Модомики, ҳомийликка эҳтиёж, ҳиммат ва саховат соҳибларига муҳтожлик бор экан, мутафаккир шоирнинг қуйидаги сўзларига амал қилингани мақбул деб ўйлайман:

Мурувват барча бермакдур, емак йўқ,
Футувват барча қилмоқдур, демак йўқ.

Суҳбатдош: Амина Қодирова «Ишонч» газетаси, 2006 йил 7 февраль

«КЎНГЛУМДА НЕ МАЪНИ ЎЛСА ЭРДИ ПАЙДО...»

– Ҳазрат Навоий ўзларининг асарлари хусусида «...умидим улдурки ва хаёлимға андоқ келурки, сўзум мартабаси авждин қуйи инмағай ва ёзғон асарларим аъло даражадин ўзга ерларни ёқтирмағай», дея орзу қилган эди. Бу орзу башоратга айланган, десак, хато бўлмайди. Улуғ шоир китоблари мана орадан шунча вақт, замон ўтса ҳамки, ўз қадр-қимматини тўла сақлаб, энг юксак мартабадан асло пастлагани йўқ. Сизнингча, Навоий ижоди мана шундай юксак даражада туришининг сири нимада?

– Ҳақиқий санъат асарларининг қисмати шундай бўлган: улар дунёга келдими, боқий яшайди. Чунки, уларда инсоният учун сув ва ҳаводек зарур ҳақиқатлар энг юксак бадиий шаклларда тасвирланади. Шунинг учун Навоийга ўхшаш даҳоларнинг асарлари қисқа муддатда халқнинг қалбини ишғол этади. Навоий «Бадоеъ ул-бидоя» девонига ёзган дебочасида мана нима деган эди:

Кўнглумда не маъни ўлса эрди пайдо,
Тил айлар эди назм либосида адо.
Ул назмға жонин қилибон халқ фидо,
Солурлар эди гумбази гардунға садо...

Менимча, Навоий шеъриятини теран англаган кишилар кўнглида бугун ҳам шундай садо янграйди. Алишер Навоий туркий адабиётни мисли кўрилмаган янги босқичга кўтарди. Адабиёт ҳар қачонгидан кўра ҳам инсон қалби, руҳи ва тафаккурининг жонли ифодасига айланди. Шеърият миллат ва Ватан равнақи учун ҳақ сўз яловбардори эканлигига халқда кучли ишонч уйғонди. Шу боис, қисқа муддатларда Навоий ижодиёти улуғ бир маърифат мактаби даражасига кўтарилди. Бу мақом бугун ҳам пастлагани йўқ. Хусусан, мустақилликдан сўнг Навоий шахси ва ижодиётига муносабат тубдан янгиланди. Мен бу ўринда шоир таваллудининг 560 йиллиги муносабати билан Навоий шаҳрида Алишер Навоий ёдгорлик мажмуининг очилишида Президентимиз Ислом Каримов сўзлаган нутқни эслатмоқчиман. Ундаги «Агар бу зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафак-

кирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султонидир», деган фикрлар Навоий ҳақидаги энг тўғри ва олий эътирофдир.

– Маълумки, Алишер Навоий орзу қилган инсон, энг юксак инсоний фазилатларни ўзида мужассамлаштирган, ҳар жиҳатдан етук Комил Инсон эди. Навоий тасвирларидаги Комил Шахс эса, биринчи навбатда, илм ва маърифат орқали ўзини таниган, илм ва маърифатнинг куч-қувватига таянган кишидир. Шу маънода Навоийнинг асарлари бугун ҳам ўзининг қиммати ва аҳамиятини мутлақо пасайтиргани йўқ. Бизнинг даврда ҳам илм-фанга эътибор паст эмас, албатта. Лекин натижа нега унчалик қувонарли эмас. Хатто олимлар ҳам Навоий таърифлаган илм аҳлига ўхшамайди, негадир бошқача. Бунинг сабаби нимада?

– Сабаблари кўп. Мен шулардан айримларини айтишим мумкин. Биз нодонлик ва жаҳолат зулматига илм нури билан барҳам берилишига ишонамиз. Бу тўғри, албатта. Шунинг учун ҳам олимликка ишонч-эътиборимиз баланд. Бироқ, ёлғиз илм билан ёки олимлик мартабасини эгаллаш билан асосий муаммо ҳал бўлмаслигини кўпда ўйлаб ҳам ўтирмаймиз. Ваҳоланки, улуғ орифлардан бири таъкидлаганидек, «Қанча илмлар борки, натижаси жаҳолат ва билимсизликдир. Қанча илмсизликлар бордурки, самараси илм эрур. Кишида ғурур ва худпарастлик иддаосини туғдирадиган илм жаҳолатдан ўзга нарса эмас». Алишер Навоий:

Илмни ким воситаи жоҳ этар,
Ўзини-ю халқни гумроҳ этар, –

деганида шунга яқин маънони илгари сургандир. Бу байтдаги «жоҳ» сўзи фақат «бойлик», «мансаб» маъносини эмас, балки худпарастликка берилиб, зўравонлик ила бошқаларга фикрини ўтказиш, яъни фикр эркинлигига йўл бермаслик мазмунини ҳам акс эттиради.

Тасаввуфда «Ақоботи сабъа» деган ва нафси аммора (ёмонликка ундовчи нафс)нинг етти таврини англатадиган ибора бор. Булар: 1.Букл. 2. Ҳирс. 3.Жаҳл. 4.Кибр. 5.Ҳасад. 6.Жаҳолат. 7.Кин. Агар олим ғайрат ила заҳмат чекса, илм шарофати туфайли ушбу етти офатдан халос бўлиб нафси мулҳама даражасига етиши ва саховат, қаноат, тавозеъ, сабр сингари сифатларга соҳиб бўлиши мумкин. Бироқ, нафснинг бу мартабаси «Мазолики ақдом» оёқ тойдирувчи жой бўлганлиги боис анча илгарилаган олим ҳам ўзига бино қўйиб, илмидан мағрурланганда яна нафси аммора ҳукмларига бўйсунишга маҳкум. Бу аросат туйғуси бош кўтараркан, олимнинг олимлигидан ному нишон қолмайди: у қаҳр ва ғазаб оловида ёнади. Бундай ҳолат ва ҳодисани ҳаётда кўп учратиш ёки кузатиш мумкин. Шунинг учун олимда орифлик туйғуси бўлмоғи шарт.

– Мана, тасаввуфни тилга олдингиз. Тасаввуф ва Навоий ижодиёти муносабатидан баҳс этувчи бир қанча ишларингиз эълон қилинган. Сизни шундай йўналишдаги тадқиқотлар қаноатлантирадими? Навоий асарларининг сирларини кашф этишнинг асосий йўли фақат тасаввуфми?

– Йўқ, фақат тасаввуф эмас. Бундан ташқари, бизнинг ҳозирги савиядаги тасаввуфшунослигимиз адабиётни билиш ва севишга зиён кўрсата бошлади. Илмда бир қолипбозлик, мумтоз адабиётимиз вакиллари ижодиётини ёппасига тасаввуфлаштириш умумий интилишга айланди. Жумладан, Навоийдек даҳо санъаткор ҳам сўфийлар сафига қўшилди. Бу албатта, сўфийлик нималигини етарли даражада билмасликдан чиқарилган ҳукмдан ўзга нарса эмас. Мақола ёки рисолада бирор-бир фикр-мулоҳазани илгари сураётганда, уни оддий одамлар, хусусан, ёшлар қандай қабул қилишларини ҳам эсдан чиқармаслик зарур.

Ёшлик ва ўспиринликда онгда ўрнашиб қолган фикрни ўзгартириш қийин.

Навоий ғазалларидан бирини:

Иблис сифат эл сари майл этма, Навоий,
То бўлмағасен зарқу риё қайдида маълул, –

деган сўзлар билан тугаллайди. Бу иблис сифат кимса «пешво», «ҳам ўзи-ю ҳам маърифати жоҳилу мажҳул» бир шайх. Бировлар ваъз айтиб, одамларни ғафлатдан бедор этсалар, у ҳар турли сафсаталар билан уларни ғофиллик хобига гирифтор қилиш билан кифояланмасдан тўғри гапни қатъиян инкор ҳам айлайди:

Кўрмай хирад асҳобида бир фардни оқил,
Топмай киши афсунида бир нуктани маъқул.

Мана шу шайх ҳам тасаввуфга дахлдор, тасаввуфнинг номидан иш юритган. Демак, Навоийнинг тасаввуфга ҳам, тасаввуф вакилларига ҳам мустақил қарашлари бўлган. Негадир масаланинг бу жиҳатлари умуман инобатга олинмаётир. Тўғри, Навоий ижодиёти тасаввуф таълимоти билан мустаҳкам боғлиқликка эга. Тасаввуфни билмасдан Навоий шеъриятини ҳаққоний тадқиқ ва тарғиб этмоқ қийин. Бироқ, бунда Навоий шеърларининг тасаввуфий «қатлами»ни белгилашда шошқалоқликка, тахминбозликка эрк берилмаслиги зарур. Акс ҳолда Навоийни шеърхонга яқинлаштиришга эмас, балки узоқлаштиришга уринилаётганлигини тан олиш керак бўлади. Улуғ шоир қитъаларидан бирида ёзади:

Эй Навоий, англаким, хуш оламидур фардлиғ,
Гар қуёш васлин тиларсен, фард бўл зарротдин.
Ул эмастур фардлиқким, жуфтдин фард ўлғасен,
Фард улдурким, мужаррад бўлғай ул ҳар зотдин.

Тасаввуф ҳақиқатлари ва атамалари маъносидан бехабар ҳолда ушбу шеърнинг таҳлилилига уриниш бефойда. Чунки шоир ўқувчини «фардлиғ» ҳолига чорлаётганда ёлғизланиш, яккалик ёхуд танҳо яшашга чорлаётгани йўқ. Шунинг учун ҳам «Ул эмастур фардлиғким, жуфтдин фард ўлғасен», деган учинчи мисрадаги таъкид бежиз эмас. Қадим даврларда ғайб эранларидан бир гуруҳи «фард» дейилган. Уларнинг нуқтаи назарида фардлик нафсни тўлатўкис мусаффолаштириш, қалбни Ҳақдан бошқа ҳамма нарсадан ажратиш ҳисобланган. Тасаввуф луғатларида тажрид (якка, холи, озод) калимаси ҳам худди шу мазмунда шарҳланган. Хуллас, Навоий даъват қилаётган фардликнинг зоҳирий бир сўққабошлик, одамлардан йироқлашувга асло алоқаси йўқдир. Бундай мисоллар эса Навоий ижодида оз эмас.

– Суҳбат сўнгида анъанавий бир саволга жавоб берсангиз: навоийшунос сифатида келажакдаги орзу ва ниятларингиз қандай?

Орзу кўп. Лекин, асосийси: Навоийнинг санъат дунёсига имкон қадар чуқурроқ кириб бориш. Шунинг учун Навоий шеърларига шарҳлар ёзиш асосий машғулотларимиздан бири бўлиб қолмоғи лозим, деб ўйлайман. Навоий ижодиётининг футувват, тасаввуф, маломатийлик билан алоқадор жиҳатлари ўрганилган бир китобни тугатиш ниятим бор.

Суҳбатдош: Насиба Бозорова, «Ишонч» газетаси, 2002 йил 8 февраль

«НАВОИЙНИНГ ҲУДУДСИЗ ОЛАМИ»
(Давра суҳбатидан)

1. Кейинги ўн-ўн беш йил мобайнида навоийшунослик гуриллаб тараққий этди, дейиш ҳақиқатга тўла мувофиқ келмайди, албатта. Лекин айнан шу даврларда бу илм тармоғи ҳар қалай ўзининг янги ўзанини топди, олдин эътибордан умуман четга сурилиб келинган қатор мавзулар тадқиқи билан бойиди, айрим тамойилларда кучига унинг куч қўшилди, десам ёлғон бўлмайди. Мумтоз адабиёт бўлими ходимлари диққат-эътиборни кўпроқ Навоий ижодиётига қаратиб, шоирнинг шеърий, насрий, илмий асарлари таҳлил ва талқинига бағишланган ишларини мақола, рисола, китоб шаклида эълон қилиб туришибди.

Олис замонларда яратилган мумтоз адабиёт намуналарини тўғри, ишонарли, таъсирли усулларда тадқиқ ва талқин этиш осон ишмас. Тамоман узоқ бир даврда, фарқли ижтимоий-маданий муҳитда яшаётган, мақсади, завқи, ҳолати айри бўлган бир жамоа вакили саналмиш бугунги кун одамида эски матнларда ифодаланган ҳар қандай фикр фарқли таъсир ўтказиб, ўзгача таассурот уйғотиши табиий. Шунинг учун адабий матнларни вужудга келтирган даврнинг ижтимоий-маданий ҳаёти, фикр-қараши, мушоҳада тарзига асосланиб, шеър ёзилган замондаги маъно ва моҳият доирасида сўзга нигоҳ ташлашни ҳамма ҳам эплайвермайди. Қадимий сўзлар бугун айнан ишлатилгани билан, айтайлик, уларнинг Навоий шеърларидаги истилоҳий, рамзий-мажозий мазмуни кўп ҳолларда нисбатан бошқа ва «қатлам»ли. Чунки Алишер Навоий яшаб, қалам тебратган дунё билан ҳозирги одам яшаётган дунё бутунлай фарқли. Демак, фақат ўзи яшаётган давр тушунчаси, ҳақиқат ва ҳукмлари ила Навоий матнларини қўлга олиб, ўқиганда нимани англаб, нимани кўрса уларни шунга биноан баҳолаш сохтакорликни чуқурлаштиради. Мабодо мендан «Навоийшуносликнинг энг долзарб ва шарафли вазифаси ҳозир нима?» деб сўрашса, мухтасар қилиб «Навоийни Навоийдан йироқлаштирмай, Навоийни Навоийга қарши қўймай тадқиқ ва талқин этиш», дея жавоб берардим. Чунки шўро даврида Навоий ижодиётини текширишда йўл қўйилган энг жиддий хато ва нуқсонлар худди ана шу талабга риоя қилинмаганидан туғилган. Бугун уни ёзиб бўлмайди, буни гапириш мумкин эмас, деган таъқиб ва чекловлар йўқ. Лекин Навоийнинг Руҳоният, Моҳият, Санъат дунёсига эркин кириб боришга куч-қувват етишмаётганлиги ҳар қадамда сезилади.

Буюк мутафаккир, беқиёс санъаткор қалбидан қайнаб, жўшиб чиққан энг олий, энг кўркам фикр-у туйғуларни ўзингизнинг ўтмаслашган дид ва савиянгизга мослаб, яъни жўнлаштириб тушунсангиз қанақа навоийшуносиз?

2. Навоий ижодиётини ўрганиш, тарғиб-у ташвиқ қилиш, энг аввало, кўнгил ва муҳаббат, истеъдод ва мушоҳада малакаси. Ҳаётдан узилган, воқеликка ниҳоятда кенг нигоҳ ила қаролмаган ичи бўм-бўш киши, илмий унвон ё даражасидан қатъи назар, Навоий асарларининг қадр-қийматини жуда арзонлаштириб юборади. Навоийни ўқиганда, унинг ҳар бир калимаси, образи, ҳар бир мисрасида ҳаммага ҳам насиб бўлмайдиган англаш ҳаяжони, нафосат завқи ифодаланганини, албатта, ҳисобга олмоқ лозим. Токи шеър тили тафаккур тили, гўзал маънавият тили эканлиги билинсин. Маъно, мантиқ, мушоҳада маданиятини тинимсиз равишда Навоийдан ўрганиш зарур. Сўз ва қуруқ фикрнинг «қулоғи»га ёпишиб чайналгани билан шоир қалбидаги дард тўлқинлари ва доимий ҳаракатдаги изтироб оташини шуурдан ўтказмоқ душвордир.

Навоийни ўқитишдаги маҳдудлик ва ноқислик жабрини биз тортдик. Бундан бутунлай қутулиб билмаслигимиз ҳам аниқ. Ёшлар – навқирон авлод-чи? Ёрдамни улардан ҳеч аямаслик керак. Айни пайтда, талабни холислик, ростлик даражасидан пасайтирмаслик муҳимдир. Атоқли туркшунос Л.Гумилев бир мақоласида олимнинг тақдири билан «илмий ходим»ники ўзаро мувофиқ келмаслигини гапириб, «Илмий ходим кўп ўқийди, кейин эса бошқаларнинг фикрини ўзиники қилиб баён этиб беради», дейди. Навоийшуносликда мана шунақа чечанлик ва қиёфасизлик томир ёзиб кетмаслиги керак деб ўйлайман.

Ким қандай ва қайси нигоҳда қарамасин ёхуд ўрганмасин, Навоийнинг шахсиятида ҳам, шеъриятида ҳам ҳеч нима ўзгармайди. Фарқ ва ўзгариш муносабатда, нуқтаи назар ва билимда. Бундан Навоийга бирор фойда ё зиён борми? Йўқ фойда ҳам, зиён ҳам Навоий ижоди билан қизиқувчиларники. Улардан бирлари ўзича билиб, тушуниб сўзласа, бошқа бировлари моҳиятга ҳеч яқин бормасдан гапиради. Демак, ўз-ўзидан фикрий мубоҳаса, мунозарага йўл очилади. Яна савол туғилади: Навоийга зарра қадар бўлсин, бундан манфаат етадими? Ҳеч қанақа манфаат тегмайди. Манфаатни гоҳо бири боғдан, бири тоғдан келиб, кўпинча тафаккур маҳдудлигига мағлублар ўйламоғи керак. Чинакам мухлис ва муҳиб эса тоғ тепасида туриб пастдагиларнинг аҳволини кузатаётган сокин орифга ўхшайди. Навоийшунос биринчи галда шундай зотлар олдида масъулликни ёдда тутмаса, адашади...

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси,
2010 йил 5 февраль

«АГАР СЎЗИ ЧИНДУР – КЎРИНУР ЮЗИ...»

1. Иброҳим ака, мана, беш юз йилдан ортиқ муддатки, Алишер Навоий шеърият мулкининг султони сифатида халқимизнинг фахрига айланиб келмоқда. Лекин Навоийнинг Навоий бўлишида темурийзода Ҳусайн Бойқаронинг ҳам ўзига хос ўрни бор. Келинг, суҳбатимизни бу икки буюк зотни боғлаган улуғ ришталар, муштарак мақсадлар ҳақидаги мулоҳазалардан бошласак...

– Ҳусайн Бойқаро ва Навоий муносабати, улар орасидаги ахлоқий, сиёсий, маданий алоқалар навоийшуносликдаги долзарб мавзулардан бири. Бу ҳақда маълум бир фикрлар айтилган бўлса ҳам, шўро мафкураси эркин гапириш ва Бойқаронинг тарихий хизматларини холис баҳолашга тўла имкон бермаган. Ҳолбуки, Бойқаронинг ҳукмдорликдаги ютуқ ва зафарларини Навоийсиз, Навоийнинг ижоддаги оламшумул натижаларга эришишини Бойқаросиз тасаввур этиш мумкин эмас. Навоий ва Бойқарони, энг аввало, болалик, ўсмирликнинг беғубор ҳислари ўзаро яқинлаштирган. Кейин уларни давлат, салтанат, миллат манфаатлари камарбаста айлаган. Албатта, шоҳликнинг ўзига хос мураккаблик ва кескинликлари бўлган. Лекин Навоий буларнинг аксариятига чидаб, Бойқарони эзгу ишларга чорлашдан ҳеч чекинмаган. Бойқаронинг улкан салтанат соҳиби сифатида шуҳрат топишида Навоийнинг хизматлари беқиёсдир.

2. Хуросон ва Мовароуннаҳр тарихида Навоийнинг нафақат буюк шоирлик сифатлари, балки қудратли шахси, сиёсий фаоллиги, бунёдкорлик ғайратлари алоҳида тилга олинади. Бугун Навоийнинг қайси жиҳатларини яхшироқ ўрганмоқ муҳим, деб ўйлайсиз?

– Одамлар ҳаётини умумий тарзда иккига ажратиш мумкин. Биринчиси, табиий, яъни содда, тўғри, ҳалол, самимий, айни пайтда бир қадар қийинчилик, азият, андуҳ ва армондан холи бўлмаган турмуш тарзи. Кўпчилик доим шундай яшаган.

Иккинчиси, сунъий, яъни алдам-қалдам, ёлғон, алдов ва ҳар турли найрангбозчиликларга асосланган ҳаёт тарзидир. Гапнинг очиғини айтадиган бўлсак, одамлар олдинги даврдагиларга нисбатан бир-биридан кўпроқ чўчийдиган, бир-бирига ортиқроқ инонмайдиган бўлиб қолди. Нега? Чунки табиий ҳаёт тарзи қанақа-ю сунъий ҳаёт йўли қанақа буни фарқлаш, бунга муносабат билдириш истаги сезиларли зайлда сусайди.

Табиий ҳаёт тушунчасини чуқур англаш ва уни чидам ила амалда жорий эта билиш ҳикматини, менимча, бугун кўпроқ Навоийдан ўрганиш зарур. Ана шунда адашиш, чалғиш, иккиланишлар анча камаяди. Миллат, юрт, ҳақиқат, илм-маърифат дарди билан яшашда Навоий шахси ва фаолияти энг улуғ ибратдир.

3. Навоий ва Жомий ўртасидаги устоз-у шогирдлик ришталари ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз...

– Ҳазрат Жомийнинг маъно дур-у гавҳарлари билан тўлиб-тошган ижод хазинаси бизга нечоғлик қадрли бўлса, унинг Алишер Навоий билан дўстлиги, устоз-шогирдлиги шу даражада эътиборли ва эҳтиромли. Бу-халқлар, адабиётлар, илм-фан, маданиятлар тарихида ниҳоятда сийрак учрайдиган ҳодиса. Жомий ва Навоийга ўхшаб дунёқараши-дунёқарашига, шахсияти-шахсиятига, маслаги-маслагига боғланиб, ижодиёти ва маҳорати ўзаро уйғунлик касб этган икки миллат, икки адабиёт вакилини тасаввурга келтириш қийин. Асарларида Навоий Жомий таърифида, Жомий Навоий мадҳида сўз юритар экан, уларнинг ҳар иккаласи ҳам гўё бир тафаккур иқлимида нафас олиб, бир дард ва шодлик гулшанида кезиб улуғ истеъдод, мислсиз бадиий кашфиётларни шарафлаётганга ўхшайди. Навоийнинг Жомийга, Жомийнинг Навоийга қалб яқинлиги, меҳр-муҳаббати, ишончи қандай бўлган бўлса, уни ўшандоқ ўрганиш лозим. Жомий ижодиётини ўқиб-ўрганмай, Навоий шаънига мадҳия тўқиш тарихий, ҳаётий, бадиий ҳақиқатга қанчалик зид бўлса, Навоий даҳосининг куч-қувватини ҳис қилмай, ижодиётининг моҳият оламига кириб бормай, Жомийнинг Навоийга таъсири хусусида мубоҳаса бошлаш шунчалик бемаъниликдир.

4. Навоий «Насойим ул-муҳаббат» асарида энг кўп келтирган китоблардан бири Али бин Усмон Жўллобий Ҳужвирийнинг «Кашф ул-маҳжуб»идир. Бу нодир асар нимаси билан шундай улуғ шоирнинг эътиборини қозонган?

– Али бин Усмон Абу Али Жўллобий Ҳужвирий XI асрнинг иккинчи ярмида ғазнавийлар давлатининг пойтахти Ғазнада яшаб ижод қилган. У ҳам шоир, ҳам сермаҳсул олим бўган. Лекин унинг энг машҳур асари «Кашф ул-маҳжуб»дир. Ҳужвирий бу китобни ёзишда Суламийнинг «Табақоти сўфийя», Абу Наср Саррожнинг «ал-Лумаъ», Қушайрийнинг машҳур рисоласидан фойдаланган. Ўз навбатида тасаввуф масалалари тадқиқига бағишланган бу бебаҳо китоб Атторнинг «Тазкират ул-авлиё», Абдураҳмон Жомийнинг «Нафаҳот ал-унс»ининг ёзилишига таъсир ўтказган. У етти қисмдан таркиб топган. Учинчи қисмда тасаввуфий фирқалар (мазҳаблар) ва қарашлар ёритилган бўлса, тўртинчи қисмда тасаввуфий ҳақиқатлар ва муомалалар хусусида фикр юритилган. Менимча, «Кашф ул-маҳжуб»нинг ниҳоятда қизиқарли саҳифалари етти бўлимдан иборат сўфийларнинг таржимаи ҳолларига доир фикр-мулоҳазалардир.

Китобдан ўрин олган маломатийлар тўғрисида айтилган гаплар ҳам алоҳида диққатга лойиқ. Олмониялик машҳур тасаввуфшунос олима Анна Мария Шиммелнинг таъкидла-

шича, «Ҳужвирийнинг энг муҳим янгилиги «Кашф ул-маҳжуб»ни форсийда ёзганлиги ва тасаввуф адабиётида янги бир даврнинг бошланишига эришганидир». Бу китоб, аввало, ана шу жиҳатдан Навоийнинг диққатини ўзига жалб этган. Шунингдек, тасаввуфнинг бир қатор мураккаб ва мунозарали муаммоларини осон англашда буюк шоирга яқиндан ёрдам кўрсатган. Умуман, Навоийнинг Ҳужвирийга муносабатини тадқиқ этиш бир қанча янгиликларга йўл очиши шубҳасиздир. Боз устига Ҳужвирий Фарғонага ҳам саёҳат қилиб, ўз асарида турк машойихлари тўғрисида гапирган.

5. Навоийшунос олимларнинг кўпчилиги «Навоий хослар шоири» дейишади. Сиз улуғ шоир асарларининг ирфоний моҳияти, илоҳий ҳақиқатлари ҳақида нима дейсиз?

– Чекланиш, маҳдудлик майда шахсиятли ижодкорларга хосдир. Навоий эса даҳо санъаткор, яъни бутун миллат ва инсоният шоири. Унинг ирфоний қараш ва ифодаларида ҳам ҳеч қанақа чегараланиш йўқ. Фақат Навоийни англашда оқсамаса бўлгани. Ана шунда хосу авомга ажратишга ҳеч ҳожат қолмайди.

6. Навоий ижодига бўлган қардош халқларнинг бугунги муносабати, эътирофи ва асрий алоқалари ҳақида гапириб берсангиз?

– Навоий қардош халқлар томонидан ҳамиша меҳр-муҳаббат билан ўқилган, бундан сўнг ҳам шундай бўлаверади. Бунинг бир далили ўлароқ ўтган йили Озарбойжоннинг маркази Боку шаҳрида буюк бобомизга қўйилган ҳайкални эслатиш мумкин.

7. Алишер Навоийнинг ҳаёти, адабий, илмий меросини ўрганиш олижаноб меҳнат. Лекин шоир асарларини қанчалик чуқур ва пухта ўрганишга киришмайлик, барибир мукаммал тушунишга қийналамиз. Сизнингча, Навоийни англаш саодатига қандай эришиш мумкин?

– Навоий шеърларида, энг аввало, руҳий асос, сўзнинг фикрий-маърифий илдизи жуда бақувват. Шунинг учун Навоийни ўқиганда ақл, кўнгил, туйғу деярли баб-баробар ишлаши керак. Лекин Навоий шеъриятини англашнинг асосий йўли бу билим. Тил, тарих, дин, тасаввуф, фалсафа ва мумтоз адабиёт хусусиятларини қанча яхши билсангиз, Навоий асарларини ҳам ўшанча пухтароқ тушунишга эриша борасиз. Дилдан Навоий шахсиятига боғланиш, такрорланмас бу улуғ шахсият ҳолат ва ҳақиқатларини баҳоли қудрат мушоҳада айлаш лозим...

8. Навоий нафақат ғазалларини, балки, замондошларининг ҳам минглаб мисраларини ёддан билган. Бугунги айрим шоирлар Навоийни ўқиш у ёқда турсин, ўз шеърларини ҳам ёддан айтиб беролмайди. Умуман, бугун ижодга бўлган талаб сизни қониқтирадими?

– Шеър ҳақиқий завқ, юксак илҳом маҳсули ўлароқ туғилса, хотирада, албатта, сақланиб қолади. Нафсоний майллардан пайдо бўлган қофияли мисралар эса деярли ҳеч кимнинг ёдида қолмайди. «Ижодга бўлган талаб»га келсак, менимча, бундай тушунчанинг ўзи бугун деярли унутилди. Адабиётнинг ҳозирги аҳволи қаровсиз бир аҳвол. Ким нимани хоҳласа, шуни ёзаётир. Ким эпласа, ўша китоб чиқараётир. Яроқлиси қайси, қай бирлари яроқсиз – бу хусусда бош қотирувчи ҳам, гапирувчи ҳам топилмайди. Бу ҳолат яна маълум бир муддат давом топса, адабий танқид ва адабиётшунослик номини эслатишга ҳам ҳожат қолмайди. Бунақа лоқайдлик, бунақа бетарафлик қаёндан бош кўтарди – буни изоҳлаш қийин.

9. Ўқувчиларимизга Навоийдан энг яхши кўрган байтингизни шарҳлаб берсангиз?

Агар сўзи чиндур – кўринур юзи,
Кўрунмас юзи – бўлса ёлғон сўзи.

Бу байт «Садди Искандарий» достонидан. Унда фақат рост сўздагина инсон мустақил қиёфа касб эта олиши, ёлғон сўзлаш эса маънавий-ахлоқий қиёфадан маҳрумлик эканлиги таъкидланган. Бизнингча, энг ёмон юзсизликҳам мана шу.

«Ҳуррият» газетаси, 2009 йил 4 февраль

ЯНГИ ДАВР НАВОИЙШУНОСЛИГИ: НАТИЖА, ВАЗИФА ВА МУЛОҲАЗАЛАР (хулоса ўрнада)

Маълумки, улуғ мутафаккир санъаткор Алишер Навоий ҳаёти ва ижодиётига қизиқиш шоир тирик чоғларидаёқ бошланган эди. Ўша давр олим, шоир, давлат ва маданият арбоблари Навоийнинг шахсиятига ҳам, ижодиётига ҳам жуда юқори баҳо беришган. Навоий асарларига тузилган махсус луғатлар, XVI асрдан бошлаб шоир ижод намуналарининг хорижий тилларга таржима қилиниши Навоий адабий-илмий меросига эътиборнингўзига хос шакллари эди.

Алишер Навоий ижодиётини янгича, янги адабиётшунослик нуқтаи назаридан ўрганиш XX аср бошларида жадид ёзувчилари ва олимлари фаолиятлари билан бошланган эди. Масалан, 1919 йилда устод Абдурауф Фитратнинг «Инсоният ҳаққинда Навоийнинг фикри» номли рисоласи босилиб чиққан. Навоий ижоди шундан буён изчил тадқиқ этилиб, асарлари нашр қилиниб келинмоқда. Бир неча авлод тадқиқотчиларнинг меҳнати билан Ўзбекистонда фаннинг навоийшунослик аталмиш янги тармоғи пайдо бўлди. Бу соҳанинг илгарилашида Фитрат, Садриддин Айний, Олим Шарафуддинов, Ойбек, Мақсуд Шайхзода, Порсо Шамсиев, Ҳамид Сулаймон, Воҳид Абдуллаев, Абдуқодир Ҳайитметов, Абдурашид Абдуғафуров сингари ўнлаб олим ва адиблар сидқидилдан хизмат қилишган. Навоий туғилган куннинг беш юз ва беш юз йигирма беш йиллигини ўтказиш муносабати билан амалга оширилган ишлар ҳам таъкидга лойиқдир.

Хуллас, алоҳида фан тармоғи сифатида навоийшунослик XX асрда шаклланиб, ривож топганлиги иштибоҳсиз бир ҳодиса. Лекин унинг эркинлиги ва тубдан янгиланиши халқимизнинг ўз истиқлолини қўлга киритганидан сўнг бошланди. Бу шунчаки бир ҳукм эмас. Шу маънода навоийшуносликнинг «таркиби»га бир нигоҳ солсак. Ўтган асрнинг йигирманчи, ўттизинчи йилларида ҳам Навоий асарларини қўлёзма ё тошбосмада ўқиш араб алифбосини билганларга жиддий қийинчилик туғдирмаган. Эллигинчи йилларнинг охирларига келиб эса эски қўлёзмаларни ўқиш ва уларни жорий алифбога табдил қилиш олимлик имтиёзи ўлароқ қабул этилган. Мумтоз адабиёт тадқиқотчилигида табиатан адабиётдан йироқ, сўз ва гўзалликни чуқур ҳис қилолмайдиган кимсаларнинг аралашиб қолишига бир сабаб ана шу.

Олтмишинчи йиллардан кейин эса рус тилини пухта ўзлаштирган ва ғарб, айниқса, рус адабиётшунослигида юзага келган фикрмулоҳаза, қонун-қоидаларни ўзбек адабиётшунослиги, жумладан, навоийшуносликда жорийлаштирган тадқиқотчиларнинг келажагига шубҳа билан қаралмаган. Худди шу тоифа сафидан Навоий ижодиётини сиёсатга мос ва мувофиқ равишда тадқиқ-у таҳлил қилувчилар майдонга чиқишганки, бошқалар мана шу зотларнинг оғзига қараб, асосан, шуларга мақбул ва манзур келишини кўзлаб фаолият

олиб боришган. Акс ҳолда, у ё бу олим муқаррар тарзда айбланиб, номаълум йўл ва пинҳона ҳаракатлар билан четга суриб ташланган. Бунинг нимаси эркинлик?

Шўро замонида Навоий ижодиётининг миллий замини ва асослари хусусида холис баҳс юритиб бўлмаганидек, тарих, дин, тасаввуф, сиёсат билан муносабатларини эркин ўрганишга ҳам имкон берилмаган. Ушбу мавзу ва масалаларда кўплаб мақола, рисола ҳамда китобларнинг нашр этилиши истиқлол берган имконият самарасидир.

Устоз ва тажрибали навоийшунослар сафига кейинги йилларда келиб қўшилган навқирон илм аҳли вакилларининг ҳам меҳнат ва ғайратлари туфайли Навоийнинг шеърий, насрий, илмий мероси тадқиқига бағишлаб ўнлаб китоблар эълон қилинди. Уларнинг аксариятида янгиланиш ва илгарилаш руҳи ўз аксини топган.

Алишер Навоий Мукаммал асарлари тўплами 20 жилдлиги нашрининг тугалланиши мамлакат илмий-маданий ҳаётида муҳим бир ҳодиса бўлди. Шу нашр туфайли халқимиз илк маротаба улуғ санъаткорнинг ҳамма асарлари билан танишишга эришди. Буюк шоир асарларининг турли шаклдаги алоҳида нашрлари ҳам истиқлол яратган имконият ҳосиласидир. «Хамса», тўрт мустақил девондан таркиб топган «Хазойин ул-маоний», айниқса, Мустақилликнинг йигирма йиллиги арафасида Навоий «Асарлар»и ўн томлигининг чоп этилиши нашр ишларидаги муваффақиятни далиллашга етиб ортади.

Бугунги кунда Навоий ижодини зарур йўналишларда ўрганиш ишлари йўлга қўйилган. Хусусан, шоир ижодини халққа яқинлаштириш, асарларининг изоҳли нашрларини амалга ошириш диққатга лойиқдир. Навоий ғазалларидан танлаб олинган байтлар ва уларнинг бугунги тилдаги изоҳларидан таркиб топган Навоийнинг шоҳбайтлари китоби, Навоий ҳикматлари алоҳида тўплам ҳолида нашр қилинди.

Ютуқлар етарли. Аммо навоийшунослик истиқболи қўлга киритилган яхши ё ўртача натижалар билан қаноатланишда эмас, балки қилинажак ишларни аниқ белгилаш, қатъият ила илгарилай олишдадир.

Алишер Навоий ижодиётининг нисбатан кам ўрганилаётган ёки эътибордан четда қолаётган мавзу ва масалаларидан биринчиси, эҳтимол, асосийси, буюк шоирнинг санъаткорлик маҳоратини теран тадқиқ этишдир. Бунинг учун эса шахсият, ижод ва анъана, дунёқараш, тарихий давр ҳаёти, дин ва тасаввуфга муносабат каби қатор масалаларни янгича кўз-қараш билан ҳормай-толмай ўрганиш лозим. Муаммо ёхуд мавзуни ўртага қўйиш унчалик ҳам қийин эмас. Хусусан, Навоийга бағишлаб уюштирилган матбуотдаги давра суҳбатларини ўқиган киши буни тез илғаши мумкин. Лекин уларни юқори савияда бажариш, албатта, қийин. Зеро, Навоийнинг биргина сўзи ё иборасини нотўғри англаб, тўғри шарҳламаслик баъзан жиддий хато ва адашувларга йўл очадики, бунинг далил ҳамда мисоли ҳам оз эмасдир.

Собиқ шўро давлати ҳукм юритган даврларда вояга етган ва фаол ишлаган навоийшунослар асарларини ўқиб-ўрганиш, уларнинг суяниладиган томонларига суяниш лозим. Бу ҳам тўғри, ҳам фойдали. Аммо салафларнинг ишларидан ўз ички ҳаракатсизлиги, илмий ночорликларини хаспўшлаш ёхуд яшириш учун фойдаланмаслик керак. Бу нима дегани?

Ўтган замонга мансуб устод навоийшунослардан қайси бирининг тадқиқотини олиб, синчиклаб назардан ўтказманг, шўро сиёсати ва мафкурасининг изи, нуқси у ёки бу тарзда, албатта, сезилади. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас эди. Бироқ бир ҳақиқатга қатъий ишониш керак: ўша олимлар мустақиллик даврида илм билан машғул бўлишганда, Навоий

ижодиётига уларнинг қарашлари ҳам, ёзган мақола ё китобларининг мазмун моҳияти ҳам ўзгача бўларди. Бунга А.Ҳайитметов, А.Абдуғафуров, Б.Валихўжаев, Р.Орзибеков сингари устозларнинг кейинги тадқиқотлари ёрқин далил бўлиши мумкин. Демоқчимизки, у ёки бу марҳум навоийшунос асарларини мақтаб ҳамда шахсини ўзича шарафлаб шуҳрат қозонаман, деган иддаони бутунлай четга сурмоқ зарур.

Яна бир мулоҳаза. Навоийшуносликда олдин амалга оширилган ишлар, айтилган фикр-хулосаларни ўзгача сўз ва ифодалар билан такрорлаш кейинги пайтларда кўпроқ кўзга ташланаётир. Нечоғлик уринилмасин, бундай хунук ҳодисани хаспўшлаб ҳам, яшириб ҳам бўлмайди.

Дунёнинг у чеккасидан кириб, бу чеккасидан чиқинг, Навоийдаги кўнгил холислиги, фикр ва тушунча тозалиги, Ҳақ ва ҳақиқатга садоқатни ҳеч бир жойдан тополмайсиз. Навоийнинг Шахси адабиёт, сиёсат, фалсафа, ҳаттоки, дин ва тасаввуфга нисбатан ҳам олий бир теранликни тамсил этади. Навоий шахсиятидаги Дард, Изтироб, Ҳаракат, Маҳзунликдан кўз юмилса, Навоийни танимай қоласиз. Яшашдан қанча чарчаб, толиқмасин, буюк шоир икки нарсадан асло безмаган, зерикмаган. Улардан бири ҳаёт, иккинчиси таассурот. Навоий шеърларида ҳаёт таассуротга, таассурот туйғу ва хаёлга кенг йўл очади. Шеърда Навоий баъзан хаёлни зўр иштиёқ ила манзаралаштирса, гоҳо ғазални ҳол ва туйғу «драма»си даражасига кўтаради.

Дарвоқе, у ёхуд бу улкан санъаткорнинг дунёқараши белгиланганда, ҳаммадан олдин унинг ҳаётга муносабати, воқелик билан ўзаро ички алоқасига эътибор қаратилиб, ундан сўнг бошқа устувор тушунча ва асослар билан қизиқиш жоиз. Чунки ижодкорнинг дунёқараши ҳар қанча кенг, ахлоқий, диний, фалсафий жиҳатдан нақадар дахлсиз бўлмасин, руҳидаги озроқ сустлик ё қитмирлик охир-оқибатда барисини барбод қилади. Бундай ҳолатда дунёқараш хусусида сўзлаш ёлғонни ҳақиқатга хизмат қилдиришга ўхшаб қолади. Шахсият ҳар қандай ижодкор дунёқарашининг пойдевори. Шахсияти бутунлик касб этмаган ва ҳар нимадан аввал «мен»лигини поклай олмаган ёзувчи ё шоирнинг фикр ва хаёл олами нақадар биқиқ бўлса, унинг маънавиймаърифий имкониятлари янада чекланади. Зеро, паст ва майда шахсият кенг ё бақувват дунёқарашга «пойдевор»лик қилолмайди.

Дин, тасаввуф, фалсафа, сиёсат – булар дунёқараш такомили учун муҳим восита. Бош асос эса санъат ва санъаткорлик туйғусидир. Бу туйғудан ва фалсафа заминидан эркин озиқланиб, куч олсагина, замон ва давр ҳукмларидан ҳамиша баланд туради. Навоийда худди шундай. Навоий шеърларида сўз ва фикр ҳамиша санъаткорлик ҳиссиёти измида яшайди. Бу жуда муҳим. Айниқса, сўз ва фикр покизалигини муҳофаза қилишда алоҳида аҳамиятга эга.

Жамият осмони ёлғон, риё, алдовнинг қора булутлари билан қопланса, одамларнинг маънавий-маданий ҳаёти ҳам қоронғилашиб, шиддат ила бузилиб боради. Шунда ҳатто сўз ҳам софлик ва таъсир жозибасини аста-секин йўқотади. Муҳаммад Фузулий яшаган замонлардаги маънавий-ахлоқий буҳронларни назарда тутиб, донишманд бир олим ёзади: «Сўзлар ўз-ўзидан ахлоқсизлашарди. Бир кунда қанча ахлоқсиз сўзларни эшитиш, ахлоқдан маҳрум калималарни ўқишга тўғри келарди. Фикрни ёзолмайсан, тилда уни ифода этолмайсан. Ахлоқсиз сўзлар кимларнидир йўлдан оздириб, маънисизлаштириб, қандай бўлмасин ахлоқсизликка маҳкум этарди. Ахлоқини бой берган сўзларга Фузулий номус либосини кийдириб, уларга имон ато айларди...» Бизнингча, бундай ишлар Фузулийдан олдин

унинг буюк устоди Алишер Навоий томонидан амалга оширилиб, Фузулий каби шоирлар уни давом эттиришган.

Демак, Навоий шеърларини ўқиганда сўзнинг тақдири ва аҳволига турли томондан ёндашиш ҳамда изоҳлар беришни ҳам ўрганиш керак.

Адабиётшунослик илмида тасаввуф ва Навоий ижодиётига доир бир қатор ишлар ёзилгани ҳамда уларнинг айримларида мавзу махсус тайёргарлик ва масъулият билан ёритишга уринилганини, албатта, эътироф этмоқ лозим. Айни пайтда, на тасаввуф, на Навоий ижодиёти моҳиятини зарур даражада билмай, мушоҳада қилолмай қоғоз қоралашга киришиб кетганлар ҳам кам эмас. Бизнингча, ушбу мавзу тасаввуф ва тасаввуфий адабиётга доир бирламчи манбаларни шошилмасдан, бирёқламаликка умуман ён бермай ўрганишни талаб қилиши билан ҳам қизиқарли ва алоҳида аҳамиятга моликдир. Бу натижага эришилмаса, Навоийнинг наинки дунёқараши, шахсияти, ахлоқий-маънавий идеали борасида, балки шоир асарларини таҳлил ва талқин қилишда ҳам сохта нуктадонлик асло тўхтамаганидек, тахминий фикр-мулоҳазаларни илгари суриш ҳолати ҳам ҳеч ўнгланмайди.

Бир гапни такрор-такрор айтгим келади: Навоий ўқиб-ўрганган тасаввуфий манбаларнинг ҳечқурса маълум бир қисми билан танишиб, шундан кейин шоирнинг сўфийлик ва сўфийларга муносабати, шеъриятнинг тасаввуф билан алоқаси ҳақида сўз юритилса қанийди! Навоий шахси ва ижодиётини сўфийлаштириш пойгаси тақа-тақ тўхтарди. Навоий учун тасаввуф бош мақсад эмас муҳимдан ҳам муҳим бир восита, инсонни комиллик мартабасига етказгувчи ишқ ва ирфон йўли эди.

Дин, фалсафа, адабиёт (хусусан, шеърият), санъат, мусиқа тасаввуф одамни шулардан ажратмаганлиги учун ҳам умуминсоний жозиба касб этган. Тасаввуф нигоҳни, аввало, ўз сийратингга қаратиш демак. Бу таълимот зоҳирдан ботинга юриш, маънога тўлиб, сўнг ботиндан яна зоҳирга қайтиш тариқидир. Ишқий ирфоний шу сайр-у саёҳат Навоий шеърларида бағоят сирли, нозик ва гўзал ифодаларда кўрсатиб берилган. Кўпинча улар исмсиз туйғу ё кайфият, маҳзун ҳол, ғам-андуҳли ҳаракатдан ўзга ҳеч бир нимани англатмайдиганга ўхшайди. Лекин худди ўша туйғу, ҳиссиёт, ҳол ва ҳаракатдан таъсирланган, янада аниқроқ айтганда, таассурот пайдо қила билган қалбда беихтиёр завқ-шавқнинг куч-қуввати шу «ҳеч нимада» эмасми, деган фикр пайдо бўлади. Буни комилликка ишончнинг хаёлий бир нишонаси ё муждаси, деса хато бўлмайди.

Ўтмиш замонларда яшаб ижод қилган, айниқса, девон тузган ижодкорнинг аксариятини «классик», дейишга кўникиб қолганмиз. Классиклик дегани нима? Қандай шоир ёки адибни классик дейиш лозим? Буни кўпчилик аниқ билмагани сингари илм аҳли ҳам пухтароқ ўйлаб кўргани йўқ. Собиқ шўро замонида истеъмолга киритилган ва кенг қўлланилган ушбу истилоҳ синфийлик, партиявийлик, оммавийлик, нари борса, ижтимоийлик тушунчасини тасдиқловчи бир «ёрлиқ»қа айлантирилган эди. Талант табиати, шахс, услуб, маҳорат, ижодий-эстетик ўзига хослик булар кўп ҳолларда эътиборга олинмаган.

Улкан рус шоири Б.Пастернак таърифи бўйича, «Классик адабиёт давр дунёқараши ўлароқ қабул қилинадиган асарлар ва адабий йўналишлар мажмуасидан иборатдир».

Шарқ мумтоз адабиётига шу нуқтаи назардан қараладиган бўлса, бутун бир давр руҳи ва дунёқарашини тамсил этган асарлар каби ижодий тамойиллар ҳам кўп эмаслиги тез ойдинлашади. Алишер Навоий ижодиётига келиб аҳволнинг тубдан ва мисли кўрилмаган даражада ўзгариши шунда эдики, даҳо санъаткорнинг бебаҳо асарлари, адабиётда яратган

ғоявий-эстетик йўналишлари фақат ўн бешинчи аср эмас, балки ундан кейинги барча даврларда яшаган миллатимиз вакиллари дунёқарашига таъсирини ўтказганди. Шу боис XV асрнинг иккинчи ярмидан кейин туркий тилда от суриб, бадиий ижодда ютуқларга эришган бирор ўзбек шоири, адиби йўққи, Навоийга суянмаган, Навоий санъатидан илҳомланмаган бўлсин.

Бинобарин, навоийшуносликнинг келажак тараққиёти, аввало, буюк шоир асарларининг маъно-моҳиятини тўғри билиш, тўғри мушоҳада қилиш, таҳлил ва талқинда тахминга берилмасликка боғлиқлигини ҳеч эсдан чиқармаслик зарур.

НАВОИЙГА ҚАЙТИШ

(3-китоб)

НАВОИЙ ИЖОДИЁТИНИНГ ОЛАМШУМУЛ АҲАМИЯТИ

Не мулк ичраки бир фармон йибордим,
Анинг забтиға бир бир девон йибордим...
Алишер Навоий

Миллатни миллат, давлатни давлат мақомига кўтарадиган асос ва омиллар кўп, албатта. Илм-фан, маданият, маънавият ва дин уларнинг энг асосийларидан саналиши ҳеч кимда шубҳа туғдирмайди. Худди шунинг учун ҳам ҳар жабҳада кучли давлат ва серғайрат миллат ҳаётини адабиётдан айри ҳолда тасаввур қилиб бўлмаганидек, адабиёт тақдири ва равнақини ҳам халқ, давлат манфаатидан йироқ бир ҳодиса, дейиш мумкин эмас.

Ҳақиқий адабиёт, маданий-маънавий тамали бақувват салтанатнинг ўзига хос муҳташам кўзгуси бўлгани сингари, эрк, адолат, инсонпарварликка таянган салтанат эса қону жонида ҳақиқат ҳиссиёти жўш урган адабиётнинг одил ғамхўри ҳисобланади. Илм-фан, маданият, санъат, айниқса, адабиётнинг жамиятдаги умумий аҳволига қараб, ҳар қандай давлат ёхуд ҳокимиятнинг ички дунёси, ижтимоий-сиёсий бошқарувдан кўзланган туб мақсадини бемалол англаса бўлади. Тарихга назар ташланса, маърифат ва маданиятга кенг эътибор қаратилган мамлакатларнинг деярли барчасида ибратли ютуқ ва ҳавас қиларли моддий натижалар қўлга киритилганлиги ойдинлашади.

Таниқли тарихчи олим З.В.Тўғоннинг ёзишича, турли империяларга мансуб ва маданиятнинг қадр-қимматини ҳар кишидан юқори тушунган хон, султон, подшоҳларнинг ҳукмронлик умри анча узоқ чўзилиб, улар кўп эзгу ишларни ўзларидан ёдгор қолдиришган. Масалан, қорахонийлардан Ҳорун Буғрохон 40 йил, Юсуф Қодирхон 35 йил, Аҳмад Арслон 27, хоразмшоҳлардан Отсиз ва Такаш 28 йил, темурийлардан Жаҳонгирнинг ўзи 35, Шоҳруҳ Мирзо 43, Султон Улуғбек 41, Ҳусайн Бойқаро 38 йил салтанат бошида турган[1].

Дарвоқе, адабиёт тўлақонли адабиёт сифатида фаолият кўрсатмоғи учун ижтимоий барқарорлик, иқтисодий маъмурлик ва сиёсий эркинлик шароитидан бенасиб бўлмаслиги зарур. Хусусан, сиёсий эрксизлик, мафкуравий таъқиблар даҳо ижодкорлар йўлига ҳам тўсиқлар қўяди. Абусаид Мирзо ҳукм юритган замонларда шундай тўсиқлар Навоий қаршисида кўндаланг турган[2]. Шоир шунда халқ ва Ватан ишқига таяниб, дин ва тасаввуфдан ўзига нажот истаб, дунёқараши уфқларини кенгайтиришга дадил уринган. Маълумки, мусулмон халқлари ва ижод аҳлининг дунёга, турли дин вакиллари ҳаёти ва инсоният тақдирига қараши биринчи галда Қуръони карим ва Ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.) Ҳадисларига асосланган. Ана шунинг учун бу икки муқаддас манбани четга суриб, шарқлик, ҳеч бир улуғ шоир ва адиб асарларида тасвирланган башарий ғоя, қадрият ва ҳақиқатларни тўғри тушуниб бўлмаганидек, холис талқин қилиш янада қийин. Агар Навоий ижодиётидаги исломий тушунчалар талқини сохталаштириб ёки саёз тарзда кўрсатилса, шоирнинг асл қиёфаси тубдан хиралашиб кетади. Адл, инсоф, диёнат, имон, шафқат, ҳиммат – буларни ёритишда Навоий мусулмончилик мафкурасидан ҳеч йироқлашмайди. Зулм, зўравонлик, ҳақсизлик ва ҳар турли бедодликларни қоралаш ё фош этишда ҳам мутафаккир шоирнинг ислом таълимотидан илҳомланганини сезиш қийинмас.

Жаҳондаги ҳеч қайси дин, мазҳаб, ҳеч қанақа таълимот ёки фалсафий оқим инсон шаъни-шавкатини пастга ур, қўлингдан келса бандасини таҳқирл, деб ўргатмайди. Шунга қара-

[1] Тўғон З.В. Умумий турк тарихига кириш. 1-жилд. Истанбул, 1981. 99-бет.
[2] Бу ҳақда қаранг: А й н и й С. Асарлар. 8-жилд. Тошкент, 1967. 244–245-бетлар; Ҳ а й и т м е т о в А. Навоий лирикаси. Тошкент, 1961. 278–279-бетлар; Ўзбек адабиёти тарихи. 2-жилд. Тошкент, 1978. 48–50-бетлар.

масдан, дунёнинг айтарли барча минтақаларида инсон ҳақ-ҳуқуқларини поймол этиш, уни эзиш, одам ўрнида кўрмаслик, қулдай ишлатиш каби ҳолатлар мавжуд бўлган. Мана, зулм ва зўравонлик ҳодисасини олайлик. Зулм юрт, халқ, дин, шафқат нималигини тан олмайди. Балки шу учун ҳам унга қарши чиқиш, қарши сўзлаш ва курашиш ҳатто йирик истеъдод соҳибларининг ҳам қўлидан келавермайди. Ваҳоланки, зулмни қоралаш эркинликни ёқлаб, одамийлик бурчини адо этишга қодирлик мазмунини ифодалайди. Зулм ва золимликдан баҳс юритганда, Навоийнинг қалбида гўё тўфон кўтарилиб, ҳасрат, надомат бўрони бошланади. "Ҳайрат ул-аброр"даги золим подшоҳларга қарата йўналтирилган мана бу гаплар, бир томондан, мутафаккир шоирнинг одиллик, адолатпарварликка содиқлигини намойиш қилса, иккинчи жиҳатдан, ростлик, шижоат, курашчанликда собитлигини кўрсатади:

Эйки, қовий айлади давлат қўлунг,
Зулм сори тушти ва лекин йўлинг.

Зулм ўзунгга фисқдур, эй ҳушёр,
Гум қил они, бўлса санга ҳуш ёр.

Қасрки, базм анда муҳайё бўлуб,
Зийнати фирдавси муалло бўлуб.

Пардалари риштаси эл жонидин,
Лаълию шингарфи улус қонидин.

Шамсаси эл моли била зарнигор,
Эл дуру лаъли била гавҳар нигор...

Зулмни тарк айлаву дод айлагил,
Марг кунидин доғи ёд айлагил.

Зулмунг эрур кундузу фисқинг кеча,
Зулм ила фисқинг неча, бўлғай неча?

Гаҳ-гаҳ ёд айла надоматни ҳам,
Қайси надоматки, қиёматни ҳам...[1]

Ер юзидаги қайси бир ҳукмдор ушбу аёвсиз танқид, муросасиз айбнома билан танишмасин, адолатнинг куч-қуввати, барқарорлиги, тириклик, тенглик, хотиржамлик учун сув ва ҳаводай зарурлигига имон келтиради. Шеърхон-чи? Сўзи қиличдай кескир, фикри оловдай куйдирувчи шундай шоирлар бор экан, мазлум ва бечоралар ҳеч пайт ҳимоясиз қолмаслигига инонади. Бу эса жуда муҳим.

Алишер Навоийнинг бадиий ва илмий ижоддаги оламшумул муваффақиятларидан сўзлаганда, унинг Мовароуннаҳр заминида кечган йилларини ҳам назардан ҳеч соқит этмаслик керак. Академик В.Абдуллаев жуда тўғри таъкидлаганидек, Навоийни, аввало, "кўпчилигини ўзбеклар ташкил қилган Мовароуннаҳр аҳолисининг буюк шоири деб, сўнгра, шу-

[1] А л и ш е р Н а в о и й. Хамса. Тошкент, 1960. 60–61-бет.

нинг билан бирга ўз халқига қилган улуғвор хизматлари туфайли барча тараққийпарвар халқлар шоири деб тушуниш лозим”[1].

Айниқса “фирдавс монанд” Самарқанд ёш шоирнинг наинки фикр, туйғу, мушоҳада ҳаёти, балки ижодий салоҳиятининг мукаммаллашувида ҳам алоҳида таъсир ўтказган эди. Чунки Навоий Самарқандга келганида, илм-фан, адабиёт, маориф ва маданияти таназзулга йўлиққан Ҳиротдагидан кўра бошқача ҳолат – “олимлар, шоирларнинг Улуғбек анъаналарини жонлантириш йўлидаги ҳаракатларининг гувоҳи бўлган эди”[2]. Мураккаб бир давр, зиддиятли замон воқеа-ҳодисаларига тўғри назар ташлашда ҳам, илм ва маърифат куч-қувватига ишончнинг ўсиши ҳамда адабиётнинг жаҳоний баландликларга олиб чиқиш сир-асрорини янада теран ўзлаштиришда ҳам Самарқанд илмий-адабий ва маданий муҳити Навоийга яқиндан ёрдам кўрсатган эди.

Самарқанддан устози Сайид Ҳасан Ардашерга ёзилган шеърий мактуб Навоийнинг келажакда умумбашарий мавзу ва ғояларни бадиий талқин этишга қодир, ўз қадри ва имконини хатосиз англаган чинакам ҳақгўй санъаткор ўлароқ шаклланганидан гувоҳлик беради. Шунингдек, Навоий ижод оламининг бойиши ва моҳият эътибори билан кенгайиб боришини Мовароуннаҳр аҳолиси ҳаёти, шаҳар ва табиат манзаралари, олим, шоир, ҳунармандларининг ахлоқи, фаолиятларининг тасвирларисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Амир Темурнинг жаҳонгирлигига, Мирзо Улуғбекнинг маърифатпарварлиги ва Хожа Аҳрори Валининг кашфу карoматларига эшик очган Самарқандда ўтган ҳаёт, илм ва ирфон дарғаларидан олинган таҳсил, маданий-маърифий мулоқотлар Навоийни илму дониш, одил сиёсат, иқтисодий маъмурчиликка асосланган буюк давлатчилик тажрибалари хусусида ўйлашга ҳам йўллаб турганки, ўша фикр-мулоҳаза ва хулосаларнинг маълум бир қисми кейинчалик даҳо шоирнинг асарлари, хусусан, “Хамса” достонларидан ўрин олганлигига шубҳаланмаслик лозим. Хуллас, Самарқанд ўзининг “салобатли тарихи, қизғин иқтисодий ва маданий ҳаёти билан ҳам Алишер зеҳнида чуқур ва ёқимли хотиралар қолдирган”[3] дир. Масалан:

Темурхон наслидин султон Улуғбек
Ки, олам кўрмади султон анингдек.

Анинг абнойи жинси бўлди барбод
Ки, давр аҳли биридин айламас ёд.

Валек ул илм сори топти чу даст,
Кўзи олинда бўлди осмон паст.

Расадким боғламиш – зеби жаҳондур,
Жаҳон ичра яна бир осмондур[4]*,*

каби мисраларни шоир шеъридан чуқур жой олган ўша хотира ва таассуротлар билан боғламаслик дарахт илдизини заминидан ажратиб ташлашдай бир гапдир. Кўп яхши-ёмон, нурли ва нурсиз воқеа-ҳодисотларни кўриб, бошдан кечирган Самарқандда яратиш изтироби ва эҳтироси кучли ижодкорни тарихий мушоҳадага илҳомлантириб, кўнгилда му-

[1] А б д у л л а е в В. Навоий Самарқандда. Тошкент, 1968. 101-бет.
[2] Ўша асар. 64-бет.
[3] С у л т о н И. Навоийнинг қалб дафтари. Тошкент, 1969. 160-бет.
[4] А л и ш е р Н а в о и й. Хамса. 330–331-бетлар.

заффар мозий соғинчини уйғотувчи сирли руҳ, самовий шукуҳ мавжуддирки, Навоийнинг кўҳна Самарқандда маънан яйраб, қалбини илмий-ижодий ниятлар билан қувватлантириб яшаганлигининг асосий сабабларидан бири ҳам ана шу.

Ислом дини заминида дунёга келган тасаввуфнинг муҳиб ва қизиқувчилари аста-секин Ғарбда ҳам кўпайиб борган. Шу маънода тасаввуф ғарблик ва шарқликларнинг тафаккурини бир-бирига боғловчи, бирининг ахлоқий-маънавий эҳтиёжини иккинчисиникига яқинлаштириб, кўнгил софлигини собитлаштирувчи ишқ, маърифат ва гўзаллик йўлидир.

Қуръони каримда тасаввуф калимаси учрамайди. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом даврида ҳам бу сўз ишлатилмаган. Зуҳд ва тақвода саҳоба ва тобеин йўлидан юрган, кунларини ҳусни мутлақни хотирлаш билан ўтказиб, руҳ тазкияси, қалб софлигини ҳар нимадан баланд қўйишни уддалаган ва ғафлатдан ўзини муҳофаза қилувчиларга тасаввуфнинг илк вакиллари деб қаралган.

Тасаввуф – сабр-қаноат, заҳмат, риёзат билан покланган руҳ ва вужудни Аллоҳ ишқига бағишлаб, юракни мосиводан бутунлай халос айлаб, фақри фано завқ-шавқи билан яшаш демак. Тасаввуфнинг туб асосида инсон зотига марҳамат, муҳаббат ва хизмат ётади. Тасаввуф манманлик ва сўзбозлик қилишни буткул қоралаб, самимият, ихлос, гўзал хулқ, ҳикмат ва ирфон қувватини шарафлайди. Тасаввуф аҳли ҳар қадам, ҳар нафасда инсонни жўн, саёз тушунчаларни ботиндан супуриб ташлаш, руҳни нафс танбаллигидан, макр, риё, кибр ва ҳар турли майдакашликлардан қутқазиш чора-тадбирларини кўрсатади. Мутасаввифларнинг умумий эътирофлари бўйича, тасаввуф далли-девонани вали, жоҳил, нодон ва гумроҳни ирфон дарғаси даражасига олиб чиқади. Инсонни халққа мақбул ва марғуб, Ҳаққа муҳиб ва маҳбуб эта билгани боис Шарқнинг кўп буюк шоиру адиблари тасаввуфий маъно ва ҳақиқатларни бадиий талқинларини яратиш орқали бутун башариятга хизмат қилишни кўзлаганлар. Чунки тасаввуфнинг бир қаноти ишқ бўлса, бир қаноти маърифат, бир водийси ҳиммат, жавонмардлик бўлса, бошқаси изтироб, дардкашлик ва шафқатдир. Тасаввуф илми виждонга таянган, ирфон ва маърифат мазмунини акс эттирадиган илм бўлиб, қалби мусаффолашган, бутун шахс сифатида шаклланганларга насиб бўлган.

“Тасаввуфнинг илм жиҳати, – дейди Имом Ғаззолий, – менга амалидан кўра жуда қулай келди. Шу боис аввало мутасаввифлардан Абу Толиб ал-Маккийнинг “Қут ул-қулуб” номли китобини, Муҳосибийнинг асарларини, Жунайд, Шиблий ва Боязид Бистомий каби улуғ мутасаввифлардан нақл қилинган сўзлар жамланган китобларни мутолаа қилиш орқали тасаввуф илмини ўрганишга киришдим...”[1].

Шунга яқин фикрни Алишер Навоий ҳам ўзи ҳақида айтиши мумкин эди. Зеро, Навоий расман нақшбандийлик тариқатига кирган бўлса ҳамки, ҳаётда ҳам, ижодда ҳам тасаввуфнинг илм ва ирфон жиҳатига таянган. Улуғ шоир ахлоқ тарбиясида алоҳида натижаларни қўлга киритиш, тафаккурни маҳдудлик, қолоқлик, ёвузлик исканжаларидан озод қилиш, руҳ ва кўнгил сир-асрорини кашф этишда ҳақиқий ишқ ва маърифатдан шу қадар моҳирлик билан фойдаланганки, айни моҳиятдаги ҳатто ҳар бир байт инсоният манфаатларини ёқлаш Навоий учун одатий ҳол бўлганлигидан далолат беради.

Бўлмаса ишқ икки жаҳон бўлмасин,
Икки жаҳон демаки, жон бўлмасин.

Илоҳий ва мажозий ишқ уйғунлигидан туғилган ушбу байтда “икки жаҳон” ибораси фақат бадиий усул талаби билан эмас, балки моҳият этиёжидан ҳам икки бора такрорлан-

1 И м о м Ғ а з з о л и й. Ал мункизъу минъад далол. Шарҳи ва тасаввуфий тадқиқлари. Истанбул, 1997. 245–246-бетлар.

ган. Ҳақиқий ишқдан йироқ ҳаёт ёлғиз бу дунё учун эмас, нариги олам нуқтаи назаридан ҳам маънисиздир. Модомики, дунё ишқ туфайли ва ишқ завқи билан яратилган экан, аҳли олам ишқсизлик – динсизликдан баттарлигини англаши баробарида теран идрок эта билиши ҳам зарурдир.

"Хамса"да яратилган асосий қаҳрамон ва ёрдамчи образлардан ташқари, турли ижтимоий табақа, гуруҳ ва тоифага мансуб кишилар бир жойга жамланса, биринчидан, ирқи, миллати, яшаш шарт-шароити, урф-одат ва турмуш кўникмалари ўзаро фарқланадиган бағоят улкан издиҳом билан юзма-юз келинса, иккинчидан, фикр-қараш, орзу-умид ва умумий интилишлардаги муштараклик ўқувчи ақли ва кўнглини ўзгача бир йўсинда орзиқтиради. Шунга кўра, "Хамса" қаҳрамонларининг бири-биридан йироқ миллат вакиллари эканлиги, улардаги ирқий, миллий, диний, маҳаллий майл, тушунча, кайфият деган нарса ўқувчида алоҳида қизиқиш пайдо қилмайди. Шахслик фазилатлари, билим даражаси, ишқ камоли, маърифат мартабаси, мардлик ҳақида эса бундай деб бўлмайди.

Деди: қайдинсен, эй мажнуни гумраҳ?
Деди: мажнун ватандин қайда огаҳ.

Деди: недур санга оламда пеша?
Деди: ишқ ичра мажнунлуқ ҳамиша.

Деди: бу ишдин ўлмас касб рўзи,
Деди: касб ўлса басдур ишқ сўзи.

Дедиким: ишқ ўтидин де фасона!
Деди: куймай киши топмас нишона.

Дедиким: куймагингни айла маълум!
Деди: андин эрур жоҳ аҳли маҳрум!

Деди: қай чоғдин ўлдунг ишқ аро маст?
Деди: руҳ эмас эрди танга пайваст...[1]

Буюк ошиқ юрак фожиасининг энг баланд нуқтасини ифодалаган ушбу диалогдан Хусрав ва Фарҳоднинг номи туширилиб қолдирилганда ҳам ҳақиқий ошиқликдан сохта ошиқликни ажратишда ҳеч ким адашмайди.

Нима деган бўлса, "улусқа марғуб", нима ёзган бўлса "кўнгулга маҳбуб" этилишини Худодан тилаган Навоий чиндан ҳам "ўз асарларини, хусусан достонларини ёзаётганда халқни, битта халқни эмас, бутун инсониятни назарда тутган"[2] ва "етти иқлим эли" уларга харидор бўлишини орзу қилган.

"Улуғ шоир ўзи ҳақда, "мен"и тўғрисида гапирар экан, умуман инсоният ҳақида гапиради, негаки, унинг табиатида инсониятга хос ҳамма нарса мавжуд"[3], – дейди В.Г.Белинский. Шўро шарқшунослиги оламга танилган Шарқ мумтоз шоирлари ижодиётининг умумбашарий таркибидан баҳс юритганда уларнинг истеъдодига хос анфусий унсур ва имтиёзларни аксарият пайтда инобатга олмаган. Натижада асардаги жаҳоний маъно ёки тушунчалар

[1] "Хамса". 275–276-бетлар.
[2] Ҳ а й и т м е т о в А. Навоийхонлик суҳбатлари. Тошкент, 1993. 34-41-бет.
[3] Б е л и н с к и й В.Г. Адабий орзулар. Тошкент, 1977. 136-бет.

қандайдирн ташқи таъсирларга тобе тарзда таҳлил қилинган. Ренессанс, яъни Ғарбдаги Уйғониш ҳодисасига тегишли гаплар бунинг характерли мисоли эди. Аввало, шуни таъкидлаш жоизки, Ғарбнинг маданият, маънавият, илм-фан жабҳасидаги ютуқлари Шарқникидан устунлигини кўрсатиш ва исботлаш ниятида Ренессанс номи билан ҳар турли сохта, тахминий фикр-мулоҳазалар тўқилган эди. Бу гап Ренессанс ва Навоий ижодиёти мавзусида сўзлаган олимлар, жумладан Н.И.Конрад ҳамда В.М.Жирмунскийларга ҳам тегишли. Жирмунский пролетар доҳийларининг фикр ва кўрсатмаларига асосланиб, Алишер Навоий замонидаги Ҳирот билан Италиядаги илк Уйғониш даври шаҳарларини қиёслаб, ўз хулосаларини ўртага ташлайди. Мавзу эҳтиёжи юзасидан Навоийнинг "Фарҳод ва Ширин" достонига махсус тўхталади. Мақола Алишер Навоийнинг ижодиёти, унинг ғарбдаги илғор ҳамфикрлари – Ренессанс даври шоир ва мутафаккирларининг ғоялари билан ҳамоҳанглигига урғу бериш билан тугалланади[1].

Хўш, Европа Ренессансининг ўзи нима? Унинг Шарқ Уйғониши билан қандай вобасталиги ва туб моҳиятда қанақа монандиклари бор?

Машҳур немис файласуфи Ф.Нитше ёзади: "Христианлик бизни антик маданият хазинасидан узоқлаштиргани сингари Ислом маданиятининг барча бойликларидан ҳам бенасиб қилди. Рум ва юнон маданиятига қараганда Испаниядаги шарқликларнинг бизга жуда яқин бўлган, туйғу ва интилишларимизга алоҳида таъсир ўтказишга қодир юксак маданияти оёқ остида топталди"[2]. Бу қабиҳ ишга Ренессанснинг ўнлаб мақталган вакиллари бош қўшганлигининг асосий сабабларини чуқур ўрганиб, ана ундан сўнг Алишер Навоий ижодиётининг Ғарб дунёсидаги у ёхуд бу санъаткор тажрибалари билан ўхшашлик, вобасталикларга диққат-эътиборни тортиш ўзини оқлайди. Акс ҳолда ҳар қандай "илмий" фикр ва тахмин сафсата бўлиб қолаверади.

Бизнингча, Нитшенинг "Ренессанс – тушунарсиз бир ҳодиса, улкан самарасизликдир"[3], деган гапларининг илдизига етиб борилса, наинки Навоий, мумтоз адабиётимизнинг бошқа етук намоёндалари меросидаги умуминсоний "қатлам"лар ҳам анча ўнғай кашф этилади. Буюк форс шоири Саъдий Шерозий:

Тани одами шариф аст ба жони одамият,
На ҳомин либоси зебост нишони одамият,

Яъни, одам вужуди инсонийлик руҳи учун ниҳоятда шарофатлидир. Чунки чиройли, латиф либос одамийлик нишони бўлолмайди, деб бошланадиган шеърини,

На баёни фазл кардам, ки насиҳати ту гуфта,
Ҳама аз одами шунидем баёни одамият[4]*,*

Маъноси: Сенга изҳори фазл этганим йўқ – одамлардан инсонийлик ҳақида эшитганларимизни айтдик, деган сўзлар билан тугатади. Одамни одамга яқинлаштириб, юракни меҳр ва ишонч нурига чулғайдиган сўз топиш, шу Сўз билан одамлардаги ўзаро йироқлик, совуқлик, хусумат ва ғофилликка барҳам беришга ҳисса қўшиш оддий юмуш эмас. Алишер Навоий ижодий шахсияти, тафаккур куч-қувватига инонмаганида олам аҳлига мурожаат қилиб:

---

[1] Ж и р м у н с к и й В.М. Алишер Навои и проблема Ренессанса ва литературх Востока // Проблема эпохи Возрождения и проблемы всемирной литературы. М., 1957. С. 460-471.
[2] Н и т ш е. Дажжол. Христианликнинг танқиди. Истанбул, 2008. 79-бет.
[3] Ўша китоб. 81-бет.
[4] С а ъ д и й и Ш е р о з и й. Мунтахаби куллиёт. Душанбе, 1956. С. 327.

Олам аҳли билингизким, иш эмас душманлиғ,
Ёр ўлунг бир-биригизгаким, эрур ёрлиғ иш, –

демасди.

Туркий тилда сўзлашувчи қавм ва халқлар Навоийнинг турли жанр, хилма-хил мавзудаги асарларини асрлар мобайнида ўқиб-ўрганишган. Бу жараён олдингисидан бугун неча бора кенгайган бўлса, кенгайганки, торайиб қолгани йўқ. Шу ўринда усмонли турк навоийшуноси Юсуф Четиндоғнинг мана бу сўзларига эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз: "Туркий халқлар адабиётида ўз таланти, бебаҳо ижоди бидан донг таратган шоир ва адиблар кўп. Аммо айнан Алишер Навоийга ўхшайдигани йўқ. Мана Юнус Эмрони олайлик. У фақат бизнинг халқимиз орасида машҳур. Фузулий озарийларнинг энг суюкли даҳоси. Махтумқули туркманларнинг биринчи шоири ва ҳоказо. Алишер Навоий-чи? Туркий элларнинг бариси учун бир хилда қадрли ва уларнинг ҳаммасини ўз атрофида бирлаштиришга қодир қалам соҳибидир..."[1]. Турк олимининг ушбу сўзлари Навоий "Фарҳод ва Ширин"да битиб кетган:

Олибмен тахти фармонимға осон,
Черик чекмай хитодин то Хуросон.

Уросон демаким, Шерозу, Табриз
Ки қилмишдур найи килким шакаррез.

Кўнгул бермиш сўзимга турк жон ҳам,
На ёлғуз турк, балким туркмон ҳам[2], –

деган фикрларнинг беш асрдан кейинги бир эътирофи деса хато бўлмайди.

Европа мамлакатларида Навоий ижодиётига қизиқиб, рус, инглиз, немис каби тилларда таржима ва тадқиқот ишларининг йўлга қўйилганига ҳам бир асрдан ошиб кетди.

Абдулла Орипов айтмоқчи, "Темур тиғи етмаган" жойларни ҳам Навоий қалам билан ишғол этишдан тўхтаган эмас. Бу эса айни пайтда буюк мутафаккир шоир асарларида илгари сурилган мавзу ва маъноларнинг башарий аҳамияти фавқулодда баландлигини тасдиқловчи дахлсиз бир ҳодисадир.

"Ўзбек тили ва адабиёти" журнали, 2014 йил 1-сон.

НАВОИЙ ШЕЪРИЯТИДА ҲАҚ ВА ШАХС МУНОСАБАТИ

Алишер Навоий "Ҳайрат ул-аброр" достонида инсонга мурожаат қилиб, шундай дейди:

Кўр, сенга Ҳақдин не карамлар дурур,
Не қадар эҳсону ниамлар дурур.

Буки сени холиқи кавну фасод,
Қилмади ҳайвону наботу жамод.

[1] Ч е т и н д о ғ Ю. Алишер Навоий. Тошкент, 2013. 4-бет.
[2] "Хамса", 335-бет.

Лутф ила айлади инсон сени,
Дин йўлида қилди мусулмон сени...

Ана шу лутф, ана шундай олий эҳсон учун ҳам Одам фарзанди Аллоҳни билмай, танимай ёки Ундан йироқ бир аҳволда яшаши мумкин эмас. Аллоҳ ва инсон муносабати ҳамда орадаги бирлик ғояси турли дин, илмий-фалсафий таълимот ва бадиий ижод вакилларини узоқ асрлардан буён қизиқтириб келади. Бу ҳақда жуда кўп фикр-мулоҳаза ва хулосалар ифодаланган бўлса-да, дунё миқёсида барчани бир хилда ишонтирадиган, ҳамма бир йўсинда таянадиган тўхтамга келингани йўқ.

Маълумки, Шарқ тасаввуф таълимотида борлиқ – оламнинг яратилиши ишқ билан изоҳланади. Чунончи: Аллоҳ – "Вужуди мутлақ", яъни мутлақ борлиқдир. Ҳали макон ва замон пайдо бўлмасдан туриб, борлиқ – коинот ўз-ўзича мавжуд эди. Аллоҳ эса ишқ ва жабарут оламида тоқ яшарди. Табиийки, Унга қарайдиган кўз, важдга келадиган бир кўнгил топилмасди. Ваҳоланки, гўзалликнинг дастлабки талаби ўзини намоён этишидир. Тангри гўзаллигида эса барча олий ва илоҳий сифатлар мавжуд бўлиб, Аллоҳ инсонни ана шу Гўзалликни кўриш, идрок этиш ва севиш учун яратганди. Алишер Навоийнинг таърифи бўйича эса:

Тангри чун одамни махлуқ айлади,
Ўзни ошиқ, они маъшуқ айлади.

Аллоҳ ва инсон муносабати ҳақида сўзлашни собиқ шўро давлати сиёсати умуман таъқиқлаган эди. Шунинг учун мумтоз адабиётни тадқиқ этган адабиётшунослик гоҳ мажбурий, гоҳ ихтиёрий истак ила адабий матн таркибидан чуқур ўрин эгаллаган диний-ирфоний маъно ва тимсолларни кўриб-кўрмаслик, билиб-билмаслик тажрибасини ҳам жорий қилганди. Ҳолбуки, инсонни ақлу идрокдан ажратиб бўлмаганидек, имон ва эътиқоддан ҳам йироқлаштириш мумкинмас. Алишер Навоийнинг имонни инсонликнинг бош белгиси, деб таъкидлаши ҳам бежиз эмасди:

Кимки жаҳон аҳлида инсон эрур,
Билки нишони анга имон эрур.

Навоий имон деганда, тақлидий эмас, ҳақиқий имонни назарда тутади. У риёкорлик, сохтакорлик ва иккиюзламачиликлар билан асло келишолмайди. Бунга "Шайх" радифли ғазали ва "Маҳбуб ул-қулуб"даги "Риёкор шайхлар ҳақида"ги қарашларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Чунки, шоир таъбирича, ҳақиқий имон исломнинг ва инсон ҳаётининг мазмунидир. Акс ҳолда, у Аллоҳга илтижо қилиб:

Нақди жон чиққанда имон гавҳарин кўнглумга сол,
Айлагил жондин жудо, лек этма имондин жудо, –

демасди.

Дунёнинг улкан олим ва даҳо ижодкорлари ҳам ҳеч вақт имонни унутишмаган. Масалан, француз мутафаккири Блез Паскал ҳақиқатни уч турга бўлади. Биринчиси, вужуд ҳақиқатлари; иккинчиси, ақл ҳақиқатлари; учинчиси эса имон ҳақиқатлари. Унга кўра, вужуд ҳақиқатлари нафсни, нафсоний ҳирс ва истакларни қамраб олади. Ақлий ҳақиқатларга келсак, инсонни улар ирода ва тасаввур кашф айлаган нурли бир оламга юксалтириб, уни

биқиқ, басиратсиз ва майдалик гирдобига чўккан “Мен”лигидан қутқариб, Руҳ дунёсининг сарвари даражасига олиб чиқади. Имон ҳақиқатлари эса шахсни инсоний борлиғидан ҳам юқорилатиб, маҳдуд борликдан чексизликка бошлайди. Бунда одам қатра экан дарёга, учқун бўлса, қуёшга дўнади. Ва сўнгсизлик, самовийлик завқ-шавқининг зўридан боқий Вужудга талпинади. Аллоҳ қуллари ва ошиқларини Унинг атрофида бирлаштирувчи Руҳоний куч-қувват ҳақиқатда ана шу.

Паскалнинг таснифига биз диққатни тасодифан жалб қилмадик. Ақлий ҳақиқатларга доир фикрлардаги фарқларни айтмаса, ҳақиқатни юқоридаги каби турларга ажратиш Шарқ тасаввуф илмида анча аввал амалга оширилган эди. Ҳатто таъкидлаш мумкинки, нафс, руҳ, кўнгил, имонга тегишли фикр-мулоҳазалар сўфий ва мутасаввифлар ижодиётида ўзига хос таълимот даражасига етказилган.

Навоий шахсининг Ҳаққа бўлган муносабати, унга яқинлик ҳосил қилишида энг самарали йўл тасаввуф таълимоти эканлигини алоҳида таъкидлаган. Шунинг учун ҳам у Баҳоуддин Нақшбанд ва Хожа Аҳрор Валий каби зотларнинг ҳаётини ибрат қилиб кўрсатади. Шоир таъбирича, фақр, тажрид ва тафрид, мосифаллоҳдан кўнгил узиш, ёмон хулқлардан қутулиб, яхши хулқларни эгаллаш Ҳаққа яқин бўлишнинг асосий омилларидир.

Маълумки, Шарқнинг тариқатчи шоирлари айрилиқ, ҳижрон, ғурбат ва бекасликдан нолиб, тўхтовсиз шикоят қилишган. Туб моҳиятдан келиб чиқилса, бу нолиш ҳам эмас, шикоят ҳам эмас. Унда нима у? Инсоннинг маънавий-ахлоқий лаёқати, имконияти, собитлигини тўғри баҳолаб, меҳр, вафо, садоқат, марҳаматга ўхшаш туйғу ва қадриятларни Холиқдан кутиш ҳамда ҳар қандай ҳолатда бадбинлик ё тушкунликка ён бермаслик қаноатидир. Беназир сўфий шоир Бобо Тоҳир Урёнийнинг “Ҳамма Тоҳирнинг ҳеч кими йўқ дейишса не ғам? Худо менинг ёрим, одамга не ҳожат” мазмунидаги байти бу ҳақиқатни тўғри англашга ёрдам беради:

Ҳама гўянд Тоҳир кас надорад,
Худо ёри мана чи ҳожати кас?

Аллоҳ билан холис муносабатда бандаси ҳеч нима ютқизмайди, алданмайди, ғаму кулфатга йўлиқмайди, ҳеч қанақа хорлик, зорлик чекмайди. Навоий ҳамд рубоийларидан бирида ёзган эди:

Кўк пўяву сайр ила талабгор санга,
Кун сорғорибон ишқда бемор санга.
Ой доғ ила қуллуқ айлабон изҳор санга,
Тун анжуми нақдидин харидор санга.

Еру кўкдаги мавжудликлар туну кун, ойу йил Аллоҳга муҳтожлик сезганида, одам қавми олмшумул ва муқаддас бирликдан ўзини қандай бенасиб этсин? Яратилиш тарихи, асл моҳияти, комиллик матлаби борасида инсон нечоғлик кенг мушоҳада юритса, Ҳаққа толиблигини ўшанча жонли ҳис эта боради. Энг муҳими, Ҳақ муҳиби эркинлик, жўмардлик, хокисорлик, ўзига ишонч ва самимиятнинг хаёлий босқичларига чиқади. Бу ўринда Баҳоуддин Валаднинг “Маориф” китобидаги “Тангрини таниш валийларни танишдан кўп осондир. Бутун олам Тангрига топинади, Унга сажда қилади. Бироқ юз мингларча инсондан ҳатто биттаси ҳам валиларни етарли даражада таний олмайди...”, деган гапларини хотирлатиш мақсадга мувофиқдир.

Қуръони Каримнинг “Бақара” сурасида “Ундан келдик, Унга қайтувчилармиз” (156-оят), дейилади. Демак, инсоннинг бу дунёга келиб, умрини яшаб, яна ортга қайтиши унинг Аллоҳдан Аллоҳга томон илоҳий сафаридир. Мазкур сайри сафардан кўзланган асосий мақсад нима эди? “Ваз-зориёт” сурасининг 56-оятида ўқиймиз: “Мен инсонлар ва жинларни менга қуллик этсинлар деб яратдим”. Англашилаётирки, бу ерда яратилиш ғояси ўлароқ убудият, яъни қуллик ва бандаликка урғу берилган.

Ибн Арабий “Футуҳот”да ёзишича, ҳамднинг ҳақиқати ҳам “муқаддас ва муназзаҳ бир қул бўлишидир”. Шу қуллик, бандалик шарофати туфайли инсон ўзини руҳан янгидан англайди, тасаввур ва тахайюлидаги мавҳумлик, мураккабликлардан осон воз кечади. Навоий эса комилликни Ҳаққа бандалик билан уйғунлаштириб, уни камолотнинг ниҳояси, деган хулосани илгари суради.

Ҳар киши комил эрур бас анга Ҳақ бандалиғи
Мундин ўзга тамаъи касби камол айламангиз.

Навоийнинг “мен”и, яъни лирик қаҳрамонининг Тангрига бўлган муносабати салафларинникидан деярли фарқланмайди. Навоий назмий ва насрий асарларидаги мурожаатларида, айниқса, “Муножот” асарида Тангрининг комил сифатларини таърифлаш баробарида ўзининг ожизлигини, унга бўлган эҳтиёжларини изҳор қилади. Шарқ шеъриятида айнан мана шу “ожизлик изҳори” анъанавий баён усулларидан бўлиб, комил инсонга хос бўлмиш фазилатлардан саналган.

Энг муҳими, Аллоҳ ва инсон муносабатларини Навоий мураккаблик ё китобийликка ён бермай талқин қилади. Бунинг бир сабаби шоирнинг пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг “Нафсини билган Раббини билур” ҳадисига таянишидир. Чунки саррвари коинот Ҳақ маърифатини нафс маърифатига боғлаб, Аллоҳ билан одам орасидаги энг қалин ҳижобга эътиборни қаратган эди. Нафсни таниш эса мен кимман, қаердан келдим, нима мақсадда яратилдим ва қаерга бораман, деган саволдан ва шу ҳақда фикр юритишдан бошланади, дейди мутасаввиф санъаткорлар. Улар нафсни танитиш ва нафс балосидан қутилиш йўл-йўриғини кўрсатувчи бир-биридан муҳим фикрларни қоғозга туширишган. Мавлоно Жалолиддин Румий “Маснавий”да:

Хешро софи кун аз авсофи худ,
То бибини зоти поки софи худ,

яъни: ўз зотинг поклигини кўрмоқ истасанг, ўзингни ўз ноқис, ожиз сифатларингдан тозала, дейдилар. Одамнинг ўзини ўзидан қутқазиши, душман тузоғидан ўзини қутқазишдан қийинроқдир. Шундай бўлмаганида Навоий бир қитъасида:

Фосиқ мену кофири ниҳони,
Каъба сафари эрур манга ҳайф.
Ўзни буки яхши кўргазурмен,
Биллоҳки, манга калисо ҳайф, –

деб ёзмасди. Бу ерда улуғ шоир гўёки маломатийларни ҳам ортда қолдирган.

Нафс ҳақида, нафсни таниш хусусида гапирадиганлар жуда кўп. Аммо “Нафс ўзи нима?”, “Нафсни таниш қандай амалга оширилади?” деган саволларга берилган аниқ жавобларни топиш анча душвордир. Нафс, қалб ва руҳ нима – оломон буларни ҳеч билолмас экан. Чунки

нафсни таниш аввал-охир маърифатга таянади. Тасаввуф мавзуидаги қимматли китоблардан бирининг муаллифи Иззадиддин Кошоний нафсни танишда инсон ирфонга суяниши, нафсда пайдо бўладиган ҳар ёмон сифатни дастлабки пайтдаёқ таниш ва илдизига етиш зарурлигини сўзлаб яна ёзади: "Ирфон ила нафсидаги кибр, риё, ужбнинг ёмон сифатлигини фаҳмлаб, нафсда юзага чиқиши ҳамон уларни таниса ҳамда такрор пайдо бўлишига қатъиян чек қўйишни уддаласа, ана шунга нафсни танимоқ дейилади. Агар нафсдаги иллат ва чиркинликларни инсон дастлабки онларда эмас, кейин таниса, унга ғофил номи берилади".

Навоий масаланинг бундай нозикликларини теран англагани ва инобатга олганлиги боис нафс курашида ғолиблик майдонига чиқиш ниҳоятда мушкуллигига урғу беради:

Эй мусулмонлар, билингким, бўлди умрим ҳосили,
Нафси кофир фитнасидин номусулмонлиғда ҳайф.

Хуллас, нафсоний ўзлик ҳамла-ю фитналари бартараф этилгач, бирор нарса инсон ва Аллоҳ унсиятига тўсқинлик қилолмайди. Бу ҳолатни улуғ Мансур Халлож яна ҳам соддароқ тарзда шарҳлаб, "Руҳ баданий ноқислик ва чиркинликлардан бир бора тозалангач, инсон, албатта улуҳиятга юксалади", дейди. Ушбу ҳақиқатни Навоий кўп бора шеърий шаклларда ифодалаб берганки, улардан бирида:

Ўзлигининг ҳижобидин кимки ўзин халос этар,
Ўзга қаёнки солса кўз, мумкин эмас ҳижоб анга, –

дейилади. "Ўзлик ҳижоби"дан тўла-тўкис қутилишни Руҳнинг Аллоҳга унсияти деб қараган айрим сўфий ва мутасаввифлар айни пайтда уни "бир диний шахсиятнинг ўзгартирилиш мукофоти", дея таърифлашган. Биз Навоийнинг лирик қаҳрамонини ҳар жиҳатдан ана шу мукофотга лойиқ, деб ҳисоблаймиз. У – диндор, у – ошиқ, ориф, фақир, у – файласуф, мутасаввиф... Аммо унинг на тириклик, на дин, на ишқ ёки на сиёсат ва маърифат йўлида чекланиб, маҳдудликка тўқиниб, иккиюзламачилик қилган жойи йўқ.

Шоирнинг илоҳий ишқ, фақру фано ва соф ирфоний тушунчалар ёритилган ғазалларидаги қош, кўз, лаб, хол каби ўнлаб поэтик образлар Аллоҳ ва комил шахс ўртасидаги алоқа ҳамда бирлик ҳолатларидан қайта-қайта хабар етказиб турадики, фаҳм-фаросати ўткир шеърхон инсон моҳиятан ўзини маъшуқи азалдан ажрата олмаслигига дилдан иқрор бўлади.

Навоий, аҳли жунун зумрасиға кирди илоҳий,
Чу айладинг ани Мажнун, ўзунгни қил анга Лайло.

Шоирнинг лирик қаҳрамони ҳақиқатда ўзини Мажнун қиёфаси ва руҳониятда намоён этади. У, тушунча ва ҳолдан ҳаракатга, ҳаракатдан ҳол ва тушунчага ўтар экан, Аллоҳ атрофида айланади. Мендан яна Менга бориш учун бутун борлиғи ила Раббига саждалар қилади. Ва ўрни-ўрни билан аласт базмидан сўз очади:

Мени усрук кўрубон жомим ушотма, эй шайх
Ким, бу янглиғ мени маст эткан эрур жоми аласт.

Бу эътирофга асосланиб айтиладиган бўлса, Навоий тушунчасида халқ ва Холиқ алоқа-

синининг дахлсиз йўли Руҳ. Руҳни ишқ завқи билан қанотлантириб, маърифат билан қувватлантириш одамни Ҳақдан йироқлашиш хавфидан омон сақлайди. “Ғаройиб ус-сиғар”даги қитъалардан бирида Навоий:

Кимки ўзлук иморатин бузди,
Бўлди нақди фано анинг музди.
Ул иморатни бузмайин солик
Бўла олмас бу нақдга молик, –

дейди. Дарҳақиқат, энг қийини, энг оғриқлиси ўзлик иморатини бузиш. Шунга эришилдими – қолгани осон ва завқли кечади. “Нақди фано” – восил бўлиш, ўз сийратингда вуслатга етишмоқ дегани. Шунинг учун ҳеч бир ошиқ, ориф, дарвеш Аллоҳ мендан йироқда, деб сиқинмаслиги керак. Бунинг аксни ғафлат сифатида баҳолаган Навоий ҳажр азобига кўп берилмасликни таъкидлаб, мана нима деган эди:

Кўнгул миръоти ичра жилвагардур ёру сен ғофил,
Ториқма ҳажридин кўпким эмассен ёрдин айру.

Инсон қисматидаги мўъжиза дейишга арзигули бир ҳодиса ҳам шу!

Ҳақиқий илм на бир вақт ва замон, на бир ҳол ва мақом билан чегараланмаслигини олимлар яхши билишади. Кўҳна Шарқнинг Навоийдай даҳо санъаткорлари ижод оламини тадқиқ ва талқин қилганда, ҳеч бўлмаса, илмнинг умумсавияси, янгилиги, таъсир кучини пухта ўйлаш керак. Навоийшунослик тарихига нечоғлик холис нигоҳ ташланса, умумий фикр-мулоҳазалар, тақлид билан ўзлаштирилган тушунчалар қуруқ илмбозликдан бошқа бир нарса эмаслигига ишонч шу қадар қатъийлашади.

Навоий шеъриятида муаззам бир мувозанат, сўз билан ифодалаш қийин ички мутаносиблик бор. Унда ҳамма нарса жой-жойида, маъно-моҳиятдаги тадрижийлик Аллоҳ ва ваҳдат қудратидан далолат бериб туради. Бундан кўз юмиш шоир дунёқараши ҳамда идеалини бузиб, Навоийни Навоийдан йироқлаштириш дегани бўлади. Қолаверса, Навоий мансуб тариқи олия, яъни нақшбандийликдаги хотири Ҳақ эҳтиёжи ҳам унинг ўзини Аллоҳдан йироқ ҳис этишга изн бермасди. Улуғ шоирнинг тажрид, тафрид мавзусидаги шеърлари бу фикрнинг асосли далилларидандир.

Хуллас, изтиробни чин муршид, ғаму аламни буюк устод, деб билган санъаткор борки, ҳаммаси Аллоҳнинг ишончли муқаррабларидир. Алишер Навоий ана шулардан бири ва энг комили эди.

“Ўзбек тили ва адабиёти” журнали, 2013 йил 5-сон
Иброҳим ҲАҚҚУЛ

РУҲОНИЯТ ВА НАФСОНИЯТ ТАЗОДИ

I

Шарқ тасаввуф адабиёти, энг аввало, руҳ ва руҳоният адабиёти. Чунки руҳ яратиқларнинг энг софи ва энг порлоғи. У фақат хайр, фақат гўзаллик учун ҳаракат қилади. Англаниши қийин, ҳатто имконсиз кўринган нарсаларни ҳам руҳ англашга қодир. Ғайб дунёсига руҳ йўл очади, ҳақиқат аҳлининг кашфи руҳ биландир. Мутусаввифлардан бири: "Руҳ, Жаноби Ҳақнинг "Кун!" ("Бўл!") амри жалили билан пайдо бўлгани йўқ. Агар шундай бўлганда эди, унда зиллат (пастлик, тубанлик) аломатлари бўларди", - дебди. Шунда унга: "Бундай бўлса, руҳ қаердан ва қандай яралган", - дея савол берилганда у: "Жаноби Ҳақнинг жалоли ва жамоли орасидан зуҳур этмишдир. Шу учун ҳам руҳ "Кун!" амри ила майдонга келган ашёдаги зиллат ва ноқисликлардан фориғдир", - деган экан.

Баъзи калом олимлари бир турли модда - нозик ва шаффоф жисм (жисми латиф) деб қарашган. Имом Ғаззолийга кўра, руҳ маънавий бир жавҳар бўлиб, Қуръони каримда ҳаёт бергувчи қувват, ваҳий, амр, Аллоҳнинг каломи, раҳмат ва Жаброил каби маъноларда қўлланилган. Мумтоз шеъриятда руҳ ҳақида, руҳнинг хусусият ёки фазилатлари борасида ёзмаган шоирни топиш қийин. Чунки руҳни билиш, руҳоний ҳаёт учун ғамхўрлик қила олишга қадим-қадимдан инсон ўзлигини англаш ва танишнинг туб асоси деб қаралган. Улуғ мутасаввиф Юсуф Ҳамадоний таъкидлаганидек, "Руҳ аслларнинг аслидир. Одам вужуди ва аъзолари руҳ билан тирик. Руҳ борлиғи паноҳида бадан кўради, билади, эшитади, ушлайди, юради. Руҳнинг хусусият – фазилатлари туфайли доноликда қатъият, назарда фаросат ва ибрат, эшитишда ҳикматни англаш, эргашишда итоат, юришда хизмат юзага келади".

Руҳ моҳиятини англаш ва чуқур идрок қилиш кишини охир-оқибатда само одами ҳолатига етказади. Буни Машраб биргина байтда акс эттирган:

Руҳи жоним аршга етти мен ўзум осмониман,
Тутти оламни шарорим, мен ўзим осмониман...

Дарвоқе, руҳ толиби бора-бора ўзини руҳоний гўзаллик посбони қиёфасида ҳис қиладиган бўлади. Заҳириддин Муҳаммад Бобур рубоийларидан бирида шу ҳақда ёзган:

Руҳим яратиб эдинг латофат бирла,
Қилдинг анга танни ҳамроҳ офат бирла.
Руҳимни чу тан эвига келтурдунг пок,
Мундин бори элитма касофат бирла.

Руҳнинг бош сифатларидан бири латофат, яъни латифлик. Латифнинг офат ила йўлдошлиги – руҳга нафснинг яқин келтирилиши. Вужуд уйига жойлашган руҳ покизалигини бузувчи касофат эса яна нафсдир.

Бизнинг назаримизда, Шарқ тасаввуф адабиёти ва мумтоз фалсафани билиш, уларда ёритилган энг мураккаб ва жумбоқли мавзуларни ҳам тўғри талқин қилиш учун тазодий иккита тушунча маъно-моҳиятини чуқур тушунмоқ зарур. Улардан бири – руҳ ва нафс, иккинчиси – фано ва бақо. Қадим даврларда айрим тариқатларда булар нафс илми, руҳ илми, фано ва бақо илми тарзида ўргатилган.

Адабиётни ўқиб-ўзлаштириш бош мақсад эмас, балки ҳамиша восита деб англанган. Чунки адабиётнинг дунёга келиши инсонни билиш, унинг ташқи ва ички ҳаёти тўғрисидаги фикр-қарашларни жозибали шаклларда акс эттириш эҳтиёжини ифодалаган. Бу йўлда

эришилган натижаларнинг баъзилари саёз, ниҳоятда тахминий тасаввурларга асосланган бўлса, айримлари инсонни таниш, инсонни инсон “ойна”сида кўришга рағбатлантирган. Буюк Насимий бир ғазалида:

Нафсини ҳар кимса ким таниди, ул Ҳақни билур,
Орифи Раб ўлди ул ким, таниди топди сабот, -

дейди. Ушбу байт “Нафсини билган, Раббини билур”, ҳадиси шариф асосида яратилган. Чиндан ҳам нафсни таниш ва билиш, Ҳаққа етгунга қадар нимани англаш зарур бўлса, комиллик йўлидаги шахс шуларнинг ҳаммасини имкон даражасида мушоҳададан ўзказа олади. Бу ҳадис икки шаклда шарҳланган. Биринчиси, маърифатуллоҳ орқали нафснинг моҳиятидаги зиддиятларни билиш. Зеро, нафснинг муҳтожлигини англаган, Аллоҳнинг ғанимлигини тушунади. Нафсини залил, ҳақир кўрган Аллоҳнинг улуғ ва азизлигига асло шак келтирмайди. Хуллас, нафсида убудият (қуллик)нинг маънисини мушоҳада этган Аллоҳда рубибият (раблик, яратувчанлик)ни идрок қилади.

Ҳадиснинг иккинчи шарҳи эса мана бундай: Аллоҳ инсонни ўз сувратида яратиб, уни ер юзида халифа қилган. Суратни таниган, сурат соҳибини ҳам танийди. Инсондаги барча ёмонликларнинг икки манбаи бор: бири – шаҳват, иккинчиси – ҳавою ҳавас. Шаҳват вужуднинг барча аъзоларида ҳаракатланадиган ва тўхтовсиз равишда мақсадга етишни истайдиган бир завқ қуввати. Шу йўлда туйғулар унга ёрдам беради. Меданинг шаҳвати – ебичиш, кўз шаҳвати – кўриш, қулоқники эшитиш, бурунники ҳидлаш, тил шаҳвати – сўзлаш, ақлники эса росту ёлғон фикрлашдир. Мана шуларнинг барини билиш ва ҳақиқатига етиш, наинки нафс, балки охир-оқибатда Раббини танишга хизмат қилади.

Тасаввуфий мушоҳада эса, аввало, нафсийдир. У олдин нафсни, кейин вужудни тозалашни ўргатади. Агар инсон тўла маънода нафсини танимаса, унинг ҳийла ва тузоқларидан воқиф бўлмаса, руҳ ҳамда руҳоний ҳаёт ҳақида ҳам тўғри тасаввурга соҳи б бўлолмайди.

II

Тасаввуфга доир айрим асарларда қайд қилинишича, руҳ вужуддан, яъни Ҳазрати Одам а.с.дан 4000 йил муқаддам яратилган экан. Бу сананинг тахминлиги ўз-ўзидан кўриниб турибди. Сўфий ва мутасаввифлар руҳнинг ҳақиқати ҳамда хусусияти тўҳрисида ҳам ҳар турли фикр-мулоҳазаларни илгари суришган. Абу Наср Саррожи Тусийнинг маълумоти бўйича улардан бир гуруҳ “Руҳ Аллоҳнинг нуридан бир нурдир”, - дея руҳни зоти илоҳиянинг нури ҳисоблаб адашишган, бошқа бировлар эса “Руҳ ҳаёти илоҳиядан бир ҳаёт эрур”, - деб хато қилишган. Шунингдек, авомнинг руҳи махлуқ (яратилиш), хавосники махлуқ эмас”, “Руҳлар қадимдир: ўлмас, азоб чекмас ва қаримас”, “Руҳ руҳонийдир, малакутдан яратилмиш, софликка эришгач, яна такрор малакутга қайтади”, - дегувчилар ҳам бўлганки, буларнинг ҳар бири адашиб, хатога йўл қўйишган. Лекин кимки Қуръони каримдаги мана бу сўзларга таянган бўлса, ўзини ғалат фикр ва нотўғри тасаввурдан муҳофаза этган: “Эй Муҳаммад, сендан руҳнинг ҳақиқати ва кайфияти ҳақида сўрайдилар. Сен уларга жавоб бергилки, “Руҳ Парвардигорнинг махлуқлари (яратиқлари)дан бир махлуқ (яратиқ)дир. Унинг ҳақиқатини Худодан бошқа зот билмайди”. (Исро: 85-оят). Ана шу илоҳий ҳукмга кўра бу мавзудаги тўғри тушунча шундай: Руҳларнинг ҳаммаси ҳам махлуқ (яратилиш)дир. Амри илоҳийдан бир амр эрур. Аллоҳ билан руҳ орасида, руҳнинг Унинг мулкидан, Унинг амри ва қаровида бўлишдан бошқа сабаб ила ёки нисбатда алоқаси йўқдир. Руҳ таносих этмайди, бир жасаддан чиқиб бошқасига кирмайди, вужуд ўлим азобини тортгани каби руҳ ҳам азоб чекади. Хуллас, Одам а.с.нинг аносири арбаъ – тўрт унсурдан бино этилган жасадига Аллоҳ

малакутдан яралган руҳни киритган: “Эй Муҳаммад (с.а.в), Парвардигорнинг малакларига: “Мен Одамни қора балчиқдан халқ қилгувчиман. Вақтики, мен Одамни халқ қилсам, унинг жасадига руҳни дохил этсам, ҳаммаларингиз унга сажда қилиш учун йиқилинглар”, - деган вақтни фикр қил” (Ҳижр: 29-оят).

Нафсни сўфийлар вужуддаги латиф бир мавжудлик тарзида қабул қилганда, тасаввурларида нафснинг моддий томони устунлик қилган. Буни очиқ-ойдин эътироф этишмаган бўлишса ҳам, нафс деганда жисмоний бир нарсани хаёлга келтиришганини сезиш қийин эмас. Лекин руҳнинг ғайримоддий, вужуддан мустақил ва айри, вужуд йўқолса ҳамки, латиф бир борлиқ ўлароқ унинг йўқолмаслиги хусусида аҳли тасаввуф ўртасида ихтилоф бўлмаган. Бу эса тасаввуфда руҳ мавзуида жуда кенг ва изчил баҳс юритишга яқиндан ёрдам берган.

“Тасаввуфнинг мавзуси, - дейди туркиялик атоқли олим С. Улуғтоғ,- Руҳдир. Бу ўринда руҳ калимаси ўрнида Латифа, Сир, Нафс, Қалб атамаларини ҳам қўллаш мумкин. Зеро, руҳнинг соф, қалбнинг пок, нафснинг тоза ҳолга етказилиш “тажриба”си тасаввуфнинг ҳам мавзуи, ҳам мақсади эрур...”

III

Тасаввуф таълимотининг ибтидоси руҳ ва нафс хусусиятларини аниқлаш, ўртадаги алоқа, зиддият, ихтилофларни ойдинлаштириб, уларни кўпроқ рамзий-мажозий тарзда шарҳлашдан бошланган. Ахлоқий-маъруфий бу ҳаракат эса одам ўзлигини англаш нуқтаи назаридан ҳам, унинг фикрий ва ҳиссий оламининг адабиётдаги тасвирларини қалб нигоҳидан ўтказиш учун ҳам алоҳида аҳамият касб этган. Ўзбек мумтоз адабиётида биринчилардан бўлиб руҳ ва нафс мунозарасини ёритган Сулаймон Боқирғоний бундай дейди:

Нафсим айтур, садр ёнида ўлтурибон,
Турлук-турлук неъматларни келтурубон,
Ейиб-ичиб, туну кун қорин тўлдурубон,
Ёстуқ узра такя қилиб ётойин дер.

Руҳим айтур, туни куни қатланубон,
Ҳақ мавлом ризосини тилаюбон.
Қул Сулаймон ишқ отиға отланубон,
Узоқ-кечмиш эранларга етойин дер.

Бундоқ қаралганда, ҳаяжон ва ҳиссиёт, туйғу ва эҳтирос Шарқ шеъриятида азим дарёдай мавжланиб оқади. Бироқ бу шеърият деярли барча давр ва замонларда юксак маданият, теран илм ва маърифат заминида илгарилаб борган. Чунки илм нури, маърифат завқи сингмаган шеър – авом ўқийдиган, энг ёмони омийликни муҳофаза қиладиган шеър. Бунақа шеърларда ҳам жанр, вазн, қофия ва радиф - бадиий унсурлар бўлади. Бироқ уларнинг муаллифида мустақил маънавий-руҳий қиёфа бўлмаганидек, сўзларида бир ҳарорат таъсири сезилмайди. Авомлик, жўнлик туғёни ўқувчилар манфаатига зарарлигини ҳисобга олиб Абдураҳмон Жомий мана нима деган:

Шеър к-афтод қабули хотири ом,
Хос донад ки суст бошад хом.

Мазмуни: авом бандаларга мақбул тушадиган шеърнинг бўш ва хом бўлишини баланд,

табиати хассос, яъни хос кишилар, албатта, билмоғи жоиз.

Байтда таъкидланган гап айни пайтда икки тоифа – онг ва идроки паст, завқ ва мушоҳадаси юксак ўқувчи тўғрисида ўйлашга ҳам даъват этади. Зеро, адабиёт тараққиётини талантли, талабчан ўқувчисиз хаёлга келтириш ҳавоийликдан ўзга ҳеч нима эмас. Тўғри, оқилми ё жоҳил, дономи ёки нодон, бундан қатъий назар, ҳар бир кимсанинг шеър ўқиш, шеърни ўзича англаш ва баҳолашга ҳаққи бор. Бироқ ўз аҳволи, фикр йўлини фаҳмлашдан йироқ зотлар шеърга қўл чўзиб, шеърдан баҳс юритишганда, ҳаттоки, улкан ижодкор ҳам оломон даражасига тортилади. Ўртамиёначилик, эстетик дид ва мезонларнинг бузилиши ана шу зайлда бадиий ижодда ғовлаб кетади. Гўё тасаввуфий ранг ва бўёқлар билан зийнатланган, аслида мутасаввифлик ишқи ва руҳ изтиробларидан маҳрум шеърлар шу фикрнинг иштибоҳсиз далилларидандир. Тасаввуфий шеър матнлари тадқиқи мавзуи бизда махсус ўрганилмаганлигидан шарҳ ва талқинчиликда йўл қўйилган хатою чалғишлар ҳам назардан четда қолиб кетмоқда.

Шайх Суҳравардийга кўра, "Тасаввуфнинг бошланғичи илм, ўртаси амал, охири мавҳиба. Мавҳиба Ҳақ ҳадяси бўлиб, Аллоҳ суюкли қулига бахшида қиладиган қалб очиқлиги ва бойлигидир".

Тасаввуф темасида яратилган шундай шеърий матнлар борки, илм ва ирфоннинг амалга, амал ва тажрибанинг мавҳибага улашганини инобатга олмай, шарҳ ва талқинда шоир ёки ўқувчи фойдасига ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Зеро, шеърдан тасаввуфга, тасаввуфдан шеърга бориш учун ҳам тасаввуф тасарруфидаги истилоҳ ва тимсоллар мазмунини "қатлам ба қатлам" англаш керак.

IV

Алишер Навоийнинг "Фавойид ул-кибар" девонидаги ғазаллардан бири:

Гар фано расмин қилмоқ тилар эрсанг мазбут,
Нафс ила руҳни зинҳорки қилма махлут, -

матласи билан бошланади. Байтнинг асосий мазмуни бундай: фано расм-равишини агар эгаллайман десанг, нафс билан руҳни ҳеч қачон бир-бирига қўшма, яъни аралаштирма.

Нафс, руҳ, фано, бақо калималарининг маъно-мазмуни бизга гўё ёд бўлиб кетгандай. Уларнинг луғавий маъноси шундай дейишга асос ҳам бериши мумкин. Аммо истилоҳий, ирфоний мазмун ушбу калималарнинг ҳар бири устида алоҳида тўхталиш, муаллиф мақсадига яқинлаштирувчи тушунча, маълумот ва шарҳлардан хабардорликни талаб қилади.

Руҳ ҳақиқий гўзаллик, нафислик, самовий завқ ва эркинлик тимсоли. "Руҳнинг моҳиятини изоҳлаш, -дейди Имом Ғаззолий, - унинг ўзига хос хусусиятларини англаш ғоят ҳайратланарли ва кўп ғаройиб ишлардан баҳс юритиш демак. Руҳнинг асосий сифатлари завқ, софлик, басират, ғафлатда қолмаслик, сирорят қуввати, ашёдан туғиладиган ғам-аламни қабул қилмаслик".

Маълумки, инсон ҳам илоҳий, ҳам башарий, ҳам мутлақ, ҳам муваққат бир мавжудлик. Унинг тўрт унсур – тупроқ, сув, ҳаво ва оловдан яратилганлиги ҳисобга олинмаганда ҳам у ўзаро қарама-қарши икки кучдан таркиб топгандир. Шунинг учун башарий ҳис, майл, эҳтиёжлар гирдобига тушиб, руҳ ва руҳий ҳаёт билан чуқур қизиқилмаса, нафс ғалаёни ва исёнидан вужуддаги мусаффо фазилатлар ё мажруҳланади ёки бутунлай барҳам топади. Сувратдан сийратга бориш, сийратга суяниб сувратни тасвирлаш бу – маърифат белгиси, яъни басират очиқлиги. Мана шундагина қуйидаги сингари "маълумот"лар кўнгилга акс-

садо уйғотади:

Руҳ ул нурдурки, Ҳақ анга бермиш авж,
Нафс зулматга қолиб, қилмиш анга поя ҳубут.

Бундан олдинги байтда Навоий нафсни – нафс, руҳни эса руҳ деб билгил, деган бир кўрсатма берганди. Ўша кўрсатмага қайтиб, нафс ила руҳни ажратувчи хусусиятлар яна ҳам аниқлаштирилмаса, ўқиганимиз байт калитсиз қулфга ўхшаб тураверади.

Нафс луғатда руҳ, жон, жасад, қон; бирор бир нарсанинг асли, жавҳари, ўзлиги каби маъноларда шарҳланган. Бу сўз ёлғиз Шарқдамас, Ғарбда ҳам алоҳида қизиқиш пайдо этган. Тасаввуф психологиясини тадқиқ қилган профессор Роберт Фрагер ёзади: "Тасаввуф психологиясидаги энг фаол қўлланилган терминлардан бири нафс, яъни менликдир. Бу термин баъзан "эго" ёки "руҳ" деб ҳам таржима қилинган. Нафснинг бошқа маънолари орасида "ўз" ва "нафас" ҳам ўрин олган. Сўфий ижодкорларнинг кўпчилик қисми нафс сўзидан ёмон хулқлар ва тубанликларни ифодалашда фойдаланишган..."

Назаримизда, ғарблик тадқиқотчининг қуйидаги мулоҳазаси янада қизиқарли: "Нафснинг илдизи ҳам баданда, ҳам руҳда ўрнашганлиги туфайли у моддий ва маънавий хусусиятларга соҳибдир. Бошланғичда унда моддиёт ҳокимлик қилса... Оллоҳга яқинлашиб, табиат ўзгаргач, унинг дунёга боғланиши бутунлай сусайиб кетади". Бу янги гап эмас, балки эски сўфий ва мутасаввиф алломалар айтган ҳақиқатнинг бир ифодаси. Ғарб олимлари аллақачон анча теран ўзлаштирган ишқ ва ирфон сирларидан бехабарликка кўникишимиз афсусланарли, албатта.

Нафснинг зулматга чулғаниши нимани билдиради? Буни фақат нафсини таниган, нафсга қарши курашиш "тажриба"сидан хабардор, маломат ҳолига соҳиб кишиларгина билади. Лекин тилда нафсни айблаш ва таҳқирлаш билан ҳеч қандай ёмонлик ёки нуқсон барҳам топмайди.

"Нафсни севиш энг муҳташам бутдир. Ўзга бутлар унинг воситасида пайдо бўлади ва қолган барчасини угина яксон айлай олади",- дейди Азизиддин Насафий. Демак, донишманд шоир Муҳаммад Ризо Огаҳий:

Руҳимни ҳамиша нафсга ғолиб эт,
Нафсимни ҳамиша айла мағлуб менга,

деганида маънавий бутунликнинг ўзак нуқтасига диққатни қаратган. Навоийнинг "Руҳ ул нурдурки, Ҳақ анга бермиш авж", дейиши руҳнинг нурдан яралганига ишорадир. Бандаси шу нурга ошуфталик ва ғамхўрликни қанча оширса, Ҳақ унга ўшанча куч ва илҳом беради. Нафсда эса ҳаммаси нисбатан бошқача: у буқаламунлик сифатига эга. Ҳар он, ҳар лаҳзада ўзга тусга кириши, исталган бир пайтда ишни бузиб, соҳибини хаёлга келмас шумликларга йўллаши ҳеч гапмас. Чунки тасаввуфшуносликда таъкидланганидек, "Нафснинг барча хулқ ва сифатлари икки нарсадан туғилади: биринчиси, ҳафифлик, яъни енгиллик, иккинчиси, очкўзлик ва эҳтирос. Енгиллик унинг жаҳолатидан, очкўзлик ҳирсидан юзага чиқади". Хуллас, нафснинг зулматпарастлиги, беқўним ва қаноатсизлиги уни шайтонга айлантирган:

Руҳ раҳмони эрур, нафс эрур шайтони,
Иккисин бир-бирига қўшмоқ эмастур машрут.

Шайтонийлик тарихи ҳам жуда узоқ бир тарих. Навоий шу тарихни эслатиб ёзади: "Одам

билан шайтон мухолифотин унутма. Отангни биҳиштдек маъманидан (тинч, хотиржам жойидан) жало қилди (ажратди). Ва отанг авлодидин баъзи анга интиқом туздилар ва хору забун қилиб жафолар кўргуздилар. Нафсни чун тақво риёзати била зеридаст қилдилар – Шайтонни залиллиқ (хорлаш) била ерга паст қилдилар".

Модомики, нафсни зеридаст қилиш шайтонни енгиш экан, инсонга унинг таъсир ўтказиши қандай аниқланади? Бир неча олимларнинг фикри бўйича, ўша таъсир нафс ва руҳнинг ҳаракатидан ҳосил бўлади. Чунончи: нафс ҳаракат бошлаши ҳамон, унинг жавҳаридан бир қоронғилик қалқиб чиқади ва қалбдан ёмонликка бошловчи бир йўл ахтаради. Худди ана шу пайтда шайтон қалбни мўлжалга олиб фаолиятга киришади. Руҳ ҳаракатидан эса унинг сифатига мувофиқ бир нур таралиб, ундан олий маъно, ноёб хислатлар туғилар экан. Руҳнинг раҳмонийлигига сабаб шу.

V

Ростини айтганда, инсондаги барча адашиш, катта-кичик фожеаларнинг тамали руҳ билан нафсни бир-биридан ажратишни билмасликда. Акс ҳолда, Бобур Мирзо нафсни ич-ичдан танишга ташвиқ айловчи мана бу сўзларни битиб қолдирмасди:

Нафснинг касбидур ҳавоу ҳавас,
Руҳ олидадур булар ярамас.

Нафс душман дурур яқин билгил,
Дўстум, бу сўзумни чин билгил.

Душманедур агарчи ўтру эмас,
Лек бир лаҳза сендин айру эмас.

Гарчи зоҳирда тўғридиндур нафс,
Жамъинг ўйида ўғридиндур нафс...

Бадан ҳисни, нафс ҳавову ҳавасни нечоғлик севса, руҳ ақл ва ирфонни улардан ҳам ортиқроқ яхши кўради. Руҳдаги тўғрилик нафсда йўқ. У ваҳдат – бирликка эмас, касрат – кўпликка толиб. Унинг ўғрига ўхшаши, зоҳирда тўғриликни ёқлаб, амалда эгрилик ва нифоққа куч сарфлаши мана шундан. Бобур нафснинг душманлигига ҳеч шубҳаланма, "Дўстум, бу сўзумни чин билгил", - дейди. Ҳақиқатда шундайми? Нафсни ҳамиша ғаним деб билиш, уни тўхтовсиз маломат қилиш керакми?

"Нафс ва руҳ орасида, - деб ёзади Шайх Суҳравардий, - азалдан бир севги бўлган. Бунинг сабаби нафснинг аёллиги (унусат), руҳнинг эркаклиги (зукурат)дир. Модда оламида Момо Ҳаво Одам Атодан яратилганидек, қудрат оламида нафс ҳам руҳдан яралган эди. Нафс ва руҳ ўртасидаги унсият ва улфатлашувнинг асоси мана шудир. Чунончи: нафс ҳайвоний бир руҳдирки, руҳоний руҳга яқинлашув шарофати туфайли унинг жинсиятини эгаллаган". Бундай унсият ва эврилиш камдан-кам одамга насиб айлаган. Навоий айтган мана бу фикр ҳам буни тасдиқлайди:

Руҳга шева Калимулло ишин қилмоқ фош,
Нафс фиръавнлик асбобини айлаб марбут.

Пайғамбарлар руҳ пешволари. Нафс эса фиръавнлик йўлининг сарбони. Нафсдаги бу манманлик, худкомлик сиррини Саҳл бин Абдуллоҳ Тустарий шундай шарҳлайди:

“Нафснинг бир сирри бордирки, Фиръавндан бошқасига у зоҳир бўлмаган. Шу боис у “Мен сенинг буюк роббингман”,- деди. Нафснинг етти самовий ва етти заминий ҳижоби бор. Қул нафсини ерга на қадар чуқур кўмса, шу даражада кўкка юксалади...”

Бу мулоҳазалар нафсни янада чуқурроқ билиш, нафсга тегишли маълумот ва ҳукмларни яна ҳам теран ўзлаштириш истагини кучайтиради. Тасаввуф руҳшунослигида белгиланишича, инсонда етти турли руҳ (нафс мартабалари ҳам еттита) мавжуд. Булар: 1. Маданий руҳ. 2. Наботий руҳ. 3. Ҳайвоний руҳ. 4. Нафсоний руҳ. 5. Инсоний руҳ. 6. Сирли руҳ. 7. Энг сирли руҳ.

Ушбу руҳларнинг бош хусусияти, сифати, вужудга таъсири, асосий фаолияти кабилар борасида маълум бир тасаввур ҳосил қилмай одамнинг илоҳий ишқ мақомига қандай ноил бўлишидан сўзлаб бўлмайди. Ўзича руҳ илми билан қизиққан киши эса онг, ақл, кўнгул ва руҳни пайғамбар севгиси қандай мунаввар айлашини осон тушунади:

Руҳга дааъб Ҳабибулло иши ойини,
Нафс Бужаҳиллик асбобин айлаб мабсуд.

Маҳобатли, кўркам бино қуриш учун, албатта, кенг ва катта майдон керак. Ўзини англаган бутун шахсни камол топтириш учун ҳам кенглик зарур. Бу кенглик, энг аввало, руҳ ва руҳдадир. Шунинг учун мумтоз шоирлар комиллик тушунчасини ёритишда руҳга, руҳнинг нафс билан муносабати ва зиддиятларига кенг ўрин ажратишган. Ўтмишда яшаб, ижод этган улкан санъаткорларнинг шеърияти, таъбир жоиз бўлса, руҳ ва руҳоният заминидан ўсиб чиққан шеърият. Очиғи, бундай шеъриятнинг гўзаллик сир-асрори ва туб моҳиятини биз кам биламиз. Чунки руҳ нафасини ҳис қилиш, руҳ оҳанги, ранги, шавқи ва мусаффолиги билан яшашдан анча йироқлашганмиз. Навоий «Лисон ут-тайр» достонида Ҳудҳуд тилидан кимки эр, яъни мард ва матонатли бўлса, нафсониятни енгиб ўз зоти – моҳиятида руҳониятни ғолиб айлайдики, шунда у чинакам поклик шарафига етишади дейди:

Улдур эрким салб этиб нафсоният,
Ғолиб этгай зотиға руҳоният.
Ҳар кишида бу шараф биззот эрур,
Ул киши поку шариф авқот эрур.

Руҳониятнинг нафсоният устидан ғалаба қилиши комиллик йўлининг ниҳоясидир. Бунга эришмоқ учун икки куч – руҳ ва нафс орасидаги муросасиз курашнинг сабаб ва эҳтиёжларини мушоҳада қилиш зарур. Руҳнинг камоли ва шахсиятнинг бутунлашувига шундан сўнг бир умид билан қараш мумкин бўлади. Мумтоз шеъриятимиз меҳваридаги масала ҳам мана шу эди.

2014 йил

АЛИШЕР НАВОИЙ ВА АБУСАИД МИРЗО

Давлат равнақи, миллат фаровонлигини таъминлайдиган икки буюк куч ва асос мавжуд: бири – шахсияти бутун ҳукмдор, иккинчиси – маъмурлик манбаи бўлмиш иқтисод. Ҳукмдор иродали, серғайрат бўлмаса, иқтисод ўнгланмайди. Иқтисоди ночор мамлакатда ҳеч бир соҳа, илм-фан, маданият ва санъат ҳам тараққий топмайди.

Салтанатда шаҳаншоҳ қандай мақомга юксалишини жаҳонгир Амир Темур амалда кўрсатганидек, иқтисодий ҳаётдаги оламшумул эврилишни ҳам дунёга намойиш этган эди. Машҳур араб тарихчиси Ибн Халдуннинг таърифлашича, “Амир Темур даври башар тарихи инкишофининг энг олий нуқтасидир. Дунё яратилгандан бери Темурникидай бир давлат қурилмаган. Бобил ва Эрон ҳукмдорлари, ҳатто Искандар ҳам бу буюк жаҳонгир қаршисида бир соя кабидир”.[1]

Афсуски, Амир Темур бу ёруғ оламни тарк этиши биланоқ тожу тахт ва ҳокимлик ҳирсининг ғалаёнлари бошланди. Соҳибқирон вафотидан кейин орадан унча кўп вақт ўтмай, унинг муҳташам салтанати парчаланиб, шиддат ила ичдан емирилишга юз тутди. Хуросонда Шоҳруҳ Мирзо, Мовароуннаҳрда Султон Улуғбек ҳукмронлиги ниҳоясига етгач, темурийзодалар орасидаги сиёсий низо ва қонли тўқнашувлар янада авж олди. Абулқосим Бобур ўлимидан сўнг Хуросон давлати учун бўлган уруш ва исёнлар жаҳонгир орзу-умидлари елга соврилганининг айни ўзи эди. Лекин Амир Темур барпо қилган давлатни қайта тиклаш мақсадида от сурган подшоҳлар ҳам йўқ эмасди, албатта. Шулардан бири ва энг қатъиятлиси Султон Абусаид эди. Балки шу учун ҳам “Тарихи Рашидий” китобида “Абусаид Мирзо улуғ подшоҳ бўлиб, темурийлар наслида бошқа бундай подшоҳ бўлмаган”[2], дейилгандир.

Маълумки, Алишер Навоийнинг фикр ҳаёти ва ижодий фаолияти уч темурий подшоҳ – Абулқосим Бобур, Султон Абусаид ва Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлиги даврида ўтган. Бобур ва Алишер, Ҳусайн ва Алишер орасида жиддий ихтилоф, очиқ бир душманлик бўлмаган. Ҳусайн Бойқаро ва Навоийни маълум бир муддат Абулқосим Бобур паноҳига олиб, уларга ҳиммат қўлини чўзган бўлса, Навоийнинг ўттиз йилдан ортиқроқ умри болалик дўсти, маслакдош ва сафдоши Ҳусайн Бойқаро раҳнамолигида кечган. Бу тарихнинг муҳим томонларини Навоий турли жанрдаги асарларида ёзиб қолдирган. Демак, асосий муаммо, кўплаб навоийшунослар диққат-эътиборини ўзига жалб қилган зиддиятли мавзу Султон Абусаид ва Навоий муносабати тарихидир. Улуғ шоиримизнинг таржимаи ҳоли, ижодиётига бағишланган тадқиқот ва китобларни ўқиган ҳар бир киши Султон Абусаидни, албатта, Навоийнинг душмани, уни моддий ва маънавий қийинчилик ҳамда сургунга маҳкум айлаган бераҳм ҳукмдор қиёфасида тасавур қилади.[3] Аммо ўртадаги зиддиятли ҳолат, нохуш ҳодисаларни Навоийнинг ўзи ҳеч жойда махсус қайд этиб қолдирмаганидек, шоирга замондош тарихчилар ҳам бу хусусда очиқ-ойдин бир нима демаган. Унда шоҳ ва шоир ўртасидаги ихтилоф сабаби нима?

Абусаид Мирзо давлат тепасида туриб ҳукм юритган темурийзодаларнинг машҳурларидан бири. У “Султон Муҳаммад Мирзонинг ўғли эди. Султон Муҳаммад Мирзо Мирон-

[1] Иқтибос З.В.Тўғоннинг “Тарихда усул” китобидан (Истанбул, 1985, 165-бет) келтирилди.

[2] Муҳаммад Ҳайдар Мирзо. Тарихи Рашидий. – Тошкент, 2010. – 114-бет.

[3] Қаранг: Шарафуддинов О. Алишер Навоий. – Тошкент, 1948. 33-38-бетлар.; Айний С. Асарлар. 8-жилд. – Тошкент, 244-245-бетлар.; Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. – Тошкент, 1961. – 278-279-бетлар.; шу муаллиф. Навоий даҳоси. – Тошкент, 1970. – 50-53-бетлар.; Султон И. Навоийнинг қалб дафтари. – Тошкент, 1969. – 196-203-бетлар.; Абдуллаев В. Навоий Самарқандда. – Тошкент, 1968. – 32-38-бетлар.; Ўзбек адабиёти тарихи. 2-жилд. – Тошкент, 1978. – 48-50-бетлар.

шоҳ Мирзонинг ўғли эди. Мироншоҳ Мирзо Темурбекнинг ўғли эди”[1]. Абусаид 1427 йилда туғилган. Муҳаммад Мирзо оғир хасталикка чалингач, ўғлининг тарбиясини Мирзо Улуғбекка топширади. Отасининг вафотидан сўнг Абусаид Улуғбек саройида таълим-тарбия олиб, аниқ фанларни ўзлаштиришда ҳам иқтидорини намойиш этади.

Умуман олганда, жиянининг келажагига Улуғбек ишонч билан қарай бошлайди. Бунинг акси ўлароқ, ҳомийсига нисбатан Абусаид қалбида адоват қўзғалиб, унинг тахтини эгаллаш учун пайт пойлайди. Мирзо Улуғбек катта ўғли Абдулатифга қарши Хуросонга юриш бошлаганда, Абусаид туркманларнинг арғун қабиласига таяниб, Улуғбекнинг иккинчи ўғли Абдулазиздан Самарқанд тахтини тортиб олиб, ўзини подшоҳ деб эълон қилишга уринади. Бироқ бу ният амалга ошмайди ва Самарқанд яқинидан у ортга чекинади[2].

1450 йил Абдулатиф, Навоий таъбири билан айтганда, “Ўтар дунё маслаҳати учун донишманд ва подшоҳ отаси”ни ўлдиради.[3] Бу қотиллик Абусаиднинг Мирзо Улуғбек тахтини эгаллаш ниятини қатъийлаштиради. Илмда у Улуғбек ўлимининг ташкилотчиларидан бўлган, деган фикр ҳам айтилган.[4] Падари бузруквори вафотидан кўп муддат ўтмай Абдулатиф ҳам қатл қилинади. Бу воқеа арафасида Бухорода ҳибсда ётган Абусаид озод этилади. У ўзини султон деб эълон қилади. Аммо рақиби Мирзо Абдуллоҳдан енгилиб, Ясси шаҳрига бориб ўрнашиб олади. Қиш фасли бўлишига қарамай, Мирзо Абдуллоҳ Туркистонга қараб лашкар тортади. Қийнала-қийнала Яссига яқинлашган қўшинга қарши чиқмай, Абусаид мудофаа йўлини танлайди.

Қиш азоби Мирзо Абдуллоҳ аскарларида қатъиятсизлик, шикасталик майлларини пайдо қилади. Шунда Абусаиднинг хаёлига “нозик бир тадбир” келди: бир гуруҳ кишиларга ўзбекларникидай кийим-бош кийгизиб, шаҳардан ташқари чиқарди. Улар узоқдан қораларини кўрсатиб, “Ўзбек лашкарлари ёрдамга келди”, деб овоза солдилар. Шаҳарда эса “Ўзбек хони келди”, деб шодиёна ноғорасини чалдилар. Мирзо Султон Абдуллоҳнинг сипоҳи ташқари-ю ичкаридан бу ҳолни кўргач, қочиш йўлига юз тутдилар ва барча юкларни, отуловларини қолдириб, ҳаёт нақдини ғанимат билдилар...”[5]

Самарқандни забт айлаш мақсадида Абусаид ёрдам тилаб Абулхайрхонга элчи жўнатади. Хон таклифни қабул қилиб, аскарлари билан Ясси яқинида Абусаидга келиб қўшилади. Самарқандни ишғол этмоқ учун лашкарлар йўлга тушади. Хуллас, иттифоқчилар Самарқанддан тўрт фарсаҳ беридаги Шероз кентига етгач, Мирзо Абдуллоҳ Кўҳак наҳри соҳилига келиб ўрнашади. Унинг аскарлари Абусаидникидан кўпроқ бўлса-да, ғаниминг етти минглик қўшинидан енгилади ва қўлга олиниб қатл этилади. Абусаид совға ва инъомлар билан Абулхайрхон одамларини шаҳарга киритмасдан ортга жўнатиб юборади. Бу ҳодиса янги шоҳга нисбатан халқда яхши таассурот уйғотади. Шоҳлигининг илк одимлариданоқ Абусаид шариат қонун-қоидалари ва талабларига асосланган, Улуғбек замонидаги илмий-маданий муҳитдан фарқланадиган диний-ахлоқий тартиб-интизом жорий қилишга алоҳида эътибор қаратади. Мусулмонлик эътиқоди ва тарбиясига мувофиқ келмайдиган маросим йиғинларига чек қўяди. Ҳукмронлик миқёси ва давлат чегараларини кенгайтириш Абусаиднинг асосий ички режаларидан бири эди. Абулқосим Бобур вафотидан сўнг Хуросон бутунлай унинг тасарруфига ўтади ва Ҳирот шаҳрини пойтахтга айлантиради.

---

[1] Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент, 1960. – 64-бет.
[2] Шараф-хан Бидлйсй. Шараф-наме. Том II. Москва, 1976. – Стр. 120.
[3] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 13-жилд. Мажолис ун-нафоис. – Тошкент, 1997. – 167-бет.
[4] Ҳайитметов А. Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари. – Тошкент, 1956. – 42-бет.
[5] Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. 2-жилд. – Тошкент, 2008. – 316-бет.

Қорақуюнлилар хони Жаҳоншоҳ ҳужумини бартараф этиш, Шарқ томондан таҳликали бир рақиб пайдо бўлганини сезгач, мўғул хони Эсон Буғани йўқотиш учун Юнусхонни Мўғулистон тахтига ўтқазишдаги тадбиркорлиги Абусаиднинг зийрак, вазиятга қараб ҳукм юритишга қодир давлат бошлиғи бўлганини тасдиқлайдиган далиллардир. Заҳириддин Муҳаммад Бобур унинг кейинги хизматини маъқуллаб ёзади: "Султон Абусаид мирзо тахт олғонда черик тортиб бориб, янгидин нари Испарада Мўғулистонда Эсан Буғахонни яхши бости. Мунинг фитнасининг дафъиға Султон Абусаид мирзо Юнусхонни бу муносабат билаким, Абдулазиз мирзо олғон эгачиси хонимни олиб эди. Ироқ ва Хуросондин тилаб тўйлар қилиб, дўстлар бўлуб, мўғул улусида хон қилиб йиборганда Сағричи туман беклари тамом ул фурсатда Эсан Буғахондин ёмонлаб Мўғулистонға келиб эдилар, буларнинг орасиға келди"[1]. "Тарихи Рашидий"да қайд қилинишича, хон тайинлаш маросими Ҳиротнинг Боғи Зоғонида ўтказилиб, орада бир неча шартнома ва мажбуриятлар қабул қилинган экан. "Улардан бири мана будир: Султон Абусаид Мирзо Юнусхонга айтадики: "Амир Темурнинг дастлабки юришида амирлари унга керагича итоат қилишмаган. Агар у амирларнинг барчасини қатл қилишни буюрганда эди, бу унинг кучига талафот етказган бўларди. Амирлар унга: "Хон белгилангки, биз унга итоат қилайлик", дейишади. Шунда Амир Темур хонликка Суюрғотмишхонни тайинлайди, амирлар унга бўйин эгишади. Амир Темур хонни назорати остида тутади. Суюрғотмишхон вафот этгач, унинг ўрнига Султон Маҳмудхон тайинланади. Амир Темурдан кейин то Мирзо Улуғбеккача шу тартиб сақланади... Энди эса, подшоҳлик навбати менга келгач, менинг мустақиллигим шу даражага етдики, менинг ҳеч қандай хонга эҳтиёжим йўқ"[2].

Демак, Султон Абусаид ўзини ҳатто жаҳонгир бобосига насиб этмаган имтиёз соҳиби деб ҳисоблаган. Бундан у, ҳеч шубҳасиз, ғурур ҳам туйган. Алишер Навоийнинг таъриф ва таъкидлашига кўра, "одил подшоҳ Ҳақдин халойиққа раҳматдир ва мамоликка (мамлакатга) мужиби амният ва рафоҳият (тинчлик ва фаровонлик сабабчиси)". Золим ва фосиқ шоҳ эса бунинг бутунлай тескариси: "Зулм анинг кўнглига марғуб (маъқул, ёқимли) ва фисқ анинг хотирига маҳбуб (севимли)... Ободлар анинг зулмидин вайрона, кабутар токчалари бойқушға ошёна (маскан)..."[3]

Турли авлодга мансуб бир қатор навоийшунослар Султон Абусаидни худди шундай золим, хайру хосиятдан бегона ҳукмдор қиёфасида гавдалантиришган. Олим Шарафуддиновнинг ёзишича, "Подшоҳ Абусаид ўлкани, элни талаб "ваҳшатобод"га айлантирган, халқнинг тирикчилиги оғирлашган эди... Ёш шоир Абусаид Мирзонинг қўли билан қилиниб турилган зулм, адолатсизликни ўз кўзи билан кўрди ва кундан-кун чуқурроқ ҳис эта бошлади. Бу эса Алишернинг Абусаид Мирзога нафратини оширди"[4].

Бошқа бир асарда эса "Абусаид ҳукмронлиги даврида Хуросонда зулм ва адолатсизлик, истибдод ва талон-тарож ҳамда ҳарбий юришлар халқ оммасини ниҳоят даражада қашшоқлантириб, эзиб юборган"[5], дейилади.

Абусаид Хуросонни босиб олиб, марказни Самарқанддан Ҳиротга кўчиргандан кейин маҳаллий халқнинг, айниқса, маданий-маънавий аҳволи оғирлашган. Чунки у билан бирга "Янги пойтахтга кўчиб борган амалдорлар, феодаллар ўзларини ғолиб босқинчилардек

[1] "Бобурнома". – 67-бет.
[2] "Тарихи Рашидий". – 144-145-бетлар.
[3] Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 14-жилд. Маҳбуб ул-қулуб. – Тошкент, 1998. – 33-34-бетлар.
[4] Шарафуддинов О. Алишер Навоий. - 33-34-бетлар.
[5] Ғаниева С. Алишер Навоий. – Тошкент, 1968. – 11-бет.

тутиб, халқни роса талон-тарож қилганлар... Навоий ҳам Абусаид ва унинг одамларига босқинчилар сифатида қараган ва улар билан ҳеч қандай умумий тил топа олмаган”[1].

Улуғ санъаткорларнинг асосий хусусиятларидан бири ўзи яшаётган давр ижтимоий, сиёсий ҳаётига муносабатда адашмаслик, қўрқув, таҳлика ва иккиюзламачилик домига тушмасдан аҳволни тўғри кўрсатиш ёки характерлашга интилишдир.

Абусаид наинки мусиқа ва санъат, адабиёт, ҳатто илм-фаннинг аҳамиятини ҳам чуқур тушунмаган. Шунинг учун унинг ҳукмронлик замонида шеърият Шоҳруҳ Мирзо, илм-фан Улуғбек Мирзо давридагидан ортда қолганидек, санъат Бойсунғур Мирзо яратган ижодий муҳитга умуман яқин ҳам келмасди. Ҳусайн Бойқаро ва Навоий бадиий ижод, илм-фан ва санъатни ривож топтиришда юқорида номлари тилга олинган шу уч подшоҳ сиёсий, маданий тажрибаларидан ўрнак олишлари тасодифий эмасди.

Навоийни Султон Абусаидга душман қилиб кўрсатилиши, унинг топшириғи билан шоирнинг отасидан мерос қолган мол-мулкнинг мусодара этилиши, ҳатто “уни йўқотишга ҳаракат” қилинганлиги тўғрисида навоийшуносликда айтилган фикр-мулоҳазаларда, бизнингча, уйдирма ва муболаға аралашган. Маълум бир сабаб ва ҳолатларга кўра ўспирин шоирни Абусаид ёқтирмаган ёки уни маддоҳлари қаторида кўришни истамаган бўлиши мумкин. Ҳатто исёнкорликда қораланган бир неча темурий шаҳзодалар қатори Ҳусайн Бойқарони ҳибсга олганда ҳам, кейинроқ уни йўлидан бутунлай бартараф этишга қарор қилганида ҳам, Абусаид Навоийни ўзига душман деб қарамаган. Чунки Навоийнинг отаси Ғиёсиддин Кичкинани у шахсан таниган. Хондамирнинг маълумот беришича, саройдаги айрим масъул ишларни унга ишониб топширган. [2] Фахрий Ҳиротий эса амирлик Навоийга отасидан мерос эканлигини айтган: “Мир маснади маврусий дошт ва Амир Кичкина, ки падари Мир буд мулозими Султон Абусаъид Мирзо буд, агарчи муҳру мансуб надошт, аммо ҳурмати тамом дошт” (Мирзога амирлик мансаби меросийдир. Унинг отаси Амир Кичкина Султон Абусаъид Мирзо мулозими эди. Гарчи муҳру мансаби бўлмаса ҳам, катта ҳурматга соҳиб эди). [3]

Навоий сингари даҳо ижодкорларнинг ахлоқий, диний, сиёсий шуури ўзларига боғлиқ бўлмаган равишда жуда кенг бир миқёсда юксалади. Шу туфайли ҳам уларнинг табиати ва дунёқарашида шахсий фойда, хусусий ютуқ деган тушунча кўп ҳолларда нисбий нарсага айланиб қолади. Миллат ва давлат, дин ва уммат манфаати Навоийда шу қадар устувор бўлганки, қариндош-уруғчилик, таниш-билишчилик, маҳаллий гуруҳбозликка ўхшаш майллар унинг учун умуман қийматсиз нарсага айланган. Демак, хоҳласин-хоҳламасин, Навоий Султон Абусаиднинг давлат бошқаруви, шафқатсиз сиёсатига бетараф қараб туролмасди. Боз устига, шоир бир муддат Абусаид саройида хизмат қилиб, унинг феъл-атворини ҳар қалай яқиндан билган.

Ҳақиқатни ҳис этишда оқсаш шоирликка қанча шикаст етказса, ҳақиқатни ифодалашнинг уддасидан чиқолмаслик ундан ҳам ҳалокатлироқ таъсир ўтказади. Султон Абусаид ҳукм юритадиган давлатда йилдан-йилга мустабидлик, мутаасиблик, қуллик ва ўзаро ишончсизлик кенг қулоч ёзиб боришини ҳам, ижтимоий, ахлоқий ҳаётда кутилмаган кулфату офатлар юз очишини ҳам Навоий олдиндан сезган. Ва имкон даражасида уларни образлар тили билан шеърда акс эттириб ҳам берган.

---

1 Ҳайитметов А. Навоий даҳоси. – Тошкент, – 67-бет.

2 Бу ҳақда қаранг: Қудратуллаев Ҳ. Бобур армони. – Тошкент, 2005. – 272-273-бетлар.; Яна: Улуғ шоир шахсияти Бобур ва унинг замондошлари талқинида. – Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2014 йил 10 октябрь.

3 Қаранг: Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий манбаларининг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили. – Тошкент, 2011. – 286-бет.

Навоийнинг Самарқандга борган йили ва сабаблари тўғрисида кўп олимлар баҳс юритишган. Улардан бир гуруҳи Бобур қўллаган “ихрож” калимасига асосланиб, Султон Абусаид шоирни Ҳиротдан Самарқандга сургун қилган дейишса, бошқа бирлари Навоий Самарқандга таҳсил олиш мақсадида борган эди, деб ёзишган. Ёш шоирнинг маънавий пирларидан бири Сайид Ҳасан Ардашерга ёзган шеърий мактуби Самарқанд заминида яралгани профессор А.Ҳайитметов томонидан ишончли далиллар орқали исботлаб берилган. Навоий унга қўйган асл ном “Маснавий” бўлиб, номда мазмун аниқроқ ифодаланишини кўзлаб, навоийшунос О.Шарафуддинов уни “Ҳасби ҳол” деб атаган экан.[1]

А.Ҳайитметов таъкиди бўйича, шеърий мактубдаги ўнлаб мисралар “тарихни ҳаққоний ёритиш, темурий подшолардан золим, қонхўр, реакционер Абусаид подшолиги даврини ўрганиш ва унинг ички моҳиятини очишда катта аҳамиятга эга”[2].

Филология фанлари доктори Э.Рустамов ўша мактуб Абусаид ҳукм юритган пайтларда, айниқса, Ҳирот ва Самарқандда зулм, ҳақсизлик ва таҳқирлар кучайганда яратилганини эътироф этса-да, Навоий уни Машҳадда ёзган, деб ҳисоблайди. Лекин келтирилган далиллари ўқувчини бунга тўла ишонтира олмайди.[3]

Маснавийда, хусусан, Хуросондаги ижтимоий, ахлоқий ва маънавий аҳвол кескин танқид қилинади. Эл орасидан вафо, сахо, мурувват барҳам топгач:

Вафо ерида ўлмиш нифоқ,
Сахо ўрнида бухл тутмиш висоқ.

Мурувватқа бўлмиш ҳасад жойгир,
Зиҳе хуш элу мулкати дилпазир,[4] –

дейди шоир. Кин-у нифоқ, бахиллик ва ҳасад бош кўтарган муҳитда, албатта, инсон қиёфасидаги шайтон-у девлар кўпайиб, одамийлик, орият, номус каби олий туйғу ва тушунчалар қувғинга учрайди. Қуйидаги байтлар худди шу фожеа ҳақида:

Элида кишиликдин осор йўқ,
Шароратдин ўзга падидор йўқ.

Не эл, не киши, балки шайтону дев,
Келиб барчаға даъб бедоду рев...

Қора пул учун айлабон қатл фан,
Ўлуктин тамаъ айлаб аммо кафан...

Зулм ва зўравонлик инсонни тубанлик ва разилликнинг ҳар турли кўчаларида изғишга мажбур қилиб, одамийлик моҳиятини бузиб ташлайди. Аммо юқоридаги байтларда ифодаланган ахлоқий таназзул ва нафсоний йиртқичлик бирданига пайдо бўлмаган. Шунинг учун ижтимоий ҳаёт, иқтисод, зулм заминида юзага келган кулфат ва бахтсизликларнинг

[1] Ҳайитметов А. Навоий даҳоси. – 56-бет.
[2] Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. – 284-бет.
[3] Рустамов Э. Страницы из биографии Алишера Навои. Краткие сообщения института народов Азии. 63. Литературоведение, фольклористика и изучение памятников. Стр. 81-84.
[4] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 3-жилд. Ғаройиб ус-сиғар. – Тошкент, 1988. – 531-бет.

ҳаммасини Абусаидга нисбат бериш тўғри эмас. Чунки улар Абусаидгача ҳам бўлган, унинг ўлимидан кейин ҳам йўқолиб кетмаган.

Султон Абусаид ва Алишер Навоий муносабатини ёритишда бошқа навоийшуносларга қараганда проф. А.Ҳайитметов улуғ шоир шеъриятига кўпроқ мурожаат қилган. Навоийнинг "Ғаройиб ус-сиғар" девонидаги:

Парим бўлса учиб қочсам улустин то қанотим бор,
Қанотим куйса учмоқдин, югурсам то ҳаётим бор,

матлаи билан бошланиб, "Навоий, билки шаҳ кўнгли манга қайд ўлмаса, биллоҳ, Агар кавнайнга хошок чоғли илтифотим бор" сўзлари билан тугайдиган ғазал шоирнинг йигитлик чоғларида ёзилган. Унинг мазмунини байтма-байт изоҳлаган устоз А.Ҳайитметов мақтадаги "шаҳ" сўзига асосланиб, "Навоий бу ғазални ёзган йигитлик вақтида подшоҳ ким эди?" деб савол қўяди ва жавобда бундай дейди: "Навоийга душманлик назари билан қараб, унга Ҳиротда кун бермаган золим Абусаид эди. Унинг даврида Навоий Ҳиротда ниҳоятда қийналиб, бир пулга зор бўлиб, туришга уйи йўқ, ейишга овқати йўқ ҳолда яшайди... Ҳиротдаги хушомадгўй феодаллар подшонинг Навоийга муносабати ёмонлигини билиб, унга нисбатан яхши қарамаганлар..."[1]

Ушбу фикрлар асосли ва тўғри бўлиши мумкин. Бироқ ғазал Абусаиднинг зулми ё қаҳри туфайли эмас, балки бошқа бир руҳий эхтиёждан яралган. Яъни ирфоний моҳиятдаги етти байтли мазкур ғазалда сайри сулукдаги "фирор" (ёки инзиво) – халқдан Ҳаққа қочиш ҳоли тасвирланган[2].

А.Ҳайитметовнинг хулосаси бўйича, "Наводир уш-шабоб" девонидаги қуйидаги машҳур қитъа ҳам "Абусаид ҳақида бўлиб, Навоийнинг Абусаидни ниҳоятда қаттиқ ёмон кўрганини" тасдиқлайди.

Жаҳон ганжига шоҳ эрур аждаҳо,
Ки ўтлар сочар қаҳр ҳангомида.
Анинг коми била тирилмак эрур,
Маош айламак аждаҳо комида.

Бу шеърда шоҳ қонида жўшиб-тошган қаҳру ғазаб ҳолатига урғу берилган бўлса-да, айни пайтда Абусаидга монанд золим, қаттол подшоҳнинг аҳвол-руҳияси унда жуда равшан кўрсатилган. Абусаид қаҳр-ғазабига йўлиққан айрим одамларнинг қисматини эслашнинг ўзиёқ чиндан ҳам қитъа шу ҳукмдорга бағишланганига шубҳа қолдирмайди.

Филология фанлари доктори Ш.Сирожиддинов ҳам баҳс юритилаётган мавзуда бир қанча янги фикр-мулоҳаза, ривожлантирса бўладиган хулосаларни ўртага ташлаган[3]. Лекин, айни пайтда, уларда аниқликка муҳтож ва мубоҳасали ўринлар ҳам бор. Ш.Сирожиддинов фикрига ишонилса, жаҳонга машҳур рус олими В.Бартольд Бобурнинг Навоийни "Билмон, не жарима била Султон Абусаид Мирзо Ҳиридин ихрож қилди" деган сўзлари атрофида "манбалардаги барча фактларни ўз йўлига" мослаштириб, султоннинг уюшган мухолифларини "ташкил" этган[4].

"Бартольд сценарийси"нинг яроқсизлигини асослаш мақсадида олим яна ёзади: "Навоийнинг тоғалари ёки Бадахшон ҳокимининг Абу Саид буйруғи билан қатл эттирилиши

[1] А.Ҳайитметов. Навоий лирикаси. – Тошкент, 1961. 154-бет.
[2] Бу ҳақда қаранг: Ҳаққул И.Навоийга қайтиш. 2-китоб. – Тошкент, 2011. 132-138-бетлар.
[3] Ш.Сирожиддинов, Кўрсатилган китоб, 48-54-бет.
[4] Ўша китоб, 50-51-бет.

Султон ва Навоийнинг бир-бирларига совуқ муносабатда бўлишларига асос бўла олмайди”. Эҳтимол, шундай бўлгандир, дейлик. Аммо Навоийнинг тоғалари ва дўстлари Муҳаммад Бадахший ҳамда ўғли ўлдирилмаганда ҳам шоҳ ва шоир ўртасидаги ўзаро муносабат “илиқ” бўлиши мумкин эмасди.

Абусаид Мирзо Улуғбекдан ўч ололмагач, унинг жияни ва куёви Абдулла Мирзони, набиралари Аҳмад Мирзо, 17 ёшли Абдураззоқ Мирзони ўлдиртириш билан қаноатланмасдан, онаси Гавҳаршодбегимни ҳам қатл қилдирган. Султоннинг нуфузли амалдорлари Шайх Аҳмад ва Хожа Мунзиддиннинг ваҳшиёна ўлдирилиши чор атрофга даҳшат пайдо этган. Бундай қонли воқеа-ҳодисалар таассуроти учун сиёсат билан шуғулланишга ҳожат йўқ эди, албатта. Шунга қарамасдан, Навоий асарларида Абусаидни очиқ қораловчи фикрларга кўп дуч келинмайди. Бунинг сабабини академик Иззат Султон “даврнинг умум ахлоқига биноан, Темур авлоди ҳақида салбий фикр айтиш ўзи айб ҳисобланарди ва Навоий бу ҳеч ерда ёзилмаган қоидага риоя қилар эди”[1], деб изоҳлайди.

Ш.Сирожиддинов бу сўзларга таяниб, ҳам уларни маъқуллаб бундай дейди: “Ўрта асрлар шароити ва Навоийнинг улуғ султонлар табақасига муносабатини, хусусан, темурий султонларга юксак ҳурмат-эҳтиромини ҳисобга олсак, унинг Абу Саъидга қаратилган исёнкор сатрлари фақат қандайдир фожиа оқибатида пайдо бўлган чексиз адоват, нафрат натижасидагина отилиб чиқиши мумкин эди”[2]. Фожианинг номи ёки мазмуни очиқ айтилганда эди, Навоий қалбида уйғонган “чексиз адоват, нафрат” сабабини тасаввур этса бўларди. Ҳозирги ҳолатда ишорат ҳам, А.Ҳайитметов китобидан келтирилган иқтибос ҳам масаланинг моҳиятини ёрқинлаштиришга ёрдам бермаганидек, “Навоийнинг Абусаид Мирзога салбий муносабати унинг ўзигагина маълум сир бўлиб қолди”, деган фикрдан қатъий бир хулоса ҳам чиқариб бўлмайди. Ваҳоланки, шоирнинг Султон Абусаидга салбий муносабати бирмас, бир неча ўринда аниқ ва холис ифодаланган.

“Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер” асарида Навоий ёзади: “Бир куни бир тақриб (яқинлик) била ашё (нарсалар) орасида тафовут бобида фазл аҳлидин биров бу машҳур байтни ўқудуким.

Байт:

Лаъл санг асту деги сангин санг,
Лек андар миён тафоввут хост.

Алар (яъни Сайид Ҳасан – И.Ҳ.) қойимининг (айтувчининг) мақсудининг нақизи (зидди) жонибидин (жиҳатидан) сўз бошлаб дедиларки, шайхе айтибдурки, тосу қозон ва лаъл – иккаласи тошдур ва лекин ораларида тафовут бор. Тош қозондин ғайри нафъ (фойдадан бошқа) ҳеч нима мутасоввор (суратланган, намоён бўлган) эмаским, лазиз ва мулавван (хар турли) атъима (таом) анда пишарким хосу ом (алоҳида табақа ва омма) андин мундафеъ бўлурлар (баҳраманд бўлурлар) ва лаълдин халойиққа анвои (хилма-хил) зарар мутасоввордур (юзага чиқур). Ва иттифоқо ул учурда (пайтда) Султон Абусаид Мирзо ҳар кишида жавоҳир бўлса олиб, бўлмаса тафаҳҳусида (суриштириш, текширишда) муболағалар қилиб элга анвои изо ва зарар етказиб эрди”[3].

Бу парчадаги сўнгги жумлаларни тарихий бир “ҳужжат” ёхуд айбнома ўрнида қабул этса ҳам хато бўлмайди.

---

[1] Султон И. Кўрсатилган китоб. 196-бет.
[2] Ўшаасар, 53-бет.
[3] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 15-том. – Тошкент, 1999. – 110-111-бетлар.

Бизнингча, “Бадойиъ ул-бидоя” девонидаги “жавоҳирсевар солотин” танқидига бағишланган қитъада ҳам айнан Абусаид Мирзо образи назарда тутилган:

Шоҳо, эл жавҳари жонин чиқардинг,
Жавоҳир ҳирсидин бедод этиб фош,
Чу ўлгунгдур не осиғ тўкмак они
Мазоринг узра андоқким, ушоқ тош.

Шеърдаги “Шоҳо, эл жавҳари жонин чиқардинг, Жавоҳир ҳирсидин бедод этиб фош” деган фикр билан “Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер”даги “Султон Абусаид Мирзо ҳар кишида жавоҳир бўлса олиб...” сўзлари ўзаро қиёсланса ҳақиқат янада равшанлашади.

Абусаид дин ва тасаввуф аҳлини зоҳиран ўзига яқин сезган. Қайси вилоят ё шаҳарга бормасин, энг аввало, ўша жойдаги авлиё, шайх ва табаррук зотларнинг мозорларини, албатта, зиёрат қилиб, уларнинг атрофида яшайдиганларга хайри эҳсон қилган. Аммо унинг диний ҳаёти ва эътиқоди меҳр-шафқат, ҳикмат ва ҳимматдан анча йироқ бўлган. Тасаввуф арбоблари ва сайри сулукчиларни қадрласа ҳам, сўфийликдаги таваккул, фано, жуд, тарк каби ҳолларнинг амалиётига қизиқмаган. Абусаиднинг юрт тинчлиги ва ободончилиги учун амалга оширган ишлари ҳам кўпинча омма моддий турмушини оғирлаштириб, қуллик ва мутеликни янада кучайтирган. Унинг зулм ва фисққа мойиллиги, айнан айёр ва бераҳмлиги бошқа темурийларни тахт учун дадил курашга чорлар эди. Мирзо Шоҳруҳнинг узоқ давом этган ҳукмронлиги (1405-1447) даврида меъморчилик ва маданиятнинг тараққий топишига бош-қош бўлганлар фақат шоҳ ва мирзолар эмасди. Гавҳаршодбегим, Туман оға каби маликалар, Амир Ферузшоҳ, Шоҳ Малик сингари юқори нуфузли амалдорлар ҳам қурилиш ишлари билан машғул бўлишган.

Абдураззоқ Самарқандийнинг ёзиши бўйича, “Гавҳаршодбегим муборак сояли ва баланд мартабали, шиори покизалик ва иффат пардасига ўралган, хатти-ҳаракати одилона ва қилмишлари пок, олийҳиммат ва улуғ орзули, иффат пардасида Робиа сифатлик ва покизалик ёпинчиғида Зубайда янглиғ бир малика эди... У шуҳратли бонудан тирикликда кўп хайрли ёдгорликлар қолди...”.

Гавҳаршодбегим Ҳиротда ўзи қурдирган мадрасанинг шимол томонида алоҳида бир қабристон ҳам бино эттириб, унда Шоҳруҳнинг ўғли Бойсунғур, Муҳаммад Жўқи, Бойсунғурнинг қизи Ойша Султон, Шоҳруҳнинг қизи Марям Султон, Бойсунғурнинг ўғли Султон Муҳаммад, Алоуддавла, унинг ўғли Иброҳим Мирзо, Мирзо Абусаиднинг ўғли Султон Мирзо каби темурийлар дафн этилган[1].

Султон Абусаид 1457 йили Ҳиротни қўлга киритгач Гавҳаршодбегимнинг зиёратига бориб, тул кампирга иззат-эҳтиром кўрсатади. Эри тириклигидаёқ давлат ишларига фаол қатнашиб, обрў-эътиборга эришган уддабурон бу аёл Шоҳруҳнинг тахтига набираси Мирзо Алоуддавла чиқишини истар ва уни ҳимоя қиларди. Шунингдек, Мирзо Иброҳим билан ҳам унинг алоқаси яхши эди. Ана шу каби далилларга асосланиб, Ҳиротнинг янги ҳукмдорига Шоҳруҳ Мирзонинг бевасини ёмонлаб, у тирик экан, тахтга хотиржам ўтиролмаслигига уни ишонтиришади. Ва Абусаиднинг фармойиши билан Гавҳаршодбегим 1457 йил 1 августда ваҳшиёна бир тарзда ўлдиртирилиб, эллик йил мобайнида саройда йиғилган мол-мулки талон-тарож этилади. Шоҳруҳ Мирзонинг хотини, темурий султонлари саройидаги баобрў бир маликага ҳукмдор эҳтироми ана шундай даҳшатли фожиа билан якун топган эди.

[1] Исмоил Ака. Мирзо Шоҳруҳ ва замони. Анқара. 1994, 184-185-бет.

II

“Ўғуз Қоғон” достонида Ўғуз фавқулодда катта бир тўйда ҳукмдор деб эълон қилинганидан кейин “Қуёш байроғимиз, кўк юзи ўтоғимиз”, дея дунёни фатҳ айлашга ҳозирланади. Ва атрофдаги хону бекларни тобе бўлишга даъват этилган хабарномасида шундай дейди: “Бутун туркларнинг хоқониман. Ер юзининг тўрт тарафига ҳукмрон бўлишим керак, итоат этишингизни истайман, акс ҳолда устингизга лашкар тортурмен...”

Ўғуз бир туш кўради: бир олтин ёй, уч кумуш ўқ. Ёй қуёш чиқишидан то ботишигача узаяди.

Тушни таъбирлаган кекса ва тажрибали Ўлуғ Турк, Ўғузхонга “Кўк Тангри дунёни сенга бағишлади”, дейди. Кўкдан эса бир нур тимсолида “кўк тукли, кўк ёлли” илоҳий мавжудлик – Бўзқурт инади. Унинг йўлбошчилигида дунёни фатҳ айлаган Ўғуз хоқон вафот этиш олди “Кўк Тангри қошидаги бурчимни бажардим”, дея ўлкани ўғилларига топширади. Уларнинг номлари эса Кун, Ой, Юлдуз, Кўк, Тоғ, Денгиз бўлиб, бу номлар туркларнинг фақат ер юзининг эмас, балки бутун коинотнинг ҳукмрони бўлишига ишорат этарди[1].

Бунга ўхшаш афсоналар юнон, форс, араб каби улкан ва қудратли салтанатга соҳиб барча халқларда бўлган, подшоҳлари эса ўзларича жаҳонгирлик орзусида билан яшаган. Шу маънода ворисларига Амир Темур жаҳонгирликнинг чинакам тимсоли эди. Шунинг учун бир пайтлар улуғ бобоси барпо этган муҳташам бир давлатни қайта тиклашга чоғланиш ўша замон нуқтаи назаридан Абусаидни қоралашга ҳеч асос бермайди.

Тарихдан маълумки, Султон Абусаид 1451 йилда Самарқанд тахтини эгаллагач, давлат чегараларини аста-секин кенгайтириб, Мовароуннаҳр, Хуросон, Бадахшон, Қобул ва Қандаҳорни забт айлаб, Ҳиндистон ва Ироқ ҳудудларига қадар ҳукмини юритишга муваффақ бўлган. Демак, бундай нуфузга эришган подшоҳнинг Амир Темур томонидан (бобосига) инъом этилган ерларни қайтариб олишни ўйламаслиги тасаввурга сиғмайдиган бир ҳолат. Қорақуюнлилар сардори Қора Юсуф билан бўлган 1408 йилдаги уруш Мироншоҳнинг ўлими ва ўғли Мирзо Абубакрнинг (кейинроқ Кирмон ҳокими Эдигу Барлос ўғиллари томонидан ўлдирилган) Язд томонларга қочиши билан ниҳоясига етади. Амир Темур вафотидан уч йил ўтар-ўтмас салтанатнинг ғарбий ўлкалари қўлдан чиқади. Бу кезларда Хуросон ҳокими Шоҳруҳ Мирзонинг ғарбдаги ҳодисалар билан машғул бўлишга вақти йўқ эди, сўнгра уч маротаба ҳарбий юриш қилиб, 1435 йилги сўнгги юришида Озарбойжонда янгидан таъсис этилган темурий ҳокимиятини у қорақуюнли Жаҳоншоҳга топширган.

Машҳур муаррих Мирхонд “Султон Абусаид дар Самарқанд ҳашт сол салтанат кард ва муддати салтанати ў дар Самарақанд ва Хуросон бор рўйи ҳамин ҳаждаҳ сол буд” (“Султон Абусаид Самарқандда етти йил салтанатни бошқарди ва унинг Самарқанд ҳамда Хуросондаги ҳукмдорлик муддати шу юздан ўн саккиз йил бўлган эди)”[2], дейди. Ана шу муддатнинг деярли ҳаммасини у жангу жадал ва тожу тахт талашувлари билан ўтказган. Самарқандда эълон қилган салтанатини тан олдириш учун у Абдуллоҳ, Абулқосим Бобур, Алоуддавла, Иброҳим Мирзо, Мирзо Жўқи, Ҳусайн Бойқаро каби темурийзодалар билан курашган. Мовароуннаҳр ва Хуросон давлатини бирлаштириб олгач, Шоҳруҳ Мирзо вафотидан сўнг қорақуюнлиларнинг қўлига ўтган ерларни қайтариб олиш Абусаиднинг диққат-марказидаги масалага айланган эди. Абусаид билан сулҳ тузиб, Ҳиротни ташлаб чиқиб кетган Қорақуюнли Жаҳоншоҳ давлатида ҳам нотинчлик, парокандалик кундан-кунга авж олаётган эди. Хуросондан қайтгандан сўнг у Шерозни ўғли Пир Будоқнинг қўлидан олиб, унга Бағдодни беради. Пир Будоқ бунга қарши ғалаён бошлагач, ота-ўғил жангида Жаҳоншоҳ уни енгади ва орадан унча кўп вақт ўт-

[2] Кофас ўғли И. Кўчманчилик турк маданияти. – Анқара, 1987. – 43-бет.

[2] Мирхонд. “Равзат ус-сафо”. Дафтари 6. – Теҳрон, нашри дувум. Сах. 1214.

май, Пир Будоқ ўлдирилади. Шундан сўнг у оққуюнлилар билан жанг қилишга қарор қилади. Жаҳоншоҳ 1468 йил Узун Ҳасандан енгилиб қатл этилади. Ўғилларидан бирининг кўзига мил тортилиб, яна бири ўлимга маҳкум бўлади. 1467-68 йил қишини Марвда ўтказаётган Абусаидда Озарбойжонга юриш фикри қатъийлашади. [1]. Ва маслаҳат учун Самарқанддан Хожа Аҳрорни, Ҳиротдан Абдураҳмон Жомийни ҳузурига чорлайди. Улар Марвга етиб келишади.

Жомийшунос А.Афсаҳзоднинг ёзишича, Абдураҳмон Жомий "Силсилат уз-заҳаб" достонининг иккинчи дафтарида шу воқеани баён этган бўлса-да, Хожа Аҳрор ёки Жомий Султонга нима маслаҳат бергани тўғрисида ҳеч нима демайди[2]. Давлат бошлиғи ва салтанат соҳибларини энг қалтис ҳамда ҳал қилувчи шароит ё вазиятларда қўллаб-қувватлаб ғолиблигини таъминлаш Хожа Аҳрорнинг ғайбий кашфу кароматларидир. Бу ҳолат Мовароуннаҳр ва Хуросондан хорижда ҳам эътироф этилган.

Маноқибий ривоятга кўра, усмонли подшоҳи Фотиҳ Султон Маҳмеднинг лашкарлари душман қўшинлари билан жанг қиларкан, иттифоқо, ўзининг оқ отида уруш майдонида Хожа Аҳрор пайдо бўлибди. Унинг ёрдами билан усмонли аскарлари ғалабани қўлга киритгач, Фотиҳ Маҳмед Хожа Убайдуллоҳга ҳадя сифатида маблағ жўнатибди. Хожа эса уни хайрия ишларига харжлаб, жумладан, Қаршида катта кўприқ қурдирган экан.[3]

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг отаси Умаршайх Мирзо Султон Абусаид мирзонинг тўртинчи ўғли бўлган. Отасининг ахлоқ ва атвори, имону эътиқоди хусусида сўзлаб Бобур бундай дейди: "Ҳазрат Хожа Убайдуллоға иродати бор эди, суҳбатлариға бисёр мушарраф бўлуб эди. Ҳазрат Хожа ҳам фарзанд деб эдилар".[4] Бобур Мирзонинг нақшбандия тариқининг улуғ муршиди Хожа Аҳрори валийга эътиқод боғлашида отасидаги ана шу яқинликнинг, албатта, таъсири бўлган.

1500 йил Самарқандни забт этиш арафасида Бобур ажаб бир туш кўради: "Туш кўрарманким, ҳазрати Хожа Убайдулло келмишлар, мен истиқболлариға чиқмишмен. Хожа келиб ўлтурдилар. Хожанинг олиға ғолибо бетакаллуфроқ дастурхон солмишлар. Бу жиҳаттин ҳазрат хотириға нима келмиш. Мулло Бобо менинг сари боқиб, ишорат қиладур. Мен ҳам имо билан дедимким, мендин эмастур. Дастурхон солғучи тақсир қилибтур. Хожа фаҳм қилиб, бу узр масмуъ тушти. Қўптилар. Узата чиқдим. Ушбу уйнинг долонида ўнг қўлимдин ё сўл қўлимдин тутуб андоқ кўтардиларким, бир оёғим ердин қўпти. Турки дептиларким, Шайх маслаҳат берди. Ўшул неча кунда-ўқ Самарқандни олдим"[5].

Бу парчадаги Самарқандни қўлга олишдан бошқа ҳамма гап тушда кечган воқеага тегишли. Лекин орадан бир неча кун ўтар-ўтмас, Самарқандда зафар байроғининг кўтарилиши эса тушнинг ҳақиқатга айланишидирки, ақл ва мантиқ йўли билан ҳал қилиб бўлмайдиган ушбу эврилишнинг сир-асрорини аниқ шарҳлаш жуда-жуда душвордир. Шу жойда қонуний бир савол туғилади: Хожа Убайдулло Аҳрор ўн тўққиз ёшли темурийзодани тушида қўллаб-қувватлаб, унга зафар муждасини етказди. Хожанинг башорати ўнгда ҳам юзага чиқди. Бобурнинг бобоси, яъни Султон Абусаид оққуюнли ҳукмдорига қарши уруш бошлашдан олдин Хожа Убайдуллони ҳузурига чорлаб кенгашган, ундан фотиҳа олган. Аммо у жангда енгилиб, жонидан ҳам жудо бўлган. Буни қандай тушуниш ва изоҳлаш керак?

"Мулкгирликда ва мамлакатдорликда агарчи баъзи ишлар зоҳирда маъқул ва муважжаҳ кўринур, вале ҳар ишнинг зимнида юз минг мулоҳаза вожиб ва лозимдир", дейди Бобур. Мулкгирликда ҳам, мамлакатни бошқаришда ҳам шундай бир босиқлик, мулоҳазакорлик

---

[1] Афсахзод А.Рўзгор ва осори Абдураҳмони Жомий Душанбе. 1980. Сах.66.
[2] Бартольд В.В. Сочинения II, часть 2, Москва. 1964, стр.171.
[1] Тўсин Н. Баҳоуддин Нақшбанд. – Истанбул, 2003. – 162-бет.
[2] "Бобурнома". 64-бет.
[3] Ўша китоб. 139-бет.

Султон Абусаидни деярли тарк қилган эди. Ҳамма унинг қаҳр-ғазаби, тасаввурга сиғмас жазо ва азобларидан қўрқиб-қалтирарди. Унга маслаҳат бериш ҳам гоҳо фожиа ва мусибат билан якун топарди. Хожа Аҳрор буни ичдан биларди.

"Сим-сиёҳ булут осмон юзига қора пардасини тортган, чақмоқ шуъласи-ю момақалдироқ ва ёмғир тўфони ҳамма жойни эгаллаган" бир тунда Султон Ҳусайн Бойқаро аскарлари Абусаидникидан енгилиб, Адоқ томонга қараб қочади. Шунда нуфузли амалдорлардан бўлган Амир Халил "Султон Ҳазратларини душман ортидан қувишга ундайди. Абусаид эса "Халилбек, султонликда душманни тунда қувиш одати йўқ", дейди. Унинг даъватида ичиқоралик бор, деб ўйлаб, эртасига Амир Халил билан бирга унинг икки ўғлини ҳам ўлдиртиради[1]. Амир ва амалдорлар орасида бу воқеа катта қўрқув ва таҳлика пайдо қилади. Ҳар ким ўзининг эртасидан, бола-чақасининг тақдиридан ҳадиксирай бошлайди. Кўнгилни тинчитиш, Амир Халилга нега бундай оғир жазо бериш сабабини тушунтириш учун подшоҳ уларга изоҳ билан мурожаат қилишга мажбур бўлади. Барибир, улардан аксарияти подшоҳларининг самимиятига ишонишмайди. Чунки исталган пайтда бошқа қиёфага кириб, унинг хаёлга келмас жазоси билан қанчадан-қанча кимсаларнинг ёстиғи қуриганини улар яхши билишарди.

Хуллас, Султон Абусаид шахсияти ниҳоятда мураккаб ва англаш жуда қийин бир подшоҳ бўлган. Унинг табиатида одиллик билан золимлик, диндорлик билан мутаассиблик, бунёдкорлик билан яғмогарлик ҳиссиётлари қўшилиб-қоришиб кетган.

Маишатбозлик, шаробхўрлик давраларини у умуман хуш кўрмаган. Бироқ қаҳру ғазаби қўзғаганда одам қонини майдай сипқоришдан ҳам ўзини тиёлмаган. У ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва диний бирликка асосланган қудратли бир давлат соҳиби бўлишни орзу қилиб, шу йўлда айрим муваффақиятларни қўлга киритган бўлса ҳам унинг шафқатсиз ва ғайриинсоний сиёсати омманинг эркин фикрлашини илдиз-илдизидан шикастлаган. Касалликка айланган мулкгирлик даъвоси фақат унинг ўзини эмас, балки қарамоғидаги минг-минглаб кишиларнинг умри тутдай тўкилиб тугашига сабаб бўлган.

Академик Иззат Султоннинг хулосасига кўра, "Абусаиднинг ҳукмронлиги даври Хуросон ва Мовароуннаҳр тарихига энг қора саҳифалардан бири – зулмнинг авжига чиққан, маданий ҳаётда сўниклик бошланган давр бўлиб киради"[2].

Тарих фанлари номзоди Т.Файзиев эса "Султон Абусаид мулкгирлик ҳавосига мубтало бўлган шафқатсиз ҳукмдор эди. У ўзининг бутун салтанатини жабр-зулм ва истибдод асосига қурган эди"[3], дейди. Умуман олганда, бундай танқид ва айбномаларни инкор қилиб бўлмайди. Лекин бутун ҳукмронлик даврида Абусаид нуқул жабр-зулм, илм-фан ва маданиятни ортга суриш билан машғул бўлган, дейиш ҳам ҳақиқатга мувофиқ келмайди.

Тарихшунос Р.Н.Набиевнинг таъкидиди бўйича, Султон Абусаид даврида Хуросонда маданий ва ижтимоий ҳаёт жуда сусайиб кетмаган ва буни тарихчилардан Абдураззоқ Самарқандий ҳамда Хондамир ҳам қайд этиб ўтишган.[4] Кенг миқёсда қаралганда, Абусаид Мирзо илм-фан ва маданиятнинг ашаддий душмани эмаслигини тасдиқловчи далил ва мисоллар анча топилади, албатта. Масалан, у 1456 йил Мирзо Улуғбекнинг асрономик жадвалидан бир нусхани Абулқосим Бобур учун Самарқанддан Ҳиротга жўнатади.[5]

---

[4] Абдураззоқ Самарқандий. Кўрсатилган асар. - 521-бет.
[1] Султон И. Кўрсатилган китоб. 195-бет.
[2] Файзиев Т. Темурийлар шажараси. – Тошкент, 1995. – 177-бет.
[3] Набиев Р.Н. Из истории политико-экономической жизни Мавераунаҳра XV в "Великий узбекский поэт". – Ташкент, 1948. – стр. 31.
[4] Якубовский А.Ю. Черты общественной и культурной жизни эпохи Алишера Навои. «Алишер Навои». – Москва-Ленинград, 1946. – Стр. 23.

Улуғбекнинг севимли шогирди ва издоши Али Қушчи устози қатлидан сўнг то 1470 йилгача Самарқандда яшаб, илмий фаолиятини тўхтатмайди. Фалсафага доир "Шарҳи тажрид ал-ақоид" рисоласини Абусаидга туҳфа этгани учун Али Қушчи эллик минг динор пул билан тақдирланади.[1] Шу сингари фактларни назарда тутиб шарқшунос А.Н.Больдирев ёзади: "В.В.Бартольднинг Улуғбекдан кейин маданият ҳар жиҳатдан таназзулга юз тутгани ҳақидаги фикрини А.Ю.Якубовский аниқлашга муҳтож деб ҳисоблайди. Бунда олим XV аср 50-йилларида меъморлик санъатининг мўъжизакор намунаси бўлмиш Ишратхона мақбараси қурилишини назарда тутади"[2]. Ҳақиқатда ҳам Якубовский Султон Абусаиднинг қизи Султон Ховандбека қабри устида тикланган мақбара ва кейинчалик номаълум сабабга кўра Ишратхона деб номланган меъморчилик ёдгорлиги улкан бадиий қимматга эгалигини урғулайди.[3] Бевосита бадиий ижод хусусида сўзлайдиган бўлсак, Мавлоно Лутфий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий асарларидан маълум бир қисми Абусаид ҳукмдорлиги даврида ёзилган.

"Мажолис ун-нафоис"да ўқиймиз: "Амир Шайхим Суҳайлий - ...Султон Абусаид Мирзо хизматиға тушиб махсус мулозим бўлди ва ашъори эл орасида шуҳрат тутти..."[4]

Давлат тепасида туриб, ҳаммага бир хилда мақбул ёки бир зайлда фойдали ишларни амалга ошириш жуда қийин. Бундан ташқари, давлат бошқаришда илм-фан, маданият кучига астойдил иноният, адабиёт ва санъат ривожига беғараз ҳиммат кўрсатадиган подшоҳлар сафи унча кенг бўлмаган. Бизнинг назаримизда, қанчалик ёмон кўриб, нечоғлиқ ўзига ғаним билмасин, умрининг сўнгги йилларида Навоийнинг Абусаидга муносабати қай бир йўсинда ўзгарган. Чунки Ҳусайн Бойқарода Абусаидга ўхшаб салтанат бирлиги ва дахлсизлиги учун курашиш, қаттиққўллик билан уни ҳимоялаш шижоати етишмаслиги кундай равшанлашиб қолган эди. Давлат раҳбарлари ва маъмурлари орасида ичкиликбозликнинг авж олишига Абусаид мирзо йўл бермаслигини ҳам Навоий ич-ичдан яхши англарди. Аммо 1469 йилдаги унинг жангсиз, жадалсиз, гўё бир сафар қурбони бўлишига шоир ажаб бир қисмат деб қарарди.

III

1468 йил февраль ойининг охирларида Султон Абусаид Озарбойжонга қараб юриш бошлайди. Миёнага етгач, оққуюнлилар султони Узун Ҳасанга у бир мактуб йўллайди. Атоқли тарихчи олим З.В.Тўғон "ўша замоннинг сиёсий тарихи учун жуда муҳим бир ҳужжат" сифатида баҳолагани ўша мактуб Султон Абусаиднинг наинки сиёсий, балки ахлоқий, диний, ҳарбий фикр-қарашларини билиш жиҳатидан ҳам алоҳида аҳамиятга молик.

Абусаид Озарбойжонга лашкар тортганида куч-қудратда ўзини жаҳонгир бобосидан ортиқ кўрган бўлса кўрганки, кам кўрмаган. Давлатшоҳ Самарқандий унинг Кошғардан то Табризга қадар узанган жойларни қўлга олгач, кибр ва ғурур зўридан "Ер юзи кичик бир жой, унинг кадхудолигига бир киши кифоя"[5], деган сўзларини эслатиб ўтади. Демак, Узун Ҳасан давлатининг мустақиллиги унинг учун тугаган. Бу ички ҳукм мактубнинг илк жумлалариданоқ сезилади: "Султон Абусаид кўрагон сўзим. Ҳасанбекка салом дегач, Тангри иноятн билан Соҳибқирон Темурбек тамом мамоликни мусаҳҳар қилиб юрганда улуғ отанг Усмонбек чин кўнгли била Соҳибқирон давлатига паноҳ келтуруб, ихлосини билдирган учун Темурбек доғи иноятлар қилиб барча эл-улусдин ортуқси кўруб Диёрбакр вило-

[5] Урунбоев А. О времени выезда Али Кушчи из Средней Азии. «Общественные науки Узбекистана». – 1971. №9.
[6] Болдирев А.Н. Хожа Аҳрор ҳақида. – Тошкент, 2004. – 19-бет.
[7] Якубовский А.Ю. – Кўрсатилган мақола.
[4] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 13-жилд. Мажолис ун-нафоис. – Тошкент, 1997. – 71-бет.
[2] Самарақандий Д. Тазкират уш-шуаро. – Теҳрон, 1338. Саҳ. 551.; Алан Ҳ. Темурийлар. Истанбул, 2007. – 200 бет.

ятини билдуруб хасо ўғул-ушоқининг тинчлиги учун Ҳамид тек ерни доғи суюрғаб юрт бергандурур...”[1].

Соҳибқирон бобосининг тахти Тангри иноятиби билан унга насиб айлаганини таъкидлаб, Абусаид яна ёзади: “Сен дағи билурсенким, улус эгаси Темурбек тамом мамоликни забт қилиб улашканда, Табриз тахтини менинг бобом Мироншоҳ Мирзога бергандурур. Сенга дағи маълум дурурким, ота юрти – ўз юрти бўлур. Тангри иноятига сиғиниб бу фурсатларда Озарбойжон вилоятларини забт қилиб отам юртини бурунғи йўсун била тахт қилайин деб келадурман...[2]. Муаммони сулҳ йўли билан ҳал қилиш учун Узун Ҳасан кетма-кет ўз одамларини юборади. Султон Абусаидга ҳатто эланиб мурожаат этади. “Равзат ус-сафо”дан: “Чун Султон Абусаид ба Султония расид, боз фиристагони Узун Ҳасан омаданд ва пешниҳод оштй карданд. Аз жумла Ҳасанбек биродарзодан худ Юсуфбекро фиристода пайғоми дода будке, ҳануз офтоб аз мағриб тулуъ накардаҳ ва дар тавба боз аст ва агар аз ман гуноҳе сарзадааст, авф кунанд. Зеро, падарони мо сад сол дар хидмати падарони шумо буданд ва мо худро аз махсусони хонадони шумо мешуморем ва чандон муҳлат бидеҳидки, зимистон тамом бишавад то битовнем аз Озарбойжон берун ровем”(таржимаси: “Султон Абусаид Султонияга етганда, яна Узун Ҳасаннинг вакиллари келиб сулҳдан сўзладилар. Ҳасанбекнинг биродарзодаси Юсуфбек берган мактубда бундай гаплар бор эди: “То ҳануз қуёш мағрибдан чиққан эмас. Агар биздан гуноҳ ўтган бўлса, тавба қиламиз, кечирсинлар. Зеро, бизнинг оталаримиз юз йил сизнинг оталарингиз хизматида бўлишган. Биз ўзимизни хонадонингизнинг энг яқинларидан ҳисоблаймиз. Муҳлат берсангиз, қиш тугагач, узоққа чўзмай Озарбойжондан чиқиб кетсак...) [3].

Абусаид бу гапларни ҳеч нарсага арзитмайди, айни пайтда Узун Ҳасаннинг ўзини паст тутиб сўзлашида зўр муғомбирлик борлигини ҳам сезмайди. Ардабилга боргунча амир, бек, ҳокимларнинг унга кўрсатган эҳтиром ва қўллаб-қувватлашлари мағлубиятни хаёлга келтиришга ҳам қўймасди. Унинг хатидаги “Тангри иноятидин умидим улдурким Рум, Миср, Шом бошлиқ тамом мамолик фатҳини бот бизга рўзи қилғай...Темурбек отанг Усмонбекка Диёрбакр вилоятини берган бўлса, умидим улдурурким, мен сенга Тенгри иноятибирла Миср, Рум вилоятларини олиб бергаймен[4], деган сўзлари мулкгирлик даъвосининг ҳадди аълосига етганини кўрсатиб турибди.

Қаҳратон қиш қийинчиликлари, эллик мингдан зиёд лашкарнинг озиқ-овқат танқислигига йўлиқиши, кечагина содиқлик, қўллаб-қувватлашда мусобақа қилаётган бек ва амирларнинг бирин-кетин султондан юз буриши, ўз одамлари орасидаги парокандалик ва тез қулоч ёзган ишончсизлик Абусаиднинг орзу-умидларини елга совуради. Озарбойжонга кетаётганда ер юзи унга нечоғлиқ тор ё кичик туюлган бўлса, хотиржам нафас оладиган бир парча замин энди коинот қадар кенг кўринар, торлик дунёда эмас, ўзининг ботинида эканлигини англай билмаганидан афсусланарди.

Узун Ҳасан душманини шундоқ тадбир, ҳийла, шундоқ устомонлик билан қопқонга туширган эдики, ундан қутулиш чорасизликдан чора кутишдай бир гап эди. Энг ёмони, Абу-

---

[3] Узун Ҳасан 1473 йил 12 августда Фотиҳ Султон Махмедга мағлуб бўлганидан сўнг ундан ушбу мактуб мусодара қилинган нарсалар қатори Истанбулга олиб кетилган ва Тўпқопи саройи музейи архивида NE 12307рақами остида сақланиб келинаётир. Туркий тилда ва уйғур ҳарфларда битилган мазкур мактуб батафсил изоҳлар ва усмонли туркча таржимаси билан Акдас Неъмат Курат томонидан эълон қилинган. (Темурийлардан Тўпқопи Саройи Музейи архивидаги Султон Абусаид Кўрагоннинг Узун Ҳасанга битиги. Олтин Ўрду. Қрим ва Туркистон хонларига оид ёрлиқ ва битиклар» Истанбул. 1940. 120-135-бетлар.

[4] Ўша китоб, ўша бетда.

[1] Мирхонд. Кўрсатилган китоб. – 1213 –бет.

[2] «Тўпқопи саройи музейи архивидаги…». 124-бет.

саидни Хуросон ва Ҳирот билан боғлайдиган йўллар бекитилган эди. Бир ой муқаддам ҳам сулҳ сўзини эшитишни истамаган султон 1469 йил январь ойи охирларида сулҳ учун оққуюнлилар саройига элчи жўнатади, лекин таклифи рад этилади. Кейин Узун Ҳасан даргоҳига Машҳаднинг бир неча машҳур зотлари қаторида онасини қўшиб юборганда ҳам натижа чиқмаганди. Бу воқеалар Қорабоғда қишлаш учун бораётганда урушсиз, икки подшоҳ лашкарлари муҳораба майдонларида юзма-юз келмасдан содир бўлганди.

Хуллас, Узун Ҳасаннинг ўғиллари томонидан асир олинган Абусаид мирзо хон қаргоҳига келтирилади. Маҳбусни кечиришга у майл билдиради. Аммо айрим туркман ва ўзбек амирлари, Ширвоншоҳ қозиси унга қарши чиқишади ва уч асосий сабабга кўра уни ўлдиришга фатво берилади: 1. Шоҳруҳ Мирзога тегишли жойларни бошқариш ҳуқуқи Узун Ҳасан томонидан тан олинган Ёдгор Мирзонинг йўлидан Абусаидни бартараф айлаш. 2. Гавҳаршодбегимни ўлдиртиргани учун шариат қонуни бўйича Ёдгор Мирзонинг Абусаидни ўлдиришга ҳақли эканини тан олиш. 3. Узун Ҳасан таклиф қилган сулҳ шартларининг қабул этилмаслиги шариат талабларига зид эканлиги. [1]

Ёдгор Мирзонинг фармойиши билан 1468 йил февралининг бошларида Султон Абусаид қатл эттирилади. Бу ажабтовур ҳодиса мусулмон дунёсида турлича талқин ва шов-шувларга ҳам сабаб бўлган эди. Ҳатто Хожа Аҳрорни обрўсизлантириб, ундан ўч олиш ҳаракати ҳам бошланган. Лекин Хожанинг муриди Султон Аҳмад Мирзонинг Самарқанд тахтига чиқиши бундай фисқу фасодларга тубдан чек қўйган эди.

“Садди Искандарий” достонининг бир бобини Навоий Султон Абусаид ўлими воқеасини ёритишга бағишлаган. Шоир уни энг аввало ақл-идроки ўткир, тадбиркор ва мулкгир ҳукмдор сифатида тилга олади. “Хуросон ва Мовароуннаҳрдан ташқари, – дейди Навоий, – бошқа кўп ўлкалар ҳам унга қарам эди. Хоразмдан тортиб Кирмон мамлакатларигача, Кошғардан то Сипоҳонгача бўлган жойларни ҳам босиб олди. Зобулистону Кобулистон ўлкалари унинг парвариши баҳоридан гулистонга айланган эди”[2]. Навоийнинг урғулаши бўйича, Абусаид “беадад мамлакат ва шаҳарларни олиб, салтанатда дунёнинг энг катта шоҳи” мавқеига кўтарилгач, жаҳонгирлик ҳавосига берилиб, Табризу Румга қараб ҳужум бошлайди. Аммо унинг жаҳонгирлик иддаосидан ҳам хавфли хасталиги шафқатсизлик, мол-мулкка ўчлик ва ҳимматда пастлиги эди. “У хазиналарни йиғиб тўплайверар эди-ю, қўл остидаги лашкарларни ундан баҳраманд қилмас, ғоят хасис эди. Бу ишидан ўз кўнглида у мамнун бўлгани билан, аскар ва сипоҳлари шоҳдан ниҳоятда норози эдилар”.

Дарҳақиқат, қаҳр-ғазабга айланган ана шу ички норозилик душман ҳужуми ва найзасидан ҳам ҳалокатлироқ бўлади. Мақтул подшоҳнинг фожиасига Навоий ниҳоятда тўғри ва аниқ “ташхис” қўйгач, шундай хулосага эътиборни қаратади: “Қайси шоҳданки фуқароси хурсанд бўлмаса, ишнинг долзарб пайтида пушаймон бўлиб ўтиришнинг фойдаси йўқ. Қўшиндан ажраб қолган шоҳ бир киши ҳисобланади, айтинг, бир кишининг қўлидан нима келиши мумкин?.. Шоҳ ўз қўшини билангина қудратли бўлгани каби, қўшин ҳам ўз шоҳи билан қудратлидир... Жаҳонни забт айлаш осон иш эмас, валекин, иттифоқу аҳилчилик бўлса қийин ҳам эмас”[3]. Абусаиддаги тизгинсиз қаҳр ва кибр иттифоқу аҳлликнинг туб моҳиятига етиб бориш йўлини тўсиб қўйган эди. Ундан қўрқар, қўрқув нафратга айлангани боис ҳатто ўзига яқин доруға ва амирлар ҳам унга ёрдамга келишни истамаган эдилар.

Абусаид соҳибқирон Амир Темурга ҳавас қилди, жаҳонгир бобосининг шон-шуҳрат ёғдирган зафарларини такрорламоқчи бўлди. Лекин толеида жаҳонгирлик саодати битилма-

[3] «Ислом энциклопедияси», 4-жилд. 48-бет.
[2] Алишер Навоий. Садди Искандарий. Насрга айлантирувчи Иноят Махсумов. – Тошкент, 1978. 83-бет.
[3] Ўша китоб, 84-бет.

ганлигини тушуна билмади. Чунки Аллоҳ таоло унга аввало руҳоний қудрат ва маънавий салтанат соҳиби бўлишни насиб этмаган эди. Давлат сарҳадларининг кенгайиши подшоҳ табиатининг торайиши, ботинда ғафлат пардаларининг ортишига қаршилик қилолмаслигини у тасаввурга ҳам келтира олмасди. Абусаид ўз феъл-атвори, қаҳр-ғазаби ва моуманлигининг қурбони бўлган шаҳаншоҳлардан бири эди.

Алишер Навоий ва Султон Абусаид мавзусини тўғри ва чуқур тадқиқ этиш ҳам тарихий, ҳам сиёсий, ҳам маданий, ҳам адабий жиҳатдан жуда муҳим аҳамиятга эга. Абусаид ҳукмронлик қилган давр Навоийнинг наинки шахсияти, балки дунёқараши ва шеъриятининг ҳам шаклланган бир давридир. Шунинг учун шоирнинг дунё ва ҳаёт мураккабликлари билан юзлашиб, инсон тақдирини мушоҳада этиши бу замонларда нисбатан бошқача бўлган. Энг муҳими, ижтимоий-сиёсий шафқатсизлик ва зўравонликлар Навоийнинг туйғу ва тафаккур оламидаги юксалиш ҳамда беқиёс ўзгаришларга салбий таъсирларини ўтказа олмаганидир.

“Ўзбек тили ва адабиёти” журнали, 2015, №1.

НАВОИЙ ВА ЮНОН ФАЛСАФАСИ

Алишер Навоий шеъриятини англаш, аниқроғи, тўғри тушуниш ва ҳис қилиш учун, энг аввало, мутафаккир шоир фикрларининг маъно ҳамда моҳият “қатлам”ларини пухта билиш, билишгина эмас, ҳаётий, диний, тасаввуфий ёки фалсафий оҳанг ва бўёқлари ила кўнгилга уларни, албатта, олиб киришга ҳам эришмоқ керак. Бусиз Навоий сўзларининг мағзини чақиб бўлмаганидек, уларга амал қилиш янада душвордир. “Ғаройиб ус-сиғар”даги шеърлардан бирида (428-ғазал) шундай гап бор:

То ўзунгни хасча кўргунгдур эмассен одамий,
Гар ҳавода сайр қил, гар сув уза кўргуз хиром.

Гап бунда ўзни пастга уриш, ҳаммадан ҳақир кўриш ёки тамоман назарга илмаслик ҳақидами?

Ўзликдан кечиш ва “мен”ликдан қутилиш хусусида сўзлаганда, Навоий, асосан, нафсни назарда тутади. Унингча, нафс жиловланиб, ақл ва руҳ измига тушдими – ўзлик муаммоси ҳал. Чунончи: одам ҳеч бир зайлда ўзига бино қўймайди, ҳаддидан ошиб ҳар турли даъво ва иддаоларга берилмайди. Озми-кўпми бунинг акси кўзга ташланганда эса, инсон каромат зоҳир айлаб кўкка учса ё сув устида елиб-югурса ҳам, уни баркамол шахс дейиш ғалатдир. Навоий байтидаги асосий маъно мана шу.

Навоийнинг бошқа халқлар фалсафий таълимотларига муносабатидан баҳс юритилганда ҳам нафс масаласини ҳеч вақт назардан соқит қилмаслик зарур.

Дунё илм-фани ва маданияти тараққиётидан баҳс юритганда, биринчилардан бўлиб эски юнонликлар тилга олинади. Юнон тамаддуни маълум бир зайлда қадим Шарққа ҳам ўз таъсирини ўтказганлиги илмда қайта-қайта сўзланган ва турли тарзда изоҳланган ҳақиқатлардандир. Алишер Навоий ва юнон фалсафаси масаласи аслида “Шарқ мутасаввиф ижодкорлари ва юнон фалсафаси” деб номланиши мумкин бўлган анча йирик мавзунинг алоҳида бир тармоғидир. Чунки улуғ салафлари, хусусан, Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий, Абдураҳмон Жомий дунёқараши ва ижодий тажрибаларини назардан четга суриб,

Навоийнинг юнон фалсафаси ҳамда унинг айрим вакилларига муносабатини тўғри ва холис ёритиб бўлмайди.

Истиқлолга эришгунча антик юнон файласуфларининг асарлари Ўзбекистонда ҳам асосан русча таржимада ўқиб-ўрганилар ва илмда шу тилда ёзилган тадқиқотларга суяниларди. Бугун эса наинки араб ё рус, балки форс, усмонли турк тилларидаги таржима матнларини ўзаро қиёслаш, айтилмай келинган ёхуд бузиб кўрсатилган ҳақиқатларни бемалол сўзлашга йўл очиқ.

Қадимги грек илм-фани ва маданияти башарият ақл-идроки ҳамда тафаккури ривожига беқиёс ҳисса қўшганлигига ҳеч шубҳа йўқ. Шунинг учун ҳам юнон олиму аломалари илмий-фалсафий меросига қизиқиш ҳамон давом этиб келади. Суқрот, Луқмони Ҳаким, Афлотун, Арасту – бу номларга эҳтиром ҳеч вақт шунчаки хотира мулкига айланиб қолмайди.

Фалсафий тушунча қачон, қаерда, қайси миллат томонидан юзага келтирилгани хусусида қатъий бир хулосага келинилмаган бўлса-да, милоддан аввалги VI асрларда яшаган юнонлар унинг асосчиси эканлиги умумий тарзда эътироф этилган. Шу ўринда фалсафанинг бошланғичини юнонликларга нисбат бериш билан уни Шарқ заминидан ажратилганлиги ва Оврупо тафаккур тарзини халқимиз психологиясига тескари бир шаклда жорий қилишга уринилганлигини ҳам таъкидлаш лозим. Ваҳоланки, юнонликларнинг наинки фалсафаси, оддий инсоний ва маиший қарашларига танқидий нигоҳни талаб қиладиган жиҳатлар ҳам кам бўлмаган. Масалан, “эски юнон дунёқарашида ёлғончилик, қаллоблик мубоҳ саналган, ҳақсизлик қилиш эса бир қудрат нишонаси ва жасоратга тегишли “фазилат”ларнинг аввали ўлароқ қабул этилган. Аммо инсонда уят аталмиш бир руҳий ҳолатнинг мавжудлиги ҳатто хаёлга ҳам келтирилмаган”[1].

Ғарб тадқиқотчиларидан бирининг таъкидлаши бўйича, деярли ҳамма жойда фикр соҳибларини бағоят зиддиятли баҳс, муросасиз тортишувларга чорлаб келган машҳур олмон файласуфи Фридрих Нитше айнан юнон пессемизмининг куч-қувватини янгидан жонлантиришга бел боғлаган. Унинг тасаввурида “Тангри ўлиб”, муқаддас китоблар парчаланиб, унда ўлимга, машаққат ва ғам-ғуссага мазмун бағишлайдиган ҳеч қандай маданий уфқ шуури қолмаган эди[2].

Бундай ҳолат юноний маслак ва тушунчалар билан боғланган таълимот ёки ижод намуналарида албатта аксини топган. Жаҳон миқёсида мавқе қозонган турли динлар учун ўхшашлик касб этган “Муқаддас ёлғон” хусусида сўзлаган Ф.Нитше эса айни шундай ёлғон Платонда ҳам камчил эмаслигини таъкидлаб ўтган[3].

Ўтган асрнинг энг машҳур файласуфларидан бўлган Карл Поппер китобини ўқиган киши Платонни бутунлай бошқа қиёфада, аниқроғи, очиқ жамият, демократия ва эркинликнинг муросасиз ғаними сиймосида тасаввур қилади. “Платоннинг демократияга доир талқини, – дейди у, – жонли, аммо унинг туғилишидан тахминан уч йил олдин Перикл томонидан жуда яхши баён қилинган Афина сиёсий ҳаёти ва демократик ишончларга нисбатан чуқур душманлик кайфияти ила ифодаланган ўринсиз ҳажвдир”[4].

Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам машҳур файласуф шоир Муҳаммад Иқбол “Асрори хўди” – “Ўзлик сирлари” номли китобида Платон – Афлотунни “ҳаётни тарк этиб, ўлимни тарғиб этувчи фалсафа”нинг асосчичи, деб танқид қилади. Юқоридаги сингари танқидий гаплар аслида кўҳна Шарқ учун кутилмаган янгилик бўлмай, айниқса, бадиий ижодда улар ўзига хос бир

[1] Кофасўғли И. Турк-Ислом синтези. Истанбул, 1999. – 88-бет.
[2] Роберт Х. Постмодернизм ва ижтимоий билимлар (туркча таржима). Истанбул, 2005. 39-49-бетлар.
[3] Нитше Ф. Дажжол. Христианликнинг танқиди. Истанбул, 2008. 70-бет.
[4] Поппер К. Открытое обшество и его враги. Том I. Чары Платона. М., 1992. С. 74.

изчиллик билан ифодаланиб борган. Шоирларнинг Одам Атоси дея тан олинган Абу Абдулло Рудакий ёзади:

Маро зи мансаби таҳқиқи анбиёст насиб,
Чи об жўям аз жўи хушки юнонй.

Барои парвариши жисми жон чу ранжа кунем,
Ки ҳайф бошад рўҳ-ул қудус ба сагбони[1].

Мазмуни: "Билиш, яъни таҳқиқ малака ва мартабаси менга анбиёдан насиб бўлган. Шунинг учун юноний ҳикматнинг қуруқ ариғидан сув исташимга ҳеч ҳожат йўқ. Модомики, жисму жонимни камолга етказиш заҳматини зиммага олган эканман, муқаддас руҳни ит қўриқчиси, яъни нафс сагбонига айлантирмайман".

Бу, албатта, жуда кескин фикр. Навоий ундан хабардор бўлганми-йўқми – бу номаълум. Сўз ва маънолари болалигидаёқ унинг кўнглини сеҳрлаган Атторнинг "Мантиқ ут-тайр" достонидаги қуйидаги мисралар ҳақида бундай деб бўлмайди:

Кай шиноси давлати рўҳониён,
Дар миёни ҳикмати юнониён.

То аз он ҳикмат нагарди фард ту,
Кай шави дар ҳикмати дин мард ту[2].

Мазмуни: "Юнон фалсафаси орқали руҳонийлар давлатини билиб ва таниб билмайсан. Бу фалсафадан ўзингни бутунлай халос этмагунча дин фалсафаси марди мақомига кўтарилмайсан".

Наинки Аттор, унинг салафлари Имом Ғаззолий, Саноий ҳам эски юнон файласуфлари таълимоти – "Ҳикмати юнониён"га қарши туришган.[3] Хўш, бунга сабаб нима? Сабаб кўп. Улардан баъзиларини қайд этиб ўтмоқчимиз.

Биринчидан, атоқли ислом файласуфлари, тасаввуфдаги айрим тариқат арбоблари юнон фалсафасини ислом учун хавф-хатар етказувчи ҳодиса деб англашган. Иккинчидан, ўрта асрларда Афлотун ва Арасту каби файласуфлар асарларининг юнонча аслиятлари йўқолиб, асосан арабий таржималари сақланиб қолган. Араб ва форс мутаржимларининг эътиборсизликлари боис таржималарда ўз-ўзидан исломга тескари фикр-қарашларга йўл очилган. Учинчидан, исмоилия фирқаси заминида туғилган "Иҳвон ус-Сафо"га ўхшаш жамоалар томонидан исломни ичдан кучсизлантириш ҳамда парчалашга хизмат қиладиган тушунчалар илгари сурилган. Ҳатто ушбу жамоанинг рисолаларидан бирида "Қачонки биз грек фалсафасини араб шариати билан бирлаштирсак, ўшанда комиллик қўлга киритилади", дейишган экан.

"Тасаввуф ва Ислом" номли йирик бир тадқиқот муаллифи Иброҳим Сармишнинг ёзишига кўра, комил инсон назарияси ҳеч қанақа исломий асосга эга эмас. Ва у "Иҳвон ус-Сафо" аҳли томонидан қўлланилган "Инсони фозил" иборасининг нусхаси бўлиб, замини

[1] "Осори Рўдакий". – Душанбе, 1958. – С. 123.
[2] Фариддидин Аттор. Мантиқ ут-тайр, Теҳрон, 1319 (ҳижрий-шамсий). С. 322.
[3] Бу ҳақда қаранг: Муҳамадходжаев А. Мировоззрение Фаридиддина Аттора. Душанбе, 1974. С. 19-20.

ҳам юнон фалсафасидир”[1]. Ваҳоланки, Ислом фалсафаси ва сўфийлик адабиётида инсонни илоҳийлаштириш ғоясидан эмас, билъакс унинг Тангри иродасига таслимияти ва илоҳий ишққа фанолигидан баҳс юритилганки, Навоий бундан асло четга чиқмаган. Тўртинчидан, куллий моҳият, борлиқ, унинг бирлиги ва касрати, шунингдек, Аллоҳнинг зоти, сифати, судурнинг кайфияти сингари фалсафанинг муҳимдан-муҳим масалаларида Ислом мутасаввифларининг юнон файласуфлари инонч ва таҳқиқларига ҳеч қандай боғлиқлиги бўлмаганидек, тобеликлари ҳам йўқ эди. Зеро, VIII асрларда шаклланиб, тараққий қила бошлаган Ислом фалсафаси, XI асрда юқори босқичга кўтарилиб, XII асрдан эътиборан Ғарб христиан дунёсига ҳам таъсир ўтказишга эришган эди.

Худди шу маъноларда Алишер Навоийнинг юнон фалсафаси танқидларига эътироз билдириб, қарши чиққан жойи йўқ. Лекин салафларининг фикрларини очиқчасига қўллаб-қувватлайдиган далилларга ҳам дуч келинмайди. Масалан, ўзининг энг яқин одами ва муршиди Абдураҳмон Жомийнинг:

Ҳикмати юнониён нафс асту пайғому ҳаво,
Ҳикмати исломиён фармудайи пайғамбар аст, –

яъни, юнонликларнинг фалсафаси нафс ва ҳавонинг хабарчиси, мусулмонларнинг фалсафаси эса пайғамбар ҳукмларининг маҳсули эрур, деган сўзларига ҳеч бир ерда Навоий алоҳида урғу бермаган. Мутафаккир шоиримиз билганки, шарқлик ориф ва донишманд ижодкорлар, умуман, юнон фалсафасигамас, нафси ҳаво доялик қилган, кераксиз хархаша, чалғиш ва ғофиллик ғавғоларини қиздирувчи фалсафага қарши туришган.

Тожик файласуфи Мусо Ражабовнинг ёзишича, илмий-маданий савиянинг баландлиги ва араб тилини чуқур билганлигидан Абдураҳмон Жомий юнон фалсафаси, жумладан, Аристотель, Платон ва неоплатончилар фалсафаси билан Боғдоддаги сурияликларнинг таржималари орқали танишган бўлиши эҳтимолдан йироқ эмас. Бироқ Жомий асарларида бу хусусда ҳеч бир маълумот қайд этилмаган экан.[2]

“Хамсат ул-мутаҳаййирин”да Жомий ҳузурида ўқиб-ўрганган тасаввуфий, фалсафий китобларини санаганда, Навоий юнон файласуфларидан ҳеч бирининг номини ҳам, асарини ҳам тилга олмайди. Хорижлик баъзи тадқиқотчилар эса:

Ки Юнон мулки ул фархунда кишвар,
Ки, ҳикмат бирла топди зеру зевар,

сингари Навоийнинг таъриф сўзлари тарихий Юнонистон ва ўша замин олимларига тегишли дейишга мойиллик билдиришган. Бугина эмас, Навоий девонларида юнон файласуфларининг ҳикматли гапларига ишорат этувчи далиллар ҳам мавжуд. “Наводир уш-шабоб”даги бир қитъада (унга “Ҳукамо қавли таржимаси шоҳнинг дарёға мушобаҳатида ва нафъу зарарида” дея сарлавҳа битилган) бундай дейилган:

Ҳикмат аҳли шоҳни дарёға ташбеҳ эттилар –
Ким, ҳам андин кўп зиёнлар элга, ҳам кўп суд эрур.

Гаҳ топар ғаввос бир соатда юз дурри самин,
Гаҳ наҳанг оғзида юз ҳасрат била нобуд эрур.

[1] Сармиш И. Тасаввуф ва Ислом. Истанбул, 2008. 279-280-бетлар.
[2] Раджабов М. Абдурахмон Джами и таджикская философия XV века. Душанбе, 1968. С. 111.

Энди “Тарихи анбиё ва ҳукамо” асаридаги бир парчага эътибор қилсак: “Анинг (яъни Аристотелнинг – И.Ҳ.) сўзларидин будурким, подшоҳ улуғ рудга ўхшар ва атбоъи ариғларким, ул руддин айрилдиларким, ул руд суйиға ҳар ҳол бўлса, ариғларға ҳамул ҳолдур. Ул чучук бўлса, булар чучук; ул ачиғ бўлса, булар ачиқ; ул соф бўлса, булар соф; ул лой бўлса, булар лой...

Шеър:

Шоҳ дарё ва халқ эрур анҳор,
Иккисининг суйиға бир маза бор”[1].

Шу сўзлар чини билан Аристотелга мансуб бўлса, унда Навоий қитъасини Арасту фикрининг сал ўзгартирилган шеърий талқин, дейишга тўғри келади. Лекин ишонч ила бундай дейиш қийин. Дарвоқе, Навоийнинг юнон фалсафий тушунчалари билан танишганлиги ҳақида айрим тахминлар ҳам бор. Таъкидлаш жоизки, улар фақат тахминдир. Бизнингча, академик В.Зоҳидовнинг мана бу мулоҳазалари ҳақиқатга яқин: “Навоий “Хамса”синининг баъзи ўринларида учрайдиган юнонликлар (Арасту, Афлотун, Суқрот, Порфирий, Искандар ва бошқалар) тарихий шахслар эмас.

Улар Навоий тарафидан ...афсонавий, ғайри тарихий шахсларга айлантирилган “юнонлик”лардир, яъни Навоийнинг қаҳрамонлари, персонажларидир”[2].

Шу ўринда домланинг бир фикрига аниқлик киритиш лозимга ўхшайди. В.Зоҳидов тарихчи Хондамирнинг “Макорим ул-ахлоқ” асаридаги:

Мушкули ҳикмат аз каломи ту ҳал,
Мантиқи ту баёни ҳар мужмал.

Раҳи машшоиён зи ту возиҳ,
Нури ашроқиён зи ту лойиҳ, –

байтларни келтириб, “Бу ўринда Хондамир Навоийнинг неоплатонизмга муносабатини бўрттириб кўрсатган”[3] – дейди. Аслида моҳият нисбатан бошқача бўлиб, “Макорим ул-ахлоқ” қўлёзмасидан ушбу икки байтнинг давоми ўқилса, Навоий ҳар қандай фалсафа, жумладан, машшойилар ва ашроқийлар таълимотидаги мушкулликларни ҳам осон ҳал қилишга қодир мутафаккир қиёфасида тасаввур этилади:

Таъби поки туроки ваққод аст,
Фаҳми ҳикмати табиий афтодаст.

Бар дилад ҳикмати илоҳий тофт,
Ки, рўҳ аз зулмат малоҳий тофт[4].

Мазмуни: “Сенинг покиза таъбинг мунаввардурки, табиий фалсафани фаҳмлашга угина қодир эрур. Зеро, сенинг кўнглингда илоҳий ҳикмат порлагани учун руҳ зулматдан осон ғолиб келди”.

---

[1] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. 16-жилд. Тошкент, 2000. 193-бет.
[2] Зоҳидов В. Навоий дунёқарашининг асосий манбалари. Навоий ва адабий таъсир масалалари. – Тошкент, 1968. 6-бет.
[2] Ўша ерда.
[3] Хондамир. “Макорим ул-ахлоқ”. Қўлёзма. 30-бет.

Дарҳақиқат, Навоий қалбида ҳикмати илоҳийнинг нурланишида хорижий бир таълимот ёки фалсафа эмас, балки Қуръони карим, нубувват фалсафаси ва Шарқ мутасаввиф санъаткорларидан яна биринг ижодиёти алоҳида таъсир ўтказган эди.

Юнонча шеърлар ёзганига қараганда, Мавлоно Жалолиддин Румий юнон фалсафасига мансуб китобларни аслиятда бемалол ўқиб англаши ва мақтаб тарғиб айлаши ҳам мумкин бўлган. Мавлоно эса тарғибчи эмас, танқидчи сифатида иш юритади. Бунинг асосий бир сабабини туркиялик атоқли румийшунос ва таржимон Шафиқ Жон "Мавлоно ва Афлотун" номли китобида шундай изоҳлайди: "Афлотун Аллоҳни кўп ахтарди, аммо тополмади. Чунки у бир файласуф эди, нуқул ақл ва мантиқ ила ҳаракат этарди. Ҳолбуки, Мавлононинг йўли кўнгил йўлидир... Энг олий ҳақиқатлар идрокига ақлнинг кучи етмаслигини Мавлоно бехато билар ва уни лойга ботган отга қиёсларди. Аллоҳнинг лутфи-иноятиила Мавлоно ўзида ўзини топгач, ўзи-ўзига ошиқ бўлганлигидан сўз очди:

Сад марҳала з-он сўйи хирад хоҳам шуд,
Фориғ зи вужуди неку бад хоҳам шуд.

Аз бас хўбки дар пасе пардаи манам,
Ой бехабарон, ошиқе худ хоҳам шуд"[1].

Мазмуни: Ақл даргоҳидан юз марҳала йироқларга қочиб, яхшилик ва ёмонлик андишасидан қани бутунлай қутулсам. Мендаги ўзлик пардасининг ортида нақадар бетимсол гўзалликлар бор. Ҳақиқий борлиғим ҳам худди ўша жойдадир. Ой бехабар ақли қосирлар, мен ўзимга ўзим ошиқ бўлишни хоҳлайман.

Бу – Шарқ тасаввуф адабиётида илгари сурилган янги тушунча ва инсон нигоҳини ўзининг ички моҳиятига қаратишга ундовчи амалий нуқтаи назар эди. Ибн Синога кўра ҳам, инсон Ўзликнинг нималигини билишга киришганда, унинг ғайримоддий бир борлиқ эканлигига ишонч ҳосил қилади. Ўзликка дахлдор бу илм тўғридан-тўғри илоҳиётга очилган илк ва дахлсиз эшикдир"[2].

Алишер Навоий Мажнун образини яратганда ҳам, "Лисон ут-тайр"да:

Ўз вужудингга тафаккур айлагил,
Ҳар не истарсан, ўзингдин истагил, –

дея руҳоний комилликнинг сир-асрорини ўзлаштиришга чорлаганида ҳам ўша ўзлик пардаси ортидаги латифлик ва гўзаллик манзараларини тасвирлашга зўр аҳамият берганди. Бу – энди алоҳида масала.

Хуллас, ҳар бир муҳим, мураккаб мавзуни ўзининг асл асоси ҳамда тарихий ҳолатига мувофиқ тарзда тадқиқ ва талқин этишга эришмоқ, хусусан, бугун навоийшуносликнинг биринчи даражали эҳтиёжларидандир. Шу маънода адабиётдан тарихга, тарихдан тил, дин ва тасаввуфга, булардан фалсафа, сиёсат ёки бевосита ўтмишдаги ижтимоий-маданий ҳаётга эркин ўтишга қодир ёш тадқиқотчиларнинг илмий изланишларига умид билан қарашга ҳақлимиз, деб ўйлайман.

---

[1] Шафиқ Жон. Мавлоно ва Афлотун. Истанбул, 2011. – 25-33-бет.
[2] Жавҳар Шулул. Нубувват фалсафаси. – Истанбул, 2010. – 96-97-бетлар.

АДАБИЙ МАТН: МУНОСАБАТ ВА ТАЛҚИН

Том маънодаги тафаккур эркинлиги асосан чинакам мутафаккир ва улуғ ижодкорларга хос хусусият. Фикрдаги ҳурлик бошқа, эркинликдаги фикр бошқа нарса. Истеъдодли адиб эрксизлик ва қарамликда фикрлашдан қанча қийналса, фикр-қарашларини эмин-эркин ифодалай олмасликдан янада кўпроқ азият чекади, лекин ташқи таъқиб, хавф-хатарларга қарамасдан, фикр ҳаётида имкон қадар озод бўлишга уринади. Йўқса, унинг тўғрилик ва шижоат туйғуси жуда сусайиб, ўзи воқеликка бутунлай қарам ўйинчи бир бандага айланади. Одатда, бундай ижодкорларнинг тажрибасида рост қаердан бошланиб, ёлғон қайси жойда тугашини фарқлаш қийин кечади. Мана шунинг учун ҳам Алишер Навоий шароит ва вазиятга қараб турланиб- тусланмасликни наинки ахлоқий фазилат, балки дахлсиз руҳий ҳолат ўлароқ кўнглида собитлаштирган эди. Навоий асарларида энг мураккаб, ҳам баҳс-мунозарали, ҳам оғриқли ҳақиқатларнинг бўяб-бежалмай ифодаланишига бир сабаб ана ўша собитликдир.

Навоий ҳаёти, яшаган ижтимоий-маданий муҳити ва ижодиётига бағишлаб навоийшуносликда кўп тадқиқотлар амалга оширилган. Уларга холис баҳо бериб, эришилган ютуқларга суянмасдан соҳани ривожлантириб бўлмаслиги аниқ. Аммо холис баҳо ёки ютуқларга суяниш дегани кейинги пайтларда тез-тез кўзга ташланаётганидек, аённи ўзгача бир зайлда баён қилиш, янгилик иддаоси билан фикрий ва илмий ночорликни хаспўшлашдан иборат бўлмаслиги керак, албатта. Бир жойда туриб ер тепиш аскарий бир талабни ифодаласа ҳам, уни олдинга юриш деб бўлмайди. Айрим масала ва мавзуларнинг навоийшуносликда ўрганилишини юрмасдан одимлаш ҳолатига қиёслаш мумкин.

Давлат ва санъаткор, ижодкор ва ҳукмдор муносабати мавзуси кўпчиликни қизиқтириши билан бирга шоир ё ёзувчининг асл маънавий қиёфаси, мустақил Шахс сифатида қандай шаклланганини ҳам кўрсатишга хизмат қилади. Бир эмас, бир неча подшоҳ, хон ва амирлар ҳукм юритган даврларда яшаб ижод этган қалам аҳлининг замон ва тақдир синовларидан ўтиши баъзан бағоят оғир кечган. Бироқ улардан қайси бирики, ўзини буткул адабиётга бағишлаб, ватан ва эл манфаатидан бошқасини назарга илмаган бўлса, кулфат, ҳасрат ботқоғига ботиб кетмаган; юрт, миллат, адабиёт ҳамда келажак олдида ҳам юзи ёруғ бўлган.

Темурийзода Султон Абусаид ва Алишер Навоий муносабати тўғрисида тарихчи ҳамда адабиётшунос олимлар кўп ёзишган. Агар навоийшуносларнинг фикр-мулоҳазалари мундоқ жамланиб назардан ўтказилса, ҳеч ким Олим Шарафиддинов, Садриддин Айний домладан ўтказиб пичоққа илинадиган ҳеч нима демабди-ку, деган хулоса келиши шубҳасиздир[1].

Собиқ шўро давлати ҳукм юритган даврларда темурийзодалардан икки-уч подшоҳга ўртача ёки илиқ муносабатга изн берилганини айтмаса, қолганларига тегишли фикр-мулоҳазалар соҳибқирон Амир Темур тўғрисида тўқилган сиёсий айбнома ва уйдирмалар соясида қолиб кетарди. Мустақилликдан кейин жаҳонгирнинг шахси, империя барпо этишдаги салоҳиятига қараш ижобий томонга қандай эврилганини англамайдиган зиёли ҳозир топилмаса керак. Албатта, Амир Темур ҳар жиҳатдан ҳам албатта беқиёс ҳукмдор. Султон Абусаид «мулкгирликда ва мамлакатдорликда» соҳибқирон бобосига ҳавас қилиб, ундан ўзича ўрнак олишга интилганлигига қарамай, толесизлик қурбони бўлганди. У кучда кучсизлик, омадда омадсизлик, бахтда бахтсизлик яшириниши мумкинлигини хаёлга келтирмас даражада мағрур ва худком эди. Унинг шахси орзу ва истаклари баланд ҳукмдорга хос

[1] Бу ҳақда қаранг: Ҳ а қ қ у л И. Алишер Навоий ва Султон Абусаид // Ўзбек тили ва адабиёти, 2015, 1-сон, 3–19-бетлар.

айрим ибратли хусусиятлардан холи бўлмаса-да, тунд, маҳдуд ва шафқатсиз эди. Навоийнинг Султон Абусаидга муносабати, у ҳукм юритган даврдаги шоир ижодиётини тадқиқ этиш бир-икки мақола билан ҳал бўладиган иш эмас, албатта. Буни ўспирин Навоийнинг инсоний ва ижодий қиёфасини ёритишга хизмат қиладиган, ёшликдаги туйғу ва тушунчалардан қай бирларининг давом топиб, не зайлда юксалишини кузатишга имкон берадиган мавзу сифатида ўрганиш лозим. Навоийнинг илк лирикасини махсус тадқиқ қилган устоз олим Ё. Исҳоқовнинг таъкидлашга кўра «Абу Саиднинг золимлиги, адолатсизлиги сабабли Навоий унга нафрат билан қарар эди. Шунинг учун ҳам Навоий Ҳиротда фақат моддий жиҳатдангина сиқилиб қолмай, руҳий жиҳатдан ҳам эзилган эди. У бу ерда маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлайдиган ҳамфикр дўстлар топа олмайди. Шаҳардаги бузуқликлар, адолатсизликларни кўриб азоб чекади»[1]. Тўғри, Султон Абусаид феъл-атвори оғир, характери кескин ва фавқулодда мураккаб подшоҳ бўлган. Шуни дастак қилиб хаёлга келган айб ёки гуноҳни унга тўнкашга ҳам ҳеч кимга ҳуқуқ берилмаган. Бундан тўрт йил муқаддам нашрдан чиққан бир китобда Навоийнинг:

Эй кўнгул, келким, бало базмида жоми ғам тутай,
Ўз қатиқ ҳолимга ўлмастин бурун мотам тутай, –

матлаи билан бошланадиган ғазали тўлиқ келтирилгач, унинг ёзилиш тарихи Навоийга яқин кишилар – Мирзобек ва Мирдарвешнинг ўлимига боғланиб, Абусаид ва унинг амалдорлари мусибатнинг бош ижрочилари деб кўрсатилади. Бу факт қаердан олинган? Ҳеч ким билмайди ва тайинли бир гап айтадиган кимса ҳам топилмайди.

Яқин-яқингача Султон Абусаид тасаввуфпараст, давлатни бошқаришда Хожа Аҳрори Валининг нуфузи ва аҳли тариқат куч-қудратидан маккорлик билан фойдаланган мустабид шоҳ сифатида айбланиб келинган эди. Мазкур китобда эса ҳеч далил-исботсиз Навоий тасаввуф «таълимотининг фаол тарғиботчиси, хавфли душмани» деб билинганлиги туфайли Абусаид Мирзо томонидан жазоланди, дейилади[2].

Султон Абусаидга тегишли ҳамма яхши фикр ва далил унутилганда ҳам унинг Амир Темур ҳамда Мирзо Улуғбек ҳукмронлик қилган пойтахт, яъни Самарқандда етти йил тахт соҳиби бўлиши, не-не қийинчилик ва қаршиликларни енгиб, ўн йилдан зиёд вақт Хуросонда ҳам мамлакатни бошқариши ҳазилакам иш ёки иқтидор эмаслигини унутишнинг ҳеч иложи йўқ. Шунинг учун бу султоннинг сиёсий-маъмурий фаолиятидан баҳс юритилганда уни тарихнинг бир қаттол ёхуд барча ғайриинсоний ҳирсларни ўзида мужассамлаштирган ёвуз бандасига айлантиришни асло маъқулламаслик керак. Шу маънода ҳам «Мажолис ун-нафоис» тазкираси муаллифи, яъни Навоий биз учун намуна ва алоҳида ўрнакдир.

«Мажолис ун-нафоис»да Султон Абусаидга ўрин ажратилмаганини академик Иззат Султон шундай изоҳлайди: «Замонасининг энг кўзга кўринган, илм ва санъатга сал бўлса ҳам алоқаси ва ҳомийлиги бўлган ҳамма кишиларни қисқача таърифлаб берган, темурий шаҳзодаларга эса махсус (еттинчи) «Мажлис» бағишланган бу китобда («Мажолис»да дейилмоқчи – И. Ҳ.) Абусаид фақат бошқа шоирлар муносабати билан, масалан, Кобулий, Лаълий ва Ибн Лаълийларнинг қотили сифатида тилга олинади. Албатта, бу тасодифий ҳодиса эмас. Бу факт Навоийнинг Абусаидга қаттиқ салбий муносабатда бўлганининг нишонаси деб айтишга асос бор»[3]. Дарвоқе, Абусаиднинг қотилликларини Навоий кескин қоралаган.

---

[1] И с ҳ о қ о в Ё. Алишер Навоийнинг илк лирикаси. – Тошкент, 1965. – 7-бет.
[2] Маҳмуд Б. Яна Навоийни ўқиб. – Тошкент, 2011. – 27–29-бетлар.
[3] Султон И. Навоийнинг қалб дафтари. – Тошкент, 1969. –196-бет.

Ахир, қайси улуғ шоир ёвузлик, зулм ва қонсирашни ёқлаганки, Навоий ёқласин? Мақтулларнинг, айтайлик, Лаълийнинг таърифланишидан ҳам буни пайқаш мумкин: «Шоҳ Бадахшон – «Лаълий» тахаллус қилур эрди. Хуштабъ ва мусулмонваш киши эрди. Аларнинг хонаводаси қадим хонавода эрди, неча минг йил эрдиким, Бадахшон мулкининг салтанати аларнинг хонаводасидин ўзга хонаводаға интиқол топмайдур эрди. Султон Абусаид Мирзо аларни мустаъсал қилди (илдизидан қўпариб ташлади) ва мулку молларини эгаллади»[1]. Шоҳ Бадахшонга нима айб қўйилиб ўлдирилган? Шоир бу хусусда бир сўз ҳам айтмайди. Аммо унинг ўғли ҳақидаги «Ул ҳам отасининг қотилиға мақтул бўлди», деган гап ота ва ўғилнинг адолатсизлик қурбони бўлишганини гўё таъкидлайди. Абусаид Лаълийнинг қизларидан бирига уйланиб, ундан фарзанд кўрган бўлса ҳам ота-ўғилга зарра қадар шафқат қилмайди.

«Мир Саид – эл орасида «Кобулий» лақаби била машҳурдур. Фақирға тағойи бўлур. Яхши табъи бор эрди. Туркчага майли кўпроқ эрди... Султон Абусаид Мирзо илгида Сарахс қўрғонида шаҳид бўлди» (66). Навоийнинг «Ғарибий» тахаллуси билан шеърлар ёзган тоғаси Муҳаммад Алини ҳам Абусаид Самарқандда ўлдиртиради. («Оғасининг қотили шаҳодат мартабасиға еткурди») (66-67). Шу далилларнинг ўзиёқ қаҳри қаттиқ, қўли қон бир подшоҳнинг охирати борасида Навоий аниқ хулосага келганлигидан далолат беради. Лекин Навоийнинг улуғлигини кўрсатадиган жиҳат Султон Абусаиднинг салбий томонларини бўрттириб, ижобий сифатларидан кўз юммаганидир: «Мавлоно Ишқий ҳирийлик эрди ва қасидани пухта айтур эрди. Султон Абусаид Мирзо Оқсаройни ясағанда иморатнинг китобаси учун шуароға шеър буюрдилар. Иморат таърифида анинг шеъри яхши тушиб эрди...» (50). Демак, катта ва кўркам бир бинони тиклаб, унинг қурилишига бағишлаб шоирларни шеър ёзишга чорлаш учун фақат фаросат эмас, маълум даражада лаёқатга ҳам соҳиб бўлиш керак. Навоийнинг энг яқин дўсти Шайхим Суҳайлийнинг Абусаид саройида «махсус мулозим» бўлиши билан бирга шоирликда эл орасида шуҳрат қозониши ҳам диққатга лойиқдир (71).

Кўпдан-кўп шоҳ, султон ва хонлар сингари Абусаид ҳам ўз умри, хайрли амалларини тарих зарварақларига муҳрлаш учун шоирлардан фойдаланган. Унинг ҳукмронлиги пайтида Абдусамад Бадахший деган шоир Бадахшондан Ҳиротга кўчиб келади. Подшоҳ унга маснавийда «Абусаиднома» мазмунида тарих ёзишни буюрди. Асар ниҳоясига етгач, муаллиф уни Навоийга ўқитади. «Бир байтида тажнис хаёл қилиб, – дейди Навоий, – қофиясин ғалат қилиб эрди, фақир ани воқиф қилғоч, филлоҳ мутанаббиҳ бўлди (аниқ ва тўлиқ англади) ва изҳори миннатдорлиғ ҳам қилди ва бу иш анинг била фақир орасида ошнолиққа сабаб бўлди» (44-45).

Душманлик ва ғайирликка бугунги кун одамлари нуқтаи назаридан қаралса, Навоийнинг самимиятига, Бадахшийга ёрдами беғаразлигига шубҳа уйғониши ҳеч гап эмас. Ваҳолонки, буюк шоир ёмонлик ва тубанликни маломатий сифатида бузуқ хаёл маҳсули, яъни йўқ нарса деб ишонган ва уларга хосиятсиз сояга қарагандай қараган.

«Равзат ус-сафода»да нақл этилишича, шижоатсизлиги боис бир неча амалдорлар қатори Абусаиднинг қаҳрига йўлиққан Амир Нурсаид Ихтиёриддин қалъасига қамалиб, мол-мулкидан ажралади. Шунда шайхулислом Нуриддин Муҳаммад подшоҳдан унинг афв этилишини ўтиниб сўрайди. Подшоҳ уни кечиради ва саройда олдингига нисбатан пастроқ амалда фаолият кўрсатишига рухсат беради. Минадиган оти йўқлиги учун Амир Нурсаид бир кун сарой мажлисига келолмайди ва мана бу рубоийни султонга йўллайди:

---

[1] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. 13-жилд. Мажолис ун-нафоис. – Тошкент, 1997, 44-бет. Бундан кейин мазкур асарга мурожаат қилинганда саҳифаси қавс ичида кўрсатилади.

Ин бандаи шармандаи дармонда ба жон
Дорад аспе таваққуъ аз шоҳи жаҳон
Чун ҳиммати ў баланду чун бахт қавий,
Чун давлати ў жавону чун ҳукм равон.

Мазмуни: «Бу бандаи шарманданинг жонида дармон қолмади. Шоҳи жаҳон бир от берар деган умиди бор. Чунки унинг ҳиммати баланду бахти қудратли, давлати навқирону, ҳукми равондир».

Рубоийни ўқиган Султон Абусаид муаллифга бир неча зотдор от, туя, чодир, хиргоҳ, сарпарда юбориб, унинг амалини янада кўтаради[1]. Бу ўринда ҳадя қилинган нарсалар эмас, шеърдан таъсирланиш, таъсирнинг ҳимматга айланиши муҳим. Хуллас, Абусаид Мирзо шеърпараст бўлмаса ҳамки, шеъриятнинг кўксига пичоқ санчадиган даражадаги жоҳил ва гумроҳ ҳам эмас эди.

Устоди Мавлоно Лутфийни Навоий «ўз замонининг малик ул-каломи эрди», деганини бугун мактаб ўқувчиси ҳам билади. Лекин унинг асарларидан маълум қисми Султон Абусаид замонида яратилганини ҳамма ҳам билмаслиги мумкин. Худди шунга монанд фикрни султон билан шахсан яқинлиги бўлган форсий адабиётнинг буюк намояндаси Нуриддин Абдураҳмон Жомий ҳақида ҳам айтиш керак бўлади.

«Мажолис»нинг иккинчи мажлисида муаллиф даврининг машҳур шахси Шайх Камол Турбатий билан «Султон Абусаид Мирзо замонида Машҳадда» «бир буқаъда ғариб ва хаста» ҳолда ётганида учрашганини ҳикоя қилади. «Фақирнинг ани (яъни Турбатийни – И. Ҳ.) кўрарга кўп орзуим бор эрди» деган гапга қаралганда, Алишер ўшанда орзусига эришган. «Ул ҳам фақирни эшитган экандур ва кўрар ҳаваси бор экандур» (40) дейилиши эса Навоий Султон Абусаид даврининг танилган шоирлардан бўлганлигини англашга хизмат қилади.

Умуман олганда, Султон Абусаид сиёсий хурофотдан идроки бузилган, минг қиёфада турланиб-тусланувчи бир ҳокимиятпараст кимса бўлмагани ишорат усули билан «Мажолис»да англатилган. «Ҳофиз Шарбатий – Хуросоннинг муттааййинларидиндур. Одамваш, мутавозеъ ва муаддаб кишидур ва хушхонликда фариди замондур. Султон Абусаид Ироқда бузулғонда Маккага бериб мужовир бўлди...» (117).

Тасаввуф ва тариқат аҳли орасида Султон Абусаиднинг обрў эътибори ҳақиқатан баланд бўлган. Оққуюнлилар билан урушда мағлубиятга учраб, Ёдгор Мирзо фармойиши билан у қатл этилгач, наинки Хуросон, балки Мовароуннаҳрдан ҳам бир қанча шайх, дарвеш, сўфий ва мутасаввифлар турли томонларга тарқаб кетишган. Ҳофиз Шарбатий ўшалардан бири эди. Отасининг вафотидан сўнг Самарқанд тахтини Султон Аҳмад Мирзо эгалламаганда Хожа Аҳрорни ғанимлари қандай кулфат ва мусибатларга гирифтор этишларини тасаввур қилиш қийин.

Султон Улуғбек қатлидан кейин тариқатчилик офати ва дарвешлик тўфони Самарқандда маданият, санъат, дунёвий илм нури ва зиёсини бутунлай сўндирди, энг билағон олимлар, пешқадам зиёлилар қувғинга учради, деган тушунча илм-фанда яқин-яқингача ҳам барқарор эди. Бу тушунчани инкор қиладиган факт ва маълумотлар эса тарихий воқелик бошқача бўлганлигини кўрсатади[2].

Албатта, Навоийнинг миллат ва башар шоири бўлиб камол топиши, дунёга танилган санъаткор мақомини эгаллашида Султон Абусаид ҳеч вақт Ҳусайн Бойқаро даражасида эрк ҳам, имкон ҳам бермасди. Бунга шубҳаланмаслик керак. Бироқ Навоийни улуғлаб, шижоа-

[1] Мирхонд. Равзат ус-сафо. Дафтари 6. – Теҳрон, нашри дуввум. – С. 12–14.
[2] Бу ҳақда қаранг: Ҳаққул И. Алишер Навоий ва Султон Абусаид. // Ўзбек тили ва адабиёти, 2015 йил, 1-сон. – 3–19-бетлар.

тини шарафлаш учун мутафаккир шоирга Абусаидни қаттол бир душман қиёфасида кўрсатишнинг ҳам ҳеч кераги йўқ. Акс ҳолда, Навоийнинг холислиги ва бағрикенглиги камситилади. Абусаид Мирзонинг ўлдирилиши хусусида дин, тасаввуф, сиёсат, илм ва ижод вакиллари ҳар хил фикр-мулоҳазаларни илгари суришган. Ўша мудҳиш ҳодисанинг тўғри ва ишонарли бадиий характеристикани эса Навоийнинг «Садди Искандарий» достонида учратамиз. Хуллас, Султон Абусаид ва Алишер Навоий муносабатини ёритишда бир силжиш сезилишига қарамай, мавзуни тарихчи ва адабиётшунос нигоҳи ила тадқиқ этиш тўхтаб қолмаслиги лозим. Чунки Абусаид қатл қилинганда Навоий дунёқараши ва шахсияти шаклланган забардаст шоир санъаткор мақомига юксалган эди.

“Ўзбек тили ва адабиёти” журнали, 2015, 2-сон

ТАРИХ ҲАҚИҚАТИ – ҲАҚИҚАТ ТАРИХИ ЭРУР

Илм-фан тажрибаси аслини олганда бири-биридан янги, бири бошқасидан фойдали илмий натижага эришмоқдир. Мана шунинг учун ҳам бутун дунёда илмнинг куч-қуввати ва олимлик мартабасига алоҳида бир эътибор билан қараб келинган. Бу дегани – илмдаги чалғиш ва чалғитиш, олимликдаги ҳийла ва сохтакорликдан кўз юмиш дегани эмас, албатта. Оташин рус шоири М. Ю. Лермонтов кучли бир ижтимоий ҳасрат билан ёзилган «Ўйларим» номли шеърида «Умримизни сўрди самарсиз фан», дейди. Самарасиз фан – ҳар турли мафкуравий ё моддий ғараз ва даъвога асосланган бефойда бир фан ҳисобланади.

Илм-фан тарихи бундоқ назардан ўтказилиб, қилинган илмий тадқиқотларнинг сараги-саракка, пучаги-пучакка ажратилса, уларнинг яроқлисидан яроқсизи, кераклисидан кераксизининг кўплиги ҳар қандоқ кишини ҳайрон қолдиради. Илмбозликдан етган ва етаётган зарарнинг ҳисоб-китобини қилишнинг эса ҳеч имкони йўқ.

Узоққа бормайлик, шўро давлати ҳукм юритган даврда ижтимоий фан соҳаларида ёзилган мақола, китоб, диссертациялардан қанча қисмини бугун яроқли дейиш ёки фойдаланишга тавсия этиш мумкин? Гапириш жуда ноқулай. Мустақилликкача неча юзлаб мақола, ўнлаб китоб чиқарган мунаққид ва адабиётшунослар бўлган. Ўша асарлар орасида ҳатто номини тилга олиш ҳозир ноқулайлик туғдираётганлари ҳам бисёр. Муҳаммад Пайғамбар (с.а.в) бир ҳадисларида “Ёлғон илмдан сақланинг!” дея марҳамат қилган эканлар. Ёлғон илмдан тийилиш ва сақланишнинг иложсизлигини йиллар ёки замонлар эмас, балки асрлар ҳам афсуски тасдиқлаб турибди. Шунинг учун Хожа Аҳмад Яссавий, Фаридуддин Аттор, Жалолиддин Румий каби валий зотларнинг ҳаёти ва ижодиёти ҳақида ҳам кўп уйдирма ва тахминий гаплар, ҳақиқатга ҳеч мувофиқ келмайдиган фикр-мулоҳазалар эълон қилинган.

Шарқнинг улуғ мутасаввиф шоири Мавлоно Жалолиддин Румий таваллудининг саккиз юз йиллиги муносабати билан Туркияда кўплаб илмий ва илмий-оммабоп китоблар нашр этилди. Шулардан бири Усмон Нури Кўчук деган олимнинг «Мавлоно ва ҳокимият» (Кўнё, 2007) номли китобидир. Қанча вақт, қанча куч сарфлаб ёзилган бу китобни ўқиб, очиғи, мен жуда таажжубландим. Чунки унда Румий мўғул ҳукмдорларининг «жосуси» қиёфасида кўрсатилиб, унинг «айғоқчи»лиги «факт ва далиллар» орқали гўё фош қилинган. Илм дегани инсонни наҳотки шунақа ишларга илҳомлантирса? Наҳотки, китобхон ҳақида ҳеч бир киши ҳеч нима демаса, деб ўйладим. Хайрият унга танқидий муносабат билдирилиб, холис фикр айтилган мақола («Тасаввуф» жур. Анқара. 2007 №8 (20-сон) чоп этилди. Мақола муаллифи Атҳам Жабачи ўғлининг хулосаси эса мана бундай: «Бу асарга («Мавлоно ва ҳокимият»га дейимоқчи – И.Ҳ.) қарши матбуотда ҳозиргача бирор бир нарса чиққани йўқ.

Жавоб берилиши бизнингча ақлдан ҳам эмас. Чунки муаллифнинг манбаларни онгли равишда бузиб, қорани оқ қилиб кўрсатишга қасд қилгани жуда аниқдир...».

Оқни қора, қорани бемалол оқ дейишнинг илмга нима алоқаси бор? Қандайдир ҳовлиқмалик, ҳатто телбаликка яқин бир ҳолатни ифодалайдиган бунақа «тадқиқот»ларнинг пайдо бўлишига бош сабаб нима? Худди шу саволга турк олимининг қуйидаги сўзлари бир жавобдир: «Мавлонони англашда ҳар бир кимса ёки мазҳаб вакили ўзи билганча, ўз савияси даражасида мулоҳаза юритмоқда, талқин қилмоқда, яъни унинг инсоний ва ижодий қиёфасини бузиб кўрсатмоқда. Бу эса улар назаридаги Мавлоно билан ҳақиқий Мавлоно орасида жарлик, чиндан ҳам хавфли бир номувофиқлик ҳолатини акс эттираётир...».

Шунга монанд фикрни биз навоийшунослик хусусида ҳам айтишимиз мумкин. Зеро Навоийни асл Навоийдан йироқлаштирувчи ишлар хусусан шўро замонида кўп ёзилган. Бунинг туб сабаби ва асосларини шартли равишда мана бундай таснифлаштириш мумкин: 1. Сиёсат ва мафкура талаби туфайли тўқилган ёлғон ҳамда ғайриилмий мулоҳазалар. 2. Тарих, дин ва тасаввуфни ва эски фалсафани билишни истамасликдан юзага чиққан уйдирмалар. 3. Дид, савия ва дунёқарашнинг паст ҳамда саёзлигидан туғилган тамалсиз фикр-мулоҳазалар. 4. Ўзига – ўзи ҳисоб бермаслик, яъни омиёна ўзбошимчаликка берилиш маҳсули ўлароқ илгари сурилган ясама гаплар. Ўзини бу тасниф, балки, тўла оқламас. Бироқ навоийшунослик тарихи пухта текширилса, улардан ҳеч қайсисини бутунлай рад қилиб бўлмаслиги, ўз-ўзидан, равшанлашиши муқаррардир. Навоийни ўрганиш масъулияти эса йўл қўйилган хатони ўз номи билан аташ ва ундан кўз юммаслик зарурлигини асло истисно қилмайди.

Илм, аввало, далил ва мантиққа таяниши маълум. Бироқ ҳамма далил ва мантиқ ҳам ҳақиқатга хизмат этмаганидек, факт ва далил соҳибларининг мулоҳазалари бетайин эмаслигига гоҳо ҳеч ким кафолат беролмайди. Айниқса, Ғарбу Шарқ адабиёти орасидаги ўзаро таъсир ва ўхшашликлардан баҳс юритганда, ёлғиз бадиий ижод билан чегараланмасдан, ижтимоий-маданий муҳит, дин, сиёсат, ҳуқуқ кабиларни ҳам назардан қочирмаслик лозим. Чунки дин, сиёсат босими ёхуд мафкура измидан чиқолмай қолган ижодкор ҳатто у улкан талант бўлганда ҳам, холис қабул қилиб бўлмайдиган фикр ва ҳукмларни ўртага ташлаши мумкин. Бундай пайтда муаммо илдизига етишни унутмаслик керак.

Ўзининг менлиги ва башар табиатини етарли зайлда таниган ижодкор борки, Ғарб ва Шарқ зоҳирда ҳам, ботинда ҳам бир-бири билан боғланганлигини, бирини иккинчисидан ажратишнинг асло иложи йўқлигини мукаммал билади. Улуғ немис шоири ва мутафаккири В.Гёте айнан шундай миқёс ва юксакликда фикрлаган шахсиятлардан эди.

Дунё тамаддунининг қадим маркази бўлган Шарққа Гётенинг муносабати, мусулмон илм-фани ва маданиятига қизиқиш, Румий, Ҳофиз, Саъдий сингари бир қатор беназир сўз санъаткорлари шеъриятини қунт билан ўқиб ўрганиб, шу шеърият таъсирида шеърлар ёзгани тўғрисида турли халқ тадқиқотчилари жуда кўп асарлар яратишган. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Шарқ бадиий-ирфоний меросига Гёте диққат-эътиборининг теранлашуви, унинг бевосита ислом дини ва ҳазрати Муҳаммад (с.а.в) ҳаёти, шахсияти, оламшумул фаолиятини билиш иштиёқи билан боғлиқ. Гётенинг Шарқ ва исломга меҳр учқунларини файласуф ва адиб Гердер оловлантириб юборган экан. Гёте Қуръони Каримнинг лотинча, олмонча таржималарини ўқиб, кўп мушоҳада юритган ва Қуръон оятлари маъно-моҳиятидан дили завқ олиб, улардан баъзиларини ўзининг қарашларига мувофиқлаштириб шарҳлаган[1]. Йигирма уч ёшларида ёзишга киришиб, аммо тугаллаб билмаган “Ҳазрати Муҳаммад” драмасидаги бир лавҳада қаҳрамони тилидан у шундай деган экан: “Мен Ал-

[1] Шафиқ Жон. Мавлоно. Истанбул. 2006, 254- бет

лоҳни ҳамма жойда мушоҳада этаман: сассиз оққан булоқларда, янги гуллаган дарахтларда, ишқ оловларида фақат У билан юзлашарман...» Бу гаплар йигит чоғларидаёқ Гётенинг Қуръони карим таъсирида тасаввуф таълимоти ва ваҳдати вужуд тушунчасидан ҳам анча яхши хабардор бўлганлигидан далолат беради. Бунда қарийб пирдай йўл-йўриқ кўрсатиб, маънан Гётега раҳнамолик қилган даҳо, ҳеч шубҳасизки, Жалолиддин Румий эди.

"Маснавий" дебочасидаги "Тингла найдан..." дея бошланадиган ўн саккиз байт билан дейди, – Ў.Саноил. – Гётенинг "Ғарбу Шарқ девони"даги "Вуслат" шеъри маъно ва моҳият эътибори билан бир-бирига ниҳоятда монанд.[1] Уларнинг иккаласида ҳам яратилиш, айрилиқ, яшаш дарди, ишқ ҳасрати ва вуслатдан баҳс юритилгандир".[2]

Тўғри, руҳоний асослари, маънавий-ахлоқий ва диний нуқтаи назар эътибори билан Шарқ Ғарбдан, Ғарб эса Шарқдан фарқланади. Кенг кўламда муқояса этган файласуф шоир Муҳаммад Иқбол:

Шарқ, Ҳақро диду оламро надид,
Ғарб, дар олам ҳазид, аз Ҳақ рамид, –

дейди. Яъни: Шарқ Ҳақни таниди-ю, дунёни танимади. Ғарб дунёни севди, аммо Ҳақдан қўрқиб ўзини четга тортди. Албатта, Аллоҳга кўнгил боғлаган минтақа одамлари билан, муҳаббати моддий оламга йўналтирилган кишилар дунёқарашида сезиларли тафовутлар бўлиши табиий. Бу каби нозик фарқлар билан ҳисоблашмай туриб, ижодий яқинлик, қандайдир адабий алоқалардан сўзлаш умуман ўзини оқламайди. Бундан ташқари, мағрибдаги қайсидир қалам соҳибини зўрма- зўракилик ила машриқдаги бир шоир ё адибга ҳамфикр, руҳдош ё мусоҳиб этиб кўрсатишга уриниш ҳам илмдан эмас. Бизнингча, "Данте ва Навоий: юксак фазоларда учрашув"[3] номли мақола мазкур фикрнинг характерли мисолидандир.

Сиртдан қараганда, хоҳ ерда, хоҳ фазода бўлсин, Данте ва Навоийнинг хаёлий учрашуви илм ва ижодга яқин ҳеч бир кимсага эътироз қўзғамайди. Чунки уларнинг ҳар иккаласи ҳам миллий тил тақдири, адабиёт равнақи, юрт ва миллат бутунлиги учун матонат билан курашиб, жаҳон адабиёти шоҳсупасидан жой эгаллаган доҳий шоирлардандир. Дантенинг дард, изтироб ва армонларини Навоийники билан, Навоийнинг ғам, алам, қайғуларини ўлмас италян шоириники билан қиёслаганда, Данте ўзбекнинг Навоийсига, Навоий эса италянларнинг Дантесига ўхшаб кетиши ҳеч гапмас.

Атоқли озар олими Комил Валиевга кўра, "Даҳо санъаткор Алишер Навоий "Муҳокамат ул-луғатайн" асарида тилни тилнинг ўзи билан, хусусий табиати ва ўз бойлиги билан шарҳлаб ёритишнинг йўлини кўрсатган эди. Айни шуни италян тили учун Данте ҳам амалга оширган"[4]

Инсон ички ҳаёти, мураккаб, оғриқли кечинмалари, айниқса, мавҳум туйғулардан тушунчага ўтиш ҳолатларини тасвирлаш усуллари Навоий ва Дантеда нисбатан бошқа – бошқа бўлса ҳамки, руҳ ва тафаккурни бемурувват давр, қаттол замон қафасидан қутқазиш муддаоси улар идеалидаги бир ҳаракат ўзани эди. Бу икки даҳо ижодкор асарларидан бир-бирига нечоғли яқин ва ўхшаш жиҳат ё ифодалар топилмасин, улардаги имон-эътиқодга тегишли тафовутни тан олмасликнинг ҳам асло иложи йўқ. Агар масаланинг шу томони четлаб ўтилса ёки унга керакли даражада аниқлик киритилмаса, мавзу ва ифода ўз-ўзидан ҳаққониятини бой беради.

[2] Саноил Ў. Мавлоно ва Гёте. Истанбул. 2006, 58-59-бет.
[3] Саноил Ў. Кўрсатилган китоб, 85- бет.
[4] Мели С. Данте ва Навоий: юксак фазодардаги учрашув. "Жаҳон адабиёти" жур. 1998-йил, 2- сон
[4] Валиев К. Сўз сеҳри. Баку 281- бет

Мақола муаллифига кўра, Данте ва Навоийни замон, вақт, масофа, “буткул ўзга диний-маданий қатлам” ажратиб турса-да, аммо улар учрашадиган умумий майдон бор. “Бу майдон академиклар Н.И.Конрад ва В.М.Жирмунискийларнинг фикрича, Шарқу Ғарб учун муштарак ҳодиса бўлган Ренессанс, яъни Уйғонишдир”.

Аслида эса, Навоийни Дантедан ажратадиган “умумий майдон” худди ўша Ренессансдирки, ислом дини ва маданиятига тегишли кўпдан кўп нарсага қарши чиқиш унда умумий бир мақсад тусини олган.

Дунёга таниқли олмон файласуфи ва адиби Ф.Ницшенинг хулосаси бўйича, “Ренессанс – тушунарсиз бир ҳодиса, улкан самарасизликдир”[1]

Айрим мусулмон олимлари кескин танқид қилиб, кофирликда айбланган тўрт- беш файласуфни насроний динини қабул қилишга тайёр дея мақтовга лойиқ кўрилгани инобатга олинмаса (“Илоҳий комедия”да Ибн Сино ва Ибн Рушдга ўрин ажратилган – И.Ҳ.), ренессансчилик ислом илм-фани ва маданиятидан юз буришни тарғиб ва ташвиқ тамойилига айлантирди.

Европада ислом тарихи тадқиқотчиси сифатида танилган профессор Монтгомере Уотнинг таъкидлаши бўйича, ўрта асрлардаги Европага хос бир ҳолат, яъни XII – XIV асрлар давомида ислом динининг ҳақиқий қиёфасини бузиб кўрсатишга бўлган “Европанинг ислом дунёсидан ўзини ажратиб, юнон ва румо классик мероси ила ўзини қандай ўртага олиб чиққанини Данте аниқ ифодалаб берган. Унинг “Илоҳий комедия”сидаги айрим тушунчалари исломий манбалардан олинган. Данте Европанинг “ислом философлари қаршисидаги бурчини яхши фарқларди. Бироқ унинг асарида диққатни энг кўп тортадиган жиҳат исломнинг камситилишидир”.[2]

Хўш, ислом ва Муҳаммад (с.а.в)ни таҳқирлашга Дантедай мутафаккир санъаткорни иноитирган куч ва асос нима эди? Хорижлик бир неча тадқиқотчиларнинг умумий эътирофига кўра, қудратли маданият ва маърифатга соҳиб бўлган ислом дунёси X асрдан эътиборан XVI аср охирларига қадар бутун Европага ўз таъсирини ўтказиб билган. Бу илмий-таълимий ва маърифий таъсирнинг марказий майдони, ҳеч шубҳасизки, ислом дини эди. Аммо у ўзининг мутлақо янги бир дин эканлигини даъво қилмаганидек, ўзидан олдинги ваҳийликка асосланган тавҳид таълимотини давом қилдирганлигини ҳам сир сақламаганди. Зеро, тавҳид инончининг ҳаётийлиги ва давомийлиги мусулмончиликнинг тебранмас тушунчаларидандир. Бунга алоҳида урғу бериш маъносида Қуръони Карим Ҳазрати Одамдан бошлаб то Хотами анбиё Муҳаммад (с.а.в)га қадар бўлган пайғамбар тарихи ва турли қавмлар ҳақида ўзига хос тарзда маълумотлар беради.

Ислом дини тарих саҳнасига чиққан VII асрда насронийлик Европанинг ўрталаридан Араб яриморолигача тарқалган дин эди. Исломнинг қисқа бир муддатда араб мушриклари ва Шарқ насронийлари орасида ёйилиши, табиийки, рақобат туйғусини оёқлантирган. Дунёдаги бошқа динлар билан қиёслаганда, зўр бир тезлик билан тарқалган янги дин Муҳаммад Мустафонинг вафотидан юз йил кейин Шимолий Африка, Эрон, Ироқ, Сурия, Афғонистон, Онадўлига қадар кириб борди. Бундай ҳодиса ғанимлик ҳиссиётини қўзғаши ҳам англашиларли. VIII- IX асрларда Европада Исломга қарши ҳаракат баҳс ва мунозара шаклида кечган бўлса, ўрта асрларда энди муросасиз душманлик мақомига кўтарилгандир.

Аслини олганда, санъат ва адабиётнинг моҳиятида турли ирқ, миллат вакилларини бир-бирига қайраб, қарши қўйиб, содда, инонувчан юракларда душманлик уруғини кўкартирадиган бир нима йўқ. Қарама-қаршилик ва ғанимликнинг замини – тор ё бир ёқлама

[1] Нитше Ф.Дажжол. Христианликнинг танқиди. Истанбул,2008, 81- бет
[2] “Буюк ислом тарихи”. 3-жилд(санасиз), 553- бет

англашда, бузуқ дунёқарашда, ғоявий ҳамда мафкуравий заҳарланишда. Ғарблик азбаройи ғарблик бўлганидан шарқликка адоват нигоҳи билан қарамаганидек, шарқлик ҳам азбаройи Шарққа мансублигидан ғарбликларга паст назар ила боқмайди. Дин тақдири ва равнақи ёлғиз дин раҳбару арбобларига боғлиқ бўлмагани туфайли фикрий-эътиқодий кураш ва олишувларда сиёсат, илм-фан, адабиёт, санъат вакиллари ҳам аралашишган.

XII-XVI асрлар оралиғида Ғарб оламида ислом ва унинг пайғамбарига қарши ёзилган асарларни мусулмон олимлари томонидан махсус ўрганганилган. Ўша асарлардан айримларида пайғамбар сеҳр йўли билан инсонларни ўзига оғдириб олган, нафс ва шаҳватга қуллиги боис кўп бора уйланиб, издошларини ҳам шунга ундаган, душманларига қарши ниҳоятда шафқатсиз, христианликни бус-бутун йўқотишга бел боғлаган бир сохта расул, Исои Масиҳнинг душмани қиёфасида кўрсатилган экан. Хуллас, бунақа мазмундаги китобларни кўп сонли ўқувчиларга ўқитишдан кўзланган умумий мақсад ислом динининг илдизига болта уруш учун, аввало, унинг асосини яроқсиз кўрсатиб, қўрқув ва нафрат уйғотадиган образни яратиш эди. Бас шундоқ бўлгач, Данте каби тафаккур паҳлавонига ҳам инонувчанлик панд берган бўлиши эҳтимолдан йироқ эмас. Масаланинг бошқа бир жиҳати ҳам бор. Илмда ифодаланишича, "Инжил" инсон заифлиги, "Қуръон" эса инсон куч-қуввати асосида яралган. "Инжил"да одам қаровсиз: ёрдамга, раҳм-шафқатга муҳтож ва ҳар турли зулмга гирифтор эрур. "Қуръон" эса одамни салтанат учун сафарбар айлаб, уни яна ва яна кучли бўлишини талқин этади"[1]. Данте шу ҳақиқат ва моҳиятни ҳазм қилолмаган бўлиши ҳам мумкин. Бизнинг назаримизда, туб-тубигача хусумат ва адоватдан иборат диний-сиёсий тарғибот ва ташвиқотлар Дантени сеҳрламаганида, "Илоҳий комедия"нинг йигирма саккизинчи қўшиғида Аллоҳнинг суюкли пайғамбари Муҳаммад Мустафо (с.а.в.) ва жасорати тилларда достон бўлган ҳазрати Али тўғрисида энг оғир туҳмат сўзлар битиб қолдирилмасди. "Ушбу қўшиқда (йигирма саккизинчи қўшиқда – И.Ҳ) тасвирланган зотлар инсонлар орасида низо ва нифоқ сочганликда айбланади. Уларнинг жазоси ўзига хосдир; маҳкум бир доира бўйлаб тинмай айланади, бир нуқтага етганда, иблис уни шамшир билан ёриб ташлайди. Маҳкум доирани яна айланиб келгунга қадар жароҳат битади, ўша жазо эса яна такрорланади. Бу ерда Данте Муҳаммад пайғамбар, Ҳазрати Али, Медичи, Курион, Маска, Борн сингари зотларни учратади.

"Муҳаммад нечоғ бад, бир назар солгин!
Қаршимда юрган зот бенаво Али,
Боши қоқ иккига бўлинган, ҳорғин.
Бундаги маҳкумлар ҳаёт маҳали
Жаҳонга солганди нифоқ ва низо.
Энди жазо тортар, келмишдир гали.
Ортда пойлаб турар иблис серғавғо,
Бизни тилкалайди тиғ уриб тамом,
Ҳар бир айланганда тағин шу жазо..."[2]

Аллоҳ севган расули қиёматгача парвардигори оламнинг ардоғ ва эъзозида бўлишини имон эътиқоди соғлом ҳар бир мусулмон тушунади.

"Эй туғилиши ҳамон ҳаётга ёшлик келтирган Ҳаз. Муҳаммад (с.а.в), Сенинг тажаллинг ҳаёт дунёсининг таъбиридир... Мен сени кўрдим, отам- онамдан ҳам кўпроқ севдим. Ишқ

[1] Валиев К. Ўша китоб, 23- бет
[2] Данте Алигьери. Илоҳий комедия. Тошкент. 1975, 186- 188- бет

менда сўнгсиз бир оловни алангалатди ...", – дейди Муҳаммад Иқбол. Ҳақиқатда ҳам миллион-миллион мусулмон қалбида ана шундай туйғу ва сўзлар оловланишига асло шубҳаланиб бўлмайди. Демоқчимизки, бошқа динга мансуб ўнлаб ижодкор ҳамжиҳатликда қоралагани билан пайғамбарнинг муборак номларига заррача бўлсин қоралик юқмайди. Аммо баъзи ҳақиқатлар аниқ ва чуқурроқ тушунилса, ҳеч зарар қилмайди.

Мавлоно Жалолиддин Румий ва Данте асрдош ижодкорлар. Данте Мавлононинг ўлимидан саккиз йил олдин дунёга келган эди. Лекин барча пайғамбарлар сингари Ҳазрати Исони ҳам севиб, унга тобе дин арбобларининг ҳурмат-эҳтиромини у жойиги қўйганди. Бу – ислом дини, чинакам мусулмонлик эътиқодидаги кенглик, маънавий ҳимматми ёки Мавлоно шахсиятидаги жаҳоний юксакликми? Мавлононинг шоир ва ориф фарзанди Султон Валад ёзади: "Барча пайғамбар, вали ва восиллар бирдурлар, улардан бирини танимоқ, ҳаммасини кўрмоқ ва танимоқдир; айни замонда бирини рад қилиш, барчасини рад айлаш демак. Бир пайғамбарга душманлик ҳаммасига душманлик ҳисобланади. Бирор бир кимса қайси бир пайғамбарга куфр этса, кофир бўлғай ва бошқа бир пайғамбарни улуғлашидан, ҳеч қандай фойда чиқмайди. Аллоҳ Таолонинг бирор бир пайғамбарига ғаним нигоҳи билан қараш телбаликдан бошқа бир нима эмас"[1].

Мана шу сабабдан ҳам Шарқ мумтоз адабиётида ҳеч қайси пайғамбарни камситиб, қораланган гапга, ҳатто бир жумла бўлсин таънаю маломатга дуч келинмайди.

Маълумки, Алишер Навоий мансуб бўлган нақшбандийлик тариқатида инсон ўзлигини англаш нуқтаи назаридан латойиф тушунчаси алоҳида аҳмият касб этади. Бу тушунчага Баҳоуддин Нақшбандниng «Машойихдан ҳар бирининг ойнасида икки томон бор. Бизнинг ойнамиз эса олти жиҳотлидир», деган гапи асос бўлган. Имом Раббоний ушбу фикрни «Ойнадан кўзланган мақсад орифнинг кўнгли, икки томон руҳ ва нафс, олти жиҳот – олти латифа (қалб, руҳ, сир, хафи, аҳфо ва нафс)», деб шарҳлаган.[2]

Нақшбандийликнинг йирик назариётчиси Муҳаммад Порсо латойиф сонини еттига етказиб, инсон ҳақиқатининг етти табақа билан пардаланганини мана бу тарзда кўрсатган: 1. Шайтон ғайби. 2. Нафс ғайби. 3. Қалб ғайби. 4. Сир ғайби. 5. Руҳ ғайби. 6. Хафи ғайби. 7. Ҳақ ғайби. Мазкур мавҳумот, яъни ғайблар латифасини кашф айлаш осон кечмаганлиги учун ҳар бир ғайб мушоҳадасида бир пайғамбарга суянилган. Чунончи, илк ғайбда Одам (а.с.)га, иккинчисида Нуҳ, учинчида Иброҳим, тўртинчида Мусо, бешинчида Довуд, олтинчисида Исо ва еттинчида Муҳаммад (а.с.)га боғланилган.[3] Демак, ботиндаги ҳар турли ҳижобларни йўқотиб инсоннинг асил моҳиятини очишга бирмас, бир неча пайғамбарга суянилгани тариқатда ҳам нубувват талабларига тўла риоя этилганини тасдиқлайди.

Буни теран англаб, ўзи унга иқрор бўлмаганида, Ғарбдаги йирик тасаввуфшунослардан бири Р. Никильсон ҳеч вақт мана бундай деб ёзмасди: "Данте таваллудидан бир неча йил сўнг Мавлоно суюклиси Аллоҳ висолига етишди. Аммо Данте, яъни бу христиан шоири мусулмон замондош юксалган севги ва мушоҳада чўққисидан жуда пастда қолди..."[4]

Дарвоқе, ишқ-муҳаббат робитасига тўхталсак. Данте ва Навоий маслагидаги асосий муштараклик нуқтаси деб С. Мели ўзича ишқ ҳамда "ишқ трагизми"ни белгилайди: "...Данте ва унинг Шарқдаги ғойибона суҳбатдоши улуғ Навоий ҳам олий даражадаги трагизмга, ҳаётдаги барча ғам- алам, жабр-ситам, умидсизликларни босиб ўтиб, ҳазм этган ҳолда етишиладиган трагизм-ишққа восил бўлишган".

---

[1] Султон Валад. Маориф. Истанбул.1993,244-бет..

[2] Аҳмад Сирхиндий. Мабда ва маъод. Карачи. 1968. Сах. 19-20.

[3] Муҳаммад Порсо. Тухфатуъс соликин. Деҳли. 1970. Сах. 362-63.; Наждат Тўсин. Баҳоуддин Нақшбанд. Истанбул. 2003, 309-бет.

[4] Никильсон Р. Ислом тасаввуфи. 19……., 165-бет.

Биринчидан, Шарқдаги мутасаввиф шоирлар, жумладан, Алишер Навоий учун ҳам “ҳаётдаги барча ғам-алам, жабр-ситам, умидсизликларни босиб ўтиб”, етишиладиган “олий даражадаги трагизм” йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки ваҳдати вужуд ҳоли ва талаби ишққа фаноликда, яъни ишқ орқали олий ҳақиқат манзилини ишғол қилиш учун ҳар қандай трагизмни –бутунлай четга суриб ташлайди. Иккинчидан, ишқ тариқида ҳақиқати муҳаммадияни идрок этмоқ нималигини хаёлга ҳам келтиролмаган бир шоир билан Навоий руҳониятида қанақа яқинлик бўлиши мумкин?

Майли, буларни ҳам бир ёнга қўяйлик. Навоийнинг ҳамд шеърларини эсланг. Расули акрам таърифи ва севгиси уларнинг ҳар бирида гўё нур ва сидқи садоқат чашмасидай мавжланади.

Итларинг махсусу маҳзундур, Навоий, кошки,
Кирса бу маҳрум ҳам ул зумрайи маҳрам аро, –

дея ёзган шоир, азиз пайғамбарини жаҳаннам қаърига тиқиб, турли-турли қийноқларни унга раво кўрган бир ижодкорни ерда ҳам, кўкда ҳам ўзига яқин ололмаслигини ким билмайди дейсиз?

Юз эшигинг туфроғига сурта олғайманму деб,
Чарх қасридин қуёш ҳар кун тушар олам аро...

Зеро, мутафаккир шоир кўнглини олий мақомларга жазбалантирган қувват ана шу ишқ офтоби эди. Унинг ҳаётбахш, серхосият зиёсида Навоий исломнинг маъно оламига чуқур кириб борар, ирфоний ҳақиқатлар сирини чуқур англагани сайин, Муҳаммад алайҳиссалом шахсиятига меҳр-муҳаббати янада кучаяди.

Шарқ мумтоз шеъриятида шоирлар деярли бир турли мавзуда ёзиб, бир-бирига монанд ҳис-туйғуларни тасвирлашгани учун адабиётшунослик илмида шахсият масаласи алоҳида ўрганилмаган. Ҳолбуки, бадиий ижодда ҳал қилувчи омил, яъни бош асос шоир ё адибнинг шахсиятидир. Шахсият – бошқа бировникига ўхшамайдиган кучли, мустақил, эркин характер демак. Шахслик сифат ва хусусиятлари айнан характерда мужассамлашиб, ўзини намоён этиб боради. Ижодкорнинг адабиётга олиб кирадиган янгилиги, биринчи навбатда ўзи яратадиган Шахси. Шунинг учун талантли ижодкор ёзишдан аввал ўзини танишда ҳам, ҳаётни мушоҳада қилиш, тақлид ва такрордан тийилишда ҳам бошқалардан тамоман фарқ қилади.

Инсоний шахсият билан адабий шахсият ўртасида тўсиқ қўйиб бўлмаса-да биринчисига қараганда иккинчиси, яъни адабий шахсият ботиний, зоҳирий зиддият, таҳлика ва иккиланишларни енгиб ўтишни ички мажбуриятига айлантиради. Ҳар бир улуғ шоирда адабий «Мен»лик такомили охирги нафасгача давом этади. Зеро, маънавий ҳаётдаги ўзгариш, руҳий юксалиш, дард, ҳасрат ва алам ўзаро топишган нуқталардаги фиғону фарёдлар қаноатдан беоромликка йўлловчи эзгинлик ҳолатларини унинг ўзи ва Аллоҳдан бошқа ҳеч кимса билмайди.

Маълумки, Пайғамбар Аллоҳ билан сўзлашган, Унинг тилак ва амрларини инсонларга етказган буюк зот. Аллоҳга У қандай яқин борган бўлса, Унинг изидан юрган ҳар бир одамга ҳам илоҳий йўл шундай очиқ саналади. Шунинг учун пайғамбарлик, яъни нубувват “Бутун инсонликнинг ақли ” деб таърифланган. Бу ҳақиқат унутилиб ёки эсдан чиқарилганда Навоий наинки шеърхондан, балки ўзидан ҳам йироқлашишини ёдда тутиш лозим.

2014 йил

«ЗОҲИД БЎЛМА, ОБИД БЎЛМА...”

Ўн иккинчи асрдан кейин Ғарбда «Ҳур тушунча» деган тасаввуфий ҳаракат ташкил этилиб, сўфиёна ва орифона фикру туйғуларни ўзлаштириш ҳамда тарғиб этишда катта натижаларга эришган экан. Янада аниқроқ қилиб айтиладиган бўлса, инглизларда XV асрлардан эътиборан «дарвеш», «сўфий» атамаси кенг ишлатилган. Тасаввуф тадқиқотчиларининг умумий эътирофларига кўра, «Орифнинг қалби Арш ва курсидан ҳам кенг бўлмоғи муҳаққақдир. Зеро, Арш ва курси ва буларнинг ичидагилар олами жисмонийдур. Қалби солимнинг руҳи инсонийдурки, у амри Раббоний эрур... Ориф бирор бир қавм ёхуд миллатнинг эмас, жаҳоннинг султонидур». Орифлик луғавий маънода, билган, воқиф, ошно, таниган, англовчи, ирфон ва маърифат соҳиби демак. Тасаввуфий истилоҳда эса Аллоҳнинг зоти, сифоти, исм ва феълларини мушоҳада этган киши маъносини билдиради. Аҳмад Яссавийнинг “Фақрнома”сида орифлик фақрнинг сўнгги мақоми сифатида таърифланиб, Муҳаммад мустафодан мерос қолганлиги айтилган.

Абу Туроб Нахшабийдан орифнинг фазилатлари ҳақида сўрашганда: «Ҳеч бир нарсадан кирланмайдиган ва ҳамма нарсани ўзи ила поклайдиган кишидир ориф», – деган экан. Абу Наср Саррожнинг таъкидлашича, «Мўмин билан ориф орасидаги фарқ шундайдир: мўмин оламга Аллоҳ нури билан боқади, ориф эса Аллоҳнинг ўзи ила назар ташлайди. Мўминнинг қалби бордир. Орифники йўқ. Мўминнинг кўнгли зикри илоҳий ила ором олади, ориф эса Аллоҳдан бошқа ҳеч нимадан роҳатланмайди». Мана шунинг учун ҳам ориф Шарқ тасаввуф адабиётида марказий мавқелардан бирини эгаллаганди. «Зоҳид бўлма, обид бўлма, ориф бўл». Бу – туркий адабиётнинг асосий ғоявий даъватларидан эди. Ва бунинг ёрқин исботини Алишер Навоий ижодида ҳам кузатиш мумкин. Навоий шеъриятида орифга хос фазилат, хусусият ва орифона маънолар тасвири кенг ўрин ишғол этган. Бу тўғрида навоийшуносликда айрим умумий фикрлар айтилган бўлса-да, мавзу махсус ўрганилмаган.

Орифларнинг фикр-қарашларида ҳам ҳар хиллик бўлган. Бир ориф “ҳеч бир нарсани кўрмайманки, унинг ортида Аллоҳни кўрмасам”, деса, бошқа бири “ҳеч бир нарсани кўрмайманки, унда Аллоҳни кўрмаган бўлсам”, деган. Яна бошқаси, “Ҳеч бир нарсани кўрмаганманки, ундан олдин Аллоҳни кўрмаган бўлсам”, деса, навбатдагиси “фақат Аллоҳни кўраман”, деган. Шунингдек, “Ёлғиз Аллоҳ кўринади, У эса кўринмайдиган Аллоҳ эрур”, дегувчилар ҳам бўлган. Мана шу беш ҳол, яъни тавр ташқи борлиқдаги ҳоллар бўлиб, комил ориф бу ҳолларнинг барисини ўзида мужассамлаштира билган. Хуллас, орифнинг Аллоҳ билан доимий унсияти, ажралмас дўстлиги бўлган.

Ибн Синога кўра, «борлиғининг сиррини ва илоҳий Сирга оид ҳақиқат нурларини идрок этган, шу мақсад ила тушунчасини жабарут оламига қаратган шахсга ориф» дейилади. Ориф охират завқи ва мукофоти учун эмас, «валилик ишоратларини англамоқ учун» Аллоҳга юз қаратган. Орифлар наздидаги маънавий-руҳий ҳаракат уч босқичдан иборат. Биринчиси – ирода ҳоли, иккинчиси – риёзат ва учинчиси, диққати таксиф учун ўзни ҳилмлаштирмоқ. Тасаввуфда «ирфон» самимий ва давомли бир илоҳий суҳбат маъносини ҳам билдиради. Шу сабабдан Сулаймон Боқирғоний:

Суҳбатлик орифларга жоним бериб,
Суҳбатсиз нодонлардан қочғим келур, –

деган. Орифнинг ибрати, энг аввало, тарки даъво, тарки такаллуф, тарки ҳубби мосиво (ғайрни севмак) ва тарки тасаллуф (тилёғламалик ва ялтоқланиш)га эришишидадир.

Борлиқда фоний бўлиб, Ҳақнинг борлиғида тирилмоқ идеали билан яшаганлиги учун ҳам орифнинг ҳолатларида шошқинлик, бесаранжомлик. шикоят ва тангдиллик мутлақо кўзга ташланмайди. Ориф мушоҳадага киришар экан, Аллоҳнинг ҳаёт, илм, ирода, қудрат, камол сингари сифатларини билиш билан чекланмайди, балки бутун борлиқ – коинот ва инсонийлик сирларидан ҳам огоҳликка эришади. Бу ҳам бежиз эмас. Тасаввуфда тариқат аҳллари учун турли мақом ва вазифалар белгиланган. Энг охирги мақом орифлар мақоми – сиём (пархез), қиём (қойим туриш) ва муроқаба бўлиб, уларнинг устози Муҳаммад алайҳиссаломдир. Бу ерда муроқаба ҳақида алоҳида тўхталишнинг имкони йўқ. Лекин орифнинг муроқабаси холиққа давомли назару бошқасини кўрмоқни унутиш эканлигини эслатиб ўтиш керак, албатта.

«Орифлар самовий мажмаисида кўнгиллар тарвиҳи (роҳат ва сокинлиги) учун уч нимага муҳтождурлар, – дейди Алишер Навоий, – равойиҳи таййиба (тавба латофати ва хушбўйлиги), важҳи сабиҳ (сабаб ёки йўл гўзаллиги), сурати малиҳ (ҳол ва кайфият чиройи)».

Кўнглини поклик камолига етказгач, орифнинг Руҳ ва хаёлот оламида эврилиш юзага келади. Ва бунинг таъсири табиат дунёсига бориб боғланади. Чунки ориф ниҳоятда кучли, ниҳоятда нурли ҳиссиёт соҳиби. Ибн Синонинг айтиши бўйича, ориф сирли ёхуд ғайбий бир нарсадан сўзласа, табиат олами бағрида, албатта, шу нарсанинг изоҳи мавжуд бўларкан. Шунинг учун Аҳмад Яссавийиннг «Ориф ошиқ жон мулкида алам тортса, Ўн саккиз минг қомуғ олам ғулғул бўлур», деган гапларига бир шоирона муболаға, деб қарамаслик керак. Ориф қисмати ва орифлик салоҳиятига доир мазкур ҳақиқатлар турли шаклларда Навоий шеъриятида ҳам талқин этилган. Шоир бир ғазалида ёзади:

Саҳфаи хотирда, эй ориф, керактур ёру бас,
Софийи ваҳдатқа хошоки хавотир қотма кўп.

Бу – хотира кўзгусини поклаш ва кўнгил нигоҳини ёлғиз Ҳаққа қаратишга даъват бўлиб, унинг замонавий талқини бундай: орифлик – ташқи дунё ахборот ва маълумотларидан воз кечиб, кўнгилни илоҳий алоқа ва маълумот манбаига айлантириш ҳамда ваҳдат мақомига эришишдир.

Тасаввуфда хавотир етти турга ажратилган. Булардан, айниқса, нафс, шайтон тарафидан қалбнинг қўлга олиниши ва ақл жиҳатдин қалбга етказилган хутур жуда ёмондир. Булар тўла барҳам топмоғи лозим. Ана шунда орифликнинг бошқа бир шарти ўз-ўзидан амалга ошади. Зеро, орифликда беҳуда баҳс ва эътирозга ўрин йўқ.

Фақр кўйида мусаллам тут неки қилсанг истимоъ,[1]
Ориф эрмас ҳар кишиким қилса ирфон бирла баҳс.

Хуллас, орифнинг кўнгли илоҳий файз ва ганж билан нечоғлик бойиб, мушоҳада ва муроқаба йўли билан комиллашиб бормасин, унинг вазифаси сира дам урмасдан, буларни яширин тутмоқдир. Шу маънода Навоий орифни қуёш нур тўкса-да, ўзгариш кўзга ташланмайдиган азим дарёга қиёслайди:

Эрур, орифға ганжи файз етса,
Иши дам урмайин ани ёшурмоқ.
Қуёш акси тушуб дарё ичинда,
Не мумкиндур онинг сувин тошурмоқ.

[1] Истимоъ — эшитмоқ. тингламоқ.

Ориф маъруфи висолига интилиб, мақомдан мақомга, ҳолдан ҳолга кечгани сайин унинг сийратида ўзгариш ва янгиланишлар содир бўладики, алал-оқибатда у завқ ва ҳайрат тузоғига тушган қушга ўхшаб қолади. Шунда унинг сўзга, тилга муносабати ҳам тубдан ўзгаради. Маъно олами ва ҳақойиқ уммонига сайр этувчи орифлар наздида тил нуқсонли бир нарсага ўхшаб туюлгани боис улар сўзлашдан кўра сукутни мақбул ва афзал кўришган.

Ҳикматнинг боши сукутда деб билганлиги ва шунга амал қила олганлиги туфайли, ориф офати лисондан тамоман халосдир. Сукут одобига эришиш ва амал қилиш умуман тасаввуфдаги муҳим талаб бўлганлиги учун Румийнинг машҳур «Маснавий»сида бунга махсус боб ажратилган. Бу тўғрида Аҳмад Афлокийнинг «Маноқиб ул-орифин» асарида қимматли маълумотлар мавжуд. Қолаверса, Навоий "Лисон ут-тайр"да айни шу масаладан баҳс этганлиги боис ҳам «Шарт буким, онглагон шарҳ этмагай. То тилдин бошқа офат етмагай», деган таъкид сўзларини битган.

Маълумки, ҳамма замонларда тасаввуфни динга, динни тасаввуфга қарам қилиш ёки қарама-қарши қўйишга уринишлар бўлган. Орифнинг маслаги айни шундай бирёқламалик ва маҳдудликдан озоддир. Ориф учун тасаввуф дин бўлмаганидек, динсизлик ҳам эмас, балки диндорни ҳам, динсизни ҳам Аллоҳ ишқи ва илоҳий Гўзалликка восил этадиган бир жабхадир. Дунёдаги барча динларнинг ўз муқаддас китоблари мавжуд, улар ўз масжидлари, черковлари, бутхона ва ибодатхоналарига эга. Тасаввуфда дини, ирқи, мазҳаби, миллатидан қатъи назар, олам халқини бирлаштирадиган ягона ибодатгоҳ бор. Бу – тасаввуфий ҳаётнинг бош манбаи – Дил ва Кўнгул. Тасаввуфда илоҳий китобларга тавҳид мақомларини англатувчи рамзий маънолар бағишланган. Чунончи: Инжил исмлар тавҳиди, Забур феъллар, Таврот сифатлар, Қуръони карим зот тавҳидига тимсол эрур. Қуръон зот оламидан тажалли топган китоб бўлганлигидан унинг қадри бағоят баланд: Мавлоно Румий бир рубоийсида «Етмиш икки миллат сиррини биздан тингланг. Биз икки юз мазҳаб аҳли ила бир пардада сўзлашадиган найга ўхшаймиз», – деса, Юнус Эмро: «Етмиш икки миллатни бир кўз ила кўрмаган, Шарънинг авлиёси эрса-да, ҳақиқатда осийдир», – дейди. Навоийнинг орифона шеърларидаги мазмун умуминсоний ана шу тушунчаларга ҳамоҳангдир.

Инсоният тамаддуни тараққиётига кучли таъсир кўрсатган таълимотлардан биттаси, ҳеч шубҳасиз, Суқрот яратган Қалб концепцияси ҳисобланади. Бу таълимотдан Суқрот инсоннинг ақидапарастлиги, ўз-ўзидан қаноатланиши ва мағрурликка қарши тўхтовсиз курашида фойдаланган эди. Шарқда бундай вазифани ўз зиммасига олган ва ўз-ўзидан мамнунлик, мағрурлик ҳамда худпарастликка доимо ботиний қаршиликда яшаган ва гоҳо очиқ курашган кишилар дарвешлар ва орифлар бўлган. Уларнинг тушунчасида, кибр – инсоннинг ўз жони ва имонига зулм ўтказиши, зулмнинг ҳар қанақа хили эса Ҳақ қаҳрига учрамоқдир. Шу ўринда бир ҳақиқатни алоҳида таъкидлаш жоиз кўринади. Жаҳондаги барча динлар ва диндорлар у ёки бу даражада ҳокимият, сиёсат ва султонларга хизмат қилганлар. Дин ва сиёсат ўртасидаги яқинлик баъзан яхши натижалар берган бўлса, баъзан жуда салбий ишга айланган.

Инсоннинг бахтими, бахтсизлигими – буни ҳамма вақт ҳам қатъий белгилаш қийин-ку, аммо туйғу, ҳолат ва кайфиятлари каби инсон «Мен»лиги ҳам тез ўзгарувчандир. Бунинг сабабларини чуқур мушоҳада қилгаи тасаввуфшунос Гуржизода бундай дейди: «Инсоннинг индивидуал «Мен»га эга бўлмоғи беҳад қийин. Бунинг ўрнига, кўп ҳолларда, ўзаро алоқасиз, келиштириб бўлмас, бир-биридан йироқ юзлаб ва минглаб майда «мен»лар мавжуд бўлади. Ҳар бир дақиқа, ҳар бир вазиятда инсон «мен» деб ўйлайди. «Мен» деб сўзлайди. Бироқ ҳар гал бу «Мен» бир-биридан фарқланувчидир... Яъни инсон – бу кўпликдирки, унинг номи легион эрур». Легионичиликнинг ўзбекча ифодаси– оломончилик. Оломончи-

лик эса – нафсу тама, шуҳрату хусумат, жаҳолату зўравонликнинг аскарчаси сифатида турланиб, парчаланиб, майда ақидаларга ёпишиб яшаш, руҳоний қиёфасизликка кўникиш, риё ва мунофиқликдан азоб чекмаслик демак. Орифнинг энг буюк фазилати ва ҳамма замонлар учун бир хилда ибратли хислати ана шу оломончиликка тамоман зид равишда инсоний Моҳият бутунлиги ва маслак мукаммаллигига эриша олганлигидир. Сўз, ҳол ва амал мувофиқлиги, фикр ва эътиқод бирлиги маъносида орифдан ҳар қанча ўрнак олса, ўшанча кам.

Ибн Арабийнинг таърифлаши бўйича, ориф бамисли бир тупроқ. Яхшини ҳам, ёмонни ҳам енгиб билади. У беҳуда ва бефойда ҳеч бир ишга қўл урмайди. Энг муҳими, "ориф мамлакатнинг оғир юкини елкасига олади. Барча масалаларнинг пинҳоний жиҳатларини юзага чиқаришни истайди. Ва фикр-тушунчаларини ўзининг шахсиятига мувофиқ тарзда ўртага ташлайди". Зеро, Аллоҳ ва оламни завқ ҳамда ишқ йўли билан таниш имтиёзи тўла равишда орифликда намоён бўлиши Навоийни ҳеч шубҳалантирмаган.

КОМИЛЛИК ОРЗУСИ

Аллоҳ таоло яратган борлиқлар орасида энг улуғи, энг шарафлиси Инсон ва унинг камолига ҳамма нарса, ҳатто ақл ҳам ҳайрон, деган фикр Алишер Навоийнинг асарларида қайта-қайта таъкидланган. Дарҳақиқат, инсоннинг дунёга келиши ва онгли ҳаёт кечиришидан бош мақсад камолотга эришувдир. Комиллик туйғуси – фақат инсонга хос туйғу. Чунки мушоҳада завқини тотиш, танқидий нуқтаи назардан ўзига ўзи баҳо бера олиш ва ноқисликларини бартараф айлаб, мукаммал бир ўзликка соҳиб бўлиш ёлғиз инсонга насиб қилувчи салоҳият эрур. Демак, шахснинг ҳаётдаги асосий комиллик саодатидан бенасиб бўлмасликдир. Абдулкарим Жилий "Инсони комил" китобида "Ҳақнинг миръоти Инсони комил бўлганидек, Инсони комилнинг миръоти Ҳақдир. Чунки жаноби Ҳақ асмосини ва сифатини инсони комилда кўриш ва кўрсатишни вожиб этмишдир", – дейди. Шунинг учун ҳаётнинг яхшиланиши, ақл ва тафаккур ривожи, дунёнинг эзгуликка қараб эврилиши бевосита Инсони комилнинг мавқеи ва кўпайишига боғлиқ. Навоийнинг комил инсон куч-қуввати, фазилат ва имтиёзларига катта умид билан қарашининг биринчи сабаби мана шудир.

Алишер Навоий нуқтаи назарида комилликнинг муҳташам пойдевори ҳам, олий чўққиси ва сўнмас нур манбаи ҳам ишқдир. Мутафаккир шоирнинг:

Бўлмаса ишқ–икки жаҳон бўлмасун,
Икки жаҳон демаки, жон бўлмасун, –

деган мантиқий инкорининг замирида ғоятда буюк эътироф ётади. Чунончи,комилликнинг дахлсиз шарти–ишқ ва ошиқликдаги комиллик эрур. Шу ўринда ошиқликнинг энг эътиборли бир сифатини қайд этиб ўтиш зарурга ўхшайди. Жалолиддин Румий "Маснавий"сида "Рўзҳо бо сўзиҳо ҳамроҳ шуд"–"Кунлар ёнишлар билан ҳамроҳ бўлди" демиш. Навоийда ҳам ошиқлик камолоти фақат дард ва изтиробда эмас, ёниш, ёлқинли кўнгил билан яшашдадир. Буни алоҳида таъкидлашимизнинг яна бир жиҳати бор. Шарқнинг буюк файласуф шоири Муҳаммад Иқбол диний маҳдудлик ва ҳар турли ақидапарастлик иллатлари хусусида тўхталиб: "Мусулмоннинг табиати ишқ туфайли баланд эрур. Мусулмон агар ошиқ бўлмаса кофирдир",–дейди. Навоий эса ишқ кофир нафсни мусулмон айлашига тўла ишонч билдирган. Буни Навоийнинг комиллик тўғрисидаги қарашларининг таянч нуқтаси, дейиш мумкиндир.

Комил инсоннинг таъриф-тавсифи учун Навоий неча ўнлаб улуғ зотлар – пайғамбарлар, машҳур шайхлар, ориф ва дарвешларнинг сифату хислатларига диққатни жалб этади, аммо ҳеч қачон ишқ гўзаллиги, ишқ ва изтиробнинг оламшумул моҳиятини ёддан чиқармайди. Бу эса, ўз навбатида, поэтик маъно ва образли ифодаларнинг узлуксиз равишда янгиланиб боришига кенг йўл очгандир.

Алишер Навоийнинг комиллик ҳақидаги фикр қарашлари, асосан тўрт устувор асосга таянади. Булар: Аҳлоқ гўзаллиги, Қалб поклиги, Руҳоният қудрати ва Тафаккур балоғати. Навоий Комил инсон деганда, нафсоний эҳтиёж ва талаблардан ғолиб келган ва мутлақ тарзда маънавий-руҳий ҳурриятга эришган инсондаги янги ва ҳар жиҳатдан ибратли "Мен"ни назарда тутган. Бу "Мен" эса энг собит, энг ёруғ дунёвий ҳамда илоҳий ҳақиқатларнинг бош меҳваридир. Шунинг учун Навоий шеъриятида тасвирланган Комил инсон муаммоси тадқиқ этилганда, ана шу "Мен"нинг ботиний ҳаёт йўли, руҳий юксалиши ва кўнгил оламидаги ўзгаришларга алоҳида диққат қилиш ниҳоятда зарур.

Комиллик тўғрисида баҳс юритилган айрим асарларни ўқиганда, комиллик мақоми замин одамига насиб этмайдиган бир идеалга ўхшаб туюлади. Тўғри, комил инсон даражасига кўтарилиш жуда сермашаққат,кўп риёзат ва назоратни талаб этадиган иш. Тасаввуф таълимотида белгиланган комиллик шартлари янада мураккаб. Комил инсон тушунчасини тасаввуфда биринчи бўлиб назарий жиҳатдан жуда теран шаклда ёритиб берган Ибн Арабийнинг эътирофи бўйича: "Инсони комилдан юқори мукаммал бир мавжудлик йўқдир. Бу дунёда инсонлар орасида камолга етишмаганлар ҳайвони нотиқ, яъни фақат суратда инсондир". Худди шу боис ҳам Навоий бу масалада "аҳли маъни" ҳақиқатини биринчи планга олиб чиққан ва уни бевосита юрт, миллат, дин, имон, виждон, инсон севгиси кабилар билан уйғунликда бадиий талқин қилиб берган.

Алишер Навоийнинг Инсони комил баҳсидаги фикр-мулоҳазаларини дин ва шариат, тасаввуф ва тариқат мафкураси билан чегаралаш, албатта, тўғри эмас. Чунки ҳамма даҳо санъаткорларга ўхшаб Навоийнинг дунёқараши миллий заминдан, миллий қадрият ва фазилатлардан қувватланиб борган. Абу Усмон Амр бин Баҳр ал-Жоҳизнинг "Фазоъил ал атрок", яъни "Туркларнинг фазилатлари " деб номланган китобида туркийлар ялтоқланиш, ялтироқ сўзларни ишлатиш, гап ташиш, сохтакорлик, фирибгарлик, риё, дўсту биродарларига нисбатан кибр, оқибатсизлик, бидъат нималигини билмасликларини таъкидлаб яна бундай дейди: "Туркийлар араблардан бошқа миллатлар орасида ватан севгиси энг юксак бўлган миллатдир. Чунки уларнинг вужудларида ўзга миллатлар соҳиб бўла олмаган даражада мамлакатларига тупроқларига боғлиқлик, ўхшашлик ва садоқат бордир...". Навоий комил инсон мавқеи ва истиқболи тўғрисида қайғураркан, авлоддан-авлодга мерос бўлиб келган ана шу ҳислатларни назардан соқит қилмаганлиги ҳам шубҳасиздир. Зеро, Навоий миллат онги ва кўнглини майда ҳислар, ўткинчи ва тубан ақидалардан поклашга тўсиқлик қилувчи зулм, зўравонлик ва зулмат қўрқувидан тамоман фориғ эди. У фикри очиқ, имон-эътиқоди хатолик ва ожизликлардан озод, руҳонияти соғлом, тўғрилик, ростлик ва ҳақиқатни умрининг туб моҳияти, деб билган эл учун асарлар яратиш эҳтиёжини ниҳоятда теран мушоҳада қилмаганида, комил инсон мавзусини бунчалик илҳом билан ёритмаган бўларди.

ТАФАККУР ВА ТАСАВВУР ЧЕЧАКЛАРИ

Шарқ мумтоз адабиёти, аввало, Моҳият адабиёти бўлиб, у маънога толиб, руҳониятга ошиқ бир адабиётдир. Шунинг учун моддадан кўра маънога унда эътибор доимо баланд бўлган. Фикр, туйғу, мушоҳада, изланиш ва ифода – буларнинг барчаси ўтмиш адабиётида, аввало маъно ва моҳиятга асосланади. Илоҳий ҳақиқатларни англаш, уларни эркин ўзлаштириш йўли – бу ҳам маъно йўли. Ҳатто айрим мутасаввиф ижодкорлар руҳни ҳам вужудга ҳаёт бағишловчи бир маъно деб билишган. Уларга кўра, маънисизлик зулматини маъни нури билан бартараф айлаш, ақл, ахлоқ ва қалбдаги бўшлиқларни маъно билан тўлдириш, тафаккурни фақат ва фақат маъно дурлари билан бойитиш – маънавий туғилиш ва ўсиб-улғайиш дегани мана шу ҳисобланади. Зеро, инсоннинг асили ва комили ҳам аҳли маънига мансуби. Шуни назарда тутиб, Алишер Навоий:

Аҳли маъни гуруҳида зинҳор,
Ор айлама ҳеч гадолиғдин, –

деган. Аҳли маъни шу даражада қадрли, шу қадар мўътабардир. Акс ҳолда Навоий:

Ким дедим, узлат эшигин очқамен,
Даҳри бемаъни элидин қочқамен, –

демасди. Аслида даҳр бемаъни бўлмайди: унинг ҳар бир ҳаракати, ранги ва оҳангида маъни бор, ибрат бор. Уни маънисиз кўрсатадиган ёки бемаъниликка маҳкум этадиган одамдаги гумроҳлик, жаҳолат ва маҳдудлик. Булар моҳиятни бузадиган, ақл-идрок қийматини ерга қориштирадиган иллат ва ноқисликлар эрур.

Аё нодон, маъно бўл деб айди, билдим,
Ондин сўнгра чўллар кезиб, Ҳақни сўрдим,-

дейди Хожа Аҳмад Яссавий. Бу гапнинг замирида илоҳий моҳиятингни бил, Ҳақ ва ҳақиқатдан ғофил яшашни умр ҳисоблама, деган мазмун яширинган.

Алишер Навоий бир тилда эмас, балки икки тил – туркий ва форсийда тафаккур оламини сайр айлаган, бебаҳо маоний хазинасини яратган санъаткор эди. Шоир “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида “олти мингдин абъёти адади кўпроқ” форсий девонида “кўп турлик дилкаш адолар (ифода ва тасвирлар) ва дилпазир маънолар” мужассамлашганини айтган бўлса, бошқа бир асарида бундай дейди:

Форсий назм ичра чун сурдум қалам,
Назмнинг ҳар синфини қилдим рақам.
Файз еткач, ул маонийдан манго
Топти белгу назми Фонийдин манго...

Навоий форс-тожик тилида ёзилган шеърларида гарчи Фоний тахаллусини танлаган бўлса ҳам, унинг қалби боқийлик файзи, боқий сўз ва моҳият илҳоми билан тўлиб-тошган эди. Шунинг учун ҳам мутафаккир шоир Румий, Ҳофиз, Саъдий, Жомий сингари даҳолар изидан бориб, форсий шеъриятга ўзининг муносиб улушини қўшиш шарафига эришган эди. Бироқ “адабиёт ва санъат оламида энг теран бир қараш соҳиби бўлган” Заҳириддин

Муҳаммад Бобур Навоийнинг форсий тилдаги “баъзи абёти ёмон эмастур, вале аксар суст ва фурудтур”, дейди. Устод Абдурауф Фитрат эса “Навоийнинг форс тилида ҳам теран, уста бир санъаткор” эканлигига ишонч билдириб, “Бобурнинг маълумотини кўб-да қабул эткусимиз келмайди”, деган хулосани илгари суради. Бобур устозининг форсий меросини умуман инкор қилгани йўқ, балки унда ғоявий-бадиий қуввати юқори, юракка кучли таъсир ўтказадиган шеърлар камроқлигини таъкидлаган, холос. Фитратда ҳам Бобурнинг фикрини бутунлай рад этиш мақсади бўлмагани боис уни “кўб-да”, яъни тўла қабул қилолмаймиз, деган. Умуман олганда, “Девони Фоний” бадиий ижод тажрибасида кам учрайдиган ҳодиса. Унда ўқиса ўқигулик, мақтаса мақтагулик шеърларнинг кўплиги шак-шубҳасиздир.

Ундан ўрин олган ғазал, рубоий, қитъа, хуллас, Навоий қалам тебратган ҳар бир жанр ўзича буни тасдиқлашга қодир. Мана, қасида жанридаги шеърларни олайлик. Шоирнинг форсий тилда яратилган қасидаларини эътибордан четга суриб, унинг қасиданавислик майдонидаги хизматларини баҳолаш мумкин эмас. Зеро, “Ситтаи зарурия” ва “Усули арбаа” туркумидаги қасидалар мазмунан бири-биридан теран, мушоҳада ва тасвирда мусобақалашадиган даражада гўзалдир. Навоийнинг ўзи таъкидлашича, “Ситтаи зарурия”даги “Руҳ ул-қудс” деб номланган илк қасида Аллоҳ ҳамдига бағишланган бўлса, кейингиси, яъни “Айн ул-ҳаёт” “Мустафо мадҳи сарчашмаси файзидан томчилар”дир. Демак, булар Ҳақ ишқи ва сарвари олам Муҳаммад алайҳиссалом муҳаббатидан туғилган ва бошдин-охир сидқу ихлос, эътиқоду самимиятдан яралган асарлар эди.

Ҳайриятки, дунёда жонни роҳатлантириб, кўнгилга куч-мадор бағишлаб, моҳият эътибори ила руҳни, имонни асраб-авайлайдиган илоҳий тушунча ва калималар бор. Инсонни шулар Ҳақ ва ҳақиқат йўлларига бошлайди, шулар ахлоқ ва қалб хасталикларини даволайди, бандасини шулар куфру гуноҳдан халос айлайди. Ахлоқда, тафаккурда ва руҳониятда уларга суянилмаса, улардаги маъно-моҳият сир-асрори тўхтовсиз равишда кашф этиб борилмаса, одамзод ихтиёрий равишда ўзини азоб-уқубат, кулфат ва бадбахтликларга гирифтор этаверади. Қуръони карим ҳар бир ҳақпараст, маърифатсевар инсон учун умид ва муҳаббат, қисмат ва саодат қомуси. Унда таъкидланишича, Муҳаммад алайҳиссалом энг улуғ ахлоқ соҳиби, Ҳақ элчисидир. У коинотнинг сабаби, хилқатнинг аввали, нубувватнинг ҳотами эрур. Мусулмон оламида бирор бир атоқли ё машҳур зот йўққи, Ҳақ таолонинг охирги пайғамбари ва ҳабиби Муҳаммад алайҳиссаломнинг шариати, яъни муборак йўлидан четлашган бўлсин. Чунки бу йўл – тўғрилик, адолат, муҳаббат ва комиллик йўли. Расулуллоҳни севмасдан, ўзини шу севгига фидо қилмасдан, илоҳий ишқ завқига етишмоқ душвордир. Пайғамбаримизга муҳаббат – бу мутлақ холис ва соф муҳаббат. Бу фақат ақлий бир севги эмас, балки кўнгил ва руҳ ишқи. Навоий “Айн ул-ҳаёт”да шу ишқ туғёни тўлқинларини ўзига хос самовий миқёсда манзаралаштиради. Ва бу ишқдан бенасиб нафс бандалари хусусида жумладан шундай дейди:

Девмардум, яъни бозор аҳли юлғичлик учун,
Шайланиб, очгай дўкону суди савдо айлагай.

Олди-сотди айлашаркан, жўш уриб инсофлари,
Бўрёнинг қийматин бир халта тилло айлагай.

Қозихона аҳли, кофирлар синиқ дирҳамни деб,
Юз мусулмон мулкини олмоққа фатво айлагай.

Дунҳиммат, пасткашлар азбаройи нафси шум,
Ўзгаларнинг эшигида ўзни расво айлагай.

Мутасаввифларнинг эътирофи бўйича, қалбнинг илм билан тўлиши денгизга ўхшайди. Чунки Расулуллоҳнинг қалби илм ва ҳидоят билан тўла, долғали бир денгиз эди. Илм ва ҳидоят унинг қалб денгизидан нафсига ўтгач, илм ҳарорати юзага чиқиб, нафснинг сифатлари ўзгаради. Ва табиати буткул баркамоллашади.

"Пайғамбаримиз (с.а.в.) "Сиз дунё ишларини мендан кўп яхши билурсиз", деяроқ дунёни халққа изофа этди ва нафсини дунёга дахлдор даврадан чиқарди", дейди Абу Наср Саррож. Навоий эса ушбу ҳақиқатни тушунган ва унга амал қилишни зиммасига олган кишиларни назарда тутиб:

Гар кўнгил жамъи висол бўстони сари бурса юз,
Тонг эмаским, тарки дунё, тарки уқбо айлагай,

деган эди.

Одам умри гўзаллик ва чиркинлик, яхши ва ёмон, мағлубият ва муваффақият каби зиддиятли, бири иккинчисига мувофиқ келмас тушунча ёхуд ҳақиқатлар меҳварида айланади. Инсон ҳаммасидан кўпроқ ўзини билиш ва танишда адашгани боис, нима оқ, нима қора, нима тўғри, нима нотўғри – буларни вақтида фарқлай олмайди. Ҳақ билан яқиндан боғланолмаганлиги учун нафсдан у узоқлашолмайди. Нафсу ҳаво таъсиридан қутулиб билмаган ақл эса кундан кунга майдалашиб, соҳибини манфаат, тама қўғирчоғига айлантиради. Ички ҳаётдаги чалғишлар, бузилиш ва айнишлар нима? Улардан қутулишнинг асосий чоралари қанақа? Безавол бир саодатга эришиш мумкинми, йўқми? Кимга суянганда ва кимдан ибрат олганда одам хато қилмайди, фалокатга йўлиқмайди?

"Қут ул-қулуб" ("Қалблар озуқаси") ва "Минҳож ун-нажот" ("Нажот йўли") қасидаларида худди шундай саволларга теран жавоблар бор.

Ҳаёт ва олам ҳеч қачон бир жойда тўхтаб ёки турғунлашиб қолмайди: табиатдаги ҳар бир нарсада ўзига хос бир ҳаракат, ички ва ташқи ўзгаришларда бўлади. Шунинг учун тун бағрида кун туғилади, ойлар ўзаро ўрин алмашиб, фасллар ўзгаради. Фасл янгиланар экан, инсон табиати ва ҳолатларида ҳам, албатта, ҳар турли эврилишлар юзага келади. Алишер Навоий "Фусули арбаъа", яъни тўрт фасл деб номланган ва Баҳор, Ёз, Куз, Қиш тасвирларига бағишланган қасидаларида, аввало, ана шу ҳақиқатга асосланади. Улуғ шоир ҳар қайси фасл сийрати ва сувратини жуда ёрқин очиб берадиган ҳодиса ҳамда манзараларни бири иккинчисини такрорламайдиган турфа ранг ва оҳангларда жонлантиради. Бу эса Султон Ҳусайн Бойқаро мадҳига бағишланган сўзларнинг самимий ифодаланишида ҳам алоҳида аҳамият касб этган, дейиш мумкин. Навоий Бойқаро таърифида:

Ҳашамат чўққиси сенга муяссар бўлди чун,
Арш ҳам пойингдадир магар, етолмайин хуноб, –

каби юксак фикрларни ёзар экан, айни пайтда қаҳратон қиш азобларига чидаб, кун кечираётган ночор одамларнинг аҳволини ҳам назардан четда қолдирмайди:

Камбағал шўрлик қалтирар, кўнглида шавқи олов,
Мисоли майхўр бошида ҳавойи кайфи шароб.

Қашшоқ, бечораҳол гўё қулоғи том битган,
Елкаси ёпишиб икки қулоғига, ҳижоб.

Жисмида титрашдин ўзга ҳаёт нишони йўқ
Гўё ўликка жон соларкан, титратур Ваҳҳоб...

Қайси бир йўл ва қайси бир тарзда бўмасин, Навоий барибир ҳақиқатни айтади, кўнгли халқ аҳволининг шаффоф кўзгуси эканини барибир билдиради. Навоийнинг форсий қасидалари фавқулодда юксак фикр мақомида яратилган. Айниқса, "Ситтаи зарурия"даги қасидалар фалсафий-ирфоний мушоҳаданинг чуқурлиги, руҳоний завқнинг баландлиги ва ёрқинлиги билан ўқувчини ҳайратлантиради. Меҳр ва ихлос билан уларнинг таржима қилинишига асосий сабаб ҳам шунда бўлса керак, деб ўйлаймиз. Навоий ўзбек тилида "Ҳилолия" деб аталган битта қасида ёзган. Қолганлари форсийда битилган ва мутафаккир шоир уларда қасиданавислик маҳоратини бекаму кўст намоён айлаган. Ушбу қасидалар илк бора Навоийнинг йигирма жилдлик Мукаммал асарлар тўпламида насрий таржималари билан бирга нашр этилди. Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол ғазаллар билан бирга ўн қасиданинг шеърий таржимасини амалга оширди. Уларни ўқиш насрий таржимага нисбатан ўзгача фикр ва таассурот уйғотиши, энг муҳими, Навоийнинг санъатхонасига яқинлаштириши шубҳасиздир. Бу хайрли иш тўхтаб қолмаслиги керак. Чунки Навоий форсий шеъриятининг ҳажми ҳам, миқёси ҳам салмоқли. Ундаги турли лирик жанрда ёзилган шеърларни ўзбекчалаштирилиши Фоний – Навоийнинг форс-тожик тилида ижод қилган даҳо шоирлар сафидаги мавқеини яқиндан билишга хизмат қилади.

ШАХСИЯТ ВА ИЖОД МУШТАРАКЛИГИ

Абдураҳмон Жомий Шарқ мумтоз адабиётидан алоҳида ўрин эгаллаган сермаҳсул истеъдод соҳиби. Илмда унинг элликдан ортиқ асар ёзганлиги қайд этилган. Шеъриятнинг ғазал, рубоий, қитъа каби қатор жанрларида қалам тебратган Жомий ишқ, ирфон, ҳақиқат, адолат, комиллик ғояларини янгича муносабат, янгича бўёқ ва ифодаларда тасвирлаб берган. "Менинг шеърим, - дейди у, - ишқ азоби ва қон ютишнинг баёни. Улар ғазал мажмуаси эмас, балки менинг амалий ҳаётим девони эрур".

Шеъри ман Жомий баёни ишқу хун хўрдан бувад,
Ин на девони ғазал, девони аъмоли ман аст.

Шоирнинг қалб ҳолати, ғам-ғусса ва ички кайфияти шеърда қанчалик ёрқин аксини топса, самимият унда ўшанча ортади. Шоир ўқувчини нималаргадир ишонтириб, самимиятга, айниқса дард ва изтироб самимийлигига ишонтириб билмаса, қилган меҳнатидан кўзланган бир натижа чиқмайди. Анъанавий йўлда ижод қилишнинг қалтис жиҳатларидан бири ҳам мана шу. Қайси шеърий жанрда қалам юритмасин, буни Жомий ҳисобга олган. Хуллас, форс-тожик шеърияти Абдураҳмон Жомий тажрибалари тимсолида соддалик, самимият ва ҳаққонийликнинг янги марраларини эгаллаганди.

Жомий ғазалиёти билан танишилганда киши кўз ўнгида Хуросон, Самарқанд, Табрез, Кашмир санамларининг қиёфалари жонланади. Айрим пайтларда у араб гўзалларини ҳам мадҳ этади. Аммо унинг висолини орзу қилиб, ёниб-куйиб интилгани турк дилбарлари эди.

Эй турки шўх, ин ҳама нозу итоб чист?
Бо дилшикастагон ситами бехост чист?

Мазмуни: Эй шўх турк гўзали, бу нозу итобларинг нима? Дилшикасталарга кутилмаган ситамларингчи?

Бошқа бир ғазалда эса бундай дейилади:

Турки гулчеҳраи ман хайма ба саҳро задааст,
Дар дили лола руҳаш оташи савдо задааст.

Мазмуни: Менинг чеҳраси гул турк санамим саҳрода оқ уй тиклабди. Лекин унинг олов яноқлари лоланинг дилига аланга савдосини солибди.

Таниқли жомийшунос А.Афзаҳзоднинг ёзишича, "Жомийнинг маъшуқаси ҳаммадан аввал турк сиймосида намоён бўлади. Ва у ниҳоятда ёрқин сифат, жозибали хислатлар соҳибасидир. Ошиқнинг маъшуқа тилини билмаслиги ва унинг ўз ошиғи сўзларини тушунавермаслиги тез-тез эсланади. Аммо тилдаги тафовут ошиқнинг садоқати, ёрига жонини бағишлашига ҳеч монелик қилмайди". Қуйидаги байтни шу гапнинг бир тасдиғи дейиш мумкин:

Нестам чун ёр туркигў, вале то зиндаам,
Чашми турку лаъли туркигўи уро бандаам.

Мазмуни: Мен ёримга ўхшаб туркча сўзлашни билмайман. Бироқ тирик эканман, унинг туркона кўзи, туркча сўзлайдиган тилига бандаман.

Ғазал, рубоий, таржиъбанд, таркиббанд сингари жанрдаги шеърлар Жомийнинг лирик салоҳиятини намойиш этган бўлса, достонлар унинг эпик маҳоратини кўрсатган. "Туҳфат ул-аҳрор" ("Хайрли кишилар туҳфаси"), "Сибҳат ул-аброр" ("Яхшилар тасбиҳи"), "Юсуф ва Зулайхо", "Лайли ва Мажнун", "Хирадномаи Искандар", "Саломон ва Абсол", "Силсилат уз-заҳаб" номли асарларида фалсафа, ахлоқ, ишқ, ирфон, жамият ва сиёсат, шахс эрки ва воқелик шафқатсизлиги каби масалалардан баҳс юритилган.

Жомийнинг насрда битилган асарлари орасида "Баҳористон" ва "Нафаҳот ул-унс" китоблари доимо кучли иштиёқ билан ўқиб-ўрганилганини таъкидлаш лозим. Жомий "Рисолаи аруз", "Рисолаи қофия", "Рисолаи мусиқа", "Шарҳи рубоиёт" номли бир неча илмий рисолаларнинг ҳам муаллифи. Буларнинг ҳар бири учун муаллиф захмат чеккан, кўз нурини сарфлаган. Табиийки, ҳар бирида бир ихтирони кўзлаган ва шунга эришган ҳам.

Аллоҳ Таоло Алишер Навоийни Абдураҳмон Жомий билан Жомийни Навоий билан учрашувини раво кўрмай, ўртадаги дўстлик ва сафдошлик, устозу шогирдлик ришталарини мустаҳкам боғламаганда эди, ўзбек ва тожик халқлари тарихида ҳеч нима билан тўлдириб ёки бартараф этиб бўлмайдиган бир бўшлиқ, ўзгача бир кемтиклик юзага келарди. Тўғри, Жомий Навоийсиз, Навоий Жомийсиз ном қозонган улкан ижодкорлар бўлишига ҳеч шубҳа йўқ. Лекин улар нисбатан бошқа Навоий, бошқа Жомий бўлишарди. Ва Жомийнинг кўнгил дунёсига эркин кириб бориб, эркин яшаган Навоийни, Навоийнинг қалб оламидан теран ўрин эгаллаган Жомийни билиш ва тасаввур айлашга имкон қолмасди. Бу икки буюк шахс ва шоир юзлашган кунидан бошлаб гўёки бир-бирига интилиш, бир-бирини ботинан бойитиш, бир-бири учун яшаб, ижод қилиш учун таваллуд топгандай эди. Жомий ва Навоий муносабатларида аста-секин устоз ва шогирдлик, маънавий-руҳий бирлик ва издошлик-

нинг айтарли барча маъно-моҳияти ҳар куни, ҳар соатда ўзининг бетакрор манзараларини намоён этарди.

Алишер Навоий ижодини шартли равишда жомийшунослик қомуси дейиш мумкин. Чунки унинг шеърий, насрий, илмий асарларининг кўпчилигида Абдураҳмон Жомийга тегишли бири-биридан янги фикр, самимий таъриф, бири кейингисини бойитувчи маълумот ва қайдлар мавжуддир. Шунга монанд манзарани Жомий китобларида ҳам кузатиш қувонарли, албатта.

Алишер Навоийнинг буюк устоди вафотидан кейин ёзган "Хамсат ул-матаҳаййирин" асари эса шогирднинг устозга, муриднинг муршидга, дўстнинг энг содиқ дўстга, сафдошнинг беғараз сафдошга бағишланган бадиий ёдгорлиги ва хотира туҳфасидир. Китобдаги воқеа-ҳодисаларнинг, асосан, тахайюл ойнасида акс эттирилиши шундан. Унинг мазмун-моҳиятига диққат қилинса, муаллифнинг барча фикр-мулоҳазаси уч асос – Жомийнинг Шахси, Ҳоли, Фаолияти маҳсули эканлиги ойдинлашади.

Эрон олими Али Асғар Ҳикматнинг ёзишича, "Ҳижрий 875 дан 898- йилга қадар давом этган ва умрининг тўртдан бирини ташкил қилган вақт орасида яратилган Жомий асарларининг деярли барчаси Навоийнинг юксак севгиси ва тарғибу ташвиқларининг маҳсулидир". "Хамсат ул-мутаҳаййирин" шу гапнинг тўғрилигини тасдиқлайдиган беқиёс бир бадиий-илмий ҳужжат.

Шарқ адабиётшунослигида ижодий шахсият мавзуи агар махсус тадқиқ этилганда эди, ахлоқшунос, диншунос, адабиётшунос ва яна қанча "шунос"лар қўлни-қўлга бериб, Жомий шахсиятини ўрганганда ҳам, денгиз тубидаги дур ва гавҳарнинг ҳаммасини қўлга киритиб бўлмаганидек, Махдуми Нуранга хос фазилат, хислат ва ҳолатлардан қанчадан-қанчаси, ҳеч шубҳасиз, қайд қилинмай, тавсифсиз қоларди.

"Абдураҳмон Жомийнинг кучли бир важд ва илҳом манбаи бўлган закоси, - дейди турк олими М.Н.Ганж Усмон, – бир ирфон хазинаси билан зийнатланган. Кишини ҳайратга соладиган жиҳати эса, унинг ҳеч бир пешво таъсирига берилмай, беқиёс маданиятга соҳиб бўлиши ва ўзини ўзи камолга етиштиришнинг ҳақиқий тимсоли эканлигидадир".

Тўхтовсиз шеър ёзиш, китоб ортидан китоб тартиб бериш ва жамиятда фаол ёки донгдор шоир қиёфасида кўринишни Жомий ҳеч қачон ўйлаган эмас. Унинг бутун фикр-хаёли ўзгаларникига ўхшамайдиган, ҳаётга, замонга, ижод ва инсонийликка муносабати ҳам, қизиқиши ҳам бутунлай бошқача адабий "Мен"ликни яратиш ҳамда уни ўткинчи ташқи таъсирлардан муҳофаза қилиш билан банд бўлган. Шунинг учун Жомийнинг шеър сифатига қараши ҳам нисбатан ўзгача. Унга кўра, авомфаҳм, оломон савиясига мувофиқ келадиган шеър ҳам бўш, ҳам хом бўлишини ақл-идроки юксак кишилар, яъни хослар билиши керак:

Шеър к-афтод қабули хотири ом,
Хос донад, ки суст бошаду хом.

Дарҳақиқат, шеър ва шоирликни оломон эҳтиёжига мувофиқлаштириш, бошқача айтганда гўзаллик туйғуси ва мустақил фикрдан маҳрум тўданинг қонини қиздириш ёхуд таҳсину олқишини кўзлаб, қоғоз қоралаш бадиий ижод оламидаги энг қабиҳ ишлардандир. Шеърият ва шоирлик қадрини ерга қориштирадиган бундоқ суханбозлик ва "оммавийлик"ка Жомий сўнгги нафасигача қарши курашганки, шахсиятидаги ўктам, муросасиз хислатларидан бири ҳам унинг ана шудир. Бу хусусда тожик олими А.Қурбонмамадов "Абдураҳмон Жомий эстетикаси" номли китобида алоҳида тўхталган.

Машҳур олмон шарқшуноси Ҳ.Риттернинг "Ислом қомуси"да босилган мақоласида эътироф этиши бўйича, "Абдураҳмон Жомийнинг асл шахсияти жуда жонли тарзда девонлари-

да ва кучли эътиқод қўйгани Ибн Арабийнинг ваҳдати вужуд тушунчаси оммавий шаклда шарҳлаб берилган ихчам ва гўзал услубдаги асарларида аксини топган".

Жомийнинг тасаввуфда эришгани бадиий ижодда қўлга киритганидан кам эмасди. Айтиш мумкинки, мутасаввифлик маслаги унинг шеъриятига руҳоний куч ва ирфоний равнақ бағишлаганди. Тасаввуф дунёсига кирган шоир аввалгига қараганда ўзини ҳам, ўзлик моҳиятини ҳам бошқача таниди ва илоҳий илҳом, самовий завқ-шавқ оғушида янги "мен"ини яратди. Орифлик шахсияти ва сурури билан ёзилган шеърлар Фаридуддин Аттор, Мавлоно Румий, Ҳофиз, Шайх Саъдийларга издош Жомийни ҳақиқий ишқ ва маърифатнинг ҳали эгалланмаган манзилу мақомларига олиб чиқди.

Борлиқ ҳақиқатини йўқликдан ахтариш, боқийлик файзу фароғатини фонийликдан исташ, бақони фано ҳолида яшаш – Ҳақ васлига етишиш орзусини Жомий кўнглида оловлантирган тушунча ана шу эди. Буни бехато ва нозик идрок этгани боис ҳам Навоий:

Ул фано сори дастгир манга,
Муршиду устоду пир манга,

дейди.

Абдураҳмон Жомий шахсияти ва дунёқарашини фақат тасаввуф билан эмас, балки, аввало, Қуръони карим, ҳадиси шариф билан боғлиқликда ёритиш жоиздир.

Қуръон ва ҳадисдан бошлаб, мусулмон дунёсида машҳур қайси улуғ китобни мутолаа қилманг, унда юксак инсоний хислат ва фазилатлар асоси бўлмиш гўзал ахлоққа алоҳида аҳамият берилганлигига иқрор бўласиз. Чунки ҳар қандай ёркин ва кучли шахсиятнинг туб асоси, яъни пойдевори ахлоқдир. Ахлоқда ожизлик ва кучсизлик ёки биқиқлик ва синиқлик мавжуд экан, одам ҳеч қачон бутун шахс ўлароқ вояга етолмайди. Буни Абдураҳмон Жомий шу қадар чуқур англаганки, ахлоқ йўлида Қуръони карим талаблари, ҳадиси шариф кўрсатмалари, тасаввуф ҳақиқатларидан четлашмаганлигини ҳам шеърий, ҳам насрий асарларида кўп маротаба таъкидлаб ўтган. Ғазалларидан бирида у:

Ошиқи дарвеш то донист завқи сабру шукр,
Бар жафоҳои ту собир, дар балоҳо шокир аст,

дейдики, бунинг мазмуни: сабр ва шукр завқини англаган ошиқи дарвеш, сенинг жафоларингга сабр айлаб, балоларингга, албатта, шукр қилур, деганидир. Ёки мана бу байтни олайлик:

Жомий ба мулку мол чу ҳар сифла дил мабанд,
Кунжи фароғу ганжи қаноат туро бас аст.

Яъни: Эй Жомий, ҳар пасткаш ҳорисга ўхшаб молу мулкка дил боғлама, сенга хилват фароғатию, қаноат ганжи басдир.

Жомийнинг тасаввуф ва тариқат пирларига ишончи баланд бўлган. Бу ишонч шахсиятини майдалик, мўртлик ва маҳдудликдан сақлашга доимо унга бир таянч бўлиб турган. "Фотиҳат уш-шабоб" девонидаги бир ғазалида у, Пири Ҳирот сўзларини жон қулоғи ила тингла, унинг айтган гапларидан тариқат мушкулликлари осон англашилади, дейди:

Ба гўши жон бишнов нуктаҳои Пири Ҳирот,
Ки мушкилоти тариқ аз баёнаш осон аст.

Пири Ҳирот – Абдуллоҳ Ансорий. Бу улуғ муршид ва аллома Шахсидан ҳам, тасаввуфга доир асарларидан ҳам Жомий теран таъсирланиб, ундан ўрнак ва сабоқ олган.

Ансорийнинг “Дил ва жон мунозараси” рисоласида нақл қилинишича, бир кимса етмиш йил тинмай илм ўрганибди. Лекин дилида йилт этган бир ёруғлик пайдо қилолмабди. Бошқа бир киши бутун умрини битта ҳарф сир-асрорини билишга бағишлабди. Шу биргина ҳарф уни ёндирибди. Демак, кўп нарсани эмас, балки кераклисини билиш, ҳеч бўлмаганда юракни нурлантирувчи бир мавзуни ўрганиш зарур. Ансорий сўзларидан кўзланган мақсад мана шу! Жомий эса бутун илмий-ижодий фаолияти мобайнида инсон руҳи, тафаккур ва маъно оламини нурлантирадиган ғоя ҳамда мавзулар талқинига куч сарфлаган.

Абдураҳмон Жомий XV асрнинг, айни пайтда ундан кейинги барча давр ва замонларнинг йирик мутафаккири. Шижоат, мардлик, жасорат ва мутафаккирлик эса бир-биридан ажралмайдиган тушунчалар. Жомий ҳаётда буни кўп маротаба кўрсатиб, тасдиқлаб кетган. Жомий шахсиятини қуллик, ҳар турли мўртлик ва қарамликдан халос эта олишдек чўнг жасорат соҳиби бўлган.

Машҳур муаррих Заки Валиди Тўғон “Жомий самимий бир мутасаввиф ва мутаққий зот бўлиши билан бирга кундалик турмушда ринд машраб ва мусиқасевар ҳам эди”, - дейди. Бу фикрнинг тўғрилигини исботлайдиган асосий далиллардан бири Жомий девонларида риндона байт ва ғазаллар миқдорининг кўплиги бўлса, иккинчи бири мана бу воқеадир: Ҳирот муфтиси Сайфиддин Аҳмад шоир хонадонига меҳмон бўлиб келади. Зиёфат тугагач, мезбон, яъни Мавлоно Жомий хонанда ва созандаларга навбат бериб, куй ва қўшиқлар ижро эттиради. Шу иши боис калтабин, завқи сўник айрим кимсаларнинг таъна-ю танқидларига йўлиқади. Лекин Жомий уларга ҳатто эътибор ҳам бермайди. Хорижлик тасаввуфшунос олим Н.Тўсиннинг таъкидлаши бўйича, ўша танқид ва маломатларга жавобан мусиқа ҳақида у бир рисола ёзиб, “амалда само ва мусиқадан йироқ бўлган классик нақшбандия анъанасини янгилик билан бойитади”. Бу иш атайин ёки зўракилик билан қилингани йўқ, албатта.

Ибн Сино “ал-Ишорат” номли асарининг орифлар мақомига бағишланган бўлимида уларнинг мусиқа тинглашга эҳтиёжи борлигидан сўзлаб, яна бундай дейди: “Ориф риёзатга муҳтож эрур. Риёзат уни уч манзилга етказади. Биринчиси, Ҳаққа яқинлик. Иккинчиси нафси амморани нафси лаввомага итоат қилдириш. Бунда хаёл ва ваҳм қуввати суфлий оламдан узилиб, қудсий оламга томон йўналади. Учинчиси, уйғониш ва ҳассос ҳолга эришмоқ учун сирни латифлаштириш”.

Буюк алломанинг изоҳлаши бўйича, биринчи мақсадни бажаришга ҳақиқий зуҳд ёрдамчилик қилади. Иккинчи ғоянинг юзага чиқишини тафаккур ва таҳаммулга асосланган ишонч ва ибодат таъминлайди. Учинчи чегарани эгаллашга эса латиф фикр, руҳоний ишқ ва оҳангга суянилади.

“Демак, бундан англашилаётирки, – дейди Ибн Сино, – ориф ва орифлик камолини мусиқадан ажратиб бўлмайди”.

Жомийнинг табиати, руҳий ҳаёти, орифлиги хусусан “Рисолаи мусиқий”сининг хотимасидаги мулоҳазалар ушбу фикрнинг тўғрилигини тўла тасдиқлайди. Умуман, орифлик завқ-шавқи ва сирларидан қанча кўпроқ хабардор бўлинса, Жомийнинг ирфонга кон шахсиятидан ҳайратланиш ўшанча ортади.

1472 йилнинг кузида Жомий кўпдан ният қилиб юрган ҳаж сафарига отланади. Нишопур, Пешовар, Бистом, Домғон, Қазвин ва Ҳамадонга боради. Ҳамадон ҳокими Шоҳ Манучеҳр зўр иззат-икром билан кутиб олиб, Жомий шарафига зиёфатлар беради ва уни Курдистондан омон-эсон ўтказиб, Бағдод сарҳадига етказади. Ҳалаб, Карбало зиёратидан сўнг Жомий яна Бағдодга қайтиб келади. “Силсилат ул-заҳаб” достонидаги айрим байтларга

кескин эътирозда юрган шиалар Жомий билан мунозара қилмоқ учун катта бир йиғин ташкил этадилар. Бағдоднинг улкан бир мадрасасида ўтказилган шу мажлисда Жомий аҳли байтни севиш Қуръони каримда буюрилганини айтиб, достондаги ғалат тушунилган байтларни сўзма-сўз талқин қилиб беради. “Киноят тариқи била шўрангиз ва фитнаомиз сўзлар” айтган товламачиларнинг саси эса сўнади. Ўшанда Жомий “Вақтиким “Силсилат ул-заҳаб”нинг назмида амирул-мўминин ва аларнинг авлоди бузурглари ризвонулоҳи ажмаъиннинг ситойишларини этдим, Хуросон суннийларидан харосон эрдим, ногоҳ мани рафозга нисбат бермасинлар, на билдукким, Бағдодда равофизнинг жафосиға мубтало бўлурмиз”, деган экан.

Шоирнинг рубоийларидан бирида айтган мана бу сўзлари эса янада эътиборли:

Эй муғбачаи даҳр, бидеҳ жоми маям,
К-омад зи низои шиау суни қаям.
Гўянд, ки Жомиё, чи мазҳаб дори?
Сад шукр, ки саги суннию хари шии наям.

Мазмуни: Эй даҳр муғбачаси, май жомимни узатгил. Шиаву сунний жанжалидан безиб кетдим. Агар мендан “Жомий, сен қайси мазҳабдансан?” деб сўрашса, “Юз шукрки, суннийнинг ити, шианинг эшаги ҳам эмасман”, дейди.

Хуллас, Бағдод ҳодисаси сунний дунёда Абдураҳмон Жомий обрў-эътиборини яна ҳам юксалтириб юборади. Чунки қалтис, ҳатто хавфли бир вазиятда у ўзининг кимлиги, ҳам олимлик, ҳам орифликда қандай шижоат касб этганлигини намойиш қилиш шарафига эриша билганди.

Жомий ҳаждан қайтар экан, усмонли турк султони Фотиҳ Султон Маҳмед Истанбулга Жомийни таклиф этиш учун Хожа Абдуллоҳ Кирмонийни Ҳалабга жўнатади. Бироқ Кирмонийнинг боришидан бир неча кун олдин Жомий Ҳалабдан жўнаб кетганди. Оққуюнли ҳукмдори Узун Ҳасан эса Маҳдуми Нуранни Табризда қолишга ундашига қарамай, 1474 йили у жонажон Ҳиротига қайтиб келади ва унинг учун Ҳусайн Бойқаро қурдирган мадрасада дарс бериш билан машғул бўлади.

“Мансабдорларга яқинлашмоқ, улар билан яқин алоқа боғлаш, - деб ёзади Имом Ғаззолий – олимлар учун энг катта фитнадир. Фитна эса инсонни нифоққа солиш учун шайтон қўллаган усуллардан... Қадимда олимлар илм эгаллагандан сўнг унга амал қилар ва амал қилишгани замон ўрганиш, изланиш билан машғул бўлардилар. Ўшанда уларни ҳеч кимса, ҳеч вақт ўрталиқда кўрмасди...”.

Абдураҳмон Жомий “ўрталиқ”да бўлиш, яъни илм ва ижодни амал, бойлик, мартаба воситасига айлантириш майлларини тамоман сўндирган, мулло, эшон, сўфий, шайх сингари атамаларнинг “юк”идан қалбини фориғ этган холис ва хоксор мутасаввиф эди.

“Хамсат ул-мутаҳаййирин”да ҳикоя қилинишича, Жомий Макка сафаридан қайтганда, Ҳусайн Бойқаро Балхга кетган экан. Унинг Балхдан қайтиш хабарини эшитгач, Жомий ҳам унга пешвоз чиқиб Мурғоб вилоятига боради. Учрашув ва мулоқотлардан сўнг, тунда истироҳат қилиш учун Жомийга алоҳида бир оқ уй тиклаб беришади. Қарангки, ўша кечаси қаттиқ бир шамол қўзғолиб, ўрдадаги оқ уйлардан бир нечасини, жумладан Жомийга тегишлисини ҳам қулатиб, парчалаб ташлайди. Шунда хизматкорлар “Жуда яхши уй эдида, хайфки пора-пора бўлиб кетди. Уни қурганлар не дегайлар?” – дейишибди. Жомий эса “Нима ҳам дейишарди, шумқадам муллолар кошки бизнинг уйга келмасалар эрди дейдилар-да”, дебди. Бу – чинакам маломатмашраб кишининг сўзи ва иқрори.

“Мавлоно Жомий мурид тутмаслар” деган хабарнинг Хуросондан йироқ жойларга тарқалиши ҳам бежиз эмасди. “Рашаҳот”да ёзилишича, Жомийдан “Шайхлиқнинг бориға таҳаммулимиз йўқ турур” (“Шайхликнинг юкига тоқатимиз йўқ”) дейишларининг сабаби сўралганда у: “Дариғким, толиб топилмастур. Толиб кўп турур, аммо ўз нафси ҳазларининг толиби турурлар”, - деган экан.

Баҳовуддин Нақшбанд тасаввуфда асос солгани янги тариқат истиқболини ўзича ҳар қалай яхши тасаввур этган. Аммо унинг нақшбандийлик номи билан жаҳон миқёсида донг таратиб, миллион-миллион мурид ва толибларнинг фахрига айланишини балки ўйламаган бўлиши мумкин. Чунки Нақшбанд вафотидан тахминан бир аср кейин илк маротаба нақшбандия истилоҳини Абдураҳмон Жомий қўллаган эди. Жомий нақшбандийлик сулукининг ҳам назариётчи, ҳам амалиётчиси, ҳам тарғиботчи ва обрў-эътибори олий пешвоси эди.

Али Асғар Ҳикматнинг таъкидлашига кўра, сафавийлар билан шиа олимларининг Абдураҳмон Жомийга қарши қаҳр ва нафрати туфайли унинг асарлари уч-тўрт аср мобайнида Мовароуннаҳр ва Ҳиндистонда топган шуҳратини Эронда тополмаган. Лекин нур ва ёруғлик йўлини тўсиб бўлмаганидек, холис ва юксак тафаккур соҳибларининг Жомий асарларига қизиқишини чеклаб ёки тўхтатиб ҳам бўлмаган. Сафавийлар подшоҳи Шоҳ Исмоил ҳатто Жомий сўзини тилга олишга тоқат қилолмаган бўлса, унинг ўғли Сом Мирзо “Туҳфаи Сомий” асарида мана нима деб ёзиб қолдирган: “Абдураҳмон Жомий туғма истеъдод ва закосидаги буюклик жиҳатидан таърифу тавсифга сиғмас нодир бир шахсият соҳибидир. Унинг фазилат нурлари Шарқдан олис Ғарбга қадар ёйилган ва ирфон суфроси дунёни бир чеккасидан наригисига қадар ёзилгандир”.

Худди шу боисдан ҳам Жомийнинг илмий, адабий ва ирфоний мероси қадим-қадимдан ўзбек халқини қизиқтириб, ўқиб-ўрганишга иштиёқ уйғотиб келган. Ўн бешинчи ва ундан кейинги асрларда адабиётда ном қозонган бирор бир шоиримиз йўққи, Жомий шеърият мактабидан сабоқ олмаган бўлсин. Жомий асарларининг ўзбек тилига ҳамон ғайрат билан таржима қилиниши ва жомийшуносликда қўлга киритилаётган натижалар ушбу жараённинг истиқболидан далолат бериб турибди. Зеро, олти юз йил муқаддам туғилган ҳамма шоирнинг ҳам Жомий қадар эътибор ва эъзозга эришуви душвордир.

“Ўзбек тили ва адабиёти” журнали, 2014 йил 5-сон

НАВОИЙ ВА БОБУР

Алишер Навоий ўзбек адабиётида янги ва юксак бир давр яратди. Бу ўз моҳияти ва миқёсига кўра шундай бир кўлами кенг давр эдики, унда ўзбек адабиётининг XV асрларгача бўлган ижодий тажрибалари зўр муваффақият билан ҳам умумлаштирилди, ҳам унинг тараққиёт йўллари белгилаб берилди. Навоий ижодиёти инсоният маънавий оламидаги буюк ҳодисалардан. Навоийдан сўнг яшаб ижод қилган ўзбек санъаткорларининг айтарли ҳаммасида Навоий ижодиётининг маълум бир жиҳатлари ўзига хос шаклларда акс этди. Бошқача қилиб айтилганда, деярли ҳар бир ўзбек ижодкорига Навоийдан нималардир ўтган ёки уларнинг бадиий меросида улуғ шоир даҳосидан нимадир яшайди. Хуллас, бутун коинот қуёш таъсиридан четда қолмаганидек, ижодда Навоий таъсири ўтмаган ўзбек қаламкаши ҳам йўқ.

Бобур бадиий ижод ишларини бошлаганида, Навоий ҳали ҳаёт, охирги асарлари устида меҳнат қилмоқда эди. “Бу иккинчи навбат Самарқандни олғонда, – дейди Бобур, – Алишербек тирик эди. Бир навбат манга китобати ҳам келиб эди. Мен хам бир китобат йибориб эдим, орқасида туркий байт айтиб, битиб йибориб эдим. Жавоб келгунча тафриқа ва ғавғо бўлди”.

Демак, “Навоий ўз умрининг сўнгги йилида ғойибона равишда Бобурни эшитиб, унга қизиқади ва мактуб билан алоқа боғлаш ташаббусини ўзи бошлайди. Ўн тўққиз яшар фарғоналик ёш шоирнинг кўтарилаётган юлдузини узоқ Ҳиротдан кўра олган Навоий ҳамма гениал шоирларга ўхшаб ундаги ҳақиқий талантни илғаган бўлса, эҳтимол.

Албатта Навоий Бобурсиз Навоий бўлиб қолди, лекин Бобурни Навоийсиз тасаввур қилиш қийин”, деган эди Мақсуд Шайхзода. Бобур ўз мемуарида Навоий ҳақида шуларни ёзиб қолдирган эди: “Алишербек назири йўқ киши эди. Туркий тил била то шеър айтубтурлар, ҳеч ким онча кўп ва хўб айтқон эмас. Олти маснавий китоб назм қилибтур, беши Хамса” жавобида, яна бир “Мантиқ ут-тайр” вазнида “Лисон ут-тайр” отлиқ. Тўрт ғазалиёт девони тартиб қилибтур: “Ғаройиб ус-сиғар”, “Наводир уш-шабоб”, “Бадойи ул-васат”, “Фавоид ул-кибар” отлиқ. Яхши рубоиёти ҳам бор. Яна баъзи мусаннафоти борким, мазкур бўлғонларқа боқа пастроқ, ва сустроқ вокиъ бўлубтур. Ул жумладин иншоларини мавлоно Абдураҳмон Жомийга тақлид қилиб жамъ қилибтур. Ҳосили калом, ҳар кимга ҳар иш учун ҳар хатким битибтур, йиғиштурубтур...

Аҳли фазл ва аҳли ҳунарға Алишербекча мураббий ва муқаввий маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлғай...”

Бобур бутун умри ва ижоди давомида Навоийнинг халқ, ватан, инсон меҳру муҳаббатини тарғиб этувчи улуғ ва ибратли мактабидан таълим олди. Мана шунинг учун ҳам, атоқли адибимиз Ойбек сўзлари билан айтганда, Бобур поэзияси Навоий поэзияси қуёши нурларида барқ уриб ривожланган эди.

Бобур учун Навоий “назири йўқ” устод эди. У бошқа шоиру ёзувчилардан кўра Навоийга ортиқроқ, мунтазамроқ эргашди, унинг “туркий тил била” айтилган кўп ва хўб ижодиётини шеъриятдаги биринчи ва доимий мактаби, деб билди. Бобур истеъдодининг тикланиш босқичларидан бошлаб, Навоий шеърияти билан мунтазам равишда машғул бўлган. Бу ҳақда қуйидаги факт ҳам маълум бир тасаввур бериши шубҳасиз. Бобур ёзади: “Одина куни ойнинг йигирма учида (1519 йил) Алишербекнинг тўрт девонидин буҳур, авзон тартиби била ғазаллар ва абётким, интихоб қилилодур эди итмомиға етди”. Бобур Навоийдан аввало, ҳаётга, инсонга эътиқодни, юксак ва сўнмас туйғу ҳамда ғояларга содиқликни ўрганди; умуминсоний масалаларни давр ва тарих воқеа-ҳодисалари билан мустаҳкам алоқада бадиий тадқиқ этиш сирларини ўзлаштирди.

Бобурнинг инсон маънавий камолотига жиддий эътибор бериши ва бу масалани руҳ, муҳаббат, илм, халқ, ватан ишқи кабилар билан ички алоқада бадиий тадқиқ этиши мутлақо мустаҳкам заминдан келиб чиққандир. Шунинг учун ҳам асосий моментларда Бобур шеъриятининг лирик қаҳрамони бир шоир, файласуф, ҳаётсевар сифатида Навоий лирик қаҳрамонига маслакдош, унинг ижтимоий, ахлоқий ва фалсафий идеяларининг давомчиси ҳамда ривожлантирувчисидир. Бу ерда ўз-ўзидан бир савол туғилади. Хўш, Бобур Навоий ижодиётининг қайси қирраларини диққат билан ўрганди? Қайси бир жиҳатларини кўпроқ ўзлаштирди? Бу саволга лўнда қилиб шундай жавоб берса бўлади: Бобур Навоийдан, биринчи навбатда бадииятни, шеъриятда мазмунни маҳорат билан ифодалаш сирларини ўрганди. Шеърни қалб ва руҳ ойнаси даражасига етказиш малакасини ўзлаштирди.

Навоий шеърияти ўзбек адабиётининг юқори чўққиси ҳисобланади. Навоий ўз поэзиясида Шарқ адабиётининг илғор қисмига хос бўлган эстетик нормаларни ижодий равишда ўзлаштириб, айни бир пайтда уларни янгиликлар билан бойитди. Навоий лирикасида илгари поэзияда деярли қўлланилмаган ёки кам истифода этилган образ, санъат, бадиий усул ва воситалар тез-тез учрайди. Ҳатто буларнинг баъзилари ҳақида улуғ шоирнинг ўзи ҳам асарларида маълумотлар бериб ўтган.

"Навоий ғазалининг асосий ва биринчи хислати, – деб эътироф қилган эди Мақсуд Шайхзода, – мантиқий тарзда тузилиши, бир моментнинг иккинчи моментдан туғилиб келишидир. Бу жуда муҳим хислатдир. Чунки кўп ғазалнавис шоирларда шеър гўзал ва алоҳида байтлардан иборат бўлиб, механик равишда тузилгани учун ундаги байтлар олдинма-кейин қилиб алмаштирилса, ўқиган киши бу ўзгаришнинг фарқига етмаслиги ҳам мумкин... Навоийда биз бошқа бир хусусиятни кўрамиз. Фикрий муддаонинг бутунлиги, тасвирда фақат субъектив ҳисларнинг жилвасини эмас, объектив ҳаётий воқеаларнинг силсиласини кўзда тутиш, Навоийдан энг кичик лирик шеърларини ҳам мантиқий иплар билан боғлашни талаб қилади. Бунинг натижасида ғазалда бутунлик, байтларнинг бир-бирига тасодифий эмас, мантиқий муносабатлар билан боғланганини кўрамиз"[1].

Мўъжаз бир ғазалда яхлит бадиий лавҳани юзага келтириб, ундаги байтларни бошдан-охир ягона ғоявий мақсад талабларига мувофиқ шаклда тизиш – у, ҳеч шубҳасиз, шоирдан малака ва маҳоратни талаб қилади. Бобур ўзбек шоирлари орасида биринчилардан бўлиб Навоийга хос бу хусусиятни теран фаҳм этди ва ўзи ҳам устоз йўлидан боришга дадил интилди. Бобурнинг аруз рисоласида ушбу масалага оид характерли маълумотлар бор. У Навоий ғазалларидаги фикрий яхлитликни бир неча бор қайд этган. Бир ўринда эса Навоийнинг шундай ғазалларидан биттаси келтирилиб, унга "Бошдин-оёқ бу ғазалда бир ҳикоя манзум бўлубтур", деб изоҳ ҳам берган.

Умуман олганда, шеърда ғоявий бутунликка эришишни Бобур бадиийликнинг асосий шартларидан бири деб билган. Бу жиҳатдан у Навоийга муносиб издош. Шунинг учун унинг ғазалиётидагина эмас, рубоий, қитъа, туюқлари орасида ҳам мантиқий изчилликдан маҳрум пароканда оҳангларда битилган шеърлар учрайвермайди.

"Бобур рубоийлари, – деган эди Ойбек, – унинг поэзиясининг чўққисидир... Умар Хайёмнинг рубоийлари каби унинг рубоийлари ҳам фалсафий фикрларга бой, шаклан мукаммал..." Бобур рубоийлари Шарқ рубоийчилигидаги янги бир саҳифа эди. Лекин у бу вазифани ҳам, аввало, Навоийдан пухта ўрганиб, унинг ҳомийлигида амалга оширди.

Алишер Навоий рубоийларидан бирида фариблик туйғусини мана бу шаклда ифода этган:

Мунглуғ бошим остидаги тошимниму дей?
Тош устидаги ғариб бошимниму дей?
Ҳасрат суйидан кўзимда ёшимниму дей?
Ўлмакдин саъброқ маошимниму дей?

Бобур Навоийнинг мазкур рубоийсига пайравлик қилади ва ёзади:

Ғурбат туғи ёпқон руҳи зардимниму дей?
Ё ҳажр чикорғон оҳу сардимниму дей?

[1] Шайхзода М. Алишер Навоий лирикасининг баъзи бир поэтик усуллари ҳақида. Ўзбек адабиёти масалалари. – Тошкент, 1959. – Б. 241.

Ҳолинг не дурур билурмисен дардимни,
Ҳолинғ сўрайму, йуқса дардимниму дей?

Биринчи рубоийда поэтик фикр савол-мурожаат усулида баён қилинган. Бу эса лирик қаҳрамон қалбидаги изтиробни янада қабартириб кўрсатади. Мақсаднинг худди шу шаклда тасвирланиши Навоийнинг асосий муддаосига мос эди. Бу ерда масаланинг бошқа бир жиҳати ҳам муҳим. Рубоийда маънога мувофиқ ёниқ эҳтирос бор. Шу билан бир қаторда, сўз билан чизилган манзара ҳам бор. Тош устидаги мунгли бош; ҳасрат суйидин ёшланган кўзлар; ёлғизлик ва кимсасизлик азобларидан заифлашган вужуд. Бу чизгилар уйғун ҳолда ўқувчи кўз ўнгида яхлит ва жонли бир сувратни пайдо қилади. Хуллас, Навоий тўрт сатрли бир шеърда инсоннинг ички кечинмаларини очади, маънавий-руҳий ҳолатини акс эттиради, ҳам моҳир рассом назари билан унинг ташқи қиёфасини кўрсатади. Гап шундаки, Бобур яратган тўртлик ҳам ўзига хос ички руҳи, маъно товланиши жиҳатидан мутлақо оригинал шеър даражасига етказилган. Бобур Навоий рубоийларидан илҳомланиб қатор-қатор тўртликлар яратган. Аммо бирор вақт ҳам ижодийликдан чекинмаган. Шунинг учун бўлса керак, у кўпинча гўё устози билан шеърий мусобақага киришганга ўхшайди, гўё Навоий яратган оҳангларга қараб соз пардаларини мослагандай бўлади. Масалан, қуйидаги рубоийларнинг биринчиси Навоий қаламига мансуб:

Юз меҳнату ғам кўнглума еткурди фироқ,
Жонимға балову дард ўқин урди фироқ.
Жисмимни фано ўтиға куйдирди фироқ,
Чун куйди, кулини кўкка совурди фироқ.

Мана бунисини эса Бобур ёзган:

Андин бериким қасдим учук турди фироқ.
Юз дарду аламни манга еткурди фироқ.
Мени эшигингдин, нетайин, сурди фироқ,
Қил чора, йўқ эрса мени ўлтурди фироқ.

Бу рубоийлар айрилиқ ҳақида. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам кўз ёшлари билан битилган қайғули фироқномалардир. Бобурнинг ҳижрон ҳис-туйғулари дарж этилган шеърлари кўп. Лекин уларнинг ҳеч бири унинг «фироқ» радифли рубоийсига ўхшамайди. Чунки бу рубоий бевосита Навоий таъсирида ёзилган. Бу гап ҳам мазмунга, ҳам шаклга тегишли. Навоий фикр ифодасида қандай йўл тутган бўлса, Бобур ҳам шу йўлдан боради. Навоий рубоийда радиф сифатида “фироқ” сўзини қўллаган. Натижада, шеърда якоҳанглик вужудга келтирилган; фикрнинг мантиқан тадрижий давом топиши таъминланган. Бундан ташқари, радиф рубоий композициясининг марказий нуқтасига айлантирилган. Шунинг учун тўртликдан мабодо “фироқ” сўзи туширилиб қолдирилса, у ўзининг бор мазмунидан бутунлай маҳрум бўлади ва шаклга қаттиқ шикаст етади. Айнан шундай гапларни Бобур рубоийси ҳақида ҳам айтиш мумкин. Навоий рубоийнинг биринчи сатрида “еткурди” сўзини қофияда қўллайди. Бобур бу сўздан иккинчи мисра қофиясида фойдаланади. Ҳатто биринчи тўртликдаги сатрлардан бири кейингисида қарийб айнан такрорланиб келади. Навоий “Юз меҳнату ғам кўнглума еткурди фироқ” деса, Бобур “Юз дарду аламни менга еткурди фироқ”, дейди. Шак-шубҳа йўққи, мазкур рубоийлардан бирининг юзага келишида иккинчи бири ғоявий-бадиий жиҳатдан сезиларли роль бажарган. Шунга қарамасдан, уларнинг

ҳар бири ўзича мустақил ва гўзал асарлардир. Навоий куйлаган фироқ, мазмун моҳияти билан кўпроқ анъанавий характерга эга. Бобур уни ватан туйғуси билан боғлаган.

Рус адиби К.Паустовскийнинг шундай гапи бор: "Деярли ҳар бир санъаткорнинг ўз илҳомчиси, яхши даҳоси бордирки, у ҳам оддий қаламкашдир. Ана шу илҳомчининг китобидан ақалли бир неча сатр ўқилса, бас, одам қўлига қалам олгиси келиб қолади..."[1] Бобурнинг илҳомчиси бўлган ана шундай даҳо Алишер Навоий эди. У Навоий рубоийлари таъсирида қўлига қайта-қайта қалам олган.

Андин бериким, қошимда ёрим йўқтур,
Ҳижронида жуз нолаи зорим йўқтур.
Дашт узра қуюн каби қарорим йўқтур,
Саргашталигимда ихтиёрим йўқтур.

Энди Бобур ёзади:

Кўпдин бериким ёру диёрим йўқтур,
Бир лаҳзау бир нафас қарорим йўқтур.
Келдим бу сари ўз ихтиёрим бирла,
Лекин боруримда ихтиёрим йўқтур.

Бу рубоийларда тасвир усули ўхшаш. Вазн, радиф бир хил. Навоий шеърда ҳижрон дарди билан жони ўртанган саргашта ошиқнинг қалб ҳасратини поэтиклаштирган. Бобур рубоийсининг ғоявий негизида ҳам айрилиқ, ҳижрон туйғуси ётади. Бироқ унда ижтимоий ранг қуюқ, яъни ёр билан баробар диёр қайғуси ҳам асосий планда талқин этилган.

Классик поэтикада нидо деган санъат бор. Агар шоир ўзининг субъектив фикру туйғуларини инсонга, табиатдаги бирор нарса ёхуд предметга мурожаат қилиш йўли билан ифода этса, ўша нидо санъатини амалда қўллаган бўлади. Навоий бу санъатдаги рубоийларида кўп ва ҳар гал маҳорат билан фойдаланган. Масалан, шоир баъзи шеърларида ўз кечинмаларини "боди сабо", "ел", "субҳ", "кўнгул" кабиларга тўғридан-тўғри мурожаат қилиш орқали тасвирлаб беради.

Эй боди сабо, айласанг ул сори гузар,
Жон бирла кўнгулни топшурай, олғач бор.
Кўнглумни итига туъма қилғил зинҳор,
Жонимни доғи аёғига айла нисор.

Навоийнинг бу рубоийси ишқий мазмунга эга. Унда вафодор ошиқнинг садоқат ҳислари тасвирланган. Лирик қаҳрамоннинг кўнгул орзуларини "боди сабо"га қарата баён этиши, унинг руҳий ҳолатидаги интизорлик ҳисларини чуқурлаштирган. Энди мана бу рубоийга эътибор беринг:

Эй боди сабо, айла Хуросонға гузар,
Мендин дегил ул ёри паришонға хабар.
Неча сафар ўз кўнглунг учун қилғайсен,
Энди бизнинг учун айла бу ёнға сафар.

[1] Паустовский К. Олтин гул. Ёзувчи меҳнати ҳақида ўйлар. – Тошкент, 1967. – Б. 138.

Бобур бу шеърни ёзишда, биринчидан, устозининг тўртлигида қўлланилган бадиий санъатга асосланади ва у ҳам фикрни “Эй боди сабо” деган хитоб сўзлари билан бошлайди. Иккинчидан, Навоийнинг “Эй боди сабо, айласанг ул сори гузар” деган гапини аниқлаштириб, ғоявий мақсадига мослаб “Эй боди сабо, айла Хуросонға гузар” шаклида такрорлайди. Кўринадики, Навоий анъанавий мазмунларни талқин этишда фойдаланган бадиий санъат ва тасвир воситаларидан Бобур ҳаётий реал кечинмалар тасвири учун истифода этади.

“Оҳанг – бу тупроғ таркибида яширинган олтин. Тупроғидан олтинни ажратиб олайликда, қолган кераксиз нарсаларни улоқтирайлик”, деб ёзади Америка шоирларидан бири. Агар шеърда маънога мувофиқ оҳанг бўлмаса, “Шеър – ночор, шоирнинг эса ҳоли танг”-дир (Буало). Классик шоирларимиз назира усулида ижод қилганларида, иккинчи бир шоир шеърининг шакл ва мазмунига ўхшатма қилиш билан бир қаторда, унинг оҳанг йўналиши ва кўламини янада мукаммаллаштириш учун жиддий уринганлар.

Алишер Навоий қайси мавзуда рубоий ёзмасин, албатта, унинг ўзига хос ва бетакрор оҳангини топган. Бошқача қилиб айтганда, шоир рубоийларида мазмун ва оҳанг ягона тўлқинда оқиб, оҳанг фикрга, фикр оҳангга куч бағишлайди. Кузатишлардан шу нарса маълумки, Навоий рубоийларидаги афсунли оҳанглар Бобур қалбида акс-садо уйғотган.

“Намоз пешин Оғрага тушулди, – деб ҳикоя қилади “Бобурнома” муаллифи. – Якшанба куни муҳаррам ойининг ўн олтисида иситтим, титрадим, навбат-навбат бўлди. Йигирма беш-йигирма олти кунга тортди. Доруйи кор ичдим. Охир басит яраштди, уйқусизлик ва ташналиғдин бисёр ташвиш торттим. Бу мараз айёмида уч-тўрт рубоий айтилди. Ул жумладин бири будур:

Жисмимда иситма кунда маҳкам бўладур,
Кўздин учадур уйқу чу охшом бўладур.
Ҳар иккаласи ғамим била сабримдек,
Борғон сайи бу ортадур, ул кам бўладур”.

Бизнингча, бу шеърнинг айнан шундай оҳангда юзага келишида Навоийнинг мана бу рубоийсидаги оҳангнинг таъсири бўлган.

Ҳар лаҳза кўнгул ғамингда маҳзун бўладур,
Маҳзунлиғи лаҳза-лаҳза афзун бўладур.
Савдо анга юз ончаки, Мажнун бўладур,
Юз мунча десам ҳам не ажаб чун бўладур.

“Ҳақиқий санъаткор..., – деб ёзади Э.Хемингуэй, – мазкур соҳада ундан олдин нимаики кашф қилинган бўлса, нимагаки эришилган бўлса, ҳаммасини ўзлаштиради ва ўзига керагини нокерагидан шундай тезлик билан ажратиб саралайдики, гўё у туғилишдаёқ барча билимлар билан қуролланиб, доно бўлиб туғилгандек кўринади, чунки оддий одам умр бўйи уриниб эғаллайдиган доноликларни хақиқий истеъдод гоҳо кўз очиб юмгунча тез эгаллайди...”. Бобур дид даражаси, истеъдодининг куч ва имкониятлари жиҳатидан ана шундай санъаткорлар тоифасига киради. У форс-тожик шеъриятидаги бадиий кашфиётларни ҳам, миллий адабиёт тажрибаларининг сир-асрорларини ҳам ўзига хос бир донолик билан жуда тез ўзлаштириб олди.

Бобур Навоийга муносиб шогирд. У бадиий ижоднинг ҳал қилувчи жиҳати – шакл ва мазмун маҳоратида Навоийга изчил эргашади. Бобур Навоий мактабининг истеъдодли улуғ

бир вакили сифатида адабиётимиз тарихида катта вазифаларни амалга оширди. Бу жиҳатдан унинг поэтик жанрлар такомили, хусусан, рубоий жанри тараққиётидаги хизматларини алоҳида қайд қилиш керак. Хуллас, шеъриятда Бобур эришган ғоявий-бадиий ютуқларнинг катта қисми буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий поэзияси, унинг ўлмас номи билан боғлангандир.

«Тил ва адабиёт таълими» 2015 йил 1-сон.

II. ШЕЪР ШАРҲИ ВА ТАЛҚИНЛАРИ

“ҲАР ҚАЧОНКИМ КЕМАГА УЛ ОЙ...”

Ҳар қачонким кемага ул ой сафар рахтин солур,
Мавжлуғ дарё кеби ошуфта кўнглум қўзғалур.

Йиғлама, эй кўз, недин соҳилға чиқмас кема деб
Ким, ёшинг дарёсидур ҳар сариким эл кўз солур.

Титрабон сиймобдек кўнглум, етар жон оғзима
Тунд ел таҳрикидин ҳар дамки, дарё чайқалур.

Сабр кўнглумда, кўнгул ул ойда, ул ой кемада,
Ваҳки, бориб телмуруб кўз, мунграйиб жоним қолур.

Дам тутулғандин ўлар элдек етибмен ўлгали
Сурмасун, деб кемасин баским, нафаслар асралур.

Кирма савдо баҳриға оламдин истаб судким,
Сийм нақди тушса, лекин умр нақди сийғалур.

Ғарқ этар баҳри фано ғам заврақин, эй пири дайр,
Илгига чунким Навоий бода каштийсин олур.

Шеъриятда таассурот – тасаввурга, тасаввур эса таассуротга йўл очиб, доимо улар бир-бирини қўллаб-қувватлайди. Ўз вақтида тасвирланмаган таассуротни тасаввур заминида тиклаш мумкин бўлганидек, тасаввурда сақланиб қолган таассуротдан асар яратиш учун бемалол фойдаланиш мумкин. Баъзан шоир илк таассуротдан эмас, унинг такроридан шеър яратадики, “Ғаройиб ус-сиғар” девонидаги:

Ҳар қачонким кемага ул ой сафар рахтин солур,
Мавжлуғ дарё кеби ошуфта кўнглум қўзғалур.

байти билан бошланадиган ғазал бунинг бир мисолидир. Илк мисрадаги гапга қараганда, маъшуқанинг сув йўли билан сафарга жўнаши биринчи бора эмас – у кийим-кечакларини йиғиштириб аввал ҳам кемага чиққан. Бу ҳодисадан ошиқнинг кўнглида дарё тўлқинига монанд шиддатли бир қўзғалиш бош кўтаради. Кўнгилдаги қўзғалиш, албатта, айрилиқ дарди, ҳижрон аламидир. Бу ҳол шўрлик ошиқни шу қадар йиғлатадики, унинг кўз ёшларидан ёр кемаси соҳилга чиқа олмайдиган ўзга дарё юзага келади:

Йиғлама, эй кўз, недин соҳилға чиқмас кема деб
Ким, ёшинг дарёсидур ҳар сориким эл кўз солур.

Ёрнинг дарё оралаб кетиши ошиқ дилини аламга чулғаган бўлса, кеманинг соҳилга чиқолмаслик хавфи унинг жонини ҳам ҳалқумига келтиради. Ва бу ҳолат энди телба шамол ҳаракатидан тўхтовсиз чайқаладиган дарёга қиёсланади.

Титрабон сиймобдек кўнглум, етар жон оғзима,
Тунд ел таҳрикидин ҳар дамки дарё чайқалур.

Ошуфта кўнгулнинг қўзғалиши, кўз ёшининг тинмай оқиши, юракнинг симобдай титраши – булар ошиқнинг ички аҳволини кўрсатувчи ҳаракат. Ошиқ – ҳаракат соҳиби. У ҳамма нарсга қарши турса ҳам, руҳ ва кўнгил ҳаракатига ҳеч монелик қилмайди. Шунинг учун кўнгилни сабр қўлига топширган бўлса-да, бундан ҳеч натижа чиқмаслигини у жуда чиройли тарзда ифодалайди:

Сабр кўнглумда, кўнгул ул ойда, ул ой кемада,
Ваҳки, бориб телмуриб, кўз мунграйиб, жоним қолур.

Кўнгил ёрда. Ёр кемада. Бориб ёр жамолига термулгач, кўзнинг мунграйиб, жоннинг жонон билан қолишини шеърхон ҳиссиёт билан хаёлдан ўтказади. Жон соҳибасига топширилга, тириклик нима бўлади? Ва уни тириклик дейиш мумкинми? Навбатдаги байт шу ҳақида:

Дам тутулғандин ўлар элдек етибмен ўлгали
Сурмасун деб кемасин баским нафаслар асралур.

Нафас чиқмагандан кейин ўладиган кишиларга ўхшаб қолиш табиий, албатта. Аммо ошиқ ҳали тирик – ҳар қалай нафас олиб турибди. Қарангки, шу нафас ҳам унга халақит бераётир. Чунки, ошиқ нафаси кемани илгари силжитиши мумкин. Демак, нафас чиқмаслиги, яъни нафасни ичга ютиш жоиз – токи кема ўрнида собит турсин.

Ақл ва фикр соҳиби ҳаётдаги ҳар бир воқеа, ҳодиса ёки ҳолатдан тегишли хулоса чиқаради. Ишқ-муҳаббат дарёсига ғарқ бўлишни олайлик. Бу – ошиқлар учун шараф. Зеро, ҳамма ҳам бундай ишга журъат этолмайди. Ҳаётда бошқа "дарё"лар ҳам кўп. Масалан, савдо-сотиқ дарёси. Унда кимлар сузмагану, кимлар чўкмаган? Ғазал қаҳрамонининг фикрига кўра, ўтар дунё манфаати ва фойдасини ўйлаб зинҳор-базинҳор "савдо баҳриға" кирмаслик лозим. Чунки кумуш тангаларни йиғиш, умр бойлигини асраб қолишга кафолат беролмайди.

Кирма савдо баҳриға оламдин истаб судким,
Сийм нақди тушса, лекин умр нақди сийғалур.

Шеър ёзиш – азобдан қутулиш демак. Қалбидаги ғам-ғусса ва изтиробни шоир асосан шеър воситасида бартараф этади. Навоий ғазалнинг тили ва мажозий табиатига мувофиқ равишда "ғам заврақи" – ғам кемасига диққатни қаратади:

Ғарқ этар баҳри фано ғам заврақин, эй пири дайр,
Илгига чунким Навоий бода каштийсин олур.

“Баҳри фано” – фано дарёси, “ғам заврақи” – ғам кемаси, “пири дайр” – бутхона пири, “бода киштиси” – қайиқ шаклидаги қадаҳ – бу иборалар замиридаги маънони ҳар ким ўзича англаб, ҳар хил шарҳлаши шубҳасиз. Лекин фано ҳақиқати тўғри тушунилмаса, байтдан умумий бир маъно чиқариб бўлмайди.

Абу Наср Саррожнинг таърифлашича, фано нафснинг ёмон сифатлардан халос бўлиши ва покланиши. Нафсни поклаш – руҳий-маънавий ҳаётдаги мислсиз ғалаба. Мана шу ғалабага эришилгач, дард, алам, ҳасрат аталмиш ҳиссиётлар ўз қийматини бой беради. “Фано дарёси ғам кемасини ғарқ этар”, дейилиши худди шу ўзгаришга ишорат бўлса, қайиқмонанд қадаҳни қўлга олиш эса покланиш ҳолидан шодланишни ифодалайди.

“ФАЛАКДИН ГАР МАНГА ҲАР ЛАҲЗА ...”

Фалакдин гар манга ҳар лаҳза юз қайғу келур ўтру,
Агар ҳар қайғудин сўнг бир севинмак бор, эмас қайғу.

Ва гар ҳар тийраликка бир ёруғлуқни инонмассен,
Йиғи кўр чархдин ҳар шом доғи субҳдин кулгу.

Камол истар эсанг, сидқ аҳлидин қилма кўнгул тийра
Мукаддар айламас хуршид субҳ анфосидин кўзгу.

Сафо аҳлиға гулрухлар хаёлидин тағайюр йўқ,
Қачон гул акси тушмаклик била гулранг бўлғай су.

Тиларсен ғафлатингни рафъ этиб огоҳлар нақлин
Ки, ғофил элга ул афсоналардин кам бўлур уйқу.

Бақо нақди ҳаётингға чу эрмас бир замон маълум,
Дирам нақдиға умрунг ҳар замон сарф этмагил асру.

Жунун занжирида ошиқ ёнида ҳийлагар зоҳид,
Киши кўрса тасаввур айлагай шер оллида тулку.

Кўнгул миръоти ичра жилвагардур ёру сен ғофил,
Торикма ҳажридин кўпким эмассен ёрдин айру.

Фанонинг ҳам фаносин истагил васл эрса комингким,
Бу йўлда восил ўлмакнинг тариқи ушбудур ушбу.

Кетур бир бода, эй соқийки, ичсам қолмағай боқий,
Фанодин бал, бақодин ҳам замирим лавҳида белгу.

Навоий дайр аро маст ўлса, шоҳдин паноҳ андин
Ўтарда тутқуси, албатта, бир соғар чиқиб ўтру.

“Наводир уш-шабоб”дан ўрин олган (506-ғазал) ўн бир байтли ушбу ғазалда орифона мазмун-моҳият ифодаланган. Буни матлаъданоқ англаш мумкин:

Фалакдин гар манга ҳар лаҳза юз қайғу келур ўтру,
Агар ҳар қайғудин сўнг бир севинмак бор, эмас қайғу.

Мумтоз шоирларнинг қаноати бўйича, даҳр, дунё, чарх, фалакдан ҳеч яхшилик кутиб бўлмайди: улар инсонни доимий равишда қийнайди, ҳар турли азоб ва кулфатларга гирифтор этади. Инсон бундан нолийди. Ҳасрат чекади. Норозилик билдиради. Аммо ҳаммасига чидайди. Чидашни ҳар ким ҳар хил изоҳлайди. Ғазал қаҳрамонининг эътирофига кўра, фалакдан ҳар лаҳзада майли унга юз қайғу юзма-юз келсин, агар ҳар қайғудан кейин бир шодлик ё қувонч юз очса, демак, қайғу йўқдир. Навбатдаги байтда шу гапга гўё далил келтирилади:

Ва гар ҳар тийраликка бир ёруғлуқни инонмассен,
Йиғи кўр чархдин ҳар шом доғи субҳдин кулгу.

Кун ва тун, тун ва кун доимий тарзда ўрин алмашганидек, бир тийралик ўзга бир ёруғликка, албатта, жой беради. Бу – ҳаёт қонунияти. Унга ишонмоқ керак. Зулмат жойини нур эгаллашига инонилмаса, чархнинг ҳар шом қарога бурканиши-ю, тонгнинг чарақлаб кулишини тасаввур қилиш лозим.

Ишонч йўли – узун йўл. Бу йўлда адашиб ё чалғиб қолмаслик учун ишонч, имон дарғаларига суяниш керак. Сидқ аҳли уларнинг ҳам пешқадами, ҳам пешвоси:

Камол истар, эсанг сидқ аҳлидин қилма кўнгул тийра
Мукаддар айламас, хуршид субҳ анфосидин кўзгу.

Тасаввуф ҳақиқатлари ёритилган бир китобда моддий табиати, нафси ва қалбига қараб одамлар уч тоифага ажратилган. Биринчи тоифа, моддий борлиғининг талаб ва эҳтиёжлари измида яшаб, ейиш, ичиш, жинсий лаззатлардан бошқасига қизиқмайдиган ибтидоий ёки ярим ваҳший кимсалар. Иккинчи тоифа, нафс йўлидан чиқолмай, манлик ишқи ва бошқарувидан туғилган ҳирс, ҳавас, мавқе – мартабани севадиган кишилар жамоаси. Учинчи тоифа эса, кўнгул шарофати ила башарий ўзликдан озод бўлган ва “қалб шуури”га эга шахслардирки, булар ҳам ақлан, ҳам қалбан уйғонган, ҳақиқатни танишга қодир комил зотлар жамоасидир. Навоий мунаввар руҳ, равшан қалб билан танишга чорлаётган “сидқ аҳли” ҳам чинакам ҳақшунослардир. Камолотда шуларга эргашилса, зарра қадар бўлсин, зиён кўрилмайди. Зеро, қуёш субҳ нафасидан кўзгуга ҳеч қандай хиралик етказмайди. Бунинг бошқа бир ёрқин исботи эса бутун борлиғини Аллоҳ ишқига бағишлаган аҳли сафонинг хаёл ва тасаввурини гул юзли санамларнинг ўзгартиролмаслигидир. Ахир, гул акси тушиши билан сув ҳеч вақт гулранг бўла қолмайди-ку!

Сафо аҳлиға гулрухлар хаёлидин тағайюр йўқ,
Қачон гул акси тушмаклик била гулранг бўлғай су.

Комиллик йўли – ранжу азоблари кўп ва бағоят машаққатли йўл. Бу йўлга кирган ёки киришни орзу қилганлар қанчалик кўп бўлмасин, асосий мақсад манзилини ишғол этганлар жуда оз бўлган. Аммо шулар ҳам комиллик даъвосидан йироқ бўлишган.

“Инсони комил” китобининг муаллифи Азизиддин Насафийнинг ёзишича, “Ваҳдат аҳлининг нуқтаи назарида инсонликнинг камоли, деган бир нима йўқдир. Инсон на қадар камолотга эришса эришсин, ўзининг истеъдоди ила Аллоҳнинг илми ва ҳикматига нисбатан барибир ноқис эрур. Бу ҳолда у ё бу инсонни комил дейиш, албатта, нисбийдир”.

Мана шу сабабга кўра, Шарқнинг машҳур мутасаввиф ва мутафаккирлари комиллик ўз ноқислигингни кўриш ҳамда уни исботлай олиш, деган бир хулосага келишган. Алишер Навоий ҳам айнан шундай қараш ва “тажриба” тарафдори эди. Бу ҳақидаги фикрларини “Лисон ут-тайр” достонида у шундай баён этган эди:

Ноқис улдурким, ўзин комил дегай,
Комил улким, нуқсин исбот айлагай.

Ўз камолидин демас аҳли камол,
Аҳли нуқсон ичрадур бу қилу қол...

Ким ўзин комил кўрар, ноқисдур ул,
Нуқс бермайдур, камоли сори йўл.

Инсон вужуди фазилат, хислат ва ҳикмат маскани бўлганидек, ёмонлик, чиркинлик ва нуқсон қароргоҳи ҳамдир. Аммо нуқсонларнинг нуқсонидан бири ғафлат, яъни ғофилликдир. Шоирнинг эътирофи бўйича, огоҳ зотларнинг туйғу ва тушунчаларидан ибратланиб, ғафлатни қувишга бел боғлаш мақбул иш. Бундан сўз юритиш эса ғофил элнинг уйқусини ҳар қалай озайтиради:

Тиларсен ғафлатингни рафъ этиб огоҳлар нақлин
Ки, ғофил элга ул афсоналардин кам бўлур уйқу.

Одам боласи ҳар қанча доно бўлиб, ҳар қанча уринмасин, ғафлатдан тугал қутулмоғи қийин. Унинг умри маълумдан кўпроқ номаълумлик ичида ўтади. Тақдир сирларини у аниқ англай билмаганидек, ҳаётининг ниҳоясини ҳам аниқ билолмайди. Бас, шундай экан, умрни ҳорислик билан мол-мулк ва бойлик йиғишга сарфлаш ҳам ақлдан эмас:

Бақо нақди ҳаётингға чу эрмас бир замон маълум,
Дирам нақдиға умрунг ҳар замон сарф этмагил асру.

Руҳи эркин, кўнгли озод Шахсга ҳар қанча зулм қилинмасин, уни қулга, муте бир махлуққа айлантириб бўлмайди. Қанақадир бир ғоя, тушунча ва ақида қуллари эса ҳеч пайт на руҳан, на фикран эркинликка эришолмайди. Тазодли бу ҳолатни, айниқса, ошиқ ва зоҳид орасида кўпроқ кузатган ўтмиш шоирлари бири иккинчисидан ўткир хулосалар ҳам чиқаришган. Жунун водийси – ҳақиқий ишқ водийси. Жунун – ошиқнинг эрки, ишқдаги саодати. Ҳийлагар зоҳид буни англай оладими? Англаганида шер олдидаги тулкига ўхшаб кўзга ташланмасди.

Жунун занжирида ошиқ ёнида ҳийлагар зоҳид,
Киши кўрса тасаввур айлагай шер оллида тулку.

Кейинги байт – алоҳида эътиборга молик байт. Ундаги фикр – орифнинг фикри. Аллоҳ, олам ва одамни бирликда танишда ориф жуда ўзиб кетган. Унингча, Ёри азалнинг жойи кўнгул. У кўнгул миръаотида жамол кўрсатади. Шунинг учун ҳажрдан сиқиниб, ториқиб қолиб, ёр мендан йироқда, деб ўйламаслик керак:

Кўнгул миръоти ичра жилвагардур ёру сен ғофил,
Ториқма ҳажридин кўпким эмассен, ёрдин айру.

Ҳажрнинг зидди – васл. Васл етишиш, эришиш демак. Васл ва вуслат тасаввуфий ҳаётдаги йўлчиликнинг ниҳоясини ифодалайди. Яҳё бин Муозга кўра, "Тоиб (тавба қилган) хавф ила пардаланган, зоҳид севги ила пардаланган, муштоқ яшаётган маънавий ҳоли ила пардаланган. Восил эса Ҳақдан бошқа ҳеч нима билан пардаланмагай". Фанофиллоҳ мақомига юксалиш, яъни ишқи илоҳийга ғарқ бўлиш тариқи ана шудир.

Фанонинг ҳам фаносин истагил васл эрса комингким,
Бу йўлда восил ўлмакнинг тариқи ушбудур ушбу.

Бақо нима, фано нима – вуслат соҳиби буни билмайди. Мабодо хотирда булардан бирор белги қолган бўлса, ишқ бодаси уни ҳам бартараф қилади.

Кетур бир бода, эй соқийки, ичсам қолмағай боқий,
Фанодин бал, бақодин ҳам замирим лавҳида белгу.

Тасаввуфий тушунчада, яшашдан кўзланган туб мақсад бир Гўзаллик излашдир. Жамоли мутлақка восил бўлиш – ишқ ва ошиқликнинг сўнгги ҳадафи. Аллоҳни вужуди мутлақ, соқийи азал, шоҳи олам, дея тасаввур қилган ошиқлар Ундан турли зайлда мадад ва илтифотлар кутишган. Навоий ҳам мана бундай умид билан ғазалга нуқта қўйган:

Навоий дайр аро маст ўлса, шоҳдин паноҳ андин
Ўтарда тутқуси, албатта, бир соғар чиқиб ўтру.

Шоир назарда тутган "соғар"ни муршиди комилнинг кўнгли, дея ўйлаш мумкин. Лекин ундаги "май" инсонни Аллоҳга йўналтирувчи ва У билан бирлаштирувчи майдир.

2013 йил февраль

"ИШҚ АРО ДУШВОРДУР БЎЛМОҚ..."

Ишқ аро душвордур бўлмоқ киши ҳамдарди шоҳ,
Чун де олмас дардини бир йил югурса додхоҳ.

Шох додимға нетиб етсунки, мулки ишқ аро,
Қадри олий шоҳ ила тенгдур гадойи хоки роҳ.

Шоҳ мендин ишқ аро ожизроқ ўлса тонг эмас
Ким, балокашлик менинг хўйимдур, анинг иззу жоҳ.

Шоҳликнинг дахли йўқ ишқу муҳаббат кўйида
Ким, керак анда сариғ юз, лаългун ашк, ўтлуғ оҳ.

Шоҳким, матлубиға қуллуқ буюрғай ишқ эмас,
Кимки ошиқдур анга зору забунлуғдур гувоҳ.

Сарв ила хошок агар гул ошиқидур фарқи бор,
Сарвға то ўт тутошқай, кул бўлур юз минг гиёҳ.

Эй Навоий, сидқ ила бўлғил гадо ишқ ичраким,
Тахту тожин берса, бу давлатни топмас подшоҳ.

Ишқ ва ошиқлик тарихи – энг қадим тарихларнинг ҳам қадимгисидир. Ишқ бошланғичда, яъни коинот яратилган пайтдаёқ ўзини намоён эта олган. Борлиқни бор айлаган шу ишқ эди. Унга илк қувват дейилганди. Бу қувват жонсиз мавжудликлар ва сўнгра жонлиларнинг ҳалқаларидан ўтиб, инсонга етгач, айнан инсонда ўзини таниб, оламшумул шуур касб этган. Ишқ сир-асрорини тўлиқ кашф қилиб бўлмаганидек, дуёда ишқ салтанатига тенг келадиган салтанат ҳам йўқдир. Кўҳна Шарқда шоҳликка қараганда ошиқлик мақоми юксак кўрилган. Эрк ва ҳуррият подшоҳлик фуқаросида эмас, ишқ фуқаросида деб, англанган. Хуллас, ишқ, ошиқ, маъшуқ ҳақидаги гаплар, маълум бир тарзда шоҳ ва шоҳликка тескари айтилганки, Навоийнинг ғазалида ҳам тазодий бу тамойил осон англашилади.

Ишқ аро душвордур бўлмоқ киши ҳамдарди шоҳ,
Чун де олмас, дардини бир йил югурса додхоҳ.

Мумтоз адабиётимиздаги кўп асарлар ошиқнинг дил дарди, маънавий-руҳий ҳоли, орзу ва армонлари тасвиридан таркиб топган. Ошиқлик фавқулодда самимият, тўғрилик, сидқ ва очиқликни талаб қилади. Ошиқ кўнглига йўл очишнинг чораси битта – ошиқлик. Шу маънода шоҳ ва ошиқ бошқа-бошқа одам. Биринчиси борлиғини бағишлаган нарсани иккинчиси умуман назарга илмайди. Бири интилганидан, иккинчиси қочади. Шунинг учун ишқ дунёсида шоҳ билан ҳамдард бўлиш душвордир. Йиллар мобайнида югуриб – елиб унга дарди дилни изҳор этолмаслик ҳам одатий ҳодиса. Бундан ташқари, шоҳ ошиққа қандай қилиб мадад бериши ёки ёрдам қўлини чўзиши мумкин? Ишқ мулкида шоҳу гадо деган тафовут йўқ – ҳамма бир хил:

Шоҳ додимға нетиб етсунки мулки ишқ аро,
Қадри олий шоҳ ила тенгдур гадойи хоки роҳ.

Ишқда ижтимоий, иқтисодий тенгсизлик йўқ. Лекин севги ва садоқатда фарқлар бор. Чинакам ошиқ дарду бало одами. Қанча ғам ва изтироб чекса, унга шунча яхши. Азоб, алам, андуҳ бўлмаса, ошиқда ҳаракат бўлмайди. Демак, у ўзидан-ўзи йироқлашиб, ҳатто ажралиб қолади. Подшоҳчи? Ҳеч пайт у иззату мартабадан кўнгил узолмайди. Чунки тожу тахтнинг ҳам ўз сеҳри, нафсга ором бағишловчи алоҳида жозибаси бўлади:

Шоҳ мендин ишқ аро ожизроқ ўлса тонг эмас,
Ким, балокашлик менинг хўйимдур, анинг иззу жоҳ.

Шарқлик ошиқнинг ташқи қиёфасини кўз олдингизга келтирсангиз юзи “хазон яфроғи”дай сариғ, кўзи ёшли, оҳ-воҳлари ўтли, қадди эгик бир одам намоён бўлади. Унинг ҳолидаги маъюслик ва маҳзунликка-ку чидаш қийин. Аммо булар ишқ аҳлига хос хусусият, яъни ошиқлик, вафо ва садоқат белгилари.

Шоҳликнинг дахли йўқ ишқу муҳаббат кўйида
Ким, керак анда сариғ юз, лаългун ашк, ўтлуғ оҳ.

Подшоҳлик мартабаси – ҳукм юритиш, фармойиш бериш, тобе айлаш демак. Аслида севги-муҳаббати ғалаба қилган ҳукмдор Бобур мирзога ўхшаб маъшуқасига “Шоҳмен элга вале сенга қулдурмен”, дейиши лозим. Аммо умумий таомилга кўра, шоҳу султонларнинг суюкли ёрлари ҳам уларга бўйин эгиш, қуллуқ қилишга мажбурдирлар. Ваҳоланки, зориқиш, мағлуб бўлиш, таслимиятга розилик ишқнинг шартларидандир:

Шоҳким, матлубиға қуллуқ буюрғай ишқ эмас,
Кимки ошиқдур анга зору забунлуғдур гувоҳ.

Етти байтли ғазалнинг беш байтида шоҳ ва ошиқ, ошиқ ва шоҳ ўртасидаги фарқлар кўрсатилган. Олтинчи байтда эса олдин айтилган гаплар гўё мажоз тили билан далилланган. Яъни: сарв билан гиёҳ (ёки хошок) гулга ошиқ бўлгани билан орада жиддий фарқ бор. Мабодо кутилмаганда олов бош кўтарса, сарвга туташгунича “юз минг гиёҳ” кулга айланиб бўлади:

Сарв ила хошок агар гул ошиқидур фарқи бор,
Сарвға то ўт туташқай, кул бўлур юз минг гиёҳ.

Шоир сарв воситасида ошиқ қадри ва толеининг баландлигини таъкидлар экан, ишқда сидқу сафони ҳамма нарсадан устун қўяди. Ва уни тожу тахт билан алмаштириб бўлмайдиган беқиёс давлат ўлароқ улуғлайди:

Эй Навоий, сидқ ила бўлғил гадо ишқ ичраким,
Тахту тожин берса, бу давлатни топмас подшоҳ.

Бунда ишқда гадолик имтиёзи подшоҳликдан афзал ва юқори кўтарилаётган бўлса-да, ҳаётини тожу тахтга тикиш сўнмас истак ва иштиёқлигини ҳам унутмаслик лозим.

“КЎНГУЛ ИЧРА ҒАМ КАМЛИГИ...”

Кўнгул ичра ғам камлиги асру ғамдур,
Алам йўқлуғи дағи қаттиқ аламдур.

Ема дарду андуҳдин ғамки, истаб
Топилмас бу давр бўлса бу муғтанамдур.

Хуш ул дардким, юзланур лаҳза-лаҳза,
Хуш ул ғамки, хотир аро дам-бадамдур.

Жаҳон ичра ҳамдард кам бўлса тонг йўқ
Ки, бедард кўп, лек дард аҳли камдур.

Манга ишқ дарди эмас муҳлику бас
Замон дарди, аҳли замон дарди ҳамдур.

Харобот аро, эй хуш, ул ринди сармаст
Ки, оллинда олам вужуди адамдур.

Мақом этса туфроқ уза — тахти Жамшид,
Сафолики ул май ичар жоми Жамдур.

Қадаҳ важҳи гар шайхдин ҳосил эрмас,
Не ғам дайр пири чу соҳибкарамдур.

Навоий ичар бода ул шўх тутқач,
Неча гарчи тақво била муттаҳамдур.

Дарду ғам, ҳасрату андуҳ, ғусса ва изтиробни Шарқ мумтоз шеъриятининг жон томири деса хато бўлмайди. Чунки бу шеъриятда ҳар бир талантли шоир ўзини дард, ғам султони, ўлароқ ҳис этган. Аммо уларнинг кўнглини нурлантириб, ҳис-туйғуларини янгилаб берган дард – ишқ ва муҳаббат дарди, айрилиқ ва ҳижрон алами эди. Зеро, “Лисон ут-тайр” достонида таъкидланганидек:

Ишқ аро дарду балодин ўзга йўқ,
Зулму бедоду жафодин ўзга йўқ.

Дард устига дард, бало устига бало ёғилиши ошиқнинг асосий бир орзуси. Қолаверса, изтироб инсондаги қалб борлиғининг илк белгиси ва уни дўст каби кутиб олиш кўнгилнинг шодлигидир. Ғам ва изтиробга муштоқлик шундан. Навоийнинг “Наводир уш-шабоб” девонидаги 134-ғазални:

Кўнгул ичра ғам камлиги асру ғамдур,
Алам йўқлуғи дағи қаттиқ аламдур, –

деган бир эътироф билан бошлашига ҳам асосий сабаб ана шу. Ишқ, маърифат ва ҳақиқат муҳитида инсонни бир чироқ ўрнида тасаввур қилинадиган бўлса, унинг нури ғамдир, кадардир. Бироқ “дарду андуҳдин ғам” емаслик керак, давр ва замон кўзгусидан қаралса, уларнинг ғаниматлиги дарров равшанлашади:

Ема дарду андуҳдин ғамки, истаб
Топилмас бу давр бўлса бу муғтанамдур.

Инсон ўзининг ички оламини чуқур билмагани боис ўзлиги билан юзлашишдан қўрқади ва ҳаётининг ҳар бир босқичида ўзидан қочади. Чинакам изтироб биздан яширинган “мен”ни ўртага олиб чиқади ва ўткинчи лаззатлар, бегона қувватлар орқали билинадиган

ҳолдаги иродамиз билан қаршилантиради. Мана шунда дару ғамнинг қадр-қиммати қанча кучайса, ҳаракат тарзи ҳам ўшанча теран маъно касб этади:

Хуш ул дардким, юзланур лаҳза-лаҳза,
Хуш ул ғамки, хотир аро дам-бадамдур.

Дунёга дард нигоҳи билан қараб, ҳаётни ғам йўли ила идрок айлайдиган кишининг наинки фикр-қараши, балки феъл-атворида ҳам ўзгаришлар содир бўлади. Биринчидан, ўзини у ич-ичдан ёлғиз сеза бошлайди. Иккинчидан, ҳамдард ахтаргани сайин бедардлик чўнг кулфат эканлигини у чуқур тушуниб етади:

Жаҳон ичра ҳамдард кам бўлса тонг йўқ
Ки, бедард кўп, лек дард аҳли камдур.

Бедардлик, маълум бир маънода, бағритошлик, гумроҳлик, зулмкорлик дегани. Бедард кимса қанчадан-қанча одамларнинг қалбида азоб ортидан азоб, ғусса изидан ғусса қўзғашини ҳеч пайт тўғри англолмайди. Ҳар қандай шароит, ҳар қанақа вазиятда ишқ дардига чидаш, ҳатто ундан роҳатланиш мумкин. Бироқ замон дарди ва аҳли замон кулфатига тоқат қилиш мушкулдир:

Менга ишқ дарди эмас муҳлику бас
Замон дарди, аҳли замон дарди ҳамдур.

Дард ва ғам ҳақиқат хабарчиси бўлганидек, умидбахш ҳаётий ҳодисаларнинг ташвиқотчиси ҳамдир. Акс ҳолда ошиқ оламни назарга илмаган ринди сармастни ибрат тимсоли деб билмасди:

Харобот аро, эй хуш, ул ринди сармаст
Ки, оллинда олам вужуди адамдур.

Бирор бир нарсанинг дарду аламини ичдан кечирмаган кимса уни на танийди, на севади. Севги-муҳаббат сингари англаш завқи ҳам майда, майхўрликда очилади. Ринд – дунёнинг энг эркин одами. Унинг мастлиги унутиш ё йўқотиш эмас, эришиш. Эришилиши зарур бўлган асосий нарса учун хотирлашга арзимайдиган ҳамма нарсани у унутади. Натижада ўша сармаст ринд маънавий-руҳий ҳукмронликнинг бетакрор бир мақомига кўтарилади-ки, уни “тахти Жамшид”дан, май ичадиган сафол идишини Жамшиднинг сеҳрли жомидан ҳеч кам кўрмайди:

Мақом этса туфроқ уза – тахти Жамшид,
Сафолики ул май ичар жоми Жамдур.

Ушбу ғазалда ғам, алам, дард, андуҳ сўзлари ўрин алмашиб, такрорланиб келади. Лекин уларнинг ҳаммаси битта мақсад – турғунлашувга кўникаёзган, демакки, фикрлашда тўхташга мойил ўзликни ҳаракатга чорлашга сафарбар этилган. Шу боис ғазал қаҳрамони ишонч-эътиқодда эркин – бир даргоҳдан топмаганини иккинчи биридан топишига асло шубҳаланмайди. Чунончи: комиллик файзи тариқат шайхидан етмаса, соҳибкарам бошқа бир пир буни, албатта, уддалайди:

Қадаҳ важҳи гар шайхдин ҳосил эрмас,
Не ғам дайр пири чу соҳибкарамдур.

Қадаҳ, дайр пири, бода каби сўз ва ибораларни ўқиган шеърхон ўзгача бир фикр ё хаёлга бориши эҳтимолдан йироқ эмас. Аммо тасаввуфий истилоҳда улар исломга қарши ҳеч қандай маънога эга эмаслиги инобатга олинса, иккиланиш ўз-ўзидан барҳам топади. Ғазал мақтасидаги гап ҳам ҳақиқий ишқ завқи ва маъшуқи азалга тегишли:

Навоий ичар бода ул шўх тутқач,
Неча гарчи тақво била муттаҳамдур.

Қадимда ишқ турларга ажратилиб, таъриф ва тавсиф этилган бўлса ҳамки, илоҳий ишқ билан мажозий ишқ орасида зидлашадиган, ўзаро бир-бирига тубдан қарши ҳеч нима йўқдур. Ҳақни севган одамгина халқни севади. Халққа кўнгил боғлаган эса ўзини Холиқдан айру тасаввур этолмайди. Ва айнан мана шу ҳолатда у илоҳий ишқ ҳолининг тасаввур этиб бўлмас даражада юксалишига бутун борлиғи билан иқрор бўлади. Мавлоно Жалолиддин Румий “Маснавий”да Худо ишқидан маст бўлганлардан бошқалари гўдакдурларки, кибру ҳаводан ўзга фазилат йўқдур уларда, дейди:

Халқ атфоланд жуз масти Худо,
Нест болиғ жуз роҳида аз ҳаво,

Инсон руҳи ўз-ўзидан илоҳий чексизликка интилмайди. Руҳнинг қаноти – илоҳий ишқ. Аллоҳга муҳаббат. Бу ишқ, бу муҳаббат билан тенглашадиган ва ошиқ қалбини у қадар поклайдиган бошқа бир нима йўқ. Шунинг учун биз Навоий ғазалларини билиб, англаб, кенг мушоҳада қилиб, қанча кўп ўқисак, ўзимизнинг илоҳий моҳиятимиз, ҳурриятимизни ҳам ўшанча ёрқинроқ тасаввур этамиз. Сўзда ўзлигимизни кўрамиз.

Дарвоқе, Ғарб шарқшуносларидан бири топиб айганидек, “Ошиқларнинг ғам-алами заиф инсон характерини парчалайди, Фоний дунёга боғланганларни ўзидан озод этади”.

«ЁРДИН АЙРУ КЎНГУЛ...»

Ёрдин айру кўнгул мулкедурур султони йўқ,
Мулкким султони йўқ, жисмедурурким, жони йўқ.

Жисмдин жонсиз, не ҳосил, эй мусулмонларким, ул
Бир қора туфроғдекдурким, гулу райҳони йўқ.

Бир қора туфроғким, йўқтур гулу райҳон анга,
Ул қоронғу кечадекдурким, маҳи тобони йўқ.

Ул қоронғу кечаким йўқтур маҳи тобон анга,
Зулматедурким, анинг сарчашмаи ҳайвони йўқ.

Зулматеким, чашмайи ҳайвони анинг бўлмағай
Дўзахедурким, ёнида равзаи ризвони йўқ.

Дўзахеким равзайи ризвондин ўлғай ноумид,
Бир хуморедурки, анда мастлиғ имкони йўқ.

Эй Навоий, бор анга мундоқ уқубатларки, бор
Ҳажрдин дарди-ю лекин васлдин дармони йўқ.

Ғазал – Шарқ шеъриятидаги гўзал бир жанр. Ғазал матнига ҳар жиҳатдан теран ёндашиб, уни мукаммал бир тарзда таҳлил ё талқин қилиш осон иш эмас. Шунинг учун у ёки бу шоирнинг ғазалидан баҳс юритганда, биров ундаги ғоя ва мазмунни биринчи ўринга қўяди, кимдир ахлоқий-тарбиявий асосга суяниб сўз айтади, яна қайсидир тадқиқотчи ўзича тасвир ва бадиийлик хусусиятларига эътиборни қаратади. Шунингдек, ғазалда диний, фалсафий тушунчалардан бошқасини муҳим ҳисобламайдиганлар бўлгани сингари, унинг гўзаллик сифатларини хиралаштирувчилар ҳам топилади. Бу гаплар навоийшуносликка ҳам бевосита тегишли. Тил, тарих, бадиий ижод сирларини бир қадар яхши билган олим дин, тасаввуф ва қадим шарқ фалсафасини пухта билмайди, буларни билишни уддалаганларда дид ва савия чатоқ ва ҳ.к. Шунинг учун мутафаккир шоир ғазалиёти тадқиқ ва талқинида зерикарли даражада жўнлик ҳамда бирхиллика эрк берилган. Ваҳоланки, Навоий девонларида туйғу, тушунча, тасвир эътибори билан бири иккинчисига ўхшамайдиган ғазаллар жуда кўп. Юқоридаги ғазал ана ўшалардан бири.

Дастлаб у «Бадойиъ ул бидоя» девонидан ўрин олган, кейин “Ғаройиб ус-сиғар”га киритилган.[1]

Устод Мақсуд Шайхзоданинг шарҳига кўра мазкур ғазал “бошдан оёқ ташбиҳ (ўхшатиш) приёми асосида қурилган. Шоирнинг бадиий муддаоси қаноатланмаган ёхуд жавобсиз севгининг дардини ифода қилишдир. Ўзининг бу ҳолатини у 7 ташбиҳ билан, қаторма қатор, эмоционал лавҳалар билан, борган сайин таассуротни кескинлаштириб баён қилади”[2].

Дарҳақиқат, ғазалда орзу-умидига эришолмаган ошиқнинг ҳоли хотирдан чиқмайдиган усул ва гўзал таъкидларда тасвирланган. Лекин ғазал маъноси икки “қатлам”дан таркиб топган. Булардан биринчиси, ишқий, иккинчиси, таъбир жоиз бўлса, ижтимоий-сиёсий қатлам. Шоир учун муҳими, ҳатто айтиш мумкинки, шеърнинг ёзилишига сабаб бўлгани кейинги маъно. Ёрдан жудо кўнгил аҳволи мумтоз шеъриятда жуда кўп нарса ва ҳодисаларга ўхшатилган. Масалан, ойсиз тун, қуёшсиз кун, гулу гулзорсиз булбул, шамдан йироқ парвона, денгизи йўқ қайиқ ва ҳ.к.

Навоий бу гал шеърни бир қадар ноанаъанавий ташбиҳ билан бошлайди:

Ёрдин айру кўнгул, мулкедурур султони йўқ,
Мулкким султони йўқ, жисмедурурким, жони йўқ.

Ёрдан айру кўнгулни султони ёки подшоҳи йўқ салтанат ёхуд мамлакатга қиёсланишида ҳеч қандай атайинлик сезилмайди. Аксинча, ошиқ кўнглининг султони маъшуқа бўлмасдан ким, деган фикр хотирада янада қатъийлашади.

Мулкким, султони йўқ, жисмедурки жони йўқ.

[1] Қаранг: Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. 1-жилд. – Тошкент, 1987. – 270-271-бетлар.; Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. 3-жилд. – Тошкент, 1988. – 252-253-бетлар.
[2] Мақсуд Шайхзода. Алишер Навоий лирикасининг баъзи бир поэтик усуллари ҳақида. “Ўзбек адабиёти масалалари”. – ТОшкент, 1959. – 242-бет.

Бу гап ўқувчидан энди жиддийроқ мулоҳаза юритишни талаб қилади. Чунки ёрсиз кўнгил билан, подшоҳсиз қолган мамлакат тақдирини бир-бирига қиёслаш мувофиқлаштириб бўлмас бир ишдир. Ҳар қанча қийналиб, азоб чеккани билан ошиқ бутун бошли эгасиз мулк фуқароларига тенглашолмайди. Ва орадаги фожиа ёки кулфат миқёсини аниқлашга уриниш умуман ақлга сиғмайди. Дейликки, ҳижрон қафасида ошиқ жон қушини қурбон қилган. Аммо у битта жон, битта қурбонлик. Энди султон ёки ҳоқонсиз мамлакатни жони йўқ жисм ўрнида кўринг. Бу – ўша жой ёки юртда ҳаёт тўхтаб, ҳаракат издан чиқди дегани эмасми? Хўш, бундай бўлмаган, бўлмайди ҳам дейлик. Унда Алишер Навоий айнан шу масалага (“Мулкким султони йўқ, жисмедурким жони йўқ”) нима учун диққатни қаратган?

Хорижлик олимлардан Мажид Фахрийнинг ёзишича, давлатчилик илмининг асосини ташкил қилган бошланғич нуқта, Арастунинг инсон туғилишданоқ сиёсатчи махлуқдир, деган тушунчаси саналади. Чунки у ҳамжинсларининг ёрдамисиз ўзининг моддий эҳтиёжларини таъминлай олмаганидек, зўравонлик ва тажовузлардан ҳам ўзини муҳофаза этолмайди. Зеро, фақат сиёсий бирлик тажовузга мойил кишиларнинг, ўзгалар ишонч-эътиқодига қарши борадиган кучларнинг йўлини тўсишга қодир бир ҳукмдор бўлишини талаб қилади. Худди ана шу зарурият табиий бир муассаса бўлмиш ҳукмдорлик муассасасининг туғилишига йўл очган. Бундан олдин нубувват, яъни пайғамбарлик муассасаси бўлса-да, давлат бошқарувининг мукаммалашувига ҳеч қандай монелик кўрсатмайди.[1] Алишер Навоий ана шу ҳақиқатни теран тушунгани боис ҳам давлатнинг ҳукмдорсиз қолишини фожианинг энг сўнгги нуқтаси сифатида баҳолаган.

Давлат ва давлатчилик жорий этилгандан кейин мулкнинг подшоҳсиз қолиш ҳодисаси тарихда жуда кўп бора такрорланган бўлишига қарамай, ғазал учун мавзу ва таассуротни Навоий ўзи мансуб давр ҳамда замондан олган. Чунки подшоҳсиз қолган юрт кулфатига мутафаккир шоир бирмас, бир неча бора гувоҳ бўлган эди.

Тарихдан маълумки, 1447 йили Хуросон ҳукмдори Шоҳрух Мирзо вафот этгач, ўғил ва неваралари ўртасида тахт, салтанат талашувлари бошланиб кетганди. Жанг ва босқинлар таҳликали тус олиб, халқ кимга ишониш ва нимага суянишни ҳам билмай қолган. Натижада, гоҳ у, гоҳ бу шаҳзода ёки Мирзо қўлига ўта бошлаган Ҳиротда ҳам кун кечириш қийинлашади. Навоийнинг отаси Ғиёсиддин Баҳодир шу боис юртни тарк этиб, оиласи билан Ироққа кўчиб кетади. Ўшанда ҳали етти ёшга ҳам қадам қўймаган Алишернинг хотирасига эгасиз бир мамлакатда рўй берган бошбошдоқлик, зўравонлик, ночорлик фожиалари илк маротаба чуқур ўрнашиб қолган ва бирмунча вақт ўтгач, ўспирин шоир:

Ёрдин айру кўнгул, мулкедурур, султони йўқ,
Мулкким султони йўқ, жисмедурурким, жони йўқ, -

деб ёзган эди. Лекин ушбу фикр фақат болаликдаги эмас, шоирнинг ёшлик пайтларидаги кечинма ва таассуротларига ҳам дахлдордир. Чунки Алишер 1457 йил Абулқосим Бобур ўлимидан сўнг тахтпарастлик даъволаридан қўзғалган ғалаёнлар мисолида ҳам подшоҳсиз мамлакатнинг жонсиз жисмга менгзаб қолишига тўла инонган эди.

Ғазалнинг навбатдаги байтларида жонсиз вужуднинг “гули райҳони йўқ” бир қора туфроққа, бундай туфроқнинг, моҳи тобонсиз қаронғу тунга, ойсиз кечани, ҳаёт сувидан маҳрум “зулмат”га, “чашмаи ҳайвони йўқ” қаронғуликни равзайи ризвонсиз дўзахга қиёсланиши ёрсиз кўнгил ҳолатидан кўра султони йўқ давлат тақдирини кенг ва теранроқ акс эттиради. Кейинги икки байт ҳам ўз-ўзидан умумий ижтимоий-сиёсий фожианинг шарҳи

[1] Фахрий М. Ислом фалсафаси тарихи. – Истанбул, 1989. 407-бет.

ўлароқ қабул қилинади. Дарҳақиқат, 1457 йил февралидан кейин Абулқосим Бобурнинг ўғли Шоҳ Маҳмуд, Алоуддавланинг ўғли Мирзо Иброҳим, Султон Абусаид орасида кечган ғавғо ва қирғинлар бошсиз қолган улкан мамлакатнинг парчаланишидан бошқа бир манзарани акс эттирмасди.

Ғазал яратилган вақт эътиборга олинса, Навоийнинг:

Видо этмиш бу кишвардин омонлиғ,
Омонлиғ ўрнига келмиш ёмонлиғ, –

деган сўзлари ўша давр Хуросон аҳволини бағоят аниқ ифодалайди, деб ўйлаймиз. Миллионлаб одамларнинг тақдирига тегишли улкан ва бағоят долзарб сиёсий масалани ошиқона оҳанг ҳамда «либосда» тасвирлаб бериш бу – алоҳида маҳорат. Давлатнинг жисмига жон бўладиган ҳукмдор деганда, Навоий, албатта, жаҳонгир Амир Темур, Шоҳруҳ Мирзо, Султон Улуғбек каби подшоҳларни назарда туганлигини изоҳлашга ҳам ҳожат йўқ деб ўйлаймиз.

“Ё РАБКИ, ФАНО БАЗМИДА...”

Ё рабки, фано базмида хос айла мени,
Фақр аҳлиға соҳиб ихтисос айла мени,
Ё дохили зумрайи хавос айла мени
Ё ранжи авомдин халос айла мени.

Алишер Навоий девонларидаги юзлаб шеърларда фано ва фақр деган сўзга қайта-қайта дуч келинади. “Фано” ҳам “фақр” ҳам мутафаккир бобомиз учун айтиш ёки ёзиш билан тугатиб бўлмайдиган фикр ва тушунча хазинасига ўхшайди. Кўпгина Шарқ шоирлари сингари фақр деса, Навоийнинг кўнглида қувонч ва шодлик қанот қоқади; фано деса руҳи яйраб яшнайди.

Навоий фақирлик маслагини қанчалик улуғласа, фано ҳолини ўшанча юқори шарафлайди. Бунга асосий сабаб нима? Бу сўзларнинг бир қатор луғатларда изоҳланган мазмунларига асосланиб айтиладиган бўлса, на фақрда, на фанода ибрат ва ҳавасга арзигулик ҳаётий бир маъно топилмайди. Масалан, “Навоий асарлари луғати”да фано калимаси: 1. Йўқ бўлиш; тугалиш; ўлиш; бақосизлик. 2. Ўзликни йўқотиб, бутун борлиқдан кечиб, илоҳиётга сингиш (тасаввуфда) деб изоҳланган бўлса, фақр – камбағаллик, йўқсиллик; 2. Дунёдан кечиш дея шарҳланган.

Рубоийнинг илк мисрасидаги “фано базми” иборасини оддий шеърхон “йўқолиш, ўлиш, ўзликдан қутилиш” мазмунида англашга мажбурдир. Демак, унинг нигоҳида Навоий ўз-ўзидан ўлимни, тирикликнинг умуман бақосизлигини ёқловчи бир шиор қиёфасида гавдаланади. Ёки: “Фақр аҳлиға соҳиб ихтисос айла мени”, фикрни олайлик. Луғатдаги изоҳга асосланилса, “фақр аҳли”ни камбағал, қашшоқ, дунёга қўл силтаган кимсалар гуруҳидан бошқа бир жамоа сифатида тасаввур қилолмайсиз. Наҳотки, Навоий ночор, йўқсил одамларнинг энг олдинги қаторида бўлиш ва қашшоқлик билан фахрланишни орзу этган бўлса? Ҳеч қачон бундай бўлмаган ва бўлиши ҳам мумкин эмас эди. Камбағаллик ва қашшоқлик инсонни нақадар хору зор айлаб, не-не азобу уқубатларга гирифтор айлашини Навоий ҳаммадан кўра яхшироқ англаган.

Лекин халқ орасидаги авомлик, нодонлик ва гумроҳлик Навоий қалбида дард қўзғаб, уни эзганлиги – бу рост, албатта. Аслини олганда, мазкур рубоийнинг ёзилишига асосий сабаб ҳам ана шу дарддир. Шоир авом ранжидан халос айлаш учун Аллоҳга илтижо қилиб бири иккинчисига йўл очиб, бири бошқасини қўллаб-қувватловчи уч орзуни изҳор этади.

Булардан биринчиси, фано ҳолида энг баланд даражага кўтарилиб, руҳий шодлик ва фароғатга эришиши:

Ё рабки, фано базмида хос айла мени.

Фано – тасаввуфдаги асосий ва ниҳоятда мураккаб истилоҳлардан бири. Мутасаввиф шоирлар уни неча ўнлаб маъноларда қўллаб, бири иккинчисига ўхшамайдиган, гоҳида эса кескин фарқланадиган мазмунларни илгари суришган. Қадимги тасаввуфшунос олимлардан Абу Наср Саррожга кўра, фано ва бақо моҳиятан ўзаро боғлиқ истилоҳлардир. У ёзади: “Фано ва бақо, авом даражасидан хаввос (хос кишилар, маърифат соҳиблари) мартабасига кўтарилишни кўзлаган аҳли тавҳиднинг сифатига дахлдор икки номдир. Бошланғичда фано ва бақо истилоҳлари шундай тушуниларди: илмнинг ўртага чиқиши – бақо, жаҳолатнинг барҳам берилиши – фано. Қулнинг ўрганган илми ва маърифат асосида иноятиилоҳиятга мушарраф бўлиш туйғусининг воқеланиши – бақо, ўзининг ҳаракатларини кўришдан фоне бўлиш - фано”.

Демак, Навоий кўзда тутган “фано базми” – бу ҳам хулқий покланиш, ахлоқни гўзаллаштириш “тажриба”си, ҳам илм ва маърифат чўққисини эгаллаш саодати, ҳам тавҳид ҳоли соҳиби бўлишдир.

Буюк шоирнинг:

Фақр аҳлига соҳиб ихтисос айла мени, –

деган илтижосига келсак, бунинг замиридаги ҳақиқат яна ҳам жозибалироқдир. Аммо тасаввуфда бўлганидек, дин ва адабиёт тарихида фақр сўзи кўп хато ва нотўғри талқинларга дучор этилганлигини ҳам унутмаслик керак. Умуман, фақрда йўқсиллик маъноси бўлгани билан ҳеч бир мумтоз шоиримиз уни қашшоқлик, афтодалик тарғиби учун ишлатмаган. Фақр – дарвешнинг бирор нарсага боғланиб, тақалиб қолмаслик шуурига кўтарилиши, Аллоҳдан бошқа ҳеч ким, ҳеч нимага муҳтожлик сезмаслиги, деганидир.

Иброҳим бин Аҳмад Хаввос демиш: “Фақр, шараф кийими, пайғамбар либоси, солиҳлар ризқи, мутаққийлар тожи, мўминлар зийнати, орифлар давлати, итоаткорлар кўшки, гуноҳкорлар зиндонидир. Гуноҳларга кафорат, савобларга пешводир. Фақр – даражаларга юксалтирувчи, мақсадга етиштирувчи эрур. Фақр – эзгу амал соҳибларининг шиори, мутаққийларнинг йўли ҳисобланади”.

Фақрнинг шунча сир-асрорини англаган ҳар қанақа киши фақир аҳли орасида зўр нуфуз қозонишни орзу қилмай нима қилади? Шу боисдан Шарқ мумтоз шеъриятининг деярли ҳар бир йирик вакилининг кўнглида фақр ишқи жўш урган ва фақирликни шахс камолотининг дахлсиз мақоми ўлароқ эъзозлаган.

Ҳақ ошиқлари, дарвеш, ориф, абдол, аҳли фақр – булар ўтмишда “зумрайи хавос”, яъни хос одамлар жамоаси дейилган. Булар ўзларининг гўзал хулқ-атвори, илм-маърифати, айниқса, тўғрилиги, файз соҳиблиги билан халқ орасида зўр обрў-эътиборга эга бўлишган. Бундай зотларга тенглашиш камдан-кам кишиларга насиб бўлганлиги учун кўпчилик уларнинг даврасига қўшилиб суҳбатларидан баҳра олишга интилишган. Навоий ҳам буни оломондан ёғилажак азиятдан қутилишнинг бир чораси, деб таъкидлаган:

Ё дохили зумрайи хавос айла мени.

Ҳақиқий рубоий – илм ва маърифат, тафаккур ва мушоҳада шеъри. Рубоийни илм ва мушоҳада кишиси бошқа миқёсда тушунади, билими паст, фикр йўли тор кимса ўзга бир тарзда қабул қилади. Айтайлик, юқорида келтирилган рубоийнинг моҳиятига етиб боролмаган ўқувчи мана бу рубоийдаги маънонинг ҳам мағзини чақолмайди.

Бир айбға гарчи халқ қилғай мансуб,
Фақр аҳлидан изтироб эмастур маҳсуб.
Сидқ эрса, худ этмак керак ўз феълини хуб
Кизб эрса, маломат дағи бордур матлуб.

Бу оламда қандайдир камчилик ёки нуқсондан бутунлай холи бандани учратиш жуда қийин. Хоҳ ёши катта, хоҳ кичик бўлсин, ҳар кимда ўзига яраша бир қусур кўзга ташланиши мумкин. Лекин кўп ҳолларда одамнинг ўзи буни пайқолмайди. Айримлар эса била тура айбини яширишга ё тан олмасликка уринишади. Ва охир-оқибатда зоҳири билан ботини, айтгани билан амали ҳеч мувофиқ келмас, ашаддий каззоб, риёкорга айланиб қолишади. Ахир, касални яшириб бўлмаганидек, ёмон хулқ, нафсоний майлларни ҳам хаспўшлашнинг ҳеч иложи йўқ: биров кўрмаса уларни бошқа кимдир сезади, кўради. Хўш бундай пайтда нима қилиш лозим? Навоий бу саволга тасаввуф қаҳрамонларининг энг пешқадами фақир мисолида жавоб беради. “Фақирлик – менинг фахрим эрур”. Пайғамбаримизнинг бу сўзларига содиқ бўла билган ҳар бир фақир ақл-идроки, камтарлик ва хоксорлиги, нафс “жилови”ни қўлга маҳкам ушлай ола билганлиги билан алоҳида ажралиб турган. Бироқ фақр одоби эришилган ахлоқий-маънавий хислатларга бино қўйиш, кўпчиликнинг муносабатини назарга илмасликни мутлақо маъқулламаган. Навоийнинг рубоийсида таъкидланишича, халқу халойиқ қандайдир айб ёхуд нуқсон юзасидан фақр аҳлини қоралашса, бундан асло ранжимаслик керак. Фақир таъна-маломатдан эмас, мақтовдан чўчиши лозим.

Фақр аҳлидан изтироб эмастур маҳсуб.

Танқиднинг тўғри ё нотўғрилигини аниқ билиш – бу бўлак масала. Агар қўйилган айб туҳмат ва бўҳтон бўлмаса, сира оғринмай унга тан бериш ва кечиладиган ноқисликдан кечиш зарур. Танқид мабодо ёлғон ва асоссиз бўлса-чи? Бунинг ҳам оғринадиган томони йўқдир. Зеро, “Маломатда саломат бор”, деб бежиз айтилмаган. Бундан ташқари, фақр соҳиблари маънавий салтанатни саховат, вафо, фано ва ризодан айри кўрмасликлари жоиз:

Ким истаса салтанат, саходур анга шарт,
Ҳар ваъдаки айласа, вафодур анга шарт.
Ким фақр талаб қилса, фанодур анга шарт,
Оллиға неким келса, ризодур анга шарт.

“ОЛЛИМДА ТАБИБИ ЧОРАСОЗИМ ҲАМ ЙЎҚ...”

Оллимда табиби чорасизим ҳам йўқ,
Ёнимда рафиқи дилнавозим ҳам йўқ.
Теграмда аниси жонгудозим ҳам йўқ,
Бошимда шаҳи банданавозим ҳам йўқ.

Алишер Навоийнинг элимиз орасида машҳур ғазалларидан бири. “Меҳр кўп кўргуздим, аммо меҳрибоне топмадим”, деб бошланади. “Топмадим”, – улуғ шоирнинг ҳолати, муносабати ва иқрорини акс эттирадиган бош сўзлардан бири. Ошиқ уринмаса, изламаса, ранж чекдим, деёлмайди. Навоий вафо ва садоқатдан сўз очадими, меҳр-шафқатдан баҳс юритадими ёки дўстликдан гапирадими, кўп пайтда “Топмадим!” дейди. Юқорида ўқиганимиз рубоийдаги таъкид – “йўқ, йўқ”лардан кўзланган асосий мақсад ҳам “топмадим, топилмадим” демоқдир.

Кимлигидан қатъи назар, бировнинг олдида дардига дармон бўлгувчи бир табиб, кўнглини кўтара оладиган дўст, атрофида жони ачийдиган меҳрибон сирдош, қошида мард бир муҳофиз топилмаса, унинг қисмати, албатта, куйинишга, боринги, ачинишга лойиқ. Аввало, шундай кишиларнинг ҳаётда мавжудлиги, ҳатто кўплигидан ҳеч кўз юмиб бўлмайди. Демак, ўзининг аҳвол-руҳияси орқали шоир ўзгаларнинг аҳволига ҳам диққатни тортган. Чунончи, шафқат, мурувват, ҳиммат ва маънавий ҳимояга муҳтож ғарибу ғураболарни ҳеч унутманг демоқчи бўлган. Рубоий қаҳрамонининг нияти аслида бу эмас. Банданинг бандага муҳтожлик “босқич”ларидан у аллақачон ўтиб кетган.

Ўтмиш даврларда Ҳақ йўлчиларига ошиқ, дарвеш, фақир, ориф, мискин, қаландар дейилган. Шулардан бирортаси ҳам дунё аҳли ёки “аҳли сурат” сафидан “табиби чорасоз”, “рафиқи дилнавоз”, “аниси жонгудоз” ва “шаҳи банданавоз” топилади ёки топилса эди, деб умид қилмаган. Аксинча, бунақа умидворликларни илдиз-илдизидан қуритишга уринишган. Навоийда ҳам шундай. Ғазалларидан бирида шоир аҳли замондан алоқа ва улфатчилик шу қадар узилганки, бирор бир замон ўзим билан ўзим ҳам келишолмайман дейди:

Бўлмиш андоқ мунқатиъ аҳли замондин улфатим,
Ким, ўзум бирла чиқишмас ҳам замоне суҳбатим.

Зеро, башарий ироданинг кучсиз ва мўртлигини чуқур англаб, илоҳий ирода соҳиби бўлишга етишмоқ орифликнинг илк шартларидандир.

“ГАР ҚУЁШ ВАСЛИН ТИЛАРСЕН...”

Шарқ мумтоз адабиёти намуналарини қанча кўп ўқисангиз, ёлғизлик, ёлғизланиш туйғуси ёритилган фикрларга ўшанча изчилроқ дуч келасиз.

Инсон ўз-ўзидан ёлғизланмайди. Одамлар билан муомала-муносабатдаги узилиш, давр ва замон билан зиддият, тафаккурдаги тафовут кабилар бунга сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун ёлғизликдан баҳс юритилганда, унинг ижтимоий, ахлоқий, маънавий асосларини ҳам назардан четда қолдирмаслик керак.

Бундоқ қаралганда, танҳолик, яъни тоқлик, одамлардан ўзни четга тортиш, жамоатдан қочиш, хилват ва узлатни ҳар нарсадан афзал кўриш дегани бўлади. Модомики, шундай экан, ёлғизлик ҳолатини тарғиб қилишдан кўзланадиган натижа нима? Кимларнидир ёлғизликни севиш, сўққабошликка юз буришга чорлашми?

Тафаккур ва руҳониятда ўз даври, замони, жамиятидан илгарилаган шахс борки, унинг ёлғизланиши ибратли, ундан нималарнидир ўрганиш ҳеч зиён қилмайди. Яна шундай бир тоқлик борки, уни халқдан Ҳаққа юксалиш ҳоли, ваҳдат орзуси ила мосиводан алоқани узиш деса бўлади. Тасаввуф истилоҳида бу тажрид ва тафрид дейилган.

Шу ўринда бир нарсани изоҳлаб ўтиш зарурга ўхшайди. Тасаввуф тили – кўпчилик сўз, атама ва иборалар бошқа соҳалардан, масалан, дин, фалсафа, адабиётдан ўзлаштирилиб, хусусий маънолар сингдирилган бир тилдир. Бу тилнинг рамзий-мажозий таркиби ҳам ўзига хос. Таҳлил ва талқинда сўз ё истилоҳнинг фақат луғавий мазмунига таяниб фикр юритиш наинки англашилмовчилик, жиддий хато ва чалғишларни ҳам юзага чиқариши муқаррар.

Масалан, тасаввуф ва тасаввуф адабиётида кўп қўлланилган вужуд калимасини олайлик. Луғатда қўлга киритиш, матлуби бўлиш, мавжудлик, ҳис этиш, ошиқлик, орзу айлаш сингари маъноларни билдирган арабий бу сўз тасаввуфда, аввало, Ҳақ учун қўлланилган, шунингдек, борлиқ, бор этиш, важдга келиш, Ҳақ зотининг зоти билан бирлашуви мазмунини ифодалаган Демак, адабий матнда сўфийликка тегишли истилоҳ ё ибораларга дуч келинганда, ҳеч эринмасдан махсус луғат ва манбаларга мурожаат этиш лозим.

Навоийнинг “Фавойид ул-кибар” девонидаги қитъалардан бирида шундай дейилган:

Эй Навоий, англаким хуш оламедур фардлиғ,
Гар қуёш васлин тиларсен, фард бўл зарротдин.

Ул эмастур фардлиғким, жуфтдин фард ўлғасен
Фард улдурким, мужаррад бўлғай ҳар зотдин.

“Навоий асарлари луғати”да фард (кўплиги афрод) калимаси якка, ёлғиз ва ажралган мазмунида шарҳланган. Агар шу шарҳга асосланилса, танҳолик шундай яхши, эркин бир оламки, сен “қуёш васли”ни орзу қилсанг, қолган барча мавжудликлардан алоқани узгил! Уйланмаслик тоқлик эмас, балки ҳар борлиқдан йироқлашиш фардликдир, дейишга тўғри келади. Асл моҳиятга етиб боролмаган киши эса шеърни ўқиб бўйдоқлик тушунчасини ҳам кашф этмоғи мумкин. Қитъани таҳлил қилган олимлардан бири ёзади: “...Навоий маслагидаги инсон учун “фардлиғ” – “хушолам” эди. Навоий эътиқоди чинакам танҳоликни тақозо этар эди. Шунинг учун у ҳаттоки жуфти ҳалол билан биргаликдаги танҳоликни чинакам танҳолик деб ҳисобламасди”.

Ҳақиқатда ҳам мутафаккир шоир қитъани шу нуқтаи назар билан ёзганми? “Чинакам танҳолик” деганда нимани тасаввур қилиш керак? Дарвоқе, фардлиғ ғояси Навоийнинг ғазалларида ҳам ёритилган. Англаш ва таҳлилда чалғимаслик учун уларни ҳам эътибордан четлаштирилмагани мақбул. “Фавойид ул-кибар”даги 506-ғазални ўқиймиз:

Тариқи ишқ аро гар ўзни фард қилса биров,
Ҳариф эмас, еру кўк неча гар эрурлар иков.

Кўнгилдан айла маволид майлини кам-кам,
Бўлурға фард мавониъдурлар ушбу учов.

Десанг фалакка чиқай фоний аносирдин,
Нединки руҳинггадир чормих бу тўртов...”

Чунончи: кимда ким ишқ тариқида тоқлик мақомиға кўтарилса, еру кўкни у иккилик деб эмас, бирлик деб англайди. Ва кўнглини наботот, ҳайвонот, жамодот майлларидан тозалайди. Чунки бу учлик танҳоликка тўсиқдурлар. Ёлғизланишдан мақсад нима? Руҳни фалакка юксалтириб, руҳоний ҳаёт завқини суриш. Бунда энди тўрт унсур – сув, ҳаво, олов ва туфроқлик сифатларидан ҳам фориғ бўлиш зарур. Зеро, руҳнинг чормихи худди шу тўртовдир.

Покланиш – руҳоний. Ёлғизланиш – самовий. Шуни хаёлдан кечиришнинг ўзи кўнгилни орзиқтириб юборади. Ва фардлик сирларидан кўпроқ огоҳ бўлгинг келади.

Мантиқи ишқ ичра ошиқни тасаввур айла навъ,
Фард бўлғонларни бу йўлда анга афрод бил.

Навоийнинг кўрсатмаси бўйича, фардлик саодатини қўлга киритиганларни ишқ йўлида ошиқларга афрод деб билиш керак.

Афрод – фарднинг кўплиги. Лекин вақт тоқлари, ғайб эранлари дейилган маълум бир тоифа бўлганки, улар ҳазрати Пайғамбар (с.а.в.)га мукаммал бир тарзда тобе бўлиб фардоният тажаллийсига мазҳар бўлишгани учун афрод номини олишган. Ишқ аҳлига раҳнамоликка уларнинг лойиқ кўрилишига асосий сабаб ана шу.

Кошонийнинг “Тасаввуф луғати”да ёзилишича, фардлиғ, яъни тафрид – Ҳақ мушоҳадаси ва ҳеч нимани унинг билан бирликда кўрмаслик, шу зайлда қулнинг Ҳақни тоқликда кўринишидирки, у тажриддан кейин эришиладиган марҳала саналади.

Абу Наср Саррожнинг маълумоти бўйича, фардоният соликнинг вуслатга эришгандан кейин эгалланадиган мартабаси. Маънавий-руҳий ушбу мартабада қалб башарий чиркинликлардан буткул покланиб, Ҳақ билан яккама-якка қолиб, тавҳид мушоҳадаси билан машғул бўлади.

Фардлик шунинг учун дахлсиз, идрок ва иродани самовий миқёсда қувватлантиргувчи такрорланмас оламдир. “Тажрид орадан ағёрни қувса, тафрид нафсни четлаштиради ва амалларни ўзининг нафсига нисбат беришдан қутулиш, уларни кўрмаслик ҳолига етиш одамни мужаррадликнинг чўққисига кўтаради”.

Бу тажрибалардан, албатта, йироқмиз. Уларни жорий қилиш истаги йўқ ҳисоби. Ўзликни англаш, шу йўлда “ўзлик иморати”ни бузиш нималигини кўпчилик ҳатто хаёлга ҳам келтиролмайди. Навоий талқин қилган жуда нозик, жуда дақиқ маъно ва ҳақиқатларнинг мағзини чақмай, сир-асрорига етолмай Навоийни ўқиб-ўрганишдан мақтаниш ҳаёсизлик эмасми?

“Ҳайрат ул-аброр”даги қуйидаги мисралар ҳам бу гапни тасдиқлайди:

Ҳар киши оламда эрур ёрсиз,
Бир садафедур дури шаҳворсиз.

Йўқ ҳунари ёлғуз эса, ўз киши,
Қайда киши сонида ёлғуз киши.

Фард киши даврда топмас наво,
Ёлғуз овучдин ким эшитмиш садо?..

Тоқ киши айши уйин бил нигун,
Уйга қачон ҳомил ўлур бир сутун?

Мана “Ул эмастур фардлиғким, жуфтдин фард ўлғасин”, деган фикрни олайлик. “Жуфти ҳалол билан биргаликдаги танҳолик”ка унинг ҳеч алоқаси йўқ.

Султон Валаднинг “Маъориф” китобида баён қилинишича, “бир инсон башарий сифатлардан қутулгани замон, мусаффолашиб, денгизга юзланган бир малакка айланади. Аммо бу мартабага юксалган кишилар ҳам еб-ичади, ишлайди, ухлайди ва оила қуради. Чунки Пайғамбар салАллоҳу алайҳи вассаллам “Никоҳ суннатдир”, деб буюрмишлар”.

Навоий ҳам “Жуфтингни топмасдан сўққабош яшашни сен фардлик деб англама”, деганида Пайғамбар (с.а.в.) суннатига асло дахл қилиб бўлмаслигини ёқлаган.

Тўғри, баъзи тариқатларда уйланмаслик қўллаб-қувватланиб, унга “мужаррадлик” дея ном берилган. Лекин тасаввуфий истилоҳ сифатида у ағёрдан ва мосиводан алоқани бутунлай узиб, фақат Аллоҳга таважжуҳ этиш маъносида қўлланилган. Шунинг учун кимдир ҳақида “олами тажарудда эди” дейилса, у уйланмаган маъносида эмас, ул зотнинг кўнглида дунё ва дунё неъматлари ўрнида Ҳақ ишқи мавжуддир, у мосиводан қутулиб, нафс тўсиқларини кечиб, Аллоҳ дийдорига восил бўлмиш, деган фикр англашилган. Навоий қитъасида ҳам “қуёш васли”, яъни маъшуқи азал висолига етишишнинг хос бир “усул”и характерлаб берилган.

“ФАЛОНҒА АЖАБ ҲОЛ ЭРУРКИМ...”

Фалонға ажаб ҳол эрурким халойиқ,
Не қилса алар бирладур можароси.

Сола олмас эл ошиға бир нухуд, гар
Тузулмас анинг бирла ул эл ароси.

Қазон йўққи, ул анда кафлиз эмастур
Ки, бўлсун юзига қазонлар қароси.

Бу қитъани қайта-қайта ўқиб, таҳлил ҳам қилганман. Аммо кейинчалик англадимки, Навоий шеърлари замирида яширинган маъно ва ҳақиқатлар ҳар қандай тушуниш ҳамда таҳлилга қараганда теранроқда турар экан. Қитъада характери асос қилиб олинган жанжалкаш, можаропараст “Фалонга” нигоҳни қаратайлик. У умумлашма тип. Шунинг учун оддий одамлар орасидан чиққан “Фалон” билан, сиёсатга ёки амалдор тоифага мансуб “Фалон” бошқа-бошқа кимса: бирининг юзсизлиги, фитнакорлиги ва ўжарлиги иккинчисига айнан ўхшамайди. Айтайлик, олим ва ижодкорнинг можарочилиги янада бошқача. Буларда билағонлик, ақл ўргатиш иддаоси бўлади. Булар бировларга ташланса, йиртқичлик билан ташланади ва “Ўткан кунлар”даги баттол Ҳомидга ўхшаб боши кесилса ҳам ноҳақлигини тан олмайди. Ана шуларнинг ҳолини “ажаб ҳол” деса бўлади. Зеро, ўз аҳволини билмаслик ва майдаликни илм билан ҳам бартараф этиб бўлмайди. Эл орасида “Олимнинг жаллоди, авомнинг жаллодидан ёмон бўлади”, деган гапнинг пайдо бўлиши бежиз эмас.

Хуллас, қайси бир ижтимоий гуруҳни кузатманг, “эл ошига бир нўхат” солиш қўлидан келмаса-да, ғавғо-ю машмаша қўзғашга моҳир бандалар ҳам борлигига иқрор бўласиз.

Шоир “Қазон йўққи ул анда кафлиз (капгир) эмастур”, деганда одамларнинг жонига тегиб, асабини қақшатган кимса табиатини бехато гавдалантириб берган.

“Ғаройиб ус-сиғар” девонидаги қитъалардан бирида “бир аёқ ош учун” эрки ва ғурурини сотган кимса ҳақида:

Бировким бўлур бир аёқ ош учун қул,
Юзига керактур қозоннинг қароси,

дейилади. Шоир “кафлиз”га қиёслагани кимсага ҳам худди шундай шармандаликни раво кўради. “Ки, бўлсин юзига қазонлар қароси”.

«КАМОЛ ЭТ КАСБКИМ...»

Камол эт касбким, олам уйидин,
Санга фарз ўлмағай ғамнок чиқмоқ.

Жаҳондин нотамом ўтмак биайниҳ,
Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ.

Комиллик, яъни ахлоқий, маънавий, фикрий камолотга эришиш Шарқ адабиётида кенг талқин қилинган мавзу. Алишер Навоий ҳам шу мавзуда кўп асрлар яратган. Бунда улуғ шоир ҳар бир жанрнинг талаби, табиати ва ифода йўли ҳамда усулларини ҳисобга олиб қалам юритган. Бу ҳолни қитъа жанрига мансуб ушбу тўртликда ҳам кузатиш мумкин. Унинг дастлабки мисраси тўғридан тўғри “Камол эт касбким...”, деган даъват билан бошланади. Азизиддин Насафийнинг ёзишича, “Комил инсон яхши сўз, яхши амал, яхши ахлоқ ва пухта илмга соҳиб бўлган кишидир... У ашёни ва ашёнинг маъно-моҳиятини қандай бўлса, худди шу тарзда англар”.

Навоий ҳам комиллик тушунчасини оламни тўғри тушуниш билан боғлаган. Чунки олам билан алоқа ва муносабатда хатога йўл қўйилса, инсон ҳеч қачон ўзини хушнуд ва озод ҳис қилмайди. Демак, одам аввал ўзини танимаса, дунёни билишга эришолмайди. Қитъада тарки дунё қилиш тугал, яъни нуқсонсиз бўлишга ҳам ишорат этилган. Акс ҳолда, қўлга киритилган натижа ҳаммомдан нопок чиқишдан унча фарқланмайди. Хуллас, қитъада инсон эрки ва озодлиги муаммоси тасаввуфий тамойилда ёритиб берилган.

«БИЙИК МАҚОМИҒА УЛКИМ...»

Бийик мақомиға улким тилар сабот, керак
Ки, эгриликни қўюб, тузлук айласа қонун.

Туз ўлса соясида эл тиниб манор киби,
Сипеҳр уйида турар қарнлар нечукки сутун,

Гар эгридур ёғибон ўқу боғланиб бўйни,
Бўлур қабақ йиғочидек беш-ўнча кунда нигун.

Шарқ донишмандларидан бири: «Ҳар кишининг бўйнида икки занжир бўлур. Бировнинг учи етти қат кўкка, иккинчисиники етти қат замин қаърида. Кимки тузлуқ, яъни тўғриликка эътиқодли бўлса, юқоридаги занжир тортилур. Бундай одам халқ ичида улуғ ва азиз бўлур... Кимда-ким эгрилик ва такаббурликни одат қилса, пастки занжир тортилур. Ва ундай махлуқ эл орасинда хор ва беэътибор бўлур»,– деган экан. Занжир хусусидаги гапга шубҳаланиш мумкиндир балки. Лекин тўғрилик инсон қадрини осмон қадар юксакликка кўтариб, эгрилик уни тупроққа қориштириб ташлаши рост. Ҳазрат Навоий эгриликни – ботиллик, тўғриликни «ҳақ дурур», дейдилар. Шоир китъада тўғриликни умр ва эзгулик таянчи сифатида улуғлаган.

Дастлабки байтнинг маъноси: «Кимки баландлик мартабасини истар экан, унга эгриликдан кечиб, тўғриликни яшаш қонунига айлантириш саботи керак. Кейинги фикрлар тамсилий характерда. Яъни: тўғри киши минорга ўхшайди, эл унинг соясида тин олмоғи мумкин. Агар эгри бўлганида, қабақ ёғочидек бўйнидан боғланиб, ўқ ёғдирилар ва у ўн-ўн беш кунда яксон бўларди. «Қабақ йиғочи»– ёй билан нишонга олиб, машқ учун ходанинг учига ўрнатиладиган ёғочдир.

Мир Алишер Навоий «Ҳайратул аброр»да тўғри одамни шамга қиёслайдилар. Шамнинг қисмати бошдин-оёқ куйиб адо бўлиш. Лекин ёниб тугагунча ҳам нур таратади, у бор экан – ёруғлик мавжуд. Тўғри одамнинг толеи ҳам шунга ўхшаш. У тирик экан, унинг руҳидан тўғрилик ёлқинлари балқийверади.

«НЕ РАҲРАВЕКИ, ТОЖИ ҲИДОЯТ...»

Не раҳравеки, тожи ҳидоят бошидадур,
Йўқ бок, анга ҳаводиси афлок тошидин.

Ҳудҳудки, қўйдилар азалий тож бошиға,
Тушкайму жола ёққан ила тожи бошидин?

Раҳрав (роҳрав) форсча сўз, йўлчи, йўл юрувчи дегани. Қитъа «тожи ҳидоят»га эришган солик таърифига бағишланган. Шоир айтмоқчики, Ҳақ йўлига кирган, ростлик ва тўғриликка эътиқоди собит одам мард ва жасурдир. Замон ва давр воқеалари нечоғлик ўзгариб, турли тарзда тусланмасин, бундай кишида қўрқув бўлмайди. Демак, ҳаёт ва замон «тош»ларидан чўчимасликнинг асосий чораси Ҳаққа садоқат ва ўзига ишончдир. Бунга далил сифатида эса Ҳудҳуд қисмати танланган. Навоийнинг «Лисон ут-тайр»ида бу қуш мадҳида ўқиймиз: «Ҳудҳуд (попишак) ақл нуридан баҳраманд ва раҳбарлик жиғаси билан сарбаланд бўлган бир қушдирки, унинг зотида шараф ва иззат ниҳоят юксак бўлиб, бошини тўғри йўл кўрсатувчи тож безайди».

Ҳудҳуд «оламда тенги ва ўхшаши йўқ бир шоҳ» – Аллоҳнинг мавжудлиги ва қудратини англаган қуш. Шарқда Ҳудҳуд тўғрисида тўқилган ривоятлар кўп. Буларда у ақл ва донишмандликнинг тимсоли бўлиб гавдаланади. Ҳудҳуднинг бошига «азалий тож» қўйилишининг илдизларини очадиган битта ривоятни эслатиб ўтайлик. Маълумки, Сулаймон пайғамбар бутун жонзотларнинг, жумладан, қушларнинг ҳам тилини билган. Унинг саройида кўп қушлар тўпланган. Хар бир қушнинг ўз махсус жойи бўлган. Кунлардан бир кун Сулаймон бутун қушларни назардан ўтказиб, Ҳудҳуднинг ўрнини бўш кўрибди ва унинг ўзбошимчалигидан ғазабланибди. Ҳудҳуд қайтганидан сўнг унга оғир жазо бермоққа онт ичибди. Бир неча вақтдан сўнг Ҳудҳуд қайтиб келибди. Шоҳ уни сўроққа тутибди. Шунда Ҳудҳуд

Сабо шаҳрига учиб борганлиги, у ерда бир улкан давлат бўлиб, подшоҳи Билқис отли гўзал хотин эканлигини сўзлабди. У мамлакат кишилари қуёшга сиғинарканлар. Тўғри гапларни айтганлиги учун Сулаймон пайғамбар Ҳудҳуднинг гуноҳидан ўтибди. Кейин Билқис хонимга мактуб ёзиб оташпарастликдан кечиб, ўзининг динини қабул қилишларини таклиф этибди. Билқис бунга розилик билдирибди. Ҳудҳуд шарофати билан Сулаймон Билқис хонимга уйланган, ўша-ўша Ҳудҳуд пайғамбарнинг меҳрини қозонган, яқин сирдоши бўлиб қолган экан. Қитъадан келиб чиқадиган умумий маъно бундай: тўғрилик йўли – ҳудҳудсифатлик йўли. Ҳудҳуднинг бошидаги тож жала ёққани билан тушиб кетмаганидек Ҳақ йўлида юрган кишилар ҳаётини ҳам хавф-хатарлар маҳв эта олмайди.

«ЮЗИГА АСЛИ ЁМОННИНГ...»

Юзига асли ёмоннинг кўп очма гулшани хулқ,
Сияҳ гилемга албатта меҳр айлама фош.

Ки қилмади, гул иси бирла тоза руҳ жуал,
Қуёш чароғига парвона бўлмади хуффош.

Одам боласи онадан ёмон бўлиб туғилмайди. У тарбиятсизлик туфайли ёки носоғлом муҳит таъсирида ёмон шахс сифатида шаклланади. Хўш, бундайларни яхши мумола-муносабат билан ўзгартириш мумкинми? Қитъанинг умумий мантиғи бу саволга: «Мумкин эмас»,– деб жавоб қайтаришни талаб этади. Ва айни пайтда юқоридаги фикримизни бир қадар ислоҳ қилиш мажбуриятини ҳам туғдиради. Илондан илон пайдо бўлади, чаёндан чаён, дейишади. Худди шунга ўхшаб бадахлоқ ота-оналардан ёмон фарзандлар ҳам туғилади. Булар ҳазрат Навоий иборалари билан айтганда, «асли ёмон»лардир. Бобомизнинг насиҳатларига амал қиладиган бўлсак, бунақаларга яхши муомала-муносабат кўрсатавериш доноликдан эмас. Негаки, «сиёҳ гилем»га қанча нур тўкилмасин, унинг қаролиги ортса ортадики, камаймайди. «Асли ёмон»нинг қора гиламга қиёсланиши билан ҳам кифояланиш мумкин эди. Лекин мана бу ўхшатиш шоир нуқтаи назарини янада ёрқинроқ аён этади:

Ки қилмади, гул иси бирла тоза руҳ жуал,
Қуёш чароғига парвона бўлмади хуффош.

Жуал – қорақўнғиз. Унинг қисмати гул исинимас, тезак бўйини ҳидлаш. Шунинг учун унга гул иси бирла руҳни тозалаш насиб этмаган. Хуффош – кўршапалак-чи? Унинг ҳаёти зулмат бағрида кечади. Кўршапалак «қуёш чароғига» парвоналикдан маҳрумдир.

«ВАЖҲИ МАОШ УЧУН...»

Важҳи маош учун кишиким деса, фикр этай,
Қисмат ризосидан анга бегоналиқ керак.

Кунжи қаноат арчи эрур салтанат валек,
Элдин тамаъни узгали мардоналиқ керак.

Ким ишқ асири ўлсаки, мумкин эмас висол,
Дарду балоға ҳамдаму ҳамхоналиқ керак.

Лаззоти нафс тарки самари офият берур,
Лек ул шажарни эккали фарзоналиқ керак.

Тажрид нуридин киши кўз ёрутай деса,
Аҳбоб ҳажри шамъига парвоналиқ керак.

Гар анжуманни деса, муриду мутиъ этай,
Кўп нуктаву фасонада афсоналиқ керак.

Ботин ҳаримида тиласа маҳзани хузур,
Зоҳир уйи асосиға вайроналиқ керак.

Зоҳир юзидин ар тиласа тожу иззу жоҳ,
Дарду бало муҳитиға дурдоналиқ керак.

Десанг халос ўлай борисидин Навоийдек,
Бехудлуғу май ичмагу девоналиқ керак.

Бу қитъа Мир Алишер Навоийнинг фалсафий-ирфоний мазмундаги шеърларидан бири. Дастлабки байтдаги маъно мана бундай: «Қайси инсонки «важҳи маош» – ҳаёт, тирикчилик ташвишлари тўғрисида фикр юритай деса, у қисмат ҳукмидин йироқлашиши керак» Бу сўзлари билан шоир: «Эй одам, тақдир сир-асроридан огоҳ бўлишга урин, фикрсизлик чоҳига қулама!» – демоқчи бўлган.

Шарқ мутафаккирларининг эътирофига кўра, қаноат – тенгсиз бир маънавий бойлик. Қаноатли киши ҳеч кимга муҳтожлик сезмайди. Шунинг учун бундай шахсларни манфаат ёки тама тузоғига тушириш мумкин эмас. Зуро, улар одамийлик қадриятларини ҳар нарсадан устун қўядилар. Қаноатли бўлиш – аввало, руҳан ва маънан озодликка эришишдир. Руҳ эркинлиги эса шундай дахлсиз мавжудликки, унда ғурур шикастланмайди, майда ва ўткинчи ташвишлар кўнгилга малол ҳамда озурдалик етказа олмайди. Навоий худди шундай қарашларни давом эттириб, қаноат хазинасини бир салтанат сифатида таърифлайди. Лекин унга эгалик қилишнинг энг муҳим шарти бор. Бу – элдан тама этмаслик, элни алдамаслик. Бунда энди қаноатнинг ўзигагина суянмоқ кифоя эмас. Шоир таъкидлаганидек, «Элдин тамаъни узгали мардоналиқ керак».

Ишққа асирлик – дардга мубталолик. Муҳаммад Фузулий «азал котиблари» ошиқлар бахтини қора ёзганликларини сўзлаган. Алишер Навоий гўё шу бахти қораликнинг туб сабабини очганлар. Яъни, ишқ дардига мубтало кўнгил висолга интилади. Аммо ошиқ учун висолга етиш мумкин эмас. Ошиқлик аввал-охир «Дарду балога ҳамдаму ҳамхоналиқ»ни талаб этади. Бу нима дегани? Ҳайвоний ҳирсу ҳаваслардан покланиш, демакдир. Шунинг учун ҳам қитъанинг навбатдаги байтида нафс лаззатларидан қутулиш зарурлиги хусусида сўз юритилади:

Лаззати нафс тарки самари офият берур,
Лек ул шажарни эккали фарзоналиқ керак.

Демак, нафсоний лаззатларни тарк қилмоқ самараси – ботиний осудалик ва равшанлик. Бироқ бу осудалик дарахтини (шажарни) кўкартириб, вояга етказмоқ учун оқиллик ва заковат лозим.

Оқиллик билан фидойилик орасидаги масофани у қадар йироқ деб бўлмайди. «Дунёда жамики нарса инсонга қурбон, фақат инсон ўз-ўзига қурбон», – деган экан Шамсиддин Табризий. Ўз-ўзини билган инсон мана шу қурбонликдан қутулиб, дунёга нечун келиб кетишини ҳар қалай тўғри ҳал қилади. Ва ўзининг ёлғизлиги билан юзлашган инсон охир-оқибатда уни юракка яширмоқни истайди. Лекин ёлғизлик ҳиссиётлари қалб қаърига ҳар қанча чуқур чўкмасин, бундан дил зарур даражадаги ёруғликни топмайди. Тоқлик нурининг манбаини Навоий қуйидаги тарзда асослаган:

Тажрид нуридин киши кўз ёрутай деса,
Аҳбоб ҳажри шаъмиға парвоналиқ керак.

Тасаввуфга бағишланган қадимий манбалардан бирида ўқиймиз: “Тажриддан мақсад зоҳирий ўлароқ дунё борлиқларини, ботинан эса ҳам дунёвий, ҳам ухровий зиддиятларни тарк этишдир. Бу гапнинг изоҳи шундай: ҳақиқий мужаррад дунёдан юз бургани боис бир қарама-қаршиликка йўлиқмайди. Фақат Аллоҳга яқинлик фикри билан яшайди...” Буни эса ҳаммадан талаб қилиб бўлмайди. Шу боис аҳли дунё билан орада узилиш ё йироқлашиш муқаррардир. Бундай ҳолатда ҳижрон шамига ўзни парвона, дея тасаввур айлаш зарур.

Ёлғизлик нуридан нажот истаган киши учун ҳижрон ҳақиқатда ҳароратли ва изтироб уйғотувчидир. Бунинг иккинчи жиҳати ҳам бор:

Гар анжуманни деса, муриду мутиъ этай,
Кўп нуктаву фасонада афсоналиқ керак.

Мазмуни: халқни ўзига ром этишни истаган киши кўп маъно, ҳақиқатларни билиши, саргузаштларда достон бўлмоғи керак. Шу «афсоналиқ»лардан бири «ботин ҳарими» – дил кошонасини маънавий бойликлари билан тўлдириб, «Зоҳир уйи» ташқи истакларнинг асосларини вайрон этишдир:

Ботин ҳаримида тиласа махзани ҳузур,
Зоҳир уйи асосига вайроналиқ керак.

«Зоҳир уйи асоси» дейилганда инсондаги моддий ва жисмоний эҳтиёжларга тегишли нарсаларни тушунмоқ керак. Бойлик мансаб, молу дунёдан мағрурланиш – булар ўша «зоҳир уйи»нинг пойдевори ёки безакларидир. Агар «зоҳир юзидан» кимки тож, иззат ва мартаба тиласа, унга:

Дарду бало муҳитига дурдоналиғ керак.

Бироқ шуни ҳам эсдан чиқармаслик лозимки, ишқ туфайли «дарду балога ҳамхоналиқ» билан тожу давлат, иззату шуҳрат ҳирсида «дарду бало муҳити»даги «дурдоналиқ» ўртасида еру осмон қадар фарқ бор.

Охирги сатрдаги «беҳудлуғ», «майхўрлик» ва «девоналиқ» тушунчалари қай мақсадда ишлатилаётганлигини тўғри тушуниш зарур, албатта. «Бехудлуғ» – ақл имтиёзларидан

баланд руҳий қувватдир. Май-чи? У маърифат нури, руҳоният бодаси. Бу «май»дан қониб ўзини унутган киши дунёга энг ҳушёр ва теран нигоҳ билан қаровчи донишманд зотдир.

«ЧУН МАНГА ЛУТФ ЭТТИ ШОҲ...»

Чун манга лутф этти шоҳ девонда муҳр,
Бу эди элдин қуйи муҳр урмоғим

Ким, эрур нафси саркаш манъиға,
Барчадин бўлғай қуйи ўлтурмоғим,

Чун шикасти нафс ҳосил бўлмади,
Мундин ўлди муҳрни синдурмоғим.

Тарихчи Мирхонд «Равзат-ус-сафо» китобида Ҳазрат Алишер Навоийга муҳрдорлик мансаби берилганлиги ҳақида ёзади: «Хайру эҳсон, латофат ва кўнгил зарофати бобида амир Алишернинг тенги йўқлигидан жаҳонгир подшоҳнинг (Ҳусайн Бойқаро назарда тутилган – И.Ҳ.) хотири ҳамма вақт унга мойил бўлиб, улуғлик вазирлик ва амирлик мартабасини унга инъом этди. Сўзнинг қискаси шулки, аввал ул ҳазрат улуғ муҳрни амир Алишернинг қўлига тутқазди ва ул амир бир неча вақт муҳрдорлик лавозимида қойим туриб, хизматкорлик поясини юқори осмондан ҳам ўтказди».

Орадан анча муддат кечгач, шоир бу мансабни тарк этмоқчи бўлади ва мақсадини подшоҳга билдиради. Илтимос қабул қилинади. Лекин Ҳусайн Бойқаро Навоийни янада юқорироқ мартабага – девони олий амирга тайинламоқчи бўлади. Шоирнинг қаршилигига қарамасдан, бу иш амалга оширилади. Бойқаро «маълум соатда муҳр босиш» учун рухсат берганда Навоий “нишоннинг шундай жойига муҳр босадиким, ундан пастроққа муҳр босишга» жой қолмайди.

Ушбу қитъа ана шу воқеалар таассуротида ёзилган. Илк сатрдаги «чун манга лутф этти шоҳ...» деган фикр – тарихий ҳақиқатга тўла мос фикр. Кейинги мисрадаги гап ҳам тўғри: муҳр энг қуйи жойга босилган. Мирхонднинг сўзлари бунга гувоҳлик бериб турибди. Унинг эътирофича, «хосу авомни» ҳайрон қолдирган бу воқеанинг содир бўлишига сабаб Алишер Навоийнинг бағоят камтарлиги, камсуқумлиги, хуллас, нафси синиқлиги. Бироқ табиатидаги хоксорлик ва нафснинг шу қадар шикастлигидан шоирнинг ўзи қаноатланганми? Барчадин ўзни қуйи олиш, сиртдан қаралганда, фавқулодда ишмас. Аммо ўша вазиятда Мир Алишер Навоий учун бу жиддий синов ҳолати эди.

Мирхонднинг гувоҳлигига кўра, ўшандан сўнг Мир Алишер Навоий муҳр босган жой «муҳрга эга бўлган ҳар бир мансабдор орасида талаш» бўлган экан. Навоийдан ибрат олиш мумкин. Бироқ ҳеч бир ишда у билан мусобақа қилиш имкони бўлмаган. Шеърнинг охирги байтидаги гапга диққат қилинг:

Чун шикасти нафс ҳосил бўлмади
Мундин ўлди муҳрни синдирмоғим.

Албатта, муҳр синдирилмаган. «Шикасти нафс ҳосил» бўлмагач, барибир чора ахтариш керак-ку! Чора топилган. Шунинг учун ҳам улуғ шоир муҳрни хаёлан синдириб ташлаган. Атоқли олим Алибек Рустамов нафснинг ахлоҳий жиҳати билан боғлик истилоҳий сўз ва

бир неча ибора маъноларини изоҳлаб, «нафси мутмаинна»ни бундай шарҳлайди: «Нафси мутмаинна» иборасидаги «мутмаинна» сўзи ишонч ҳосил қилган, хотиржам бўлган деган маънодадир. «Нафси мутмаинна» соҳибларининг нафси батамом жиловланган бўлиб, булар нафснинг ғалаёнидан қутулган хотиржам кишилардирлар. Бошқача қилиб айтганда, булар нафс талабларини хаёлга ҳам келтирмайдиган азиз кимсалардир. Буларга энг юксак инсоний хислатлар хосдир". Алишер Навоий муҳр босмоқ маросимида ҳам энг юксак инсоний хислатлар соҳиби эканлигини намойиш қилган.

"ҚАНОАТ ГЎШАСИН ТУТҚИЛКИ..."

Қаноат гўшасин тутқилки, чун анқо бу даъб этти,
Анга қушлар ичинда қурб қофида нишимандур.

Чу парвори товуғнинг оғзи тинмас туъмадин гарчи,
Ўлар охир анга аввал катак зиндонимаскандур.

Ҳазрат Навоий «Маҳбубул қулуб»да: «Қаноат бир қўрғонки, унга кирсанг, нафснинг ғалвасидан қутуласан»,– дейдилар. Қалъада эса «Қаноат гўшаси»га рағбатлантирилган. Лекин бу гўшага чорлашдан ҳам мурод ўша: нафс ғалвасидан қутулиб, дўст-душманга муҳтожликлан озод, хоксорликда яшашга ташвиқ этмоқдир.

Ривоятларга кўра, Анқо – номи бору, ўзи йўқ афсонавий қуш. У гўё қушларнинг подшоҳи бўлиб, Қоф тоғида яшармиш. Қитъада акс эттирилган мантиққа биноан, Анқонинг Кўҳи Қофда муқим туриши гўёки қаноат гўшасига содиқлик одатидир. Айни шу хислати туфайли унинг қисматида барча қушлар билан яқинлик битилган. Унинг уяси ҳам «қурб қофи»– яқинлик тоғида. Бу Анқонинг қушлар подшоҳи эканлигига ишора. Мир Алишер Навоий кўз ўнгида қаноатли киши – Анқосифат. Анқо эса каноатли одам тимсолида гавдаланган.

Чу парвори товуғнинг оғзи тинмастуъмодин гарчи,
Ўлар охир анга аввал катак зиндонимаскандур.

Ҳазрат Навоий мана шу сўзларни ёзмаганларида, биз қаноатли одамлар билан, тамагир кимсалар ўртасида бу қадар фарқ табиатан кескин тафовут мавжудлигини аниқ тасаввур қилолмаган бўлардик. Дарҳақиқат, товуқни қанча парвариш қилсангиз, унинг оғзи ўшанча тинмайди. Аммо у шўрликни тама хирси шу даражада мағлуб қиладики, ҳурлигини бутунлай унутади. У қамалган катак ҳурлик масканимас, зиндон. Тама туйғусининг ўзи ҳам бир зиндондир. Бу тасвирдан сўнг шеърхон тамагир зотларни катакдаги товуқ киёфасида кўргандай бўлади. Ва бундай қулликнинг илдизларини ўзича кенгроқ текширгиси келади.

«БОРДИЛАР ЁМҒУР ДУОСИН ҚИЛҒАЛИ АҲЛИ РИЁ..."

Бордилар ёмғур дуосин қилғали аҳли риё,
Мен ниёз аҳли эдим,даъви камитин сўрмадим,

Ёмғур иккидур: бири маъҳуду ул бир кўз ёшим,
Кўз ёшим йўқ эрди, то ул ойға кўз олдурмадим.

Тенгри ёмғур бермадиким, сўзсиз эрди талаб,
Манга кулгу келди, ашким ёмғурин ёғдирмадим.

Ўзбек халқи қадим даврлардан бошлаб деҳқончилик ва чорвачилик билан машғул бўлганлиги маълум. Сув – чорвадор учун ҳам, деҳқон учун ҳам бир хилда зарур. Табиат эса ҳар йил ҳам деҳқон ва чорвадорга сувни етарли даражада инъом этавермаган. Тез-тез қурғоқчилик ҳодисалари юз бериб турган. Лекин ўтмиш аждодларимизда қурғоқчиликка қарши курашмоқ учун бугунгига ўхшаш имтиёз ва чоралар бўлмаган. Улар кўкдан нажот исташган. «Ёмғир ёғдир, султоним», дея тангрига илтижолар қилишган. Ўтмиш замонларда ўзбек халқи орасида ҳам ёмғир чақириш маросимлари юзага келиб, уларнинг ўзига хос кўриниш,усул ва воситалари бўлган. Масалан, турклар яшайдиган ўлкаларда яда тошидан фойдаланиб, ёмғир чақириш одати кенг тарқалган. Буюк тилшунос олим Маҳмуд Қошғарий бу тўғрида ёзган: ат – ёмғир, шамол ва бошқаларни талаб қилиш учун махсус тошлар (яда тоши) билан фол очиш одатидир. Бу одат улар орасида кенг тарқалган. Мен буни яғмолар шаҳрида ўз кўзим билан кўрдим. У ерда пайдо бўлган бир ёнғинни сўндириш учун шундай фол қилинган эди, худонинг амри билан ёзда қор ёғди. Кўз олдимда ёнғинни сўндирди». Мир Алишер Навоийнинг фардларидан бирида бундай дейилган:

Қотиқ кўнглунгдин оқти хақ ёши,
Ки ёвғур боисидур ёда тоши.

Байтдаги «ёда тош»– поэтик образ. Унинг маъно ва мундарижасини англаш учун Маҳмуд Кошғарий шарҳлаган яда тош воситасида ёмғир талаб қилиш одати ҳисобга олиниши шарт.

Ёмғир чақириш тушунча ва тасаввурлари асосида маросим фольклори ҳам туғилган. Ана шундай намуналардан бири –«Суст хотин» деб аталган маросим қўшиқларидир. «Суст хотин»нинг пайдо бўлиши, уни ўтказишдан кўзда тутилган асосий мақсад, ижро шакли ва босқичлари, унда айтиладиган қўшиқларнинг ғоявий-бадиий хусусиятларини тадқиқ этган олим Баҳодир Саримсоқов мана бундай мисоллар келтиради:

Ҳаволарни ёғдиргин, суст хотин,
Буғдойларни бўлдиргин, суст хотин.
Осмондан томчи ташлаб, суст хотин,
Эл-у юртни тўйдиргин, суст хотин.

Б.Саримсоқовнинг ёзишича, «Суст хотин» маросими Жанубий Тожикистонда яшовчи ўзбек-лақайларда асосан қуёш ботгач бошланиб, қуйидаги тартибда амалга оширилган: «Белгиланган куни кечки пайт 15 – 20 киши (асосан эркаклар) тўпланиб, ярим яланғоч икки кишини эшакка бир-бирига қаратиб миндирадилар. Уларнинг ўртасига икки тошбақанинг оёғидан боғлаб, эшакнинг икки томонига осилтириб қўядилар. Эшакка минган кишилардан бирининг қўлига ярим қилиб сув солинган қовоқ тутқазиб қўядилар. Иккинчи киши эса бир-бирига боғланган икки қамиш найчани қовоққа солиб, қўли билан эшиб айлантираверади. Қамиш найчалар сув қуйилган қовоқ ичида ғувиллаб овоз бериб айланади». Бу осилган ҳалиги икки тошбақанинг қийналиб овоз чиқаришига тақлид экан. Эшакка минганлар ортидан эргашувчилар қишлоқ хонадонларига кириб, баланд товушда «Суст хотин» қўшиғини куйлашар, «уй эгаси эса эшакка минган кишилар устидан сув сепар» ва

маросим иштирокчилари талаб қилган, донми, нонми, улоқ ёки қўйми, хуллас, нима нарса бўлмасин, уларга ҳадя этар экан.

Мир Алишер Навоийнинг «Бордилар ёмғур дуосин қилғали» деган сўзлари айнан юқоридаги ҳолат ва усулларда ёмғир чақириш билан машғул бўлган кимсаларга қаратилмагандир. Лекин шоирнинг «ёмғур дуоси» бирла ёғин ёғдиришга бел боғлаганларни «аҳли риё» деб билганлиги шубҳасиздир.

Қитъанинг иккинчи сатрида таъкидланишича, шоирнинг ўзи ҳам «ниёз аҳли», яъни сиғинувчи ва ёлворувчилар тоифасидан. Шунинг учун у ёмғир дуосини ўқувчиларнинг даъво сабабларини тафтиш қилиб ўтирмайди-ю, «ёмғур иккидур», дейди. Бири – «маъхуд», одатий, табиий ёмғир. Иккинчиси «кўз ёши».

Кўз ёшим йўқ эрди, тоул ойға кўз олдурмадим.

Бу сатр иккинчи «ёмғир»нинг қандай воқе бўлишини шарҳлайди. «Ул ойга кўз» олдирмоқ – кўнгилнинг дардга чўмиши. Бу – сўзонлик. Мана шу ёниш бўлмаса, қуруқ дуогўйлик ва ёлворишдан фойда йўқ. Олов-оташсиз талабдан ҳеч нима содир бўлмайди. Жумладан ёмғир ҳам:

Тенгри ёмғир бермадиким, сўзсиз эрди талаб,
Манга кулгу келди, ашким ёмғурин ёғдурмадим.

«Сўзсиз эрди талаб»даги «сўзсиз» – ҳароратсиз, совуқ мазмунига эга. Кўр-кўроналик, юзакилик, албатта, кишида кулгу қўзғайди. Бунда ҳатто шоир эътироф этмоқчи, ашк ёмғири ҳам тўкилмайди.

«ТАВОЗЎЪ ЯХШИ, АММО...»

Тавозўъ яхши, аммо яхшироқдур
Агар даъб этса они аҳли давлат.

Эрур ҳам афв хўбу хўброқ ул,
Ки зоҳир бўлғой эл топқонда қудрат

Ато ҳам турфа ишдур, турфароқ бил,
Агар йўқдур онинг ёнида миннат,

Ҳаким инсонни комил дебтур они
Ки зотида бўлғай бу неча хислат.

Ривоят этилишича, тўс-тўполонли бир ов пайтида Хусрав Парвезнинг тожидаги битта гавҳар йўқолибди. Лекин ов вақти буни ҳеч ким пайқамабди. Шоҳ шаҳарга қайтгачгина буни сезибди-ю, ғала-ғовур бошланибди. Чунки ўша гавҳар шунчалик қимматбаҳо эканки, унинг нархи бутун мамлакатнинг бир йиллик хирожига тенг тураркан. Шунинг учун уни топиб келтирган кишига катта мукофот ваъда қилинибди. Бир гуруҳ халойиқ гавҳар ахтаргали дашту биёбонга чиқибди. Иттифоқо, улар икки одамга дуч келишибди. Бу йўловчилардан бири – ғофил, иккинчиси – огоҳ киши экан. Ғафлатнинг биринчи белгиси – кек-

кайиш. Ғофил одам, албатта, манманликка бўйсунади. Огоҳлик эса одоб ва камтаринлик демак. Гердайганнинг номи – Мудбир. Иккинчисининг оти Муқбил экан. Улар шу биёбонни кесиб ўтиб, шаҳар томон бораётган эдилар. Гавҳар излаётганларнинг бошлиғи бу икки йўлчи билан учрашганда, Мудбир такаббурлик ҳавоси туфайли сардор билан салом-алик қилмай гердайганча ўтиб кетади. Муқбил одамийлик юзасидан унга одоб билан бош эгиб салом беради-ю, ўша пайтда оёғи остида ётган гавҳарни кўриб, бошлиққа олиб узатади. Ваъда этилган мукофот Муқбилга берилиб, у Хусравнинг олқишига сазовор бўлади. Мудбир нимага эришади? У шаҳар ҳаммомига гўлаҳ бўлади. Бу ривоят тавозенинг хосияти ва шарофати хусусида. Ҳазрат Навоий «Тавозе – кишига халқнинг муҳаббатини жалб қилади», тавозели одамларга «ҳамма таъзим қилади ва ҳурмат билдиради»,– деган фикрларини ана шу ривоят орқали тасдиқлайдилар. Тавозе нима? Бу саволга ҳам ривоятда жавоб бор. Тавозе инсоний хислатларнинг қимматбаҳо гавҳари, хулқ ва одоб безаги. У хоксорлик инжуси. Мақсад гавҳарлари тавозели кишиларнинг оёғи остидадур. Мана шунинг учун Мир Алишер Навоий китъада тавозенинг яхшилигини айтиш билан кифояланмасдан, уни одатга айлантирмоққа ундаганлар. Лекин бу гап кўпроқ «аҳли давлат»га тегишли қилиб сўзланган. Чунки уларнинг аксариятида тавозе етиш- майди. Афв этиш – кечириш. Кечиримли бўлмоқ – қудрат касб этмоқ. Ҳазрат Навоий одамийлик қудрати туфайли амалга ошириладиган афвни юксак баҳолайдилар:

Эрур ҳам афв хўбу хўброқ ул,
Ки зоҳир бўлғой эл топқонда қудрат.

Ато сўзининг иккинчи маъноси мурувват қилмоқ инъом-эҳсон бермоқ. Лекин мурувват ва ҳимматнинг ёнида миннат сезилса – бу мурувватсизликдан ҳам ёмондир. Шунинг учун ҳам Мир Алишер Навоий:

Ато ҳам турфа ишдур, турфароқ бил,
Агар йўқтур онинг ёнида миннат, –

деб насиҳат қилганлар.

Қайд этилган «бу неча хислат» одамийлик учун зарур фазилатлардир. Кимнинг зоти шу фазилатлардан марҳум эмас экан, файласуф ҳукмича ўша одам инсони комилдур:

Ҳаким инсонни комил дебтур они,
Ки зотида бўлғай бу неча хислат.

“ҒАЗАЛДА УЧ КИШИ”

Ғазалда уч киши тавридур ул навъ
Ким андин-яхши йўқ назм эҳтимоли.

Бири муъжиз баёнлиқ соҳири ҳинд,
Ки ишқ аҳлини ўртар сўзи ҳоли.

Бири Исо нафаслик, ринди Шероз,
Фано дайрида масту ловболи

Бири Қудси асирлик Орифи Жом,
Ки жоми Жамдурур синғон сафоли.

Навоий назмиға боқсанг эмастур,
Бу учнинг ҳолидин ҳар байти холи.

Ҳамоно кўзгудурким, акс солмиш,
Анга уч шўх маҳвашнинг жамоли.

Ушбу қитъани ҳазрат Навоий ғазалчиликдаги устодлари таърифига бағишлаган. Биринчи байтдаги фикр умумий. Унда ғазалда уч кишининг услуб ва равиши яхши эканлиги, улардан ўтказиб шеър яратиш мушкул ишлиги таъкидланган. Кейинги икки қатор шу уч ғазал устасининг бири ҳақида:

Бири муъжиз баёнлиқ соҳири ҳинд,
Ки ишқ аҳлини ўртар сўзи ҳоли.

Бу "соҳири ҳинд"-Хусрав Деҳлавий. Шу бир байтда Деҳлавий истеъдодига хос муҳим фазилатлар айтилган. Биринчидан, у шеърда ифода сиқиқлиги, яъни «муъжиз баёнлиқ»қа эришган. Шу маҳорати туфайли унинг ўзи соҳир, сўзлари сеҳрли. Иккинчидан, бу шоирнинг қалби ёлқинли. Руҳ ва ҳолатларида ҳам сўзонлик акс этадики, булар ишқ аҳлининг бағрини ўртайди. Навбатдаги сатрларни ўқиймиз:

Бири Исо нафаслик ринди Шероз,
Фано дайрида масту ловболи.

Исо – ривоятларга биноан, нафаси билан ўликни ҳам тирилтира биладиган пайғамбар бўлганмиш. Мир Алишер Навоий Исога ўхшатаётган «ринди Шероз» – нафаси ўткир буюк форс шоири – Хожа Ҳофиз Шерозийдир. У фано майхонасининг ринди. Риндлиги учун ҳам кўнгли ўткинчи дунёнинг ўткинчи ғам-у ташвишларидан фориғ. Ҳофизнинг ғазалиёти мурда кўнгилларни ҳам тирилтирувчи хаёлий оҳанглари, ҳақиқат майи мадҳ этилган маънолари билан шеърхон юрагига ларза солади.

Бири қудси асирлик Орифи Жом,
Ки жоми Жамдурур синғон сафоли.

Бу байт Абдураҳмон Жомий мадҳига бағишланган. Бунда Жомий биринчидан, покизаликка (қудси асирлик) намуна қилиб кўрсатилган. Иккинчидан, у Жом шахсидан етишган ориф, ҳақ илмининг алломаси. Шунинг учун ҳам унинг оддийгина сафол идиши (ҳатто синган сафоли) шоҳ Жамшиднинг ўша машҳур Жоми билан тенгдир. Бу образли фикр бевосита Жомийнинг ижодиётига ҳам тегишлидирки, унинг «синғон сафоли»дан завқ ва маърифат симирган кишиларнинг орифга айланмаслиги мумкин бўлмаган ҳолдир.

Навоий назмига боқсанг, эмастур,
Бу учининг ҳолидин ҳар байти холи.

Демак, ҳазрат Навоий шеъриятига назар ташлаган киши «бу учнинг», яъни Хусрав Деҳлавий, Ҳофиз Шерозий ва Абдураҳмон Жомийларнинг таъсирини сеза олади. Бобомиз қитъа сўнгида ўз шеъриятини кўзгуга, устозларини эса шу маънавий ойнага жамоли акс этган уч «маҳваш»га нисбат берганлар:

Ҳамоно кўзгудурким, акс солмиш,
Анга уч шўх маҳвашнинг жамоли.

Бу қитъа фақат устозларга ҳурмат-эҳтиром маъносидагина эмас, дўстликни улуғлаши жиҳатидан ҳам ибратлидир. Ахир, унда таърифлари битилган уччала шоир ҳам форсий адабиётнинг ўлмас вакиллари-ку.

“ТУҲФАЛАРКИМ ЮБОРДИ ҚАЙСАРИ РУМ...”

Туҳфаларким юборди қайсари рум,
Бурса жинси фаранг дебоси.

Турфа кўргилки зумраи Ислом,
Анга солди фаранг яғмоси.

Эски хитой файласуфи Лао Эрни замондошларидан бири “Қанотли арслон” деб таърифлаган экан. Чиндан ҳам унинг эркинлиги жасурлигидан, шижоати илми ва ҳурлигидан юқори бўлган. “Файласуфлар бир-бирини севиш учун туғилмайди. Чунки бургут биргаликда парвоз қилмайди”, деган фикр ҳам худди шу файласуфнинг феъл-атворига мувофиқ келади.

Кунлардан бир кун бир йиғинда у “Мени ҳеч ким енголмайди”, дебди. Шунда ғаним ва мухолифлар “Нега енгилмас экан? Ким у? Жавоб берсин!” деб ғавғо бошлашибди. Ташланишлар кучайса ҳам Лао Эр ҳеч оғиз очмабди. Аммо охири жавоб беришга мажбур бўлгач, ўртага чиқиб, “Мен, ахир, енгилганман...”, - дебди. Ана шунда аҳли ғаним гап нимадалигини фаҳмлаб, Буюк қудратга таслимлик ва илоҳий ирода куч-қуввати тўғрисида бош қотиришга киришиб кетишибди. Алишер Навоийнинг руҳида ҳам, дунёқарашида ҳам ўша қадим хитой файласуфиникига бир монандлик бор. Чунончи, Навоийнинг кўпдан кўп фикр ва тушунчаларида Ҳаққа содиқликдан туғилган ғолиблик мавжуд. Шунинг учун уларнинг баъзилари чинакам башорат моҳиятига эга.

“Наводир уш-шабоб” девонидан жой олган ушбу қитъада ҳам тарихий бир башорат мазмуни яширин, деса ғалат бўлмайди. Унда айтилишича, қайсари Рум, яъни Турк султони Ҳиротга, аниқроғи, Султон Ҳусайн Бойқаро саройига Бурсада тўқилган нафис ва чиройли фаранг матоларини туҳфа қилиб юборади. Ҳар хил даражадаги маҳаллий амалдорлар учун ўша матолар, албатта, қизиқ кўринган. Лекин Навоий қизиқишнинг ҳорисликка айланганлигига эътиборни қаратади. Ва бу ҳодисанинг замирида мусулмонлар жамоасининг “фаранг яғмоси”га гирифтор бўлишини хаёлидан ўтказади. Бу ҳақиқат тарихчи А. З. Валиди Тўғон томонидан қуйидаги тарзда изоҳланган: “Оврупонинг саноат молларига қизиқиш Ўрта Осиёда ўн бешинчи асрнинг иккинчи ярмидан бошланганди. Ҳатто Истанбулдан Ҳиротга олиб келинган бундай қимматбаҳо нарсаларнинг кўпи “фаранг шойилари” эди. Алишер Навоий Фотиҳ Султон Маҳмуд томонидан Ҳиротга жўнатилган фаранг молларидан

иборат ҳадялардан баҳс юритар экан, бу матолар воитаси ила фарангларнинг ислом оламини яғмо этишга киришганликларини шоирона бир зайлда ифода қилгандир".

Дунёда босқинчилик ва қарамлик тузоғига туширишнинг йўли ёки усули фақат ҳарбий зўравонлик эмас, балки илм-фан, маданият, санъат ниқобидаги яғмолар ҳамдир. Миллат ўзлигини ич-ичдан емирувчи бундай ҳодисаларни туркий халқлар тарихда бир неча бора бошдан ўтказишган. Алишер Навоийнинг доҳий шоирлиги шундаки, Оврупога тобеликка томон очилган мусулмон дунёсидаги бир "дарча"ни ўз вақтида бехато билган ва элу улусни бундан огоҳлантирган. Кейинги асрлардаги воқеа-ҳодисалар Навоийнинг ҳақлигини тўлатўкис тасдиқлаган бўлса-да, донишманд шоир ишорат ва огоҳликка чорловидан зарур даражада хулоса чиқарилмаган. Оқибатда эса Ғарбнинг кийим-кечак ва ҳар турли жиҳозларига ошуфталик олдинги замонлардагига нисбатан шиддат ила кучайса кучайганки, камаймаган. Бу балким давр ва тараққиёт талабидир. Лекин масаланинг иккинчи – Навоийни ташвишлантирган жиҳати мавжудлигини ҳам ҳеч унутмаслик зарур.

"ТИЛИНГНИ АСРАҒИЛ..."

Навоий, тилинг асрағил зинҳор,
Десангким, емай даҳр ишидин фусус

Назар қилки, ўқ оғзи тилсиз учун,
Қилурлар тожварлар била дастбўс

Неча тожварлар кесарлар бошин,
Чу ҳангомсиз нағма тортар хурус.

Қитъанинг биринчи икки қаторида: «Дунё ишларидан афсусга ботмайин десанг, тилингга эҳтиёт бўл, уни асрагил», дейилган. Шоирнинг ўз-ўзига мурожаати ва ўзидан талаби барча ўқувчига тегишли.

Бобомизнинг асл муддаоси – тилни асрашга чақириқдир. Лекин буни кимдир англайди, кимдир эса йўқ. Ҳазрат Навоий шуни инобатга олиб, қитъаларида севиб ишлатган тамсил санъати, яъни далил келтириш усулига суянадилар.

Назар қилким, ўқ оғзи тилсиз учун,
Қилур тожварлар била дастбус.

Демак, бу – биринчи далил. Чунончи, назар сол, ўқ оғзи (ёй ўқи эътиборга олинаётир) тилсиз бўлганлиги учун тож эгалари шоҳлар билан қўл ўпишади. Ўқнинг тилсизлигини намуна қилиб ҳазрат Навоий одамларга қарата: «Сиз ҳам буткул гунг бўлинг, шунда тождорлар ардоғи ва саховатига эришасиз», демоқчимилар? Йўқ, албатта. Байтдаги фикр мазмунини аниқ билиш ва тўғри хулоса чиқариш учун ўтмишда яратилган афсона, мифологик қарашларга мурожаат қилиш лозим. Қадимий туркларнинг тасаввурларига кўра ёй ва ўқ худо томонидан яратилган. Шунинг учун туркларда ёй ҳукмронлик, мустақилликни, ўқ эса тобеликни билдирган. Мабодо бир қабила иккинчи қабила бошлиғига ўқ юборса, у икки маънода қабул қилинган. Бири – ҳурмат. Иккинчиси – қарамлик. Энг қадим Хитой манбаларида туркларда ҳар қайси қабиланинг махсус ўқи бўлганлиги ёзилган эмиш. Мир Алишер

Навоий ўқнинг «тожварлар била дастбус» қилишини сўзлаганларида ана шу нуқтаи назарларга асосланганлар. Энди иккинчи далил:

Неча тожварлар кесарлар бошин,
Чуҳангомсиз нағма тортар хурус.

Хўрознинг бемаҳалда қичқириши ҳанузгача хосиятсиз ҳодиса саналади. Нега? Бу ҳам афсонавий воқеа билан алоқадор. Олис асрларда Каюмарс деган подшоҳ бўлган экан. У адолатли, кўп жойларни обод этган эмиш. Каюмарснинг Пушанг отли ўғлини Дамованд тоғида девлар ўлдиришади. Бундан бир қуш огоҳ бўлиб, қаттиқ нола қила бошлайди. Шоҳ шу қуш «йўлбошчилигида» ўғлининг жасадини топади. Каюмарснинг бошқа фарзандлари ҳам бўлади, улардан бирини юртга бошлиқ тайинлаб, ўзи девларни ўлдиришга отланади. Каюмарс йўлда кетаётиб, бир оқ хўрозни учратади. У йўл бошида туриб қичқирмоқда, сал олисроққа бир товуқни илон ўраб олган. Хўроз қичқирибгина, колмасдан жон-жаҳди билан илонга ташланар ҳам эди. Бу ҳолат Каюмарсга хуш келади ва: «Агар хўроз ўз жуфтини қутқариш учун курашаётган экан, демак бу жониворнинг ҳам феъли инсонга ўхшаш», дейди. У илоннинг бошини янчиб, хўроз билан макиённи озод қилади. Уларни ўз ўғилларига бериб, асраб-авайлашни буюради. Шундан бошлаб элда товуқ сақлаш расмга айланади. Чунки улар бор хонадонларга девлар йўламас эмиш. Хўрознинг чақириши эса яхшилик белгиси. Унда Навоий нега бемаҳал қичқирган хўрознинг боши кесилиши тўғрисида эслатаётир? Бу ҳодиса ҳам Каюмарс тақдирига боғланган. Бир куни ўша оқ хўроз кутилмаганда кечки пайтда қичқириб қолади. Одамлар бунинг сирини билолмай ҳайратланишади. Сўнг маълум бўладики, Каюмарс ўлган экан. Шунинг учун хўроз кечки пайт қичқирдими – бу ёмонлик хабари, ундай хўрозни дарҳол сўйиш лозим, деган фикр ақида шаклида асрлар мобайнида яшаб келган. Бунга ўхшаш эътиқодлар дунёдаги бошқа халқлар учун ҳам хосдир. Масалан, Шекспирнинг «Ҳамлет»ида ўқиймиз:

«Горацио:

«Дерларки, гўё хўроз – тонг карнайчиси,
Қийқириб ўйғотади кундуз тангрисин.
Гўё унинг садосин эшитгач ҳамон –
Ҳаводами, ўтдами, қуруқда, сувда
Кезаётган саёқ руҳ унга шошилар
Бу қиссанинг далилин биз ҳозир кўрдик.

Марцелл:

Ростдан, хўроз қичқиргач у хира бўлди.
Элда бир эътиқод бор, гўё ҳар қишда
Ҳазрат Исо байрами арафасида
Туни билан қичқириб тураркан хўроз.
Дейдиларки, у кеча-арвоҳлар жимжит
Тунлар-сокит, юлдузлар беозор бўлур...”

Кўряпсизки, бизга оддий бўлиб туюладиган хўроз қичқириши ҳодисаси икки буюк санъаткор учун икки муҳим маъно ва хилма-хил нуқтаи назарларни ифодалашга восита бўлган. Навоий бу восита орқали ўринсиз гап, мавридсиз алжирашлар инсон ўлимига ҳам сабаб бўлиши эҳтимолидан огоҳлантирган.

III. АДАБИЙ СУҲБАТЛАР

“КИМКИ БЕИШҚ ИЛМУ ДОНИШ ИСТАГАЙ...”

Муҳиддин АБДУЛҒАФФОР: – Иброҳим ака, асосий илмий йўналишингиз навоийшунослик бўлгани учун суҳбатни ҳам шу мавзудаги савол билан бошласак. Жамият онгида Навоий – ўзбек миллатининг маънавий падари, деган бир оз расмийроқ тасаввур қарор топган. Шу сабабдан ҳатто бозордаги қаллобдан сўрасангиз ҳам дарров қўлини кўксига қўйиб, «Навоий – бобомиз!» дейди. Лекин ул зоти шариф, бугун урфга кирган сўз билан айтганда, фақатгина «бренд» бўлиб қолиши дуруст эмас-да! Машҳур рус шоираси Марина Цветаева бир асарини «Мой Пушкин» («Менинг Пушкиним») деб атагани эсингиздадир. Ваҳоланки, бизнинг ҳатто адабий даврага мансуб кишилар орасида ҳам «Менинг Навоийим», дейдиган кимсани топиш душвор. Ахир, Пушкин каби Навоий ҳам ҳар бир киши ўзича кашф этиши зарур бўлган даҳо-ку! Сизнинг назарингизда, бунга нималар тўсқинлик киляпти? Демократия парадокси – танбал оммаю унинг «улгуржи» маданиятими? Ёки навоийшуносларимиз буюк шоир панжасига муносиб панжа уролмаяптими? Ҳазратнинг сўз оламига муайян асарлар таҳлилу талқинлари орқали кирилиши аён ҳақиқат. Лекин нега бизда барча таҳлилу талқинлар бир хил: шакл бобида фалон мисрадаги фалон санъатдан ҳайратга тушилади-ю, мазмун бобида эса тасаввуф таълимотига элтиб боғланади, тамом вассалом. Нега бир асарга бир неча усул билан ёндашишга журъат этилмайди? Математиклар айтмоқчи, ўнта мисолни битта усул билан ечгандан кўра, битта мисолни ўнта усул билан ечган самаралироқ эмасми? Эҳтимол, Навоий абёти ҳар бир кўнгил мулкига айланиб кетмаётганига бошқа сабаблар ҳам бордир, нима дейсиз?

Иброҳим ҲАҚҚУЛ: – Навоийни ўқиб-ўрганиш ва англаш ҳақида кейинги пайтларда ҳам анча-мунча фикр-мулоҳазалар айтилди. Ўзбекистон халқ шоири Э.Воҳидовнинг “Тафаккур” журнали саволларига берган жавобларида шундай бир талаб ҳам ифодаланган: “Навоийдан камида минг байт ёд билмаган киши ўзини зиёли ҳисоблашга ҳаққи йўқ, деб ўйлайман. Нафақат зиёли, балки мен ўзбекман, Навоий менинг бобом, деб айтишга ҳаққи йўқ деб ўйлайман”. Бу – умуман тўғри гап. Аммо ҳаётга нигоҳ ташласангиз, аҳвол тамоман бошқача. Тушунмаслик билан тушунишни истамаслик айни бир нарса эмас. Навоий масаласида истакдан кўра оммада истаксизлик туйғуси устунроқ. Сабаб нима? Сабаб кўп ва шошилмасдан уларга жавоб топишга уриниш керак. Навоий ижодиётини оломон савиясига мослаш ёки қандайдир юза мақсадни кўзлаб оммалаштириш мумкинми? Бундоқ ҳаракат Навоийни ўқувчидан янада узоқлаштиради. Улуғ санъаткорлар асарларини осон англай олмаслик муаммоси ҳамма вақт бўлган. Ва бундан кўз юммаслик лозим. “Оддий немис халқи Гётени, оддий французлар – Мольерини, ҳатто инглизлар Шекспирни ўқишмайди...”, – дейди машҳур рус адиби И.С.Тургенев. Бошқа халқларнинг айрим доҳий ижодкорлари ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Масалан, Пушкинни олайлик. Марина Цветаева “Менинг Пушкиним” дея ўзига хос бир китоб ёзгани билан, Пушкин ижодиётига қанчадан-қанча рус қаламкашлари ичдан ҳеч яқинлик сезишмаган. А. Твардовскийнинг ёзишича, кўпгина ёш рус шоирларида ҳам Пушкинни пухта ўрганиш истаги бўлмаганидек, улар ҳар қайси қалам соҳибининг Пушкинга борадиган алоҳида йўли бўлиши зарурлигини хаёлга ҳам келтиришмаган.

Шукурлар бўлғайки, “Менинг Навоийим” дейишга муносиб адибларимиз бўлган: Айний, Ойбек, Мақсуд Шайхзода. Ана шу ижодкорлар ва фидоий зиёлилардан ўрнак олиб, имкон

даражасида Навоийни халққа кенгроқ танитиш учун ҳормай-толмай заҳмат чекадиган янги авлод етишиб чиқиши керак.

Ҳеч қачон, ҳеч ким “Навоийнинг панжасига панжа уриб” билмайди. Навоий Шахсига яқин бориш, ижодиётининг умумруҳиятига суяниб асарлари маъно-моҳиятининг нисбатан тўғри талқинларини яратиш – катта ютуқ. Навоий ижодиёти ижтимоий-маданий эҳтиёж, дунёқараш, руҳий ҳолат ва эстетик идеал жиҳатидан XX асрда пайдо бўлган реалистик адабиётдан кескин фарқланади. Унда айтарли ҳамма нарса абадият тушунчаси ва тайёргарлиги нуқтаи назаридан ё маъқулланади ёки инкор этилади. Келинг, ҳар қандай буюк санъаткор ижодиётининг марказида турадиган “Мен” тушунчасига тўхталсак. Навоий девонларида фано ва фанолик калимаси тилга олинмаган шеърни учратиш қийин деса, хато бўлмас. Бундай фанопарастликнинг боиси нима? Ҳақдан ўзга ҳамма нарсанинг ўткинчи ва бақосизлигини айтиш ё таъкидлашми? Йўқ, албатта. Навоийда Шахс камолининг бир қаноти башарийлик бўлса, иккинчиси илоҳийликдир. Лекин илоҳийликни, зинҳор базинҳор ҳаёт завқи, тириклик ва инсонийлик муаммоларидан йироқ ҳолат ёки руҳоний қаноа, деб билмаслик жоиз. Хуллас, Навоийнинг фано тушунчаси бир “Мен” ва “менлик”дан кечиб, ҳеч қанақа нафсоний манфаат, таҳлика ҳамда таъсирга берилмайдиган мутлақо эркин бир “Мен”ни яратишдан иборатдир. Биринчи “Мен” ва “менлик”нинг ўрни ҳам, мақоми ҳам паст, иккинчисиники ғоятда юқори. Зеро, улардан дастлабкиси башарий (моддий, зоҳирий, ҳиссий, ҳайвоний, нафсоний), кейингиси илоҳий (маънавий, руҳоний, ботиний, малакий)дир. Тасаввуф ахлоқий ва маънавий ҳаётда шу икки Мендан устунликка эришганини тўла ҳоким айлаш билан тугайдиган бир курашдир. Навоийнинг лирик қаҳрамони шу курашнинг паҳлавонларидан ҳисобланади. Тўғри, шоир башарий менликдан баҳс юритганда, кўнгли жуда эзгин, маҳзун, гоҳо ўзини аёвсиз айблаш ва танқид қилишга мойил.

Мени киши демаса эл, малул невчун ўлай,
Киши ҳисобида мен ҳам ўзумни санаман.

Ёки:

Даҳри фоний, эй Навоий, туштурур ёхуд хаёл,
Давлати боқий умидинг бўлса, кечгил боридин.

Аммо шоир илоҳий “Мен”дан сўзлаганда, фавқулодда мағрур ва некбиндир. Барча зафарларнинг зафарини ҳам Навоий таъма, риё, кибр, худпарастлик, қаллоблик каби иллатлардан тозаланган худди шу менлик билан алоқалантиради:

Фони ўлуб кимки ниёз айлади,
Тангри ани кошифи роз айлади.

Навоий шеърларида мазкур икки ҳолатда ифодаланган фикр-туйғулар бир-бири билан зидлашса-да, икки “Мен” мавжудлиги инобатга олинса, қарама-қаршилик ўз-ўзидан четга сурилади. Ва ҳамма нарсани ана шу янги маънавий “Мен” ҳал қилиши ўз-ўзидан ойдинлашади.

Риёу ужбу, ҳасад дафъин эт фано билаким,
Кетур, бу дору ила мунча мухталиф амроз.

Таҳлилу талқинлардаги бир хилликни ҳам, мазмун бобида Навоий асарларини тасаввуф таълимотига этиб тақашларни ҳам инкор этиб бўлмайди. Хусусан кейинги ўн йилликда

булар бир “удум” тусига кирган ва нисбатан суъистемол қилинаётган уринишдир. Бу ҳақда батафсил гапириш ва ёзиш зарур. Аммо аксарият олимлар учун “Сен менга... мен сенга...” ақидаси жуда мақбулга ўхшаб қолди.

– Навбатдаги саволнинг ҳам бир чети ҳазрат Навоийга бориб туташади. Сиз адабий учрашувлардан бирида Навоий мероси ва ёшлар шеърияти мавзусида баҳс очиб, от айланиб, қозиғини топгандек, ёшлар ҳам излай-излай бир куни албатта Навоийга қайтади, деган эдингиз. Ана шу учрашувдан буён ҳам чамаси йигирма йиллар ўтди-ёв. Лекин ёш қаламкашлар ҳануз Ғарб адабий тажрибасига, модерн ва постмодерн услубларига майл кўрсатаётир. Нима, ўша башоратингиз нотўғри чиқдими? Ёки Сиз айтган кунни яна озроқ кутиш лозимми? Замонавий адабиётдан-да чуқур хабардор олим сифатида айтинг-чи, бугунги сўз санъатимиздаги модерн ва постмодерн тамойилларига муносабатингиз қандай? Сиз, модерн ва постмодернчилар инсон руҳий оламининг энг чекка пучмоқлари қадар кириб боряпти, сўзнинг тасвирий ва ифодавий имкониятларини ҳам айнан шулар дадил кашф этяпти, деган фикрдаги тарафдорлар сафидамисиз ёки, тўғри, бадиий адабиётда хам асбоб-аслаҳани янгилаб туриш керак, лекин маъно-моҳиятни қурбон келтириш ҳисобига эмас, деган фикрдаги мухолифлар сафидами?

– Адабиётимиздаги ғарбчилик таъсири ва тажрибалари, модерн ва постмодерн йўлидаги ижод намуналари баҳсида бир-бирини қўллаб қувватловчи фикрларга тескари – уларни инкор айловчи мулоҳазалар ҳам илгари сурилиб келинмоқда. Бу – яхши. Бадиий ижодда янгилик ва янгиланишга ўз-ўзидан эришилмайди: изланиш, об-ҳавони ўзгартиришга бел боғлаш зарур. Аммо бунда ижодий эҳтиёж, янгиликни оқлайдиган моҳият аниқ ва ёрқин бўлмоғи керак. Акс ҳолда энг самимий ижодий ҳаракат ҳам қўғирчоқбозлик машғулотига менгзаб қолиши ҳеч гап эмас. Анъанавий ижод тажрибасида бир хиллик ва эскириш аломатлари бўлган, бўлиши муқаррар. Модернчилик байроғини кўтариш хоҳишидаги ижодкорлар, энг аввало, худди шу бир хиллик, янада аниқроғи, шакл, мазмун ва ифодадаги турғунликка қарши. Шу маънода тушунишгина эмас, уларни қўллаш ҳам лозим деб ўйлайман. Бироқ асрлар мобайнида яшаб келган ғоявий-эстетик анъаналардан узилиб ёки ундан бутунлай йироқлашиб, адабиётда янгилик яратиб бўлмайди. Янгилик миллий шуур, миллий тафаккур, миллатнинг маданий-маънавий идрокига мувофиқ зайлда юзага келиши лозим. Афсуски, модерн тамойилда битилган асарларда табиийликка нисбатан атайинлик, илҳомга қараганда тақлидчилик ортиқроқ кўзга ташланади. Тўғри, модерн ижод вакиллари орасида астойдил машаққат чекиб ҳам ижоди, ҳам шахсини шакллантирганлар бор бўлса-да, баъзиларининг шахсияти, дунёқараши жуда ожиз ва ғарибдурки, адабиётга бундайлардан бир манфаат етмаслиги аниқдир.

Менимча, навқирон қаламкашларнинг Ғарб адабиётига майл ва қизиқишлари ўтган асрнинг саксонинчи йилларидагидек кучлимас ва ушбу ҳолат бундан кейин янада мўътадиллашади. Қолаверса, Вақт аталмиш олий ҳакам кераклидан кераксизни, яроқсиздан яроқлини ажратишда хато қилмайди. Ҳеч нимага ишонилмаса ҳам, шунга ишонмоқ лозим.

– Устоз Озод Шарафиддинов бир вақтлар, шоир кўп-у, шеър оз, дея куйинган, ҳақиқий шеърнинг камлигига эса бир сабаб деб «маддоҳизм»ни қоралаган эди. Чунки адабий тамагирлик бўлмиш маддоҳизм ҳар доим адабий саёзлик ҳисобланган примитивизм билан эгиз ўлароқ дунёга келади. Бу тоифа «шоир»лар Ватан, халқ, истиқлол каби мўътабар (айни чоғда «ликвид») мавзуларга ёпишиб, ҳаммага маълум гаплардан ясама кўтаринкилик билан мисра тизади. Ваҳоланки, асл шеър ҳар қачон... сир бағрига сафардир! «Маддоҳизм» ва примитивизмнинг манбалари, табиати, оқибатлари, алалхусус, уларга қарши кураш йўллари тўғрисида ҳам фикрингизни билишни истардик...

– Маддоҳлик, саёзлик, сохтакорлик... Шарқ шеъриятида булар асрлардан асрларга ўтиб, ҳамон ҳаракатдан тўхтамаган нуқсон ва иллатлардир. Аммо тан олиш жоизки, бугунгидек улар ҳеч қачон гуркираб қулоч ёзмаган эди. Ўртамиёначи ва талантсизларнинг ҳозир куни туққан. Истаганини ёзади. Хоҳлаган қоғоз ва муқовада китобини чиқаради. Ҳеч ким "пишагини пишт" демайди. Аксинча, ўша китоблардан анча-мунчаси номдор-номдор шоир, адиб ёки мунаққидларнинг сўзбошилари билан чоп этилганига нима дейсиз? Бадиий сўзнинг қадр-қиймати қани? Бурч ва уят ҳисси қаёнда қолди? Жавоб тополмайсиз. Халтура китобларнинг тақдимоти хусусидаги гап-сўзларни эшитиб эса ҳайронлик янада ортади. Шу жойда тасаллинамо бир фикрни ҳам айтиб кетай.

Эски ваҳдати вужудчиларнинг тушунчаларига кўра, чиркинлик бўлмаса, тозалик ва гўзалликнинг аҳамияти билинмайди; ёмонлик бўлмаса, яхшилик ва эзгулик ардоқ топмайди; агар ўлим бўлмаса, тириклик ва ҳаёт қувончи қийматсиз нарсага айланади. Худди шунингдек, яроқсиз сўзлар, ёлғон ижод намуналарига дуч келмасак, гўзал ҳис-туйғулар, жозибали фикр ва тасвирлардан таркиб топган асарлардан ҳайратланмасдик. Демоқчимизки, бугун бўлмаса, эртага яратиб, тафаккурни янги-янги уфқларга қанотлантирадиган саъат асарларининг яралиши ҳам муқаррардир.

– Башоратларга кўра, ҳозир қадам қўйганимиз ахборот замонининг негизини билим ташкил этиши-ю унинг пешвоси бўлиб олим сиймоси гавдаланиши лозим эди. Гўё, болалик чоғларимиздан қулоғимизга қуйилган ўша, «Олим бўлсанг – олам сеники», деган мақол ана энди ижобат бўладигандек... Бироқ, таажжубки, бунга мутлақо қарама-қарши бир тамойил кун сайин куч йиғиб бораётир. Янги замоннинг пешвоси ўлароқ жилвакор артист сиймоси майдонга чиқмоқда, илм-фанга аталган ўринни эса ҳар турли «шоу» – томоша эгалламоқда. Бундай жараён фақат бизнинг юртимизда кечаётгани йўқ, у узоқ-яқин барча ўлкаларни домига тортган. Эсингизда бўлса, Чингиз Айтматов сўнгги йирик асари – «Мангу қайлиқ» романида ҳам шу ҳодисанинг қирғиз версиясини қаламга олган эди. Дарҳақиқат, «сотка»-сини туморга айлантирган бугунги кун кишисига шу матоҳнинг илк «аждод»ини яратган шотланд ихтирочиси Александр Белл бунга қандай машаққатлар бадалига эришганини билишдан кўра, Ҳолливуд суперюлдузи Мерилин Монронинг оёғидаги бармоқлар сони нечта бўлганини билиш қизиқроқ. Шундай бир шароитда илм қадри, олим тақдири ҳақида кўнглингиздан қандай ўйлар кечади? Балки олимлик рутбаси... ҳар қандай вазиятда ҳам олим бўлиб қолишдир?!

– Очиғини айтсам, илм-фан ва олимлик ҳақидаги менинг фикр-мулоҳазаларим унчалик ҳам қувончбахш эмас. Биринчидан, назаримда илмдаги асрий холислик, фидойилик туйғуси сезиларли йўсинда пасайиб кетди. Айниқса, диссертация ёзиш, илмий даражани қўлга киритиш мусобақаси юксак мақсад ва идеалдан йироқ ишга айланиб қолди. Шунинг учун ижтимоий фан соҳаларида, жумладан, адабиётшуносликда ҳам шахсияти беҳад майда тасодифий кимсаларнинг сони кундан-кунга ортиб бораётирки, бу хусусда жиддий бош қотириш керак. Шундай диссертантлар бор: ҳатто ўзи ўрганган мавзунинг сир-асрорини бемалол тушунтириб беролмайди. Чунки ишни ўзи ёзмаган. Шундоқ тадқиқотчилар учрайди: таниш-билишга суяниш, яъни ҳийлакорликдан бўлак "салоҳият"и йўқ. Билим диддан, дид савиядан буткул паст. Қарангки, худди мажбурият олгандай шунақаларни қўллаб-қувватлашдан толиқмайдиган баобрў олимлар ҳам оз эмас.

Адабиётни – адабиёт деб англаш, адабиётга – адабиёт ўлароқ қараш учун олим ҳақиқатда билағон ва виждонли бўлиши зарур. Бўлмаса, қоғоз қоралаб, ёзиб-чизганларини бир муқовага жамлаб қолдирган қаламкаш борки, бариси классиклар қаторига қўшилаверади. Бошдин-охир диний, тасаввуфий ғоя ва тушунчалар талқину тарғибига бағишланган

асарларни ҳам соф бадиий ижод намуналари сифатида тадқиқ этиш ғалатдир. Адабиёт аҳли нари турсин, илм вакиллари ҳам билмайдиган ва ҳақиқий шеъриятга алоқасиз девонлардан номзодлик диссертациялари ёзиш сўнгги пайтларда авж олди. Бу – наинки адабиёт, илм-фан ва олимликни таҳқирлайдиган, балки машҳур турк адиби Азиз Несиннинг "Шоир Шармандий қачон туғилган?" номли ҳажвиясида фош этилган сунъий илмбозликни оёқлантиришга монанд уринишдир. Алишер Навоий:

Илмни ким воситаи жоҳ этар,
Ўзини-ю халқни гумроҳ этар –

деганда ҳақиқатни нечоғлик теран ифодалаб, нақадар узоқни кўра билган! Байтдаги "жоҳ" сўзи "Навоий асарлари луғати"да мансаб, бойлик, мартаба деб изоҳланган. Имом Ғаззолий эса уни "зўри зуғм ила ўз фикрини ўзгаларга ўтказмоқ – фикрий мустабидлик" дея шарҳлаган. Агар ушбу маъно инобатга олинса, байт мазмуни янада кенгаяди ва бойийди. Аммо биринчи маънода ҳам, кейингисида ҳам илмни воситага айлантирмасликка даъват қилинган. Ахир, илмни жоҳ воситасига айлантиришнинг касофати биргина кимса билан чекланмайди, халққа ҳам бориб тегади. Шўро замонида илм майли билан моддий манфаат, амал ва мансабга эришиш ҳирси қўшилиб-қорилиб кетгани боис илм-фандан восита сифатида фойдаланиш айб ҳам, уят ҳам санламасди. Ваҳоланки, бу нарса олимлик эътиқоди ва имонига мутлақо хилофлиги кундай равшан.

Яна бир мулоҳаза. Мумтоз адабиётни, шунингдек, Алишер Навоий илмий-адабий меросини тадқиқ ва таҳлил қилишда XX асрда ютуқларни қўлга киритиш билан бир қаторда жиддий камчилик ва хатоликларга ҳам эрк берилган. Шулардан бири ўтмиш адабиётининг ички олами ва таркибини ботиний илмдан ажралган ҳолда ўрганиш эди. Ҳолбуки, классик адабиёт намуналари, хусусан, Навоий шеъриятини илми ботин, дея аталмиш ва тасаввуфнинг марказида турган Руҳ, Қалб, Сир илмидан айри тарзда текшириш маърифат ва орифликка зид бўлган. Бундан ташқари, мумтоз матнларни психология, яъни руҳиятшунослик нуқтаи назаридан таҳлил ва талқин этишда ҳам ботин илмидан юз буриб олдинга қараб ҳеч қадам ташлаб бўлмайди. Энг ёмони, бир ориф шоир тўғри айтганидек:

Илми зоҳир кибру ғавғо келтирур,
Илми ботин сўзу савдо келтирур.

Кимки беишқ илму дониш истагай,
Илми бирлан молу давлат излагай.

Хуллас, илмда ҳам ишқ чироғи ёнмаса, инсон кўнгли нурланмайди ва беҳуда баҳс ғавғолар қизигандан қизийверади.

– Иброҳим ака, Сиз бугун ҳазрат Навоий умрини яшаб турган одамсиз (Аллоҳ яна кўп йиллар соғу саломат қилсин!). Шу йиллар давомида, фикрчан инсон ўлароқ, яшаш илмини чуқур англашга интилгансиз, албатта. Касб-кор тақозосига кўра, ҳаёт мактаби саналмиш адабиётдан-да анча-мунча фойдали сабоқлар олганингиз ҳам бор ran. Истардикки, бу борада ўзингиз англаб етган фалсафа билан бизни ҳам ошно этсангиз. Айтинг-чи, бу дунёга келмагу кетмакдан асл маъни не ўзи?

– Айни шу савол устида Навоий бобомиз кўп ўйлаб, тўхтовсиз мушоҳада юритиб, шеър, достон, насрий асарларида ҳар турли жавоблар битиб, бир ўринда "На келмагим аён бўл-

ди, на кетмагим”, деган хулосани ҳам айтганлар. Навоийдай улуғ мутафаккир санъаткорки, шундай қарорга келган экан, биз каби бандаи ожизлар нима ҳам дерди? Л.Н.Толстойнинг ўлим олди қўлини ҳавода нари бери тебратиб “Тушунмадим!” дегани ҳам ибратли.

Инсон борасидаги энг тўғри ва энг ҳаққоний ҳақиқатни китобдан эмас, ҳаётдан, фаҳм-фаросати ўткир одамни алдай билмайдиган воқеликдан кашф этиш лозим. Мана шунда инсон қисмати ва аҳволига китобий нигоҳ билан қаралмаганидек, “яшаш илми”ни мураккаблаштирадиган ортиқча даъвою иддаолардан ҳам кўнгил фориғ бўлади. Мен англаб етган жайдари фалсафанинг интиҳоси ҳозирча мана шу!

“Тафаккур” журнали, 2013 йил №4.

АДАБИЁТ – АБАДИЙЛИК ҲУНАРИ

Ҳақиқий адабиёт кишини инсонпарварликка ундайди. Руҳни озиқлантиради. Мир Алишер Навоий ижоди билан яқиндан танишган ўқувчи бу фикрни инкор эта олмаслиги аниқ. Ўзбек адабиётининг олтин даври, тилининг асоси ҳисобланган бу ижод фарзандларимизни тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун Алишер Навоий ижодини ўрганиш, уни ёшларга ўргатиш барча даврларда бўлгани каби бугун ҳам муҳимдир. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти бўлим мудири, филология фанлари доктори, навоийшунос олим Иброҳим Ҳаққул билан бўлган суҳбатимиз шу ҳақда бўлди.

– Устоз, адабиётнинг, хусусан, Алишер Навоий ижодининг баркамол авлодни тарбиялашдаги ўрни қандай?

– Комиллик, аввало, инсоннинг хулқи, кўнгли ва руҳини тарбиялаб камолга етказиш дегани. Адабиётсиз ёки адабиёт таъсирига беписанд қараб, бу ишни уддалашнинг умуман иложи йўқ. Инсон қалби ва руҳини ўзгартириш ҳамда янгилаш адабиётнинг доимий ҳунари. Шу вазифа нечоғлик ҳаққоний, бехато бажарилса, жамиятда ахлоқий-маънавий ҳаёт ўшанча юксалиб, нафсоний эҳтиёж боис ҳаддан ошишлар ўшанча пасайиб боради. Бу – ёш авлод тарбияси учун бағоят катта ютуқ.

Таълим-тарбия, шахс ҳуррияти ва бутунлиги, инсоннинг Ҳақ ва халқ олдидаги бурчи, уни ҳалол ва виждонан бажариш сингари масалалар мутафаккир бобомиз асарларининг бош асоси ҳамда моҳиятини ташкил қилади. Навоийга кўра, комиллик сип-силлиқ, баландпарвоз ёхуд китобий гапларни айтиш ва такрорлаш эмас, балки ўзингдаги ноқислик, кўзга ташланавермайдиган камчиликларни сабот ила бартараф этиб боришдир. Унингча, комил киши, албатта, *«ўз нуқсин исбот айлагай»*. Навоийнинг комиллик ҳақидаги фикр ва тушунчалари, асосан, тўрт устивор асосга таянади. Булар ахлоқ гўзаллиги, қалб поклиги, руҳоният юксаклиги ва тафаккур балоғати. Улуғ шоир баркамол, бутун инсон деганда нафсу ҳаво хуружларидан ғолиб чиққан, маънавий-руҳий эркинликка соҳиб инсондаги янги ва ибратга лойиқ *«Мен»*ни назарда тутган. Бу *«мен»* ва *«менлик»* энг собит ва нурли дунёвий ҳамда илоҳий ҳақиқатларнинг бош меҳваридир. Шунинг учун Навоий шеъриятида тасвирланган комил шахс муаммоси ўрганилганда, ана шу *«Мен»*нинг ботиний ҳаёти, ундаги ўзгариш ҳамда изтироб тамойилларига алоҳида диққат этиш зарурдир.

– Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди мустақилликка эришгунимизга қадар ҳам умумтаълим мактабларида ўқитилган. Мустақилликдан сўнг улуғ мутафаккир ижодини ўрганиш

борасида қандай ютуқларга эришилди? Таълим тизими олдида бу борада қандай муаммолар бор? Сизнингча, уларнинг ечими нималарда кўринади?

– Алишер Навоий ҳаёти ва илмий-адабий меросини наинки мактаб, лицей, коллеж, балки олий ўқув юртларида ўқитиш ва ўрганишда ҳам эътиборга лойиқ ютуқларга эришилди. Чунки буюк санъаткор ижодиётига сиёсат, зўравон мафкура «кўзойнак»и билан қараш мустақилликдан сўнг умуман барҳам топди. Шоир асарларининг миллий, диний, тасаввуфий «қатлам»ларини ёшларга бемалол тушунтириш, атрофлича талқин қилиб беришни аввалари тасаввурга ҳам сиғдириб бўлмасди. Энди эса бунинг акси: Навоий китобларини тўла миқёсда ўқиб-ўзлаштириш ва эркин мушоҳада этишга нима тўсиқ бўлаётир деб сўралса, мен, аввало, янгиликдан маҳрум, паст дид ва савияда ёзилган дарслик ва қўлланмалардан қутулишини айтган бўлардим. Шунингдек, Навоийдан сабоқ берадиган муаллимларнинг ҳам билим даражаси, маданий имконияти ва имтиёзларини жиддий ўйлаш керак.

– Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида мутафаккир ижодини тадқиқ этиш, уни ўқувчиларга янада тўлиқ етказиш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

– Буюк мутафаккир бобомиз номлари билан аталган бизнинг Тил ва адабиёт институтимиз навоийшунослик илмининг ҳам бош маркази ҳисобланади. Навоий асарларини нашрга тайёрлаб, халққа етказиш ва илмий тадқиқотлар яратишда шу илм даргоҳида бағоят кўп ишлар амалга оширилганки, уларни номма-ном санашнинг ўзи анча вақтни олади.

Мустақилликдан сўнг бўлимимиз ходимлари Навоийнинг шеърий, насрий ва илмий меросига бағишлаб юзлаб илмий, илмий-оммабоп мақола, ўнлаб рисола, илмий тўплам ва китобларни эълон қилдилар. Уларнинг кўпчилиги ўқувчиларда алоҳида қизиқиш пайдо қилганлиги қувонарли албатта. 2011 йилда 10 жилдлик Алишер Навоий тўла асарлар тўплами нашрдан чиқди. Буни юртимиз илмий маданий ҳаётидаги алоҳида бир ҳодиса ўлароқ баҳоласа янглиш бўлмайди.

Шу кунларда икки жилдлик «Навоий қомуси»ни яратиш мақсадида қизғин иш олиб борилаётир. Хуллас, қиладиган ишларимиз кўп...

– Бугунги кунда дунё навоийшунослиги шаклланди, деса бўладими? Бу борадаги ечим ва муаммолар ҳақида гапирсангиз.

– Жаҳон адабиёти тараққиётига муносиб ҳисса қўша олган санъаткорлар каби Шарқ ва Ғарб дунёсининг бир қанча мамлакатларида Навоийнинг ҳаёти ва ижодиёти ўрганилиб, асарларидан баъзи бирлари таржима қилинган. «Дунё навоийшунослиги» деган тушунча тўла мавжуд дейиш қийиндиру, аммо Туркия, Эрон, Россия, Хитой сингари қатор ўлкаларда навоийшунослик бундан бир неча ўн йиллар муқаддам қад ростлагани илм аҳлига сир эмас. Ҳозирги бош масалалардан бири Навоий ижод намуналарини ер юзидаги энг нуфузли тилларга таржима қилиниши ва уларнинг тадқиқи билан кечикмасдан машғул бўлишдир.

– Ёшлар билан бўлган суҳбатларда устоз олимлар томонидан Навоийни, умуман, мумтоз адабиётни тадқиқ этишда янгича ёндашувлар лозимлиги ҳақида гапирилади. Айтингчи, Навоий ижодиётини тадқиқ қилишда, аввало, нималарга диққат қилмоқ керак?

– Навоий шеърияти осмондан лоп этиб ерга тушгани йўқ. У маълум бир ижтимоий, сиёсий, маданий муҳит маҳсули. Бу шеърият, наинки туркий, балки форсий адабиёт анъаналари замирида тараққий топган. Одатда муҳташам ва маҳобатли қаср ё саройларга бир эмас, бир неча нақшкор эшиклардан кирилади. Худди шунга ўхшаб Мир Алишер адабий, илмий ижодиётига ҳам бир қанча йўл ва эшиклардан кириб борилади. Улардан бири, балки дастлабкиси туркий адабиётда қўлга киритилган тажриба ва адабий анъаналардир. Илмда бу ҳақда баъзи фикр-мулоҳазалар ўртага ташланиб, тадқиқотлар ҳам амалга оширилган. Бироқ ушбу мавзуни ижтимоий, маданий, диний, сиёсий тамалга боғлиқ равишда теран ҳамда

муфассал ўрганмоқ зарур. Навоий даҳосининг туб замини ва бешиги туркий тил, туркий тафаккур, туркий адабиёт эрур.

Навоийнинг форсий адабиётга муносабатига келсак, шоир болалик чоғлариданоқ форс шеъриятининг гўзал, ҳаётий намуналари билан танишиб, улардан баҳра олган. Аммо тақлид, таъсир завқини Навоий жуда эрта ортда қолдириб, ижодий мусобақа ва янгилик илҳоми билан ишга киришиб кетган. Илҳом бунда илоҳий кашфга йўл очиб борганини ҳам таъкидлаш жоиз.

Алишер Навоий бадиий ижодда инсон қавмидан нима олган бўлса, унинг кўнглидан ўзлаштирган; одам тўғрисида у нима ёзган бўлса, унинг руҳ овозини тинглаб, ботиний ҳолларини жуда аниқ идрок этиб ёзган. Буюк шоиримизнинг кўнгилга, руҳ ва ҳол сир-асрорига қайта-қайта мурожаат қилиши шундан. Мутасаввифларнинг *«Сенга ҳолидан фойда етмаганнинг фикридан ҳеч қандай наф тегмайди»,* деган сўзларининг ҳақиқатини Навоий мукаммал англаган. Чунки у ориф шоир сифатида ҳам худди руҳга ўхшаб ҳолнинг илоҳий асоси ва хусусиятларига иштибоҳсиз ишонган. Ана шуларни ҳам тадқиқ айлаш лозим.

– *Навоий ижодиёти ва ёшлар тарбияси мавзусида тўхталиб ўтсангиз.*

– Ёшлар тарбияси – бу, мактаб, илм-фан ва комилликка ғамхўрлик демак. Мактаб том маъноси ила таълим-тарбия ва илм ўчоғига айлантирилмас экан, навқирон авлодга қараганда ёши улуғлар бундан кўпроқ зарар кўради. Яъни:

Чу ёшларга боғланса мактаб йўли,
Бўлур гум қариларға мазҳаб йўли.

Ёки Навоийнинг мана бу сўзларини олайлик:

«Ёрлик қайда кетди ёронлар?
Йўқ мусулмонлик, эй мусулмонлар!»

Дўстлик, меҳр-муҳаббат, шафқат ва мурувват ўртадан кўтарилса, мусулмонликнинг нима қиймати ё аҳамияти қолади? Қуруқ гап, нафсоний найрангларга ким ишонади? Навоий ҳамма жойда, ҳамма кори ҳолда сўз ва фикрининг исботи ўлароқ фаолиятга урғу беради. Ҳар қандай ёмонликка қайсидир гўзал фазилат, хислат ёхуд амални қарши қўяди:

Сен агар зоҳир эттинг итликни,
Мен сенга кўрсатай йигитликни.

Бундай сўзлардан юрак яйраб, қувват олади. Демак ёшларга Навоийдан сабоқ берадиган муаллим биринчи галда маърифат, ҳол ва амал бирлигига алоҳида аҳамият бермоғи, адабиётни чин дилдан севиши, унинг ҳиссиёт ва руҳ тажрибаси эканлигини ҳам унутмаслиги зарур. Адабиёт – абадийлик ҳунари. Ўзининг тажрибаларида Навоий тўла-тўкис исботлаган ушбу ҳақиқатни эсдан чиқармаслик шахсни миллат, юрт, келажак ишларига илҳомлантираверишишак- шубҳасиздир.

Суҳбатдош: *Мунисжон Ҳакимов*
“Тил ва адабиёт таълими” журнали, 2014 йил 1-сон.

ИБРОҲИМ ҲАҚҚУЛ

НАВОИЙГА ҚАЙТИШ

(4-китоб)

ҲАҚИҚАТ ВА ШЕЪРИЯТ СУЛТОНИ

Ҳақни билсанг, оламни султонисен,
Билмасанг, худ дев ила шайтонисен.
Насимий

Буюк шоир, мутафаккир, адиб, олим, ориф ва йирик давлат арбоби Алишер Навоий ижодиёти туркий адабиётнинг маркази, яъни муҳташам пойтахтидир. Ўн бешинчи асргача бўлган туркий тилдаги адабиёт Навоийнинг тарих саҳнасига чиқишига замин ҳозирлаган бўлса, Навоийдан кейин яшаб ижод этган туркийзабон қалам соҳибларининг кўпчилиги Навоийнинг муҳиби, мухлиси ёки содиқ издошлари бўлишган. Бу ҳақиқат дунёга машҳур бир қанча илм ва ижод аҳли томонидан кўп бора айтилиб, очиқ эътироф этилган. Атоқли турк алломаси М.Ф.Кўпрулига кўра, XV асрнинг ўзидаёқ "Навоийнинг асарлари турк дунёсининг ҳар томонида – Онадўли ва Рум элида, Хуросон ва Ироқда, Қрим ва Волга бўйларида, шунингдек, туркманлар орасида ҳатто Ҳиндистондаги турк саройларида ҳам севиб ўқилган" ва юзлаб шоирлар Навоийдан таъсирланиб турли шаклларда асарлар ёзишган. Бу табиий ҳол эди, албатта. Чунки Навоий фақат туркий адабиётнинг эмас, балки форс-тожик шеърияти ютуқларини ҳам улуғ даҳоларга хос моҳирлик билан ижодда уйғунлаштирганди.

Ҳаёт ва ҳақиқат санъаткори сифатида Навоий ўзи туғилиб камол топган даврда Навоий қандай пешқадам ва байроқдор бўлган бўлса, ҳозир худди шундайдир. Мозий ва келажак синовларини ортда қолдириб дунё аҳлининг диққат-эътиборини ўзига қаратиб келаётган шоирларимизнинг сарбони ҳам Навоийдурки, унинг:

Не мулк ичраки бир фармон йибордим,
Анинг забтиға бир девон йибордим, –

деган сўзлари чинакам башорат бўлганлигига абадулабад ҳеч ким эътироз қилолмайди. Бошқасини ҳисобга олмасдан, нашр ишлари бўйича баҳоланганда ҳам бирор бир ўзбек ижодкорининг асарлари XX асрда Навоийники қадар кўп ва бардавом нашр этилганмас. Зеро, сўз мулкининг хоқони бўлиш унинг толеига азалдан битилганди.

Маълумки, шеърга ҳавас ва туғма иштиёқ Навоийда болаликдан бошланган. Ўспиринлик ва ёшлик йилларини у шеър завқи, шеър меҳнати ила ўтказган. Умрнинг ҳар бир фаслини Навоий шахс ва шоир ўлароқ улғайиш, олдингига нисбатан янги кашфиётлар яратиш билан қаршилаган. Унинг тўрт мустақил девон ("Ғаройиб ус-сиғар", "Наводир уш-шабоб", "Бадоъе ул-васат", "Фавойид ул-кибар")дан таркиб топган "Хазоин ул-маоний" деб номланган китоби ақл ва тафаккур, туйғу ва идрок, ишқ ва ирфоннинг бетимсол хазинасидир. Уни гўзаллик ва нафосат, тахайюл ва ҳайратнинг сира нурамас қасрига ўхшатиш ҳам мумкин. Бундай бадиий обидага эга бўлиш, унга фикр, ҳиссиёт ва руҳоний ҳаётнинг манбаи ўлароқ таяниш, Аллоҳ таолонинг элимизга улуғ инояти ва марҳаматидир. Ундаги ҳар бир девон Ҳусни Мутлақни севиш, нубувват фалсафасини ўзлаштириш, инсон ва инсонийлик дардида куйиб-ёниш, Ватан ва миллат ишқини ҳамма нарсадан баланд кўриш, ўткинчини бақо – абадиятга эврилтиришга кенг йўл ва имкон очади.

Сўз, маъно, ифода ва хулосаларда ўхшашлик кўзга ташланса-да, маънавий кечинма, ҳол ва изтироб ҳар қайси девонда тўхтовсиз равишда жой алмашади. Борлиқ-оламнинг қайси воқеа-ҳодисасига шеърхон Навоийнинг ошиқ, ориф, дарвеш ёки ринд отлиғ қаҳрамони

назари билан қарамасин, унинг фикр ва тушунчалари тирилади, кўнгли бойийди, билишдан фаол мушоҳадага ўтади. “Хазойин”даги ғазал, қитъа, рубоий, туюқ каби шеърларнинг ўқувчига ҳеч кутилмаган оҳанг, ранг, рамз, ташбеҳ ва маъноларни ҳадя этиши бағоят мароқли.

Шоҳиди мақсуд акси кўнглума тушмас дединг,
Ғайр нақшидин магар пок эрмас ул кўзгу ҳануз.

Деди, бўл фоний висолин истасанг, бўлдим фано,
Эй Навоий, сўрки мундин ортуғ истарму ҳануз?

Бундай байтлар ўқиганда юракда бир орзиқиш, ўз ҳолидан қаноатланмаслик уйғонмаса ҳисобмас.

Навоий шеъриятини таҳлил ва талқин қилиш жабҳасида кўп ишлар амалга оширилган. Шарт-шароит ва имконият доирасида навоийшунослик доимо олдинга интилган. Буни тан олиш керак. Лекин мустабид шўро давлати сиёсати ва мафкуравий зўравонлик измидан четга чиқолмаслик Навоий адабий меросини тўғри ўқиб-ўрганиш ва ўқувчиларга холис етказишга барибир эркинлик бермаган.

Мустақилликдан сўнг бу тўғрида такрор-такрор гапирилган бўлса ҳамки, нуқсон ва сохтакорликнинг туб асослари тўлиқ очилгани йўқ. Навоий миллатимизнинг ахлоқий, маърифий, руҳоний халоскори эканини чуқур англаш эса унинг шахсияти ва ижодиётига муносабатдаги чекланиш ёки нуқсонларни ўз-ўзидан четга суриб ташлайди.

Навоий ҳаётдаги ҳар қандай мавзу ё муаммони инсон тақдирига боғлаб ёки унинг аҳволидан воқифлик ила ҳал қилади. Мана бир мисол: XII асрдан эътиборан Шарқ ўлкаларида ахлоқий-маънавий кучсизланиш, шахснинг парчаланиш ва майдалашиш ҳодисаси кучая бошлаган. Мўғул босқинидан кейин эса бу фожиа жуда кенг қулоч ёзганди. Бутун миқёси билан буни англаб, мусулмон халқларини шу таназзулдан огоҳ айлаш ва қутқазишга биринчи бўлиб киришган ижодкорлар тасаввуф адабиёти намояндалари эди. Навоийнинг форсий шеъриятдаги салафи Шайх Фаридиддин Атторнинг шахсият бутунлиги ва эркинлигига алоҳида аҳамият бериши тасодифий ҳол эмасди:

Гар ту ҳасти марди кулл, куллро бубин,
Кулл талаб, кулл шав, куллро бубин.

Мазмуни: сен агар бутун одам бўлсанг, бутунни кўр, йирикни талаб қил, куллдан чекинма ва фақат шунга нигоҳингни қаратгин!

Ана шу юксак талаб, бир томондан, инсоннинг ўз илоҳий моҳиятини мушоҳада айлашга чорласа, иккинчи ёқдан, аллақачонлар бой берилган ички қувват – одамнинг ўзига ишончини жонлантиришга илҳомлантирарди. Ушбу оламшумул ҳақиқатни Навоий “Лисон ут-тайр” достонида рамзий-мажозий йўсинда талқин этар экан:

Ўз вужудингга тафаккур айлагил,
Ҳар не истарсен ўзингдан истагил, –

дея кўрсатма берганди. Шу боисдан ҳам мутафаккир ва мутасаввиф шоир барча адабий жанрдаги асарларида, аввало, шеърларида ўзни билиш, ўз мавжудлигини бехато ва теран

тафаккур қилиш, оламу одамнинг дахлдор кучи сифатида ўзига суяниш, яъни башарий менлик асосида янги бир маънавий “Мен”ликни камол топтириш ғоясини илгари сурганди. Навоий ахлоқий, фалсафий, диний, ирфоний, ишқий, умумбашарий фикр-қарашларининг тамали ҳам мана шу. Бугун биз ҳазратнинг кўпдан-кўп шеърларини хулқий таназзулдан, ахлоқий камолотни ажратиш, қалб тасфиясини ботиний ожизлик ва хасталиклардан қутилиш, меросий руҳониятсизликларга руҳ завқи ва туғёни орқали барҳам бериш чораси ҳамда тажрибаси ўлароқ қабул этишимиз лозим. Фақат мана шунда зоҳирга зоҳир, ботинга ботин кўзи билан боқиб, сийрат гўзалликларидан бебаҳра бўлишдек сўқирликдан қутилишга йўл излаб, чора ахтарамиз.

Навоий шеърияти ишқ, маърифат, ҳақиқат, виждон ва диёнат наҳридан тўлиб-тошиб, оқиб чиққани туфайли унда ҳаётийлик, нафосат ва боқийлик нафаси уфуриб, гуркираб туради.

Навоий учун шеърият ҳамма нарса: тил, тарих, анъана, ҳаёт, дин, тасаввуф, муҳаббат, маърифат, урф-одат, миллий қадрият ва санъат эди. буни эътиборга тутмасдан Навоийнинг шахсият ва шоирлик оламига эркин кириб боришни хаёлга ҳам келтирмаслик керак. Бизнингча, икки минг ўн олтинчи йилдан сўнг мамлакатимиз ижтимоий, сиёсий, маданий, маънавий турмушидаги беқиёс ўзгариш навоийшуносликни ҳам тубдан янгилаш, эскича ёки чала ҳақиқатларни акс эттирадиган фикр ва тушунчалардан кечиш заруриятини юзага чиқарди. Демак, олдингига нисбатан ҳам ҳақиқий Навоийга юзлашиш имкони кенгайди...

Шундай экан, маънавият, маърифат, валоят ва шеърият султони Мир Алишер Навоий асарларининг янги нашри бирёқлама сиёсат, маҳдуд мафкура, турли-туман ғоявий иддаолардан йироқ зукко шеърхонларни вояга етказишга хизмат этади, деб умид қиламиз. Ва навоийхонлик жонажон юртимизда сифат нуқтаи назаридан юксалишига асло шубҳаланмаймиз. Айни пайтда донишманд бобомизнинг:

Ҳар киши эрмен дебон эрму бўлур,
Келмас ишни илкидин дерму бўлур, –

каби танбеҳларини ҳам ёддан чиқармаслик зарур, деб ўйлаймиз.

Иброҳим ҲАҚҚУЛ
19.10.19.
Дўрмон.

АЛИШЕР НАВОИЙ ТАХАЛЛУСЛАРИНИНГ МАЪНО ҚИРРАЛАРИ ҲАҚИДА

Адабиётда тахаллус танлаш, кўпчиликка мақбул ва манзур тарзда уни қўллай билиш Шарқ адабиётининг ўзига хос жиҳатларидан бири деса, хато бўлмайди. Бу тўғрида маълум бир фикр ёки хулосага эга бўлмоқ учун Алишер Навоийнинг "Мажолис ун-нафоис" тазкирасидаги айрим маълумотлар билан танишиш кифоя деб ўйлаймиз: "Мавлоно Жоний – журжонликдур. "Райҳоний" тахаллус қилур эрди, вилояти муносабати била анга "Жоний" тахаллус буюрулди"[1].

Тахаллусни туғилган жойи, она диёри – кент, туман, вилоят ёки ўлка номидан келтириб чиқаришга ўтмишда алоҳида эътибор билан қаралганки, буни исботловчи далил ва мисоллар жуда кўпдир.

Айрим шоирлар тахаллусда касб, ҳунар, санъат ва илмга ("Мавлоно Кавкабий – мунажжим йигитдур ва ўз фаниға муносиб тахаллус ихтиёр қилибтур" (108) асосланган бўлишса, бошқа бировларнинг феъл-атвори, фазилат ва завқ-шавқи, салоҳият ё лаёқати инобатга олинган ("Мавлоно Зулолий – ҳирийликдур. Отаси дарвеш кишидур. Ғазалфурушлиқ қилур. Зеҳни сарчашмасидин назми зулоли софи зоҳир бўлур. Бу жиҳатдин анга "Зулолий" тахаллус топилди" (87).

Бадиий ижодда ҳар бир нарса, ҳар бир муҳим белги шоир ё адибнинг таъби, ройи-равиши, билими, диди ва фаросатини намоён этиши мумкин. Акс ҳолда Навоий таассуф билан "Мавлоно Бу Али – девонавор юрур. Девона бўлмаса эрди, Бу Али тахаллус қилғайму эрди?" (101) деб ёзмасди. Ақл-ҳуши жойида одам ўзини Ибн Синога тенг кўрмаслиги шубҳасиздир. Энди мана бу мулоҳазаларни кўздан кечирайлик: "Мавлоно Замоний – ... "Вафоий" тахаллус қилур эрди. Фақир илтимоси била "Замоний"ға тағйир берди. Икки жиҳатдин: бир жиҳат буким, Султон Бадиуззамон Мирзо мулозими эрди. "Замоний" тахаллусининг муносабати анға кўп бор эрди; яна бир жиҳат буким, Аҳмад Ҳожибек "Вафоий" тахаллус қилур ва шеъри машҳурдур ва девони ҳам бор. Муносиб эрмас эрдиким, улуғ кишига бежиҳат тахаллусда шерик бўлғай" (96).

Шу ўринда қонуний савол туғилади: ўзгаларнинг тахаллуси хусусида шундай фикр юритиб, зукколик билан муносабат билдирган Навоий ўзи тахаллус танлашда нима ўйларни хаёлдан ўтказиб, қандай қаноат билан бир тўхтамга келган ва иккала тахаллусидан ҳам кўнгли тўлиб, доимо мароқланганми? Бугун бу саволга аниқ ва тўлиқ жавоб беришнинг имкони ҳам, иложи ҳам йўқ, албатта.

Тахаллус бирор-бир мақсад, маъно ёки қандайдир ижодий ниятнигина эмас, балки туйғу, кайфият, ҳолат, "хусусий" завқ-шавқни ҳам қамраб олади. Шоирнинг тафаккур ва тахайюл дунёси нечоғлик кенг, нақадар ўзига хос бўлса, унинг шеърларида тахаллус ижодий янгилик белгиси ёки "унвон"ига ўхшаб таассурот қолдираверади. Шунинг учун зўр санъаткорларда ҳатто тахаллусига нисбатан ҳам ички бир масъулият мавжудлиги сезилиб туради. Буни ҳар бир йирик ижодкор, масалан, Аттор, Ҳофиз, Румий, Жомий, Навоий, Огаҳий тажрибаларидан илғаш қийин эмас. Булардан кейин айни тахаллуслар билан ижод майдонида донг таратган қалам соҳиби бўлмаганлиги бежиз эмас.

Эски луғатларда наво сўзининг ўн бешга яқин маъносига изоҳ берилган. Навоийшунос А.Абдуқодиров наво куй, оҳанг, садодан ташқари "насиб, баҳра, ишчанлик, сариштакорлик, тартиб-интизом; янги, тоза; овози гўзал, тенгсиз, ягона; меҳрибонлик, саховат; фақир, хоксор, ошиқ" каби маъноларни ифодалашини қайд этган[2].

---

[1] А л и ш е р Н а в о и й. Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. 13-жилд. Тошкент: Фан, 1997. 86-бет. Бундан кейин мазкур нашрга мурожаат қилинганда саҳифаси қавс ичида кўрсатилади. – И.Ҳ.

[2] А б д у қ о д и р о в А. Амир Алишер Навоий. Хўжанд, 2013. 10-бет.

Навоий тахаллусига шарҳ берган олимларнинг аксарияти навонинг кўпчиликка маълум мазмуни – куй, оҳанг, қўшиққа тўхталишган. Рус олими А.Семёнов эса “Алишер Навоий даврида Ҳирот санъати” номли мақоласида “Навоийнинг ўзи бир қанча мусиқий асарлар яратган зўр бастакор ва композитор бўлгани боис адабий тахаллусга мусиқа истилоҳидан “Навоий”ни танлаган” деб ёзади[1].

Миллий тилнинг мусиқаси, оҳанг тамойилларини ҳис қила билган шоир ёхуд адиб борки, деярли ҳаммаси ўзини наво одами – куй ва оҳанг ошуфтаси деб билади. Борлиқ – оламни идрок этиш ва боқий ҳақиқатлар мушоҳадасида ҳам биринчи ўринда оҳанг туради. Зеро, Гўзалликка сафар илоҳий куй ва оҳанглардан бошланади. Навоий “Не наво соз айлагай булбул гулистондин жудо” деганидек, жамики сеҳрли, умидбахш ва ҳассос наволарнинг махзани она диёр, заҳматкаш эл ишқи, муаззам ва мунаввар ҳаётдир.

Қўлига қалам олганидан бошлаб, то сўнгги нафасигача Навоийни илҳомлантирган, давр ва замон қаршилигу қийинчиликларини дадил енгиб ўтишга ундаган оҳанг – ҳаёт оҳанги, узлуксиз тарзда алмашиб турувчи тириклик товуши эди. Чунки тирикликдан ажратувчи, ҳаётдан йироқ садони Навоийнинг қалби ҳам, изланувчан руҳи ҳам қабул қилмасди. Шоирнинг навобахш кўнглида борлиқ – олам ва табиат мусиқалари ишқ ва маърифат, ҳақиқат ва диёнат, айрилиқ ва висол, шодлик ва ғам-ғусса куйлари билан узлуксиз уйғунлашарди. Навонинг илоҳий, ирфоний ва маърифий ўзанларини Навоий теран ҳамда муаззам кенгликда ҳис этар, сўз ва фикрга куй, ҳаёт сир-асрори ва жозибасини очувчи куйларга сўз ҳамда маъно доялик қилишидан мароқланарди. Шу маънода Навоий шахсиятидаги завқ ва мароқ ҳеч бир шоирникига ўхшамасди. Янги ёзилган ҳар қайси шеър Навоий шахсининг бойиб бориши, шавқдан янада олийроқ шавққа қулоч ёзишидан далолат берарди. Улуғ шоир шеърларида табиийлик сунъийликка, самимият сеҳрпардозликка, навосозлик зўрма-зўракиликка ҳеч изн бермасди. Хуллас, Навоий учун наво гўё ижод манбаи вазифасини бажарарди. Наво ва унинг билан алоқалантирилган юзлаб ибора, қанчадан-қанча тимсоллар мазмунига бизда деярли ҳеч ким қизиққан эмас.

Навоий сенсиз этмас боғ сори майлким, шояд
Анга булбул била гулдин даме баргу наво етгай.

Ушбу байтдаги “баргу наво” ибораси уч маънода ишлатилганини немис олимаси Зигрид Клайнмихель шундай изоҳлайди: “Шоир бир жиҳатдан гулнинг бир япроғига ва бир нағмага эришмоқни истайди; бошқа томондан, “барг” сўзининг бир маъноси оҳанг бўлганлиги боис оҳанг ва навога етишиш орзусини билдиради. Ва ниҳоят “баргу наво” ибораси бойлик ёки яшаш учун зарур воситалар мазмунида қўлланилса ҳам шоир “ҳаётнинг асоси менга шеър ва наво” деган фикрни илгари суради”[2].

Дарҳақиқат, шоир, мутафаккир, санъаткор Навоий учун Наво деярли ҳамма нарса эди, чунки унинг ҳолати, кайфияти, маънавий куч-ғайрати, меҳру муруввати – барча-барчасини гоҳ аён, гоҳ ноаён наволар бошқарар, фикр ҳаётида турғунлик нима, якранглик нима, қолоқлик ва саёзлик нима – шоир буларни ҳеч билмасди. Шунга қарамасдан, қалби бири иккинчисидан ёниқ дардчил куй ва садолар билан тўлиб-тошганида у ўзини “бенаво” ҳис қилар[3], айни пайтда дарвешлик, фақирлик, мискинлик майлларидан ором ва фароғат топарди. Устоз Мақсуд Шайхзода “Ғазал мулкининг султони” дея Навоийга ниҳоятда аниқ таъриф берган. Шеърият салтанатидаги подшоҳликка ҳам Навоий, бизнингча, энг

[1] Родоначальник узбекской литературы. Ташкент, 1940. С. 149.
[2] К л а й н м и х е л ь З. Навоийи бенаво // Туркиёт тадқиқотлари журнали. 7. Истанбул, 1993.
[3] Ўша мақола.

аввало навонинг оламшумул қуввати ва ички имтиёзи билан эришган. Ҳофиз Ўбаҳийнинг "Туҳфат ул-аҳбоб" номли луғатида наво сўзининг бир маъноси "сипоҳ" – лашкар, қўшин деб шарҳланган. Бошқа бир луғатда[1] эса навонинг давлат, сарват, ҳисса маъноларини ҳам акс эттириши қайд этилган:

Олибмен таҳти фармонимға осон,
Черик чекмай Хитодин то Хуросон.

Хуросон демаким, Шерозу Табрез –
Ки, қилмишдур найи килким шакаррез.

Кўнгул бермиш сўзумга турк, жон ҳам,
Не ёлғуз турк, балким туркмон ҳам (ФШ).

Агар Наво тушунчаси "қудрат", "фармон", "черик", "мулк", "забт" калималарини қўллашга имкон бермаганида ғолиблик шавқини Навоий бунчалик муҳташам оҳангда тасвирлашга эришолмасди. Охирги байтда буни тасдиқлайдиган яна бир сир бор.

Устоз Садриддин Айнийнинг изоҳи бўйича, Навоийнинг унда турк сўзини ишлатишдан кўзлаган асосий мақсади "Ўрта Осиёдаги бу кунги ўзбекларнинг ота-боболаридир. Агар шоирнинг мақсади умуман турк тилида гапирадиганлар бўлса эди, юқоридаги икки мисрада туркмонни туркдан бошқа қилиб кўрсатмас эди"[2].

Аммо туркман деганда Навоий туркманларни назарда тутмаган. Чунки Зиё Кўкалпнинг таъкидлашича кўра "Туркман билан туркмонни ўзаро фарқлаш ва ажратиш керак. Чунки туркманлар Солур Қорахон, Сотуқ Буғро ва Илиқхонлар ҳукм сурган бир хоқония давлати замонида исломиятни қабул қилган Шарқ турклари билан жанг қилган бир эл ва будунлар жамоасидир.

Булар билан турклар орасида диний фарқ бўлганлиги боис туркмонлар тўғридан-тўғри "Биз туркмиз" деёлмасдан, "биз туркка монанд" – туркмонмиз дейишган. Шунингдек, улар насл-насаби Ўғузхонга бориб тақаладиган туркманлардан фарқланишган"[3].

Демак, Навоий сўзимни ўқиб, наинки мусулмон турклар, балки уларнинг номусулмонлари ҳам асарларимга кўнгил қўйиб, ҳатто жонини бағишлаган деган гапни илгари сурган.

Алоҳида эътиборга молик томони шундаки, "Садди Искандарий"нинг охирида шоир беш мустақил достондан таркиб топган "Хамса"сини ҳам "наво" деб таърифлайди:

Навоий, қилиб Тенгри коминг раво,
Санга рўзи этти ажойиб наво.

Узот Тенгри шукри навосиға тил,
Наво ортуқ истар эсанг, шукр қил![4]

Ҳаётда ҳам, ижод ва илмда ҳам, энг аввало керакли ва зарур нарсаларни билишга уринилмаса, доимий саёзлик ҳамда ноқислик исканжасидан четлашиб бўлмайди.

---

[1] Араб ва форс сўзлари луғати. Баку, 1978. 466-бет.
[2] А л и ш е р Н а в о и й. Хамса. Қисқартириб нашрга тайёрловчи С.Айний. Тошкент, 1948. 190-бет.
[3] К ў к а л п З. Турк ҳуррияти тарихи. Истанбул, 2008. 46-бет.
[4] А л и ш е р Н а в о и й. Мукаммал асарлар тўплами. 11-жилд. Тошкент: Фан, 1993. 580-бет.

Навоийнинг тасаввуфга алоқадорлиги ҳақида илмда ҳар хил гаплар айтилган. Уни сўфий шоирлар сафига қўшадиганлар аввал ҳам бўлган, ҳозир ҳам бор. Масаланинг бошқа жиҳатларини, майли, айтмайлик. Улуғ шоирнинг туркий ва форсийда қўллаган тахаллусларининг маъно-моҳияти етарли зайлда мушоҳада этилиб, тўғри хулосаларга келинса, Навоий сўфий дейилмасди. Тасаввуфда ҳам ғам-андуҳ, ғусса ва ҳасрат аралаш дардли бир мусиқий пафос бор. Бироқ бу пафос Навоий яшаган, қувонса ҳам, қайғуга чўмса ҳам ундан ажралмаган ҳаёт садоси ва наволарига нисбатан тасаввур қилиб бўлмас тарзда чекланган. Сўфий чекинган олам – осуда, тириклик шовқинларидан йироқ фароғатли бир олам. Аммо унда ижтимоий, сиёсий, иқтисодий эврилиш, миллий, маданий, адабий ўзгаришларга эҳтиёж йўқ. Шу боис Навоий "оламдан қочиш"дан кўра ҳамиша янги-янги "олам очиш"ни устун кўриб, ҳаётий, башарий туйғу ва тушунчалар талқинидан сира тўхтамаган. "Девоний Фоний"даги шеърлар ҳам у ё бу шаклда аслида ана шу ҳақиқатни исботлайди. Фано ва фоний сўзларининг йўқ бўлиш, ўздан кечиш, ўлиш сингари маънолари билан чекланиб, бошқа кўпдан-кўп маъно қирралари билан қизиқмаслик фано мавзуида янги гап айтишга уринмаслик эканини Навоий яхши фаҳмлаган.

Тўғри, Аллоҳдан бошқа ҳамма нарсанинг хусусияти – фано. Бақо эса ёлғиз Аллоҳга хос. Зеро, Аллоҳ билан боғланмаган ҳеч нарсада боқийлик бўлмайди. Фано ҳолини яшамасдан бақога эришиб бўлмаслиги учун сўфий ва мутасаввифлар фановашлик, фонийлик сифатига алоҳида аҳамият беришгани Навоий томонидан ҳам такрор-такрор таъкидланган.

Аллома Абдурауф Фитратнинг гувоҳлик беришича, Навоийнинг форсий тахаллусини ўзгартириб танитишга уринишлар ҳам бўлган экан: "Навоийнинг форсий шеърларидаги унвони "Фоний"ми, "Фанойи"ми деган бир масала ҳам бор. Ҳидоят каби баъзи тазкирачилар унинг форсийда "Фаноий" аталғанини хабар беради. "Бобурнома"нинг кўрсатишига кўра "Фаноий" эмас, "Фоний"дир. Бироқ Навоийнинг ўзи "Лисон ут-тайр" отли китобида:

Форсий назм ичра чун сурдум қалам,
Назмнинг ҳар синфини қилдим рақам.

Файз еткоч ул маонийдин манго,
Топти белгу назм "Фоний"дан манго, –

деб ўзининг форсийда "Фоний" унвонли эканини очиқ қилиб айтади"[1].

Фоний унвонидан кўзланган ният, унинг мазмуни борасида Фитрат домла ҳеч нарса демайди. Академик Иззат Султон эса бу тахаллус мазмунини шарҳлашда юқоридаги тўрт мисра шеърнинг охирги икки қаторига асосланиб бундай дейди: "Бахтни куйловчи" маъносида "ул маонийдин манго, Топти белгу назм "Фоний"дин манго" сўзларидан маълум бўладики, Алишер тасаввуф таълимотидан ("маонийдин") хабардор бўлганидан бошлаб, бу фалсафанинг дунё ўтар-кетар нарса, одам ҳам "фоний бўлади", "йўқ бўлади" деган таълимотига биноан, ўзини "фоний" ("ўтиб кетувчи, йўқ бўлувчи") деб атаган".

Хуллас, Иззат Султоннинг таъкиди бўйича "Навоий" ва "Фоний" тахаллуслари шоир "дунёқараши ва ижодидаги икки томонни – "бу дунё"ни севгани ва куйлаганини, шу билан бирга, ўша замоннинг ҳукмрон назарларига биноан, кишининг у дунёга кетиши муқаррар эканини тан олганини кўрсатади"[2].

Навоийнинг билим-савияси, шахсияти ва ижодиётининг моҳиятидан келиб чиқиладиган бўлса, "бу дунёни севиш", "у дунёга кетиш"га доир хулосанинг жўн ва юзакилиги билиниб

[1] Фитрат А. Танланган асарлар. II жилд. Тошкент, 2000. 5-бет.
[2] Султон И. Навоийнинг қалб дафтари. Тошкент, 1969. 98-бет.

қолади. Навоий тахаллуси билан битилган шеърларида шоир фақат ҳаётни севишни эмас, ҳаётдан безиш, ҳаётнинг тўрт тарафидан ёғилган ғам-ғусса, ҳасрат ва надомат қийноқларини ҳам ўзига хос очиқлик ва ростлик билан дарж этган.

Тасаввуфда дунё ўтар-кетар нарса, одам ҳам йўқ бўлади деган бир "таълимот" бўлмаган, албатта. Дунёнинг ўткинчилигига доир фикр-қарашларини Навоий тарк, яъни тарки дунё, тарки уқбо, тарки ҳасти ақидаси орқали ифодалаб берган. Бунда эса биринчи галда фано ва бақо тушунчасига суянилганини эслатиш зарур. "Тасаввуф тушунчаси ва адабиётининг, – дейди Мустафо Қара, – энг бой тармоқларидан бири фано – бақодир"[1].

Илк сўфийлар фано ва бақо истилоҳларини метафизик мазмунда эмас, ахлоқий ва психологик маънода ишлатишган. Шунинг учун ҳам Абдулкарим Қушайрий "Сўфийлар фано истилоҳи ила ёмон, тубан хулқларнинг йўқотилишига, бақо орқали эса яхши ва гўзал инсоний сифатларнинг юзага чиқарилишига ишорат этишган"[2], – дейди.

Асосий ҳақиқат ва унинг ботиний-ирфоний томонлари ўрганилмаганлиги туфайли фано ва фонийлик ҳоли тўғрисида баён қилинган хато фикр-мулоҳазалар вақт ўтган сайин кўпайиб борган[3]. Ҳатто шоирнинг бир ғазалидаги байтда ифодаланган:

Дединг: "Фано" недурур? Мухтасар дейин: "Ўлмак!" –
Ки, шарҳин тиласанг, юз рисола бўлғусидур, –

деган фикри билан ҳам жиддий қизиқилмаган.

Дунёга фано нигоҳи билан қараб, ҳаёт воқеа-ҳодисаларини фано ҳоли билан мушоҳада қилиш – маънавий ҳурлик ва осойишталикка эришмоқ демак. Тасаввуфда бунга "ҳузур ҳоли" дейилади. Баъзи тариқат арбоблари, йирик тасаввуфшунослар фано ва бақо мавзуидаги чалғишларнинг олдини оладиган сўзларни ҳам ўртага ташлашган. Имом Раббоний ёзади: "Фано ва бақо вужудий эмас, балки шуҳудийдир. Инсон Ҳақ бўлмайди ва Ҳақ таоло билан бирлашолмайди. Қул доим қул. Раб ҳам абадий Раб эрур... Ҳақиқий фано илоҳий бўлмаганни унутиш, ўзни дунё севгисидан қутултириш ва бир қулдан талаб этиладиган зайлда қалбини ўткинчи барча орзу-ҳаваслардан поклашдир. Ҳақиқий бақо эса Раббининг орзуларини барқарорлаштириш, унинг орзуларини ўз менлигини йўқотмасдан шахсий орзулар ҳолига етказишдир"[4].

Бизнингча, Навоий Фоний тахаллусини танлаганда ўз менлигини йўқотишни кўзламаган. Зеро, менликнинг асл камоли "фанофиллоҳ"дамас, "бақобиллоҳ"дадир. Жунайд Бағдодийга кўра, фано инсоннинг борлиғини Аллоҳ борлиғи билан ўзгартиролмайди, балки унинг орзусини Ҳақ орзусига мувофиқлаштиришга имкон очади. Бу мураккаб ва мунозарали муаммо устида чуқур мушоҳада юритган Шарқнинг буюк файласуф ва мутасаввиф шоири Муҳаммад Иқбол мана қандай хулосани ўртага ташлайди: "Улуғ Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (с.а.в.) Раббимизнинг қаршисида "фано" бўлмади, фардиятини муҳофаза этиб, "мен"лигини сақлай олди. Бу – томчининг денгизга қўшилиши эмас эди"[5].

Алишер Навоийнинг шахсий нуқтаи назари сингари комил инсон тушунчаси талқинларида ҳам инсоннинг Аллоҳ билан бирлашиб, барҳам топиш ақидаси йўқдир. Ҳақиқий ишқда висолдан мақсад ошиқнинг ваҳм ва нафсоний таҳликаларни йўқ айлаб,

[1] Қ а р а М. Тасаввуф ва тариқатлар тарихи. Истанбул, 1995. 165-бет.
[2] А б д у л к а р и м Қ у ш а й р и й. Рисолаи Қушайрий. Истанбул, 1991. 196-бет.
[3] Бу ҳақда қаранг: Ҳ а қ қ у л И. Навоий шеъриятида фано талқинлари // Ўзбек тили ва адабиёти, 2006, 1-сон; Ш у м у а л л и ф. Навоийга қайтиш. 1-китоб. Тошкент, 2007. 14–22-бетлар.
[4] И м о м Р а б б о н и й. Мактуботи Раббоний. 1-жилд. Истанбул (санасиз). 236-бет.
[5] Иқтибос Исо Чаликнинг "Муҳаммад Иқболнинг тасаввуфий тушунчалари" (Истанбул, 2004. 231-бет) китобидан олинди.

ҳақиқатга етишиб, башарий “мен”ни Ҳаққа мақбул мавжудликка юксалтиришдир. Чунки ҳақиқий тасаввуфда излаб топиладиган ва қовушиладиган бир Тангри йўқ, англанадиган, феъл ва сифатлари мушоҳада этиладиган Тангри бордир. Ҳазрат Пайғамбарнинг “ашёнинг ҳақиқатини бўлганидек” бир бутун ҳолда кўришни истагани шундандир.

Фоний тахаллуси борасида иккинчи бир қараш ҳам мавжуд. Усмонли турк олимларидан Мустафо Жонпўлатнинг фикри бўйича, Навоийнинг туркий тилда қўллаган тахаллуси ҳам, форсий девони учун танлаган тахаллуси ҳам, унинг шу икки тилга қарашини акс эттиради. “Бу тиллардан бири сас, оҳанг, куй, навога йўл очса, иккинчиси, шоир илҳомини фонийлик чегарасидан ўтишига кенг йўл бермайди”[1]. Бунга ўхшаш гап аввал ҳам айтилган. Бироқ тарих унинг тўғрилигини тасдиқламаганидек, бугун ҳам уни қўллаш ёхуд маъқуллаш ҳақиқатга мувофиқ келмайди.

Хулласи калом, Навоийнинг икки тахаллуси ҳам теран, кўп тармоқли маънога эга. Улардан бири олиб борадиган дунё иккинчиси англатадиган ҳақиқат оламига ўхшамасада, бир-бирини инкор қилмайди. Негаки наводан яйраб бойиган юрак, фано билан сайқалланиб фароғат топади. Навоий ижодиётини яхши билиш биринчи галда кенг маънодаги навошунослик ва фановашлик сирларини ўзлаштирмоқдир.

Ўзбек тили ва адабиёти, 2016 йил 5-сон

[1] “Алишер Навоий таваллудининг 560, вафотининг 500 йиллиги муносабати билан ўтказилган анжуман материаллари”. Анқара, 2004. 5-бет.

МАЪНАВИЙ ВАЛОДАТ ВА ЎЗЛИК КАМОЛИ

Одам бўлиш ўзликни англаш экан....
(Мирзо Бедил)

Маълумки, Шарқ мумтоз адабиёти Шарқ халқларининг дунёқараши, оғзаки ижоди, дини, маданияти, маънавий эҳтиёжлари ва бадиий завқига асосланган. Ғарб дунёсида уни ўқиб ўрганишга қизиқишнинг кенгайиши ҳеч шубҳасизки, унинг фойдасига хизмат қилган. Илмий тадқиқ ва талқинда бу адабиётнинг туб моҳияти, психологик тамойили, рамзий-мажозий таркибини тўғри англамаслик эса унга зиён етказган. Совет даври рус адабиётшунослиги таъсирида шаклланган ўзбек адабиётшунослиги бунга қарши туриб, ўз нуқтаи назарини илгари суриш эркига ҳам, лаёқатига ҳам эга бўлмаган. Натижада ўзбек адабиётшунослари ўрганган мавзу ва масалалар, асосан, хориждан ўзлаштирилган ёки нусха кўчирилган. Бунинг бошқа йўли ҳам бўлмаган. Чунки синфийлик, партиявийлик, ғоявийлик ҳамма амал қилиши шарт ва зарур бўлган қонун-қоида ўлароқ белгиланган чизиқдан чиқмасликни тўла таъминлаган.

Шарқ классик адабиётида олам ва одамга муҳаббат Аллоҳ ва унинг суюкли расули Муҳаммад алайҳиссаломга ишқдан бошланади. Инсон ўзини билиши ва ўзлигини намоён айлаши учун, энг аввало, илоҳий ишқ сир-асрорини билиши ва ўзлаштириши зарур. Акс ҳолда у ҳаётнинг улкан ва боқий ҳақиқатлари қатори ишқ-муҳаббатда ҳам адашади. Умрини ўткинчи ҳирсу ҳавас ва майллардан муҳофаза қилолмай хатолар гирдобига тушади. Аллоҳ, дин ва шариатга қарши муросасиз ҳужум бошлаган даҳрийлик ақидаси ғалабасидан кейин адабиётшуносликда ҳам халқ ва Холиқ, пайғамбар ва уммат, тириклик ва охират масалаларидан сўзлаш тақиқланганди. Шўро ҳокимияти сиёсати ва коммунистик партия кўрсатмаларига мақбул фикр-мулоҳазаларни баён этиш эса мисли кўрилмаган ёлғон ва уйдирмаларни жорий қилиш эди. Шундай қилиб диний адабиёт билан бир қаторда қарийб етмиш йил мобайнида адабиётдаги диний-ахлоқий мавзуларни текшириш тақиқлаб келинди. Қуръони карим ва нубувват таълимоти заминида ривожланиб келган адабиёт намуналарини асрий ўзанидан ажратиб унинг табиати ва тарихига бутунлай ёт бир идеологияга мувофиқ равишда тадқиқ ва талқин қилишнинг самараси қандай бўлган? Афсуски, бу савол ҳанузгача очиқ ва аниқ жавоб берилгани йўқ. Мумтоз шоирларимиздан ҳеч бири синфийлик ёки ғоявийлик тушунчаларини хаёлга ҳам келтирган эмас. Аммо уларнинг ҳаёти ва ижодиётига доир тадқиқотлар билан танишилса, синфийлик ақидасини ҳар бири ўзича олдиндан пайқаб қалам тебратгандай таассурот уйғонади. Марказида Аллоҳ ва Пайғамбар турган адабиётда инсон ва инсониятга тегишли, деярли, барча ғоя ёки масалалар бевосита ё билвосита тарзда ана шу зотлар билан алоқадорликда ҳал этиладики, бунинг тафаккур, таълим-тарбияга таъсири ҳам ўзгача бўлади. Мумтоз асарларни ўқишдан туғиладиган маърифий рағбат ва ирфоний завқ нима учун вақт ўтган сайин сусайиб, сўниб борган? Чунки уларнинг замирида яширинган моҳият билан, олимлар томонидан илгари сурилган мазмун бир-биридан кескин фарқланган. Адабий матндаги туйғу, кайфият, ҳолат, руҳ оҳанги қайта жонлантирилмаса, шеърхонни на шарҳ, на талқин чуқур қизиқтирмайди. Сарбон туйғу, бош мақсаддан йироқлаштирувчи таҳлилларнинг-ку фойдаси ҳам бўлмайди.

Инсонни ўзига танитиш, ўзлик дунёсини образли шаклларда сувратлантириш бадиий ижоднинг биринчи вазифаларидандир. Зеро, “Мен” унинг мавжудлигини таъминлайди. “Мен” шахснинг ўзгаларга ўхшамайдиган хусусиятларини акс эттиради. Унда банданинг кучли ва кучсиз, хусусий ва умумий томонлари очилади.

Шарқ маданияти ва маърифати тарихида “Ўз”, “Ўзлик”, “Мен”, “Менлик” тавсифи иккига ажратилган. Биринчиси – башарий, иккинчиси – маънавий менлик. Башарий менлик инсоннинг табиий, яъни туғма хусусиятлари, нафсоний майллари асосида шаклланган боис тасаввуф ва маломат аҳли уни тубдан ислоҳ қилиш, ҳайвоний, шайтоний ҳирслардан фориғ, сайқалланган бир “мен”ни шакллантириш ғоясини илгари суришган. Ва бунга маънавий – иккинчи туғилиш дейилган. Бу туғилиш асосан сайри сулук жараёнида комил бир пир ёки муршиднинг таълим-тарбияси орқали юзага келган. Юнус Эмронинг “Бир мен бордир менда, мендан ичкари”, деган эътирофи ана шу “мен”га тегишлидир. Тасаввуф ва тариқатда нафсни таниш, нафсга қарши муросасиз курашиш тажрибаси инсоннинг ўзи, ички тасаввурлари ҳақидаги фикрларини ўзгартириб юборган.

“Инсон ўзининг ички оламини билишдан, – дейди турк файласуфи Нуриддин Тўпчи, – моҳиятан ўзи билан юзлашишдан қўрқади. Шунинг учун у ҳаётининг бир босқичида олдингиларига ўхшамайдиган бир тарзда ўзидан қочади”1.

Ваҳоланки, инсон ўзининг кимлигини билиш, менлигини тўғри мушоҳада этмоғи учун қўрқиш, чекиниш, иккиланиш туйғуларидан ғолиб келишга уринмоғи керак.

Машҳур психолог Г.Гуржиевга кўра: “Инсон ўзини қачон англай бошласа, у ўзида ўзи қўрқадиган даҳшатларни кўради... Одам шундай қўрқиш ҳолига етмас экан, ўзи ҳақида ҳеч нимани билмайди”2. Сўфий, дарвеш, тариқатчилар эса инсон ботинидаги салбий қувват ва ноқисликларни муросасизлик билан ўрганиб маънавий валодат – янги маънавий менлик таълимотини яратганлар. Уларнинг ишончи бўйича, Исо алайҳиссалом: “Икки карра туғилмаган малакут (поклик, эркинлик, илоҳийлик) самосига юксалолмайди”, – деган экан. Шу фикрга таяниб сўфий ва мутасаввифлар икки валодат, яъни инсоннинг жисмоний ва маънавий туғилишидан сўз юритишган. Бу туғилиш ва улғайишга эса баданни билиш (Навоий буни “Ўз вужудингга тафаккур айлагил”, – дея урғулаган), нафсни таниш, ахлоқни қувватлантириш, қалб ва руҳни софлаштириш билан эришилган.

Вужуд, нафс, ахлоқ, қалб ва руҳ илми ўзликни таниш, одамийлик моҳиятини кенг кашф айлашга равнақ берганидек, тасаввуф ва тасаввуф адабиётининг ривожини ҳам таъминлаган. Адабиёт, айниқса, нафсшуносликдан йироқлашиб, руҳоният оламига қизиқиши сусайгандан кейин XX асрга келиб, одамшуносликнинг бадиий ижоддаги нуфузи ва таъсири кескин пасайган. Нафс нима, руҳ ва гўзаллик нималигини фарқлашга зарурият айтарли қолмаган. Навоий янги “менлик” тушунчасини кўпинча учта сўзда ҳал қилади. Булар: нафс, ўзлик ва фано. Башарий “менлик” талабларига чек қўйишни шоир битта рубоийда ҳам талқин қилиб берган.

Нафс амрида ҳар нечаки толпинғайсен,
Кўп гарчи бутунлуқ тиласанг синғайсен,
Ком истаю неча элға ёлинғайсен,
Нафсингға хилоф айлаким тинғайсен.

Инсон бутунлик тилаши, ўзини бутун шахс қиёфасида кўриши мумкин. Лекин хотири нафс ва хотири шайтон гумаштаси бўлар экан, у синиш, тамаъ ва ҳирс тегирмонида эзилишдан ўзини қутқаролмайди. Машҳур араб тасаввуфшуноси А.А.Афифий ёзади: “Иҳвони сафо” ташкилотининг намояндаларига кўра, “мен” ва “сен” деб ифодаланадиган нарса ҳар биримизнинг нафс деб атаганимиз мавжудликдир. Хоҳ амалий, хоҳ назарий

---

[1] Тўпчи Н. Мавжудлик. Итанбул: 2011, – Б. 75.
[2] Гуржиев Г. Вестник грядущего добр. Петербург: 1993, – С. 180.

бўлсин, нафснинг мавжудлигига маърифатдан бошқа далил йўқдир”1. Тариқатга мансуб ориф зотлар эса “мен”нинг “сен”дан ажралишини, ажралганда ҳам оламшумул маъно касб этишини асослаб беришган. Дарвоқе, менликни билиш, уни ўзгартириш учун нега, асосан, маърифатга суянилади? Чунки маърифат – қалб мушоҳадаси ва завқидан туғиладиган ботиний илмдир. Маърифатда кўнгилнниг руҳоний куч-қуввати, покизалиги ва имтиёзлари аксини топган.

Илк сўфийларда фано сўзи менлик шуурни тарк айлаш ва “мен”нинг айрим сифати ҳамда хусусиятларига барҳам бериш мазмунида ишлатилган. Кейинчалик эса нафсдан фоний бўлиш, Аллоҳ висолига восил бўлишнинг асосий шарти саналган. Қитъаларидан бирида Навоий ёзади.

Кимки ўзлук иморатин бузди,
Бўлди нақди фано музди.
Ул иморатни бузмайин солик,
Бўла олмас бу нақдға молик.

“Ўзлук иморатин” бузуб, нақди фанони қўлга киритиш башарий сифатлардан фориғ қудратли янги бир маънавий “мен”га соҳиб бўлишдир. “Ўзлук иморати”, албатта, нафс. Ундан қутулиш изтироби тасаввуф адабиётидаги асосий изтиробдир. Машҳур шарқшунос Р.Никольсоннинг ёзишича, “сўфий шоир нафсингдан халос бўлмоқ учун шароб ич, деганда илоҳий томоша оғушида моддий борлиғингни тарк қил, дейишни истаган”2. Тасаввуф ва тасаввуф адабиётининг, деярли, барча вакилларининг нуқтаи назарида башарий “мен” ва менликнинг ўрни, мақоми паст, иккинчиси – маънавий “мен”ники жуда юқори ҳисобланган. Чунки дастлабкиси башарий, яъни жисмоний, моддий, зоҳирий, ҳиссий, ҳайвоний ва нафсоний ўзликдир. Иккинчиси эса маънавий, руҳоний, ғайбий, малакий сифатларни ўзида мужассамлаштирган. Тасаввуф шу икки “мен”дан устунликка эришганини намуна ва ибрат этиб кўрсатган. Ва солик неки ахтарса, фанодан топишига ваколат берган. Фано аслида йўқни бор, борни эса йўқ, деб билишдир. Мавжудлик, яъни дунё адам – йўқликдан яралган ва яна йўқликка қайтажак. Шунинг учун инсон, энг аввало, эришишида йўқотиш, йўқотишда эришув борлигини англаши зарур. Ана шунда у нимагадир боғланиб, маънан тўхтаб қолмаганидек, хом ва ўткинчи мақсад, нафсоний манфаат ва иддаолар тузоғига тушиб, умрини ғафлатда ўтказмайди. “Боязид Бистомийнинг олий мақсади, – дейди Сулаймон Улутоғ, – бир “мен” ва “менлик”дан кечиб, таъсир, манфаат, таҳликага берилмайдиган мутлақо эркин бир ўзликни яратишдир”3. Хуллас, эран, фақир ва дарвешлар ҳур, фаол, мустақил “мен”ни камолга етказишга шунчалик диққат қилишганки, улар нафс таъсиридан халос бўлмагунча, сўзлаш ёки ёзишдан кўра, сукут сақлашни афзал билиб, бунга қатъий риоя қилишган. Уларнинг фикр-қарашлари бўйича, “Сўз ақлни сархуш қилувчи шаробга ўхшайди. Бу шаробни ичишга мубтало бўлган кимса ҳеч қачон ундан воз кечолмайди. Сўзнинг офати тасаввуф аҳлига аён бўлганлиги боис чиндан зарурият сезилмагунча, улар ҳеч гапирмайдилар. Ва сўзнинг аввалига ҳам, охирига ҳам, ниҳоятда, диққат билан қарайдилар”4. Сўзга, фикрга бундай дақиқ муносабат бугун эртакка ўхшайди. Истеъдоднинг биринчи белгиси сўзни теран ҳис қилиш, маънида унга янги ҳаёт бағишлашдир. Нафсига тобе шоир, адиб, олим ҳеч вақт бундай ишни амалга оширолмайди.

---

[1] Афифий А. Ислом тушунчасига доир мақолалар. – Б. 359.
[2] Ислом сўфийлари. – Б. 28.
[3] Улутоғ С. Боязид Бистомий. – Б. 153.
[4] Ҳ у ж в и р и й. Кашфуъл маҳжуб. Истанбул: 1996, – Б. 503.

Сўфий ва мутасаввифлар дунёқарашнинг яна бир жиҳатига тўхталиш заррурга ўхшайди.

Одам қавми неча асрлар давомида яхшилик, эзгулик, ҳиммат, меҳр-муҳаббат, фидойилик тўғрисида гапириб, бошқаларни шу хислат ва фазилатларни эгаллашга чорлаган. Лекин вақт ўтган сайин сўз билан амал, мақсад билан иш орасида узилиш ортиб борган. Ёлғон, алдов, риё, сафсата жаврини тортган кишиларнинг сўз ва гапдан ҳафсаласи пир бўлган. Шунда аҳли тасаввуф тарғиб ё ташвиқ йўли билан яхшилик ва хайрни кўпайтириш учун эмас, балки қалб ва хотирни дунёвий қайғу, моддий ҳирслардан тозалаб, ахлоқларини тарбиялаш, кўнгилдан ғафлатни қувиш учун қатъият ва азият чекишган1.

Навоий олам аҳли деганда молпараст, дунёсевар, вазият ва шароитга қараб қиёфасини ўзгартиришдан толиқмайдиган каззоб, юлғич ва ашаддий товламачи кимсаларни ҳам назарда тутиб, ҳамиша улардан четлашишни тарғибу ташвиқ қилган. Улуғ мутафаккир шоир бир ғазалида:

Фард бўлким, ул киши дунёда бўлмиш аҳли тарк,
Ким фано йўлида тарки аҳли дунё айламиш,–

деса, бошқа бирида:

Эй Навоий, қилсанг эрди офият кунжин ватан,
Мунча мунглуғ жонингға озор бўлғайму эди, –

дейди.

Бугунги аҳли дунё, аҳли давлат, аҳли ғафлат олдингиларига қараганда ўзгариб, бошқача бўлиб қолганми? Мана бу орзуга эътибор беринг:

Муҳандисе топаю эгнима қанот ясатай,
Учуб ҳавосида қушлар аро ўзумни қотай.

Кимда-ким бу туйғу мозийда қолиб кетган, бундай фирор – қочиш ҳеч кимни илҳомлантирмайди деса, демак, башарий менлигидан қутулиш учун шоир қанчалик ранж ва изтироб чекканини хаёлига ҳам яқинлатолмайди.

Жавонмардлик, сўфийлик, риндлик, маломатийлик маслаги Шарқ халқларининг ўзини таниш ва янги руҳоний “мен”ни яратиш орзусини рўёбга чиқаришда зўр таъсир ўтказган. Аммо ушбу таълимотларни бирлаштирган руҳий қудрат ва имконият фано ва фановашлик ҳоли эди. Буни ҳар жиҳатдан холис ўрганмай, билмай мумтоз шоирларнинг, хусусан, Алишер Навоийнинг “мен” ва “менлик” тушунчасини ҳаққоний ёритиб бўлмаслиги аниқ.

Бундан-да фойдалиси эса фано суврати одам, сийрати ҳайвон, зоҳиран фаришта, ботинан шайтон, кўринишда дўст, пинҳона ашаддий ғаним кимсаларнинг асл қиёфасини таниш ва хаёлга ҳам келмас макру ҳийлаларига алданмасликка яқиндан ёрдам беради.

Покистоннинг буюк мутафаккир шоири Муҳаммад Иқбол: “Дунё фоний, “мен” боқий. Менликдан ўзга ҳеч ниманинг бақоси йўқ. Менлик ҳақиқатига етиштирмоқ учун сийратингга яширин...”, – дейди. Шу маънода ҳам Навоий ижодиётини ўқиб-ўрганиш илҳомбахш, қайтарилмас дарсхонадир.

Дўрмон, 2020 йил

[1] Қушайрий А. Рисолаи Қушуайрий.– Б. 198.

АНОСИРИ АРБАЪА: МОҲИЯТ ВА ШЕЪРИЙ ТАЛҚИН

Шарқ тасаввуфи, сўфийлик фалсафаси ва адабиётидаги олам ва одамнинг илк яратилишига доир фикр-мулоҳазалар бир изчиллик билан ўқиб-ўрганилса, уларнинг оламнинг яралишига нисбатан одамнинг яралиши ҳақидагилари қизиқарли ва таъсирлироқ эканлигига ҳеч шубҳа қолмайди. Афсуски, инсон тасаввури миф, афсона, ривоят, нақллар билан йўғрилган қадим тарихидан йироқлашиб, маънавий-руҳоний ҳаётининг якранглашувига аллақачон кўникиб бўлган. Ўзининг "хусусий" қизиқиш оламига соҳиб бўлмаса, инсоннинг ташқи дунё ҳамда аҳли дунё билан алоқаси қиёфасизликдан бошқа бир нимани акс эттирмайди. Чунки кўпчиликда фақат "мен"и шаклланган кишига нисбатан кучли қизиқиш уйғонади. Акс тарзда Алишер Навоий айтган мана бу фикрга амал айлашга тўғри келади:

Замону аҳли замонни зинҳор кўрма хошок бирла хасча –
Ки, оламда олам аҳли доно қошинда беэътибор бўлғай.

Бундай кескин ҳукм чиқарилишига сабаб нима эди? Одамнинг ўзлигини англаш мақомидан ниҳоятда пастлаб, қуллик, қарамлик ва тубанликдан ҳузурланишидир. Имом Ғаззолий ёзади: "Кимки куч ва ғайратини ҳирс ва жисмоний лаззатларга сарфлаб, молдай еб-ичишдан қаноат топса, бундай кимса ҳайвон тоифасига мансубдир. Чунки у ҳўкиздай бефаҳм, чўчқадай очкўз, ё ит каби залил, туядек киндор ёхуд қоплон сингари йиртқич, тулки янглиғ айёр ва ҳийлакор бўлади. Бундай бўлмаган тақдирда ҳам у мазкур жонзотларга хос хусусиятларни нафсида жамлаган шайтонга айланади"[1].

Асрлар, давр ва замонлар ўзгариб, одамийлик баҳсидаги фикрлар авлодлар томонидан давом эттирилган. Бироқ одам табиатида китобларда ёзилгани қадар ижобий эврилиш бўлмаган. Ғарблик психологлардан бирининг мана бу сўзлари ҳам ҳар қалай буни тасдиқлайди: "Тасаввуф психологиясига кўра, инсонларнинг жуда катта қисми инсон қиёфасида кўринса ҳам, аслида ичи ҳар хил жонзот билан тўлган ҳайвонот боғининг худди ўзидир"[2].

Бунақа аҳволда инсон ўзининг асл қиёфасини таний оладими? Таниса қай йўсинда танийди? Тасаввуфни теран ўрганган бошқа бир ғарблик олимнинг таъкидига кўра, "Инсонда ўзига хослик йўқдир. У яхлит ва қудратли "Мен"дан маҳрумдур. Инсон кўплаб майда "мен"лар билан парчаланиб ташланган... Ўзининг ҳолатидан у қўрқувга тушмас экан, ўзи тўғрисида ҳеч нима билмайди"[3].

Инсон шахсиятининг майдалашиб, турли-туман зиддиятлар гирдобига чўкиши энг аввало уммаҳот аталмиш тўрт унсур "занжир"ларига боғланиб қолишидадир. Хожа Аҳмад Яссавийнинг хуросонлик муриди Ҳожи Бектош вали шу хусусда тўхталиб, бундай дейди: "...Аллоҳ инсонни уч хил қоронғиликдан яратиб, уч хил мавжудлик билан мунаввар этган. Биринчиси, чор унсур: тупроқ, сув, ҳаво ва олов бўлиб, ақл нури билан равшанлаштирилган. Иккинчиси, жаҳолат зулмати бўлиб, илм нури билан ойдинлаштирилган. Учинчиси, нафс қоронғилиги бўлиб, маърифат нури билан ёриштирилган"[4]. Чор унсур қоронғилигини мунавварлаштирадиган ақл оддий, яъни ақли маош эмас, балки ақли куллдир. Хўш, унсурнинг ўзи нима?

---

[1] Имом Ғаззолий. Ботинийликнинг моҳияти. Анқара, 1993. 130-бет.
[2] Фрагер Р. Қалб, нафс ва руҳ. Истанбул, 2005. 210-бет.
[3] Гуржиев Г. Вестник грядущего добра. Петербург, 1993. С. 173.
[4] Ҳожи Бектоши вали. Мақомот. Тошкент, 2000. 45-бет.

Муҳйиддин ибн Арабийнинг маълумотига кўра, унсур аслида табиатнинг суратларидан бир сурат бўлиб, “аносир устидаги нарса билан ундан туғилган нарса ҳам табиатнинг суратларига мансуб. Аносир устидаги борлиқлар эса етти кўкдан ҳам юксакдаги илоҳий руҳлар ҳисобланади”. Буюк мутасаввифнинг таъкидлашича, “Инсон унсурга мансуб яратиқларнинг энг олийсидир. Демак, одамнинг рутба ва даражаси наинки заминда, балки самода яшайдиган малакларнинг барчасидан ҳам устундир”[1]. Мана шунинг учун ҳам одам ўзининг унсурлик хусусияти, сифати ва ҳақиқатларини тўғри тушуниш, имкон қадар кенг миқёсда тасаввур айлашга уринмоғи зарур. Шу маънода тасаввуф ва тасаввуф адабиёти инсонга бир муаллимлик хизматини адо этган деса, асло хато бўлмайди.

Машҳур мутасаввиф шоир Юнус Эмронинг “Рисолат ун-нусҳия” (“Ўгит ва насиҳат рисоласи”) асарида баён этишича, Аллоҳ таоло одамни дунёга келтиришдан аввал тупроқ, сув, шамол ва оловни бино қилиб, шуларнинг бирлигидан яралган инсон вужудига жон киритибди:

Суратга жон кирмая фармон бўлди,
Подшоҳ амри унга дармон бўлди.

Суратга жон кириб, пурнур айлади,
Суратдан жонни масрур айлади[2].

Тупроқдан инсонга тўрт сифат – сабр, ҳаё, таваккул ва макрумот пайдо бўлган. Сувдан эса тўрт турли ҳол – сафо, сахо, лутф ва висол юзага келган. Шамол тўрт ҳавас: ёлғон, риё, шошқинлик ва нафсга асос бўлган. Оловдан эса шаҳват, кибр, тама ва ҳасад туғилган. Одам ўзида ана шу зиддият, азалий ихтилоф бирлигини акс эттиради. Инсон табиати ва қисмати шу боис ҳам фавқулодда мураккаб ва сирли. Шунинг учун унга баҳо бериб, ҳар турли эҳтиёж ва мақсадлар юзасидан уни шарафлаганда ҳеч қачон умумий таъриф, кўп чайналган тавсифларга ён бермаслик керак. Чунки худди шундай саёзлик ва якранглик Шарқ адабиётини ҳаётдан, оддий халқ аҳволидан йироқлаштириб, китобийликка кўниктирган офатлардан бири бўлган.

Алишер Навоий ғазалларидан бирида бундай дейди:

Сунъидин кўргилки мундоқ тўрт зид,
Бўлуб инсон хилқатида муттаҳид.

“Тўрт зид” – моҳият эътибори билан бир-бирига тескари ўша тўрт унсур. Уларга “аносири арбаъа”, “аносири чаҳоргона”, “илк яратилиш ҳақиқати” ҳам дейилган. Навоий ўқувчи тасаввурини ниҳоятда олис тарихга қаратиб, инсон хилқатида муқим ўрнашган “тўрт зид”ни унинг яралишидан асло ажратмаслик зарурлигини таъкидлаган. Аслида инсонни билиш ва тушунишнинг таянч нуқтаси ҳам худди шу. Бунинг ёрқин исботини Муҳаммад Фузулийнинг қуйидаги рубоийси орқали ҳам далиллаш мумкин:

Мажнун ўда ёнди шуълаи оҳ-ла пок,
Вомиқ суя ботди – ашкдин ўлди ҳалок.
Фарҳод ҳавас-ла ела верди умрин,
Хок ўлдилар онлар, манам эмди ул хок.

[4] Муҳйиддин Арабий. Фусус ул-ҳикам. Истанбул, 1990. 328-бет.
[5] Юнус Эмро. Рисолат ун-нусхия. Баку, 2013. 37-бет.

Бу тўртликни ўқиб, беихтиёр номлари тилга олинган ошиқларнинг ҳолати ва толеини ўйлаб қоламиз. Улардан бири ишқ оловида гуриллаб ёнган: “Мажнун ўда ёнди шуълаи оҳ-ла пок”. Иккинчиси, кўз ёши тўка-тўка сувга чўкиб ўлган: “Вомиқ суя ботди – ашкдин ўлди ҳалок”. Учинчиси, ҳавасдан умрини шамолга совурган: “Фарҳод ҳавас-ла ела верди умрин”.

Туркигўй шоирлардан бири:

Хок бўлки, Худо мартабангни айлагай олий,
Тожи сари оламдир улким, хоки қадамдир, –

дейди. Фузулийнинг лирик қаҳрамони, “хок” бўлганлигини урғулаганда “хок бўлиш – пок бўлиш”, хоксорлик – тавозе ва ошиқлик камоли каби маъниларни хаёлда сақлаган ҳолда, ошиқми, ориф ёки дарвешми, ким бўлишидан қатъи назар, инсон вужуди аносири арбаъадан таркиб топгани боис, албатта у фаноликка маҳкумдир деган ғояни илгари сурган. Лекин қизиғи ва муҳими бошқа. Яъни рубоийда кўзланган бош ҳақиқат унинг ботинида беркитилгани. Оламнинг моддий асосини ташкил қилган тўрт унсурни Низомий Ганжавий “тўрт гавҳар” деб атайди. Фузулий эса айни ҳақиқат ва фалсафий тушунчани образга “ўраб”, шундай моҳирлик билан талқин этадики, гап аносири арбаъа тўғрисидалигини кўпчилик хаёлга ҳам келтиролмайди.

“Шуни билмоқ лозимки, – дейди Имом Ғаззолий, – инсон аслан яратилишида илмдан маҳрумдир. Аллоҳ яратган оламлардан у хабарсиз ҳолда пайдо қилинган... Инсоннинг бу оламлардан хабардор бўлиши идроклар воситасида амалга ошади”. Инсоннинг ўзини билиши, илм эгаллаши, Аллоҳ яратган оламлардан бохабарлиги биринчи навбатда аносири арбаъани қандай даражада идрок айлаб, унинг сир-асрорини нечоғлик аниқ кашф эта билишига ҳам боғлиқ.

Илмда ёритилишича, тўрт унсур назарияси дастлаб юнон файласуфлари томонидан ўртага ташланган. Ислом файласуфларидан айримлари уни қўллаб-қувватлашган бўлса, бошқа бирлари, масалан, Ибн Сино янгича қараш ва фикр-мулоҳазалар билан бойитган. Аммо тасаввуф таълимоти ва адабиётида аносири арбаъага инсонни ичдан билиш, ботинан ўзгартиришнинг дахлсиз “майдони” сифатида қаралган.

Модомики, инсон вужуди тўрт унсурдан яралган экан, уларга мувофиқ равишда унга тўрт руҳ ҳам берилган. Булар: руҳи наботий, руҳи жисмоний, руҳи ҳайвоний ва руҳи инсоний. Ёки нафсни олайлик. Маълумки, нафс мартабаларидан дастлаб Ҳаким Термизий сўз юритиб, уларни нафси аммора, нафси мулҳама, нафси лаввома, нафси мутмаина дея номлаган. Нафснинг бу мартабаларини кейинчалик сўфийлар аносири арбаъага қиёслашган. Чунончи: нафси аммора оловга, нафси лаввома шамолга, нафси мулҳама сувга, нафси мутмаина тупроққа ўхшатилган. Буларнинг ҳар бирига ўн хусусият нисбат берилган – бундай моддийлаштирув эса нафсни, демакки, инсоннинг ўзлигини яқинроқдан англашга хизмат қилган.

Сўфий ва мутасаввифларнинг қаноати бўйича, нафс инсон шахсиятига тегишли туйғу, тасаввур, майл ва ҳис аталмиш бошқа унсурлар бирлигидан яралган бир борлиқдир. Инсонларни бир-биридан ажратиб, узоқлаштирадиган нарса руҳ эмас, нафс ҳисобланади. Руҳ завқ-шавқидан маҳрум ҳар бир кимсанинг шахсини ҳеч шубҳасиз нафс вояга етказади. “Яъни инсоннинг кечмиши, тажрибалари, яхшилик ва ёмонликлари ҳамда бошқа барча ҳаракатлари нафснинг бағридан жой олиб, қиёмат кунида унинг ҳисоб берадиган жиҳати ҳам руҳи эмас, нафс томонидир”[1]. Нафснинг тўрт унсурга алоқалантирилишининг ўзи

[1] Мустафо Жомрон. Инсон ва Аллоҳ. Истанбул, 1995. 23-бет.

ҳам руҳи ва руҳоний ҳаёти учун одам фарзанди алоҳида масъулият сезиши, моддий мавжудликлар таъсирида қолиб, ботинан ожизлик домига тушмаслигини талаб этади.

Шарқнинг қатор улуғ санъаткорлари сингари Навоий ҳам чинакам инсоний комилликни тўрт унсур таъсиридан фориғ бўла олишда кўради:

Тўрт унсур қайдидин то чиқмағайсен, нафъ эмас
Осмоний тўрт дафтарни тутайким ёд бил.

Бошқа бир ғазалида эса шоир маънан ва руҳан фалакка кўтарилиб, самовий сайрни истасанг, "бадан аносирининг чоргоҳи"ни четлатгил дейди: "Бадан аносирининг чоргоҳин эт хирож, Навоиё, десанг айлай фалак сори оҳанг". Чунки руҳнинг қанотини қайириб, уни доимий турғунликка маҳкум айлайдиган "чормих" ҳам аносирдир:

Десанг фалакка чиқай, фоний ўл аносирдин,
Нединки, руҳунгдадир чормих бу тўртов.

Умуман, аносирдан фоний бўлиш мумкинми? Унинг йўл-йўриғи қанақа? Ушбу нуқтаи назардан кимларнинг уриниш ёхуд тажрибаларини кўпчиликка ибрат сифатида кўрсатса бўлади? Бу саволларга чуқурроқ жавоб топишга киришишнинг ўзиёқ бизнинг комил инсон мавзуидаги фикр-қарашларимиз, ўртага ташланган гап-сўзларимиз анча ибтидоий, тўқилган ва шаблон "кашфиёт"лар эканини англашга кифоя қилади. Зеро, инсон "аносир" муаммосини етарли зайлда билиб, имкони етгани қадар уни ҳал этмаса, у ҳатто валилик мақомига одим ташлаганда ҳам ботинидаги чиркинлик, тубанлик ва ҳайвонийлик офатларидан қутулиб билмас экан. Бу ҳақда Имом Раббоний ёзадики, "валилик мақомида ҳам бадандаги унсурлар бузғунчилик ва инкорчилигини ҳеч ўзгартирмай, исёнкорликдан ҳам йироқлашмайди. Масалан, олов унсури ўзини нафси мутмаинага мансуб ҳисоблаб, хайрли эканини иддао этади ва кибрланишдан тўхтамайди. Шунингдек, тупроқ унсурининг пастлиги сабабли вужуд қилажак ишидан пушаймонлик туймайди. Сен худди шу тарзда бошқа унсурларни ҳам қиёслаб, ҳақиқатни англа!"[1]. Эҳтимол шу боисдан ҳам Навоий аносири арбаъа мавзуига "Хамса" достонларида ҳам атрофлича тўхталиб ўтади. "Ҳайрат ул-аброр"даги мана бу мисраларга диққат қилинг:

Эйки вужудинг уйи хошок эрур,
Зор танинг худ бир овуч хок эрур.

Неча бу хошокка ўт урмоғинг,
Неча бу туфроғни совурмоғинг.

Урма ул ўтни хасу хошокинга,
Қуйма бу сувни бир овуч хокинга.

Ҳосил анинг ўти ўту суйи ўт,
Ранги ўту ламъаи дилжўйи ўт.

Кимки бу тўрт ўт аро бўлғай асир,
Барқ гузаргоҳида ёнғай ҳарир.

[1] "Мактуботи Раббоний"да: Шариат ва Тариқат. Қаранг: Истанбул, 2014. 306-бет.

Қайси бадан ичра бу тўрт ўт ёниб,
Тўрт аносир тафидин ўртаниб.

Йўққи бўлуб тўрт аносир адам,
Ақлу ҳушу дин ила ислом ҳам.

Жалолиддин Румийда шундай байт бор: “Хешро софи кун аз авсофи худ, То бибини зоти поки софи худ”. Яъни ўзингнинг поку соф зотингни кўрай десанг, ўз борлиғингни хусусий сифатларингдан тозалагил, дейди шоир. Ҳеч шубҳасизки, бунда Румий аввало тўрт унсур ҳукмронлигини енгиб ўта билишни назарда тутган. Навоий эса “Лисон ут-тайр” достонида буни “ўзни ўзлик қайдидан” халос этиш ҳуррияти ўлароқ характерлайди:

Чун аносир меҳнатидин шод бўлуб,
Ҳамжиҳат итлоқидин озод бўлуб...

Ўзни ўзлик қайдидин айлаб халос,
Топиб ўздин ўзгаликка ихтисос.

Елу тупроғу ўту сувдин ориб,
Ҳам мену сен ҳам улу булдин ориб.

Боргоҳи қурб аро топиб мақом,
Майл этиб ондин яқинроқ ҳам хиром.

Айлабон чун рафъ етмиш минг ҳижоб,
Қолмай ўзга монеъи онинг ҳижоб...

Руҳ пок гавҳардан яратилгани учун унинг моҳияти ваҳдат – бирликдан иборат. Чор унсурдан яралган вужуднинг моҳиятини касрат – кўплик ташкил қилади. Руҳ билан бадан орасидаги бош зиддият мана шунда. Руҳ гарчи сув, тупроқ, қон ва суяк билан бирлашишни хоҳламаса-да, уларсиз яшай ҳам олмайди.

Ошиқнинг маъшуқи азал билан яқинлигига тўсиқ бўладиган пардалар тасаввуфда зулмоний ва нуроний дея иккига ажратилган. Зулмоний ҳижоб вужудда пайдо бўладиган моддий пардалардир. Нуроний ҳижоб руҳга тегишли. Зулмоний пардалар ўрнини нуроний ҳижоблар эгаллаши учун инсон нафсининг аҳволи билан жиддий қизиқиб, тама, риё, кибр, ҳасадга қарши ичдан жанг эълон қилиши лозим. Ана шунда вужуд ичида руҳ собитликдан эркин ҳаракатга, ундан сайрга ўтиб, соҳибини кўпдан-кўп ғаройиб ҳодиса ва хаёлий гўзалликларга ошно қилади. Шунда вужуднинг фарқли нарсаларни исташи, фарқли нарсалардан юзага чиқадиган хусусиятларни бир жойга жамлаши тўхтаб, шаҳват шаҳватлик, ҳирс ҳирслик, ғазаб ғазаблик кучини йўқотади. Вужуддаги энг олий покланиш ва ўзгаришга Навоий пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафонинг меърождаги ҳолатларини намуна қилиб кўрсатади:

Танидин тўрт гавҳар нақши бориб,
Бўйи олти жиҳот тўнин чиқориб...

Чиқориб ўзлиги туфроғидин гард,
Не ўзликким, ўзидин ҳам бўлуб фард...

Вужуди кўрмади жуз Ҳақ вужуди,
Тузулди Ҳақ каломидин суруди.

Башарий вужуднинг Ҳақ вужудига асир бўлиши инсоннинг чор унсурга тегишли барча суфлий хусусият ва моддий тузоқлардан қутулганлигини билдиради.

Маълумки, инсон моддий ва маънавий борлиқдан таркиб топган деган фикр ҳоким. Ҳақиқатда эса инсон уч турли мавжудлик: модда, нафс ва руҳдан бино бўлган. Чунки нафс ва руҳ бошқа-бошқа нарса бўлиб, бир эмас, икки ҳақиқатни тамсил этади. Қуръони каримда руҳ Аллоҳнинг бир тажаллийси ва амри сифатида зикр қилинган. Яъни руҳ хато этмаганидек, тўғриликдан ҳам йироқлашмайди. Аносири арбаъа сир-асрорини билиш эса руҳга ғаним эҳтирос ва манфаатлардан четлашишни табиий бир эҳтиёжга айлантиради. Бу эса энг муҳими!

Ўзбек тили ва адабиёти, 2015 йил ***6-сон***

МАЛОМАТИЙЛИК ВА НАВОИЙ

Қадим Шарқ ўлкаларида ислом дини заминида футувват, тасаввуф, маломатийлик, ҳуруфийлик сингари бир қанча таълимот ва оқимлар дунёга келиб, одамларнинг онгу шуурига у ёки бу зайлда таъсирини кўрсатиб ўтган. Булар орасида тасаввуф умумбашарий мазмун ва миқёсининг устунлиги билан ажралиб турган. Лекин илк сўфийлик даври деб белгиланган ҳижрий II ва IV асрлардан кейин аҳвол салбий томонга ўзгариб борганки, тасаввуфга бағишланган мумтоз манбаларнинг айтарли ҳаммасида бу ҳақда фикр-мулоҳаза билдириб ўтилган. Масалан, сўфийликка доир энг ишончли китобнинг муаллифи бухоролик аллома Абу Бакр Муҳаммад Калободий ёзади: "Ниҳоят маъно кетиб, исм қолди... Мутасаввифликни тилда даъво қилганлар фаолиятлари билан тасаввуф йўлини бузиб, инкор этдилар. Сўфийликни халққа тушунтиришга қодир кишилар эса ҳақиқий моҳиятни яшириб, тасаввуфга ҳеч алоқаси йўқ нарсаларни унга олиб кирдилар... Натижада одамларнинг кўнглида тасаввуфга нисбатан нафрат уйғонди, виждонлар сўфийликдан совиди...".

Абу Наср Саррожга кўра, у яшаган даврдаги аксарият олимлар "тасаввуфий маънолардан гапирганда ҳам, ўзларидан уларга нимадир қўшганларида ҳам асл моҳиятдан жуда узоқлашишган. Илк сўфийларнинг сўз, ҳол ва важдларини улар фарқли бир тарзда безаб-бежаб ўзларига нисбат бериб, халқ орасида мавқе ва эътибор топишни мақсад қилиб олганлар...".

Асрдан-асрга умумий аҳвол ёмонлашиб боргани боис Ҳужвирий "Маълум бўлғайки, бизнинг замонда тасаввуф илми йўқолиб кетди", – деса, Аҳмад Рифоий "Бугун тасаввуф ҳақида сўз юритаётганларга шундоқ бир назар ташласанг, уларнинг кўпчилиги зиндиқ, хорижий ва бидъат аҳли эканлигини кўрасан. Шунингдек, одамларнинг энг жоҳил, бадфеъл, ҳийлагар ва доғулилари ҳам шуларга сафдошдирки, улар зуҳд, узлат, сафо соҳибларига қарши ёмон гап тарқатиш билан машғулдирлар".

Демак, сўфийликдаги таназзул маломийликнинг тарих саҳнасига чиқишига, ҳар қалай, замин ҳозирлаган. Маломат "такя ва хонақоҳлар қурилиб", "сўфийлар халқдан ажралгандан кейин пайдо бўлган", деган фикрда жон бор, албатта. Бу ҳақиқат "Маломийлик ўзи нима?", "Кимни чинакам маломатий дейиш керак?" деган саволларга жавоб топишга уринишданоқ равшанлашади. Айни пайтда, маломатийликнинг пайдо бўлиш тарихи, моҳияти, амалий томонлари хусусида ўртага ташланган фикр ва мулоҳазалар гоҳо бир-биридан анча йироқ бўлса, баъзан қарама-қарши мазмундалиги маълум бўлади.

Маломатийликнинг қирқ икки шарти ва талаби изоҳланган. Абдураҳмон Суламийнинг (вафоти милодий 1021 йил) "Рисолат ут-маломатия"си маломатийликка бағишланган энг қадимий ва ишончли манб, дея эътироф этилган. Уни нашр қилдирган, шунингдек "Маломатийлик, сўфийлик ва аҳли футувват" номли жуда мазмундор бир тадқиқот ҳам яратган машҳур араб тасаввуфшуноси Абул Аъло Афифийнинг хулосаси бўйича, IX асрнинг иккинчи ярмида Хуросон ҳамда Нишопурда юзага чиққан маломатийлик "риёзат йўли билан нафсни ҳирсу ҳавас, кибр, айниқса риё чиркинликларидан тозалаб, камолга етказиш усулидир"[1].

Арабча қийнаш, азият етказиш, нафсга шафқат этмаслик мазмунидаги "лавм" ўзагидан пайдо бўлган маломат ва маломатийликни ўзига хос мафкура, бир назария ва ишқ ҳоли деб таърифлаганлар бўлганидек, кўпчилик олимлар уни бир тариқат тарзида баҳолашган.

[1] А б у А ъ л о А ф и ф и й. Тасаввуф. Исломда маънавий ҳаёт. Истанбул, 1996. 239-бет.

“Маломатийлик ва маломийлар” китобининг муаллифи А.Гулпинорлининг масалага қараши нисбатан бошқа: унингча “маломийлик тариқат эмас, балки бир “акс ул-амал”, яъни тасаввуф ва тариқатга қарши фикр ва тажриба ҳаракатидир”[1].

“Маломатийлар аталмиш жамоа, – дейди Гулпинорли бошқа бир тадқиқотида, – тасаввуф ичидан тасаввуфчиларга қарши чиққан бир зумрадир. Тангри висолига етишмоқ учун улар зикрга эмас, балки фикрга аҳамият беришган. Аҳли маломатга кўра, Аллоҳ даргоҳига фақат ишқ ва жазба орқали бориш мумкиндир, зикр эса инсонни хаёлларга чўмдириб, далли-девона айлаши ҳам эҳтимолдан йироқ эмас”[2]. Бу гапларни бутунлай инкор этиб бўлмаганидек, уларни тўла-тўкис маъқуллаш ёки қабул қилиш ҳам ҳақиқатга мувофиқ келмайди. Агар ҳақиқий тасаввуф илк сўфий ва мутасаввифлар йўлидан оғишмай, маънавий-ирфоний ҳаёт ривожи учун аввал Хуросонда, кейинроқ Туркистонда хотиржам ва руҳга осудалик бағишловчи иқлим яратмаганида, маломатийликнинг тақдири ўзгача кечишига ҳеч ким кафолат беролмасди. Бундан ташқари, тасаввуфдан маломийликка, маломийликдан тасаввуфга ўтган ёки ҳар икки оқимга мансуб шахслар ҳам оз эмасди.

Алишер Навоийнинг маломатийликка боғланиш сабаби ва асосларини ёритишда зўрма-зўракилик, сунъийлик ёки шошқинликка йўл қўймаслик учун масаланинг айрим жиҳатларига алоҳида эътибор билан ёндашиш зарурдир. Абдураҳмон Жомий “Нафаҳот ул-унс”нинг муқаддимасида маломатий эканликларини иддао қилганликлари ҳолда маломат аҳлига алоқаси йўқ бир гуруҳ тўғрисида сўзлаб, “Улар ихлос иддаосини илгари суриб, фисқ ва фужурни ҳаддан оширганликлари ҳолда “Мақсадимиз халқнинг бизни қийнашини таъмин этиш, унинг назаридан қолиш ва эътиборсиз ҳолга эришмоқдир...” – дерлар”, – деб ёзади. Бу танқид сўзлари дастлабки асл ғояси ва мақсадларидан йироқлашиб, шариат қонун-қоидаларига тескари тушунча ҳамда даъволарни илгари сурган маломатчиларга қаратилган эди. Ваҳоланки, Навоий диққат-эътиборини жалб қилган маломатийлик маслак бузилишигача бўлган ва Шарқнинг Аҳмад Яссавий, Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий, Абдураҳмон Жомий каби улуғ ижодкорлари қалбини илҳомлантирган эркпарвар, фуқаросевар маломийлик эди. Унинг туб моҳияти ва қонун-қоидаларини англашда, такрор-такрор асарларида тилга олгани бир қатор мўътабар манбалар ҳам Навоийга яқиндан ёрдам берганди. Шундай китоблардан бири саналмиш “Кашф ул-маҳжуб”да таъкидланишича, “маломат ошиқларнинг боғи, гулзори ва сайргоҳи, ғам-ғусса соҳибларининг истироҳат манзили, муридларнинг нашъаси ва иштиёқидир”[3].

Маломатийлардан сўфийларни устун қўйган ва бунинг исботини ҳам битиб қолдирган Шаҳобиддин Умар Суҳравардийга кўра, “ҳақиқий маломатий томирларида ихлос завқи жўшган, том маъноси ила сидқу садоқатга эришган инсондир”[4]. Муҳйиддин Ибн Арабийнинг таърифи ва эътирофи янада юқори: “Маломатийлар Тангри эранларининг олдинги сафида турувчилардир. Ҳақиқий комиллик мартабасини эгаллаган зотлар ана шулар эди... Улар валоятнинг энг юқори даражаларига кўтарилишган. Ундан баландда фақат нубувват мақоми бордир”. Шайхи Акбар ислом пайғамбарини ҳам маломатий ҳисоблайди ва “маломатийлик Аллоҳга яқинлик, яъни қоба қавсайн мақоми эрур”[5], дейди.

Маломатийлик амалий моҳиятдаги бир маслак бўлганлиги боис, уни қабул қилган киши номига нафсга қарши курашмай, халқнинг таънаю маломатига парво қилмасдан,

---

1 Гулпинорли А. Маломийлик ва маломийлар. Истанбул, 1931. V бет.
2 Гулпинорли А. Тасаввуф. Истанбул, 2004. 162-бет.
3 Ҳужвирий. Кашфуъл маҳжуб. Истанбул, 1996. 150-бет.
4 Суҳравардий. Авориф ул-маориф. Истанбул, 1990. 01-бет.
5 Иқтибос Афифийнинг китобидан келтирилди. Қаранг: Исломий тушунчаларга доир мақолалар. Истанбул, 2011. 146-бет.

бу курашни ҳаётидаги энг катта жиҳодга айлантириши шарт саналган. Бунинг содда ва таъсирли бир ифодасини ғазалда Бобур Мирзо битиб қолдирган:

Улуснинг таъну таърифи манга, Бобур, баробардур,
Бу оламда ўзимни чун ямон-яхшидин ўткардим.

Бу ҳолга Тарк дейилган. Маломатнинг яна икки шакли бўлиб, бирига Истиқомат, иккинчисига Қасд номи берилган. Истиқомат – дилни фисқу фасод, мунофиқлик ва риёдан тозалаб, фақат Ҳақ талабларига мувофиқ яшаш маъносини билдирган.

Хуллас, ана шу вазифа ва маънавий мажбуриятлар маломат соҳибларини қуруқ зуҳд, маҳдуд зоҳидликдан, зоҳирий расм-русумларга ёпишиб олган маккор сўфийлардан йироқлаштирган. Таркидунёчиликни-ку улар тилга ҳам олишмаган. Меҳнат-машаққат билан ҳалол ризқ топиб кун кечирмаган маломат вакили маломатий ҳисобланмаган. Энг муҳими, улар сўфий ва дарвешлар сингари хирқа кийиб, дастор боғлаб, асо кўтариб, халқдан ажралган бир ҳолда ўзларининг эрку ихтиёрларини пир ёки шайхга топширишмаган, эл-юрт тақдирига ҳам Ҳақ, ҳам халқ назари билан қарашда айтарли оқсашмаган. Мусулмон оламида худпарастлик, моуманлик, мадҳиябозликка қарши курашда сезиларли натижаларга эришилган бўлса, бунда маломийлар кўпроқ ҳисса қўшишган.

Нафс назорати, яъни ботиний амалиёт ва шахсий қусур ҳамда нуқсонларга масъулликни аҳли маломат ахлоқий-руҳий комилликнинг тамали деб билишган. Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” достонидаги:

Ноқис улдурким, ўзин комил дегай,
Комил улким, нуқсин исбот айлагай.
Ўз камолидин демас аҳли камол,
Аҳли нуқсон ичрадур бу қилу қол..., –

деган сўзлари ушбу ҳақиқатнинг ўзига хос талқинидир. Фазилат ёхуд ижобий ҳисобланган хислатлардан фахрланиш нари турсин, ўзини яхши кўрсатишга уринишни ҳам Навоий кескин қоралайди:

Фосиқмену кофири ниҳони,
Каъба сафари эрур менга ҳайф.
Ўзни буки яхши кўргазурмен,
Биллоҳки, менга калисо ҳайф.

Мутафаккир шоирнинг тавсия ва таъкиди бўйича, қобилият, фазилат, доноликнинг илк шарти инсоннинг ўз айби ва ожизликларини билишда чалғимаслигидир. Зеро, “башар хайли”га хос ўзни севиш ҳоли бунга тўсиқлик қилади:

Башар хайли анга мажбул эрурлар, –
Ки, бўлғай ҳар бир ўз оллинда маҳбуб...
Ҳунар аҳли ани дегилки, бўлғай
Ўзини қилса ўз оллида маъюб.
Чу ўз айбиға воқиф бўлди, айбин
Нечук қилғай ҳунар ўрниға маҳсуб?

Бу мисралардаги маънони Суламий рисоласидаги “маломатий ботинида иддаоси, зоҳирида қаллоблик ва риёкорлиги йўқ шахсдир” деган сўзларининг бир тасдиғи деса, хато бўлмайди.

Аҳли маломат ҳаётлари, ҳаракат ва ҳолатлари ҳеч бировникига ўхшамаслиги, буни Аллоҳдан бошқаси билмаслигини исташган. Улар бирор иш қилсалар ғараздан холи, иддаодан йироқ, шовқин-суронсиз, фақат эл-юрт манфаатларини кўзлаб амалга оширишган. Бу ҳам тасодифий ҳолат ёки тамалсиз қатъият ва сунъий холислик эмасди.

“Менимча, футувват ва маломийлик, – деб ёзади Афифий, – айни ҳақиқатнинг икки фарқли томони ва аслида эса маломатийлар “мутасаввиф фатолар” – жавонмардлардир”[1].

Маломатийликнинг илк асосчилари чиндан ҳам уни бир турли футувват ва мардлик деб англаб, ўзларини эса “фитён”, “рижол” дея аташган. Бир томондан, футувват иштиёқининг юқорилиги, иккинчи ёқдан, Навоий мансуб хожагон-нақшбандия тариқатидан маломатчиликнинг муҳим ва муқим ўрин ишғол қилганлиги шоирнинг маломатда эркин ва собит бўлишини таъминлаган омиллар эди. Бир неча ўринда шоир ўзини маломат булбули деб таърифлайди:

Вафо бўстонининг достонсаройи,
Маломат булбули, яъни Навоий.

Ёки:

Чарх меҳнат тошидин то равзан очти ҳар тараф,
Мен маломат булбули, гўё қафасдур масканим.

Бир неча байтларда эса “арбоби маломат”, “аҳли маломат”га мансубликка эътибор қаратилади:

Муғ кўйи азмидин мени манъ этма, эй рафиқ,
Бу йўл эрур чу аҳли маломатқа борғулуқ.

Турли жанрдаги асарларида Навоий ишқ азоби, ҳижрон ғам-ғуссалари, ҳаёт ва замон қийноқларидан сўзлаганда “маломат тоши”, “санги маломат”, “маломат дашти”, “маломат тоғи”, “маломат баҳри”, “маломат дайри”, “маломат бодаси” сингари истиоравий ибораларни кенг қўллайди. Масалан, “Наводир ун-ниҳоя” девонидаги 338-ғазалда ўқиймиз:

Бизинг шайдо кўнгул бечора бўлмиш,
Маломат даштида овора бўлмиш.

Бечоралиги етмаганидек, шайдо кўнгилнинг “маломат даштида” овора бўлиши ҳолатни ёрқинлаштириб, таассуротни кучайтиради.

“Маломатда саломат бўлур”, деган ҳикматли фикр маломатийлар ўртасида анча кенг тарқалган. Навоий уни шаклий ўзгаришлар билан ғазалда шундай ифодалайди:

Каъба истарсен, мўғилон чекса тил қайғурмағил,
Бемаломат топмади кимса саломат, эй кўнгул.

Ёки:

Манга солим ўл, деб дуо қилмангизким,
Бегонмас саломатни аҳли маломат.

1 Абул Аъло Афифий. Кўрсатилган китоб. 193-бет.

Навоийнинг маломатийликка ишонч ва эътиқоди “Девони Фоний”даги айрим байтларда янада аниқ аксини топган:

Нест ғамам аз маломате, ки кунад шайх,
Ғам нахўранд аз маломат аҳли маломат.

Мазмуни: “Шайхнинг маломатидан мен ҳеч қайғурмайман. Чунки маломат аҳли маломатдан ғам емайди”.

Бу гап аслида маломат зумрасини илҳомлантирган Қуръони каримдаги Аллоҳ дўстлари “Маломат қилувчининг маломатидан қўрқмайдилар” (“Моида” сураси, 54-оят) сўзларининг шеърий бир тафсиридир.

Навоийнинг маломатийликка қараши вақт ўтган сайин теранлашган. Хусусан, инсоннинг бош ижобий фазилатларини бузиб, одамлараро муомала ва муносабатдан ишонч ҳамда самимиятни четлаштиргувчи кибр ва риёга қарши шоир гўё жанг олиб боради. Риё – асл қиёфани яшириб, ҳийлагар, маккор, пасткаш қиёфада иш юритиш ва сўзлаш “усули”дир. Маломатийлар уни ҳар томонлама пухта ўрганиб, ҳолдаги риё, амалдаги риё, иддаодаги риё, илмдаги риё каби турларга ажратишган ва жамият учун уларнинг бири иккинчисидан кўра жуда хавфли эканлигини исботлаб беришган. Навоий риё хусусида чин маломатий мақомида мушоҳада юритиб, гоҳо ҳеч кутилмаган фикрларга эътиборни жалб қилади:

Риёйи Каъбадин дайри фаноға
Кириб, гар бутқа зоҳир қилдим иймон.
Мени ёзғурма, эй шайхи риёйи –
Ки, гар кофир эдим, бўлдум мусулмон.

Навоий шеъриятига қайта-қайта мурожаат қилиб, кенгроқ мушоҳада юритган ўқувчи шоирнинг диндан жавонмардликка, футувватдан тасаввуфга, соф ва гўзал тасаввуфий таассуротлар билан бойиб, охири маломатийликка ишонч билан қараганлигини англашда унча қийналмайди. Бу ўринда маломат мазмуни ва кайфиятидаги шеърларнинг “Фавойид ул-кибар”дан кўпроқ жой эгаллаганини айтиш жоиздир. Улардан бирида ўқиймиз:

Номаи аъмолим ул янглиғ қародур журмдин –
Ким, надомат ашкидин они оритмоқ ўлмағай.
Балки гар Баҳри муҳит ичра солиб, йиллар юсанг,
Ул қаро бўлғай саросар, лек бу оқ ўлмағай.

Номаи аъмол – тирикликда қилинган яхши ва ёмон, гуноҳ ва савоб ишлар қайд этиладиган дафтар. “Айб ва гуноҳнинг ёзувидан бу дафтар шунчалик қароки, – дейди лирик қаҳрамон, – надомат ва пушаймонликдан тўкилган кўз ёшлар билан уни оқартиришнинг ҳеч иложи йўқ. Баҳри муҳитга солиб ювилганда ҳам денгиз суви буткул қораяди, бироқ у дафтар оқармайди”.

Номаи аъмол умумийроқ туюлган бўлса керакки, шоир номаи маъсият – гуноҳ дафтарини ҳам эсдан чиқармайди. Бироқ бу дафтардаги қоралик янада қуюқ, уни “чашмаи хуршид” – қуёш чашмасида ювилганда ҳам йилт этган ёруғлик назарга ташланмайди. Ундаги ҳатто ҳар бир нуқта осмондаги ҳар бир юлдузни қорайтириб юборади:

Номаи маъсиятим чашмаи хуршид ичра
Юсалар, кўрмагай эл ўзга ёруғлуқ юзини.
Ҳарфини бир-бир этиб сочса фалак жавфи аро,
Шибҳигун қилғай ҳар нуқтаси бир юдузни.

Гуноҳ ва гуноҳкорликни бу қадар теран идрок айлаш эҳтиёжи ўз-ўзидан туғилмайди. Бунинг изоҳи эса гўё бошқа бир қитъада ёритилган:

Қайси тақво хирманин фисқ ўтидин куйдурмадим,
Қайси тавба нахлини нафс илгидин синдурмадим.
Турмай оқса кўздин ашким не ажабким, тавбадин
Гарчи кўп сўз дедим, аммо бир сўзумга турмадим.

Маломатийликдаги ўзига нисбатан муросасизлик ва ўзини ўзи шафқатсиз бир ҳақиқатгўйлик билан фош этишни айрим олимлар кучсизлик, бадбинлик ва тушкунликка нисбат бериб, буни бошқа дин, масалан, зартуштийлик ва ҳинд фалсафаси таъсири билан боғлашга уринишган. Эрон олими Абдулҳусайн Зарринкўб бундай қарашни инкор этиб, на зардуштийликда ва на маломатия таълимотида юқорида тилга олинган салбий ҳолатлар йўқлигини асослайди[1].

Аслида камоли мутлақни Ҳақда мушоҳада қила оладиган киши, хоҳласин-хоҳламасин, ўзга ҳар нарсада бир нуқсон ёки етишмовчилик кўради. Ёлғиз Аллоҳга хос комилликни хотирлаган маломатий эса ўз қусур ва гуноҳларини очиқ сўзлашдан жуда мароқланади. Ундаги нафсшунослик ҳам шуни талаб қилади.

Сўфий ва мутасаввифларнинг қаноати бўйича, инсон нафсу ҳаво таъсиридан холос бўлмагунча, "нафснинг ёқасидан қўлни" бўшатмасдан сукут қилиши лозим. Чунки "Сўз шаробга ўхшайди. Уни ичишга мубтало бўлган кимса ундан асло қутулиб билмайди... Сўзнинг офат томонлари ирфон аҳлига яхши маълум бўлгани боис улар кўпинча сўзлашдан сукутни афзал кўришган... Чунки сукутида ҳаё борнинг гапида ҳам уят ва ҳаё бўлади"[2]. Шунинг учун ҳам Навоий:

Орифға ганжи файз етса,
Иши дам урмайин они ёшурмоқ,

деган. Бу психологик тажриба ва ахлоқий ҳолат маломатийлар томонидан ҳадди аълосига кўтарилиб, тил назоратида улар билан мусобақа қилишнинг деярли имкони бўлмаган.

Ҳамдун Қассор тўғрисида Навоий "Маломатиянинг шайхи ва имомидур. Нишобурда маломат тариқин ул нашр қилди", – дейди. Нақл қилинишича, Нишопур олим ва орифлари Ҳамдунга: "Сенинг сўзларинг кўнгилларга бориб етиши ва таъсири ҳам самарали бўлиши боис минбарга чиқиб халққа гапирсанг-чи...", – дейишибди. Қассор эса: "Бунга ҳожат йўқ", – дебди. "Нима учун?" – деб сўрашганда у: "Чунки менинг нафсим сингари кўнглим ҳам дунёга, дунёвий орзу-ҳавасларга боғлиқдир. Модомики шундоқ бўлгач, сўзларимдан наф тегмаганидек, кўнгилларга ҳам улар таъсир ўтказмайди", – деган экан. Унинг шундай деганига инонмоқ керак. У издошларига "Бирор кимса ўзининг нафсини Фиръавннинг нафсидан кўра хайрлироқ деб билса, кибр ё ғурурга таслим бўлган бўлур", – дея қайта-

[1] З а р р и н к ў б А. Жустужў дар тасаввуфи Эрон. Душанбе, 1992. С. 286.
[2] "Кашфуъл маҳжуб". 503-бет.

қайта уқтирган. Хуллас, нафси аммора билан орани очиқ қилмай ўзгалар нигоҳини ўзига қаратмаслик ва қўлга қалам ҳам олмаслик Шарқ адабиёти ҳамда илм-фанини бир неча аср мобайнида муҳофаза қилган, дидсизлик, оломончилик, маддоҳлик офатларидан асраган маломатийларнинг шартларидан бири бўлган. Шу боис ҳам ғазалларидан бирида улуғ Навоий аниқ-тиниқ қилиб:

Ҳар не элга ком эрур, кечти Навоий боридин,
Қилмади неким, буюрди нафси хорижрой анга, –

деб ёзган эди. Ана шу амалий ҳақиқатга риоя қилинганда, наинки бадиий ижод, балки навоийшуносликда ҳам давр ва замон талабларига мувофиқ янгиликлар юзага чиқади деган умиддамиз.

Ўзбек тили ва адабиёти, 2016 йил 1-сон

НАВОИЙ ШЕЪРИЯТИДА ТАРК ТУШУНЧАСИ ВА ТАЛҚИНЛАРИ

(Биринчи мақола)

Қадим Шарқнинг ишқ ва маърифат оламида биринчи туркий тариқат ва илк тасаввуфий шеъриятга асос солган “Пири Туркистон” Хожа Аҳмад Яссавий “Муножотнома”сида:

Мени ҳикматларим ошиққа айтинг,
Дили ойинадек содиққа айтинг[1], –

дейилади. Дарҳақиқат, адабиётни теран англаш, умуман бадиий сўз сирларини жонли идрок этишда қалб поклиги, бутун борлиғи билан Ҳақ ва Ҳақиқатга содиқлик ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Шу маънода ҳақиқий бадиий асар мутолаасини маънавий-руҳий тозаликдаги тафаккур тажрибаси дейиш ҳам мумкин.

Ҳаёт, жамият ва инсон тақдирига очиқ нигоҳ билан қараб тўғри мушоҳада юритилса, жўнлик, ўртамиёначилик, айниқса, саёзлик ижтимоий-маданий, илмий-ижодий тараққиёт учун наинки тўсиқ, жиддий хавф эканлигига шубҳа қолмайди. Қайси минтақа ёхуд мамлакатда ахлоқий-маънавий қарамлик ва афтодалик ҳукм сурган бўлса, ўша жойда саёзлик тантана қилиб, ўртамиёначилик ўйинлари, албатта, равнақ топган. Узоққа бормасдан яқин ўтмишга бир назар ташлайлик. Мустабид совет давлати қандай ҳақиқатларни тақиқлаб, қанақа қадриятларни йўқотишга куч сарфлаган бўлса, шуларнинг аксариятини саёзлик, тақлидчилик ҳамласи билан амалга оширган. Натижада, Абдулла Қаҳҳор айтмоқчи, адабиётнинг атом ҳам тенг келолмайдиган кучи кўпинча “ўтин ёриш”га сарфлангани боис, мумтоз адабий мероснинг асл аҳволи ва ҳақиқатлари ҳам бузиб, якранглаштирилиб кўрсатилган.

Ислом дини, унинг заминида дунёга келган тасаввуф таълимоти ва сўфийлик адабиётининг тақиқу таҳқирланиши хусусида кейинги вақтларда кўп гаплар айтилди. Уларни бошқачароқ бир тарзда такрорлашдан тийилиш лозим. Шу билан бирга, дин, тасаввуф,

[1] А ҳ м а д Я с с а в и й. Ҳикматлар. Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи И.Ҳаққулов. Тошкент, 1991. 198-бет.

илоҳиёт билан боғлиқликда қораланиб, ҳозиргача ҳам холис баҳосини олмаган мавзу, масала ва тушунчаларнинг ҳар бирини қунт билан ўрганиб, талқину таҳлил этиш жоиз.

Олис ўтмишда аввало нубувват таълимотидан, сўнг футувват, тасаввуф, маломатийлик ва адабиётдан муқим ўрин ишғол қилган тарк тушунчаси (бунга тарк ҳоли, тарк тажрибаси, тарк маслаги ҳам дейилган) шулардан биридир. Афсуски, шўро сиёсати ва мафкураси талаби бўйича ушбу серқирра тушунча бошданоқ бузиб кўрсатилиб, комиллик пойдевори ўлароқ таърифланишга лойиқ унинг амалий ва ижобий қиймати умуман йўққа чиқарилган. Бунга эса ўтмишда яшаб ўтган сохта, тақлидчи сўфий ва дарвешларнинг тубанлик ва товламачиликлари ҳам бир қадар замин ҳозирлаган. Абу Аббос Диноварийнинг айтишича, улар тасаввуфнинг маъно-моҳиятини ўзларича шу қадар бузишганки, "масалан, тамага – қаноат, адабсизликка – ихлос, Ҳақдан йироқлашувга – шатҳ, ёмон ва чиркин ишлардан завқланишга – таййиба, ҳавою ҳавасга – ибтило, дунёга кўнгил боғлашга – васл, ахлоқсизликка – савлат, зиқналик ва хасисликка – жалодат, тилёғмаликка – амал, тил бузуқликка – маломат номини беришган"[1]. Тасаввуфни бундай ичдан бузиш, унинг атама ва истилоҳларини мазмунидан ажратиб, бошқа бир ғаразли мақсадда ишлатиш тарк калимаси ва тушунчасига нисбатан ҳам одамларда асосан салбий таассурот уйғотиб келган.

Илм-фаннинг инсон онги ва идрокидаги таъсирини чуқур англаган Шарқ мутафаккирларидан бири: "Илмсиз бўлма, олимларга душман бўлурсен", – дейди. Дарҳақиқат, ақлини жаҳолат қуршаган, қалби ғафлатга ботган кимсаларнинг аксарияти чин олимни камида ё хуш кўрмайди ёки ўзи истамаса ҳам унга ич-ичидан ҳасад, нафрат, адоват билан қарайди. Чунки, илм ва маърифат соҳибларига холис муносабатда бўлиш учун Ҳақ ва ҳақиқат сирларидан огоҳ бўлиш, ростлик завқ-шавқи билан яшаш лозим.

Маълум бир мавзу ёки масаланинг маъно-мазмунини тўғри тушунмай шарҳлаш ва талқин қилиш илм аҳлининг чалғиши, оддий одамларнинг чалғитилишига сабаб бўлган. Саёзлик, маҳдудлик ва жаҳолатнинг ҳукми баъзан неча юз йиллар мобайнида ғайриилмийликнинг қалқони бўлиб келган. Акс ҳолда тарк хусусидаги хато ва юзаки фикр-қарашлар аллақачон тарк этиларди.

Тасаввуфда зуҳд, узлат, тафрид, инзиво ёки фирор деган истилоҳ, ҳол ҳамда даражалар бор. Улардан кўзланган мақсад ва натижа ҳам бевосита тарк билан вобастадир. Маълумки, зуҳд ва зоҳидлик Шарқ мумтоз шеъриятида изчил бир тарзда танқид қилинган. Бироқ бу танқидлар ҳақиқий зуҳд ва зоҳидлар ҳақида эмас, балки инсон маънавий-руҳий камолига тўсиқ бўладиган, фисқ, риё ва тамадан тозалана олмаган бадбин зоҳидларга тегишли эди. Чунки, улар тарк завқи ва ҳолини тўла-тўкис ҳолда яшай билмаган охиратсеварлар бўлишган. Бошқача айтганда, ушбу тоифа "тарки уқбо" чегарасига ҳам етиб боришолмаган Ишқ ва Ирфон кушандалари эди. Буюк озарбайжон шоири Муҳаммад Фузулийнинг "Ринд ва зоҳид" рисоласида риднинг зоҳидга қарши "Комил инсонларки, дунёдан муҳаббатларини дариғ тутмишлар ва ақлларини нафсларидан устун қўймишлар, дунёнинг ёмонлиги боисидан эмасдир... Дунё орифлар учун раҳбар, жоҳиллар учун йўлни тўсувчи бир девордир"[2], деган сўзлари ҳам ушбу фикрнинг бир тасдиғидир.

Дарҳақиқат, эс-ҳуши жойида ақлли одам унга бағрини очган, барча орзу-умидларини рўёбга чиқарадиган дунёдан юз ўгириб, яъни дунёга қўл ва этак силкиб яшай олмайди. Чунки у ҳамма нарсадан кўз юмса ҳам, борлиқ – олам ва чексиз-чегарасиз коинотнинг яратувчисини инкор этолмайди. Зеро, ҳар бир боғнинг боғбони, ҳар қайси иморатнинг бинокори бўлганидек, даҳр, дунё ва оламнинг ҳам яратувчиси бўлади. У эса Аллоҳ таолодир.

---

[1] Қаранг: А б д у л к а р и м Қ у ш а й р и й. Рисолаи Қушайрий. Истанбул, 1991. 172-бет.

[2] М у ҳ а м м а д Ф у з у л и й. Асарлар. 5-жилд. Баку, 1985. 33-бет.

Қуёшга қаҳр сочиб ёки ундан бутунлай бекиниб яшашнинг ҳеч иложи бўлмаганидек, Аллоҳ нури тажаллий этмаган зулмат бир дунёда кун кечиришнинг ҳам имкони йўқ. Тарк ёки тарки дунё дегани нисбий бир гап бўлиб, уни жаҳондаги ҳар турли ёмонлик, ғирромлик, тубанлик, ғайриинсонийликларга танқидий муносабат мазмунида англаш лозим. Чунки тарк ва тарки дунё тушунчасини фақат даҳрийлар, гумроҳ материалистлар тўппа-тўғри маънода қабул қилиб, ўзлари билиб-билмай одамни ҳайвонлик ва шайтонлик яроғи билан қуролланишига ташаббускор бўлишган. Аслида, тарк дегани охир-оқибатда, ҳам дунёвий, ҳам ухровий зиддиятлардан кўнгилни халос қилишдир.

Кечиш, узилиш, ўзни фориғ этиш, енгиллаш, холисликни қўлга киритиш, тозаланиш сингари маъноларни ифодалаган тарк сўзи ва тушунчаси Шарқ тасаввуф адабиётида ўзига хос бир изчилликда ёритилиб берилган. Аҳмад Яссавийга издош шоир Юнус Эмро ёзади:

Барча илму амал бир таркка тенгмас,
Ки тарки бўлмаган бир барққа тенгмас...
Валига ва набига тарк буюрди,
Ҳалолдир тарк анга – жон таркин урди[1].

Тарк йўли – инсонни инсонга қарамлик, тобеликдан қутқазадиган қаноат, ҳуррият йўли бўлиб, унинг кераклини кераксиздан, маънини маънисизликдан, боқийни фонийдан ажратишдаги хизмати катта. Умуман, том маънодаги тарк шавқи ва сурури билан яшаш одамни барча махлуқотдан юксакка кўтаради, энг хайрли, энг муқаддас ҳақиқатлар равнақи учун куч бағишлашга йўналтиради.

Комил инсон мавзуининг улуғ тадқиқотчиси Азизиддин Насафийнинг эътирофи бўйича, “Соликни ҳурлик ва фароғатга етказадиган мақом таркдир. Унинг учун таркдан ортиқроқ бир нима йўқ...”[2].

Шу ўринда бевосита тасаввуф адабиётига тегишли бир моҳиятни ҳам изоҳлаб ўтиш зарур. Шарқдаги буюк сўфий ва мутасаввиф шоирлар ижодда фано ва фаноликка асосланиб, воқеликни ҳам, ҳаёт ҳодисаларини ҳам шу нуқтаи назардан талқин қилишган. Нигоҳни боқий ва боқийликка қаратган маслак ҳамда маданият вакиллари бўлгани учун улар Аллоҳдан ўзгасига кўнгил боғлашда теран маъно бор деб билишмаган. Албатта, тарихий давр, дин, мафкура, ҳаёт талаблари жиҳатидан бунинг ҳеч қандай ғайритабиий жойи бўлмаган. Шунинг учун ҳам Навоий таржеъбандларидан бирида “Бақосиздур жаҳон раъноси, валлоҳ, Жаҳон раъноси йўқким мосиваллоҳ” дер экан, шундай хулосани илгари суради:

Ки Ҳақ боқийдурур, дунё аруси
Эрур фоний, неча кўргузса зевар[3].

Шоир таркка ишқ ва ошиқлик завқ-шавқининг баланд нуқтаси сифатида қарайди:

Навоий айласа ишқингда куфру дин тарки,
Қачон бу воқеа шавқ аҳлидин муҳол бўлғай[4].

---

[1] Юнус Эмро. Рисолат ун-нусхийя. Баку, 2013. 74-бет.
[2] Азизиддин Насафий. Тасаввуфда инсон масаласи. Инсони комил. Истанбул, 1990. 196-бет.
[3] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. 1-жилд. Бадоеъ ул-бидоя. Тошкент: Фан, 1987. 611-бет.
[4] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 3-жилд. Ғаройиб ус-сиғар. Тошкент, 1988. 493-бет.

Навоийга кўра, таркнинг наинки мақбули, марғуби ҳам ишқ йўлида жону жаҳондан кечишдир:

Ишқ аро жон тарки чун матлубдур,
Ҳар не онинг боиси марғубдур.

Заъфнинг поёни бўлса тарки жон,
Ўйла ўлмакка фидо жону жаҳон[1].

Шоир кўнглида тарк самовий орзу ва кайфиятларни ҳам воқелаштирган. Бу фикрга "Фавоид ул-кибар"даги мана бу байт бир далилдир:

Муҳандисе топаю, эгнима қанот ясай,
Учуб ҳавосида қушлар аро ўзумни қотай (ФК, 594)

Фақат девонларида эмас, "Хамса"да ҳам Навоий тарк мавзуини четлаб ўтмаган. Лекин шоирнинг бошдан-охир тарк амалиёти ва фалсафасига таянилиб яратилган асари, ҳеч шубҳасиз, "Лисон ут-тайр" эди. Бу достонда тарк ва фано қарийб тенг тушунча тарзида талқин қилинган. Буни маълум бир ўринларда Ҳудҳуднинг тарк муршиди сифатида сўзлашидан ҳам фаҳмлаш қийин эмас. Масалан, нафс қўғирчоғига айланиб, нафсоний тубанликлар ичида яшаётган худпараст бир қушга у, мана, нима дейди:

Нафс онча кўнглунга солур ғурур,
Еткурур онча замирингға футур.

Ким, они шайтон кўруб, ҳайрон қолур,
Водийи ҳайратда саргардон қолур.

Қайси ишдинким етар нафсингға ком,
Топар ондин комини шайтон мудом...

Ҳар не ул қилмоқ керак, нафсинг қилур,
Ҳар неким шайтон билур, ул ҳам билур...

Нафсинг онча кўзгузур талбисни –
Ким қилур шарманда юз иблисни[2].

Нафс майдони – муросасиз кураш майдони. Маълум бир муддат бўлса ҳамки, бу курашда зафар қозонган киши чиркин хулқ ва ёмон одат тарки; ҳирс ва ҳавас, таъсир ва тақлид тарки; тилёғламалик ва хушомад, писмиқлик ва олчоқлик тарки; каззоблик ва товламачилик, риё ва мунофиқлик тарки; очкўзлик ва худкомлик, ҳайвонлик ва шайтонлик таркини амалга ошира билган ҳисобланади. Ана шунда руҳ ва руҳоний ҳаётга нисбатан эътибор бошқа бир янги босқичга кўтарилади.

Руҳ ва вужуд, руҳ ва нафс, руҳ ва борлиқ, руҳ ва илоҳ муносабатларида руҳнинг қаноти таркдир. Айниқса, руҳоният ва нафсоният орасидаги азалий зиддиятларда бу нарса ёрқин кўринади.

---

[1] А л и ш е р Н а в о и й. Мукаммал асарлар тўплами. 12-жилд. Лисон ут-тайр. Тошкент, 1996. 146-бет.
[2] Ўша асар. 157-158-бетлар.

XII асрдан тахминан XIX юз йилликнинг иккинчи ярмигача мумтоз шеъриятимизда руҳ, руҳоний ҳаётга тегишли кайфият, ҳолат ва фазилатлар тасвири устунлик қилган. Айтайлик, Сулаймон Боқирғоний томонидан қаламга олинган руҳ ва нафс тазодининг миқёси Навоий шеъриятида, биринчидан, жуда кенгайтирилган, иккинчидан, янги шакл, янги услуб ва бир-бирини такрорламайдиган ифодаларда шеърхон ҳукмига ҳавола этилган.

Шеърият тажрибасидаги ўзига хос ижод намуналарини тамсил этган ва руҳнинг инсон қисматидаги нуфузига урғу берилган мазкур асарларда самовийлик ҳиссиёти, замин одамини фазовий кенгликларга чорлаш иштиёқи ҳам фавқулодда таъсирли тарзда тасвирланган. Бундай шеърлар жуда оз бўлса-да, Яссавий, Навоий, Бобур, Машраб анъаналарини теран ўзлаштирган ўтган асрга мансуб шоирларимиз ижодида ҳам учрайди.

Вужуд деганлари асли нимадир?
Дайр денгизида юрган кемадир.

Бир кун бир қояга урилгай кема,
Руҳим, сен вужуднинг ғамини ема...

Абдулла Ориповнинг “Руҳим” шеъри кўпчилик қалам аҳлининг ҳам хаёлига келавермайдиган ана шу сатрлар билан бошланиб, руҳнинг нима учун вужуд тақдирига асло парво қилмаслиги ҳеч бир шоир айтмаган эътироф сўзлар билан давом эттирилади:

Юксак фазоларда айлагил парвоз,
Сенда на оҳанг бор ва на бор овоз.

Сенга на бўронлар кор қила олур,
Сени на йўқотиб, бор қила олур.

Сен мисли камалак – юксак ва сўлмас,
Камалакни эса парчалаб бўлмас[1].

Бу каби хаёлий ва фазовий хулосаларга келиш учун вужуднинг фанолиги ва руҳнинг бақолиги биринчи галда тарк туйғуси ҳукми билан ҳал этилади.

Орифлик салоҳиятига соҳиб шоирлар борлиқ – оламнинг ёмонлиги, қаттол ва ёвузлиги, инсонга гўёки ҳеч қандай яхшилик ё эзгуликни раво кўрмаслиги учун эмас, руҳга, кўнгилга унинг самовий эркинлик бағишлай олмаслиги боис ишқ ва Ҳақ аҳлини ундан баланд кўтарилишга чорлашган. Бу фикрнинг характерли далили ҳам Абдулла Орипов ижодида учрайди. “Чорлов” деб аталган шеърида у ёзади:

Дўсти ғариб, кел, қўлингни тут,
Юрагингда ёқай аланга.
Кел, бир зумга дунёни унут,
Кўтарайин сени баландга.

Агар юракда тарк ҳоли бош кўтариб, самовий ҳурлик руҳни орзиқтирмаса, ҳатто қисқа бир муддатда ҳам ҳеч ким ҳеч бировни юксакка кўтара олмайди. Умуман олганда эса, тарк шууридан йироқ кимсалар шоирнинг кейинги мисраларда илгари сурилган мақсад-муддаосини ҳам мағзини чақолмайди:

[1] О р и п о в А. Йиллар армони. Тошкент, 1989. 219-бет.

Пастда қолсин нобакор хилқат,
Пастда қолсин танбал булутлар.
Юрагингда чақнасин фақат,
Ёруғ хаёл, самовий ўтлар.

Юксакларда чарх уриб айлан,
Руҳинг мангу турсин ёришиб.
Ўлганда ҳам вужудинг билан
Кетмагайсан ерга қоришиб[1].

Хуллас, тарк ва унинг моҳиятдан сўзлаганда икки нарсани албатта инобатга олмоқ зарур. Биринчиси – моддий борлиқ ва мавжудликларга қараганда руҳ ва ишқ тарихининг қадимийлиги. Иккинчиси эса, дунёнинг зоҳирий сувратлари эмас, ирфоний хусусиятларнинг беҳад ноёблиги. Демак, ишқ ва маърифат денгизида сузмаган кишининг таркдан баҳс очишга ҳаққи ҳам, маънавий ҳуқуқи ҳам йўқ.

Психологларнинг ваколат беришича, инсон вужудида майл ва мақсади бир-бири билан мувофиқ келмайдиган неча ўнлаб “мен”чалар мавжуд бўлади. Моддий манфаат, ўнғай вазиятга қараб турланиб-тусланишдан толиқмайдиган ўша майда “мен”лардан қутулишнинг дахлсиз чораси тарк изтиробидир. Аввало нафси амморага қарши курашга йўллайдиган бу изтироб ва йўқотишлар бир замонлар юнон файласуфи Арасту айтган трагик покланиш, яъни катарсисга қараганда ҳам амалий, ҳам самаралидир. Рус олими Ф.А.Петровскийнинг таъкидлаши бўйича, Аристотелдаги покланиш сўзи нимани англатади деган масала ҳанузгача тўла ҳал этилмаган. Катарсисни тушунтиришлар кўп ҳолларда Аристотель сўзларининг матни ва мазмунини ўзбошимчалик билан шарҳлашга асосланган экан[2].

Аристотель кўзлаган трагик покланиш, яъни катарсис аслида нафсга тегишли. Чунки нафсга қарши курашга киришиб, уни тозалаш инсон тақдиридаги азоб ва изтиробларнинг энг қийноқлисидир. Таркнинг алоҳида даражаси ўлароқ белгиланган тарки ҳасти – ўзликни тарк этиш на юнон, на Европа тадқиқотчилари тасаввур ҳам этолмаган изтироб орқали эришилган покланиш тажрибасидир. Бундан ташқари, Ғарбда ўзини таниган эркин шахс сифатида таърифланган “абсурд одам” илоҳий манбасини топмаган, бироқ шарқлик тарк одамига яқин бир типдир.

Тасаввуфда тарк тўрт қисмга ажратилган: 1. Тарки дунё. 2. Тарки уқбо. 3. Тарки ҳасти. 4. Тарки тарк. Булардан ҳар бири Навоий шеъриятида ўзига яраша ўрин эгаллаган ва ҳар қайсиси алоҳида баҳс юритиладиган мавзудир.

Ўзбек тили ва адабиёти, 2017 йил 1-сон

[1] Ўша тўплам. 253-бет.
[2] Қаранг: А р и с т о т е л ь. Поэтика. Тошкент, 1980. 95-бет.

НАВОИЙ ИЖОДИДА ДУНЁ ТИМСОЛИ ВА ТАЛҚИНЛАРИ

(иккинчи мақола)

Маълумки, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий муҳит, шунингдек, диний, фалсафий, адабий таълимот ҳамда анъаналар у ё бу тарзда адабиётнинг умумий аҳволи ва ривожига таъсир ўтказиб келган. Айниқса, анъанавий мавзу, жанр, усул, тимсолу ташбеҳларга асосланган адабиётларда ғоявий-бадиий ўхшашлик ва ҳамоҳангликлар сезиларли зайлда кўзга ташланиши ҳам сир эмас. Шунинг учун мақсад, мавзу ва ифодада анъана доирасида иш юритган шоиру адибларнинг шахсиятидаги ўзига хослик ва бадиий ижодга қўшган янгиликларини ёритиш ё таърифлаш унча осон кечмайди. Буни неча асрлар мобайнида мурожаат этилиб. қайта-қайта қўлланилган шеърий образ, тимсол, рамз ва қиёслардан ҳам билиш мумкин.

Таъбир жоиз бўлса, Шарқ мумтоз шеърияти мавжуд борлиқ, реал воқелик ичида янги бир олам – ўзининг туйғу, тахайюл, маъно, руҳият ва тасвир дунёсини яратган бир шеъриятдир. Бу шеъриятда тарк тушунчаси[1] ва у билан бевосита алоқадор дунё тимсоли ҳам анча мустаҳкам ўрин эгаллаган. Аслини олганда, инсон эмин-эркин яшаб, шавқ ва ғайрат билан меҳнат қилиб, ўзининг қайсидир бир соҳага мансуб қобилиятини юзага чиқариш, ўзидан қандайдир бир из қолдириш учун дунёга келади. Тириклигида моддий дунёдан бошқа уни бағрига оладиган на манзил, на маскан бор. Ҳамма нарса унутилганда ҳам табиат кўпинча ҳам ота, ҳам она сифатида инсонни эъзозлашини эсдан чиқармаслик зарур. Шунинг учун ҳам маломатийликда дунёдан айб ахтармаслик, уни қораламаслик асосий бир шарт сифатида белгиланган. Шарқ тасаввуфи ва тасаввуф адабиётидаги таркидунёчилик “фалсафа”сининг тамалини ҳам бошқа мақсад, ўзга бир моҳият ташкил этадики, булар ҳанузгача холис ва тўғри талқин қилинмай келинаётир. Бундан ким ютиб, кимлар ютқизади? Бу саволга ҳам аниқ жавоб йўқ.

Мана, бир мулоҳаза: миллион-миллион одамларни, бутун бошли халқ ва элатларни қақшатиб, қирғин ва бало-қазоларга гирифтор айлаб, кундан-кунга башариятни қўрқув, таҳлика, хилма-хил зўравонликларга маҳкум қилаётган ёвузликлар қаерда рўй бераётир? Албатта, шу дунё, мусибатдийда шу жаҳонда. Модомики, шундай экан, уларнинг олис тарихга эга замини, уруғи, илдизи ва асослари бўлганми? Нега бўлмасин – бўлган. Буюк валий, аллома ва мутасаввифлар “тарки дунё”дан сўзлашганда, биринчи навбатда, қайд қилинган шафқатсизлик, золимликларнинг йўлини тўсиш ёки илдизига болта уришни кўзда тутишган. Йигирманчи аср ўзбек шеъриятининг буюк вакили Абдулла Орипов бир ўринда “Дунё деган шундайин англаб бўлмас сир экан // Гоҳ кенг экан, гоҳида туйнуксиз қаср экан”[2], дейди. “Кенгга – кенг дунё”, деганларидек, дунёни қафасга айлантирадиган ҳам, зиндон ҳолига тушириб, нафас олишни қийинлаштириб “туйнуксиз қаср” ҳолига келтирадиган ҳам инсон қавмининг ўзи ва дунёпарастлик ҳирсидир. Бунинг фожиаларини олдиндан фаҳмлаб, айтарли бехато тасаввур этганлиги учун ҳам Аҳмад Яссавий:

Дунёпараст ножинслардан бўюн товла,
Бўюн товлаб, дарё бўлиб тошдим мано, –

---

[1] Қаранг: Ҳ а қ қ у л И. Навоий шеъриятида тарк тушунчаси ва талқинлари // Ўзбек тили ва адабиёти, 2017, 1-сон. 10–16-бетлар.

[2] О р и п о в А. Йиллар армони. Шеърлар ва достонлар. Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984. 194-бет.

деган. Бундай ҳақиқат ва моҳиятларнинг тамали, файз ва шукуҳига етиб бориш ўрнига бировлар ҳамон XIX асрларда ғарб олимлари ўртага ташлаган уйдирмаларни кўтариб, ҳатто қалқон қилиб юришибди. Ваҳоланки, "Аҳли маърифат қандай дунёни тарк қилиш керак дейишган ва нима учун?" деган саволга ҳаққоний жавоб қайтарилса, ҳаммаси жой-жойига тушади.

"Англамадингми – инкор қил! Мақбул келмадими – айбла! Очиқ-ойдин сўзлашолмадингми – ғирромлик йўлига ўт!". Бирор жойда қайд қилинмаган, лекин совет мафкурасидан мерос қолган ушбу "усул"ларни қўллашга уринаётганлар, афсуски, ҳозир ҳам учраб турибди. Матн, моҳият, ҳақиқат билан уларнинг иши йўқ, унда-бунда ўқиб, миясига ўрнашиб қолган гапларга таянишади, холос. Масалан, Бобур Мирзонинг "Нафс душмандурур яқин билгил // Дўстум, бу сўзумни чин билгил, // Душманедур агарчи ўтру эмас // Лек бир лаҳза сендин айру эмас", деган фикрларининг мағзини чақолмаган киши ҳеч вақт унинг мана бу сўзларини тўғри англаб, теран қабул қилолмайди:

Арзимас ғам емакка бу дунё
Бал отин ҳам демакка бу дунё.

Тамаъ узгил бу эски дунёдин,
Хотирингдин чиқар бу дун ёдин[1].

Бизнингча, Яссавий, Навоий, Бобур, Машраб ё Огаҳий ижодиётининг тадқиқ ва тарғиби билан машғул бўлганда, киши, энг аввало, уларнинг дунёқараши, маслак ва ҳолатларига тамоман тескари ғараз, даъво ҳамда истаклардан кўнгилни тозалаши зарур. Шунда адабиётимиз тарихида қандайдир "хавфли майдон" йўқлиги ўз-ўзидан ойдинлашади. Туркий адабиёт – ҳаёт ҳақиқати, дунё гўзалликлари, воқелик талабларига содиқ ва охират тасаввурларини ҳам унутмаган адабиёт. Шу билан бирга, унда дунёга танқидий қараш ҳам бор. Ташхис, яъни шахслантириш усули орқали дунёнинг алдоқчи, золим, бақосиз сингари салбий сифат ва ёмонликларини кўрсатиш бу адабиётда анча қадимий анъана эди[2]. Аҳмад Югнакий таърифи бўйича, дунё инсонга бир қўли билан бол тутса, иккинчиси билан заҳар узатади. Чунки у заҳарли илонга ўхшайди. Шунинг учун унинг силлиқ ва юмшоқлигига алданмаслик керак:

Йилон юмшоқ эркан, ёвуз феъл этар,
Йироқ турғу, юмшоқ теб инонмағу.

Очуннинг сийрати ҳеч қачон сиртига мувофиқ келмайди. Барча ҳийла-найранг ва шафқатсизлик унинг ботинида яширин. Ниқоббозликда унга тенг келадигани йўқ. Ана шундан ғафлатда қолмаслик зарур:

Ниқоб кўтурур очун, бирар юз очар
Ёзар қўл, қучар тек, яна терк қочар[3].

Юсуф Хос Ҳожиб ҳам "Қутадғу билиг" достонининг алоҳида бир фаслини бевафо дунёнинг қилиқ ва қилмишларини ёритишга бағишлаган. Унингча, дунёни билиш, уни ҳар

[1] Бобур. Асарлар. Уч жилдлик. I жилд. Девон. Тошкент, 1965. 209-бет.
[2] Қаранг: Ҳаққулов И. Занжирбанд шер қошида. Тошкент: Ёш гвардия, 1989. 145–149-бетлар.
[3] Адиб Аҳмад бин Маҳмуд Югнакий. Атабатъул ҳақойиқ. Анқара, 1992. 57-бет.

жиҳатдан танишда чалғимасликнинг биринчи шарти илм ва заковат соҳиби бўлишдир. Ана шунда даҳр хусусидаги нотўғри ёки бирёқлама фикрлардан инсон ўзини халос қилганидек, одамлар билан муомала-муносабатда ҳам адашмайди. Зеро, ғаддор олам ҳеч қачон одамларнинг бир-биридан қочиш ёхуд узоқлашишига таъсир ўтказолмаслиги керак. "Сен одамлардан қочарсан, – дейди донишманд Юсуф, – улар сенга нима ёмонлик қилди? Одамларга қўшил, уларга ўхшаб яша. Мусулмонларга ёрдам қил, оғирини енгиллат. Тангри сенга жаннатни ато айлар, жойинг тўрда бўлғай. Кўнглингда ҳам, тилагингда ҳам соф бўл, ҳаракатинг тўғри бўлсин. Қаерни хоҳласанг, ўша жойда шоду хуррам кун кечир. Инсонлардан узоқда ёлғиз яшама, бошқаларнинг қусурига қарама, ўзингга боқ".

Kişidin kaçar sen – ne kildi kişi,
Kişike katil, it kişiler işi.

Műsűlman işin it, mungiriga yara,
Bayat birge içmak kör ornung töra.

Köngul til köni tut kilincung butun,
Kayurda tilese tirilgil kutun.

Kişisiz tirilme kişiler ara,
Kişi aybi körme, özűrigni köra[1].

Шу ҳақиқатни эсидан чиқармаслик лозимки, мумтоз адабиётимизда ва унинг таркибий қисми бўлган тасаввуф адабиётида ҳам Аллоҳ таоло яратган борлиқ – оламга нафрат билан қараш, илм-маърифатга соҳиб кишилардан қочишга ундовчи бир ғоя ёки йўналиш бўлмаган. Табиий савол туғилади: собиқ совет давлати мафкураси ва синфийлик, партиявийлик қонун-қоидаларига ёпишиб олган адабиётшуносликда "дунёқараши гуманистик ҳақиқатлардан мутлақо йироқ", "ўтакетган таркидунёчи" дея айбланган Аҳмад Яссавий, ул зотнинг Сулаймон Боқирғоний, Сўфи Оллоёр сингари ориф издошларининг маънавий-руҳий олами XX аср одамлариникига қараганда саёз, бефайз ва чекланган бўлганми? Афсуски, бу саволга жавоб беришда ночорлик ва имконсизлигини яшириш учун қаллоблик, саводсизлик "яроғи"ни қўлдан қўймайдиганлар ҳали анча вақт учраб туради. Сабаб нима?

Вақтида англанмаган ҳақиқат ва ўз фурсатида илгари сурилмаган фикр-мулоҳаза баъзан жиддий муаммо, ортиқча англашмовчиликларни пайдо қилади. Агар ўша мустабид шўро замонида Алишер Навоийнинг "пири Туркистон" Хожа Аҳмад Яссавийнинг тарихий сиймоси ва ирфоний маслагини назарда тутиб:

Турк пири киби оламдин этакни силкинг,
Дўстдин ғайри таманнои висол айламангиз, –

деган фикр-кўрсатмасини, ҳеч бўлмаганда бир-икки навоийшунос холис қабул қилиб, Яссавийнинг "оламдан этакни силкиш" тушунчасини тўғри изоҳлаганда қанчадан-қанча уйдирма ва бўҳтон гаплар одамларни анча узоқ пайт чалғитиб юрмасди.

Илғор сўфийларнинг нуқтаи назарига кўра, "дунё" ва "олам" дея ёмонланадиган мавжудлик ҳақиқатни билиш, мушоҳада этишда Аллоҳ билан инсон орасида тўсиқлик

[1] Ю с у ф Х о с Ҳ о ж и б. Қутадғу билиг. Истанбул, 2008. 620–621-бетлар.

қилгувчи нарсалар бўлиб, улардан йироқлашиш жоиз. Ваҳдати вужудчиларга кўра эса асл вужудга нисбатан даҳр, борлиқ ёхуд олам бир кўлка – соя мавқеидадурки, улар ҳатто камситиш нигоҳи билан қарашга ҳам арзимайди. Шоир, мутафаккир, мутасаввиф, файласуф ва маломат кайфиятига соҳиб Навоий буларни яхши англаган, албатта. Шунга қарамасдан, улуғ шоир даҳр, дунё, жаҳоннинг хилма-хил ёмонликлари, бири иккинчисидан тубан ҳийла-найрангларидан одамларни огоҳлантириб, таркидунёчилик мазмунидаги фикрларни қатъият ила илгари сурган. Бир ғазалида у:

Эй Навоий, тарки дунё айла, иззат истасанг, –
Ким, мазаллат келди саъй анинг таманноси учун (БВ, 483), –

деса, бошқа бирида:

Ком вақти тарки дунё айлаган топмиш ҳаёт,
Йўқса етконда ажал худкому ноком айламиш (НШ, 252), –,

дейди. “Ғаройиб ус-сиғар”даги 22-ғазалда шоир яна ҳам кескин хулосага келади:

Ҳақ тилар бўлсанг, Навоий, силк дунёдин этак,
Ишқинг ўлса пок, ўзни қўйма бу мурдор аро.

Булар шунчаки шоирона гап ёхуд хаёллар эмас, албатта. Тарки дунёни Навоий энг жиддий, гоҳо ҳаёт-мамот масаласи даражасига кўтаради. Унинг хулосаси бўйича, “Дунё дор ул-ҳаводисдур ва анга кўнгул боғламоққа ғафлат боисдур. Олам умрдек бевафодур ва анинг давлатиға эътимод қилмоқ хато”[1]. Мутафаккир шоир “Муншаот”даги мактублардан бирида ўша “ғафлат” ва “хато”ни нисбатан кенгроқ изоҳлаб дейди: “Даврон базмида ким бир мурод жоми ичтиким, сўнгра юз номуродлиғ хуноби сумурмади ва сипеҳр анжуманида ким бир иззат маснадиға мутамаккин бўлдиким, оқибат юз мазаллат туфроғига ўлурмади; абнойи замонға ким бир вафо гули очтиким, алардин юз жафо тикани бағриға сончилмади; аҳиббойи давронға ким бир муҳаббат эшиги очтиким, алардин юзига юз адоват абвоби очилмади. Даҳр бозорининг нақди рўйандуддур ва айём жашнининг шаҳди заҳролуд. Бу жиҳатдин кўзларин басират шамъи ёрутқонлар дунё сори кўз солмайдурлар ва кўнгулларин ҳидоят зилоли оритғонлар олам меҳрини зарраи кўнгулга олмайдурлар”[2].

Бу гаплар тафаккур соҳибларида ўша даврларда ҳам эътироз ё иштибоҳ туғдирмаган, бугун ҳам туғдирмайди. Ҳаётда беҳуда азият чекиб, алданиб юрмаслик учун шоир тарк аҳли сафига қўшилишни тавсия этади:

Фард бўлким, ул киши дунёда бўлмиш аҳли тарк –
Ким, фано йўлида тарки аҳли дунё айламиш (НН, 314),

Хўш, бу сўзларни қандай тушуниш мумкин? Уларни Навоий дунёқарашининг чекланган ва эскирган қирралари сифатида тавсифлаш билан бирор нарсага эришиб бўладими?

Навоий “Лисон ут-тайр” достонида: “Ким дедим узлат эшигин очқамен, Даҳри бемаъни элидин қочқаман”, дейди. Бемаъни даҳрнинг одамларидан маъни кутиб бўлмаганидек, уларнинг авом, яъни “аҳли суврат” савиясида эканлигидан ҳам албатта кўз юмиб бўлмайди.

[1] А л и ш е р Н а в о и й. Мукаммал асарлар тўплами. 14-жилд. Маҳбуб ул-қулуб. Тошкент: Фан, 1998. 95-бет.
[2] А л и ш е р Н а в о и й. Мукаммал асарлар тўплами. 14-жилд. Муншаот. Тошкент, 1998. 211-бет.

Навоий ана шундай дунё ва унинг вакилларидан йироқлашиш тарафдори. У “Дунё сори ҳирс ҳар ямондин ортуқ, тарк этмак ани кавну макондин ортуқ” деганда ҳам ҳирс қўзғовчи ва ҳорис, юлғич, каззоблар тўдасига қўшувчи оламни назарда тутган. Бу – масаланинг бир томони. Унинг сирлироқ иккинчи жиҳати янада муҳим. Ирфоний талқинга кўра, оламда етти турли мавжудлик бордир: биринчиси – малак, иккинчиси – жон, учинчиси – маъдан, тўртинчиси – ўсимлик, бешинчиси – ҳайвон. Мулк олами ниҳоясига етгач, олтинчи жинс ўлароқ инсон яратилган. Инсоний жисмлар орасида зоҳир бўлган илк борлик Ҳазрати Одам эди.

Ибн Арабийнинг айтишича, баъзилар уни бир латифа (латифлик) деса, бошқалар бир жисм дейишган. Айримлар эса инсон латифлик ва жисмнинг бирлигидан таркиб топган дея хулоса билдиришган. Кўпчилик мутасаввифлар шу нуқтаи назарни қўллашган. Чунки инсон оламнинг руҳи, олам эса жасаддир. Инсондан айри тарзда оламга нигоҳ ташланса, у руҳсиз ва теп-текис бир жисм сифатида кўринади. Вужуднинг мукаммаллиги руҳ билан бўлганидек, оламнинг мукаммаллиги ҳам инсон билан. Зеро, олам инсон шарофати туфайли камолга етишганлигига қарамай, инсон олам орқали камолга эришмаганлигини ёддан чиқармаслик зарур[1]. Шу боис Навоий “олам ғами”дан кўра “бани одам ғами”ни устун қўяди. “Олам аҳли кўнглида олам ғами, худ будур кўпрак бани одам ғами”.

Демак, комил инсоннинг мавқеи ва қадр-қимматига нисбатан қаралганда тарки олам улкан йўқотиш ёки фожиали ажралиш ҳисобланмайди. Аксинча, инсоннинг комиллик мартабаларига чиқиши борлиқ – оламнинг аҳволига ижобий таъсир ўтказади. Бундан келиб чиқадиган хулоса шундай: Навоий талқинларидаги тарки дунё ғоясини аҳли дунё таъбиридан ажратмай, бир бутунликда олиб қараш керак. Чунки гуманист шоир асосий ўринларда даҳр, дунё, олам ёки жаҳонни шахслантириб, инсонга хос энг салбий, паст сифатларни уларга нисбат бериб, одам орқали гўё оламга ўтиб, ўқувчини чуқур мулоҳазага чорлайди:

Бу даҳр ажузеки, вафоси йўқ анинг,
Бир фоҳишадекдурки, ҳаёси йўқ анинг.
Дема муниким, айбу хатоси йўқ анинг,
Айби бас эрур буким, бақоси йўқ анинг.

Маълумки, комил инсон тушунчасини ёритиш ва талқин қилишда Шарқда иккита назарияга таянилган. Биринчиси – фалсафий назария бўлиб, унга кўра, инсон жинси илоҳий сифатлар тажаллий қилган оламдаги энг комил борликдир. Илоҳий камолотлар фақат комил инсонда, унинг воситаси билан эса жамланиб, йиғилган ҳолда зуҳурланади. Иккинчиси – сўфийлик назарияси. Ушбу назария бўйича, “комил инсон” деб номланган ориф зотлар кашф мартабаларидан бирида Ҳақнинг зотий хусусиятларини завқан идрок этишади. Бунга тўла ишонч ҳосил бўлгандан сўнг улар ўзи ва Аллоҳ тўғрисида мукаммал бир илмга эришишади. Чунки фақат ўзини билган комил инсон Аллоҳни ҳам англаш ва танишга муваффақ бўлади.

Навоий бир шеърида “Эй кўнгул, ҳар макр ила қочсанг улустин шукр қил, Ҳар вафоға минг жафо тортиб қутулсанг муфт бил” (НШ, 374) деса, бошқа бирида “Олам аҳлидин вафо кўз тутмаким, ким тутса кўз, Дарду меҳнатдин холос ўлмас замоне мен киби” (ФК, 622) дейди. Танқид, шикоят, ҳасрат мазмунидаги бундай байтларга Навоий асарларида тез-тез дуч келинади. Хўш, буни қандай баҳолаш керак?

1 К а к л и к Н. Муҳйиддин Арабийнинг асарлари ва манбалари. Истанбул, 1974. 436-бет.

Алишер Навоий – Шарқнинг энг улуғ мутафаккир санъаткори. Навоий яшаб ижод этган давр, сифат эътибори билан инсонга қараш ўзгарган, инсоннинг ўзлигини таниш ва шу орқали башарий ноқислик, ожизлик ҳамда тубанликларга муросасизлик билан қараб, ҳар жиҳатдан ибратли инсоний фазилатларга соҳиб шахсларни вояга етказиш йўлида жиддий ҳаракат бошланган давр эди. Лекин бу жабҳада муваффақият қозонмоқ учун инсонни қуруқ таърифлаш, унинг ижобий, салбий хусусиятларини тавсифлаш эмас, балки унинг ўзини ўзига танитиш, турғун, мўрт, эгилувчан, ғариб ўзлигидан ўзини қутқазишга уриниш жоиз эди. Донишманд шоирнинг асарларида тахминан юздан зиёд салбий типга мансуб кимсалар хусусида баҳс юритилиши ҳам бунинг далилларидир. Мана улардан айримлари:

1. Авом (“Ё дохили зумраи хавос айла мени, Ё ранжи авомдин халос айла мени”). 2. Разл (“Чу разл ҳавсаласиздир, не тонг, агар ногоҳ етишса мукнат анга, аржуманд тутқай ўзин”). 3. Лаим (“Лаим фарқиға иқбол тожин қўймоқ, яқинки, бўлғусидур мужиби азоби анинг”). 4. Нопок (“Юз туман нопок эрдин яхшироқ Пок хотунлар аёғининг изи”). 5. Золим (“Сафиҳ золим ила бўлма хон уза ҳамдаст, Муносиб бўлмади ит чунки ҳамтабақлиққа”). 6. Фосиқ (“Фосиқмену кофири ниҳони, Каъба сафари эрур менга ҳайф”). 7. Аблаҳ (“Аблаҳ ани билки, оламдин бақо қилғай тамаъ, Аҳмақ улким, олам аҳлидин вафо қилғай тамаъ”). 8. Тамаъгир (“Эй Навоий, олам аҳлида тамаъсиз йўқ киши, Ҳар кишида бу сифат йўқтур, анга бўлғай шараф”). 9. Ҳорис (“Ҳирс офатин нафс ҳавоси билгил, Қўймоқ ани нафс муддаоси билгил”). 10. Ҳасадчи (“Ҳар кимки ҳасуд эрур сазодур ҳасади, Ҳақдин бўлғон ямон қазодур ҳасади”). 11. Ғаддор (“Ғаддорки қисмингни малолат қилди, Ғам кишваридин санга рисолат қилди”). 12. Эгри (“Ким эгри эса, тузлук эмас пояси ҳам, Бор ўзидек эгри суду сармояси ҳам”). 13. Бадхўй (“Бадхўйлик ул ваҳшат эрур шиддатдин – Ким, элга халослиқ йўқ ул ваҳшатдин”). 14. Ножинс (“Ножинс ила лутфу инбисот оз айла, Ҳампешани ҳамнишину ҳамроз айла”). 15. Нодон (“Нодонлиғ эрур элда маломатға далил, Доно улус оллида хижолатға далил”). 16. Беасл (“Беасл халойиққа сафо келди ҳаром, Ҳар ишки эрур ғайри жафо келди ҳаром”). 17. Нокасу ножинс (“Нокасу ножинс авлодин киши бўлсун дебон Чекма меҳнатким, латиф ўлмас касофат олами...”) ва ҳоказо.

Бундай бандаларнинг феъл-атвори, қилиқ-қилмишлари, совуқ ва бефайз башаралари жонли тарзда тасаввур этилса, сабр-тоқатли ҳар қандай кишининг ҳам борлиғини аллақандай таҳлика ёки кемирувчан ғашлик қуршаб олади. Гапимиз далилсиз бўлиб қолмаслиги учун чинакам одамшунос шоиримизнинг аблаҳ типининг асосий бир сифати очилган қитъасига эътиборни қаратмоқчимиз:

Умрин аблаҳ кечуруб ғафлат ила,
Нукта ўрнифаки тортар харрос.
Бир эшакдурки, тағофул юзидин
Қилғай изҳор паёпай аррос.

Ғафлатнинг аблаҳликка асосланиши, аблаҳлик эса ғофилликнинг юқори нуқтаси эканлигини тамсилий шаклда ҳеч бир шоир бунчалик ёрқин акс эттириб беролмаган.

Устод Садриддин Айнийнинг эътирофига кўра, “Хамса”даги салбий типларни Навоий ўзи мансуб замон ва муҳитдан олган[1]. Агар масаланинг бу жиҳати ҳам инобатга олинса, шоирнинг оламни “мотамкада”га нисбат бериб “Гар одам эрур бўлса керактур ғам аро, Оламда эса, бўлса керак мотам аро” дейишига унча ажабланиб бўлмайди.

Оламнинг ғамхона, мотам даргоҳи бўлишида золим давлат, адолатсиз ҳокимиятларнинг ҳам ҳиссаси бўлган. “Чархи золим”, “даҳри дун”, “жаллод дунё” иборалари орқали уларга

1 А й н и й С. Куллиёт. Жилди 11. Китоби якўм. Душанбе, 1963. С. 344–345.

ҳам муносабат акс эттирилган. Зеро, оламнинг инкори гоҳо ундаги барча мавжудликнинг инкорини қамраб олган.

Алишер Навоий дунёнинг даҳо санъаткорларига хос холислик ва инсон манфаатларини муҳофаза қилувчи ҳассослик билан мушоҳада этгани туфайли ҳам "Гар будур олам, кишига мумкин эрмас анда ком, Ҳақ магарким ком учун бошдин ёротқай оламе" деган хулосага келган. Орзу этилган шундай бир олам яратилди ҳам дейлик. Инсон қавми унда мурод-мақсадига етиб, хотиржам, ҳузур-ҳаловатда кун кечириб билармиди? Йўқ, албатта. Чунки жаҳондаги башарий зиддият, ноҳақлик, кулфат ва бахтсизликларнинг илдизи ёки туб асоси одам табиатида бўлиб, унинг нафси, хулқи, қалби ва тафаккурини улардан қутқазиш қадар оғир, кўпинча ҳатто бесамар уриниш йўқдир. Айрим бир миллат, халқ ва элатнинг эмас, умуман башариятнинг аҳволи шундай ва бунинг сабабларини изоҳловчи фикр-мулоҳазалар ҳам бисёр.

"Кўпчилик инсонлар, – дейди ҳинд файласуфи ва илоҳиётчиси Кришнамутри, – миллион йиллар аввал қандай бўлган бўлса, ҳозир ҳам қарийб ўша-ўша: беҳад бахил, ҳасадчи, жанжалкаш, сурбет, субутсиз ва шубҳачидир... Биз меҳр ва адоват, қўрқув ва шафқат, зулм ва адолатнинг даҳшатли қоришмасимиз"[1].

Бундай очиқ ва аччиқ танқидий гапларни ҳамма ҳам қабул қилмаслиги, кимлардир уларга ҳатто чидамаслиги ҳам мумкин. Аммо бундай муносабат инсоннинг энг ижобий фазилат ва хислатларини тўғри кўриб, тўғри қадрлашга ҳам хизмат этолмайди. Адабиётдаги психологик ночорлик ғоявий-бадиий саёзликка бир сабаб ҳам ана "кўнгилчан"лик ҳолатидир.

Туйғу ва маъно тўғрилик, диёнат тупроғидан маърифат ва ҳақиқат қўли билан қорилган бўлса, ҳеч қачон улар бадбинлик, тушкунлик, турғунликка ҳисса қўшмайди. Навоийнинг олам ва одам ҳақидаги фикр-мулоҳазаларида бу ҳол тўла сезилиб туради. Шу боис ҳам улар ўқувчини инсон ва инсонийлик дунёсини бутун мураккаблиги, оғриқ ва қийноқлари билан ўрганиш, ҳаққоний хулосалар чиқаришга чорлайди.

Тўғри, илм, маърифат ва ишқ билан инсон эришган комилликни Навоий коинот миқёсида баҳолаб, "Тўрт унсур, етти кўк, олти жиҳот // Нодиру олий асоси коинот // Барчадин ашрафки ул инсон эрур // Ким камолида хирад ҳайрон эрур"[2] деган ва бу ҳукмидан ҳеч тонмаган. Лекин чин санъаткорлик эҳтироси шундай бир порлоқ кучки, ижодкор қалбида у инсонга тегишли барча ҳақиқатларни ростлик ойнасида акс эттириш эҳтиёжини собитлаштиради. Ижодининг дастлабки босқичлариданоқ бу куч ва эҳтиёжга содиқлигини исботлаган Навоий Самарқанддан устози Саййид Ҳасан Ардашерга ёзган шеърий мактубида Хуросон ахлоқий муҳити ва аҳолисининг аҳволи тўғрисида энг реалист адиб ҳам айтавермайдиган фикрларни изҳор этган:

Элида кишиликдан осор йўқ,
Шароратдин ўзга падидор йўқ.

Не эл, не киши, балки шайтону дев,
Келиб барчаға даъб бедоду рев...

Қора пул учун айлабон қатл фан,
Ўликтин тамаъ айлаб аммо кафан[3].

---

[1] К р и ш н а м у р т и Дж. Свабода от известного. Киев, 1991. С. 6.
[2] А л и ш е р Н а в о и й. Мукаммал асарлар тўплами. 12-жилд. Лисон ут-тайр. Тошкент: Фан, 1996. 250–251-бетлар.
[3] А л и ш е р Н а в о и й. Мукаммал асарлар тўплами. 3-жилд. Ғаройиб ус-сиғар. Тошкент: Фан, 1988. 532-бет.

Мавлоно Жалолиддин Румийда “Хешро софи кун аз авсофи худ, то бибини зоти поки худ” – “Агар ўз зоти покнинг кўраман десанг, ўзингни ўз нафсоний сифатларингдан тозала”, деган фикр бор. Шу маънода Навоий Румийга ҳамфикр: “Авомдин, демаким ўзни қутқарай, эр эсанг ўзингдин ўзни қутулмоққа жаҳд қилғил хос”. Ҳақиқатда бу хос уриниш ва инсоний софликни юзага келтирадиган маънавий-ахлоқий тажрибадир. Бироқ фоний дунё бу тажриба ва натижалар билан айтарли қизиқмайди. “Соф одамийлик, – дейди машҳур рус файласуфи Н.Бердяев, – ўртамиёна кимса учун бегона, кераксиз ва йироқ нарса. Покиза инсонийлик – илоҳий ва Аллоҳнинг хоҳиш-иродаси билан эришиладиган мақом”[1]. Буни эгаллаш сири эса Навоийда қуйидагича ифодаланган: “Дўст васлин топмаған дунёву уқбодин кечиб, Ушбу дардингға Навоий ҳолин истишҳод бил” (ҒС, 364).

Ўзбек тили ва адабиёти, 2017 йил 2-сон

[1] Бердяев Н. Само познание. М., 1991. С. 313.

НАВОИЙ ИЖОДИДА “АДАМ ВА ВУЖУД” ФАЛСАФАСИ

Аслини олганда, ориф ижодкорда зоҳирий ҳис, майл ва қизиқиш кучли бўлмайди. Чунки нимадан илҳомланиб, нимадан ҳайратланса, айтарли ҳаммасини у ғайб ва ботиндан топади. Шу маънода ҳам илоҳий, ҳам дунёвий ҳақиқатларнинг бош манбаи ориф санъаткор сийратида бўлиб, ташқи дунёдаги воқеа, ҳодиса ёхуд манзаралар унинг учун бир рамз ё мажоздир. Бу эса унга ҳамма кўрган, ҳамма биладиган нарсалардан сўз юритмаслик, гўзаллик ва гўзаллик жозибасини сийратидан ажралган ҳолда тасаввур этолмаслик кўникмасини шакллантиргани. Орифтаъб шоир жамият ва жамият аъзолари ҳолидан таъсирлангани учун эмас, балки уларнинг маънавий-руҳий аҳволига таъсир ўтказиш илҳоми билан асар яратади. Бундай ижод намуналари билан танишган ўқувчи, ўзи истасин-истамасин, зоҳирдан ботинни, сийратдан суврат сирларини англаш ва тасаввур қилишни истайди.

Йўқлик ва борлиқ, фано ва бақо – оламнинг азалий ҳамда абадий сарҳадларидир. Инсон борлиқдан келиб яна борлиққа эмас, адамдан келиб адамга, яъни йўқликдан йўқликка қайта сафар қилади. Ушбу такрорсиз сафар тасаввуф адабиёти намояндалари учун ҳам, Алишер Навоий сингари мутасаввиф ва мутафаккир даҳолар учун ҳам оддий одамларнинг хаёлига келавермайдиган сирли маъно ва ҳолатлар тасвирига кенг йўл очган. Буни улуғ шоирнинг “адам ва вужуд” мавзуидаги мисраларидан ҳам англаш мумкин. “Хамса” достонларидан бирида:

Адамдин сенга берди аввал вужуд,
Нобудингни қилди карам бирла буд, –

дейилса, бошқа достонда Аллоҳ ва одам муносабатини изоҳловчи шундай сатрлар битилган:

Йўқ эди одамни бор эттинг,
Кишилик бирла эътибор эттинг.

Йўқ ҳам этсанг ани-ўқ этгунгдур,
Бор қилғунгдуру йўқ этгунгдур.

Адам эрканда айламак мавжуд
Бўлса мавжуд қилмоғинг нобуд.

Не учун эрконин киши билмас –
Ки ҳар неки ҳақ иши билмас.

Ҳақиқатдан ҳам шундай: Аллоҳ таолонинг ишларидан ҳеч вақт бандаси аниқ воқиф бўлолмайди: илоҳий тадқиқ йўли унинг учун буюк Сир ҳижоби билан беркитилган. Аммо ҳақиқий қуллик ила шарафланган ҳар бир банда моддий зарурият, башарий эҳтиёж тасарруфидаги “мен” лигини ишқ ва ирфон орқали ўзгартириш, ҳатто уни тубдан янгилашга мажбурдир. Қадим Шарқда маънавий валодат – иккинчи туғилиш дейилган бу ҳодисага Исо алайҳиссаломнинг “Икки бора таваллуд топмаган малакут самосига юксалолмайди”, деган гапи асос бўлган.

Муршид, шайх, пир, устод раҳнамолигида воқе бўлажак ушбу валодатда, аввало, вужуд аъзолари ўрганилиб, кейин нафсни таниш, ахлоқ ва иродани қувватлантириш, қалб софлиги ҳамда руҳ тазкиясига эътибор қаратилган. Тариқатда булар суҳбат шайхи, таълим шайхи, тарбия шайхи деб аталган зотларнинг йўл-йўриқлари бўйича амалга оширилгач, онг ва вужуддаги кўпдан-кўп ноқислик, ёмонлик, чиркинликларни фақри фано ҳоли четга суриб ташлаган. Бусиз ҳурлик завқи ва ҳол сафосини идрок айлашнинг ҳеч иложи йўқдир. Одам олий латифликни ўз ботинидан топмас экан, табиатини ислоҳ этишда унга ҳеч ким ёрдам беролмайди. Мазкур анфусий тажрибани Навоий аниқ ва лўнда қилиб:

Ўз вужудингга тафаккур айлагил,
Ҳар не истарсан ўзингдин истагил, –

дея баён айлаган. Вужуд тафаккури эса ишқ ва маърифат соҳибларини охир-оқибатда ваҳдати вужуд идеалига илҳомлантирган.

Инсон қаёндин келиб, қандоқ яшаб, қаёнга қайтишини англаш учун ҳам адам ва вужуд сир-асроридан воқиф бўлмоғи лозим. Бу эса одамнинг ўз ички олами, шахслик истиқболи ва умр мазмунини нисбатан аниқроқ ҳис этиш жиҳатидан-да аҳамиятлидир. Қолаверса, Адам ва Вужуд Шарқ тасаввуфи каби сўфийлик адабиётида ҳам алоҳида бир мавзу ўлароқ талқин қилиб борилган. Аммо партиявийлик, синфийлик таълимотига таянган, бадиий ижодни фақат зоҳирий илм мантиғи ва рационал қарашлар доирасида ўрганган адабиётшунослик маънавий-руҳоний ва илоҳий ушбу моҳиятдан ҳам ўзини бенасиб этган эди. Бу ҳолат бошқа хорижий мамлакат адабиётшунослигида ҳам кўзга ташланишини инсоф юзасидан эслатиб ўтиш жоиз. Шу маънода бир мисолга эътиборни қаратмоқчимиз.

Туркиялик бир олим рубоийнавислар султони Умар Хайёмни “пессимист, нигилист, материалист ва атеист”ликда айблаб, унинг қуйидаги рубоийсига диққатни тортади:

Дунё диди ва ҳар чи диди ҳеч аст,
В-он низ, ки гуфтиву шуниди ҳеч аст.
Сартосар офоқ давиди ҳечаст,
В-он низ дар хона хариди ҳеч аст.

Мазмуни: “Дунёни кўрдинг ва ундаги ҳар нарсани назардан ўткардинг, ҳаммаси ҳечдир. Сўзлаганларинг, тинглаганларинг ҳам ҳечдан бошқа бир нима эмас. Оламнинг у бошидан бу бошигача югур – бу ҳам ҳечдир. Сотиб олган ашёлар қуршовида мамнун яшасанг ҳамки ҳечдир”.

Адам, яъни йўқлик ҳоли билан битилган бу рубоийда борлиқ – вужуд йўқликдан яратилган ва яна аслига (адамга) қайтади, деган фикр илгари сурилган. Буюк файласуф шоир бошқа бир рубоийсида ёзади:

Пок аз адам омадему нопок шудем,
Шодон ба дар омадему ғамнок шудем.
Будем чу оби дида дар оташи дил,
Додем ба бод умру дар хок шудем.

Мазмуни: “Адамдан пок келдигу, нопок бўлдик. Эшикка нолон етишдигу, ғамнок бўлдик. Дил оташи учун кўз ёши эдик. Умрни елга бердигу, тупроққа қоришдик”.

Бу тўртликда илоҳий манба ва маншаидан ажратиб, ҳеч нарсанинг боқийлигига кафолат бериб бўлмайди, деган ғояга таянилган. Мирзо Бедилнинг “Ирфон” асаридаги “Адам бўлмагунча, жаҳон бўлолмайсан, Туфроқ бўлмасдан, жисми жон бўлмассан”, деган сўзлари ҳам Хайём гапларини қувватлайди:

То нагарди адам, жаҳон нашави,
Хок нагашта жисми жон нашави...

Алишер Навоий “Маҳбуб ул-қулуб”да инсоннинг яратилишини шунга муқобил равишда изоҳлаб, “Ҳар ким адам ниҳонхонасидан вужуд анжуманиға қадам урубтур ва бу бақосиз оромгоҳда бир нафас ўлтирибтур...”, дейди. “Бу бақосиз оромгоҳда” кун кечиришда адашиб, ғафлат чоҳига қуламаслик учун ҳам адамни унутмаслик зарур. Чунки у вужуд замини, борлиқни юзага келтирган асос, мавжудликнинг кўринмас, яъни пинҳоний тамалидир. Адам тушунчаси ва хаёлига ўхшаб, адам шуури ва ҳоли ҳам ниҳоятда тоза ва сирли. Зеро, боқий гўзаллик, нафислик ва мусаффолик ундан тазаҳҳур этган. Навоий буни адам вилояти (“Чу дарди ишқ биёбонларини қилдим қатъ, Адам вилоятидин нари юз хатар топтим”), адам иқлими (“Шоми ҳижронки, ғоятсиз эрур тийралиги, Адам иқлимиға ул келди саводи аъзам”), адам кишвари (“Анга доғи элдин етиб интиқом, Адам кишвари сори қилди хиром”), адам саҳроси (“Ишқ ила топтим адам саҳросидин мулки вужуд, Ошиқ ўлдум дард қилғунча вужудумни адам”) каби иборалар билан ифодалайди. Бироқ булар асосан ўлим, нариги дунё, охират мазмунида тушунилиб, бадиий матн моҳияти билан боғланмайдиган ижтимоий-сиёсий фикр-мулоҳазаларни илгари суришга сабаб бўлган. Мана бир мисол:

Олам бор эмиш, Навоиё, шўрангиз,
Олам доғи боштин-аёғ рангомиз.
Ишқ истар эмиш сени адам мисри сори
Борғилки, эрур эл тилаган ерда азиз.

“Навоий бу рубоийда, – дейилади бир китобда, – феодал тузум ҳукмронлик қилган жамиятдаги тартибсизликлар, ғавғолар, бир-бирини эзишлар ҳақида ўз-ўзига хитоб қилмоқда; ҳаёт ташвишларидан тинкаси қуриган Навоий одамларнинг бир-бирига муносабати, феъл-атворининг, яхши эмаслигини кўрмоқда. Бундан қутулиш учун ишқ шоирга “адам мисри” – йўқлик мамлакати сори, яъни у дунёга кетишни маслаҳат беради. Шоир бунга жавобан эса, ҳа, тўғри, “одам тилаган ерда азиз”, деб халқ мақоли билан киноя қилади”.

Бунга монанд фикрлар бошқа навоийшунослар томонидан ҳам ўртага ташланган. Адам калимасининг луғавий маъноси билан бирга унинг истилоҳий-ирфоний мазмунига қизиқилганда, юқоридаги сингари ҳозир ҳам учраётган хулосалар илгари сурилмасди. Кашф аҳлининг кафолоти бўйича, кимда-ким адамни мушоҳада қилиб, хаёлан ундан жой топа билса, дунёнинг асл ва асосидан бир робитага ноил бўлади. Бунинг аксини қилиб, кимки йўқликни унутиб, борлиққа ёпишса, ғайб файзидан бенасиб қолади. Навоий бундай қисматни бандасига раво кўрмасди. Зеро, у инсон ўз мавжудлигини “адам ўлмоқ ила” тафаккур этиб, фано йўлини танлаш тарафдори эди:

Эй Навоий, вужуд ҳарфини унут,
Адам ўлмоқ ила фано йўлин тут.

Маълумки, фано салафлари каби Навоий шеъриятининг ҳам асосий муаммо ва мавзуларидан бири. Тасаввуф илмининг билимдони Абдулкарим Қушайрий фанони учга ажратади: илк фано – бу қулнинг башарий хусусият ва ёмон сифатларидан халос бўлиши. Буни Навоий "ўзлик иморатин" бузиш деб таърифлайди:

Кимки ўзлук иморатин бузди,
Бўлди нақди фано анинг музди...

Иккинчи фано – бу жамоли мутлақни томоша айлайдиган ошиқнинг Ҳақ сифатларидан ҳам фоний бўлиши. Навоийнинг юзлаб ғазалларида ана шу фано ҳолининг сирлари кашф этилган. Учинчи фано – бу Ҳақ борлиғига ўзини бағишлаган соликнинг фанолигини кўришдан ҳам юксалиши, яъни борлиқ – оламни ақли кулл билан мушоҳада айлаши. Шу ҳолатдаги ориф, фақир, ошиқ ва дарвешнинг тажрибаси юқорида изоҳлаб ўтилган янги маънавий "мен"нинг тўла шаклланишини тасдиқлайди.

Адам фанонинг ахлоқий томони билан бирга метафизик жиҳатини бирлаштирадиган муҳташам бир тушунча. Адам ватанларнинг ватани, барча гўзалликларнинг сарманзили, ишқ ва ошиқликнинг руҳоний мамлакатидир. Алишер Навоий "Фавоид ул-кибар" девонидаги ғазалларидан бирида:

Қочиб адамға борай ақлу фаҳму доништдин,
Ватан борида бу ёт эл аро не бор менга? –

дея бежиз савол қўймаган.

Маърифий нуқтаи назар бўйича, барча илоҳий сифат, хислат ва фазилатлар Тангри гўзаллигида мавжуд бўлган. Аммо ўша гўзалликни кўрадиган на бир кўз, ундан завқланадиган на бир кўнгил бўлган. Шунинг учун ҳам сўнгсиз ва тенгсиз гўзал Тангри уни кўрадиган кўзлар, ёниб-куйиб севувчи кўнгилларга муштоқ эди. Аллоҳ таолода яратиш эҳтиёжи ана шундан пайдо бўлганди. Коинот дейилган барча борлиқ ва яратиқлар ўша гўзалликнинг адам ойнасидаги тазаҳҳуридир. Навоийнинг форсийзабон замондоши Бадриддин Ҳилолийда шундай бир байт бор:

Дони, кадом рўз адам шуд вужуди мо?
Рўзе, ки ошиқи ба вужуд омад аз адам.

Мазмуни: "Бизнинг вужудимиз қайси кун мавҳ бўлганини биласанми? Ўша кун ошиқлик адамдан вужудга келган кун эди".

Шунинг учун ишқ ва ошиқлик охиригача кашф этиб бўлмас ва ёзган билан ниҳояси кўринмас бир тарихдир. Адам – оламшумул сир, тенгсиз жозиба билан йўғрилган шу тарихнинг ибтидоси. Ибтидони билган интиҳо ҳақиқатларини осон ўзлаштиради. Шарқ мутасаввиф шоирларининг ҳаёт ва воқеликни бўшлиқ ҳоли ва тасаввуридан ажратмай талқин этишларида катта маъно бор. Биринчидан, бу банданинг ўзини таниш, яъни салбий сифатлардан фориғ бўлишга ёрдам беради. Иккинчидан, боқий ватан иштиёқи ва ҳижронини хотирлаб, ҳар кун, ҳар соатни ғанимат билиб фаол яшашга ундайди. Учинчидан, на бир фанолик, на жисмоний ўлим инсонни бенасиб этолмайдиган боқий ҳақиқатларга умрни бағишлашга шавқлантиради. Аммо масалага ҳар жиҳатдан кенг ва теран ёндашилса, одамда адамга нисбатан руҳий бир соғинч борлигидан кўз юмиб бўлмайди. Шу ҳақиқатни инобатга олиб Навоий:

Ишқ ила топдим адам саҳросидин мулки вужуд,
Ошиқ ўлдум дард қилғунча вужудимни адам, –

деган эди. Чин ошиқ эса ҳеч қачон ўлмайди. Негаки у, вақт ва замонни ҳам адамга таслим қила билган:

Бурунғу куну тонгладин урма даме –
Ки, ул бир адамдур, бу дағи адам.

Навоий нима учун адамни кўп шарафлаб, ундан маъно излайди? Вужуд – коинот, борлиқ, ҳаёт абадияти ва буларнинг бағридаги инсон манфаати учун. Моддий макон ва замон қадр-қийматига Навоий ортиқча баҳо бермайди. Айни пайтда зоҳирни ботинга, сийратни сувратга қарши ҳам қўймайди. Улуғ мутафаккир шоирнинг адам ва вужуд фалсафаси мутлақо ҳаётий, умумбашарий, ҳусни мутлақни севиш, ҳамма кори ҳолда, аввало, Унга таянишга йўналтирадиган шавқли ҳикматдир. Шунинг учун ҳам Навоийнинг тенгсиз издоши Муҳаммад Фузулий бир шеърида ўқувчига:

Ломакон сайрининг азиматин эт,
Бу хароб ўлажак макондан кеч...
Масканинг базмгоҳи ваҳдатдур,
Эй Фузулий, бу хокдондан кеч, –

дея мурожаат этганди.

Маълумки, тасаввуфшунослар “инсон қавми вужуди орқали ҳайвонлар оламига, руҳи билан малаклар дунёсига боғланади” деган фикрни билдиришган. Руҳоний имкони кенг, завқи кучли зотларнинг ғайбий илм ва мушоҳада сирларини осон ўзлаштиришганига бир сабаб ҳам ана шу. Руҳнинг нола ва наволарида Навоий сўз билан айтиши имкони бўлмаган оламшумул сирларни очар экан, мавжудликни руҳоний ватандан асло ажратиб бўлмаслигига ўқувчини инонтириб қолмасдан, шеър тили, ишқ шавқи билан кўнгилни поклайди, азалий ҳамда абадий гўзаллик идрокига алоҳида таъсир ўтказади. Бу эса энг муҳими.

Ўзбек тили ва адабиёти, 2018 йил 1-сон

НАВОИЙ ШЕЪРИЯТИДА ЭР ВА ЭРАН ОБРАЗИ

Маълумки, жаҳондаги айтарли ҳар бир халқ, эл ва миллатнинг ўзига хос феъл-атвори, асосий фазилатини ифодалайдиган сўз, истилоҳ ва тимсоллари бўлади. Эр киши, эркак, мард, аскар, баҳодир, ҳимматли, илоҳий файз ва хосият соҳиби, раҳнамо каби ўнлаб маъноларда қўлланиб келган эр ва эран сўзи туркий халқлар тили ва тарихида шундай мавқега эгадир. Бошқасини айтмаганда ҳам туркий ёзма ва оғзаки адабиётдан эр, эран, алп эран, ғайб эранлари образлари четга сурилса, унинг нафақат миллий-тарбиявий, балки умуминсоний моҳияти ҳам кучсизланиб, ҳатто маҳдудлашиб қолади. Улар тилга олинганда мумтоз шеъриятдан мардлик, матонат, ҳикмат, жасорат каби боқий ҳақиқатлар ёришиб, ёлқинлашиб келгандай туюлади.

Бизнинг тахминимизга кўра, эркак сингари эр, эран сўзи ҳам эрк сўзидан туғилган. Чунки эркдан маҳрум, ҳурликдан йироқ кимсаларни ҳақиқий эркак, озод шахс деб бўлмаганидек, илоҳий туйғу ва лаёқатдан бенасиб бандаларни эранлар гуруҳига қўшиш ҳақиқатга хилофдир.

Эр ва эран ким? Буларнинг асосий хусусияти, инсоний ибрати нимада? Бу саволларга биринчилардан бўлиб донишманд адиб Аҳмад Югнакий жавоб берган. У Қуръони каримдаги “Билган билан билмаган баробарми?” (“Зумар”, 9) оятга асосланиб бундай дейди:

Биликлик, биликсиз қачон тенг бўлур?
Биликлик тиши – эр, жоҳил эр – тиши.
Сўнгакка йилик – так эранга – билик,
Эран кўрки – ақл, сўнгакнинг – йилик.

“Билимли аёл эр кишидир, билимсиз эркак эса хотиндир. Илмсиз иликсиз суякка ўхшайди, бунақа суякка эса қўл узатилмайди”.

Ушбу парчанинг иккинчи байтини Навоий “Насойим ул-муҳаббат” китобида:

Сўнггакка иликдир, эранга билик,
Биликсиз эран – ул сўнгаксиз илик,

тарзида келтириб ўтган.

Ҳақиқий қиёфадаги ориф, сўфий, абдол, аброр, дарвеш, фақир, мискин ёки ринд, ғариб, эран ким? Шарқ тасаввуфи ва сўфийлик адабиётининг асосий қаҳрамонлари ўлароқ танилган бу зотларга хос хусусий ва умумий хислат, руҳоний ҳолатлар нималардан иборат? Очиғини тан олиш керак, на илм, на ижод аҳлида мазкур саволларга жавоб топишга қатъий иштиёқ бор. Шу аҳволда илоҳий ишқ, маърифат ва ҳақиқатдан баҳс юритишни бир тасаввур қилинг. Шунақа ҳолат билан жамиятнинг маънавий-маърифий аҳволини ўзгартиришга ҳисса қўшиб бўладими?

Алишер Навоий “Ғаройиб ус-сиғар” девонидаги бир ғазалида ўзингни авомдан қутқазишни ўйлама, агар эр бўлсанг, ўзингни ўзлигингдан, яъни нафси ҳаводан халос айлашга жаҳд қил дейди:

Авомдин демаким, ўзни қутқарай эр эсанг,
Ўзингдин ўзни қутулмоққа жаҳ,д қилғил хос.

Қайси ном ёки истилоҳ билан айтилишидан қатъи назар, касби камол йўлининг аввали эрликдан, мардликдан бошланган ва тариқат тарихининг дастлабки босқичлариданоқ туркийлар маънавий пешво ва муршидни эр дейишган. Юнус Эмронинг мана бу сўзлари бунга бир далилдир:

Ўзининг билими-ла киши ҳеч манзилга етарми,
Аллоҳга восил бўлолмас эр этагин тутмагунча.

Абулқосим Ҳаким Самарқандийнинг таърифлашича, эр қандай иш билан машғул бўлмасин, кўнглини Ҳақ ишқи ва зикри билан маъмур айлай билган кишидир. Бу жуда оғир ва ҳамма ҳам уддалай олмайдиган иш бўлгани боис Навоий:

Ҳар киши эрмен дебон эрму бўлур,
Келмас ишни илкидин дерму бўлур, –

дейди. Ва руҳи нафсини мағлуб эта билган тийнати тоза, холис кишини чин эр сифатида шарафлайди:

Улдур эрким, салб этиб нафсоният,
Ғолиб этгай зотиға руҳоният.
Ҳар кишида бу шараф биззот эрур,
Ул киши поку шариф авқот эрур.

Шундай сиймоларнинг сарварларидан бири Баҳоуддин Нақшбанд эди. “Насойим ул-муҳаббат”да зикр қилинган воқеани эсланг: Кунлардан бир куни Хожа Муҳаммад Бобойи Самосий Баҳоуддиннинг ота масканларидан ўтар чоғида “Бу туфроғдан бир эр иси келадур. Қасри Ҳиндувон Қасри Орифон бўлғай” деган эканлар. Орадан бирмунча вақт ўтиб Самосийнинг халифалари Саййид Амир Кулол ўша жойга ташриф буюрганда “Ул эр исики, бизнинг димоғимизга етар эрди, ортиқроқ бўлубдур”, дебди. Бу эса Баҳоуддин Балогардоннинг туғилиш хабари эди. Буюк муршиднинг нафасидан таралган эрлик иси эса бугунгача дунё аҳлининг қалбини орзиқтириб келади.

Эрлик, эркаклик хислат ва фазилатларига Навоий такрор-такрор диққатни қаратиб, ҳар гал бири иккинчисига ўхшамайдиган янги бир фикрни ўртага ташлайди. Қитъаларидан бирида шоир ёзади:

Дебон берган киши эрдур валекин,
Демай берганга эрлик бил мусаллам.
Не деб, не берса билгил они хотун,
Дебон бермасни хотундан доғи кам.

Дунё бор экан, одамлар орасида олди-берди ёки муҳтожнинг эҳтиёжини қондириш майли бўлади. Бироқ айни шу ишда одамнинг одамлиги, мард, номард ёки ғирромлиги ҳам аниқ кўринади. Шеър шу зиддиятли ҳолат ҳақида. Унда таъкидланишича, бировга бир нимани бераман деб уни бериш мардлик, яъни эркакка хос ишдир. Шуни ҳеч нима демасдан, ҳеч кимга билдирмасдан бажариш эса чинакам эрлик – тан берса арзигулик хусусият. На деса, на берса – буни қандай баҳолаш керак? Навоийга кўра бунақа эркакни

хотин деб ҳисоблаш лозим. Негаки, унда бундайроқ аёл қадар ҳам ҳиммат ва марҳамат йўқ. Оғизда олижаноблик қилиб, аммо гапида туролмайдиган субутсизлар ким? Хотиндан ҳам паст (“Хотун дағи кам”) бадбахтлардир.

“Олам аҳли” табиатидаги қатъиятсизлик, ғирромлик, ҳис-туйғулардаги меъёрсизликлар эркаклик қуввати ғурурини емириб ташлаши мумкин. Масалан, Имом Розийнинг гувоҳлик беришича, агар қаҳру ғазаб кучайиб, чегарадан ошса, унда бадмижозлик, кибр, ғараз, ҳаёсизлик, бадбинлик, золимлик, бетамизлик, инотчилик, вафосизлик юзага чиқаркан. Агар эркак табиатида нафрат ва ғазаб жуда камайса ёхуд сусайиб кетса, ожизлик, ланжлик, мижғовлик, бахиллик, ҳосидлик ва писмиқлик томир ёзар экан[1].

Айрим маънавий-ахлоқий мавзу ёки мотивлар талқинида Навоий фақат алоҳида шахс ва ижтимоий тоифанинг эмас, балки умуммиллат тақдирини кўзда тутиб фикр юритади. Халқда ҳам эркаклик, ҳам аёллик жинси белгилари бўлган бандаларга хунаса, нар-мода дейилган. Устод Садриддин Айнийнинг шарҳлашича, моданинг зидди бўлган нар сўзи одам ва қушлар учун эмас, ҳайвонлар учун қўлланилган. Навоий нар-модалик фожиасидан ҳам кўз юммай, фавқулодда аҳамиятли бир “тажриба”дан сўзлайди. Эрликни жинсдан-да олий ва беқиёс иродий иқтидор деб билади. Мутафаккир шоир “Наводир уш-шабоб”нинг 88-ғазалида эр эсанг на эркак, на хотинга ўхшайдиган даражада қаттиқ ва қатъиятли бўлгил. Ана шунда олам аҳлига қўшилиб гоҳ нар, гоҳ мода бўлиб юрмайсан дейди:

Эр эсанг бўл сулбким, на мода бўлғунгдур, на нар,
Ўзни гар юз қатла олам аҳлидек нар-мода эт.

Бундай фикрлар Навоийда фавқ ул-башар, супер инсон орзуси бўлганлигидан далолат беради. Буни “Лисон ут-тайр”даги қуйидаги мисралар ҳам қўллаб-қувватлайди деб ўйлаймиз:

Эр кирар эр сониға ҳиммат била,
Эр эмас фахр айлаган зийнат била.
Эрга хулқу феъл эрур зебу камол,
Янги заркаш ҳулласидур эски шол...
Эр эсанг мақсуди аслий кўзлагил,
Ҳар неким сўзларсен – ондин сўзлагил.

Ўрни келганда, Навоийнинг эр образига доир талқинлари айрим хато ва чалғишларни тузатишга ёрдам беришини ҳам айтиш фойдадан холи бўлмайди, албатта. Масалан, машҳур мутасаввиф шоир Сўфи Оллоёрнинг “Сабот ул-ожизин” асарида:

Отанг эрдур, санам эрдек қилиқ қил,
Ёмонлик қилғонларга яхшилик қил, –

деган байт бор. Бунда жавонмардлик ва тантилик Одам Атодан мерос қолгани, шу боис ёмонлик ва нокасликка ҳам яхшилик ва мардлик билан жавоб беришга даъват этилган. Лекин айрим олимлар байтнинг биринчи мисрасини “Отанг ердир, санам ердек қилиқ қил» тарзида ўқиб, ерни хоксорлик, камтарлик, доимий баркамоллик намунаси деб тавсифлашган.

[1] Қаранг: Ф р а г е р Р. Қалб, нафс ва руҳ. Истанбул, 2005. 117-бет.

Она Ер – тупроқ Одам наслига айрим жиҳатлардан ибрат ва намуна бўлишини ҳеч ким инкор этмайди. Аммо бирор пайт баркамолликда у инсонга ибрат бўлмаган, бўлиши ҳам мумкин эмас. Негаки, унда фикрлаш, ўзини тушуниш қобилияти йўқ. Шунга кўра ҳам Сўфи Оллоёрнинг ерни отага нисбат бериши ишонарли эмас[1]. Буни эса биринчи галда асар матнининг ўзи тасдиқлайди.

"Сабот ул-ожизин"да инсон ва унинг тақдирига доир тарихий, ирфоний ва фалсафий фикр-мулоҳазаларнинг туб моҳиятини шоир айнан эр сўзи орқали акс эттиришни кўзлаган. Шунинг учун бу сўзнинг қўлланилиш ўрни ва мавқеи бошқаларникидан фарқланади. Донишманд шоирнинг урғулаши бўйича, эрлик сифати ва фазилати, энг аввало, пайғамбарларга, хусусан, саркори коинот Муҳаммад алайҳиссаломга хосдир:

Муҳаммадким, эрур Ҳақнинг ҳабиби,
Маосий дардининг ҳозиқ табиби.
Белин ҳиммат қўлиға боғлаб ул эр,
Ҳама нафсим деса, ул умматим дер.

Чор ёр – Абу Бакр Сиддиқ, Ҳазрати Умар, Усмон ва Ҳазрати Али ҳам пайғамбар ва нубувват маслагига содиқликларини эрлик билан намойиш қилишган:

Расул айди: ўгирсам дунёдан юз,
Хилофат бўлғай ўттиз йилгача туз.
Ул ўттуз йилда шаҳ эрди ул тўрт эр,
Алар вақтида бўстон эрди ҳар ер.

Мадомики, эрликда шунча файз, шунча хислат ва ҳикмат мавжуд экан, тариқатда ҳам эрлик шон-шавкати билан танилган муршидни топиш зарурдир.

Қачон ҳар пир билур қутлуғ йўлингни,
Таниб эр яхшисин топшир қўлингни.
Ўшал пиреки, эрнинг эри бўлғай,
Тариқат пешасининг шери бўлғай.

Хулласи калом, эрнинг эридан таълим олган инсон ерни ота деб билмасдан, вазминлик ва тамкинликда ундан ўрнак олади:

Кел, эй инсон, агар бўлсанг чин эрдек,
Оғирлик пеша қил дуняда ердек.

Бу ҳолатга соҳиб бўлишнинг асосий шартини эса Навоий нафс домидан қутулиш деб кўрсатган:

Эр ўғлиға нафси гарондин қочмоқ,
Нафъдурким, шери жаёндин қочмоқ.

[1] Бу ҳақда яна қаранг: Ҳ а қ қ у л И. "Отанг эрдур..." // Тил ва адабиёт таълими", 2012, 8-сон.

Энди эранга келадиган бўлсак, у эрдан кейин пайдо бўлган. Бу сўз “Девони луғотит турк”да эр сўзининг кўплиги бўлиб, эркаклар, баҳодирлар маъносини билдириши айтилган. Маҳмуд Кошғарийнинг таъкидлашича, эр сўзини кўпликда эран шаклида қўлланилиши кам учрайди ва бу қоидага хилофдир. “Чунки кўплик қўшимчаси аслида лар//лор тарзидадир”. Эран туркий халқлар тариқати тарихидан муқим ўрин эгаллаб, унга пири комил, сайри сулук пешвоси деб қаралган. Эраннинг ибратли хусусиятлари бошида зоҳирдан кўра ботин билан чуқур қизиқиши, сувратпарастликдан тийилиб, сийрат моҳиятини билишдан тўхтамаганлиги келади. Чунки руҳ, қалб, хотир, ишқ, ирфон масалалари бевосита сийратга тегишли. Ботин ҳаёти, яъни сийрат жараёнидан йироқлашиш инсонлик салоҳиятини таҳқирлаш ёхуд ерга қориштиришдай бир бефаҳмликдир. Хожа Аҳмад Яссавий “эранлардан Ҳақ йўлини сўрамаганлар” тўғрисида:

Пири комил мукаммилни кўрган эмас,
Ёлғончидир, ваҳдат майдин тотқони йўқ, –

дейди. Эран ва орифларнинг маънавий-ахлоқий ҳаракат ва ҳолатлари одамни хомлик, ғофиллик ҳамда катта-кичик гумроҳликлардан қутқазади. Яссавийнинг чорлови бўйича олий мақсадга етишни кўзлаганлар эранларга эргашишдан толиқмаслиги керак.

Эранларнинг орқасидан ҳаргиз қолма,
Йўлга кирган охир мурод топар, дўстлар.

Ана шу маърифий нуқтаи назар Алишер Навоий томонидан қўллаб-қувватланиб, ўзига хос зайлда давом эттирилган. Навоий ёзади: “Эранлар ҳолларин суратин ёширибтурлар ва маломат суратида наъли бозгина урубтурлар ва зоҳирлари биносин бузубтурлар ва ботинларин асосин тузубтурлар. Қазодин не келса, ўзларин ризоға ёсобтурлар ва олам аҳлининг қатиғ ранж ва ирик маломатиға чидабдурлар... Ҳақ ризосин истарда ғам еб ва қон ичибдурлар”.

Бу жумлалардан чиқариладиган хулоса шундай: биринчидан, эранлар маломатийларга ўхшаб ўз ҳол ва ҳолатларини яширин тутишган. Иккинчидан, сувратга нисбатан сийрат илоҳасини юқори қўйишган. Учинчидан, тақдир иши ва ҳукмига доимо рози бўлишган. Тўртинчидан, олам аҳлининг ранжу оқибатсизликларидан нолишмаган. Бешинчидан, Ҳақ ризосига етишиб, ҳақиқатга содиқ яшаш учун ғам чекиб қон ютишган. Ва ниҳоят, бақони фанодан излашганки, бу – энг муҳими.

Эранларнинг суҳбати орттирар маърифатни,
Жоҳиллар суҳбатидан ҳар доим қочқим келур, –

дейди Юнус Эмро. Жамиятнинг умумий об-ҳавоси, маънавий иқлимининг яхшиланишига эранлар катта ҳисса қўшишган. Навоий адабни бежиз эранларнинг зебу зевари деб кафолат бермаган:

Ҳар кимсаки адабсиздур, ишин абтар бил,
Алқисса, эранларга адаб зевар бил.

Мутафаккир шоир “Назм ул-жавоҳир”даги рубоийларидан бирида ахлоқий-психологик томондан алоҳида эътиборга молик шундай ҳақиқатни сўзлайди:

Нокаслар ишин айни касофат билгил,
Давлатларини эранга офат билгил.

Табиати тубан, бахил, ҳорис ёки лаим бандаларнинг ишида хайр бўлмаслиги ва бундан ҳар турли касофатга йўл очилиши маълум, албатта. Аммо уларнинг қўли баланд келиб, мавқеи ортишидан айнан эранларга офат, кулфат етишиш – бу ўйлаб кўриладиган ғайри ахлоқий ҳодиса. Зеро, жамиятдаги руҳоний иқлим фавқулодда ҳушёрлик, дақиқлик ва холисликни талаб қилади.

Эр ва эран образи қадимги туркий шеърият билан кейинги даврлар адабиётимизни боғлаб, ўзаро уйғунлаштириб турган олтин ҳалқадир. Навоийнинг фикр ва талқинлари уларнинг мақомини янада юксалтирганки, буни ҳар жиҳатдан ўрганиш зарур.

Ўзбек тили ва адабиёти
2019 йил 1-сон

ҲАДИС ВА ТАЛҚИН МАҲОРАТИ

Ҳақ ва ҳақиқатни англашда хато қилиш, адашиш, яшашда турли-туман чалғишларни бошдан ўтказиш башариятнинг азалий ва меросий ҳолатидир. Шунинг учун қадим ул-айёмдан буён ёмонлик яхшилик билан, ёвузлик ва зулм эзгулик ва одиллик билан мавқе талашиб келади. Қизиғи шундаки, ҳар икки томон ҳам инсонга, унинг ички имкониятларига таянади. Бу имкониятларнинг таянч манбаи эса нафсдир. Ақл, ахлоқ, идрок ва кўнгил нафсга таъсир ўтказа билмаслиги мумкин, аммо буларнинг барисига нафс таъсир ўтказа олади. Демак, одамнинг маънавий-ахлоқий бузилиши ва таназзули шундан бошланиб, шу жойда тугайди. Донишманд Сўфи Оллоёр шуни назарда тутиб:

Агар нафсинг сени етмиш бошингдин,
На бўлғай фойда сенинг етмиш ёшингдин.

Агар нафсинг муродин изламаксан,
Агар саксонга умринг етса саксан,–

дейди. Яъни: Агар нафсинг бошингни еб, сени қурбон қилган бўлса, етмиш йил яшасанг ҳам бефойда. Мабодо унинг изму фармойишидан чиқолмай, саксон йил умр кечирсанг ҳам сан ўша-ўша итсан. Дарҳақиқат, диний-тасаввуфий нуқтаи назар бўйича нафс муаммоси вақтида ҳал этилмаса, инсон на ахлоқ, на маънавият ва на тафаккурда тугал натижа ва янги бир фикрга эриша олмайди.

Инсон нафсини танишда адашдими, асосий ҳамма нарсада, ҳатто Аллоҳни танишда ҳам у адашади. Бу фожиадан халос бўлишнинг энг дахлсиз ва нажотбахш чораси Расули акрам (сав)нинг “Нафсини билган Роббини билур” ҳадисларинингг мағзини чақиш, нафсга таслим бўлмасликда Ҳақдан мадад тилашдир. Ушбу ҳадис комиллик мартабаларини эгал-

лашда қанча кучли таъсир ўтказган бўлса, тасаввуф ва тасаввуф адабиёти ривожида ҳам бетакрор аҳамият касб этган. Масалан, сўфийлик ва сўфийлик адабиёти ҳаракатига катта ҳисса қўшган "Бу дунёда ғариб ё мусофир каби яшанг!", "Ўлмасдан бурун ўлинг!", "Фақирлик фахримдир!" каби ҳадислар ана ўша ҳадис асосида дунёга келган. Шу ўринда бир масалага аниқлик киритиб ўтсак. Айрим олимлар мазкур ҳадислар пайғамбарники эканига шубҳа билдиришган. Аслида мутасаввиф олим ва ижодкорларнинг асарларида иштибоҳга умуман ўрин қолдирмайдиган ўнлаб далиллар мавжуд. Сўфи Оллоёр ёзади:

Фақирни билма кам дунё элидин,
Ҳадиси келди пайғамбар тилидин.
Деди: "Ал-фақру фахри", яъни ул шоҳ
Нечун ортуқ кўрарсен ҳашмату жоҳ.

Сўфи Оллоёр зўр мутасаввиф шоир бўлиши билан бирга дин ва тасаввуф илмининг тенгсиз алломаси. Унга ишонилмаса, кимга ишонилади?!

Ёки Навоийнинг мана бу шеърини олайлик:

Деди ҳазрати муҳфиз коинот,
Анга ким эди ҳузнин ўкситгучи.

Ки, дунёда бўлғил нечукким, ғариб
Ва ёхуд анингдекки, йўл ўткучи.

Бунда ким ҳам Навоийдан шубҳаланади, дейсиз?!

Нафсини таниш йўли орқали Роббини билишга киришган ишқ ва маърифат йўлчиси нафсоний ҳаётда ўлиб, маънавий ҳаётда тирилиш тажрибасини қизиқиш билан қабул қилади. "Муту қобла ан тамуту", яъни "Ўлмасдан бурун ўлинг"дан кўзланган асосий мақсад ҳам ана шудир. Хожа Аҳмад Яссавий ҳадис манбасини шундай шарҳлайди:

"Муту қобла ан тамуту" ҳадиси бор,
Ул олами фахри расул айтмадими?
Мустафонинг сўзин эмди ўқумадинг,
Сен уқмасанг бурунғулар уқмадиму?

Олий маъно ва юксак ахлоқий ҳақиқатларни бурунғилар нуқтаи назарига мувофиқ тарзда бузмай, ўзича ўзгартирмай ифодалагани учун кескин айбномалар тўқилиб, уни қоралашларини Аҳмад Яссавий, албатта, хаёлга ҳам келтирмаган.

Олимларимиздан бири "Ошиқларнинг суннатидур тирик ўлмак" мисраси билан бошланадиган ҳикматдаги "муту қобла ан тамуту"га асосланиб, "Аҳмад Яссавий томонидан таклиф этилган "Тангри ишқи" аслида ўлим ва қабр", дея ҳукм чиқаради. Бундай ғайри илмий қараш ва нотўғри англаш ҳанузгача учраб турибди.

Аслида мана шу биргина ҳадис мазмун-моҳияти тўғри тушунилиб, Яссавийнинг уни қўллашдан кўзлаган мақсади холис изоҳланганда, биринчидан, пайғамбарга, унинг энг содиқ издоши, буюк бир муршидга туҳмат ва бўҳтон тўқишдан сақласа, иккинчидан, қанчадан-қанча одамларни нафсу ҳаво қурбони бўлишдан қутқазарди. Бундай дейишга асос ҳам, далил ҳам етарлидир.

Сўфий психологиясини тадқиқ қилган хорижлик олим Иброҳим Эшитан “Ўлмасдан бурун ўлинг!” тушунчасини “Тариқат аҳли бу дунёга қарам бўлишдан юзага келадиган ёмон ва чиркин хусусиятларни тарк қилиб, маънавий уйғониш сирларини тажалли эттириш даражасига кўтарилиш”, мазмунида қабул қилганликларини ёзади. “Ҳақ йўлига кириб бўлмас, пок бўлмасанг”, дейди Яссавий. “Муту қобла ан тамуту” ана шу поклик ва покланишнинг гаровидирки, ориф ва авлиё зотлар буни бир овоздан эътироф этишган. “Бир инсон, - дейди Султон Валад “Маориф” китобида, - башарий сифатлардан қутулгани замон, яъни “Ўлмасдан бурун ўлиш” ҳолига етишгач, табиати мусаффолашиб, денгизга юзланган бир малакка айланади. Аммо бу мартабага юксалган кишилар ҳам еб-ичади, ишлайди ва оила қуради...” Демак, ҳадисдаги ўлим сўзининг ўлим ҳоли ва ҳодисасига алоқаси йўқ. Асосий ният эса сайри сулук кўрсатмаларидан оғишмай, умр мазмунини ишқ ва маърифат билан бойитишдир. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”да Ҳотам ибни Унвон Асамм ҳақида маълумот бериб, “Ва ул яна дебдурки, ҳар ким бу йўлға (сўфийлик йўлига – И.Ҳ.) кирар, тўрт ўлимни ўзига тутмак керак”, дейди. Буларнинг биринчиси Мавти абяз – оқ ўлим, дея номланган бўлиб, қилъати таом ва очлик қийноқларига чидашдир. Бу хусусда шоир “Кўп туъма ер эл аросидин ихрож ўл” – “Кўп овқат ейдиган жамоа орасидан четга чиқ”, деб бошланадиган тўртлигида:

Ким қалби рақиқ эрур, анга муҳтож ўл,
Тўқлик чу кўнгулни қотиқ айлар оч ўл,

– деса, бошқа бирида қорин билан дўстликни кескин қоралайди:

Ҳар кимгаки кўп таом емак фандур,
Билгилки, нажосатга тани маскандур,
Қорин била дўст бўлмасанг аҳсандур,
Невчунки эр ўғлиға қорин душмандур.

Мавти асвад – қора ўлим дейишган навбатдаги ўлим халқнинг изосига чидаш, сабрни эътиқод, эътиқодни сабур даражасига кўтаришдир:

Ҳар кимки фалак зулми инодиға етар,
Сабр айлаган охир эътиқодиға етар,
Чун бўлди сабур Тенгри додиға етар,
Собир киши охир муродиға етар.

Мавти ахмар – қирмизи ўлим – бу тариқат аҳли жорий этган навбатдаги ўлим тажрибасидирки, у инсонийлик шарафининг туб асосини белгилайди ва Ҳақ йўлчисини улуғ жиҳод – нафсга қарши курашга сафарбар этади. Ва ниҳоят, Мавти ахдар – яшил ўлимга юз бурган киши ҳаромга қўл урмаган, ноҳақлик ва зулмга ҳеч бош қўшмаган, қалби тоза, самимий зотлардан хирқа учун урун-қуроқ олиб тикилган либос кийиб ўзгаларга маънавий ибрат кўрсатган.

Навоий рамзий-мажозий мазмундаги қайси мавт туридан сўз юритмасин, уни ўзликни ахтариш ва ўзни англашнинг тариқатдаги бош шарти, инсон шахсини майдалаштирувчи нуқсон ва иллатлардан халос айловчи ҳолат ва ҳаракат сифатида таърифу тавсиф этади.

Чин ошиқлик, орифлик, дарвешлик, фақирлик ёки ғарибликнинг пойдевори ва муваффақият гаровининг ибтидоси “Муту қобла ан тамуту” тажрибасидир. Чунки шу маънавий-ахлоқий тозаланиш зарур зайлда амалга оширилгач, вужуд, нафс, қалб ҳаётида илҳом-бахш софлик ва ишончга эришади. Гўзаллик ва нафосат идроки олдингига нисбатан бир неча бора юксалади. Ҳаётни севиш, умрни қадрлаш, бандага меҳр-муҳаббат, истиқболга эътимод тасаввур этиб бўлмас миқёсда кенгайиб, муаззамлашиб кетади. Бундай ҳолга соҳиб шахс Навоийнинг:

Ҳар кимки ўлум сўзун демак фан айлар,
Ўз ҳолиға бу сўз била шеван айлар,
Таврини сулук ичинда аҳсан айлар
Ким, руҳни ўлмак сўзи равшан айлар,

мисралари мазмун-моҳиятини бехато тушунади ва ўлимни хотирлашда ҳар турли бадбин ўй, хаста хаёллардан сақланади. Ботиний ғайратига ғайрат қўшилади.

Навоийнинг ёзишича, бир кун Мавлоно Муҳаммад Табадгоний ҳужраларида мутолаа қилиб ўтирганларида жаноза овози эшитилибди. Жанозага қатнашмоқ учун ўринларидан туриб ташқарига чиқибдилар. “Жаноза ва салот тортқан киши кўринмас. Таажжуб била ҳужраға кириб, яна мутолааға машғул бўлурлар. Яна ул ун келур. Яна чиқарлар ва эҳтиёт тафаҳҳус қилурлар ва ҳар кишидин сўрарлар, не ул жанозадин ва ундин асар бор эрмиш ва не ҳеч кишига андин вуқуф. Алар ўзларига дедиларки, гўё бу ун “Ўлмасдан бурун ўлинглар” ҳадиси ҳукми ишорат, ангадурки, ўлимнинг таҳкиясида бўлғай, чун вақт етган экандур. Чиқиб Ҳазрат шайх хизматиға келиб, жидд била сулукка иштиғол кўргузурлар ва оз фурсатда аларға кўп рушд зоҳир бўлур”. Мазкур ҳадис тариқатчилар қатори табобат вакилларида ҳам алоҳида қизиқиш уйғотганлиги, албатта, диққатга лойиқ. “Мажолис ун-нафоис”да ўқиймиз: “Суфий Пири Сесадсола – Дарвеш Ҳусайннинг набирасидур ва Мавлоно Муҳаммад Чоҳунинг ўғлидур. Сўфилиққа табобатни зам қилибтур. Гўё мараз риёзатин тортқон соликларга «Муту қобла ан тамуту» иршодин қилур”.

Дарҳақиқат, жисмоний касалликлардан ташқари инсонда ҳасад, хусумат, ғазаб, ҳирс, ғафлат, худбинлик, фитна, макр, ҳийла дейилган ўнлаб маънавий-ахлоқий хасталиклар мавжуд. Менликни янги, маънавий соғлом босқичга кўтариш учун ана шу маразлардан қутулиш лозим. Навоийнинг “Назм ул-жавоҳир” китобидаги “Кўнглингни арит барча ёмон хислатдин”, “Ножинс ила лутфу инбисот оз айла”, “Дунё сари ҳирс ҳар ямондин ортуқ”, “Ҳар кимки ҳасад хислатидур вой анга”, “Фисқ аҳлиға бўлмас киши қилмоқ ҳурмат” деб бошланадиган ўнлаб рубоийларда гўё сўфийлик билан табобат зам этилгандур.

Маълумки, рамзийлик ва мажозийлик ёлғиз бадиий адабиётга эмас, диний, тасаввуфий, фалсафий мазмундаги ижод намуналарига ҳам хос хусусият. Рамз ва мажознинг моддийни маънавийлаштириш, маънавийни моддий мавжудликка айлантириб таассурот пайдо қилишдаги аҳамияти айниқса беқиёс. Шунингдек, инсон ички оламига дахлдор сир ва жумбоқларни очишда рамз ёки мажоз тилининг ўрнини босадиган восита йўқ ҳисобидир. “Ўлмасдан бурун ўлинг!” ҳадисининг мажоз пардаси четга сурилмаса, у тескари таассурот қўзғаши шубҳасиз. Унинг қулоққа нохуш эшитилиши шундан. Аслида эса ҳадис замиридаги яширин маъно ўлимни эмас, тирикликни ёқлаш, инсонга бир бора бериладиган умр учун ғайрат ила курашишга қаратилган. Афсуски, совет даврида ҳатто илм аҳли ҳам унинг мағзини чақишга ҳафсала қилмасдан бутунлай нотўғри, ҳатто бўҳтон гапларни тўқишган.

Натижада ҳадисдан тасаввуф ва тасаввуф адабиётини қоралашда фойдаланилганки, бу ҳолат ҳанузгача барҳам топган эмас.

Ўлим сўзидан қўрқиш, ўзича ўлимдан қочиш, ўлим туйғусини қоралаш, зинҳор-базинҳор ҳаётни севиш, жуҳд ила тирикликка содиқ қолиш деганимас. Зеро, ўлим тирикликнинг ҳали юзланилмаган, яъни мавҳум томони. Адам – йўқликнинг сирларини борлиққа суяниб, борлиқ имкониятлари ўткир идрок орқали кашф этилмаса, одам мавҳумлик ичида адашиб, фанодан янада кўпроқ чўчийдиган ҳамда ваҳм қафасидан чиқишни истамайдиган бўлиб қолади. Навоий юза бир кайфият билан “Ёд этмак ўлум ёруғлик оҳанги эмиш, Ўлмакни унутмоғинг кўнгул занги эмиш”, демаган. Буни қанча чуқур мушоҳада этса, шунча фойдалидир.

НАФАСГА ТЕНГ НИМА БОР?

(Бир байт талқини)

Алишер Навоийнинг “Қаноат тариқига кир, эй кўнгул” деб бошланувчи қитъаси унинг йигитлик даврларида ёзилган бўлиб, дастлаб “Бадойеъ ул-бидоя” девонидан ўрин олган. Ўн бир байтдан таркиб топган ушбу шеърда “қаноат тариқи”, яъни нақшбандийликнинг асосий талаб ва шартлари изоҳлаб берилган. Улардан бири ҳақида бундай дейилади:

Дамингдан йироқ тутмағил ҳушни,
Ки юзланмагай ҳар дам офат санга.

Байтда “ҳуш дар дам” тушунчаси кўзда тутилган. Ҳуш – ақл, дам – нафас. Агар инсон ҳар бир нафасини ақл билан бошқариб, уни ғафлатдан муҳофаза айлай билса, наинки онг ва идрок, балки хотир ва кўнгилга ҳам файзу фараҳ кириб боради. Шунинг учун ҳам Навоий ҳар лаҳза, ҳар фурсатда менга бирор офат етмасин десанг, нафасни ақл билан муҳофаза қил – пок сақла деб таъкидлаган.

Буюк ақл ва тафаккур тимсоли ўлароқ тан олинган Жунайд Бағдодий эса, “Қулнинг ўз нафасларини ҳимоя қилиши, вақтнинг беҳуда сарфланишига тўсиқ бўлғай”, дейди. Лекин буни амалга ошириш осон кечмайди, албатта. Чунки мутасаввифларнинг эътирофларига кўра, ҳолларнинг энг оғири нафас соҳибларининг (рижоли анфусий) ҳоли бўлиб, нафас олишда ҳам, нафас чиқаришда ҳам ўзларини улар Ҳақдан ҳеч йироқда тасаввур этмаганлар. Нафаснинг маълум бир қисмини ғофиллик, гумроҳлик, бемаъниликдан фориғ этилишини тасаввур қилинг! Инсоннинг кўнгли ва руҳида қанча файз, қанча фараҳ, қанча осудалик ортади? Буларни билмаслик ёки билишни истамасликни Навоий киши учун катта мусибат ҳисоблайди ва то жон бор экан, нафасга ҳеч эътиборсиз бўлмасликка ундайди:

Жон била сен то нафас имкони бор,
Қадрини билгилки, нафасча не бор.

Ҳар нафасинг ҳолидин огоҳ бўл,
Балки анга ҳуш ила ҳамроҳ бўл...
(“Ҳайрат ул-аброр”)

Тасаввуфшунослик илмида нақшбандийлик тариқатининг яратилиши нафасни назорат қилишга асосланган деган бир қараш бор. Навоийнинг нафас таърифи, нафаснинг инсон қисматидаги мавқеига доир фикрлари шу нуқтаи назарга ишонишга ундайди. Зеро, одам фарзанди учун ҳар нафасининг сирридан воқиф бўлиш – огоҳликнинг марказий нуқтаси ҳисобланади. Навоийга кўра:

Ғафлат агар бўлса бу ишдин, даме
Ким, йўқ анингдек кишига мотаме.

Маълумки, Исо пайғамбарнинг нафаси ўликни ҳам тирилтирувчи муқаддас нафас бўлган. Шарқ мумтоз адабиётидаги деярли барча шоирлар ҳаётбахшлик, тирилтирувчанликда

маъшуқанинг нафасини Исоники билан теппа-тенг кўришган. Навоийда шундай. Шоир бир ғазалда ишқ дарди ва ҳижрон азобидан ҳалок бўлган ошиқнинг қайта тирилишига ишончини ифодалаб:

Эй масиҳим, мен қатили ишқмен, тургуз мени,
Бир нафас, дедим қабул этким, нафаснинг жони бор,

деган.

"Ошиқ учун, – дейди Абдураззоқ Кошоний, – нафас назорати зарурдир, бўлмаса ишқ шиддатига тоқат қилолмай у паришон бўлади...".

Наинки ошиқлик, умуман комиллик мақомларини эгаллашда ҳам нафаснинг тўла маънода латифлик касб этишига алоҳида аҳамият берилган. Бу эса ўз навбатида мусаффо нафас соҳиби ҳатто ҳол соҳибидан ҳам кўп нозиктаб ва озода бўлади деган фикрни пайдо қилган. Ва олис ўтмишда мана бундай шеърий мисралар ҳам яратилган:

Ҳақ йўлининг раҳбари нафасидур комилнинг
Дин тахтининг сарвари нафасидур комилнинг...

Мояйи зот дейилган, файзи нажот дейилган,
Оби ҳаёт дейилган нафасидур комилнинг.

Дарҳақиқат, нафас тозалиги – инсон нафсининг тозаланиши демак. Бу эса энг муҳими. Чунки ғаддор нафс устидан ҳукмронликка эришиш барча ахлоқий ноқислик ва ёмонликлардан холос бўлишнинг гаровидир. Шу маънода комилликни нафаснинг нафси аммора – тубанлик, ёвузлик, ғайриахлоқий ишларга амр айловчи нафс устидан ғалабаси дейиш мумкиндир.

Маърифат аҳлининг ҳисоб-китоблари бўйича, инсон бир дақиқада ўн саккиз бора, бир кунда икки минг олти юз маротаба нафас олиб чиқарар экан. Шунча миқдордаги нафаснинг, ҳеч бўлмаганда, маълум миқдори мусаффолик касб этганда ҳам кишининг қалби ҳар қандай қораликдан қутилади.

Нафаснинг беқиёс фойдаси ва таъсир доираси комил инсон тарбиясида ҳам тўла инобатга олинганини озар шоири, Навоийнинг соҳирнафас издоши Муҳаммад Фузулий бундай изоҳлаган:

Талаб аҳлининг ҳаёти муршид нафаси файзидин,
Шунга кўра дерларки: "Нафаснинг жони бордур".

Хуллас, инсоннинг кимлиги, қандай ахлоқий-маънавий мақомга юксалгани ва Ҳол соҳиби ўлароқ нима латифликларга эришганлигини энг аввало, инсон нафасининг сифати – поклиги, ҳар турли ўткинчи даъвою иддаолардан йироқлиги, ишқ ва ирфон завқ-шавқига тўла уйғунлиги ҳал қилади. Ушбу ҳақиқатнинг сир-асрорини ўзлаштириб, тириклик чоғида уни ҳеч эсдан чиқармаслик – Навоий бобомизнинг зўр сабоқларидан бири ана шу эди.

Тошкент, 2018 йил

ШЕЪРИЯТ – ИШҚ ВА ИДРОК ВОДИЙСИ

Алишер Навоийнинг бетимсол ва бетакрор ижодиётини кўп асрлик адабиётимизнинг пойтахти – бош маркази деса ҳеч хато бўлмайди. Чунки жаҳондаги барча буюк адабиёт ва санъаткорларни яқинлаштирадиган хусусият, ҳақиқат ва фазилатлар унда мужассамлашгандир. Шунинг учун ҳам мутафаккир шоир асарларида миллийлик, халқчиллик руҳи умуминсонийлик тамойиллари билан бирлашиб – фавқулодда таъсирли тарзда уйғунлашиб кетган.

Албатта, Навоийдай даҳо шоирлар тасодифан дунёга келмайди. Бунинг учун шаклланган ижтимоий-маданий муҳит, яхши ривожланган иқтисодий-сиёсий шароит, дид ва савияси юқори зиёли тоифа зарур. Навоий ўн бешинчи аср фарзанди. Лекин унинг шахсияти ва дунёқараши жаҳонгир Амир Темур асос солган улкан салтанат билан, ундаги мисли кўрилмаган маърифий-маданий, илмий-амалий кўтарилишлар билан боғлиқ эди.

Донишманд олим ва ҳукмдор Мирзо Улуғбек тақдирида Амир Темур қанчалик катта таъсир ўтказган бўлса, темурийзода Ҳусайн Бойқаро ҳам Навоийнинг Навоий бўлишида алоҳида ҳисса қўшган. Тўрт мустақил девондан таркиб топган “Хазойин ул-маоний”нинг тартиб берилиши, муҳташам шеърий обида – “Хамса”нинг яралишидаги Бойқаро ҳимматини Навоий алоҳида миннатдорлик билан эътироф этади.

Ҳусайн Бойқаро шоҳ шоир, маърифатсевар, илм ва адабиёт муҳиби бўлганлиги учун у ё бу зайлда бошқа ижодкорларни ҳам қўллаб-қувватлаган. Лекин шахсият, талант, дунёқараш, тарихий бурч нуқтаи назаридан ҳеч ким Навоийга тенг келолмаганидек илм-фан, маърифат, бадиий ижод оламида Навоий қилган ишларни бошқа бир қалам соҳиби амалга оширолмасди. Навоий она юртни ҳақиқий юрт, заҳматкаш халқини пешонасига офтоб теккан халқ бўлиши учун адабиёт ва давлат арбоби сифатида нима қилишни беҳад чуқур англарди.

Кўҳна Шарқда “Шоир қалбида дард ва изтироб жўшмаса, у шоир эмас – нозим эрур”, деган бир қараш бўлган. Бунда “нозим” дейилганда қофиябозлик, ижодда косибчилик қилиш кўзда тутилган.

Навоий ҳам шеъриятда, аввало, теран дард, ёруғ изтиробга таянган санъаткор эди. Юрт ишқи, миллат дарди, ҳақиқат орзуси билан ёнган кўнглида ғам ва алам доимо камлик қилаётгандай туюлгани учун ҳам у бир шеърида:

Кўнгил ичра ғам камлиги асру ғамдур,
Алам йўқлиғи дағи қаттиқ аламдур,–

деб ёзган эди. Бутун умри ва ижодиётини оддий инсон, меҳнаткаш улус манфаатига бағишлаган улуғ шоир шеърга ёлғон аралашувини ҳам, аллақандай ғараз ёки манфаатлар туфайли шеърхонни авраш ва алдашга мўлжалланган сўзлардан сатрлар тизишни ҳам хаёлга келтиролмасди. Навоийнинг тўғрилиги, ҳақгўйлиги, адолатпарастлигида атайинлик, ўйинчилик йўқлиги шундан. Ғазалларидан бирида у мана нима деб ёзган:

Гар будур олам, кишига мумкин эрмас анда ком,
Ҳақ магарким ком учун бошдин ёротқой оламе.

Яъни: шундай оламда кишининг мурод-мақсадга етиши мумкин эмас экан, унда Худо бандасининг орзу ва тилаклари рўёбга чиқадиган бошқа бир олам яратиши лозимдир.

Бу фикр дунёни қоралаш, одамларни иложсизликка кўникиш, имконсизликка тан беришга ундаш учун эмас, балки мавжуд оламни ўзгартириш, ўз қисмати учун ҳар бир кишини масъулликка чорлаш мақсадида айтилган. Зеро, инсон дунёга мутелик, қашшоқлик, бахтсизликларга кўникиб яшаш учун келмайди. Курашчанлик, яратувчанлик инсон қадрини нақадар юқори кўтарса, ҳаётни ҳам ўшанча янгилайди. Бунинг бир исботи юртимизда кечаётган ижтимоий, иқтисодий, маданий ва маънавий эврилишларда ҳам кўриниб, билиниб турибди.

Навоий ижодиётининг ички дунёсини англаш – инсонийлик муаммоларини билиш билан бирга илоҳийлик сирларидан ҳам воқифликдир. Навоий шеъриятида идрокнинг тамали, мушоҳаданинг бош йўли – Ишқ. Мутафаккир шоир ишқ деганда фақат севиш-севилишни эмас, балки маърифатда етуклик, маънавий-руҳий ҳаётда комилликни ҳам назарда тутган. Навоий куйлаган ишқ – ҳаётни, тириклик ва дунёни ўзида мужассамлаштирган ишқдир. Бир қаноти мажоз, иккинчиси – ҳақиқат бўлган бу ишқда гарчи ҳижрон, айрилиқ азоб-уқубати ва кети кўринмас бир ҳасрат устунлик қилса-да, унинг асл маъно-мазмунини боқий гўзаллик ва олий ҳақиқатлар ташкил этади. Олам, замон, жамият ва аҳли дунёга тегишли бош масалаларни Навоий асосан ошиқ ва ориф нуқтаи назари билан ҳал қилади. Навоий талқин ва тарғиб қилган ишқ абадий файз, боқий ҳаёт манбаи бўлганлиги туфайли ҳам юракни нафсоний майл, ўткинчи ҳис-туйғулардан поклайди. Ҳақиқий ишқ бўлмаса, олам ғариблашиб, одамнинг қалби чиркинлик ва тубанликлардан покланолмаслигига ишонгани учун ҳам шоир ҳеч иккиланмай:

Бўлмаса ишқ, икки жаҳон бўлмасун,
Икки жаҳон демаки, жон бўлмасун.

деган. Шоирнинг меҳр-муҳаббатдан йироқ ахлоққа – ахлоқсизлик, ишқдан маҳрум илмга – жоҳиллик деб қарагани ҳам бежиз эмас.

Бир нарсага менинг ишончим комил: бугунги турмушимиздаги ахлоқий-маънавий муаммоларни ҳал қилишда ҳам, тил ва маърифатни ривожлантиришнинг энг тўғри йўлини белгилашда ҳам ҳеч бир адиб, шоир ёки олим Навоийчалик бизга яқиндан ёрдам беролмайди. Биз Навоийнинг шахсияти ва серқирра ижодиётини етарли даражада, тўла холислик билан ўқиб-ўрганмаганлигимиз учун нафсни таниш, кўнгилни поклаш, руҳ завқига суяниб яшашда анча ортда қолганмиз. Ваҳоланки, биргина таманинг ўзи оламни бузиши, дунёда тамадан йироқ кишини учратиш душворлигини айтиб, хушомад ва тамагирликнинг офатидан Навоий ҳатто авлодларни ҳам огоҳлантириб кетган:

Эй Навоий, олам аҳлида тамаъсиз йўқ киши,
Ҳар кишида бу сифат йўқтур, анга бўлғай шараф.

Сен агар тарки тамаъ қилсанг, улуғ ишдур буким,
Олам аҳли барча бўлғай бир тараф, сен бир тараф.

Бу сатрларни шарҳловчи ёки таҳлил этувчилар топилади, албатта. Аммо уларни ўқиб ўзининг қай “бир тараф”га мансублигини тўғри белгилай оладиганлар қанча? Шу саволга

аниқ жавоб қайтаришнинг ўзиёқ жамиятни бир огоҳликка, ахлоқий ҳушёрликка чорлаши шубҳасиздир.

Навоий тама, манфаат, мартаба юзасидан хушомад ва хушомадгўйлик қилишни шу қадар қоралаганки, бир шеърида қоралашни ҳатто қарғиш даражасига кўтариб:

Чун хушомад демакни бошласа кош
Ким, тутилса дами, кесилса тили,–

деган. Навоийдан назариётчиликни эмас, биз кўпроқ амалиётчиликни ўрганиб, ўзлаштиришга қунт қилганимиз сайин, Навоий билан орадаги масофа қисқариб, англаш, мушоҳада қилишга тегишли тўсиқлар камайиб боради.

Хуллас, донишманд шоиримизнинг ҳар бир асари, ҳар бир байтини Навоийга хос руҳоният ва фикр эркинлиги билан ўқишга интилиш лозим. Бунинг учун илм эгаллаш, билимга суяниш етарли эмас, илмни маърифатга боғлаш, яъни ақл ва мантиқ маҳсули билан кўнгилда туғилган маъноларни бирлаштириб, мушоҳада мақомига юксалмоқ зарур. Ана шунда башариятнинг энг катта, энг қийин муаммоси – инсоннинг ўзини англаши бир қадар осонлашиб, Навоийнинг:

Ўз вужудингга тафаккур айлагил,
Ҳарне истарсен ўзунгдин истагил,–

деган сўзларини амалга оширишга қодир шахсларнинг сафи кенгайиб боради. Бусиз ҳаётнинг ҳар қандай муваффақият ва омади омонат ва бақосиз бўлишини унутмаслик керак.

Улуғлик куч-қуввати ва салоҳияти сусайган миллат энг буюк санъаткорининг ҳам буюклик сир-асрорини кашф этолмайди. Ва унинг ижод намуналарини жўнлаштириб кундалик турмуш манфаатларига мослаштириш йўлига ўтиб олади. Шундай ҳолат мустабид совет давлати ҳукмронлиги даврида Навоий илмий-адабий меросини ташвиқу тарғиб қилишда ҳам кузатилган эди. Шунинг учун шоирнинг ислом дини ва шу дин заминида пайдо бўлган тасаввуф таълимотига алоқадорлиги хусусида фикр юритиш таъқиқланган эди. Мустақиллик бунақа ғирромлик ва ҳақсизликларни четга супуриб ташлади. Навоийшуносликда бутунлай эркин, илҳомбахш янги давр бошланди. Нисбатан қисқа вақт мобайнида шоирнинг илмий-адабий мероси тадқиқига бағишланган турли мавзулардаги юзлаб мақолалар, ўнлаб рисола, монография ва китоблар эълон қилинди. Навоийнинг ўн жилдлик тўла асарлар тўплами китобхонлар қўлига етказилди. Бултур шоирнинг икки жилдлик “Шоҳбайтлар” ва “Алишер Навоий қомусий луғат” китоби нашр этилиб, “Навоий энциклопедияси” устидаги ишлар ниҳоясига етказилди.

Бир ҳақиқатни унутмаслик керак: Навоий ижодиётига биз Навоий учун эмас, балки ўзимиз учун, ўзимизнинг маънавий манфаатларимиз туфайли мурожаат қиламиз. Моҳиятан биз Навоийни ўзгартира олмаймиз, лекин Навоий бизни ўзгартиради. Навоийни севиб, юракдан ўқиб-ўрганган кишининг шахси, табиати, дунёқарашида албатта ўзгариш ва юксалиш бўлади.

Навоийнинг номи ҳам, ижоди ҳам одамларни беғараз эътиқод, ишчан виждон атрофида бирлаштиради ва:

Олам аҳли билингизким, иш эмас душманлиғ,
Ёр ўлинг бир-биринғизгаки, эрур ёрлиғ иш,–

деб ёзганида гуманистликда чиндан у асрларни ортда қолдириб илгарилаб кетганига ҳам ишонилади.

Олимларнинг умумий эътирофлари бўйича, ҳинд, юнон, хитой тушунча тизимларидан фарқли ўлароқ, туркий халқларнинг тафаккур ва тушунча тизимида миллат муҳаббати, Оллоҳга тобелик ҳамда тўғрилик хислати доимий тарзда утиворлик этиб келган. Юрт ва халқ севгиси, Ҳақ йўлидан чекинмаслик, ҳар қандай вазиятда тўғриликка содиқ бўлишга интилиш Навоий учун ҳам Шахс камолининг дахлсиз шартлари эди. Демак, Навоий ижодиётини ўрганиш ва яхши билишдан кўп манфаатдормиз. Демак бу йўлда ҳафсаласизлик қилишга ҳаққимиз йўқдир.

“Моҳият” газетаси, 2017 йил 9 февраль

ТАРИХ ҲАҚИҚАТИ ҲАҚИҚАТ ТАРИХИ ЭРУР

Том маънодаги тафаккур эркинлиги асосан чинакам мутафаккир ва улуғ ижодкорларга хос хусусият. Фикрдаги ҳурлик бошқа, эркинликдаги фикр бошқа нарса. Истеъдодли адиб эрксизлик ва қарамликда фикрлашдан қанча қийналса, фикр-қарашларини эмин-эркин ифодалай олмасликдан янада кўпроқ азият чекади, лекин ташқи таъқиб, хавф-хатарларга қарамасдан, фикр ҳаётида имкон қадар озод бўлишга уринади. Йўқса, унинг тўғрилик ва шижоат туйғуси жуда сусайиб, ўзи воқеликка бутунлай қарам ўйинчи бир бандага айланади. Одатда, бундай ижодкорларнинг тажрибасида рост қаердан бошланиб, ёлғон қайси жойда тугашини фарқлаш қийин кечади. Мана шунинг учун ҳам Алишер Навоий шароит ва вазиятга қараб турланиб- тусланмасликни наинки ахлоқий фазилат, балки дахлсиз руҳий ҳолат ўлароқ кўнглида собитлаштирган эди. Навоий асарларида энг мураккаб, ҳам баҳс-мунозарали, ҳам оғриқли ҳақиқатларнинг бўяб-бежалмай ифодаланишига бир сабаб ана ўша собитликдир.

Навоий ҳаёти, яшаган ижтимоий-маданий муҳити ва ижодиётига бағишлаб навоийшуносликда кўп тадқиқотлар амалга оширилган. Уларга холис баҳо бериб, эришилган ютуқларга суянмасдан соҳани ривожлантириб бўлмаслиги аниқ. Аммо холис баҳо ёки ютуқларга суяниш дегани кейинги пайтларда тез-тез кўзга ташланаётганидек, аённи ўзгача бир зайлда баён қилиш, янгилик иддаоси билан фикрий ва илмий ночорликни хаспўшлашдан иборат бўлмаслиги керак, албатта. Бир жойда туриб ер тепиш аскарий бир талабни ифодаласа ҳам, уни олдинга юриш деб бўлмайди. Айрим масала ва мавзуларнинг навоийшуносликда ўрганилишини юрмасдан одимлаш ҳолатига қиёслаш мумкин.

Давлат ва санъаткор, ижодкор ва ҳукмдор муносабати мавзуси кўпчиликни қизиқтириши билан бирга шоир ё ёзувчининг асл маънавий қиёфаси, мустақил Шахс сифатида қандай шаклланганини ҳам кўрсатишга хизмат қилади. Бир эмас, бир неча подшоҳ, хон ва амирлар ҳукм юритган даврларда яшаб ижод этган қалам аҳлининг замон ва тақдир синовларидан ўтиши баъзан бағоят оғир кечган. Бироқ улардан қайси бирики, ўзини буткул адабиётга бағишлаб, ватан ва эл манфаатидан бошқасини назарга илмаган бўлса, кулфат, ҳасрат ботқоғига ботиб кетмаган; юрт, миллат, адабиёт ҳамда келажак олдида ҳам юзи ёруғ бўлган.

Темурийзода Султон Абусаид ва Алишер Навоий муносабати тўғрисида тарихчи ҳамда адабиётшунос олимлар кўп ёзишган. Агар навоийшуносларнинг фикр-мулоҳазалари мундоқ жамланиб назардан ўтказилса, ҳеч ким Олим Шарафиддинов, Садриддин Айний домладан ўтказиб пичоққа илинадиган ҳеч нима демабди-ку, деган хулоса келиши шубҳасиздир .

Собиқ шўро давлати ҳукм юритган даврларда темурийзодалардан икки-уч подшоҳга ўртача ёки илиқ муносабатга изн берилганини айтмаса, қолганларига тегишли фикр-мулоҳазалар соҳибқирон Амир Темур тўғрисида тўқилган сиёсий айбнома ва уйдирмалар соясида қолиб кетарди. Мустақилликдан кейин жаҳонгирнинг шахси, империя барпо этишдаги салоҳиятига қараш ижобий томонга қандай эврилганини англамайдиган зиёли ҳозир топилмаса керак. Амир Темур ҳар жиҳатдан ҳам албатта беқиёс ҳукмдор. Султон Абусаид “мулкгирликда ва мамлакатдорликда” соҳибқирон бобосига ҳавас қилиб, ундан ўзича ўрнак олишга интилганлигига қарамай, толесизлик қурбони бўлганди. У кучда кучсизлик, омадда омадсизлик, бахтда бахтсизлик яшириниши мумкинлигини хаёлга келтирмас даражада мағрур ва худком эди. Унинг шахси орзу ва истаклари баланд ҳукмдорга хос айрим ибратли хусусиятлардан холи бўлмаса-да, тунд, маҳдуд ва шафқатсиз эди. Навоийнинг Султон Абусаидга муносабати, у ҳукм юритган даврдаги шоир ижодиётини тадқиқ этиш бир-икки мақола билан ҳал бўладиган иш эмас, албатта. Буни ўспирин Навоийнинг инсоний ва ижодий қиёфасини ёритишга хизмат қиладиган, ёшликдаги туйғу ва тушунчалардан қай бирларининг давом топиб, не зайлда юксалишини кузатишга имкон берадиган мавзу сифатида ўрганиш лозим. Навоийнинг илк лирикасини махсус тадқиқ қилган устоз олим Ё.Исҳоқовнинг таъкидлашга кўра “Абу Саиднинг золимлиги, адолатсизлиги сабабли Навоий унга нафрат билан қарар эди. Шунинг учун ҳам Навоий Ҳиротда фақат моддий жиҳатдангина сиқилиб қолмай, руҳий жиҳатдан ҳам эзилган эди. У бу ерда маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлайдиган ҳамфикр дўстлар топа олмайди. Шаҳардаги бузуқликлар, адолатсизликларни кўриб азоб чекади” . Тўғри, Султон Абусаид феъл-атвори оғир, характери кескин ва фавқулодда мураккаб подшоҳ бўлган. Шуни дастак қилиб хаёлга келган айб ёки гуноҳни унга тўнкашга ҳам ҳеч кимга ҳуқуқ берилмаган. Бундан тўрт йил муқаддам нашрдан чиққан бир китобда Навоийнинг:

Эй кўнгул, келким, бало базмида жоми ғам тутай,
Ўз қатиқ ҳолимга ўлмастин бурун мотам тутай, –

матлаи билан бошланадиган ғазали тўлиқ келтирилгач, унинг ёзилиш тарихи Навоийга яқин кишилар – Мирзобек ва Мирдарвешнинг ўлимига боғланиб, Абусаид ва унинг амалдорлари мусибатнинг бош ижрочилари деб кўрсатилади. Бу факт қаердан олинган? Ҳеч ким билмайди ва тайинли бир гап айтадиган кимса ҳам топилмайди.

Яқин-яқингача Султон Абусаид тасаввуфпараст, давлатни бошқаришда Хожа Аҳрори валининг нуфузи ва аҳли тариқат куч-қудратидан маккорлик билан фойдаланган мустабид шоҳ сифатида айбланиб келинган эди. Мазкур китобда эса ҳеч далил-исботсиз Навоий тасаввуф “таълимотининг фаол тарғиботчиси, хавфли душмани” деб билинганлиги туфайли Абусаид Мирзо томонидан жазоланди, дейилади .

Султон Абусаидга тегишли ҳамма яхши фикр ва далил унутилганда ҳам унинг Амир Темур ҳамда Мирзо Улуғбек ҳукмронлик қилган пойтахт, яъни Самарқандда етти йил тахт соҳиби бўлиши, не-не қийинчилик ва қаршиликларни енгиб, ўн йилдан зиёд вақт Хуросонда ҳам мамлакатни бошқариши ҳазилакам иш ёки иқтидор эмаслигини унутишнинг ҳеч иложи

йўқ. Шунинг учун бу султоннинг сиёсий-маъмурий фаолиятидан баҳс юритилганда уни тарихнинг бир қаттол ёхуд барча ғайриинсоний ҳирсларни ўзида мужассамлаштирган ёвуз бандасига айлантиришни асло маъқулламаслик керак. Шу маънода ҳам "Мажолис ун-нафоис" тазкираси муаллифи, яъни Навоий биз учун намуна ва алоҳида ўрнакдир.

"Мажолис ун-нафоис"да Султон Абусаидга ўрин ажратилмаганини академик Иззат Султон шундай изоҳлайди: "Замонасининг энг кўзга кўринган, илм ва санъатга сал бўлса ҳам алоқаси ва ҳомийлиги бўлган ҳамма кишиларни қисқача таърифлаб берган, темурий шаҳзодаларга эса махсус (еттинчи) "Мажлис" бағишланган бу китобда ("Мажолис"да дейилмоқчи – И.Ҳ.) Абусаид фақат бошқа шоирлар муносабати билан, масалан, Кобулий, Лаълий ва Ибн Лаълийларнинг қотили сифатида тилга олинади. Албатта, бу тасодифий ҳодиса эмас. Бу факт Навоийнинг Абусаидга қаттиқ салбий муносабатда бўлганининг нишонаси деб айтишга асос бор" . Дарвоқе, Абусаиднинг қотилликларини Навоий кескин қоралаган. Ахир қайси улуғ шоир ёвузлик, зулм ва қонсирашни ёқлаганки, Навоий ёқласин? Мақтулларнинг, айтайлик, Лаълийнинг таърифланишидан ҳам буни пайқаш мумкин: "Шоҳ Бадахшон – "Лаълий" тахаллус қилур эрди. Хуштабъ ва мусулмонваш киши эрди. Аларнинг хонаводаси қадим хонавода эрди, неча минг йил эрдиким, Бадахшон мулкининг салтанати аларнинг хонаводасидин ўзга хонаводаға интиқол топмайдур эрди. Султон Абусаид Мирзо аларни мустаъсал қилди (илдизидан қўпариб ташлади) ва мулку молларини эгаллади" . Шоҳ Бадахшонга нима айб қўйилиб ўлдирилган? Шоир бу хусусда бир сўз ҳам айтмайди. Аммо унинг ўғли ҳақидаги "Ул ҳам отасининг қотилиға мақтул бўлди", деган гап ота ва ўғилнинг адолатсизлик қурбони бўлишганини гўё таъкидлайди. Абусаид Лаълийнинг қизларидан бирига уйланиб, ундан фарзанд кўрган бўлса ҳам ота-ўғилга зарра қадар шафқат қилмайди.

"Мир Саид – эл орасида "Кобулий" лақаби била машҳурдур. Фақирға тағойи бўлур. Яхши табъи бор эрди. Туркчага майли кўпроқ эрди... Султон Абусаид Мирзо илгида Сарахс қўрғонида шаҳид бўлди" (66). Навоийнинг "Ғарибий" тахаллуси билан шеърлар ёзган тоғаси Муҳаммад Алини ҳам Абусаид Самарқандда ўлдиртиради. ("Оғасининг қотили шаҳодат мартабасиға еткурди") (66-67). Шу далилларнинг ўзиёқ қаҳри қаттиқ, қўли қон бир подшоҳнинг охирати борасида Навоий аниқ хулосага келганлигидан далолат беради. Лекин Навоийнинг улуғлигини кўрсатадиган жиҳат Султон Абусаиднинг салбий томонларини бўрттириб, ижобий сифатларидан кўз юммаганидир: "Мавлоно Ишқий ҳирийлик эрди ва қасидани пухта айтур эрди. Султон Абусаид Мирзо Оқсаройни ясағанда иморатнинг китобаси учун шуароға шеър буюрдилар. Иморат таърифида анинг шеъри яхши тушиб эрди..." (50). Демак, катта ва кўркам бир бинони тиклаб, унинг қурилишига бағишлаб шоирларни шеър ёзишга чорлаш учун фақат фаросат эмас, маълум даражада лаёқатга ҳам соҳиб бўлиш керак. Навоийнинг энг яқин дўсти Шайхим Суҳайлийнинг Абусаид саройида "махсус мулозим" бўлиши билан бирга шоирликда эл орасида шуҳрат қозониши ҳам диққатга лойиқдир (71).

Кўпдан кўп шоҳ, султон ва хонлар сингари Абусаид ҳам ўз умри, хайрли амалларини тарих зарварақларига муҳрлаш учун шоирлардан фойдаланган. Унинг ҳукмронлиги пайтида Абдусамад Бадахший деган шоир Бадахшондан Ҳиротга кўчиб келади. Подшоҳ унга маснавийда "Абусаиднома" мазмунида тарих ёзишни буюрди. Асар ниҳоясига етгач, муаллиф уни Навоийга ўқитади. "Бир байтида тажнис хаёл қилиб, – дейди Навоий, – қофиясин ғалат қилиб эрди, фақир ани воқиф қилғоч, филлоҳ мутанаббиҳ бўлди (аниқ ва тўлиқ англади) ва изҳори миннатдорлиғ ҳам қилди ва бу иш анинг била фақир орасида ошнолиққа сабаб бўлди" (44-45).

Душманлик ва ғайирликка бугунги кун одамлари нуқтаи назаридан қаралса, Навоийнинг самимиятига, Бадахшийга ёрдами беғаразлигига шубҳа уйғониши ҳеч гап эмас. Ваҳоланки, буюк шоир ёмонлик ва тубанликни маломатий сифатида бузуқ хаёл маҳсули, яъни йўқ нарса деб ишонган ва уларга хосиятсиз сояга қарагандай қараган.

"Равзат ус-сафода"да нақл этилишича, шижоатсизлиги боис бир неча амалдорлар қатори Абусаиднинг қаҳрига йўлиққан Амир Нурсаид Ихтиёриддин қалъасига қамалиб, мол-мулкидан ажралади. Шунда шайхулислом Нуриддин Муҳаммад подшоҳдан унинг афв этилишини ўтиниб сўрайди. Подшоҳ уни кечиради ва саройда олдингига нисбатан пастроқ амалда фаолият кўрсатишига рухсат беради. Минадиган оти йўқлиги учун Амир Нурсаид бир кун сарой мажлисига келолмайди ва мана бу рубоийни султонга йўллайди:

Ин бандаи шармандаи дармонда ба жон
Дорад аспе таваққуъ аз шоҳи жаҳон
Чун ҳиммати ў баланду чун бахт қавий,
Чун давлати ў жавону чун ҳукм равон.

Мазмуни: "Бу бандаи шарманданинг жонида дармон қолмади. Шоҳи жаҳон бир от берар деган умиди бор. Чунки унинг ҳиммати баланду бахти қудратли, давлати навқирону, ҳукми равондир".

Рубоийни ўқиган Султон Абусаид муаллифга бир неча зотдор от, туя, чодир, хиргоҳ, сарпарда юбориб, унинг амалини янада кўтаради . Бу ўринда ҳадя қилинган нарсалар эмас, шеърдан таъсирланиш, таъсирнинг ҳимматга айланиши муҳим. Хуллас, Абусаид Мирзо шеърпараст бўлмаса ҳамки, шеъриятнинг кўксига пичоқ санчадиган даражадаги жоҳил ва гумроҳ ҳам эмас эди.

Устоди Мавлоно Лутфийни Навоий "ўз замонининг малик ул-каломи эрди", деганини бугун мактаб ўқувчиси ҳам билади. Лекин унинг асарларидан маълум қисми Султон Абусаид замонида яратилганини ҳамма ҳам билмаслиги мумкин. Худди шунга монанд фикрни султон билан шахсан яқинлиги бўлган форсий адабиётнинг буюк намояндаси Нуриддин Абдураҳмон Жомий ҳақида ҳам айтиш керак бўлади.

"Мажолис"нинг иккинчи мажлисида муаллиф даврининг машҳур шахси Шайх Камол Турбатий билан "Султон Абусаид Мирзо замонида Машҳадда" "бир буқаъда ғариб ва хаста" ҳолда ётганида учрашганини ҳикоя қилади. "Фақирнинг ани (яъни Турбатийни – И.Ҳ.) кўрарга кўп орзуим бор эрди" деган гапга қаралганда, Алишер ўшанда орзусига эришган. "Ул ҳам фақирни эшитган экандур ва кўрар ҳаваси бор экандур" (40) дейилиши эса Навоий Султон Абусаид даврининг танилган шоирлардан бўлганлигини англашга хизмат қилади.

Умуман олганда, Султон Абусаид сиёсий хурофотдан идроки бузилган, минг қиёфада турланиб-тусланувчи бир ҳокимиятпараст кимса бўлмагани ишорат усули билан "Мажолис"да англатилган. "Ҳофиз Шарбатий – Хуросоннинг муттааййинларидиндур. Одамваш, мутавозеъ ва муаддаб кишидур ва хушхонликда фариди замондур. Султон Абусаид Ироқда бузулғонда Маккага бериб мужовир бўлди..." (117).

Тасаввуф ва тариқат аҳли орасида Султон Абусаиднинг обрў эътибори ҳақиқатда баланд бўлган. Оққуюнлилар билан урушда мағлубиятга учраб, Ёдгор Мирзо фармойиши билан у қатл этилгач, наинки Хуросон, балки Мовароуннаҳрдан ҳам бир қанча шайх, дарвеш, сўфий ва мутасаввифлар турли томонларга тарқаб кетишган. Ҳофиз Шарбатий ўшалардан бири эди. Отасининг вафотидан сўнг Самарқанд тахтини Султон Аҳмад Мирзо эгалламаганда

Хожа Аҳрорни ғанимлари қандай кулфат ва мусибатларга гирифтор этишларини тасаввур қилиш қийин.

Султон Улуғбек қатлидан кейин тариқатчилик офати ва дарвешлик тўфони Самарқандда маданият, санъат, дунёвий илм нури ва зиёсини бутунлай сўндирди, энг билағон олимлар, пешқадам зиёлилар қувғинга учради, деган тушунча илм-фанда яқин-яқингача ҳам барқарор эди. Бу тушунчани инкор қиладиган факт ва маълумотлар эса тарихий воқелик бошқача бўлганлигини кўрсатади .

Албатта, Навоийнинг миллат ва башар шоири бўлиб камол топиши, дунёга танилган санъаткор мақомини эгаллашида Султон Абусаид ҳеч вақт Ҳусайн Бойқаро даражасида эрк ҳам, имкон ҳам бермасди. Бунга шубҳаланмаслик керак. Бироқ Навоийни улуғлаб, шижоатини шарафлаш учун мутафаккир шоирга Абусаидни қаттол бир душман қиёфасида кўрсатишнинг ҳам ҳеч кераги йўқ. Акс ҳолда, Навоийнинг холислиги ва бағрикенглиги камситилади. Абусаид Мирзонинг ўлдирилиши хусусида дин, тасаввуф, сиёсат, илм ва ижод вакиллари ҳар хил фикр-мулоҳазаларни илгари суришган. Ўша мудҳиш ҳодисанинг тўғри ва ишонарли бадиий характеристикасини эса Навоийнинг “Садди Искандарий” достонида учратамиз. Хуллас, Султон Абусаид ва Алишер Навоий муносабатини ёритишда бир силжиш сезилишига қарамай, мавзуни тарихчи ва адабиётшунос нигоҳи ила тадқиқ этиш тўхтаб қолмаслиги лозим. Чунки Абусаид қатл қилинганда Навоий дунёқараши ва шахсияти шаклланган забардаст шоир санъаткор мақомига юксалган эди.

Филология масалалари, 2015 йил.

НАВОИЙ ВА ФИТРАТ

Алишер Навоийга ворис ижод аҳли орасида Абдурауф Фитрат ўзига хос мавқе ва эътиборга эга. Чунки бу аллома адиб ҳар жиҳатдан Навоийга муносиб шогирд ҳамда содиқ издошдир.

Фитратнинг таъкидлаши бўйича, Навоий туркий адабиёт тарихида ва “санъат дунёсида мўъжиза кўрсатиб тўфонлар (яъни эврилишлар – И.Ҳ.) қилған қаҳрамонлар”дандир. Ҳақиқатда ҳам туркий тилдаги адабиётни Навоий мисли кўрилмаган бир босқичга кўтариб, уни ҳаётга, давр, замон ва инсон манфаатларига яқинлаштиришга фавқулодда жасорат кўрсатган эди.

“Навоий замони, – дейди Фитрат, – чиғатой адабиётининг, чиғатой тилининг энг кўб юксалган, юқори босған замони бўлиб қолди. Эсиздирким, адабиётимиз тарихида иккинчи бир Навоийга учрамадик”.

Навоийнинг тил, маданият, адабиёт ва санъат тарихидаги хизматларини жуда юқори баҳолаган Фитрат домла “Чиғатой адабиёти” номли мақоласида мана бундай дейди: “Навоийнинг шоирлиғи, санъаткорлиғи ҳамма чиғатой шоирларидан юқори туради. Буни Бобир ҳам тасдиқ қиладир... Навоий ёлғиз шоир, ёзувчи эмас, илм ва санъат ходимидир. Кўб муҳим китоблар унинг буйруғи билан ёзилған. Энг катта рассомлар, мусиқа олимлари, хаттотлар унинг ҳимоясида ўсдилар”.

Ўтган асрда Навоий шахсининг жавҳари, яъни зотий хислат ва фазилатларини теран тасаввур эта билган икки-уч аллома ўтган бўлса, шунинг биттаси Фитратдир. Айтайлик, Навоийнинг мутасаввифлигини у энг аввало руҳоний ҳаёт завқи ва имкониятлари заминига асосланиб баҳолагани учун буюк шоир ва мутафаккирнинг сўфийликка

муносабатини белгилашда хатоликка ён бермаган. Чунки тасаввуф тарихи, тасаввуфий адабиёт босқичларини қанча чуқур билса, адабиётдаги тасаввуф жараёнларини Фитрат янада мукаммал англаган. Туркий адабиётда дунёвий, ҳаётий севги билан маънавий, илоҳий ишқ-муҳаббатни энг юксак, энг гўзал шаклларда уйғунлаштирган илк санъаткор Алишер Навоий эканлигига Фитратда ҳеч қанақа иштибоҳ бўлмаган.

Бизнинг тасаввуримизда Фитрат биринчи навбатда Навоийнинг илм ва маърифат мактабидан сабоқ олиб, унинг олимлиги, мутафаккир ва орифлигига ҳавас қилган. Чунки Навоийдан кейин яшаб ижод қилган қайси талантли шоир ёки адибни олманг, у Бобур ё Фузулийми, Огаҳий ёинки Махтумқулими, ҳаммасининг адабий шахсияти ва дунёқараши илм, маърифат бўстонида шаклланиб, камол топган. Фитратда ҳам худди шундай. Эҳтимол, шу боисдан ҳам у ўзбек олимлари орасида биринчи бўлиб Навоийга бағишлаб мақола ёзиб, янги навоийшунослик илмининг асосчиларидан бири мартабасига эришган эди.

Навоийнинг юрт, миллат, тил, тарих, дин, давлат, адабиёт олдидаги хизматларини бутун миқёси ва моҳият қирралари билан мушоҳада этганлиги туфайли ҳам Фитратнинг тадқиқотлари навоийшуносликнинг ўзига хос бир босқичини ташкил этиши шубҳасиздир.

Фитрат адабиётга доир рисола, қўлланма ва тадқиқотларида муболаға, жонлантириш, ундаш, ружуъ сингари бадиий тасвир усул ва санъатларига эътиборни қаратганда ҳам ёки аруз вазни қонун-қоидалари ҳамда туюқ, муаммо, таржибанд, таркибандга ўхшаш лирик жанрлардан баҳс юритганда ҳам қайта-қайта Навоий асарларига мурожаат этиб, таҳлил ва талқин учун улардан мисоллар танлайди. Унинг “Навоийнинг форсий шоирлиғи ҳам унинг форсий девони тўғрисида” номли мақоласи алоҳида илмий аҳамиятга эгадир. Ушбу мазмундор мақолада Навоийнинг “форс тилида ҳам теран уста бир санъаткор экани” билағонлик билан асослаб берилган. Ва ҳақли равишда Навоийнинг форсийда “кучсиз бўлғани тўғрисида Бобурнинг маълумоти”га эътироз билдирилган.

Барча улкан санъаткорлар каби Навоий ҳам асарларида ўзи яшаган давр ва замоннинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ахлоқий воқеа-ҳодисаларига муносабат билдириб, гоҳо уларнинг жонли тасвирларини ҳам яратган. “Фарҳод ва Ширин” достонининг бир фаслида хоқоннинг ўғли, яъни Фарҳодга тахтни топширмоқчи бўлгани, лекин Фарҳод кўп узрлар айтиб уни қабул қилмагани баён қилинган. Фитрат домланинг шарҳ ва хулосаси бўйича эса “Навоийнинг достон орасида бундай фаслнинг киргизиши ўз шаҳзодалари бўлғон Ҳусайн Бойқаро болаларига “ахлоқий бир дарс” бермак учундир. Маълумки, темурийлар замонида ўғулнинг отаға исён қилиши, ҳатто отани ўлдириб тожини олиши, бўлиб ўтган воқеалардан эди. Айниқса, Навоийнинг ҳукмдори бўлғон Ҳусайн Бойқаронинг ўғуллари навбат билан оталариға қарши исён кўтардилар ва ҳар дафъасида Навоий ораға кириб, сулҳ қилдирғон эди”.

Ҳусайн Бойқаро ўғилларининг оталарига қарши исён кўтариб, уларнинг қонли низо ва кулфатларга айланиб боришининг оқибатларини кўриб, билиб туриш Навоий учун нақадар оғир ва қайғули бўлганлигини Фитрат бутун миқёси билан хаёлдан ҳам, юракдан ҳам ўтказган.

Инсон онги, алоқи ва фикр йўлларига таъсир ўтказиб келган бир адабиёт бор ва Шарқда ҳамиша у таълим-тарбия ҳамда дидактикага сафарбар бўлган. Бироқ бу адабиёт кўнгил, руҳ, тасаввур ва тахайюлга ҳукмронлик қилган адабиётнинг панжасига панжа уролмаган. Шунингдек, турмушнинг яхшию ёмони, оқу қораси, паст ва баландини ўқувчига ўргатувчи ижод намуналари билан ҳақиқий санъат жозибасини акс эттириб, курашчан шахс идеалини тасвирлайдиган адабиёт, албатта, бошқадир. Шу фарқли нуқтаи назардан масалага қараладиган бўлса, Фитратнинг серқирра ижодиётини анъанавийлик билан

замонавийликнинг беқиёс уйғунлашуви, аниқроғи, муқобили бағоят кам учрайдиган санъаткорлик академияси деса хато бўлмайди. Чинакам адабиётнинг бугун лаблари қақраб, мавжудлигини эмин- эркин кўрсатиш илинжида нимага ва кимга суяниши анча мавҳумлашиб қолган бир пайтда буюк Фитратга монанд бадиий ижод дарғаларининг тажрибаларидан сабоқ олиш ҳам қарз, ҳам фарздир.

Фитрат оддий, меҳнаткаш фидойи одамларнинг тақдирига ҳеч вақт тепадан қарамаганидек, безавол туйғу ва муқаддас ҳақиқатлар атрофида миллат бир мушт бўлиб бирлашмаса, ўзини ўзи фақат парчаланиш, нуқул шахсиятсизлик касофатига гирифтор этишни ҳеч эсдан чиқармаган.

Инсон қисмати ва аҳволини Фитратдай кўнгилдан ўтказа олган кишига жавонмардлик, журъаткорлик ва мутафаккирликни даъво қилишнинг ҳеч ҳожати йўқ. Фитратнинг орифлиги бир неча асрлар мобайнида давом қилиб келган маърифатнинг беқиёс натижаси ҳамда ҳосиласидир. Шу боисдан ҳам улуғ Навоийнинг холис муҳиби, зукко тадқиқотчиси сифатида Фитрат ҳеч кимга ўхшамайди, шунингдек, ҳеч бировни такрорламайди. Чунки унинг сиртдан оддий туюлган қайд ва изоҳларида ҳам шогирднинг устодга қараши, унинг ижодий тажрибаларидан илҳомланиши сезилиб туради.

Сўнгги пайтларда Фитратни Навоийга қарши қўйиш, Навоий байтларига бағишланган унинг таҳлилларидан хато топишга уриниш кўзга ташланиб қолди. Албатта, бундай ҳаракат зўрма-зўраки, ғайриилмий чираниш эканлиги алоҳида мақолаларда исботлаб берилди.

Дарвоқе, навоийшунослик илми ҳозиргига нисбатан юксалиши учун устод Фитрат эришган мақомга томон дадил интилиши лозим. Хўш, бу қандай мақом? Энг аввало, Шарқ адабиётини бир бутун ҳолда теран билиш, тарих, дин, тасаввуф ва эски фалсафадан етарли зайлда хабардор бўлишдир.

Атоқли адабиётшунос Н.Каримов ёзганидек, “Фитрат – кўп асрлик ўзбек маданияти тарихида ғоятда улуғ ва ноёб ҳодиса. У шоир, ёзувчи, драматург, таржимон, публицист, адабиётшунос, санъатшунос, тилшунос, тарихчи, файласуф. Бундай кенг билимли, ҳар томонлама истеъдодли сиймони XX аср жаҳон адабиётида бошқа топиш маҳол”. Фитрат Бухорои шарифнинг фақат беназир фарзанди эмас, сўнмас бир тимсоли эканлиги ҳам мана шунда.

Ўзбек тили ва адабиёти,

НАВОИЙШУНОС ОЛИМА ВА МУРАББИЙ

Эл-юртнинг таниқли ва улкан олимлари билан бир жойда ишлаш, уларнинг асарларини тириклигидаёқ пухта ўқиб-ўрганиш, кўнгилда бошқача бир қаноат туйғусини ҳосил қилади. Шунинг учун бу фоний дунёни тарк этган бўлишса-да, баъзи ишларга устодларнинг нигоҳи билан қараб, ўша зотларнинг нуқтаи назари бўйича баҳо бериш кўникмага айланиб қолади. Бу ҳолат баъзида кишини суяса, гоҳида қийнаб оғир хаёллар гирдобига ташлайди.

Олмониялик Макс Нардаву деган олим “Ҳақиқат ҳақида” номли тадқиқотида ўн тўққизинчи асрдан кейин Оврупода аёлнинг эркаклашиши, эркакнинг эса аёллашуви, яъни жинс алмашиниш жараёнини текшириб, келажакда бу ҳолат ижод, санъат, сиёсат аҳли орасида ортиб боради, деган хулосани билдирган. Бу хулосага қўшилмаслик ёки уни бутунлай инкор айлаш мумкин. Бироқ бунинг билан ҳеч нарсага эришилмаганидек, ўша жараёнга қарши ҳеч нима қилиб ҳам бўлмайди. Ваҳоланки, эски Шарқ мутафаккирлари у ёки бу тарзда мазкур фожианинг илдизларига эътиборни жалб этиб кетишган. Масалан

“Ҳибат ул-ҳақойиқ” муаллифи донишманд Аҳмад Югнакий “Билимлик аёл эрдир, билимсиз эркак – хотиндир”, дейди. Бу гап ҳануз ўз маъниси ва аҳамиятини бой бергани йўқ. Аксинча фақат бесаводликнинг эмас, чаласавводлик кулфатини ҳам ўйлашга ундаб турибди. Хожа Аҳмад Яссавий ҳикматларидан бирида ўқиймиз:

Охир замон олимлари бўлур золим,
Хушомад айлағонлар бўлур олим.

Бу ўринда золим сўзи ҳақиқат ўрнида ёлғон ишлатган, ростлик ва тўғриликка бемалол хиёнат қилгувчи кимса мазмунида қўлланилган. Иккинчи мисрага келсак, хушомад, маддоҳлик ҳеч пайт эркаклик, мардлик, хусусан, олимлик хислати ҳисобланмаган. Алишер Навоий қитъаларидан бирида қоралаш билан кифояланмай, қарғишни шеърга қўшиб: ким “хушомад демакни бошласа, кошки, “тутулса дами, кесилса тили”, дейиши ҳам бежиз эмасди. Мана шулар инобатга олиниб, бундоқ муҳокама юритилса, атоқли навоийшунос, заҳматкаш шарқшуносБеруний номидаги давлат мукофоти лауреати ва Ўзбекистон қаҳрамони Суйима Ғаниевани олимаю фозилаларнинг марди майдони эди, деса муболаға бўлмайди.

Энди яна бир эътироф. 70-80-йилларда Тил ва адабиёт институти илмий ходимларининг тахминан учдан бири ғиди-биди, миш-миш ва иғво билан машғул бўлган. Баъзилар эса у ёки бу тўданинг намояндаси ўлароқ баобрў олимларни қулатишга сафарбар этилганини кўпчилик билар, аммо қарши бирор чора қўлланмасди. Ана шунақа зотлардан айримларининг фаолияти текширилганда йил мобайнида қилган иши ҳатто битта мақолага ҳам тўғри келмаган. Нафақа ёшигача ҳам бир номзодлик ҳимоясини эплай олмаганлар, айни шундай баттоллар Абдуқодир Ҳайитметов, Суйима Ғаниева устидан ҳам юмалоқ хатлар ёзишган. Домла Ҳайитметов бўлим мудирлигини топшираётганларида ўша бўҳтон номалардан бирини менга берганлар. Алоҳида шарҳ билан бир кун уни эълон қилиш ниятим бор.

Суйима опа эса туҳмату иғвога кўпинча “ит ҳурар, карвон ўтар” қабилида муносабатда бўлган. Лекин Алишер Навоий “Тўла асарлар” нашри муносабати билан бир аламзада ва ғаламис олимнинг институтимиз ходимлари устидан Ўзбекистоннинг биринчи Президентига ёзилган шикоят хатидан кейин Суйима Ғаниева момо лочиндай майдонга чиқиб кўпчиликнинг зафарига бош-қош бўлганини мен умрбод унутолмайман. Бундай мисоллар эса оз эмас ва ҳар бири Суйима опанинг маънавий, илмий зийнатига зийнат, инсонлик шарафига шараф қўшади, албатта.

Бундан анча йиллар муқаддам элимизнинг ардоқли адиби Одил Ёқубов бир мақоласида “Ўзи бирёқламаликка ўрганиб қолганмиз, оғзимиздаям битта эмас, бир нечта тил борга ўхшайди”, деб ёзган эди. Дарҳақиқат, вазият ва шароитга қараб турланиб-тусланиш, оддий муомала муносабатда ҳам қитмирлик, ўйинчилик тилида сўзлашдан уялмаслик қарийб урфга айланиб қолганди. Алдов, риё, ҳийлабозликлардан безган кишилар ўшанда ўзини четга олишни эплолмай қолган вақтлар ҳам бўлган. Ана шундай шароитда ҳам институтнинг мумтоз адабиёт бўлимида бир муҳофазакорлик руҳи мавжуд эди. Бу хусусда ўйлаганимда чинакам илм одамларида шахсиятнинг шаклланиши бир-бириникига ўхшамаслигига ҳеч шубҳаланмайман. Олималар кўп, улар сафида Навоий ижодиётини зоҳиран билгичлари ҳам бор. Бироқ Суйима Ғаниева йўқ. Нима учун? Биринчидан Суйима опадаги фаҳм-фаросат, дид савия кенглигини такрорлаш қийин. Иккинчидан, Ғафур Ғулом, Ойбек, Мақсуд Шайхзода, Зулфия каби улкан ижодкорлар назарига тушиб, у ёки бу ишни

уларга мақбул бўлиш ё бўлмаслигини ўйлаш – бу фақат Суйима Ғаниевага насиб этган толедир. Шарқ мумтоз адабиётининг толмас мутахассиси, зукко матншунос, таржимон ва моҳир мураббий Суйима Ғаниева тўғрисида сўзлаганда ана шуларнинг барисини назарда тутиш лозим.

Илмда Суйима Ғаниевадан ўрганса, ибрат олса арзийдиган тажриба мактаби мерос қолди. Айтайлик, Москва ёки Санкт-Петербургда, Истанбул, Боку ёхуд Душанбедаги илмий анжуманларда ўзбекнинг донишманд қизи, билағон шарқшуноси сифатида таассурот уйғотиш яна кимга насиб этади? Умумий, баландпарвоз таърифлар, бачкана мусоҳабалар билан янги суймалар тарбияланмаслигини жиддий ўйлаш зарур, албатта. Суйима опанинг Навоий насрига бағишланган тадқиқотлари меҳр-муҳаббат шуури, нафосат шавқи, садоқат қўли билан яратилган.

Буюк Ибн Арабий “Бизнинг биринчи душманимиз муқаллидлардир”, дейди. Бизнингча, ана шу ҳақиқатни Суйима Ғаниева ҳеч қачон унутганмас. Унинг илҳом ва ғайрат билан меҳнат қилиши ҳамда илгарига томон ҳамиша мардона одим ташлагани шундан. Миртемир домлага бағишланган шеърида Абдулла Орипов, “Сизга ташланмади не-не зотлар, Улар ҳар мўминга ташланар эди, Ташланмаса кўнгли ғашланар эди”, деганидай, Суйима Ғаниева ҳам, юқорида қайд этилганидек, нокасу нотавонларнинг ҳамлаю ҳужумларидан четда қолмаган. Қарийб ўттиз йилдан зиёд муддат бирга ишлаб мен у кишини яхши ва ёмон вазият, оғир ва енгил ҳолатларда кузатиб, кўпинча ўзаро фикр алмашганман. Бироқ ҳеч қачон опани довдираш ёки қандайдир тушкунлик ҳолида кўрмаганман.

Очиғини айтсам, устоз олимлардан бир қанчасининг шахсият ва маърифий қатъияти мени унча қаноатлантирмаган. Энди билсам, уларнинг ҳар бири илм ва ирфон заминида чуқур илдиз ёзган, ҳосилдор бир Дарахт экан. Айни шундай қисмат ва иқбол, яна кимларга насиб этишини ҳозирги шароитда башорат қилиш бағоят душвордир. Чунки илм-фанда саёзлик, алдам-қалдамчилик мисли кўрилмаган миқёсда ривожланиб кетди. Аммо бугун бўлмаса эртага, эртага бўлмаса ундан кейин Суйима Ғаниева сингари иқтидор эгалари пайдо бўлишидан умидни узмаслик зарур, деб ўйлайман. Суйима Ғаниева рус илм-фан марказларидан бири Ленинградда ҳам таълим олган. Атоқли рус шарқшуносларининг тажрибаларини ўрганган. Бироқ у бирор бир ўрис олимининг ишларидан нусха кўчириб, уларнинг тадқиқотларидаги ғоя, асосий термин ва ибораларни ўзлаштириб олиб найрангбозлик қилмаган. Мана шунинг учун ҳам Суйима Ғаниева илмий мероси миллий адабиётшуносликнинг, хусусан, навоийшуносликнинг ажралмас қисми ўлароқ тан олинган. Суйима опа Шарқнинг юздан ортиқ машҳур истеъдод соҳибларига бағишлаб мақолалар ёзган. Булар орасида қандай сўз заргарлари йўқ дейсиз? Лутфий, Гадоий, Навоий, Бобур, Огаҳий, форсийда қалам сурган Низомий, Румий, Жомий, Ҳофиз, Саъдий, озар шоирларидан Насимий, Хоқоний, Фузулий ва ҳ.к. Бу санъаткорлардан ҳар бирининг ўз ижодий нафаси, туйғу дунёси, руҳий маҳобати, услуб йўли ва тасвир усуллари бўлган. Нозиктаъб, зукко тадқиқотчи ўлароқ ана шуларни Суйима Ғаниева етарли зайлда идрок этган ва ёритиб берган.

Устоз олиманинг умри сўнгги нафасигача китоб ичида, не-не даҳо ижодкорларнинг қўлёзмаларини синчиклаб ўрганиш билан ўтди. Мутолаа ва тадқиқ уни ҳамиша мушоҳада, талқин ва янги-янги фикр-мулоҳазаларни қоғозга туширишга, уларни мақола, рисола, китоб шаклида ўқувчиларга етказишга илҳомлантирган. Шу билан бирга бу илҳом бардавом умрга ҳам йўл очган эди.

ЎЗБЕК ТАСАВВУФ ШЕЪРИЯТИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ ХУСУСИДА

Ислом дини заминида дунёга келган тасаввуф мусиқа, тасвирий санъат, ҳатто фалсафага қараганда ҳам адабиёт билан жуда эркин ва изчил алоқа боғлаган. Бадиий ижодда "тариқат адабиёти" деган бир тармоқнинг пайдо бўлиши ҳам шундан. Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам тасаввуф адабиётини билиш, унинг насрий ёки шеърий намуналарини тадқиқ ва талқин қилиш сўфийлик тарихи, тажрибаси, унинг етакчи ғоявий тамойилларини ўрганишдан бошланиши керак. Бўлмаса саёзлик хатога, хато чалғишга, чалғиш сохтакорликка йўл очиб бераверади.

Тасаввуф тарихи ва мафкурасини яхши билган айрим олимларга кўра, "авомнинг бир тасаввуфи бўлиб, фақиҳнинг тасаввуфи унга ўхшамаган. Обиднинг тасаввуфи билан мутасаввифники ҳам бир-биридан фарқланган. Имом Ғаззолийнинг "Иҳё ул-улуми дин" китобидан ўрганилган тасаввуф эса носиҳнинг тасаввуфи эди. Шайхи Акбар Муҳйиддин ибн Арабий асарларини ўқиб-ўрганиш файласуфнинг тасаввуфини ўзлаштириш демак. Шунингдек, мантиқ аҳли ва усулчиларнинг ҳам ўзига хос тасаввуфий қарашлари бўлган"[1].

Ушбу тасниф тасаввуфнинг нақадар хилма-хиллик касб этгани ва ўзига хос тарзда тармоқланганини англаш жиҳатидан ҳам диққатга молик. Авомдан зиёлига, ундан мутафаккир, ижодкор ва орифга боргунга қадар тасаввуф ниҳоятда фарқли савия, дунёқараш ва ҳолатдаги кишиларнинг маънавий-ахлоқий эҳтиёжини ифодалаган эди. Буни билган, бу фарқланишлардан фойдаланган Ғарб олимларидан баъзилари тасаввуфшуносликни ғайриилмий йўлга ҳам буриб юборишган.

Шу ўринда бир ҳақиқатни алоҳида изоҳлаш зарурга ўхшайди. Европадаги айтарли ҳеч бир олим ва тадқиқотчи мусулмон халқлари барпо этган давлат, салтанат манфаатларини кўзлаб, уларнинг дини, маданияти ва тарихини холис ўрганмаганидек, ҳаққоний хулосаларни ҳам илгари сурмаган. Улар, нари борса, олимлик бурчидан жуда йироқлашмасликка уринишган. Шу маънода характерли бир мисолга эътиборни қаратмоқчимиз.

Буюк сўфий Мансур Ҳаллож таржимаи ҳоли ва асарларини тадқиқ қилиш, таржима ва нашр этишда француз шарқшуноси Л.Массиньон беқиёс натижаларни қўлга киритган. Бу хусусда сўз юритган усмонли турк ҳалложшуноси Яшар Нури Ўзтурк "таъбир жоиз бўлса, Массинъон "фанофил Ҳаллож" – Ҳалложга фоний бўлгандир" дейди. Ва бунинг ортидан "ушбу ғайратини у ислом ёки илм-маърифат учун эмас, балки христианлик матлабига бағишлагандир"[2], дея асосий ҳақиқатни таъкидлайди.

Ушбу ҳолат у ёки бу зайлда Аттор, Саноий, Ҳофиз, Румий каби даҳо санъаткорларнинг ижодиётини ўрганган ҳар бир таниқли тадқиқотчи илмий фаолиятида кузатилган. Айниқса, қардош турк олимлари буни имкони бўлгани қадар назардан соқит этмасликка уринишган. Масалан, Хожа Аҳмад Яссавийнинг муриди, яссавийликка таяниб бектошийлик тариқатини яратган муршид, адабиётда яссавий-бектоший анъанасининг бошловчиси Ҳожи Бектош валининг ирфоний тажрибаси ва меросининг Ғарбдаги тадқиқи борасида профессор А.Сезгин ёзади: "Бектошийлик мавзуида ёзган ғарблик "ориентиалистлар", яъни ўзларини "шарқшунос" деб билган олимлар билан уларга эргашиб ва таяниб мазкур мавзуларда юртимизда қалам тебратганлар Ҳожи Бектош вали ва унинг Шайх Адабали, Кийики бобо, Абдол Мусо каби издошларини йўлдан озган, ботиний ва миллат манфаатига тубдан зарарли тушунчаларни илгари сурган кимсалар сифатида кўрсатишга куч сарфлашган"[3].

---

[1] Қаранг: У л у д о ғ С. Тасаввуфнинг тили. Истанбул, 2006. 216–217-бетлар.
[2] Ў з т у р к Я.Н. Ҳалложи Мансур ва "Китоб ут-тавосин" асари. Истанбул, 1976. 55-бет.
[3] С е з г и н А. Ҳожи Бектош вали ва бектошийлик. Истанбул, 1991. 173-бет.

“Бундан кўзда тутилган асосий ният нима?” – Бизни аждодларимизга душман айлаш ва улардан йироқлаштиришдир”, – дейди. А.Сезгин.

Илм номи билан амалга оширилган бундай ўйин ва ғанимлик шўро замонида Аҳмад Яссавийга нисбатан ҳам қўлланилган эди. Миллатнинг ўзлиги, маънавий-ахлоқий такомилига бутунлай тескари ўша ғайриилмий ҳодиса ҳали бутунлай барҳам топганича йўқ.

Чуқур мушоҳада ва устувор далилга асосланмаган илмга ўтмишда “илми омиёна” дейилган. Бундай илм соҳибларининг тасдиғи қанчалик бўш ва жўн маълумотнавислик бўлса, танқид ва инкори ҳам шу қадар омонат ҳамда самарасиздир.

Тасаввуфдаги адабиёт билан адабиётдаги тасаввуфни ажратиш, тариқат адабиётининг ўзига хос хусусияти ва ғоявий-бадиий унсурларини зарур даражада билиш малакаси бизда ҳанузгача пухта шаклланмагани боис кўп нарса аралаш-қуралаш ҳамда ўртадан ҳам паст илмий савиядадир. Аҳволни тубдан яхшилаш ва ҳар турли ўзбошимчаликларга чек қўйиш учун, биринчидан, юқорида таъкидланганидек, тасаввуф тарихи ва жараёнига умумий бир нуқтаи назардан қараб, ягона бир мезонда баҳо бериб бўлмаслигини англаш даражасига кўтарилиш жоиз. Иккинчидан, зоҳидлик ва илк сўфийлар даври билан тариқатлар ҳамда ваҳдати вужуд босқичидаги тасаввуфий тушунча ва ҳолларнинг фарқланиши пухта англанса, сўфийлик адабиёти хусусидаги тутуруқсиз ва бачкана мулоҳазаларнинг ўз-ўзидан олди тўсилади. Учинчидан, тарихан тасаввуф тили, истилоҳ ва рамзларидаги ўзгариш, бойиш сабабларини билиш наинки илм, маърифатга ҳам асосланиши зарур. Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний ва Яссавий мактаби шоирлари ижодиёти ўзбек тасаввуф адабиёти тарихининг илк босқичларини ташкил этса, Саййид Қосимий, Алишер Навоий, Убайдий, Сўфи Оллоёр, Машраб, Ҳувайдо каби шоирларимизнинг шеърияти унинг юксалиш жараёнини белгилайди.

Бундан қарийб тўқсон йил аввал рус олимларидан бири Ҳувайдонинг сўфийлигидан баҳс юритиб, унинг, айниқса рубоий жанридаги шеърларида ирфоний кечинмалари фавқулодда кучли ва ёрқин тарзда ифодаланганлигини айтган[1]. Демоқчимизки, тасаввуфий матннинг бош хусусияти, руҳоний завқи мушоҳада этилса, шеъриятдаги сўфиёна йўналиш ўзига-ўзи йўл очиб, тадқиқотчини тўғри шарҳ ва талқинга илҳомлантираверади. Бунга ишонч ҳосил этиш учун Абдураҳмон Жомий каби йирик мутасаввиф ижодкорларнинг илмий меросига ҳам мурожаат этиб туриш керак.

Бадиий ижод билан илмни ўзаро яқинлаштириш ёки уйғунлаштириш юртимиздаги қадимий бир анъана. Бу анъана ҳамон давом этилаётир. Лекин олдинги миқёс, теранлик ва ғайраткорлик ҳозир йўқ унда. Айтарли ҳамма нарса ўзгариб, янгиланган замонда “борини бозор айлаш” ҳам катта иш. Фикр ҳаётига таъсир ўтказиб, озми-кўпми таассурот уйғотадиган ижод намуналарининг борлиги қувонарли ҳодиса, адбата. Шу маънода таниқли ижодкор, драматург А.Иброҳимовнинг “Илдизим ва ўзим” (“Адабиёт учқунлари”. Тошкент, 2015) деган китоби эътиборга молик ва муҳокамага лойиқдир. “Бу асарни ёзишдан мақсадим шуки, – дейди муаллиф, – орадан кўп йиллар ўтгач, китобхонлар, илм ва ижод аҳли агарда мени эслаб қолсалар, мен ҳақимда тўғри маълумотга эга бўлсинлар. Чунки мени ўзимдан бошқа ҳеч ким ўзимчалик тўлиқ ва теран билмайди” (31-бет). Аммо ундаги кўпдан-кўп саҳифалар, гоҳо ўқувчини бир қадар ажаблантирадиган фикр-мулоҳазалар юқоридаги гапнинг унча тўғримаслигини ҳам тасдиқлайди. Аввало, унинг “тарихий-ҳужжатли роман” дейилиши кўп жиҳатдан ўзини оқламайди. Чунки унда тиқиштирилиш

1 Қаранг: Г а в р и л о в М.Ф. Среднеазиатский поэт и суфий Хувайдо. Ташкент, 1927. С. 19.

имкони бўлган керакли-кераксиз, муҳим-номуҳим айтарли ҳамма нарса жамланган. Биз бу ўринда А.Иброҳимовнинг “яссавийшунос”лигига қисқагина тўхталиб ўтмоқчимиз, холос.

“Саводимни чиқарган китоб” номли қисмда муаллиф “Девони ҳикмат”ни болалигидаёқ ўқиб-ўрганганлигини исботлашга уринган. Умуман, китобдаги Яссавий ва унинг адабий меросига тегишли мулоҳазалар тарихий бир аҳамият касб этмаганидек, улар илмий-адабий қимматга ҳам эга эмас. Булар камлик қилганидек, “Бизким ўзбеклар” китобидаги тўрт бетлик бир парча ҳам “роман”га киритилган бўлиб, унда баландпарвозлик ва ёлғондан бошқа бир нима топилмайди: “Сўнгги йилларда чет элларда, айниқса, бизга қўшни туркий давлатларда Аҳмад Яссавий ижодига қизиқиш кучайиб кетди. Халқаро илмий-адабий анжуманларда Аҳмад Яссавий бобомиз турк дунёси шеъриятининг отаси деб ҳақли суратда эътироф этилмоқда...” (253-бет).

Халқаро ўша илмий-адабий анжуманларнинг бир нечасида биз ҳам иштирок этиб, уларнинг материалларидан таркиб топган ҳамма тўпламларни олганмиз, аммо ҳеч жойда Яссавий “турк дунёси шеъриятининг отаси” деган таърифни эшитганимиз ҳам, ўқиганимиз ҳам йўқ. Яссавийшунос сифатида жаҳонга танилган, “Аҳмад Яссавийнинг чиғатой ва усмонли адабиётига таъсири” деган бир тадқиқот яратган улкан турк олими М.Ф.Кўпрулининг хаёлидан ҳам бунақа гап ўтмаган бўлса керак.

Бундан йигирма беш йиллар муқаддам Ўзбекистонда яссавийшунослик деган фан тармоғи шаклланиб, шахдам одимлар билан ривож топади деса, ҳеч ким ишонмасди. Боз устига, ўша пайтлар ким нима ёзган бўлса, деярли ҳаммаси Яссавий шахсияти, тариқати ва шеъриятига қарши тўқилган айбнома эди. Бу айбнома ва мафкуравий қоралашларга ҳатто мустақиллик арафасида ҳам қарши чиққан ижодкор бўлмаган. Яссавийпарастлик эса одатдагидек “ёв қочди”дан кейин бошланди.

Дарвоқе, яссавийшуносликнинг оёққа туриши мустақиллигимизнинг ёшидан унча фарқланмайди. “Яссавийшунослик: ўтмиш, бугун ва истиқбол”, “Менинг ҳикматларим дардсизга айтманг...”, “Яссавийлик ва Яссавий издошлари”, “Мустақиллик ҳикмати ва ҳиммати” номли мақолаларда ҳамда “Аҳмад Яссавий” (Тошкент, 2001) рисоласида биз Яссавий ҳаёти, тариқати, ижоди ва издошларига бағишлаб қилинган илмий тадқиқотларга тўхталиб ўтганмиз[1].

А.Иброҳимовга кўра эса, “юзлаб филолог олимларимиз, Фанлар академиямиз қошида бутун бошли Тил ва адабиёт институтимиз бўла туриб, ҳалигача Аҳмад Яссавий ҳақида бир мукаммал монографиямиз йўқ. “Девони ҳикмат”нинг академик мукаммал нашри чоп этилмаган. Ваҳоланки, Қозоғистонда шу масала билан шуғулланишмоқда” (250-бет).

Тўғри, Қозоғистонда “Девони ҳикмат” фақат адабиётшунослар эмас, тарихчи, файласуф, санъатшунослар томонидан ҳам бир қадар ўрганилган. “Девон” бир неча бора чоп қилинди. Бироқ “академик мукаммал” нашр масаласи” кун тартиби”га қўйилгани йўқ. 2012 йил 20–21 февралда Туркиянинг Истанбул шаҳрида Хожа Аҳмад Яссавийга бағишланган навбатдаги халқаро симпозиум ўтказилди. Қозоғистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти профессори А.Мўминов ўша симпозиумдаги маърузасида америкалик шарқшунос Девин Девиснинг Яссавий замонига яқин қўлёзмалари топилмагунча кейинги асрларга мансуб “Девони ҳикмат” қўлёзмаларидаги ҳикматларни ҳам Хожа Аҳмад Яссавийга нисбат бермаслик лозим деган фикрига эътиборни қаратиб, яна бундай деганди: “Аҳмад Яссавий асарларининг илмий-тарихий жараёнга дахлдорлигига тўсиқ бўладиган асосий

---

1 Қаранг: Хожа Аҳмад Яссавий. Ҳаёти, ижоди ва анъаналари. Тошкент, 2001. 3–12-бетлар; Хожа Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат. Сўзбоши. Тошкент, 2006; Ҳаққул И. Ижод иқлими. Тошкент, 2009. 110, 145-бетлар; Шу муаллиф. Сўздаги ўзлик. Тошкент, 2013. 3–8-бетлар.

сабаблардан биттаси бир неча ўринларда бутун бошли ҳикоялардан майдонга келган агеографик парчаларнинг қўшилганидир”[1].

Бу хилдаги фикр ва хулосаларга қуруқ инкор, илмий, тарихий, адабий далил ва маълумотлардан бехабарликни акс эттирадиган танқид жавоб бўлолмайди. Масала илмий мантиқ ва мушоҳада йўли билан ҳал этилиши керак. Биз “Девони ҳикмат”дан сўз юритилган ҳар бир мақоламизда шунга уринганмиз. Шунинг учун юқоридаги сингари гап-сўзларни назарда тутиб, мазкур симпозиумнинг ёпилиш маросимидаги чиқишимизда “Мен маърузамда ҳам айтдим, турк дунёси, тарихи ва туркий адабиётни Аҳмад Яссавийсиз тасаввур этиб бўлмайди. Алишер Навоий, Бобур, Убайдий ва бошқа ижодкорларимиз ҳам маънан ва руҳан Яссавийга бурчлидирлар...”[2], деган эдик.

Кейинги беш йилда Тил ва адабиёт институтининг ўзбек мумтоз адабиёти бўлимида “Девони ҳикмат” нашри ва тадқиқи бўйича ҳақиқатда кўп ишлар амалга оширилди. Туркий жумҳуриятларга танилиб қолган яссавийшунос олим Н.Ҳасановнинг 2012 йилда “Яссавийликка доир манбалар ва “Девони ҳикмат” номли монографияси чоп этилди. Матбуотда унга ижобий фикрлар ҳам билдирилди. Ахир, Яссавийга тегишли қадимий манбаларни текширмай, улардаги керакли факт ва маълумотлардан хабарсиз ҳолда ким “мукаммал монография” ярата олади? Наинки Ўзбекистонда, хорижий ўлкаларда ҳам кўп баҳс юритилган бўлса-да, аниқ бир қарорга келиниб, ечимини топмаган мавзу ё масалаларга аралашганда илмнинг дахлсиз талабларига сўзсиз риоя қилиш лозим.

“Девони ҳикмат”нинг дунё юзини кўриши, муаллифлик муаммоси яссавийшуносликдаги энг мунозарали, айни пайтда ҳал қилиниши жуда қийин бир масаладир. Бу ҳақда бизда ҳам, хорижда ҳам асосан бир-бирига яқин, гоҳо ўзаро қўллаб-қувватланадиган фикрлар ёзилган. Умумий қаноатга кўра эса “Девони ҳикмат”даги шеърларнинг ҳаммасини ҳам Аҳмад Яссавийга нисбат бериб бўлмайди, уларнинг маълум бир қисми Яссавийнинг мурид ва сафдошлари томонидан ёзилиб, девонга кейин киритилган. Устод Абдурауф Фитрат “Яссавий ҳикматларининг “ҳеч бўлмаганда, бир қисми, шогирдлари томонидан ёзилган” дейди. М.Ф.Кўпрули ҳам шунга яқин фикрда. В.В.Бартольд эса юз йиллар мобайнида ҳикматлар тили котиблар томонидан соддалаштирилиб, ўзгартирилиб борилганини қайд этган[3].

“Ўзбекистон миллий энциклопедияси”да босилган (3-жилд, 229–230-бетлар) “Девони ҳикмат” мақоласида биз бундай деб ёзганмиз: “Аҳмад Яссавий “Девони ҳикмат”ни шу ном билан китоб тарзида тартиб бермаган. Уни Яссавийнинг мурид ва издошлари тузишган. Яъни устозларининг ҳикматларини бир жойга жамлаб, унга “Девони ҳикмат” номини беришган... Ундаги ҳамма шеърлар ҳам Яссавийга мансуб эмас. Унга Яссавий издошларининг ижод намуналари ҳам киритилган... Ясавий ҳикматлари оғиздан-оғизга кўчиб, китобдан-китобга ўтиб, ўз асл тилини ва услубини ўзгартирган, аммо уларнинг асосий ғоявий мазмуни сақланиб қолган”.

Ушбу фикрлар А.Иброҳимовга жуда ғаразли кўринади, уларга қўшилиб бўлмаслигини ўзича асослашга уринади.

“Ғаразли эканлиги шундаки, – дейди яссавийшунос адиб, – қандай бўлмасин, нима қилиб бўлмасин, ўзбек адабий тили ва мумтоз адабиёти тарихини “ёшартиш”, уларга XI асрда эмас,

---

1 М ў м и н о в А. Туркистон яссавийлик тарихи ҳақида янги манбалар // Миллатлараро Хожа Аҳмад Яссавий симпозиуми материаллари. Истанбул, 2012. 181-бет.

2 Ўша китоб. 219-бет.

3 Бу ҳақда яна қаранг: Ҳ а с а н Н. Яссавийликка доир манбалар ва “Девони ҳикмат”. Тошкент, 2012. 252–253-бетлар.

XV асрда, ҳаттоки ундан кейин вужудга келган деган асоссиз фикрни ёйиш, камситиш. Инсоф билан, холис туриб, фикрни бир жойга тўплаб, некбин қараш билан "Девони ҳикмат"ни ўқисангиз, у бошдан-оёқ ягона ғоявий мазмунда, ягона услубда яратилганига ишонч ҳосил қиласиз. Жамоа бўлиб бундай бир бутун асарни яратиб бўлмайди. Унинг муаллифи фақат Аҳмад Яссавий бобомиздир" (251-бет).

Ижодда ҳиссиёт, таассурот ва хаёлотга таяниб ҳар нарсани айтавериш мумкиндир. Лекин махсус тадқиқ этмай, пухта билмай айтилган гап илмда ҳеч қандай қиймат касб этмайди.

Яссавий ижодиётини жиддий текширган турк тасаввуфшуноси А.Я.Учақнинг илмий хулосаси бўйича: "Энг эскиси XVII асрдан нарига ўтмайдиган "Девони ҳикмат" нусхаларида Яссавийники дейиш мумкин бўлган анча ҳикматга дуч келинади"[1].

Муаллифликни сиртдан қараб эмас, кўпроқ ичкаридан назар ташлаб ҳал қилишни ёқлаб, А.Я.Учақ яна бундай дейди: "Девони ҳикмат"даги шеърларининг катта бир қисми Аҳмад Яссавийни тўла маъноси ила шариатга боғлик мусулмон, зоҳид, сунний бир мутасаввиф қиёфасида кўрсатади...

Бошқа бир туркум ҳикматлар эса худди Юнус Эмро шеърларидагидек, жўшқин ва жозибали илоҳий ишқни, кучли бир маломат тушунчаси ва ҳолатларини акс эттиради. Шуларни ҳисобга олиб, Камол Эраслон ҳам ҳикматлар бир кишининг эмас, Яссавий дарвешларининг умумий фикр ва инончларининг маҳсули деган қаноатдадир"[2].

Шундай қилиб, "Девони ҳикмат" тақдирига қизиқиш А.Иброҳимовни ўзгаларни чалғитувчи ҳолатга етказади ва у ҳеч иккиланмай "Ўзбекистон миллий энциклопедияси"дек мўътабар манбада Аҳмад Яссавий ва унинг шоҳ асари "Девони ҳикмат"га нописанд бўлишлик асло кечирилмас ҳолдир" (251-бет) дейди. Ваҳоланки, кўз нурини сарфлаб, изланиб, қанча қўлёзма ва тошбосмаларни қиёслаб чиқарилган ўнлаб олимларнинг умумий бир илмий хулосаларини назарга илмай, уларни айблаш кечирилмас ҳавойиликдир.

"Илдизим ва ўзим"ни назардан ўтказган билимли китобхон муаллифнинг мутолаа билан кўп машғул бўлганлиги, ҳатто юзлаб саҳифалардан ўрин эгаллаган фикр, маълумот ва далиллар ўша китоблардан ўзлаштирилиб, ишлов берилганига сира шубҳаланмайди. Лекин муаллиф тарихга суяниб, гоҳо ўзи "тарих" тўқийдики, буни ҳеч маъқуллаб бўлмайди. Мана бир мисол: "...Жомий темурийлар замонида, асосан, Ҳусайн Бойқаро даврида яшаб ижод қилди, олий ҳукмдорнинг ҳимматидан баҳраманд бўлди, тинч шароитда яшаб ўтди. Иззатга эришди. Лекин шундай бўлса ҳам, давлатни темурийлар бошқарганини дилдан хушламас эди, чунки у туркий эмасди. Шарафиддин Али Яздий "Зафарнома"ни оққа кўчирганидан кейин Жомий уни Ҳиротдаги Инжил сойи бўйида учратиб қолганида, "Шундай зўр истеъдодинг бўла туриб, темурийларга хизмат қилиб юрубсанми?" дея койиган экан. Ютуқларимизга ҳатто Жомийдек шоир ҳам шундай муносабатда бўлган экан, демак ишимизни билиб-билиб қилишимиз, ютуқларимизни ҳамиша ошира бориб, дўсту нодўстларимизни лол қолдиришимиз керак" (386-бет). Одамларни ҳушёрликка, ғайрат ва ташаббусга чорлаш керак. Бироқ уйдирма ва гиж-гижлаш йўли билан эмас.

Абдураҳмон Жомий темурийлардан Абулқосим Бобур, Абусаид Мирзо, Султон Ҳусайн Бойқарони шарафлагандай қайси подшоҳни мақтаган? "Етмиш икки миллат"га бир нигоҳ билан қараган улуғ муршид ва мутасаввиф шоир бўлган Жомий ҳеч пайт Яздийга унақа савол бермасди. Қолаверса, ўн минг байтдан иборат "Темурнома" деган бир асар ёзган жияни Абдулло Хотифийга айтмаган гапни Жомий Яздийга айтармиди? Бобур эса у ҳақда "Абдуллоҳи маснавийгўй эди. Жомдиндур. Муллонинг (Абдураҳмон Жомийнинг

[1] У ч а қ А.Я. Турк сўфийлигига қарашлар. 12-нашр. Истанбул, 2014. 44-бет.
[3] Ўша китоб. 45–46-бетлар.

дейилмоқчи – И.Ҳ.) хоҳарзодаси бўлур, тахаллуси “Хотифий” эди... “Искандарнома” муқобаласида “Темурнома” айтибтур” деган сўзларни битиб қолдирган.

Моҳиятни яхши англамай, ҳақиқатга чуқур кириб бориш йўл-йўриғини топмай тасаввуф мавзусида ёзиш майли навоийшуносликда ҳам кучайиб бормоқдаки, бунга ҳам бефарқ қолмаслик зарур.

Изланувчан ёш тадқиқотчи А.Раззоқовнинг яқинда босилган бир мақоласида худди шунақа камчиликка йўл қўйилган[1]. Унда “сир” истилоҳининг ирфоний мазмуни ҳақида илмда баён қилинган гаплар такрорланиб, талқинларга айтарли мувофиқ келмайдиган қатор байтларга эътибор қаратилган.

Мавзунинг танланишига эътироз йўқ. Аммо уни ёритишда бир неча жиҳат ҳисобга олиниши лозим эди. Биринчиси, сирнинг инсонлар ўртасида бўладиган муомала-муносабатдаги мазмуни. Иккинчиси, тасаввуфий ҳаётда “сир” ва унинг ирфоний, истилоҳий моҳияти. Бунда “сир”нинг айниқса орифлик камолидаги ўрнига алоҳида диққат қилиш эҳтиёжи юзага келади. Шунингдек, Навоий мансуб нақшбандийлик тариқатидаги латойиф тушунчаси ва етти латифадан бири сифатида “сир” мавзуини четлаб ўтишнинг имконсизлиги ойдинлашади. Мана шундан сўнг ассоий муаммо – маломатийликда “сир” тажрибасига дуч келинади. Зеро, энг ҳушёр, ўзининг айб ва ноқисликларига очиқ нигоҳ ила қарашга қодир маломатийларга ўхшаб Навоий ҳам “сир”ни “мушоҳада маркази” деб билган ва буни исботлайдиган кўплаб шеърлар яратган. Афсуски, тасаввуфий мавзу, истилоҳ, тимсол ёки рамзнинг туб моҳияти ва талқинлардаги ўзгаришларни етарли зайлда англамай ёзилган мақолаларга негадир тез-тез дуч келинаётир[2].

Навоий ижодиёти ҳақида сўзлаганда чуқур ўйламай, тўғри ё нотўғрилигини инобатга олмасдан тасаввуфий сўз, ибора ва атамаларни ишлатиш ҳам одатий ҳолга айланиб бормоқда.

Навоийшуносликда шоир шеъриятида дам, лаҳза, он, вақт тушунчаларининг тасаввуфий талқинларига доир кейинги пайтларда бир қанча янги фикр ва мулоҳазалар эълон қилинди. Айрим мақолаларда ўша гаплар бошқача сўз ва иборалар билан такрорланган бўлса, баъзиларида улар асосида Навоий кўзлаган ҳақиқатга ҳам, маънога ҳам ҳеч мувофиқ тушмайдиган “янгилик”лар ўртага ташланган. Улардан бирида мана нима дейилади: “Навоий ғазалиёти, рубоийлари, қасида, мустазод, мусаддас, мусамман, мухаммас, соқийнома, таржеъбанд, таркиббанд, қитъа, фард, муаммо, қисқаси у ижод этган барча лирик жанр намуналари, улуғ сир ва УЛУҒ ВИСОЛ томон интилаётган ошиқнинг бу йўлда ҳис этган, англаган лаҳзалик сирлари, ҳолатлари, туйғуларининг рамзий талқинидир. “Хамса”даги беш достон эса солик йўлининг умумлаштирилган, яхлит манзараси. **“Ҳайрат ул-аброр”** бу йўлнинг тарҳи бўлса, кейинги тўрт достон шу харита бўйлаб босилиб ўтилажак йўл тасвиридир”[3].

Бундоқ қаралса, ушбу жумлалардаги “улуғ сир”, “УЛУҒ ВИСОЛ”, “лаҳзалик сирлар” сингари ибораларда гўё Навоий шеъриятининг илоҳийлиги таъкидланган. Гап шундаки Навоийнинг ҳатто рубоий ва қитъаларини ҳам урғуланган сир ва висол ифодаси билан чегаралаб бўлмайди. “Хамса”га тегишли фикр-ку, бутунлай ғалат ва уйдирма. Соликнинг

---

[1] Қаранг: Р а з з о қ о в А. Навоий шеъриятида “сир” истилоҳининг ирфоний маънолари // Ўзбек тили ва адабиёти, 2015, 1-сон, 44–48-бетлар.

[2] Энди-энди тўғри тушунилиб, тўғри шарҳлана бошланган фано ва бақо тушунчаси ҳамда ҳоли талқинлари жуда чалкаштириб юборилган А.Қурбоновнинг “Навоий ижодида фано тушунчаси” мақоласи (Ўзбек тили ва адабиёти, 2015, 3-сон, 43–52-бетлар) ҳам ўшалардан биридир.

[3] Ж ў р а қ у л У. Улуғ висол йўли // Тафаккур, 2015, 2-сон, 75-бет.

кимлиги, зиммасидаги вазифаси, фаолият тарзи, охир-оқибатда эришилажак натижалари хусусида озроқ тасаввурга эга киши ҳеч вақт, ҳеч бир зайлда “Хамса”дек ғоявий-бадиий дунёси фавқулодда кенг, теран, ўнлаб қаҳрамонларни бирлаштирган монументал асарни “соликнинг йўли” билан боғламайди.

Хўш, солик ким? “Солик йўлининг умумлаштирилган, яхлит манзараси” қанақа бўлади? Солик – шайх ва пир таълим-тарбиясида камол топган мурид, ҳол, мақом, ладуний илм, кашфу каромат йўлидаги ирфон соҳиби. Ва сулукнинг талабу шартларини сўзсиз бажарадиган киши. Ўша шартлардан биринчиси – тарк: мол, дунё севгиси, гуноҳ ва ахлоқий чиркинликларнинг таркидир. Иккинчиси – сулҳ: барча инсонлар билан келишмоқ, ҳар кимни ўзидай бечора ва толиб билиш. Учинчиси – узлат: жамият ва жамият юмушларидан ўзини четга олиш. Тўртинчиси – сукут, бешинчиси – очлик, олтинчиси – бедорлик[1]. Ушбу шартлар адо этилгач, “солик ҳатто номини ҳам билмайдиган ва хотирига ҳеч келмаган нарсалар пайдо бўлади. Буларни тажрибадан ўтказмаган кимса мазкур сўзларни асло англамайди”[2].

Хуллас, “тарки дунё”, “тарки уқбо” ва “таркни тарк” мақомига юксалган солик (акс ҳолда у Ҳақ васлига восил бўлишни мақсадга айлантиролмайди) турмушдаги ижтимоий-маданий муассасалардан деярли ҳеч бирини тан олмайди, салтанат, амал, мартаба соҳибларига одамларни нафси ҳаво қулларига айлантирувчи ва Ҳақ таолодан йироққа тортувчилар деб қарайди. Боз устига, “юз минг соликдан фақат биттаси” мақсад манзилига етиши мумкин.

Модомики шундай экан, давр ва замонаси учун энг долзарб, энг ҳаётий ва аҳамиятли ижтимоий-сиёсий, диний-ахлоқий масалаларни “Хамса”да образли оҳангларда талқин қилган Навоий ўзи истаганда ҳам солик йўлининг “тарҳи” ва “харитаси” бўйича қалам тебратмасди. Навоийнинг санъаткорлик, миллатпарварлик маслагига мувофиқ келмайдиган ҳар бир уйдирма фикр, ёлғон хулоса ўқувчиларнинг шоир асарларига қизиқишини сусайтириб, нотўғри тасаввурга ундашини ҳеч унутмаслик керак.

Чин сўфий турмуш ва воқелик ҳақиқатлари билан келишолмайди, ҳаётни идеалига мувофиқлаштириб, ҳамма нарсага Ҳақ нигоҳи билан қарашни истайди. Бунга эришиб бўлмаслигини билгач, дили вайрон бўлиб ғам чекади, тахайюлга берилади. Ҳамма буюк санъаткорлар сингари Навоий ҳам тўғриликнинг кучига, эзгуликнинг устунлигига, гўзалликнинг доимо севиб-севилишига иймон келтиргани учун бевосита халқ, юрт, дин ва давлат манфаатларини акс эттирадиган ғоя ҳамда ҳақиқатлар тасвиридан ҳеч чекинмаган. Навоий шеърияти саҳифаларидан ўзбек тасаввуф шеъриятининг энг асосий, комил шахс тарбияси учун жуда зарур ишқий-ирфоний мазмундаги ифодалар жой олган. Ўзбек тасаввуф шеъриятининг шаклланиш тарихи ва тараққиёти, маъно ва образлар дунёси бошқа туркий халқларникига қиёслаб бўлмас даражада ҳам бой, ҳам ўзига хос. Билим, савия ва руҳоний малаканинг ночорлиги бу шеъриятнинг асл манзарасини бутун миқёси, барча олий хусусиятлари билан кўриш ва тадқиқ этишга тўсиқ бўлиб турибди.

Мавлоно Жалолиддин Румийнинг ўғли – ориф шоир Султон Валаднинг ёзишича, моҳият эътибори билан авлиёнинг шеъри оддий шоирларникидан бутунлай фарқланади. “Зеро, авлиё ўзидан фоний бўлиб, Ҳақ ила бақоликка етишган зотлардир. Уларнинг ҳаракати ҳам, тирикликлари ҳам Ҳақдандир... Шоирларнинг шеъри бунинг акси бўлиб, фикр ва хаёл маҳсулидир. Шунинг учун ҳам авлиёнинг шеъри, шоирларнинг ўйлаб топилган, ёлғон, уйдирма, муболаға тарзида тўқилган шеърларига ўхшамайди. Аммо улар ўзларининг

[1] А з и з и д д и н Н а с а ф и й. Тасаввуфда инсон масаласи: инсони комил. Истанбул, 1990. 51–52-бетлар.
[4] Ўша китоб. 48-бет.

шеърларини ҳам валиларники билан тенг деб тасаввур қилишади. Ваҳоланки, буларнинг асосий мақсади ўз устунлигини кўрсатиш ва шон-шуҳрат соҳиби бўлишдир... Авлиё эса шеърда ўзини эмас, Ҳақни кўрсатади. Зеро, чин ошиқнинг шеъридан Ҳақнинг бўйи келади, худпараст шоирникидан шайтон васвасаси сезилиб, эшитилиб туради"[1].

Дарҳақиқат, илоҳий илҳом таъсирида қалам тебратганлар шеърий шаклларга алоҳида аҳамият беришмаган, қофияпардозлик қилишмаган, санъаткорлик усуллари орқали ўқувчи кўнглини ишғол этишга уринишмаган. Улар руҳоният, самимият, ҳаққониятдан ўзгасини назарга илишмаган. Буларни инобатга олиб, аввало ҳол илмини чуқур эгаллаган мутахассисларнинг етишиб чиқиши аҳволни тубдан ўзгартиради деган умиддамиз.

Ўзбек тили ва адабиёти, 2015 йил, ***5****-сон*

БАДИИЙ МАТН ДАҲЛСИЗЛИГИ ВА НАШР МУАММОЛАРИ

Алишер Навоий асарларини нашр қилиш тажрибаси ва уларга илмий-танқидий муносабат ўзбек матнчилиги ҳамда матншунослигининг ҳам асоси, ҳам ривож йўлларини белгилайди, деса хато бўлмайди. Навоийнинг шеърий, насрий, илмий меросини халққа етказиш учун навоийшуносларнинг бир неча авлоди заҳмат чекиб, тер тўкиб меҳнат қилган бўлса, мутафаккир санъаткорнинг нашрдан чиққан китоблари ютуқ, камчилик ва хатоларини холис баҳолашда эса улкан тадқиқотчиларимиз ўрнак кўрсатишган. Шунинг учун матн тадқиқи ёхуд текстологик мавзулардан баҳс юритганда Порсо Шамсиев, Ҳамид Сулаймонов, Абдуқодир Ҳайитметов, Суйима Ғаниева, Натан Маллаев каби ўнлаб устозларнинг йўли ва малакасидан йироқлашмаслик лозим. Чунки матншунослик илм ва малакадан ташқари ўткир дид, алоҳида бадиий завқ, чин ҳакамларга хос холисликни талаб қилади.

Қайта қуриш ва ошкоралик даврлари бошлангач, матншуносликда субъектив майллар анча кенг қулоч ёзиб, далил-исботи бўш, кўпчиликни чалғитувчи фикр-мулоҳазалар ҳам шунга мувофиқ равишда ортиб борди. Маъно даъвога, тадқиқ таҳқирга ён берган бу ҳодисага, афсуски, ўз вақтида муносабат билдирилмади. Тўғри, мақола ёки тадқиқотда кўрсатилган бир неча хато ва нуқсондан ҳатто биттаси тўғри чиққанда ҳам уни куюнчаклик самараси ўлароқ қабул қилиш ва тузатиш зарур. Бироқ биттани юзга, юзни мингга етказиб бонг уришга ҳеч пайт бефарқ бўлмаслик керак. Айрим бир тадқиқотчилар фаолиятида шунга монанд ҳолат кўзга ташландики бу, аввало, бадиий матн даҳлсизлигига путур етказса, иккинчидан, ўқувчини ижоддаги фикр ва туйғу ҳақиқатидан чалғитади.

Навоийнинг 20 жилдлик "МАТ" тўғрисида қачон, қаерда ва қай тарзда сўз айтмасин, филология фанлари номзоди, матншунос В.Раҳмонов "неча юзлаб", "минглаб хато" деган ибораларни қўллаган. "Ёшлик" журналида (1990 йил, 12-сон) босилган мақолада у ёзади: "Ўзбекистон Фанлар Академияси олимлари қайта қуриш ва ошкоралик талабларига "амал қилиб", ўзлари чиқарган китоблардаги минглаб хатолардан ўз ўқувчиларини "воқиф этиш йўлига ўтдилар..."

"Биринчи ғишт қийшиқ қўйилгач..." номли мақолада ("Ёшлик" жур. 2013 йил, 2-сон) эса бундай дейилади: "Алишер Навоийнинг "Мукаммал асарлар тўплами"нинг ҳар бир жилдида 500 дан 2000 тагача кетаётган нуқсонларни кўз олдимга келтирдиму... заҳматкаш нашрга тайёрловчиларимизнинг "саводхонлиги" кўнглимда ғалати таажжуб уйғотди".

[1] Султон Валад. Ибтидонома. Анқара, 1976. 66–67-бетлар.

Хато ва нуқсонлар ҳар бир жилдда “500 дан 2000 тагача” бўлса, уларнинг умумий сони йигирма жилдда қанчага боради? Нашрга тайёрловчилар ҳақида майли гапирмайлик, аммо таҳрир ҳайъати аъзолари, тақризчилар, масъул муҳаррирлардан (уларнинг аксарияти атоқли навоийшунослар) наҳотки ҳеч ким умумий аҳволни билмаган ёки сезмаган бўлса? Орадан қарийб ўн уч йил кечгач “мумтоз адабиётимизнинг энг муҳташам қасри” деб аталган мақоласида ўзи белгилагани ҳар бир томдаги хатолар сонини В.Раҳмонов икки мингдан, бирданига мингтагача озайтиради: “Агар Навоий тирик бўлганида йигирма жилдлигини мутолаа қилиб, ҳар бир жилди ўнг минг нусхадан эканини билса ва ҳар бир жилдда 500 дан токи мингтагача хато кетганини сезса, нашрга тайёрловчи олимга нисбатан қандай чора-тадбир кўрган бўлар эди...” (“ЎзАС”, 2005 йил, 9 февраль) Холислик юзасидан таъкидлаш жоизки, худди шу йилларда тадқиқотчининг фикр-қарашларида бир ижобий силжиш рўй бериб, йигирма томликни нашрга тайёрлаб, ниҳоясига етказган олимларни у ҳурмат эҳтиром ила олқишлайди. “Ҳозир бир Навоий асарлари нашрини байрам қилайлик, – дейилади ўша мақолада, – шоир асарларини бутун бир уммон тарзидаги яхлитликда томоша қилиб ўтиришнинг ўзи ҳам кишига катта қувонч бағишлайди! Зеро, бунда кейинги эллик йилда илм гули ҳисобланган фан докторларимиз ва илм заҳматкашларидан ҳисобланган фан номзодларимизнинг жуда катта ижодий меҳнатлари натижаси турибди... Навоий асарлари заҳматкашларига ҳамиша элимизнинг шон-шарафи ёғилсин”.

Бу гапларни ўқиш ҳам, эшитиш ҳам яхши. Аммо беш-олти йил ўтиб уларга тамоман тескари маънода гап айтиб, йигирма жилдликни нашрга тайёрлаган, унга масъул муҳаррирлик қилганларнинг барчасини, “ўз вазифасини бажара олмаслик”, “матнчиликда плагиатрлик қилиш”, ва ҳамма жилдларда “Навоий қиёфасини бузиш”да айбланишлари ҳар қандай кишини таажжублантириши табиий.

Аввалги нашрлардагидек “МАТ”да ҳам ҳар турли текстологик камчилик ва хатолар бор, бироқ миқдор ва мазмунда улар орттириб-кўпиртирилиб айтилганчалик эмас. Мабодо шундай бўлганида, мақола, тақриз, матбуотдаги чиққан суҳбатларида у айни бир байтларни такрор-такрор келтиравермасди. Гапимиз қуруқ бўлиб қолмаслиги учун мисолларга мурожаат этсак. “Ҳуррият” газетаси мухбири (2006 йил, 8 ноябрь) “Хамса”да содир этилган жиддий хатолар” тўғрисида сўраганда В.Раҳмонов бундай жавоб беради: “Энг қалтис нуқсонлардан бири “қалбгоҳ” – “жангга борилганда шоҳ турадиган жой” “калбгоҳ” – “итхона” тарзида ўқилишида содир бўлган. Илмий-танқидий матндан кўчирамиз:

Не ажаб ўлса кўнгул ўрниға шоҳ
Чунки эрур шоҳ ери қалбгоҳ...”

Ҳа, 1960 йилда босилган “Хамса”да ҳам, йигирма томликда ҳам қалбгоҳ сўзи “к” ҳарфи билан ёзилган. Шу нуқсонни сал мулоҳазадан ўтказайлик. Ўзбек тилида ҳам, форс-тожик тили луғатлари – “Ғиёс ул-луғот”, “Фарҳанги забони тожик”да ҳам “итхона” мазмунини акс эттирадиган “калбгоҳ” деган сўз йўқ ва уни ҳеч биров итхона деб ўйламайди. “Навоий асарлари луғати”да (Тошкент, 1972, 301-бет) “калбак” калимаси кучук, ит деб изоҳланган. Шунга асосланиб гапни бураш ва шоҳ “калбгоҳ”да – итхонада турибди” дейиш инсофдан эмас.

Сидқ ила урғанда сало уммати,
Ойтти: “Каззабунна ло уммати”.

Байтдаги “Ойтти” сўзи “Ҳайрат”нинг икки нашрида “ояти” шаклида хато босилган. “Ёшлик” журналида (2003, 2-сон) чиққан мақоласида В.Раҳмонов бунинг танқидига анчагина ўрин ажратган. Шунга қарамай, “Тил ва адабиёт таълими”даги (2007 йил, 1-сон) суҳбатида, 2011 йил апрелдаги тақризида ўша олдинги айбнома яна такрорланган.

Ёзган асарларининг котиблар томонидан хатосиз кўчирилиши ва ўқувчилар қўлига намунали тарзда етиб боришини ўйлаш – Навоийнинг асосий орзуларидан бўлганлигини билиш унча қийин эмас. Масалага шу нуқтаи назардан қараганда, Навоий китобларининг мукаммал чиқишига хизмат қиладиган ҳар бир беғараз иш ва холис фикр-мулоҳазани эътиборга олишгина эмас, уларни қадрлаш ҳам лозим. Лекин сўз билан амал, ҳақиқат билан билим мувофиқ келмаганда – бундан ҳам кўз юммасдан фикр алмашиш ёки баҳсдан чекинмаслик зарур.

Матбуотдаги эътирофи бўйича, “мумтоз адабиётимиз намуналарининг матн савиясини” яхшилашда В.Раҳмонов икки йўналишда меҳнат қилади: “биринчиси, у ёки бу мумтоз асарнинг биздаги нашрларидан” кўнгли тўлмаса, “ўша асарларни араб ёзувидан бошқатдан нашрга” тайёрлаш. Иккинчиси, “бошқа олимларимиз тайёрлаган асарларга масъул муҳаррирлик қилиш”. Бу юмушларнинг ҳар иккаласи ҳам жуда хайрли ва мақтовга лойиқ. Унинг “Қўлга қалам олиб, мен тайёрлаган мумтоз матнлардан уч-тўрт сўздаги хатони тузатган кишининг пешонасидан ўпиб “Яшанг!” дегим келади”(“Матн ҳақиқати”, “Ўз АС” газетаси, 2010, 30 июль) дейиши ҳам ўзига ва меҳнатига ишончдан юзага келганлиги шубҳасиз.

Аввало шу фикрни назарда тутиб, “Ҳайрат ул-аброр”нинг лотин алифбосида чиқарилган матнига диққатни қаратмоқчимиз. Достон “Порсо Шамсиев тузган илмий-танқидий матн асосида” Ваҳоб Раҳмонов томонидан нашрга тайёрлангани алоҳида қайд этилган. Аммо уни қиёсан кўздан кечириш бу гапнинг асоссизлигини тасдиқлайди. Мана, дастлабки мисол:

Хожаки ҳайрат майидин маст эди,
Мастлиқ уйқусиға ҳамдаст эди.
Солди қуёш тоби мағзига жўш,
Сесканибон кирди димоғиға ҳуш.[1]

Қуёш нури мастлиғ уйқусига чўмган кишининг “мағзига” қандай жўш солади? Танқидий матн бундай саволнинг туғилишига изн бермайди. Зеро, иккинчи байтдаги “мағзига” сўзи ўрнида “мағрибға” ёзилган:

Солди қуёш тоби чу мағрибға жўш,
Сесканибон кирди димоғиға ҳуш.[2]

Оддий одам ҳам биладики, дард бошқа, дуд, яъни тутун бошқа ва ҳар қанча уринилгани билан дардни дудга қориштириб бўлмайди. Танқидий матнда:

Дўзах ўти дудиға йўқ интиҳо,
Халқ ҳалокиға бўлур аждаҳо, (62-бет)

дейилган бўлса, лотинчада “Дўзах ўти дардиға йўқ интиҳо” (78-бет) деб ўзгартирилган.

[1]Алишер Навоий. Ҳайрат ул-аброр. Насрий баён билан. Тошкент, 2006, 67-бет (Бундан кейин китобнинг саҳифаси кўрсатилади).
[2] Алишер Навоий. Ҳайрат ул-аброр. Илмий танқидий матн. Тузувчи Порсо Шамсиев. Тошкент, 1970, 52-бет. (Бундан кейин “Танқидий матн” деб китобнинг саҳифаси кўрсатилади).

Ушбу китобдан яна бир байт:

Сўрғучиға зоҳир ўлуб изтироб,
Дедики: эй хуршиди олийжаноб (80-бет)

Бундоқ қаралганда, бу байтда ҳаммаси жойида. Кўнглида изтироб уйғонган киши ўзи улуғлаган бирор шахсга "Эй хуршиди олийжаноб", дея мурожаат этиши мумкин. Аммо қуёшга нисбатан олийжаноб дейилиши нотабиийроқ эшитилади. Хўш, танқидий матнда нима битилган?

Сўрғучиға зоҳир ўлуб изтироб,
Дедики: эй муршиди олийжаноб (63-бет)

Хуршид қаердаю, муршид қаёнда? Буни фарқламасликни муросасиз матнчилар қойиллатиб айблаши шубҳасиз.

Хаёлот одамни куйдириши, бездириши ёки умидлантириш, хуллас, кўп куйга солиши ҳеч гапмас. Навоий таҳайюл куч-қувватига урғу бериб:

Куйдурибон чун бу хаёлот они
Ёрутуб ул кул била миръот они,

дейди ("Танқидий матн", 82-бет). Лотинча нашрдаги ифодада хаёлот инсонни эмас, инсон хаёлотни куйдириб, унинг кули билан ойнани равшанлаштиради. Бу "янгилик" учун эса "они" сўзидан ҳам воз кечилган:

Kuyduribon chun bu xayolotni
Yorutub ul kul bila mir'otni (101-bet).

"Хамса"нинг 1960 йилги нашрида ҳам, йигирма жилдлик ва танқидий матнида ҳам қуйидаги байт бир хилда ёзилган:

Лутф қўлин ҳолинға ҳамдаст этай,
Хасмни бир панжа била паст этай ("Танқидий матн", 150-бет).

Кейинги мисрадаги "бир мушт била" маъносида қўлланилган "бир панжа" ҳеч изоҳсиз "сарпанжа" деб ўзгартирилган:

Lutf qo'ling holinga hamdast etay,
Xasmni sarpanja bila past etay.

Афсуски бундай мисолларнинг сонини камчил деб бўлмайди.

Бир пайтлар биз "эски матн нусхаларига аҳамият бермасдан ўзининг интуицияси ва субъектив қарашларига биноан сўз ўзгартириб "хато " топиш усули ҳам нотўғри, ҳам хавфли" эканини айтган эдик ("ЎзАС", 1998, 20 февраль). Аммо унга қарши "Бу жумла замирида (юқоридаги жумла назарда тутилган – И.Ҳ.) матншунослик истеъдодига таҳдид ётибди. Илмий шаклдаги бу жумлада ғайриилмий фикр илгари сурилган", деган ғалати эътироз баён қилинганди ("ЎзАС", 1998, 7 август).

Эски матн нусхаларига суянишнинг нимаси зарар етказишини биз ҳозир ҳам тушунолмаймиз. Шунингдек, матн тайёрлашда интуиция ва субъектив қарашларни бош асос ҳисоблаш матншунослик иқтидорига тескари самара бериб, ғайриилмийликка йўл очишини ҳар қадамда учратиш мумкин.

"Ҳайрат ул-аброр"нинг танқидий матнида мана бундай сатрлар бор:

Лек бу беш раҳбада беш кордон,
Бир-биридек ҳар бири бисёрдон.
Ҳар бири бир раҳбада топиб маҳал,
Ўз фанида бир-бирига йўқ бадал (54-бет).

Шу тўрт қаторни энди лотин алифбосида ўқисак:

Lek bu besh rahbada besh korvon,
Bir-biridek har biri bisyordon.
Har biri bir ravzada topib mahal,
O'z fanida har biriga yo'q badal (69-bet).

Қарангки, "беш кордон", яъни беш ишбилармон, тажрибакор бу парчада "беш корвон"га, "ҳар бири бир раҳбада" "ҳар бири бир равзада", "бир бирига йўқ бадал" эса "ҳар бирига йўқ бадал"га айлантирилган.

Хожа Баҳоуддин таърифига бағишланган фаслни достонда Навоий шундай деб бошлайди:

Хожаки наққоши сипеҳри баланд,
Бўлғали ер сафҳасиға нақшбанд ("Танқидий матн", 56-бет).

Нақшбанд ҳазратлари бунда баланд осмоннинг наққошига қиёсланиб, нақшбандийлик таълимоти бутун ер юзида мавқе топишига ишорат этилган. Ушбу байт лотин алифбосидаги китобдан ўқилса, Ҳазрати Нақшбандниг оёқлари буткул ердан узилиб, осмон варақларининг нақшкори бўлиб қолади:

Хожаки наққоши сипеҳри баланд,
Бўлғали ҳар сафҳасиға нақшбанд (71-бет).

Шариатнинг олтита устивор қонун ва талаби мавжудлиги азалдан маълум. Шу боис Навоий махсус таъкид ила:

Олтидурур шаръда билгил адад,
Ҳар неки мўминга керак мутақад,

дейди ("Танқидий матн" 60-бет).

Лотин ёзувидаги нусхада иштибоҳсиз ҳақиқатга шубҳа аралаштирувчи сўз қўлланилиб:

Olti durur shar'da go'yo adad,

дейилган (75-бет).

Жой ва жойлашуви ўзаро мувофиқ келмайдиган байтлар ҳам танқидий матнга асосланмаганлигидан далолат беради. Масалан,

Holda ashob dog‘i pirdek
Bemazalikda barisi birdek,

байти танқидий матндагига қараганда 34 байт олдинда берилган (99-бет).

“Хамса”нинг 1960 йил нашрида сўз таърифидаги икки байтнинг жойи алмашган. “Ҳайрат ул-аброр” китобига ёзилган изоҳ қисмида уни биз кўрсатиб ҳам берганмиз[1]. Лекин асосий матнда байтлар тартибини нашриёт ходимлари ўзгартиришмаган. Лотинчада ҳам улар айни тарзда турибди:

So‘z bila kufr ahli musulmon bo‘lub,
So‘z bila hayvon degan inson bo‘lub.
Ham so‘z ila elga o‘lumdin najot,
Ham so‘z ila topib o‘lik tan hayot (170-bet).

Танқидий матнда эса сўз таъсир қувватининг энг олий даражасини изоҳловчи:

Ҳам сўз ила элга ўлумдин нажот,
Ҳам сўз ила топиб ўлик тан ҳаёт
байти олдинда берилган (140-бет).

Хулласи калом, лотин алифбода “Хамса”нинг халққа етказилган бошқа достонларидаги хато ва сохтакорлик “Ҳайрат ул-аброр”никидан кўп бўлса кўпдирки, кам эмас. Энг афсусланарлиси эса, ўн жилдлик Навоий тўла асарлар тўпламининг дастлабки тўрт томи, яъни “Хазойин ул маоний” девонларида ўзбошимчалик билан содир этилган хато ва ўзгартиришлардир. Ваҳоб Раҳмонов домла “Навоийшунослар масъулияти” номли мақоласида “...бизда малакали матншунослар йўқ... Таассуф билан уқтирамизки, Академиядаги навоийшуносларимиз Навоийни чуқур тушуниш нарида турсин, Навоий асарларини ҳали тўғри ўқий олмайдилар...” (“Ёшлик”, 1990, 12-сон) дейди. Нашриёт муҳаррири сифатида ўн томликда амалга оширилган иш ана шу фикрнинг асоссизлигига яна бир далилдир.

[1] Қаранг: Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами, 7-том. Тошкент, 1991, 376-бет.

БАҲС ЭҲТИЁЖИ БИЛИШ ВА ИЗЛАНИШДИР

Баҳс, мунозара ва холис танқид қадим-қадим даврлардан буён илм-фан ривожи учун хизмат қилиб келган. Ҳозир ҳам шундай. Умуман, илмнинг тақдири ва олимлик камолини ўзаро фикр алмашув ҳамда том маънодаги танқидий муносабатсиз тасаввур этиш мумкин эмас. Баҳс кимнинг кимлигини кўрсатувчи бир кўзгу, баҳс ва мунозарада "қозонда бори" "чўмич"га чиқади. Шунинг учун ҳам юксак савиядаги баҳс, беғараз танқид ёшларни фикрлашга, ўзига ишончнинг ортишига рағбатлантиради.

Адабиётшунослик ва адабий танқидда ҳақиқат руҳи анча сусайган бугунги кунда илм-фан учун кураш йўлидаги ютуқ ва нуқсонларни навқирон авлодга англатиш зарур. Шу маънода бир ёқлама қараш, англашмовчилик, ҳатто айрим адашишларга доир фикр-мулоҳазаларнинг ҳам илм майдонига эндигина одим ташлай бошлаган тадқиқотчиларга фойда етказиши эҳтимолдан йироқмас.

Олим ёки малакали тадқиқотчи ҳамма нарсани чайнаб беришга муҳтож гўдак эмас, албатта. Китобга қизиқмайдиган жоҳил ҳамда авомдан олимнинг асосий бир фарқи, ўзига керакли нарсани қандай бўлмасин, сўраб-суриштириб топишида.

Маълумки, назмбозлик, ўртамиёналик ва тақлид дунё шеърияти тарихидаги умумий, лекин бехосият ҳодиса. Жаҳонда қанча адабиёт бўлса, уларнинг айтарли ҳаммаси талантсизлик, косиблик хуружидан жабр тортган. Улкан истеъдод соҳиблари, адабиётга куйиниш ҳисси билан яшаган фидойи ижодкорлар бу офат ва бедодликка қарши жиддий курашишган, аммо эришилган натижа кўнгилдагидай бўлмаган. Чунки ҳақиқий талантлар сони қанча кам бўлса, талантсиз ва ўртамиёначилар сафи ўшанча кенг бўлган. Биз хоразмлик улуғ шоир Муҳаммад Ризо Огаҳийга бағишланган бир мақоламизда, у яшаган давр адабий муҳитида ҳам қофиябозлик анча кенг қулоч ёзганини таъкидлаб, ўз адабиётидаги бундай ҳодисага Ғарб санъаткорининг муносабатини англатиш маъносида бир иқтибос келтирган эдик. Бироқ бир кун келиб бундан расмона айблов тўқилишини хаёлга ҳам келтирганимиз йўқ. Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманлараро судининг "2012 йил 15 ноябрдаги ҳал қилувчи қарори"га кўра босилган Н.Жумахўжанинг "Илмдаги аниқлик-кашфиётлар омили" номли мақоласида мана бу гаплар ёзилган: "Келтирилган кўчирмаларнинг манбасини кўрсатмаслик И.Ҳаққуловга одат бўлиб қолган. Бу илмийликка хилоф. Унинг кўчирмаларида баъзан шундай тасодифий гаплар учрайдики, уларнинг асл манбаи бормикин ўзи ё муаллифнинг ўзи тўқиб ишлатиб юборяптимикин деган шубҳага борасан, киши. Текшириб ишонч ҳосил қилай десанг ҳавола йўқ. Балки, шунинг учун манбани яширар муаллиф? Масалан, мақоланинг журнал ва газета вариантларида "Ғарблик улкан бир шоир"дан мана бундай ажабтовур кўчирма келтирилади: "Дунё адабиёти намуналарини мен иккига ажратаман: рухсат ила рухсатсиз ёзилган асарлар... Аввалдан ҳеч таъқиқланмаган мавзуларда ёзадиганларнинг мен юзига тупуриб, бошига таёқ билан ургим келади..." Қизиқ-ку! Ким экан бу ғарблик улкан шоир? Аниқроқ айтишнинг иложи борми? Улкан шоир ҳам шундай бачкана фикр юритадими? Бу номаълум кимсанинг ҳамма гапи тўғри бўлаверадими? Наҳотки, унинг таснифи маъқул бўлса? Ушбу жанобнинг майлига қарасангиз, бутун ўзбек адабиёти намояндаларининг "юзига тупуриб", "бошига таёқ билан" урар экан-да-а?"[1]

Шубҳа-гумон ҳақиқатда ёмон. Бадгумонлик кишини иймондан ажратишига иштибоҳ қилиб бўлмайди. Ахир И.Ҳаққулов бировнинг номидан ҳеч вақт бирор нима тўқимаганидек,

[1] Ўзбек тили ва адабиёти. 2012, 6-сон, 101-102-бетлар.

найранг ва қаллоблик юзасидан манбани ҳам яширмаган. Мадомики, танқид ва танбеҳга ишонч туғилган экан, уни дангал ошкор этиб исботлаш ҳам шартдир.

Дарвоқе, ғарблик ўша улкан шоир ким? Тахмин қилингандек ёки у йўқ кишими? Шеърият қозонида қайнаб, шоирлик шону шарафини ҳар нарсадан баланд кўрмаган қайси телба ўшандай сўзларни айта олади?

Совет давлатининг дастлабки йиллариданоқ, адабиёт сиёсатлаштирилиб, шеърият тақдири ҳам марксча-ленинча мафкура қўлига ўтгач адабий жараёнда бир хиллик, такроргўйлик чидаб бўлмас офатга айланган. Ҳақиқий талант борки, бунга қарши бош кўтарган. Улуғ рус шоири Сергей Есениннинг:

Ўргатилган қушмас,
Шоирман ахир
Қандайдир Демъянлар тенги эмасман,

деган сўзлари шу исённинг бир ифодасидир! Биз "Ғарблик улкан бир шоир" деганимиз қалам соҳиби шеъриятнинг тозалиги ва дахлсизлиги йўлида бошини кундага қўйган Осип Мандельштам эди.

Шахсан И.Сталиннинг назоратида бўлган, аммо эътиқоддан чекинишдан кўра ўлимни афзал кўра билган бу шоирнинг ҳаёти ва ижодиёти совет давлати қулаши арафасидан бошлаб, ҳанузгача алоҳида қизиқиш билан тадқиқ этиб келинмоқда. Адабиётшунос Б.Сарновнинг "Сталин и писатели" (книга первая. Москва, 2008) китобининг алоҳида бир фасли Мандельштамга бағишланган. Ва унда унинг мана бу сўзлари келтирилган: "Все произведения мировой литературы я делю на разрешенные и написанные без разрешения. Первые-это мразь, вторые-ворованные воздух. Писателям, которые пишут заранее разрешенные вещи, я хочу плевать в лицо, хочу бить их полкой по голове и всех посодить за стол в Дом Герцина поставив перед каждым стакан полицейского чаю… Этим писателям я запретил бы вступать брак и имет детей…"("Сталин и писатели", стр.369).

Ўлмас шоирнинг кейинги сўзларига эътибор қаратилганда ким билади яна қандай айбнома тўқиларди дейсиз? Лекин айб топишга қасд қилинса, барибир топилар экан. Олис ўтмиш даврларда тасаввуф калимаси тилга олинганда ота-боболаримиз, энг аввало, ишқ, маърифат ва ҳақиқат сабоқларини ўйлашган. Ахлоқ гўзаллиги, қалб тасфияси, руҳий балоғатга алоҳида эътибор – мутасаввифликка уларни қизиқтирган бош сабаб ана шу эди.

Тасаввуф адабиёти – Кўнгил адабиёти, мусаффо Завқ ва Сир адабиёти. Энг олий гўзалликларни у юрак ва руҳ ойнасида кўришга илҳомлантиради. Бироқ бу адабиётни билиш, айниқса унинг шеърий жанрлардаги намуналарини тушунишнинг ўзига хос талаб ва қийинчиликлари ҳам бўлган. Шулардан биринчиси, "қуш тили" деб таърифланган тасаввуф тилининг маъно "эшик"ларини очиш эди. Чунки ундаги айтарли ҳар бир сўз, истилоҳ ва рамзлар оммадан сир сақланадиган янги ёки қўшимча мазмун-моҳиятлар билан бойитилгандир. Совет давлати тасаввуф таълимоти сингари, унинг заминида туғилган адабиётни ўрганишни ҳам таъқиқлагани туфайли ирфоний шеърият матнларини тадқиқ ва талқин қилиш ишлари бугунгача тўғри йўлга тушгани йўқ. Далил ва исботи билан бу тўғрида биз такрор-такрор гапирганмиз. "Қаро кўзум келу..." (бир байт таҳлили) номли мақолада Н. Жумахўжанинг мазкур ғазалга тегишли қуйидаги мулоҳазалари мантиқдан эмаслиги айтилган:

"Суфий учун ўз нигоҳида, қарочиғида илоҳий нур жилваланиши, оламни шу муборак нур орқали кўриши олий бахт, ҳақ васлига муяссарликдир. Сўфийнинг илоҳий маъшуқни "кўзум

қаросида мардум киби ватан қилғил” дея чорлаши асл моя билан бирлашиш, қовушиш, уни ўзига сингдириб, ўзи унга сингиб кетиши-ваҳдати вужуд истагидир”.

Ҳеч вақт, ҳеч бир сўфий “тажриба”сида бунақа “бирлашиш, қовушиш” бўлмаган ва уни тасдиқлайдиган ҳатто бирор жумла ҳам сайри сулукка доир адабиётларда қайд этилмаган. Шу ҳақиқатга ишончни далиллаш мақсадида биз Имом Ғаззолий, Маҳмуд Шабустарий, Абу Наср Саррож китобларига мурожаат қилгандик. Қарангки, олдин манба кўрсатилмаган деган айбловини Н. Жумахўжа “101-маънони биласизми?”[1] номли мақоласида энди ўзгача тарзда илгари суради:

“И.Ҳаққулов кейинги йилларда мақола ва китобларида узлуксиз келтираётган иқтибослар аслига қанчалик тўғри, бу асарлар қайси тилда яратилган, ўзбек тилига ким ўгирган, тўғри таржима қилинганми-йўқми, бу қоронғи. Кўп ҳолларда И.Ҳаққулов ўзи келтираётган кўчирмаларнинг аниқ манзилини кўрсатмайди. Шунинг учун уларга ҳозирча тўлиқ ишониб, суяниб бўлмайди. Масалан, И.Ҳаққулов Имом Ғаззолийнинг “Мишкот ул-анвор” (“Нурлар қандили”) асаридан кўзнинг қусурларидан деб келтирилган: “бошқани кўриши, аммо ўзини кўрмаслиги, ўзига яқинни ҳам, узоқни ҳам кўришга қодир эмаслиги, кўз парда ортини кўра билмаслиги, кўз ашёнинг ташқарисини, яъни фақат уст томонини кўра олиши, кўз борлиқларнинг ҳаммасини эмас, айримларинигина кўришга қодирлиги, товушлар, ҳидлар, лаззатлар, хуллас, идрок туйғулари кўз учун бутунлай бегоналиги” иқтибоси шубҳали... Бизнингча, Имом Ғаззолий бундай ёзмаган бўлса керак”.

Кўчирма олинган китобнинг номи ҳам, муаллифи ҳам қайд этилган бўлса, яна нима керак? Зарурият сезилгач, аслиятми, таржимами, бошқасими – униси ўпоқ, буниси сўпоқ деб ўтирмасдан бари топилиб назардан ўтказилади ва қатъий фикр айтилади. Илмнинг талаби шу. Интернет орқали исталган китобни бир пасда қўлга киритилишини ҳозир ким билмайди дейсиз?

Бу дунёда хато ва камчиликсиз бир иш қилиш жуда қийин. Мавжуд хато ё нуқсон холис кўрсатилса, албатта бундан ҳеч оғринмаслик керак. Тўғри нарса ғалатга чиқарилсачи? Жим туриш ақлдан бўлмайди. Ва энг донишмандона сукут ҳам илмнинг зиёнига хизмат қилади.

Маълумки, Алишер Навоийнинг “Қоши ёсинму дейин...” деб бошланадиган ғазали элимиз орасида жуда машҳур. Бунинг бир сабаби матндаги фавқулодда равонлик ва гўзаллик бўлса, иккинчиси, зўр хонандалар томонидан унинг қўшиқ шаклида куйланишидир. Н.Жумахўжанинг ёзишича, ушбу ғазал мақтасидаги бир сўз “Наводир уш-шабоб” девонининг Ҳамид Сулаймон нашрида ва Н.Маллаевнинг “Алишер Навоий. Лирика” китобдагина тўғри ёзилган. Қолган нашрларда-чи?

“Навоий “Мукаммал асарлар тўплами” ҳамда “Тўла асарлар тўплами”да “эп” сўзи “қилмоқ феълининг буйруқ шакли “қил” маъносидаги “эт”га айлантириб юборилган... Хўш, Навоий сўзларини беихтиёр ёки ўзбошимчалик билан ўзгартиришга ҳаққимиз борми?”[2]

Албатта, ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Агар биров чиндан ҳам “эп” сўзини ўзбошимчалик билан “эт”га айлантириб юборган бўлса, уни ҳар қандай сўз билан танқид қилса, камдир.

Келтирилган далил бўйича ҳукм чиқариладиган бўлса, биринчи айбдор Фозила Сулаймонова, иккинчиси, Иброҳим Ҳаққуловдир. Ҳақиқатда ҳам шундайми?

Мақолада таъкидланишига кўра, “Навоий асарлари луғати”да ҳам, “Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати”да ҳам изоҳланмаган “эп” сўзи “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да (5-жилд, 42-бет) қуйидаги маъноларда батафсил изоҳланган экан: “эп билмоқ; ўзига маъқул, муносиб билмоқ”, “эп келмоқ: маъқул бўлмоқ, тўғри келмоқ”, “эп кўрмоқ: маъқул кўрмоқ”, “эпга келмоқ: дуруст, маъқул ҳолатга келмоқ, яхши бўлмоқ”, “эпга олмоқ (ёки солмоқ):

[1] Ўзбек тили ва адабиёти. 2013, 1-сон, 118-119-бетлар.

[2] Навоий асарларидаги айрим сўзларнинг маънолари ва матний хусусиятлари. Ўзбек тили ва адабиёти. 2014, 1-сон. 16-бет.

мақбул, дуруст ҳолга келтирмоқ", "эпи(дан) келмоқ: уддасидан чиқмоқ; машқини олмоқ; ўрганмоқ; эплай оладиган бўлмоқ", "эпини қилмоқ: йўл топа олмоқ, иложини қилмоқ..."

Шунингдек, ушбу сўзнинг халқ жонли тилида яна қизиқроқ маънода қўлланилишига доир мисоллар келтирилган. Аммо мисол ва далиллардан ҳеч бири Навоий "эт" ("васфини эт") эмас, балки "эп" ("васфини эп") деб ёзганига кишини инонтирмайди. Чунки ишончга ундайдиган ҳатто битта ҳам қўшимча шеърий мисол йўқ. "Эт" деб ёзилиши тўғрилигини тасдиқлайдигин далиллар эса етиб ортади.

Биринчидан, Алишер Навоий асарлари ўн беш жилдлигида Ҳамид Сулаймон ўзи тайёрлагани "Наводир уш-шабоб"да ғазал мақтасини:

Эй Навоий, дема қошу кўзининг <u>васфини эт</u>,
Қоши ёсинму дейин, кўзи қаросинму дейин?[1]

тарзида нашр эттирган. Шунингдек, ушбу девонни "Мукаммал асарлар тўплами"да қайта нашрга тайёрлаган таниқли олима Фозила Сулаймонова ҳам "хато"ни такрорлаган:

Эй Навоий, дема қошу кўзининг <u>васфини эт</u>,
Қоши ёсинму дейин, кўзи қаросинму дейин?[2]

Навоий "Тўла асарлар тўплами"дан ўрин олган "Наводир уш-шабоб" девонини Ҳамид Сулаймоннинг илмий-танқидий матни асосида биз нашрга тайёрлаганда[3], рости гап, "эт" сўзининг ўрнини бошқа бир калима эгаллаши мумкинлигини хаёлга ҳам келтирмаганмиз. Мадомики, шубҳа туғилган экан, буни фақат қўлёзмага суяниб ва сўзнинг поэтик матн таркибидаги фаолиятига қараб ҳал қилиш лозим бўлади.

Бадиий ижод тажрибасидан маълумки, сўзнинг маъно-мазмуни ва асл борлиғи шеърда аксини топса, шеърнинг туб моҳияти, гўзаллик жозибаси билан бирга шоир маҳорати ҳам Сўзда намоён бўлади. Чунки ўз ўрнини тополмаган ёки уқувсизлик билан қўлланилган биргина сўз ҳам шеър ҳуснини бузиб,сўзни ҳис қилишда шоирда бир ноқислик борлигидан далолат беради.

Асарда сўзни жойида ишлатиш оддий ва осон иш эмас, албатта. Бу – сўзга жон бағишлаш, тирик сўзнинг бошқа шундай сўзлар билан ҳамнафас ва ҳамкорлигини таъминлай билиш дегани бўлади. Ҳақиқий санъаткор яратган матндаги сўзларга фикрий ва ҳиссий боғланиш шартлари бўйича ёндашилмаса англаш ва таҳлилда ҳеч кутилмаган хато ҳамда чалкашликлар содир бўлади. Бизнингча, таниқли Ғарб олими Г.Г.Гадамернинг "Матнни англаш – сўзда ифодаланадиган анъанани сўз шаклида тушунмоқ демак"[4] деган фикри масалага чуқур қарашга ундаши билан ҳам эътиборлидир.

"Хазойин ул-маоний"нинг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланаётган қўлёзмасида ҳам "эп" эмас "эт" ёзиғлик турибди.[5]

Матн аслиятини назарга илмаслик эса табиийки турли-туман кераксиз танқид ва тахминий айбловларга йўл очади.

---

[1] Алишер Навоий. Асарлар. Ўн беш жилдлик. 2-жилд. Наводир уш-шабоб. Тошкент. 1963. 278-бет
[2] Алишер Навоий. Асарлар. Мукаммал асарлар тўплами. 4-жилд. Хазойин ул-маоний. Наводир уш-шабоб. Тошкент, 1989, 350-бет
[3] Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Хазойин ул-маоний.2-жилд. Наводир уш-шабоб. Тошкент, 2011
[4] Современные зарубежные литературоведческие концепции (герменевтика, рецептивная эстетика) Москва. 1983, стр. 17.
[5] Қаранг: ЎзРФА ШИ. Хазойин ул-маоний. Қўлёзма №5663 35[а] варақ.

Хато саналган сўз муносабати билан илгари сурилган энди навбатдаги айбномага тўхталсак.

Инсонни тарбиялаб, камол топтиришда мактаб ҳаёти ва таълими алоҳида аҳамият касб этишини кўпчилик яхши англайди. Шунинг учун у ёки бу дарслик, қўлланма ва ўқувчиларга мўлжаллаб тузилган мажмуаларда учрайдиган хато, нуқсон ҳамда ноаниқликлар баъзан ҳеч кутилмаган салбий оқибатларга сабаб бўлишини инкор қилиш қийин. Лекин айни пайтда неча юз минглаб ўқитувчи ва ўқувчилар ўқийдиган китобларнинг камчиликлари тўғрисида сўзлаганда, ҳиссиётни жиловлаб уларни пухта текшириш, "етти ўлчаб бир кесиш" талабига ҳам риоя қилиниши лозим.

Умумий ўрта таълим мактабларининг 8-синфи учун адабиёт дарслик мажмуаси уч муаллиф – С.Олим, С.Аҳмедов, Р.Қўчқоров томонидан тузилган. Унга «Қоши ёсинму дейин...» ғазали ҳам киритилган. Н. Жумахўжа мақоласида дарслик – мажмуада ҳам ўша «эп» сўзи ўзбошимчалик билан ўзгартирилганлиги таъкидланган. Натижада «дарслик-мажмуанинг 2010 йилги 2-нашрида чалкашлик янада чуқурлашган. Бир хато иккинчи хатонинг келиб чиқишига туртки бўлган. Бунда аслиятда бўлмаган «эт» сўзи айт маъносида тушунилган ва гўёки тузатиш мақсадида «айтмоқ» феълини ифодалашда Тошкент шевасидаги «эт» сўзи аралашиб қолган гумон қилиниб, «эп» сўзи «айт» сўзига алмаштирилган."[1]

Матн аслиятини бузиш ҳақиқатда хунук оқибатларга олиб боради. Аммо айни ўринда дарслик-мажмуа тузувчисини айблаш ёки қоралашга асос йўқ. Чунки баҳс юритилаётган ғазал «Хазойин ул-маоний»га баъзи ўзгартириш ва таҳрирлар билан киритилганини «Наводир уш-шабоб»нинг айрим қўлёзмалари аниқ кўрсатиб турибди. Унинг бир қўлёзма нусхасида тўртинчи байт:

Зулфи долинму дейин, лаъли каломинму дейин,
Бирининг қайди яна бирнинг адосинму дейин,

ўрни бешинчи байт билан алмашган:

Турфа холинму дейин, қадди ниҳолинму дейин,
Мовий кўнглак уза гулранг қабосинму дейин?

Энг охирги икки мисра эса мана бу тарзда ёзилган:

Эй Навоий, кўзи бирла қошининг васфин дегил,
Қоши ёсинму дейин, кўзи қоросинму дейин?[2]

«Эп» сўзи араб алифбосида ҳам, кириллчада ҳам «эт» деб ўқилмайди. Бироқ арабийда ёзилган «эт» (يا‌ت)ни «айт» деб ўқиш мумкин. Гап шундаки, ушбу ғазал илк маротаба «Наводир уш-шабоб» девонига эмас, балки «Наводир ун-ниҳояга» киритилган. Шу девонни 1485 йилда машҳур Абдулжамил котиб томонидан Ҳиротда кўчирилган нусха асосида нашрга тайёрлаган навоийшунос олима М. Раҳматуллаева «эт»ни «айт» деб ўқиган:

Эй Навоий, дема қошу кўзининг васфини айт,

[3] Кўрсатилган мақола, 17-бет.
[4] ЎзР ФА ШИ. Наводир уш-шабоб. Қўлёзма 12360 инвентарь рақамли. 192[в] варақ

Қоши ёсинму дейин, кўзи қоросинму дейин?[1]

«Эй Навоий, дема қошу кўзининг васфин дегил» сатрига асосланиб таъкидлайдиган бўлсак, «Хазойин ул-маоний»нинг 1959 йилда чоп этилган нашрида ғалат кетган «эп» калимаси қолган барча нашрларда худди қўлёзмалардаги сингари «эт» деб ёзилган. Буни «Хазойин ул-маоний»нинг энг сўнгги нашрида ҳам кўриш мумкин.[2] Айтилган фикр-мулоҳазаларга асосланиб танқидий мақоладаги «эп» сўзи – калит сўз ва таъбир жоиз бўлса, шоир маҳорат билан битирган ғазал кошонасини шу калит сўз билан қулфлаган. Яъни ғазал мазмунига якун ясаган» каби фикрлар ўзини асло оқламайди дейишга ҳақлимиз. «Эп» калимасининг байт мазмунига сингишмаганлигини Навоий шеъриятидаги бошқа бирор байтда унга дуч келинмаслиги ҳам тасдиқлайди, деб ўйлаймиз.

Майли, бошқа бир сўз эмас, ғазалда айнан «эп» ишлатилган бўлсин дейлик. Шоир «Эй Навоий, дема қошу кўзининг васфин дегил» мисрасини таҳрир қилиб «қош» сўзини «кўз»дан олдинга ўтказганда «дегил»ни ҳам «эп»га ўзгартирарди. Аммо охирги таҳрир бундай бўлган:

Эй Навоий, дема қошу кўзининг васфин эт...

Навоий шеърларидаги сўз, ибора ёки тимсолларнинг шакли ва мазмуни хусусида ҳеч вақт бир ёки икки луғатга суяниб узил-кесил хулосани ўртага ташламаслик керак. Чунки бизнинг луғатларда учрамайдиган қадимий сўзлар, бошқа халқлар олимлари томонидан тузилган луғатларга киритилиб изоҳланган бўлиши мумкин, албатта.

Номи кўрсатилган кейинги мақоласида ўзбек тилида чиққан бирор бир луғатда «қалғай» сўзи йўқлигини айтиб, Н.Жумахўжа яна шундай тавсия беради. «Аммо, Навоий тилидаги сўзларнинг маъносини аниқлашда фақат луғатлар эмас, балки она халқимиз тили ҳам муҳим манбадир. Мен мазкур мисра[3] мазмуни устида бош қотирар эканман, беихтиёр онамнинг тилларидан «қалғай рўмол» сўзини бир неча бор эшитганим ёдимга тушди. Ўйлаб қарасам, «қалағай саҳифа» билан «қалғай рўмол» тушунчалари ўртасида мантиқий яқинлик, маънавий монандлик бордек туюлди...»[4]

Ҳеч шубҳасиз, халқнинг жонли тили беҳад бой ва беқиёс манба. Илмнинг турли соҳа вакиллари ундан ўзларича ва ўз мақсадлари бўйича фойдаланишади. Демак, тилчи, адабиётшунос кўрмаганни фольклоршунос, тарихчи ёхуд этнограф кўриши муқаррар. «Қалағай» калимасининг изоҳи бу гапнинг бир исботидир. Шевалар луғатида ўқиймиз: «Қалағай – 1. Тўқ қизил. 2. Рўмолнинг бир тури».[5]

Бундан ташқари ушбу сўз тожик тилида ҳам кенг ишлатилган. «Тожик адабий тилининг имло луғати»да у: «Қалғай. Қалғайбоф. Қалғайсоз. Қалғайсози» дея қайд этилган (Душанбе, 1974, саҳ. 999). «Баҳрул ажам»да эса қалағa, ҳар барги қизил ва ниҳоятда нафис либос сифатида шарҳланган: «Қалағa – либоски ҳар баргаш алвону бағоят латиф оянда мебошад» (саҳ. 252).

Хуллас, мумтоз адабиётга даҳлдор мавзулардан баҳс юритганда кўп ўрганиб, жиддий тадқиқ қилиш, мулоҳаза ва муҳокамада эринмаслик шошқалоқлик ҳамда хатолардан

[1] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 2-жилд. Хазойин ул-маоний. Наводир ун-ниҳоя. Тошкент. 1987, 397-бет.
[2] Алишер Навоий. 2-жилд. Хазойин ул-маоний. Наводир уш-шабоб. 483-ғазал.Тошкент. 2011.
[3] А. Ҳайитметовнинг “Навоий лирикаси” китобидан келтирилган мисра назарда тутилаётир – И.Ҳ.
[4] Ўша мақола, 17-бет.
[5] Ўзбек халқ шевалари луғати. Тошкент, 1971, 155-бет.

тийилишнинг бош гаровидир. Зеро, классик адабиёт матнлари ўргатишдан олдин ҳамиша тўғри ва чуқур ўрганишни, ҳеч бир таҳлил ё талқинда анфусий қаноатга бурилмасликни талаб этади.

ОЛДИНГА УНДАШМИ ЁКИ...

Яқинда “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида (2015 йил 13 март) босилган мақолани ўқиганлар орасида “И.Ҳаққуловнинг улкан навоийшунос Абдуқодир Ҳайитметовдан норозилиги ёки домлага қандайдир хусумати бор экан-да”, дегувчилар ҳам учраши мумкин. Аслида, ҳеч қачон бизда бунақаси бўлмаган. Мумтоз адабиёт бўлимига домла Ҳайитметов раҳбарлик қилган даврларда ҳам, бўлим бошлиқлиги менга топширилгандан кейин ҳам, келишмовчилик нари турсин, орада англашмовчилик бўлганлигини ҳам мен эслай олмайман. Ҳайитметов ҳақиқатда ҳам устод мақомидаги олим эди. Домла сўнгги кунларигача қадрдон бўлимларида хотиржам, ёшларнинг самимий ҳурмат-эҳтиромлари оғушида яйраб меҳнат қилдилар. Нима нарса, қайси иш, қанақа ғоя ёки илмий йўналиш Ҳайитметовни хотирлатса, биз шуларнинг деярли барчасини ҳануз эъзозлаймиз ва ривожлантиришга уринамиз. Мустақиллик мафкураси ва истиқлол талаблари асосида яратилаётган икки жилдлик “Навоий энциклопедияси”ни келажакда муваффақият ила тугаллашда ҳам домланинг ўз ўрни ва салмоқли хизмати бор. Буни айтиш, мавриди келганда эътироф этишдан наинки бўлимимиз, балки институт илмий жамоаси ҳам тўхтамайди.

Шунга қарамасдан, кейинги вақтларда ўзининг ички мақсад, моддий манфаатларига эришмоқ ғаразида А.Ҳайитметовни бизга қандайдир қарши қўйиш ҳаракати очиқ-ойдин кўзга ташлана бошлади.

Абдуқодир Ҳайитметовнинг “Навоий энциклопедияси”ни яратиш ғояси асосчиси ва ташаббускори бўлганлигини ким инкор этаётир? Ҳеч ким. Бунақа ишга уриниш бир ёнда турсин, хаёлга борган кишининг ўзи йўқ – тополмайсиз уни. Модомики, шундай экан, А.Ҳайитметовнинг бундан қарийб ўттиз йил муқаддам “Навоий энциклопедияси” учун асосан материаллар жамлаш ва уларни жойлаштириш принципларига бағишлаб ёзилган мақоласини ўз ниятига мослаб, айрим муҳим жойларини тубдан ўзгартириб, яъни бузиб нашр эттиришдан муддао нима?

Шўро замонида марксча-ленинча методологияга суянмай, партиявийлик ва синфийлик принципларини четлаб қалам тебратган адабиётшунос ё танқидчини топиш амри маҳолдир. А.Ҳайитметов ижодида ҳам шунақа мақола ва тадқиқотлар бор эди. Буни хаспўшлашга сира уринмай, зарурият сезилганда у киши доимо очиқ гапирган. Ҳатто 1996 йил матбуотда эълон этилган бир суҳбатида “Очиғини айтиш керак, ҳозиргача аксарият ҳолларда Навоий ижодини сиёсатлаштириб талқин этиб келдик”, дея эътироф этган. Домланинг “Навоий энциклопедияси” сўзлигидаги мақоласи ҳам шундай руҳда ёзилган. Шу боисдан кейин у қайта босилмаганидек, ҳеч бир китобга ҳам киритилмаган. “ЎзАС”даги мақола негадир “Навоий абадияти. Навоий энциклопедияси”ни яратиш тамойиллари” деган ном билан чоп эттирилган. Ҳолбуки, назарда тутилган асосий мақсадга кўра муаллиф қўйган сарлавҳани ўзбошимчалик билан ўзгартиришга, албатта, бировнинг ҳаққи йўқ. Лекин сарлавҳадан бошланган “ислоҳчилик” янада хунукроқ тарзда мақоланинг ўзида ҳам амалга оширилган.

“Навоий энциклопедияси”ни яратишга дастлаб совет давлати ҳукм юритган йилларда киришилган. Демак, мустабид бир салтанат сиёсати ва зўравон мафкураси йўл-йўриқларини қабул қилмай илм-фанда ҳам ҳеч натижага эришиб бўлмаслиги ўз-ўзидан тушунарли.

“Сўзлик”да берилган мақолани ўқиган киши бунга асло шубҳаланмайди. Газета нашрида эса қитмирлик туфайли мақола ёзилган замон руҳи ва сиёсий сиёқи муаллақлаштирилган. Мақолада ўқиймиз: **“Совет навоийшунослигининг сўнгги йиллардаги ўзига хос хусусиятларидан бири кенг адабий, ижтимоий-сиёсий, илмий-маданий фонда ўрганилаётгани, тадқиқ этилаётганидир”.** (6-бет)

Албатта, “совет навоийшунослиги” билан ўзбек навоийшунослиги айни тушунча ва бир маслак йўли эмас. Навоийшуносликдаги ғоявий-илмий мутелик, фикрий турғунлик ва ҳар турли нуқсонлар худди ўша “совет” деган атама ҳамда давр билан чамбарчас боғлиқдир. Хўш, совет сўзи четга суриб ташлангани билан нима ўзгаради? Афсуски, мақоланинг газета вариантида бу савол умуман унутилган: “Ўзбек навоийшунослигининг сўнгги йиллардаги ўзига хос фазилатларидан бири Навоий ҳаёти ва ижодининг кенг адабий, ижтимоий-сиёсий, илмий-маданий миқёсда ўрганилаётгани, тадқиқ этилаётганидир”.

Бу парчада “совет навоийшунослиги”га барҳам берилиб, “хос фазилатлардан бири”, “Навоий ҳаёти ва ижодининг”, “миқёсда” каби сўз ва иборалар қўшилган.

Бир пайтлар “совет навоийшунослиги” деган шарафга мушарраф бўлиш ҳақиқатда фахр ҳисобланган. Акс ҳолда, “Сўзлик”дан жой олган мақолада “совет навоийшуносларининг катта авлодига мансуб”, “совет навоийшуносларининг кейинги авлодига мансуб олимлар” деб ёзилмасди (7-бетда).

Хайрли ва хайрсиз, омадли ва омадсиз, нурли ва жуда нурсиз воқеа-ҳодисалардан ташкил топган бутун бошли бир илм тарихини биргина “совет” калимасини йўқотиш билан ўзгартиришга ишонилганлигига нима дейсиз?

Истиқлол ва мустақиллик муаммо ҳамда маданий-ғоявий мушкулотлари шунчалик осон, шу қадар енгил ҳал этилар экан, унда миллатимиз ижтимоий, маърифий ҳаётида ниҳоятда улкан ва фахрли воқеа бўлган 12 жилдлик “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”ни яратишдан кўра 14 томда чиқарилган “Ўзбек совет энциклопедияси”дан “совет” сўзини олиб, ўшанинг ўзини қайта чоп эттирса бўлмасмиди?

Баъзи бировлар мустақиллик мафкураси ва истиқлол сиёсати тўғрисида ниҳоятда оғиз кўпиртириб сўзлашади-ю, аслида Ўзбекистон давлати маънавият, илм-фан ва адабиёт соҳасида юритаётган сиёсат мазмун-моҳиятини чуқур ҳис этишолмайди. Чунки ҳамма нарсага моддий илинж ва қорин нигоҳи билан қаралганда, доим шундай бўлади. Умумий савия, руҳоний завқ ва билимнинг пастлиги эса эрк ва ҳуррият тақдирига янада кўпроқ зиён етказади.

Кейинги пайтларда илм-фанни спорт мусобақасига айлантиришни хоҳловчилар кўзга ташланадиган бўлган. Уларга қолса, дид, шуур, маслак, эътиқод, хуллас, ҳамма-ҳаммаси бирданига эврилса ва юксалса. Ҳеч вақт бундай бўлмаган, бўлмайди ҳам. Шу боис ҳар бир маданий иш, ҳар бир фикрий ҳаракатни етук Шахс тарбиясига таъсир этказишини эътиборда тутиш зарурдир. Айни пайтда, тарих, дин, ирфон ва илоҳий-фалсафий таълимотларнинг аҳамиятини паст баҳоламаслик лозим. Совет ҳукумати мана шуни истамас, диний-тасаввуфий ҳақиқатларни билиш ва ўзлаштиришга йўл қўймасди. “Навоий энциклопедияси” учун тузилган “Сўзлик”ни назардан ўтказган киши буни ҳозир дарров фаҳмлайди. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмасди. Ундаги “Бу энциклопедия, аввало, ҳозирги совет навоийшунослигининг даражасини ўзида акс эттириши лозим” деган

таъкидни табиий деб билиш керак. Ва қомус учун ёзилган мақолаларнинг кўпчилигида шу нарса аксини ҳам топган.

Энди икки оғиз гап "Навоий қомуси" нашрининг кечикиши хусусида. Ёзилиши ва чоп қилиниши ўн йилга мўлжалланган қомус устидаги иш беш йил деганда тўхтатилган. Сўнг бир жилд ҳажмидаги қўлёзма "Қомуслар Бош таҳририяти" (ҳозирги "Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти")га топширилган. Маълумотларга кўра, нашриётнинг Тил ва адабиёт таҳририяти йиғилишида "қўлёзмадаги мақолаларнинг асосий қисми энциклопедия талаблари ва принципларига мутлақо жавоб бермаслиги" исботланиб, қўлёзма қайтарилган. Шу билан қомус тақдирига қизиқиш бутунлай тўхтаган. Шундан сўнг ҳам А.Ҳайитметов домла яна ўн тўрт йил (2005 йилгача) ҳаёт кечирганлар. 1994 йилдан бошлаб у киши раҳбарлигидаги бўлим "Ўзбек дидактик адабиёти", кейин "Алишер Навоий асарлари поэтикаси", "Тасаввуф ва ўзбек адабиёти тараққиёти" мавзуларида меҳнат қилишган. Бир неча мазуни тадқиқ қилиб, бўлим ходимларининг кучларини тармоқлаштиришдан кўра "ниҳоясига етган", Н.Жумахўжа айтмоқчи, "Навоий қомуси"ни чоп эттириб, қўшни республикалар орасида қомуснависликда байроқдорликка эришса бўлмасмиди?

Қайта қуриш ва ошкоралик йилларида уч томлик "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" энциклопедияси", бир жилдлик "Ҳамза қомуси" чиқарилаётгани ҳақида матбуотда ҳам ёзилган. Қани ўша қомуслар? Улар чиқарилганида ҳам "Ўзбек совет энциклопедияси"га ўхшаб яроқсиз ва қуруқ сармояга айланиб қоларди.

Масаланинг сиёсий ва мафкуравий жиҳатларини бехато мушоҳада эта билган А.Ҳайитметов умрининг охирги фурсатларигача "Навоий қомуси"га такрор қайтиш ва унинг нашри борасида ҳеч кимга бир нима демаган.

Ваҳоланки, бўлимдаги кучлар билан икки жилдлик қомус яратиб бўлмаслигига кўзи етган А.Ҳайитметов ташвишга тушиб, унинг ҳажмини қисқартириш бўйича Ўзбекистон Фанлар академияси ижтимоий фанлар бўлими бошлиғи академик Г.А.Пугаченковага мурожаат этган. Хуллас, ушбу бўлимда масала муҳокама қилиниб, икки жилдлик ўрнига "Мухтасар Навоий қомуси" яратилишига қарор чиқарилган: "В связи с необходимостью концентрации сил на подготовку "Малой энциклопедии Алишера Навои" исключит из плана НИР Института языка и литературы на тему «Узбекская литература второй пол. XIX нач. XX веков».

Шунинг билан бир қаторда "Навоий энциклопедияси"га Бош муҳаррир этиб тайинланган А.Ҳайитметов Тил ва адабиёт институти илмий кенгашида қомус ёзишда қатнашадиган асосий муаллифларнинг рўйхатини ҳам тасдиқлатиб олган: "В создании «Энциклопедии Навои примут участие в качестве авторов также ведущие специалисты Института языка и литературы им. А.С.Пушкина АнУзССР Султонов И.А., Ш.Шоабдурахмонов, Х.Якубов, А.Хайитметов, Ш.Шукуров, А.Абдугафуров, С.Эркинов, Т.Мирзаев, С.Ганиева, Я.Исхаков, Т.Ахмедов, И.Хаккулов, М.Мирзаахмедова, Т.Гафурджанова и др.; ученые ТашГУ им В.И.Ленина, ТашГГИ им Низами, СамГУ им Навои, Бухарский ГПИ им. Орджоникидзе, Ленинабадский ГПИ им. Кирова и др».

Бироқ исми шарифлари рўйхатга киритилган муаллифларнинг қарийб ярмиси қомус учун ҳеч нима ёзмаганидек, олий ўқув юртларидан ҳам пичоққа илинадиган унча кўп мақола олинмаган. Табиийки, бунинг "Сўзлик"да йўл қўйилган шошқинлик ва хомлик билан ҳам алоқадорлиги бўлган.

Мақоланинг газета нусхасини ўқиган пешқадам олим ёки мушоҳадачи навоийшунос хаёлига "бу мақола обрў-эътиборни кўтариш учун чиқарилганми ёинки пасайтириш учунми?" деган мулоҳаза туғилиши шубҳасиздир. Бирор бир асарми, мақолами нашрга

тайёрланса, таҳрир қилинса, таҳрирга қисқартириш бўлса, қисқартиришга одатда изоҳ берилади. Агар А.Ҳайитметов ҳаёт бўлганида, мақоласининг ҳозирги аҳволда босилишига кўнармиди? Менинг ишончим комил, асло рози бўлмасди. Чунки ундан энг асосий нарса юлиб ташланган.

Мақолада бундай қайд бор: “Навоий энциклопедияси” “Сўзлиги”ни тузиш ва унга материаллар йиғиш жараёни қуйидаги тематик принциплар бўйича боради”. Шундан сўнг 17 пунктда мавзулар бирма-бир кўрсатилади. Гап шундаки, қисқартириб ташланган шу қисм билан танишишнинг ўзиёқ “Навоий қомуси” шўро мафкураси назоратида чиққанида моҳиятан нақадар ночор, маҳдуд бир китоб бўлишини тасаввур айлаш учун етиб ортади. Бизга эса ортга тортадиганмас, олдинга, яъни юксалишга хизмат қиладиган тадқиқотлар зарур.

Машҳур француз адабиётшуноси ва семиологи Ролан Барт маърузаларидан бирида ғалати гапни айтиб кетган: “Бизнинг фаолиятимизда шундай давр бўлади: нимани билсак, бошқаларга шуни ўргатамиз; сўнг шунақа вақт етиб келади, ўзинг нимани билмасанг, ўзгаларга шуни ўргатасан ва унга тадқиқотчилик меҳнати деб ном берасан”. Шунақа ҳолат ва қаноат бугун адабиётшунослик, танқидчилик, фольклоршунослик, хусусан, навоийшуносликда ҳам мавжуд. Бу эса турғунлик, лоқайдлик, муросабозлик кайфиятларига сира таслим бўлмасликни талаб этади.

“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 2015 йил, 13 март

ЯРАТИШ ЭҲТИРОСИ

Режиссёр Баҳодир Йўлдошев билан суҳбат

«Камдан-кам кишиларгина ёлғизликка чидаб, жамоатдан четда умргузаронлик қилишдан қўрқмай, ҳақиқатни айтишга қодир бўлади. Булар инсониятнинг чинакам қаҳрамонларидир. Агар шундай шахслар бўлмаганида, биз ҳозиргача моғорларда кун кечириб юрган бўлардик», - деган эди файласуф Эрих Фромм. Биз яшаётган замонда ҳам шундай инсонлар бўладики, уларнинг эзгу амаллари ўзлари ҳақида ўзларидан кўпроқ гапиради. Ўзи эса сукути орқали ҳам нимадир янги сўз янги фикр айтиб тургандек кўринади. Шундай киши билан беихтиёр гурунглашгинг келади. У билан ҳаётнинг, адабиётнинг ва санъатнинг ҳамма муаммоларини гаплашгинг келаверади...

Иброҳим Ҳаққул: Бугунги адабиётнинг ҳаёт билан алоқаси қандай? Санъатники-чи? Ўзининг вазифасини бажара оляптими, деган саволлар қийнайди...

Баҳодир Йўлдошев: Адабиётга кўп нарса боғлиқ, жумладан, санъат ҳам. Ҳамма нарсанинг ўзаги адабиёт. Келажак авлоднинг тарбияси ҳам адабиётга туташ. Адабиёт қанчалик кучли бўлса, миллатнинг фарзандлари шунчалик фикрлайдиган инсон бўлади.

Адабиёт бугунги даврга жавоб беряптими, деган савол азалдан бор. Ҳар бир замоннинг кишиси: “Адабиёт, албатта, биздан кеч қоляпти” – дея фикр билдираверади. Ваҳоланки, адабиёт яна олдинлаб кетган бўлади. Достоевский пайтида ҳам, Навоий пайтида ҳам шундай бўлган...

Ўқийдиган ва уни идрок этадиган одам кам. Адабиёт илгарилаши учун мутолаага эҳтиёжи баландлар кўп бўлиши керак. Боланинг тарбияси ҳам, аввало, алладан бошланади, эртак айтишдан бошланади. Чунки у алла эшитиб, эртак эшитиб, афсоналарни эшитиб, кейин улкан адабиёт хазинасига талпинади.

И. Ҳ.: Адабиётнинг умумий савиясига ўқувчи масъул. Ўқувчи талаб қиладиган бўлса талантсиз ёзувчи ҳам хушёр тортади. Жалолиддин Румийнинг бир ҳикмати бор: “Менинг умримнинг мазмуни учта сўздан нари эмас: “Хом эдим... пишдим ва куйдим”. Менинг назаримда адабиёт учун ёзувчининг қалбидаги олов муҳим. Навоий ҳам бежиз: “Не назмки, ўтлуғ кўнгулдан чиқардим”, демаган. Бугунги адабиётимизда шу олов, шу ҳарорат қандай?

Б. Й.: Охирги ўқиган асарларимдан бири Абдуқаюм Йўлдошевнинг “Пуанкаре” асари. Мени шу ёзувчи ниҳоятда қувонтирди. Ўзбекларнинг янги бир образини очиб берган. Типик образ эмас. Лекин қаҳрамонда, ўша болада ҳам Умар Хайёмнинг шоирона, ҳам Беруний, Улуғбекларнинг файласуфона чизгилари бор. Лекин шу боладаги интилиш, бу ҳаётда бир нарсага эришиш, бир муаммони ҳал этишни мақсад қилгани, *“муаммолар кўп, аммо ўз муаммоингни топиб шуни еч деган сўзи”,* ушбу ғояси менга ниҳоятда маъқул бўлди. Ўзбек адабиётида бу янги бир интилиш. Буни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш керак. Ёзувчи сиз айтган учта поғонага етиши учун уни ҳар поғонада авайлайдиган ҳам, уни “куйишга” мажбур киладиган ҳам ўқувчи, деб ўйлайман. Ёзувчини тарбиялаш масаласи, албатта, муҳим.

И. Ҳ.: Тарбия ҳақида яхши гапирдингиз. Лекин ёзувчи ўзини-ўзи тарбияламаса, ҳеч ким тарбиялай олмайди.

Б. Й.: Ўзбекона бир гап бор-ки: “у адабини еса ёзувчи бўлади”, – деган.

И.Ҳ.: Адабиётнинг бугунги кунидан кўнгил тўлмайди. Эски тушунчалар, ибтидоий қарашлар, нимага ёзувчилик қилаётганини билмайдиган “ёзувчилар”... Бундай типдаги одамлар санъат вакилларида ҳам учрайди. Бундан қандай қутулиш мумкин?

Б. Й.: Йўли битта, ўқимаслик. Вақт ўзи танлаб олади. Биласизки, адабиётда минглаб шундай воқеалар бўлган-ки, бу ёзувчи эмас ёки бу рассом эмас деганлари кейинчалик тепага чиққан. Энг ёмони, китоб чиқаришга кўп интилиш. Аслида эртага китоб бўлиб чиқади, деб эмас, столда қолади, бу китоб бўлиб чиқмайди, деб ёзиш керак. Ўзи учун ёзиш керак. Буни ўқишади, кейин мақолалар чиқади, мен кўтариламан, деб ўйлаб ёздими, у ёзувчи ёки санъаткор эмас. Аммо ўқувчининг дидига зарари катта. Шунинг учун танқид керак. Ёзувчилар бир-бирига ҳақ гапни айта олиши лозим. Бўлмаса адабиётдан ҳафсаласи пир бўлади кишининг. Санъатда ҳам шундай. Санъатда савия, дид кўп нарсани ҳал қилади.

И. Ҳ.: Айрим ёзувчиларни кузатамиз, бу нима учун ёзяпти, деган савол қийнайди. Баъзиси ёзиш учун, айримлари таъма учун, ўзини кўрсатиш учун... Ёзувчини, санъаткорларни юксакка кўтарадиган нарса бу яратиш эҳтироси эмасми?

Б. Й.: Ёзувчи бу яратадиган одам. Бу ўзининг дунёсини, ўзининг одамларини яратиб, уларни ҳаётга ташлаб, сўнг кузатувчи инсон аслида. У ўзи яратган одамларнинг тақдирига жавоб берадиган одам. Рус ёзувчиларининг бир гапи бор: “Ёзгин, қачонки умуман ёзмасанг туролмайдиган бўлганингда”.

Ёзмасанг иложинг йўқ, ёзмасанг ўласан, дейилганда ёзиш керак. Ана шундай ёзувчиларнинг ўз услуби бўларди. Ёзгандан кейин уч ой асар ётиши керак. Уч ойдан кейин уни ўқиб, қайтадан ишлаб яна беш ойдан кейин яна олиб уни ўқиб, яна тузатиб, олтинчи ойда йиртиб ташлайдиган даражага келадиган жойи бор. Ким йиртади, Иброҳим ака? Уч ойда китоб бўлиб чиқади. Йиртса ҳам бошқа одамлар йиртади. Шунинг учун ижодкорнинг ўзига талаби қанчалик кучли бўлса, ўша асл ижодкор бўлиб шаклланади...

И.Ҳ.: Навоий санъат доҳийси. Унинг ижоди санъатхона. Унга оддий инсон сифатида қараб, осмонга кўтармай етиб борсак, ҳаёт билан боғлиқликда уни англасак, театр ёки кинода Навоийга суянсак қандай янгиликлар бўларди...

Б. Й.: Навоийнинг ёзган ҳар бир ғазали бирдан ёзилган эмас. Қанийди у кишининг қораламалари бўлганида, қанчадан-қанча меҳнат сарфланганини кўрардик. Лекин шуни англаймизки, бундай ғазаллар бирданига яралмайди. Ҳар бир ғазал бир спектакль ёки кино, деб билиш мумкин.

Ҳар бир ғазални саҳналаштириш мумкин. У кишининг сиймосига келадиган бўлсак тимсоли Олим Хўжаев ёки Раззоқ Ҳамроев. Бу тимсолни миллатнинг ўзи танлаб олган. Масалан, Амир Темур тимсолини танлолмаганмиз. Менинг назаримда Обид Жалилов ана шу сиймони яратиб бера оларди. Ундаги куч, тафаккур шунга жавоб бера оларди. Бугун бундай тимсолни айтолмайсиз... Унга ишониш керак. Нимага кўп уринишяпти замон қаҳрамонини излаб? Ҳозирги замон қаҳрамони Алишер Навоий ҳам бўлиши мумкин. Чунки ҳар бир ғазали ҳозирги замонга жавоб бера олади. Лекин тимсоли қанақа, борми шундай актёр?! Шундай тарбияланган, кучли тафаккурга эга актёр борми шу образни саҳнага олиб чиқиб, миллатни ўзига ишонтира оладиган, унинг маънавий ҳаққи борми, гап ана шунда.

Нимага Гамлетни ўз вақтида Висоцкий ўйнаган. Бу охирги Гамлет. Чунки ўша пайтда гитара кўтарган йигит миллатнинг эркин фикрли ёш вакили эди. Унинг овози эди. Уни қўймас эдилар. У тайёр, фақат Гамлетнинг сўзини олса бўлди эди. Ўйнаши ҳам керакмасди. Сиз айтган мавзуни мен ниҳоятда кўп ўйлайман. Жуда мураккаб. Ҳар ким ҳам чиройли салла билан, тўн билан: “Мен Навоийман” – деб иддао қилиши мумкин. Лекин кўзларидан Ҳазратнинг бир ғазалига арзимаслиги маълум-ку!

И. Ҳ.: Раззоқ Ҳамроев, Олим Хўжаевни театрда кўрганимизда, оёқларимиз титраб кетарди. Биринчидан, у Навоий! Иккинчидан, ичида бир нур бор инсон. Қиёфаси ҳақиқий санъаткор, зиёлининг қиёфаси эди. Ҳудди шу ҳолатни кўплаб ёзувчиларимизда ҳам кузатиш мумкин. Бугун айрим актёрларни гапираётганини кузатамиз-у ичидаги қашшоқлик юзага чиқиб қолади ёки ёзувчи, шоир билан гаплашсангиз, гўёки деҳқон билан гаплашгандай бўласиз. Ёзувчининг ёки санъаткорнинг умумий савияси тушишига нима сабаб бўлмокда?

Б. Й.: Тўғри айтдингиз. Мана биз қиёфа ҳақида гаплашдик. Ойбек домланинг асарини ўқимасангиз ҳам унинг расмига назар солсангиз унақанги кўз, унақанги назарни қайси бир одамдан топасиз?! Ёки Шукур Холмирзаевнинг... Лекин бундай қиёфага кириш учун билим кучли бўлиши керак. Билим қиёфани ўзгартиради. Қиёфа ўзидан-ўзи шаклланмайди. Назар ўз-ўзидан шаклланмайди. Бетховенни қаранг, Пушкинни қаранг... Ёки Камолиддин Беҳзод чизган Навоий расмидан, У қиёфадан кўзингизни узолмайсиз.

И. Ҳ.: Қиёфага эга бўлиш учун таъмадан кечиш лозим, нафсга қарши ҳаракат килиш зарур эканда... Ёзувчилик ҳам санъат. Сартрнинг бир гапи бор: “Бир хонада беш киши суҳбат қуриб ўтирибди. Дераза очиқ. Шунда деразадан ари учиб келади. Ҳаммалари қарайди. Ёзувчи ари келганини айтиши керак, холос, тафсилот керак эмас”, – деган...

Б. Й.*:* Дарахтни сиз ўстириб шакл беришингиз мумкин, ҚИЁФАни ҳам инсоннинг ЎЗИ ва ВАҚТ тарбияласа керак.

Қайси сўздан кейин қайси сўз келишини кечалари ўйлаб кейин ёзса, битта сўз ёзиладими унинг маъносини билса шу муҳим.

Умр жуда қисқа. Ёмон асар, ёмон шеър ёки ёмон спектакль билан инсоннинг вақтини ўтказиш увол. Сўзнинг уволи урса, бу – энг ёмони. Зеро, сўз нондай қадрли. У нон ушоқларини бир жойга тўплангандек авайланиши керак. Адабиётда, майли ўқимай қўйишингиз мумкин, аммо кино ва театрда бу жиддий масала. Чунки сўз эшитилади. Уни тасвирга олиб чиқиш қанчалик зарар келтириши мумкин. Баъзи фильмларимиз ёки спектаклларимизда гапирилаётган гапини эшитиб кўринг. Илгари катта-катта ёзувчилардан эшитганман: “биз театрга сўз маданиятини эшитиш учун келамиз”, деган гапларини. Ҳозир Олим Хўжаев ижро этган ролларни кўрсангиз, унда, аввало, сўзни эшитасиз, тилимиз бойлигини яна бир маротаба ҳис этасиз. Бу ҳаммаси адабиётдан. Драматург ҳам миясига келганини ёзиб кетаверса, бу билан тилни қашшоқлаштирамиз. Шунинг учун ҳам айрим бугунги куннинг ёшлари билан суҳбат қуролмайсиз. Гапиришни билмайди. У фақат товуш чиқаради, холос. Гапининг маъносини илғаб олиш қийин.

И. Ҳ.: Агар фикр бўлса, гапириш мумкин. Бу ҳаммаси фикрсизликдан аслида. “Сен фикрни шахс билгин”, деган эди Жалолиддин Румий. Фикр бу шахс, у ўзининг гапини айтади. Жамиятнинг улкан бойлиги бу, албатта, эркин фикрлаш... Юнус Эмро: “Бизга маъно керак, даъво керакмас”, деган эди.

Б.Й.*:* Истеъдодлиларга бирлашишнинг кераги йўқ, аммо истеъдодсизлар тез бирлаша оладилар. Улар бир-бировини қўллашни тез топа олади. Матбуотда кўп кузатадиганим, сўзи ёниб турган ижодкор қизлар, йигитларни кўраман-у уларни кўпроқ асрашимиз керак, деган фикр ўтади хаёлимдан. Улар баҳога муҳтож. Навоий ҳақида, Фурқат ҳақида кўп мақолалар ёзилади. Лекин ана шу ижодкор ёшлар ҳақида кичкина бўлса-да мақола ёзилса, майли уни танқид қилиб ёзилса-да, бу уларнинг ўсишига, тўғри йўлдан боришига хизмат қилади. Эътиборнинг ўзи уларни руҳлантиради.

И.Ҳ.: Навоий бизнинг маънавиятимизнинг марказий сиймоси. Ҳамма йўллар Навоийга олиб боради. Агар у кишининг яшаган даври тарихини ўқисангиз, у кишига қийин бўлганини англайсиз. Ҳазрат ўз даврининг суронларини ўша пайтда чуқур мушоҳада этиб, миллий бирликни асраш муҳим эканлигини англаб етади...

Б.Й.: Иттифоқ даврида бу улуғ сиймонинг образини ўзларига яраша қилиб саҳнага олиб чиқишган. Лекин биз ўзимизга яраша спектакль қўйганимиз йўқ. Бугун бизга Навоий нима учун қадрли, шуни кўрсата билишимиз керак. Эски пьесани олган билан бўлмайди. Бу фикрни Амир Темур билан ҳам, Бобур билан ҳам боғлаш мумкин.

И.Ҳ.: Инсон тириклигининг асосий талаби фикрлаш. Фикр юритилмаган ҳаёт ҳаётмас. Лекин фикрлаш учун барибир изтироб керак. Кўп ёзувчиларимизни Худо изтиробдан қисганми, дейман.

Б. Й.: Албатта! Бенаволикдан қисган.

"Ҳар кимки наво истабди, топибди бенаволиқ", – деб Ҳазрат бежиз айтмаган. Гап шундаки, бирдан очилиб кетди-да... Мана сизга ҳуррият, деб. Ҳамма йўллар очилди... Айтишган-ку, бир лаҳза ўйланиб қолиш – бир ой тоат-ибодат билан тенг, деб. Мана шу бир лаҳза ўйланиб қоладиганлар камайган. Ўйлатиб қўядиган асарлар камлиги ҳам...

И.Ҳ.: Фикрлашда ботиний фаоллик бўлмаса, зоҳирий фаоллик унга зарар қилади. Сиз унинг ҳаловатини билмайсиз ва ўзингизнинг гапингизни айта олмайсиз. Ўткинчи нарсалар, фикрсизликдан, бемалолликдан қочиш керак. Бугун ана шу бемалоллик кўпроқ кузатилмаяптими?! Бу ботиний ҳаётни, ички изтиробни кучайтиргандек назаримда.

Б.Й.: Навоий ҳам мана шундан қочган. У киши махсини бемалол кийиб юришдан қўрққанлар. Ичига иккита майда тошни солиб, бемалол бўлмасин, қийинчиликка чидаб юриш керак, деб шундай юрганлар. Шу тошларга ўрганиб қолганлар. Бемалоллик бўлдими бу яхшиликка олиб келмайди. Ҳеч қаерингиз оғримаса, демак сиз тирикмассиз...

Чекадиган дарднинг нисбати ҳам кичкинадек, гўё. Бугун кўпчиликни кузатсангиз, дард чекади пули йўқлигидан, дард чекади бирор нарсани ололмаганидан. Майда ташвишларга ўралашиб қолгандекмиз. Рўзани овқат йўқ пайтида тутаверасиз. Ҳамма нарса муҳайё бўлганида, нафсни тийиб кўринг-чи, қийинда...

И.Ҳ.: Навоий ва театр масаласи ҳақида нима дея оласиз?

Б.Й.: Ғарбда театр Шекспир билан бошланади. Унинг пьесаларининг нисбати йўқ, деб баҳолашади. Чунки у театрга мосланган, театр учун яратилгани учун шундай баҳолашади. Ўзи театрдан чиққани учун.

Агар Шарққа назар солсак, биринчи ўзбек пьесаси:

Деди: Қайдинсен, эй мажнуни гумраҳ,
Деди: Мажнун ватанидин қайда огаҳ.

Ҳозирги замонда интернет алоқаларимиз жуда тез. Аммо Навоий пайтида ундан ҳам тез бўлган, назаримда. Шекспир пьесаларини ҳам олиб қарасангиз, у ниҳоятда, кўп Шарққа талпинган. Шарқ адабиётига, шеъриятига ҳамоҳанглик унинг сонетларида ҳам сезилади. Ҳозирги кундаги мулоқотларимиз кўриниши бор-у, моҳияти, мазмуни йўқ.

Навоийнинг ўзига хос театрини ташкил қилса бўлади. Унинг ҳар бир сатрида диалог бор. Ҳар бир ғазали бир пьесага мос. Йиллар ўтиб унинг театрини ташкил қилишга қодир йигит-қизлар пайдо бўлар...

Навоий театри яратилса ҳам, у – фалсафа театри бўлади. Мана японларнинг "кабуки" театрини оладиган бўлсак, уларнинг театри авлоддан-авлодга ўтиб келади. Унга бўлган муҳтожлик бугунги кунга қадар сақланиб қолган. Навоийнинг театри ҳам азалдан бор. У киши бунга муҳтож эмас, биз муҳтожмиз унга. Миллатнинг ўзининг муҳтожлиги бўлиши керак. Гўё шундай театр бордек туюлади, менга.

"Лайли ва Мажнун", "Фарҳод ва Ширин" – буларни саҳналарга, экранларга олиб чиқилган, лекин уларнинг Навоийга алоқаси камдек туюлади. Иттифоқ даврида қўйилганлари

шоҳларга қарши, уларнинг зулмига қарши ғояларга бурканган. Ўша давр ўз йўлида Навоийни ишлатган, холос.

Лайли ва Мажнуннинг изтироби, ундаги дунёни идрок қилиш қуввати Гамлетдан кам эмас, аслида...

И. Ҳ.: Адабиёт учун, театр учун, санъат учун биринчи шарт, бу – руҳий тасвир. Фикр унинг ортидан эргашади. "Сен ҳақиқатни айт, гўзаллик унинг ортидан келади", – деган ҳикмат ҳам бор. Руҳни тасвирлай олмаган жойда гапбозлик бошланади. "Хамса"ни яхлит олиб Навоийнинг руҳий тасвирларини билиш керак. Демак, улар Навоийда бисёр. Фақат, уларни олиб чиқиш керак.

Б. Й.: Уни фақат биз ишлата олмаяпмиз. Ишлатиш мушкул. Бунинг учун поэтик мактаб бўлиши керак. Биз нима қиламиз "бу жойини тушунишмайди, олиб ташла", деймиз. Бу сўз қийин сўз, деб ўзимизга тасалли бергандек бўламиз.

И. Ҳ.: Сиз Навоий хазинасидан фойдаланганда, сиз айтган юқоридаги гапларингиз қай даражада рўёбга чиқди?

Б. Й.: Жуда кам қисми...

"Эл нетиб топгай мени", – деган гапида ҳақиқатда ҳам ўзини тополмай кетган Искандар намоён бўлади. Гап "ўзини тополмагани"да ҳам эмас, шунга интилишида...

Кўп урғуни балки биз жўн тарафига бергандирмиз. Онасига ёзган мактубида берганмиз. Аслида гап хатнинг ёзилишида ҳам эмас, унинг мазмунида ҳам эмас. Кўринглар, оналар оёғи остида жаннат, деган фикрга етиб келгунига қадар бўлган жараён кам ифода қилинган спектаклда.

Дейлик "Рамаяна" Ҳиндистонда олти соатлаб кетади. Биз эса: "томошабин чарчаб қолади, қисқартир", деймиз. Қисқартириш керак эмас. Юзта одам келдими спектаклга, унинг орасидан биттаси якунда қолса, ана ўша томошабинга қўйиш керак... Уни идрок қилиш, ниҳоятда, мушкул, албатта.

Япон театрида актёрлар шундай тарбияланадики, актёрларга битта рол берилдими, шуни ўйнайди. У наслдан-наслга ўтади. Бир актёрнинг умри шунга бахшида бўлади. Бу меросга айланган. Шунга улар рози ҳам. Алишер Навоий асарларини, масалан, "Фарҳод ва Ширин"ни оладиган бўлсак, бир актёр умри унинг ижросига, уни тушуниб ижро этишга сарф бўлиши мумкин.

И.Ҳ.: Навоий асарларини ижро этишда сўзларни етказишнинг ўзида қуруқлик сезилади. Буни қандай йўқотиш мумкин?

Б.Й.: Алишер Навоийни ижро этадиган актёрни тарбиялаш, махсус тарбиялаш керак. У фақат шу билан шуғулланиши керак. Умрини бахш этиши лозим. Навоийнинг ўзи қанча одамни боқяпти. Олимлар, ашулачилар, рассомларни... Ҳалигача шу одамнинг фикри инсониятга у руҳий озуқадан ташқари оддийгина нон олиб келиб беряпти-ку.

И.Ҳ.: Мана театр-студиянгиз бор. Унда Навоийга мурожаат қилиш масаласи қандай кечяпти, нималар режалаштиргансизлар?

Б.Й.: Ғазалларни таҳлил қилмасдан ҳеч қайсиси куйга солинмайди. Навоийнинг ҳар бир ғазалларини таҳлил қиламиз. Ҳазрат асарларидаги ҳар бир заррага назар ташлашга уринамиз.

Алишер Навоий образини француз актёри Франсуа Шато келиб ўйнаб кетди. У, ниҳоятда, яқинроқ келди. Чунки у қадрига етиб, интилиб ижро этди. Ва ёзиб кетди: "Дунё наҳот шунчалар гўзал!"

Адабий суҳбатлар.
Тошкент, 2015.

ИБРОҲИМ ҲАҚҚУЛ, ШАҲНОЗА НАЗАРОВА

ШОИРЛИК – ИЛОҲИЙ ҚИСМАТ

Шаҳноза Назарова: *Ҳар йили Алишер Навоий таваллудини зўр муҳаббат билан нишонлаймиз. Бу кун шахсан менда катта ифтихор, шунингдек, катта қарздорлик ва соғинч ҳиссини уйғотади. Гуё у табаррук даргоҳлардан узоқлашиб, қалъадан ташқарида қолиб кетгандекмиз. Олим, шоир, ёзувчилардан ҳеч бири "мен Навоийни тушунмай қолдим" ёки "тушунолмадим", деб очиқ айтмайди. Ташқаридан уларнинг ҳар бирининг кўнглида ўз Навоийси бордек. Бироқ жуда қизиқтирадики, улар бир-бирига қанчалар ўхшайди ва қачон бир бутун бўлиб бирлашиб кетар экан? Устоз, биз нега Навоийдан узоқлашиб кетдик?! Бунинг тарихий, ижтимоий, иқтисодий, фанний, руҳий омиллари нимада?*

Иброҳим Ҳаққул: Сизнинг бу саволингизга жавоб бериш учун "Кейинги бир асрдан ортиқ вақт мобайнида биз қачон Навоийга яқин бўлганмиз?" деган саволга жавоб қайтариш лозим. Ваҳоланки, нисбатан яқинлик ва қизиқишни айтмаса, ҳеч пайт тўла яқинлик ва иштиёқ бўлмаган. Агар шундай маънавий-руҳий ҳодиса юзага келганида жафокаш халқимиз XX асрда ўзининг миллий шуури, дини, тарихи ва мумтоз адабиётидан афсусланарли даражада йироқлаштирилмаган бўлурди. Биласизми, мумтоз шоирлар асарларини руҳоний, ирфоний, фалсафий тамалидан ажратиб ўқишни жорий этиш кўрнинг қўлига ҳасса эмас, қилич тутқазишдай бир гап эди. Бадиий сўзнинг таъсир йўли бузилиб, моҳияти жўнлашгач, қизиқиш ва завқ нимага арзийди, дейсиз? Навоийдай шоирларнинг ижодига йўл топишнинг биринчи шарти уларнинг Руҳ ва Ҳол оламига эркин кириб бора олишдир. Бу, албатта, соф моҳият ва изтиробни теран мушоҳада қилиш орқали амалга ошади. Зеро, жаҳон адабиётининг энг виждонли, энг ҳақгўй санъаткорлари кундалик турмуш ташвиши ва моддий манфаатлардан йироқ моҳият, ақл ва ироданинг қўшилувидан туғилган изтироб атрофида бирлашишган. Шахс сифатида шаклланмаган ҳеч бир киши бу ҳақиқатни чуқур тушунмайди. Демак, Навоийни англаш биринчи галда бизнинг ўзимизни нечоғлик билишимиз, маънавий "Мен" лигимизни нақадар бойитиб, юксалтира олишимизга боғлиқ. Шу маънода биз нимага эришдик ва қанчалик улғайдик? Менинг назаримда, кейинги йигирма йил мобайнида элимизда журъат, жасорат, эркинлик ва ҳақгўйлик ҳисси олдингига қараганда ҳам анча пасайди. Оддий одамларни-ку қўяверинг, ижодкорлар ҳам зулм, адолатсизлик, қарамлик, алдов ва маддоҳликка қарши аёвсиз курашган Навоийга ҳолдошлик нелигини ҳатто хаёлга ҳам келтиришмади. Воқеликка Навоийнинг нигоҳи билан қараш, олам ҳодисотларини навоиёна дард тўлқинлари ила идрок этмоқ учун Навоий дунёқараши сир-асрорини ўзлаштиришга қайта-қайта уриниш зарур.

Мана, бир мулоҳаза. Шарқ тафаккурини Ғарбникидан ажратиб турган томонлардан бири, балки энг асосийси, фано ҳоли ва ломакон ишончидир. Бир-бири билан бевосита алоқадор шу икки жиҳатни пухтароқ билмасдан тасаввуф адабиётидаги вақт ва замон, макон ва келажак, холиқ ва халқ орасидаги алоқалар тўғрисида асосли фикр билдириш қийин. Навоий шеъриятида фирор – дунёга нуқул нафсоний манфаат кўзи билан қарайдиган тама бандаларидан қочиш, инзиво – маънавий ҳузур-ҳаловат гўшасига чекиниш ҳолатлари ниҳоятда таъсирли оҳангларда дарж этилган. Булар зарур зайлда қалбга нақшланмас экан, Навоийнинг фазовий хаёл ва самовий ҳислар тасвиридаги беқиёс ютуқлари қўл етмас юлдуз бўлиб қолаверади.

Хуллас, Навоий адабий меросини зоҳирий томондан тадқиқ ва таҳлил қилишда тўғри ва нотўғри, мақбул ё номақбул фикр ва мулоҳазалар керагидан ҳам ортиқ миқдорда

эълон қилинди. Бироқ унинг турли жанрларда битилган ижод намуналарининг ботинини кўрсатиш, маънавий-руҳий мазмунини очишга бағишланган тадқиқотлар йўқ ҳисоби. Ҳолбуки, Навоийнинг ўзи "Ўн саккиз минг олам ичра ҳар не бор, Ким қилурлар аҳли маъни эътибор", дея кўрсатма бериб қўйган. Эски даврларда яратилган "Вужуднома" номли асарларда таъкидланишича, ушбу ўн саккиз минг оламнинг асосий ва ғаройиб қисми инсоннинг сийратига тегишли. Демак, "Овоз-ку бор, лекин ўзим қани?" деган саволга аниқ жавоб бера олгувчилар сони қанча кўпайса, юртимизда навоийхонлик ҳам ўшанча тараққий топади. Аммо бу натижага эришгунча, ҳали кўп иш қилиниши керак. Аҳли ирфоннинг ҳукмига кўра, "Ҳақ билан инсон орасидаги энг қалин парда илм"дир. Бунда, албатта, руҳий завқ, илҳом ва кашфдан маҳрум зоҳирий илм назарда тутилган. Оврупо адабиётшунослиги қонун-қоидалари заминида шаклланган навоийшуносликни тубдан янгилаш эса янада қийинроқ вазифадир.

Ш.Н.: *Навоий ва бугунги умуминсоний ҳамда миллий сиёсий жараёнларни қандай боғлаш мумкин?*

И.Ҳ.: Алишер Навоий адабий ва илмий меросини ўрганиш – юртни юрт, халқни халқ қиладиган ҳақиқатларни ўрганиш ва ўзлаштириш демак. Навоийни билиш Одам бўлиш сирларини эгаллашдир. Навоийнинг миллий маслаги қай даражада юксак бўлса, башарий ҳиссиёти ҳам ўшанча кучлидир. Навоий куйлаган ишқ – ҳаётни, тириклик ва дунёни ўзида мужассамлаштирган ишқ. Бу ишқ ҳақиқат ва гўзаллик манбаи. Унда абадий файз мавжуд. Ана шу файз нури хоҳ миллий, хоҳ умуминсоний, хоҳ сиёсий, хоҳ ахлоқий бўлсин, ҳар қандай жараённи кундай равшанлаштиради. Ана шунда дунёнинг асл қиёфаси қандай бўлса, уни шундайлигича кўрасиз, улкан ёлғон, бешафқат ҳийла ва найранг бўронлари оддий одамлар бошига қаёндан ёғилиб келиши-ю, башариятнинг гумроҳлик, қашшоқлик, қуллик ва шафқатсизлик тўқайзорларида адашиш сабабларини аниқ илғайсиз. Навоийнинг дарду қайғулари ҳамма давр одамлари учун шифобахш ва халоскордир. Чунки улар энг оддий, энг хоксор ва меҳнаткаш инсонга меҳр-муҳаббатдан пайдо бўлган Ҳақ ҳадясидир. Ким ҳақиқат қаршисида довдирамаса, ким майдалик ва майдакашликдан сақлана билса, ким хушомад ва ялтоқланишлардан жирканса, Навоийнинг сўзларидан ўша одам, албатта, куч ва илҳом олади. Шоир қитъаларидан бирида банданинг ўзи каби бир ожиз бандага тобелиги, қуллуққорлиги ва хушомадгўйлигини қоралаб:

Кимки махлуқ хизматиға камар,
Чуст этар, яхшироқ ушалса бели.
Қўл қовуштурғунға бу авлодур,
Ки анинг чиқса эгни, синса эли.
Чун хушомад демакни бошласа кош
Ким, тутулса дами, кесилса тили,

дейди. Қарийб қарғиш даражасидаги ушбу танқид ва танбеҳ сўзлардан бир хулоса чиқаролмаган кимсаларни одам қаторига қўшиш мумкинми?! Демак, одамдаги бузилиш ва тубанлик тўхтамаса, оламдаги бузилиш ва тубанликларга чек қўйиб бўлмайди. Навоийнинг одамшунослиги оламнинг ҳар турли ёмонликлардан тозаланишига хизмат қилиши билан ҳам умидбахшдир.

Ш.Н.: *Навоий ва бугунги руҳий эврилишларни қанчалар боғлаш мумкин, Навоий асарларида тарбиялаб, вояга етказган комил инсон билан бўйлашганда, биз унинг тўпиғи ёки тиззасигача ета оламизми? Ҳазрат ижодида фақат хаёлдагина яшаб қолувчи туманли идеал инсонни эмас, чинакам тирик инсонни қаҳрамон қилиб олади. Биз ўша тирик одамга*

тириклигимиз билан ўхшаймизми, қанчалар ўхшаймиз? Аксинча бўлса, бунга нима халақит беради?

И.Ҳ.: Сиз назарда тутган ўша одамга ҳам ўхшаймиз, ҳам ўхшамаймиз. Ўхшашлигимиз зоҳирий, яъни сувратда. Аммо сийрат ва маънавиятда монандлик анча кам. Инсоният ҳамма даврларда у ёки бу зайлда алданиб яшаган. Лекин ўзини ўзи алдаш, шу алдов жафоларини тортиш миқёси XX асрда беҳад кенгайиб кетган. Ўзи ўзидан бегона, ўзининг асл аҳволидан бехабар кимсаларнинг сони ҳам шу асрда кўпайган. Инсонлик моҳиятини кашф қилиш, ҳар қандай вазиятда ҳам ўзига таяниш ҳоли бизда ҳам шаклланмаган. Кўпчиликни ташқаридан белгилаган мақсад ва муштарак таассуротлар бошқарган. Шунинг учун бир неча авлод фикрий якранглик, ижтимоий турғунлик ва оммавий тақлидга кўниктирилган. Мустақил ва бутун Шахс ҳақида ўйлашга айтарли ҳожат қолдирилмаган. Манаман деган бугунги зиёлидан Навоийнинг "Ўз вужудингга тафаккур айлагил, Ҳар не истарсен ўзингдин истагил" байтини шарҳлашни сўранг. Ҳар ким ўзича нималардир дейди, албатта. Бироқ уларинг аксарияти тахминий ёки уйдирма гаплар бўлади. "Вужуд тафаккури" аслида бир илм тармоғи. Унда аввал тана, кейин бирин-кетин ахлоқ, нафс, руҳ, хаёл сирлари ўрганилади. Умуман айтганда, Навоийни ўқиб англаш, англаб муҳокама юритишнинг ҳикмати кўп:

– биринчидан, инсон ўзини маънан ночор, афтода ҳис қилмаганидек, ҳаётга ҳеч вақт бадбин, ишончсиз нигоҳ билан боқмайди;

– иккинчидан, ўз тақдирини тили, дини, тарихи, миллати ва юртидан айри ҳолда тасаввур этмайди;

– учинчидан, моддиётни деб маънавиятни, зоҳирий борлиқлар шавқига берилиб, ботиний мавжудликларни унутмайди.

Тўртинчидан, дунё ва аҳли дунё аҳволига шоир, мутафаккир, мутасаввиф Навоий кўзи билан қарашга интилиб, фанони бақодан фарқлашга бир қадар малака ҳосил қилади. Бу эса энг муҳими. Чунки ростни ёлғондан, ҳақни ноҳақдан, муқимни муваққатдан ажратолмаслик инсонни тақлидчилик гирдобига ташлайди. Тақлид – фикрий меҳнатни раво кўрмаслик, кимгадир эргашиш, кимгадир ўхшашдан нарига ўтолмаслик дегани. Маълумки, коинот ҳеч қачон тўхташ ва турғунликни тан олмайди – тинимсиз равишда эврилиб, янгиланиб бораверади. Шунинг учун ҳар бир нарса ё мавжудлик бошқа бир шакл, ўзга ранг ва руҳга кириши муқаррар. Инсоннинг ҳис, туйғу, тасаввур ва хаёллари ҳам ўзгаради ҳамда бойийди. Мана шу янгиланиш "нуқта"сида ҳар ким ўзича ижодкор, ўзича шоир ё мусаввир бўлмоғи керак. Яъни Навоий айтмоқчи, "Кўнгил ичра дарду ғам аввалгиларга ўхшамас"лигини билмоғи лозим. Афсуски, турмуш ва ижтимоий муҳит кўпинча бунга имкон бермайди. Айни шу кемтиклик даҳо ижодкорлар асарларини ҳис қилиш, англаш ва талқин қилишда ҳар турли тўсиқ ёки чалғишларни юзага келтиради. Навоий ижодиётининг маъно-мазмунини зарур даражада мушоҳада этилмаслигининг бир сабаби мана шудир.

Ш.Н.: *Шекспир инглиз, Гёте олмон адабиётини ҳаракатга келтиргани каби Навоий ҳам ҳозирги давр ўзбек адабиётини ҳаракатга келтириши, ҳар бир янги адабий оқим, янги адабий йўналиш, янги шакл ичига ўзига хос тарзда ҳар гал янги нафас билан кириб бориши керак эди. Устоз, Сиз бугунги адабий жараён ва Навоий сиймосини қандай умумий манзарада тасаввур қиласиз?*

И.Ҳ.: Навоийнинг шахсияти томонидан ҳам, шоирлик маҳорати нуқтаи назаридан ҳам хусусан бугунги адабий жараёнда наинки ворислик, собит бир издошлик ҳам кўзга ташланмайди. Инглиз ижодкорлари Шекспир, немислар Гёте, рус адиблари Пушкин мактабидан таълим олмасликни ноқисликмас, эҳтимол, гуноҳ ҳисоблашар. Бизда бундай эмас: Яссавийни, Навоий ё Огаҳийни ўқиб-ўрганмасдан ҳам шоир бўлдик деб ўйловчиларга ҳар қадамда дуч келишимиз мумкин. Улар Навоийни номига мақтаб, умумий "урф"га

кўра унга сиртдан эҳтиром кўрсатишдан асло хижолат чекишмайди. Бироқ бирор марта Навоийнинг тафаккур ва руҳ водийсида сайр айлаш учун тил, тарих, дин, тасаввуф ва фалсафа билан бирга турк ҳамда форс тилидаги мумтоз адабиётни билиш зарур, деган гапни хаёлдан ҳам ўтказишмаган. Навоий ижодиётининг туб илдизи Шарқ тамаддуни заминида – Ғарбникида эмас. Бир мутафаккир ижодкор "Одам ё шарқлик бўлади, ё ғарблик", дейди. Бу фикрга тепадан туриб эътироз билдириш нотўғри. Негаки, инсон айни бир пайтда ҳам насроний, ҳам мусулмон бўлолмайди. Бу ҳақиқатни тушунган қалам соҳиби ғарб кишисининг фикр-қараши ва психологиясини "миллийлаштириш"га сира куч сарфламайди. Демоқчимизки, Яссавий, Аттор, Румий, Жомий ва Навоийни четлаб эришилган ижодий янгилик қурбу қувватдан маҳрум янгилик бўлиб қолаверади. Кўз тегмасин, неча замонлардан кейин халқимиз энди эркин нафас олиб, таҳлика ва қўрқувни унута бошлади. Хушомад ва тилёғламалик ўйинлари тўхтатилиб, маддоҳлик овозлари ҳозирча бир қадар тинди. Бизнинг ўйлашимизча, Аллоҳ хоҳласа, бундан буёғига халқнинг ўзи Навоийни ҳаққоний ҳис этиш ва англашга йўл излайди, қандай бўлмасин шеърият султонига маънан яқин боради. Навоий беназир тилшунос, адабиётшунос, тарихчи олим. Буни ҳамма билади. Навоий дин дарғаси, дили ёниқ мутасаввиф, беназир файласуф, сиёсат ва давлат арбоби... Кўпчилик буни ҳам яхши англайди. Аммо буларнинг ҳеч бири Навоийнинг шоирлигидан олдинги мавқега кўтарилган эмас. Навоий учун шоирлик юрак ва руҳоният шавқи, номус ва қисмат машаққати эди. Навоийга дунёнинг пасту баланд, мақбулу номақбул ишлари бир ён, шоирлик бир ён эди. Шоир бўлиш, шоир бўлганда ҳам тенгсиз санъаткор бўлиш учун дунёга келганини у ҳамма нарсадан ортиқ аниқ ҳис қиларди. Шоирлик илҳоми, шоирлик изтироби, шоирлик шарафи Навоий шахсиятининг ёлқинини акс эттиради. Албатта, унинг кўнгил осмонида ой ҳам, турфа-турфа порлоқ юлдузлар ҳам бўлган. Бироқ шоирлик, ошиқлик Навоий сийратининг офтобидир. Акс ҳолда у жунун мақомига юксалолмас ва:

То тутди жунун йўлин Навоий,
Ким бўлди ватанга раҳнамойи,

деёлмасди. Навоий шеъриятидан атайин ижтимоий, сиёсий, ахлоқий, дидактик ёки диний-тасаввуфий мазмун ахтармаслик, алламбало тарғиботлар юзасидан уни уни ҳар ким ўзига манзур бир қиёфада кўрсатишга уринмаслиги керак. Навоий ҳам дунё, ҳам охират, ҳам шодлик, ҳам қайғу, ҳам умид, ҳам армон, ҳам бахт, ҳам бахтсизлик, ҳам висол, ҳам ҳижрон, ҳам ўтмиш, ҳам замон шоири. Унинг сўз, туйғу, фикр, хаёл ва ҳолатларини кундалик турмушнинг тор, биқиқ, ўткинчи талабу манфаатларига мувофиқлаштириб бўлмаганидек, бешафқат ҳаётнинг ёлғон, алдов, риё, ҳийла-найрангларига хизмат эттиришдан ҳам тийилиш лозим. Чунки Навоий шеърларида ҳар бир маъни, рамз, белги ва ишорат софлик, гўзаллик, илоҳийлик ёғдусидан сайқал топган.

Ш.Н.: *Навоийшуносликнинг бугунги ҳолати қандай? Бизда янги давр навоийшунослиги қачон шаклланади? Уларнинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат бўлиши керак? Хориж навоийшунослиги билан қиёслаганда ўзбек навоийшунослигининг ўрни, нуфузи қандай?*

И.Ҳ.:Ижтимоий-гуманитар фанларнинг аҳволи қандай бўлса, навоийшуносликники ҳам қарийб шундай. Албатта, бу жабҳада ҳам маълум ютуқ, эътиборга молик натижалар қўлга киритилган. Хорижий ўлкаларда Навоий мавзусида анча-мунча тадқиқотлар яратилган. Лекин истаймизми, истамаймизми, навоийшуносликнинг пойтахти – Ўзбекистондир. Чунки навоийшуносликнинг машаққат ва масъулияти ўзбек олимларининг зиммасида. Шундан келиб чиқиб таъкидлайдиган бўлсак, навоийшунослик ёш ва талантли тадқиқотчиларни камолга етказиб, тубдан ислоҳ этишга жуда-жуда муҳтождир. Сўнгги

вақтларда навоийшуносликда сохта, ғайриилмий тамойил мавқе қозона бошлади. Бу ҳам тасодифий уриниш ёки уюшиш эмас, албатта. Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида илм-фаннинг аҳволига холис баҳо бериб, "Биз йигирма беш йил илм билан шуғулланмадик. Бор илмни йўқ қилдик", деган эди. Қанчалик аччиқ бўлмасин, бу фикр – ҳақиқат. Саёзлик, лаганбардорлик кўникмаси, балки, буни тан олишга монелик этар. Бироқ масалага тарихан ёндашилса, эътирозга асло ўрин қолмайди. Навоийнинг олисни кўриши ва башоратига фақат ҳайрон қоласан киши. Улуғ шоир беш юз эллик йил муқаддам "Илмни ким воситаи жоҳ этар, Ўзинию халқни гумроҳ этар" деб, илмдан мол-мулк, бойлик, мансаб, мавқе воситаси ўлароқ фойдаланиш фожиасига диққатни тортган эди. Биз ҳатто шу огоҳлантириш, ҳушёрликка чорлашга ҳам амал этолмадик. Охир-оқибатда рост сўзга оғиз жуфтлаш ҳам ёқимсиз, умумий кўникмага қарши уринишга ўхшаб қолди.

Ш.Н.: *Устоз, суҳбатларимиздан бирида Навоийни бир неча босқичда ўқувчилар оммасига тақдим қилиш керак дегандингиз.*

И.Ҳ.:Ҳозир ҳам шундай фикрдаман. "Занжирбанд шер қошида", "Камол эт касбким" китобларим ёш ва ўспирин йигит-қизларга мўлжаллаб ёзилган. Навоий инсон умрини тўрт фаслга ажратиб номлаганидек, турли ёшдаги ўқувчиларни назарда тутиб, навоийшунослар ҳам тили содда, услуби жонли ва равон рисолаю китоблар ёзиши керак. Айтайлик, болалар учун ёзилган асарда болалик талаби, ҳолати ва эҳтиёжлари инобатга олинса, Навоийни ёшларга танитишда нисбатан бошқача мақсад ва усулда қалам тебратилади. Навоий ижоди босқичма-босқич ўрганилиб, қарабсизки, навоийхонлик ўз-ўзидан тармоқланиб кенг қулоч ёзиб бораверади.

Ш.Н.: *Устоз, Сиз меҳнат қилаётган ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида бир неча йиллардан буён Навоий ижодига бағишланган тадқиқот лойиҳалари устида иш олиб борилади. Бизни амалий натижалар қизиқтиряпти.*

И.Ҳ.:Мақсадингизни англадим. "Навоий қомуси" тўғрисида сўрамоқчисиз. Икки жилдга мўлжалланган "Қомус"нинг қўлёзмаси уч жилддан ҳам зиёдроқ ҳажмда ёзиб тугалланди. Энди ҳамма гап уни кўнгилдагидай таҳрир қилиб, сифатли нашр эта билишда. Унга киритиладиган мақолаларнинг маълум бир қисми журнал, тўплам ва китобларимизда эълон қилинди. Қомус яратиш осон эмаслигини ким билмайди дейсиз? Бу ишнинг ҳам ўз қонун-қоида ва шартлари бор. Биз, албатта, уларга риоя қилиш ва ижодий ёндашишга уринганмиз. Лекин охир-оқибатда нашр тақдирини барибир маблағ ҳал этади. Навоийнинг муборак номи ва буюк шарафи қаршисида ҳеч қанақа моддий нарса тўсиқ бўлиб қололмайди, деб умид билдирамиз.

"Жаҳон адабиёти" 2018 йил 2-сон

НАВОИЙ ВА БИЗ

(адабий – танқидий ўйлар)

I

Алишер Навоий зулм ва зўравонлик, ижтимоий-сиёсий ҳақсизликларга кўксини қалқон қилган ҳақпараст санъаткор эди. Салтанат ва сиёсатдан келадиган адолатсизликлардан, ташқи муҳитдаги ҳар турли ёвузликлардан инсонни ҳимоя айлашга чоғлангани боис ҳам Навоий ишнинг сўздан ажралиб қолиши, у ёки бу моддий манфаат юзасидан тарк ҳолидан йироқлашишга ҳеч ён бермаган.

II

Абусаид Мирзо ҳукмронлиги тугагач, хусусан, Ҳирот ва ҳиротликлар учун эркинликни орзу этишга унча ҳожат қолмаганди. Ҳамма ўз қобилияти ва ҳунарини бемалол юзага чиқариб, янада илгари одимлаши мумкин эди. Ижтимоий-моддий турмушнинг барча жабҳасида ташаббус ва ғайрат қўллаб-қувватланадиган давр бошланганди. Албатта, бунда Алишер Навоийнинг ҳиссаси ҳам катта эди. Навоий ҳар бир киши билан унинг касби, ҳунари, имконияти юзасидан сўзлаша олар, олим билан олим, санъаткор билан санъаткор, мутасаввиф билан мутасаввиф, диндор билан диндор, деҳқон билан эса деҳқон тилида гаплашарди. Жамиятдаги ҳеч бир ижтимоий қатламнинг психологияси ва ички майллари унга тушунуксиз эмасди.

Ҳеч шубҳасиз, Навоий дин ва шариат алломаси эди. У фақат шариат ва тасаввуфда эмас, бадиий ижод, санъат ва мусиқада ҳам мустаҳкам диний-руҳоний пойдевор бўлиши зарурлигини бехато англар ва ҳамма соҳада ҳаёт талабларини доимо олдинга қўярди. Адабиётни ривожлантириш унинг ғоявий-бадиий куч-қувватини ошириб, уни халққа яқинлаштирмоққа у алоҳида аҳамият берган.

Хуллас, миллат онг ва тафаккур учун олис тарихда қолган нима нарсани қайта тирилтириш ёки ислоҳ қилиш зарур бўлса, Навоий улардан, деярли, ҳеч бирини назардан соқит қилмаган. Шу маънода Бобур Мирзонинг: “Аҳли фазл ва аҳли ҳунарға Алишербекча мураббий ва муқаввий (қўллаб-қувватловчи, кўмак берувчи) маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлғай”, – деган сўзларини қайта-қайта хотирлаш лозим. Ҳақиқатда ҳам, қадим Ҳирот ва азим Хуросон ўз тарихи мобайнида илм, ижод, саъат ва ҳунар аҳлига Навоийга тенг келадиган ғамхўр, муҳофиз, олийҳиммат ва холис зотни кўрмаган бўлиши керак. Ўзи табиатан гўзаллик ва ижод кишиси бўлганлиги, илмий, маданий, адабий юксалишни ҳар нимадан юқори қўя билгани туфайли ҳам Навоий неча юзлаб шоир, олим, мусаввир, мусиқачи, санъат ва ҳунар вакилларини сўзига иконтириб, ортидан эргаштиришга мушарраф бўлганди. Навоий маъқуллаган айтарли ҳар бир нарсани кўпчилик маъқуллаган, севса севгудек, суянса суянгудек шоири аралашган ва бош қўшган кўпдан-кўп юмушлар эл-юрт манфаати даражасида баҳоланган. Чунки ҳар кору ҳолда Навоий холис бўлган. Ҳар бир истеъдод соҳибининг ютуғини мутлақо беғараз, тўда ёки гуруҳ манфаатидан йироқ ҳолда баҳолай билган. Хуллас, Навоийнинг беқиёс ва серғайрат шахсияти ўзи яшаган даврнинг эмас, балки барча давр ва замонларнинг ишонч ҳамда илҳом тимсолига айланган.

III

Навоийнинг Мажнуни олис ўтмишдаги араб қавмига мансуб бир ошиқ деб қаралса-да, аслида у ўн бешинчи аср мусулмон муҳитидаги эркин ва ҳурриятчи инсондир. Ҳаётнинг туб мазмунини у, аввало, эркинликда, деб билади ва ишқ йўлида эркига қарши бўлган ҳамма тўсиқни четга улоқтириб ташлашга жаҳд қилади. Одамга ишқ-муҳаббат, албатта, эрк беради, аммо ишқ ҳурлик, озодлик нуридан қонмаса, висол ҳижронга, бахт, иқбол, саодат деганлари фожиага дўнади.

Мажнун шундоқ зукко ва ҳассос йигитки, наинки одам, оламнинг ҳам сир-асрори ҳурликда яширинганини бехато англайди. Халқу халойиқнинг жуда катта қисми озодлик учун курашмаслиги, ҳатто ҳурликни яхши кўрмаслигини теран фаҳмлаган Мажнун унга душманлик кўзи билан қарашларидан эмас, ишқ гўзаллиги, ошиқлик ҳолининг таҳқирланишларидан изтироб чекади. Ошиқликнинг бош шарти ва талаби эрк бўлгани боис ҳам у қуллик, қарамлик, турғунлик бағридаги жамиятни тарк этади. Қарангки, шу тарк уни асосий қийинчилик ва қийноқлардан қутқазади. Қисматидаги азоб ва зиддиятлар Қайсни аҳли дунёга бутунлай тушунарсиз жунун мақомига кўтаради. Шунда унинг кўнгли ва руҳида ишқ ирфонга, ирфон эса ишққа ўрин бўшатади. Ориф Мажнун ошиқ Мажнунни суяб ишқнинг туб моҳияти, оламшумул аҳамиятидан сўз юритади:

Эй ишқ, ғариб кимёсен,
Бал оинаи жаҳоннамосен.
Ҳам зотингга дарж кимёлиқ,
Ҳам ойнаи жаҳоннамолиқ...

Шоир Лайли ва Мажнун қисмати, маънавий ҳолатлари билан бирга, улар мансуб ижтимоий-сиёсий, маданий-ахлоқий муҳитга ҳам “ойнаи жаҳоннамо”дан назар ташлайди. Достондаги қабилачилик, уруғ-аймоқчилик, маҳаллий маҳдудлик ва жаҳолатга қарши муносабат, кучли исённинг тахминан ярмидан кўпи – Навоийнинг танқидий муносабати ва исёнидир. “Хамса”нинг бошқа достонларига нисбатан “Лайли ва Мажнун”да Навоийнинг адабий шахси, шахсий хусусиятлари кўпроқ, тўлароқ аксини топган. “Хамса” достонларида макон, замон ва давр нисбий аҳамият касб этгани боис Мажнунни барча асрларнинг маънавий қаҳрамони, деса ғалат бўлмайди.

IV

Алишер Навоий буюк тилшунос, адабиётшунос, тарихчи олим, давлат ва жамоат арбоби. Буни ҳамма билади. Навоий улуғ бир дин вакили, мутасаввиф, мутафаккир толмас сиёсатчи. Буни ҳам кўпчилик яхши англайди. Лекин буларнинг ҳеч бири Навоийнинг шоир-мутафаккирлигидан олдинга ўтганмас. Шоир бўлиш, шоир бўлганда ҳам зўр, бетакрор шоир бўлмоқ учун туғилганини Навоий ҳамма нарсадан ортиқ ҳис қилар, илҳом юз очган чоғларда замин билан само гўё ўрин алмашарди. Навоий ҳам дунё, ҳам охират, ҳам шодлик, ҳам қайғу, ҳам бахт, ҳам бахтсизлик, ҳам висол, ҳам ҳижрон, ҳам ўтмиш, ҳам келажак ижодкоридир. Унинг сўз, фикр, туйғу, хаёл ва армонларини турмушнинг тор, биқиқ, ўткинчи талаб ва манфаатларига мувофиқлаштириб бўлмаганидек, уларни ёлғон, ҳийла, алдов ва сохтакорликларга хизмат эттиришнинг йўли ҳам беркдир. Чунки Навоий шеъриятида ҳар бир нарса гўзаллик, софлик, илоҳийлик сифатлари билан сайқалланган.

Инсоният бор экан, Навоий шеърияти ҳаётий, маънавий, ахлоқий зиё манбаи бўлиб қолаверади. Буюк шоирбу дунёга келишнинг кетиши – қайтиши борлигини ҳар жиҳатдан теран талқин этиб берган муршид ва мураббий ҳамдир.

V

Биз нима демайлик ва қандай изоҳ бермайлик, ўтган асрда ҳам, кейинги юз йилликнинг аввалида ҳам Алишер Навоий ижодиётида турли шаклда талқин этилган жавонмардлик, тасаввуф, маломатийлик, ишқ ва ирфон ғоялари ўқувчи қалбига таъсир ўтказиб, маънавий оламини ўзгартирадиган зайлда ёритиб берилгани йўқ. Ҳатто айрим навоийшуносларнинг ботиний ҳаётида бирор янгиланиш бўлган дейиш душвордир. Чунки шахси ва табиатига бегона, ўзи инонмайдиган туйғу, ҳолат ва тушунчалар тўғрисида сўзлаб, амалда улардан йироқ ақида ва кўникмалар билан яшаш икки қиёфаликни қўллаб-қувватлаш демак. Бунинг аниқ бир далили ва исботи диндор, мутасаввиф, ориф, фақир Навоийнинг асл қиёфасини йиллар мобайнида сохталаштирилганидир. Мустабид совет давлати даврида шундай бир ақида шаклланган: ҳеч кимга, ҳатто Аллоҳга ҳисоб бермасанг, берма, аммо давр, сиёсат, расмий мафкура йўл-йўруғи ва талаби бўйича амалга оширилган Навоийни замонавийлаштириш ишларига асло қаршилик кўрсатма. Бу эса улуғ шоир ҳаёти, шахси, дунёқараши, ижодиётига доир маълум гаплар, саёз ва сохта таҳлилларнинг ортиб боришига кенг йўл очган. Ва бу ғайриилмий йўналиш давлат, партия арбоблари томонидан назорат этиб борилган. Мен яхши англайман: устод Садриддин Айний, Ойбек, Е.Э.Бертельс, Мақсуд Шайхзодалар анча тўғрисўз, қатъиятли, тамадан йироқ, дид ва савияси Навоийни ўрганишга муносиб тадқиқотчилар бўлишган. Зулм кучайгани сайин ортиб борган қўрқув, таҳлика ва эътиқод сустлиги, минг таассуфки, уларга маслакдош, чин издош олимларнинг сонини камайтирган. Аста-секин Навоийга қарши нуқтаи назар ва фикрлар билан навоийшунослик қилиш айб ҳам, уят ҳам саналмаган. Катта-кичик ҳар бир олим Навоий ижодиётидан ўзича пролетар доҳийлари таълимотига мувофиқ келадиган фикр-мулоҳазаларни топишга астойдил уринган. Бу ҳолдан кўз юмишнинг ҳеч иложи йўқ. Негаки бошқа тарихлар сингари навоийшунослик тарихини ҳам ўтда ёқиб, сувга чўктириб бўлмайди.

Коммунист навоийшунос ва уларнинг содиқ, ғофил, ҳавойи муридларини айблаш ё қоралашнинг энди ҳожати йўқ. Боз устига улар аллақачон аввалги манқуртлик, қатъият ва пешқадамликларидан воз кечишган. Бироқ илмдан ким қандай мақсадни кўзлаган, Навоий ижодиётини қанақа тубан манфаатлар туфайли сохталаштиришга бош қўшганини билиш, муҳокамадан ўтказиш ва хулоса чиқариш лозим. Бўлмаса, адабиётшунослик сингари навоийшуносликда ҳам туб эврилиш юзага келмайди. Ростини айтганда, мустақилликдан кейин ҳам навоийшуносликнинг коммунист олимлар тасарруфида қолиши олдингидек Навоийни халққа яқинлаштириш, шоирнинг илмий-адабий меросига қуллик ва мутеликда яшаб келган омма қизиқишининг ўзгаришига имкон бермади. Бугунги асосий вазифа Навоий ижоди омма савиясига мослаш эмас, унинг дид ва савиясини Навоий асарларини англаш даражасига олиб чиқишдир.

VI

Алишер Навоий ижодиётининг зоҳирий, яъни ташқи жиҳатлари тўғрисида ўзбек навоийшунослигида ҳам, хорижий навоийшуносликда ҳам кўп ишлар қилинган ва уларнинг маълум қисми такрор ёки ифодаси ўзгартирилган қайтариқлардан иборат. Лекин шоир шеърий меросининг ботиний моҳиятидан баҳс юритилган тадқиқотлар йўқ ҳисоби. Ваҳоланки, навоийшуносликнинг асосий вазифаси Навоий асарларининг маънавий, маърифий, руҳоний маъноларини очиб беришдир. Маълумки, совет замонимоддиётчилик, зоҳирбинлик замони эди. Бундай вазиятда сийрат билан қизиқишга зарурият ҳам бўлмаган. Шунинг касофати бўлса керак, бугун ҳам “навоийшуносман”, деб юрганларнинг аксарияти билан Навоий ижодининг ички олами ҳақида фикрлашиб бўлмайди. Чунки улардан ҳар

бири маънавийни моддийдан, руҳонийни жисмонийдан фарқлолмайдиган бир аҳволга тушиб қолишган.

VII

Ҳар қандай илмий-назарий қараш, фикр ёки тушунчанинг асосий манбаси адабий матндир. Адабий матн эса фақат ижтимоий, сиёсий, ахлоқий мазмунларни эмас, балки соф миллий, диний, ирфоний ҳақиқатларни ҳам акс этиради. Шунинг учун хорижий бир адабиёт намуналарига таяниб топилган термин, ибора ва назарий қонун-қоидаларни тақлидчилик йўли билан ўзлаштириб миллий адабиётга тадбиқ қилиш ғайриилмий устомонликдан бошқа бир нима эмас. Афсуски, адабиётшунослик ва танқидчиликда кенг томир ёзган бу ҳодисага ҳанузгача чек қўйилган эмас. Ваҳоланки миллий адабиёшунослик тил, маслак, тадқиқ холислиги ва талқин жонлилигидан бошланади. Қайси муқаллид олимки, хориждан ўзлаштирилган термин, тушунча ёхуд илмий-назарий “янгилик” билан гапни айлантирса, билингки, унинг миллий шуури, маънавий-эстетик қаноати сингари савияси паст,диди ночордир. Олдинги авлод навоийшуносларининг тажрибаларига очиқ, тўғри ва холис муносабат билдирилмагани боис Навоий асарларини ўзгача бир қитмирлик билан қолиплаштириб, моҳиятни бузиб, ўзбошимчалик билан сохталаштириб талқин этиш янгидан йўлга қўйилди. Агар бундай илмбозлик, бузғунчилик ҳаракатига чек қўйилмаса, худди аввалгидек Навоийни кўкларга кўтариб мақташ, чиройли сўзлар билан шарафлаш давом этавериб, юрт, миллат, ҳақиқат ишқида ёнган шоир ижодиётини ўқиб-ўзлаштиришда сезилари бир силжишга эришилмайди.

VIII

Анча узоқ йиллардан буён мен кўраман, кузатаман: ички бир истак, майл, фикрий ташаббус билан Алишер Навоий асарларини мутолаа қилишга вақт ажратадиган ўзбек амалдорларининг сони ҳаддан ташқари сийрак. 9 февраль яқинлашиб, бирор бир йиғин ёкиучрашув ўтказиш мўлжалланганда улар Навоийни эслашади. Бошқа пайт асарлари нари турсин, Навоийнинг кимлигини ҳам ўйлаб кўришмайди. Менинг назаримда, Навоий ҳақида энг кўп ёлғон айтиладиган кун шоир таваллуд топган кун. Чунки ундан-мундан ўзлаштирилган китобий гаплар бир-икки кун ўтмай бутунлай унутилади. Мансабдор ва давлат мулозимлари сидқидилдан Навоийни ўқиб, мушоҳадага киришса улардан кўпининг маънавий, маъруфий савияси, ҳеч шубҳасиз, ўзгаради, калондимоғлик, худпарастлик, такаббурлик, риёкорлик, муттаҳамлик, порахўрлик, ғирромлик сингари ўнлаб офатлардан ҳар қалай ўзини чеклайди. Бироқ ҳеч қачон бундай бўлмаган, бўлиши ҳам жуда қийин. Навоийни ўқиб-ўрганаётирмиз, деб биз ўзимизни алдаймиз. Навоий ёзиб қолдирган олий фикр ва ҳақиқатларни, албатта, амалга оширамиз деймиз, бироқ эътирофимизга ишонмаймиз, Навоийни “авлиёларнинг авлиёси”, дея улуғлаймиз, бироқ тил бошқа, дил бошқалигидан уялмаймиз. Навоийни ўқиб, етарли зайлда англаганлар халқ ва миллат мақомини эгаллашига инонса бўлади. Эгалламаганлар-чи? Оломонлигича қолади. Буни, айниқса, зиёлилар, илм ва ижод вакиллари чуқур билиши керак.

Машҳур олмон олими ва файласуфи Фридрих Нитше ёзади: “Кўзимизни қоплаб олган оптимизм пардасини Шопенгауэр йўқотганидан буён ҳаётни яхши кўраётирмиз. Ҳаёт ҳар не қадар янада чиркинлашган бўлса ҳам анча қизиқарли ҳолга келгани муҳаққақдир».

Қизил империя даврида кўзимизга ва онгимизга қопланган “некбинлик пардаси”ни йўқотадиган даҳо шоиримиз Алишер Навоийдир. Маълум бир тоифа ёки гуруҳнинг эмас, Навоий бутун миллат ва Ватаннинг халоскори эканини сира унутмаслик лозим!

Тасаввуф аҳлининг маълумот беришича, инсоннинг маънавий уйғониш ва ўзини таниш нуқтасида башарий, нафсоний ирода билан илоҳий ирода орасида баъзан анча узоқ ва кескин бир мужодала бўлар экан. Олишиб-талашган икки тарафни бир-биридан ажратиш чегарасига етган қулга тўрт сас, тўрт чақириқ эшитиларкан. Уларнинг иккиси хайр ва илоҳий иродага, қолган иккиси шарр ва нафснинг иродасига ён беришга ундар экан. Буларни хотири Ҳақ, хотири малак, хотири шайтон, хотири нафс, дея номлашган. Ҳақ ва малакка нисбат берилган хотир (сас, овоз, садо) инсонни яхшилик, эзгуликка чақирса, шайтон ва нафсдан келган хотир ёмонлик ва тубанликка чорлаган. Алишер Навоий шеърларини синчиклаб ўқиган ўқувчи ана шу тўрт хотирни аниқ тасаввур қилади ва уларнинг сасу садосини эшитишни ҳам истайди. Ушбу хотирлар орасида нафсга тегишли хотирга Навоий диққатни кўпроқ қаратиб, ундан етадиган сасларни шарҳлайди.Масалан, шоир бир рубоийсида:

Нафс амрида ҳар нечаки толпинғайсен,
Кўп гарчи бутунлуқ тиласанг, синғайсен, –

дейди. “Нафс амри” дегани аслида хотири нафсдир. Унинг саси, овозига таслим бўлган кимса, албатта, синади, парчаланади ва ҳеч вақт бутунликка эришолмай ўтади. Хотири нафс инсонга ҳукмини ўтказдими, демак, хотири шайтонга ҳам йўл очилади ва икки “ўт” орасида қолган киши ҳамиша бир ички нотинчлик, қаноатсизлик, азоб, майдакашлик ичида кун кечиради.

IX

Аҳли маърифатнинг эътирофлари бўйича, пайғамбарлар қанча фикр ва ҳикматни ўртага ташлаган бўлишмасин, асил мақсадлари уларнинг тўртта бўлган.

Биринчиси, одамларнинг дунёга алданмаслик, ундан эҳтиёжига яраша фойдаланиш ва молу мулк ҳамда мартабанинг турли азоб-уқубатларга сабаб бўлишини билиши, яъни тарк ҳолининг моҳиятига етишиши.

Иккинчиси, халқу халойиқнинг ёмон ахлоқдан қутулиб, яхши ахлоқ, чиройли хулққа соҳиб бўлиши.

Учинчиси, инсонларнинг сўзда ҳам, амалда ҳам тўғриликка риоя қилиши, дилдаги билан тилдагининг бир-биридан ажралмаслиги.

Тўртинчиси, халқнинг илм эгаллашни жойига қўйиб, ожизлик ва илмсизликларини эътироф айлай олиши.

Шу нуқтаи назардан Алишер Навоий ижодиётига ёндашилса, нубувват таълимоти буюк шоирнинг илҳом чашмасидан бири бўлганлигига ҳеч шубҳа қолмайди. Унинг асарларида ахлоқ камолоти ва гўзаллиги тушунчаси қанча кенг, нечоғли теран ёртилган бўлса, илм-маърифат мавзусига ундан ҳам ортиқроқ миқёсда эътибор қаратилган. Фикр, ҳол ва фаолиятдаги ростликнинг куч-қувватини дарж айлашда Навоийнинг панжасига панжа урадиган санъаткор ғоятда оздир.

Мутафаккир шоирнинг ҳар ўн шеъридан камида тўрт-бештасида тарк, тарки дунё, тарки уқбо, тарки ҳасти талқинига дуч келинади. Навоийга кўра, тарк ҳали инсон табиатини кераксиз хасу хашаклардан тозалаб, фаҳму фаросатнинг кучайишига яқиндан ёрдам беради. Амалда тарки ҳасти – ўзликни тарк этишга эришган одам ўзини қушдай енгил, эркин ҳис қилиб, моддий дунёнинг асосий тузоқларидан қутқазади.

X

Алишер Навоий фанони бақода, бақони фанода идрок эта билган мутасаввиф санъаткор. Дунёдаги ҳамма нарса ва мавжудликнинг сифати ҳам, қисмати ҳам фаноликдир. Фақат биргина бақо мартабисига соҳиб Аллоҳ. Бу эса Аллоҳ билан боғланмаган ҳеч қандай борлиқда бақо хусусияти бўлмайди, дегани бўлади. Борни йўқ ҳолида кўриш, йўқни бордай тасаввур айлаш фано сирларидандир. Фано ҳақида илм ва ижод аҳли бир-бирига зид, гоҳо бири бошқасини инкор айлайдиган кўп фикрларни илгари суришган. Аслида фано борлиқни соядан, асл ва асосни кўлкадан ажратувчи мушоҳада ва завқ тажрибасидир. Бу маънавий малака наинки одам қавмидаги, балки оламдаги ёмонлик, ёвузлик ва разолатни тутдай тўкиб, башар қалбига осудалик ҳамда қаноат бағишлайди. Алишер Навоий шу ҳақиқатга суяниб, бандасининг ўзини ўзидан (башарий "мен"лигидан қутқазишидан ҳам сўзлайди:

Ул киши ўзни қилур аҳли фано базмида хос,
Ким, қилур ўзлики бирла ўзидан ўзни халос.

Шоир бошқа бир ўринда инсоннинг ўзидан ўзни халос айлашни ўзлик иоратини бузиш, деб ифодалайдики, бундан кўзлангани нафс "иорат"идир.

Кимки ўзлик иоратин бузди,
Нақди фано бўлди анинг музди...

Жунайд Бағдодийнинг таъкидлашича, фано инсоннинг ўз борлиғини Аллоҳ борлиғи билан ўзгартириш эмас, балки ўз орзуларини Аллоҳ амри ва фармойиши билан ўзгартиришдир. Шунинг учун Ҳақ йўлчисининг кўнглини дунёпарастлик майли ва нафсоний орзулардан тозалашга ҳам фано, дейилган. Мана шу натижага эриша олган ҳар бир киши эркин ва қаноатлидир.

XI

Инсон тирик ва ҳаракатда экан, унинг ўзгалар билан муомала-муносабатида англашмовчилик, зиддият, зоҳирий ёки ботиний келишмовчиликлар бўлади. Яқинлик ҳолидаги йироқлик, дўстлик ниқобидаги душманлик, саховат ва ҳиммат иддаосидаги нокаслик ёки бахилликларни-ку, адоғига етиш душвордир. Буларни бартараф қилиш ё четлаш учун ҳеч вақт "қарс икки қўлдан" чиқавермайди. Шу боис тилдаги гап ва эътирофлар кўпинча дилдагига мувофиқ келмайди. Ва айёрлик, ҳийла, риё, қитмирлик миқёсига қараб ўзаро адоват, ғанимлик давом топаверади. Бу беоқибатлик ва ичқораликка қандай чек қўймоқ керак?

Алишер Навоийга кўра, бунинг энг мақбул ва қулай чораси фақру фанодир. Чунки фано барча ғайриинсоний алоқа ва ўйинлардан халос айлаб одамга ҳурлик, осудалик эшикларини очади. Шоир ёзади:

Эл нифоқин кўрмайин десанг, Навоий, фоний бўл,
Чунки сен чиқсанг ародин кимга қилғайлар нифоқ.

Бунда "ародин" чиқмоқ кин, адоват, нифоқ бандаларидан ўзни йироқ тутиш маъносини

билдиради. Зеро, фонийвашлик оқни қорадан, тозаликни чиркинликдан, холисликни фисқу фасоддан фарқлаш, Махтумқули айтмоқчи, сўзингни ҳар нокасга раво кўрмасликдир. Навоий шеъриятида фано ва фановашлик гўё бир кўрсаткичдирки, дунёдаги ҳамма муваққат, маънисиз, тубан ва алдоқчи нарсалардан одамни огоҳлантириб, хабардор этиб туради.

"Бир кимсанинг фано ҳоли, – дейди Имом Раббоний, – том маъноси ила ниҳоясига етса, унинг маърифати ҳам мукаммаллашади. Фано даражаси паст бўлганларнинг ҳол ва маърифат даражаси ҳампаст бўлади". Фано ва фановашликка доир устувор ҳақиқатлардан бири мана шудир.

XII

Олам ўша олам, одам ўша одам. Шарт ва шароит ўзгаргани билан ғаму ташвиш ҳам айтарли ўзгармаган – ўша-ўша. Олийроқ мурод-мақсадга етишган киши кам. Демак, Алишер Навоийнинг:

Гар будур олам, кишига мумкин эрмас анда кам,
Ҳақ магарким ком учун бошдин ёротқай оламе,–

деган фикри ҳамон долзарблигини сақлаб турибди. Хўш, Ҳақ бани одам орзу-умиди руёбга чиқадиган бир олам яратиш мумкинми? Буни башорат этиш қийин. Модомики, шундоқ эканбекарор ва ўткинчи бу дунёда бандаси борини бозор айлаб яшашга мажбурдир. Навоийбайтида ҳам шу моҳият сингдирилган. Оламдан топмаган эзгулик ёки хотиржамликни аҳли оламдан истаса бўладими? Навоийнингбу саволга жавоби янада кескинроқ:

Йўқ вафо жинси бани одамда, бўл навмидким,
Сен вафо кўрмак учун халқ ўлғуси йўқ одаме.

Меҳри вафодан ном-нишон топилгач, табиийки, қалбда умидсизлик уйғонади. Аммо бу Аллоҳдан нажот тилашга дахл этолмайди. Вафо исташга муносибодам топилмаса-да, Аллоҳ таоло ҳеч қачон бандасини новмид қилмайди. Мана шунинг ўзи умид пойдеворидир. Буни чуқур англаш жафони вафо ўрнида қабул айлаш кўникмасини шакллантирганидек, бандасидан етадиган вафосизликка чидашга ҳам ўргатади. Донишманд шоир бу ҳақиқатни бир қитъасида шундай ифодалайди:

Агар оқил эсанг, узгил жаҳон аҳлидин улфатким,
Алардин жуз жафо келмас агар юз йил вафо қилсанг...

Хуллас, Навоий вафо ва жафо тазодини ана шу тарзда ҳал қилиб, инсонни ҳар не истаса, албатта, ўзидан исташга ("Ҳар не истарсан ўзингдин истагил") ундайди. Шу туйғу қанча кучайса, одамнинг ўзгалар билан муомала муносабатида беғаразлик, холислик ўшанча юксалади.

Мундарижа

М у а л л и ф д а н 7
Муқаддима 8
Навоийга қайтиш 10
Тасаввуф ва Навоий шеърияти муносабатига доир 22
Ишқ ва комиллик жазбаси 28
Мансур Ҳаллож ва Алишер Навоий 35
Маъруф ва ориф 40
Тернинг сири 45
Теранлик садоси 49
Оқиллик ва ғофиллик 51
«Айла басират кўзи бирла назар...» 55
Яна қора ранг талқини ҳақида 58
Англаш заковати ёхуд 66
Фитратнинг «ноҳақ»лиги хусусида 66
«Кийик чарми заиф эгнимга...» 73
«Жуд эмас кўп базл учун...» 76
«Навбаҳор айёми бўлмиш...» 79
«Тенгри халқ этмиш мени гўё...» 82
«Эй кўнгул, келким...» 85
«Десам: бу су тузатур фикр қасрини...» 88
«Жунун водийсиға мойил...» 91
«Сен ўз хулқингни тузгил...» 94
«Жисмим аро жон айласам» 97
«Лабингдин хаста жонким бўлди бетоб...» 100
«Топмадим аҳли замон ичра...» 102
«Мени мен истаган ўз суҳбатиға...» 106
Сирнинг ботин сирлари 109
«Тасаввуф ризо аҳлидин яхши ахлоқ...» 112
«Кўнглумни ғаму дард ила қон айлади ишқ...» 115
«Йўқ даҳрда бир бесару сомон мендек...» 118
«Сабр арчи кишига ранж афзун айлар...» 120
«Риёий каъбадин дайри фаноға...» 122
«Чу разл ҳавсаласиздур...» 123
Фисқ – куфри ниҳоний демак 124
«Поклар жони бўлур озурда...» 125
«Илми дин касб қилки...» 126
«Мурувват барча бермакдур...» 126
Сўнгсўз ўрнида 130

ИККИНЧИ КИТОБ

Миллат ва мангулик тимсоли 133
Бадиий матн ва таҳлил муаммолари 138
Шеърий матн ва образ маънодорлиги 143
Навоий шеъриятида сўзнинг образга айланиш асослари 152
Навоий шеъриятида сўз ва маъно 157

Навоийнинг ваҳдат тушунчаси ва пантеизм 164
“Ул қуёш оқ уйдаю, мен...” 171
Тамалсиз талқин ғалатдир 175
Маъно ва тафаккур зиёси 180
Шеър тарихи ва ҳақиқат уйғунлиги 185
Тафаккур ва тасаввур чечаклари 190
Шоҳбайт - энг порлоқ байт 193
Навоий шеъриятида фано талқинлари 196
«Руҳ раҳмони эрур...» 201
«Не келмак аён булди, не кетмагим...» 205
Алишернинг туғилган куни 206
Шарҳ ва талқинлар 208
«Парим бўлса учуб қочсам...» 208
«Қаро кўзум келу...» 212
«Гар қилса киши қилиб гуноҳе, тавба...» 216
«Ё рабки, фано базмида...» 217
«Ким бўлса бу мотамкададек...» 220
«Қўрқутма мени тамуғдин...» 221
«То дашт баҳор бирла рангин бўлғай...» 222
«Оллимда табиби чорасозим ҳам йўқ...» 223
«Масжидқа неча аҳли риёдек етайин...» 224
«Элнинг адаби хушроқ эрур олтундин» 225
«Ҳар киши комил эрур...» 229
«Кўнглумда не маъни ўлса пайдо...» 235
«Навоийнингҳудудсиз олами» 238
«Агар сўзи чиндур- кўринур юзи...» 239
Янги давр навоийшунослиги: натижа, вазифа ва мулоҳазалар 242

УЧИНЧИ КИТОБ

Навоий ижодиётининг оламшумул аҳамияти 248
Навоий шеъриятида ҳақ ва шахс муносабати 254
Мулкгирлик савдоси ва толе ҳийласи 259
Руҳоният ва нафсоният тазоди 274
Навоий ва юнон фалсафаси 281
Тарих ҳақиқати – ҳақиқат тарихи эрур 286
«Зоҳид бўлма, обид бўлма...” 293
Комиллик орзуси 296
Тафаккур ва тасаввур чечаклари 298
Шахсият ва ижод муштараклиги 301
Навоий ва бобур 308
«Ёрдин айру кўнгул...» 313
“Гар қуёш васлин тиларсен...” 318
“Ҳар қачонким кемага ул ой...” 323
“Фалакдин гар манга ҳар лаҳза ...” 325
“Ишқ аро душвордур бўлмоқ...” 328
“Кўнгул ичра ғам камлиги...” 330
“Ё рабки, фано базмида...” 336

“Оллимда табиби чорасозим ҳам йўқ...” 339
“Гар қуёш васлин тиларсен...” 339
“Фалонға ажаб ҳол эрурким...” 342
«Камол эт касбким...» 343
«Бийик мақомиға улким...» 343
«Не раҳравеки, тожи ҳидоят...» 344
«Юзига асли ёмоннинг...» 345
«Важҳи маош учун...» 345
«Чун манга лутф этти шоҳ...» 348
“Қahoat гўшасин тутқилки...» 349
«Бордилар ёмғур дуосин қилғали аҳли риё...» 349
«Тавозўъ яхши, аммо...» 351
“Туҳфаларким юборди қайсари рум...” 354
“Тилингни асрағил...” 355
“Кимки беишқ илму дониш истагай...” 357
Муаммонинг кўзи очилса... 362
“Агар сўзи чиндур – кўринур юзи...” 368
Адабиёт – абадийлик ҳунари 370
Наҳот изтиробда доим тафаккур...” 373
Ҳақиқат ва шеърият султони 380
Алишер Навоий тахаллусларининг маъно қирралари ҳақида 383
Аносири арбаъа: моҳият ва шеърий талқин 388
Маломатийлик ва Навоий 394
Навоий шеъриятида тарк тушунчаси ва талқинлари 400
Навоий ижодида дунё тимсоли ва талқинлари 406
Навоий ижодида “адам ва вужуд” фалсафаси 413
Рамзий маъно ва талқин кўлами 423
Нафасга тенг нима бор? 426
Навоий шеъриятида идрок тамали 428
Навоий ва Фитрат 431
Ўзбек тасаввуф шеъриятининг ўрганилиши хусусида 438
Бадиий матн даҳлсизлиги ва нашр муаммолари 445
Баҳс эҳтиёжи билиш ва изланишдир 451
Олдинга ундашми ёки... 457
Яратиш эҳтироси 461
Иброҳим Ҳаққул, Шаҳноза Назарова 466
Навоий ва биз 471

УЎК 821.512.133.06(091)
КБК 83.3(5Ў)
И 28

Истиқлол даври навоийшунослиги: 30 жилдлик / Иброҳим Ҳаққул: Навоийга қайтиш; нашрга тайёрловчилар О. Давлатов, Д. Юсупова; Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фонди. – Т.: TAMADDUN, 2021. – 488 бет.

Ж.11: Иброҳим Ҳаққул: Навоийга қайтиш. – 488 бет.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978 9943 5123–5

© Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фонди, 2021

Илмий нашр

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ НАВОИЙШУНОСЛИГИ

ЎТТИЗ ЖИЛДЛИК
Ўн биринчи жилд

Иброҳим Ҳаққул

НАВОИЙГА ҚАЙТИШ

Нашр учун масъуллар: *О. Давлатов, Д. Юсупова*
Муҳаррир: *Одил Икром*
Мусаҳҳиҳ: *Шоҳрўз Мўминзода*
Техник муҳаррир: *Диёра Абдужалилова*
Дизайнер: *Баҳриддин Бозоров*
Саҳифаловчи: *Акмал Фармонов*

"TAMADDUN" нашриёти. 100029, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси 30-уй.

Нашриёт лицензияси рақами AI №247.
02.10.2013 йилда берилган.
Босишга рухсат этилди 15.07.2021 й. Бичими 84*108 $^{1}/_{16}$.
Cambria гарнитураси. Шартли босма табоғи 21.
Нашриёт табоғи 23 Адади 1 000 нусха.